

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Қ ҲАРФИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадда фойдаланиш (сотиш, кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.

Қ — ўзбек кирилл алифбосининг ўттиз учинчи ҳарфи. Чуқур тил орқа, шовкинли, портловчи, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Қўлланишига кўра ўртача фаол. Сўзнинг боши (қармоқ, қор, қўл), ўртаси (мақсад, оқил, тўксон) ва охирида (аниқ, илиқ, оғрик) кела олади; сўз ўртасида жуфт ҳолда ҳам қўлланади: раққоса, сокқа, такқос. Баъзи ундош ва унли товушлар билан ёнмаён келганда, улар таъсирида х ёки ғ каби талаффуз этилсада (махсад, тахсимот, тўхсон, чихди; ўртоғ, ўроғ), бу ҳолатлар имлода акс этмайди. Туркий халқлар, жумладан ўзбек халқи учун умумий бўлган деярли барча ёзувларда ўзига хос белгишакларга эга.

ҚАБЗИЯТ (араб. — тугилиш, қисилиш, қотиш), ич қотиши — узоқ вақт (2 суткагача) ич келмаслиги ёки қийинлик билан келиши; нотўғри овқатланиш,

нерврегуляция фаолиятининг бузилиши, ичак касалликлари ва бошқаларда кузатилади. Қ. касаллик белгиси, баъзан эса мустақил касаллик ҳисобланади. Яшаш шароити ўзгартирилганда, сафарга чиққанда ҳам баъзан Қ. рўй бериши мумкин.

Ичакнинг турли қисмлари ўсма, бавосил тугуни билан торайиб қолганда, тўғри ичакда ахлат йиғилганда («ахлат тоши») ҳам ич қотиши (механик Қ.). Қ.нинг атоник ва спастик (функционал) хили ҳам бор. Организмнинг умумий тонуси сусайганда, юқумли касаллик билан оғриб, узоқ вақт ётиб қолганда, одамнинг қони камайиб, озиб кетганда, деярли қолдиқ чиқармай, яхши ҳазм бўладиган энгил овқат (қанд, сутли овқат, тухум, гўшт) истеъмол қилинганда атоник Қ. пайдо бўлади. Ақлий меҳнат билан шуғулланиб, кам ҳаракат қилганда, овқатланиш режими бузилганда атоник

Қ. кўпинча одат тусига кириб қолади. Ични бўшагиш эҳтиёжи туғилганда бўшанмасдан, истак қайтара берилганда ҳам Қ. кузатилади. Ҳадеб клизма қилиш ва сурги дорилар ичавериш атоник Қ.га сабаб бўлади.

Ичакнинг айлана мускуллари узок тортишиб қолганда (спазм) с п а с т и к Қ. рўй беради. Вегетатив нерв системасининг ўта таъсирланиши (руҳий кечинмалар ва бошқалар) спазмга сабаб бўлади. Кўрғошин, анилин бўёғи, никотин (чекиш)дан сурункали заҳарланиш нагижасида пайдо бўладиган Қ. ҳам спастик Қ.га киради.

Қ.да корин оғир туюлади, тирсиллаб туради, мижғиб оғрийди, иштаха бўғилади, оғиз бемаза бўлади, бош оғрийди, кўнгил ғаш бўлиб, иш қобилияти пасаяди.

Д а в о с и : Қ. сабабига қараб олиб борилади. Атоник Қ.да кўп ҳаракат қилиш, сут ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган овқат, сабзавот, хўл мева, сут, қатиқ тавсия этилади. Одат тусига кириб қолган Қ.да ичакни бўшагиш шартли рефлекс вужудга келтирилади; ҳар куни эрталаб маълум вақтда ичакни бўшагишга ҳаракат қилинади. Наҳорга бир стакан совуқ сув ёки мева шарбати, қатиқ ичиш шартли рефлекс вужудга келтиришга ёрдам беради. Касалликнинг олдини олиш учун ҳар куни эрта билан бадан тарбия қилиш (корин мускуллари машқи), умуман организмни чиниқтириш, кун тартибини тўғри ташкил қилиш, витаминларга бой овқатлар ейиш керак.

ҚАБИЛА (араб.) — уруғ-аймоқ, бир ота-онадан тарқалган бир неча гуруҳ уюшмаси, этник бирлик. Наслнасаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гуруҳи. Қ. аъзолари ўртасидаги конқариндошлик алоқаларининг мавжудлиги, уруғ ва бўғинларга бирикиши унинг асосий белгисидир. Шунингдек, Қ.нинг бошқа белгилари ҳам мавжуд бўлиб, булар унинг маълум бир ҳудудга эга эканлигидан, кабиладошларнинг иқтисодий

бирлиги, ягона қабилавий тили ва номи, Қ. кенгаши ва ҳарбий бошлиқларнинг ўзини ўзи бошқаришдан иборатдир. Қ. иттифоқларининг тузилиши, бир Қ.нинг 2сини бўйсундириши, Қ.ларнинг бошқа ерларга кўчиб ўтиши, уларнинг ўзаро қўшилиб кетиб янада йирикрок этник бирлик — элатларнинг вужудга келишига олиб келган. Урхун ёзувларида мустақил Қ. барпо этиш учун 700 киши бўлиши лозимлиги айтилган.

ҚАБР, гўр — марҳумни дафн этиш учун тайёрланган махсус жой. Қ. ҳар бир халқнинг урф-одаги, яшайдиган географик муҳити, кишиларнинг табиийилмий тасавурлари, диний эътиқодларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ўликларни кўмадиган халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам Қ.нинг лаҳад, камин, тик чуқур ва сағана типлари бор. Аксарият ер ости сувлари чуқур бўлган қурғоқ жойларда лаҳад қазилади. Лаҳад типига Қ. Ўзбекистонда бундан 3500 йил илгариги *жез даври* қабристонларида ҳам учрайди.

Қ тайёрлаш учун ердан бир м³ чамаси тик чуқур — «айвонча» қазиб, унинг бир бурчагидан ўлик бўйи баравар горизонтал кавак — «лаҳад» қавланади, тупроғи ташқарига олинади. Улик қўйилаётганда гўрков лаҳад ичига тушиб, ўликнинг бош томонини қибла (ғарб)га қаратиб ётқизади. Лаҳаднинг тешигига ғишт, тош, гувала, чим қалаб бекитилади, сўнгра «айвонча» тупроқ билан тўлдирилади. Ортиб қолган тупроқ Қ. устига тепа қилиб уйилади. Камин (ёки камгоҳ) типига Қ.да ер бир метрдан ортиқ тик ва чўзинчоқ ўра қилиб қазилади. Ўра девори остки ёнидан учбурчак шаклида ўйилади. Ўлик шу камин (камгоҳ)га қўйилади. Камгоҳ оғзи ғишт, гувала ва бошқалар билан бекитилади, сўнгра Қ. тупроқ билан тўлдирилади. Тик чуқур шаклидаги Қ.да ер ўлик бўйига тенг қилиб қавланади, ўлик чуқурга чалқанча ётқизилади. Қ. оғзига катта ясси тошлар зичлаб терилади, сўнгра устига тупроқ

тортилади. Сағана, асосан, ер ости сувлари юза бўлган жойларда — Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган, Сағанада ер қазилмайди. Ўлик ер юзасига қўйилади, унинг устига пишиқ ғиштдан гумбазсимон сағана бино қилинади. Қ.ларга қайтақайта ўлик қўйиш, баъзан бир оиланинг эркакларини бир Қ.га (олдин ўлганларнинг суякларини бир четга суриб, ўрнига янги ўликни сағанага) қўйиш одати бўлган. Хотинлар ҳам шундай тартиб билан қўйилган. Баъзи туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда бой табақалар сағана курдириб қўйиш одати бўлган (яна қ. *Дахма*).

ҚАБРИСТОН, мозор — мархумлар дафн этиладиган махсус жой. Қ. турлари ва уларни муҳофаза қилиш тартиби дафн маросими, муайян халқ, дин, мазҳаб, ижтимоий гуруҳ ва бошқалар, шунингдек, ҳокимият органлари томонидан ўрнатилган маъмурий ва санитария нормалари билан белгиланади. Дафн этиш жойлари антик даврда ва қадимий Шарқда *некрополь* деб аталган. Ўзбекистонда Қ.га қадимдан алоҳида эътибор берилган. Қ. учун кўпинча тепалик жойлар танланган, атрофи девор ёки панжаралар билан ўралган. Машҳур кишилар учун эса мақбаралар қурилган. Ўрта Осиёда яшовчи бошқа динга мансуб халқларнинг алоҳида Қ.лари бўлган (мас, Бухоро яҳудийлари қабристонини, эронийлар қабристонини (шиалар учун), европаликлар қабристонини ва бошқалар).

ҚАБРТОШ — қабр устига ўрнатилган ёдгорлик (қ. *Сағана*).

ҚАВАРИШ — турли механик таъсирлар натижасида баданнинг бирор соҳаси терисига шикаст етиши. Кўпинча оёқ бармоқлари ва товон қаваради. Оёқ терлаши, пойабзални нотўғри танлаш, тери парваришига риоя қилмаслик ва бошқалар Қ.га сабаб бўлади. Қ. қўл қафтида (ер чопганда ва бошқалар хил жис-

моний меҳнат қилганда), қўлтиқ ости ва бўйинда (қаттиқ ёқали, крахмалланган, чоклари нотекис ич кийим кийиш оқибатида) ҳам учраши мумкин. Қаварган жой ачишиб оғрийди, доим намланиб туради, териси шилиниб қизаради, бир оз шишади, сўнфа ичида суюклик тўла пуфакча (сувли қадок) ҳосил бўлади, кейинчалик пуфакча ёрилиб, юза ярага айланади; шу жой териси сувланиб туради. Қаварган жойни калий перманганатнинг нимранг эритмаси билан ювиш ёки ванна қилиш, сўнфа авайлаб артиш; пуфакчалар пайдо бўлса, бриллиант яшили ёки метиллен кўки суртиб, стерил боғлов қўйиш зарур. Қаварган жой катта бўлса ёки у йиринг бойласа, дарҳол врачга учрашиш лозим. Агар Қ.нинг олди олинмаса, тери ичига микроблар ўтиб, терининг йирингли касалликлари юзага келиши мумкин. Қ.нинг олдини олишда оёққа мос пойабзал танлаш, кўп терлашни даволаш, ич кийимларни тез-тез алмаштириб туриш, терини тўғри парвариш қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Жисмоний иш қилганда (хаскаш, бел, кетмон билан ишлаганда) қўлқоп кийиб олиш керак.

ҚАВАРИҚ ЖИСМ — исталган икки нуктасини бирлаштирувчи тўғри чизик кесмаси бутунлай ўзига тегишли бўлган геометрик жисм. Мас, шар, куб, тетраэдр, шар қаглами, цилиндр, пирамида, конус, эллипсоид ва бошқалар (расм, *а*). Қ.ж. сирти ёки шу сирт устида ётадиган соҳа қавариқ сирт дейилади.

Қ.ж. чегарасидан у жисм билан умумий нуктага эга ва айни вақтда жисмни иккига ажратиб юбормайдиган камида битта текислик (таянч текислик) ўтади. Бу хосса Қ.ж. таърифи сифатида олиниши ҳам мумкин. Қ.ж. — ҳар бир нуктасида таянч текислик мавжуд бўлган сиртдир. Силлик сирт учун бундай текислик вазифасини уринма текислик бажаради (расм, *б*). Силликлик рўй бермаган нуктада (мас, кубнинг учида) чексиз кўп таянч текислик ўтказиш мумкин. Тўпламлар назариясида ҳам «қавариқ»

термини ишлатилади: исталган икки нуктасини туташтирувчи кесмани ўз ичига олган тўпلام қавариқ тўпلام дейилади. Шунингдек, Қ.ж. камида битта ички нуктага эга бўлган ёпик тўпلام сифатида таърифланади.

Текисликдаги қавариқ фигури $Ax+By+C>0$ (ёки <0) кўринишдаги тенгсизликлар системаси билан ифодалаш, яъни қавариқ фигури (мас, учбурчакни) бир неча ярим текисликнинг кесишмаси деб қараш мумкин. Шунингдек, Қ.ж.ни $Ax+By+Cl+i>0$ ёки <0 шаклдаги тенгсизликлар системаси билан ифодаланган, яъни Қ.ж. (мас, тетраэдр)ни бир неча ярим фазоларнинг кесишмаси сифатида қараш мумкин.

Ушбу $y>0$, $x-y>0$, $2x-y-2 < 0$ тенгсизликлар $M_1(0,0)$, $M_2(1,0)$, $M_3(2,2)$ нукталар орқали ўтувчи тўғри чизиклар кесишмасидан ҳосил бўлган учбурчакни (расм, в), $y>0$, $2x+y-2<0$, $-x+2y-2<0$, $x>0$ тенгсизликлар эса учлари $M_1(0,0)$, $M_2(1,0)$, $M_3(2,2)$, $M_4(0,1)$ нукталардан иборат тўртбурчакни (расм, з) аниқлайди ва х.к.

Қ.ж.лар 5 турга бўлинади: 1) чекли (чегараси ёпик қавариқ сирт); 2) чексиз (чегараси — чекланмаган битта сирт, мас, параболоид); 3) икки томонига ҳам чексиз бўлган цилиндр (чегараси — ёпик қавариқ цилиндр сирт, мас, чексиз доиравий цилиндр); 4) иккита параллел текислик орасидаги соҳа; 5) бутун фазо таянч функциялари ёрдамида берилиши мумкин (таянч функция — таянч текисликнинг координаталар бошигача масофасини билдиради; бу масофа жисмдан ташқарига қараб йўналган таянч текисликка перпендикуляр бўлган бирлик векторнинг функциясиدير).

Қ.ж.ларга — чекли сонда олинган қавариқ кўпбурчаклар билан чегараланган кўп ёклилар энг содда мисолдир. Исталган Қ.ж. учун хоҳлаганча яқин қавариқ кўп ёклилар яшаш мумкин.

Қ.ж. назарияси геометрия, сонлар назарияси, математик анализда қўлланилади.

ҚАВАРИҚЛИК ВА БОТИҚЛИК

— функция фафигининг хоссаси; $x=lg_0$ нуктанинг атрофида эгри чизикнинг ҳар бир ёйи ўзининг ватаридан юкорида ётса, $f(x)$ функциянинг графиги $x=x_0$ нуктада қавариқлиги билан юкорига (ботиклиги билан пастга) қараган дейилади ва функциянинг ўзи бу нуктада қавариқ дейилади; агар эгри чизикнинг ҳар бир ёйи ўзининг ватаридан пастда ётса, $f(x)$ функциянинг графиги $x=x_0$ нуктада ботиклиги билан юкорига (қавариқлиги билан пастга) қараган дейилади ва функциянинг ўзи бу нуктада ботик дейилади.

ҚАВВАЛИ (араб. қаввал — нотик, бахши сўзидан) — Покистон, Шим. Ҳиндистон, Бангладеш, шунингдек, Эрон ва баъзи араб мамлакатларининг айрим воҳаларида кенг тарқалган мумтоз мусиқа жанри. «Қавл» атамаси дастлаб кенг тарқалган ашула шаклларида бирини англаган. Кейинчалик (тахм. 14-асрдан бошлаб) Шим. Ҳиндистон худуди (*Фурийлар давлати*, *Деҳли султонилиги*)да мусулмон дини тарқалиши ҳамда Ўрта Осиё бадий анъаналарининг таъсири натижасида Қ. диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган, дарвишларнинг самоъларида ҳам қўлланилган. Ўрта аср рисоаларида Қ. жанри таҳлил этилган («Дар жувозе самаъ», Абу Жалил Бин Абдурахмон, 1650 ва бошқалар), Қ.нинг илк мохир ижрочиси ва ижодкори сифатида *Хусрав Деҳлавий* кўрсатилган («Нағмаи Ушшоқ», Муҳаммад Нурасад Чиштий, 1834 ва бошқалар).

Қ. метр ва ритм ҳамда *рага* билан боғлиқ лад асосларининг ривожланганлиги, ижро услуби мураккаблиги, шакли мукамаллиги билан ажралиб туради. Қ. асосан, иккита етакчи (кучли, кенг диапазонли, чуқур нафасли овозга эга) хонанда, бир неча (одатда, 5—6) жўрнавоз хонанда, *сетор*, *саранги*, танпура, фисгармония ва *табла* каби чолғулардан тузил-

ган созандалар гуруҳи томонидан туркум шаклида ижро этилади. Қ. кичикроқ, асосий парда тузилмаси ва асар кайфиятини ифодаловчи чолғувокал муқаддима билан бошланиб, мураккаб услубидаги асосий қисм билан давом эттирилади. Унда яккахон хонанданинг бадиҳаларидан кейин бутун жамоа ижро этаётган нақарот қисмлари келади. Жўрнавот хонандаларнинг нақарот қисмларида қарсақ чалиб туриши, суръатнинг тобора тезлашиши Қ.га хос бўлган хусусиятлардан. Засосий қисм тўла гуруҳ томонидан ижро этилиб, аниқ усул ва муайян шеърый матн (Хусрав Дехлавий, Кабир, Тулси Дас, Мирза Ғолиб ва бошқаларнинг муҳаббат, ватан-парварлик ва диний мавзудаги қасида, рубойи ва ғазал)ларга асосланади. Қ. ҳозирда диний маросимлар билан бирга концерт дастурлари, кино мусиқасидан ҳам кенг ўрин олган.

Муҳиддин Носиров.

ҚАВИҚ — чок тури; қавиладиган буюмлар (тўн, дўппи, кўрпа, кўрпача ва бошқалар)нинг икки томонига ўтказиб тикилади. Асосан, авраастарли (баъзан ичига пахта солинган) буюмларда қўлланади. Сидирға, гулсиз матолардан тайёрланган буюмларда Қ.нинг гул, турли шакллар ҳосил қилиб бажарилиши гулли Қ. деб аталади, бундай Қ. буюмга жозибдорлик бахш этади.

ҚАВОМУДДИН ШЕРОЗИЙ (? 1440) — меъмор; *Шохрух* саройидаги бош меъмор (15-аср). Анъанавий меъморликда шаклу шамойилларни маҳорат билан татбиқ этган, равоқлар кесишиши услубини ривожлантирган. Машҳаддаги *Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси* (1405—18), Ҳиротдаги Мусалло мажмуаси (1417—38) ва Хожа Абдулла Ансорий макбараси (1428—29), Ҳаргирддаги мадраса (1440) ва бошқалар маҳобатли биноларнинг тарҳини тузган ва қурилишига раҳбарлик қилган.

ҚАВС (араб. — ёй, эгилган нар-

са) — ўзбек тилида кенг қўлланадиган, икки элементли (қўшалок), асосан, гап ўртасида ва охирида ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси. Очилувчи ва ёпилувчи қисмлардан иборат. Дастлаб у «Туркистон вилоятининг газети»да 1873 йилдан қўлланган, кейинчалик бошқа газ., жур. ва китобларда ҳам ишлатила бошлаган. Ҳоз. ёзувда асосан 2 хил шаклда ишлатилади: а) одатдаги Қ. () асосий меъёр ҳисобланиб, барча ёзув шаклларида учрайди; б) ўрта Қ. ёки катта Қ. — [] ва { } математика, геометрия, кимё ва бошқалар фанларда, шунингдек, Қ. ичида Қ. келадиган ҳолатда учрайди. Хусусан, мат.да бу белги амалларнинг бажарилиши тартибини белгилаш учун ишлатилади. Мас, (5,2+4,8):0,5 (олдин қавс ичидаги амал бажарилади). Қ.нинг ёпилувчи (иккинчи) қисми баъзан ёзма нутқда кетмакет келувчи, саналувчи фикрлар, таърифларни рақамлашда (рақам ёки ҳарф билан) яқка, мустақил ҳолда ҳам қўлланиши мумкин.

Ҳоз. ўзбек тилида қуйидагилар Қ.га олинади: а) киритма конструкциялар (киритма сўз, киритма бирикма, киритма гаплар); б) ремаркалар; в) цитата ёки мисолларнинг манбалари; г) тушунтириш, изоҳ, уқтириш маъносидаги сўз, бирикма ва гаплар, шунингдек, газ. ва жур.лардаги «давоми бор», «боши Збетда» кабилар ҳам Қ.га олинади; д) цитатадаги бирор сўз ёки жумлага муаллифнинг турли муносабатини билдирувчи сўроқ, ундов белгилари, шунингдек, муаллиф томонидан цитатага киритилган гаплар. Қ.га олинган қисм асосий гап (матн) билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлади.

ҚАВС, ўкчи — *Зодиак* юлдуз туркумларидан бири; Қ. осмоннинг Жанубий ярим шарида *Бургут*, *Ҳалқон*, *Илон*, *Илон элтувни*, *Ақраб*, *Жанубий Тоғ*, *Телескоп*, *Микроскоп* ва *Жадий* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузлари (ε ва δ) 1,8 ва 2 юлдуз катталигида; Қ. туркуми томонда Галактикамизнинг маркази жойлашган.. Ўзбекистон ҳудудида

кеч баҳор ва ёзга яхши кўринади.

ҚАВЧИН, каучин — ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Қ. *Чигатой улуситт* энг йирик 4 қабиладан бири (жалойир, барлос ва арлот) саналган. *Чингизхон* бу 4 қабилани (4 минг жангчи билан) ўғли *Чигатойта* бериб, уларнинг ҳар қайсиси учун тегишли ҳудуд ажратган. Қ.лар Амударёнинг юқори ҳавзасидаги ерларга жойлашганлар. Қ.лар, асосан, ярим ўтрок ҳолда яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Улар бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари бегузув, балхи, кўрпачувиш, бўзчи, кашмири, сулаймон, имом, бўйин, тугал, пўла шерали, туябўйин қабилардир. 1920-й.ларга келиб Ўзбекистон ҳудудида 25 минг кишига яқин Қ. бўлиб, улар, асосан, ҳоз. Қашқадарё вилоятида жойлашган. Қ.лардан 2 мингга яқин киши Карки (Туркменистон) да озрок қисми Кўлоб водийси (Тожикистон)да яшаган.

ҚАДАМ, одим — қадимги узунлик ўлчов бирлиги. Асосан икки жой орасидаги масофани ўлчашда қўлланилган. Қадимги адабиётда 1Қ=1,5 қари эканлиги ёзилган. Агар 1 қарининг 50 см лиги ҳисобга олинса, у ҳолда Қ. ўргача 75 см га тенг бўлади.

ҚАДАМА, қадама нақш — амалий безак санъатида *нақи*, безак яратиш усули. Ёғоч, металл буюмларда бошқа хом ашёлар (мас, садаф, суяк ва бошқалар) дан қадаб безак ҳосил қилинади (яна қ. *Хотамқори*, *Хотамбанди*). Шу усулда яратилган нақш, безак ҳам Қ. деб аталади. Мас, мисқарликда мис идишлар қимматбаҳо тош ёки остига рангли қоғоз қўйилган шиша билан Қ. усулида безатилади.

ҚАДАМЖО — қ. *Муқаддас жойлар*.

ҚАДАМЖОЙ СУРМА КОНИ
— Қирғизистон Республикаси Ўш ви-

лоятидаги кон. Фаргона шдан 35 км жанда. 1914 йилда очилган. Доломит ва оҳақтошлардан ташкил топган Қатранбоши тоғининг Оқтош антиклинали ғарбида жойлашган. Антиклиналь субкентглик бўйлаб тик ётувчи узилшлардан ҳосил бўлган. Саноатбоп сурманинг рудаланиши метасоматик кварцли брекчиялар — жаспероидларда мужасамланган. Сурманинг энг кўп захиралари томирли таналарда тик ётувчи узилмалар бўйлаб тўпланган. Кон рудали структурасининг уз. 7—8 км, қатламсимон таналарнинг йўналиш бўйича уз. 300600 м, ётиш бўйича 300—1500 м, калинлиги 0,7—40 м. Томирсимон таналарнинг уз. 400—800 м; ётиш бўйича 350—600 м гача, калинлиги 18 м. Асосий рудали минерал — антимонит кварцфлюоритли, кварцкальцитли рудали таналарни ташкил қилади, қуйи горизонтларда барит учрайди. Пирит, шеелит, киноварь ва бошқалар жуда кам учрайди. Кварцантимонитли, камданкам кварцфлюоритли рудаларнинг таркибидаги сурма 0,1% дан ўнлаб % гача ва олтиннинг доимий бўлмаган аралашмалари 0,5—1,5 г/т. Умумий захиралари ва башоратли захиралар 167,6 минг т. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ҚАДАРИЙЛАР — исломдаги илк илоҳиёт оқимларидан бири тарафдорлари. Тақдир ва ирода эркинлиги масаласида *жабарийлар* таълимотига қарши бўлиб, инсон ўз хаттиҳаракатининг яратувчиси (холиқи) деб тушунтирадилар. Қ. одиллик ҳудонинг асосий сифатларидан бири деган фикрга бориб, гуноҳни худо олдиндан белгилаб қўймайди, худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ, деган хулосага келадилар. Қ. сиёсий жиҳатдан умавийлар хонадонидан бўлган халифалар ҳокимиятига қарши турардилар. Уларнинг таълимотини 8-аср охирларидан *муътазилийлар* изчил давом эттирдилар. Лекин, муътазилийлар ўзларига нисбатан бу атама — Қ. атамаси

ишлатилишини хохламасдилар. Манбаларда Қ.нинг йирик вакиллари сифатида қуйидагилар зикр этилади: Маъбад алЖуханий (699—700 ёки 703—704 йилларда ўлдирилган), Ғайлон адДимашкий (742 йил ўлдирилган), Ҳасан алБасрий (642—728).

Ад.: Ҳусниддинов З., Исломи: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ҚАДИМГИ АФИНА — қ. *Афина*.

ҚАДИМГИ АҲД — *Библиянинг* бир қисми. *Иудаизма* ҳам, *христианликда* ҳам муқаддас ёзув деб эътироф этилади. Унинг таркибига 39 та китоб киради. Христианликда Қ.а. номи Библиянинг қадимий китобларини ифодалаш учун христиан черкови томонидан қўлланган. Қ.а. милоддан аввалги 9-асрдан мил. ав. 2-асрнинг 60-й.лари ичида вужудга келган. Қ.а. асарларининг асосий оригинали қадимий яҳудий тилида, фақат айрим парчалари оромий тилида ёзилган. Мил. ав. 2 аср давомида Қ.а. юнон тилига таржима қилинган. Мил. 4-асрнинг охири — 5-аср бошларида латин тилига ўтирилган. Қ.а.нинг дастлабки асосий қисми *Тавротпир*. Қ.а.да қадимги халқ ривоятлари, турли афсоналар, солнома, жангномалар, шеър, шунингдек, дуолар, турли диний маросимлар баёни ва бошқалар ифода этилган.

ҚАДИМГИ БУЛҒОР ТИЛИ — қ. *Булғор тили*.

ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ — қ. *Юнонистон*.

ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ — жаҳон тарихини даврлаштиришда, асосан, *тарих* фанида энг қадимий даврлардан то милоднинг 5-асрларига, яъни Рим империясининг қулашигача бўлган даврнинг номланиши. Қ.д.т.дан кейин ўрта асрлар тарихи даври келади. Ўзбекистон тарихининг Қ.д.т. даври ҳам тахм. шу

пайтни, яъни Туроннинг энг қадимий давлатлари тарихидан бошлаб *Кушон подшолигинг* тугашигача бўлган даврни ўз ичига олади. Шунингдек, бу давр ҳар бир халқ ёки давлатнинг тараққиёт қонуниятларидан келиб чиқиб хронологик жиҳатдан ўзгариши ҳам мумкин.

ҚАДИМГИ МАКЕДОНИЯ — қ. *Македония*.

ҚАДИМГИ МИСР — қ. *Миср*.

ҚАДИМГИ МИСР ТИЛИ — қ. *Миср тили*.

ҚАДИМГИ РИМ — қ. *Рим*.

ҚАДИМГИ РУСЬ ДАВЛАТИ, Киев Руси — ўрта асрларда Шарқий Европадаги давлат. 9-асрнинг сўнгги чорагида Рюриковичлар сулоласи князлари ҳукмронлиги остида шарқий славянларнинг 2 асосий маркази — Новгород ва Киев, шунингдек, «варяглардан грекларга» савдо йўли бўйлаб жойлашган ерлари (Эски Ладога, Гнёздово ва бошқалар атрофидаги кишлоқлар) бирлаштирилиши натижасида вужудга келган. 882 йил князь Олег Киевни босиб олиб уни давлат пойтахти қилган. 988—89 йилларда *Владимир I* Святославич христианликни давлат дини сифатида жорий этган. Шаҳарларда (Киев, Новгород, Ладога, Белоозеро, Ростов, Суздаль, Псков, Полоцк ва бошқалар) хунармандчилик ва савдо ривожланган; меъморий ва ёзма обидалар яратилган. Жанубий ва ғарбий славянлар, Византия, Ғарбий ва Шим. Европа, Кавказ, Ўрта Осиё билан алоқалар ўрнатилиб, улар янада мустаҳкамланган.

Қад. Русь князлари кўчманчиларнинг (бижанаклар, торқлар, половецлар) босқинларини даф қилганлар. Ярослав Мудрий ҳукмронлиги (1019—54) — давлатнинг энг равнақ топган даври. Ижтимоий муносабатлар қадимий рус ҳукуки тўплами — Рус ҳақиқати ва бошқалар ҳукукий ҳужжатлар орқали тартибга со-

линг. 11-асрнинг 2-ярмида князларнинг ўзаро низолари ва половецларнинг босқинлари давлатни заифлаштирган. Қ.Р.д.нинг яхлитлигини сақлаш йўлида князлар *Владимир II Мономах* (1113—25) ва унинг ўғли Мстислав (1125—32) кўп ҳаракат қилганлар. 12-асрнинг 2-чорагида давлат парчаланиб, бир неча мустақил князликлар, Новгород ва Псков республикаларига бўлиниб кетган.

Фатхулла Эргашев.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАР

— турли туркий халқлар ёзма ёдгорликларида сақланган, лекин ҳоз. кунда алоқааралашув вазифасини йўқотган тилларни билдирувчи шартли атама. Бу тиллар амал қилган вақт чегараси анча катта даврни қамраб олади.

Қ.т.т.нинг энг қадимийси урхуненисей (туркруник) ёдгорликлари тили бўлиб, унинг адабий варианты 7—9-асрларга тўғри келади. Руник битиклар Шарқда Лена дарёсидан Ғарбда Дунай дарёсига-ча бўлган улкан худуддан топилган. Энг йирик битиклар Урхун ва Енисей дарёлари ҳавзаларида аниқланган. Урхун битиклари дастлаб 1893 йилда *В.Томсен* ва *В.В.Радлов*шр томонидан ўқилган (қ. *Урхуненисей ёзуви*). Умумий руник тилнинг шаклланишига ўғуз қабилаларининг тили асос бўлган. Адабий тил сифатида руник тилдан турли қабиларуғлар ва ижтимоий табақалар фойдалангани туфайли маълум даражада вазифавий услубий ва минтақавий вариантдорликка, муайян ишланганлик, меъёрийликка эга бўлган.

Уйғурлар 9-асрда Турфон (Шарқий Туркистон) худудига кўчиб келганларидан кейин ўз адабий тилини яратганлар. Унинг асосини барча туркий қабилалар учун умумий бўлган ва уйғурлар ҳам фойдаланиб келган руник тил ташкил этади. Унга ҳоз. уйғур тилига яқин бўлган Турфон шаҳри шеваси элементлари кўшилиб, уйғур ёзма манбаларида «турк уйғур тили» деб аталадиган структуралаш тил пайдо бўлган. Уйғурлар

руник алифбодан ташқари, суғд ва шу асосда яратилган уйғур ёзувидан, моний (манихей) ва браҳми ёзувларидан фойдаланганлар. В.В.Радлов қадимий уйғур адабий тили 8—9-асрлар оралиғида тўлиқ шаклланган ва кейинчалик ибодатхоналарда ўзгаришсиз қўлланиб келган, деб ҳисоблайди.

С.Е. Маловнинг топилмалари эса уйғур ёзуви 19-аср бошларигача Ганьчжоу уйғурлари орасида ишлатиб келинганини тасдиқлайди.

Қад. туркийзабон элатларга яхши маълум бўлган қадимги уйғур тили бир қанча адабий тилларни шакллантиришда асос вазифасини ўтаган. Мас, 11—12-асрларда унинг таъсири остида қорахонийларнинг мусулмон давлатида (маркази Қашғар шаҳри) шу давлатнинг «қорахонийуйғур тили» деб аталувчи ўз адабий тили шаклланган. Ушбу тилнинг уйғур асоси яна шунда кўринадики, баъзи асарларни яратишда араб алифбоси билан бир қаторда уйғур алифбосидан ҳам фойдаланилган. «Қорахонийуйғур» атамаси унчалик тўғри эмас; ўрта аср муаллифлари бошқача номлардан фойдаланганлар: Юсуф Хос Ҳожиб уни «Бугро хон тили», Маҳмуд Кошғарий «хоқоний тили», Аҳмад Югнакий эса «кошғарий тил» деб атаган.

13—14-асрларда Сирдарёнинг куйи окимида жойлашган худудда (Хоразм билан бирга) ва Олтин Ўрда худудида Шарқ манбаларида хоразмийтурк и й деб аталувчи адабий тил пайдо бўлади. Хоразмнинг 11—12-асрлардаги адабий ва илмий ҳаётида фаол қатнашган ўғуз ва қипчоқ қабилаларининг тиллари мазкур адабий тилнинг асосини ташкил этади. Ушбу даврдаги асарларнинг анъанавий ўғузуйғур қисми қорахонийлар давридаги тилнинг барча унсурларини тўлиқ акс эттира олмайди. Унга қипчоқ тилларига хос кўплаб янги унсурлар қўшилган. Гарчи бунда уйғур тилининг ҳиссаси катта бўлмаса ҳам, ўша давр ёдгорликларида унинг таъсири графикада сақланиб қолган: бир қанча ёдгорликлар уйғур

алифбосида ёзилган эди. Ўрта аср туркий адабий тиллари тарихидаги энг катта ва аҳамиятли давр *эски ўзбек тили* (баъзи адабиётларда, манбаларда «чигатои тили» деб нотўғри аталади) давридир.

Юкорида санаб ўтилганлардан ташқари бошқа географик минтақалар: Кавказорти, Ғарбий Осиё, Волгабўйи, Мисрда тарқалган Қ.т.т. ҳам маълум. Ушбу тиллар ўзаро биронбир ягона анъана билан боғланмаган ва уларнинг таъсир доираси ҳам Марказий ва Ўрта Осиёдаги тил гуруҳлариники сингари кенг эмас. Булар қуйидагилардир: Ғарбий Осиё ва Кавказортида 13—14-асрларда араб графикасида яратилган салжук ёдгорликлари тили (жан. ўғуз гуруҳига мансуб ҳоз. тилларга яқин); Миср ва Сурияда 13—14-асрларда араб графикасида яратилган кипчоқ ёдгорликлари тили («мамлуқкипчоқ» деб ҳам аталувчи бу тил шим. кипчоқ гуруҳига мансуб ҳоз. тиллар билан умумий белгиларга эга); Волгабўйида 13—14-асрларда араб графикасида битилган қабртош ёзувлари тили («булғор тили» деб ҳам аталувчи бу тил анъанавий тарзда ҳоз. чуваш тилига яқин деб ҳисобланади).

Туркий тиллардаги қадимий ёдгорликлар ичида адабий тилни эмас, балки сўзлашув, шева тилларини ифодаловчи ёдгорликлар ҳам бор: лотин графикасида битилган кипчоқ тили ёдгорлиги «Сойех Сипташсиз» (13—14-асрлар) ва арман ёзувида кипчоқ тилида битилган козилик хужжатлари (КаменецПодольск, 15—17-асрлар).

Шундай қилиб, Қ.т.т. 2 хил: адабий ва оғзақисўзлашув (диалектал) тилларни ўз ичига олади. Адабий тиллар, ўз навбагида, 2 га: кенг маконда тарқалган ва узок вақт амалда бўлган тиллар (Марказий ва Ўрта Осиёда) ҳамда кичик ҳудудларда тарқалиб, ўзаро ягона анъана билан боғлиқ бўлмаган тилларга бўлинади. Оғзақисўзлашув ва диалектал турдаги тилларда яратилган ёдгорликларга қараганда адабий Қ.т.т.да яратилган ёзма ёдгорликлар микқори анчагина кўп. Бу

номутаносиблик, биринчидан, туркий элат ва халқлардаги тарихий, ижтимоий ва маданий жараёнларнинг жадаллиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, туркий халқлар давлат тузилмаларининг ривожланиш даражаси ҳамда уларнинг юксак даражадаги китобий саводхонлиги билан боғлиқдир.

Қ.т.т.нинг ва умуман туркий тилларнинг ўрганилиши, уларнинг айрим фонетикграмматик хусусиятлари ҳақида қ. *Туркий тиллар, Туркийшунослик, Эски ўзбек тили*.

Ад.: Малов С.Е., Памятники древнетюркской письменности, М. — Л., 1951; Насилов В.М., Язык орхоненисейских памятников, М., 1960; ГЦербак А.М., Грамматика староузбекского язмка, М.Л., 1962; Боровков А.К., Лексика среднеазитского тефсира XII—XIII вв., М., 1963; Фазллов Э.И., Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, т. 12, Т., 196671; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских язмок, 2изд., М., 1969; Кононов А.Н., История изучения тюркских язмок в России, Л., 1972; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Т., 1973; Турсунов У., Ўринбоев Б., Ўзбек адабий тили тарихи, Т., 1982; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А., Қадимги туркийтил, Т., 1982; Қўчқортоев И., Исабеков Б., Туркий филологияга кириш, Т., 1984.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

ҚАДИМГИ УЙҒУР ТИЛИ — илк ўрта асрлардаги (ҳоз. ўлик) адабий туркий тиллардан бирининг шартли номи; 9-аср ўрталари — 13-аср ўрталарида Шарқий Туркистон (ҳоз. ХХРнинг СиньцзянУйғур мухтор райони)даги Куча(р) давлатининг расмий тили бўлган. Қ.у.т. 19-аср охири — 20-аср бошларида Шарқий Туркистондан 8—18-асрларга мансуб ёзма ёдгорликларнинг (бу ёдгорликлар Берлин, Киото, Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Пекин, Истанбул, Стокгольмдаги қўлёзма фондларида сақланади ва Марказий Осиё халқлари

тарихи ҳамда маданиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади) топилиши натижасида фанга маълум бўлган. Матнларда акс этган лисоний тафовутларга қараганда, Қ.у.т. нинг 2 лаҳжаси бўлган (улар шартли равишда «плахжа» ва «лаҳжа» деб номланади). Қ.у.т. ўз даврида бошқа адабий туркий тиллар (мас, қадимий ўғуз тили) билан ҳам умумий, ҳам фарқли фонетик ва морфологик белгиларга эга бўлган бўлсада, унинг бундай хусусиятлари кўпроқ *урхуненисей ёзуви* ёдгорликлари тилига яқин туради.

Қ.у.т. ёзма ёдгорликлари деганда, асосий манбаларда 5—13-асрларда 3 хил ёзув шакли (урхуненисей, уйғур, араб ёзувлари)да битилган матнлар кўзда тутилсада, улардан фақат 5—9-асрларда урхуненисей ёзувида («Селенга тоши») ҳамда қадимий уйғур ёзувида яратилган («Монийларнинг тавба намози») ва «монийуйғур», «буддауйғур» деб аталувчи ёдгорликларгина Қ.у.т.нинг ёдгорликлари ҳисобланади; араб ёзувидаги мусулмонуйғур ёдгорликлари эса қорахонийлар даври тилига мансубдир. Шу билан бирга, ҳар учала турдаги ёдгорликлар фонетик, лексикограмматик жиҳатдан ўзаро фаркланади.

Ад.: Шербак А.М., Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XVII вв. из Восточного Туркестана, М. — Л., 1961; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2 изд., М., 1969; Древнетюркский словарь, Л., 1969; Насилов В. М., Язык тюркских памятников уйгурского письма XI—XV вв., М., 1974; Абдурахмонов Ф., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т, 1982.

ҚАДИМГИ ФОРС ЁЗУВИ — *миххат* турларидан бири; михсимон (понасимон) белгилардан иборат, бир қанча идеограммалар қўшилган бўғинли ёзув. Эронда мил. ав. 6—4-асрларда — Доро I давридан то Артаксеркс III давригача ахоманийларнинг битикларида қўлланган. Шаклан угарит, бобил миххатларига ўхшаса ҳам, келиб чиқиши жиҳатидан

бевосита улар билан боғлиқ эмас.

Қ.ф.ё.нинг келиб чиқиши ҳақида 2 хил нуктаи назар мавжуд; 1) Доро I нинг ўзи ёзиб қолдирган маълумотга кўра, Қ.ф.ё. узоқ тараққиёт натижаси эмас, аввал бошданок мукамал ва яхлит бир ёзув бўлган; ушбу ёзувни шохнинг ўзи, эхтимол, унинг олиммирозларидан бири кашф этган. Бунда ёзув ихтирочиси бобил ёзувини ҳам, ғарбий сом бўғинли ёзувини ҳам билганлиги тахмин қилинади; 2) немис олими И.Гельбнинг фикрига кўра, Қ.ф.ё. бобил миххатидан бўғинли ёзувгача узоқ ривожланиш йўлини ўтиш натижасида пайдо бўлган. Немис олими И.Фридрих эса мазкур нуктаи назарларга яқун ясаб, Қ.ф.ё. 2 хил ёзув тизими (бобил миххати ва ғарбий сом бўғинли ёзуви) нинг номукамал қўшилишидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Ад.: Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1978.

ҚАДИМГИ ФОРС ТИЛИ — жан. ғарбий гуруҳга мансуб ўлик эроний тил. Ўрта форс тили, форс, тожик ва дари тиллари Қ.ф.т.нинг бевосита давомчилари ҳисобланади. Дастлаб Эрон (Форс) нинг жан.ғарбида (хоз. Эроннинг Форс вилояти ҳудудида) тарқалган. Ахоманийлар сулоласига мансуб қадимий ҳукмдорлар учун она тили мақомида бўлган бу тил мил. ав. 6—4-асрларда Ахоманийлар давлатининг бутун ҳудудига ёйилган. Қ.ф.т.даги миххатлар хоз. Эрон, Туркия, Миср ҳудудларидан топилган ва матнларнинг барчаси элам, аккад, оромий каби тилларга таржимаси билан ёнмаён берилган.

Қ.ф.т.да диалектал тафовутлар бўлмаган. Фонетик хусусиятлари ўрта форс тилидагига ўхшаш. Тил қурилиши синтетик, флектив хусусиятга эга. Морфологик бирликларнинг 3 хил тури (ўзак морфемалар, аффиксал морфемалар, флексия) категориал маъноларни ифодалаган. Гапта сўз тартиби нисбатан эркин бўлган (улар, ўзаро бошқарув, мослашув, битишув усуллари билан бириккан). Лек-

сикасида қадимий эроний (мас, мидия) ва ноэроний (мас, оромий) тиллардан ўзлашган сўзлар бўлган.

Қ.ф.т.нинг ҳарфбўғинли ёзуви аккад тилининг бўғинли миҳхат алифбоси билан ўхшаш. Энг қадимий ёдгорликлари Доро I нинг мил. ав. 521—486 йиллардаги ёзув (битик)ларидир. Бу ёзувларни ўқишни 1802 йилда немис олими Г.Ф.Гротефенд бошлаб берган.

Ад.: Соколов С.Н., Древнеперсидский язык. В кн.: Основн иранского языкнознания. Древнеиранские языки, М., 1979.

Анвар Исмоилов.

«ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР» (асл номи «Алосор ал боқия ан алқурун алҳолия») — *Берунийнинг* йирик энциклопедик асари. 1000—03 йилларда Журжон шаҳрида ёзилган ва Журжон ҳокими Қобус ибн Вашмгирга тақдим этилган. Асарда Ўрта Осиё халқлари, яҳудий, юнон ва бошқалар халқларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари, машҳур кунлари, ижтимоий, маданий ва илмий ҳаётининг тарихи, урф-одатлари, дунёқарашлари ҳамда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истигло қилиниши ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Унда олимнинг табиий фанларнинг турли соҳаларига, жумладан, астрономия, мат., физика, харитаграфия ва бошқалар фанларга оид кашфиётлари ўз ифодасини топган. Асар Европада 19-аср нинг 2-ярмида маълум бўлган. Немис шарқшуноси Э.Захау 1876—78 йилларда асарнинг арабча матнини, 1879 йилда инглиз тилидаги таржимасини («Шарқ халқларининг тарихи» номи билан) нашр эттирган. Кўпинча илмий адабиётда «Хронология» деб ҳам аталадиган бўлган. Эронлик олим Сайрафий 1943 йилда Техронда форс тилида чиқарган. Асарнинг русча таржимаси 1957 йилда, ўзбекча таржимаси 1968 йилда Тошкентда Беруний «Танланган асарлари» туркумида (1-жилд) Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашр қилинган.

ҚАДИМГИ ҲИНД ТИЛИ — мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарида Шим. Ғарбий Ҳиндистонга бостириб қирган қадимий орийлар тили; Ҳиндистон ярим оролининг шим. ва марказий қисмларида тарқалган. Қ.х.т. *ҳиндевропа тилларининг* дастлабки, илк вакилларида ҳисобланиб, қадимий эроний тиллар (авесто тили, қадимий форс тили)га яқин қариндош бўлиб, улар билан биргаликда орий тиллар бирлигини ташкил этади. Ҳиндистон бўйлаб тарқалиш жараёнида Қ.х.т. субстрат тиллар (дравид тиллари, мунда тиллари)нинг бир қанча хусусиятларини ўзига сингдиради. Қ.х.т.да хронологик жиҳатдан ва лаҳжавий асосига кўра бир-биридан фарқланувчи 2 та тил мавжуд — Ҳиндистоннинг шим. ғарбида *веда тили* ва шим. марказий қисмида *санскрит*. Пракритлар (ўрта ҳинд тиллари) билан бўлган алоқалар, бир томондан, Қ.х.т.да кўплаб пракритизмларнинг пайдо бўлишига, иккинчи томондан, санскритнинг сезиларли таъсири бўлган санскрит праkrit лаҳжалари асосида Қ.х.т.нинг гибрид кўринишлари шаклланишига олиб келган. Орийларнинг Ҳиндистонга кириб келгунгача бўлган кўчиб юриш даври Ғарбий Осиёнинг қадимий халқлари тилларидаги кўплаб қадимий ҳинд атоқли отлари, маъбудларнинг номлари, йилқичилик атамаларида ўз аксини топган. Веда тили ва санскритдан ташқари яна бошқа қадимий хинд лаҳжалари ҳам бўлган, лекин улар тегишли матнларда сақланиб қолмаган. Улар аста-секин ривожлана бориб, бир қанча ўрта ҳинд тилларига асос бўлган.

ҚАДОҚ — одам терисидаги кўп ишқаланадиган ва қисиладиган соҳанинг қалинлашуви, кўпроқ қўл ва оёқда бўлади. Оёққаги Қ., асосан, тор пойабзал кийганда ёки тери чақаланганда пайдо бўлади. Кўпинча жимжилок ва 4бармоқда учрайди. Қ. ҳар хил катталиқда, сарғиш бўлиб, ушлаганда қаттиқ унайди, босганда безиллаб оғрийди. Қ. таги илдиз

ҳосил қилиб, тери ости қаватларига яхши ўрнашиб олади, усти ёрилиб, микроблар ўтиши натижасида *сарамас*, *флегмона* ва *бошқалар* яллиғланишлар юзага келиши мумкин. Қ вужудга келганда дарҳол унга сабаб бўлган омилларни йўқотиш, зарур бўлса, кўчириб ташлаш лозим (буни махсус косметикапедикюр хоналарида амалга ошириш мумкин). Қадоқлашган терини юмшатиш мақсадида ҳар куни кечқурун иссиқ сувга совун ёки сода қўшиб оёққа ванна қилиш керак. Бу усулни бир неча бор такрорлаб, кейин Қ.ни кўчириб ташласа бўлади. Қадоқлашган жой катта бўлса, врачга мурожаат этиш керак. Қ.нинг олдини олиш учун оёққа мос пойабзал кийиш, жисмоний иш қилганда махсус қўлқоплардан фойдаланиш, қўл ва оёқ терисини тўғри парвариш қилиш лозим.

КАДОҚ — қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Қиймат жиҳатидан 1 *фунтга* тенг бўлган; 1Қ.=1 фунт = 409,512 г.

КАДОҚОЁҚЛИЛАР — сут эмизвучи ҳайвонларнинг кенжа туркуми. Оёқ кафтада ёстиксимон қадоқлари бор (номи шундан). Бир оиласи — *туясимонлар* мавжуд.

КАДРИЯТ — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоийахлоқий, маданиймаънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар Қ. ҳисобланади. Ижтимоий фанларнинг қайси соҳасида Қ.га доир тадқиқот олиб борилган бўлса, бу тушунчага шу жиҳатдан таъриф беришга интилишган.

Ҳолбуки Қ. аксиологияга хос категориядир. Қ.ни аксиология нуқтаи назаридан талқин қилиш уни категория сифатидаги моҳияти, мазмуни, объектив асоси,

намён бўлиш шакллари ва хусусиятларини ўрганиш имконини беради. Қ. категорияси фақат буюм ва нарсаларнинг иқтисодий қимматини эмас, жамият ва инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар. талаб ва тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатилади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг Қ.лар тўғрисидаги қарашлари ўзгариб боради. Тарихий заруриятга қараб гоҳ у, гоҳ бу Қ. ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафига чиқади. Мас, юртни ёв босганида — озодлик, империя ҳукмронлиги нихоясида — истиклол, уруш даврида — тинчлик, тутқунликда — эркинлик, касал ёки беморликда — сихатсаломатликнинг қадри ошиб кетади. Қ.лар ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга. Қ.лар меҳнат, ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хаттиҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хаттиҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади. Қ.лар умумбашарий, миллий, шахсий бўлиши мумкин. Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, қонунқоидаларини, алоқадорликларини ифодалайдиган Қ.лар умумбашарий хусусиятга эга. Бундай Қ.лар ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий Қ.лардир. Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ Қ.лар миллий Қ.лардир. Инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умр маъноси, одоби, гўзаллиги билан боғлиқ Қ.лар шахсий Қ.лардир. Қ.лар комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қиём Назаров.

КАЗАНЖИҚ (Газанжик) — Туркма-

нистоннинг Болхон вилоятидаги шаҳар (1939 йилдан). Копетдоғнинг шим. ғарбий этакларида. Қорақум каналининг охириги пункти. Т.й. станцияси. Ашхободдан 292 км шим.ғарбда. Аҳолиси 15 минг киши (1990йлар ўргалари). Т.й. транспорти корхоналари, қурилиш материаллари з-ди, гилам ф-каси бор. Қ. 1895 йилда т.й. қурилиши муносабати билан вужудга келган.

ҚАЗАҒОН, Қазаған, амир Қозағон (? — 1357/58) — Мовароуннаҳр амири (1346—58). Сўнги чингизийлардан бўлган *Қозонхонта* қарши исёнга бош бўлган, ўзаро урушларда Қозонхон ўлдирилган ва мамлакат унинг қўл остига ўтади. Қ. ўз хаттиҳаракатларига қонуний тус бериш учун чингизийлардан бўлган «сохта хонлар» — аввал Донишмандча, сўнгра *Баёнқулихон* ёрдамида ҳокимиятни бошқарган ва унинг номидан танга зарб этиб, ҳокимиятни қўлида ушлаб туради. У мамлакатни адолатли бошқариш, тadbир билан ишларни олиб бориш, юрт осойишталигини сақлаш, элюрт ҳожатини чиқаришга алоҳида диққат қаратади. 1351—52 йиллари Ҳирот остонасида Малик Ҳусайн лашкарини тормор этади. Ҳирот амалдорлари Малик Ҳусайнни ағдариб, ўрнига укаси Малик Боқирни қўймоқчи бўлишади. Фитнадан хабар топган Малик Ҳусайн 1352—53 йиллари Қ. хузурига йўл олади. Маълум муддатдан сўнг Ҳиротга қайтган Малик Ҳусайн қайта Ҳирот тахтини эгаллайди. Шу кезларда Қ.нинг ўғли Абдуллоҳ Самарқанддан лашкар тортиб Ҳоразм томон юриш қилади ва уни забт этади. Тарихий манбаларда ёзилишича, Қ. кишини Соли Сарой ва Қоратур (Амударё соҳилидаги мавзе), ёзни эса Мунк (хоз. Балжувон) шаҳрида ўтказган ва кўп вақтини ов қилишга сарфлаган. Қ.ни ўранайтиён қабиласидан бўлган куёви Қутлуғ Темур Бўрилдой ўғли ов пайтида ўлдирган. Қ.нинг амир Кайхусрав бошлиқ амирлари Қутлуғ Темурни Қундуз атрофида ўлдирадilar. Амирзо-

да Абдуллоҳ отаси Қ. ўрнига ўтиради.

Ад.: Низомиддин

Ш о м и й, Зафарнома, Т., 1966; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1994; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

ҚАЗВИН — Эроннинг шим.ғарбий қисмидаги шаҳар. Эльбурс тоғининг жан. этагида. Аҳолиси 292 минг киши (1997). Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Қ.х. районининг савдо маркази. Озик-овқат, кўнпойабзал, тўқимачилик, ойнашиша ва электротехника саноати корхоналари мавжуд. Гилам тўқилади.

Шаҳар Сосонийлар давридан маълум. Ўрта асрларда Қ. орқали Эрондан Жанубий Кавказга бориладиган савдо йўли ўтган. 1220 йилда шаҳарни мўғул босқинчилари бузиб ташлаган. Кейинроқ қайта тикланиб, Эроннинг маданият марказларидан бирига айланган. 16-асрда шаҳар айниқса равнақ топган. Ўша даврда Қазвин миниатюра мактаби шаклланган. 1548—98 йилларда *Сафавийлар давлати* пойтахти бўлган. 18-асрда ўз мавқеини йўқотган. Меъморий ёдгорликлардан Жоме масжиди (12—17-асрлар), Ҳайдария масжиди (12-аср) ва бошқалар сақланган.

ҚАЗВИН МИНИАТЮРА МАКТАБИ — Эрон тасвирий санъатидаги мактаблардан бири (16-аср 70—80-й.лар). Шоҳ Исмоил II даврида Қазвин шаҳрида кутубхона ташкил этилган, Машҳад ва Табриздан келган наққош, хаттот, мусаввирлар ижодий фаолияти заминиди шаклланган. Бу мактаб вакиллари диққатни ҳаракат тасвирларига қаратганлар, расмлар кам шакллелиги билан ажралиб туради. Қ.м.м.нинг йирик вакиллари *Муҳаммадий*, Шайх Муҳаммад («Йигит китоб ва гул билан»), «Йигит тўтиқуш билан») ва бошқаларнинг асарларида маиший лавҳалар жонли, рангдор ифодаланган. Санкт-Петербургдаги Россия

миллий кутубхонасида сақланаётган Жомийнинг «Тухфат улахрор» асарига ишланган миниатюралар Шайх Муҳаммадга нисбат берилади.

ҚАЗВИНИЙ Ҳамидуллоҳ ибн Абу Бакр Муставфий (1281, Қазвин шаҳри — тахм. 1350) — эронлик тарихчи, географ. *Хулоқуийлар* саройида молия ишлари билан шуғулланган йирик амалдор бўлган. Вазир *Рашидуддин* қўл остида хизмат қилган. «Тарихи гузида» («Танланган тарих», 1340 йил) асарини ёзган; унда мўғул элхонлари ва Эрондаги маҳаллий сулолаларнинг тарихи ҳамда машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоли, Қазвин шаҳри ва вилоятининг батафсил баёни берилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони давоми сифатида мўлжалланган «Зафарнома» шеърӣй хроникаси (1331—32 йил), шунингдек, «Нузҳат улқулуб» («Қалблар роҳати») географик асарини (1340 йил) ёзган. Асар муқаддима, 3 боб ва хотимадан иборат. 1бобда металл ва минераллар, мевали дарахтлар, табобатда ишлатиладиган ўсимликлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳамда паррандалар тўғрисида фикр юритилган. 2бобда инсон ва унинг хусусиятлари, ташқи кўринишидаги айрим фарқлар баён қилинган. Асарнинг 3бобида Эрон ва унга қўшни мамлакатларнинг географик тузилиши, табиий бойликлари, алоқа йўллари, йирик шаҳарлар ўртасидаги масофа ва бошқалар хусусида бир қанча муҳим маълумотлар келтирилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Англия, Франция, шунингдек, Тошкент ва Санкт-Петербург шарқшунослик интлари қўлёзмалар фондларида сақланади.

ҚАЗЗОФИЙ Муаммар (1942, Сирт шаҳри) — Ливия давлат арбоби, полковник. Ливия ун-тининг тарих ф-ти ва ҳарбий коллежни тугатган. Монархияни ағдариб ташлаган инқилоб (1969 йил 1 сентябр) йўлбошчиси. 1969—79 йилларда Инқилобий қўмондонлик кенгаши раиси, айна вақтда 1969 йил сентябрдан

қуролли кучлар бош қўмондони, 1976 йил октябрдан олий бош қўмондони. 1970—72 йилларда бош вазир ва мудофаа вазири. 1972—77 йилларда Араб социалистик иттифоқи ташкилоти раиси. 1977—79 йилларда Ливия Умумхалқ конгресси бош қотиби. 1979 йил мартдан Ливия Араб Халқ Социалистик Буюк Жамоҳирияси ва унинг Инқилобий раҳбарияти бошлиғи, Улуғ Ал-Фатҳ Инқилоби раҳбари.

ҚАЗИ — от гўшtidан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулоти. Қ.ни тайёрлаш учун отнинг тўш ва пешноб ёки лаҳм қисми гўшти ва ёғи эни 3—4 см, узунлиги 10—15 см қилиб тилимланади. Тилимлар тоғорага солиниб туз, мурч ва зира билан яхшилаб аралаштирилади (1 кг гўшгга 0,5 кг от ёғи, 50 г туз, 15 г мурч, 25 г зира) ва 4 соатдан 24 соатгача салқин жойда сақланади. От (мол) нинг 45—50 см узунликдаги ичаги ағдарилиб, совуқ сувда ювилади, шилимшиқ моддаси туз билан ишқалаб ёкм 2% ли сиркаси сув билан тозаланади. Ичакнинг бир учига чўп суқиб (ичак ситпилиб чиқиб кетмаслиги учун), орқасидан пишиқ ип билан маҳкам боғлаб, иккинчи учидан тайёр тилимлар бир гўшт ва бир ёғ зич қилиб тикилади. Ичак тўлгач, иккинчи томони ҳам чўп суқиб қаттиқ боғланади, иккала учини бириктириб, сақлаш учун осиб қўйилади. 2—3 кундан сўнг Қ. тайёр бўлади. Қ.ни 10—12 см қалинликда ун ёки кепакка кўмиб, 2 йилгача сақлаш мумкин. Қ.ни пиширишда қозондаги совуқ сувга солиниб 1,5—2 соат миддирашиб қайнатилади. Қ. қайнаб чиққандан сўнг, кўпиги олинди, ёрилиб кетмаслиги учун бир неча жойига нина урилади. Да-стурхонга парракпаррак қилиб, норинга қўшиб ёки яхна тарзида мурчли пиёз ёки салатлар билан тортилади. Қ. Тошкентда кўп тайёрланади. Қ. мўғуллар, қозоқлар, қирғизлар, туркманларда ҳам мавжуд.

ҚАЗИЛМА КЎМИР — қаттиқ ҳолатдаги ёнувчи фойдали қазилма; ту-

бан ва юксак ўсимликларнинг ўзгариш маҳсули бўлиб, чўкинди тоғ жинслари орасида қатлам кўринишида ётади. Таркибида органик минерал аралашмалар ва намлик 50% гача бўлади. Қ.к. фойдали қазилмаларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири, Ер шарининг барча материкларида учрайди, 3000 дан ортиқ кўмир конлари ва ҳавзалари маълум. Қ.к. Ер пўстида қатлам, қатламсимон ва линза кўринишидаги ётқизиқлар ҳолида бўлади ҳамда яхлит, қатқатли ёки донатор текстурга эга. Ранги жигаррангдан қорагача. Қ.к. энергетик хом ашёнинг асосий турларидан бири; унинг дунё бўйича ёкилғиэнергетика балансидаги улуши 30—35% ни ташкил этади. Қ.к.дан саноатнинг турли соҳаларида: электро-энергия, металлургия учун кокс ишлаб чиқаришда, энергетик мақсадларда ёкиш учун, кимёвий қайта ишлаш йўли билан турли хил (300 дан ортиқ) маҳсулот олишда фойдаланилади. Қ.к. дан германий, галий ажратиб олинади. Асосий компоненти — органик модданинг таркибига кўра, Қ.к. 3 генетик гуруҳга бўлинади: *гумолитлар* (кўнғир кўмир, тошкўмир ва антрацит), *сапропелитлар* ва сапрогумолитлар. Кўпроқ учрайдиганлари гумолитлар бўлиб, қуруқликдаги юксак ўсимликлар қолдиқларидан пайдо бўлади. Улар кўпроқ ботқоқлик, қўлтиқ, лагуна ва чучук сувли ҳавзаларда ҳосил бўлиб — автохтон тўпланиш; қуруқликдан ўсимликлар ва уларнинг ўзгариш маҳсуллари яқин жойлашган турғун сув ҳавзаларига кўчирилиши натижасида нисбатан камроқ тўпланганлари — аллохтон тўпланиш дейилади. Тўпланиб қолган ўсимлик қолдиқлари биокимёвий парчланиши натижасида *торфга* айланади; бунда сувли муҳитнинг кимёвий таркиби ва сувлиги муҳим таъсир кўрсатади. Сапропелитларнинг кўп қулли турлари *ёнувчи сланецлар* деб аталади. Қ.к.да минералли қўшимчалар манбаи бўлиб, кўмир ҳосил қилувчи ўсимликларнинг ноорганик таркибий қисмлари, торф ҳосил бўлган

жойга сув ва шамол ёрдамида келтирилган терриген материаллар; шунингдек, торфзорларда циркуляция қилувчи сув аралашмаларидан ажралиб чиқувчи минералли янги ҳосилалар бўлиши мумкин. Минерал аралашмаларнинг таркиби — кварц, гилли минераллар (асосан, каолинитлар), дала шпатлари, пирит, марказит, карбонатлар ва Si, Al, Fe, Ca, Mg, K, N, P, S, Ti, сийрак ва тарқоқ элементлар (I, O, Sr, Ba, V ва бошқалар) дан иборат. Торфзорлар устини қоплайдиган жинслар пайдо бўлиши билан торф ҳосил бўлиш жараёни тугайди. Нисбатан юқори бўлмаган т-ра ва босимда пайдо бўлган диагенетик (зичлашиш, чўкиндиларнинг дегидрацияси, газ ажралиб чиқиши) ва тикланиш характерига эга бўлган биокимёвий жараёнлар торфларни кўнғир кўмирга айланишига олиб келади. Юқори т-ра ва босимнинг узоқ муддатли таъсири натижасида кўнғир кўмирлар тошкўмирга, улар эса, антрацитларга айланади (қ. *Кўнғир кўмир*, *Тошкўмир*, *Антрацит*). Кўмир ҳосил бўлиш жараёни регионал геологик жараёнлардан бири бўлиб, барча континентларнинг худудларида кузатилади. Кўмирли формацияларнинг узлуксиз тарқалиш майдони бир неча км² дан юз минг км² гача, қалинлиги бир неча ўн м дан бир неча км гача, улардаги қатламлар сони бир неча юзга етади. Йирик масштабдаги кўмирланиш жараёни платформали областларга тўғри келади.

ҚАЗИЛМА ОРГАНИЗМЛАР ҚОЛДИҚЛАРИ, тошқотганлик — ўтган геологик даврларда яшаган организмларнинг чўкинди тоғ жинсларида сақланиб қолган ҳаёт фаолияти излари ва қолдиқлари. Уларга қараб чўкинди тоғ жинсларининг нисбий ёши аниқланади. Қ.о.к.нинг турли хил сақланиш шакллари маълум. Ўсимликлар, айниқса, йириклари, тоғ жинсларида бутунлигича кўмилиб қолмайди; улардан бўлиниб кетган барглар, шохларнинг узилган қисмлари, ўсимликлар танасининг бўлаклари, мевалари, алоҳида уруғлари

ва камданкам гул излари сақланиб қолади. Оксидланиш жараёни таъсирида органик моддалар йўқолиб, тоғ жинсларида ўсимликларнинг фақатгина излари қолади ва уларда баъзан кўмирга айланган юпка пўст (кутикула) сақланади; кимёвий реагентлар билан ишлов берилгандан сўнг микроскоп остида эпидерма ва оғизчаларнинг катакли тузилиши кўринади. Баъзан ўсимлик қолдиқларини турли хил минераллар (кальцит, лимонит, аморфли кремнезём, сидерит ва бошқалар) билан ўрин алмашиши содир бўлади. Бу тошқотганликда ўсимликлар анатомик структураси сақланиб қолади, улар фан учун жуда қимматлидир. Ҳайвонларнинг фақат скелетларигина эмас, балки юмшоқ тўқималарининг тузилиши тўғрисида ҳам хулоса чиқаришга имкон берувчи бутун жасадлари ёки уларнинг бўлақлари антропоген ётқиқликларидоғина сақланиб қолган. Ҳайвонларнинг яхши сақланган қолдиқлари (мамонтлар, балиқлар ва бошқалар) абадий музлоқ ер областларида ва баъзан уюмларни ташкил қилувчи табиий асфальтсмон модда — озокеритда қолган бўлади. Мумиёга айланган қолдиқлар ҳам организмлар тўғрисида маълумот беради. Тошқотишликнинг тез-тез содир бўлиши — қачонки организмлар қолдиқларидаги ғовақлар сувли эритмалардан чўккан минерал моддалар билан тўлганда; ўша скелетнинг моддаси ҳам ўз структурасини сақлаган ҳолда (псевдоморфоза) улар билан алмаштирилади. Қ.о.к. минераллашиш жараёни фоссилизация дейилади. Жинсларда, хитин скелетли умуртқасизлардан юпка кўмирга айланган қатламчалар қолади. Палеонтология ва тарихий геол.нинг қазилма организмлар ҳосил бўлиш жараёнини ўрганувчи бўлими тафономия деб аталади.

Ер пўсти ётқиқликларидо сақланиб қолган қадимий геологик даврлардаги ўсимликларнинг қолдиқлари. Қ.ў.ни *палеоботаника* фани ўрланади. Бутун ҳолда тубан ўсимликлар (сувўтлар ва

бактериялар), юксак ўсимликлардан йўсинлар, баъзи майда ўсимликлар, йирик юксак ўсимликлардан уларнинг бўлақбўлақ қисмлари (танаси, пўстлоғи, барги, гули, меваси, уруғи, спораси, гулчанг доналари ва бошқалар) сақланган. Кўпинча қазилма қолдиқлар орасида сув хавзалари ёнида ўсган ёғочсимон ўсимлик ва сувўтларнинг қисмлари учрайди. Қ.ў. одатда, ботқоқлик, кўл, дарё ётқиқликларидо ҳамда манбаларнинг оҳақли ва кремнийли ётқиқликларидо ва денгиз соҳили ётқиқликларидо *қазилма ҳайвонлар билан* бирга учрайди. Қолдиқларнинг сақланиш даражаси Қ.ў.ни ўзида мужассамлаштирган тоғ жинсларининг геологик ёшига ҳам боғлиқ. Қ.ў. структураси емирилмай анатомик тузилиши (мас, ўсимликларнинг уруғи, данаги, ёғочи, чанги, баргининг эпидермиси ва игна баргиларнинг куббаси ва бошқалар) сақланиб, ўсимлик тўқималарининг кимёвий таркиби бирмунча ўзгарган ҳолда ва ўсимлик қолдиғи бутунлай йўқолиб, тоғ жинслари орасида, уларнинг фақат излари ёки ҳар хил минераллар билан тўлган шакллари сақданган ҳолда учрайди. Қ.ў.нинг бир нечта катта бўлимлари, типлари (мас, псилофитсимонлар, беннеттитлар, лепидодендронлар ва бошқалар) маълум. Уларни ўрганишдан олинган далилларга кўра, уч млрд. йил олдин, яъни архей ва протерозой ётқиқликларидо бактериялар ва бир хужайрали сувўтлар яшаган. Ер усти ўсимликларининг кембрийордовикда пайдо бўлганлиги эҳтимолдан узоқроқ бўлсада, силур даврида пайдо бўлганлиги аниқ. Узгарувчан иқлим шароитига мослашиш нағижасида ўсимликлар дунёсида катта ва мураккаб ўзгаришлар рўй берган. Ўзгарган табиий шароитга мослаша олмаган ўсимликлар йўқолиб кетган ва мослаша олганлари яшаб, янги турлар юзага келган. Қ.ў.ни ўрганиш ўғмишда Ер юзини қоплаган ўсимликларнинг тарқалиши ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни беради ҳамда ўсимликлар эволюцияси этапини

белгилайди. Қ.ў. sanoатда фойдаланиладиган қазилмаларнинг (торф, қўнғир кўмир ва тошкўмир, ёнувчи сланецлар) тўплamlарини ҳосил қилади. Ўрта Осиё ҳудудида карбон даврида евромерий типдаги флора мавжуд бўлган. Юра флорасининг вакиллари Ўзбекистонда, мас, Охангарон, Шўроб, Сулукта ва Шарғундаги кўмир конлари ҳосил бўлишида катта роль ўйнаган.

ҚАЗИЛМА ҲАЙВОНЛАР — ўтган геологик даврларда яшаган ҳайвонлар қолдиқлари. Қ.х. скелетлари турли хил чўкинди тоғ жинсларида сақланиб қолган, баъзан уларнинг таркибига ҳам кирган бўлади (мас, чиғанокли оҳактош). *Қазилма организмлар қолдиқларини ўрганувчи фан палеонтология*, Қ.х.ни ўрганувчи фан эса *палеозоология* деб аталади. Метаморфлашган токембрий ётқизикларидаги Қ.х. қолдиқларининг кўрсатишича, ҳоз. вақтда яшаётган кўпгина ҳайвонлар (қолдиқлари фақатгина куйи ордовикдан маълум бўлган хордалилардан ташқари) ўша пайтда ҳам яшаган. Энг содда (бир хужайрали) ҳайвонлар қазилма кўринишида фораминифералар, радиоларийлардан иборат. Уларнинг скелетлари кўзга кўринарқўринмас даражада бўлиб, кембрий ётқизикларидан бошлаб учрайди, баъзан чўкинди ҳосилаларнинг қалин қатламларини ташкил қилган. Тубан кўп хужайрали ҳайвонлар — булутлар (суб жониворлари) протерозойда пайдо бўлган; уларга яқин бўлган археоциатлар куйи кембрийда жадал кўпайган. Моллюскалар куйи палеозойдан маълум бўлиб, айниқса, мезозой ва кайнозойда ривожланган. Мшанкалар ва елка оёқлилар палеозой давридан яхши маълум; *елка оёқлиларнинг* кўпчилиги палеозойда кирғокбўйи денгиз зонасида жойлашган бўлиб, чиғанокли банка (саёзлик)лар ва оҳактошларнинг қалин қатламни ҳосил қилган. *Бўғимоёққилар қадимий* палеозойда трилобит ва эвриптерид гуруҳларини ташкил қилган; девон

давридан бошлаб бўғимоёққиларнинг бошқа синфлари — хашаротлар, ўргимчаксимонлар пайдо бўла бошлаган. Игнатанлиларнинг қолдиқлари куйи палеозой ётқизикларида содда гуруҳлар (денгиз пуфакчалари, карпоидейлар ва бошқалар) дан ташкил топган. Умуртқали ҳайвонларнинг қолдиқлари қазилма кўринишида камроқ учрайди. Энг қадимийлари куйи палеозойга тегишли умуртқалиларнинг вакили бўлган жағсизларга алоқадор ҳоз. замон илонбаликларидир; кўп ўтмай девон ётқизикларидаги акуласимон совутли, икки хил нафас олувчи ҳақиқий балиқлар пайдо бўлган; суякли балиқлар эса мезозой эрасида вужудга келган. Ерда яшайдиган тўрт оёқди ҳайвонларнинг қолдиқлари Гренландиядаги девоннинг энг юқори горизонтларида сақланиб қолган. Тошкўмир ва пермь ётқизикларида сувдақуруқда яшовчи содда ёпикбошлиларнинг қолдиқлари кенг тарқалган, палеозой охири ва мезозой бошларига келиб уларнинг кўпчилиги кирилиб битган. Мезозойда, айниқса, турли хил судралиб юрувчилар: тимсоҳлар, тошбақалар ва, айниқса, динозаврлар; жуда кўп сонли ихтиозаврлар, плезиозаврлар; қанотларининг катталиги 10 см дан 7 м гача ва ундан ҳам ортиқ бўлган учувчи судралиб юрувчилар — птерозаврлар кўп бўлган. Айни вақтда тиши ўткир узун думли дастлабки қушлар ва майда содда сут эмизувчилар пайдо бўлган. Сут эмизувчилар орасида ўзига хос ҳайвонлар — титанотериялар, улкан каркидонлар, мастодонлар, уч панжали отлар, қилич тишли йўлбарслар ва бошқалар бўлган; уларнинг баъзилари ҳоз. ҳайвонларнинг аждодлари ҳисобланади. Неоген охирларига келиб одам пайдо бўлган. Қ.х. қолдиқларини ўрганиш чўкинди тоғ жинсларининг нисбий ёшини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

ҚАЗУВ, қачув — Хива хонлигида канал (ёп)ва ариқларни ҳар йили тозалаш таомили. Канал ва ариқларнинг дамба

(қочи)ларини тузатиш ва қуришдан иборат мажбурият қачув, уни бажарувчилар қазувчи ёки белдор деб аталган. Бу иш «бегор» йўли билан амалга оширилган. Бу солиқнинг ўзига хос усули бўлиб, ҳар бир хонадон йилда бир кишини Қ.га юбориши ва 12 кун давомида каналларни тозалаш ишларида иштирок этиши шарт эди. «Бегор» 12 кундан ортиқ чўзилмаслиги лозим бўлса ҳам, кўпинча 15—20 кунгача давом этган. Қ. йилига 2 марта баҳорда ва кузда бўлган. 12 кунлик бегордан ташқари Хоразмда 6 кунлик меҳнат мажбурияти — «бало қазув» ҳам бўлган. Қ. иши катта каналларда 2 ҳафтадан ошмаган, чунки бунга жуда кўп қазувчи жалб этилган. Улуғ Қ. ва ташқи Қ.ни ташкил этиш ҳукумат зиммасида бўлган. Ишни олиб борувчи, яъни сохибқор, албатта, тўралардаи бўлиб, у бош миробнинг розилиги ёки таклифи билан хон томонидан махсус ёрлик билан тайинланган. Баъзан каналларни тозалаш ишларининг тепасида хоннинг шахсан ўзи турган (мас, Полвонёп, Ғозиобод, Шоҳобод каби катта каналларнинг қазувида).

Каналларни лойқадан тозалаш қадимдан 2 минтақага бўлинган: 1) сақо қазуви (бош қисмини тозалаш) ва 2) обхўра қазуви (тақсимловчи тармокни тозалаш). Каналнинг сақоси (бош қисми) олий ҳокимиятга тегишли бўлиб, тозалашни ташкил этиш ва уни сақлаш учун маблағ билан таъминлаш ҳукумат зиммасига тушган.

Севара Сабурова.

ҚАЗҒАНТОВ КОНИ — Султон Увайс тизмасининг марказий қисмида (Қад. Хоразм) жойлашган қадимий тальк қони. Қон худудида қия штольня ва шурфлар, карьерсимон ўра ва чуқурлар бўлиб, улар талькли жинслар кўп бўлган зоналар бўйлаб 5—10 м чуқурликкача — грунт сувлари сатҳигача қазилган. Қовланган жойлар ёнида қадимий қончилар яшаган тош уйларнинг қолдиқлари сақланган; сопол буюмлар, тангалар ҳам

топилган. Шу топилмаларга кўра қон 10, 12—14-асрларга оид деб ҳисобланади. Бу даврда Ўрта Осиёда талькдан ишланган буюмлар кенг тарқалган. қадимийда талькли жинслар оловбардош ва осон ишланадиган материал сифатида юқори баҳоланган.

Талькдан қозон ва бошқалар идишлар ясашда фойдаланилган. Ўрта аср олимлари Мақдисий, Беруний ва бошқалар асарларида кўрсатилишича, Хоразм тальк қазиб олинадиган марказлардан бири бўлган.

ҚАЗҒОҚ — бошнинг сочли қисмида пайдо бўладиган майда қипиклар (тангалар). Организмда витаминлар (хусусан, А ва В гуруҳ витаминлари) етишмаслиги, нерв системаси ва меъдаичак фаолиятининг бузилиши, инфекция қасалликлар, сочни нотўғри парвариш қилиш ва бошқалар сабаб бўлади. Ёғли ва ёғсиз Қ. фарқ қилинади. Оддий (ёғсиз) Қ.да ёғ безлари яхши ишламайди; бошда майда, қуруқ, оқ қипик йиғилиб, тўкилиб туради; бош қаттиқ қичишади; соч қуруқ, мўрт, хира тортиб, кўп тўкилади. Сочни доим қайноқ сувда кирсовун билан ювиш, ботбот перманент қилиш, қимёвий усулда бўяш, кун қизиғида бошланг юриш ва бошқалар ҳам Қ. кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Ёғ безларининг зўр бериб ишлаши натижасида ёғли Қ. пайдо бўлади (қ. *Себорея*). Бошдаги Қ. ёғли, сарғимтир рангда бўлиб, тери ва сочга ёпишиб қолади. Қ. пайдо бўлганда тери қасаллиги мутахассиси (дерматолог) га учрашиш лозим. Сервитамин овқатлар еиши, вақтида ухлаш ва дам олиш, сочни қуруқ ёки ёғлилигига қараб парвариш қилиш тавсия этилади (қ. *Соч*). Бошда кўп ва дағал Қ. йиғилиши айрим қасалликлар (мас, *экзема*, *псориаз*) белгиси бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун Қ. пайдо бўлганда дарҳол врачга учрашиш ва тегишли маслаҳатлар олиш лозим.

ҚАЙИН — қайиндошлар оиласига мансуб барг тўқувчи дароҳт ва буталар

туркуми. Оқ Қ., карелия Қ.и, юмшок ёки тукли Қ., даурия Қ.и. ёки қора Қ., япалок баргли Қ. каби 100 га яқин тури маълум. Асосан, Шим. ярим шарнинг мўтадил ва совуқ иқлимли р-нлари ҳамда субтропик мамлакатларида тарқалган. Ғарбий Европанинг 65° гача шим. кенгликларида, Россия Европа қисмининг ўрмон ва ўрмондашт зонасида, Ғарбий Сибирь, Забайкалье, Саян, Олтой ва Кавказда учрайди. Игнабарглилар ва баргли дарахтлар билан аралаш ўсиб, кенг Қ. ўрмонлари ҳосил қилади.

Ўрта Осиёда 2 тури: Туркистон ва Тяньшан Қ.лари тарқалган. Тўқайзорларда, 5—6 га майдонларда алоҳида ёки аралаш ўрмонлар ташкил қилиб, тоғ дарёлари қирғоқларида ингичка полосалар ҳолида ўсади. Баъзи жойларда ёнғоқзорлар, арчазорлар, оққарағайзорларда табиий ҳолда учрайди. Туркистон Қ.и (В. Игкеш1ашка) ТяньшанОлай тоғ дарёлари бўйларида учрайди. Бўйи 8—17 м. Пўстлоғи оксарик, танасидан тез кўчади. Барглари кетмакет жойлашган тухумсимон, тиғсимон. Гуллари айрим жинсли, бир уйли ўсимлик. Тўпгули кучала. Апр. ойида гуллаб, октябрда уруғлайди. Тяньшан Қ.и ёки қизил Қ. (В.Иапзспашса) Тяньшан тоғлари во'дийларида якка ҳолда ёки тўптўп бўлиб учрайди. Дарахтининг бўйи 20 м гача етади. Шохшаббалари кенг, калин. Пўстлоғи қатламқатлам. Барглари тўқ кулрангяшил, ромбсимон. Ёш новдаларида смолали сўгаллари бор. 8—15 ёшидан гуллай бошлайди. Қ. ёруғсевар, совуққа чидамли, қурғоқчиликка бардошли. Турли тупроқиклим шароитларида ўса олади. 40—120 (150) йил яшайди. Қ.дан шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда фойдаланилади, ёғочидан паркет, фанер, чанғи ва бошқалар, айрим турларининг ёғочидан қимматбаҳо мебель тайёрланади. Пўстлоғидан қатрон, баргларида бўёқ олинади, куртаги ва кучаласи қушлар учун яхши озук. Қ. шарбати, куртагининг қайнатмаси ва тиндирмаси тиббиётда қўлланилади.

Ад.: Гроздова Н.Б., Берёза, М., 1976. *Абдушукур Хоназаров.*

ҚАЙИНДОШЛАР — қайиннамолар қабиласига мансуб оила. Ер юзида 6 туркумга мансуб 150 га яқин тури бор. Шим. ярим шарда кенг тарқалган. Оила вакиллари, асосан, дарахтлардан иборат. Танаси оқ ёки сарғиш, катта ёшдагиларида қора доғлар пайдо бўлади. Бир уйли ўсимлик. Гуллари кучалаларда ўрнашган. Барглари йирик, оддий, кетмакет ўрнашган. Меваси бир уруғли, ясси.

Ўрта Осиёда 2 тури ўсади (қ. *Қайин*). Апр.—май ойларида гуллаб, меваси август—окт.да етилади. Қ.дан манзарали ўсимлик сифатида фойдаланилади.

ҚАЙИПБЕРГЕНОВ Тўлепберген (1929.7.5, Қорақалпоғистон, Кегейли тумани) — Ўзбекистон (1994) ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1974). Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Хўжайли педагогика билим юртини (1947), Қорақалпоғистон пед. интининг рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1955). «Амударё» жур. (1955—57)да, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1957—58). Қорақалпоғистон телерадиокомитетида катта муҳаррир, раис ўринбосари (1958—59), «Жас ленинши» газ. бош муҳаррири (1959—60), «Қорақалпоғистон» нашриёти директори, «Совет Қорақалпоғистони» газ. бош муҳаррири (1962—72). Қорақалпоғистон нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети бошлиғи (1972 йилдан), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари (1980 йил дан). Дастлабки қиссаси — «Секретарь» (1956). «Раҳмат, муаллим» (1958), «Совуқ томчи» (1964), «Уйқусиз тунлар» (1965) қиссаларининг, «Сўнги...» (1960), «Қорақалпоқ қизи» (1 — 2-китоблар, 1963—65), «Қорақалпоқ достони» трилогиясини ташкил этган «Маманбий афсонаси», «Қорақалпоқнома» роман-эссеси

(1978), «У дунёга бобомга хатлар» (1982) асарлари чоп этилган. «Қорақалпоқман — таваккалчиман» (2003) асари, шунингдек, «Фамилия» пьесаси, «Бердак» («Сахро булбули»), «Ойдўст бобо» драматик асарлари ўзбек, козок, рус ва қорақалпоқ тилларида сахналаштирилган. Асарлари қорақалпоқ халқининг 17—18-асрлардаги тарихи, Орол фожияси, минтақадаги экологик вазият, туркий тилли халқларнинг ўзаро қардошлиги ҳақида. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари (1987—91). 1995 йилдан Марказий Осиё халқлари маданияти жамғармаси раиси. Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти (1967), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1971) лауреати.

Ас: Маманбий афсонаси [Роман], Т., 1974; Бахтсизлар [Роман], Т., 1976; Гумрохлар [Роман], Т., 1978.

Ад.: Шермухамедов П., Мир писателя, его книги, его народ, Нукус, 1982.

Насриддин Назаров.

ҚАЙИПНАЗАРОВ Бойниёз (1916. 25.8, Чимбой тумани) — қорақалпоқ халқ шоири. Москвадаги Адабиёт интини тугатган (1956). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). 1946—66 йилларда мактабда ўқитувчи, жур. ва нашриётда муҳаррир, «Қорақалпоғистон» нашриёти бадий адабиёт бўлимида катта муҳаррир (1967 йилдан). «Олтин куз» (1952), «Қизил гул» (1959), «Менинг бахтим» (1966), «Ватаним» (1970), «Гулдаста» (1974) каби тўпламларида қорақалпоқ халқининг ҳаёти акс этган. «Орол овози» шеърӣ тўплами билан ўзбек тилида нашр этилган (1959). *Ш.Рашидов* тт «Кашмир қўшиғи» асарини қорақалпоқ тилига таржима қилган.

ҚАЙИР — дарё тошган пайтда водий тубининг сув босадиган қисми; замини ўзан аллювийларидан, усти эса сув тошқини пайтида оқизиб келтириладиган чўқинди жинслардан иборат. Баъзан қадимий аллювиал жинслардан ташкил

тошган энг пастки, она жинс қатламлари ҳам очилиб қолади. Қ.нинг ўзанга яқин қисмларида йирик донали аллювийлар тўпланиб, жўяқлар ва марзалар ҳосил қилади (ўзанбўйи Қ.). Қ. ўртасига томон тобора майда оқизиклар чўқади (марказий Қ.). Баланд қирғоқларга яқин жойга фақат лойқа заррачаларгина етиб боради, бу ерда Қ. анча паст ва ботқоқлашган бўлади (терраса бўйи Қ.). Қ. юзасида халқоблар, дарёнинг эски ўзани, тармоқларининг изи учрайди.

Қ дарё ўзанининг ён тарафларга ўзгариши натижасида юзага келади. Сув сарфи бир меъёрда бўлмаган текислик дарёларининг Қлари кенг (20—40 км) бўлади. Тектоник букилмаларда оқадиган дарё Қларининг кенлиги букилманинг каттакичкилигига боғлиқ. Қ. рельефининг шаклланишига ўсимликлар ҳам таъсир кўрсатади. Қ ўтлоқлари энг яхши емхашак манбаи ҳисобланади. Тупроқдари жуда унумдор бўлади. Сув босган даврда Қ.да балиқлар увулдириқ ташлайди, шу сабабли Қ балиқчилик хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Кичикроқ тоғ дарё Қларнинг аллювий ётқизикларида фойдали қазилмаларнинг сочма конлари (олтин, платина, кассетерит ва бошқалар) учрайди. Қум ва шағал қурилиш хом ашёси сифатида ишлатилади.

ҚАЙИР ТУПРОҚЛАР дарё одоқларининг аллювиал ётқизикларида ҳосил бўладиган тупроқлар. Суви тошиб турадиган дарё бўйларида, сув босадиган ерларда тарқалган. Юқори биогенлиги, қатламдорлиги, гумус қатлами билан фарқланади. Тупроқ ҳосил қилиш жараёнига қараб чимли (бошоқли ва ҳар хил ўтли ўтлоқ ва очик ўрмонларда ҳосил бўлади; механик таркиби энгил, сув режими барқарор эмас), ўтлоқи (ҳар хил ўтлибошоқли ўсимликлар ўсадиган одоқларнинг марказий қисмида вужудга келади, гумуснинг кўп тўпланиши, дондор структураллиги ва ҳ.к. билан тавсифланади), ботқоқи (ўтли ва ўрмонли ботқоқлар одоқларининг терраса олди

қисмларида ҳосил бўлади, торфланиши, лойқа босиши ва ҳ.к. билан фаркланади) бўлади.

Қ.т. турли табиий зоналарда учрайди, унумдор. Бундай тупроқли ерлардан яйлов ва пичанзор сифатида, сабзавот, емхашак экинлари, шоли ва бошқаларни экишда фойдаланилади. Қ.т. сув режимини тартибга солиш (қуришти) зарур.

ҚАЙИҚ — дарё, кўл ва бошқалар сув ҳавзалари учун мўлжалланган сузиш воситаси. Қлар дастлаб, асосан, эшаклар билан ҳаракатлантирилган, кейинчалик елканли ва моторли Қлар пайдо бўлган. Қ. илгари, асосан, йўғон дарахт танасини ўйиб ясалган, қайин пўстлоғидан ёки ёғоч синч (каркас)ларга ҳайвон терисини тортиб қурилган. Ҳозир Қ. яшашда ёғоч, пластмасса ва энгил металл ишлатилади. Қ. одамлар фойдаланган дастлабки сув транспорти ҳисобланади. қадимий Миср, Ўрта Осиё (шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди), Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон ва бошқалар мамлакатларда кенг расм бўлган. Қдан сув транспортида, балиқ овлашда, ҳарбий ишда, спорт мақсадларида, истироҳат боғларида сувда сайр қилиш ва бошқалар мақсадларда фойдаланилади. Кичикроқ сув *ости кемаси* сув ости Қ.и деб аталади. Қ.нинг шакли ва ўлчамлари, нечта (бир, икки ва кўп) эшакли эканлиги унинг нима мақсадга мўлжалланганлигига боғлиқ. Ўзбекистонда Қ., асосан, балиқ овлашда, спорт мақсадларида, истироҳат боғларидаги кўлларда сайр қилишда ишлатилади (қ. *Кема*).

ҚАЙЛА — тайёр овқат устига солинадиган масаллик. Гўшт ва майда тўғралган турли сабзавотлардан ковуриб, сўнг озроқ сув қўшиб қайнатиб ёки султ оловда 30—40 мин. давомида димлаб пиширилади. Қ. мошкичири, кесма угра, турли гарнирли таомлар учун тайёрланади.

ҚАЙЛИ ҒОРИ — тош даврига оид

макон. Туркманистоннинг Болхон вилояти ҳудудида. Ғор яқинидан топилган кабристонлардан маълум бўлишича, илк неолит даври одамлари жасадларни денгиз соҳилига кўмишган. Маййит танасига қизил бўёқ (охра) сепилган ва чакмоқтошдан ясалган пичоқ қўшиб кўмишган. Ундан ташқари, денгиз чиғанокларидан ишланган маржонлар ҳам топилган бўлиб, улар марҳумнинг бош кийимига тақилган ва ўнг болдирига ҳам ўраб кўмилган. Бу топилмалар Ғарбий Туркманистонда балиқ овловчилар ва бошқаларнинг хилхоналари бўлганидан гувоҳлик беради.

ҚАЙМОҚ — сут маҳсулоти. Сут сепаратори ихтиро қилингунча сутни 10—12 соат давомида паст ҳароратда маҳсус идишлар (мас, Ўзбекистонда сопол товоқ)да тиндириб олинган. Таркибида ёғлилигига қараб 59,6—81,8% сув, 2,4—3,4% оқсил, 2,7—4,2% лактоза, 0,3—0,6% минерал моддалар бор. Сут эдларида бевосита истеъмол қилишга мўлжалланган, ёғлилиги 10%, 20% ва 35% бўлган Қ. ишлаб чиқарилади. 10% ли Қ. 78—80° да, 20% ва 35% лиси 85—87° да (15—30 сек. давомида) пастерланади, сўнгра дархол маҳсус совитиш ванналарида 4—6° га қадар совитилади, шиша идишлар ёки қоғоз пакетларга қуйилади. Оддий Қдан ташқари қуюлтирилган ва қуруқ Қлар ҳам ишлаб чиқарилади. Қ.нинг ўзи истеъмол қилинади, ичимлик ва таомларга қўшилади. Қ.нинг асосий қисми саноатда сариёғ, сметана олиш учун қайта ишланади, музқаймоқ тайёрланади (яна қ. *Сут, Сут саноати*).

ҚАЙНАМА — ариқ сувини йўл ёки кўча остидан ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти. Узунлиги йўл ёки кўчанинг энига тенг келадиган ёки ундан узунроқ асбест ёки металл қувур ҳамда қувурнинг икки учига қилинган бетон ёки металл ҳовузлардан иборат. Қувурнинг диаметри ва ҳовузларнинг ўлчами ариқдаги сувнинг ҳажмига

боғлиқ бўлади. Қ. қуришда ёғин сувлари ҳам ҳисобга олинади. Қ.нинг ўзига хос томони шундаки, қувурдаги сув сатҳи ҳовузлардаги сув сатҳидан анча паст бўлади. Қувурга сув қирадиган ҳовуздаги сув сатҳи қувурдан сув чиқадиган ҳовуздаги сув сатҳидан баландроқ ёки унга тенг бўлиши лозим. Бир ҳовуздан қирган сув иккинчи ҳовуздан «қайнаб» чиқади (номи шундан). Қ. *сифон* принципада ишлайди. (яна қ. *Дюкер*).

ҚАЙНАШ — суюқликнинг бутун ҳажм бўйича шиддат билан буғга айланиш жараёни. Суюқликда ҳамшиша эриган газлар мавжуд бўлиб, улар идишнинг туби ва деворларида ҳамда суюқлик ичида муаллак слчиб юрган чанг зарраларида майдамайда пуфакчаларни ҳосил қилади. т-ра кўтарила борган сари пуфакчалардаги тўйинган буғ миқдори ва босими орта боради. Итариб чиқувчи куч таъсирида пуфакчалар юқорига қалқиб чиқади. Агар суюқликнинг юқориги қатламлари т-раси пастроқ бўлса, кўтарилаётган пуфакчалардаги босим тез камаяди ва шунчалик тез пучқайиб қолади. Пуфакчаларнинг деворлари бир-бирига урилиб ўзига хос шовқин чиқаради. Пуфакчалар ичидаги тўйинган буғ босими суюқликдаги босимга тенглашгач, пуфакчалар пучқаймасдан кўтарила бошлайди, шовқин ҳам тўхтайтиди ва Қ. бошланади. Барқарор Қ. жараёнида суюқликнинг т-раси ўзгармайди. Суюқликка берилаётган бутун энергия (иссиқдик энергияси) суюқликни буғга айлантиришга сарф бўлади. Ўзгармас босим остидаги суюқликнинг Қ. жараёни юз берадиган т-ра қайнаш т-раси (Г) дебаталади. Қайнаш т-раси тўйинган буғ т-раси (тўйиниш т-раси) га тенг бўлади. Ҳар хил моддалар турли трада қайнайди.

ҚАЙРАҒОЧ — қайрағочдошлар оиласига мансуб барг тўқувчи дарахтлар туркуми, манзарали ўсимлик. Асосан, Ўрта Осиё ва Озарбайжонда ўсади. 80-120 (400-500) йил яшайди. Қ. ёруғсевар,

қурғоқчиликка чидамли, совуққа чидамсиз. Тоғларнинг 1500 м гача баланд ерларида ҳам учрайди. Ўзбекистонда Қ.нинг пўкак Қ., пакана Қ., майдабарг Қ., силлик Қ., бужун Қ., дала Қ.и, айникса, сада Қ. ва асл Қ. (ғужум) ёки андросов Қ.и. кенг тарқалган. Бу Қ.нинг бўйи 10—15 м, шохшаббаси қалин, шарсимон, барглари кетмакет жойлашган, тухумсимон. Мартап. ойларида гуллаб уруғлайди. Гуллари икки жинсли. Уруғи ёнғоқча (данакча). Қуёқ соя бериши ва чиройли кўриниши туфайли Ғарбий ва Ўрта Осиёда, Закавказьеда ҳовли, боғларда, хиёбонларда ўстирилади. Қ.нинг ҳамма турлари ўрмонлар, парклар, ихота дарахтзорлари барпо этиш учун экилади. Ёғочи дурадгорликда турли буюмлар ясашда, асбоб-созлик, ускунасозлик ва машинасозликда ишлатилади. Уруғи ва илдиз бачкисидан кўпайтирилади.

ҚАЙРАҒОЧДОШЛАР — икки уруғпаллалли ўсимликлар оиласи. Дарахт ва буталардан иборат. Барглари оддий, тишли, асимметрик, наватлашиб ўрнашган. Гуллари икки ёки бир жинсли, қалқонсимон тўпгулга йиғилган, баъзан яққаякка жойлашган. Гулкўрғони оддий, 3—8 баргчали. Меваси қанотча, ёнғоқча ёки данакча. Қ. 13 туркум (140 тур)дан иборат. Ҳар иккала ярим шарда тарқалган. Ўзбекистонда 2 туркуми (10 тури) учрайди, шундан 9 тури экилади. *Садақайрағоч*, ғужум қайрағоч, бурж ёки Ўзбекистон қайрағочи, пўкак қайрағоч ва катранғининг аҳамияти катта.

ҚАЙПРОҚ — жисми садоланувчи (*идиофон*) урма чолғу. Ўзбек, тожик, уйғур ва бошқалар Шарқ халқларида тарқалган. Асосан, раққос(а), дорбоз, ёғочоёқ ўйинчилар томонидан қўлланилади. Қ. икки жуфт силлик юпка тошдан иборат. Хоразмда Қ.ни тош ва металл бўлаклари ташкил этиши мумкин. Ижрочи ҳар бир қўлига бир жуфтдан Қ. олиб уларни бир-бирига уриб садолантиради. Қ.да раққ ҳаракатларига мос турли усуллар

(кўпинча «рез») ҳосил қилинади. Бухорода «Қайроқбози», Хоразмда «Оразибон», «НоримНорим» каби Қ. жўрлигида ижро этиладиган рақслар машҳур. Испания, Италия, Лотин Америка халқларида кенг тарқалган (ҳозирда, симфоник оркестр ва баъзи ансамбллар таркибига кирган) кастаньеталар Қ.га яқин. У кичик қошиқсимон, япалоқ бўлиб, қаттиқ ёғоч ёки пластмассадан ясалди.

«ҚАЙРОҚ ЎЙИН» — ўзбек рақси турларидан, Хоразм хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудида, асосан, шаҳарларда яшовчи профессионал раққос ва раққосалар томонидан жуфт қайроқлар ёрдамида ижро этиб келинган рақслар туркуми. «Қ.ў.» зардуштийлик билан боғлиқ ҳолда қадим замонларда пайдо бўлиб, асрлар давомида мазмунан ва шаклан ўзгариб, бизнинг давримизгача етиб келган. Дастлабки даврларда ўйинчилар қайроқ билан усул бериб ўйнаш орқали Архиман ва унинг лашкарлари инсужинсларни ҳайдаганлар ва шундан завкланиб рақсга тушганлар. Борабора бундай рақслар диний эътиқод қобигидан чиқиб, дунёвий санъат, томоша шаклини эгаллаб, малакали рақс усталари репертуарларидан ўрин эгаллаган. Ҳозир ҳам Хоразм воҳасида, Бухоро ва Самарқандда бундай рақслар яшаб келмоқда. «Қ.ў.»да қайроқ орқали улар бир-бирига уриб ва дириллагиб (рез бериб), куйга мос усул беради. Усулларнинг хилмаҳиллиги ўйинчининг маҳоратига боғлиқ. Усулларга мос рақс ҳаракатлари ишлатилади ва улар ўзгариб боради. «Қ.ў.» яқка раққос ёки кўпчилик томонидан ижро этилиши мумкин. Ансамблда қайроқлар билан усул беришда жўровозлик талаб қилинади. Хоразмда жуфт қайроқнинг биттаси кўпинча темир бўлгани учун усул ёрқин чиқади. «Қ.ў.» халқ циркининг ёғочоёқ ўйинларида, дорбозларнинг чиқишларида ҳам ишлатилади. Фарғона водийсида қайроқлар ўрнида ликопчалар, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида қошиқлар, таёқлар билан рақсга туши-

лади. «Лазги», «Баҳор», «Шодлик», «Зарафшон» ансамблларида «Қ.ў.» асосида замонавий рақслар яратилган. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари театрлашган томошаларида Бухоро созандалари ва Хоразм рақс усталарининг дастурларида «Қ.ў.» муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Муҳсин Қодиров.

ҚАЙРОҚСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги дарё. Хўжаипокнинг ўнг ирмоғи. 2860 м баландиқда, Бойсунтоғнинг шарқий ён бағридаги булоқдан бошланади. Гуматак жилғасининг қуйилишидан (чапдан) Келкенсой деб аталади. Уз. 27 км, сув йиғиш майдони 204 км².

ҚАЙРОҚҚУМ — Тожикистон Республикаси Суғд вилоятидаги шаҳар (1963 йилдан). Қайроққум сув омбори соҳилида, Хўжанд т.й. станциясидан 8 км. Аҳолиси 13 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Қайроққум ГЭС, гилам тўқиш, ун тортиш, уйсозлик ктлари, қурилиш ташкилотлари, темирбетон конструкциялари з-ди, балиқчилик хўжалиги, дам олиш уйи, туристик база фаолият кўрсатади.

ҚАЙРОҚҚУМ ЗИЛЗИЛАСИ — 1985 йил 13октябрда Наманган сейсмоген зонасининг жан.ғарбида жойлашган Қайроққум сув омбори ёнида содир бўлган. Эпицентрда зилзила кучи 8 балл, магнитудаси 6,1 ни ташкил қилган. Зилзиладан сув омбори тўғони зарар кўрмаган, лекин Хўжанд шаҳрига ва унинг атрофидаги қишлоқларга катта зарар етган. Ҳоз. замон тектоник ҳаракатлари нагижасида Дигмай, Оқчон ва Рухан адирларида ўсиб бораётган ёш антиклиналь структураларнинг Қурама тоғлари томонидаги кучланишлар босими таъсирида ер остидаги неоген даври тузгипсли (3000 м) қатламларнинг узил-малар бўйича гоҳ пастга, гоҳ юқорига силжиши ер қимирлашига сабаб бўлган. Бундай силжишлар 7 км чуқурликда қузатилган. Одатда, тузгипсли қатламларда

сейсмик тўлқинлар тарқалиши анча суст кечади, шунинг учун бундай жойларда зилзилаларнинг қайталаниши (афтершо- клар) кам бўлади. Бу жараён 1967 йил- даги 7 балли Супатоғ зйлзиласи пайтида ҳам кузатилган. Зилзила кучи Бекободда 6—7 балл, Ашда 6 балл, Олмаликда 5 балл, Исфара ва Қўқонда 3—4 балл би- лан сезилган.

ҚАЙРОҚҚУМ МАДАНИЯТИ

— жез даври археологик маданияти (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-яри — мил. ав. 6—3-асрлар). Фарғона ва Зарафшон водийлари ҳамда Тошкент воҳасида тарқалган. Хўжанд (Тожи- кистон) яқинидаги Қайроққум мавзеи номидан олинган. Бўлажак Қайроққум сув омбори ўрнида А.П. *Окладников*, Б.А. Литвинский, В.А.Рановлар томо- нидан Қ.м.га оид манзилгоҳлар топил- ган (1954). Қ.м. ёдгорликлари *Андропо- во маданияти* ва *Тозабог'ён маданияти* ёдгорликлари билан ўхшаш бўлиб, шу билан бирга Фарғонадаги *Чуст мадани- яти* ва жан.даги деҳқончилик маданият- лари билан мустақкам алоқада бўлган. Қайроққумдан турар жой қолдиқчари, тош ўчоқлар, жез ва мисдан ясалган рўзғор буюмлари ва жанговар қуроллар, сопол идишлар, болта, пичоқ, теша, ўқёйлар, пайконлар, қармоқлар кўплаб топилган. Аҳоли деҳқончилик ва чор- вачилик билан шугулланган. Кончилик ва металл эритиш ривожланган. Сопол идишлар қўлда ясалиб, дағал ишлов бе- рилган.

ҚАЙРОҚҚУМ СУВ ОМБОРИ —

Фарғона водийсининг ғарбий қисмидаги гидротехника иншооти (Тожикистон ва Ўзбекистон худудида). Сирдарёни тўсган Қайроққум гидроузели тўғони билан ҳосил қилинган; 1956—58 йилларда тўлдирилган. Сув юзаси майдони 513 км², фойдали ҳажми 2,6 млрд. м³. Уз. 60 км, максимал эни 20 км, ўртача чуқ. 8,2 м, максимал чуқ. 30 м. У Сирдарё оқимини мавсумий, қисман кўп йиллик тартибга

солади, доимий суториш майд. 475 минг га дан ортик. Қ.с.о. таркибига қуввати 426 МВт бўлган ГЭС, тўғон гидроузели, умумий уз. 27 км бўлган чап қирғоқ марза дамбалари, сув ости зонасини го- ризонтал ва вертикал дренажловчи насос қурилмалари комплекси киради. Сув ом- боридан сув ўтказиш имконияти 20 м³/с бўлган Хўжабақирғон (чап қирғоқ) ва Самғор (ўнг қирғоқ) суғориш насос ст- ялари сув олади.

ҚАЙРУВОН — Туниснинг шарқий қисмидаги шаҳар, Қайрувон вилояти- нинг маъмурий маркази. Аҳолиси 110,3 минг киши (1998). Мамлакатнинг муҳим тарихий, диний, савдохунармандчилик ва туризм маркази. Транспорт йўллари чорраҳаси. Целлюлозақоғоз з-ди, озик- овқат саноати корхоналари мавжуд. Ғалла, жун билан савдо қилинади. Қ. — бадий хунармандчилик маркази. Ме- талл, теридан турли буюмлар ясалади, гилам тўқилади.

Шаҳарга 670 йилда асос солинган. 7-аср охириларида Мағрибдаги *Умавий- лар* ноибларининг қароргоҳи бўлган. 800— 909 йилларда *Аглабийлар* давлати пойтахти, ўша даврда шаҳар айниқса ривож топган. Фотимийлар томонидан пойтахт Махдия шахрига кўчирилгач, Қ.нинг мавкеи пасайиб борди. Шаҳар Ту- нисда ислом динини ёйиш маркази бўлиб қолди. 1057 йилда шаҳар бадавийлар то- монидан вайрон қилинди. 13-асрда бар- барларнинг Хафсийлар сулоласи томони- дан тикланган. Қ.ни 1881 йилда француз кўшинлари босиб олган. 1956 йилдан мустақил Тунис давлати таркибида.

Мадина қисми ички ховли ва ясси то- мли анъанавий уйлардан иборат. Шаҳар шинакли қалъа девори билан ўралган (761, 11-аср охири, 13-аср, 18-аср бошла- ри). Устунлари кўп қатта хона, равоқлар билан ўралган ховли ва минораси бўлган Сиди Оқба масжиди (Қатта масжид, 670 йилда асос солинган).

9-асрда қайта қурилган), «Уч эшик- ли масжид», ислом санъати музейи бор.

Шунингдек, испанмағриб, турк санъати анъанасида қурилган меъморий обидалар ҳам сақланган. Мадинадан жан. да замонавий жамоат ва маъмурий бинолар қурилган. Қ. атрофида ҳокимлар қароргоҳлари — шаҳарлар харобалари: Қаср алҚадим, Сабр алМансурия ва ҳ.к. сақланган. Қ. — Мағриб мусулмонларининг зиёратгоҳи.

ҚАЙСА, паштак — бутунлигича данаксиз қурилган ўрик. Қ. тайёрлаш учун яхши пишган ўрик данаги билан 2—3 кун сўлитилгач, данаги мева банди ўрнидан сиқиб чиқарилади ва олтингугурт билан дудланади, сўнгра офтобда, махсус камера ёки шкафларда қурилади. Данаги ўрнига чақилган мағиз ёки ёнғоқ солиб қурилгани жуда қадрланади. Таркибида 50—55% канд бор.

ҚАЙСЕРИ — Туркиядаги шаҳар, Анадолу ясситоғлигининг марказий қисмида жойлашган. Қайсери элининг маъмурий маркази. Аҳолиси 524,8 миң киши (2000). Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Йирик ип газлама кти, самолётсозлик, кимё здлари мавжуд. Озиқ-овқат, ёғочсозлик саноатлари ривожланган. Қўрғошинрух 3-ди ишлаб турибди. Қ. гилам тўқишнинг қадимий марказларидан. Археология музейи бор. Меъморий ёдгорликлардан 12—16-асрларга оид жуда кўп масжид, мадраса, мақбаралар сақланган.

ҚАЙТА ҚУРИШ — 20-асрнинг 80-й.лари ўрталарида кенг истеъмолга кирган тушунча; СССРда тоталитар тизимни ислох йўли билан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатни англатган. Қ.к. сиёсатининг мақсади ва вазифаси мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» йўли билан ҳал этишдан иборат бўлган. М.С.Горбачёв бошчилигида КПСС раҳбариятининг бир қисми

томонидан бошланган бу сиёсат мамлакат ҳаёти ва умуман жаҳонда маълум ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди (ошкоралик, сиёсий плюрализм, «совуқ уруш»нинг тугаши ва ҳ.к.). Қ.к.ниамалга оширишдаги қарама-қаршилик ва ноизчилликлар натижасида 80-й.ларнинг охири — 90-й.ларнинг бошидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бўҳронлар кучайиб кетди. Бунга шу даврда турли республикаларда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар, миллий низоларнинг айрим жойларда ихтилоfli тус олиши мисол бўлади.

Қ.к. собиқ СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла ҳал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик ғояларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам амалий самара бермади. Охир оқибатда КПСС нинг ҳалокати ва СССР нинг тугашига муайян туртки бўлди.

ҚАЙТАЛОВЧИ ТЕРЛАМА — иситма хуруж қилиши (тра кўтарилиши) билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. Бит орқали юқадиغان (эпидемик) ва кана орқали тарқаладиган (эндемик) хили фарқ қилинади.

Битдан юқадиغان қайталовчи терламани одам ва бит организмда паразитлик қилувчи *спирохеталар* кўзгатади (қ. *Спирохетозлар*). Одамга касаллик фақат бит орқали юқади. Қ.т. билан оғриган беморнинг конини сўрган бит спирохеталарни юқтиради. Касаллик одамга битнитирноқ устига қўйиб ўлдирганда ёки битдаги спирохеталар терининг қашиб шилинган жойига тушганида юқади. Касалликнинг инкубацион даври 7—8 кун. Касаллик тўсатдан бошланиб, эт увушади, гавда т-раси кўтарилади (39—40°). Бош ва мускуллар оғриғи, уйқусизлик, қусиш, баъзан менингиал аломатлар ҳам кузатилади; жигар ва талок катталашади. 5—8 кундан сўнг гавда т-раси меъёрига келади, орадан 1—2 ҳафта ўтгач, иситма хуружи такрорланади. Касаллик гоҳ энгиллашиб, гоҳ тез-тез хуруж қилиб

туради. Одатда, 4—5 та хуруж бўлади. Бемор юкумли касалликлар касалхонасида даволанади. Диагноз бармоқдан қон суртмаси йўғон томчи усулида олиб текширилганида спирохеталар топилганига қараб қўйилади. Спирохеталар талокда жуда ортиб кетган ҳолларда у ёрилиб кетади ва *перитонит* рўй беради. Олдини олиш битта қарши курашиш, касалликни ўз вақтида аниқлаб, беморни касалхонага ётқизиш ва бошқалардан иборат.

Канадан юкадиган қайталама терлама. Спирохеталар кўзгатади. Кемирувчилар (сичқон, каламуш ва бошқалар) касаллик кўзгатувчисининг манбаи ҳисобланади. Одамга касаллик кана орқали юкади. Касалликнинг бу турига ҳам иситма хуружи хос. Клиник белгилари битдан юкадиган қайталовчи терламага ўхшаш. Касалликнинг бу турида ҳам бемор касалхонада даволанади. Олдини олиш учун одамларни кана чақишидан сақлаш, каналарни йўқотиш лозим.

Шоносир Шоваҳобов.

ҚАЙТАР ЖАРАЁНЛАР (физикада) — аввал бир йўналишда, сўнгра тескари йўналишда содир бўлиб, система ўзининг бошланғич ҳолатига қайтиб келганида ташқи муҳитда ҳеч қандай ўзгариш юзага келмайдиган физик жараёнлар. Идеал (ишқаланишсиз ва ноэластик урилишсиз) шароитда содир бўладиган ҳамма соф механик жараёнлар қайтувчан бўлади. Мутлақо ишқаланишсиз ҳамда мутлақ эластик тарзда рўй берадиган урилишларсиз шароитда энергиянинг маълум қисми иссиқлик энергиясига айланади.

Чексиз секинлик билан ўтадиган иссиқлик ҳаракатига боғлиқ бўлган жараён кетмакет мувозанатли ҳолатларнинг узлуксиз қаторидан иборат ва қайтувчан бўлади. Реал шароитларда эса ҳар қандай жараён чекли тезликда юз беради ва энергиянинг сочилиши туфайли сусайиб бориш билан кечади. Қ.ж. назарияси *статистик физикада* ўрганилади.

ҚАЙТАРИЛИШ — қ. *Оксидланиш-*

қайтарилиш реакциялари.

ҚАЙТМАС ЖАРАЁНЛАР (физикада) — мувозанат бузилганда системада ўз-ўзидан фақат битта йўналиш бўйича содир бўладиган физик жараёнлар. *Диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик, газнинг муайян ҳажм бўйича кенгайиши* ва бошқалар ҳодисалар Қ.ж.га мисол бўлади. Ҳамма Қ.ж. кетмакет мувозанатсиз ҳолатларнинг узлуксиз қаторидан иборат. Системаларда Қ.ж. содир бўлган бўлса, уни ташқи муҳитда ҳеч қандай ўзгариш юзага келтирмасдан бошланғич ҳолатига қайтариш мумкин эмас. Умуман, табиатда содир бўладиган ҳамма реал жараёнлар Қ.ж.дан иборат. Берк системаларда шундай Қ.ж. содир бўлиши мумкинки, натижада система *энтропияси* фақат ортиб боради.

ҚАЙЧИ — турли материалларни кесиш (қирқиш) учун ишлатиладиган асбоб. Дастлабки Қ. бир-бирига эгилувчан ёйсимон металл пластина билан бириктирилган икки пичокдан иборат бўлган, ҳозирги Қ.ларга ўхшаш (шарнирли бириктирилган 2 пичокдан иборат) Қ. мил. ав. 8-асрда Яқин Шарқда яратилган ва аста-секин такомиллаштириб борилган. Ҳунармандчилик (қосибчилик, тикувчилик, тунукасозлик, боғдорчилик ва бошқалар касблар) ривожланган сари Қ.нинг тури ҳам кўпая борган (чеварлар Қ.си, ток Қ, тунука Қ. ва бошқалар). Сааноат ривожлана бошлагач (18-аср 60-й.ларидан бошлаб), механик Қ.лар пайдо бўдди. Кейинчалик (19-аср 30—40-й.лари) электр Қ.лар яратилди. Ҳозир Қ.нинг дастаки, механик ва электр турлари мавжуд.

Дастаки Қ. билан мато, қоғоз ва бошқалар материаллар кесилади. Унинг рўзгорда, чилангарликда (1расм), тунука қирқишда, тикувчиликда, тиббиётда ва бошқалар мақсадларда ишлатиладиган хиллари бор. Механик Қ. турли материалларни қирқиш учун мўлжалланган Қ.ли қурилмалар, дисксимон ҳамда

тўғри пичоқлари бўлган муқим (стационар) ва кўчма қурилмалардан иборат. Буларга стул ва ричагли қурилмалар киради (2расм). Стул қурилма дастаки Қ.дан юқори дастасининг узунлиги (400—800 мм), пастки дастаси тўғри бурчак остида эгилиб, учи ўткирлиги билан фарқ қилади. Улар билан 2—3 мм гача қалинликдаги металллар кесилади. Ричагли қурилма иккита чўян стояк ва столдан иборат. Столга ён томонидан кўзгалмас пичоқ бириктирилган, ричагга устки пичоқ маҳкамланган. Кесиладиган лист планка билан ричагга қисилади. Ричагли қурилма билан 2—3 мм гача қалинликда ва 1050 мм узунликдаги металл листлар кесилади.

Лист ва полоса материаллар, трубалар, шаклдор прокат профилли трубалар ва бошқалар материаллар кучлироқ электр Қ.лар билан кесилади. Булар иш органларининг тузилишига қараб, гильотин (параллел), аллигатор (ричагли), дискли ва бошқаларга бўлинади. Улар ёрдамида 60 мм гача қалинликдаги пўлат листларни, 170 мм гача диаметри доира прокатларни кесиш мумкин.

ҚАЙНОМОВ Пўлатжон (1885 Қўқон — 1964) — маърифатпарвар педагог, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944). А. *Қаюмов* ва Л. *Қаюмовнян*г отаси. Мадрасада, сўнг рустузем мактабида (1906) ўқиган. Янги усул мактаби очиб, Х.Х.Ниёзий, А.Ибодий, М.Холикий, С.Мажидий ва бошқалар жадид муаллимлари билан ҳамкорлик қилган. «Тазкираи Қайюмий» асарида 324 нафар ўзбек шоирларининг хаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берилган ҳамда уларнинг асарларидан (10259 мисра) намуналар келтирилган. «Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти» асари Қўқон хонлиги тарихи ва адабий муҳити вакиллари ижоди ҳақида. Қ. Фурқатнинг қўлёзма девонини тузган (1959), Махмурнинг 69 та шеърдан иборат ноёб қўлёзма девонини топган (1950), бухоролик ёзувчи ва олим

Қори Раҳматуллоҳ Возехнинг «Тухфат улахбоб фи тазкират уласҳоб» тазкирасини ўзбек тилига таржима қилган. «Уч оғайни ботирлар» эртагини ёзиб олган ва эълон қилган.

Қўқон шаҳридаги кўчалардан бирига Қ. номи берилган.

Ас: Тазкираи Қайюмий, 1—3-китоб, Т., 1998.

ҚАЛАЙ — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тарғиб рақами 50, ат. м. 118,710. Табиий Қ. 10 та изотопдан иборат: ^{112}Sn (0,96%), ^{114}Sn (0,66%), ^{115}Sn (0,35%), ^{116}Sn (14,30%), ^{117}Sn (7,61%), ^{118}Sn (24,03%), ^{119}Sn (8,58%), ^{120}Sn (32,85%), ^{121}Sn (4,72%), ^{124}Sn (5,94%). Охирги изотоп кучсиз радиоактив (Рнурланувчи, $T_{1/2} > 10^{16}—10^{17}$ йил).

Қ. қадимдан маълум; унинг мис билан қотишмаси — бронза (тунж)дан одамлар милоддан қарийб 4 минг йил илгари фойдалана бошлаганлар.

Қ. Ер пўстининг масса жиҳатидан 8Т0~3% ини ташкил этади. Қ. табиатда эркин ҳолда деярли учрамайди. Унинг 24 та минерали маълум, шулардан муҳими қалайтош — *касситерит* 5SnO_2 ва *станнын* $\text{Si}_2\text{Fe}_5\text{Sn}_4$.

Қ. — ҳавода аста-секин хиралашадиган ялтироқ оқ металл; зичлиги 7,29 г/см³. 2 модификацияси бор. Омодификацияси (оқ тусли) 13,2° дан юқори трада барқарор; у тетрагонал шаклда кристалланади. |ЗҚ. совутилса, куб структурали кулранг ссҚ (зичлиги 5,75 г/см³)га айланади. Кулранг Қ. суюклантирилганида оқ Қ. ҳосил бўлади. Қ.нинг суюклиниш т-раси 231,9°, қайнаш т-раси =2600°. Қ. бошқа металлар билан қотишмалар ҳосил қилади. Оддий трада ҳавода ҳам, кислородда ҳам оксидланмайди; сув билан реакцияга киришмайди, кимёвий жиҳатдан фаол эмас. Галогенлар билан учувчан тетрагалогенидлар (мас, 5SnCl_4) ҳосил қилади. Концентрланган хлорид кислотада қиздирилса, 8SnCl_2 ҳосил бўлади (қ. *Қалай хлоридлари*). Концентрланган қайноқ сульфат кисло-

тани 8O_2 га қадар қайтаради. Суялтирилган нитрат кислота билан реакцияга киришганида аммиакка қадар, концентранган нитрат кислота таъсирида $1 \setminus \text{Ю}_2$ га қадар қайтариледи. Қ. зар сувидя жуда яхши эрийди. Амфотер хоссага эга бўлганлиги учун кучли ишқорларда эриб станнинларга; ишқорда оксидловчилар иштирокида эритилса, кислота тузларига айланади. Қ. ўз бирикмаларида 2 ва 4 валентли. 2 валентли Қ. бирикмалари тез оксидланиши сабабли қайтарувчилар сифатида ишлатиледи. Қ бирикмаларидан 8пО — қора тусли, 8п5 — тўқ жигарранг (8п8 , — сарик тусли; *Қалай сульфидлари*); колган бирикмалари деярли рангсиз. Қ. кислоталарда ҳам, ишқорларда ҳам эриганида водород ажралиб чиқади.

Қ. рудаларида вольфрам, титан, лантаноидлар ва бошқалар нодир металларнинг қўшилмаси бўлади. Бу рудаларни турли усуллар билан бойитиб, таркибида 50—70% Қ. бўлган концентрат ҳосил қилинади. Концентратда бўлган А\$ ва 5 ни йўқотиш учун 600—700° да куйдирилади. Темир, висмут, сурма ва бошқалар қўшилмалардан тозалаш учун концентратга концентранган НС1 эритмаси қўшиб ишланганидан кейин, қоддиқ кўмир билан махсус печларда эритилади; таркибида Қ. бор тошқоллар қайта ишланиб, хомаки Қ. олинади (унинг таркибида 94—98% Қ. бўлади). Қ.ни тозалашда 5O_2 , CO , $\text{А}\$2\text{O}_3$, $\text{А}\$\text{Н}_3$ каби захарли моддалар ажралиб чиқиши сабабли меҳнат гигиенаси коидаларига риоя қилиш лозим.

Ишлаб чиқарилган Қ.нинг 50% га яқини иккиламчи металлардир. У оқ тунука чикиндилари, темиртерсак ва турли қотишмалардан олинади. Қ.нинг 40% га яқини консерва саноати учун оқ тунука тайёрлашга сарфланади, колган қисми эса кавшарлар, подшипник ва босмаҳона қотишмалари тайёрлашга кетади.

Ад.: Большаков К.А., Федоров П.И., Химия и технология малнх металлов, М, 1984; Парпиев Н.А., Рахимов Х.Р., Муфтахов А.А., Анорганик кимё, Т., 2003.

Зикрилла Исабоев.

ҚАЛАЙ ОКСИДЛАРИ — Қалай монооксид, 5пО — қора кристаллар; зичлиги $6,446 \text{ г/см}^3$, тетрагонал панжарали. 90 ГПа босим остида ромбсимон модификацияга ўтади. Амфотер, асосли хоссалари кучлироқ. Кислоталарда эриб 8п^{2+} тузларини ҳосил қилади; кислотали эритмаларда — қайтарувчи, 8п^{4+} гача, 400° дан юқори града 8гЮ_2 гача оксидланади; кислородсиз муҳитда 180° дан юқори града 8пO_2 ва 8п га айланади. 8пO_2 , $5\text{п}(\text{ОН}_2)$ қалай оксалат ва бошқалар 5п^{2+} тузларини вакуумда, азот ва бошқалар инерт газлар атмосферасида парчалаш, шунингдек, 5п ни оксидлаш йўли билан олинади. 8п^{2+} тузларини олишда, катализатор сифатида, шиша саноатида қора пигмент тайёрлашда, металлургияда қайтарувчи ўрнида ишлатилади.

Қалай диоксид, 3пO , — тетрагонал панжарали рангсиз кристаллар. Суяккланиш т-раси 1630°, зичлиги $7,01 \text{ г/см}^3$. Сувда эрмайди; кислоталар, тузлар, ишқорларнинг сувдаги эритмалари таъсирига чидамли. Табиатда 5пO_2 — касситерит минерали (қалайтош). Керамика саноатида шаффоф, электр ўтказувчи ва иссиқ қайтарувчи материал, шиша, иссиқбардош эмаллар ва сирлар ишлаб чиқаришда оқ пигмент, гидролиз ва ўрин алмашиниш реакцияларида катализатор сифатида ишлатилади.

ҚАЛАЙ РУДАЛАРИ — таркибидаги қалай миқдори ва бирикмалари ундан қалайни ажратиб олишга техник имконият етарли ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган табиий минерал ҳосилалар. Саноат аҳамиятидаги Қ.р.нинг кўп қисми (85%) асосий минерали бўлган *касситерит* (8п 78,8% гача) ва *станнин* (27,5% 8п) дан иборат. Станнинни бойитиш ва ундан 8п ажратиб олиш қийин бўлгани учун ундан кам фойдаланилади. Қалайнинг кальцийли борати — норденшельдин (43,5% 3п) баъзида саноат аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Қ.р. кўпинча жамланма хом

ашё бўлиб, таркибида \У, Ве, Гл, Та ёки Си, РЬ, 2п, АШ учрайди. Ҳосил бўлиш шароитига қараб Қ.р. эндоген (туб) ва экзоген (сочма) конларга бўлинади. Алюмосиликат таркибли жинсларда шаклланган Қ.р.нинг туб конлари генезиси ва минерал таркибига кўра пегматит, касситериткварц ва касситеритсульфид формацияларига бўлинади. Пегматит формацияли конлар генетик жиҳатдан нордон гранитлар билан боғлиқ. Бундай конларда касситеритнинг йирик кристаллари нотекис тўпланган ёки айрим аралашмалар ҳолида бўлади. Бундай конлар саноатда катта аҳамиятга эга бўлмайди, баъзан кўп таркибли хом ашёнинг манбаси бўлиши мумкин. Касситериткварц формацияли конлар юқори трали гидротермал ҳосилаларга мансуб бўлиб, нордон ва ўта нордон гранит магмалари интрузиялари билан генетик жиҳатдан боғлиқ. Бу формация конларида йирик касситеритлар бўлади (8Ь дан ташқари, \У, Та, Ве ва бошқалар учрайди). Қалай олинадиган асосий манбалардан бири касситеритсульфид формацияли конлар, улар кичик нордон интрузиялар ривожланган, баъзан эса, вулкан формациялари билан боғлиқ р-нларда мавжуд. Қ.р.нинг эндоген конлари орасида минерал таркиби, технологик хусусиятлари, амалий аҳамияти бўйича: касситеритгрейзенли, касситериткварцли, касситеритскар-нли, касситеритсиликатли, касситерит-сульфатузлисульфидли саноат типлари фарқланади. Қ.р. экзоген конлари сочмалардан иборат. Улар орасида элювий, делювий, аллювий, денгиз ва кўл кирғокбўйи сочмалари мавжуд бўлиб, улар касситерит кристаллари ва агрегатлари кўшилган кум, кумтупрок ва шағал материаллари ва йўлдош минераллардан ташкил топган. Қ.р. турли саноат типиди конларда руда жисмлари оддий ва мураккаб томирлар, баъзан штокверклардан иборат. Уларнинг ўлчами ва шакли кенг кўламда ўзгариб туради. Сочмалар қалинлиги ва шакли ўзгарувчан бўлган горизонтал ётган қатламларни ташкил

қилади. Қ.р.нинг сочма конлари пегматит ва касситериткварц формациялари конларининг нурашидан ҳосил бўлади. Дунё бўйича Қ.р. захираларининг 70% сочма конларга тўғри келади. Асосий ресурслари Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари — Малайзия, Индонезия, Таиланд, Лаос, Мьянма ҳамда Боливия, Бразилия, Австралия Иттифоқи, Нигерия, Буюк Британияда мавжуд.

ҚАЛАЙ СУЛЬФИДЛАРИ — қалайнинг олтингугурт билан ҳосил қилган бирикмалари. Қалай моносулфид, — корамтиржигаранг кристалл модда. Суюқланиш т-раси 881° , зичлиги $5,08 \text{ г/см}^3$ (а8п). 2 та шакл ўзгариши мавжуд: а ва р) а—>р ўтиш т-раси 605° . Сувда, суюлтирилган минерал кислоталар ва концентрланган хлорид кислотада эримайди, концентрланган HgTO_3 , H_2SO_4 , HF ва зар сувит эрийди. Ҳавода аста-секин $8\text{п}08$ ва $8\text{п}0_2$ гача оксидланади. Табиатда $8\text{п}8$ — камёб учрайдиган герценбергид минерали.

Қалай дисулфид, $8\text{п}8_2$ — сариқ кристалл модда. Сувда, суюлтирилган минерал кислоталарда эримайди, концентрланган кислоталарда, ишқорлар ва аммоний сульфидда яхши эрийди. 4 валентли қалай тузларига водород сульфид таъсир этишидан ҳосил бўлади. Кукун ҳолидаги қалай ва олтингугурт аралашмасини (аммоний хлорид иштирокида) киздирилганда ҳосил бўладиган олтин ранг — сариқ тусли $8\text{п}8_2$ «олтин ҳал» деб аталади. Уни ёғоч гипсдан ясалган буюмларни бўйаш учун ишлатилади.

ҚАЛАЙ ХЛОРИДЛАРИ, Қалай дихлорид, $8\text{п}8\text{Cl}_2$ — оқ рангли кристаллар. Суюқланиш т-раси 246° , қайнаш т-раси 652° , зичлиги $3,95 \text{ г/см}^3$. Сув, этанол ва бошқалар органик эритувчиларда яхши эрийди. Эритмаси кучли қайтарувчи. $8\text{п}8\text{Cl}_2$ га хлор таъсир эттирилса, $8\text{п}8\text{Cl}_4$ гача, кислород таъсир эттирилса, оксохлоргача оксидланади. Аммиак билан $8\text{п}8\text{Cl}_2\text{пТч}1\text{Н}_3$ ($\text{п}=1, 4, 9$) таркибли амми-

акатлар, металл хлоридлари билан комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Қалайга хлор, хлорид кислота ва бошқалар металларнинг хлоридларини таъсир эттириб олинади. Эпоксидларнинг полимерланишида катализатор, органик синтезда қайтарувчи, газмолларни бўяшда, шиша ва пластмассалар сиртининг адгезиясини (металл югуртиришдан аввал) оширишда, кавшарлашда флюс компоненти сифатида қўлланади.

Қалай тетрахлорид, 8пCl_4 — ҳавода тутайдиган тиниқ суоқлик. Суоқланиш т-раси -33° , қайнаш т-раси 114° , зичлиги $2,23 \text{ г/см}^3$. Сув билан яхши аралашади, бунда эритманинг ҳажми 2 компонент ҳажми йиғиндисидан сезиларли даражада камроқ бўлади. Қалай метали ёси 8пCl_2 га хлор таъсир этишидан ҳосил бўлади. Техникада оқ тунука қолдиқларига хлор таъсир эттириб олинади. Қалай ва қалай органик бирикмалар, полимерланиш катализатори ишлаб чиқаришда, газламаларни бўяшда, ёруғлик нуруни сезгир қоғоз ишлаб чиқариш да қўлланади.

ҚАЛАЙ ЎЛАТИ — оқ қалайнинг кулранг қалайга шакл ўзгариши ($5 \rightarrow a$). Одатдаги оқ қалай кулранг қалайга ($13,2^\circ$ дан юқори трада) айланганда ҳажми (25% га) кенгайиб (P8п нинг зичлиги $a8\text{п}$ никига қараганда катта), кукунга айлана бошлайди. Бу ходиса Қ.ў. дейилади. Қалайли буюмларнинг совуқда емирилиб, кукунга айланиб кетишининг (-33° да Қ.ў. айниқса тезлашади) сабаби ана шу. Қўрғошин ва бошқалар кўпгина аралашмалар Қ.ў.ни тўхтади. Ёнилғи идишларнинг қалай билан кавшарланган жойидаги қалайнинг «қалай ўлати»га учраб емириши натижасида Жанубий кутбда Р.Скотт экспедицияси 1912 йилда ҳалок бўлган.

ҚАЛАЙТОШ — қ. *Касситерит*.

ҚАЛАМ — 1) хаг ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган чизмачилик қуроли; ёғоч ёки металл қобик

ичига олинган мўрт (синувчан) материал (қўмир, қўрғошин, графит, қуруқ бўёқдан қилинган ўзак). Қадимда халқлар, шу жумладан, Шарқ халқларида хаттотлар сиёҳ билан ёзиладиган қамиш Қ.лардан фойдаланишган. Дастлабки Қ. Италияда қора сланец лойидан 14-асрда қилинган, графит Қ. 16-асрдан расм бўлган. Француз олими Н.Канте 1790 йилда графит стерженли ёғоч Қ.ни ихтиро қилган. 19-асрнинг 2-ярмида механик (стержени кишиб қўйиладиган) ёки автоматга (стержени бураб чиқариладиган) Қ. пайдо бўлди ва 20-асрда кенг тарқалди. Қ. ўзагининг қаттиқлик даражаси бўйича юмшоқ (русча белгиланиши М), қаттиқ (Т) ва ўртача қаттиқ (МТ) турларга бўлинади. Қ. қора ва бошқалар турли рангларда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Қ. чизмачилик, рассомлик, лойихачилик, гримчилик, пардозандоз, дурадгорлик ва бошқалар соҳаларда ишлатилади; 2) сиртларга ўйиб гул (нақш) солишда ва ҳайкалтарошлиқда қўлланидиган металл асбоб.

ҚАЛАМДОН — бадий буюм; ичига қалам ва бошқалар асбоблар солиб қўйиладиган қутича. Амалий безак санъатида қандақори, ўймақори, наққошлик билан зийнатланади. Айниқса, *локли мжсиатюра* усулида безатилган Қ.лар бадий қимматга эга.

ҚАЛАМЖАРСОЙ — Навоий вилоятининг шарқидаги сой. Суялтош тизмасининг (Нурота тоғларининг жан. тармоғи) жан. ён бағирларидан, 1200 м баландликда бошланади. Бошланишидан Шўрча қишлоғигача Кескантол, ундан кейин Жуш қишлоғигача Каттасой, ундан қуйироқда Қ. (Қаландарсой, Селсой) деб аталади. Уз. 121 км, ҳавзасининг майд. 2610 км^2 . Уртача кўп йиллик сув сарфи бошланишидан 10км да $0,055 \text{ м}^3/\text{сек}$.

ҚАЛАМИ — 1) қўлда тўқилган йўлйўл гулли ип мато; қўлда йиғирилган ипдан *олачарш* бир оз сийрақроқ қилиб

тайёрланган (ўта оҳорланган иплар тўкилиш жараёнида вақт вақти билан қалам билан ҳўлланиб турилгани учун «Қ.» деб аталган). Мато тўқиш жараёнида оқ ёки оч танда иплар орасига тутам-тутам қизил, кўк, тўқ яшил ипларни бир меъёردа жойлаштирилиши натижасида оқиш мато заминида ингичка рангбаранг йўллар ҳосил қилинган. Қ.дан эркакларнинг енгил устки кийими ва бошқалар тайёрланган. 20-аср бошларида фкада тўкилган матоларнинг кўплаб келтирилиши туфайли Қ тайёрлаш камайиб кетган, фақат 2-жаҳон уруши даврида вақтинча Қ. мато тайёрлаш ҳам қайта тикланган; 2) сопол буюмларга қалам ёрдамида чизиб безак яратиш усули ҳамда шу усулда ишланган безак, нақш.

ҚАЛАМПИР — итузумдошларга мансуб чала бута, бута ёки кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. Ёввойи ҳолда Американинг тропик р-нларида учрайди. Иссиқсевар ўсимлик. Перу Қ. и (С. ап{ш1o\$ит), колумбия Қ. и (С. сошсшп), эгилган Қ. и (С. гиёвсеш), сабзавот Қ. (С. ашшиг) ёки гармдори ва бошқалар турлари бир йиллик ўсимлик сифатида ҳамма китъаларда ўстирилади. Сабзавот Қ.и турининг пояси тик (1 м гача), илдизи ўкилдиз, меваси кўп уруғли, қизил, сариқ, тўқ сариқ, кўзоқ, шакли турлича. Меваси таркибида канд, қурук модда, С, В₁, В₂ витаминлари, каротин, алколоидлар бор. Сабзавот Қ.и плацентаси таркибидаги капсаицин алкалоиди микдорига қараб чучук (*қ.Болгар қалампир*) ва аччиқ бўлади. Ўзбекистонда аччиқ Қ.нинг «Марғилон 330» ва «Нафис» («Пикантнъй»), майда мевали «Келин тили» навлари кўп экилади. Аччиқ Қ. қўзоғининг пўсти юпқа, шакли майдаузунчок. Гуллаганидан кейин меваси 35—40 кунда етилади. Урути иссиқхоналарга сепилиб, очиқ ерларга кўчати экилади. Ҳосилдорлиги 200 ц/га. Кўк ва пишган (қизил) кўзоқлари хом ҳолида истеъмол қилинади, овқатга солинади, сиркалаш,

тузлаш, консервалашда, қурилган меваси толкони зиравор сифатида ишлатилади. Тиббиётда қандли диабет касаллиги ҳамда қонни суолтирувчи даво сифатида, саноатда шамоллашга қарши ишлатиладиган Қ. малҳамли мато ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

ҚАЛАМПИРГУЛ — резедагуллилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми. Ўрта денгиз бўйи мамлакатларида, Шарқий Африка ва Ҳиндистонда тарқалган. Фарбий Сибирда 1 тури, Ўрта Осиё ва Кавказда 10 тури учрайди. Барглари кетмакет жойлашган, гуллари майда, икки жинсли, бошқосимон ёки шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси кўсақча. Адирлар, тошлок ерларда, баъзи турлари экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Гулчиликда, асосан, хушбўй Қ. тури экилади. Гуллари оқ, хушбўй, май—июнь ойларида гуллаб, уруғлайди. Хушбўйлиги туфай Сариккэлампирул. ли парфюмерия саноатида хушбўй пардоз мой (помада) тайёрлашда фойдаланилади. Очиқ ерга уруғини сепиб кўпайтирилади. Сарик Қ. турининг иддизидан сарик бўёк олинади.

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ — миртадошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Доим яшил эфир мойли дарахт (бал. 35 м гача) ёки бута. Тропик ва субтропикларда. айниқса, Шарқий Осиё ва Жанубий Америка ҳамда Африка ва Австралияда 700 (1000) га яқин тури маълум. Танасининг пастки қисми шошбабасиз, барглари бутун (уз. 20 см), гуллари тўпгулга йиғилган. Тоғ ва водийлардаги муссонли ўрмонларда, Австралияда *эвкалипт* ўрмонларидаўсади. 30 га яқин тури (Танзания, Ҳиндистон, Шри Ланка, Индонезия, Бразилия ва бошқалар кўплаб тропик мамлакатларда) экилади. Қ.нинг кенг тарқалган тури хушбўй Қ.нинг ватани Молукка ороллари. Бўйи 10—12 м, барглари қайишсимон, қарама-қарши жойлашган, гуллари майда,

тўпгулга йиғилган, тожбарглари оқ ёки пушти. Меваси резаворсимон, бир уруғли, ранги кизил. Танасида хушбўй моддали безчалари бор. Қуритилган гунчасидан эфир мойи олинади ва шода тақинчок тайёрланади, зирavor сифатида ишлатилади. Гули ва гул муртагидан олинадиган Қ. мойи (17—20% мой ва 20% ошловчи модда) парфюмерия саноатида, тиббиётда, ликёр ва ванилин ишлаб чиқаришда қўлланилади. Айрим турлари ёғочи қурилишда ва дурадгорликда ишлатилади. Жаҳон бўйича 80% Қ. маҳсулотлари Занзибар о.ида етиштирилади.

ҚАЛАМТАСВИР — чизиклар асосида графика воситалари (калам, перо, тушь ва бошқалар) ёрдамида яратиладиган тасвир, чизги (қ. *Расм*). *Тасвирий санъат, амалий санъат* ва *меъморликда* муҳим ўрин тутади: асарнинг асоси текис юза (қоғоз)да унинг тасвири (тарҳи)ни каламда ишлаш билан бошланади. Қ.да соф чизикли ва тонал расмлар ҳамда ҳар иккиси бирибири билан қўшилиб борлиқни реал акс эттиради. Қ.да бўлажак асарнинг тузилиши, буюм ва образларни фазода жойлашиши, кўриниш чегара чизиклари, ўлчам ва нисбатлари белгилаб олинади. Қ. (чизикли расмлар ва чизиклар қоришмасидан ҳосил бўладиган тонал расмлар, нурсояли ҳажмга эга бўлган тасвирлар) ишлашда каламнинг нурсиз ва тўқ қора туслари ҳамда улар орасидаги тусланишлардан унумли фойдаланиш орқали керакли самараларга эришилади. Нагура билан тасвир ўртасида тўла ўхшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода воситалари (*композиция, перспектива, нурсоя*, пропорция ва бошқалар)дан фойдаланилади. Аслига қараб тасвир ишлашда билим ва кўникма ҳосил бўлади. Қ. мустақил дастгоҳ санъати (портрет, манзара, натюрморт ва бошқалар) ҳамда кўшимча (йирик ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқаларда

ёрдамчи) манба вазифасини ўтайди. Тонал расмларда чизилган буюмларнинг тузилиши, фазодаги ўрни, юзасининг фактураси, кузатувчига нисбатан яқин ёки узоқлигини ҳам кўрсатиш мумкин.

ҚАЛАМЧА — ўсимликларни вегетив усулда кўпайтириш учун кесиб олинган яшил ёки куртакли етилган қаттиқ новдача. Қ. соф навли, юқори сифатли ўсимликлардан тайёрланади. Қ.нинг поя вабаргли (яшил) турлари мавжуд. Поя Қ.лар, асосан, бир йиллик новдалардан кузда (мас, ток, атиргул, анор, анжир) ёки баҳорда (терақ) тайёрланади. Кузда дарахтлар барги тўкилганда олингани кузги Қ, барг чиқарганда олингани ёзги ёки яшил Қ. дейилади. Терақ, ток Қ узунлиги 35—40 см, диаметри 2 см (калам йўғонлигида) бўлиши лозим. Ерга кўмиб сақланади, эрта баҳорда очик ерларга экилади (атиргул Қлари кумга кўмиб сақланади). Яшил Қ. учун баргли новдалардан фойдаланилади (5—10 см), айрим ҳолларда битта куртакли пўстлоқ қисми ёғочи билан кесилади. Шунингдек, *пайванд* қилишда куртақлар олиш учун тайёрланган бир йиллик новдалар ҳам Қ. дейилади.

ҚАЛАНДАР — 1) тарки дунё қилган, гўшанишинликка берилган одам, суфий; тасаввуф йўлига кириб, дарбадарлик ва хайрэхсон билан кун кечирувчи киши. «Қ» истилоҳи суфийларнинг асарларида зикру *самоъ* орқали Аллоҳга руҳан яқинлашиб, факру фанога ва ҳақиқатга эрийиши мақсадида ўз жисмини ва қалбини поклашга интилган дарвишларга нисбатан қўлланилган. Қ муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пир)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланган. 2) *Хива хонлигида* сарой хизматчилари. Хон тантана билан сафарга чиққан вақтларида, серхашам жанда кийган Қ.лар маросимнинг олдида пиёда боришган. Хон қаландархона ёнидан ўтиб колса, Қ.лар пирининг мадҳини

эшитмоқ учун албатта тўхташган. Хонни мактаган, сафарга чиқишда унга тантанали тус берган. Саройда 10—22 Қ. бўлган.

Ўрта Осиёда Қ.ларнинг фаолияти билан боғлиқ каландархона ва хонақоҳлар мавжуд бўлган. Қ.лар Шарқдаги мусулмон давлатларида, жумладан, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам бор.

ҚАЛАНДАРИЙ — Шашмақомда Дугоҳ мақомининг Мўғулча шўъбаси шохобчаларидан; Мўғулчаи Дугоҳ Талкинчасининг маълум варианты, *чапандоз* доира усулида ижро этилади. Унинг таркибида даромад, миёнхат, Мухайяри Чоргоҳ намуди ва туширим қисмлари мавжуд. Уфар доира усулидаги қисқа варианты Фарғона водийсида хотин-қизлар томонидан севиб куйланади. Қ.нинг турли вариантлари бор: «Қ1», «Қ.2» ва бошқалар Уларнинг куй-оҳанглиридан бастакор ва композиторлар ижодида кенг фойдаланилган. Муқимийнинг «Сояйи», Корийнинг «Ажаб бир нозанин» сўзлари билан бошланадиган ғазаллари Қ. йўлларида айтилади. Т.Жалилов «Тоҳир ва Зухра» мусикали драма ва операсида Қ чапандозидан ария сифатида фойдаланган. Ю.Ражабий «Қ1» авжига *Зебо пари* авжини киритиб, ашула мазмунини янада теранлашишига эришган. Қ. йўллари чолғу куйлар сифатида ҳам машхур.

ҚАЛАНДАРЛИК — суфийлик-зоҳидлик ҳаракати. *Маломатийлар* зоҳидлик мактабининг ғоялари таъсирида юзага келган. Кейинчалик дарбадаргадо дарвишлар биродарлиги (тариқати) ҳам Қ. деб аталган. Қ. Хуросонда ва Урта Осиёда 11 а. бошларида юзага келиб, дастлаб аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмай, тарафдорлари кам эди. Кейинчалик оммаланиб, шарқда Фарғондан тортиб, ғарбда Ироқ ва Шом (Сурия)га қадар кенг тарқалган. *Накибандия*, *яссавийлик*, *кубровийлик* Қ.нинг машхур сулуқлари ҳисобланган. Қ. сулуқларининг таъсири

Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам сезилади.

ҚАЛАНДАРХОНА МАСЖИДИ — Самарқанд вилояти (Каттақўрғон худуди) даги меъморий ёдгорлик (1909—10). Нурилла Махсум раҳбарлигида қурилган. Масжид хонақоҳ, айвон, бош тарзи олдидаги кагга ҳовуз ва минорадан иборат. Хонақоҳ мурабба тарҳли, тўрт устунли; 9 бўлакка бўлиниб марказий қисмига ҳовузақ ишланган шифти ва устунлари серхашам безатилган. Айвон шифтидаги нақшлар ҳамда мураккаб муқарнасли ҳовузақлар жозибадор; минора ғиштлари мавж усулида терилиб, безагида кўк ва ҳаво ранг қошинлардан фойдаланилган.

ҚАЛДИРОҚ ГАЗ — 2 ҳажм водород ва 1 ҳажм кислород аралашмаси. Ёнганда портлайди. $2\text{H}_2 + \text{O}_2 = 2\text{H}_2\text{O} + 572,5 \text{ кЖ}$ (136,74 ккал) реакциясида т-ра 2500—3000° гача кўтарилади. Шунинг учун Қ.г. алангасидан кварц, платина ва бошқаларни суюклантиришда, газли пайвандлашда ҳамда металлларни кесиб ва тешишда фойдаланилади.

ҚАЛДИРОҚ СИМОБ, симоб1 фульминат, H_8 (С1МО)., — портловчи модда, рангсиз ёки кулранг кристаллар; зичлиги 4,3 г/см³. Мол. м. 284,74. Монокристалларнинг зичлиги 4,42 г/см³. Сувда оз(15,5°да массасига кўра 0,01%), этанол, пиридин ва моноэтаноламинда яхшироқ эрийди. Жуда хавфли, сал туртки, ишқаланиш, аланга, кизиган жим ва бошқалар таъсирида портлайди. 179—180°да ўз-ўзидан алангаланиб портлайди. Намланганда иссиққа ва механик таъсирларга сезгирлиги пасайганлиги учун сув қатлами остида сақланади. Нам ҳолда Қ.с. алюминий билан шиддатли, мис билан аста-секин реакцияга киришади. Шу сабабли Қ.с.нинг алюминий билан туташшига йўл қўйилмайди. Симоб (II) нитратнинг нитрат кислотасида эритмасига этил спирт таъсир эттириб олинади.

Портловчи моддаларни иницирловчи сифатида детонатор капсулалари ва алан-галанувчи капсулаларда ишлатилади. Қ.с.ни англиз кимёгари Э.Хоуард 1799 йилда кашф этган.

ҚАЛДИРҒОЧБИЙ МАҚБАРАСИ,

Ҳазрати Амир мақбараси — Тошкент шаҳридаги меъморий ёдгорлик (15-аср 1-ярми). *Шайх Хованди Тоҳур* мажмуаси таркибида, кўҳна қабристоннинг шим. да. Мақбара пишиқ ғиштдан (25х25х5см) чортоқ тархли (9,48х9,48 м), бир хонали (тархи 6х6 м), кўш қават гумбазли қилиб қурилган; 12 киррали ташки кулоҳсимон чўққи гумбази пишиқ ғиштдан ганч коришмасида терилган. Мақбара ичига жан. томондаги эшик орқали кирилади, хонадаги тепага чиқиладиган айлана зиналар қалин депор ичига жойлашган; хона ўртасида с;п;шп бор, тагхона ичидан бир неча жасад қолдиқлари топилган. Мақбара безакларидан 15-асрга мансуб шарафаларнинг қолдиқларигина сақланган. 1970 йилда ташки гумбази таъмирланган.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР — сайроки *чумчуқсимонлар* оиласи. Уз. 10— 23 см. Қанотлари узун ва ингичка; узоқ ва тез (27,5 м/сек. гача) учишга мослашган. Деярли фақат хашаротлар билан озиқланади. Оёқлари калта, ерда яхши юролмайди. Шунинг учун ерга фақат ин қуриш даврида материал йиғиш учун кўнади; ўлжасини ҳавода тутуди; сув устида паст учиб, сув ичади ва чўмилади. Қнинг 20 уруғи ва 79 тури маълум. Арктика ва Антарктидадан ташқари барча худудларда тарқалган. Ўзбекистонда 4 уруқка мансуб 6 тури (шаҳар қалдирғочи, тоғ қалдирғочи, қирғоқ қалдирғочи, кичик қалдирғоч, туяқалдирғоч, қишлоқ қалдирғочи) учрайди. Қишлоқ қалдирғочи республикамиздаги барча шаҳар ва қишлоқларда биноларнинг шифти остидаги тўсинларга ва деворига яримшарсимон уя қуради. Бунда сўлак билан аралаштирилган лойдан фойдала-

нади. Уясига 2—7 тага яқин тухум қўйиб, урғочиси ва эркаги навбат билан босади. Қ. қон сўрувчи хашаротларни қириб, катта фойда келтиради.

ҚАЛДИРҒОЧЎТ — қ. *Тугмачагул*.

ҚАЛИН — никоҳ тўйи билан боғлиқ одат, баъзи жойларда «сут пули» ҳам дейилади. Қ.нинг пайдо бўлиши матриархатдан патриархатга ўтиш даврига бориб тақалади. Бу даврда никоҳдан сўнг келинни яшаш учун куёв хонадонига олиб кетиш русум бўлган. Дастлабки вақтларда келин учун умумий тарзда унинг уруғига, кейинчалик ота-онаси ёки қариндошуруғига бирор совға беришган. Қ. сифатида кийимкечак, озиқ-овқат, жонлик, қимматбаҳо тақинчоқлар, мол-мулк ва пул берилади. Қ. олиш одатининг пайдо бўлиши, биринчидан, қизнинг ўз ота-онаси уйда оила учун фойда келтирувчи ишчи кучи сифатида унинг хизматидан фойдаланиш имкониятининг йўқотилганлиги билан, иккинчидан бўлажак куёвнинг уйига олиб кетиладиган сеп, асбобанжом, молмулк билан ҳам боғлиқдир. Ундан ташқари, Қ. куёвнинг барча уруғаймоғидан тўплаб берилгани учун улар келинкуёвнинг никоҳини мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилганлар. Қ. тўлаш ҳанузгача кўпгина Шарқ мамлакатларида (Ўрта Осиё ва Кавказда) сақланиб қолган. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг баъзи жойларида «сут пули» шаклида Қ бериш қузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, никоҳ тўйларини тартибга солиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Қ. билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини топмоқда.

ҚАЛЛИЕВ Анвар (1921.8.3, Тюмень вилояти Ярково туманидаги Тархани қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1941 йил авгдан фронтда. 32балоҳида разведка ротаси (Марказий фронт 65армиянинг 246ўқчи дивизияси)нинг разведкачиси. Қ. Чернигов ви-

лоятининг Короп туманидаги Мензина кишлогини озод қилишда кўрсатган жасорати учун 1944 йил 15 январда Қахрамон унвонига сазовор бўлган. Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги Кўрғонча шахричасида яшайди.

ҚАЛМОҚ ТИЛИ — *мўғул тиллари*лан бири; асосан, РФнинг Қалмоғистон Республикасида, Астрахон ва Ростов вилоятлари ҳамда Ставрополь ўлкасида, қисман ХХР ва Қирғизистонда тарқалган. Қ.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 180 минг кишига яқин (ўтган асрнинг охири).

Қ.т. 2 та — торгут ва дербет лаҳжаларига, бу лаҳжалар эса ўз навбатида шеваларга ажралади. Фонетик белгилари: чўзиқ, қисқа ва ноаниқ, кучсиз талаффуз этиладиган фонемаларга эгаллиги, танглай гармониясининг мавжудлиги ва лаб гармониясининг йўқлиги ва бошқалар Морфологик белгилари: 8 келишкнинг мавжудлиги, грамматик жинс категориясининг йўқлиги ва бошқалар Лексикасида санскрит, тибет, хитой, араб, форс ва туркий тиллардан, кейинги даврларда эса рус тилидан кириб ўзлашган сўзлар анчагина. Қалмоқлар 1648 йилдан 1924 йил гача мўғул ёзувининг заяпандит (буддавийлик тарғиботчиси Зая Пандит номидан) кўринишидан фойдаланганлар. Бу ёзувда кўплаб адабиёт яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти 18—19-асрларга мансуб. 1924й.дан рус графикаси асосидаги, 1931 й.дан лотин графикаси асосидаги, 1938 йилдан яна рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган.

Ад.: Пюрбеев Г.Ц., Грамматика калмь-ского языка. Синтаксис, Элиста, 1979; Грамматика калмьского языка. Фонетика и морфология, Элиста, 1983; Бардаев Э.Ч., Современный калмыцкий язык. Лексикология, Элиста, 1985.

ҚАЛМОҚЛАР, калмиклар (ўзларини халъмг деб аташади) — халқ, Қалмоғистоннинг асосий аҳолиси (146 минг кишидан зиёд); РФ да жами 166

минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қалмоқ тилида сўзлашади. Диндорлари — буддавийлар; православлар ҳам бор. Мил. 1-минг йиллик ва 2-минг йилликнинг бошларида Қ.нинг аجدодлари (ойротлар), йирик сиёсий уюшмалар дунху, сянди, жужанлар, киданлар таркибига, 13—14-асрларда Чингизхон ва ворислари давлати таркибига кирган. 16-аср охири — 17-асрнинг 1-чорагида Қ Россия чегараларига, Волганинг куйи оқими ва Каспий бўйларига кўчиб ўтиб, рус фуқаролигини олишган. Улар жойлашган хоз. худудда асосий негизи ойротлардан иборат бўлган Қ. элати шаклланган. Қ. чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланади.

ҚАЛМОҚҚИР МИС КОНИ — Тошкент вилоятидаги Олмалик шахрининг шим.ғарбий қисмига туташган. 1931 йилда топилган. Кондан 1951 йилдан фойдаланилмоқда. Қ.м.к. миспорфир типидagi дунё бўйича энг йирик ҳисобланган 10 та объектлар қаторига киради. Кон чўқинди, вулканоген ва интрузив жинслар мажмуасидан таркиб топган, уларда магматик хосилалар кўпроқ учрайди. Коннинг геологик тузилишида риолитпорфирлар, доломитлар ва оҳақтошлар, андезитдацитли порфирлар, кварцли монзонитпорфирлар, гранодиоритпорфирли дайкалар, диоритли ва диабазли порфиритлар мавжуд. Вулканогенчўқинди қатлам жинсларини сиенитдиорит қаторидаги асослироқ интрузивлар ёриб чиққан ва қисман улар билан ассимиляциялашган. Асосий руда қамровчи жинслар йирик шток шаклида мужассамлашган сиенитдиоритлар, диоритлар ва риолитпорфирлардир. Порфирли штокнинг юқори қисми апофизалари карьерда, чуқурлик қисми эса чуқур бурғи қудуқлари билан 3700 м гача очилган. Кон рудалари 3 технологик типга: оксидланган, аралаш (таркибида иккиламчи сульфидлар бўлган) ва бирламчи сульфидларга бўлинади. Оксидланган рудалар мураккаб тузилиши билан

фаркланиб, кўпинча турли қалинликдаги тик ётувчи томир, қатлам, линза ва устун кўринишларда учрайди. Гипергенез зонасининг энг кўп қалинлиги 180 м (ўртача 60—65 м), оксидланган рудаларнинг ўртача қалинлиги 20 м, аралаш ва халькозинлиларники 19 м дан иборат. Оксидланган рудалардаги миснинг таркиби — 0,3 дан 3% гача, иккиламчи сульфидли бойиш зонасида — 0,3 дан 4% гача. Қ.м.к.нинг бирламчи рудалари таркибида мис — 0,58%, молибден — 0,005%, олтин — 0,5 г/т, кумуш — 3 г/т, олтингугурт 1,5— 2%, камёб элементлар (селен, теллур, рений, висмут, индий ва бошқалар) мавжуд. Коннинг марказий қисми мис ва темир сульфидларига бой. Олтиннинг таксимланиши халькопиритли минераллашиш билан боғлиқ. Рудали штокверкнинг кузатилган қалинлиги 1240 м гача. У яхлит узлуксиз танани ташкил қилиб, коннинг ўрта қисмига келганда тармоқланади. Коннинг бой ўзак қисмининг ўлчамлари: уз. 1740 м, эни 500 м, энг катта қалинлиги 450 м бўлиб, унда мис ўртача — 0,62%, молибден — 0,004%, олтин — 0,9 г/т, кумуш — 3,55 г/т. Конда метасоматик ўзгарган жинслар кенг тарқалган. Уларда грейзенлашиш эруптивли брекчиялар ва қора гранит-порфирларнинг дайқаларида мужассамлашган. Қ.м.к.нинг кварцсерицитли метасоматитлари одагдаги иккиламчи кварцитлардан ўзида бой глинозёмли минералларнинг (корунд, диаспор, андалузит ва бошқалар) деярли учрамаслиги билан фарк қилади.

ҚАЛМОҒИСТОН, Қалмоғистон Республикаси (Хальмг-Тангч) — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Россия Европа қисмининг жан.да жойлашган. Майд. 76,1 минг км². Аҳолиси 292,4 минг киши (2002). Пойтахти — Элиста шаҳри Маъмурий жиҳатдан 13 туман, 3 шаҳар, 6 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Қ — республика. Республика бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ Хурали

(парламент), ижрочи ҳокимиятни раис бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қ. Каспийбўйи пасттектислигининг ғарбий қисми, Ергени кири (энг баланд жойи 222 м, республика худудидаги энг баланд нукта)нинг катта қисми ва ҚумаМанич ботиғини эгаллаган. Жанубий шарқда Каспий денгизи билан туташ. Фойдали қазилмалардан газ, нефть, тошқўмир, туз, турли бинкорлик материаллари бор. Иклими кескин континентал, ёзи иссиқ, қуруқ ва қиши совуқ, кам қорли. Ўртача т-ра янв.да —5° дан —8° гача, июлда 23—26°. Ўртача йиллик *ёғин жан.шарқда 170—200 мм, шим.ғарбда 300—400 мм. Ер усти сувлари кам. Каспийбўйи пасттектислиги ва ҚумаМанич ботиғида саёз шўр кўллар (Сарпа, Состин, МаничГудило ва бошқалар) бор. Каспий денгизи соҳили ботқоқли камишзор. Тупроқлари, асосан, оч жигарранг кумок ва кўнғир кумок тупроқ. Шим. қисми бетагачалов ва шувокбетага ўсадиган чўл; жан.шарқий қисми бошоқли ва шувок ўсимликлари ўсадиган чала чўл ҳамда шувокли чўл. Пастликларда камиш, ўтлоқ ўсимликлари, Ергени кирида тол, кайрағоч, тоғтерак ўсади. Ҳайвонлардан малла куён, кемирувчилар, бўри, тулки, сассикқўзан, сайғоқ, қушлардан чўл бургути, тўрғай, тўхтатувалоқ бор; кўл ва дарёларида балиқлар учрайди. Қ худудида Қора ерлар табиий кўриқхонаси мавжуд.

Аҳолиси. Қалмоқлар республиканинг туб жой аҳолисидир. Шунингдек, рус, даргин, чечен, қозок, немис, украин, авар ва бошқалар яшайди. Давлат тиллари — қалмоқ ва рус тиллари. Шаҳар аҳолиси 39,8%. Диндорларнинг аксарияти буддавийликка эътиқод қилади; православлар ҳам бор. Шаҳарлари: Элиста, Городовиковск, Лагань.

Тарихи. Қ. худудида одам неолит давридан яшаб келади. 11-асрда Қ қипчоқлар худудининг бир қисми бўлган. 13-аср 40-й.ларида *Олтин Ўрда* таркибига қўшиб олинган. 15-аср нинг 60-й.

ларида Олтин Ўрданинг парчаланиши натижасида *Аштархон хонлиги* таркибига кирган. 1556 йил Қ. бу хонлик билан бирга Россияга кўшиб олинди. 17-асрда аввал Жунғарияда яшаган, асли Марказий Осиёдан келган кўчманчи чорвадор қалмоқлар Дон ва Волга дарёларининг қуйи оқимидаги ерларга кўчиб ўтдилар ва 17-асрнинг 2-ярмида Қалмоқ хонлигини барпо этдилар. 1608—09 йиллардан бошлаб 17—18-асрлар давомида барча улуслар Россия империяси таркибига кирди. 1771 йил қалмоқларнинг бир қисми Хитойга кўчиб кетди. 1771 йил октябрда Қалмоқ хонлиги барҳам топди. Қолган қалмоқ оилалари Астрахон губерния бошқармаси қарамоғига ўтди. 18-асрнинг 2-ярмида қалмоқларнинг бир қисми Урал, Терек, Кума дарёлари бўйларига кўчирилди. Қалмоқ халқининг маъмурий-худудий жиҳатдан бўлиб ташланиши уларнинг миллий жипслашувиغا ғов бўлди. Россиядаги инқилобий ҳаракат таъсирида Қ меҳнаткашлари мустамлакачилик зулмига қарши кураш йўлига ўтдилар. 1905—09 йилларда бир қанча улусларда халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди, лекин улар шафқатсиз бостирилди. 1918 йил фев. — мартда Қ.да совет ҳокимияти ўрнатилди. 1920 йил 4 нояб. да РСФСР таркибида Қ. мухтор вилояти ташкил этилди (1927 йилгача маркази Астрахон шаҳри бўлган). 1935 йил октябрда Қ. мухтор вилояти мухтор республикага айлантирилди. 2-жаҳон уруши йиллари Қ. худудининг анча қисми немис фашист босқинчилари томонидан босиб олинди (1942 йил дек. — 1943 йил янв.). 1943 йил дек.да Қ мухтор республикаси тугатилди, аҳолиси мажбурлаб ўз худудларидан мамлакатнинг шарқий р-нларига кўчирилди. 1957 йил янв.да қалмоқлар мухторияти тикланди ва Қ мухтор вилояти тузилди. 1958 йил 29 июлда Қ. мухтор республикасига айлантирилди. 1990 йил октябрда республика Олий Кенгаши Қ.нинг давлат суверенитети тўғрисида декларация қабул қилди. 1991 йил сентябрда президент лавозини

ми жорий этилди. 1992 йил фев.дан Қ. Республикаси (ХальмГангч) деб атала бошлади.

Хўжалиги. 1990-й.ларнинг охири — 2000-й.ларнинг бошларида ялпи маҳсулотда саноат улуши 25%, қурилишниги 5,9%, транспортниги 2,1%, савдониги 5,6% ни ташкил этди. Барча корхоналарнинг 78% хусусий, 6,6% давлатга, қолганлари мулкчиликнинг бошқа турларига қарашлидир.

Саноатининг асосий тармоқлари: ёқилғи (саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,4%), электр энергетика (28,3%), бинокорлик материаллари саноати (7,7%), озик-овқат (5,7%), унёрма ва омухта ем (3,9%), машинасозлик ва металлсозлик (2,3%), енгил (0,6%), ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлозаёғоч (0,4%). Табiiй газ, нефть, бинокорлик материаллари қазиб олинади. Элиста шаҳрида гўшт, бинокорлик материаллари кти, нон 3-ди, енгил саноат корхонаси, Лагань шаҳрида гўштконсерва кти, машинасозлик 3-ди (махсус кузовли автомобиль ва автоцистерна ишлаб чиқаради), темирбетон маҳсулотлари 3-ди бор.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 63,6% чорвачиликка, 36,4% дехқончиликка тўғри келади. Қ. худудининг тахм. 4786,9 минг га дан фойдаланилади, ундан 16,8% ҳайдалади. Қ.х.нинг асосий тармоғи — чорвачилик (майин жунли қўйчилик ва гўшт чорвачилиги); чўққачилик ва йилқичилик ҳам ривожланган. Дехқончиликда, асосан, буғдой ва емхашак экинлари, шунингдек, картошка, сабзавот экилади.

Транспорти. Автомобил йўллари уз. — 2280 км. Т.й. узунлиги — 154 км. Элиста шаҳрида аэропорт бор.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 2000 йиллар бошида Қ.да 10 минг аҳолига 45 врач тўғри келди. «Лола» санаторийси ва санаторийпрофилакторий мавжуд. 250 умумий таълим мактабида 56 минг, 7 ўрта махсус ўқув юртида 4,5 минг ўқувчи, 1 олий ўқув юрти (Қ. уни-

верситети)да 5 минг талаба таълим олади. И.т.лар тарих, филол. ва иктисодиёт инти, Қ ғўшт чорвачилиги илмий текшириш институти, Қ. тажрибамелиорация ст-яси ва бошқалар илмий муассасаларда олиб борилади. Республикада 150 дан ортик кутубхона, ўлкашунослик музейи бор. Телекўрсатув ва радиоэшитиришлар қалмоқ ва рус тилларида олиб борилади. Элиста шахрида телемарказ ишлайди. Қалмоқ ва рус тилларида газ. нашр этилади.

Адабиёти. Қалмоқ бадиий адабиёти бой миллий фольклор асосида вужудга келди. Қалмоқларнинг дoston ва афсоналари, мақол ва маталлари, кўшик, эртак ва қахрамонлик эпоси — «Жангар» (15-аср) машхур. 1648 йил ЗаяПандита (1599—1662) томонидан қалмоқ ёзуви («аниқ хат») яратилгунга қадар қалмоқлар умуммўғул алфавитидан фойдаланганлар. Ёзувнинг пайдо бўлиши миллий адабиётнинг шаклланишига таъсир кўрсатди. 19-асрда эркесвар шоир Анчхон Жиргало шеърлари шуҳрат қозонди. 1920-й.ларда Х. Кануков, Н. Манжиев, С.Каляев, В. Сусеев, Х. СянБелгин, 1930-й.ларда Б.Басангов, Г. Даван, Ц.Лежинов, К.Эренженов ва бошқалар адиблар самарали ижод қилдилар. 30—40-й.ларда адабиётга Л. Инжиев, М.Нармеев, Э. Когтеев, Б.Даржиев, А. Балакаев, Д. *Кугультинов*, Б. Мукебенов, Д. Шабалиев ва бошқалар ёзувчи ва шоирлар кириб келди. 50—70-й.ларда ёзувчилар сафига В.Сангажиева, М.Хонинов, А.Бадмаев, А.Жимбиев, Т.Бембеевлар келиб кўшилди. Республикада болалар адабиёти, сатира ва юмор сезиларли муваффақиятга эришди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қалмоқларда 17—19-асрларда, асосан, таги панжарали, усти наMAT билан ёпилган, йиғмаажраладиган уй (гер)лар мавжуд эди. 17-асрдан бошлаб дастлаб ёғоч ёки наMATдан, 18-аср охиридан ғишт ва тошдан монастырхуруллар қурила бошлади. 1920 йилдан Қ.даги шаҳар ва қишлоқларда кўп қаватли турар жой,

жамоат, маданиймаиший ва маъмурий бинолар қад кўтарди. Меъморлардан М. Пюрвеев, В.Телегин, Н.Бараев машхур. Қ.да қадимдан амалийбезак санъатининг ҳар хил турлари мавжуд. Уйларнинг ёғоч қисмлари, мебель, рўзгор буюмлари ўймакорлик ва нақш билан безатилади. Чарм идиш, оёқ кийимларига босма нақш солинади. Кумуш буюмлар (соч тақинчоклари, узук, зирак, камар ва бошқалар)га ўйиб нақш ишланади. 18—19-асрлар санъатига тибетмўғул анъаналарининг таъсири кучли бўлди (график Ф.Кальмик, ранг-тасвиричи А.Егоров). Кейинги йилларда рассомлик (И.Нусхаев, Л.Очилов, П.Емчигирова, Г.Рокчинский, К.Ольдаев), график (Б.Данильченко), хайкалтарошлик (Н.Санжиев) ривожланди.

Мусиқаси. Қалмоқ халқ кўшик (дун)лари бир овозли бўлиб, тарихий, маросим, лирик, ҳазил ва бошқалар айтимлардан иборат. Ут дун (узун куй)ларга бадиҳавийлик, бой нолақочиримлар, оҳангдор ритм хос. Ахр дун (қиска куй)лар дўмбира (ёки гармон) жўрлигида ижро этилади, аниқ ритм ва шаклга асосланган. «Жангар» достони бахши (жангарчи)лар томонидан *речитатив* услубида бўғиз овози билан ижро этилади. Халқ рақслари эркаклар томонидан жўшқин, аёллар томонидан майин ижро этилади. Мусиқа асбоблари: ятга, топшур, хур (торли ва камонли), бичкюр, бюря, ухрбюря (пуфлама), кенкерте, цанг, арамбру (зарбли), шунингдек, дўмбира ва гармон. 1920-й.лардан ҳаваскор мусиқа санъати, профессионал мусиқа (композиторлар М.Грачёв, П.Чонкушев ва бошқалар) ривожланди. Мусиқа арбобларидан В.Гаряева, В.Ильцаранова, У.Лижиева ва бошқалар машхур. Республикада «Лола» ашула ва рақс ансамбли (1937), филармония (1939), Элистада мусиқа билим юрти (1960) фаолият кўрсатади.

Театри. 1926 йил Астрахонда қалмоқ драма мактаби ташкил этилган бўлиб, 1930 йил актёрлик, мусиқа ва хореография бўлимларига эга санъат техникумига

айлантирилди. 1936 йил Элистада драма театри (1992 йилдан Қалмоқ мусикали драма театри) ташкил этилди. 1950—70 йиллар бу театрда Р.Хубецова, Г.Хугаев, Г.Мамлин, М.Карим, Б.Басангов, С.Каляев, М.Шатров ва бошқаларнинг пьесалари кўйилди. Театр артистларидан М.Эренженов, Б.Бальбакова, Л. Александров ва бошқалар машхур.

ҚАЛЪА — қадимда ва ўрта асрларда бино қилинган мустаҳкам мудофаа истехкоми. Ёзма манбаларда Қ. *қўрғон*, *истехком*, *ҳисор* ва шаҳар маъноларида тилга олинади. Қ.лар, доира, тўғри тўртбурчак, квадрат ёки овал тархли бўлиб, атрофи бал. ўртача 9—10 м, қалинлиги 3—4 м. мудофаа девори билан ўралган. Девор ташқарисидан чуқур (2—3 м) ва кенлиги 10—15 м ли хандақ — зовур қавланган. Қ. девори паҳса ва йирик хом ғиштлардан барпо этилган. Девор бўйлаб мўлалар, айниқса, унинг бурчак қисмларида эса доира ёки тўртбурчак шаклдаги буржлар қад кўтариб, уларнинг бир ёки икки қатор нишон туйнуқлари — шинак (тиркаш) лари бўлган. Қ.да бир ёки икки дарвоза бўлиб, улар стратегик жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам (қўш минорали лабиринтли) қилиб қурилган. Қ. ичида аҳоли турар жойлари, от, улов ва моллар учун отхона, молхона ва қўралар бўлган. Қамал вақтларида эса, зарурий озик-овқат, емхашак, қуроляроғ, камон ўқлари ва палахмон тошлари сақланган.

Қ. асосида, кейинчалик шаҳарлар юзага келиб, унинг майдони кенгайган. Баъзан, Қ.лар шаҳар ёки вилоят ҳукмдорининг қароргоҳига айлантирилиб, қаср қад кўтарган ва Қ.нинг бу қисмида хисор, *қўхандиз* ёки арк атамалари билан юритилган олий даргоҳ шаклланган. Бундай ҳукмдор қароргоҳини юнонлар *акрополь*, римликлар каптолий деб атаганлар. Шу боис Қ. деб Хоразмда шаҳар ёки мустаҳкам истехкомли кўрғон — турар жой тушунилган. Мас, *Аёз қалъа*, *Жонбос қалъа*, *Бозорқалъа*, *Тупроққалъа*, *Қўйқирилган қалъа ва бошқалар* шулар

жумласидандир. Бухоро ва Қашқадарё воҳаларида Қ.лар, одатда, кўрғон деб юритилган. Мас, Кўрғони Ромитан, Ерқўрғон ва бошқалар кўрғонлар ҳам мустаҳкам девор билан ўралиб, бир нечта дарвозаси бўлган шаҳар қиёфасидаги Қ ҳисобланган (қ. *Кўрғон*).

Қ.лар шубҳасиз, қадимий ва ўрта асрларнинг ўзига хос меъморий обидаси ҳисобланади. Улар, аввало, аҳоли яшайдиган турар жой, мудофаа иншооти, ёвгарчилик даврларида қамалдаги ҳарбийлар қароргоҳи, озик-овқат ва қуроляроғ омборхоналари каби вазифаларни ўтаган. Ўзбекистонда қад кўтарган Қ.лар қурилиши узоқ тарихга, ўз анъаналари ва сермазмун атамаларга эга қадриятлардан ҳисобланади.

ҚАЛЪАИ МИР — кўп қатламли йирик шаҳар харобаси. Тожикистоннинг Шаҳритуз туманидаги Кубодиён шаҳарчасида жойлашган. Кофарниҳон дарёсининг қуйи оқимида. Майд. 275x270 м. Қ.М. худудидан 1950—51 йилларда Бактрия усулига хос иншоот қолдиқлари ва мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан мил. 1-асрларгача бўлган моддий маданият ашёлари топилган. Қ.М. ва унга яқин бўлган Кайқубодшоҳ шаҳри харобаларини текшириш натижасида Шим. Бактрия ёдгорликларининг дастлабки стратиграфик жадвали ишлаб чиқилган (М.М.Дьяконов). Кейинчалик стратиграфияга бирмунча аниқлик ва тузатиш киритилди. Қ.М. милоддан ав. 6—4-асрларга оидлиги аниқланди, 5 тарихиймаданий даврга бўлинди (Кубодиён I—V). Кубодиён I ва КубодиёнII босқичлари ўртасидаги катта хронологик узилиш ўрганилди. Қ.М.дан кўплаб сопол идишлар ва темир буюмлар топилган.

ҚАЛЪАИ МУҒ — қ. *Муғ қалъа*.

ҚАЛЪАИ ҚАҲҚАҲА — Уструшона афшинлари қароргоҳи. Тожикистондаги Шаҳристонсой дарёсининг ғарбий соҳилида, хоз. Шаҳристон шаҳарчаси

яқинида жойлашган. Умумий майдони тахм. 5 га, атрофи мудофаа девори билан ўралган. 8—10 м баландликдаги арк ва шахристон ҳудудидан иборат. Шахристон ҳудудида қоровул жангчилар учун мўлжалланган бино харобалари очилган. Арқда сарой қолдиқлари топилган. Саройнинг қатта марказий зали (18x12 м) да ҳукмдор тахти жойлашган. «Кичик зал» — ибодатхона, шунингдек, турар жойлар, хўжалик иншоотлари, аслаҳахона харобалари очилган. Сарой биноси деворий расмлар, ёғоч устунлари ва шиплари нақшлар билан безатилган. Марказий деворидаги 6 м ли расм композициясида инсон боласини эмизаётган она бўри акс этган. «Кичик зал» девори ҳам бой безатилган. Унда бир гуруҳ суворийлар жанг кийимларида найза, туғлар кўтариб турли тусдаги отларни чоптириб кетишмоқда. 3 бошли ва 4 қўлли маъбуд ва 3 қўзли ёвуз дев ва ҳайвонлар акс этган. Одамлар ва қушларнинг ҳайкалчалари топилган.

ҚАЛЪАЛИҚИР — қадимий Хоразм ҳудудидаги шаҳар харобаси (мил. ав. 6—4-асрлар). Тошховуз вилояти (Туркманистон) ҳудудида, қадимий Чирмонёп канали бўйларида жойлашган. 1939 йил С.ГТ. Толстов томонидан тадқиқ этилган. 1950 йилда *Хоразм археология-этнография экспедицияси* томонидан қайта тадқиқ қилинган. 1953 ва 1958 йилда Ю.А.Раппопорт раҳбарлигида текширув ишлари олиб борилган. Қ. 2 та йирик шаҳар харобаси (Қ.1 ва ҚН)дан иборат. Қ.1 тўғри тўртбурчаксимон шаклда, ҳажми 1100x700 м. Қ.П эса учбурчаксимон (тепалик шаклига кўра) бўлиб, майд. 1000x400 м. Шаҳар харобаларининг ички юзасида маданий қатлам мутлақо учрамайди. Бу жой чорва сакланадиган кўра вазифасини ўтаган (қ. *Вар*). Шаҳар аҳолиси мудофаа деворига жойлашган усти гумбаз билан ёпилган йўлаксимон тор хоналарда яшаганлар. Қ.да 2 та параллел ички йўлаксимон турар жой хоналари топилган. Қ.нинг бошқа қисмида

турар жойлар аниқланмаган. Шим. девор олдидаги кўп хонали бино дафн иншооти — «ўликлар уйи» бўлиб, унда лойдан ясалган қатта идишларда (оссуарийлар) майитларнинг суяклари сақланган. Авестода худди Қ.даги каби йўлаксимон турар жойлар, квадрат шаклдаги варлар ҳақида айтиб ўтилган.

ҚАЛҚОВУЧ (техникада) — суюқликка (мас, сувга) ботирилган ҳолатда кўтарилиш кучи ва сузувчанлик хоссагига эга бўлган (суюқлик сиртига қалқиб чиқадиган — номи шундан) қурилма. Кўтарматаянч (гидросамолётлар, қалқма кўприклар, ташлама тўрлар, қармоқларнинг қалқма пўкаклари); гидрометрик (оқим тезлигини ёки тўлқинлар сатҳини ўлчаш учун мўлжалланган; мас, мареографлар) ҳамда суюқлик йўлини очиш ва беркитиш учун мўлжалланган (қарбюраторнинг Қ.ли камераси, водопровод тармоғи ҳамда санитария техникасидаги Қ.мосламалар) турларга бўлинади. Қ.лар, асосан, энгил материаллар (ёғоч, пластмасса, резина ва бошқалар)дан тайёрланади. Қ. ҳарбий ишда, машинасозликда, уйрўзғорда, метеорология ва бошқалар соҳаларда кенг ишлатилади.

ҚАЛҚОН, сипар — 1) жангчининг танасини тигли қуроллар (қилич, найза ва бошқалар) зарбидан ҳимоя қилувчи мослама. Тош давридан бошлаб 17-асргача амалиётда қўлланилган. Энг қадимги Қ.лар ёғоч, тўқилган чивик, кўға, тери, кейинчалик эса жез ва темирдан ясалган. Қ. шакли ва қаттачиқлиги турли халқларда турлича (юмалоқ, учбурчак, тўртбурчак, тухумсимон, ярим цилиндрик ва бошқалар) бўлган. Мил. ав. 3-минг йилликда Месопотамияда усти мис пластинкалар билан қопланган ёғоч Қ.лар қўлланилган. Жездан қилинган биринчи Қ. мил. ав. 2-минг йилликда Осурияда вужудга келган. Кўпинча, Қ.лар турли расм, рамз, герб ва бошқалар тасвири билан безатилган. Мас, *Урарту* под-

шоларининг Қ.лари турли манзарали тас-
вирлар ва миҳхат билан қопланган. Юно-
нистонда ёғочдан (баъзан темирдан) иш-
ланган думалоқ Қ.ларда жангчиларнинг
рамзлари (дельфин, шер ва бошқалар)
тасвирланган. Ўрта Осиё халқларида ҳам
Қ. қадимдан қўлланилиб келган. Атама
илк бор 11—12-асрлар қорахонийлар
даври эски туркий тил обидаларида Қ.
ва қалқанг фонетик шаклларида қайд
этилади. Паҳлавонлар, саркардалар Қ.и
қимматбаҳо тошлар билан зийнатлан-
ган. Амир Темур ва Темурийлар даврида
одам бўйига мос келувчи Қ.лар мавжуд
бўлган, улар тура деб номланган. Улар
каттакичиклиги, турли шаклдалиги би-
лан ажралиб турган. Қ. 16—17-асрларда
ўтсочар қуролларнинг такомиллашуви
билан ўз аҳамиятини йўқотган. Ҳозирда
дунёнинг кўп мамлакатларда полиция-
чиларнинг ҳимоя қуроли; 2) кўчма маъ-
нода — офат, бало, қўнгилсиз ҳодисалар
ва бошқалардан сакловчи восита; тўсик,
ғов.

ҚАЛҚОН — осмон экваторида *Илон*,
Қавс ва *Бургут* юлдуз туркумлари ора-
сида жойлашган, унча катта бўлмаган
юлдуз туркуми; равшан юлдузлари йўқ.
Қ.да *Сомон йўлнинг* ёруғ қисмларидан
бири жойлашган. Баҳор, ёз ва кузда яхши
кўринади.

ҚАЛҚОН, шчит — *платформа-*
ларнинг жуда йирик структураси, *пли-*
яларнинг акси. Қ. агрофида платформа
фундаментини ташкил қилган токем-
брий даврига мансуб кучли метаморф-
лашган кристалли жинслар (гранит,
гнейс, кристалли сланецлар) ер юзасига
чиқиб қолади. Қ. одатда, Ер пўстининг
кўтарилиб қолган областларидан иборат
бўлиб, нотўғри шаклдаги ясси
кўтарилмалар шаклида бўлади. Қларнинг
шакли узоқ вақт давомида турғунликка
эга бўлиши билан ажралиб туради. Даст-
лаб «Қ» термини Шим. Америка (Канада
Қ.) ва Шим. Европа (Болтиқ Қ.)даги то-
кембрий жинсларининг жуда катта май-

донларда Ер юзасига бўртиб чиққан жой-
лари учун киритилган. Ернинг қадимий
ўзақларидан ҳисобланган дўнг жойлари:
Болтиқ, Канада, Аддан ва бошқалар Қ.га
мисол бўла олади. Қлар Ер пўсти тари-
хий таракқиётида бир неча марта пайдо
бўлган. Мас, юқори протерозой билан
ўрта палеозой оралиғида вужудга келган
ҚурамаФарғона региони худди шундай
Қ.лардан ҳисобланади. Қ.да олтин, ни-
кель, кобальт ҳамда мис, кўрғошин, рух,
темир ва бошқалар руда конлари жой-
лашган бўлиши мумкин.

ҚАЛҚОНДОРЛАР — кокцидлар
кенжа туркумига мансуб тенгқанотли
сўрувчи хашаротлар оиласи. Ер юзи-
да кенг тарқалган. 1300 га яқин тури
маълум. Танасининг уз. 2 мм ча, мумли
қалқон билан қопланган (номи шун-
дан). Қ. кескин жинсий диморфизмга
эга. Урғочиларининг қанот ва оёқлари,
одатда, мўйлови, кўзи ҳам бўлмайди. Эр-
каги урғочисидан кичик, олдинги жуфт
қаноти бор. Оғиз аппарати соддалан-
ган, мўйлови ва оёғи яхши ривожланган.
Урғочиси 20—170 тухум қўяди. Личинка
ва катта ёшдагилари ўсимлик шираси би-
лан озикланади. Қ.нинг олма вергулсимон
қалқондори (Нергскжаргпа илти.), кали-
форния қалқондори (01аас1га§рюги8
Регтс008и8 Сапгз1ок), бинафшаранг
қалқондор (РагМона о1еа со1уа) турлари
мева ва цитрус дарахтларига, чой бута-
ларига ҳамда ҳосилига катта зарар етка-
зади ва карантин объекти ҳисобланади.
Кўпчилик турлари экинзор далалар агро-
фидаги ихота минтақаларига эжилган
дарахтлар ва бошқаларни зарарлайди.
Кураш чоралари: қуриган ва шикастлан-
ган шох ҳамда новдаларни йўқ қилиш;
баҳорда дарахтлар куртак чиқаргунча ва
кузда, баъзи ҳолларда ёзда инсектицид-
лар (карбофос, конифидор, донадин ва
бошқалар) билан ишлов бериш.

ҚАЛҚОНЛИ КАНАЛАР, ори-
батидалар — *ўрғимчаксимонларнинг*
кенжа туркуми. Тупрокда яшовчи

бўғимоёклиларнинг турлари жуда кўп. Катталиги 0,2—1 мм. Ривожланиши (30—75 кун) биологик ва морфологик жиҳатдан фаркланувчи 2 босқичга бўлинади: личинкалик ва нимфа (бунда тана қоплагичи юмшоқ, тери орқали нафас олади, ернинг юза қатламида яшайди) ҳамда вояга етган даври (қалқонли трахея билан нафас олади ва ер устида, тўшамаларда ҳаёт кечирилади). Қ.к. баъзи лентасимон чувалчанглар ва чорва моллари *гельминтозлари* кўзғатувчисининг оралик хўжайини. Қ.к. ютган гижжа тухуми унинг ичида ривожланади (70—100 кун) ва кана ўлгунга қадар ёки ўсимликлар билан ҳайвон организмга тушгунча канада сақланади.

Кураш чоралари: чорва моллари гельминтсизлантирилади ва Қ.к. йўқ яйловлар танланади.

ҚАЛҚОНЛИЛАР — чала тишлилар оиласи. Уз. 12 см дан 100 см гача, думи 2,5 см дан 50 см гача, вазни 0,3 кг дан 55 кг гача. Танасининг орқа қисми суяк қалқон, унинг сирти муғуздан иборат қалқон билан қопланган. Олдинги оёқ панжаларида 4 та, орқа оёқ панжаларида 5 та ўткир тирнокли бармоқлари бор. Тишлари бир хилда тузилган, 28 тадан 100 тагача; уларнинг сони ҳатто бир турнинг турли индивидларида бир хилда бўлмайди. 9 УРУҚҚа мансуб 20—25 тури мавжуд. АҚШнинг Жанубидан Чили ва Аргентинагача бўлган ҳудудларда тарқалган. Асосан, ялангликларда яшайди. Хавф туғилганида айрим Қ. танаси ўралиб, шарга ўхшаш бўлиб қолади. Майда ҳайвонлар билан озиқланади. 2 тадан 12 тагача бола туғади. Гўшти ва қалқони учун овланади; лаб. объекти сифатида фойдаланилади. Кўпчилик турларининг сони камайиб кетган. Бир неча тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚАЛҚОНОТА ЁДГОРЛИКЛАРИ — Нурота йўлидан 8 км узоқликдаги Қалқонота қишлоғи атрофларидан то-

пилган археологик ёдгорликлар мажмуи (мил. ав. 6—5-аср ва мил. 6—7-аср). Қалқонотадан 400 м жан.да Қўзимонттепа шаҳри харобаси (мил. ав. 6—5-аср — мил. 6—7-аср) жойлашган. Қўзимонттепада бал. 16 м. умумий ҳажми 50х20 м ли қўрғон сақланиб қолган. Қўрғоннинг шим.да бал. 7 м, умумий ҳажми 100х60 м ли шахристон бўлган. Қўрғон ва шахристон мустаҳкам девор билан ўралган. Қалқонота қишлоғи шим. идаги адирлар яқинида турли даврга оид 300 га яқин каттакичик мозорқўрғонлар жойлашган. Қўрғонларда мархумларни дафн қилишнинг турли даврларга оид 4 та гуруҳи аниқланган: 1) мил. ав. 6—5-асрларга оид доира шаклидаги қўрғонлар. Уларнинг бал. 30 см дан 70 см гача, диаметри 5 м дан 10 м гача. Тепалик тагида чуқ. 30 см дан 1 м гача, уз. 180—210 см, эни 50—80 см лик тухумсимон мозор ўраси топилган. Дафн қилинган жасад чалқанчасига, калласи шим.га қаратиб, оёққўллари бутун танаси бўйлаб чўзилган ҳолатда ётқизилган. Ўралардан ахоманийлар даврига оид идишлар, темир пичоқ, мис ва нефрит мунчоқлар, бўёқ кирғичлар топилган; 2) мил. ав. 1 ва мил. 1-асрларга оид қўрғонларда катакомба усулида мархумлар дафн этилган. Тепаликнинг диаметри 30 м, бал. 1,5 м га яқин. Тўғри бурчакли 80 см лик дафн бўлмасига кириш йўлаги (дромус) топилган. Дромусдан чуқ. 3,5 м, бал. 16 м, эни 3 м тухумсимон шаклдаги дафн этиш хонаси топилган. Унда мил. ав. 1 а.га оид сопол буюмлар, кийим парчалари сақланган; 3) мил. 5—баларга оид қўрғонларда мархумлар куйдирилган ҳолда гуруҳгуруҳ дафн этилган. Қўрғон диаметри 20 м, бал. 1,3 м лик тепаликдан иборат. Тепалик тагидан тўғри бурчакли 3х 1,75 см ли мозор ўра топилган. Ўрага шим.ғарбий томондан уз. 2 м лик кенг зинапояли дромус туширилган. Ўранинг сатҳи текис шибланиб, унга куйдирилган жасадлар қўйилган. Бундан 35 та куйдирилган бош ва тана суяклар, кул ва қўмир аралашмалари, жездан

ясалган узуклар, мунчоклар, Марвда зарб қилинган сосонийлар даврига оид кумуш тангалар топилган; 4) 6—7-асрларга оид қўрғонлар. Диаметри 5 м, бал. 20 см гача бўлган 2 та оташпарастларга хос бўлган қўрғон очилган. Биринчи қўрғондан бир-бирига қарама-қарши турган ичида жасаднинг калла ва қўпоёқ суяклари бўлган 2 та сопол хум топилган. Иккинчи қўрғондан бал. 50 см лик ичида эркак киши ва боланинг калла суяги ва бошқалар суяк парчалари бор хум топилган. Хум уч тарафдан майда сопол идишлар билан ўраб олинган (яна қ. *Кармана*).

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ — одам ва ҳайвонларнинг ички секреция беzi. Қ.б.нинг ривожланиши хомилалик даврида бошланиб, бола 1 ёшга етганда унинг вазни 1—2 г ни ташкил этади, ўсиш жараёнида у катталшиб 15—20 г гача етади. Қ.б. эмбрион жабра халтачаси эпителийсидан ривожланади. Қ.б. одам эмбриони тараққиётининг 8—9 ойида тўлиқ шаклланиб, гормон ажрата бошлайди, у бўйинда, ҳиқилдоқ тоғайлари соҳасида жойлашган; 2 палла ва бўйинчадан иборат. Қ.б.ни бир жуфт юкори ва бир жуфт пастки артериялар қон билан таъминлайди, симпатик ва парасимпатик нерв тоалари *иннервация* қилади. У организмда модда ва энергия алмашинуви регуляциясида иштирок этувчи йодли гормон *тироксин* (Т4), трийодтиронин (Т3) ва тиреокальцитонин ишлаб чиқаради. Қ.б. функциясини марказий нерв системаси, фаолиятини эса гипофиз беzi бошқаради.

Гипофизнинг тиреотроп гормони Қ.б. функцияси ва ривожланишини кучайтиради. Организмда Қ.б.нинг аҳамияти жуда катта, у бош мия фаолияти, моддалар алмашинуви, суяк ўсиши, иммун системалар, жисмоний ва аклий ривожланиш, жинсий етилиш жараёнлари, адаптация ва бошқалар реакцияларни таъминлайди. Бу без фаолиятининг бузилиши *буҳоқ*, *гипотиреоз*, *гипертиреоз* ва *бошқалар* касалликларга олиб келади.

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ОЛДИ БЕЗЛАРИ — қ. *Паратиреоид* безлар.

ҚАЛҚОНТУМШУҚ ИЛОНЛАР, бўшилонлар — шақилдоқ илонлар оиласига мансуб *илонлар* уруғи. Уз. 1,6 м гача. Ранги ола, бошининг олдинги учидаги айрим қалқонлари кенгайган (номи шундан). 14 тури (жумладан, 10 таси Осиёда, қолганлари Шим. ва Марказий Америкада) тарқалган. Ўзбекистонда оддий Қ.и. (бўшилон), асосан, тоғ олди ва тоғли худудларда учрайди. Бақалар, кемирувчилар, калтакесақлар, умуртқасиз ҳайвонлар билан озикланади. Тухумдан 2 дан 12 тагача бола туғади. Захарли, чакқанда оғриқ пайдо бўлади. Захаридан тиббиётда фойдаланилади. Айрим мамлакатларда Қ.и. истеъмол қилинади.

ҚАМАЛ, куршов, муҳосара — шаҳар, қалъа ва шунга ўхшаш истехкомларни ишғол қилиш учун ўтказиладиган ҳарбий ҳаракатлар усули. Қадим замонлардаёқ шаҳар ёки қалъани тўсатдан ҳужум қилиб олиб бўлмаган тақдирда Қ.дан фойдаланилган. Қ. пайтида қалъа кўшин билан чор атрофдан қуршаб олинган ва кетмакет ҳужумлар уюштирилган. Баъзан эса қамалчилар қамалдагиларнинг озик-овқат, ўқдорилари тугагач, таслим бўлишларини кутишган. Шаҳар, қалъа атрофида *сарқублар* кўтарилган. Мудофаа деворлари остидан ер ости йўллари (нақблар) қазилган. Одатда, Қ. қилувчи кўшиннинг муайян қисми ўзлари барпо этган истехкомларни Қ.да қолганларнинг тўсатдан уюштирилаётган ҳамласидан муҳофаза қилиш билан машғул бўлган, асосий қисми эса мудофаачиларни тинқасини қуритувчи ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашган. Тарихий манбалар, Қ.нинг баъзан ойлаб, ҳатто йиллаб давом этганлигини кўрсатади. Хусусан, Ўтрор мўғуллар томонидан 5 ой, Самарқанд эса Шайбонийхон томонидан 6 ой Қ. қилинган. Қамалчилар қалъа, ҳисор, шаҳар ва ҳ.к.га кириш мақсадида турли амалиётлар (деворларни бузиш, рахналар

солиш) қўллашган. Порохнинг кашф этилиши ва артиллериянинг қуролланишдан муқим ўрин олиши билан мудофаа деворларини порох ёрдамида портлатиш, замбаракдан ўққа тутиш ривожланган. Ўрта асрларда Чингизийлар ва Темурийлар армиясида қалъа, кўрғон, хисор ва шаҳарларни Қ. қилишда тошотар қуроллар ва раъддан кенг фойдаланилган. 17-асрдан қалъа артиллерияси қўлланишга кириб келган. 18—20-асрларнинг бошларида Қ.чи армиялар тузилган. 1-жаҳон урушидан сўнг қалъа ва шаҳарларни забот этишнинг замонавий воситалари пайдо бўлганлиги боис Қ. атамасининг маъноси ўзгариб, *блокада* тушунчасини ифодалайдиган бўлди.

Ад.: Бобур, Бобурнома, Т., 1960; Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т, 1996.

ҚАМАР ОРОЛЛАРИ, Қамар Ороллари Иттифоқи (араб. қамар — ой) — Ҳинд океанидаги Қамар о.ларида жойлашган давлат. Қамар о.лари таркибига Нгазижа (аввалги номи ГрандКомар), Нзвани (аввалги номи Анжуан), Мвали (аввалги номи Мохели), Маоре (аввалги номи Майотта) о.лари ва бир қанча майда ороллар қиради. Майд. 2,170 минг км². Аҳолиси 614,3 минг киши (2002). Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади. Пойтахти — Морони шаҳри.

Давлат тузуми. Қ.О. — федерал республика. Амалдаги конституцияси 2001 йил 23 дек.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент, у умумий тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади, ҳукуматга ҳам бошчилик қилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент (иттифоқ ассамблеяси), ижроия ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ороллар вулканлардан ҳосил бўлган, маржон қоялар билан ўралган. Ҳаракатдаги вулканлар бор. Бал. 2560 м гача (Нгазижа о.даги Қаргала вулкани, мамлакатнинг энг юқори нуқтаси). Иклими тропик, иссиқва сернам. Соҳилда

ўртача т-ра 23—28°, тоғларда 18° га яқин. Йиллик ёғин 1100—3000 мм. Тоғ ён бағирларида қалин тропик ўрмонлар, тоғ этакларида саванна ва бутазорлар бор.

Аҳолисининг 95% қамарлар ёки анталоатра халқи. Улар арабларнинг малагасилар ва Шарқий Африка соҳилидаги халқлар билан чатишуви натижасида ҳосил бўлган. Бундан ташқари, банту тилларидан бирида сўзлашувчи мақуалар ҳамда араб, малагаси ва французлар ҳам яшайди. Ҳиндистон ва Покистондан бориб қолганлар ҳам бор. Расмий тиллар — қамар, француз ва араб тиллари. Аҳолиси, асосан, қамар тилида сўзлашади. Қамарларнинг аксарияти ислом динининг сунний мазҳабида. Аҳолининг 75% га яқини соҳил бўйидаги текисликларда ва тоғ ён бағирларида истиқомат қилади. Асосий шаҳарлари — Морони, Муцамуду, Фомбони.

Тарихи. 15—19-асрларда оролларда мусулмон султонлари ҳукмронлик қилган. Оролларга европаликлардан биринчи бўлиб 1598 йилда голландлар борган. 19-асрда Франция бу оролларни босиб олиб, мустамлакага айлантирган. 1946 йил Қ.О. Франциянинг Мадагаскар мустамлакаси таркибидан мустақил маъмурий бирлик сифатида ажратилган. 1961 йилда Франциянинг «денгиз орти (удуди)»; 1968 йил да ички ўзини ўзи бошқарув мақомини олди. 1975 йил 6 июлда Қ.О. депутатлар палатаси ўз ташаббуси билан мамлакатни мустақил деб эълон қилди. 1978 йил 1 октябргача мамлакат Қ.О. Республикаси, сўнгра Қ.О. Федерал Исломи Республикаси деб атади; 2002 йилдан хоз. номда. 1999 йил 30 апр.да полковник Азали Ассумани раҳбарлигидаги ҳарбий тўнтариш натижасида президент Тожиддин бин Саид Массунде ҳокимиятдан четлаштирилди, 1996 йилги конституция бекор қилинди, барча давлат муассасалари тарқатиб юборилди. Муваққат конституция амал қила бошлади. 1999 йил 6 майда Азали Ассумани ўзини президент деб эълон қилди. Қ.О. — 1975 йилдан БМТ аъзоси. Мил-

лий байрами — 6 июль — Мустақиллик эълон қилинган кун (1975).

Сийсий партиялари, касаба уюшмалари. Янгиланиш ва демократик ҳаракат партияси, 1990 йилда тузилган; Тараққиёт учун миллий бирлашма партияси, 1996 йилда ташкил этилган; Демократия ва тараққиёт учун ҳаракат партияси. Қ.О. мухтор касаба уюшмалари иттифоқи, 1996 йил тузилган.

Хўжалиги. Қ.О. қолоқағар мамлакат. Иқтисодиётининг асосини экспортга ихтисослаштирилган қ.х. ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқ овлаш улуши 40%, саноатники 14%, хизмат кўрсатиш тармоғиники 46%. Асосий қ.х. экинлари: ваниль, чиннигул, иланг-иланг (гулидан эссенция ва парфюмерия саноати учун мой олинадиган да; рахт), кокос пальмаси, долчин, кофе. Ички эҳтиёж учун шоли, маккажўхори, маниок, ямс, батат, шакарқамиш, банан етиштирилади. Қорамол, эчки ва қўй боқилади, балиқ овланади. Урмонларда ёғоч тайёрланади. Саноати, асосан, қ.х. маҳсулотини қайта ишлаш, совун, спиртсиз ичимликлар, рўзғор асбоблари ишлаб чиқарувчи корхоналаридан иборат. Пуццолан (йўл куриш ва цемент ишлаб чиқариш учун керакли хом ашё) қазиб олинади. Йилига 31 млн. кВтсоат электр энергия ҳосил қилинади. Ҳунармандчилик (тери, ёғочни қайта ишлаш, сават тўқиш) кенг ёйилган. Автомобиль йўллари уз. — 875 км (76% қаттиққопламали). Асосий денгиз порти — Муцамуду шаҳри Четга ваниль (экспорт бўйича дунёда 2-ўринда), эссенция, чиннигул, кокос пальмаси ёнғоғи ва мағзи чиқаради, четдан нефть маҳсулотлари, озик-овқат, машинаускуна олади. Ташки савдода Франция, АҚШ, Германия, Мадагаскар билан ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — қамар франки.

Маорифи. Мустақиллик эълон қилиниши арафасида (1975) 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилган эди, аммо бу иш амалга ошмади. Давлат мактаблари билан

бир қаторда мусулмон руҳонийларига қарашли диний мактаблар ҳам бўлган. Дарслар француз тилида, диний мактабларда араб тилида ўтилган. Мамлакат мустақилликка эришгандан кейин болалар 4 ёшдан мадрасага қатнаб, 2 йилда давомида Куръонни ўргана бошлайдилар. Бошланғич мактаб 6 йиллик, тўлиқсиз ўрта мактаб 4 йиллик, тўлиқ ўрта мактаб (лицей) 7 й.лик. Маҳаллий тилда ўқитиш жорий этилган.

Анъанавий бошланғич диний мактабларда араб алифбосидан ташқари, қ.х. билимлари ва гигиена ўргатилади. Касб-хунар таълими бошланғич мактаб негизда амалга оширилади. Пед. билим юртларида ўқитувчилар тайёрланади. Олий ўқув юртлари йўқ. Ёшлар олий таълимни хорижда оладилар.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Мамлакатда «АлВатвон» («Ватан») ҳукумат ҳафталик газ. (1985 йилдан), француз тилида ҳафталик «Қамар Ороллари газетаси» чиқади. Қамар матбуот агентлиги ҳамда 1975 йилда ташкил этилган ва ҳукумат томонидан назорат қилинадиган Қамар радиоси фаолият юритади.

ҚАМАР РАИС (тахаллуси; асл номи Мусаҳиб Али Хон) (1932.12.7, Уттар Прадеш штати Шохжаҳонпур шаҳри) — хинд адабиётшуноси, таржимон, танқидчи, жамоат арбоби. Агра ун-ти бакалаври (1952), Лакхнау ун-тининг ҳуқуқшунослик ф-тини тугатган (1956). Нагпур ун-тида урду тили магистри (1959). Деҳли ун-тининг урду бўлимида катта ўқитувчи (1959—68), доцент (1968), урду бўлими мудири (1976—79), проф. (1983—97). Тошкентдаги Ҳиндистон Маданият марказининг директори (1997—2004). Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилар уюшмаси бош котиби (1973). Тадқиқот ва нашриёт кўмитаси, Деҳли Урду академияси раиси (1987). Аани пайтда Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси. Асосий илмий иши — *Премчанд* асарларини танқидий ўрганиш

мавзусида. Қ.Р. «Премчанд ижодини танкидий тадқиқ этиш» (1959), «Премчанд ёзган бадиийтанкидий мақолалар» (1960), «Урду драма» (1961), «Тошкентга армуғон» (1968, Ғ.Ғулумнинг шеърлари таржимаси), «Ўзбекистон шоирлари» (1973, 2 ж.ли), «Таржима санъатига оид мақолалар» (1976), «Озодликдан кейин Дехлида урду ҳикоянавислиги» (1990), «Ўзбекистон ва Алишер Навоий» (1994), «Ўзбекистон эврилишлар силсиласида» (инқилобдан инқилобгача) (1997, Самарқанд) ва бошқалар илмийтанкидий асарлар муаллифи. Ўзбекистон БА Санъатшунослик инти, Тошкент Шарқшунослик институти фахрий д-ри (2001). «Заҳириддин Муҳаммад Бобур: шахсияти ва шеърляти» китоби учун Бобур номидаги халқаро жамғарманинг Бобур мукофоти лауреати (2004).

КАМАРИДДИН (14-аср)

Мўғулистон хони (1365 — тахм. 1390 йилбоши). *Дуғлат* қабиласидан. Мўғулистон давлати асосчиларидан амир Пўлодчининг укаси. *Илёсхожани* ўддириб тахтни эгаллаб олган. *Туглуқ Темур* авлодларини қатл эттирган. *Амир Темур* давлати худудига доимий хавф туғдириб тургани туфайли Соҳибқирон унга қарши 1370-71, 1375, 1376, 1377, 1383, 1389 йилларда Мўғулистонга қўшин тортган ва ҳар гал рақибини торма қилган. 1375 йилдаги юришда Қ.нинг кизини ўз никоҳига олган. 1390 йил Соҳибқирон Қ.ни бутунлай торма келтириш учун Мўғулистонга юриш қилган, Қ Ирғиш дарёси томон чекинган. Амир Темур қўшини Ирғишга етиб келганда Қ. шимолга қочган. *Муҳаммад Ҳайдарниш* «Тарихи Рашидий» асарида келтирилган мўғул ривоятига кўра, Қ. умрининг охирида истиско касали билан оғриб шим. даги ўрмонларда бедарак кетган.

КАМАРИЙ ЙИЛ — Ой йили, Ой тақвимининг эски номи (қ. *Календарь*).

КАМАРИЯ (араб.) — Ой календа-

рининг эски номи; мусулмон оламининг тақвими. Қамарий йилда 12 ой бўлиб, *Муҳаррам, Сафар, Рабиулаввал, Рабиулсоний, Жумодулаввал, Жумодулохир, Ражаб, Шайбон, Рамазон, Шаввол, Зулқайда* ва *Зулҳижжа* номлари билан аталади (қ. *Календарь*).

КАМАШИ — Қашқадарё вилоятидаги шаҳар (1978 йилдан). *Қамаши тумани* маркази (1974 йил 23 дек. гача Қамаши қишлоғи). Т.й. станцияси. Қ.дан *Карши шаҳри*гача 63 км. Маҳаллий маълумотлар бўйича Қ номи ўзбекқўнғирот уруғининг қамайчи тармоғи номидан олинган. Аҳолиси 34 минг киши (2005). Қ.да пахта тозалаш з-ди, кўрпа пахта ф-каси, қурилиш материаллари к-ти ва бошқалар қурилиш ташкилотлари, МТП, 2 автокорхона, «Микрон» фирмаси (макарон ишлаб чиқаради), терини қайта ишлаш корхонаси, момик ф-каси, ишлаб турибди. Кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Қўшма корхоналар мавжуд. 2 лицей, 32 касб-хунар коллежи, 5 умумий таълим мактаби, болалар муסיқа ва спорт мактаблари, туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, дорихоналар ва тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан вилоят маркази (Қарши шаҳри) гача автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

КАМАШИ СУВ ОМБОРИ — Қашқадарё вилоятида барпо этилган гидротехника иншооти. 1957 йилда Қамаши шаҳридан 4 км узокликдаги Шўрчасой табиий ботиқлигини тупроқ тўғон билан тўсиб ҳосил қилинган. Тўғоннинг дастлабки бал. 10 м, устки қисмининг уз. 900 м, омбор атрофида қўтарилган марзалар билан биргаликда 1500 м, ҳажми 11 млн. м³. 1962 йилда тўғон реконструкция қилиниб, 3 м га қўтарилди ва умумий ҳажми 17,3 млн. м³ га ва фойдали ҳажми 16 млн. м³ га етказилди. Максимал чуқ. 12,0 м, ўргача чуқ. 6,0 м, сув сатҳининг

юзаси 1,5 км².

Сув омбори Яккабоғ дарёсидан сув олувчи Қорабоғ канали ва сув сарфи 4 м³/сек. бўлган 6 км узунликдаги сув келтириш канали орқили апр.— июлда тўлдирилади. Омборнинг сув чиқаргичидан сув сарфи 4 м³/сек. бўлган 2,9 км узунликдаги канал сув олади. Сув омбори Қамаши туманида 5 минг га экинзорни суғориш имконини беради.

ҚАМАШИ ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятидаги туман*, 1937 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1962 йил 24 дек. да Қарши туманига қўшилган. 1964 йил 31 дек.да яна қайтадан ташкил этилган. Шим. дан Чирокчи, Яккабоғ, Шахрисабз туманлари, ғарбдан Косон тумани, жан. дан Ғузор, Дехқонобод туманлари, шарқдан Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани билан чегарадош. Майд. 2,66 минг км². Аҳолиси 191,4 минг киши (2005). Туманда 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ёртепа, Жонбузсой, Кўкбулок, Лайлаксой, Оқравот, Тўқбой, Чим, Қамай, Қизилтепа, Қорабоғ, Қоратепа) бор. Маркази — *Қамаш шаҳри*

Табиати. Туман худуди ғарбдан шарққа 150 км, шим.дан жан. га 40—45 км га чўзилган. Худудининг ғарбий қисми рельефи, асосан, текисликдан иборат. Умумий майдонининг $\frac{1}{4}$ қисмини Қарши дашти эгаллаган. Туман рельефи шарққа томон кўтарилган боради, текисликлар, қирадирлар, сўнгра паст ва баландроқ тоғлар алмашилиб келади. Ҳисор тизмасининг жан.ғарбий тармоқларидан бўлган Чақчар тоғи вилоятдаги энг баланд тоғ бўлиб (Катта Хуросон, асли Катта Харсанг чўққиси, 3749 м), Қашқадарё хавзасини Сурхондарё хавзасидан ажратиб туради. Туманда қазилма бойликлардан — турли хил қурилиш материаллари мавжуд. Қашқадарё (туманнинг энг ғарбий текислик қисмида 30 км масофада оқиб ўтади) ва унинг ирмоғи Лангар асосий сув манбаларидир. Қашқадарё хавзасига қирувчи Яккабоғдарё ва Ғузордарёнинг

юқори қисмлари (Қизилдарё, Тирнасой, Катта Урадарё) ҳам туман худудидан сув олади. Қашқадарё вилоятидаги энг йирик *Чимқўртни сув омбори* туман худудида жойлашган. Хўжаликларни сув билан таъминловчи ариқ ва каналлар (Чим, Жанбуз, Таёкли, Сағанак кабилар) шу сув омборидан бошланади. Иқлими континентал. Ўртача йиллик т-ра 7,2°. Янв. ойининг ўртача т-раси —4,6°, июлники 20,1°. Вегетация даври текислик қисмида 240 кун, тоғли қисмларида 200 кун. Йиллик ёғин 327 мм дан (текисликда) 612 мм гача (тоғлик қисмида). Тупроқлари ҳам текисликдан тоғларга томон ўзгариб боради: типик бўз тупроқ, қўнғир бўз тупроқ, қумоқ бўз тупроқ; дарё водийларида ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Турли хил эфемероидлар — қўнғирбош, ялтирбош, нўҳатак, лолақизғалдоқ, шунингдек, коврак, буғдойик, оққурай, қорамурч, янтоқ, кизилмия, юлғун, тол, арча, заранг, писта, бодом, дўлана, итбурун, қатранғи, ёввойи олча, ёнғоқ ва бошқалар ўсади. Тулки, қуён, қобон, тоғ айиғи, кийик, бўрсиқ, жайра, қаламуш, сичқон, турли хил заҳарли илонлар, эчкемар, қалтақесак; паррандалардан қалқик, қаптар, чил, сўфитўрғай, зарғалдоқ, чумчуқ, чуғурчик, бедана, лочин, бургут, қирғовул ва бошқалар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 72 киши. Шаҳар аҳолиси 33,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 157,8 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туманда 3,5 мингга яқин қорхона, жумладан саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш ва х.к. фаолият кўрсатмоқда. Пахта тозалаш, ғишт эдлари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхоналар, кичик, ўрта бизнес ва йирик қорхоналар, микрофирмалар бор. 3 та қўшма қорхона ишлаб турибди. Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Тоғли худудларда баҳорикор ғаллачилик

(бугдой, арпа) ривожланган. Пиллачилик билан ҳам шуғулланилади. Чорвачиликнинг муҳим соҳаси қорамолчилик (асосан, суғориладиган зонада), қўйчилик (тоғ зонасида) ҳисобланади. Туманда ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ва бошқалар кишлоқ хўжалик корхоналари бор. Экин майдонларининг 9,8 минг га ерига пахта, 25,6 минг га ерига ғалла, шунингдек, сабзавот ва картошка, емхашак экинлари экилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларидан 61,4 мингга яқин қорамол, 110,3 мингдан зиёд қўй ва эчки, 130,2 мингдан зиёд парранда, 3,4 мингга яқин йилки бокилади.

85 умумий таълим мактаби (52,5 минг ўқувчи), 2 лицей ва ихтисослашган мактаб, болалар мусиқа мактаблари, меҳрибонлик уйи, 4 касб-хунар коллежи (3,2 минг талаба), марказий кутубхона, 12 клуб муассасалари, маданият уйлари бор. «Эгачим» фольклор этнографик, «Қирғалдоқ» болалар этнографик, «Мингбарг», «Бўйрачи», «Бўстон», «Маҳаллада дувдуд гап» ашула ва ракс ансамбллари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, амбулатория, 12 кишлоқ врачлик пункти, 35 фельдшер акушерлик пунктида 257 врач, 1637 ўрта тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан Қарши — Китоб т.й., Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Қамаш шаҳридан Қарши шаҳри ва бошқалар туманлар марказларига автобуслар қатнови йўлга қўйилган. 1941 йил 16 июндан «Қамаш ҳақиқати» газ. чоп этилади.

ҚАМБАР — қоракўл тери тури (гуруҳи). Ранги оч кулранг, ўрта ва тўқ малла. Улар орасида малла (шутури — туяранг) туси қимматли ҳисобланади. Гуллари йирик, жун қоплами сийрак ва дағалроқ. Қ. терилар гуруҳи гуллари-нинг шакли, кенлиги, узунлигига, терининг юпкакалинлигига кўра қаламгул, қовурғасимон, яссигул, ўсикгул каби навларга бўлинади.

ҚАМИШ — бошоқдошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимлик туркуми. Ўзбекистонда оддий Қ. (Р. соттишз Тпп.) тури тарқалган. Пояси тик ўсади, бўйи 3—5 м гача етади, силлиқ, шохламайди. Барглари навбатманавбат жойлашган, узун наштарсимон, четлари ўткир ғадирбудир. Гуллари кўнғирбинафша, чочоқ рўваксимон тўпгулга йиғилган. Меваси кулранг донча. Июльокт. да гуллаб, мевалайди. Бир тўпгули рўвақда 50—100 мингта дон (мева) тугади, уруғи шамол ва сув орқали тарқалади. Уруғи 1415° хароратда сернам жойда униб чиқади. Асосан, илдизпояларидан, баъзан уруғидан кўпаяди. Сизот сув лар сатҳи яқин (2—3 м гача) тупроқларда, дон, шоли, ғўза, беда ва бошқалар орасида учрайди. Шунингдек, ботқоқлашган зах жойларда, ҳовуз, тўқайлар, кўл, суғориш шохобчаларида ўсади.

Кураш чоралари: ер чуқур (30 см гача) ҳайдалади, ер бетига чиққан илдизпоялар йиғиштириб олинади, қуритилади; ерга далапон (10—15 кг/га) сепилади; суғориш ва дренажни тартибга солиш билан сизот сувлар сатҳи пасайтирилади, чопикталаб экинлар чуқур культивация қилинади.

ҚАМИШЛИ — Суриянинг шим. қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 113 минг кишидан зиёд (1990-й.лар охири). Латакия — Ҳалаб — Қ. темир йўлининг охириги бекати. Қ.х. ва нефть қазиб олинadиган р-н маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд.

ҚАМИШЛИ МАДАНИЯТИ — Сувёрган ва Калтаминор маданиятларидаги босқичлардан бири. 1954—55 йилларда Хоразм археологияэтнография экспедицияси томонидан текширилган. Хоразм воҳасида Амударёнинг қадимий Оқчадарё дельтаси бўйлаб тарқалган неолит маконлари туркумига киради. Қ.м.да уйжой қуриш услуби (айникса, чайлалар) жихатдан *Калтаминор маданияти*

анъанаси давом эттирилган. Маконлар кўчки кум ва тўкайлар халақит берганлиги учун Оқчадарё дельтасидан олисга тарқалмаган. Кварцитдан ишланган тош куроллар (пичоқсимон парраклар, камон ўқининг бодомсимон шаклда ишланган учлари, найза, пичоқ), чакмоқтош куроллар ва кум аралаштирилган лойдан ясалган кенг қоринли, бўйни калта, елкаси бўртма гардишли хум ва бошқалар сопол буюмлар топилган. Қ.м.га мансуб қабилалар деҳқончилик билан шуғулланган.

ҚАМИШЛИБОШ, Қамислибас — Қозоғистон Республикасининг Қизилўрда вилоятидаги қўл. Майд. 176 км². Сирдарё дельтасининг шим. қисмида жойлашган. Сирдарёда сув кўпайган вақтларда унинг суви Қга оқиб боради. Майдони ва шўрлиги ўзгариб туради. Сазан, лешч ва вобла балиқлари овланади.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ — жиноят процессида қиноят иши бўйича дастлабки тергов қилиш ва судда ишни кўриш даврида эҳтиёт чораси тариқасида шахс озодлигини мажбурий чеклаш (тергов хибсхонасида) тарзидаги эҳтиёт чораларидан бири. Эҳтиёт чораси сифатида Қ.о. гумон қилиниб ушлаб турилган шахсга ва айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 242моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлганда кўзгатирилган жиноят ишлари бўйича қўлланилади. Сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатлари кучайтирилиши натижасида ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди. Қ.о. тарзидаги эҳтиёт чораси: 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатига нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатига нисбатан; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатларига нисбатан — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда; 2) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг

судьясига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари еудьяларига нисбатан — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилиги билан; прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан — Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори розилиги билан қўлланилиши мумкин. Қамоқда сақлаб туриш муддати иш тергов қилинаётганда 3 ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас, алоҳида ҳолларда эса, 1 йилгача узайтирилиши мумкин. Қамоқда қонунга ҳилоф равишда сақлаб туриш туфайли шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки реабилитация учун асослар бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони (2005 йил 8 авг.) га кўра, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни Қ.о.га санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 янв.дан эътиборан судлар ваколатига ўтказилади. Анашуфармон билан Қ.о. қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бу ҳол фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципи ва нормаларига тўла мос келади.

Зумрад Иноғомжорова.

ҚАНД, қанд моддаси, шакар моддаси — углеводлар (моносахаридлар ва олигосахаридлар) синфининг қуйи молекулали

вакиллари. Сувда яхши эриши ва кристалланиши Қ. моддасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. У қайси манбадан илк бор олинган бўлса, ўшанинг номи билан аталади. Мас, *глюкоза* — узум қанди, *лактоза* — сут қанди, *мальтоза* — солод қанди, *сахароза* — шакарқамиш ёки лавлаги қанди. Қ. моддаси деганда Қ бўлмаган табиий ва синтетик моносахаридлар ҳам тушунилади. Бундай моддалар одатдаги Қ. моддасидан ўзига хос томонлари билан ажратади. Уларнинг молекуласида гидроксил гуруҳ (—ОН) ўрнига бошқа гуруҳ, мас, водород атоми (дезоксисахар), аминогуруҳ NH₁, (аминосахар), меркаптогуруҳ SH (тиосахар) ва х.к. бўлади; тармоқданган углерод скелети (тармоқланган Қ. моддаси) ёки 7 ва ундан кўп атомдан иборат утлерод занжирига (юқори Қ. моддаси) эга; кўшимча кислород гутувчи цикли (ангидросахар) ёки қўшалок углерод боғи (тўйинмаган Қ. моддаси) бўлади. Микроорганизмлар турлитуман «қанд бўлмаган» Қ. моддасига бой манбадир. Кўпчилик табиий Қ. моддаларининг структураси кимёвий синтез йўли билан аниқланган (яна қ. *Углеводлар*).

ҚАНД ЛАВЛАГИ — қ. *Лавлаги*.

ҚАНДАК — халқ селекциясида чиқарилган маҳаллий эртанишар ўрик нави. Фарғона водийси, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кенг тарқалган. Бир канча клонлари бор. Дарахти ўртача катталиқда, шохшаббаси қуюқ, бал. 7 м гача. Шохлари ингичка, куртак ва гуллари майда. Март охирида гуллаб, июннинг 2-ярмида пишди. Мевалари майда (20—25 г), думалоқ, пўсти қалин, туклари бор, эти тўқ сарик, ўртача тиғизликда, ширин (қанд микдори 14—] 7%, куруқ модда 26—28%, нордонлиги паст — 0,4—0,6%), данагидан осон ажралади, данаги майда. Совуққа ва касалликларга чидамсиз. Экилганидан кейин 5—7 йили ҳосилга қиради. Асосан, қоқи солинади, компот, мураббо қилинади.

ҚАНДАЛАЛАР, асл яримқаттиққанотлилар — чала ўзгариш (метаморфоз) билан ривожланадиган ҳашаротлар туркуми. 40 мингга яқин тури маълум; куруқликда, шунингдек, тропик ва субтропиклардаги сув ҳавзаларида яшайди. Танасининг уз. 1 мм дан 12 см гача. Бошининг икки ёнида мураккаб (баъзан тепа қисмида яна оддий) кўзлари бор; 4, камданкам 3—5 бўғимли мўйлови ипсимон, тўғноғичсимон ёки думалоқ. Санчибсўрувчи оғиз аппарати бўғимли хартумча кўринишида. Қанотлари 2 жуфт. Олд қанотларининг учи пардасимон, тиник, қолган қисми кучли хитиилашган. Орқа қанотлари пардасимон, тиник. 3 жуфт оёқлари юриш, югуриш, шунингдек, ҳаёт тарзига боғлиқ ҳолда қавлаш, сувда сузиш, тутиб олиш ва бошқаларга мослашган. Кўпчилик Қ.нинг орқа кўкрагининг икки ёни билан 2 ва 3 жуфт оёқларининг тослари оралиғига хид чиқарувчи без тешиклари очилган. Тухуми, асосан, бочкасимон, ноқсимон, тухумсимон бўлиб, учки қисмида қоққоғи бор. Личинкасининг ташки кўриниши ва ҳаёт тарзи етук Қ.ниқига ўхшаш. Кўпинча Қ. йилда бир авлод беради. Урғочиси тухумини ўсимлик ёки бошқа нарсалар сиртига, ўсимлик тўқимаси ичига, баъзилари (айрим зараркунанда Қ.) эркагининг орқасига (тухумдан личинка чиққунга қадар эркаги кўтариб юради) қўяди. Одатда, етук Қ. (сўқир Қ.нинг фақат тухуми) қишлайди. Қ. иссиқ ва қуруқ иқлимли шароитда яшашга жуда яхши мослашган.

Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик минтақасида Қ.нинг 13 зараркунанда тури, айниқса, *беда қандаласи*, *дала қандаласи* катта зарар келтиради. Беда ўрилгандан кейин Қ. ёппасига гўзага ўтади. Етук Қ. ва личинкаси барг, поянинг майин тўқима учи ва ҳосил органларидаги ширани сўради. Шикастланган гунча ва гуллар тўқилади. Шакланган кўсақларда кўнғир доғлар (1—2,5

мм катталиқда) пайдо бўлади, уларнинг ривожланиши ҳамда пишиши сулшлашади. Куруқлик Қ.и, асосан, ўсимликхўр, турли ўсимликлар барги, меваси ва илдизидан ширасини сўради. Қалқовдор Қ. оиласига мансуб хасва, беда қандаласи, ўтлоқ қандаласи ва бошқалар қишлоқ хўжалиги экинлари учун хавфли. Баъзи Қ ўсимликларнинг вирусли касалликлари, мас, барг бужмайиши, лавлаги мозаика касаллиги кабиларни таркатади. Баъзи куруқлик Қи одам ва иссиқ қонли ҳайвонларнинг (кўршапалаклар, кушлар ва бошқалар) ташқи паразити бўлиб, уларнинг қони билан озикланади. *Ҳалқондорлар* оиласига мансуб йиртқич Қ. фойда келтиради.

Кураш чоралари: ўсимликхўр Қ.га қарши бедапояларга ишлов бериш; эрта баҳорда бегона ўтларга қарши нитрафен пуркаш; поядаги тухумларни йўқ қилиш учун бедани 5 см поя қоддириб ўриш, далада анғизни йўқотиш. Зарарланган экинларга фосфорорганик инсектицидлардан: фосфамид (рогор)нинг 40% ли эмульгиранувчи кукунини сепиш (1,5—2,5 кг/га).

Ад.: Муродов С.А., Умумий энтомология курси, Т., 1986.

Султон Алимуҳамедов

ҚАНДАҒОЧ — қайиндошлар оиласига мансуб барг тўқувчи дарахт ва буталар туркуми. Асосан, Шим. ярим шарда 50 га яқин тури маълум. Евросиё, Шим. Америкада ҳамда Жанубий Америка тоғларида тарқалган. Қ.нинг қора Қ., кулранг ёки оқ Қ., сибирь Қ.и, юмшоқ тукли, кавказда ўсадиған ноёбсўғалли Қ. юраксимой Қ. ҳамда манзарали қизил Қ. турлари кўп учрайди. Муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган қора Қ.нинг бўйи 25 (30—35) м. Шохшаббаси яхши, ривожлашаи. Пўстлоғи тўқ малларанг, ғадирбудир. Барглари думалок. Бир уйли, четдан чангланади. Биринчи 20—30 йилда тез ўсади. 30—40 ёшидан мевалайди. Ёғочи пишиқ, қайишқок. 100—300 йил яшайди. Қора Қ юқори махсуддор

соф (ёки оқ қайин, қорақарағай, қайрағоч ва билан аралаш) кўчатлар берадиган қимматли ўрмон ҳосил қилувчи тур. Қ.нинг барча турларидан кўкаламзорлаштириш, соғломлаштириш, боғлар, хиёбонлар ташкил қилиш ва бошқалар мақсадларда фойдаланилади. Ёғочи мебелсозлик, токарлик саноатида, ўймакорликда, фанер ишлаб чиқаришда ишлатилади, мустаҳкамлиги (чиримаслиги) туфайли гидротехник иншоотлар қурилишида қўлланади. Пўстлоғидан тери ошладда (16% гача таннин моддаси бор) ва бўёқ олишда фойдаланилади. Уруғидан, илдиз бачкисидан кўпаяди.

ҚАНДАҲОР — Афғонистоннинг жан. қисмидаги шаҳар, Ҳиндукуш тоғларининг ғарбий этагида. Қандаҳор вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 339,2 минг киши (2003). Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятига эга. Мамлакат жан. ва ғарбидаги муҳим боғдорчилик ва чорвачилик р-нининг савдо маркази. Гилам, қоракўл тери, кўн ва х.к. билан савдо қилинади. Тўқимачидик ф-қаси, озиқ-овқат саноати қорхоналари мавжуд. Хунармандчилик ривожланган.

Қ. — қадимий шаҳар. 12—13-асрларда йиррик савдо маркази бўлган. 13-асрда мўғуллар босиб олган. 14-аср охиридан Амир Темур ва Темурийлар салтанати қўл остида бўлган. 16—17-асрларда Қни эгаллаш учун Эрон шохлари сулоласи Сафавийлар билан Бобурийлар ўртасида кураш бўлган. 17-аср ўргаларидан Сафавийлар қўл остига ўтган. 1709 йилда Қ. аҳолиси Сафавийларга қарши кўзғолон кўтариши оқибатида Қ.да Гилзой ҳокимлиги вужудга келди. 1738 йилда Қ.ни Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшор босиб олиб вайрон қилган. Кейинроқ сал нарироқда шаҳар бунёд қилиб Нодиршоҳ деб атаган. Бузилган шаҳарни *Аҳмадшоҳ Дурроний* қайта тиклаб Аҳмадшоҳ деб атаган ва 1773—74 йилларда Дурронийлар давлати пойтахти бўлган. 1818—55 йилларда Қандаҳор ҳокимлигининг мар-

кази. 1855 йилда шаҳарни афғон амири Дўстмуҳаммадхон эгаллаган ва Афғон давлати таркибига киритган.

Меъморий ёдгорликлардан Аҳмадшоҳ мақбараси ва бошқалар 18-асрга оид ёдгорликлар сақланган.

ҚАНДИЛ — осма чироқ тури; бир ёки бир неча шам ёки лампочка қўйиладиган турлари бор. Металл, пластмасса, ганч ва бошқалар хом ашёлардан ясалди. Қнинг шифтга ва деворга ўрнатиладиган турлари бўлиб, улар бир ёки бир неча қисмлар бирикмасидан иборат бўлади. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан сарой, мадраса ва бошқаларни ёритиш учун сопол, мис, жез, ганч Қлар ясалган ва улардан кенг фойдаланилган. *Амир Темура мақбараси, Шоҳизинда*, Қусам ибн Аббос зиёратхоналарида ноёб Қлар бўлганлиги маълум. 20-асрда, шунингдек, амалий санъат усталари томонидан нафис жозибадор ишланган ганч Қ кенг тарқала бошлади (*Усма Ширин* Муродов, Т. *Арслонқулов*, А. Мухторов ва бошқалар).

ҚАНДИ ДИАБЕТ, қанд касаллиги — организмда инсулин танқислиги ва моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик. Қанд касаллиги шарқ халқ табобат тарихида жуда қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино бу дардга алоҳида эътибор беради. «Сув қандай ичилган бўлса, шу ҳолда чиқади», деб ёзади у. Беморнинг кўп сув ичиши бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқаради ва бемор жуда озиб кетади. Даволарга тўхтаб табиб: «Беморга совуқ мизожли суноқликлар ичир, совуқжомга сол, нордон айрон ичир, мевалар бер, ялпиз дамлаб ичир, яъни беморни хўлла, совут», дейди. Бу — касаллик одам баданида иссиқликнинг ошиб кетиши туфайли пайдо бўлишини билдиради. Қанд касаллиги тарихий тиббий манбаларга кўра, наслий бўлиши ҳам мумкин. Қ.д.да қонда қанд моддаси кескин кўпайиб, сийдик билан чиқиб туради (таркибида

қанд моддаси бўлади), ташналик, озиб кетиш, қувватсизлик, бадан қичишиши ва бошқалар аломатлар кузатилади.

Касалликнинг ирсий ёки ҳаётда ортирилган, шунингдек, инсулинга боғлиқ (диабетнинг 1 тури) ва инсулинга боғлиқ бўлмаган (диабетнинг 2 тури) тури фарқ қилинади.

Диабетнинг 1 тури кўпинча ўсмирлик ёшида учрайди. Бунда бемор организмида меъда ости беши хужайралари инсулин ишлаб чиқара олмайди ва уларни даволашда қанд миқдорини пасайтириш мақсадида *инсулин* препаратлари қўлланади.

Қ.д.нинг 2 турида меъда ости беши оролча хужайраларидан инсулин ишлаб чиқариш сақланиб қолади, бунда қон таркибидаги инсулин миқдори меъёрида ёки ундан сал юқорида бўлади.

Бироқ, тўқималарнинг инсулинга нисбатан сезгирлиги кескин пасайиши туфайли тўқималар томонидан глюкозани ўзлаштириш ҳамда фойдаланиш камаяди ва у қон таркибида тўпланиб қолади, натижада қонда қанд кўпайиб, сийдик билан чиқиб туради, бемор жуда семириб кетади. Диабетнинг бу тури билан, асосан, ўрта ва кекса ёшдагилар касалланадилар. Касаллик аста-секин, зимдан ривожланади, у бошланишида оғиз қуриши, чанқаш, озиш каби аломатлар яққол билинмайди. Беморни кўпроқ ҳолсизланиш, толиқиш, ташналик безовта қилади. Қон таркибидаги глюкоза миқдори юқори бўлишига қарамай, диабетнинг 2 турида қон таркибида ацетон моддасининг ортиши ва унинг сийдикда пайдо бўлиши жуда кам кузатилади. Бундай беморлар инсулин қабул қилмай яшашлари мумкин. Уларга парҳез, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, қанд миқдорини камайтирувчи дорилар қабул қилиш яхши наф беради.

Қ.д. — бир умрлик касаллик, уни бутун ҳаёт давомида даволаш зарур. Тўлатўқис даволанмайдиган ва қон таркибидаги глюкоза миқдори узок вақт юқори сақланадиган беморларда

Қ.д.нинг томир асоратлари — диабетга хос ангиопатиялар (макро ва микроангиопатиялар) намоён бўлади.

Бу барча аъзоларнинг (тери, мускуллар, нерв ва ҳ.к.) капиллярларини шикастлайди. Диабетга хос микроангиопатиялар буйрак, кўз, оёқ ва бошқалар аъзоларда кўпроқ ва эртароқ кузатилади.

Қ.д. атеросклерознинг ривожланиши, ўз навбатида, юракнинг ишемик касаллиги (стенокардия, миокард инфаркти), мияда қон айланишининг бузилиши (бош айланиши, мия инсульти) ва ҳ.к. га олиб келади.

Қ.д.нинг ҳар иккала турида ҳам даволашдан асосий мақсад иложи борича қондаги қанд миқдорини соғлом кишилардаги кўрсаткичга яқинлаштириш, яъни компенсация ҳолатига эришишдир. Қондаги қанд миқдорини меъёрида сақлаб туришнинг асосий йўли қондаги глюкозани иложи борича тез-тез аниқлаш; бундай назорат Қ.д.нинг инсулинга боғлиқ 1 турида жуда зарур. Уй шароитида мустақил ҳолда қондаги глюкоза миқдорини аниқлашда махсус реактив қоғозлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун укол игна ёрдамида бармоқдан бир томчи қон реактив қоғозга олинади (қон қоғозни бир четтидаги чизикчаларга туширилади). Бир дақиқадан сўнг қоғоздаги қон пахта билан артиб ташланади ва яна бир дақиқа ўтгач, реактив қоғоз ранги шкала билан солиштирилади. Ранги энг яқин бўлган шкала кўрсаткичи шу қондаги глюкоза миқдорини ммол/л (мг%) да ифодалайди. Худди шундай усулда уй шароитида сийдикдаги қанд миқдорини ҳам беморларнинг ўзлари мустақил махсус реактив қоғозлар ёрдамида аниқлашлари мумкин. Агарда қонда ёки сийдикда глюкоза миқдори баланд бўлса, дарҳол тегишли даво муолажаларини амалга ошириш лозим. Булардан ташқари, беморлар тана вазнларини ҳам ҳафтада бир маротаба назорат қилишлари ҳамда уни ўз бўйи, ёши ва касбига мос бўлган меъёрда сақлаб туришлари керак.

Қ.д.да даво ҳар бир беморнинг умумий аҳволи, касаллик аломатлари, қон, сийдик таҳлили ва бошқаларга қараб тайинланади, у босқичмабосқич олиб борилади. Даволаниш муддати касалликнинг оғиренгиллиги, ўтказиб юборилган ёки янгилиги ва турига боғлиқ.

ҚАНДИ ЭКИНЛАР, ширадор экинлар — пояси, илдизмевалари, мевалари ва уруғларида қанд моддаси (асосан сахароза) тўплайдиган ва саноатда қанд олиш учун экиладиган ўсимликлар. *Шакарқамиш*, қанд *лавлаги* (1 га майдондан 100 ц гача қанд олиш мумкин), ширин жўхори, *маккажўхори*, *топишамбур*, ширин пальма ва бошқалар кўп миқдорда қанд моддаси тўпловчи экинлардир. Бундан ташқари, *тарвуз*, *қовун* (таркибида 14—16% сахароза бор), *стевия* ўсимлигидан ҳам қанд олинади.

ҚАНДОЛАТЧИЛИК, ширапазлик — хунармандчиликнинг маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари, маҳаллий ширинликлар, қандкурслар тайёрланадиган соҳаси. Шарқ мамлакатларида қадимдан ривож топиб, айниқса, ўрта асрларда кенг тарқалган. Урта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошховуз, Хўжанд, Қўқон, Чимкент, Тошкент сингари йирик шаҳарларида қандолатчилар *шинни*, *асал*, турли меваларнинг шираларидан, шунингдек, ун, кунжут, ўрик, бодом мағизи, ёнғоқ ва бошқалардан фойдаланиб, турлитуман обаки, *ҳолва*, *новвот*, печак, *пашмак*, *парварда*, *нишолда*, *мураббололар*, атиргул гул баргларини шакар билан аралаштириб *гулқанд*, муз билан шинни ёки мева шарбагини қўшиб музқаймоқлар тайёрлаганлар. Шаҳарларда, йирик қишлоқ бозорларида Қ. расталари бўлган. Қандолатчилар 4—5, баъзан 10—12 кишилик устахоналарга уюшган, уларнинг дўконлари, асосан, хонадонларда ҳовлининг бир қисмини ташкил этган. Қандолатчиларнинг асбоблари чўян ва мис қозонлар, мис товоқтоғора, ёғоч коргич, чилчўп, тарози қабилардан ибo-

рат бўлиб, каттакичик ўчоқлар, узум шираси олинадиган махсус қурилмалардан фойдаланганлар.

20-асрнинг 20-й.ларидан Қ. махсулотлари (*конфет*, шоколад, монпасье ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган йирик фкалар пайдо бўлиши билан (мас, Тошкентда 1922 йилда «Ўртоқ» қандолатчилик ф-каси ишга туширилди). Қ.нинг хунармандчиликда касб сифатида фаолият соҳаси бир кадар қискарди, аммо шунга карамай саноат усулида ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган ёки рентабелли бўлмаган ширинликлар турларини ишлаб чиқариш сақланиб қолди ва ривожланди. 90-й.лар бошидан шаҳар ва кишлоқларда Қ.да якка тадбиркорлар ва хусусий корхоналар фаолият кўрсата бошлади, Қ. махсулотларининг тур таркиби ва бозорда сотилиши миқдори кўпайди. Ҳоз. даврда Қ.да шакарли махсулотлар билан бирга ундан тайёрланадиган махсулотлар (печенье, вафли, торт, кекс, пирожний ва бошқалар)нинг кўп турлари ишлаб чиқарилади.

Умид Аҳоров.

ҚАНДСИЗ ДИАБЕТ — нейроэндокрин касаллик; асосан, *гипоталамус* ва *гипофиз* функциясининг бузилишидан келиб чиқади. Касаллик 17-асрда аниқланган, аммо, *қандли диабет*дан фарқлай олмаганликлари сабабли, унга алоҳида дард сифатида қарашмаган. Қ.д. биринчи бўлиб инглиз олими Томас Уиллис томонидан аниқланди (1674 йил). У Қ.д.га чалинган беморлар сийдигини текшириб, қандли диабетдан фарқли равишда уларнинг сийдиги таркибида қанд моддасини топмаган ва бу касалликни қандсиз диабет деб атаган. Касаллик, асосан, ёш эркак ва аёлларда, қисман болаларда ҳам кузатилади. Қ.д.га хос аломатлар тўсатдан бошланади, бемор кўп сияди (полиурия), жуда чанқайди ва кўп суюқлик ичади (полидипсия), оғзи қуриydi. Касалликнинг бу белгилари тез орада зўрайди, бемор безовталанади, асабийлашади. Дард авжига чиққан даврда

1 кунда ажраладиган сийдик миқдори ниҳоятда ошиб кетиши мумкин. Болаларда бу касаллик кечаси сийиб қўйиш (энурез) билан бошланади. Тез орада бемор анча озади, организмда минераллар алмашинуви бузилиши натижасида териси қуруқшаб қолади, сочлари синувчан, тез-тез тўкиладиган, тирноқлари мўрт ва уваланадиган бўлиб қолади. Кўп миқдорда сув ичиш овқат ҳазм қилиш тизимига нохуш таъсир кўрсатади. Меъданинг ҳазм ферментлари ишлаб чиқариш фаолияти издан чиқиб, сурункали гастрит, ўт пуфаги секретор фаолияти бузилиши, ингичка ва йўғон ичаклар ҳаракатининг издан чиқиши, шиллик қаватларга путур етиши, доимий қабзият ва бошқалар келиб чиқади. Ҳаддан зиёд кўп сув ичиш меъда' деворининг чўзилиб, ҳажми катталашига ва меъданинг пастга тушишига олиб келади, бу меъда атрофидаги аъзолар фаолиятига ҳам таъсир қилади. Аёлларда ҳайз кўришнинг бузилишига, эркакларда жинсий майлнинг сусайишига, болаларда эса ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиш, жинсий ва жисмоний ривожланишнинг кечикиши каби ҳолатларга олиб келади. Касаллик узок давом этади, кўпинча унинг ривожланиши бош мия жароҳати ва ундаги жарроҳлик амалиётларидан сўнг, бактериал менингит, вирусли энцефалит, захм, бош мия ўсмалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Касалликка беморнинг шикоятлари, сийдик таҳлили, неврологик, офтальмологик, рентгенологик ва гипофизнинг компьютер ва магнитрезонансли томография натижаларига асосланган ҳолда диагноз қўйилади. Оддини олиш учун касалликнинг биринчи белгилари бошланиши билан эндокринологуга мурожаат этиш ва унинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш лозим. Касаллик ўз вақтида даволанса, бемор бутунлай соғайиб кетиши мумкин.

ҚАНД-ШАКАР САНОАТИ — озиқ-овқат саноати тармоғи, қанд лавлагидан

оқ шакар ва шакардан кесма оқ қанд ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни қамрайди. Тропик минтақалар ва субтропиклардаги мамлакатларда шакар ва қанд *шакарқамишдан* олинади. Қандшакарни аҳоли кўп истеъмол қилади ва озиқ-овқат саноатининг бир қатор тармоқларида кенг қўлланади.

Шакарқамишдан шакар олиш жуда қадимдан маълум бўлган. 16-асрда Ҳиндистонда саноат йўли билан шакарқамишдан шакар ишлаб чиқарила бошлаган. 18-аср охирида Россия ва Германияда қанд лавлагидан шакар олиш технологияси яратилди. 20-аср охирига келиб жаҳон миқёсида ишлаб чиқариладиган (1999 йилда 133 млн. т) хом (сарик) шакарнинг 55% шакарқамишдан, қолгани лавлагидан олинади.

Ўзбекистонда 20-аср бошларига қадар қанд четдан келтирилган хом ашёдан хунармадқандолатчилар томонидан ишлаб чиқарилган («каллақанд»).

19-асрнинг 2-ярмида Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин 1893 йилда Россия Ҳарбий академиясининг проф., инженер — полковник В.М.Иванов Тошкент вилоятида шакар 3-ди қуриш мақсадида «Туркистон кишлок хўжалигисаноат ширкати»ни тузди ва Эски Қовунчи кишлоғи (ҳоз. Янгийўл шаҳри) атрофидан 200 га ер олиб, мевали дарахтлар, пахта ва сабзавотлар экиб, ҳосилдан олинган даромадга шакар 3-ди қуришни режалаштирди. Қанд лавлаги етиштиришни маҳаллий аҳолига ўргатиш учун Украинадан 100 га яқин лавлагикорлар, Фарғона водийсидан 50 га яқин сувчилар жалб этилди. 1903 йил германиялик мутахассислар ёрдамида Туркистон ўлкасида ягона бўлган бу шакар 3-дида илк маротаба оқ шакар олишга эришилди. 2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга Украинадан 3 та шакар 3-ди кўчириб келтирилди ва Самарқанд (Каттақўрғон, Зирабулок), Фарғона вилоятларига (Қўқон) ўрнатилди. Бу 4 зд (Янгийўл 3-ди

билан) ҳар йили 200 минг т га яқин шакар ишлаб чиқариб, собик Иттифок аҳолиси ва ҳаракатдаги армия қисмларини шакар билан таъминлаб турди. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги туфайли шакар ишлаб чиқариш пасайиб, 1954—55 йилларда 4 марта камайди (50 минг т), Марказ қарори билан Ўзбекистондаги шакар здларининг барчаси Украинага кўчириб олиб кетилди.

Ўзбекистон Республикасида шакар муаммосини қисман ҳал этиш учун 1993 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шакарни республиканинг ўзида етиштирилган хом ашё — қанд лавлагидан олиш мақсадида Туркия мутахассислари билан ҳамкорликда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп шаҳрида Хоразм шакар 3-дини қуриш ишлари бошланди. Корхона 1995 йилда ишга туширилди. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда қанд лавлаги етиштириш йўлга қўйилди (лойиха қуввати 1 суткада 3 минг т қанд лавлагини қайта ишлаб, 300 тонна шакар ишлаб чиқаришга мўлжалланган).

Чет элларда Қ.ш.с.да шакарқамишдан шакар ишлаб чиқариш АҚШ, Куба, Ҳиндистон, Бразилияда, қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқариш Украина, Россия, Франция, Германияда, Болтиқбўйи мамлакатларида ривожланган, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам бу тармоқ корхоналари ишлайди.

Ад.: Маркович П.Я., Возникновение свеклосахарного промшленности в Туркестанском крае. Условия сахарного свекловодство в Ташкентском оазисе. Санкт-Петербург, 1906; Бияшов Г.З., Культурасахарной свеклм в Казахстане. АлмаАта, 1949.

Тоҳир Абдуллаев, Василя Абдуллаева.

ҚАНЖИР — кўнғирлар туркумига мансуб қуш. Осиё ва Европанинг ўрта ва жан. ўлкаларида, Африка, Австралия ва унинг атрофларидаги оролларда тарқалган. Ўзбекистонда Қ. дарё, кўл ва бошқалар сув хавзаларида яшайди. Сувўтлардан сувда қалқиб турувчи уя

ясайди. 4—5 га тухум қўяди. Турли хил сув хайвонлари билан озикланади.

ҚАНЛИКЎЛ — Қорақалпоғистон Республикаси *Қанликўл тумани* шаҳарча (1982 йилдан), туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Олтинкўл (1 км). Қдан Нукусгача 90 км. Аҳолиси 10,6 минг киши (2005). Шаҳарчада пахта тозалаш, ғишт здлари, автокорхона, қурилиш корхоналари, МТП, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 1 қўшма, шунингдек, кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, 2 ширкат корхонаси ишлаб турибди. Умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, саноаттранспорти касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, стадион, туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва бошқалар тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Қдан Нукус, Қўнғирот, Кегейли, Шуманай шаҳрларига автобуслар ва маршрутли таксилар катнайди.

ҚАНЛИКЎЛ ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмидаги туман. 1970 йил 7 дек.да Қўнғирот ва Шуманай туманларининг қисмларидан ташкил қилинган. Шим.ғарбдан Қўнғирот, шарқдан Кегейли, жан.шарқдан Нукус, жан.дан Шуманай туманлари билан чегарадош. Майд. 0,74-мингкм². Аҳолиси 41,2 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қанликўл), 4 овул фуқаролари йиғини (Бескўпир, Косжоп, Наврўз, Қанликўл) бор. Маркази — *Қанликўл* шаҳарчаси.

Табиати. Туман худуди серунум Қуйи Амударё текислигида, Амударёнинг чап соҳилида. Рельефи, асосан, пасттекислик. Амударёнинг қуриб қолган қадимий тармоқлари (Улдарё, Киндикўзак, Бегжап) ўрни сақланган. қадимий кўлларнинг ўрни — турли катталиқдаги ботиклар бор. Кўчма қумлар ҳам мавжуд (Арзимбетқум массиви). Амударё қадимий тармоқларининг қирғоқлари бўйлаб ер тагида турли катталиқдаги

бўшлиқлар — унгулар учрайди. Улдарёнинг иккала қирғоғидаги баъзи унгуларнинг диаметри 5 м, чуқ. 3 м га етади. Туман худудидаги тўқай ва ўтлоқлар экин майдонига айлантирилган. Канал ва ариқлар ўтказилган. Қурилиш материалларидан гил ва кум бор. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси — 7,1°, июлники 25,8. Энг юқори т-ра 44°, энг паст т-ра — 30°. Вегетация даври 186 кун. Йилига 108 мм ёғин тушади. Асосан, баҳор ва қишда ёғади. Дарё бўйида пичанзор ва ўтлоқлар бор. Кичик кўллар мавжуд. Экин майдонлари Бегжап, М.Нурмухамедов номидаги, Шериўши, Қанликўл, Бозорбой ва бошқалар каналлар орқали суғорилади. Республика аҳамиятидаги магистрал каналлардан Суэнли, Киндикўзек, Қиятжарған, Ажинияз каналлари туман худудидан ўтган. Тупроқлари ўтлоқтақир, ўтлоқиботқоқ ва тақир тупроқлар. Тупроқни шўрланишдан сақлаш учун Олтинкўл коллектори, 58,8 км узунликдаги ички зовурлар ўтказилган. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, чий, якан, бугдойик, ажриқ, бўян, янтоқ, юлғун, туранғил, жийда, тол ва бошқалар ўсади. Хайвонот дунёси хилмаҳил; ёввойи хайвонлардан: қобон, чиябўри, қуён, ондатра; қушлардан қирғовул, ўрдақ, қўтон, чағалай; балиқлардан сазан, бакрабалиқ, лаққа, чўртан ва бошқалар бор.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, қорейс, татар, рус ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 55,6 киши. Шаҳар аҳолиси 10,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 30,6 минг киши (2005).

Хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик ва шоличилик. Чорвачилик ривожланган. Пилла, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Туманда кичик ва хусусий корхоналар, жумладан, саноат, қурилиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан йириклари: пахта тозалаш, ғишт здлари, автокорхона, 6 қурилиш корхонаси, МТП, шунингдек, савдо, маданий ва маиший

хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 1 кўшма корхона фаолият кўрсатади.

Жами экин майд. 20,2 минг га, шу жумладан, 5,4 минг га ерга пахта, 3 минг га ерга шоли, 500 га ерга полиз, 100 га ерга сабзавот, 8,1 минг га ерга озук экинлари экилади. Урмон хўжалиги (4,7 минг га) мавжуд. Лалмикор ерлар 32 минг га, бўз ерлар 141 га, кўп йиллик дарахтзорлар 141 га (шу жумладан, боғлар 127 га), токзорлар 13 га, тутзорлар 1 га, яйловлар 13,2 минг га ерни эгаллайди. 11 ширкат, 420 фермер хўжалиги, 7 фермер хўжаликлар уюشمаси фаолият кўрсатади. Фермер хўжаликларидан 361 таси ғаллачилик ва пахтачилик, 12таси чорвачилик билан шуғулланади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларидан 14,9 минг қорамол (шу жумладан, 6,3 минг сигир), 15,2 минг қўй ва эчки, 11,9 минг парранда, 845 йилки бокилади. 24 умумий таълим (9,2 минг ўқувчи), болалар мусиқа, спорт мактаблари, 3 касб-хунар коллежи (1,2 минг ўқувчи), 14 кутубхона (112,9 минг асар), маданият уйи, 2 кишлок маданият уйи, 3 клуб муассасаси бор. Стадион, теннис, футбол майдончалари ва бошқалар спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, кишлок касалхонаси, поликлиника, 4 кишлок врачлик амбулаторияси, 4 кишлок врачлик пункти, 11 фельдшеракusherлик пункти. стоматология поликлиникаси, 5 дорихона ва бошқалар тиббий муассасаларда 59 врач (ҳар 10 минг аҳолига 14,3 врач) ва 502 ўрта тиббий ходим ишлайди. Қ.т. худудидан республика аҳамиятидаги Тошкент — Нукус т.й. ўтган. 110 км дан зиёд автомобиль йўллари бор. Туман маркази (Қанликўл)дан Нукус, Қўнғирот, Кегейли, Шуманай шаҳрларига автобуслар ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚАНОР — катта қоп. Бўз ёки каноп (қопбоп) матодан тайёрланган, асосан, пахта ва сомон ташишда ишлатилган. 50-й.лар охирига қадар Ўзбекистонда хўжаликлар пахтани тайёрлов пункт-

ларига Қ.ларда ташиб топширган. Қ.га 80—100 кг пахтани тиқиб жойлаш мумкин бўлган. Пахтани тиркама аравача (прицеп)ларда ташишга ўтилиши билан Қ. ишлатилмайдиган бўлди.

ҚАНОС (кўкрак) — меъморий қисм; *пештоқ* равогининг тепасидаги туморсимон жуфт шакл. Қ. юқоридан горизонтал, ёнларидан вертикал ва пастдан равоқнинг эгри (линг) чизиклари билан чегараланади. Равоқ лингасини чиқаришда ғиштар радиал йўналишда, Қ. қисмида горизонтал қўйиб терилади. Қ. бино тарзларига диққатни тортиш, меъморий мужассамотга урғу беришга хизмат қилади.

9— 12-асрларда Қ.нинг тепа бурчаклари аксари бўртиқ доира шакл билан, равоқнинг уч (чўкки)ларини ўзига хос тугун билан ажратиш усули қарор топган (*Работи Малик* карвонсаройи, Ўзган макбараларининг пештоқларида), динамик квадратлар (катта квадрат ичига 45° да буриб киргизилган кичик квадратлар) ва равоқнинг чўккиларида учбурчаклар (*Исмоил Сомоний мақбарасида*) қўлланган. Қ. сирти унинг шаклига мос наботий (мас, Кўҳна Урганчдаги *Фахридин Розий мақбараси*) ва сиркор (*Тиллакори мадраса* бош пештоғида) нақшлар билан тўлдирилади; сиркор, наботий нақшларда ҳам банд (гул банд) лари 9—12-асрлардаги доираларни эслатувчи (гажаксимон) тарзда бажарилган. Баъзан Қ.ларда оху, шер, куёш (*Шердор мадраса* бош пештоғида), қушсемурғ (Бухородаги *Нодир Девонбеги мадрасаси* Қ.да) тасвирлари ҳам қўлланган.

ҚАНОТ — 1) қўшин сафи, жанговар тартиб (ясол) ёки оператив тизилишнинг ўнг ёки чап қисмини ифодаловчи атама. Ўрта асрларда қорахонийлар қўшинининг ўнг Қ.и — ўнг, чап Қ.и — сўл, чингизийлар лашкарининг ўнг Қ.и — баранғар, чап Қ.и — жуванғар, темурийлар қўшинининг ўнг Қ.и — баранғар, ўнг қўл — маймана, чап Қ.и — жуванғар

ва сўл қўл — майсара атамалари билан англашилган; 2) ўрта асрларда кўчманчи мўғуллар ва Чингизийлар даврида салтанатнинг 2 — ўнг ва чап қисми. 13-асрнинг 40-й.ларида Жўжи улуси икки Қга бўлинган. Ўнг Қ. Боту ва Шайбон (Дунайдан Ирғиш ва Чулутгача)га тегишли ерлардан, чап Қ. эса Жўжининг тўнғич фарзанди Ўрдага тааллуқли худудлар (ҳоз. Қозоғистоннинг жан.шарқи)дан иборат бўлган; 3) АҚШ ҳарбийҳаво кучларида етакчи ташкилий ва тактик ҳарбий қисм. Вазифаси ва қуролланишига мувофиқ, Қ. оғир бомбардимончи, ўрта бомбардимончи, ҳаво космик (ракета), айғоқчи (разведкачи) ва ёқилғи билан таъминловчи (заправкачи) турларга тақсимланади. Қ. штабқароргоҳ, 2—5 эскадрилья, аэродром хизмати гуруҳи ва моддийтехника таъминоти бўлинмаларидан ташкил топган. 2—3 Қ. авиадивизияни таркиб топтиради.

ҚАНОТ (авиацияда) — учиш аппарати (самолёт, планёр, қанотли ракета ва бошқалар)нинг ҳаво ёрдамида *қўтариш кучи* ҳосил қиладиган қисми. Уч проекцияси бўйича: план бўйича (тўғри тўртбурчак, учбурчак, трапециясимон ва бошқалар), ён томонидан (кавариқботик, қўш кавариқносимметрик, қўш кавариқсимметрик, 8симон, линзасимон, ромб шакли, понасимон ва бошқалар) ва олдиндан (V, \U, Мсимон, қайрилма учли, эгри чизиқли ва бошқалар) кўриниши бўйича фарқланади. Қ. «ўзининг» вазифасидан ташқари қўшимча вазифаларни ҳам бажаради. Мас, самолёт Қ.и ичига ёнилғи баки, шасси гилдриаклари, қўзғалувчан аэродинамик сиртларни очибёпиш симлари, салонни иситиш ва совитиш тизимлари, баъзан эса двигателлар ва қуроляроғлар жойлаштирилади. Учиш аппаратининг парвози ва кўниши пайтида Қ. исталган йўналишдаги ҳаво ва инерция кучларини қабул қиладиган ичи бўш балка сифатида ишлайди.

Товушдан секин учадиган аппаратларнинг Қ.и дюралюминий, мустаҳкам

пўлат, магнит ва бериллийли қотишмалар, арматураланган пластик материаллар ва бошқалардан, енгил самолётлар ва планёрларнинг Қ.и, асосан, ёғоч, фанера ва мато (полотно) дан ясалади. Товушдан тез учадиган самолётлар ва космик аппаратларнинг Қ.и ванадий, тантал, вольфрам қотишмалари ва бошқалар қийин эрийдиган иссиқбардош материаллардан тайёрланади.

ҚАНОТ, биологияда — ҳайвонларнинг учиш органи. Қ. кўпчилик ҳашаротлар, қушлар ва айрим сут эмизувчилар учун хос. Баъзи қазилма судралиб юрувчилар (мас, учар калтакесаклар)да ҳам Қ. бўлган. Қ. ҳар хил йўл билан келиб чикқан. Ҳашаротлар Қ.и ўрта ва орқа кўкрак қоплоғичи бурмаларидан ҳосил бўлган пластинкасимон ўсимталардан иборат. Найсимон томирлар Қ. учун таякч бўлади. Томирлар орқали гемолимфа оқади; трахея ва нервлар ўтади. Одатда, ҳашаротлар қаноти 2 жуфғ; 2 қанотлилар орқа Қ.и қисқариб, визилдоққа айланади; елпиғичқанотлилар олдинги жуфт Қ.и йўқолиб кетган; қаттиққанотлилар олдинги Қ.и қаттиклашиб, устқанотни ҳосил қилган. Қ.нинг кўндаланг ва бўйлама томирлари кўп бўлса — тўрсимон (*тўрқанотлилар*, *ниначилар*), кам бўлса — (айниқса, кўндаланг томирлар) пардасимон (*пардақанотлилар*) Қ. дейилади. Қ.ни жуда кучли мускуллар ҳаракатга келтиради. Айрим ҳашаротлар 1 сек. да 1000 мартагача Қ. қоқади. Умуртқали ҳайвонлар Қ.и шаклан ўзгарган олдинги оёқлардан иборат. Қушлар Қ.и асосини елка, билак, тирсак ва кучли ўзгарган 3 та бармоқли панжа суякларни ташкил этади. Қ.нинг қўтариш юзасини бир-бири устига черепица сингари тахланадиган патлар ҳосил қилади. Қ.нинг шакли қушларнинг учиш хусусиятига боғлиқ. Гумбазсимон кўринишга эга бўлган, учганда шакли ва юзаси ўзгариб турадиган қанотлар аэродинамик жиҳатдан қулай. Қушлар учганида Қ.нинг асосий ва панжа қисмлари ҳал хил тезликда ва

текисликда ҳаракатланади; қоқиш патлари ҳам ўз ҳолатини ўзгартиради. Бошқа умурткалилар Қ.и тери пардадан ҳосил бўлган. Учар калтакесакларнинг жуда узайган 4бармоклари Қ учун таянч вазифасини бажарган. Қўлқанотлилар Қ.и узайган 2—5 бармоқлари билан танаси ва орқа оёқлари орасига тортилган тери пардадан иборат. Барча учадиган умурткалилар Қ.ининг ҳаракатланиши кучли ривожланган кўкрак мускуллари билан боғлиқ.

ҚАНОТЛИЛАР — ҳашаротлар кенжа синфи (бошқа системага кўра гуруҳи). Вояга етган даврида қанотларининг бўлиши билан бирламчи қанотсиз ҳашаротлардан фарқ қилади. Айрим турларининг қанотлари иккиламчи тарзда йўқолиб кетган (икки қанотлилар). Вояга етган даврида тулламайди (кунликлар бундан мустасно). Қанотларининг ҳолатига биноан қадимий қанотлилар (ниначилар, кунликлар) ва янги қанотлилар (тўғри қанотлилар, бешиктерватарлар, ярим қаттиққанотлилар, тенгқанотлилар, тангачақанотлилар, қаттиққанотлилар, пардақанотлилар, тўрқанотлилар ва' б.) га бўлинади. 30 га яқин туркуми бор. Айниқса, нам тропик ўрмонларда кенг тарқалган (яна қ. *Ҳашаропъгар*).

ҚАНОТОЁҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАР — орқажабралли моллюскалар туркуми номи. Сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Оёғи қисқариб кетган; фақат унинг икки ёнидаги параподийлари қонотга ўхшаш кенгайган бўлиб, сузиш вазифасини бажаради (номи шундан). Чиғаноғи спираль шаклда ёки икки томонлама симметрияли, баъзиларида йўқ. Танаси хира ёки ёрқин тусда. Гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). 100 га яқин тури бор. Кенг тарқалган, айниқса, тропик денгизларда кўп учрайди. Айрим турлари тухумларини махсус тухум халтасида олиб юради; тухумлари фақат урғочиси ҳалок бўлгач, сувга чиқади. Баъзи турларида тухумлар сувда қалқиб турадиган

шилимишқ капсула ичида бўлади. Планктон личинка ҳосил қилиб кўпаяди. Сув қаърида яшайди, планктон билан озикланади. Сутка давомида вертикал миграция қилади. Айрим кўп учрайдиган турлари овланадиган балиқлар ва мўйловли китлар учун озик бўлади.

ҚАНОТСИЗЛАР — қ. *Кивисимонлар*.

ҚАНОТСИМОН ЖАБРАЛИЛАР, патжабраллилар — иккиламчи оғизлиларга мансуб чалахордали ҳайвонлар синфи. Денгизларда, одатда, ўтроқ, кўпинча колония бўлиб яшайди. Ички органларининг тузилиши ва ривожланиши босқичлари билан ичакдан нафас олувчиларга ўхшайди. Танаси калта (бир неча см гача), ўзи ҳосил қиладиган уйча (ёки найча) ичида жойлашган; уйча сиртига чиқиб, силжиб ҳаракатланиши ҳам мумкин. Гавдаси хартумча, ёқа ва танадан иборат. Ёқасида киприклар билан қопланган, қанотсимон 1—6 жуфт пайпаслагичлари бор (номи шундан). Қорин қисмида оғзи жойлашган. Кенгайган безли бош қалқони сирпаниб ҳаракатланиш ва уйча қуриши учун керак бўладиган модда ишлаб чиқариш вазифасини бажаради. Патсимон пайпаслагичлари ёрдамида нафас олади ва сувдан озикзаррачаларинийиғади. Ўтроққаётга мосланиш натижасида ичаги ҳалқасимон буралган; орқа чиқарув тешиги танасининг орқа томонига ўтган; қорин томонида поячаси ҳайвонни уйчага ёпиштириб туради. Айрим Қ.ж.да жабра ёриқлари бўлмайди. Жинсиз куртақлиб ва жинсий кўпаяди. Колонияси куртақланиш орқали ҳосил бўлади. Уч уруғга мансуб 22 тури маълум.

ҚАНҚА, Харашкат, Канка, Қанқатепа — мил. ав. 3-аср—мил. 12-аср бошига оид қадимий шаҳар харобаси. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида, Оҳангарон дарёсининг қадимий ўзани чап соҳилида. *Шоҳруҳия* археологик

ёдгорлигидан тахм. 8 км шим.шарқда қадимий қарвон йўли устида жойлашган. қадимий Хитой ёзма манбаларида Битан (Битян), ўрта асрларда Харашкат номлари билан юритилган. *Қанг давлатининг* пойтахти бўлган. Ўрта асрларда (9—11-асрлар) Харашкат шаҳри Чоч вилоятида *Бинкат* (Тошкент)дан кейин 2шаҳар ҳисобланган. Дастлаб, Туркистон археология хаваскорлари тўғараги аъзоси Е.Т.Смирнов (1898), кейинчалик *М.Е.Массон* (1934 йил), сўнгра Моддиймаданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти (Қ.Абдуллаев; 1969—72), 1974 йилдан Ўзбекистон ФА Археология институти томонидан текшириш ишлари олиб борилмоқда. Қ. тўғри тўртбурчак шаклида, умумий майд. 200 га бўлиб, бир неча қатор мудофаа девори ва хандақлар билан ўралган, арк 3 шахристон ва рабоддан иборат бўлган. Шахристон I нинг майд. 6,5 га, шим. қисмида арк (бал. 40 м) жойлашган. Унинг атрофи хандақ билан ўралган. Арк ва Шахристон I ни 3 томондан майд. 50 га дан ортиқроқ Шахристон II ўраб олган. Шахристонларга ташқаридан рабод (майд. 60 га) ёндошган. Мил. ав. I — мил. I-асрларда шаҳар равақ топган. Шахристонлар ва рабодда кўчакўйлар, майдонлар, ҳовуз ва оқар сув тармоқлари ҳамда пахса ва йирик хом ғиштлардан бино қилинган турар жой қолдиқлари сақланиб қолган. Қ.дан мил. I—2-асрларда зарб этилган қумуш ва мис тангалар (жумладан, 4—11-асрларга оид тангалар ҳазинаси), олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган тақинчоқлар, сопол ҳайкалчалар, остодон (оссуарий), сирланган ва сирсиз сопол идишлар, тош, суяк ва металлдан ишланган қурол ва асбоблар ҳамда деворий расм қолдиқлари топилган. Турли хилдаги бундай ашёвий топилмалар шубҳасиз, Қ.да оҳангарлик, кулолчилик, тикувчилик, суяк ўймакорлиги ривож топганидан далолат беради. 12-асрда Оҳангарон дарёси ўзанининг ўзгариши туфайли Қ. сувсиз қолиб, харобага айланган.

Ад.: Массон М.Е., Ахенгеран: Археоло-

логотопографический очерк, Т., 1953; Абдуллаев К.А., Изистории городища Канка (1969—1972), История материальной культуры Узбекистана, Выш. 12, Т., 1975; Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М., Тошкент областининг археологик ёдгорликлари, Т., 1975.

ҚАНГ ДАВЛАТИ, Қанхха (қад. хитой манбаларида Кангкия, замонавий ўқилишда Кангжюй, рус адабиётида Кангюй) — қадимда Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган давлат (мил. ав. 3 — мил. 5-аср ўрталари). Айрим адабиётларда ушбу давлат аҳолиси ҳам унинг номлари билан аталади.

*К.Шонйёзов*тг фикрича, Қ.д. шарқда Фарғона (Даван, Дайюан), шим. шарқда Усун (Уйсун) давлатлари, шим. ғарбда Сарису, ғарбда Сирдарёнинг куйи окими билан чегарадош бўлган. Хитой манбаларига кўра, Қ.д.нинг жан. худудига ҳоз. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўрғон ва Урганч туманлари қирган бўлиб, унинг чегараси Амударёга бориб тақалади. Жанубий да — Дайрузие (Даюэжи) давлати жойлашган. *Кушон подшолиги* ташкил топиши ва унинг худуди кенгайиши муносабати билан Қ.д.нинг жан. чегараси ўзгарган. Шу туфайли мил. ав. 2-асрда Хитой элчиси *Чжан Цянь* фарғоналиклар ёрдамида Қ.д. орқали Дайрузие (Даюэжи) давлатига борган. Қ.д.нинг қишки пойтахт шаҳарлари Битян ва Сушие бўлган. Битян *Бинкат шаҳри* (бошқа манбаларга кўра, *Қанқа*) ўрнида, Сушие эса ҳоз. Паркент туманидаги Сўқоқ (Сукееке) номли жойга тўғри келади. Қ.д.нинг ёзги қароргоҳлари Иссиқкўл бўйлаб, ҳоз. Қорақўл (Пржевальск) ёнида бўлган. Қ.д.нинг қўшини 80—90 минг жангчини ташкил этган. Қ.д. аҳолисининг урф-одатлари Рузие (Юэцзи) давлати аҳолиси урф-одатидан фарқ қилмаган. Ўз навбатида, рузиеликлар урф-одатлари *хунларниқига* ўхшаш бўлган. Қ.д. ҳукмдори ва Хун хоқонлиги тангрикути ўртасида қудачилик муносабатлари ўрнатилган. Шу туфайли хитой-

лар хунлар устидан ғолиб чиқиб, уларни ўз жойларидан сиқиб чиқарганида, хун хоқони ўз авлоди билан Қ.д.га кўчиб келган. Қ.д.нинг кўчманчи аҳолиси чорвачилик, шаҳарлар ва уларнинг атрофида яшаган ўтрок аҳоли эса деҳқончилик, хунармандчилик ва савдосотиқбилан шуғулланган. Улар *Буюк така йўлитги* халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларда муҳим ўрин тутганлар. Қ.д. худудида жиддий миграцион жараёнлар содир бўлиб турган. Мил. 5-асрнинг 2-ярмида Қ.д. парчаланиб, унинг худудида Шош (Ши), Самарқанд (Қан), Маймуғ (Ми), Шахрисабз (Ши), Каттақўрғон (Хэ), Усрусона (Цао) каби кичик давлатлар ташкил топган.

Абдулахад Хўжаев.

ҚАНГ МАДАНИЯТИ — *Қанг давлати* худудида яшаган халқларнинг археологик маданияти (қ. *Қовунчи маданияти*).

ҚАНГЛИ, кангли, кангқали — туркий халқлар таркибидаги бир гуруҳ қабилаларнинг умумий номи. Қ.лар ўзбекларнинг 92 уруғи таркибида ҳам учрайди. *Чингизхон* истилосига қадар Қ.лар Урал тоғидан ғарбда, Эмба ва Урал дарёлари оралиғида жойлашган худудда яшаганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотиги турк» асари ва 10-асргача ёзилган Хитой манбаларида, жумладан, мил. 2—9-асрларда мавжуд бўлган туркий қабилалар орасида Қ. атамаси учрамайди. Бу атамани илк бор Юань сулоласи тарихи («Юань ши»)да учратиш мумкин (13-аср). Унда Қ. *Хань* давридаги (мил. ав. 2-аср — мил. 2-асрлар) гавчэллар деб қайд , этилган. Вэй сулоласи тарихида («Вэй шу») мил. 3—5-асрларда «гавчэ» («баланд арава» маъносида) лар 2 қисмга бўлингани айтилган. Улардан бири ди (қад. ўқилишда диек, яъни турк), бяохэ (уйғур), холю (хогурсу), хопи (хипни, чибни), хугу (қирғиз), биқицзинь (илтекин) каби 6 қабиладан, 2си чифули (чипли), тулу («тур»), ичжань (илжон, илхон),

далян (тарлон), кухэ (куға), дабогань (тарбакан, давган), алунь (ойрун), моен (муен, баён), сифэн (иркин), фуфуло (бўркли), чиюнь (қиюнь, киен) ва юшупи (юсиб, юшиб) каби 12 қабиладан иборат бўлган. Баъзан гаочэллар шарқий турклар ёки уйғур деб ҳам аталган.

Айрим олимлар қанғарлар Қанг (Қангкия) давлати худудида яшаган халқ, 10—12-асрларда Марказий Осиёда пайдо бўлган Қ.лар ана шу ўтмишдаги қангкиларнинг авлодидир деб ҳисоблайдилар. Аммо Хитой манбаларида Қанг давлати аҳолиси Қ. ёки қанғар деб аталгани ҳақида маълумот учрамайди. Манбаларга кўра, *Уйғур хоқонлиги* емирилгач, гаочэ (уйғур) ларнинг қатта бир қисми Мўғулистон ва Шарқий Туркистон худудидан ҳоз. Марказий Осиё давлатлари ва уларнинг ғарбидаги ерларга кўчиб келган.

11-асрда Қ.ларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария ва Венгрия ерларига ўтиб, маҳаллий аҳолига, айрим гуруҳлари Волга бўйларида қолиб бошқирд, татар халқларига кўшилиб кетган. Қ.нинг бошқа бир қисми эса Талас ва Чу дарёлари водийсига ҳамда Балхаш кўлининг жан.ғарбий соҳилларига ўрнашганлар. 11—12-асрларда Қ.нинг қатта гуруҳи Сирдарё бўйларига қайтиб келган. Хоразмшоҳлар давлати ҳарбий кўшинида Қ.лар қатта нуфузга эга бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг ички сиёсатида фаол иштирок этишган. Қ. яримўтроқҳолда яшаб деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Улар бир неча уруғларга бўлинган: сариҚ, қораҚ, қизилҚ, бобоҚ, олтмишҚ, бўқаҚ ва бошқалар 19-аср охири — 20-аср бошларида Қ.дан 23 минг киши Ўзбекистон худудида (ҳоз. Жиззах ва Зоминда 7,7 минг киши, Жомбой ва Иштихонда 1,2 минг киши, Ғаллаорудда 2 минг киши, Хатирчида 0,6 минг киши, Фарғона водийсида 6 минг киши, Тошкент воҳасида 3 минг киши, Қорақалпоғистон ва Хоразмда 2,8 минг киши) яшаган. Қ. Ўрта Осиё халқлари таркибига сингиб кетган.

Ад.: Шониёзов К., Қанг давлати ва қанғлилар, Т., 1990.

Абдулахад Хўжаев.

ҚАПАҒОН ХОҚОН (? 716) Турк хоқонлиги ҳукмдори (691—716). Унинг исми Ўрхун битиктошларида Қапаған, Хитой йилномаларида эса Мочжо шаклида учрайди. У Иккинчи Турк хоқонлигининг асосчиси бўлмиш акаси *Элтариш* хоқон вафот этгач, 691 йилда хоқонлик тахтига ўтирган. Қ.х. даврида хоқонлик яна Марказий Осиёнинг энг йирик давлатига айланган. Қ.х. дастлабки фаолиятини Табғач (Хитой)га хужум уюштириш билан бошлаган. У 693—706 йиллар оралиғида Элтариш хоқоннинг ўғиллари — *Билга хоқон* ва *Қултегин билан* биргаликда Хитойдаги Хуанхэ дарёси хавзалари ҳамда Шаньдун (Хитойнинг шим.шарқи) ўлкасига юриш қилиб, 23 та шаҳарни қўлга киритганлиги қадимий туркий битиктошларда қайдэтилган. 699 йилда бир қисм хоқонлик қўшинлари жан.ғарбга, Темир қапигҗага етиб келган, 710 йилда эса Бухоро, Суғд, Тохаристон ўлкаларига истилочилик юришлари уюштираётган араблар билан тўқнаш келган. Қ.х. 700 йилда Билга хоқон раҳбарлигида Тангут ўлкасига (Шим.Ғарбий Хитой — Тибетнинг шим.) қўшин юборади ва бўйсундиради. 701 йилда хоқонлик қўшинлари Хитойнинг шим.ғарбидаги Олти Чуб Суғдақ ўлкасига юриш қилади ва Ўнгутук раҳбарлигидаги 50 минг кишилик Хитой қўшинини мағлуб этади. Қ.х. даврида йирик туркий қабилалардан 699 йилда тургашлар, 703 йилда басмиллар, 705—706 йилларда байирқулар, 709 йилда чик ва азлар, 710 йилда кирғизлар ва тургашларга қарши қўшин тортилиб улар қайтадан Турк хоқонлиги таркибига қўшиб олинади. Қ.х. ҳукмронлиги да, вомида хоқонлик ва Марказий Осиёда катта нуфузга эга бўлган бир қанча йирик қабилалар орасида тўқнашувлар юз берган. Битиктошларда 711-да тургаш, 711—714 йилларда қарлук, 714 йилда аз, 715 йилда изгил, 715—716 йилларда ўғуз

ва тўққиз татар сингари қабилалар билан жанг олиб борилгани ҳикоя қилинади.

Хитой йилномаларида қайд этилишича, 716 йилда Қ.х. Тўғла (Тола) дарёси бўйида байирқу уруғи устидан ғалаба қозониб, пойтахт Ўтуқанга қайтаётганда йўлда етарли хавфсизлик чораси кўрилмагани боис пистирмага дуч келади ва мазкур қабиллага мансуб жангчи томонидан ўлдирилган.

Ад.: Гумилев Л.Н., Древние тюрки, М., 1967; Насимхон Раҳмон, Турк хоқонлиги, Т., 1993.

Ғайбулла Бобоёров.

ҚАПЧИҒАЙ УСТАХОНАСИ — *палеолит* даврига оид (чақмоқтошга ишлов берувчи) устахона. Фарғонадан 40 км жан.да Олой тизмасининг шим. қиялигидаги Дангарак дара сойида жойлашган. 1956 йилда очилган. 1958—59 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология интининг А.П. *Окладников* раҳбарлигидаги отряди текширган. Қ.у. дан тош қуроғлар, нуклеуслар топилган. Қуроғлар баланд тоғ чўққиси қатламларидаги юқори сифатли ҳар хил чақмоқтошлардан ясалган. Қуроғлар яшаш ва тошга ишлов бериш учун чақмоқтошнинг йирик синикларидан чўкич сифатида фойдаланилган.

ҚАРАИМ ТИЛИ — туркий тилларнинг кипчоқ гуруҳига мансуб тил. Литванинг Вильнюс шаҳри атрофида, асосан, Тракай ва Паневежис шаҳрларида, Украина жан.идаги Луцк ва Галич шаҳрлари атрофида, Қримда, қисман Польша, Россия Федерацияси ва бошқалар ҳудудларда тарқалган.

Қ.т. адабий тил сифатида шаклланмаган, ҳоз. оғзаки сўзлашув тили эса қараимларнинг асосий яшаш жойларига мос тарзда номланган уч лаҳжага: тракай (шим.), галич (жан.) ва қрим лаҳжаларига эга. Улар ўзаро фонетик ва лексик жиҳатдан фарқланади: тракай ва қрим лаҳжаларида 8 та, галич лаҳжасида эса 6 та унли фонема бор; қрим ва тра-

кай лаҳжаларида сўз бошида ва охирида «ч» қўлланса, галич лаҳжасида айни ўринларда «ц» ишлатилади (чач — цац «соч»); крим ва тракай лаҳжаларида сўз охиридаги «ш» галич лаҳжасида «с» талаффуз этилади (баш — бас «бош»). Қрим лаҳжаси кримтатар тилига яқин бўлса, тракай ва галич лаҳжалари синтаксисига славян тиллари кучли таъсир кўрсатган. Лексикасида кўплаб туркий сўзлар билан бир қаторда рус, поляк, украин, белорус, литва, грек ва итальян тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам учрайди. Қараимлар қадимий яҳудий, лотин ва рус алифболаридан фойдаланганлар. Литвадаги қараимлар ўз оғзаки она тиллари билан бир қаторда, литва ва рус адабий тилларидан ҳам фойдаланадилар.

Ад.: Мусаев К.М., Грамматика караимского языка, М., 1964; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюрских языков, 2 изд., М., 1969.

ҚАРАИМЛАР (ўзларини қарайлар деб аташади; яҳудийча қараим — ўқийдиган) — 1) Украина (асосан, Қримда, 1,4 минг киши), Литва (тахм. 300 киши) ва Россияда (Москва ва Санкт-Петербургда тахм. 700 киши) яшовчи халқ. Умумий сони собиқ Иттифок давлатларида 2,6 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўргалари). Польша, Франция ва Исроилда ҳам яшайдилар. Қараим тилида сўзлашади. Диндорлари қараимийликка сиғинади; 2) иудаизм (яҳудийлик)да (8-асрда) пайдо бўлган секта издошлари, асосан, Исроилда яшайди. Улар фақат Қадимий аҳдни муқаддас китоб деб эътироф этадилар.

ҚАРАМА-ҚАРШИ СОНЛАР — бир биридан фақатгина ишораси билан фарқ қилувчи сонлар. Мас, —5 ва 5; у ва А ; —2,1; ва 2,1; — ва Қ.Қс.нинг йиғиндиси 0 га тенг. Қ.к.с.нинг модуллари ўзаро тенг. Қ.к.с. координата бошидан бир хил узоқликда туради, яъни Қ.к.с. сон ўқида координата бошига нисбатан симметрик жойлашган.

ҚАРАМА-ҚАРШИ ТЕОРЕМА — бирор теореманинг шarti ҳамда ҳулосасини уларнинг инкори билан алмаштирилганда ҳосил бўладиган теорема. Мас, «агар тўртбурчакнинг қарама-қарши бурчаклари йиғиндиси 180° га тенг бўлса, унинг ташқарисига айлана чизиш мумкин» деган теоремага «агар тўртбурчакнинг қарама-қарши бурчаклари йиғиндиси 180 га тенг бўлмаса, унинг ташқарисига айлана чизиш мумкин эмас» деган теорема Қ.к. т. бўлади. Қ.к.т. тўғри бўлиши шарт эмас Агар берилган теорема ҳам, унга Қ.к. т. ҳам ўринли бўлса, улар бирга зарурий ва етарли шартни ташкил қилади.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА КУРАШИ ҚОНУНИ — *диалектика* тг қонунларидан бири. Уни *Гегель* ишлаб чикқан. Бу қонунга кўра, *зиддият*, қарама-қарши томонлар, кучлар ўртасидаги кураш ҳаракат ва ривожланишнинг сабаби, манбаи ҳисобланади. Ривожланиш зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф қилиниши жараёнидан иборат, бу эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади. Қарама-қаршилик деб нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи томонлари, кучларнинг ўзаро муносабатига айтилади. Қарама-қаршиликлар бирлиги нисбий, ўткинчи, яъни у нарса ва ҳодисадаги икки қарама-қарши кучнинг маълум нисбий вақт ичида бирга мавжуд бўлиб туришини ағлаглади. Қарама-қаршиликлар кураши эса абдий, яъни ривожланишнинг манбаи сифатида доим, ҳар қандай шароитда барча жисм ва ҳодисаларга хос. Қонуннинг мохияти ва амал қилиш жараёнини ўрганишда ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни бир-биридан фарқ қилиш зарур, лекин улар ўртасида мутлақ чегара ҳам йўқ. Воқеликда улар ўзаро чирмашиб кетади, бир-бирига ўтади ва тараққиётга хилма-хил таъсир қилади. Шунинг учун зидди-

ятларнинг ҳар бирига конкрет ёндашиш, зиддият намоён бўладиган шароитни, муҳитни, вазиятни, у ўйнайдиган ролни ҳисобга олиш зарур.

Собиқ Иттифокнинг мафқураси даражасига кўтарилган марксизм таълимотида, асосан, зиддиятларга кўпроқ эътибор берилар ва мутлақлаштирилар, улар ўртасида муроса бўлиши ҳақидаги Гегель ғоялари инкор этилган эди. Мавжуд жамият тақдири ишчилар синфининг буржуазия устидан ғалабаси билан яқунланади, деб қилинган «башорат» асосиз бўлиб чиқди. Ишчилар билан иш берувчилар ўртасида муайян консенсус (келишув) вужудга келди. Одамзод азалдан зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилмаҳил интилиш ва мақсадлари бир-биридан фарқ қиладиган ғоялар уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамият қуришга интилади. Зиддиятларга бой бўлган хоз. мураккаб даврда келишмовчиликларни консенсус асосида ҳал қилиш зарурлиги ғояси муҳим методологик аҳамиятга эга.

Абдулла Аюпов.

ҚАРАМОҒДА БЎЛИШ — фуқарони асосий яшаш манбаи ҳисобланган маблағ билан таъминланиши. Қ.б. пенсия таъминотида, боқувчининг ўлими туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлдиришда, айрим нафақалар ва компенсацияларни (мас, ходим бир жойдан бошқа иш жойига ўтганда) тўлашда, ходимлар сони ёки штат қисқартирилганда ишда қолдирилишда устунлик берилишида, мерос олиш ва бошқалар айрим ҳолларда аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни (1993 йил 3 сентябр)га мувофиқ, вафот этган ходимнинг боқувида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонун бўйича қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади: а) болалар, акакалар, опасингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган

бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган ҳолда (бунда акакалар, опасингиллар ва набираларни меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса); б) ота-она, ўғай она, ўғай ота, хотин, эр — башарти улар пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар; в) ёшидан ва меҳнат қобилиятдан қатъи назар, ота-онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, акака ёки опасингил — агар у вафот этган боқувчининг болалари, акакалари, опасингиллари ёки набираларини ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса; г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса. Боқувчи билан бирга яшаш Қ.б.ни эътироф этишининг шarti ҳисобланмайди. Қонунга кўра, марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган оила аъзолари, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2005 йил 11 фев.)да боқувчининг вафоти сабабли зарарни тўлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, ходим меҳнат жароҳатига боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз, шунингдек, 16 ёшга тўлмаган шахсларга ёки марҳум вафот этган кунгача ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига, шунингдек, ота-оналаридан бирига, умр йўлдошига ёки оиласининг ишламайдиган ва вафот этганнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, ука-

лари, сингиллари ёки набиралари парварши билан банд бўлган бошқа аъзосига зарарни тўлаши шарт (яна қ. *Пенсиялар*).
Анвар Иноятов.

ҚАРАҒАЙ — қарағайдошлар оиласига мансуб игна баргли дарахтлар ва буталар туркуми. Асосан, Шим. Америка ва Евросиёнинг ўрмон зонасида, камроқ Шим. ярим шарнинг тропик ва субтропик тоғларида тарқалган. 100 га яқин тури маълум. Россияда ёввойи ҳолда 12 тури ва интродукцияланган 70 тури учрайди. Ўзбекистонда Қ. ёввойи ҳолда ўсмайди. Унинг қора Қ., *тилоғоч*, пихта ва кедр каби туркумларининг паллас ёки қрим Қ.и оддий Қ., шренк Қ.и турлари ўстирилади. Паллас ёки қрим Қ.ининг бўйи 15—20 (30) м гача. Шохшаббаси кенг, узун. Игнабарглари 8—15 см, ингичка, қалами, тўқ яшил, қаттиқ, ўткир учли. Куббаси йирик, уз. 6—10 см, эни 4—5 см, тангачалари ромбсимон, ялтироқ, кўнғирсарғиш. Қ. иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик. 150—500 (600) йилгача яшайди. уруғидан кўпайтирилади. Шаҳар кўчалари, хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Қ.нинг барча турлари ёғочи мебелсозликда, қурилишда, тахта тайёрлаш, смола ва скипидар олишда ишлатилади.

ҚАРАҒАЙДОШЛАР — очик уруғлилар типига мансуб оила. Игнабаргли дарахт ва буталардан ташкил топган. Қ.нинг уруғчи куббалари кичик қопловчи ва катта тангача барглardan иборат. Кубба етилган, ёғоч ланади. У бутунлигича ёки бўлиниб тўкилади. Кўпчилик турлари чангида иккита ҳаво пуфакчалари бор. Уруғлари қанотли, уруғ куртаклари эса тескари. Уруғчи ва чангчи куббалари доимо бир ўсимликнинг ўзида жойлашади. 2000 дан ортиқ турни ўз ичига олган 9 туркуми бор. Кўпчилик турлари Шим. ярим шарнинг ўрта минтақасида тайга ўрмонларини ҳосил қилади. Ўзбекистонда қарағай, қора қарағай, тилоғоч, пихта ва кедр каби тур-

кумларнинг бир неча турлари учрайди. Тошкент ва бошқалар шаҳар кўчаларида айрим декоратив турлари ўсимлик сифатида ўстирилади.

ҚАРАҒАН — дуккақдошлар оиласига мансуб барг тўқувчи буталар ёки паст бўйли дарахтлар туркуми. Шарқий Европа ва Осиёда 70 тури маълум. Россиянинг Европа қисми, Ўрта Осиё, Хитой ва Саёнда 37 тури тарқалган. Чўл, дашт, дарё қирғоқлари, тоғ ён бағирлари ва сийрақ ўрмонларда ўсади. Кўпгина турлари экилади. Қадимдан экиладиган ва энг кўп тарқалган дарахтсимон Қ. ёки сарик акация (С. агЪоге\$сеп\$) тури (бута)нинг (кам ҳолларда дарахт кўринишида учрайди) бўйи 0,5—2 м. Барглари кетмакет ёки тўптўп бўлиб жойлашган, гуллари сарик, икки жинсли, тўпгулга йиғилган. Илдиз тизимида азот тўпловчи туганаклари бор. Совуқ ва қурғоқчиликка чидамли. Қ.нинг барча турлари боғларда, хиёбонларда манзарали ўсимлик ҳамда яшил деворлар ҳосил қилиш, ихота минтақалари яратиш, жар бўйларини мустаҳкамлаш учун экилади. Уруғидан кўпаяди.

ҚАРАҒАНДА — Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги шаҳар (1934 йилдан), вилоят маркази. Т.й. станцияси. Аҳолиси 424,2 минг киши (2002). Шаҳар Қарағанда кўмир хавзасининг марказида шахтёрлар шаҳарчаси сифатида вужудга келган. 1936 йилдан Қарағанда вилояти маркази. Саноатининг асосий тармоғи — кўмир қазиб олиш. Машинасозлик эдлари ишлаб турибди, коншахта жиҳозлари ва металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Енгил, озиқ-овқат саноати тармоқлари, қурилиш материаллари корхоналари, иссиқлик электр маркази фаолият кўрсатади. Қ. бир неча массивлардан иборат, булар: Эскишаҳар (19-асрнинг 2-ярми), Янгишаҳар, Мойқудуқ, Катта Михайловка, Фёдоровка ва бошқалар). Ҳозирги Қ.нинг маркази — Янгишаҳар. Қозоғистон Фанлар Академиясининг бўлими, 5 олий ўқув юрти

(шу жумладан, унт), 3 театр, тасвирий санъат ва ўлкашунослик музейлари, Ботаника боғи бор.

ҚАРАҒАНДА ВИЛОЯТИ —

Қозоғистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1932 йил 10 мартда ташкил этилган. Майд. 117,9 минг км². Аҳолиси 1350 минг киши (2002), асосан, қозоқлар, шунингдек, рус, украин, татар, белорус ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 85%. Вилоят 9 маъмурий туманга бўлинган, 6 шаҳар ва 15 шаҳарча бор. Маркази — *Қарағанда шаҳри* Вилоят республиканинг марказий қисмида, Балхаш кўлининг шим.ғарбида жойлашган. Катта қисмини Қозоғистон паст тоғлари (бал.300—1000 м) эгаллаган. Паст тоғлар жан.да Бетпақдала чўлига (бал. 300—400 м), ғарбда эса Турон текислигига кўшилиб кетган.

Иқлими кескин континентал ва жуда қуруқ. Июлнинг ўртача т-раси шим. да 20,1° ва жан. да 25,1°, янв. нинг ўртача т-раси шим. да —16,7°, жан. да —13°. Йиллик ёғин шим. да 100—280 мм. Вегетация даври 160 — 200 кун.

Йирик дарёлари — Сарисув ва Нура. Шўр кўл кўп. Ер ости чучук сувларидан кенг фойдаланилади. Вилоятнинг шим. қисми каштан тупроқли бўлиб, бошоқли ўтлар — шувоқ чўллари билан банд. Жанубий роқда шўрланган оч каштан ва кўнғир тупроқларда сийрак чала чўл ва чўл шувоқшўра ўсимликлари ўсади; кумли жойларда бошоқли ўтлардан шувоқ, шунингдек бута ўсимликлари, чўл ўсимликлари билан бирга қарағай, қайин, тоғтерак, тол ўсади. Чала чўл ва чўлларда меирувчилар ва йиртқичлар, сайғоқ, архар, жайран, елик яшайди, тувалоқ ва бошқалар қушлар учрайди. Дарё ва кўл қирғоқларида сув паррандалари, қамишзорларда қобон, ондатра яшайди. Балхаш кўлида балиқ кўп.

Қ. в. хўжалигида, асосан, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек, ғаллачилик ва яйлов чорвачилиги ривожланган. Асосий саноат

тармоқлари: кўмир ва рангли металлургия (мис, молибден рудасини қазиб олиш). Шунингдек, темир ва марганец рудаларини қазиб олиш ривожланган. Қора металлургия маҳаллий руда асосида ишлайди. Оғир машинасозлик (жумладан, кўмир саноати учун машиналар), қурилиш материаллари (цемент, ғишт, оҳақтош) ишлаб чиқариш, кимё, енгил (тикувчилик, трикотаж, пойабзал) ва озиқ-овқат (гўшт, мойсир ва сут, ун, кондитер маҳсулотлари ва бошқалар) саноат тармоқлари ривожланган. Қарағанда металлургия кти, коншахта жиҳозлари, машинасозлик, синтетик каучук, металл конструкциялари здлари, Сарань, Абай, Шахтинск, Жезказған конметаллургия ктлари, мис эритиш ва таъмирлашмеханика здлари, Балхашда тошкўмир саноати корхоналари, иссиқлик электр маркази бор. Октовда цемент 3-ди, Ақчатов, Окжал, Қайракти, Қарағайлида полиметалл рудаларини бойитиш ктлари ва конлари мавжуд. Даштнинг шим. да лалмикор ғаллачилик билан бирга қорамолчилик, чўчкачилик, паррандачилик ва майин жунли кўйчилик, чала чўл ва чўлларда яйлов чорвачилиги билан бирга суғориб дехқончилик (сабзавот, полиз) қилинади. Экин майдонларига ғалла (бахори бугдой), арпа, озуқа экинлари экилади. Жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, кўй ва эчки, йилқи, чўчка, парранда боқилади. Балхаш кўлидан балиқ овланади; чўл ва тоғларда овчилик қилинади.

Т. йил узунлиги 581 км. Каттик қопламали автомобиль йўллар уз. 2100 км. Балхаш кўлида мунтазам кема қатнайди. 5 олий ўқув юрти (шу жумладан, унт, политехника, тиббиёт, кооператив, жисмоний тарбия интлари) бор. 3 театр, тасвирий санъат ва ўлкашунослик музейлари, Ботаника боғи фаолият кўрсатади.

ҚАРАҒАНДА КЎМИР ҲАВЗАСИ

— Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги кўмир ҳавзаси. Умумий

майд. 3600 км², уз 120 км (ғарбдан шаркка томон), эни 30—60 км, шундан 2000 км² майдонда кўмир қатламлари мавжуд. Қ.к.х. Қозоғистон паст тоғларида жойлашган. Кўмир кони 1833 йилда топилган; Спасск мис эритиш 3-ди эҳтиёжлари учун 1854 йилдан кустарь усулида қазиб олинган. 1920 йилда геологик қидирув ишлари бошланиб, биринчи эксплуатацияразведка шахтаси қурилган. Ҳавзадан режа бўйича фойдаланиш 1930 йилдан бошланган. Уруш йиллари (1941—45) ва урушдан кейинги даврда геологияқидирув ишлари жадаллашди. 1954 йилда ҳавзанинг геологиксаноат баҳоси ҳисоблаб чиқилган. 1940—65 йиллар мобайнида 64,7 млн. т кўнғир кўмир қазиб олинган; очик усулда қазиб олинадиган 595 млн. т кўнғир кўмир разведка қилинган. 1968 йил ҳавзанинг асосий участкаларида қидирувразведка ишлари тугалланди. Қ.к.х. геологик жиҳатдан Қарағанда синклинорийси таркибига киради ва кембрий, ордовик, силур, девон, карбон, юра ва кайнозой тоғ жинсларидан ташкил топган. Кўмир қатламлари карбон ва юра ётқизикларида жойлашган. Кўмир қатламларининг қалинлиги ғарб йўналишида 1200 м дан Верхнесокурск синклиналида 3800 м гача бўлади. 4500 м гача бўлган қалин тошкўмир системаси (даври)га мансуб кўмирли қатлам остида оҳактош, туффит, яшил ва кўккулранг гилли сланецлардан ташкил топган қуйи визенинг теректин қатлами ётади. Карбон ётқизикларида 80 дан ортик кўмир қатлами бўлиб, 30 таси саноат аҳамиятга эга. Ҳавзадаги кўмирнинг асосий қисми тошкўмир системаси чўкиндиларидан ташкил топган. Ишчи қатламларнинг қалинлиги 0,7—2,5 м чамасида, айрим ҳолларда 7—8 м. Қатламлар мураккаб тузилишга эга. Кўмирлар очик гумусли, тошкўмир. Коксланадиган кўмирнинг 1/3 қисми осон бойитилади. Қолганлари кули кўплиги ва қийин бойитилиши сабабли энергетикада ишлатилади. Кўмирнинг қуллилиги 8—25% дан 20—45% гача, кам олтингу-

гуртли (олтингугурт микцори баъзан 1% дан ошади), фосфор микдори 0,01—0,1%. Намлиги 3—6%; ёнувчи массанинг ёниш иссиқлиги 2,935,6 МЖ/кг (170008500 ккал/кг). Метаморфизм даражасига кўра, ҳавза кўмирлари Г, Ж, КЖ, К, К₂, ОС маркарларига тааллуқли. Юра даври кўмири кўнғир кўмир бўлиб, қатламларининг қалинлиги 5,34 м. Кўнғир кўмир таркибида 13% кул, 1,5% олтингугурт, 27—56% ёнувчи модда бор; иссиқлик қуввати 6944—8500 ккал/кг. Кўмир 200—600 м чуқурликда қазиб олинади. Қарағанда кўмири Қарағанда, Орск, Магнитогорск металлургия здларида, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Урал, Ғарбий Сибирь саноатида ишлатилади. Қ.к.х.да кўмирдан ташқари юқори сифатли ер ости сувлари, оловбардош лой, қурилиш тошлари, гипс, кум, оҳактош ва мергелларнинг маълум микцордаги захиралари мавжуд. Қ.к.х. йирик саноат р-ни ҳисобланади. Қарағанда шахридан ташқари, унинг худудида саноат марказлари — Сарань, Шахтинск, Абай шахрилари жойлашган. У ерда кон машинасозлиги, металлургия, кимё, энергетика ва саноатнинг бошқа тармоқлари ривожланган.

ҚАРИЛИК, кексалик (қариш) — организм ҳаётининг ёшга боғлиқ муайян бир даври, муқаррар равишда юз берадиган жараён. Аъзо ва системаларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бериб боради, бу эса аста-секин организмнинг ҳаётга мослашув имкониятлари сусайишига олиб келади. Одамларнинг Қ. даври 75 ёшдан кейин бошланади (90 ёшдан ошган кишилар узок умр кўрувчилардир), бу физиологик Қ.дир, бунда ақлий ва жисмоний қувват, маълум иш қобилияти, хушчақчақлик ва атрофга қизиқиш сақланади. Турли нохуш ташқи ва ички таъсиротлар барвақт ёки патологик Қ.га олиб келади. Одатда, Қ.нинг дастлабки белгилари одамда етуклик давридан (шартли равишда 60 ёшдан) сўнг бошланади. Лекин аслини олганда, Қ. организмнинг ўсиши ва ривожланиши тўхтагандан

кейин сезила бошлайди. Мас, 30—35 ёшларда биологик жараёнларнинг фаоллик даражаси пасая бошлайди. Қариш турли тўқима ва аъзоларда бир вақтда бошланмайди ва турли даражада кечади, у организм хужайралари яшаш хусусиятларининг аста-секин сусая боришидан иборат. Дастлаб Қ. туфайли бошланган ўзгаришлар амалда организмнинг ҳаёт шароитларининг кескин ўзгаришларига мослашувчанлик жараёнини бузмасада, аммо борабора ёш улғайиб, ўзгаришлар кучайганда организм бунга энди анча қийналиб мослашади. Хусусан, бу касаллик даврида, жисмоний ва руҳий зўриқишларда билинади.

Қариш жараёни, биринчи навбатда, юрактомир ва нерв системасига таъсир қилади; бунда бир фаолиятдан иккинчисига ўтиш қобилияти қийинлашади. Тормозланиш жараёнининг етарли бўлмаслиги нерв системаси кўзгалувчанлигининг ошишига олиб келади, шу туфайли атрофдаги нарсаларга мосланиш ва жавоб реакциялари суст ишланиб, секин йўқолади; эмоционал бекарорлик кучаяди.

Қ. кўпинча турли хил сурункали касалликлар билан кечади, бу барвақт қариб қолишга олиб келиши мумкин. Умуман ёшга хос ўзгаришлар билан касалланиш ўртасида маълум даражада боғлиқлик бор. Қ.да организмнинг мосланувчанлик ва тикланиш имкониятлари сусаяди, бу — касалликларнинг авж олишига ва уларнинг анча оғир ўтишига сабаб бўлади. Шунинг учун касалликнинг олдини олиш барвақт қаришга йўл қўймасликка ёрдам беради. Ҳозиргача Қ. сабаблари тўғрисида аниқ фикр йўқ, лекин у бир қадар ирсиятга ҳам боғлиқ. Баъзи оилаларда узоқ умр кўрувчиларнинг наслданнаслга ўтганлиги маълум. Аёлларда Қ.нинг эркакларга нисбатан кечроқ кузатилиши генетик аппаратнинг хусусиятларига ва бошқалар омилларга (мас, аёлларда чекиш, спиртли ичимликлар ичиш кам) ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумки, Қ. суръати турлича бўлади: баъзи-

ларда 75—80 ёшда, ҳатто анча кейин ҳам турли ишлар билан шуғулланиш учун кучқувват ва имконият бўлади. Бироқ ёш ўтиши билан барча одамларда меҳнат қобилияти пасаяди, салга толикади. Шу сабабли, ёш ўтганда кишининг аҳволи яхши бўлса ҳам оғир иш қилмаслик керак. Қ. даврида овқатланиш, меҳнат ва дам олиш режимига қатъий риоя этиш, ухлашдан олдин озроқ сайр қилиш, чиниқиш муолажалари ва бошқалар катта аҳамиятга эга. Бироқ чиниқиш муолажалари турини ва муддатини, албатта, врач билан маслаҳатлашиб олган маъкул. Айтиб ўтилганларга амал қилиш барвақт Қ.нинг олдини олади ва унинг маромида кечишига, шунингдек, одамнинг жисмоний ва маънавий имкониятларини иложи борича сақлаб қолишга олиб келади. Қ. сабаблари ва сирасорларини *геронтология*, уларда кечадиган касалликларни эса *гериатрия* фани ўрганади.

ҚАРИНДОШ ТИЛЛАР — қ. *Тилларнинг генеалогик таснифи*.

ҚАРИНДОШЛИК (хуқуқда) — инсонлар ўртасида қон жиҳатдан ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик. Кишилар ўртасида қонқариндошлик ва уруғаймоқлик алоқаларининг мавжудлиги муайян ҳуқуқий оқибатлар юз беришига (хуқуқлар ва мажбуриятлар пайдо бўлишига) сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг ОиЛа кодексига Қ. тушунчасига таъриф берилган. Ушбу кодекснинг 57-моддасига кўра, бир умумий учинчи шахсдан (ажоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. 2 шахс ўртасида тўғри шажара бўйича Қ.нинг яқинлиги Қ. даражаси билан белгиланади. Тўғри шажара бўйича Қ. ўзаро фарқланади.

Ўзбекистон оила ҳуқуқи бўйича, Қ. муносабатларининг мавжудлиги ўзаро шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқлар ва мажбуриятларни юзга келтиради (ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган ҳуқуқи, *алимент* ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яқин

қариндошлар ўртасида *никоҳ* қайд этилмаслиги ва х.к.). Фуқаролик ҳуқуқида Қ. ота-онанинг ўз вояга етмаган фарзандларига қонуний вакиллик қилиши ҳуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Ворислик муносабатлари қонун бўйича мерос очилган ҳолларда Қ. алоқаларига кўра тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-бобоида (1134—1157-моддалар) қонун бўйича ворислик муносабатлари ва уларни тартибга солинишига доир қоидалар белгиланган. Ушбу қоидаларга кўра, қонуний ворислик Қ.нинг даражаси (ворислик навбатлари)га асосланади. Шунга кўра, Қ. алоқаларининг яқинзуклилигига қараб ворисликнинг бешта навбати белгиланган. Олдинги навбатда турган ворисларнинг йўқлиги, уларнинг меросдан воз кечиши ёки маҳрум этилганлиги навбатдаги ворисларга мерос олиш ҳуқуқини беради.

Қ. меҳнат ҳуқуқида ҳам аҳамиятлидир. Мас, 16 ёшга тўлмаган ўсмирларни ишга қабул қилиш учун унинг отаси ёки онаси ёзма розилик бериши лозим (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддаси). Яқин Қ. алоқасида бўлган шахсларнинг битта давлат корхонасида бирга ишлашлари тақиқланади (Меҳнат кодексининг 79-моддаси). Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин. Ота ёки она хавфли меҳнат шароитида ишлаётган ўз фарзандини ишдан бўшашини талаб қилиши мумкин (Меҳнат кодексининг 247-моддаси).

Қ. алоқалари ижтимоий таъминот ҳуқуқида ҳам аҳамиятга эга. Бунда боқувчисини йўқотганлик пенсияси, ижтимоий нафақаларнинг айрим турларини тайинлаш чоғида (қ. *Қарамозда бўлиш*) марҳум боқувчи шахс билан унинг қарамоғида бўлиб келган вояга етмаганлар ўртасида Қ.нинг мавжудлиги асос қилиб олинади (Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг

19-моддаси). Қ. бошқа ҳолларда ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Шоира Йўлдошева.

ҚАРИҚИЗ — мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик бегона ўллар туркуми. Евросиёнинг мўътадил иқлимли минтақаларида 10 тури маълум. Ўзбекистонда учрайдиган бир йиллик яланғоч уруғли Қ. тури (A.1eю\$регтшп /xхg e1. 8e§.)нинг пояси тик, олабула қиррали, хира қизғиш, сербарг. Бўйи 60—150 см, барглари йирик, бандли, усти яшил, ости кулранг момиқ тукли. Илдиз олди баргларининг бўйи 50 см гача, юраксимон. Ўрама барглари учи бигизсимон. Гуллари тўқ қизил найсимон, икки жинсли, саватча тўпгул ҳосил қилади. Қ.ларнинг ёш илдизларида учрайдиган инулин моддаси (ошловчи модда ҳамда эфир мойи ҳам мавжуд) халқ табobatiда терлатувчи, сийдик ҳайдовчи восита. Чорвачиликда емхашак сифатида ишлатилади. Ташландиқ (зах ва соя) ерларда, йўл ёқаларида ўсади.

ҚАРЛУҚ — Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги кишлоқ, туман маркази. Яқин т. йил станцияси — Шўрчи разъезди (23 км). Қ. дан Термизгача 140 км. Аҳолиси 10 минг кишидан зиёд (2003). Аҳолиси ва хўжаликлари Олтинсой дарёсидан сув олади. Қ. да «Шароб» акциядорлик жамияти, қўшма, кичик корхоналар, Олтинсой мева қуритиш з-ди, автокорхона, пахта тозалаш, ғишт з-лари, МТП, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Умумий таълим, мусиқа мактаблари, касб-хунар коллежи, маданият уйлари ва клуб муассасалари, марказий кутубхона бор. Ашула ва рақс дастаси, қўғирчоқ театри фаолият кўрсатади. Стадион, спорт заллари, футбол, волейбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд. Марказий касалхона, катталар ва болалар поликлиникалари, туманлараро травматология ва ортопедия маркази ишлаб турибди.

ҚАРЛУҚЛАР, қорлуқ — ўзбек халқи таркибига кирган этник уюшма. 3 қабиладан ташкил топган; улар Хитой солномаларида меуло (ёки мзули), чжиси (ёки пофу) ва ташили деб номланган. 6—7-асрларда булар Олтойнинг ғарбий қисмида, Чориш (Обь дарёси ўзанидан бири) дарёси хавзасида, Иртиш дарёсининг қуйи оқими бўйларида, Тарбағатойда ҳамда Жунғориягача бўлган катта худудда яшаганлар. Қ, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб, бир ердан иккинчи ерга кўчиб, ўтовларда яшаганлар. Қ худуди Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонлиги ўртасида, стратегик қулай ерда жойлашгани учун улар ўртасида талаш бўлган. Қ ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун улар билан бетиним кураш олиб борганлар. 7-аср охирида Шарқий Турк хоқонлиги Қ, худудининг аксарият қисмини хоқонликка қўшиб олган. 742 йил Қ, уйғурлар ва басмиллардан иборат қабила иттифоқи исён кўтариб ўз мустақилликларини тиклаганлар. Қ, элтибари (бошлиғи) ўзини 3 қабиланинг шеҳуси (ябғуси) деб эълон қилади. Хитой қўшини билан араблар ўртасидаги *Талас жангида* Қ, ҳал қилувчи роль ўйнаганлар. 757—766 йилларда Қ Турғашлар давлати худудини эгаллаб олганлар. Чу дарёси бўйидаги Суёб шаҳри Қ,лар давлати маркази бўлиб қолган (766—940). Қ,га Жунғория Олатовидан то Сирдарёгача бўлган худуд қараган. Кейинчалик пойтахт Или дарёси водийсидаги Қўйлик шаҳрига кўчирилган. 861 йил Қ, Кошғарни эгаллашган. Қ,нинг айрим гуруҳлари 8-аср ўрталаридан Зарафшон воҳисида, Фарғона водийсида, Шим. Афғонистон, Тожикистон худудларида ҳам яшаган. 10-асрда Қорахонийлар давлати таркибига киришган, илк мулкдорлик муносабатлари шакллана бошлаган. Қ, 960 йил ислом динини қабул қилишган. К. *Шониёзовнинг* фикрича, қорахонийлар сулоласи бевосита Қ, давлати билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тадрижий давоми ҳисобланган. 19-аср

охири ва 20-аср бошларига келиб Қ, Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларида, хоз. Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Шўрчи худудларида яшаганлар. 1924 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон худудида 10 мингдан ошқоқ, Тожикистон худудида 7 мингга яқин Қ, яшаган. Кейинчалик Қ, ўз номларини унутиб, ўзбек ва тожик миллатлари таркибига сингиб кетган.

Ад. Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

ҚАРМАТЛАР — *исмоилийлар* асосий шохобчаларидан бирининг тарафдорлари. Қ, ҳаракати 9-аср охирида Ироқ жанубида вужудга келган. Сурия ва Яманга тарқалган деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва хунармандлардан ташкил топган. Ҳаракат ўз номини унинг раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамдон ибн алАшғаснинг лақаби Қармат (ёхуд Қарматий)дан олган. Унинг маъноси манбаларда турлича («калта оёқ», «қизил кўз» ва бошқалар) изоҳланган. Бирок Ҳамдонгача ҳам Қарматийа номи бор эди, бинобарин Ҳамдон ўз лақабини ўша даврда мавжуд бўлган шиаликнинг бирон бир ташкилоти номидан олган деб ҳисоблаш мумкин. Қ, аббосийлар халифалигига қарши кўзғолонларга бошчилик қилган. Қ, ерга жамоа эгаллигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик гоёларини тарғиб этишган. Улар ислом маросимларини бажармаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжидлар бўлмаган. Қ, мусулмонларнинг зиёратгоҳлари (мас, Каъба ва у ердаги *қора тош* — ҳажар аласвад)ни бидъат деб ҳисоблаганлар. 899 йил Қ, Бахрайини босиб олиб, АлАқсода (Шарқий Арабистон) ўз давлатини тузган, бу давлат 11-аср охиригача мавжуд бўлган. 930 йил ҳаж вақтида Қ, Маккага ҳужум қилиб, уни талонторож этишган, ҳажга борганларнинг кўпини ўлдиришган, бир қисмини қул қилишган, у ердаги қора тошни ўлжа қилиб олиб кетишган (20 йилдан сўнг қайтиб беришган). Бу ҳол

кенг халқ оммасини Қ.дан четлаштирди. 11-аср охири — 12-аср бошларида Ирок ва Эронда уларга қарши шиддатли кураш бошланган ва Қ. ҳаракати бостирилган. Кейинчалик Қ. исмоилийларнинг бошқа оқимларига қўшилиб, йўқолиб кетган.

ҚАРНОБ ЧЎЛИ — Зарафшон дарёси ўрта оқимининг чап соҳилидаги тўлқинсимон текислик. Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида. Ғарбдан шарққа 120 км га чўзилган. Ўртача эни 40—50 км. Ўртача бал. 300 м (марказий қисмида 350 м, шарқий қисмида 450 м).

Ер юзаси текислик. Жанубий шарқдан шим.ғарбга бир неча қатор тепалар чўзилган. Улар бир биридан қуруқ сойлар билан ажралган. Қатор тепалар шим. да Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғларига туташади. Чўл ғарб томон пасайиб Тошлоққум ва Учқум чўлларига қўшилиб кетади. Иқлими қуруқ ва кескин континентал. Ўртача йиллик т-ра 16°. Янв. ойининг ўртача т-раси —15°, —20°. Июль ойида 40—45° га етади. Йиллик ёғин ўртача 165 мм. Қ.в. да оч тусли бўз, бўзқўнғир тусли тақир, шўрхок, қум ва қумоқ тупроқлар кенг тарқалган. Ўсимликлардан қумли ва қумоқ ерларда шувок, селин, оқ саксовул каби галофитлар ўсади, тақирларда сийрак шўралар учрайди. Баҳорда чўлни эфемерлар қоплаб олади. Қ.ч.дан йил давомида қоракўл кўйларни боқиш учун яйлов сифатида фойдаланилади. Табиий яйловларда пичаннинг ўртача ҳосилдорлигини ошириш учун 10,5 минг га майдонда саксовулзордан иборат сунъий яйловлар вужудга келган.

ҚАРНОБ ҚАЛАЙ КОНИ — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги кон. 1943 йилда очилган. 1952—58й. лармобайнида ўзлаштирилган. Кон Қарноб— Лапас регионал ёриғининг шим. блокида жойлашган. 20 дан ортиқ тик ётувчи рудали таналар мавжуд бўлиб, улардан 20—50 м чуқурликкача бўлганлари қадимий руда изловчилар томонидан ва конни кейинги ўзлаштириш

(1940—50 йиллар) жараёнида казиб олинган. Рудали таналар морфологияси мураккаб — тикка ётувчи тармоқланган томирлардан иборат бўлиб, ўлчами 0,3—0,5 дан 1,5—2 м гача қалинликда, уз. 100 дан 550 м гача. Баъзи зоналари 400 м чуқурликкача аниқланган. Рудаланиш бир текис тарқалмаган, қалайнинг миқдори 0,1 дан 0,9% гача. Қ.к.к. гидротермал конлар типига мансуб. Руда атрофи ўзгаришларининг асосий типини— березитланиш. Рудали жисмлар тўқ кулранг кварц ва интенсив равишда березитлашган ҳамда турмалин ва сульфидли томирчали майдаланган гранитлардан таркиб топган. Қ.к.к. рудаларига асосий минерал — касситерит 1 мм га яқин жигарранг изометрик доначалар ва 2—4 мм қалинликдаги томирчалар шаклида бўлиб, таркибида вольфрам, кўрғошин, рух, галлий элементлари бор. Касситерит холхол кўринишда, ингичка томирчалар ва алоҳида доналар шаклида учрайди. Рудали жисмлар таркибида касситерит 0,3—0,5%, галенит 0,3 — 0,5%, сфалерит 0,1—0,3%, халькопирит 0,1—0,3%, пирит 1—2% да бўлади. Улардан ташқари, варламовит, мушистонит, акантит, пираргирит, прустит, станнин, тиллит, франкеит ва бошқаларлардан таркиб топган. Рудали таналар таркибида: қалай— 0,3—0,4%, кўрғошин — 0,3%, мис 0,1—0,2%, рух 0,1%, қумуш 72 г/т, маргимуш 0,1%, сурма 0,1%ни ташкил қилади. Рудаланишнинг тик ўлчами 500 м дан ошади.

ҚАРОП (хуқукда) — 1) давлат органи ёки мансабдор шахснинг ўз ваколати доирасида муайян мақсадга эришиш йўлида қабул қиладиган ва бирор оқибат келтириб чиқарадиган ҳужжати. Қ., одатда, ижро ётувчи ҳокимият органи томонидан қабул қилиниб, у ана шу органининг ўз вазифаларини амалга ошириш воситалари ва йўллари назарда тутган бошқарув вазиятини таҳлил этиш ҳамда баҳолашга оид эрки ифодаси ҳисобланади. Қ. ижро ётувчи ҳокимият тегишли органи компетенцияси доирасида қабул қилинадиган

меъерий ёки индивидуал (аниқ ҳуқуқий ҳужжат кўринишида юридик расмийлаштирилиши натижасида шахс ёки вазиятга тааллуқли) ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бошқарув фаолиятини амалга ошириш жараёнида узок муддатли ва муайян соҳа билан боғлиқ фаолият (ишлар)ни истиқболли лойиҳалаш юзасидан Қ.лар, мас, мақсадли дастурий Қ.лар, жорий асосий фаолиятни амалга ошириш бўйича тезкор, процессуал, услубий, тавсиявий, индивидуал ва шахрик. қарорлар қабул қилиниши мумкин. Қ.да уни амалга ошириш муддатлари ва ижрочилари аниқ белгилаб қўйилган бўлади. У қабул қилинишидан олдин лойиҳаси тайёрланиб, муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир; 2) фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жинойт ишлари бўйича суд таркиби ёки судья чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжат (қ. *Суд қарори.*).

ҚАРОРГОҲ — 1) тош ва жез даврларида яшаган одамларнинг турар жойи. Манзилгоҳ, мавзе, макондан фарқ қилади; 2) ҳарбий бошлиқ (саркарда)нинг жанг пайтидаги сафар чодирининг номи; 3) вақтинча истикомат қилиш ёки кўниш жойи (мас, чўпонлар қароргоҳи); 4) давлат идораси, давлат бошлиғи ёки бирор давлат арбобининг доимий ёки вақтинча турар жойи, саройи, резиденцияси.

ҚАРОҚЧИЛИК (денгиз қароқчилиги) (ҳалқаро ҳуқуқда) — очик денгизда савдо ва фуқаро кемаларини хусусий ёки давлат кемалари томонидан ғайриқонуний равишда эгаллаш, талонторож қилиш ёки чўктириш. Уруш вақтида бетараф мамлакатларнинг савдо кемаларига кемалар, сув ости кемалари ва ҳарбий самолётларнинг ҳужуми ҳам Қ. ҳисобланади. Қ.қа қарши курашнинг халқаро нормалари очик денгиз тўғрисидаги Женева конвенциясида (1958) ва БМТнинг денгиз ҳуқуқи конвенциясида (1982) кодификацияланган.

ҚАРОҚЧИТОҒ — Нурота тоғларининг жан.тармоқларидан бири. Жанубий шарқдан шим.ғарбга 40 км га чўзилган. Эни 10—15 км. Ўртача бал. 700—800 м, энг баланд жойи 1103 м. Жанубий дан Зарафшон дареси, шим. дан Сангзор — Нурота боғи билан чегарадош. Шим.ғарбда Октов, жан. шарқда Ғубдин тоғларидан Зарафшон дарёсининг ўнг ирмоқлари билан ажралган. Унинг шим. ғарбий қисмида Зарафшон дарёсининг ўнг ирмоқларидан бири Сағанақ кўндаланг кесиб ўтган. Ён бағирлари кўплаб қуруқ сой ва жарликлар билан кесилган. Палеозой даври сланец, кумтошларидан ташкил топган антиклиналь структурадир. Иклими континентал. Бўз тупроқларда дашт ўсимликлари тарқалган.

ҚАРСАК ЎЙИН — ўзбек халқ рақслари туркуми. «Беш қарсак» ва «Майда қарсак» бўлимларидан иборат. «Майда қарсак», ўз навбатида, «Якка қарсак», «Кўш қарсак» ва «Тез» (ёки «Узма») номли ўйинларни ўз ичига олади. Унда қарсақлар билан ҳосил қилинадиган усул, байт, бир овозда айтиладиган яллалар ва рақс ҳаракатлари бирлашади. Кўп жойларда ижрочилар ёнмаён турган ёки ўтирган ҳолда давра ёки ярим давра ҳосил қилиб, ўртадаги ўйинчига ҳамоҳанг бўлиб, усулга мос чайқалиб турадилар. «Майда қарсак» бўлимлари бир-биридан ажратилмасдан яхлит ижро этилади. Ҳар бўлимда ўнлаб халқ куйлари бўлади, бироқ бир хил қарсак усули билан олиб борилади. 2бўлимга ўтгач, қарсак ритми ўзгариб, рақс ҳаракатларини янгилайди. «Беш қарсак» ёнмаён туриб давра ҳосил қилган ҳолда маълум суръат ва усулда уриладиган беш қарсак (311) ва айрим хитоблар воситаси билан ўйналадиган оммавий рақсдир. Унинг катта давраларида 20 ва ундан зиёд киши иштирок этади. Улар бир темпда қарсак уриб туриш билан бирга у ёнбу ёнга чайқалиб, ўтирибтуриб, букилиб ва айна вақда ён билан ўнг то-

монга ҳаракатланиб ўйнайдилар. Ўйинда речитативсимон байтлар бўлиб туради. Даврадаги ўйинчининг ҳаракатлари шиддатли ва жанговар бўлади. У кўпроқ кўл, бел, елка, кўкрак ҳаракатларини ишлатади, юзида сонсаноксиз ифодалар ҳосил қилади, гоҳ букилиб, гоҳ ғоз туриб, гоҳ чўккалаб ўйнайди. Баъзан «Беш қарсақ»да ичмаич икки ҳалқа давра ҳосил қилинган, икки ўйинчи куч синашган. Даврадаги қарсақчилар ҳам, ўйинчилар ҳам бадиҳагўй — импровизатор бўлишган. Қ.ўнинг элементлари овчилик ва зардуштийлик билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиб, борабора маданийлашган ва базмларда кўрсатиладиган томошага айланган. 14—16-асрларда у сарой базмларини ҳам безаган. Қ.ў. тахминан 18-аср охири — 19-аср бошида 2 га бўлиниб кетган: «Майда қарсақ» тобора кенгроқ ҳудудни эгаллаб, водий маданиятининг бир қисмига айланиб боради. «Беш қарсақ», асосан, тоғли туманларда сақланган. Қ.ў. Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида сақланиб келмоқда. Кўп жойларда (мас, Ургутда) «Майда қарсақ»нинг ўйин ва ашулалари бадий ҳаваскорлик учун ижод ва репертуар манбаидир. «Баҳор» ва «Шодлик» ансамблларининг баъзи рақсларида Қ.ў. аънаналарини кўрамыз.

Муҳсин Қодиров.

ҚАРТА — отнинг ёғли йўғон ичаги ва ундан махсус тайёрланадиган яхна таом. От гўштининг қарта қисми яхшилаб ишқаб ювилади. Шиллиқ пардаси тозаланиб ҳидини кетказиш учун қатикқа ёки зардобга бир кун ботириб қўйилади. Ювиб тозаланган Қ.ни, каттакатта бўлақларга бўлиб, туз, мурч, зира ва узум сиркаси сепиб, 10 соатгача салкин ерга олиб қўйилади. Тайёр масаллиқ қайнаб турган сувга солиниб пиширилади. Шўрвасига пиёз, сабзи, дафна япроғи, туйилмаган мурч каби зирavorлар қўшиб, 2 соат суст оловда милдиратиб қайнатилади. Пишган Қ. совитилиб, салатлар билан бирга дастурхонга

тортилади.

Баъзан Қ.нинг ичи ағдарилиб, тозалаб ювилади, очилган Қ. юзасига тасмасимон кесилган сон гўшти, тўш ёғи қўйилиб, рулетга ўхшаб ўралади ва четлари ҳамда ўртаси қалин ип билан боғланиб, қозондаги совуқ сувга солиб, 2—2,5 соат милдиратиб қайнатилади. Совитиб, япроқлаб кесиб истеъмол қилинади.

ҚАРУН — Эрондаги дарё, Шатт улАраб дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 820 км, ҳавзасининг майд. 60 минг км². Загрос тоғларидан бошланиб, тор дара ва сойликлардан, қуйи окимида Месопотамия пасттекислигида оқади. Ўртача сув сарфи 770 м³/сек. Баҳорда суви кўпаяди. Дарёдан суғоришда фойдаланилади, қисман туннель орқали Исфаҳон воҳасига оқизилади. Ахвоз шахригача кема қатнайди.

ҚАРЧИҒАЙЛАР

— *қарчиғайсимонлар* оиласининг бир уруғи (қ. *Қирғийлар*).

ҚАРЧИҒАЙСИМОНЛАР

— кундузги йиртқичлар туркуми оиласи. Уз. 20—114 см. Қанотлари кенг; учи панжасимон ёйилувчан, узоқ вақт учишга мослашган. Ҳар хил муҳитда яшай оладиган 217 тури маълум. Антарктика ва Арктикадан ташқари барча ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистон фаунасида 14 уруғ (*болтаютарлар, жўрчилар, тасқаралар, қумойлар, бургутлар, арихўрлар, скопалар, сорлар, калхатлар, бўктаргилар, қирғийлар*), яъни қарчиғайлар ва бошқалар)га мансуб 32 тури учрайди.

ҚАРШИ (1926 37 йилларда Бехбудий) — Қашқадарё вилоятидаги шаҳар (1926 йилдан), вилоят маркази (1943 йилдан). Қашқадарё воҳасининг марказида, Қашқадарё бўйида, халқаро т. йил ва автомобиль йўллари кесишган жойда. Майд. 7,5 минг га. Аҳолиси 220 минг киши (2005). Қ. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири. У турли

даврларда Боло, Нашеболо, Нахшаб, *Насаф*, номлари билан юритилиб, 14-асрдан Қ. деб атала бошлаган.

«Қарши» номининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикр ва тахминлар мавжуд. В.В. Бартольд шаҳарнинг номи мўғул хони Кепакхон курдирган «Қарши» (кад. туркийчада «сарой» маъносини англатган) билан боғлиқ деб таъкидлайди. «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») дostonида «Қарши» атамаси «сарой» ва «қарама-қарши туриш» маъносида қўлланган. «Бобурнома»да ҳам бу ном мўғул тилидан олинганлиги таъкидланган. Келтирилган тахминларда атаманинг «қарши» — сарой, қаср маънолари кўпроқ қўлланади. Дастлабки шаҳар Қашқадарё воҳасида «Нахшаб» (сув обод қилган, сув нақш берган манзил) номи билан мил. ав. 7-асрда Ерқўрғон ўрнида вужудга келиб, унинг атрофи қалъа девори билан ўраб олинган (ушбу қалъа деворларининг қолдиқлари археологлар томонидан 1999 йил да ўрганилган). Шаҳарнинг яна бир номи Новтак — Навтака — янги бино деб ҳам талкин қилинади. Мил. ав. 6-асрда шаҳар кенгайиб, ички девор билан ўралиб (ҳоз. сақланган), майд. 35 га ни ташкил этган. Александр Македониялик босқини даврида шаҳар вайрон қилинган. Шундан кейин унинг воҳадаги етакчи шаҳар сифатидаги мақоми пасайиб борган. Мил. ав. 3—2-асрларда шаҳар ташқи қалъа девори билан ўралган (майд. 150 га бўлган). 2—1-асрларда (ҳоз. темир йўл станцияси ҳудудида) янги ҳарбий-сиёсий марказ мақомини олган ЗаҳхокиМорон қалъаси бунёд этилди. Бу қалъа ҳам Нахшаб номини олиб аста-секин кенгая борди (қолдиқлари ҳоз. *Шулдуктена* деб аталади). Кидарийлар ўз қароргоҳини 468 йил да янги Нахшабга кўчирдилар. 710 йил да араблар шаҳар (Нахшаб арабча талаффузда «Насаф») ва унинг атрофидаги ҳудудларни босиб олдилар. 9—13-асрларда Нахшаб (Насаф) ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топди. 10-асрда Насафда ўша давр мусулмон оламида

илмий конгресс — «мажлиси тадрис» ўтказилган. Ўрта асрларда Насаф орқали Эрон ва Ҳиндистонни Россия ва Европа давлатлари билан боғлаган муҳим қарвон йўллари ўтган, савдохунармандчилик ривожланган.

1220 йил да Насафни Чингизхон қўшинлари вайрон қилди. Ундан кейинги даврда (14-асрда) воҳа маркази Змартта ҳоз. Қарши шаҳрининг эски шаҳар қисми ўрнида қайта тикланди. Чигатой улуси хони *Кепакхон* (131826) Насафдан 2 фарсах (12— 14 км) узоқликда қаср курдириб, пойтахтни Қарши деб аталган бу қалъага кўчирган. Шаҳар ҳудудидан топилган археологик ёдгорликлар, бино қолдиқлари Қ. да 14-асрнинг 1-ярмида бир қанча кошинкор иморатлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. 14-асрнинг 2-ярмида шаҳар кўрғони атрофи гишт ва паҳса девор билан ўралган, шаҳарда Одина масжиди қурилган. Қалъа атрофида 2,5—3 м чуқурликда хандақ қазилган. Хандакустида 4 та кўтарма кўприк бўлган. Шаҳар кўрғони ҳудуди 40 га ни ташкил этган. 16-асрда шаҳар яқинида йирик Намозгоҳ масжиди (ҳоз. меъморий ёдгорлик), ҳаммом бинолари қадимий кўтарган. Аштархонийлар давридан Қ. Бухоро тахти меросхўрлари турадиган жойга айланди. Имомқулихон даврида (1614—15 йилларда) Қашқадарёдан Қарши чўлига канал чиқарилган. 17—18-асрларда Қ. Қашқадарё воҳасидаги биринчи шаҳарга айланди. Қ. 16-асрдан 20-аср бошларигача Бухоро хонлиги (амирлиги)нинг Қарши беклиги нуфузли маркази бўлган. Хунармандчилик ривожланган, пул зарб қилинган. Манғитийлар даврида Қ.да ҳаммом, мадраса, хонақоҳ, сардоба ва суғориш иншоотлари бунёд этилган. Шаҳар ва унинг атрофи ободонлашган. Венгриялик олим Херман Вамбери 1863 йил да Қ. да бўлиб, шаҳарда 10 та қарвонсарой, катта бозор бўлганлигини ёзди. Аҳолисининг 25 мингга яқин асосий қисми ўзбеклар деб таъкидлайди. Пахта тозалаш, ёғэкстракция, сут, пиво, мотор

таъмирлаш, таъмирлашмеханика, уйсо-злик, пластмасса буюмлари здлари, гўшт ва ун ктлари, тикувчилик ф-каси, курилиш материаллари, т. йил транспорти, тўқимачилик корхоналагш бор. 7 кўшма корхона, жумладан Узбекистон—Туркия кўшма корхонаси ишлаб турибди. Туксиз гиламлар (палослар) ишлаб чиқарилади. «Еркўрғон» улгуржи, «Осиё» курилиш, «Фарход» хўжалик моллари бозорлари ва бошқалар мавжуд. Қарши давлат унти, Қарши мухандисликқисодиёт инти, тиббиёт, пед. ва бошқалар жами 13 касб-хунар коллежи, 3 академик лицей, 9 лицей ва лицейинтернат, 2 гимназия, 44 умумий таълим, шунингдек, болалар мусиқа мактаблари, 4 театр (шу жумладан, вилоят мусикали драма театри, вилоят кўғирчоқ театри ва бошқалар), вилоят ўлкашунослик музейи, филармония, 13 кутубхона, 5 клуб, 3 маданият ва истироҳат боғи фаолият кўрсатади. 22 касалхона, амбулаторияполиклиника ва бошқалар тиббий муассасалар бор. Қ — Тошкент, Қ — Самарқанд, Қ — Бухоро ва бошқалар йўналишларда ҳамда туман марказларига автобуслар ва маршрутли таксилар катнайди. Қ, аэропортидан Қ, — Москва, Қ — Андижон, Қ — Тошкент йўналишларидаги ҳаво йўлларида самолётлар катнови йўлга қўйилган. Қ. да Кўкгумбаз масжиди (16-аср), қадимий ҳаммом (16-аср), Қашқадарё устидаги қадимий кўприк (1583), Шарофбой мадрасаси (18-аср бошларида), Чармгар масжиди (19-аср ўрталари), Бектемир мадрасаси (1905), Хожа Абдулазиз мадрасаси (19а), Қиличбек мадрасаси (19-аср) ва бошқалар меъморий обидалар сакланиб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори ва Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қароридан

кейин шаҳарда кенг кўламда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Кўкгумбаз масжиди, тарихий кўприк ва бошқалар меъморий обидалар таъмирланди. Шаҳарда «Насаф», «Геолог» спорт мажмуалари, теннис корти, ёпик чўмилиш ҳавзаси, спортсоғломлаштириш иншоотлари, 20 минг ўринлик стадион, Олимпия захиралари спорт коллежи ва бошқалар қурилмоқда. Вилоят телерадиокомпанияси, Қарши жамоатчилик ва Қашқадарё кабель телевидениелари ишлаб турибди. 1999 йдан «Насаф» шаҳар газ. чиқарилади.

Қ.дан «Насафий» тахаллуси билан кўплаб олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Шулардан Алишер Навоийнинг «Мажолис уннафоис» асарида тилга олинган Мавлоно Сойилий, Мавлоно Мир Қарший, ундан ташқари, Маҳмуд Насафий (музыка ва санъат соҳасида), Қусам Шайхлар (диний илмлар соҳасида) шухрат қозонганлар.

Обод Жўракулов, Латиф Эрдонов.

ҚАРШИ ДАЪВО — қ. *Регресс даъво*.

ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИ — *Қарши чўлига* қурилган ирригация иншооти. Канал Амударёдан Пулизиндон бурнидан бошланиб шим. томонга *Таллимаржон сув омборитача* оқиб боради (бош машина қисми 80 км ча), у ердан каналнинг ўзюқар қисми бошланади, Қ.м.к.дан Қарши чўлининг куйи зонасини суғориш учун Шўрсой тармоғи, юқори зонасини суғориш учун Миришкор тармоғи сув олади. Каналнинг 1навбати қурилиши 1965 йилда бошланиб, 1973 йилда ниҳоясига етди. Уз. 290 км (100 км дан кўпроқ қисмига бетон, бетонплёнка қоплама ётқизилган), бош қисмидаги максимал сув ўтказиш имконияти 195—220 м³/с га яқин, сув кучли насослар билан 6 босқичда 132 м баландликка кўтариб берилади. Каналнинг асосий вазифаси Амударё сувини Қарши чўлидаги қурғоқчил, асосан, ғўза

экиладиган майдонларга етказиб бериш. Қ.м.к.нинг бош қисмида умумий қуввати 450 МВт бўлган 6 насос ст-яси (36 насос агрегат) курилган. Нишон, Қарши, Ғузор, Косон ва бошқалар туманларда 200 минг га дан зиёд ер суғорилади.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

— кишлоқ хўжалиги, нефть ва газ саноати, электр ва иссиқлик энергетикаси, озик-овқат саноати, кимёвий технология ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳамда таълим соҳаси учун юқори малакали муҳандислар, иқтисодчи ва муҳандиспедагог бакалаврлар ва мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. У *Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг* Қарши филиали негизида 1992 йилда ташкил этилган. Ин-тда 17 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 7 та мутахассислик бўйича магистрлар ва аспирантурада 3 ихтисослик бўйича илмийпедагогик ходимлар тайёрланади. Ин-тда қ.х. ишлаб чиқаришини механизациялаш, халқ хўжалиги иқтисодиёти, агрономия, нефть ва газ иши, электротехнология соҳалари бўйича илмий текшириш ишлари олиб борилади. ин-т қошида лицейинтернат, академик лицей, бизнес мактаблари, мутахассислар малакасини ошириш бўлими, «Иқтидорли талабалар билан ишлаш», «Ахборот технологиялари ва масофавий таълим» марказлари, кичик босмахона фаолият кўрсатади. Ин-тда 24 та кафедра, кутубхона (130 минг китоб) мавжуд. 2003—2004 ўқув йили Ин-тда 3682 талаба ўқиди. ин-т ташкил этилгандан буён 12 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис ва бакалаврлар тайёрланди. ин-т Россия, АҚШ, Германия, Туркия ва бошқалар мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилади. Ин-тда талабаларнинг дам олиш оромгоҳи, соғломлаштириш маркази, спорт саройи мавжуд.

ҚАРШИ НАМОЗГОҲИ, Кўк гумбаз — Қарши шаҳридаги меъморий ёдгорлик

(1590—91). Хонақоҳ пештоқгумбазли (қўш гумбазнинг ташки гумбазли кулаб тушган), пештоқнинг икки ёнида симметрик 4 тадан жойлашган хоналар балхи гумбазли. Бош тарзидаги пештоқ кошнлар билан безатилган, китобаларига Қуръон оятлари битилган; Абдуллахон номи ва санаси зикр этилган ёзувлар сақланган. Бино олди томонидан намозхонлар учун майдон ажратилган.

ҚАРШИ ТУМАНИ — Қашқадарё вилоятидаги туман, 1931 йил 1 октябр да ташкил этилган. Шим. дан Косон, шим. шарқдан Чирокчи, шарқдан Қамаш, Ғузор, жан. дан Нишон, ғарбдан Касби туманлари билан чегарадош. Майд. 0,9 минг км². Аҳолиси 177 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Бешкент), 15 та кишлоқ фуқаролари йиғини (Боғобод, Дашт, Ертепа, Кат, Қожар, Нукробод, Пахтакор, Поштон, Таллиқўрғон, Хонобод, Чароғил, Чўлибўстон, Қовчин, Қоратепа, Ҳилол) бор. Маркази — Бешкент шаҳри

Табиати. Туман худуди Қашқадарёнинг энг куйи оқимидаги текисликда жойлашган (энг баланд жойи 387 м). Ўрқир жойлар (Муллақувват қирлари, бал. 424 м, Қўнғиртоғ, бал. 571 м), ботиклар (Чароғил ботиғи) ва шўрхоқлар бор. Туман худуди орқали Қашқадарё ва унинг ирмоқлари, Файзобод, Патрон—Бешкент ва бошқалар каналлар оқиб ўтади. Газнефть, қўнғиртош, шағал қазиб олинадиган конлар бор. Иқлими континентал. Қиши илик. Январнинг ўртача т-раси 0°, 2°. Баъзан, —22°, —27° гача совуқ бўлиши мумкин. Ёзи иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 28,8°, энг юқори т-ра 47°. т-ра 5° дан юқори бўлган кунлар сони 284 —298 кунни ташкил этади. Йиллик ёғин 190 — 220 мм. Тупрокдари унумдор бўз тупроқлардан иборат. Дарё водийсида ўтлоқ, аллювиал, Чароғил ботиғида шўрхоқ тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан шўра, шувоқ, янтоқ, оққурай, коврак, қарғаёёк, камиш, шўражриқ, юлғун ва бошқалар

ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қўшоёк, жайра, юмронкозик, эчкет; мар, қум бўғма илони учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (97,3%), шунингдек, тожик, козок, рус, қирғиз, туркман ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 196,6 киши. Шаҳар аҳолиси 16,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 160,5 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туман Қарши шаҳри атрофида жойлашганлиги учун пахтачилик билан бирга ғаллачилик, сабзавот ва полизчилик, боғдорчилик, чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик билан ҳам шуғулланилади. Туманда Қарши шаҳри атторлик ва тўқувчилик ф-касининг гилам тўқиш цехи, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кимёвий маҳсулотлар и. ч. корхоналари, пахта тозалаш, гишт здлари, бозорлар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади. 5 қўшма корхона ишлаб турибди.

Қ. т. да дехқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. 16,5 минг га ерга пахта, 15,2 минг га ерга дон, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари ҳам экилади. Тутзор, токзор, мевазорлар бор. Кўпйиллик дарахтзорлар, кўчатзорлар, ихота дарахтзорлар, яйловлар мавжуд. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида 50,5 минг қорамол, 82 минг қўй ва эчки, 53,5 минг парранда, 435 йилки боқилади.

60 умумий таълим мактаби (43 мингдан зиёд ўқувчи), лицей, болалар муסיка мактаби, 3 касб-хунар коллежи (1,6 минг ўқувчи), 36 кутубхона (290 минг нусха асар), 3 маданият уйи, 13 клуб муассасаси фаолият кўрсатади. Маданият ва истироҳат боғи, ашула ва ракс ансамбллари мавжуд. Стадион, теннис корти ва бошқалар спорт иншоотлари бор. Бешкент шаҳри нинг Мустақиллик майдонида «Хумо қуши» монументи ўрнатилган. Туман марказий касалхонаси (315 ўрин),

туғруқхона, 3 поликлиника, 14 қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ участка касалхонаси, 9 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 36 фельдшеракушерлик пунктида 216 врач, 1456 ўрта тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Қ. т.да тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Ҳазрати Султон макбараси (12—16 а. лар), Тошмасжид (16—18-асрлар), Халфа Эшон масжиди (16—17-асрлар), Чоргумбаз масжиди (16—17-асрлар) ва бошқалар сақланган. Бешкент — Қарши йўналишида автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1991 йилдан «Нахшаб» газ. нашр этилади (адади 600 нусха).

ҚАРШИ УНИВЕРСИТЕТИ — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида асосан, 1992 йил 15 мартда Қарши пед. институти (1956 йилда асос солинган) негизида Қарши шаҳрида ташкил этилган. Унтда 13 фт (мат. ва ахборот технологиялари, физика, кимёгеогр., иқтисодиёт, биол. тупроқшунослик, касбий таълим, тарих ва ўзбек филол.си, хорижий тиллар, пед. психология, жисмоний маданият, сиртки таълим, махсус сиртки таълим, малака ошириш), 53 кафедра, 16 ўқув лаб., 5 илмий лаб., 8 илмий марказ, «Ёшлар маркази», халқаро алоқалар бўлими, кутубхона (550 мингдан ортиқ асар), босмахона бор (2005). Унтда 31 йўналиш (геогр. ва иқтисодий билим асослари; пед. ва психология; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; энгил саноат маҳсулотлари технологияси, материалшунослик ва янги материаллар технологияси; машина технологиялари; машина ишлаб чиқариш жиҳозлари ва автомобиль созлаш; муҳандислик коммуникация қурилмалари; иссиқлик энергетикаси; муסיкий таълим; ҳуқуқ ва маънавият асослари; бошланғич таълим; жисмоний маданият; ўзбек тили; инглиз тили; француз тили; немис тили; рус тили; тарих; психология; иқтисодиёт; молия; биол.; физика; астрономия; кимё;

геогр.; мат.; амалий мат.; информатика ва ахборотлаш технологияси; агрокимё ва агротупрокшунослик; экология ва табиатдан фойдаланиш) бўйича бакалаврлар, 17 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланади. 1993 йилдан аспирантура фаолият кўрсатади (9 мутахассислик бўйича). 2004/05 ўқув йили унда 7300 талаба таълим олди, 535 ўқитувчи, жумладан, 22 фан д-ри ва проф., 169 фан номзоди ва доцент ишлади. ун-т фаолияти Г.Худойбергандон, М. Очилов, О. Жўрақулов, Б. Аминов, Ш. Курбонов, Б. Ҳайридинов, А.Вардияшвилли, С.Мустафоев, Д. Тўраев, П. Равшанов, Б.Йўлдошев, А. Жабборов ва бошқалар проф.ўқитувчилар номи билан боғлиқ. Унда «Қарши университети» газ. (1966 йилдан), «Насаф зиёси» жур. (2004 йилдан) нашр этилади. 2001 йилдан ноширлик маркази фаолият юритади; у ун-т проф.ўқитувчиларининг монографиялари, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларини нашрга тайёрлайди. 2005 йилгача ун-т 40 мингга яқин мутахассис тайёрлади.

Обод Жўрақулов.

ҚАРШИ ЧЎЛИ, Қарши дашти — Ўрта Осиёнинг жан.даги текислик. Қашқадарё вилоятининг ғарбий ва Туркманистоннинг шарқий қисмида жойлашган. Майд. 13 минг км². Шарқда Ҳисор ва Зарафшон тоғларининг тоғ олди ўйдимчукур қия текисликлари, шим. да Қарноб чўли, ғарб ва жан.ғарбда Девхона платоси, жан. ва жан.шарқда Амударё ва Қашқадарё ҳавзаларини ажратувчи тепаликлар билан чегараланган. Қ. ч. нинг асосий қисмини Қашқадарёнинг дельтаси эгаллаган. Қарноб чўли билан Қ. ч. ўртасидаги табиий чегара Шўрсой ботиғидан ўтади. Қ. ч. нинг рельефи, асосан, тўлқинсимон текисликдан иборат. Ўртача баландлиги шарқий қисмида 400—500 м, ғарбида эса 200—260 м. Қ. ч. замани палеозой даврида вужудга келган. Кейинги геологик даврларда бир неча марта сув остида қолган. Палеогеннинг

охири ва неогеннинг бошларида денгиз суви чекиниб курукликка айланган. Ер юзасининг устки қавати, асосан, дарё ва сойлар оқизиб келтирган оқизиклар — лойқалар, кумоқ ва кумлоқ ёткизиклар кум билан қопланган. Қ. ч. да Кўнғиртов, Косонтоғ, Майманоқтов, Аловиддин, Дўлталитов, Қорақир, Саксондара каби қирлар, Шўрсой, Чорағил каби ботиклар бор. Платосимон ва оддий қирлар (Саритош — Жарқок, Оқжар, Азкамар, Сеталантепа, Буерман ва бошқалар) мавжуд. Чўлнинг жан.ғарбий ва ғарбий қисмининг қатта майдонлари кум уюмлари ва тепалари билан банд. Иқлими кескин континентал, қиши қисқа (янв. нинг ўртача т-раси — 1,5°, энг паст т-ра — 28°). Баҳор эрта келади, лекин, жуда тез иссиқ бошланади. Ёзи узоқ давом этиб, жуда қуруқ ва иссиқ бўлади. Июлнинг ўртача т-раси 28,2°—31,6°. Энг юқори т-ра 47°. Вегетация даври 226—248 кун. Ёғин кам, худуд бўйича нотекис тақсимланган (ғарбида 146 мм, шарқида 230 мм гача). Асосий қисми қиш ва баҳорда ёғади. Қор қоплами ҳар йили бир хил эмас, баъзи йиллар 10—25 кун сақланиши мумкин. Қор қалинлиги 15—20 см, айрим йиллари 30—40 см га етади. Шамол ва чанг тўзонли бўронлар бўлиб туради. Ёзда қуруқ ва иссиқ ҳаво оқимлари («гармсел») кўпинча чангли бўронлар билан биргаликда содир бўлади. Чўлда табиий сув манбаълари кам (Қашқадарёни ҳисобга олмаганда). Ўзлаштирилган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш ва янги ерларни хўжалик муомаласига қиритиш мақсадида Қашқадарё ҳавзасида Чимқўрғон, Пачкамор ва бошқалар кичикроқ сув омборлари қурилган. Чимқўрғон сув омборини сув билан таъминлашни яхшилаш учун Зарафшон дарёсидан бошланувчи ва мил. ав. 2-аср да қазилган ва мўғуллар томонидан кўмилиб ташланган Эски Анҳор канали 1953—55 йил ларда тикланиб ишга туширилди. 1972 йил да *Қарши магистрал канали* ва Таллимаржон сув омбори барпо этилди. Зич жойлашган

коллектор — зовур тармоқлари мавжуд. Қ. ч. Бухоро — Қарши артезиан ҳавзаси таркибига киради. Ҳавзада ер ости шўр сув қатламлари турли чуқурликларда, тўртламчи, неоген, палеоген, бўр, юра ва палеозой даврлари тоғ жинсларида жойлашган. Уларнинг таркибида хлоридсульфат тузлари мавжуд. Палеозой даври қатламларидаги сувлар юқори босимли. Қ. ч. нинг шарқий ва шим.шарқий чала чўл қисмида оч тусли бўз, ғарбий худудида шўрланиш даражаси ҳар хил бўлган тақирли, сурқўнғир, Шўрасой, Чорағил ботикларида ва ўзансимон пастликларда шўртоб, шўрхок, дарё бўйларида ва суғориладиган ерларда ўтлоки тупроқлар тарқалган. Чўлнинг суғориладиган ерларида сизот сувлар ер юзасига чиқиб тупроқларнинг шўрланишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли махсус мелиоратив чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўсимлик турлари ҳар хил. Чўл минтақасида шувок, сингрэн, жузғун, куёнсуяк, кейреук, янтоқ ва юлғун ўсимликлари кенг тарқалган. Қумликларда куёнсуяк, жузғун, оқ саксовул, селин; тақирли тупроқларда юлғун, қора саксовул билан бирга учрайи. Бўзқўнғир тупроқларда парте-сингрэн ва турли эфемерлар тарқалган. Шўрхоқларда, асосан, сарсазан, донашўр, ажрик, шўралар ўсади. Дарё ўзани яқинидаги тўқай ўсимликлари юлғун, янтоқ, баъзан, қора саксовул, турли эфемерлардан иборат. Қ. ч. табиий газ ва нефть захираларига бой. Машхур Шўртан табиий газ кони, шунингдек, Зеварди, Кўқдумалоқ ва бошқалар йирик нефть ва газ конденсат конлари бор. Янги ерларни ўзлаштириш, кўплаб нефть ва газ конларининг очилиши (Муборак, Помуқ атрофларида) билан Қ. ч. да саноат ривожланди. Чўлда Таллимаржон, Муборак, Косон, Касби, Нишон каби йирик маъмурий ва саноат марказлари барпо этилди. Самарқанд — Қарши т. йил (144 км), Бухоро — Қарши электр линиялари қурилиб ишга туширилди. Қ. ч. нинг энг йирик саноат шаҳри *Ҳаршидир*.

Ад.: Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002; Ходжибаев Н.Н., Мавлянов Э. В., Алтмев С. А., Инженерная геология Каршинской степи, Т., 1976; Бабушкин Л. Н., Когай Н. А., Физикогеографическое районирование Средней Азии и Узбекистана, ТашГУ, вып. 231, Т, 1964.

Мурод Маматқулов.

ҚАРШИ ҚАМАЛИ (1512 йил) — *сафавийлар* қўшини ва *Бобур* лашкарлари томонидан шаҳарни қамал қилиниши. Сафавийлар қўшинига шоҳ Исмоил I, вазири амир Нажми Соний кўмондонлик қилган. Бобур *шайбонийларга* қарши туришга ожизлик қилгач, Исмоил I дан кўмак сўраган ва бу кўшин (60 минг киши) билан юртига қайтган (1512 йил сентябр-окт.). Қарши ҳокими Шайхим мирзо (Убайдуллахоннинг тоғаси) шаҳарни қаттиқ ҳимоя қилган. Бундан ғазабланган шиа лашкарбошиси Нажми Соний шаҳар қўлга олинса қатли ом этишга қарор қилади. Тарихчиларнинг ёзишича, Бобур ва ҳатто қизилбошлилар амирлари ҳам шаҳар ичида ҳазрат Али авлодига мансуб саййидлар борлигини айтиб Нажми Сонийдан қатли ом ўтказмасликни илтимос қилишларига қарамасдан Қарши эгаллангач, 15 минг киши қиличдан ўтказилган (шоир Биноий ҳам шу қирғинда ҳалок бўлган). Мовароуннаҳр аҳолиси бундан ғазабланиб қизилбошлилар қўшинига қарши оёққа турган. Ғиждувон жангида (1512 йил 12 нояб.)ги мағлубиятдан сўнг қизилбошлилар қўшини Мовароуннаҳрни тарк этган.

ҚАРШИЕВ Кўчқор (1923, Самарқанд вилояти Иштихон тумани — 1945.5.2, Будапештда дафн этилган) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1942 йил март ойдан армияда, июль ойдан фронтда. 407алоҳида танкка қарши қирувчи дивизионининг (2Украина fronti 27армиянинг 78ўқчи дивизияси) тўп командири. 1945 йил янв.да Будапешт остоналари ва шаҳарида бўлган жангларда кўрсатган

жасорати учун 1945 йил 29 июнда (вафотидан сўнг) Қахрамон унвони берилган. Митов шаҳарчасидаги 11 ўрта мактаб ва Иштихон туманидаги 39 мактаб олдида унинг бюсти ўрнатилган.

ҚАРШИЛИК ҚЎРСАТИШ

ҲАРАКАТИ — 2-жаҳон уруши даврида Германия, Италия, Япония босқинчиларига, уларнинг иттифокчилари ва маҳаллий сотқин агентларига қарши антифашистик миллий озодлик ҳаракати. Қ.к.х. фашистларга қарши ташвиқоттарғибот, иш ташлаш, босқинчилар маъмуриятига хизмат қилувчи ходимлар, Ватан хоинларини ўлдириш, партизанлик кураши ва умумхалқ қуролли қўзғолонлари шаклида олиб борилиб, Югославия, Франция, Италия, Польша, Чехословакия, Греция, Албания, Хитой, Вьетнам, Корея, Индонезия, Филиппин, Бирма ва бошқалар мамлакатларда кенг тус олган.

Ўзбекистонлик кўплаб жангчилар Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги Қ.к.х. сафларида фаол қатнашганлар. Югославия ва унга яқин ҳудудларда 260 нафар ўзбекистонлик фашизмга қарши жангларда иштирок этган. Фашизмга қарши умумхалқ курашига қўшилган Р.Раҳимов, Н.Амиров, Ҳ.Жабборов, Ҳ.Исмоилов (Франция), А.Мамажонов, Т.Кўчқоров, Ш.Саматов, О.Бердиев (Италия) кабиларнинг қахрамонликлари нуқтилмайди.

Қ.к.х.нинг фашистлар блокени тормор келтиришдаги аҳамияти катта бўлди. Бу ҳаракат анъаналаридан жаҳон халқлари Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун унумли фойдаланмоқдалар.

ҚАРҚАРАЛАР, қўтонлар — *лайлак-симонлар* туркумининг оиласи. 32 уруғи ва 66 тури маълум. Қутб ҳудудларидан бошқа ҳамма жойларда тарқалган. Ўзбекистонда 5 урукка мансуб 8 тури учрайди. Танаси 28—140 см, қаноти 13,5—47 см, оғирлиги 1,25—2 кг. Бўйни, оёқлари ва бармоғи узун, ўрта бармоқ

тирноғи тишчали. Тумшуғи тўғри, учли. Патлари кўкимтир, кулранг, қўнғир, оқ, кўпинча холли. Ўрта минтақадаги Қ. мавсумий, тропик ва субтропик мамлакатларда ўтроқ яшайди. Сув ҳавзаси кирғоқларидаги чакалакзорларда, ўтлоқ ёки очик ерларда ҳаёт кечиради. Бошқа қушлар билан бирга колония бўлиб, дарахт, буталар шоҳига ёки қамишдан уя ясайди. Иккала жинс навбат билан 2428 кун босади. Майда балиқ, бақалар, моллюскалар, ҳашаротлар, баъзан кемирувчилар, қушлар ва бошқалар ҳайвонлар билан озиқланади. Жойларда балиқчиликка бирмунча зиён етказди. Ўрта Осиё ҳудудида оқ қўтон, кўк қўтон, *жшйрон қарқара ва бошқалар* турлари тарқалган.

ҚАРҚАРАЛИ — Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги шаҳар. Яқин т. йил станцияси — Қарағайли (23 км). Қарқарали тоғи этагида жойлашган. Қ. х. тумани маркази. Аҳолиси 7,8 минг киши (2002). Зооветеринария билим юрти бор. Қ 1824 йил да казаклар станицаси сифатида вужудга келган.

ҚАРҚАРАЛИ ТОҒЛАРИ — Қозоғистон паст тоғларининг шарқий қисмидаги тоғ массиви. Қизилтос (бал. 1327 м), Қарқарали (Оқсоран тоғи — Марказий Қозоғистоннинг энг баланд жойи, 1565 м) ва бошқалар дан иборат. Гранит, порфирит, кварцит ва бошқалар лардан таркиб топган. Ён бағирларида чалов ва чаловҳар хил чўл ўсимликлари орасида қарағай ўрмонлари мавжуд. Полиметалл рудалар конлари бор.

ҚАРҚУНОҚЛАР — *чумчуқсимонлар* туркумига мансуб сайроқи қушлар оиласи. Уз. 16—36 см. Тумшуғи икки ёндан сиқилган, учи йирткич қушларники сингари илмоққа ўхшаш қайрилган. Думи узун, ингичка. 12 уруғи, 72 тури маълум. Шим. Америка, Европа, Африка ва Осиёда тарқалган. Буталар ва сийрак дарахтлар ўсадиган жойларда, ялангли-

кларда яшайди. Ҳашаротлар ва майда умуртқали ҳайвонлар билан озикданади. Бошқа қушларнинг овозига тақлид қила олади. Дарахт ва буталарга уя қуради. Айрим турлари ўз ўлжасини майда бутокларга қадаб кўйиб, озик ғамлайди. Ўзбекистонда Қ.нинг 4 тури тарқалган. Қора пешона Қ. (Б. гшпог) тоғ этакларида, узун думли Қ. (Б. 8спасп) Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарёнинг ўрта оқими ва Сирдарёнинг юқори оқимида; олатўнғиз (Б. сшШиз) ва кулранг, яъни катта Қ. қушлар учиб ўтиши даврида учрайди. Зараркуанда ҳашаротларни кириб фойда келтиради.

ҚАРҒА — осмоннинг Жанубий ярим шарида жойлашган юлдуз туркуми; энг равшан юлдузи 2,6 юлдуз *катталигида*. Қ. Ўзбекистонда март — апрель ойларида яхши кўринади.

ҚАРҒАКЎЗ — лоладошлар (пиёзгуллилар) оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Евросиёда 7 тури тарқалган. Энг кўп тарқалган тури о д дий Қ.нинг барглари тухумсимон ёки наштарсимон, пояда доира бўлиб жойлашган. Гуллари битта, сарғишяшил, косача барглари 3—10 та, меваси резавор, кўп уруғли, қора. Ўрмонларда буталар орасида, зах жойларда ўсади. Захарли.

ҚАРҒАЛАР — *қарғасимонлар* оиласига мансуб 2 тур: кулранг Қ. ва қора Қ.нинг умумий номи. Баъзан 1 турнинг 2 кенжа тури сифатида қаралади. Уз. ўртча 47 см. Кулранг Қ пати кулранг ва қора; қора Қ.ники — фақат қора бўлади. Бу 2 тур ареали чегарасида оралик тусли гибрид формалар ҳам учрайди. Қора Қ. Европа ва Осиё ғарбида ва Шим. Америкада; кулранг Қ. Евросиёнинг бошқа ҳудудлари ва Шим. Африкада тарқалган. Ўрмонлар, хиёбонлар, баъзан қамишзорларда уя қуради. Кулранг Қ. хар хил мухитга мослана олиши ва мураккаб хулқ-атвори туфайли шаҳарларда кўп учрайди. Айрим жойларда ўрдаклар ва

бошқалар қушлар уясидаги тухумлари ва болаларини еб, бирмунча зиён етказилади.

ҚАРҒАСИМОНЛАР — сайроқи *чумчуқсимонлар* туркуми оиласи. Анатолик тузилишига кўра бирмунча содда; лекин нисбатан мураккаб хаттиҳаракатлари билан бошқа чумчуқсимонлардан ажралиб туради. Айрим Қ. товушга тақлид қилади (одам овозини тақрорлайди). Уз. 18—70 см. Тумшуги ва оёқлари бақувват, бурун тешиклари кенг ва қиллар билан тўсилган. 26 уруққа мансуб 104 тури бор. Янги Зеландия ва айрим о.дан ташқари Ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистон фаунасида 4 уруғ (қарғалар, ҳаққалар, хўжасавдоғарлар, тоғ зағчалари)га мансуб 9 тури тарқалган.

Кўпчилик Қ. гала бўлиб яшайди; айрим турлари колония бўлиб уя қуради. Уясини дарахтлар шохи, коваги, қоя тошлар, биноларга ёки қамишлар орасига қуради. Урғочиси 3—10 та тухум кўйиб, уни босиб ётади. Айрим Қ.нинг эркаги ҳам тухум босади. Ҳар хил озик ейди, кўпчилиги майда кемирувчилар ва ҳашаротлар билан озикланади; баъзи турлари экинлар, қушлар уясидаги тухумлари ва жўжаларини, мўйнали ҳайвонлар боласини еб, бирмунча зиён келтиради.

ҚАРҒАТИРНОҚ — қ. *Оқчитир*.

ҚАРҒАТУЁҚ, пўфанак — айиктовондошлар оиласига мансуб кўп йиллик илдизпояли ўтлар туркуми, доривор ўсимлик. 90 га яқин тури маълум. Россияда 46 тури тарқалган, баъзи турлари Ўрта денгиз соҳилларида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ўзбекистонда 6 тури ўсади. Бандли Қ. (А.реЙоппока 1иг.) нинг бўйи 5—25 см, барглари бандли, панжасимон, гули йирик, оч сариқ ёки ок. Меваси бир уруғли ёнғоқча. Мартапр. ойларида гуллаб, апр. майда уруғлайди. Чўл, адир ва тоғ зоналарида учрайди. Қ.нинг кўп турлари захарли.

ҚАСИДА (араб. — кўзламоқ, ният килмоқ) — Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърый жанрлардан бири. Қ. бирор шахснинг (кўпинча ҳукмдорнинг) мадҳига бағишланган. Қ. учун кўтаринки, тантанавор оҳанг хос. Ҳажми 20 байтдан 200 байтгача бўлиши мумкин. Ғазалга ўхшаб қофияланади (аа, ба, ва, ...). Композицияси ғазалга нисбатан мураккаб бўлиб, насиб (ёки ташбиб) деб аталувчи лирик муқаддима, гурезгоҳ (қочиш жойи; насибдан асосий қисм — мадҳга ўтиш ва зифасини бажарувчи байт ёки байтлар), мадҳ (мақтов) ва мамдуҳ (мақталаётган шахс) ҳақидаги дуо ва матлабни ўз ичига олувчи хулоса қисмлардан иборат. Қ. мазмунига кўра, Қ.и. баҳория, Қ.и. ишқия, Қ.и. ҳолия (ўз аҳволдан шикоят тарзида), Қ.и. ҳамрия (май билан боғлиқтасвир), Қ.и. ҳазония (куз тасвири), Қ.и. фахрия (шоирнинг ўз истеъдодидан фахрланиши), Қ.и. ҳажвия типиди бўлиши мумкин. 11—12-асрлардан унинг мазмун ва мавзу доираси кенгайиб, фалсафий, ахлоқий, ижтимоий Қ.лар ҳам ёзилган (мас, Унсурий, Анварий, Хоқоний Қ.лари).

Ўзбек мумтоз Қ.лари араб ва форс қасидачилиги заминиди юзага келган, унинг илк намуналари «*Девону луготит турк*»яа учрайди. 15-асрда *Саккокий*, *Лутфий*, *Гадоий*, *Амирийлар* ижодида Қ. ўзининг юкори босқичига кўтарилган. Айниқса, Саккокий яратган Қ.лар алоҳида ажралиб туради. Унинг девонида 10 та Қ. бўлиб, ундан 4 таси ҳукмдор ва олим *Мирзо Улугбекка* бағишланган. *Алишер Навоий*нинг оригинал композиция ва услубга эга бўлган «Ҳилолия», катта ижтимоий мазмун ташувчи «Тухфат улафкор» («Ситтаи зарурия»)дан Қ.лари машҳурдир. Кейинги даврда ўзбек адабиётида *Мунис ва бошқалар* шоирлар ҳам бу жанрга мурожаат қилганлар.

Ҳоз. ўзбек адабиётида ҳам Қ. жанрида бир қанча асарлар яратилган (Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжон, Т. Тўла, Э.Воҳидов, А.Орипов ва бошқалар).

ҚАСИРҒА — қ. *Тўфон*.

ҚАСКЕЛЕН — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар (1963 йилдан). Орқа Или Олатови этагида. Олмаотадан 23 км ғарбда. Шаҳар қ. х. маҳсулотлари етиштириладиган р-нинг маркази. Аҳолиси 33,7 минг киши (2002). Сабзавотконсерва з-ди, тикувчилик ва атторлик фкалари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Сабзавотконсерва, сут ва бошқалар здар ишлаб турибди.

ҚАСМАЛДОҚ — бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Европа, Африка ва Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда ювенил Қ.и, уч дюмли Қ., еттибўғим Қ., ёйилган Қ. каби турлари учрайди. Пояси тирсаксимон буқилган. Бўйи 20—50 см. Барг новлари сийрак тукли ёки туксиз. Бошоқлари наштарсимон, тасбеҳсимон, цилиндрсимон. Апр.июль ойларида гуллабуруғлайди. Барча турлари чўл, адирларда, тоғ этақларида, баҳори экинлар далаларида, шудгор ва бўз ерларда ўсади. Чорва моллари учун яхши емхашак.

ҚАСР — подшо, хон ва бошқалар ҳукмдорларнинг ҳашаматли *сарош*, қалъабанд бино; яна қ. *Арк*, *Кўшк*.

ҚАСР ал-ХАЙР ал-ҒАРБИ — Суриядаги меъморий ёдгорлик (727), Химс шаҳрининг шарқида. Умавийларнинг чўл меъмورлиги намунаси. Қаср мурабба тарҳли, ички ҳовлили, ташқи деворлари яримайлана миноралар, маҳобатли пештоқдан иборат. Безакларида деворий расмлар, нақшлар, хайкалтарошлик асарларидан фойдаланилган.

ҚАТАР, Қатар Давлати (Давлату Қатар) — Жанубий Ғарбий Осиёдаги давлат. Қатаря.одажойлашган. Майд. 11,4 минг км². Аҳолиси 793,3 минг киши (2002). Пойтахти — *Дўҳа шаҳри*

Давлат тузуми. Қ. — мутлақ монар-

хия. Амалдаги конституцияси 2003 йил апр.даги референдумда маъқулланган ва 2005 йилдан кучга кирган. Давлат бошлиғи — амир (1995 йилдан шайх Ҳамад бин Халифа Ол *Соний*); у қуролли кучлар бош қўмондони ҳамдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Соҳил қисми паст, маржон рифлари билан ўралган. Ер юзаси чўл ландшафтли текисликдан иборат (энг баланд жойи 56 м), воҳа кам, айрим жойларда ботқоқлашган текислик. Нефть ва табиий газ конлари бор.

Иқлими тропик, қуруқ иқлим. Январнинг ўртача т-раси 16°, июлники 32°, энг юқори т-ра 45». Йиллик ёғин 125 мм чамасида. Қ.да мунтазам оқиб турадиган дарёлар йўқ. Чўл ўсимликлари ўсади.

Аҳолиси, асосан, маҳалий араблар; қолганлари бошқа араб мамлакатлари, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ҳамда Африкадан келганлар. Расмий тил — араб тили. Давлат дини ислом. Шаҳар аҳолиси 91%. Асосий шаҳарлари: Дўха, УммСаид, Дўхан.

Тарихи. Қатар я.о.да аҳоли мил. ав. 3—2-минг йилликдан яшаб келган. Қ.ни бир неча марта *Сосонийлар* эгаллаган. 7—10-асрларда *Араб халифалиги* таркибида бўлган. 10-асрдан Қарматлар давлатига кирди. 13¹⁴-асрларда Баҳрайн амирлиги ҳукмронлиги остида бўлди. 16-аср бошларида португаллар, кейинроқ усмонли турклар босиб олди. 18-асрнинг 2-ярмида Қ. худудида Соний сулоласи бошчилигидаги кичик султонлик ташкил этилди. Бу сулола 19-асрнинг охирида Қ.ни бирлаштирди. 1871 — 1914 йилларда Қ. яна Усмонли турк империяси ҳукмронлиги остида бўлди. 1916—71 йилларда Буюк Британия протекторати. 1971 йил 1 сентябрда мустақил давлат деб эълон қилинди. Қ. — 1971 йилдан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 3 сентябр — Мустақиллик куни (1971). ЎЗР суверенитетини 1991 йил 30 дек.да тан олган ва 1997 йил 27 нояб.дан дипломатия муносабатларини ўрнатган. Қ.да сиё-

сий партия ва касаба уюшмалари йўқ.

Хўжалиги. Қ. иқтисодиётининг асоси — нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш; асосий нефть конлари Дўхан р-нида жойлашган. Ялпи ички маҳсулотда к.х.нинг улуши 1%, саноатники 49%, хизмат кўрсатиш тармогиники 50% ни ташкил этади.

Саноатида нефтдан ташқари, табиий газ ҳам қазиб чиқарилади. Шунингдек, ўғит, нефть кимёси саноати маҳсулотлари, цемент ишлаб чиқарилади, газ суюлтирилади. УммСаид шаҳрида металлургия 3-ди ишлайди. Автомобилларни таъмирлаш устахоналари, алкоғолсиз ичимликлар здлари бор. Йилига ўртача 5,9 млрд. кВтсоат электр энергияси ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги султ ривожланган. У ички эҳтиёжнинг 10% ни қондиради. Воҳаларда хурмо (финик пальмаси) ўстирилади; буғдой, маккажўхори, тарик, жўхори, сабзавотлар экилади, боғдорчилик билан шуғулланилади. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик (кўй, эчки, туя боқилик) мавжуд. Соҳилга яқин сувлардан балиқ, криветка овланади, марварид олинади.

Қ.да темир йўл йўқ. Автомобиль йўллари уз. 1,2 минг км (90% қаттиқ қопламали). Газ ва нефть қувурлари уз. 550 км дан зиёд. Денгиз савдо флотининг тоннажи — 636 минг т дедвейт. Денгиз портлари: Дўха ва УммСаид. Қ. четга нефть ва нефть маҳсулотлари, ўғит, цемент, суюлтирилган газ, денгиз маҳсулотлари чиқаради. Четдан озик-овқат, саноат жиҳозлари, кенг истеъмол моллари олади. Ташқи савдода Япония, АҚШ, Буюк Британия, БАА, Германия билан ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — Қатар риали.

Тиббий хизмати, маорифи ва маданий-маърифий муассасалари. Аҳоли учун тиббий хизмат бепул. Врачлар чет элда тайёрланади. Ўрта мактабларда ўқиш бепул. Ўрта умумий таълим ва ҳунартехника ўқув юртлари, ун-т бор. Миллий музей, аквариум, этн. музейи,

миллий кутубхона фаолият юритади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Қ.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «алАраб» («Арабча», араб тилидаги кундалик газ., 1957 йилдан), «Асуак алХолиж» («Кўрфаз бозорлари», араб тилидаги ойлик жур., 1980 йилдан), «алВатан» («Ватан», араб тилидаги кундалик газ., 1995 йилдан), «Галф таймс» («Кўрфаз вақти», инглиз тилидаги кундалик ва ҳафталик газ., 1978 йилдан), «арРайя» («Байроқ», араб тилидаги кундалик газ., 1978 йилдан), «ашШарк» («Шарк», араб тилидаги кундалик газ., 1985 йилдан). Қ. ахборот агентлиги ҳукумат агентлиги бўлиб, 1975 йил тузилган. «Катар бродкастинг сервис» ҳукумат хизмати 1968 йил, «Катар телевижи сервис» телекўрсатув хизмати 1970 йил ташкил этилган. Қ.да «алЖазира» мустақил араб йўлдош телеканали (1996 йил асос солинган) қароргоҳи жойлашган.

КАТАҒОН — қ. *Репрессия.*

КАТАҒОН, қагафонлар — ўзбеклар таркибидаги йирик қабила. Афғонистон шим. р-нлари (Кундуз ва Тошкўрғон), Тожикистон (Кўхитанг тоғининг шарқий ён бағирлари, Вахш, Сурхон, Панж ва Яхсу дарёларининг бўйлари)да, Ўзбекистон худудида, асосан, Қашқадарёнинг Шаҳрисабз воҳаси (Яккабоғ дарёсининг юқори оқими), Бухоро воҳаси (Навий ва Каттакўрғон туманлари), Хоразм, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида яшашган. 1924 йилда Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи Қ.ларнинг умумий сони 27,2 минг киши бўлган. Фарғона водийси ҳамда Тошкент воҳасида яшаган Қ.лар 18—19-асрларда батамом ўтроқлашган. Қ.лар бир неча уруғларга бўлинган. Ўтмишда чорвачилик билан шуғулланишган, асрлар давомида ўтроқлашиб, деҳқончилик қилганлар.

«КАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ — Ўзбекистон

ФА тизимидаги илмиймаърифий муассаса. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» (2001 йил, 1 май)ги фармони асосида Тошкент шаҳрида «*Шаҳидлар хотираси*» ёдгорлик мажмуи (2002 йил, 31 авг.да) барпо этилган. Музей чор ва совет ҳокимияти даврида ватан озодлиги йўлидаги фаолияти ҳамда хаттиҳаракати учун қагафон этилган ватандошлар хотирасини абадийлаштириш максимида ташкил қилинган. Музейнинг илмийтематик экспозицияси куйидаги 7 бўлимдан иборат: 19-асрнинг ўрталарида Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва унга қарши халқ кўзғолонлари; Туркистон мухториятининг тугатилиши ва 20-й.лардаги қагафон; «Қулоқлаштириш» компанияси (30-й.лар); 30-й.лардаги қагафон; 40—50-й.лардаги қагафон; 80-й.лардаги қагафон («Пахта иши»); Мустақил Ўзбекистонда қагафон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши.

Музейнинг асосий вазифалари куйидагилар: қагафончилик сиёсатининг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш ва уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида акс эттириш; мамлакатимиз фуқароларини, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи отабоболаримизнинг хотирасига хурмат руҳида тарбиялаш; қагафон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавиймаърифий тадбирларни амалга ошириш ва тарғиб этиш; қагафон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш; илмийижодий меросини тўллаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш; музей фондлари ва экспозицияларини мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли хужжатлар ва бошқалар экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб бориш. Музей «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Қишлоқ фожияси» (Р. Шамсутдинов), «Абдулла Қодирий» (С. Мирвалиев), «Чўлпон» (Н.Каримов) тадқиқотлари,

Мунавварқори Абдурашидхонов ва Ботунинг «Танланган асарлар»ини нашр этган, Ўзбекистон хужжатли ва бадий фильмлар киностудияси ҳамда «Ўзбектелефильм» студияси билан ҳамкорликда «Барҳаёт хотира», «Армонли йиллар кўзгуси», «Фидойи олим», «Миртемир» сингари хужжатли фильмлар яратган. Музей биноси мамлакатимизнинг ноёб меъморий иншоотларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва ғояси асосида лойихаланган ва бунёд этилган (2002, меъмори А.Турдиев ва бошқалар). Бино анъанавий меъморлик услуби (айвон, гумбаз, пешайвон, равоқ ва бошқалар)да қурилиб, миллий безаклар билан зийнатланган. Музей биноси мурабба тарҳли (20x20 м), бал. 20 м, гумбазли (бал. 6,2 м, диаметри 5,8 м; феруза ранг гумбази «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидаги айвон гумбази билан уйғун), бино атрофи кенглиги 4 м бўлган очик айвон билан ўралган, ундаги 28 та устун ва тўсинлар ҳамда 4 тарафдаги кириш зинапоялари бинога ўзига хос салобат бахш этади. Бинонинг пастки қисмида техникмуҳандислик, маъмурият ва бошқалар қўшимча хоналар жойлашган, улар кўргазма зали билан махсус йўлак ва зинапоялар орқали узвий боғланади. Бино безагида мрамор, ҳақик, гранит тошлар, рангли кошинлардан фойдаланилган, ёғоч ўймакорлиги (ААбдуллаев, С.Раҳматуллаев, Н.Соҳибназаров ва бошқалар), ганчкорлик (М.Муродов ва бошқалар), наққошлик (А.Каримов ва бошқалар), кошинкорлик (М.Мамажонов, Р.Муҳаммадҷонов, М.Шедрин, В.Ган ва бошқалар), гумбазнинг ички безагида мураккаб ироқи *муқарнас* маҳорат билан қўлланилган. Бинони барпо этишда Тошкент шаҳри меъморлик бош бошқармаси ҳамда «Усто» ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси усталари фаол иштирок этган.

ҚАТВОН ЖАНГИ — қорахонийлар ва салжуқийларнинг бирлашган қўшини билан қорахитойлар ўртасида бўлган

жанг (1141 йил 9 сентябр). Самарқанд яқинидаги Қатвон даштида содир бўлган. Қорахонийларнинг Самарқанддаги ҳокими Маҳмудхон 1137 йил Хўжанд яқинида қорахитойлардан мағлубиятга учрагач, салжуқийлар султони *Санжариян* кўмак сўраган. 1141 йил июлида Санжар 100 минг (бошқа манбаларга кўра, 70 минг) жангчидан иборат қўшин билан Амударёдан ўтиб Самарқандга йўл олади. Гурхон Елюй Даши қўшини киданлар, хитойлар ва баъзи туркий қавмлардан (50 минг кишилик қарлуқлар қўшини улар томонига ўтган эди) ташкил топган 100 мингдан зиёд жангчидан иборат бўлган. Бу жангда қорахитойлар киданларнинг севимли ҳарбий усули: ракиб қўшинини ён томондан айланиб ўтиб, кўкқисдан ҳамла қилиш тактикасини қўллашган. Гурхон қўшинини 3 қисмга ажратиб, уларнинг ҳар бирига ракиб томон қўшинини ўраб олишни бош вазифа қилиб қўяди. Санжар қўшинининг жанговар тартибини 2 қанот ва марказдан иборат қилиб тузиб, марказга ўзи бошчилик қилади. Жангда қорахитойларнинг қанот қисмлари иттифоқчилар қўшинининг орқа томонига ёриб ўтиб уни қуршаб олган. Санжар қўшини тартибсиз чекиниб, Дарғом бўйидаги бир дарага қисиб қўйилган, юзлаб жангчилар дарё суви ёки каналда ғарқ бўлган. Санжар ёнидаги 300 отлик ва шахсий кўриқчилари билан қуршовни ёриб чиқиб Термизга кетишга эришган. Қ.ж.да манбаларга кўра, 70 минг мусулмон шахид бўлган. Гурхон жанг майдонида 3 ойга яқин туради, сўнгра Карманага йўл олган. Бу ерда у янги давлат Қорахитойлар давлати (Ғарбий Ляо) барпо этилганини эълон қилган. Қ.ж. кўчманчиларнинг Марказий Осиёга кириб келиш йўлларини очиб берган. Қорахонийлар уларнинг вассалига айланган, қорахитойлар давлати бошлиғи — Гурхонга солиқ тўлаб туришлари лозим бўлган. Қорахитойлар қорахонийларнинг ички ишларига аралашмаганлар, уларнинг пойтахти илгаригидек *Боласоғун шаҳри* ҳисобланган.

Фахриддин Ҳасанов.

КАТИҚ — қаймоғи олиниб ёки олинмай пиширилган сигир сутига томизғи солиб ивителидагидан сут кислотали парҳез маҳсулот. Таркибидаги ёғ миқдорига қараб ёғли (3,2% сут ёғи) ва кам ёғли (сут ёғи 0,05% дан ошмайди) катиклар бўлади. 3дларда оддий қаймоғи олиниб ёки олинмай пастеризацияланган сутга сут кислота ҳосил қиладиган стрептококкли томизғи солиб тайёрланади (қ. *Кефир*). Микроорганизмларнинг ривожланиши натижасида ҳосил бўлган ферментлар таъсирида сут таркибидаги лактоза (сут қанди) сут кислотасига айланиб, ўз навбатида, сутдаги казеин (сут оксили)ни ивитиби, қуйилтиради. Натижада сут нордон мазали, қуюқ, янада фойдалироқ неъматга айланади. Қ. киши организмида сутга нисбатан яхши ҳазм бўлади. Қ.ни уй шароитида тайёрлаш учун сут қайнатилиб, кейин 30—35° гача совитилади, сўнгра ивителидагидан идишларга қуйилиб, томизғи (1 литр сутга 1 ош қошиқда қатик ёки сметана) солиб аралаштириб юборилади. Идишнинг қопқоғини ёпиб, қалин қилиб ўраб қўйилади. 4—5 соатдан сўнг Қ тайёр бўлади.

Қ.нинг ўзи истеъмол этилади, овқатларга қўшилади, қувда пишиб сариеғ (маска ёғ) олинади, *айрон*, *сузма*, қоқирим (гуруч пишган сувга Қ. солиб қайнатилган қурук шўрва) тайёрланади.

ҚАТЛАМ (геологияда) — геологик жим, чўкинди тоғ жинслари ётқизилишининг асосий шакли ва уларнинг кетмакет жойлашиши. Қ.нинг литологик таркиби нисбатан бир хил бўлиб, бир-бирига деярли параллел юзалар (юқоридагиси — Қ. усти ва пастдагиси — Қ. ости) билан чегараланади. Қ. қалинлиги узунлигига нисбатан анча кам. Юқоридаги Қ. (нормал ётганда) остки Қ.га қараганда ёш бўлади. Қ. метаморфик жинслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Магматик жинслар ва

рудалар мувофиқ шаклда ётганда уларни Қ. дейиш мумкин. Қ. кўпинча бир неча қатлардан иборат бўлади (мас, таркибида ўзига хос тоғ жинси учрайдиган фойдали қазилма, кўмир Қ., нефтли Қ. ва газли Қ).

ҚАТЛАМ БОСИМИ — нефть уюмидаги суюқлик ва газ босими. Қ.б. нефтли, газли ва сувли қатламлар энергиясини ифодалайдиган энг муҳим белги (параметр)дир; бу босим қатлам қазилгунча кўпгина гидростатик босим (қатлам баландлигига тенг сув устуни босими)га тахм. тенг бўлади. Қ.б. меъёрий ва аномалия ҳолида бўлиши мумкин. Меъёрий Қ.б. қатламнинг жойлашиш чуқурлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, бу босим чуқурликнинг ҳар 10 метрида тахм. 0,1 Мн/м² ошади. Гидростатик босимдан сезиларли даражада фарқ қиладиган босим аномалияли босим дейилади. Нефть ва газ конларида Қ.б., асосан, гидростатик, геостатик (тоғ жинсларининг устки қатламлари массаси таъсирида), геотехник (тектоник жараёнлар таъсирида) босимлар, турли босимли қатламлар орасидаги йўллар, сувлар ва жинсларнинг кимёвий таъсири, шунингдек, ғовак (ўтказувчан) қатламларнинг иккиламчи цементланиши оқибатида ҳосил бўлади ва ўзгаради. Бурғи қудуқлари ўзлаштирилаётганда, уларнинг забойлари (туби) атрофида паст босим ҳосил бўлади. Қатлам қазилаётганда тегишли чоралар кўрилмаса Қ.б. пасаяди. Қатламнинг турли нукталаридаги Қ.б.ни киёслаш учун муайян битта текисликда деб тасаввур қилинади. Бундай текислик сифатида, одатда, шартли равишда қатламдаги сувнефть контактининг дастлабки ҳолати олинади. Кон қазииш жараёнида Қ.б.нинг ўзгариши доимий қайд қилиб борилади. Бу эса, қатламда содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш ва кондаги ишларни назорат қилиб туришга имкон беради. Бурғи қудуқларидаги Қ.б. монометрлар ёрдамида ўлчанади.

ҚАТЛАМА — оддий хамирдан юпқа

ёйиб, ёгда пишириладиган таом. Бошқа шу каби пишириклардан қатламлиги билан ажралиб туради. Қ тайёрлаш учун сув ва туз қўшиб оддий хамир қорилади, каттароқ зувалалар узиб, ўраб, 10—12 минут тиндириб қўйилади. Сўнгра ҳар бир зувала ўқлоғи билан юпка (1—2 мм) қилиб ёйилади ва ёймага қаймоқ ёки сариёғ, маска ёғи, эритилган қўй ёғидан суртилиб, рулетсимон ўралади, ундан 5—6 см ли бўлақлар кесилади. Бўлақлар жўвада алоҳидаалоҳида 0,5—1 см қалинликда ёйилади, қиздирилган қозонда ёки товада атрофига ёғ суртиб, аввал бир томони, сўнгра иккинчи томони кизартириб пиширилади. Баъзан пиштан Қ.нинг юзига таъбга кўра шакар ёки қанд упаси сепилади.

ҚАТОРЛАБ ЭКИШ — к.х. экинларини экишнинг асосий усули. Бунда уруғлар ораси бир хил кенгликдаги параллель қаторлар тарзида экилади. Қ.э.нинг кўпгина хиллари: пунктир, қатор уялаб, қўш қаторлаб, шунингдек, ҳар бир уяга белгиланган ёки аниқ миқдорда экиш усуллари мавжуд. Қ.э.нинг аниқ миқдорда уруғ ташлаб экиш усули энг самарали ҳисобланади (уруғлик сарфи 2—3 баравар камаяди), яганалашга ҳожат қолмайди.

Қ.э. экин қатор ораларини ишлашда, ўғит солишда, ўсув даврида, сўғоришда, к.х. зараркуналларига қарши курашда, шунингдек, ҳосилни йиғиб олишда к.х. техникасидан кенг фойдаланишда қулайлик туғдиради.

ҚАТОРЛАР — қуйидаги кўринишдаги ифода: $a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots$. X каби белгиланади. Йиғиндида қатнашган a_1, a_2, \dots, a_n элементлар қаторнинг ҳадлари, a_n эса умумий ҳади. Қаторнинг ҳадлари сонлар, функциялар, векторлар, матрицалар ва бошқаларни ифодалаш мумкин. Шунга кўра, сонли, функционал, векторлар, матрицалар қатори бўлади. Агар $\lim_{n \rightarrow \infty} \delta_n$ чекли лимит мавжуд бўлса, қатор яқинлашувчи (бу ерда $\delta_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n = \xi$,

$a_n \sim$ Катор нинг қисмий йиғиндиси; 8 — қатор йиғиндиси), акс ҳолда узоқлашувчи деб аталади.

Қатор яқинлашиши бир қанча мезон ва аломатлар ёрдамида текширилади. Мас, сонли Қ. учун Коши мезони, таққослаш аломатлари, Д'аламбер, Коши Раабе, Гаусс, Лейбниц, Абель, Дирихле, Коши Маклореннинг интеграл аломатлари ва бошқалар мавжуд. Сонли Қ.нинг яқинлашишини аниқлашда кўп ҳолларда уларни қуйидаги икки қатор билан таққослаш яхши натижа беради.

Мушлақ яқинлашувчи қаторда унинг йиғиндисини ўзгартирмасдан ҳадларининг ўрнини алмаштириш ва баъзи ҳадларини бирлаштириш мумкин. Шартли яқинлашувчи Қ.да бундай тасдиқ ўринли эмас.

Сонли бўлмаган бошқа Қ.ни текшириш учун ҳам сонли Қ.ни текширишда ишлатиладиган ва шунга ўхшаш аломатларидан фойдаланилади.

ҚАТРАНҒИ — к. *Тошдарахт*.

ҚАТРОН, татун — қарамгулдошлар мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Осиё ва Европада 30 тури маълум. Россия, Ўрта Осиёда ўсади. Ўзбекистонда кочи Қ.и, шарқ ёки ёқимли Қ. турлари тарқалган. Кочи Қ.ининг пояси тарва қайлаб шохланган. Бўйи 50—150 см Илдиз бўғзидаги барглари узун бандли, уз. 30 см, эни 50 см, буйраксимон ёки думалоқ тухумсимон, туби юраксимон, чети йирик тишли, усти ғадирбудир. Гуллари оқ, март—май ойларида гуллаб, май—июнда уруғлайди. Меваси думалоқ кўзоқча. Айрим турлари барги сабзавот сифатида овқатга ишлатилади, хабашистон Қи тури уруғида 47—53% мой бор. Адир ва тоғ ёнбағирларида учрайди. Чорва моллари учун тўйимли емхашак.

ҚАТТИҚ ЁКИЛҒИЛИ РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ — к. *Ракета двигатели*.

КАТТИҚ ЖИСМ — модданинг шакли тургун агрегат ҳолати. Бу ҳолатда модда атомларининг иссиқлик ҳаракати уларнинг мувозанат вазиятлари атрофида кичик тебранишларидан иборат бўлади. Кристалл ва аморф Қ ж.лар мавжуд. Кристалларда атомларнинг мувозанат вазиятлари фазода даврий жойлашади. Аморф жисмларда а атомлар тартибсиз жойлашган нукталар атрофида тебранади. Қ.ж.нинг тургун (энг кичик ички энергияли) ҳолати кристалл ҳолатдир. Термодинамик нуқтаи назардан аморф жисм метатургун ҳолатда бўлади ва вақт ўтиши билан кристалланиши керак. Табиатдаги барча моддалар (суюқ гелийдан ташқари) атм. босимида ва $T > 0$ К града қолади. Қ.ж. хоссаларини унинг атоммолекуляр тузилишини ва зарралари ҳаракатини билган ҳолда тушунтириш мумкин. Қ.ж.нинг макроскопик хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва тартиблаштириш 17-асрдан бошланган. Қ.ж.га механик куч, ёруғлик, электр ва магнит майдон ва ҳ.к.нинг таъсирини ифодаловчи бир қатор эмпирик қонулар очилди: Гук қонуни (1660), Дюлонг ва Пти қонуни (1918), Ом қонуни (1826), Видеман — Франц қонуни (1835) ва бошқалар Қ.ж. атомлар, молекулалар ва ионлардан тузилади. Қ.ж.нинг тузилиши атомлар орасидаги таъсир кучига боғлиқ. Бир хил атомларнинг ўзи турли структураларни ҳосил қилиши мумкин (кул ранг ва оқ қалай, графит ва олмос ва ҳ.к.). Ташқи босим ёрдамида атомлараро масофани ўзгартириб, Қ.ж.нинг кристалл тузилишини ва хоссаларини тубдан ўзгартириш мумкин. Кўпгина яримўтказкичлар босим остида металл ҳолатга ўтади (олтингугурт 8 120000 атм. босими остида металлга айланади). Ташқи босим туфайли 1 атомга тўғри келадиган ҳажм атомнинг одатдаги ҳажмидан кичик бўлиб қолганда атомлар ўз индивидуаллигини йўқотади ва модда ўта сиқилган электронядровий плазмага айланади. Модданинг бундай ҳолатини ўрганиш, хусусан, юлдузлар-

нинг структурасини тушуниш учун жуда муҳим. Қ.ж.нинг тузилиши ва хоссаларининг ўзгариши (фазавий ўтишлар), т-ра ўзгарганда, магнит майдон таъсирида ва бошқалар ташқи таъсирлар натижасида ҳам юз бериши мумкин.

Боғланишларнинг тури бўйича Қ.ж. бир-биридан электронларнинг фазовий тақсимооти билан фарқ қиладиган 5 синфга ажралади: 1) ионли кристалларда (NaCl , KCl ва бошқалар) ионлар орасида асосан электростатик тортишиш кучлари таъсир этади; 2) ковалент боғланишли кристалларда (олмос, O_2 , 81) қўшни атомларнинг валент электронлари умумийлашган бўлади. Кристалл улкан молекулага ўхшайди; 3) кўпчилик металлларда боғланиш энергияси ҳаракатланаётган электронларнинг ион асос билан ўзаро таъсири туфайли ҳосил бўлади (металл боғланиш); 4) молекуляр кристалларда молекулалар уларнинг динамик кутбланиши туфайли пайдо бўладиган заиф электростатик кучлар (ВандерВаальс кучлари) ёрдамида боғланади; 5) водород боғланишли кристалларда водороднинг ҳар бир атоми тортишиш кучлари ёрдамида бир вақтнинг ўзига 2 та бошқа атом билан боғланади. Боғланишлар тури бўйича тасниф шартли бўлиб, кўпгина моддаларда турли боғланишларнинг комбинацияси кузатилади.

Қ.ж.даги атомлар орасидаги таъсир кучлари турлитуман бўлишига қарамай, электростатик тортишиш ва итаришиш уларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Атом ва молекулалардан тургун Қ.ж.нинг ҳосил бўлиши тортишиш кучлари $\sim 10^8$ см масофаларда итаришиш кучлари билан мувозанатлашини кўрсатади. Баъзи ҳолларда атомларни қаттиқ шарчалар деб қараш ва уларни атом радиуслари билан ифодалаш мумкин.

Барча Қ.ж. етарлича юкори града эрийди ёки буғланади. Бундан фақат қаттиқ гелий мустасно: у (босим остида) т-ра пасайганда эрийди. Эриш жараёнида жисмга берилган иссиқлик атомларара-

ро боғланишларни узишга сарфланади. Турли табиатли Қж.нинг эриш тралари T_3 турлича (мас, мол. водородники — $259,1^\circ$, вольфрамники $3410 \pm 20^\circ$, графитники 4000° дан юқори).

Қж.нинг механик хусусиятлари у тузилган зарралар орасидаги боғланиш кучлари билан аниқланади. Бу кучларнинг турлитуман бўлиши механик хусусиятларнинг ҳам турлича бўлишига олиб келади: баъзи бир Қж. пластик, бошқалари мўрт. Одатда, металллар диэлектрикларга нисбатан пластикроқ бўлади. т-ра кўтарилиши билан одатда пластиклик ортади. Унча катта бўлмаган кучланишларда барча Қж.да эластик деформация кузатилади. Кристаллларнинг мустаҳкамлиги атомлар орасидаги боғланиш кучларига мувофиқ келмайди. 1922 йилда А.Ф. Иоффе реал кристаллларнинг мустаҳкамлиги пастлигини уларнинг сиртидаги макроскопик дефектларнинг таъсири деб тушунтирди (Иоффе эффекти). 1933 йилда Ж. Тейлор, Э. Орован (АҚШ) ва М. Поляни (Буюк Британия) *дислокация*шр тушунчасини таърифлади. Катта механик кучланишлар остида кристалл ўзини қандай тутиши *дислокация* ва кристалл панжаранинг бошқа чизикли дефектлари борйўқлигига боғлиқ. Қж.нинг пластиклиги кўп ҳолларда дислокацияларга, механик хусусиятлари унга нуқсонларни киритувчи ёки йўқотувчи ишлов беришга боғлиқ бўлади. 1926 йилда Я.И. Френкель реал кристаллда панжаранинг нуқтавий дефектлари (вакансиялар, тугунлараро атомлар) бўлишига эътиборни жалб этди ва уларнинг Қж.даги диффузия жараёнларидаги ролини кўрсатди.

Қж.даги атомлар ва ионлар ҳаракатининг тебраниш характериға эға бўлиши эриш т-раси T_3 гача сақланади. Ҳатто $T=T_3$ да ҳам атомларнинг тебраниш амплитудаси атомлараро масофалардан анча кичик бўлади, эриш эса $T>T_3$ га суюқликнинг термодинамик потенциали Қж. никидан кичик бўлиши туфайлидир.

Кристалл панжара динамикаси-

нинг назарияси 20-аср бошида ишлаб чиқилди. У квант назариясини ҳисобга олади. Кристалл панжара атомлари тебраниш ҳаракатининг квантланиши фоннон тушунчасига олиб келди (И.Е. Тамм, 1929) ва Қж. иссиқлик хоссаларини квазизарралар — фоннонлар — гази хоссалари сифатида тавсифлаш имконини берди.

Электрон кашф этилиши билан Қж.нинг электрон назарияси ривожлана бошлади. Немис физиги П.Друде (1900) куйидаги фаразни илгари сурди: металллардаги валент электронлар атомлар билан боғланмаган бўлиб, кристалл панжарани тўлдирувчи эркин электронлар газини ҳосил қилади ва одатдаги сийрақлашган газга ўхшаб, *Больцман тақсимоти*га бўйсунди. Бу моделни голланд физиги Х.А. Лорентц ривожлантирди. Бу назария металлларнинг бир қанча хоссаларини тушунтириб берди. Бироқ унинг асосида ҳисоблаб топилган иссиқлик сифимидаги электронларнинг ҳиссаси тажрибадан кескин фарқ қилди. Металллардаги электрон газини тавсифлашда квант механика ва квант статистика услублари (Ферми — Дирак тақсимоги)ни қўллаш (1927—28, немис физиги А. Зоммерфельд; Я. И. Френкель) Қж.даги кинетик ҳодисалар (электр ва иссиқлик ўтказувчанлик, гальваномангнит ҳодисалар ва бошқалар)нинг квант назариясини ривожлантириш учун асос яратди. $T=0$ да металлдаги электронларнинг маълум бир максимал сатҳ (Ферми энергияси) гача бўлган барча энергия сатҳлари тўлган бўлади. т-ра ортганда электронларнинг озгина қисмигина бу сатҳдан юқорироқ сатҳларга ўтади. Бу ҳол А. Зоммерфельдга (1927) металллар иссиқлик сифимиға электронларнинг ҳиссаси кичик бўлишини тушунтириш имконини берди. Кристалл панжара даврий майдонининг электронлар ҳаракатиға таъсириға квант механика нуқтаи назаридан қараш электроннинг кристаллдаги ҳаракатини тушунтиришға ва Қж.нинг замонавий назарияси асоси бўлган зоналар назариясига олиб келди.

1931 йилда инглиз физиги А. Виль-

сон турли электр хоссаларга эга бўлган Қ.ж.ларнинг мавжуд бўлиши энергетик зоналарнинг $T=0$ да электронлар билан тўлиш характериға боғлиқ бўлишини кўрсатди. Агар ҳамма зоналар электронлар билан тўлган ёки бўш бўлса, бундай жисмлар электр токини ўтказмайди, яъни диэлектрик, электронларға қисман тўлган зоналарға эга Қ.ж. металл бўлади. Яримўтказгичлар диэлектриклардан шу билан фарқ қиладики, уларнинг охириги тўлган (валент) зонаси билан биринчи бўш зонаси (ўтказувчанлик зонаси) орасидаги тақиқланган зонанинг кенлиги кичик бўлади. Кристалларда дефект ёки аралашманинг бўлиши тақиқланган зонада қўшимча энергетик сатҳларнинг пайдо бўлишиға олиб келади. Валент зонаси ва ўтказувчанлик зонаси жуда кам туташган Қ.ж. яримметаллар деб аталади. Тирқишсиз яримўтказгичлар ҳам бўлади; уларнинг ўтказувчанлик зонаси валент зонаға тегиб туради. Металларда Ферми сатҳи тақиқланмаган зонада, яримўтказгичларда Ферми сатҳи тақиқланган зонада жойлашади. Тирқишсиз яримўтказгичларда

Ферми сатҳи валент зонасини ўтказувчанлик зонасидан ажратувчи чегара билан мос тушади. Электрон ўтказувчанлик зонасига ўтганда валент зонада бўш ўрин — ковак ҳосил бўлади. Ўтказувчанлик электронлари ва коваклар яримўтказгичлардаги заряд ташувчилардир.

Абдураим Узоқов.

КАТТИҚ ЖИСМЛАР ФИЗИКАСИ

— *физиканинг* каттиқ жисмларнинг тузилиши ва асосий хоссаларини ҳамда уларда юз берувчи ҳодисаларни ўрганувчи соҳаси. Мустақил соҳа сифатида 20-аср бошларида шаклланиб, *квант механика* яратилгандан сўнг тез ривожлана бошлади. Қ.ж.ф. *кристаллография, металлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, мустаҳкамлик ва пластиклик физикаси, каттиқ жисмлар магнетизми, ўта ўтказувчанлик, радиацион физика* ва

бошқалар соҳаларни, оптика, акустика, паст тралар физикаси, туташ муҳит механикаси, кинетик физика, полимерлар физикаси, тартибсиз ва аморф муҳитлар физикаси ва бошқалар соҳаларнинг айрим бўлимларини бирлаштиради. Бу йўналишларнинг назарий асослари каттиқ жисмлар назариясининг тушунчалари ва қонунларига асосланади. Қ.ж.ф.да физик ҳодисалар (кристалл панжараларнинг тебраниши, фазавий ўтишлар, электромагнит тўлқинишар, хусусан, ёруғликнинг нурулинишар ҳамда ютилиши ва бошқалар) ни экспериментал ва назарий ўрганишға катта аҳамият берилади. Кристалларда нуқсонларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг каттиқ жисмнинг физик хоссаларига таъсири механизмларини ўрганиш муҳим аҳамиятға эга. Қ.ж.ф.да икки асосий усул: феноменологик ва микроскопик усул қўлланади. *Ф* е номенологик усулда каттиқ жисм симметриянинг маълум қонунларини қанотлантирувчи узлуксиз яхлит муҳит деб қаралади. Бу усул кўп сонли экспериментал фактларни тушунтириш имконини беради, бироқ каттиқ жисмларда кузатиладиган ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бермайди. *М* и к роскопик усулда ҳар қандай каттиқ жисмға маълум қонунлар бўйича ўзаро таъсирлашувчи зарралар сифатида қаралади. Бу усулда каттиқ жисмларнинг хоссалари ва уларда юз берадиган ҳодисалар квант механика, *статистик физика, квант электродинамика* қонунлари асосида тушунтирилади. Қ.ж.ф.да мутлақ каттиқ жисм, элементар ғалаёнланиш ёки квазизарралар каби тақрибий модель ва концепциялардан фойдаланилади. Экспериментал Қ.ж.ф.да тадқиқотлар радиоактивацион анализ, рентгеноструктура анализи, радиоспектрокопия, оптик спектроскопия ва бошқалар кўпгина усуллар билан олиб борилади. Қ.ж.ф.нинг муҳим вазифаларидан бири — берилган хусусиятли янги материаллар (ўта каттиқ ва ўта тоза моддалар; юқори трали ўта ўтказгич моддалар) яратиш ва уларни ҳосил қилиш

йўллари асослаб бериш.

Абдураим Узоқов.

КАТТИҚ ФАЗАЛИ РЕАКЦИЯЛАР — қаттиқ моддалар орасида ўзига хос ранг пайдо бўлиши билан борадиган реакциялар. Рангли чўкмалар ҳосил бўлиши ёки эриб кетиши билан борадиган реакциялар ҳам Қ.ф.р. га киради. Кристаллда борадиган кимёвий реакциялар кўпинча нуқсонли жойларда ривожланади. Нуқсонлар кристалл панжаранинг ички қисмида ҳам бўлиши мумкин; бинобарин, кимёвий реакциялар кристаллнинг ички сиртида ҳам ривожлана олади. 2 қаттиқ жисм орасидаги реакция дастлабки моддалар сирти билан маҳсулотлар сирти чегарасида содир бўлиши мумкин. Бундай реакциялар топокимёвий реакциялар деб аталади (юн. хорок — жой демакдир, чунки бу реакциялар кристаллнинг муайян бирор жойида содир бўлади).

Топокимёвий реакциялар жумласига калий перманганатнинг парчаланиши, металлларнинг оксидланиши ва жуذا кўп комплексларнинг ҳосил бўлиш реакциялари киради. Бунга қаттиқ $A\$1$ ва қаттиқ $H\$_1_2$ лардан қаттиқ $A\$_2(H\$_1_4)$ нинг ҳосил бўлиш реакцияси мисол бўла олади. Реакция қаттиқ фазада амалга ошиши учун зарралар қаттиқ жисм орқали диффузияланиши лозим; юқоридаги мисолда $A\$_+$ ионлари $He1_2$ томон, He^{2+} ионлари эса $A\$_1$ томон ҳаракат қилади. $CoCl_2 \cdot 6H_2O$ билан мочевина, $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ билан тиомочевина, $№C16H_2O$ билан ацетамид орасидаги реакциялар топокимёвий реакциялардир. Қуруқ ҳолдаги никель ацетат $№(CH_3COO)_2$ билан диметилглиоксим $C_4H_8O_3M_2$ орасидаги топокимёвий реакция нағижасида қизил тусли маҳсулот ҳосил бўлади. Шу сабабли диметилглиоксим ёрдами билан бирор моддада никель борйўқлигини аниқлаш мумкин.

КАТТИҚ ШАНҚР, бирламчи сифилома — захм яраси. Қ.ш. захм касаллигининг илк белгиси бўлиб, захм микроби

(оқиш трепонема) кирган жойда пайдо бўлади, бу захмнинг бирламчи даврида юз беради (қ. *Захм*).

КАТТИҚ ЭРИТМАЛАР — 2 ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топган ўзгарувчан таркибли, 1 жинсли кристалл ёки аморф моддалар. Компонентлар орасидаги миқдорий нисбат ўзгарганида ҳам Қ.э.нинг 1 жинслилиги сақланиб қолади. Қ.э. ҳосил қилиш хусусияти кўпчилик қаттиқ моддаларга мансублиги учун кўпгина табиий ва сунъий моддалар Қ.э. ҳолида мавжуд. Гидридлар водород билан, карбидлар углерод билан, нитридлар азот билан, оксидлар кислород билан Қ.э. ҳосил қилади. Металлар орасида ҳосил бўладиган Қ.э., айниқса, катта аҳамиятга эга, чунки бунда уларнинг пластиклиги деярли кам ўзгариб, қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва электрга қаршилиги ортади.

Барча Қ.э. 3 гуруҳга бўлинади: сингиш билан ҳосил бўладиган Қ.э.; ўрин олиш билан юзага келадиган Қ.э.; дефект тузилишга эга айрилиш Қ.э. Айрилиш Қ.э. эритма ҳосил қилган модданинг кристалл панжарасида зарралар билан банд бўлмаган бўш ўринлар мавжудлиги билан тафсифланади. Сингиш билан ҳосил бўладиган Қ.э. вужудга келганда эрувчи модданинг атомлари эритувчи металлнинг кристалл панжарасида тугунлараро фазовий бўшлиққа жойлашади (темирда углероднинг эриши бунга мисол бўла олади). Ўрин олиш билан ҳосил бўладиган Қ.э.да эрувчи металл атомлари билан эритувчи металл атомлари кристалл панжара тугунларида бир-бири билан ўрин алмашади (мас, миснинг никель билан, натрий бромиднинг натрий хлорид билан бўлган Қ.э.и).

Қ.э. техникада қўлланадиган энг зарур қотишмалар асосини ташкил этади. Мас, машина ва станоклар яшашда ишлатиладиган қотишмалар (қ. *Бўшатши*, *Пўлатни тоблаш*, *Металларни ишлаш*), зангламайдиган, кислотага чидамли пўлатлар, бронза, жез. Алюминий ва маг-

нийнинг бошқа металллар билан ҳосил қилган енгил ва ўта енгил Қ.э.и жуда мустаҳкам бўлиб, улар электр токининг ўтишига жуда катта қаршилик кўрсатади. Турли шишалар ҳам Қ.э.га мисол бўла олади.

КАТТИҚҚОТИШМАЛАР — юқори (1000° дан юқори) трагача қиздирилганда ўз каттиқлиги, мустаҳкамлиги, кесиш ва бошқалар хоссаларини сақлаб қоладиган материаллар. Ниҳоятда қаттиқ, иссиқбардош, оташбардош, ейилишга чидамли хилларга бўлинади. Қ.к.нинг металлокерамик, минералокерамик ва қуйма гуруҳлари бор.

Металлокерамик Қ.к., асосан, бир ёки бир неча карбиддан — вольфрам, титан, тантал карбидлари ва бошқалардан иборат; боғловчи компонент сифатида, одатда, кобальтдан, камданкам ҳолларда никель, унинг молибден, пўлат билан қотишмасидан фойдаланилади. Металлокерамик Қ.к. пресслаб ва қиздириб ковуштириб, турли шакли ва ҳар хил ўлчамли пластинкалар тарзида тайёрланади. Улардан металл ва қотишмаларни кесиш ишлаш, босим билан ишлаш (сим қирялаш, штамплаш, калибрлаш ва бошқалар), бурғилаш ишлари ва бошқаларда фойдаланилади.

Минералокерамик Қ.к. алюминий оксидли минералларни пресслаш ва чамаси 1750° , трада ковуштириш йўли билан тайёрланади ва турли ўлчам ҳамда шаклдаги пластиналар тарзида бўлади. Минералокерамик Қ.к.нинг каттиқлиги Роквелл бўйича 93 га етади (қ. *Роквелл усули*), 1200° гача қиздирилганда ҳам механик хоссаларини йўқотмайди; кесувчи асбоблар тайёрлашда ишлатилади.

Қуйма Қ.К., асосан, хром, никель, углерод, вольфрам, темир ва бошқалар элементларни қўшиб суюқлантириш йўли билан олинади. Қуйма Қ.к.нинг селлит (ВК2, ВК3), сормайт №1, сормайт №2 ва бошқалар марказлари мавжуд бўлиб, улар деталь ва асбобларнинг ейилган юзаларига суюқлантириб коплаш учун

ишлатилади. Қуйма Қ.к. суюқлантириб копланган юзанинг ейилишга чидамлилиги 2—4 барабар ортади, каттиқлиги эса Роквелл бўйича 40—50 бирликка етади.

КАТТИҚЛИК — 1) металлургияда — бирор жисм (мас, металл)нинг қаттиқ жисмнинг ботишига кўрсатадиган қаршилиги; жисмнинг мустаҳкамлик ва пластиклик хоссаларига ҳамда ўлчаш усулига боғлиқ мураккаб хосса. Кўпинча, Қ.ни ўлчаш учун ботириш усулидан фойдаланилади. Бунда Қ.нинг қиймати ботириш кучининг ботирилган жисм синалаётган намуна сиртида қолдирган изига нисбати билан ифодаланади. Жисмларнинг Қ.лиги, одатда, *Бринелл усули* (тобланган пўлат шарча ботириш йўли билан), *Роквелл усули* (тобланган шарча ёки олмос конус ботириш йўли билан) ва *Виккерс усули* (олмос пирамида ботириш йўли билан)да аниқланади. Қ.ни аниқлашнинг *Шор усули* ҳам бор (пўлат шарчанинг синалаётган намунага урилишидан кейин қайтиш баландлигини ўлчашга асосланган). Қ. ультратовуш тебранишлар ёрдамида ҳам аниқланади. Қ. Бринелл усулида НВ, Роквелл усулида НК, Виккерс усулида эса НУ билан ифодаланади. Қ.ни аниқлаш усули синалаётган материалнинг Қ.лиги, унинг ўлчами ва шаклига қараб танланади; 2) материалшуносликда — бино, иншоот ва машиналар конструкцияларининг деформация (эгилиш, чўзилиш, буралиш ва бошқалар) га қаршилик кўрсатиш хусусияти. Конструкциянинг геометрик кесими ва материалнинг физик хоссаларига боғлиқ бўлади. Бино, иншоот ва машиналар тайёрлашда Қ. ҳисобга олинади; 3) қ. *Сувнинг қаттиқлиги*.

КАТТИҚЛИК ШКАЛАСИ — қ. *Моос шкаласи*.

КАТТИҚҚАНОТЛИЛАР — қ. *Кўнгузлар*.

КАТҚАЛОҚ — 1) кучли ёғинлар ва

суғоришдан сўнг тупроқ бетида ҳосил бўладиган қаттиқ қатлам. Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик р-нларининг деярли барча тупроқлари қатқалоқланишга мойил. Бунга асосий сабаб, шу тупроқларнинг ҳаддан ташқари кам донадорлиги ва тупроқ агрегатларининг сувга жуда ҳам чидамсизлигидир. Ёмғирдан ёки суғоришдан сўнг ернинг устки қавати ивиб суюлади, қуриганда қотиб Қ. ҳосил қилади ва бети ёрилиб кетади. Қ. тупроқ хоссалари ва қ.х. экинлари ривожига салбий таъсир кўрсатади, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва ҳаво алмашинувини секинлаштиради, шунингдек, тупроқдаги намнинг (20—30% гача) буғланишини тезлаштиради. Жуда қалин Қ. ҳосил бўлган далаларда майсаларнинг униб чиқиши 3—5 кунга кечикади ва кўчат сони сийраклашиб кетади.

Қ. ҳосил бўлиш жараёни тупроқларнинг механик таркиби, тури, маданий ҳолати, шўрланганлиги ва бошқаларга боғлиқ. Қ., кўпинча, суғориладиган бўз ва чўл тупроқларида ҳосил бўлади. Унинг қалинлиги ва қаттиқлиги тупроқ механик таркибининг оғирлашувига боғлиқ. Айниқса, оғир кумоқли, соз механик таркибли тақирли, сур тусли кўнғир тупроқларда ва тақирларда Қ. қалин ҳамда жуда қаттиқ бўлади. Шўрланиш ҳамда шўртобланиш Қ. ҳосил қилишга мойилликни кучайтиради. Мас, кўриқ ва енгил кумоқли оч тусли бўз тупроқларда Қ.нинг қалинлиги 0,3—0,5 см, оч ҳамда тўқ тусли бўз тупроқларда 0,8—1,5 см, кучсиз шўрланган кумоқли ва соз механик таркибли тақирли тупроқларда 2,4—4,5 см ни ташкил этади; бир м² ердаги Қ.нинг оғирлиги 50—70 кг гача етади. Экинзор далаларга органик ўғит солиш, сидерат экинлар экиш, кимёвий мелиорация ўтказиш, алмашлаб экишни жорий этиб, тупроқларни дондор қилиш, сунъий структура ҳосил қилувчи полимерлар, ер бетини мульча (парда)ловчи материаллар қўллаш ва бошқалар чоратадбирларни амалга ошириш тупроқнинг физикки-

мёвий хоссаларини яхшилайтиди, Қ.нинг олдини олади. Ниҳоллар униб чиққунга қадар Қ. пайдо бўлганда дала енгил бороналар ёки айланувчи чопки (мотига) лар ёрдамида юмшатилади. Қ. таъсирини камайтириш учун экин қатор ораларига тупроқ етилиши билан ишлов бериш (чопиқ ёки культивация қилиш) керак.

2) Тупроқ заррачалари деярли аралашмаган тузларнинг ер юзида жуда кўп микдорда тўпланиши. Тузли Қ. қалинлиги бир неча мм дан бир неча ўн см гача бўлади (яна қ. *Шўрхоқлар*).

Ходимат Махсудов.

ҚАФАСА — *минора* ёки *бурж* тепасидаги *қўшқсимон* қурилма; махсус хона.

ҚАФФОЛ ШОШИЙ (тўлик исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қафқол ашШоший алҚабир; 903—976) — *шофиъийлик* мазҳабининг етакчи олимларидан бири, муҳаддис, факих, тилшунос, шоир. Ҳазрати Имом (қисқача — Ҳастимом) номи билан машҳур. Манбаларга кўра, у оғирлиги 0,5 г келадиган жажжи қулфқалит ясагани учун «Қафқол» («Қулфчи») лақаби берилган. Чуқур билими, улкан ишлари эвазига Имом алҚабир («Улуғ имом») деб таърифланган. Шош (Тошкент)да хунарманд оилада туғидди. Самарқанд, Бухоро, Термиз шахрларида бўлиб, ўзидан аввал ўтган алломалар мероси билан танишди. Таниқли муҳаддис ва илоҳиётчи Ҳайсам ибн Қулайб қўлида таълим олди. Араб Шарқи мамлакатлари бўйлаб узок сафарда бўлди, анча вақт Бағдодда яшайди. Машҳур имом Абдул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн асСурайжий (850—918) нинг шоғирди бўлган. Халифалиқда турли лавозим, вазифаларни адо этган. Қ.Ш.Мовароуннахрда, хусусан, Шошда шофиъийлик мазҳабини тарғиб этиб, диний билимларнинг тарқалишига, шарият асослари қарор топишига ҳисса қўшди. Унинг қонуншунослик, мантиқ каби соҳаларга оид «Қозининг феълатвори», «Одоб албахс» («Бахс одоби»), «Хусни

жадал» («Диалектика гўзаллиги») каби асарлари ислом оламида машхур бўлган. ҚШ. шеърлар ҳам ёзган. Улардан айрим парчалар олим Тождин аСубкийнинг «Табакот ашШофия» («Шофиялик мазхаби даражалари») китоби орқали сақланиб қолган.

Қ.Ш. Тошкентда вафот этган. Унинг қабри устига мақбара қурилган (қ. *Қафол Шоший мақбараси*).

Ад.: Маънавият юлдузлари, Т., 2001; Тўлқин Ҳайит, Қафол Шоший, Т., 2004.

ҚАФФОЛ ШОШИЙ МАҚБАРАСИ

— Тошкент шаҳридаги меъморий ёдгорлик (16-аср); Ҳазрати Имом (Ҳастимом) номи билан машхур бўлган имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қафол ашШошийга атаб, унинг қабри устига қурилган. Дастлабки мақбара сақланмаган. Қ.Ш.м. меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан 1541—42 йилларда чорси (25x26x5 см) пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Мақбарачоргоқтархли (13,3x12,5 м), катта хона ва унинг тўридаги сағанали хонадан иборат. Катта хона (6x6 м) нинг уч томони пештоқли, кўш қаватли гўмбаз билан ёпилган. Бош пештоқ ва унинг 2 ёнидаги буржлари анъанавий усулда. Мақбара бурчакларида 2 ва 3 қаватли 8 ёкли ва тўртбурчак тархли хужралар бор. Эшик тепасидаги китобада мақбара қурилган сана, меъмор ва хаттотнинг номи ёзилган; пойгўмбазидagi ёзувлар сақланмаган. Мақбаранинг тарзлари безаксиз, деразаларига панжалар ишланган. Мақбара полига мавжли қилиб ғиштар ётқизилган. Қ.Ш.м. асосида кейинчалик *Ҳазрати Имом мажмуаси* вужудга келган.

ҚАШҚАДАРЁ (қуий оқимида М а й манокдарё) — Қашқадарё вилоятидаги дарё. Ҳавзасининг майд. 12 минг км². Дарё Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоғи бўлган Обихунда тоғларининг шим. ён бағридан, Товтош довонидан 1,5 км шим. шарқда, 2960 м баландликдан бошлана-

ди. Дарё ўнг ирмоғи Ўртабулокнинг (Фороб кишлоғи ёнида) қуйилишигача Шинчасой деб аталади.

Юқори оқимида баланд плато бўйлаб чуқур водийда оқади. Дарё водийсининг бош қисми кўп жойларда тор. Водий ён бағирлари кўпинча тик, бал. 50—120 м. Яргак ирмоғи қўшилгандан сўнг водий бир оз (100—200 м) кенгаяди. Шу ердан дарёда қайир пайдо бўлади (эни 100 м, Дугоба кишлоғи). Чирокчидан пастрокда Ҳазратибашир кишлоғидан бошлаб дарё суви арик ва каналларга олинади. Қ.га серсув бир қанча ирмоқлар: Жиннидарё, Чирокчидан 18 км юқорида Оксув, Танхоздарё, Ғузордарёлар қуйилади. Бу ирмоқлар юқори оқимида чуқур ва тор водийда оқадиган типик тоғ дарёлари-дир.

Қ. нинг ўнг соҳил томонидан унча баланд бўлмаган Қоратепа тоғининг жан. ён бағридан 20 га яқин сой (Шўробсой, Макридсой, Оёқчисой, Қалқамасой ва бошқалар) оқиб тушади. Тоғликдан текисликка чиққач, дарё водийси кенгаяди. Шу ердан дарё суви бутунлай сўғоришга олинади. Қарши чўлига етганда дарё тугайди. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи Варганза кишлоғи ёнида 14,1 м³/сек.дан (кўп сувли йилда) 1,45 м³/сек.гача (кам сувли йилда). Чирокчи кишлоғи ёнида йилдаги энг кўп сув сарфи 781 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 21,4 м³/сек.гача (кам сувли йилда) бўлади.

Йиллик оқимининг 64% март — июнь, 11,7% июль — сент., 24—27% октябр — фев. ойларида оқиб ўтади. Йиллик энг кўп сув сарфи кўпроқ жала ёмғирлари ҳисобига тез ўзгариб туради. Шунга кўра, тўлинсув даври (фев. — июль) сел тусини олади. Дарё ҳавзасидаги ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Чимқўрғон сув омбори, Зарафшон дарёсидан ҳавзага сув келтириш учун Эски Анхор ва Қарши магистрал каналлари қурилган.

Юрий Иванов.

ҚАШҚАДАРЁ (эски номи Шайхони қишлоғи) — Қашқадарё вилоятидаги шаҳарча (1978 йилдан). Т.й. чоррахаси. Вилоят маркази (Қарши шаҳри) дан 24 км шим.да. Аҳолиси 6 минг киши (2003). Қ.да ун, гўшт, қурилиш материаллари ктлари, қурилиш ташкилотлари, асфальтбетон, керамикадренаж қувурлари ишлаб чиқариш корхоналари, пиво здлари, автокорхона, нефть базаси, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, кутубхона, маданият уйи, тиббий муассасалар бор.

«ҚАШҚАДАРЁ» — Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. 1925 йил 22 майда Қарши шаҳрида «Қашқадарё» номи билан нашр этила бошлаган. Кейинчалик «Социализм алангаси», «Енгиш» (1934), «Қашқадарё ҳақиқати» (1935) номларида чоп этилган. 1960 йил 25 янв.да Қашқадарё вилояти тугатилиб, Сурхондарё вилоятига кўшилиши муносабати билан «Қашқадарё ҳақиқати» газ.си ўз фаолиятини тўхтатган. 1964 йил 7 фев.да яна чиқа бошлаган.

1997 йил 11 июнда «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Қашқадарьинская правда» газ.лари таҳририятлари бирлаштирилиб, «Қ.» номида ўзбек ва рус тилларида нашр этилган. 2005 йил 1 янв.дан «Қ.» ва «Новости Кашқадарьи» газ.лари ҳар қайсиси алоҳида мустақил нашр сифатида ўзбек ва рус тилларида чоп этилмоқда. Саҳифаларида вилоят аҳолисининг республика, вилоят ва дунё миқёсида рўй бераётган янгиликлардан хабардор этиш ва уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини мустаҳкамлаш ишларига жалб қилишга оид материаллар бериб борилади.

Газ.га турли йилларда С. Каримов, Н.Ғуломов, У. Хўжаев, йил Умаров, С.Қодиров, Р.Нурматов, Б.Норқобиловлар муҳаррирлик қилишган. Ҳоз. бош

муҳаррири Нарзулло Равшанов. Адади 4001 (2005).

ҚАШҚАДАРЁ АРХЕОЛОГИК-ТОПОГРАФИК ЭКСПЕДИЦИЯСИ (ҚАТЭ), Кеш археологиктопографик экспедицияси — Қашқадарё воҳасидаги тарихийархеологик ёдгорликларни ўрганиш, тарихий даврларни ўрганиш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида ташкил этилган илмий экспедиция (1963). ҚАТЭга 196386 йиллар М.Е. Массон, 1986—93 йиллар З.И.Усмонова, 1993—98 йиллар А.С.Саъдуллаев ва 1999 йилдан Р.Х.Сулаймонов раҳбарлик қилмоқда. ҚАТЭ томонидан ҳозиргача Қашқадарё воҳасидаги 600 дан ортиқ турли тарихий даврларга мансуб ёдгорликлар ўрганилиб чиқилди. Улар ичида Жанубий Сўғднинг йирик шаҳар марказлари (Узунқир, Китоб, Шахрисабз, Нахшаб, Насаф, Қарши), қадимий ўтрок деҳқончилик маконлари, қадимий давр ва ўрта аср савдо йўллари, ҳунармандчилик устахоналари, меъморлик ёдгорликлари, мудофаа иншоотлари ва кўрғонлари (Ўрта кўрғон, Янгиқўрғон, Чим мудофаа девори ва бошқалар) бор. ҚАТЭ фаолияти давомида илк темир даврдан 20-аср бошларигача бўлган катта тарихий давр тарихи ва археологиясининг долзарб масалалари камраб олинди.

ҚАТЭ томонидан Қашқадарё воҳасида олиб борилган тарихийархеологик тадқиқотлар натижалари «Столичне города в низовьях Кашқадарьи с древнейших времён», «Города южного Согда в VIII—XII вв.», «Ўрта Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлар археологияси» (тўплам), «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда», «Қадимги Ўрта Осиё тарихи», «Қадимги Кеш — Шахрисабз тарихидан лавҳалар» (монография), «Ўрта Осиё археологияси», Шахрисабз. Минг йилликлар мероси» (юбилей альбоми) каби илмий ва илмий оммабоп асарларда ўз аксини топди.

ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса. 1975 йилда Қарши шаҳрида ташкил этилган. Музейда тарих, халқ амалий санъати, табиат, хотира ва қадрият бўлимлари бор. Музей фондида 20 мингдан зиёд нумизматика, археология, тасвирий ва амалий санъат асарлари, тарихий хужжатлар, нодир қўлёзмалар, китоблар, маиший ва этнографияга оид экспонатлар мавжуд (2005). Музей илмий текшириш ишлари олиб боради, фондини бойитади, китоб, каталоглар нашр этади; жумладан, Римда француз тилида chop этилган «Қарши ўлкашунослик музейидаги шарқ қўлёзмалари каталоги» (2004, 50 дан ортиқ қўлёзмалар ҳақида маълумотлар бор) ва бошқалар Мустақиллик йилларидан Қашқадарё иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, фан таракқиётини намоён этувчи экспонатлар билан бойитилмоқда.

Музей ноёб картиналар тўплами ҳамда нодир қўлёзма китобларга эга. Мас, нодир қўлёзмалар орасида *Таф-тазонийнинг* «Таҳзиб алмантик валкалом» асарига, *Насафийнинг* «Ақоид анНасафий» асарига ёзилган шарҳлар ва бошқалар.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1924 йил 1 нояб. да ташкил этилган. 1927 йил 17 фев.дан 1938 йил 15 янв. гача Қашқадарё округи мақомида. 1938 йил 15 янв. да Бухоро вилоятига қўшиб юборилди. 1943 йил 20 янв. да қайта ташкил этилди. 1960 йил 25 янв. да Сурхондарё вилоятига қўшилди. 1964 йил 7 фев.дан янгидан ташкил этилди. Республиканинг жанғарбида, Қашқадарё ҳавзасида, ПомирОлай тоғ системасининг ғарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари, Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғлари орасида. Шим.ғарбдан Бухоро, жан.шарқдан Сурхондарё, жан.ғарб ва ғарбдан Туркменистон, шарқдан Тожикистон ва Самарқанд вилоятлари билан чегарадош. Майд. 28,6 минг км². Аҳолиси 2378,2 минг киши (2005). Тар-

кибида 13 қишлоқ тумани (Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Чирокчи, Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Қарши, Ғузор), 12 шаҳар (Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Таллимаржон, Чирокчи, Шахрисабз, Яккабоғ, Янги Нишон, Қамаши, Қарши, Ғузор), 4 шаҳарча (Дехқонобод, Мироқи, Эски Яккабоғ, Қашқадарё), 147 қишлоқ фуқаролари йиғини, 1064 қишлоқ бор (2005). Маркази — *Қарши* шаҳри. Қ.в. туманлари ҳақида алоҳида мақолаларга қ; мас, *Дехқонобод тумани*, *Касби тумани* ва *бошқалар*

Табиати. Вилоят ҳудуди, асосан, Қашқадарё ботиғини ўз ичига олган; шим., шарқ ва жаншарқдан Зарафшон ҳамда Ҳисор тизма тоғлари билан ўралган. Тоғлар билан текисликлар орасини адирлар эгаллаган. Текисликнинг катта қисми ғарбда Сандикли ва Қизилкум чўллари билан туташган Қарши чўлидан иборат. Иқлими континентал. Қиши нисбатан юмшоқ. Ёзи узок (155—160 кун), иссиқ, қуруқ. Январнинг ўртача т-раси 0,2° дан 1,9° гача, июлники 28°—29,5°. Энг юқори т-ра 45°. Энг паст т-ра —20°. Йилига текисликларда 290—300 мм, адирларда 520—550 мм, тоғларда 550—650 мм ёғин тушади. Ёғин, асосан, баҳор ва қишда ёғади, ёзда гармсел эсади. Тоғларда турғун қор қоплами ҳосил бўлади (2—6 ой). Вегетация даври текисликларда 290—300 кунгача. Асосий дарёси — Қашқадарё. Унинг ирмоқлари — Жиннидарё, Оксув, Яккабоғдарё, Танхоздарё, Ғузордарё (Катта ва Кичик Ўрадарё билан бирга). Дарёлар қор, ёмғир ва музликлар сувидан тўйинади. Дарё сувидан, асосан, суғоришда фойдаланилади. Чимқўрғон, Қамаши, Пачкамар сув омборлари; Файзиобод, 8 Март, Эскибоғ, Эски Анҳор, Косон, Пахтаобод, Қарши ва бошқалар каналлар бор. Қарши чўлини ўзлаштиришда 6 насос ст-яси, очик ва ёпиқ коллектор дренаж тармоқлари қурилган. Суғориладиган ерларнинг тупроғи, асосан, типик ва оч бўз тупроқлар. Китоб — Шахрисабз сой-

лигида кўпроқ кумоқ тупроқлар мавжуд. Тоғларда баландлик минтақалари бўйлаб типик бўз тупроқлар тарқалган. Табиий флораси 1200 га яқин юксак ўсимлик туридан иборат. Вилоятда 76,6 минг га ўрмон мавжуд. Ўрмонларнинг асосий қисмини арча ва саксовулзорлар ташкил этади. Тоғ ён бағирлари ҳар хил ўт ўсимликлари билан қопланган, шунингдек, бутазорлар ҳам бор. Тоғ ўрмонлари арча, ёдом, pista, жийдазорлардан иборат. Тоғларда наъматак, зирк, чаканда, анзур пиёзи, қора зира ва бошқалар ўсади.

Вилоят ҳудудида 100 дан зиёд қуш тури, сут эмизувчиларнинг 60 тури, сундралиб юривчиларнинг 7 тури учрайди. Дарё ва сув ҳавзаларида кумбалик, илонбош, зоғорабалик, гулмоҳи, храмула, қорабалик яшайди. Вилоятда Ҳисор тоғўрмон ва Китоб давлат геология қўриқхоналари жойлашган; *Китоб баландтоғ расадхоналар мажмуаси* фаолият кўрсатади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (91,2%), шунингдек, тожик, туркман, рус, козок, украин, озарбайжон, қорейс, қирғиз, турк, украин, белорус ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 83,7 киши. Шаҳар аҳолиси 587,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1790,7 минг киши (2005).

20-аср бошларигача хоз. Қашқадарё вилояти ҳудудида яшаган аҳолининг кўпчилиги орасида уруғқабилаларга бўлиниш сақланиб келган. Мас, Қарши шаҳри ва унинг атрофларида манғит, сарой, қавчин, катагон, қутчи, кипчоқлар, хтой, қирқ ва бошқалар уруғлар, Шахрисабз ва унинг атрофларида кенағас, сарой, қутчи, турк, катагон, қалмоқ, қанғли, чуют, қиёт, қўнғирот, можор, манғит, митан, мўғул, найман, саёт уруғлари, Ғузор ва унинг атрофларида қавчин, керайит, қўнғирот, манғит ва бошқалар уруғлар яшаган. Улар деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шугулланишган.

Хўжалиги. Қ.в. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда

ёқилғи ресурсларини қазиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди. Вилоят республикада қазиб олинган табиий газнинг 88%, нефтнинг 92%, конденсатнинг 99,6%, олтингургуртнинг 100% ни беради.

Қашқадарё республикада энг кўп дон ва пахта етказиб берадиган вилоятдир. Ўзбекистонда тайёрланадиган ялли к.х. маҳсулотининг 10,2%, шу жумладан, пахтанинг 11,8%, ғалланинг 12%, қорақўл терининг 19% вилоят ҳиссасига тўғри келади. Табиий газ, конденсат ва қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар ривожланмоқда. Вилоятда 1,1 минг кичик корхона, 40,6 минг микрофирма бор. Булар саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, к.х. ва бошқалар корхоналардан иборат.

Саноатининг етакчи тармоқлари: — табиий газ ва нефть қазиб олиш, газни қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ экстракцияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ип йиғирув, тикувчилик, озиқ-овқат ва бошқалар Энг йирик корхоналари: Муборак нефтгаз унитар корхонаси, Шўртан газ унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш 3-ди, Шўртан газ кимё мажмуаси, Қарши, Косон ёғэкстракция, Шахрисабз консерва здлари, Шахрисабз пиллакашлик, Қарши тикувчилик фкалари, Қашқадарё мрамор акциядорлик жамияти ва бошқалар 49 қўшма корхона фаолият кўрсатади, шулардан: Ўзбекистон — Туркия «Каштекс» тўқимачилик, «Оксарой тўқимачилик ЛТД» қўшма корхоналари ишламоқда.

Вилоят ҳудудидаги дастлабки саноат корхонаси — Шахрисабз пахта тозалаш 3-ди 1916 йилда қурилган. Ундан кейинги даврда вилоятда, асосан, пахта тозалаш здлари, тикувчилик фкалари қурилди. 1971 йилда Муборак газни қайта ишлаш 3-ди ишга туширилди. Мустақиллик йилларида Шахрисабз, Яккабоғ ун ктлари, Таллимаржон иссиқдик электр ст-яси, 2001 йил охирида Шўртан газ кимё мажмуаси қурилиб ишга туширилди. Қ.в. да газ (пропан), жун, пахта толаси, момик,

полиэтилен, томат пастаси, турли хил плиталар ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: ғаллачилик, пахтачилик, картошқачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик. Боғдорчилик, тоқчилик, ипакчилик ҳам салмоқли ўрин тутди. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамолчилик, кўйчилик, паррандачилик ривожланган. Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузур туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йирик наслчилик хўжаликлари мавжуд. Асалариччиликка ҳам катта эътибор берилган.

Қ.в.да 667,6 минг га экин майдони мавжуд бўлиб, шундан 418,7 минг гектари суғорилади. 173,8 минг га ерга пахта, 205 минг га ерга дон, 3,2 минг га ерга сабзавот, 2 минг га ерга полиз, 0,5 минг га ерга картошка, 38,1 минг га ерга озуқа экинлари экилади. 32,8 минг га ер кўп йиллик дарахтзорлар, шундан 13,2 минг га ер мевазор, 9,2 минг га ер тутзор, 10,4 минг га ер тоқзорлар билан банд, 1451 минг га ерни яйловлар эгаллаган. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 13815 км узунликда коллектордренаж тармоқлари қурилган. Вилоятда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида суғориш каналлари (Қарши, Сандал ва бошқалар) ва сув омборлари (Таллимаржон, Чимкўрғон, Ҳисорак, Қизилсув ва ʼб.) барпо этилган. Суғоришни ташкил этиш учун 6 та йирик насос ст-яси қурилган. Қ.х. маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида 250 минг га ер ўзлаштирилган.

Вилоятда 68 ширкат, 17,6 минг деҳқон, 17,2 минг фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.в. ширкат, фермер ва шахсий хўжаликларида 654,7 минг қорамол (шу жумладан, 276,8 минг сизир), 2,2 млн. кўй ва эчки, 1,3 млн. парранда, 17,3 минг йилки боқилади (2005). 1996—2005 йил лар вилоятдан Б.Рўзиев, Қ.Мўминов, Ғ. Раҳмонов, М.Саидовлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар.

Транспорти. Вилоятдаги т.й. узунлиги 401 км. Асосий т.й. магистраллари Когон — Қарши — Душанба, Қарши — Китоб, Қарши — Самарқанд. Янги қуриладиган Тошғузур — Бойсун — Қумкўрғон (умумий уз. 223 км) т.й.нинг 106,2 км қисми Қ.в. ҳудудидан ўтади. 2004 йил октябрда ушбу йўлнинг 112 км дан зиёд Тошғузур — Деҳқонобод ва Қумкўрғон — Бойсун қисмлари фойдаланишга топширилди. Вилоятда жами 13,9 минг км узунликда автомобиль йўллари мавжуд. Шундан умумий фойдаланиладиган йўллар уз. 3,4 минг км, хўжаликлар ҳисобидаги йўллар уз. 10,5 минг км. Қ.в. ҳудудидан республика аҳамиятига эга бўлган Қарши — Амударё (Туркменистон), Катта Ўзбекистон тракти (Тошкент — Термиз), Қарши — Бухоро, Қарши — Самарқанд автомобиль йўллари ўтади. Қаршидан Тошкент, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Деннов ва бошқалар шаҳарларга автобуслар қатнайди. Қарши аэропортидан Қарши — Москва, Қарши — Тошкент, Қарши — Андижон ва бошқалар йўналишларда йўловчилар ташувчи самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Маданий маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. Қашқадарё воҳаси ўзининг маданий тарихи билан машҳур. 1990-й.ларга Қашқадарё ҳудудида палеолит (тош асри) даврида одамзоднинг яшаганлиги ҳақида ашъвий далиллар кам эди. Фақатгина Танхоздарё водийсидан топилган чакмоқтошдан ясалган айрим буюмлар, Тахтақорача довоида Такалсой бўйидаги ғордан археолог Д.Н.Лев томонидан мустье даврига оид бир неча тош буюм топилганлиги Қашқадарё водийсидан тош даври одамлари яшаганлигидан далолат берар эди.

1990-й.ларда археологлардан Р. Х. Сулаймонов, А.С. Саъдуллаевлар юқори Қашқадарёдаги Оёқчисой, Қуруқсой водийларини ўрганиб палеолит даврига оид ашъвий далилларни топдилар. Сийлонтосда тош асрининг сўнгги даврига оид топилмалар аниқланди.

Воҳада мил. ав. 10—8-аср лар, жез ва темир асрларга оид Сангиртепа, Ерқўрғон ёдгорликлари топидди. Мил. ав. 7—6-аср ларда Қашқадарё водийсида деҳқончилик билан шуғулланувчи кўплаб аҳоли истиқомат қилган. *Кеш*, *Нахшаб* шаҳрлари пайдо бўлиб ривожланган. қадимий Бактрия давлати таркибига Қашқадарё воҳасининг бир қисми ҳам кирган.

Мил.ав. 329 йилда *Александр* Македониялик қўшинлари Навтака (Қашқадарё) вилоятини босиб олган. Қашқадарё босқинчиларга қарши кўтарилган Спитамен кўзғолонининг марказларидан бири бўлган. Мил. ав. 3—2-асрларда Қашқадарё воҳаси Салавкийлар, ундан кейин Юнон Бактрия давлати таркибига кирди. 468 йил да кушонлар авлодидан бўлган кўчманчи чорвадор тохарлар Кидар раҳбарлигида шарқдан Амударё ҳавзасига кириб келиб Нахшабни ўзларига вақтинча қароргоҳ қилиб турдилар.

Қашқадарёда 7—8-аср ларда иқтисодий ҳаёт ривожланган. Бир неча йиллар давомида Сугд Кеш подшолари томонидан идора қилинган. Кеш подшоси Шашеппи (Шишпар) даврида зарб қилинган танга пулда «Ихшид Шишпар» деган ёзув бўлган. Араблар қўшини 700 йилда илк бор Қашқадарёга бостириб келиб, Нахшаб ва Кеш шаҳри ларини ва улар атрофидаги қишлоқларни қўлга киритдилар. Қутайба ибн Муслим 710 йил да Кеш ва Нахшабни қайта фатҳ этди. Аммо, Қарши, Кеш ва Нахшаб (Насаф)да яна арабларга қарши норозилик ҳаракатлари бошланади. Кеш асосий марказларидан бўлган Муқанна кўзғолони бутун Мовароуннахрга тарқалди. 9— 10-асрларда Қашқадарёда иқтисодийижтимоий ҳаёт, фан ва маданият яна ривожланди. Кеш «Қуббат улилм вал адаб» номига сазовор бўдди.

Мўғул босқинчилари 1220 йил ёзида Қашқадарёга бостириб келиб Нахшаб, Кеш, Ғузур шаҳрлари ва қишлоқларини вайрон қилдилар. Мўғуллар ўтроқликка

ўтгандан сўнггина (14-асрда) Кепакхон (1318—26) қурдирган сарой яқинида янги шаҳар — *Қарши шаҳри* га асос солинди. 14—15-асрларда Темур ва Улуғбек даврларида *Шаҳрисабз* бир қанча монументал бинолар — сарой, масжид ва макбаралар ва бошқалар қурилди. Шаҳрисабз воҳанинг етакичи шаҳрига айланди. Аштархонийлар даврида Қарши, Шаҳрисабзда Бухоро хонлигидан мустақил бўлиш ҳаракати кучайди. Манғитийлар даврида Қарши тахт вориши ҳоким бўладиган вилоятга айланди.

Қ.в. қўхна тарихи, қадимий маданият ёдгорликлари билан машҳур. Вилоятдан буюк олимлар, адиб ва шоирлар, машҳур санъаткорлар, бахшилар, халқ артистлари, рассомлар етишиб чикқан.

Қ.в. да 2004/05 ўқув йилида 1094 умумий таълим мактаби, шу жумладан 34 ихтисослашган, 4 махсус мактаб, 3 гимназия ва бошқаларда 620 мингдан зиёд ўқувчи таълим олди. Вилоятда 62 касб-хунар коллежи (49 минг талаба), 4 академик лицей (2 минг ўқувчи), 18 болалар мусиқа мактаби (1,7 минг ўқувчи), 3 меҳрибонлик уйи, 2 олий ўқув юрти (Қарши унти, Қарши муҳандисликитқисодиёт инти; 10,4 мингга яқин талаба) бор. Қашқадарё ўлкашунослик музейи (Қарши шаҳри), Амир Темур музейи (Шаҳрисабз шаҳри да), вилоят мусикали драма театри, вилоят қўғирчоқ театри, «Эски масжид», «Мулоқот» театр студиялари, «Ўзбекракс», «Ўзбекнаво»нинг вилоят бўлимлари, ашула ва ракс дирекцияси фаолият кўрсатади. 464 жамоат кутубхонаси (китоб фонди 3930 минг нусха), 148 клуб муассасаси, 6 маданият ва истироҳат боғи бор. 16 ашула ва ракс халқ ансамбли, 2 фольклор этнографик халқ ансамбли, 373 бадий ҳаваскорлик жамоа ва бошқалар маданий муассасалар ишлаб турибди.

Қ.в. да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари: Раҳимжон Комилжонов, Садриддин Салимов, Исқот Тўраев; Ўзбекистон халқ ҳофиси Ўлмас Саиджонов; Ўзбекистон халқ бахши-

лари: Шомурод бахши Тоғаев, Қаххор бахши Раҳимов; Ўзбекистон халқ артистлари: Фароғат Раҳматова, Икром Болтаева, Замира Суюнова, Марям Сагторова, Насиба Сагторова, Хусан Амиркулов, Муҳтарам Носирова; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Тожиддин Муродов, Ойгул Халилова, Баҳриддин Раҳмонов, Зебо Турсуновалар вояга етганлар.

Қашқадарё воҳаси ўтмишда 300 га яқин насафийлар ва ўнлаб кешийларга ватан бўлган юртинг. Вилоятда 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги, 2003 йил да Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Қ.в. да Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли бўлимлар, бир неча меҳмонхона мавжуд. 2004 йилда вилоят ҳудудига 31 мингдан зиёд турист келиб кетди.

Соғлиқни сақлаш. Вилоятда 94 касалхона (12,1 минг ўрин), 395 врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси, амбулатория ва бошқалар тиббий муассасалар, 221 болалар поликлиникаси ва хоналари, 199 қишлоқ ва шаҳар врачлик пункти, 368 фельдшеракушерлик пункти, 27 қишлоқ участка касалхонаси, 90 қишлоқ врачлик амбулаторияси мавжуд. Ушбу тиббий муассасаларда 53,6 мингга яқин врач (ҳар 10 минг кишига 21,9 врач), 23,6 мингга яқин ўрта тиббий ходим ишлайди.

Давлат дастурига асосан, вилоятда Давлат тез тиббий ёрдам илмий маркази Қарши бўлими (220 ўрин) ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг бўлинмалари (410 ўрин) ташкил этилган ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт соҳасида хусусий, яқка тартибда ва бошқалар нодавлат секторларида 131 тиббий муассаса фаолият кўрсатади.

Қ.в.да 3 санаторий ишлаб турибди.

Спорт. Қ.в. спортчилари спортнинг кўп турлари (кураш, дзюдо, каратэ, футбол, бокс, шахмат, теннис ва бошқалар) бўйича турли даражадаги мусобақаларда

иштирок этмоқдалар. Фарҳод Хўжанов, Зокир Шарипов, Шавкат Жўраев, Эркин Холиқовлар дзюдо бўйича; Баҳром Аевзов кураш бўйича (Бухарестда ва Анталияда жаҳон чемпиони); акаука Исом ва Фурқат Кенжаевлар юнонрум кураши бўйича жаҳон чемпионати бронза медали; Алишер Мухторов дзюдо бўйича, Соффия Каспулатова каратэ бўйича (3 марта) Осиё чемпиони унвонларига сазовор бўлдилар. Шахматчилардан Анвар Ражабов Ялта, Франция, Испания, Сарвиноз Эргашева (6 марта республика чемпиони) Франциядаги жаҳон чемпионатларида қатнашдилар. Вилоятнинг «Насаф», «Машғал», «Шўртан» жамоалари футбол бўйича Ўзбекистоннинг олий лигасида иштирок этмоқда. Хотин-қизларнинг «Севинч» футбол жамоаси 2004 йилда ўтказилган республика биринчи чемпионатининг ғолиби бўлди. Вилоятда 21 стадион, теннис кортлари, спорт заллари, 8 сузиш ҳавзаси ва бошқалар спорт иншоотлари мавжуд. 26 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. 689 минг киши (шу жумладан, қишлоқ жойларида 614 минг киши) доимий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади.

Адабиёт. Қашқадарё воҳасида қадимий дан машҳур алломалар, шоир ва файласуфлар, ёзувчи ва муҳаддислар, моҳир хаттот ва таржимонлар яшаб ўтган. 9-аср бошларида Насаф ва Кешда ҳадисшунослик ва фиксшунослик мактаблари вужудга келган. 10-аср да Аҳмад ибн Муҳаммад атТадений, Ҳаммод ибн Шокир анНасафий, Абдулмуъмин ибн Халаф анНасафий, алЛайс ибн Наср алКожарий, 11-асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад анНахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад алаалҲасан ибн Али алҲаммодий анНахшабий каби олимлар ислом оламида шухрат топганлар.

Кейинги даврларда ҳам бу илмий анъаналар муваффақият билан давом эттирилган. *Азизиддин Насафий* асарлари дунё халқларининг кўп тилларига таржима қилинган. «Насафий» тахал-

лусли бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум. Булардан: Мотуридия калом мактабининг атокли намояндаларидан бири Абул Муъин анНасафийдир. Унинг «Бахр алкалом фи илм алкалом («Калом илми бўйича сўзлар денгизи») асари калом илми бўйича алмотуридия мактабининг асосий манбаларидан бири хисобланган.

Ҳадисшунос ва ҳанафий мазҳабининг таникли фикшшуноси Абул Ҳасан ал-Баздавий анНасафийнинг мусулмон қонунчилиги асослари ҳақидаги «Усули Баздавий» китоби Шарқда кенг тарқалган, унга кўплаб шарҳлар битилган. Шу сабабли «Фақиҳу Мовароуннаҳр» ва «Устоз алаимма» («Имомларнинг устози») унвонларига сазовор бўлган. Фикшшунос Абу Ҳафс Нажмиддин Умар *Насафий* 100 дан ортиқ асар ёзган. Шунингдек, Абул Баракот *анНасафий*, Абу алМутиъ *Насафий*, *Ҳаким Сўзаний*, Абу Туроб *Нахшабий*, Саидо Насафий, Нурмуҳаммад *Насафий*, Шамсиддин Сўзаний, Муайиддин Насафий, Шаҳобиддин Аҳмад Насафий, Шарафиддин Хусом, Абул Баракот анНасафий, Ҳофизиддин Насафий, Хожа Абулбарака (Фироқий), Аюб Шаҳрисабзий, Мавлоно Сойилий, Мавлоно Мир Қарший ва бошқалар бир қанча насафийлар яшаб, ижод этганлар.

Насаф ва Кеш алломалари араб (9—10-асрлар), форс (9—11-асрлар) тилларида ижод қилганлар. 15-асрдан туркий тилда асарлар ёза бошлаганлар. Темурий шахзодалар ижод ахлини ўз она тилларида ёзишга даъват этганлар, ўзлари ҳам туркий тилда асарлар битганлар. Алишер Навоийнинг «Муҳокамат уллуғатайн» асари ана шу ижтимоий талаб заминида яратилган. Аммо, амалда араб ва форс тиллари ҳам қўлланаверган.

Амир Темур ва темурий шахзодалар салтанати даврида Қашқадарёда илм-фан, маданият ва санъат ривожланган. Ушбу воҳадан чиққан кўпгина ёзувчи ва уламолар турли йилларда пойтахт бўлган Бухоро ва Самарқандда, айримлари эса Ҳиндистон, араб давлатларида

яшаб ижод этганлар. Мўғуллар истилоси даврида зиёлиларнинг каттагина қисми Ҳиндистондан бошпана топган.

Абу Саъд Абдулкарим асСамъонийнинг (1113—67) «Китоб алАнсоб» («Нисбалар китоби») асарида 8—12-асрларда яшаб ўтган 180 яқин насафлик олим ва шоирнинг номлари қайд этилган. Насаф тарихи ва адабиёти билан боғлиқ бир қанча асарлар, хусусан, Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдувайх алВарсиний анНасафийнинг (928 йил в. э.) «Китоб муфохарот аҳл Насаф ва Каш» («Насаф ва Кеш аҳлининг ифтихорлари ҳақидаги китоб»), Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад алАстрободий алИдрисийнинг (мил. 1015 йил в. э.) «Тарихи Насаф», Абул Аббос алМустағфирий Насафийнинг (961—1041, 2 жилдли) муфассал «Насаф ва Кеш тарихи» асарлари бизгача етиб келмаган.

20-асрнинг 2-ярми Қашқадарё адабий муҳитининг кўтарилиши ва янги ижодкорлар билан бойиш даври бўлди: Гулшаний, Тоғай шоир, Шомурод бахши, Сувон Соки, Самар Нур, Азим (бахши) Хўжаев, Қодир (бахши) Раҳимов, Абдулла *Орипов*, Икром Отамуродов, Жуманиёз *Жабборов*, Нормурод Нарзуллаев, Исмоил Тўхтамишев, Хосият Лутфуллаева, Муҳаммад Очил, Жумакул Курбон, Нормурод Норқобил, Поён Равшанов, Убайдулла Уватов, Юсуф Бердиев каби шоир, ёзувчи ва олимларнинг илмий ва бадиий асарлари адабиёт тараккиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. 90-й.лар бошларида Назар Эшонкул, Чори Аваз, Амир Худойберди, Зебо Мирзаева, Ҳабиб Абдуназар, Лукмон Бўрихон, Салим Ашур, Амиркул Карим, Фулом Мирзо ва бошқалар шоир ва ёзувчилар фаол ижод қилдилар. Мустақиллик йилларида Қашқадарё воҳасида адабий ҳаёт янада ривожланди. Бу даврда эришилган ютуқлар сифатида Поён Равшановнинг қадимий Нахшаб ва Кешнинг тарихига оид 4 жилдли сайланмаси, Абдулла Ориповнинг «Адолат кўзгуси», «Кўзтумор», Нормурод Нарзуллаевнинг «Алёр»,

Икром Отамуроднинг «Тавр», Амир Худойбердининг «Еттинчи малак», Ҳабиб Абдуназарнинг «Анжир гули» каби асарларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Қ.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва бошқалар) нинг вилоят шўъбалари фаолият кўрсатади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телевидениеси. Қ.в. да 33 газ., шу жумладан, 2 вилоят газ. (1935 йилдан «Кашқадарё ҳақиқати», 2005 йилдан «Кашқадарё», адади 5 минг; 1943 йилдан «Кашқадаринская правда», 2005 йилдан «Новости Кашқадарьи», адади 1,5 минг), шаҳар («Насаф»), 13 туман газ. лари, 16 тармок, 1 хусусий газ., шунингдек, «Насаф зиёси» журнали (Қарши давлат ун-ти муассислигида) нашр этилади.

Вилоятда биринчи радиоэшиттиришлар 1945 йил дек.дан бошланган. Вилоят радиоси ва «Олтин воҳа» ФМ радиостанцияси эшиттиришлар олиб боради. Вилоят радиоси кунига 1 соатлик, «Олтин воҳа» ФМ радиостанцияси ҳафтада 112 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. Қ.в. да 2 давлат (вилоят ва Шаҳрисабз шаҳар телевидениеси), 3 нодавлат (Қарши жамоатчилик, Муборак «Янги аср», Қашқадарё кабелли) телевидениелари мавжуд. 1994 йил 24 авг.дан фаолият кўрсатаётган Қ.в. телевидениесининг ҳафталик кўрсатувлари 11 соатни ташкил этади. Шунингдек, Қарши жамоатчилик телевидениесининг 1 ҳафталик кўрсатувлари 42 соат, «Янги аср» телестудиясининг 1 ҳафталик кўрсатувлари 21 соат, Шаҳрисабз телевидениесининг 1 ҳафталик кўрсатувлари 24 соат, Қашқадарё кабелли телевидениесининг 1 ҳафталик кўрсатувлари 63 соатни ташкил этади.

Меъморий ёдгорликлари. Вилоятдаги тарихий ёдгорликлардан 602 таси археология, 192 таси меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларидир, шунингдек, монументал санъат ёдгорликлари ҳам бор. Вилоятдаги машҳур обидалар Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган.

Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабзда обидаларни таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Оқсарой меъморий мажмуаси консервация қилинди, марказий майдонда Амир Темурга хайкал ўрнатилди. Дор уттиловат, Дор уссиёдат мажмуасидаги Жаҳонгир (Ҳазрати Имом) мақбараси (1379—80 йиллар), Оқсарой мажмуаси (1380—1404 йиллар), Улуғбек мадрасаси (Гумбази Сайидон, 1437 йил), Китоб туманидаги Хожа Илимқон хонақоси (15—16 а.лар), Лан#ар қишлоғидаги Лангарота (Катта Лангар) масжиди (15-аср охири — 16-асрлар), Лангарота мақбараси (16-асрнинг 1-ярми), Фудино қишлоғидаги Хусамота ансамбли (11 — 19-асрлар), Қарши шаҳрида Маҳалла масжиди (19-аср) ва бошқалар сақланган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан Қарши шаҳридаги Қўкғумбаз масжиди, тарихий кўприк ва бошқалар мадраса ва масжид бинолари таъмирланмоқда.

Ад.: Сухарева О.А., К истории городов Бухарского ханства (историкоэтнографический очерк), Т., 1958; Захаров С.М., Сабиржанов А.С., Карши, Т., 1978; Бобурнома, Т., 1989; Нафасов Т, Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, Т., 1998; Янгибоев М., Қашқадарё вилояти географияси, Қарши, 1993; Равшанов П., Қашқадарё тарихи, Т., 1995; Жўракулов О., Эргашева Ж., Қашқадарё саноати тарихи, Қарши, 1996; Қадимги Қарши, Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи, Древний Карши, История культуры и И радострительства Средней Азии, Карши, 1999; П угачен кова Г.А., Очик осмон остидаги музей, Т., 1981; Сулейманова Р. Х., Древний Нахшаб, Т., 2000; Ҳакимов Н., Жўракулов О., Шаҳрисабз тарихи, Қарши, 2001; Носир Муҳаммад, Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001; Шаҳрисабз минг йиллар мероси, Т., 2002.

Обод Жўракулов, Носир Муҳаммадиев.

КАШҚАДАРЁ ВОДИЙСИ —

Қашқадарё вилоятидаги водий. Зарафшон тизмасининг жан.ғарбий тармоқлари оралиғида. Водий бўйлаб шим.шарқдан жан.ғарбга Қашқадарё оқиб ўтади. Водий Ҳисор тизмасининг жан.ғарбий ён бағридан бошланиб (энг баланд жойи 4145 м) Қарши чўлигача 310 км га чўзилган. Водий, асосан, текисликдан иборат бўлиб, ғарб ва жан.ғарбга пасайиб ва кенгайиб боради. Қ.в. Қашқадарёнинг 1—5 террасаларини эгаллаган, бу террасалар тўртламчи давр пролювиалаллювиал ётқизиклари билан қопланган. Водийда унча баланд бўлмаган қолдиқ тоғлар (Қўнғиртов, Косонтоғ, Майманоктов, Аловиддинтов) бор. Қ.в. жанубда жойлашгани учун иқлими қуруқ ва иссиқ. Январнинг ўртача т-раси 7, июлники 28—29°; энг паст т-ра —25°, —29°, энг юқори т-ра 46—47°. Ёғин миқдори рельеф баландлашган сари ортиб боради; текислик қисмида 200 мм, тоғ ён бағирларида 450—500 мм. Ёғиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида тўғри келади. Водий тупроғи, асосан, бўз тупроқ, текислик қисмида оч бўз тупроқ, тоғлик ва баландликлар билан туташган қисмида типик бўз тупроқдир.

Ўсимлик қоплами хилмаҳил. Илак, ранг, қўнғирбош, ялтирбош, момик, шувок, кўзиқулоқ, бодом, қизилча ва бошқалар кенг тарқалган. Ҳайвонлар ва қушлардан майна, кўкқарға, каклик, япалокқуш, жаира, юмронқозик, тулки, чиябўри, қобон ва бошқалар учрайди. Қ.в. тоғ ён бағирлари чорвачилик учун қулай яйлов, текислик қисми деҳқончилик учун серунум. Водийда табиий газ, қурилиш материаллари қонлари, минерал сувлар ва бошқалар бор.

ҚАШҚАДАРЁ ТЕАТРИ, Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри — Ўзбекистондаги дастлабки профессионал театрлардан бири. Қарши ва Шахрисабз хаваскорлик жамоалари асосида Қарши туман маориф мудир А.Шоибзода ва созанда А. Қодиров то-

монидан 1932 йил 2 авг.да ташкил топган. 1936 йил давлат театри мақоми, 1943 йилда атоқли хонанда *Тўйчи Ҳофиз* Тошмухамедов номи берилган. Дастлаб труппада Н. ва Ж. Сатторовлар, С. Ҳусанов, Н.Остонов, С.Рўзиева, М.Вафоева, М. ва Ж.Жалиловлар, Т.Мельникова (Лола) ва бошқалар ишлаган. У. Раҳимов билан А.Болтаев реж.лик қилган. Театрнинг шаклланишида «Тормор» (К. Яшин), «Фарход ва Ширин» (Хуршид; Ш.Шоумаров, Тўйчи Ҳофиз, Ю.Ражабий мусикаси), «Ғунчалар» (З. Фатхуллин), «Нурхон» (К.Яшин; Т.Жалилов) спектакллари муҳим роль ўйнади. 50-й. лар ўрталарида реж. Д.Заикин, актёрлар А.Тўлаев, *СПўлатов*, Н.Холматовлар билан мустаҳкамланди, мумтоз драматургияга, миллий мавзудаги йирик асарларга мурожаат этишга имкон яратилди. «Уйланиш» (Н.Гоголь), «Отелло» (У.Шекспир), «Алишер Навоий» (Уйғун, И.Султон), «Хуррият» (Уйғун), «Оғрик тишлар» (А.Қаххор) каби спектакллар бунга мисолдир. 60-й.ларда А.Отақулов, Х.Мустафоқулов, А.Тўлаев, Қ.Ҳақимовлар бош реж. бўлиб ишлаган. 1966 йил Фарғона вилоятида, 1967 йил Тошкентда гастролда бўлган.

70-й.лар бош реж. — Қ.Йўлдошев, бош дирижёр — Ф.Комилжонов, Ўзбекистон халқ артисти *М.Носирова*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Х.Мустафоқулов, Ё. Ражабов, М.Маматов, Ж.Ашуров, Г.Муродов, М.Файзуллаева, Х.Ибрҳимова, АТўлаевларнинг ижодий фаолияти тўфайли Қ.т. вилоят театрлари орасида нуфузли ўринлардан бирини эгаллади. «Ўжарлар» (Ж.Жабборов; Ик.Ақбаров), «Она» (Уйғун), «Эзоп» (Фигейреду), «Хасис баходир» (А.Пушкин), «Майна Ҳасанова» (Адхам Раҳмат) каби турли жанрлардаги эътиборли спектакллар яратилди.

80-й.лар Қ.т. ҳаётида мураккаб давр бўлди. Шу давр бошида (1981) театр репертуаридан «Гавҳари шамчирок» (С. Улуғзода; А.Муҳамедов), «Ғариблар»

(А.Дельмар), «Хийлаи шаръий» (Гунтекин), «Тошкентнинг нозанин маликаси» (Х.Муҳаммад), «Тўйдан олдин томоша» (Ж.Жабборов; Ик. Акбаров) каби спектакллар ўрин олган. 1986 йил бошида театр янги бинога кўчиб ўтди. Бош реж. бўлиб ишлаган А.Абдуназаров, Б.Назаров, таклиф қилинган М. *Равишанов*, М.Хачатуров анча пасайиб қолган театр мавқеини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Театр ёш актёрлар ҳисобига мустаҳкамланди.

1988 йил 4 октябрда реж. Абдурахмон Абдуназаров бошчилигида бир гуруҳ ёш актёрлар вилоят театридан ажралиб чиқиб, «Мулоқот» театрстудиясини ташкил этдилар. Театр «Темир хотин» (Ш.Бошбеков) спектакли билан очилган. Унинг «Жононга бордим бир кеча» (комедия), «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (трагедия), «Майли сайланг» (сатира) пьесаларидан тузилган «Ҳамзанинг номаълум театри» асари ёш ижодкорларнинг миллий театрининг унутилган анъаналарини тиклаш, сахнавий талқинларда томошабинларга бевосита таъсир этувчи замонавий воситаларни ишга солишдан иборат ҳаракатидан гувоҳлик берди. Театр республика, халқаро фестивалларда 1-ўринни олди. Кейинги спектакллари «Бахтиёрни уйлантирамиз» (Э.Собиров) фольклорэтнографик томошаси, «Гуля+Эдик» (М.Байжиев) алоҳида ажралиб туради.

Кейинги йилларда Қ.т.да «Тикансиз типратиканлар» (Ш.Бошбеков), «Сехрли узук» (М.Халил), «Тухматчилар жазоси» (Ҳамза), «Соҳибқирон» (А.Орипов), «Бир кам дунё» (Т.Юнус), «Ажабгул ва Ражабгул» (Ш.Пардаев), «Бир ўлиб кўрайчи» (Х.Хурсанов), «Рухлар исёни» (Э.Воҳидов) каби турли жанрда кўплаб миллий асарлар сахналаштирилди.

Умуман, мустақиллик даврида Қ.т. миллий репертуарга, драматурглар билан янги асарлар устида ишлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳусан *Амиркулов*, О.Исмоилов, М.Тўракулов, С.Қорабоев, Х.Исроилова,

Ҳакберди Амиркулов, А.Рўзиева, Б.Элмуродов, Э.Шодиев, Қ.Бердиев, М.Шоймардонов, Р.Мустафоева, Ф.Самиева, Н.Боймуродова, Т.Жалилов, Ш.Омонов, Ҳ.Остонова, А.Бобомуродова ва бошқалар етакчи актёрлардир. Бош реж., бош расом — Азамат Сагторов.

Муҳсин Қодиров.

ҚАШҚАДАРЁ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — Қашқадарё вилояти давлат қўғирчоқтеатри. 1994 йил 15 мартда «Дангасанинг холи вой» (реж. Ш.Юсупов, расом В.Акудин) спектакли билан очилган. Театр Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри биноси ичида, бир қанотидаги зал мазкур театрга мослаштирилган (80 ўринли). Дастлабки йилларда С.Бердиев, Ж.Тошев, Д.Каромов, Р.Мустафоева, Х.Сагторов, А.Рўзиева, Б.Пратов, И.Бутунов, А.Сагторовлар ишлаган. Фаолияти давомида театр «Қопқоқ», «Қовоквой ва қовунлар». «Ғаламислар кўзғолони» (муаллифи ва реж. Х. Сагторов), «Чийчий-ойнинг саргузаштлари» (З.Чеповецкий; Ш.Юсупов), «Қувноқ масхарабозлар» (Х.Сагторов; Ғ.Ҳамроев), «Баджаҳл куёнча» (М.Супонан; Ғ.Ҳамроев), «Чимилдиқ» (Э.Хушвақтов; Х.Сагторов), «Ғаройиб меҳр», «Очкўз Качал» (И.Саидалимов; Ғ.Ҳамроев), «Куёш нури» (Е.Попеску; Ғ. Ҳамроев), «Қитирқитир ким бўлди» (Е.Чеповецкий; Х.Сагторов), «Мешполвон» (А.Обиджон; Ғ.Ҳамроев), «Мен даҳшатли Бармалей» (Х.Сагторов; М.Тўракулов) каби спектакллар, бир қатор қўғирчоқ концертларини сахналаштирган. Болалар онгига миллий ва умуминсоний кадриятлар, ахлоқий мезонларни сингдириш ва зифасини бажаради. Театр, мактаб, оромгоҳлар сахналарида ҳам томошалар кўрсатади, катта театр ва Қарши шахри майдонларида ўтказиладиган байрам ва юбилей тадбирларида қатнашади. Театрнинг шаклланиши ва ривожланишида реж. Ғайрат Ҳамроевнинг хизматлари

катта. Театрда реж. Холмурод Сатторов, рассом Мирзохид Маматов, актёрлардан С.Саидова, А.Худоёров, И.Саидолимов, Ш.Тўхтамишев, И.Қурбонов, О.Маматов, Т.Худойбердиев, Ф.Бекназаров, Н. Ҳусанова, Л.Примова ва бошқалар етакчилик қилмоқдалар.

Мухсин Қодиров.

ҚАШҚАЛДОҚ — турнасимонлар туркуми сувмошақлар оиласига мансуб куш. Танаси 40 см ча. Қ. яхши сузади ва шўнғийди. Европа, Осиё, Шим. Африка ва Австралияда; Россиянинг ўрта ва жан. минтақаларида тарқалган. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳам учрайди. Музламайдиган сув ҳавзаларида кишлайди. Уясинидарё, кўл ва денгиз қирғокларидаги ўсимликлар орасига ясайди. 6—15 та тухум қўяди; тухумни босишда нари ҳам қатнашади. Боласи тухумдан 21 — 24 кунда чиқади. Сув ўсимликлари, ҳашаротлар ва бошқалар билан озиқланади. Гўшти мазали. Овланади.

ҚАШҚАР, Қизилсув — Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё, бошланиш қисми Қирғизистон ва Тожикистон худудларида. Уз. 765 км (685 км Хитойда), ҳавзасининг майд. 90,8 минг км². Дарё Олай ва Орқа Олай тизмаларининг ён бағирларидан бошланиб, куйи қисмида Қашқар текислигида оқади. Суви воҳани суғоришга сарфланади. Ўртгача сув сарфи куйи қисмида 77 м³/сек., энг юқориси 500 м³/сек. Ёзда суви кўпаяди. Дарё кўп окизиқ келтиради. Қ. дастлаб Ёркенд дарёсига куйилган, эндиликда ундан ғарбда жойлашган Тўғроққум кумларига сингиб кетади. Қ. бўйида Қашқар шаҳри жойлашган.

ҚАШҚАР, Қошғар (Хитой манбаларида Каши, Кашигэр) — ХХРнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Синьцзян Уйғур мухтор р-ни (Шарқий Туркистон)да, Тарим воҳасининг шим.ғарбида Қизилсув дарёси соҳилида жойлашган. Мазкур топоним «кош тоши (нефрит) кони» деган

маънони англатади. Аҳолиси 400 минг кишидан зиёд (2005).

Қ қадимдан Буюк ипак йўлидаги чорраҳа ва йирик савдо маркази бўлиб келган. Мовароуннаҳр, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларга қатновчи қарвонлар Қ. орқали ўтган. Қ. кўҳна ва янги шаҳар қисмларига бўлинади. Меъморий обидалари ва турар жой бинолари Тошкентнинг эски ва янги қисмларига ўхшаш.

Шаҳар тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумот мил. ав. 2—1-асрларга оид Хитой манбаларида Сули (Сувлик, Сулек) номи билан учрайди ва ўша даврларда 1500 оилага эга хонлик пойтахти бўлган (бу давлат 7-асрнинг ўрталаригача мавжуд эди). «Сули» атамаси Қ. чеккасидаги бир туманнинг номи сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Қ. кейинроқ хунлар, кушонлар, эфталитлар давлатлари, Турк хоқонлиги (5—7-асрлар), Уйғур хоқонлиги (7—9-асрлар) таркибига кирган. 10—12-асрларда Қ. қорахонийлар хоқонлиги пойтахти бўлди. Шу даврда шаҳар маданий жиҳатдан юксалди. Қ.да йирик олимлар, жумладан, *Махмуд Қошғарий*, *Юсуф Ҳос Ҳожиб* ва бошқалар фаолият кўрсатди. Мўғуллар даврида ҳам Қ. йирик маданий марказ сифатида сақланди. Мўғул ноиб *Масъуд Ялавоч* даврида йирик кутубхонага эга бўлган мадраса қурилган. Кейинроқ Қ.ни дуғлот амирлари бошқарди. Абу Бакр даврида (1480—1514) Тумин ва Қизилсув дарёлари оралиғида янги Қ. шаҳри қурилди. Ёркенд хонлиги (1465—1759) ва жунғорлар ҳукронлиги даврида пойтахт Қ.дан *Ёркенд шаҳри*га кўчирилгандан кейин ҳам Қ.нинг мавқеи Шарқий Туркистондаги энг йирик савдо ва ислом дини маркази сифатида сақланди. Қ.да Махдуми Аъзам (1461—1541) ва унинг қорахонийлар авлодидан бўлган хотини Бибиचा Қошғарийдан туғилган ўгли Исоқ Вали ва унинг авлодлари, жумладан, *Офоқхўжа* яшади. 1755—1759 йилларда Хитойда ташкил топган манчжурлар хоқонлиги (Цин)

Шарқий Туркистонни истило қилганидан сўнг Қ мазкур ўлкадаги иккинчи даража-ли маъмурий марказ бўлиб қолди.

Қ.да кўрғошинрух ва вольфрам рудалари, қимматбаҳо тошлар казиб олинади. Қ.х. машиналари, химикатлар, терига ишлов бериш, тўқимачилик маҳсулотлари, заргарлик ва мисгарлик буюмлари, гиламлар, қурилиш материаллари, мусика асбоблари, пичоқлар ишлаб чиқарилади. Қ. қадимдан хунарамандчилик буюмлари билан машҳур. Қ темир йўл орқали ХХРнинг барча йирик шаҳарлари билан боғланган. Шаҳарда 1979 йилда қурилган «Осиё бозори» халқаро савдо муҳим ўрин тутмоқда. Айни замонда Қ. йирик халқаро туристик шаҳарга айлан-тирилган. Шаҳарда *ЮсуфХос Ҳожиб мақбараси*, *Офоқхўжа мақбараси* ва мадрасаси, Ҳайитгоҳ (Намозгоҳ) Жоме масжиди ва мадрасаси мавжуд. Шаҳар майдонида Мао Цзэдуннинг баландлиги қарийб 40 м ли ҳайкали ўрнатилган. Шаҳар яқинида Маҳмуд Кошғарий ва Сотуқ Буғрохон мақбаралари мавжуд. Қ.дан 18 км шим.да Бешкерем дарёсининг жан. соҳилидаги тепалиқда 3 та гор бор. Горда сакланиб қолган 70 дан ортиқ ҳайкал ва деворий расмлар Қ. бундан икки минг йил муқаддам будда дини марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

ҚАШҚАР ТЕКИСЛИГИ, Тарим текислиги — Хитойнинг ғарбий қисмида, Тарим дарёси ҳавзасидаги текислик. Тяньшан, Помир, Куньлун ва Бэйшань тоғлари билан ўралган. Узунлиги ғарбдан шарққа 1200 км, майд. 530 минг км² (Марказий Осиёда энг катта). Баландлиги шарқдан ғарбга 800 м дан 1500 м гача қўтарилиб боради. Қ.т.нинг катта қисми Такламакон қумли чўли билан банд. Рельефининг пасткам жойларида кенг майдонларни шўрхоқлар эгаллаган. Текисликнинг ғарбий қисмида паст қатор тепалар учрайди. Иклими мўътадил (баъзи жойларда континентал, чўл иклими), ёзи иссиқ, киши қисқа, совуқ ва қорсиз.

Ўртача т-ра июлда 26°, қишда —20° гача. Йиллик ёгин 100 мм дан кам. Тоғлардан оқиб келувчи дарёлар Қ.т.га чикқач, суғоришга сарф бўлади ёки қумга сингиб кетади. Энг йирик дарёлари: Тарим, Хўтан, Қашқар, Оксув, Кўнчидарё; шаркида Лобнор кўли бор. Қ.т.нинг аксари қисми бўз тупроқларда ўсувчи чўлга хос ўсимликлар билан қопланган. Дарё водийларида тўқай ўсимликлари ўсади. Воҳаларда, тоғ этакларида дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланилади. Қ.т.нинг ғарби ва шим.ғарбида Қашқар, Оксув ва Ёркенд воҳалари жойлашган.

ҚАШҚАР ТИЗМАСИ, Кўнғир музтоғ — Хитойнинг ғарбий қисмидаги тоғ тизмаси, Куньлун тоғларининг ғарбий чеккаси. Уз. 100 км чамасида. Энг баланд жойи 7719 м (Кўнғир чўккиси). Аксари қисмининг бал. 5000—6000 м. Асосан, гранит, гнейс ва кварцитлардан тузилган. Чўккилари уткир киррали, ён бағирлари тик, чуқур даралар бор. Музликларнинг умумий майд. 600 км² дан зиёд. Ландшафти тоғ дашти, этаклари чала чўл ва чўллардан иборат. Дарё водийлари, тўқай чакалакзорлари бор.

ҚАШҚАРБЕДА — дуккакдошларга мансуб ўқ илдизли икки йиллик бегона ўтлар туркуми. Ўзбекистонда сариқ Қ. ва оқ Қ. турлари учрайди. Пояси тик ўсади, сершоҳ, бўйи 50150 см. Барглари уч бўлакли, навбатманавбат жойлашган. Гуллари сариқ, шингил тўпгулга йиғилган. Меваси 1—2уруғли дуккак. Иккинчи йили июнь—авг.да гуллайти ва июль—сент.да мевалайти. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари 4—16° града кўкаради. Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида кўп тарқалган. Дон экинлари орасида, бедапоялар, пахтазорларда, шунингдек, дала чеккалари, ариқ ёқаси, йўл бўйлари, ташландиқ ерлар, баъзан боғларда учрайди.

Қураш чоралари: анғиз эрта қишатилади, ер шудгор қилинади. Дон экинла-

рига гербицидлар пуркалади.

ҚАШҚАРБОЛДОҚ — халқа шақлидаги *исирға* тури (қ. *Болдоқ*). 18-асрда Фарғона водийсига Қашқардан кўчиб ўтганлар келтирган. Қ.нинг маҳаллий анъаналарга яқинлиги уни тез тарқалишини таъминлаган. Олтин ва кумушдан тайёрланадиган халқанинг куйи қисмидан ўртасигача нозик сим (гулли) панжаралар ишланиб, маркази майда *зигирак* (ёки майда марварид) лар билан гулшаклар ҳосил қилиб тўлдирилади, баъзан феруза кўзлар, олтин япроқчалар билан бойитилади.

Халқанинг куйи қисмидаги панжарасимон гули ҳилол (янги ой)ни эслатади. Қ.нинг чиройли шакли, нафис шабака гуллари, тилла ва марваридлар жилоси, заргарона ишланиши буюмга жозибadorлик бахш этади. Безакларни турли шакл ва ҳажмда ишлаб, буюмнинг янги кўринишлари яратилади.

ҚАШҚАРГУЛ — қ. *Қўқонгул*.

ҚАШҚАРЧА — келиб чиқиши уйғур мусикаси билан боғлиқ усул ҳамда шу усул жўрлигида ижро этиладиган куй ва ашулалар: 1) Шашмақомнинг 2гурух шўъбалари *Савт*, *Мўғулча* туркумларида Рок, Мустаноди Наво каби шўъбаларнинг *талқинчаяғт* кейин келадиган шохобчаси. Улар шўъбалар номи билан бирга кўшиб (мас, Қашқарчаи Савти Ушшоқ каби) аталади; 2) 2 қисмли ўзбек халқ куйи. Унда уйғур ва ўзбек халқ мусикаси оҳанглари уйғунлашган; 3) ҳофиз Содирхон Бобошарифов басталаган ашула номи.

ҚАЪДА (араб. — ўтириш) — киши вафотидан кейин «йигирма» ёки «қирқ» маросимини марҳумнинг яқин қариндошларидан бири ўз уйида ўтказадиган маросим. Марҳумнинг оила аъзоларига оғирлик тушмаслиги ҳамда марҳумга бўлган ҳурмат юзасидан бирор киши (опасингил, акаукалар, бўлак яшай-

диган фарзандлар) навбатдаги маросимни «қаъда қилиб олиб кетади», яъни ўз уйида ўтказиши. Марҳум руҳига бағишлаб дастурхон ёзади. Қ.да марҳум хотирасини ёдга олмақчи бўлган кишилар марҳум хонадонига эмас, Қ. ўтказаетган киши уйига борадилар. Маросимга имом, домла ёки отин оёи таклиф қилиниб, марҳум руҳига Куръон тиловат қилинади. Кейинги пайтларда яқин қариндошлардан бири маросимнинг бутун харажатларини қоплаган ҳолда Қ.ни марҳумнинг уйида ўтказиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Қ. маросими ислом динида мавжуд эмас.

ҚАЮМ НОСИРИЙ (тахаллуслари: асл исм-шарифи Ғабдулкаюм Ғабденносирович Носиров) [1825.2(14). 2, ҳоз. Татаристоннинг Зеленодольск тумани — 1902.20.8(2.9), Қозон] татар ёзувчиси, олим ва маърифатпарвар. 1841 — 55 йилларда Қозон мадрасасида таълим олган. 1855 йилдан рус руҳонийлари билим юртида татар тилидан дарс берган. Қозон унисида эркин тингловчи. 1871—76 йилларда Қозонда Ирустатар мактабини очиб, унда ўқитувчилик қилган. «Синтаксис» ва болалар учун табиат ҳодисалари ҳақидаги «Бўш вақларда» асарлари 1860 йил ёзилган. Татар тилининг илмий грамматикасини, тўғри ёзиш қоидалари, математика, геогр., тарих ва бошқалар бўйича дарсликлар тузган ва нашр эттирган. «Қозон татарларининг эътиқоди ва урф-одатлари...» (1880), «Қозон татарларининг халқ адабиёти намуналари» (1896), «Қозон татарлари эртақларини бошқа халқлар эртақлари билан солиштириш» (1900) китоблари нашр этилган. «Татарча—русча луғати»ни тузган. Қ.Н.нинг маърифатпарварлик ғоялари ва насрий асарлари татар адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

ҚАЮМ РАМАЗОН (тахаллуслари: Қаюм, Ўқтам, Турғунбой қори, Рамазон қори) (1900 — Тошкент — 1938.4.10) — ўзбек педагоги, журналист, театр

танқидчиси, тилшунос. Онаси Мастура отин Абдуқодир аълам Ражаббой кизи ёрдамида саводини чиқарган ва *Мунавварқорининг* янги усул мактаби ҳамда мадрасада, Боку пед. Институтида (1916-17) ўқиган. 1918-21 йилларда ўқитувчилар тайёрлаш курси ва бошланғич мактабларда ўқитувчи. *Фитрат билан* бирга «Чигатой гурунги»ни ташкил қилган ва унда котиб бўлиб ишлаган (1919). «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газларида адабий ходим (1921—23), Ўзбекистон МИК қошидаги Янги ўзбек алифбоси марказий қўмитаси аъзоси (1929—30), *Фан комитети* хузуридаги Тил ва адабиёт ин-тида доцент (1934—37). Театр танқидчиси сифатида «Абу Муслим», «Уйғониш», «Яланғоч эшон», «Шайх Санъон», «Фарход ва Ширин», «Маликаи Турандот», «Хужум», «Халима», «Коваи оҳангар» спектаклларига тақриз ёзган. Ўзбек мактаблари учун дастлабки она тили дарсликларини яратган. «Она тили» (Фитрат ва Ш. Раҳимий билан бирга, 1918), «Билим йўллари», «Ёзув йўллари» (1919), 4 китобдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Мунавварқори ва Ш.Зуннун билан ҳамкорликда, 1925—26), «Ер юзидаги тиллар орасида ўзбек тили» (1930), «Ўзбек тилининг имло қоидалари» (1931), «Ўзбек тилининг бирлашган имло қоидаси» (1934), «Ўзбек тили иш китоби» (Ш.Шамсий билан ҳамкорликда, 1935—36) китоблари муаллифи. «Халқ душмани» сифатида отиб ташланган. 1957 йилда окланган.

Сирожиддин Аҳмедов.

ҚАЙОМАРС — туркий ва форсий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг тарқалган афсонавий образ. Қ. ҳақидаги афсонанинг турли вариантлари қадимий ёзма манбалардан «Авесто», «Тарихи Табарий» (Табарий), «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (*Беруний*) ва бошқалар асарларда бор. Қ. «Авесто»да Гайа Маретан, Гайа Мартан деб юритилган. С.П. Толстовнинг фи-

крича, Қ. — «Гавомард» сўзидан келиб чиқиб «Буқа одам», маъносини англаган ва у Хоразмда яшаган.

Беруний Қ.нинг «Гиршоҳ» (Тоғшоҳи) ҳамда «Гилшоҳ» (Лойшоҳ) деган лақаблари бўлганини ёзади ва Қ. сўзининг таржимаси «тирик», «сўзловчи» эканини билдиради. Қ. ҳақидаги афсонанинг Беруний асаридаги баёнига кўра, Аҳриманнинг қилмишларидан худо хайратда қолади ва унинг пешонасидан тер чиқади. Терни артиб ташлаганда, тер донасидан Қ. пайдо бўлади. Худо Қ.ни Аҳриман ёнига жўнатади. Қ. Аҳриман ёнига келиб, унинг елкасига миниб олади ва шу ҳолда дунёни айлана бошлайди. Аҳриман хийла билан Қ.ни елкасидан улоқгириб ташлайди ва устига миниб олиб, бош томонидан ея бошлайди. Белига етганида Қ. уруғдонидан ерга икки дона уруғ тушади. Улардан ўсимлик униб чиқади. Ўша ўсимликлардан бир киз ва бир ўғил (Меши ва Мешона) пайдо бўлади. Уларни форслар Одамато ва Момоҳаво деб, хоразмликлар Мард ва Мардона деб атайдилар. Бу афсонанинг бошқа вариантлари ҳам кўп. Қ. ҳақидаги барча афсоналарда Қ. адолат учун курашувчи, кишиларни жамият бўлиб яшашга ўргатувчи, ҳаёт ва яхшилик тимсоли сифатида намоён бўлади, доимо ёвузликка (девлар ва инсжинсларга) қарши курашади.

Қ. образи тасвирий санъатда ҳам акс этган; 1932 йил Таллибарзу (Самарқанд яқини)да Қ.нинг ярим хўкиз, ярим одам шаклидаги тасвири чизилган сопол буюмлар топилган.

Ад.: Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.

ҚАЙОМОВ Азизхон Пўлатович (1926.19.16, Қўқон) — адабиётшунос, Ўзбекистон ФА акад. (1995). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1983), филол. фанлари д-ри (1961). П. *Қайомовнинг* ўғли. Ўрта Осиё давлат ун-тининг шарқ ф-тини тугатган (1949). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида

илмий ходим (1949—57), ЎзССР Министрлар Советида фан ва олий ўқув юртлари бўйича катта референт (1957—58), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти директори (1958—61). Ўзбекистон КП МК фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими, сўнг фан ва маданият бўлими мудири (1961—63). Ўзбекистон Маданият вазири, вазирнинг биринчи ўринбосари (1963—64), ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография давлат комитети раиси (1964—74), Тошкент маданият институти ректори (1974—79), Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институти директори (1979—98), Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида етакчи илмий ходим (1998 йилдан). Асосий илмий ишлари Қўқон адабий муҳити мавзуда. «Махмур» (1956), «Ҳозик» (1957), «Ғозий» (1959), «Садди Искандарий» (1975), «Алишер Навоий» (1976, 1991), «Ҳайрат улабор» (1977), «Фарход ва Ширин» сирлари» (1979), «Нодир саҳифалар» (1991), «Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд» (1993) каби асарлари *Алишер Навоий* ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишда муҳим ҳисса бўлган. Қ *машинунослик* соҳасида ҳам самарали иш олиб бориб, бир қанча ўзбек мумтоз шоирларининг асарларини нашрга тайёрлаган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980). «Шухрат» медали (1996), «Элюрт ҳурмати» ордени (2003) билан тақдирланган.

Ас: Назм ва тафаккур куёши, Т., 1992; Шеърят жилолари, Т., 1996; Жемчужина мудрости и таймн семи морей (Б. Ҳасанов билан ҳамкорликда), Т., 2000; Академик Ғафур Ғулом, Т., 2002; Академик Воҳид Зоҳидов, Т., 2004; Академик Ойбек, Т., 2005.

ҚАЮМОВ Лазиз Пўлатович (1930.23.4, Қўқон 2004.11.1, Тошкент) — адабиётшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), филол. фанлари д-ри (1963), проф. (1965). *А.П.Қаюмовнинг* укаси, Ўрта Осиё дав-

лат ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1952). Шу унтда ўқитувчи (1953—56), доцент (1956—65), декан (1960—62), СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири (1963—85; 1988 йилдан). «Ўзбекистон маданияти» (1962—81), «Совет Ўзбекистони» (1984—88) газ. нинг бош муҳаррири. Ҳамза ижоди-га бағишланган «Инқилоб куйчиси» (Ҳамза Ҳақимзода биографияси) (1962), «Инқилоб ва ижод» (1964), «Инқилобий драма» (1970), «Ҳамза» (1973, 1989) китоблари нашр этилган. «Шоира Зулфия» (1965, 1975) «Олмос истеъдод» (1965), «Замондошлар» (1972), «Аср ва наср» (1975) ва бошқалар асарларида адабиётшунослик ва ўзбек адабиётига оид муаммолар очиб берилган. «Ўқитувчи» (1954), «Гулистонинг сенинг», «Меҳри дарё» (1975) воқеий ҳикоялар ва «Меридиандаги учрашувлар» (1976) публицистик мақолалар тўпламлари ҳам бор. «Барҳаёт Ҳамза» (1967), «Ҳамза театри» (1968), «Фарзандингман, Ўзбекистон!», «Гул сайли» (1972) каби ҳужжатли фильмлар сценарийси муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973).

Ас: Сайланма, [икки жилдлик], Т., 1981, 1983.

Ад.: Олимов М., Лазиз Қаюмов; Адабий портрет, Т, 1980; Лазиз Қаюмов [Хотиралар], Т, 2005.

ҚАЮМОВ Малик Қаюмович (1912.22.4, Тошкент) — кинореж., кинооператор. Ўзбекистон халқ артисти (1948). Халқ артисти (1967). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1946). Меҳнат Қаҳрамони (1981). Бутуниттифок кинематография институти (ВГИК)ни тугатган (1932). Фаолиятини Тошкент «Шарқ юлдузи» кинофабрикасида кино артисти ҳамда кинооператор ёрдамчиси сифатида бошлаган (1929—31). Дастлаб «Бағдодда «америкон пахта-си»» (1931), «Қумликдаги воҳа» (1932), «Ўлим қудуғи» (1939) каби фильмларда роллар ўйнаган. Тошкент кинохрони-

ка студиясида оператор, айти пайтда «Союзкинохроника»нинг Ўрта Осиё муҳбири (1932—40). Хужжатли фильмлар марказий студиясининг 2-жаҳон уруши фронтларидаги ҳарбий кинооператори. Тошкент бадий ва хужжатли хроникал фильмлар студиясида кинооператор, реж., хроника директори, бадий раҳбари (1946—60). Ўзбекистон илмийоммабоп ва хужжатли фильмлар студиясининг директори, бадий раҳбари (196175). 197693 йиллар Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи правлениесининг биринчи котиби. Қ. ижодий фаолияти давомида 200 дан ортиқ хужжатли ва илмийоммабоп фильмлар яратди. У ўз фильмларида Ўрта Осиё ҳаётига оид воқеалар, унинг табиати, фани ва хўжалик ҳаётини акс эттирган. Тошкент Фарғона канали қурилишига бағишланган «Қудратли оқим» (ҳамкорликда яратилган), «Тошкент тўқимачилик комбинати», «Ўзбекистон географияси», «Она диёр», «Тўрт дарвозали шаҳар», «Фарҳод чироқлари», «Ҳиндистон тонги», «Ўзбекистонимизга келинг», «Инсониятнинг беш қўли», «Вьетнам — менинг мамлакатим», «Баҳордан баҳоргача», «13 қалдирғоч», «Тошкент, Зилзила», «Гўзалликнинг уч сири», «Самарқанд ҳамиша мен билан», «Санъатга бахшида умр», «Олтин Бенгалия», «Ўзбек атласи», «Паранжи», «Шарқда шундай шаҳар бор» (ёки «Тошкент билан учрашув»), «Брюссель» ва бошқалар қисқа, тўла метражли фильмлари ўзбек хужжатли киноси ривожига муҳим аҳамият касб этди. Қ. нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон хужжатли киноси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди ва бу ўз вақтида Нью-Йорк, Венеция ва Лейпциг халқаро кинофестивалларининг катта олтин медаллари ва «Олтин Кабутар» мукофоти билан, жаҳон хужжатли киноси ривожига қўшган ҳиссаси учун махсус диплом билан тақдирланган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1964). «Элюрт хурмати» ордени (1999)

ва «Жасорат» медали билан мукофотланган (1995).

Ад.: Ҳасанов Б., Ўзбек хужжатли киноси, Т., 1972.

ҚАЮМОВ Раҳим (1939.17.8, Қибрай тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент пед. институтини тугатган (1964). 1959 йилдан Қибрай туманидаги 32мактаба, 1967—96 йилларда 39мактаба ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚАЮМОВ Темур Абдунабиевич (1941.11.11, Тошкент) — кинооператор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981). Бутуниттифоқ кинематография институти (ВГИК)ни тугатган (1985). 1958—66 йиллар Тошкент телевидение студиясида телеоператор, 1966—2002 йиллар «Ўзбекфильм»да оператор. «Бир кун ва бир умр», «Тўқувчи», «Булоқлар», «Қаҳрабо дон ҳақида сўз» каби хужжатли, «Қўркмас автомобиль пойгачилари», «Сен менинг кўшигимсан», «Шум бола», «Илондан сакландинг!», «Ленинградлик жигарбандларим», «Олтин мўйна», «Тоғлар узра узокдан келган аксадо», «Жазирама куёш остидаги уй», «Қандаҳорда тобланганлар», «Бир кадам ўнгга, бир кадам чапга», «Тақдир эшиги», «Олмос камар», «Қахрамон» каби бадий фильмларни суратга олган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

ҚАЮМОВ Шариф Фаниевич (1905.25.1, Бухоро 1973, Тошкент) — актёр ва реж. Ўзбекистон халқ артисти (1952). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1927). Фаолиятини Бухоро муаллимлар тайёрлаш билим юртида ўқиб юрган пайтидан драма тўғарагида қатнашишдан бошлаган ва Ҳожи Муин Шукруллонинг «Мазлума хотин» пьесасидаги Тансиқой ролини ўйнаган. Кейин Бухоро театрига ишга ўтган (1923), 1927—73 йиллар Ҳамза номидаги театрда ишлаган. Қ. кичик рол-

лар устаси сифатида танилган. Фердинанд, Шпигельберг (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар»), Горацио (У.Шекспир, «Ҳамлет»), Робинзон, Кулигин (А.Островский, «Сепсиз қиз», «Момақалдиروق») кабилар шулар жумласидан.

Миллий драматургияда Назирий (К.Яшин, А.Умарий «Ҳамза»), Пири Зиндоний (М.Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Одилов (А. Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана») каби образлар яратган. «Уйланиш» (Н.Гоголь), «Уйғониш» (Н.Сафаров), «Қўзибулоқ қишлоғи» (Лопе де Вега), «Хатарли йўл» (Шукрулло), «Парвона» (Уйғун), «Тартюф» (Мольер), «Мешчанлар» (М.Горький), «Юлий Цезарь» (У.Шекспир) ва бошқалар спектаклларни сахналаштирган. Қ. Ўзбекистонда радиотеатр яратилишига ҳам катта ҳисса қўшган. Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асари, Н.Гоголнинг «Ўлик жонлар» романи асосида радиопостановкалар яратган.

ҚАЮМОВА Ханифахон Аҳмадалиевна (1950.1.5, Бағдод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. институтини тугатган (1973). 1970-2000 йилларда Бағдод туманидаги 5мактабда геогр. ўқитувчиси.

ҚАҚШАЛТОВ ТИЗМАСИ — Тяньшан тоғлари жан. даги тоғ тизмаси. Қирғизистон билан Хитой чегарасида жойлашган. Уз. 400 км чамасида. Қ.т.нинг шарқий, Сарижаз дарасигача бўлган қисмини Бўзқир деб ҳам атайдилар. Хонтангри тоғ тугуни жан.ғарбидан бошланган. Тизма шим.да сиртлардан 1000—1500 м кўтарилган. Ўрта ва шарқий қисмидаги музликлар (600 дан ортиқ) майд. 983 км². Қ.т. бутун Тяньшан тоғлар гуруҳининг йирик орографик бирлиги ҳисобланади. Бал. 4000—6000 м. Энг баланд жойи Ғалаба чўққиси (7439 м). Гилли сланец, кумтош, оҳақтошлардан тузилган, улар орасидан гранитлар ёриб

чиққан. Сарижаз, Қақшал, Узенгегуш дарёлари тизмани тор даралар ҳосил қилиб кесиб ўтган. Жанубий ён бағри дашт ўсимликлари билан қопланган, баланд қисмларида эса ўсимлик сийрак, курум ва тошлоқ тоғ тундрасидан иборат. Шим. ён бағри — баланд тоғ ўтлоқлари ва даштлари.

ҚАҒАНОҚ — янги тукқан қўйнинг дастлабки 3—4 кунлик сугидан тайёрланадиган маҳсулот. Соғиб олинган сут суз оловда туз ва седана солиб қайнатилади. Қ.қа гуруч, оқшоқ қўшиш ҳам мумкин. Қ.ни совитиб истеъмол қилинади. Таркибида ёғ ва оксил, физиологик фаол моддалар кўплиги ва тўйимлилиги билан бошқа сут маҳсулотларидан фарқ қилади. Совиган Қ. юмшоқ *пишлоқ* каби қотади.

ҚАҲВА — қ. *Кофе*.

ҚАҲҲОР БАХШИ (тахаллуסי; асл номи Абдуқаҳҳор Қодир ўғли Раҳимов) (1958.2.11, Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани Чалка қишлоғи) — бахши. *Қрдир бахшининг* ўғли. Қарши давлат пед. интининг ўзбек филол. ф-тини тугатган (1983). 1978 йилдан Бобур номидаги 1ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Қ.б. дostonчиликнинг бутун сирасорини Қодир бахшидан ўрганган. Отасидан 6 ёшидан дўмбира чертишни ўрганган. 18 ёшида мустақил дostonчи бўлиб етишган. Репертуарида «Алпомиш» «Қунтуғмиш», «Ёдгор», «Юсуф ва Зулайҳо», «Рустамхон», «Болойим», «Ойсулув», «Балогардон», «Олланазар», «Олчинбек», «Муродхон», «Сохибқирон», «Малика айёр», «Нурали ва семурғ», «Чамбил қамали», «Келиной», «Ёзи билан Зебо» каби 30 дан ортиқ дoston ҳамда 100 га яқин термалар мавжуд.

Қ.б. республика бахшишоирлари беллашувида 1 (1987) ва 2 (1989) ўринни эгаллаган.

ҚАҲҲОРОВА

Мўътабархон

(1949.14.4, Наманган тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Наманган пед. институтини тугатган (1972). Қ Наманган туманидаги 35мактабда бошланғич синф ўқитувчиси (1972—93 ва 2001— 03), ўқув бўлими мудири (1993—98), директор ўринбосари (1998—2001).

ҚАХҲОРОВА Раънохон (1946.15.1, Урганч шаҳри) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Хоразм пед. институтини тугатган (1971). 1971 йилдан Ҳазорасп туманидаги 1мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚИБЛА (араб. — Қарши томонда турган нарса) — мусулмонлар намоз ўқиётган пайтда юзини қаратиб турадиган томон. Дастлаб Муҳаммад(сав) ва унинг тарафдорлари Қуддус (Иерусалим) томонга қараб намоз ўқишган. Ҳижрий 2йили (624) Маккадаги Каъба (Байтуллох) барча мусулмонлар учун Қ. қилиб белгиланган. Ҳар бир мусулмон қаерда бўлмасин, албатта Қ. томонга қараб намоз ўқийди. Масжидларда меҳроб Қ. томонга ўрнатилади, шу томонга қараб азон айтилади. Ислондаги кўп маросимлар ҳам, одатда, Қ.га қараб бажарилади. Марҳум кўмилганда ҳам юзи Қ.га қаратиб қўйилади. Ислон шариати Қ. томонни улугълайди, Қ. томонга оёқларни узатиб ўтириш ва ётиш одобсизлик ҳисобланади. Ўзбекистонга нисбатан Қ. жанубиғарб томонда бўлиб, компас мили Ғарб нуқтасидан чап томонга 14 градус қайтиши керак.

ҚИБРАЙ — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шаҳарча (1973 йилдан), туман маркази. Тошкент шаҳридан 18 км шим.шарқда. Яқин т.й. станцияси — Қодирья (10 км). Аҳолиси 14 минг киши (2004). Маҳаллий ривоятларга кўра «Қибрай» (қадимда «Қирай») номи қадимий туркий қабила номидан келиб чиққан.

Қ.да саноат, қурилиш ташкилотлари,

кичик, ўрта бизнес, йирик корхоналари ва микрофирмалар, қўшма корхоналар, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг токчилик ва виночилик филиаллари, автокорхона, МТП, дехкон бозори бор. Умумий таълим, болалар мусика, спорт мактаблари, лицей, касб-хунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, Мустақиллик майдони, ўқув спорт кти, стадион, сузиш ҳавзаси ва бошқалар спорт иншоотлари мавжуд. Шаҳар ўртасидаги майдонда Хотира монументи ўрнатилган. Туман марказий касалхонаси, тиббий тез ёрдам бўлими, поликлиника, марказий дорихона, туғруқхона мажмуи ва бошқалар тиббий муассасалар бор. Шаҳарча яқинида бир қанча санаторий ва дам олиш уйлари (шу жумладан, «Ботаника», «Бўстон», «Умид гулшани», «Қибрай», «Навбахор», «Энергетик» ва бошқалар) фаолият кўрсатади. Қ.дан Тошкент шаҳри гача автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. Тошкент — Хўжакент электр поезда Қ. ёнидан ўтади.

ҚИБРАЙ ГЭС — Бўзсув каналининг ўрта оқимида, Тошкент вилояти Қибрай тумани Қибрай ГЭС қишлоғида жойлашган. *ЧирчикБўзсув сувэнергетика трактицаги* 11ГЭС. 1941 йилда қурила бошлаб, 1943 йил сентябрда ишга туширилган. ГЭСда қуввати 11,2 МВт бўлган 1 та агрегат ўрнатилган. ГЭС ўзан типда қурилган бўлиб, секундига 80 м³ сув ўтказишга мўлжалланган. *Қодирья ГЭС* дан бошқарилади. 2003 йилда 96,2 млн.кВтсоат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ — Тошкент вилоятидаги туман. 1933 йил 1 дек.да ташкил этилган. 1962 йил 24 дек.да Калинин (ҳоз. Зангиота) тумани билан бирлаштирилди. 1964 йил 31 дек.да қайтадан тузилди. 1933 — 91 йилларда Оржоникидзе тумани. Жанубий ғарбдан Тошкент шаҳри, жан.дан Юқори Чирчик, шарқдан Бўстонлик, ғарбдан Тошкент туманла-

ри, шим.дан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 159,6 минг киши (2004). Туманда 2 шаҳарча (Қибрай, Салор), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Байтқўрғон, Ёнарлик, Май, Матқобулов, Оққовоқ, Тузел, Чинобод, Янгиобод, Ўнқўрғон, Қизилту, Қипчок) бор. Туман маркази — Қибрай шаҳарчаси.

Табиати. Туман вилоятнинг шим. ва шим.шарқида, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Рельефи шим.шарқий қисмида қир ва адирлардан иборат. Ер юзаси шим.шарққа томон баландлашиб боради. Ўртача бал. 300—400 м. Жанубий томонидан Чирчиқ дарёси, шим.дан Бўзсув, Зах ва Хоним каналлари, ўрта қисмидан Катта Қорасув канали оқиб ўтади. Чирчиқ дарёсининг ҳоз. ва қадимий ирмоқлари, Бўзсув, Захарик каналлари жарликлар ҳосил қилган. Баъзи жарларнинг чуқурлиги (Бўзсувда) бир неча ўн метрга етади. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Иқлими континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27 — 29°, янв.ники —2°. Ёзда энг юқори т-ра 41—42° га етади, янв.да энг паст т-ра —29°. Вегетация даври 210—220 кун. Йиллик ёғин 300—400 мм. Ёввойи ўсимликлардан туранғил, терак, жийда, дўлана, тол, юлғун, қамиш, янтоқ ва бошқалар бор. Баҳорда ранг (корабош), шайтонкавуш, лола ва лолақизғалдоқлар ўсади. Чирчиқ дарёсининг қайирларида ёввойи ҳайвонлардан қуён, сув қаламуши, сичқон, ғоз, ўрдак, қирғовул, лойхўрак, сўфитўрғай, сувилонлар, ондатра мавжуд.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, рус, тожик, тагар ва бошқалар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 285 киши (2004). Шаҳар аҳолиси 38,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 120,9 минг киши.

Хўжалиги. Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, қ. х. маҳсулотлари етиштирилади. 17 саноаткорхонаси, Тошкент иссиқлик электр маркази, ГЭСлар каскади, мевасабзавот

консерваси ва пивоалкоголсиз ичимликлар ктлари, ғишт 3-ди, «Тошкент» паррандачилик хўжалиги, тухум етиштириш бўйича саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар; 10 ширкат, 237 фермер, шу жумладан, 64 дехқон хўжалиги, «Лимонзор» хўжалиги ва бошқалар хўжаликлар бор. Умумий экин майдони 13,7 минг га, шу жумладан, дон 4,9 минг га, картошка ва сабзавотлар 2483 га, озуқа экинлари 5,2 минг га майдонни эгаллайди. Боғ ва тоқзорлар 3,8 минг га, иссиқхона хўжалиги 3 га. Туманда 24,9 мингдан зиёд қорамол (шу жумладан, 11 мингга яқин сизир), 16 мингга яқин қўй ва эчки, 1371,4 минг парранда боқилади (2004). Туман Тошкентга қ.х. ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. Туман ҳудудидан 13 и.т. 48 умумий таълим мактаби (27,4 минг ўқувчи) фаолият кўрсатади. «Племэлит» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент аграр унти, 4 мусиқа мактаби, 43 кутубхона, 9 клуб муассасаси (жумладан, 4 маданият уйи, 2 маданият саройи), стадион, сузиш ҳавзаси, 5 соғлиқни сақлаш муассасаси, 2 касалхона, 13 қишлоқ врачлик пункти, 9 амбулатория, 9 қишлоқ даволаш маскани, 13 фельдшеракушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Болалар санаторийси, «Бўстон», «Ботаника», «Умид гулшани», «8 Март», «Турон», «Навбахор», «Қибрай» санаторийлари, «Энергетик» мавсумий дам олиш уйи ва бошқалар бор. Туман Тошкент шаҳри билан автобус ва электрлаштирилган т.й. транспорт орқали боғланган.

ҚИБТИЙЛАР, коптлар — христиан динига эътиқод қилувчи Миср арабларининг этноконфессионал гуруҳи (асосан, монофисийлар, унилар ва протестантлар ҳам бор). ‘ Юқори Мисрдаги шаҳарларда, шунингдек, Яқин Шарқнинг бошқа мамлакатларида яшайди. 4 млн. кишидан ортиқ (1990-й.лар ўргалари). Мисрнинг арабларгача бўлган қадимий аҳолиси авлодлари.Қибтий тилида (қад. миср тилининг сўнги босқичи; асосан

ибодат тили ҳисобланади) сўзлашади.

ҚИЁМ — шакарни сувда қайнатиб тайёрланган куюқ шарбат. Қ.га сабзавот, мева, резавор мевалар ва бошқалар (саби-зи, янтоқ гули, равоч, олча, тоғолча, лимон ва бошқалар) солиб қайнатиб мураббо тайёрланади (айрим мураббо турларини тайёрлашда шакар сепиб қўйилган мевадан ажралган шарбатдан аввал Қ. қайнатилади ва сўнгра унга мевалар солиб, қайнатиш давом эттирилади). *Чак-чак* учун асал ёки шакардан махсус Қ. тайёрланади.

ҚИЁМАТ — к. *Охират*.

ҚИЁС (араб. — таққослаш) — *шариат* манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмо билан бирга). Қ.да дастлабки 2 манба — Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Мас, арақнинг шайтон иши эканлиги, урушжанжал, адоват чиқариши сабабидан у Қуръони каримда ман этилган. Арақдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор нарса айтилмаган. Лекин мужтахид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам арақ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга Қ. қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Қ. фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Шу билан бирга Қ. ислом динини замон ва тараққиёт ила ёнмаён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қ.нинг манба сифатида киритилиши шариатнинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва рухонийлар, фақиҳларнинг мавжуд муносабатларни химоя қилишдаги мавқеи ошишидан далолат берар эди. Ислом ҳуқуқшунослигида ҳоз. ҳам Қ.га амал қилинади.

ҚИЁС ЖИРОВ Қайрат ўғли (1903 Қорақалпоғистон, Чимбой тумани —

1974) — Қорақалпоғистон халқ жирови (1942). Сайфулла жиров ва Бегмурод жировларнинг шоғирди. Ёшлигидан халқ кўшиқларини, кўбиз куйларини ўрганган. «Маспошшо», «Шахриёр», «Шўра», «Қорамон — қотил», «Бўзўғлон», «Қизполвон» дostonларини кекса жировлардан ёзиб олиб, ўзи ҳам ижро этиб юрган, 40 минг мисрага яқин тўлғовлар яратган. «Алпомиш» (қорақалпоқ варианты, 1957), «Маспошшо» (1958), «Бўзўғлон» (1961) каби дostonларни ёзган ва нашр эттирган. Унинг «Кўбиз термалари» китоби босилиб чиққан (1966). Қ.ж. Москва, Тошкент, Тўрткўл шаҳрларида ўтказилган халқсанъати олимпиадаларида (1939), Москвада ўтказилган Халқаро шарқшунослар конгрессида қатнашган (1960).

ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКА — икки ёки ундан ортиқ тилни ўзаро қиёслаш орқали улардаги ўхшашлик ёки тафовутлар белгиланадиган грамматика; «контрастив грамматика» деб ҳам аталади. Қ.г. тилларнинг фонологик, морфологик, синтактик, семантик ва лексик сатҳларини қиёслаб ўрганади. Тилларни бундай ўрганиш қиёсий метод воситасида амалга оширилади. Бунда ўзаро қариндош тиллар ёки турли тизимдаги тиллар қиёслаб ўрганилади. Ўзаро қариндош тиллар қиёсланганда, *қиёсийтарихий методдан* ҳам фойдаланилсада, тиллар синхрон тарзда ўрганилади.

Қ.г. асосчиси русполяк тилшуноси Бодуэн де Куртенэ ҳисобланади. Европа тилшунослигида Қ.г. элементлари 18—19-асрларда яратилган грамматикаларда кўзга ташланади. Ҳиндевропа тилларининг дастлабки Қ.г.лари немис олимлари Ф.Бопп ва А.Шлейхерлар томонидан ёзилган. Қ.г.нинг асосий тамойиллари ва қиёсий методнинг тилшунослик методи сифатида шаклланиши 20-асрнинг 30—40-й.ларига тўғри келади. Қ.г. назариёти ва амалиётига европа ва рус тилшуносларидан Ш.Балли, С.И.Бернштейн, Е.Д.

Поливанов, Л.В.Шчерба, А.А.Реформатский ва бошқалар катга хисса қўшганлар. Ўзбекистонда Қ.г. га оид амалий тадқиқотлар Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, И.А.Киссен, О.А.Азизов, Ш.Раҳматуллаев ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ад.: Поливанов Е.Д., Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком, Т., 1933; Ярцева В.Н., Контрастивная грамматика, М., 1981; Азизов А.А., Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков, Т., 1983.

Гавҳар Тўхлиева.

ҚИЁСИЙ НАРХЛАР — қ. *Нарх.*

ҚИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ — психология соҳаси. Психиканинг филогенетик (келиб чиқиш), онтогенетик (инсон умрига оид) ҳолатлар ва уларнинг шакллари тадқиқ қилади. Қ.п.да ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг ҳулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутларнинг сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи биологик ва табиий кучлар, ижтимоий муҳитдаги таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади. Зоопсихология Қ.п.нинг асосий бўлими (таркибий қисми)дан иборат бўлиб, у турли гуруҳларга, турларга мансуб ҳайвонлар, жониворлар психикасини, уларнинг хаттиҳаракатларини ўрганadi. Этология — биологик ва психологик жабҳалар қоришмасидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хаттиҳаракатидаги туғма (ирсий) аломатлар, механизмлар инсонники билан умумий негизга эга эканлигини ўрганувчи соҳа. Қ.п. инсонда онгнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган психологик муаммоларни қамраб олади. Шунингдек, у инсон хаттиҳаракатининг биологик, ижтимоий, турмушда орттирилган жабҳаларини тадқиқ этувчи психология тармоғи. Инсонда меҳнат фаолиятининг вужудга келиши ва такомиллашуви, кишилик жамиятининг ривожланиши, одамлар орасида ўзаро муносабат воситаси сифатида

нутқнинг пайдо бўлиши ижтимоийпсихологик омиллар, шартшароитлар туркумини ташкил қилади. Инсонда онгнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзини ўзи англашини аниқловчи психологик омилларни ҳисобга олиш, бола камолоти тўғрисидаги қонуниятларга асосланиш қиёсий таҳлилнинг маҳсулидир.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ АДАБИЁТ-ШУНОСЛИК, компаративизм — адабиётшуносликда 19-асрнинг 2-ярмида *позитивизм* таъсири остида Европада пайдо бўлган мактаблардан бири; адабиёт тарихининг халқаро адабий алоқалар ва муносабатларни, турли мамлакатлардаги адабий-бадий воқеа-ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганувчи бўлими. Қ.т.а. намояндалари асосий эътиборни адабий оқимлар, миллий адабиётлар ва айрим асарлар, образ ва сюжетлар ўртасидаги ўхшашликни аниқлашга қаратадилар, сюжетлар миграциясини, яъни халқдан халққа кўчишини адабий ривожланишнинг омили деб қарайдилар. Шуни айтиш керакки, адабий воқеа-ҳодисаларнинг ўхшашлиги, бир томондан, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланишидаги ўхшашликка, иккинчи томондан эса, улар ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларга асосланади; шунга мувофиқ равишда адабий жараённинг типологик ўхшашликлари ҳамда «адабий алоқалар ва таъсирлар» фарқланади. Одатда, улар ўзаро таъсир, алоқада бўлсада, бироқ бу нарса уларнинг қўшилиб, қоришиб кетишини тасдиқламайди.

Қ.т.а.нинг дастлабки белгилари немис олимлари И.Г.Гердер, Ж.Бенфей, инглиз олими Ж.Денлон ва рус олими Ф.И.Буслаев асарларида намоён бўлган бўлсада, унинг асосий принциплари европалик Х.М.Познетт ва россиялик А.Н.Веселовский асарларида узилкесил таърифтавсифга эга бўлади. Компаративистлар, яъни Қ.т.а. намояндалари инсониятнинг бадий тараққиётига оид маълумотларни йиғиш, турли мамлакатлар ада-

биётлари ва фольклори ўртасидаги айрим ўхшашлик ва алоқаларни аниқлаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Бироқ улар бадиий воқеаларни аксар ҳолларда қарама-қарши табақалар курашидан ҳоли тарзда ўрганиб, асарларнинг ижтимоий мазмунига етарлича эътибор қаратмадилар, асосан, сюжет, образ, мотив, кўчим (троп)лар каби шаклий унсурларга ҳамда уларнинг «ўзлаштирилиши»га аҳамият бердилар. Бу ҳолат маълум даражада схематизм ва субъективизмга, миллий адабиётлар ўзига хослигини инкор этишга, «ўзлашма» сюжетлар ролини бўрттириб кўрсатишга олиб келади. 20-аср рус адабиётшуносларидан Н.И.Конрад, В.М.Жирмунский, В.Я.Пропп, И.Г. Неупокоева ва бошқалар, Ғарбий Европа ва Америка компаративистларидан фарқли равишда, адабиётлар ва фольклорни киёсий ўрганишда ўхшашликларни нафақат сюжет ёки мотивларнинг олдий кўчиши сифатида, балки типологик ҳодисалар сифатида изоҳлайдилар. Ўзбек олимларидан Ф.Сулаймонова, Б.Саримсоқов, К.Имомов, Ҳ.Ҳомидий, М.Жўраев ва бошқаларнинг асарларида у ёки бу даражада Қ.т.а. унсурлари учрайди.

Ад.: Взаимосвязи и взаимодействие национальных литератур. Материалы 1 дискуссии, М., 1961; Неупокоева И. Г., Проблемы взаимодействия современных литератур, М., 1963; Конрад Н.И., Запад и Восток. Статьи, 2 изд., М., 1972; Сулаймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Т., 1997; Жўраев М., Шомусаров Ш., Ўзбек мифологияси ва араб фольклори, Т., 2001.

Баҳодир Саримсоқов.

КИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД, компаративизм (тилшуносликда) — тил оилалари ва гуруҳларини, шунингдек, айрим олинган тилларни тарихий-генетик ўрганиш усуллари ва тартиблари мажмуи; *қиёсий-тарихий тилшунослик* тиллар ривожланишининг тарихий қонуниятларини белгилаш учун қўлланади. Ушбу метод тил тарихини би-

лишнинг энг муҳим воситасидир. Қ.т.м. ёрдамида генетик жиҳатдан ўзаро яқин тилларнинг диахроник тадрижий ривожланиши уларнинг келиб чиқиш манбаи бир эканлигини исбот қилиш асосида ўрганилади.

Қ.т.м.нинг асосий мақсади жаҳондаги қариндош тиллар ичидаги айрим оила ва гуруҳларнинг бобо тил (қ. *Бобо тил*) ҳолатидаги қолипи (қиёфаси)ни, уларнинг кейинги даврлардаги ривожланиши ва мустақил тилларга ажралиши жараёнини қайта тиклаш (аслидагидай «тирилтириш»), шунингдек, у ёки бу генетик бирликка мансуб тилларнинг қиёсий-тарихий тавсифлари (грамматикалари ва луғатлари)ни тузишдан иборат. Шунинг ҳам айтиш керакки, Қ.т.м.нинг дастлабки белгилари Шарқ филологиясида — М. Кошғарий, М. Замахшарий, А.Навоий ва бошқаларнинг асарларида кузатилади.

Методнинг асосий усуллари қуйидагилар: лисоний маълумотларнинг генетик мансублигини аниқлаш, қиёсланаётган тилларнинг турли сатҳларидаги ўхшашликлар ва ноўхшашликлар тизимини белгилаш, дастлабки бобо тил шакллари моделилаштириш, лисоний ҳодисалар ва ҳолатларнинг хронологик ва минтақавий тарқалиш чегарасини белгилаш ва шу асосда амалга ошириладиган *тилларнинг генеалогик таснифи*. Қиёслаш лисоний тадқиқотнинг универсал усули бўлиш билан бирга Қ.т.м.да ҳам асосий, устувор усул ҳисобланади. Ушбу методнинг энг муҳим белгиси тилнинг барча сатҳларидаги ўхшашликларни аниқлаш йўли билан амалга ошириладиган *реконструкция* (қайта тиклаш) тартиби (усули)дир. Қиёсий реконструкция (хар хил тиллардаги муайян ҳодисаларни қиёслаш асосида бўладиган) ва ички реконструкция (бир тил доирасидаги турли даврларга мансуб лисоний ҳодисаларни таққослаш билан бўладиган) ўзаро фарқланади.

Қариндош тиллар тизимининг та-

рихий ривожланиш қонуниятларини белгилашда Қ.т.м. фонетикфонологик ва морфологик сатҳларда энг юқори самараларга эришади. Бунда қиёслаш асосини танлаб олиш муҳим роль ўйнайди. Одатда, бундай асос энг қадимий ёзув анъанасига эга бўлган тил ҳисобланади. Ҳиндевропашуносликда бундай ролни узоқ йиллар қадимий ҳинд адабий тили — санскрит ўйнаган. Зеро, Қ.т. м. ҳам санскритда ёзилган матнлар тилини Европа тилларига қиёслаш ва улар орасида ўхшашлик борлигини аниқлаш натижа-сида 19-асрнинг бошларида майдонга келган (ҳозирги бир қатор тадқиқотларда санскрит ўрнини хеттлувий тиллари эгаллаган). Лисоний тадқиқотларнинг замонавий қиёсийтарихий методикаси типологик, квантитатив (миқдорий), эхтимоллик, филологик ва моделлаштириш каби методларнинг усулларидан ҳам кенг фойдаланади. Тилларни тарихий ўрганишнинг лингвогеографик ёки ареал усуллари Қ.т.м.нинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар бобо тил давридаги умумийликларнинг диалектал бўлиниш манзарасини қайта тиклашга ва тиллараро ареал алоқаларни аниқлашга хизмат қилади. қадимий ёзма ёдгорликлари бўлмаган тил гуруҳлари ёки оилаларида эса Қ.т.м. ҳозирги тиллар ва лаҳжаларнинг маълумотларига таянади.

Ад.: Мейе А., Сравнительный метод в историческом языкознании, пер. с франц., М., 1954; Вопросы методики сравнительноисторического изучения индоевропейских языков, М., 1956; Макаев Э.А., Общая теория сравнительного языкознания, М., 1977; Семереньи О., Введение в сравнительное языкознание, пер. с нем., М., 1980; Реформатский А.А., Введение в языковедение, М., 1998.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Гавҳар Тўхлиева.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД — қиёслаш йўли билан тарихий воқеа-ходисалардаги умумийлик ва хусусийликлар, ўхшашлик ва тафовутлар, улар

тараққиётидаги босқич ва тамойиллар аниқланадиган илмий тадқиқот методи; тарихий методнинг бир кўриниши.

Қ.т.м. ўрганилаётган воқеа-ходиса тараққиётидаги муайян босқичларни, рўй берган ўзгаришларни аниқлаш ва ўзаро қиёслашга, ривожланиш тамойилларини белгилашга ёрдам беради. Бу методнинг қуйидаги шакллари мавжуд: қиёсийчоғиштирма метод турлитуман объектлар табиатини аниқлайди; тарихийтипологик қиёслаш генезис ва ривожланиш шароитлари бир хил бўлган, келиб чиқишига кўра боғланмаган воқеа-ходисалар ўхшашлигини тушунтириб беради; тарихийгенетик қиёслашда воқеа-ходисалар ўхшашлиги уларнинг келиб чиқишига кўра қариндошлиги натижаси сифатида изоҳланади; турлитуман ҳодисаларнинг ўзаро таъсирини қайд этувчи қиёслашлар ҳам мавжуд. Қ.т.м. 19-аср бошларида тилшуносликда (қ. *Қиёсийтарихий тилшунослик*) ва этнографияда шаклланган; кейинчалик жамиятшунослик (социология), адабийётшунослик, ҳуқуқшунослик, маданиятшунослик ва бошқалар соҳаларда кенг қўллана бошлаган. Ғарб социологиясида Қ.т.м.нинг қўлланиши француз файласуфлари О.Конт, Э.Дюркгейм, инглиз файласуфи Г.Спенсер ғоялари билан боғлиқ. Қ.т.м. маданиятлар ва уларнинг тараққиёт босқичларини қиёслаб ўрганишда, турли ижтимоий тузилмалар (давлат, оила ва шахрик.)ни таққослашда қўлланади. Бунда Қ.т.м. тарихий воқеа-ходисалар структураси ва вазифаларини ўрганиш билан қўшилиб кетади. Бу жараёнда қиёсийтарихий тадқиқот методологияси янги воситалар билан бойиб боради.

Исроил Пулатов.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТИЛШУНОСЛИК, қиёсий тилшунослик, компаративистика — тилшуносликнинг қариндош тилларни, яъни генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларни ўрганувчи, улар ўртасидаги муносабат-

ларни аниқловчи ҳамда уларнинг замон ва макон бўйича тадрижий тараққиётини тавсифловчи соҳаси; тил оилаларининг, шу тизимлардаги айрим тиллар ва элементларнинг келиб чиқишини аниқлаш, жумладан, тиллар ўртасидаги генетик қариндошликни — уларнинг ягона бир манба (бобо тил)дан келиб чиққанлигини аниқлаш (*тиллarning генеалогик таснифи*) ҳам Қ.т.т.нинг мақсадлари доирасига қиради. Қ.т.т. тиллар тарихини қайта тиклаш (реконструкция қилиш) да асосий тадқиқот воситаси сифатида *киёсийтарихий методдаи* фойдаланади; тадқиқотнинг энг умумий шакли — (энг аввало фонетикани қамраб оладиган) қиёсий-тарихий грамматикалар ва (лексикани намоён этувчи) этимологик луғатлар тузишдан иборат. Қ.т.т. тавсифий ёки синхроник тилшунослик, мейёрий ва умумий тилшуносликка қарши туриб, уларни инкор этади; шу билан бирга, у бир қанча масалаларда тавсифий тилшунослик билан ҳам, умумий тилшунослик билан ҳам ўзаро алоқада, боғлиқликда бўлади.

Қ.т.т.да қўлланувчи қиёсийтарихий методнинг асосий тадқиқот усуллари қуйидагилардир: 1) ташки (қиёсий) реконструкция (тор маънодаги қиёсийтарихий метод) — қариндош тиллардаги генетик жиҳатдан тенг, ўхшаш сўз ва морфемаларни қидириб топиш ва бобо тилдаги изчил товуш ўзгаришларининг қариндош тиллардаги натижаларини аниқлаш; бобо тилнинг тахминийфаразий моделини яратиш ва кейинчалик ундан келиб чиққан авлод тилларнинг аниқ морфемаларини тиклаш қоидаларини тузиш; таққосланаётган тиллар ўртасидаги мосликлар тизими (фонетика, морфология, синтаксис, лексика, фразеологияда) аниқлаш ва шу асосда тилларнинг қариндошлигини белгилаш в.б.; 2) ички реконструкция — айрим олинган бир тил тизимида ушбу тил тарихининг анча илк босқичларида баъзи бир элементларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида аниқ гувоҳлик берувчи ходисалар

ва ўзаро муносабатларни аниқлаш; айрим бир тилдаги энг қадимий шакллар билан энг янги шаклларни ўзаро таққослаш; 3) ўзлашма (реконструкция қилинаётган тилларга ўзлашган ёки шу тиллардан бошқа тилларга ўзлаштирилган) сўзлар таҳлилидан маълумотлар чиқариб олиш; 4) топонимика материалларидан маълумотлар чиқариб олиш ва бошқалар Амалга оширилган реконструкциялар тил тизимининг барча томонларини: фонология, морфонология, морфология, лексика, қисман синтаксисни қамраб олади. Бироқ ушбу реконструкцияларни тарихан аниқ бир бобо тил билан бевосита тенглаштириб бўлмайди, улар тарихий ҳақиқат бўлмиш бобо тил ҳақидаги мавжуд маълумотларни моделлаштиради, холос; ушбу маълумотлар баъзи объектив сабабларга кўра барча авлод тилларда йўқолиб кетган морфемалар ҳамда фонемавий зиддиятларни аниқ реконструкция қилиш имконияти йўқлигидан, муқаррар равишда тўлиқ, мукамал бўла олмайди; бир қатор реконструкциялар тахминий-фаразий ҳолатда бўлади.

Тилларни тарихий тараққиётсиз қиёслаш, тарихий қиёслашдан фарқли равишда, қариндош ва ноқариндош тилларни чоғиштириш деб аталиб, у аввалдан Европанинг антик даврида (юнон ва лотин тилларини чоғиштириш), қадимий Ҳиндистонда (санскрит билан пракритларни — ўрта хинд тилларни чоғиштириш), 11—12-асрлар Шарқ тилшунослигида (М.Кошғарий ва М.Замахшарий луғатларида қариндош ва ноқариндош тиллар луғавий бирликларнинг чоғиштирилиши) мавжуд бўлган. Чоғиштира тилшунослик 17—18-асрларда Европадаги ва дунёнинг бошқа минтақаларидаги турлитуман қариндош тиллар бўйича тадқиқот материалларининг тўплана бориши билан янада ривожланади ва Қ.т.т.нинг пайдо бўлишига замин хозирлайди.

Қ.т.т.нинг, энг аввало, унинг мағзи бўлмиш қиёсийтарихий грамматиканинг пайдо бўлишини одатда 18-аср

охирида европалик тилшуносларнинг санскрит билан танишувларига боғлиқ деб ҳисоблайдилар [мас, немис олими Ф.Шлегелнинг «Ҳиндларнинг тили ва донолиги» (1808) асари, инглиз олими У. Жоунзнинг санскрит билан «классик тиллар» (юнон ва лотин) орасида қариндошлик борлиги ҳақидаги фикрлари ва бошқалар]. Лекин Қ.т.т.ка асос солувчи асарлар 19-асрнинг 1-чорагида майдонга келди. Немис тилшуноси Ф.Боппнинг «Санскрит тилининг тусланиш тизими ҳақида ва уни юнон, лотин, форс ва герман тилларидаги тусланиш тизимига қиёслаш» (1816) ва 3 жилдли «Санскрит, занд (авесто), арман, юнонлотин, литва, эски славян, гот ва немис тилларининг қиёсий грамматикаси» (1833—52) асарлари ҳамда даниялик олим Р.К.Раскнинг «Қад. шимол тили соҳасидаги тадқиқот ёки исланд тилининг келиб чиқиши» (1818) асари қиёсий тилшунослик соҳасидаги дастлабки жиддий тадқиқотлардир. Шуни айтиш керакки, Ф.Бопп ва Р.К.Раск бир-бирларининг тадқиқотларидан беҳабар ҳолда, мустақил равишда қиёсий тилшуносликка асос соладилар. Немис тилшуноси Я.Гримм эса ўзининг 4 жилдли «Немис грамматикаси» (1819—37) ва 2 жилдли «Немис тили тарихи» (1848) асарлари билан Қ.т.т.ка маълум ҳисса қўшиб, тилшунослик методологиясига тарихийлик тушунчасини киритади. Рус тилшуноси А.Х. Востоков ўзининг «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» (1820), 2 жилдли «Черковславян тили луғати» (1858—61) билан, чех тилшуноси йилДобровский эса «Қад. славян тили грамматикаси» (1822) ва бошқалар асарлари билан Қ.т.т.нинг славяншунослик тармоғини асослаб, уни ривожлантирдилар. Шундай қилиб, Ф. Бопп, Р.К. Раск, Я.Гримм, А.Х.Востоковлар Қ.т.т. ва бу тилшуносликнинг илмий текшириш методи бўлган *қиёсийтарихий метод* асос солдилар. Гримм ва немис олими А.Потт эса Қ.т.т. нинг асоси бўлган қиёсийтарихий фонетикани фан

сифатида амалиётга киритдилар. Бобо тилни реконструкция қилиш йўлидаги дастлабки жиддий уринишлар 19-аср ўрталарида немис олими АШлейхер томонидан амалга оширилган. Тилларнинг ёзувгача бўлган тарихи материалларини, энг аввало фонемаларни, далиллар асосида реконструкция қилишнинг аниқ методикаси (даниялик К.Вернернинг, немис олими К.Бругман бошчилигидаги «ёш грамматикачилар»нинг, Ф.де *Соссюр ва бошқаларларнинг* асарларида) 19-асрнинг сўнгги чорагида ишлаб чиқилган; ушбу методика ҳозирги Қ.т.т.нинг хдм асоси ҳисобланади. Қ.т.т.нинг янги босқичи А. *Мейе*, француз олими А.Бенвенист, даниялик Х.Педерсен, поляк олими Е. Курилович, италиялик В.Пизани, рус олимлари А.В.Белецкий, А.В.Десницкая, В.М.ИлличСвитич ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ. Қ.т.т. фани Ҳиндистондан Европагача бўлган ўзаро қариндош тилларни қиёслаш ва энг қадимий шаклларни тиклашга уриниш асосида яратилганлиги учун баъзан Ҳиндевропа тилшунослиги деб ҳам аталган.

Ҳиндевропа тиллари қариндошлигини ўрганиш ва герман тилларини тадқиқ қилишдан ташқари 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб славяншунослик, болтиқшунослик, романшунослик (романистика), эроншунослик, кельтшунослик, Ҳиндшунослик, сомшунослик (семитология) ҳам Қ.т.т.нинг кенг ривожланган соҳалари ҳисобланади. 20-асрнинг 1-ярмида мазкур соҳалар билан бир қаторда Ҳиндевропа тилларининг бошқа гуруҳларини қиёсийтарихий ўрганиш, урал тилшунослиги (айниқса финугоршунослик), туркийшунослик, мўғулшунослик ҳам кенг ривожланди. Қиёсийтарихий жиҳатдан мувофиқлиги ўрганилаётган тиллар доираси кенгайиб бормоқда (тунгусманжур, дравид, картвел, хитойтибет, австронез тиллари, Африкадаги сомҳом тиллари, банту тиллари, индейс тилларининг бир қанча гуруҳлари ва бошқалар). Узоқ қариндош

тиллари (*ностратик тиллар*, Америка, Африка, Океаниядаги тилларнинг макро-оилаларини) ўрганиш ривожланмоқда. Қ.т.т. бўйича тадқиқотларнинг натижалари тилларнинг генеалогик таснифига асос бўлиб, этимология ва лингвистик палеонтологиянинг илмий пойдевори ҳисобланади; тарихчилар учун эса халқлар этногенези, уларнинг ёзувга қадар бўлган тарихи, қадимий халқлар маданияти ва ўзаро алоқалари ҳақидаги лингвистик маълумотлардан фойдаланиш имконини беради.

Қ.т.т. 19-аср — 20-аср бошларида, асосан, Германия, АвстроВенгрия ва Скандинавия мамлакатларида ривожланган бўлса, кейинги пайтларда бу тилшунослик Россия (СССР), АҚШ, Ғарбий Европа, Финляндия, Швеция, Венгрия, Япония, Ҳиндистон ва бошқалар мамлакатларда ҳам тараққий этмоқда. Туркийзабон давлатларда ҳам Қ.т.т.ка кизиқиш кучайиб бормоқда, қариндош ва ноқариндош тилларни ўзаро қиёсий ўрганишга, луғавий, морфологик бирликларнинг тарихий шакллари аниқлашга эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ўзбекқорақалпоқ, ўзбектуркман, ўзбекқозоқ, ўзбектожик, ўзбекрус тилларини, Қозоғистонда қозоқўзбек, қозоқмўғул тилларини қиёсий ўрганиш бўйича муайян излашлар олиб борилган.

Ад.: Томсен В., История язмокзнания до конца XIX века, М., 1938; Мейе А., Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков, 3 изд., пер. с франн., М. — Л., 1938; Десницкая А.В., Вопросм изучения родства индоевропейских языков, М. — Л., 1955; Вопросм методики сравнительноисторического изучения индоевропейских языков, М., 1956; Георгиев В.И., Исследования по сравнительноисторическому язмокзнанию, М., 1958; Пауль Г., Принципи истории язмка, пер. с нем., М., 1960; Лоя Я.В., История лингвистических учений, М., 1968; Усмонов С, Умумий тилшунослик, Т., 1972; ИлличСвитич В.М., Опнт срав-

нения ностратических языков, т. 1— 3, М., 197184; Семереньи О., Введение в сравнительное язмокзнание, пер. с нем., М., 1980; Сравнительноисторическое изучение языков разных семей. Современное состояние и проблемн, М., 1981.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Гавҳар Тўхлиева.

ҚИЁСЛАШ — қ. *Аналогия.*

ҚИЁТ — қадимий туркий қабилалардан бири; ўғузлар таркибига қирган. 8—10-асрларда Дашти Қипчоқда яшаб кўчманчи қорвачилик билан шуғулланганлар. Ўғузлар давлати емирилгач, 11-асрда Қ.лар ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг қатта қисми Туркманистон ҳудудига силжиб маҳаллий аҳолига, бошқа қисми эса Болқон я.о.даги халқлар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқ чўлларида қолган қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоқлар таркибидаги Қлар 3 га бўлинган: уч тамғали, тарокли, болғали. Қашқадарёнинг юқори оқими, Хоразм ва Бухоро воҳалари, шунингдек, Зарафшоннинг ўрта оқимида Қ.лар 19-аср охирларида қорақалпоқлар таркибига қирган. Қ. 20 а.нинг бошларида, асосан, ўтrockлашиб, дехқончилик ва қорвачилик билан шуғулланган.

ҚИЁҚ (қад. туркийча — қия, эгри), қил қиёқ — *Кубизга* яқин қирғиз торликамонли мусиқа чолғуси. Чўмичсимон қосақонаси, сал эгилган дастаси, от қилидан чийра тилмасдан тортилган 2 тори мавжуд. Қосақонанинг пастки қисми тери билан қопланади. Умумий уз. 60—70 см. Қ.да халқ қўшиқлари ва дoston қуйларига асосланган асарлар ҳамда дастурли қуйлар ижро этилади. У, шунингдек, қирғиз *оқин* дostonчиларига жўрнавоz соз вазифасини ҳам бажаради.

ҚИЁҚ — қ. *Барди.*

ҚИЗ ҚАЛЪАСИ — Озарбайжондаги

меъморий ёдгорлик (12-аср), қоя устига қурилган мудофаа иншооти. Боку ш.да. Иншоот юқорига томон торайиб борадиган цилиндрсимон шаклда (бал. 27 м; деворининг калинлиги пойде вориди 5 м, юқорисида 4 м), шарқ томонидан ярим айлана шаклида туртиб чиққан қисм билан химояланган. Қалъа тарзларининг кўндаланг қовурғали тузилиши ўзига хос. Минора ичи ясси тош гумбазлар билан 8 табақа га бўлинган, 1 қавати 2си билан осма нарвон билан, қолганлари қалин деворга ишланган зиналар билан ўзаро боғланган; жан. қисмидаги туйнуқлар бинони ёритиш ва шамоллатишга хизмат қилади, шу қисмида кудуқ жоиланган. Қаватлардаги заруратхоналар сопол қувурлар орқали махсус шахта билан боғланган. Қ.к. юқори қисмида «Довуднинг ўғли Маъсуд минораси» деб ёзилган қуфий ёзувлар сақланган. Қ.к. ўзининг меъморий ечими ҳамда қовурғали тарзлари билан қалъа меъморилигида ягонадир.

ҚИЗАМИҚ, гул — ўткир юқумли касаллик; гавда трасининг кўтарилиши, умумий интоксикация, юқори нафас йўллари ва кўз шиллик пардасининг яллиғланиши ҳамда баданга қизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан кечади. Қ. ер юзида энг кенг тарқалган инфекциялардан, унга барча ёшдаги кишилар, асосан, ёш болалар берилувчан бўлади. Касаллик мавсумий бўлиб, кузқиш ва баҳорда кўпроқ учрайди. Инфекция манбаи фақат касалланган одам ҳисобланади, соғлом киши организмига вирус нафас йўллари орқали тушади. Касалликдан кейин умр бўйи сақланадиган *иммунитет* қолади. Чақалоқлар (пассив иммунитет туфайли) Қ. билан оғримайди.

Организмга юқори нафас йўллари шиллик пардалари, кўз конъюнктиваси ва бошқалар орқали кирган Қ. вирус у ерда кўпайиб, кейин қонга тушади. Касаллик босқичмабосқич кечади, инкубацион (яширин) даври 9—11 кун; ундан сўнг продромал (бошланғич, ката-

рал) давр 3—4 кун давом этади. Касаллик бошланишида гавда т-раси 39° гача кўтарилади, юқори нафас йўллари ва кўз конъюнктиваси қизаради, бемор қуруқ йўталади, тумов бўлади, кўзи қизариб ёшланади, ёруғликка қарай олмайди, товуши бўғилиб қолади, юзи керикади. Бола безовта бўлади, уйқуси бузилади, иштаҳаси йўқолади, ҳолсизланади, баъзан ич кетиши, қоринда оғрик, оғирроқ ҳолларда умумий интоксикация, талвасалар, эсҳусини йўқотиш аломатлари рўй бериши мумкин.

Продромал даврининг 2 — 3 кун ичун лунж шиллик қаватида қизил гардиш билан ўралган майда, нуктасимон, оқ доғлар пайдо бўлади, бу Қ.ка хос белги (БельскийФилатовКоплик доғлари). Улар тошма тошишидан 2—3 кун олдин кўриниб, тошма тошганидан 1 — 2 кун ўтгач йўқолади.

Юмшоқ ва қаттиқ танглайнинг шиллик пардасида майда қизил доғлар — энантема пайдо бўлади. Тошма тошиш даврида (бу давр 3—4 кун давом этади) бемор қаттиқ иситмайди, томоғи қизаради, кейин ўзига хос қизил, йирик тошмалар тошади; у дастлаб қулоқ орқаси, лунж, пешона ва бурунга тошади, кейин юз, баданга, қўлоёққа тарқалади. Тошмаларнинг босқичмабосқич тошиши Қ.да муҳим диагностик аҳамиятга эга. Юздаги тошмалар қорая бошлайди ва жигарранг доғларга айланади, улар 7—10 кун сақланади. Тери, айниқса, юз, қўл қафти ва оёқ таги қуруқшай бошлайди; тошма ўрни қовжираб, майда пўст ташлаши мумкин, гавда т-раси пасайиб, бола аста-секин тетикланади. Касаллик билинарбилинимас энгил кечиши зотилжам, ички касалликлар, ўрта қулоқнинг яллиғланиши (*отит*) ва бошқалар асоратлар юзага келиши ҳам мумкин, бунда дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. Оддини олиш учун беморни соғлом болалардан ажратиб қўйиш зарур. Қ.ка қарши эмлаш муҳим аҳамиятга эга (қ. *Эмлаш*). 1967 йилдан бошлаб республикада Қ.ка қарши ёппасига эмлаш жорий этилган,

шу боис касаллик аҳёнда бир кузатилади.

Қ. билан оғриган болалар уйда, оғирроқ ҳолларда, асорат қолганида касалхонада даволанади. Асосий аҳамият комплекс даволаш чоратадбирларига қаратилади. Санитариягигиена шароитларини яхшилаш, бемор бўлган хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш ва тўлагўкис овқатланишига эътибор бериш зарур.

ҚИЗБИБИ МАЖМУАСИ — Бухоро вилояти (Жондор тумани)даги меъморий ёдгорлик (16— 18-асрлар); Бухоро шаҳридан 30 км ғарбда жойлашган. Мажмуа «Биби Махсумаи пок» номига сазовор бўлган Оғойи Бузург — Қизбиби номли машҳур қизнинг номи билан боғлиқ. Мажмуанинг умумий тархи тўртбурчакка яқин, умумий майд. 0,5 га. Шим. ва жан. ҳовлилар атрофида жойлашган дарвозахона, хужралар, айвонли масжидхонақоҳ, мақбара, қудуқ, ҳаммом ҳамда шим.даги холи турган бинолардан иборат; ҳовли саҳни пишиқ ғиштлар билан қопланган. Мажмуага пештоқгумбазли дарвозахона (тархи 4,3x4,4 м) орқали кирилади; дарвозахона олд томонининг икки ёнига симметрик ёрдамчи хоналар (2,1x1,8 м) қурилган; дарвозахона йўлак (0,8x3,1 м) орқали ғарбий томондаги хоналар билан боғланган: уларнинг бири мақбара, иккинчиси чиллахона вазифасини ўтаган; дарвозахонадан кенг ҳовли (19x17 м) га ўтилади. Ҳовлининг шим. тарафида кичикроқ, дарвозахонанинг чап ёнида йирикроқ хужралар жойлашган. Ғарбий томондаги хужралар ўртасида кенг супа, ҳаммом, қудуқ мавжуд. Ҳовлида мажмуанинг бош маҳобатли биноси — масжидхонақоҳ (8,2x8,2 м) қад кўтарган, у пештоқгумбазли бўлиб, унинг бош пештоғи ҳовлининг шарқ тарафидаги Қизбиби мақбарасига қараган. Ташқи тарафидан масжидхонақоҳнинг 3 та бурчакларига гулдасталар ишланган; меҳроб томондаги 2 ўтиш равоги уни ҳаммом билан боғлаган. Хонақоҳнинг жан. да 9 устунли айвон (10,7x 11,6 м) жойлаш-

ган. Мажмуанинг шим.даги ҳовли (33x9 м) саҳни масжид саҳни билан баробар. Масжид билан мақбара ўртасидаги ҳовли (23x9 м) шим. ҳовлидан 60 см паст. Ҳовлининг шарқий томони (масжид рўпараси)да қурилган Қизбиби мақбараси икки хонадан иборат: шим. хона (4x2,8 м) балхий гумбаз, сағанали хона (4,8x4,9 м) оддий гумбаз билан ёпилган, безаксиз; фақат ташқи тарзининг баъзи жойлари ганч сувоққилинган; мақбаранинг ғарбий томонига айвон туташ. Мажмуадаги бинолардан фақат масжид айвонигина ёғоч ўймакорлиги, йиғма бўлаклар орасига қадалган шисшалар, текис шифтдаги гирих нақшлар билан зийнатланган. Мажмуанинг шим. шарқий қисмида дарвозахона билан мақбара оралиғига кейинчалик ошхона, отхона ва бошқалар ёрдамчи хоналар қурилган (улар сақланмаган). Мажмуадан ташқарида, дарвозахонадан олдинроқда ҳам бир бино бўлиб, у чиллахона вазифасини ўтаган. Унда рухий касалликка чалинганлар даволанган. Қизбиби (Оғойи Бузург) зиёратига, дардларига шифо излаб, асосан, аёллар келган. Баъзи маълумотларга кўра мажмуа (айникса, чиллахона)га фақат аёллар кириши мумкин бўлган. Қ.м. кенг камровли вазифаларни ўтаган, анчагина мураккаб тузилишга эга бўлган меъморий мажмуа намунасидир.

Хайрулла Пулатов.

ҚИЗДИРИШ АСБОБЛАРИ — моддалар, нарсалар ва мухитни қиздириш, биноларни иситиш учун мўлжалланган иссиқлик техникаси асбобларининг умумий номи. Иссиқлик ишлаб чиқарувчи (генерацияловчи) ва иссиқлик алмашувчи турларга бўлинади. Биринчисида турли хил энергия, мас, кимёвий (ёқилғи ёнганда ажраладиган) энергия иссиқлик энергиясига айланади, иккинчисида ҳар хил иссиқлик элтувчилар (мас, қайноқ сув, буғ) иссиқлиги атрофга тарқатилади (қ. *Иситиш*). Қ.а., асосан, кимёвий (газ асбоблари, *калорифер ва бошқалар*) ва электр асбобларга ажралади. Газ Қ.а.нинг

асосий қисми — *газ горелкаси*. Электр Қ.а.нинг асосий қисми — электр энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириб берадиган қиздириш элементи. У нихром, фехраль ёки электр қаршилиги юқори, мустаҳкам ва юқори трада оксидланмайдиган, иссиққа чидамли қотишмалардан сим ёки лента тарзида тайёрланиб, изоляцияловчи ва иссиққа чидамли материал — чинни, слюда (миконит), шамот ва бошқалардан иборат каркас устига ўрнатилади. Элементнинг очик ва берк турлари бор. Очик элемент иссиқликни *конвекция* ва ёруғлик тарқатиш йўли билан ўтказади.

«**ҚИЗЖИБЕК**» — козоқ халқ эпоси. Козоқ фольклорининг энг етук лирикэпик асарларидан. Тахм. 17-асрларда яратилган. Асарда Тўлаган билан Қизжибек ўртасидаги соф муҳаббат улуғланган, озодлик учун кураш, севгига садоқат, ватанпарварлик, дўстлик ғоялари илгари сурилган. Асарнинг илк нухаси (Қадимги қирғиз кўшиғи «Қизжибек») 1887 йилда ёзиб олинган. «Қ»нинг турли йилларда ёзиб олинган 11 нухаси Қозоғистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида сақланади. Шулардан Қозоғистонда ёзиб олинган ва 1894 йилда Қозонда нашр этилган «Қизжибек қиссаси» варианты кенг тарқалган. Лекин ҳажми ва деталларининг аниқлиги жиҳатидан 1887 йилдаги нухаси «Қ.»нинг бошқа вариантларига нисбатан мукамалроқҳисобланади. «Қ» кўп оқинлар репертуарида учрайди. Ўзбекистонда «Қ»нинг *Эрғаш Жуманбулбул ўғли* томонидан 1927 йилда ёзилган қўлёзма нухаси Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланади. Асар сюжети асосида Е.Г.Брусилловский «Қ» операсини яратган (1974).

ҚИЗИЛ (1918 йил гача — Белоцарск, 1926 йил гача — ХемБелдер) — РФдаги шаҳар, Тива Республикаси пойтахти (1991 йилдан). Тува сойлигининг шарқий қисмида, Катта Енисей ва Кичик Енисей

дарёларининг қуйилиш жойида. Уса трактининг охириги пункти. Аҳолиси 104,1 мингкиши (2002). Қ. 1914 йилда вужудга келган. 1921—44 йилларда Тува Халқ Республикаси пойтахти. 1944 йилда Тува (Тива) Халқ Республикаси билан бирга СССР таркибига кирган. 1944 йилгача шаҳарда фақат майда саноат корхоналари бор эди. Қурилиш деталлари, тикувчилик ктлари; автомобиль махсус жиҳозлари, кўн, ғишт, тахта тилиш, пиво ва сут здлари, мебель фкаси ишлаб турибди. Қ. ёнида тошқўмир қазиб олинади. Тил, адабиёт ва тарих илмий текшириш институти, педагогика инти, мусикали драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд. Қ.да Осининг географик маркази жойлашган бўлиб, бу нуктага обелиск ўрнатилган.

ҚИЗИЛ — қизилдошларга мансуб дарахт ва буталар туркуми, мевали ва манзарали, доривор ўсимлик. Шим. ярим шар мамлакатларида 4 тури тарқалган. 250 йилгача яшайди. Ғарбий Украина, Молдавия ва Кавказ ўрмонларида очик қияликларда ва тўқайзорларда, Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида бир тури — эркак ёки оддий Қ. ўсади. Дарахтининг бўйи 9 м (бутаси 4—5 м), пўстлоғи кулранг, сур ёки жигарранг. Барглари узун, гуллари майда, сарик, икки жинсли, барглари ёзилгунча (март-апр.) гуллайди. Асаларилар ёрдамида чангланади. Сентда пишади. Меваси кизил, этли, чўзинчоқроқ, данакли. Таркибида ошловчи моддалар бор. Меваси хомлигича овқатга ишлатилади, компот, мураббо, мармелад ва бошқалар турли кондитер маҳсулотлари тайёрланади. Ёғочидан турли ёғоч буюмлари тайёрлашда фойдаланилади. Тоғ қияликларини ўзлаштириш учун экилади. Яхши асал берувчи ўсимлик.

ҚИЗИЛ АРМИЯ — совет ҳокимияти ҳарбий кучларининг 1918—46 йиллардаги расмий номи. Дастлаб Россия ИшчиДехқон қизил армияси деб номланган. 1918 йил фев.да ташкил топган.

Россиядаги фуқаролар уруши даврида Қ.а.нинг сони кескин равишда ортиб, 1918 йил охирида 3 млн. 1920 йил кузида 5,5 млн. кишига етган. Кейинчалик қизил аскарларнинг миқдори анча камайтирилса ҳам у дунёдаги энг катта армиялардан бири сифатида ўз мавқеини сақлаб қолган. *Иккинчи жаҳон уруши* даврида фашизмга қарши курашда Қ.а. асосий роль ўйнаган. 1946 йилда у совет армиясига айлантирилган.

Қ.а. Туркистон минтақасида шўролар ҳокимиятини зўравонлик билан ўрнатиш ва сақлаб қолишда «фаоллик» кўрсатган. Қ.а.нинг Хивага қилган ҳужуми ва *Бухоро босқини* натижасида минтақа тўла равишда советлаштирилган. *Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат* иштирокчилари Қ.а. отрядларига қарши мардонавор курашсаларда, 1935 йилда улар бутунлай мағлубиятга учрашган.

Ад.: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000.

ҚИЗИЛ ВА ОҚ ГУЛЛАР УРУШИ (1455—85) — Англия тахти учун плантагенетлар сулоласининг 2 йўналиши: Ланкастерлар (Генрих VI; гербида — қизил гул) ва йорклар (Эдуард IV, Ричард III; герби — оқ гул) ўртасидаги ўзаро уруш. Ланкастерларни иқтисодий қолоқ Шим. ва Уэльс баронлари, йоркларни иқтисодий тараққий қилган Жанубий Шарқнинг йирик зодагонлари, дворянлар ҳамда шаҳарлик бойлар қўллабқувватлашган.

Урушда иккала сулола асосий вакиллари ўлимидан кейин тахтни *тюдорлар* сулоласи эгаллаган. Генрих VII Тюдор кироли бўлиб тюдорлар сулоласига асос солган. У йорклар вориси Эдуард IV нинг кизига уйланиб, гербида қизил ва оқ гулларни бирлаштирган.

ҚИЗИЛ ВОЛЧАНКА, қизил югур — коллагенозлар гуруҳига мансуб касаллик. Касалликнинг келиб чиқиши ҳозирча номаълум, лекин унинг пайдо

бўлиш сабабларини тушунтирувчи бир қанча назариялар (инфекцион, ирсий ва сил касаллиги билан боғлиқ) мавжуд.

Қ.в. кўпроқ ташқи муҳит омиллари (қуёш нури, совуқ, шамол ва бошқалар) таъсирида бўладиган кишиларда учрайди, асосан ёзда кўзиб туриши билан ифодаланади. Қ.в. турли хил дорилар (антибиотиклар, сульфаниламидлар), инфекция агентлар (стрептококк ва вируслар) ҳамда атроф муҳитнинг нохуш омиллари (радиация ва бошқалар) таъсирида юзага чиқади; ирсий табиатга эга бўлиши ҳам мумкин. Хавфсиз кечадиган тери хили (1хили) ва бириктирувчи тўқима ҳамда томирларни системали зарарлайдиган (2хили) хиллари бор. Касалликнинг системали шаклида тери билан бирга ички аъзолар ҳам зарарланади; Қ.в. одамларнинг юз қисмида кўпроқ учрайди, лекин тошмалар терининг турли соҳаларига тошиши, касалликнинг 1хили 2сига ўтиши ҳам мумкин.

ҚИЗИЛ ДАРАХТ — тропик мамлакатларда ўсадиган, ёғочи қизил ва жигарранг товланадиган дарахтлар тури. Жанубий Америка ва Африкада ўсадиган махагония. Осиёнинг шарқижанубидаги гунафша хидли саппон дарахти ёғочи жаҳон бозорида кадрланади. Ёғочи жуда пишиқ, оғир, яхши силлиқланади. Қ.д. ёғочи қадимдан юқори сифатли кимматбаҳо мебеллар, мусиқа асбоблари тайёрлашда ва хоналарнинг ички деворларини коплашда қўлланилган. Тисс, *қандағоч*, секвойянинг ёғочи қизиллигидан, баъзан улар ҳам Қ.д. деб аталади. Лекин уларда чин қизил ёғочлик хусусияти йўқ.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ — Ҳинд океанининг материклар оралиғидаги денгизи. Африка ва Арабистон я.о. оралиғида. Миср, Судан, Эритрея, Исроил, Иордания, Саудия Арабистони ва Яман давлатлари қирғоқларига туташ. Боб ул-Мандаб бўғози орқали Ҳинд океани, *Сувайш канали* орқали Ўрта денгиз билан туташган. Майд. 460 минг км². Энг

чукур жойи 3039 м. Денгизнинг қирғоқ чизиги текис, шакли тектоник узилма чегарасига мос. Шим.да Сувайш ва Акаба кўлтиқлари, улар орасида Синай я.о. бор. Энг йирик ороли — Дахлак. Денгиз туби рельефи хилмахил, катта қисми сойлик (чук. 1000 м), унинг ўрта қисмида тор ва чукур новлар бор. Чук. 200 м гача бўлган жойларда маржон ва материк ороли кўп. Денгиз тубининг катта қисми кристалли заминдан иборат бўлиб, устини 1—4 км қалинликдаги оҳақтош ва эвапоритлар қоплаган. Иклими муссонли, бироқ денгиз Арабистон я.о. ва Шим. Африкадаги чўллар оралигида жойлашганлиги учун анча қуруқ. Тез-тез чангли туман ва сароблар бўлиб туради. Қ.д. суви илиқ (32° гача) ва шўр (38—42%) денгизлардан. Сабаби Қ.д.да буғланиш ниҳоятда кучли бўлиб, четдан дарё куйилмайди. Сув сатҳининг кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (бал. 0,6 м гача). Чуқурликдаги шўр сув Боб улМандаб бўғози орқали Ҳинд океанига ўтиб туради.

Қ.д.да ўсимлик тури кам, бироқ ҳайвонот дунёси хилмахил. Денгиздан балиқ овланади, марварид олинади. Муҳим портлари: Сувайш (Миср), Порт-Судан (Судан), Жидда (Саудия Арабистони), Худайда (Яман) ва бошқалар Денгизда сувўтлар тўпланиб, унга кизғиш ранг бериши сабабли шундай номланган, деган тахмин бор.

ҚИЗИЛ ЁТҚИЗИҚЛАР — гил, алеврит, кумтош, конгломерат, оҳақтош ва гипслардан таркиб топган қизил рангли чўкинди тоғ жинслари мажмуаси. Қ.ё.нинг қуруқ иқлим шароитида ҳосил бўлганлигини рангининг қизиллиги, карбонатлилиги ва гипсланганлиги кўрсатади. Қ.ё. кумли ва шағалли горизонтлардаги ер ости сувлари таъсирида ўзгарган р-нларда темир ва бошқалар элементлар қайта тақсимланиши натижасида бу ётқизиқларда яшил глейланган горизонтлар пайдо бўлади. Эпигенетик глейланиш натижасида баъзан Қ.ё. олабу-

ла ранглига айланади. Кўпинча тоғ олди аллювиал текисликларида, тоғ оралиги ботиғида, дарё ўзани, қайири ва дельтасида ҳамда кўлларда учрайди. Қ.ё.нинг шаклланиши бутун геологик давр мобайнида — токембрийдан неогенгача (кўпроқ кембрий, девон, пермь, триас, бўр, палеогеннеоген) содир бўлган. Қ.ё. билан мис, уран, ванадий, флюорит, целестин, гипс, нефть ва туз конлари боғлиқ.

ҚИЗИЛ ДУМ — капалак тури. Европа ва Осиёда тарқалган. Фарбий Сибирнинг Европа қисмида, Узоқ Шарқда ва Ўрта Осиё тоғларида учрайди. Эркагининг қанотлари ёйилганда 45 мм ча, урғочисиники 60 мм ча; олдинги қанотларида 2—3 та қора йўл бор, орқа қанотлари кулранг. Қурти (5 см ча) сертук сарғишяшил рангли, елкасида сарик тукларнинг чўткасимон 4 тўпи, танасининг охириги учиди қизил заҳарли туклари (одам терисига тегса яллиғлантиради) бўлади (номи шундан). Ўсимлик барглари билан озикланиб, ўрмон ва боғларга зарар келтиради.

ҚИЗИЛ КИТОБ — йўқолиб бо-раётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд қилувчи давлат ҳужжати. Қ.к.да ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг камайиши, ареалларининг қисқариб бориши сабаблари ёритилади; уларни сақлаб қолиш учун тавсиялар бериб борилади.

1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи камёб ва йўқолиб кетиш хавфида бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг рўйхатини тузиш ғоясини амалга оширишга киришди. Турларни сақлаб қолиш бўйича махсус халқаро комиссия тузилиб, 1966 йилдан бошлаб бошқа табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро Қ.к.нинг дунё ва алоҳида минтақалар флорасига бағишланган нашрлар чоп этила бошланди.

Ўзбекистоннинг ноёб ва камай-

иб бораётган ўсимлик ва ҳайвонлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1974 йил таъсис этилган Қ.к.да ўз аксини топган. Ўзбекистон Қ.к.и 1978 да таъсис этилди. Биринчи марта Ўзбекистон Қ.к.ининг фаунага бағишланган қисми 1983 йил нашрдан чиқди. Унга умуртқали ҳайвонлар (балиқлар, судралиб юривчилар, кушлар, сут эмизувчилар) нинг 63 тури киритилган эди. Ўсимликлар оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфида бўлган 163 тури ҳақида илк бор мукамал маълумотлар 1984 йил босмадан чиққан Қ.к.да келтирилган. Қ.к. — даврий нашр ҳисобланади. Унга киритиладиган ўсимлик ва ҳайвон турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи таклиф этган таснифга биноан 4 гуруҳга ажратилади: 1) йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган (жиддий муҳофаза талаб этувчи) турлар; 2) йўқолиб бораётган (ареали ва сони кун сайин камайиб бораётган, махсус муҳофазага муҳтож) турлар; 3) камёб, бевосита йўқолиш хавфи бўлмасда, кичик майдонларда камданкам учрайдиган (муҳофазага муҳтож) турлар; 4) муайян вақт давомида сони ва тарқалган майдонлар табиий сабабларга кўра ёки инсон таъсирида қисқариб бораётган (сонини назорат қилиб туриш талаб қилинадиган) турлар. Қ.к.га, унга кирган турлар мақомининг ўзгариши, махсус муҳофаза чоралари туфайли баъзи турлар сонининг тикланиши, аксинча, яшаш шароитининг ўзгариши ва бошқалар омиллар таъсирида сонининг камайиши натижасида бошқа тоифага ўтказилиши ёритиш мақсадида қайта нашр этилади. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 301 турининг ҳозирги ҳолатини тавсифлайдиган Қ.к. 1998 йил да қайта босмадан чиқди. Кейинги йилларда Ўзбекистон фаунаси турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи маълумотлар тўпланиб, янги Қ.к. 2003 йилда чоп этилди. Қ.к.нинг сўнгги нашрига сут эмизувчиларнинг — 24, кушларнинг — 51, судралиб юривчиларнинг — 16, балиқларнинг — 18,

ҳалқали чувалчангларнинг — 3, моллюскаларнинг — 15, бўғимоёқлиларнинг — 62 тури ва кенжа тури киритилган.

Ўзбекистон фаунаси ва флорасининг баъзи турлари Халқаро Қ.к.да ҳам ўз аксини топган. Унда ҳар бир тур учун алоҳида саҳифа ажратилган бўлиб, унда мазкур ўсимлик ёки ҳайвон турининг ўзбекча, русча, лотинча (илмий) номлари, уларнинг систематик ўрни, қисқача морфологик тавсифи, тарқалиши, яшаш муҳити, табиатдаги сони, кўпайиши, ареали ва сонининг ўзгариши сабаблари, муҳофаза қилиш чоралари ва бошқалар баён этилган.

Қ.к.га киритиладиган ҳайвон ва ўсимлик турлари бўйича таклифни илмий текшириш муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, айрим олимлар тавсия қилиши мумкин. Муҳофаза қилиниши натижасида ўз ареалини қайтадан тиклаган ва йўқолиб кетиш хавфи туғилмайдиган ўсимлик ва ҳайвон турлари Қ.к.дан чиқарилади. Қ.к.га киритилган турлар давлат қонуни асосида муҳофаза қилинади; уни бузган юридик ва жисмоний шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўқтам Пратов, Элмурод Шерназаров.

ҚИЗИЛ МИС РУДАСИ — минерал, к. *Куприт*.

ҚИЗИЛ СУВЎТЛАР — *сувўтлар* типи. Бир хужайрали ва кўп хужайрали шакллари бор. Хроматофориди хлорофилдан ташқари, кўкяшил пигмент — фикоциан ва қизил пигмент — фикоэритрин мавжуд. Қ.с.нинг ҳаракатчан хивчинли даври бўлмайди. Танаси ипсимон, шохланган (қалин), пластинкасимон, баъзилари поя ва баргларга бўлинган. Ранги тўқ қизилдан, қора, пушти, сарғиш ва баъзан кўкимтир кулранггача. Қ.с.нинг 600 туркумга мансуб 3750 тури бор, улар бангиялар ва флоридлар синфига бўлинади. Бу синфлар бир-биридан кўпайиш органларининг тузилиши билан

фарқ қилади.

Қ.с. кўпинча денгизларда (чуқур жойларда), камданкам чучук сувларда ва тупрокда яшайди. Қазилма формалари бўр даври қатламларидан топилган.

Анфельция, гелидиум, филлофора, фурцелария турларидан агарагар, караген, агароид ва бошқалар олинади. Баъзи турлари, мас., порфира истеъмол қилинади.

ҚИЗИЛ ТЕМИРТОШ — қ. *Гематит*.

ҚИЗИЛ ТУПРОҚЛАР — нам субтропик иқлимли кенг баргли ўрмон ва қисман тропик саванналарда шаклланидиган тупроқ типи. Уларда темир ва алюминий оксидлари кўп, кремнезём ва асослар эса кам бўлади. Қ.т.нинг она жинси эллиувий, делювий ва пролювий жинслардан иборат. Иссиқ ва нам иқлим тоғ жинсларининг интенсив нурашига, алюминий силикатларининг эришига сабаб бўлади. Чириндига бой (4,5—12%). Темир оксидлари Қ.т.га қизғиш ва сарғиш тус беради. Реакцияси килотали ёки кучсиз кислотали (рН 5,0—5,7), механик таркиби оғир кумок ёки лойли. Қ.т. Каспий денгизи бўйларидаги жан.ғарбий ва Қора денгиз бўйларидаги шарқий террасаларда, Хитойнинг марказий ва жан. шарқий р-нларида, Европа мамлакатларида ва бошқалар жойларда тарқалган. Ўзбекистонда қолдиқ ва қоятошли тоғлар ён бағирларида, тоғларга яқин адирларда учрайди («қизилкесак» олинади). Қ.т.да чой, тамаки, ток, цитрус экинлари ва бошқалар ўстирилади.

ҚИЗИЛ ЯССИ ТЕМИРАТКИ — терининг сурункали касаллиги; бунда билақ, билаккафт усти, болдир панжа бўғими соҳаларига, камданкам шиллик қаватларга майда ялтироқ оч пуштиқизғиш тугунчалар тошади, улар қаттиқ қичишади.

Қ.я.т.ни (1869 йил) аниқлаб, унда учрайдиган бирламчи элементни батаф-

сил ифодалаган. Касалликнинг келиб чиқиши тўлиқ аниқланган эмас, илмий адабиётларда унинг келиб чиқишида турли назариялар (вирусли ёки инфекцион, невроген, ирсий, токсик, иммунологик) мавжуд. Кўпгина олимлар касалликнинг вужудга келишини нерв системаси фаолиятининг бузилишига (ҳаяжонланиш, стресс ва бошқалар) боғлайдилар, чунки бунда тошмалар нерв толалари бўйлаб жойлашиши кузатилади.

Касалликнинг асосий белгиси тошмалар тошиши; улар аксарият қўл ва оёқнинг букиладиган соҳаларида юзга келиб, сўнг бутун баданга тарқалади. Тошмалар баъзан жинсий аъзоларнинг шиллик қавати, оғиз бўшлиғи, кўпроқ лунжларда оқимтир тасмалар шаклида учрайди ва бир-бири билан қўшилиб пиллакчалар ҳосил қилади.

Касалликнинг авж олган даврида, янгиянги тошмалар тошади ва улар қатталашиб боради. Кейин касаллик стационар даврга ўтади, бунда тошмалар аста-секин сўрилиб, ўрнида тўқ жигарранг доғ қолади. Касаллик қаттиқ қичишиш билан кечади. Қ.я.т.нинг гипертрофик, атрофик, пуфакли, ўткир учли, ҳалқасимон ва бошқалар хиллари фарқ қилинади.

Қ.я.т. рўйирист намоён бўлганда унга дарҳол тўғри диагноз қўйиш мумкин.

Давоси. Биринчи навбатда, касалликни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, инфекция ўчоқларини санация қилишдан иборат; физиотерапия, гипноз билан даволаш, тузалинқираган (ремиссия) даврида Чимён, Чортоқ ва бошқалар санаторийларда даволаниш яхши наф беради.

«ҚИЗИЛ ҚАЛАМ» — адабий жамият. 1926 йил авг.да Самарқандда Шокир Сулаймон раислигида ташкил этилган. Жамият фаолиятида Отажон Ҳошим, Боту, Зиё Саид, Сотти Ҳусайн, Олтой, Анқабой, шунингдек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ойдин иштирок этишган. Ўша йилнинг охирида жамиятнинг Фарғона ва Наманган вилоят

бўлимлари очилган. Жамиятнинг асосий максади Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари «кекса» авлод вакилларидан фарқли ўларок, Ўзбекистонда барпо этилаётган янги тузумга хайрихоҳ ижодкор ёшларни ўз атрофига тўплаш ва уларни тарбиялаш бўлган. «Қизил қалам» мажмуасининг 1-китоби (1928) нашр этилгандан сўнг жамиятнинг катта ва ёш аъзолари ўртасида ихтилоф пайдо бўлган. Натижада 1929 йилда жамиятнинг бошқарув органи қайта кўрилиб, Зиё Саид унга раҳбар этиб тайинланган ва шу вақтдан эътиборан «Аланга» жур. «Қ.к» жамиятининг органи сифатида нашр этилган. Шу йили мазкур мажмуанинг 2-китоби ҳам босилган, Мажмуанинг ҳар иккала китобида А. Самойловичнинг «Навоий тўғрисида Европа олимлари», Чўлпоннинг таржима, О. Ҳошимнинг адабий мерос ва жадид адабиёти, Ш. Сулаймоннинг Ҳамзанинг сўнгги кунлари тўғрисидаги ва бошқалар мақолалар чоп этилган. Жамият Озарбайжон ва Татаристондаги «Қ.қ.» жамиятлари ҳамда ВАПП (Бутун Россия пролетар ёзувчилари уюшмаси) билан ижодий алоқада бўлган. 1930 йилда Боту, Рамзий (Маннон Ромиз) ва Олтойнинг қамокқа олиниши билан жамият тарқалиб кетган.

ҚИЗИЛ ҚОН ТАНАЧАЛАРИ — к. *Эритроцитлар.*

ҚИЗИЛ ҲОЗЛАР, фламинголар — қушлар туркуми. Баъзан лайлаксимонлар туркуми таркибига кенжа туркум мақомида ҳам киритилади. 6 тури маълум. Жанубий Ғарбий Европа, Африка, Жанубий Ғарбий Осиё, Жанубий ва Марказий Америка ҳамда Шим. Американинг жан. қисмида тарқалган. Танаси 91 — 120 см, қаноти 43—49 см, оғирлиги 3—4 кг. Тумшуғи катта, пастга қайрилган. Жағининг четларида шохсимон пластинкачалар жойлашган бўлиб, сув ёки суюқроқ балчикдан озиқ моддаларни сузиб олишига ёрдам беради. Оёқ ва бўйни узун, бармоқлари орасида суз-

гич парда бор. Пушти, оқ, йирик патлари қора. Денгиз ва шўр кўл қирғоқларига колония бўлиб (баъзан бир неча мингтаси бирга) уя қуради. Оддий қизил ғоз Каспий денгизининг шим.шарқий қисми ва Қозоғистоннинг шўр кўллари атрофи (одам бориши қийин жойлар) да яшайди. Конуссимон, бал. 10—60 см ли уясини балчик ёки қумдан ясади. 1—3 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат билан 30—32 кун босади. Қ. ғ. уруғ, сувўтлар, қисқичбақасимонлар, моллюска ва сув хашаротлари билан озиқланади.

ҚИЗИЛ ҲОР — Тоғли Қримдаги ғорлар системаси. Симферополь шаҳри дан 23 км жан.ғарбда. Дунёдаги оҳақтошли йирик карст ғорларидан бири. Қ. ғ. даги ўрганиб чиқилган йўлақлар ва залларнинг умумий уз. 13,1 км. Ҳорлар системаси 6 қаватдан иборат. Пастки каватида сифонли ер ости (қизил ғор) дарёси, ер ости кўллар бор. Қ. ғ. нинг галерея ва заллари оҳақтош ҳосилалар билан безалган.

ҚИЗИЛАДАЛАР — к. *Шаҳзода ороллари.*

ҚИЗИЛАРВОТ — Туркманистоннинг Болхон вилоятидаги шаҳар. Копетдоғ тоғи этагида. Т. йил станцияси. Ашхободдан 219 км шим.ғарбда жойлашган. Аҳолиси 34,7 минг киши (1990-й. лар ўрталари). Вагон таъмирлаш ва ёғсут здлари, гилам ф-қаси, тарихийўлкашунослик музейи бор. Қ. Тошкент — Красноводск (ҳоз. Туркманбоши) т.й. қурилиши муносабати билан шаҳарга айланган.

ҚИЗИЛАРТ — Орқа Олай тизмасидаги доvon. Тизманинг шарқий қисмида. Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари чегарасида. Бал. 4280 м. Довон орқали Олай водийсидан Помирга автомобиль йўли ўтган (Ўш—Хоруғ тракти).

ҚИЗИЛБОШ ШПАНКА —

малхамчилар оиласига мансуб кўнғиз. Танасининг уз. 10—20 мм. Устқаноти кулрангқора бўлиб, четлари ва ўртасида, шунингдек, чоки бўйлаб оқ йўл ўтган. Боши сарғимтиркизил. Оёқлари ингичка, узун. Дуккакли ўсимликлар ва бошқалар экинлар зараркунандаси бўлиши билан бирга энтомофаг ҳамдир. Пахта экиладиган р-нларда, кўпроқ бедапояларда учрайди. Кўп миқдорда пайдо бўлганида беда ҳамда бошқа ўсимликлар барги билан озикланиб, жиддий зарар етказди. Қ.ш. личинкаси эса чигирткалар тухуми билан озикланади ва улар сонини 20% гача камайтириб, катта фойда келтиради.

Кураш чоралари: хашаротларни териб йўқ қилиш; Қ.ш. жуда кўпайган ерларга дустлар билан ишлов бериш.

ҚИЗИЛБОШЛИЛАР, Қизилбошлар

— Эрондаги кўчманчи турк қабилалари бирлашмаси. *Сафавийлар давлатида* шоҳ *Исмоил I* нинг асосий ҳарбий кучи. Қ. Кичик Осиё, Сурия ва Озарбайжонда ҳам бўлган. Улар 12 шиа имоми шарафига 12 кизил йўллик магодан салла ўраб юришган. Қ.ш.иаликдаги сафавия тарикатининг асосий ҳарбий таянчи бўлиб, сафавия шайхлари бошчилигида кўшни, мусулмон бўлмаган мамлакатларга (Грузия, Трапезунд империяси ва бошқалар) хужумлар қилиб туришган. 1502 йил улар Исмоил I Сафавий раҳбарлигида *Оқ қўюнлилар* давлатини тормор қилиб, Исмоилни шоҳ деб эълон қилишган. Сафавийлар давлатида Қ қисқа вақт давлатни бошқарганлар. Сарой амалдорлари, вилоят ноиблари ва ҳарбий бошлиқлар Қ. зодагонларидан тайинланган, йирик-йирик ерлар Қ.га қараган. Шоҳ *Аббос I* ўтказган ҳарбий ислохотлар (16-аср охирида мунтазам кўшин тузилган) дан сўнг Қ.нинг сиёсий мавқеи пасайган.

ҚИЗИЛГА СИЛЖИШ (астрономияда) — ёруғлик манбаи спектридаги чизиклар тўлқин узунликларининг эталон манба спектри чизиклари тўлқин узун-

ликларига нисбатан узайиши ҳодисаси. «Қ с» деб аталишининг сабаби бу ҳодиса туфайли спектрнинг кўринма қисмидаги чизиклар спектрнинг қизил томонига силжиган ҳолда кўринишидир. Қ. с, биринчидан, *Допплер эффементи* натижасида, яъни ёруғлик манбаи кузатувчига нисбатан узоқлашаётганда, иккинчидан (гравитацион Қ с), кузатувчи ёруғлик манбаига нисбатан кичикроқ гравитацион потенциалли жойда турганда пайдо бўлади.

ҚИЗИЛГАЗА ҒОРИ — Тойталаш тоғининг (Ҳисор тизмасининг жан. ғарбий тармоғи) шим. ён бағридаги ғор. Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Қизилтом кишлоғидан 7 км шарқда, ўртача 2430 м баландликда жойлашган. Юқори юра даврига оид гипс қатламларида ҳосил бўлган. Ғорнинг икки кириш қисми мавжуд. Биринчиси жан.ғарбда (эни 5 м дан зиёд, бал. 1,5 м га яқин), иккинчиси шим.ғарбга қараган (эни 3 м, бал. 5 м га яқин). Ғор мураккаб тузилишга эга. Бир неча хоналар ва йўлақлардан ташкил топган. Уларнинг эни 1,5 м дан 8 м гача, бал. 0,8 м дан 4 м гача. Ғор ичидаги т-ра 14°, ер юзасига яқин жойда 28°, нисбий намлик 96% (август). Қ.ғ. нинг умумий уз. 50 м, майд. 300 м², ҳажми 700 м³ га яқин.

ҚИЗИЛИРМОҚ (қад. номи Галис). Туркиянинг шим. қисмидаги дарё, Қизилдоғ тоғларидан бошланади ва Анадолу ясситоғлиги ҳамда Понтия тоғларини кесиб ўтиб, Қора денгизга дельта ҳосил қилиб куйилади. Уз. 1151 км, ҳавзасининг майд. 77,1 миң км². Баҳорда серсув, ёзда суви камаяди. Ўртача сув сарфи 170 м³/сек. Суви-дан суғоришда фойдаланилади. Ўрта оқимида Хирфанли гидроузели (ГЭС, уз. 75 км ли сув омбори) қурилган. Дарё водийсида Сивас, Бафра шаҳрлари жойлашган.

ҚИЗИЛИШТОНЛАР — қушлар

оиласи. 224 тури маълум. Мадагаскар, Австралия, Янги Гвинея, Янги Зеландия ва Полинезиядан бошқа ҳамма жоида тарқалган. Ўзбекистонда 15 тури учрайди. Танаси 8—50 см. Қ., асосан, дарахтда яшашга мослашган. Оёғи калта, бармоқлари ўткир тирноқди. Кўпчилиги мустаҳкам тумшуги, бўйнининг кучли мускулатураси ва бакуват дум патлари ёрдамида дарахтга ўрмалаб чиқиб, озиқ излайди (бунда у дарахт пўстлоғи ёки ёғоч қисмини тумшуги билан тешади ва узун, чувалчангсимон тили билан ҳашарот ёки личинкани тортиб олади). Саҳрода ҳаёт кечирувчи турлари ерда озиқланади, баъзилари дарахт ширасини сўради. Қ. дарахт ёки гигант кактусларга, айримлари тошлар орасидаги инига 3—7 та тухум қўяди. Қ. ўрмон хўжалигига ҳашарот ва личинкаларни еб фойда, дарахт танасини тешиб зарар келтиради.

ҚИЗИЛМИЯ, ширинмия — дуккакдошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли бегона ўт. Пояси сершоҳ, дағал, бўйи 40—150 см, тик ўсади. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, узунчоқ. Гуллари бинафша ранг, шода тўпгулга йиғилган. Меваси чўзинчоқ дуккак. Апр.июнда гуллаб мевалайди. Уруғи ва вегетатив усулда илдизпояларидан кўпаяди. Илдиз системаси кучли ривожланади, 3 м чуқурликкача кириб боради. Илдизпояларидан ер усти новдалари ҳосил бўлади, уруғи қаттиқ қобиқли, 30—35° града кўкаради. Ўрта Осиёнинг ҳамма р-нларида, жумладан, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида тарқалган. Ҳамма чопиқталаб экинлар, айниқса, беда ва донли экинлар орасида учрайди, суғориш каналлари бўйлари, ариқ ёкалари, боғ ва узумзорларда ўсади.

Кураш чоралари: ерни ҳайдашда илдиз қолдиқларини йўқотиш; ниҳоллари пайдо бўлгач, экин қатор ораларига чуқур ишлов бериш; дон экинларига гербицидлар пуракш.

ҚИЗИЛОЁҚ — балчикчилар кенжа

туркумига мансуб куш. Европа ва Осиёда тарқалган. Ғарбий Европа, Жанубий Осиё ва Африкада кишлайди. Танаси 30 см ча, оғирлиги 120 г ча. Усти кунғир, қора холли, думининг тағи ва корни оқ, оёғи қизғиш. Ботқоқликдаги ўтлар орасига уя қуради. 4 та тухум қўяди. Тухумини 22—24 кун иккала жинс навбатлашиб босади. Ҳашаротлар, қисқичбақалар, чувалчанглар, моллюскалар, баъзан уруғ ва мевалар билан озиқланади.

ҚИЗИЛОЛМАСОЙ ОЛТИН КОНИ

— Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги кон. Ангрен шахридан шим.шарқда, Чатқол тоғларининг жан. ён бағрида жойлашган. Қ.о.к. 1959 йилда очилган. 1975 йилдан фойдаланилмоқда. Коннинг умумий майд. 4 км², уз. 10 км чамаси бўлган кучли минераллашган (қалинлиги 350 м гача) зонадан иборат. Қамровчи жинслар андезитдацит формациядаги вулканитларнинг юпка (150 м ча) ғилофидан ва замини сланецларнинг ксенолитлари бўлган гранитоидлардан ташкил топган. Саноатбоп рудаланиш, асосан, 3 та йирик руда таналарида ривожланган бўлиб, ўлчамлари йўналиш бўйича уз. 200 дан 600 м гача, ётиш қиялигининг уз. 1500 м га етади; ўртача қалинлиги 15—20 м. Олтинкумушли рудаланиш коннинг вулканогенгидротермалли турига мансуб бўлиб, кўп босқичларда шаклланган. Қ.о.к.да 100 дан ортиқ минерал ва уларнинг турлари аниқланган, улардан 70 тачаси рудали ҳисобланади. Рудали таналар кварц (рудали тана ҳажмига нисбатан 50—85%) ва уларнинг турлари — аметист (сафсар), халцедон ҳамда кальцит (15—45%)дан тузилган. Серидит, мусковит, каолинит, ортоклазлар камроқ. Рудали минераллар, асосан, пиритдан, камроқ халькопирит, галенит, сфалерит ҳамда рудали тана ҳажмининг 3—5 дан 35%гача ташкил қилган хира рудалардан иборат. Минерал таркибига кўра, рудаланиш олтинкварцли кам сульфидли формацияга тегишли, кам бўлсада, бир қанча туғма элементлар (Аи, Ағ, Си, В1, Рь) ва

сланецлар мавжуд. Рудаланиш кварцли томирларда ва кварцланган камровчи жинсларда чегараланган бўлиб, олтиннинг ўртача миқдори 8,2 г/т, кумушни-ки 59 г/т ни ташкил қилади. Рудали таналар 2 та шахта ёрдамида 615 м гача чуқурликда очилган. Қ.о.к.дан ҳозирги вақтда фойдаланилмоқда.

ҚИЗИЛОҒОЧ — (Киров қўлтиғи) Каспий денгизининг жан. ғарбий қирғоғидаги қўлтиқ. Майд. 460 км², чуқ. 2 м гача. Сувда сузувчи кушлар қишлайдиган жой. Қизилоғоч кўриқхонаси таркибига киради.

ҚИЗИЛСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Уз. 54 км. Ҳавзасининг майд. 363 км². Чатқол тизмасининг ғарбий тармоғидан, Чатқол кўриқхонаси худудидаги Қизилнура тоғидан ярим км жан.ғарбда, денгиз сатҳидан 3080 м баландликда бошланади. Юкори оқимида (чап ирмоғи Октошсойнинг куйилишигача) Бошқизилсой деб аталади. Куйи қисмида суви суғоришга сарфланади, Красногорск шаҳри дан ғарброкда Тошсой яқинида эса бутунлай куриб қолади.

Асосан, қор, қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи куйилишидан 23 км да 1,46 м³/сек. Тўлинсув даври фев.—мартда, энг кам сув сарфи авг.—сентябрда кузатилади ва 2,22—0,11 м³/сек. орасида ўзгаради.

ҚИЗИЛСОЙ — Қашқадарё вилоятидаги сой. Ҳавзасида қизғиш тусли гил ётқизиклари тарқалганлиги учун Қ деб аталади. Уз. 15 км. Ҳисор тоғларининг жан.ғарбий ён бағридан (2600 м) бошланади. Оҳактош, кумтош, гипс, гил ва лёссимон жинслардан тузилган. Қ. водийсининг ён бағирлари қия ва текис, қояли ён бағирлари жуда кам. Водийсида арча ўрмонлари, зирк ва итбурун буталари, бугдойик, шувок ва эфемерлар ўсади, ўтлоқлар бор. Баҳорда суви кўпаяди. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Суви

экин майдонларини суғоришга сарфланади. Соё водийси чорва учун яйлов.

ҚИЗИЛСУВ — Тожикистон Республикаси Хатлон вилоятидаги дарё. Панж дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 230 км, Ҳавзасининг майд. 8630 км². Вахш тизмаси тармоғининг жан. ён бағрида, 2840 м баландликда бошланади. Ўнг ирмоғи (Шакилдара дарёси) нинг куйилишигача Муллоқони, пастрокда, ўнг ирмоғи Сафедобнинг куйилиш жойигача Сафедсангоб, ундан кейинроқ, ўнг ирмоғи Талхобнинг куйилишигача — Шўробдарё (Сурхоб) номлари билан маълум. Қизилмозор шаҳри дан куйироқда дарё суви унинг чап ирмоғи Яхсув билан бирга (Панжга куйилгунгача) суғоришга сарфланади. Бунинг учун кенг тармоқланган канал, коллекторлар системаси ташкил этилган. Асосий ирмоқлари: чапдан — Тира, Обимозор, Калиқсой, Шўрак, Яхсув, ўнгдан — Сафедоб, Талхак, Тоирсув (охиргиси шўр). Қор, қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлинсув даври фев.—мартда бошланиб июнь—июлда тугайди. Ўртача йиллик сув сарфи Бобохоншоид қишлоғи ёнида 82 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 15,1 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Саманчи қишлоғи ёнида 146 м³/сек. дан 66 м³/сек. гача.

ҚИЗИЛСУВ — Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидаги дарё. Уз. 235 км, Ҳавзасининг майд. 8380 км². Қирғизистоннинг Орқа Олай тизмасидан бошланиб, Олай водийси бўйлаб оқади. Айлама дарёси куйилгунгача Қорасув деб аталади. Тожикистонда Муксув билан қўшилиб *Вахш* дарёсининг ўнг ирмоғи — Сурхобни ҳосил қилади. Куйилиш жойидан 86км да ўртача сув сарфи 40,6 м³/сек.

ҚИЗИЛСУВ ҚЎРИҚХОНАСИ — қ. *Ҳисор кўриқхонаси*.

ҚИЗИЛСУВ ҒОРИ — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани худудидаги ғор. Тошкўрғон қишлоғидан 6 км шим.

шарқца, Қизилдарё водийсида, 2160 м баландликда. Юқори юра даврига мансуб гипс қатламларида ҳосил бўлган. Ғорнинг кириш қисми ғарб томонида (эни 6 м, бал. 2 м дан зиёдрок). Ғорнинг тузилиши йўлак шаклида, эни 2 м дан 7 м гача, баландлиги баъзи жойларида 0,4—0,8 м, айрим жойларида 3—6 м га етади. Саҳнида шипдан кулаб тушган тош парчалари уюмлари бор. Ғор саҳни ичкарига томон кўтарилаб боради. Шипи ва деворларидан сув томиб туради. Ҳаво т-раси кириш қисмида 18°, ичкарисида 8°, нисбий намлиги 99% (июль ойида). Ғорнинг умумий уз. 110 м, саҳни 230 м², ҳажми 700 м³ га яқин.

ҚИЗИЛТАСМА, чумчуқтили, бургун — торондошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси ётиб, баъзан кўтарилиб ўсади, бўйи 25—60 см. Сершоҳ, бўйи баробар барг билан қопланган. Барглари эллипсимон, наштаарсимон, калта бандли, тўпгули барг қўлтиғида жойлашган. Уруғи пишиб етилгандан кейин ҳам гулкўрғони қўнғирқизил ўралганича қолади. Уруғи майда, қора, уч қиррали. Ўқ илдизли, тупроққа 20—30 см гача кириб боради. Қ. барча лалмикор ва суғориладиган ерлардаги ғалла, айникса, кузги дон экинлари, пахта майдонларида кўп учрайди, тупроқ танламайди. Дориворлик хусусиятига эга.

Кураш чоралари: далаларга экишдан аввал трефлан (1—1,5 кг/га), экиш вақтида эса которан (1—1,6 кг/га), котофор (1—1,3 кг/га) ва прометрин (1,3—2,6 кг/га)нинг сувли суспензияси сепилади; маккажўхори экиладиган майдонларда атразин (1 кг/га), агелон (0,8 кг/га) қўлланади.

ҚИЗИЛТЕПА — мил. ав. 9—4-асрларга оид шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудида, Қизилсув дарёсининг ўнг соҳилида. Г.А. Пушаченкова раҳбарлигидаги Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ходимлари томонидан ўрганилган (1971 йил).

Қ. режаси тўртбурчак шаклида (420х360 м) бўлиб, майд. 16 га. Қ. жан.шарқ ва жан.ғарб томондан пойдевори 10 м қалинликда, (пахса ва хом ғиштдан) асоси доира шаклида бўлган текис миноралари бор қалин девор билан ўралган. Девор ва минораларда ўқ отиш шинаклари бор. Девор атрофига *хандак* қазилган. Қ. уч қисмдан иборат: 1) Қ.нинг жан.ғарбий қисмидаги бал. 10 м га яқин тепаликка қуқилган арк ва ҳукмдорлар саройи; 2) шаҳарнинг ўз ҳудуди; 3) шаҳарнинг жан. шарқий деворидан ташқарида жойлашган, умумий майд. 4—5 гектар бўлган ҳудуд. Тадқиқотлар Қ.да ҳаёт 3 асосий даврга бўлинганини кўрсатади. Қ.1 (мил. ав. 9—7-асрлар); Қ.2 (мил. ав. 7—5-асрлар); Қ.3 (мил. ав. 5—4-асрлар). Қ.2 даврида ҳаёт бирмунча ривожланган. Бу даврда Қ.га кишилар кўплаб кўчиб кела бошлаган. Қалъа кўрғонида пахса ва хом ғиштдан қатор ҳашаматли иморатлар қурилган.

Қ.дан ҳар хил қуроллар (ёргучок ҳовонча, ўғир даста, ўрок), тўқ қизил ранг ангоб билан сирланган цилиндрсимон тиргакли идиш, уй ҳайвонлари суяқларининг кўплаб топилиши деҳқончилик, қулоччилик ва чорвачиликнинг жадал юксалганидан дарак беради.

Мил. ав. 4-асрда Қ. *Александр* (Искандар Мақдуний) кўшинларининг юриши вақтида бутунлай вайрон қилинган.

Ад.1 Аршавская З. А., Ртвеладзе Э. В., Хақимов З. А., Средневековне памятники Сурхандаръи, Т., 1982.

ҚИЗИЛТЕПА — Навоий вилояти *Қизилтепа туманидаги* шаҳар, туман маркази. Т. йил станцияси. Қ дан вилоят маркази (Навоий шаҳри) гача 54 км. Аҳолиси 12 минг кишидан зиёд (2004). Шаҳар ёнидан Човли ариғи ўтган. Пахта тозалаш, ғишт, ун з-длари, нефть маҳсулотлари омборхонаси, МТП, қурилиш ташкилотлари, алоқа, транспорт корхоналари бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш

шоҳобчалари фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусика ва санъат мактаблари, лицей, интернат мактаби, агросервис касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғи, музей, стадион бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, тез тиббий ёрдам бўлими ва бошқалар тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ. дан Катта Ўзбекистон тракти, т. йил ўтган. Қ. дан Навоий, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент шаҳрларига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ Навоий вилоятидаги туман. 1935 йил 9 фев. да ташкил этилган. 1962 йил 24 дек. да Ғиждувон туманига қўшилган. 1970 йил 7 дек. да қайтадан ташкил этилган. Шим. дан Конимех, Навбахор туманлари, шим.шарқдан Кармана тумани, шарқдан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари, жан.дан Бухоро вилоятининг Когон тумани, ғарбдан Бухоро, Вобкент ва Ғиждувон туманлари билан чегарадош. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 112,4 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Қизилтепа), 8 кишлоқ фуқаролар йиғини (Арабон, Бўстон, Ванғози, Гардиён, Зармитви, Оқолтин, Хўжаҳасан, Янгиҳаёт) бор. Маркази — Қизилтепа шаҳри

Табиати. Туман худуди Зарафшон водийсининг жан.ғарбидаги камбар текисликда. Қизилтепа ва Офтобачи платолари орасида, Ҳазора дараси бўйлаб кетган Зарафшон дарёсининг икки қирғоқ ҳавзаси, Шоҳруд ва Абу Муслим шохариқлари орасидаги худудларда жойлашган. Шим. дан туман худудига Қизилқумнинг кичик бир қисми кириб келган. Воҳа Зарафшоннинг чап соҳили бўйлаб Маликчўл, Қизилтепа, Қуйимозор адирлари, жан. дан Қарноб чўли билан туташган. Ғарбдан воҳа Шоҳруд канали ўзани билан чегараланган. Туманнинг шим. чегараси бўйлаб Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Тўдакўл, Қуйимозор сув омборлари, сув тўғони қурилган, Аму — Бухоро

каналли (Қизилтепа ва Қуйимозор насос ст-ялари) туман худуди орқали ўтган. Туман худудининг Маликчўл, Ўртачўл, шим.дан Қизилқум чўлларига туташлиги иқлимга катта таъсир кўрсатади, ёзи жазирама иссиқ бўлиб, тез-тез гармсел эсади; киши анча аёз. Январ ойининг ўртача т-раси 0,4°, энг паст т-ра — 24°. Июль ойининг ўртача т-раси 28,3°, энг юқори т-ра 44°. Йилига ўртатушади. Вегетация даври 212 кун. Тупроқлари оч бўз, ўтлоки бўз, қумок бўз тупроқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, рўвак, бугдойик, шўражрик, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, куён, чиябўри, жайран ва жайра учрайди; қушлардан сўфитўрғай, чумчук, чуғурчиқ, зарғалдоқ, тўқайзорларда қирғовул, лойхўрак, ўрдак ва бошқалар; судралиб юрувчилардан геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемирувчилардан кўрсичқон, кичик кўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва бошқалар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қозоқ, татар, украин, арман ва бошқалар миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 51,9 киши. Шаҳар аҳолиси 12 минг киши, кишлоқ аҳолиси 100,4 минг киши.

Хўжалиги. Пахта тозалаш, ун, гишт здлари, нефть маҳсулотлари сакдаш корхонаси, паррандачилик ф-каси, қурилиш ташкилотлари, маҳаллий саноат, алоқа ва транспорт корхоналари ишлаб турибди. 3 кўшма, 55 кичик, 1500 дан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари мавжуд. Қ. х. нинг етакчи тармоғи — пахтачилик ва ғаллачилик, шунингдек, чорвачилик ҳам ривожланган. 13 ширкат, 663 фермер хўжалиги бор. Суғориладиган ерлар 32,5 минг га ни ташкил этади. Шу жумладан, 9,3 минг га дан зиёд ерга пахта, 9,8 минг гектарга яқин ерга ғалла, 107 га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 15 га ерга картошка, 230 га ерга беда экилади. 625 га ер боғлардан иборат. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 52,5 минг

корамол, 78,3 минг қўй ва эчки, 193,9 минг паранда, шунингдек, йилки ҳам боқилади.

Тумандаги 38 умумий таълим мактабида 29 мингдан зиёд ўқувчи таълим олди (2004). 2 лицей, интернат мактаби, муסיқа ва санъат мактаби, 4 касб-хунар коллежи бор. 44 кутубхона, 8 клуб, 3 маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғи, музей фаолият кўрсатади. 3 стадион ва бошқалар спорт иншоотлари мавжуд.

2 касалхона, 2 поликлиника, 3 амбулатория, 31 кишлоқ врачлик пункти, 8 фельдшеракушерлик пункти, 39 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Бу тиббий муассасаларда 77 врач ва 320 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудидаги кишлоқларда ҳунармандчилик қадимий дан ривожланган. Кулолчилик буюмлари, бўйра ва ҳ. к. тайёрланади.

Қ. т. ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Қизилтепа — Навоий йўналишида, шунингдек, Ғиждувон, Шофиркон. Вобкент ш ларига автобус ва маршрути таксилар катнови йўлга қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Тошмасжид мажмуаси (16-аср), Хожа Боязид Бистомий мақбараси ва бошқалар бор. Тарихчи олим Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (19-аср), уламо Хожа Ҳасан Андокийлар (11—12-асрлар) шу туман ҳудудида туғилган.

1971 йилдан «Қизилтепа тонги» туман газ. нашр қилинади (адади 8000).

Қаҳрамон Ражабов.

ҚИЗИЛТОМИР — рўяндошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. Ўрта Осиёда тарқалган. Пояси ер бағирлаб ўсади, шохлайди, сертук, уз. 20—100 см. Барглари наштарсимон чўзиқ, учи ўткир, четлари ғадирбудир. Гуллари сарғишок, рўваксимон тўпгулга йиғилган. Меваси курук ёнгоқча. Июнь—авгд гуллаб мевалайди. Илдизпояси тупроқнинг устки қатламларида ўсади. Уруғи ва илдизпоясидан кўпаяди. Пахта, беда майдонлари, ғалла экинлари орасида бегона ўт сифа-

тида учрайди. Суғориш шохобчалари бўйлари, дала уватлари, боғ, полизларда ҳам ўсади.

Кураш чоралари: суғориладиган зоналарда ер юзаси юмшатилади ва экин қатор оралари культивация қилинади.

ҚИЗИЛУРУҒ, Қизилуруғ — ўртапишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавоткартошқачилик тажриба ст-ясида яхшиланган (В.Ф.Кузнецова, М.И. Цинда, П.Н.Дудко). Шақли тухумсимон, ўртача қатталиқда (оғирлиги 2,5—3,6 кг, уз. 26—28 см). Сирти текис, тўри йирик, оч яшил, уч томони сарғимтир. Пўсти қаттиқ, этининг қалинлиги 4—4,5 см, тўқ са*рикқизил, пўстига яқин қисми яшил, ширин, хидсиз. Таркибида қанд миқдори 10,1 — 12,2%, сахароза 6,7 — 8,9%, курук модда 12,9—14,4%. Уруғхонаси ўртача, уруғи йирик. Уруғи униб чикқандан кейин ҳосили 80—92 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—260 ц/га.

Узоқ жойларга юборишга яроқли. Қоқи солинади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади. Тошкент воҳасида кенг тарқалган.

ҚИЗИЛЧА — ўткир вирусли касаллик; юкори нафас йўллари, кўз ва бурун шиллиқ қаватларининг яллиғланиши, терига турли тошмалар тошиши ва лимфа безларининг қатталаниши билан кечади. Дастлаб Қ.ни кизамиқдан фарқ қилишмаган, 1881 йилдан у алоҳида касаллик деб ҳисоблана бошланди. Қ.ни рубовируслар оиласига мансуб р-нквируси кўзғатади. Ҳавотомчи йўли орқали юкади. Айниқса, ҳомиладорликнинг дастлабки даврларида юкиши хавfli ҳисобланади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда балғами, сўлаги таркибидаги вирус ҳавога тушади, сўнгра соғлом одамнинг нафас йўллари орқали унинг организмига киради. Қ. барча ёшдаги кишиларда, асосан, болаларда учрайди. Касалликнинг инкубацион (яширин) даври 14—21 кун. Болаларда касаллик асосан енгил кечади. Гавда ҳарорати

бир оз кўтарилади, қизамиқдагиға ўхшаш тошма тошади, каттароқ ёшдаги болаларда бўйин ва қулоқ соҳасидаги лимфа безлари катталашади, бўғимлар оғриши мумкин. Баъзан энцефалит ва тромбоцитопения ривожланади. Кўпинча Қ. клиник аломатларсиз кечади, лекин бунда атрофдагиларга юқиш хавфи сақланиб қолади. Вирус ҳомиладор аёлга юққанида — туғиладиган бола туғма юрак пороги, кўр, кар, миттибош, акли заиф ҳолда туғилиши мумкин — бу хасталиқлар мажмуи «туғма қизилча синдроми» деб номланади, улар туғма ногирон ҳисобланади.

Беморни врач уйда даволайди. Болага тинч ва осойишта шароит яратиш, енгил ҳазм бўладиган овқатлар бериш тавсия этилади.

Оддини олиш учун бола 12—15 ойлигида (1бор), кейин 6 ёшида (2бор) Қ.га қарши вакцина билан эмланади. Энг муҳими касалланган болани соғлом болалардан ўз вақтида ажратиб қўйиш зарур.

ҚИЗИЛЧА — к. *Зогоза*.

ҚИЗИЛЧЎЛ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сути учун бокиладиган зот. 18-аср охирларида Украинанинг Запорожье вилоятида кулранг чўл қорамолларини қизил остфрисланд, англень, *шортгорн*, немис қизил қорамол зоти ва вилстер-маш зотлари билан узоқ йиллар чапиштириб чиқарилган. 1941 йилгача немис қизил моллари номи билан юритилган. Қ.қ.з.нинг тана тузилиши мустаҳкам, бўйи ўртача баландликда, туси қизил (кўпчилигининг боши ва танасида оқ кашкаси бор). Сигирларининг вазни 450500 кг, буқалариники 800900 кг, бузоқлари 30—35 кг туғилади, 6 ойлик бўлганда 160—190 кг. Сигирлари ўртача 3000—4000 кг, серсутлари 10—12 минг кг гача сут беради, ёғлилиги 3,7—3,9%. Гўшт махсулдорлиги қониқарли. Новвосларининг ўртача кундалик вазн ўсиши 800—900 г, сўйим чикими 55—57%.

Жаҳондаги кўпгина минтақалар ва мамлакатларда тарқалган ва уларнинг ҳудудий хиллари, буқа тизимлари ва сигирлар оилалари яратилган, селекция ишларида самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонга 1882 йилда олиб келинган ва Тошкент вилоятидаги «Қоплонбек» хўжалигида урчитилган, республиканинг иклим шароитига мослашган подалар гуруҳлари шакллантирилган. Наслчилик зллари ва наслчилик хўжаликларида зот хусусиятлари такомиллаштирилмоқда. Бухоро, Хоразм, Навоий, Қашқақдарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон ҳамда Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг чўл худудларида, Туркменистонда бокилади; Ўзбекистонда р-нлаштирилган зотлар орасида салмоғи бўйича 2-ўринни эгаллайди.

Ад.: Носиров У., Қорамолчилик, Т., 2001.

Убайдулла Носиров.

ҚИЗИЛЎЗАН — Эрондаги дарё. Уз. 750 км, хавзасининг майд. 56,2 минг км². Загрос тоғларидан бошланади. Эльбурснинг ғарбий тизмаларини кесиб ўтган жойда Шохруд дарёси билан қўшилгач, Сафидруд деб номланади ва Каспий денгизига қуйилади. Шохруд дарёсига қўшилган жойда гидроузел (бал. 100 м ли тўғон, ГЭС, сув омбори) қурилган. Суvidан суғоришда кенг фойдаланилади. Дельтасида Решт шаҳри жойлашган.

ҚИЗИЛЎНГАЧ — одам ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш системасининг ҳалқум билан меъда ўртасидаги қисми. Қушларда Қ. кенгайиб, жигилдонни ҳосил қилади. Одамда Қ. орқа кўкс оралиғида жойлашган 23—25 см узунликдаги мускулли найчадан иборат бўлиб, кўкрак қафасидан диафрагма тешиги орқали корин бўшлиғига ўтади ва меъдага уланади. Қ. девори шиллик, шиллик ости ва мускул қаватлардан иборат. Шиллик қавати бурмаларга йиғилган бўлиб, овқат лукмаси ўтаётганида текисланади. Қ. ташки томондан бириктирув-

чи тўқима билан қопланганлиги сабабли овқат лукмаси ўтаётганида кўндаланг диаметрини осонликча ўзгартира олади. Ютилган овқат лукмаси Қ. перистальтикаси туфайли меъдага, кейин овқат ҳазм қилиш системасининг ҳамма қисмига ўтади. Перистальтика — мускулларнинг тартиб билан қисқариши овқат ҳазм қилиш системасининг барча қисмида бўлади. Ютинганда Қ. мускуллари рефлектор қисқариши туфайли овқат лукмаси юқоридан пастга йўналади. Қ.нинг яллиғлиниши эзо-фагит дейилади. Бунга қайноқ ва ач-чиқ овқатлар ейиш, кислота, иш-қорлар таъсири, шунингдек, турли дори ҳамда спиртли ичимликларни сурункасига истеъмол қилиш сабаб бўлади (яна қ. *Овқат ҳазм қилиш системаси*).

ҚИЗИЛЎРДА (1853 й.гача Окмачит, 1925 й.гача Перовск) — Қозоғистон Республикасидаги шаҳар, Қизил-ўрда вилояти маркази. Сирдарёнинг ўнг соҳилида. Т.й. станцияеи. Аҳолиси 157,8 минг киши (2002). Қ. 1820 й.лар-да Окмачит номи б-н Қўқон хонли-гининг қалъаси сифатида вужудга келган. 1853 й. июлида Окмачитни генерал В.А.Перовский бошчилигида рус кўшинлари босиб олди ва у Перовский форти деб аталди, кейинчалик Перовскш. деб номланган. 1917 й. гача кичик маъмурий савдо маркази. 1926 й. дан 1929 й.гача Қозоғистон пойтах-ти бўлган. Муҳим корхоналари: целлюлоза-картон, қурилиш материаллари, уйсозлик к-глари, пойабзал, тикувчилик ва трикотаж ф-калари; озиқ-овқат саноати корхоналари, пед. ин-ти, драма театри, тарихий-ўлка-шунослик музейи бор. Қ.дан жан.-роқда шолিপояларни суғориш мақ-садида Сирдарёга тўғон қурилган. Ша-ҳар атрофида йирик шоликлар хўжа-ликлар жойлашган.

ҚИЗИЛЎРДА ВИЛОЯТИ - Қозоғистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Майд. 226 минг км². Аҳолиси 606,6 минг

киши (2002), асосан, қозоқ-лар (70%), шунингдек, руслар (асо-сан, шаҳарларда), корейс ва б. мил-лат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 63%. Қ. в. 6 маъмурий ту-манга бўлинган, 3 шаҳар, 10 ша-ҳарча бор. Маркази — *Қизилўрда* ш. Йирик шаҳарлари: Қизилўрда, Аральск, Ғазали.

Вилоят Орол денгизидан шарқда Сирдарёнинг қуйи оқимида, асо-сан, Турон пасттекислигида (бал. 50—200 м) жойлашган. Сирдарёнинг чап соҳилида Қизилқумнинг қум тепала-ри; ўнг соҳилида қирлар, унча чуқур бўлмаган сойликлар бор. Шим.да Ки-чик Бўрсик ва Орол бўйи Қорақуми, чекка жан.-шарқда Қоратов тизмаси-нинг шим.-ғарбий тармоқлари (энг баланд жойи 1419 м) жойлашган. Иқлими кескин континентал ва жуда қуруқ. Июлнинг ўртача т-раси шимо-ли.-ғарбида 25,9°, жан.-шарқда

28,2°, янв.ники шим.-ғарбида —3,5°, жан.-шарқда —19,8°. Йилликёғин 175 мм. Вегетация даври 198 кун. Қ.в. худудида Орол денгизининг шим.-шарқий ярми қиради. Ягона йирик дарёси — Сирдарё. Шўр сувли қўл қўп. Қумларда шувоқ-бетага, шўра, ба-ҳорда эса эфемер ўсимликлар; паст-ликларда астрагал, жузғун ўсади. Оқ саксовул, юлғун, терескен, биюр-ғун, шувоқ қумларни шамолда учи-шига йўл қўймайди. Сирдарё қайи-рида аллювиал-ўтлоқ, шўрланган тупроқларда ўтлоқ ўсимликлар, тўқайзор ва бутазорлар, дельта ва қирғоқ бўйларида қамишзорлар бор. Чўлда йиртқичлар ва туёқли ҳайвон-лар, шунингдек, кемирувчилар, қушлар учрайди. Сирдарё дельтасида ондатра климлаштирилган. Орол ден-гизи, Сирдарё ва майда қўлларда тур-ли баликлар бор. Борсақелмас оролида қўриқхона (сайғоқ, жайран, қулон) мавжуд.

Қ.в. да қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва балиқни қайта ишлаш б-н боғ-лик озиқ-овқат ва енгил саноат кор-хоналари бор. Асосан, обикор деҳ-қончилик

ва яйлов чорвачилиги ри-вожланган. Вилюятда шолиторлик, кўйчилик, шунингдек, балиқчилик ва балиқни қайта ишлаш салмоқли ўрин тутати. Саноатининг асосий тар-моғи — озик-овқат саноати (балиқ, шоли оқлаш, арақ, пиво 3-длари, гўшт, сут ва нон, уйсозлик к-тлари, тегирмон). Целлюлоза-картон к-ти, пойабзал, трикотаж, мебель ва ти-кувчилик ф-калари бор. Металлсозлик, кимё ва қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. Деярли ҳамма қорхоналар Қизилўрда ш. да. Пичанзор ва яйловлар бор, ем-ха-шак экинлари ҳам экилади. Чорвачи-ликда, асосан, қоракўлчилик (90% қоракўл қўйлари), шунингдек, май-ин жунли қўйчилик, оз миқдорда гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. Қорамол, қўй ва эчки, йилки, туя, парранда, чўчка боқилади. Т.й. узунлиги 763 км, қаттиқ қопла-мали автомобиль йўллари уз. 1223 км. Пед. ин-ти, тари-хий ўлкашунослик музейи, драма те-атри бор.

ҚИЗИЛҚИЁК, сичқончўп - бошоқдошларга ман-суб кўп йиллик илдиэпояли бегона ўт. Поясининг бўйи 25—60 см. Барглари япалок. Тўпгули қумушсимон оқ цилиндрик тиғиз рўвакка йиғилган. Меваси дон. Март-апр. бошларида ўса бошлай-ди, баҳордан кузгача гуллаб, мева-лайди. Уруғлари осон сочилади ва шамол б-н тарқалади. Илдиэпояла-ри тупроққа 30—40 см гача қиради. Узун новдалари қишлайди. Бедапоя-ларда, гўза, ғалла ва б. суғориладиган экинлар орасида учрайди. Шунингдек, ариқ ёқалари ва жуда сер-нам жойларда ҳам ўсади.

Қураш чоралари: ерни 15—30 см чуқурликда ҳайдалади; илдиэпоя-лар йўқотилади; далапон сепилади.

ҚИЗИЛҚИР — неолит, жез даврига мансуб археологик ёдгорликлар мажмуаси. Вобкент дарёсининг қад. адоғи, Бухоро ш.дан 40 км шим.-ғарбда жойлашган. 1953 й.да Я.Ф. *Фуломов* томони-

дан қайд этилган. 1953—60 й.ларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тининг Моҳондарё археологик экспедицияси ходимлари томонидан археологик қазилмалар ўтказилган. Тадқиқотлар натижасида Қ. археологик мажмуаси 4 даврга мансуб 4 та ёдгорлиқдан иборатли-ги аниқланган. Улардан давр жиҳатдан энг қад.си неолит даври (мил. ав. 4—3-минг йиллик)га оид манзилгоҳ ва мик-ролит (майда тош) қуроллар ясаш ус-тахонасининг ўрни бўлган. Ёдгорлик саҳнидан қўплаб чакмоқтош, акиқ, оқ хальседон ва шаффоф тош жинсларидан ишланган микролит қуроллар қайд этилган. Улар *Калтаминор маданияти*си хосдир.

2-ёдгорлик алоҳида-алоҳида 2 тепалик (Қ.-1 ва Қ.-2)дан иборат. Қ.-1 неолит даври манзилгоҳидан 400—500 м жан.-ғарбда жойлашган. Ёдгор-лик доира шаклидаги тепалик бўлиб, диаметри 82—84 м, бал. 3,5 м. У ша-ғалли дўнглик устига қурилган 6 хонали бинодан иборат қўрғон шаклида қурилган. Бино атрофи қалин (2,4 м) пахса девор билан ўралган, майд. 23,5x23,5 м. Девор 3 м гача яхши сақланган. Пахса девор тиккасига ёрилмаслиги учун 20—55 см қалинликдаги пахса қаторига устига бир қатор 44x48x10 см ли хом гишт терилган. Қўрғоннинг дарвозаси жан. томонда бўлган. Ичкарига эни 2 м ли торгина узун (саҳни 7,5—4,5 м) йўлак орқали қирилган. Бинонинг асосий қисмининг чор атрофи йўлаксимон (бўйи 13,7 м, эни 2,75 м) узун хоналар билан ўралган, 9x9 м ли квадрат шаклдаги катгагина заддан иборат бўлган. Қ.1 дан тош ёрғучоқлар, хум, сувдон, кўза, товоқ, сопол ҳайкалчалар, қора чирок, сопол қозон, урчуқ тошлар ва бошқалар хил рўзғор буюмлари топилган. Қ.1 да хаёт мил. 3-асрда тугаган. Қ.1 қўрғонининг марказий зали девори остидан мил. ав. 2 минг йилликнинг 2 ярми (жез даври)га мансуб қабр қазиб очилган. Бу ёдгорлик Қ. мажмуига 3^а ёдгорлик бўлиб, ундан бошоқсимон чизма нақш билан қопланган 2 дона сопол тувак то-

пилади. Бу топилма *Тозабогён маданиятита* мансубдир.

Қ.2, Қ.1 дан тахм. 1 км жан.да жойлашган ярим ертўла тарзидаги қадимий чайла харобаларидан иборат. Майд. 600 м². Қ.2 да чайлаларнинг олд томонидан ўчоқлар, хўжалик ўралари, сопол идишлар (товок, това, хумча, қозон ва бошқалар), рўзгор буюмлари (ёғлоғи, ёргучоқ, темир пичоқ, қайроқ, урчуқтошлар ва бошқалар), безаклар (узум боши ва мушт шаклларидаги 2 маржон ва бошқалар) ва турли куруллар (уч парракли темир пайкон, мис бигиз ва бошқалар), шунингдек, сопол хайкалчалар, қумуш танга ва бошқалар топилган. Қ.2 шубҳасиз Қ.1 қўрғонида истиқомат қилган аҳолининг ёзги турар жойларининг харобаси эди.

Ад.: Гулямов Я.Г., Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Трудн Института истории и археологии, вып. 8, Т., 1956.

ҚИЗИЛҚИЯ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги шаҳар (1938 йилдан). Фарғона водийсининг жан. чеккасида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 31,8 минг киши (1999). Қирғизистоннинг кўмир (кўнғир кўмир) қазиб олиш марказларидан бири. Тамаки ферментацияси, ёғмой здлари, гўшт, қурилиш материаллари (ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқарилади) ктлари, пойабзал ф-каси ишлаб турибди. Кончилик ўрта махсус, тиббиёт билим юртлари, ўлкашунослик музейи бор.

ҚИЗИЛҚИЯ КЎМИР КОНИ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги кон. Фарғона шахридан 28 км жан.да, Олай тоғларининг шим. тоғ олдида жойлашган. Қ.к.к. 1898 йилдан ўзлаштирилган, захира майдонлар мавжуд эмас. Кўмир қатламлари юра жинсларида мужассамлашган. Қалинлиги 600 м гача бўлган кўмирли юра қатламлари кизилқия, олмалиқ ва аравон свиталарида бўлинган. Улар антиклиналнинг шим. қанотига ёндошган, шим. тарафдан йи-

рик ёриқ билан бўлинган моноклиналдан иборат. Коннинг ғарб томонида битта кўмирли қатлам мавжуд, шарқ томонга қараб қатламларнинг сони кўпайиб, 6 тага етади. Кондаги кўмир гумусли, метаморфизм даражасига кўра — кўнғир, Б ва ЗБ маркаларига тегишли. Қ.к.к. кўмири таркибида олтингугурт кўп, намлиги юқори, иссиқлик қуввати 3980—4270 ккал/кг. Умумий ресурслари 0,25 млрд. т чамасида. Қизилқия кўмиридан, асосан, энергетик ёнилғи сифатида фойдаланилади.

Қ И З И Л Қ У Й Р У Қ — гултожихўроздошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик тури. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади (баъзи турлари ёввойи ҳолда ўсади). Бўйи 30—120 см. Июнь июлда гуллаб, июль сент.да мева тугади. Чорвачилиқда сифатли емхашак. Гектаридан 250—300 ц гача силосбоп кўкпоя, 10—12 ц гача уруғ олинади.

ҚИЗИЛҚУЛОҚ — қурбақабашлар уруғига мансуб калтакесак. Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида тарқалган. Танаси 24 см ча. Усти қум ранг, сарғиш ва қулранг доғли, тўрсимон нақшли; қорин қисми оқ, кўкрагида қора доғлари бор (бу доғлар ёш индивидларида бўлмайди). Қ. кум тепаликларнинг пастки қисмида бир неча уя қазийди ва ундан қишда урчиш даврида фойдаланади. Уясига бошқа калтакесакларни киритмайди. Ёзда қумга кўмилиб ётади. Хавф сезганда душманини чўчитиш учун оғзини катта очиб, оғиз четидаги қизил ва яшил тусда товланадиган тери пардани ёйиб юборади (номи шундан). Йилда икки марта 2—6 тадан тухум қўяди. Ҳашаротлар ва уларнинг личинкаси, баъзан ўсимлик барги ва мевалари билан озикланади.

ҚИЗИЛҚУМ — Ўрта Осиёдаги қумли чўл. Амударё ва Сирдарё оралиғида (Ўзбекистон, Қозоғистон, қисман Тур-

кманистон ҳудудида) жойлашган. Шим. ғарбдан Орол денгизи, шарқда Тяньшан ва ПомирОлай тоғ тизмалари билан чегарадош. Умумий майд. 300 минг км². Ҳудудининг кўп қисми текислик. Қ.да ўртача баландлик жан. ва жан.шарқида 300 м, шим.ғарбида 53 м. Қ. ҳудудидаги Султон Увайс тоғи, Бўкантов, Етимтоғ, Томдитов, Қулжуктов ва бошқалар паст тоғлар ювилиб кетган альп антиклиналининг ўзагидир. Вақгинчалик оқар сувлар тоғлардан ювиб тушган матери-аллар тоғ этакларига тўпланиб нишаб пролювиал текисликларни ҳосил қилган. Улар тоғлардан узоклашган сари пасая боради. Шунингдек, Қ. ҳудудида қирлар (Белтов ва бошқалар), ясси плиталар, берк ботиклар (Мингбулок, Оёқоғитма, Қорахотин, Мўлали ва бошқалар) ҳамда қадимий сувсиз дарё ўзанлари: Ақчадарё, Жанадарё, Дарёсой, Кувончдарё, Маҳандарё ва бошқалар мавжуд.

Тоғлар ва уларни ўраб турган тоғ олди текисликлари бир-биридан қум массив-лари билан ажралиб туради. Қум массив-лари учун қатор тепа ва кўзанақ қумлари ҳосил. Қ.нинг қатга қисмини қум мас-сивлари: Журанқум, Тошқудук, Ёмонқум, Кемирекқум ва бошқалар эгаллаган. Қум массивларида эол рельеф шакллари — қум марзалари, дўнг қумлар, барханлар учрайди. Қум марзалари кўпроқ мериди-анал йўналишга эга, ўсимликлар билан мустаҳкамланган. Уларнинг нисбий бал. 3—30 м, баъзан 75 м га етади. Қ.нинг марказий қисмида кўпинча дўнг қумлар тарқалган (улар ҳам ўсимликлар билан мустаҳкамланган). Барханлар нисба-тан кам бўлиб, булар аҳоли яшайдиган жойлар ва қудуқлар атрофида учрайди. Барханларнинг ҳаракатга келиши инсон-нинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ. Марза қумлар орасидаги паст жойлар-да *тақирлар* ҳосил бўлган, улар Қ. нинг шим.ғарбий ва шим.шарқий қисмида, айниқса, кенг тарқалган. Тектоник жиҳатдан Қ. Турон плитасида жойлаш-ган. Қ.даги паст тоғлар палеозой даврига мансуб метаморфизлашган сланец, ро-го-

вик, оҳақтош, мрамр, гранитлардан таш-кил топган. Текислик қисмида мезоқай-нозой даври гиллари, қумтошлар, конгло-мератлар, мергеллар, шим. қисмида эса Амударё ва Сирдарёнинг қадимий дарё ётқизиклари тарқалган.

Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, киши совук. Ҳавонинг ўртача йил-лик т-раси шим. қисмида 9,8»—10,5°, жан.да 13°—15°. Янв.нинг ўртача т-раси 0° дан —9° гача, энг паст т-ра —30, —31°, айрим жойларда —34°. Июлнинг ўртача т-раси 29°, айрим жойларда 30—31°. Энг юқори т-ра (июлда) 46—49°. Қ. да ёзда ер юзаси қизиқ кетади. Намлик сероб ва ўсимликларга бой бўлган Амударёнинг қуйи оқимига қараганда Қ.да вегетация даврида мусбат тралар йиғиндиси анча юқори, нисбий намлик эса кундузи ўртача 10—12% паст. Ҳавонинг нисбий намлиги июлда кундуз кунлари ҳеч қаерда 20% дан ошмайди. Қ.га йиллик т-ра амплиту-дасининг катталиги хос. Амударё этагига қараганда бу ерда ёғин кам. Йиллик ёғин 80—160 мм, асосан, қиш (30%) ва баҳор (48%) фаслларида ёғади. Ёзда ёғиннинг фақат 3% тушади. Ёзда ҳаво қуруқ келади ва т-ра юқори, тупроқ қурғоқчилиги бир-мунча вақтлироқ бошланади. Қумли мас-сивлар ва қумоқ тупроқлардаги ўсимлик ўсган жойларда қумоқ ва гилли жойларга қараганда тупроқ у қадар қучли эмас.

Қ.да йил давомида шимолий, шим. шарқий ва шим.ғарбий шамоллар тез-лиги ўртача (3—4 м/сек.) эсиб туради. Баъзида қучли бўронлар ҳам бўлади. Иқлими қуруқ бўлганидан Қ.да доимий оқар сувлар йўқ. Паст тоғлардан бош-ланувчи қуруқ сойларда фақат баҳорги ёғингарчилик пайтларидагина сув ок-дди. Қ.ер ости сув захирасига бой, лекин, уларнинг кўп қисми шўр. Фақат Турон плитаси пойдеворида жойлашган карст-лашган оҳақтошлардаги ер ёриқларида чучук сувлар захираси мавжуд бўлиб, улар қулай жойларда ер юзасига булоқлар сифатида (Томдибулок, Ирлир ва бошқалар) чиқади.

Қ.да қумли массивлар ва паст қирлар

катта майдонни эгаллайди. Қумли мас-сивлар учун чўл қумли тупроқлари, кирлар учун бўз қўнғир тупроқлар хос. Тақир, шўрхоқ тупроқлар тарқалган. Буларда чиринди моддалари кам. Қ. ўсимликлари хилмаҳил. Чўл шароитида намликнинг тақчиллиги ва ҳаво, тупроқ ҳароратининг баландлигига ўсимликлар ҳам мослашган. Ўсимлик тури 900 га яқин, шундан 226 тури (25%) Ўрта Осиё учун хос ва 34 тури (3,5%) Қ.га хос ўсимликлардир. Қ.да ўсимликлар ривожланишининг тез этилувчанлиги (эфемерлиги), курғоқчилликка мослашувчанлиги (ксероморфлиги), баъзи ўсимлик илдизларининг тупроқка чуқур кириб бориши (фреатофит), шўр муҳитда ҳам вегетация қилиш хусусиятига эга эканлиги (галофит) билан ажралиб туради. Оқ ва қора саксовул, уларга аралаш ҳолда ўсувчи черкез, қандим, чоғон, боржок (қизилча), шувоқ ва бошқалар кенг тарқалган. Оқ саксовулзорлар биюргун, боялич, кейреук шўралар билан, гоҳо юлғун аралаш ҳам учрайди. Шувокзорлар Қ.нинг катта ҳудудларини эгаллаган. Шўр босган тупроқларда сарсазан, қорашўра, шоҳилак, юлғун ва бошқалар бор.

Сутэмизувчилардан жайран, сайғоқ, чўл мушуги, бархан мушуги, қўшоёқ, юмронқозик, қумсичқон, тулки, бўри, куён, олакўзан, узун қулоқ типрагикан; судралиб юрувчилардан қум бўғма илони, ўқилон, узун қулоқли ва тақир думалокбош қалтақесак, агама, эчкемар; кушлардан бойқуш, чил, хўжасавдогар, саксовул тўрғайи, чўл қарғаси, булдурук, бургут, бойқуш; ҳашаротлардан чаён, қорақурт, бий, чигиртка ва бошқалар учрайди. Қ.да майин жунли ва қорақўл қўйлар боқилади. Артезиан ҳавзалардан сув чиқарилиб, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кичик воҳалар вужудга келтирилмоқда. Қолдиқ тоғлардан мрамр, графит, феруза, Мурунтоғдан олтин, уран, шунингдек, фосфорит, корунд, боксит конлари топилиб, қазиб олинмоқда. Газли конидан фойдаланилмоқда.

Ад.: Фёдорович Б.А., Лик пустъши,

М., 1954; Баратов П., Ўзбекистон табиий географияси, Т., 1996; Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002.

Мурод Маматкулов.

ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТ МАЖМУАСИ — фосфорит концентратлари ишлаб чиқарадиган замонавий йирик конбойитиш корхонаси. Бойитилмаган фосфорит уни, куйдирилган фосфорит концентрати ва бошқалар маҳсулотлар ишлаб чиқаради. *Навоий комметаллургия комбинати* (НКМК)нинг Марказий кон бошқармаси (Зарафшон шахри) таркибига қиради.

Мажмуага Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1997 йилда Марказий Қизилқумдаги ЖеройСардара фосфорит кони (минерал захираси 223,9 млн. т, 100% ли P_2O_5 микдори 45,5 млн. т) негизида Қф.м.ни барпо этиш тўғрисидаги қарорига қўра асос солинди, корхона қурилиши ва фосфорит конини ўзлаштириш НКМКга топширилди. Шу йилнинг ўзида мажмуанинг 1набатини қуриш ва Тошқура конида фосфорит рудалари қазиб олиш бошланди.

1998 йил апр.да мажмуанинг йиллик лойиҳа қуввати 300 минг т 16— 18% P_2O_5 (бойитилмаган фосфорит уни) бўлган 1набати маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 2 йилдан камроқ муддатда мажмуа 1набатининг 1босқичи қурилиши тугалланди. Натижада республика корхоналарида оддий аммонийлашган суперфосфат ва аммофос и. ч. учун четдан фосфорит хом ашёсини сотиб олиш тўхтатилди.

Мажмуада 1998—2001 йилларда «қурук» ва «хўлланган» усулларда фосфоритни бойитишнинг комбинациялашган технологияси ишлаб чиқилди, таркибида 26—28% P_2O_5 бўлган куйдирилган фосфорит концентратини ишлаб чиқариш, ўзлаштирилди. НКМК мутахассислари ва Ўзбекистон ФА олимлари билан ҳамкорликда таркибида фосфорит кам бўлган фосфоритлардан фосфорит кам комплекс ва органикминерал ўғитлар иш-

лаб чиқариш дала шароитларида агроки-мёвий синовдан ўтказиш технологиясини яратиш, уларни саноат миқёсида жорий этишгача бўлган ишлар амалга оширилди. 2002—2003 йилларда таркибида 12—15% P_2O_5 бўлган камбағал фосфоритлардан органикминерал ўғитлар (суперфосфат ва азосуперфосфат) ишлаб чиқаришнинг соддалаштирилган технологияси яратилди ва республика кимё саноати корхоналарида жорий этилди («Навоий электрокимё заводи» акциядорлик жамияти, Самарқанд кимё 3-ди ва бошқалар).

2004 йил нояб.да Республика ҳукуматининг махсус қарорига кўра, 2004—06 йилларда Қ.ф.м.нинг 1 навбатини кенгайтириш ва реконструкция қилиш лойиҳасининг 2 босқичини амалга ошириш ва ювилган куйдирилган (28% P_2O_5) ҳамда ювилган қуритилган (20% гача P_2O_5) концентратлари ишлаб чиқаришга ўтиш, мажмуанинг йиллик қувватини 800 минг т фосфорит маҳсулотига етказиш ишлари бошланди.

ҚИЗИЛҚУМ ҚЎРИҚХОНАСИ — ухоро вилоятида Амударёнинг ўрта оқимида, дарёнинг иккала соҳилида жойлашган. Туркменистон билан чегарадош. Майд. 10311 га, шу жумладан, ўрмон билан қопланган майдон 5338 га, 800 га майдони кумли чўл, 1883 га тўқайзор. Дарё соҳиллари бўйлаб шим ғарбдан жан.шарққа 30 км га, шарқдан ғарбга 3 км га чўзилган. Вазифаси қўриқхона худудидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш, илмий текшириш ишларини олиб бориш ва бошқалар Қўриқхона тўқайзор ва кумли чўллардан ташкил топган. Иклими кескин континентал, ҳавонинг қуруқлиги, ҳароратнинг ўзгариб туриши, ёғингарчилик микдорининг камлиги билан ажралиб туради. Ёғинларнинг асосий қисми (85—87%) қиш ва баҳорда ёғади. Максимал ҳарорат ёзда 41—44°, қишда 20—21°. Тупроқлари кумли, тақирсимон, аллювиал ўтлоки, ўтлокиботқоқи типлардан иборат. Қўриқхона худудида ўсимликларнинг

15 тури: туранғи, камиш, қизилмия, жийда, саксовул, қандим, черкез, эфемерлар, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган Бобров астрагали, Корольков ширачи, қизилқум ковраги ўсади. Қўриқхона ҳайвонот дунёси бой ва хилмахил. Умуртқали ҳайвонларнинг 359, сув ҳавзаларида баликларнинг 27, сувда ҳамда қуруқликда яшовчиларнинг 2, судралиб юрувчиларнинг 28, қушларнинг 267 ва сут эмизувчиларнинг 35 тури бор. Бухоро бугуси (*хонгул*), жайран, бархан мушуги, бургут (*Ўзбекистон Қизил китобига киритилган*), чиябўри, ёввойи чўчка (тўнғиз), чўл мушуги, тулки, амударё тустовуғи, кабутар, қора қарға, жан. ва тўқай булбуллари учрайди. Бухоро бугуси алоҳида муҳофаза қилинади.

Қўриқхонада унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаш, кўпайтириш, ўрганиш бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ишлари олиб борилади.

ҚИЗИЛҚУМ ҲАЛҚА ЙЎЛИ — (P57) давлат аҳамиятига молик автомобиль йўли. Навоий вилоятининг Кармана шаҳридан бошланиб, Қалқонота — Деболанд — Нурота шаҳри — Қўшқудук — Боймурот — Учтепа — Утемурот — Томдибулук аҳоли пунктлари орқали ўтиб Зарафшон шаҳрида *Навоий* — *Учқудук магистрал йўли* (A379) га туташган. Йўл қурилиши 1969 йилда бошланиб, «» 1976 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилган. Қурилиш сарфхаражатлари Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан маблағ билан таъминланган (ўша даврда «Ҳаёт йўли» деб номланган). Умумий уз. 477 км, шундан 22 км асфальтбетон тўшамали, 455 км қора тўшамали, тоифаси: 3 км — I даражали, 2 км — II даражали, 26 км — III даражали, 446 км — IV даражали. Йўл ҳоз. даврда Навоий автйўл бирлашмасига қарайди. Йил бўйи барча транспорт турларининг узлуқсиз ҳаракати таъминланган. Қ.х. йил, айниқса, қиш фаслида чорва молларини емхашак билан таъ-

минлашда, *қоракўлчилюот* ривожлан-тиришда муҳим аҳамиятга эга. Йўлда саноат, к.х., курилиш юклари ташилади, йўловчиларга автотранспорт хизматлари кўрсатилади.

КИЗИЛҚУМИТ (Кизилкумда топилган, номи шундан) — мураккаб оксидлар гуруҳига мансуб янги минерал. 1981 й.да топилган. Таркиби шрейерит ($U_2Tl_3O_4$)га ўхшаш. Альбитлашган углеродли-кремнийли жинсларда учрайди. Қ. кремнийли сланецларнинг ўта ингичка ўзаро кесишган томирчаларида хлорит, пирит, рутил билан биргаликда учрайди. Қ. дончалари призматик габитусга эга, уз. 0,01 мм дан 0,2 мм гача. Шаффоф эмас. Ранги қора, ялтираши шиша каби, баъзан мумсимон кўринишгача ялтирайди. 320—390° да қиздирилганда рутилга айланади.

КИЗИРИҚ ТУМАНИ - Сурхондарё вилоятидаги туман. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Ғарбдан Шеробод, жан. дан Ангор, шим.дан Бандихон, шарқдан Жарқўрғон, шим.-шарқдан Қумқўрғон, шим.-ғарбда Музработ туманлари билан чегарадош. Майд. 0,33 минг км². Аҳолиси 78 минг киши (2004). Таркибида 1 шаҳарча (Сарик), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Мехнатобод, Пахтакор, Янгийўл, Янги Ҳаёт) бор. Маркази — *Сарик* шаҳарчаси.

Табиати. Рельефи текислик, адир ва тоғолди қисмларидан иборат. Фойдали қазилмалардан ош тузи, олтингугурт, ёнувчи сланец, курилиш материаллари конлари бор. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Йиллик ўртача т-ра 18°. Янв.нинг ўртача т-раси текислик, чўл ва адирларда 3,6°, тоғларда —6°, энг паст т-ра —20°. Июлнинг ўртача т-раси 32,1°, энг юқори т-ра 48°. Йиллик ёғин 150 мм. Вегетация даври 260 кун. Текисликда оч ва тўқ бўз, адирларда арид, тоғларда сур тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан арча, маврак, кийикўт, тоғрайхон, коврак, шувоқ ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, жайра,

кўрсичқон; тўқайзорларда тўқай мушуги, қобон, чиябўри; қушлардан: каклик, майна, қалдирғоч, сўфитўрғай, чил, ғоз, ўрдак; судралиб юрувчилардан ўқилон, геккон, кўзойнакли илон ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 236,4 киши. Шаҳар аҳолиси 9,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 68,7 минг киши (2004).

Хўжалигида к.х. соҳалари — пахтачилик, ғаллачилик етакчилик қилади, шунингдек, чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, тоқчилик ҳам ривожланган. Туманда пахтанинг, асосан, ингичка толали навлари экилади. Пахта тозалаш, ғишт з-длари, автокорхона, курилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, МТП, дон к-ти, вино тайёрлаш корхонаси, тажриба хўжалиги бор. Кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари мавжуд. Суғориладиган майдонларга пахта, дон, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

44 умумий таълим мактаби (18 мингдан зиёд ўқувчи), болалар мусика мактаби, лицей, касб-хунар коллежлари бор.

Туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, 7 клуб муассасаси, 8 ашула ва рақс халқ дастаси, шу жумладан, «Қўнғирот» фольклор-этнографик, эстрада вокал-чолғу дасталари фаолият кўрсатади. Стадион, спорт майдончалари, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор.

Туман марказий касалхонаси, 2 поликлиника, 50 га яқин фельдшер-акушерлик пункти, 7 врачлик амбулаторияси, 7 дорихона ва б. тиббий муассасаларда 115 врач, 436 ўрта тиббий ходим ишлайди.

Туман худудидан Тошкент — Душанба халқаро автомобиль магистрალი ўтади. Шунингдек, бир неча йўналишда автомобиль йўллари ўтган. Туман марказидан Термизга автобус ва маршрутли

таксилар қатнайди.

Жовли Турсунов, Маишура Рўзиева.

ҚИЗИРИҚДАРА ЧЎЛИ - Сурхондарё вилоятининг жан-ғарбий қисмида жойлашган ясси текислик. Сурхон — Шеробод водийсида. Жан.да Шеробод чўли билан туташ. Замини 25 м чуқурликкача кумлоқ, унинг тагида гил ва қум аралашмасидан иборат қатлам ётади. Сизот сувлари шим.да 40 м, жан.да 5 м чуқурликда жойлашган, кимёвий таркибига кўра, сульфат-хлорид — натрийли ёки магнийли. Минераллашиш даражаси марказий қисмида 1 л сувда 5—10 г, ғарби ва шаркида 10—25 г. Қ.ч.да, асосан, ўрта ва кучли даражада шўрланган тақирсимон тупроқлар тарқалган. Чўлда эфемероид ва шўрадошлар, шўрланган ерларда сета кўпроқ учрайди. Дашт яйлов сифатида фойдаланилади. Қ.ч. суғориш учун анча қулай.

ҚИЗИҚИШ — шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати. Бунда инсоннинг ўзига хос хусусияти бевосита мужассамлашади. Қ. билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда қўл келади, шахс қобиляти, зеҳни, укувчанлигини ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишига ёрдам беради. Қ. инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи вазифасини бажаради. қ. шахснинг борлиққа танлаб муносабатда бўлишида, ўзига хос қарор қабул қилишида, ўзини ўзи назорат эта билишида, мақсадга интилувчанлигида, юзага келган тўсиқларни енгишида ифодаланади. Қ.лар шахсий ва ижтимоий, бевосита ва билвосита, кенг ва тор, беқарор ва барқарор бўлади. Қ. синчковлик, қизиқувчанлик, билишни ўз ичига олади. Одамларни шахсий Қ.ини идора қилишга ўргатиш, бу иўналишда машқлантириш, тренинглар, тестлардан фойдаланиш интилувчан, толиқмас хислатларни шак-

ллантиришга ёрдам беради.

ҚИЗИҚЧИЛИК - ўзбек анъанавий театр тури. Қ. театри, асосан, Қўқон хонлиги ҳудудида (айниқса, Фарғона водийси ва Тошкентда) расм бўлган, ижрочиси қизикчи (қизик), тўда бошлиғи ва иш юритувчиси корфармон деб аталган. Унинг репертуарини танқид ва мукаллид жанрларидаги ҳажвий ва юмористик комедиялар, кулки-ҳикоя ташкил этган. Қ. оғзаки драматургияга асосланган; бунда кўрсатиладиган томошаларнинг фабуласи, сюжети, айрим барқарор савол-жавоблари маълум бўлиб, қизикчилари томонидан олдиндан ўзлаштирилган ва шу асосда ижод ва ижро қилинган. Қизикчилар ўз ижодларида кўпроқ сўз санъатига таянган, халқ поэтик ижоди, тил бойлиги, аскиячи, мумтоз адабиёт намуналаридан усталик билан фойдаланганлар; муайян ролда ўйнаганда характерга яраша либосларда чиқса-да, одатда, қизил, сариқ ёки жигарранг матодан тикилган ёки куроқ камзул кийган. 19-а. да қизикчиларнинг труппалари (мас, *Бидиёршум*, *Зокир Эшон* бошчилигидаги тўдалар) фаолият кўрсатган. *Зокиржон қизик* тўдасига 20 дан зиёд қизикчи уюшган бўлиб, юзга яқин танқид, мукаллид, кулки-ҳикоялар ва латифалар намоиш этишган. 20-а.нинг 1-ярмида *Юсуфжон қизик* Шакаржонов бошлиқ 50 га яқин қизикчи Қ. меросини сақлаб, янги шароитларда баҳолиқудрат ижод қилиб, ўз билим ва тажрибаларини ёш ижрочиларга сингдириб келдилар. 20-а.нинг 2-ярмида қизикчиларнинг янги авлоди майдонга келди. Улар анъанавий театр мероси, ижро маданиятидан таъсирланган бўлсалар-да, Қ.ни миллий анъаналарга таянган ва жаҳон қулги усталари ижодидан таъсирланган ҳолда ўз дастурларини ўзлари тўқиб, ўзлари ижро этадилар. Бу тарихий жараён Зайнобиддин *Юсупов*, *Муҳиддин қизик* Дарвешов, Жўраҳон Пўлатов каби қизикчилар фаолиятидан бошланган. Мустақиллик даврида Мирзобек Холметов, Обид Асомов ва улар

тузган Қ. театри шуҳрат қозонди. Шунингдек, «Мирзо», «Обид-А», «Қаҳқаҳа», «Ҳандалак» каби Қ. гуруҳларининг танилишида телевидение муҳим роль ўйнади.

Ад. Қодиров М., Ўзбек театри тарихи, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.

ҚИЗКЕТГАН — Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳарча (1958 й.дан). Нукус шаҳар Кенгашига қарашли. Амударё соҳилида, Нукус — Тахياتош автомобиль йўли устида, Нукусдан 10 км нарида. Аҳолиси 23,9 минг киши (2003). Ёишт, мрамор, асфальт-бетон з-длари, 3 қурилиш ташкилоти, қурилиш к-ти, автокорхоналар бор. Умумий таълим мактаблари, маданият уйи, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд.

ҚИЗКЕТГАН — Қорақалпоғистон Республикасидаги магистрал канал. Амударёдан сув олади. Уз. 38,2 км, сув ўтказиш имконияти 320 м³/с Нукус, Кегейли, Қораўзак, Бўзатов, Чимбой туманларидаги 130,2 минг га ерни суғоради. Каналнинг бош иншооти 1935 й.да қурилган; 1959 й.да каналнинг охирида Кегейли (115 м³/с), Қувонишжарна (110 м³/с), Стахановарна (25 м³/с) каналларига сув бериш учун сувайирғич қурилган; этак қисмидаги 1 км масофада канал ўзани 117 м га кенгайтирилди ва 5 м гача чуқурлаштирилди (тиндиргич ва-зифасини ўтайди ва тармоқ каналларига чўкиндиларнинг ўтишини камайтиради). 1965 й.да Қ.га қўшимча сув олиш мақсадларида Тахياتош тўғонининг пастки бьефида Каттағор насос ст-яси (сув сарфи 54 м³/с) ва Кегейли каналига уланган 18 км ли канал қурилди. Натижада канал суви билан 218 минг га дан кўпроқ ерни суғориш мумкин бўлди.

«ҚИЗЛАР САЙЛИ» — ўзбекларда Наврўз (хамал) ойи охирида ўтказиладиган қад. маросим. Фарғона

водийси, Тошкент, Жиззах ва б. вилоятларда удум бўлган. Асосан, қизжувонлар қатнашган. «Қ.с» ҳар йили ўрик гуллаб, майиз қатталигида довучча туккан вақтда ўтказилган. Сайилга байрам либосларида, дугоналардан бирининг дала-боғига араваларда чиқилган. Қизлар ўзлари билан чангқовуз, дутор ва чилдирма олиб, боғда ўйин-қулги уюштирганлар, таом пишириб еб, кечга яқин гул териб, довучча йиғиб яна араваларда уйларига қайтганлар. «Қ.с» Фарғона водийсида, Тошкент вилоятининг кўпгина қишлоқларида ҳоз.гача давом этиб келмоқда. Эндиликда бу маросимга барча ёшдаги аёллар ҳам қатнашмоқда. Фақат айрим ерларда (мас Қўқон ва Наманган ш.ларида) бу маросим ҳамон қизжувонлар сайли бўлиб келмоқда. Ҳоз. «Қ.с» кўпгина жамоа боғларида ёки дала шийпонларида ўтказилмоқда.

Усмон Қорабоев.

ҚИЗҚУШ (*Vanellus vanellus*) - балиқчилар кенжа туркумига мансуб қуш. Европа ва Осиёда тарқалган. Россиянинг ғарбий чегарасидан Приморье ўлкасигача бўлган жойларида учрайди. Ўрта Осиё ва Закавказьеда қишлайди. Танаси 30 см ча, оғирлиги 200 г ча. Усти ва кўкраги яшил, қизил тусда товланади. Ўтзор, ботқоқликларда, яйлов, дала ва б. жойларда колония бўлиб уя ясайди. 4—5 та тухум қўяди. Тухумини, асосан, мода-си 27—29 кун босади. Ҳашаротлар, баъзан ўсимликлар уруғи билан озикланади.

ҚИЗҚҮРҒОН ҚҮРҒОШИН-ҚАЛАЙКОНИ — Самарқанд вилоятидаги Зирабулоқ тоғининг жан. ён бағридаги кон. 1951 й.да Г.Ф.Шендерей очган. Кон геологиясини Ҳ.Н.Боймуҳамедов, Э.А.Усмонов ўрганган. Коннинг геологик тузилишида силур даврининг мрамарлашган оҳақтош ва доломитлари билан юқори карбон — куйи пермь отқинди жинслари иштирок этган. Отқинди жинслар гранодиорит, лейкократ, гранит ва лампрофир, аплит дай-каларидан иборат.

Кон Зирабулоқ ан-тиклиналининг жан. канотига бириккан бўлиб, унда шим.-шарқий ва шим.-ғарбий йўналишлардаги тектоник дислокациялар мавжуд. Конда кўрғошин-қалайли магнезиал скарнлар, гидротермал ўзгарган зоналар ва томирлар ажратилади. Рудали скарнлар гранодиорит ва гранит-аплит дайкалари билан доломитли оҳақтошларнинг туташган жойлари ҳамда карбонат жинслар ичида ҳосил бўлган. Оҳақтошларда гидротермал ўзгарган зоналар ва томирлар ривожланган. Кон рудаларидаги асосий фойдаланилган қазилмалар — кўрғошин минерали — галенит билан қалай минераллари — касситерит, станин, тиллит, франкит. Норуда минераллардан пироксен, амфибол, кварц, кальцит бор. Қ.қ.-қ.к. кўрғошин-қалайли скарн гидротермал конларга киради.

ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛАР, қийин суюқланувчи металлар — суюқланиш т-раси 1650—1700° дан юқори бўлган металлар; 1000° дан юқори т-рада механик хоссаларини, пухталлигини йўқотмайди. Қ. э. м.га титан Ti, ванадий V, хром Cr, цирконий Zr, ниобий Nb, молибден Mo, технеций Tc, рутений Ru, гафний Hf, тантал Ta, вольфрам W, рений Re, осмий Os, иридий Ir, родий Rh металлари киради.

Қ. э. м. атомларининг электрон тузилиши бир-бирига яқинлиги ва уларнинг ўзгарувчан валентлиги кўп турда кимёвий бирикмалар олишга имкон беради; улар қийин суюқланувчан металлсимон қаттиқ бирикмалар ҳосил қилади (қ. *Кўчун металлургияси*).

Қ. э. м.нинг баъзилари, мас, Cr, V, ^ ни соф ҳолда ажратиб олиш осонроқ бўлганлиги учун кўпроқ тарқалган бўлса, баъзилари, мас, Nb, Re, Ir, Os ва Ru сийрак металлардир.

Қ. э. м. уларнинг тузларидан қайтариш ва *электролиз* йўли билан олинади. Қ. э. м. легирловчи элементлар сифатида, соф ҳолда, қотишмалар ҳолида ишлатилади. Мас, Nb агрессив моддалар таъ-

сирига жуда чидамли, мустаҳкамлик чегараси 560 МН/м², родий лентаси юқори т-ра ҳосил қиладиган ва оксидловчи муҳитда ишлайдиган электр печларининг қиздириш элементлари учун ишлатилади, 60% Nb билан 40% Ir қотишмаси 2300° гача бўлган т-раларни ўлчашда фойдаланиладиган термопаралар учун, НГ электротехника ва радиотехникада, гафний карбиди эса кескичлар, штамп матрицалари тайёрлашга кетадиган қаттиқ қотишмаларга қўшиш учун ишлатилади ва ҳоказо. Қ. э. м.дан қотишмаларнинг хоссаларини яхшиловчи қўшимча сифатида, тигеллар тайёрлашда, коррозиябардош қопламлар учун, турбиналар, ядро реакторлари, электрон асбоблар, ракеталар, космик кемалар ва б.да кенг фойдаланилади.

ҚИЙИҚЧА — кашта тикиб безатилган *белбоғ* тури; эркаклар қийимининг таркибий қисми.

ҚИЙМАТ — 1) товар нархи; 2) пулнинг харид қобилияти, муайян бозор нархлари даражасида пул бирлиги ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; 3) инглиз классик сиёсий иқтисоди (*А.Смит*, *Л.Рикардо*), шунингдек, марксизм (*К.Маркс*)нинг иқтисодий категорияси, товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати. Қийматнинг меҳнат назариясига кўра, Қ. товар и.ч. негизини ташкил этади, капитал ҳаракати ва ривожланишининг жами қонунларини белгилаб беради. Қ. назарияси уч элементни ўз ичига олади: а) Қ. асосида ижтимоий меҳнат туради; б) Қ. меъёрини зарурий меҳнат сарфлари ташкил этади; в) *айирбошлаш* Қ. асосида юз беради. Товар қийматининг меъёри уни и. ч. учун зарур бўлган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади, ижтимоий нормал шароитда мамлакат бўйича ўртача меҳнат маҳорати ва интенсивлиги даражасида товар и. ч. учун кетади-

ган ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Ижтимоий зарурий иш вақти и. ч. нинг мавжуд ижтимоий меъёрдаги шароитида ва шу жамиятда меҳнат маҳорати ва жадаллигининг ўртача даражасида бирон *истеъмол қийматин*» яратиш учун талаб қилинадиган иш вақтидир. Товар қиймати меъёри уни тайёрлашга кетган меҳнат миқдорига тўғри пропорционал, меҳнат унумдорлигига эса тескари пропорционалдир. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан нархларнинг таркиб топиши такомиллашиб, улар борган сари товарга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларига яқинлашади. Лекин улар ўртасидаги фарқ айрим товар турларига нисбатан *талаб ва таклиф*, бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда сакланиб қолади (қ. *Классик сиёсий иқтисодий мактаблари*).

Аралаш иқтисодиёт шароитларида (20-а.) иқтисодий назарияларда *нафлилик* тобора муҳим аҳамият касб этди, бу эса ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг классик капитализмга нисбатан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

КИЙШИҚ БЎЙИН - бўйин юмшоқ тўқималари ва мускулларининг бир томонлама тортишиши, умуртқа поғонаси бўйин қисмининг қийшайиши ёки касалланиши натижасида бошнинг бир томонга қийшайиб қолиши. Кўпинча хомиланинг она қорнида нотўғри ривожланиши ёки туғруқ вақтида бола бўйнининг юмшоқ тўқимасига шикаст етиши оқибатида пайдо (туғма Қ.б.) бўлади. Киши куйганда, жароҳатланганда, яллиғланиш жараёнларидан сўнг бўйинда чандик ҳосил бўлганда ҳам бўйин қийшайиб қолиши мумкин. Туғма Қ.б.да бўйин бир томонга (шикаст етган мускул томонга) қийшайиб қолади, энса ўша томонда елкага яқин туради, ияк эса кўтарилган ва қарама-қарши томонга бурилган бўлади. Чандикланиш натижасида пайдо бўлган Қ.б.да бўйиннинг қийшайиши чандикнинг жойлашиши ва катта-кичи-

клигига боғлиқ. Бола бошини бемалол кимирилата олмаса-да, оғриқ сезмайди. Туғма Қ.б.да бўйиннинг қийшиқлиги бола туғилган кунидан бошлаб билинади. Ўз вақтида даволанмаса, унга иккиламчи нуқсонлар — умуртқа поғонаси бўйин қисмининг қийшайиши кўшилади. Кўпинча чақалоқ боши узунчоқ ва ён томонлари гўё ясси бўлиб кўринади. Туғруқ туфайли бош шаклининг бу хилдаги ўзгариши кейинчалик йўқолиб кетади. Бироқ бундай бола доимо бошини бир томонга қийшайтириб ётади, бу эса Қ.б.нинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, болалар энсаси остига бош тўфи турсин учун юмшоқ пахта чамбар қўйиш тавсия этилади. Она болада салгина, ҳатто вақтинчалик ўзгариш сезса, дарҳол врачга мурожаат этиши керак.

Баъзи ҳолларда Қ.б. операция қилинади. Операциядан сўнг ота-она врач назоратида даво гимнастикаси ва массаж қилиб туришлари керак.

ҚИЛЖАҒЛИЛАР - денгиз умуртқасиз ҳайвонлари типи. 6 уруғ, 30 тури маълум. Танаси (5 мм — 9 см гача) тиниқ, чўзиқ. Ён ва дум сузгич қанотлари бор. Бошидаги ўроксимон қили (номи шундан) ёрдамида ўлжасини тутлади. Гавдаси, иккиламчи тана бўшлиғи кўндаланг тўсиқлар билан бош, тана ва дум қисмларига бўлинган. Қон айланиш ва айириш системаси йўқ. Нерв системаси ҳалқум усти нерв тугуни ва толалар билан туташган корин ганглиясидан иборат. Гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). Йирткич планктон билан озиқланади.

ҚИЛИЧ — чопиш ёки санчиш билан ёвга шикаст етказадиган тигли қурол. Биринчи бор қад. туркий Урхун-Енисей битикларида қайд этилади. Дастлабки Қ. ханжарсимон бўлиб, учи ўткир, 2 тигли қилиб ясалган. Қ. дастасидан ушлаганда қўл тиг томонга ўтиб кетмаслиги учун даста билан тиг ажратиб қўйилган. Қ.нинг қад. турлари суяқдан ясалган,

сиртига чакмоқтошлар қопланган ва у фақат санчиш учун яркли бўлган. Кейинчалик жез ва темирдан тайёрланган Қ. ҳам санчиш, ҳам чопиш учун хизмат қилган. 6—7-а.ларда Шарқ мамлакатларида бир томонлама тигли эгри Қ. ясалган. Унинг уз. 80—90 см, эни 3—3,5 см бўлиб, қинда сақланган. Маъданга ишлов беришнинг ривожланиши оқибатида Қ. сифати ҳам ошиб борган. Шарқ давлатларида Дамашқ пўлатидан ишланган Қ., Исфаҳон Қ.и шуҳрат қозongan. Хукмдорлар, лашкарбошилар, беклар ва баҳоидрлар учун ясалган Қ.лар олтин, кумуш ва кимматбаҳо тошлар билан зийнатланган.

ҚИЛИЧБАРДОРЛАР ОРДЕНИ - немис католикларининг диний-рицарлик харбий ташкилоти. Шарқий Болтиқбўйи ерларини босиб олиш мақсадида 1202 й. Рига епископи Альберт ҳамда Рим папаси Иннокентий III ҳамкорлигида барпо этилган. Рлицарларнинг оқ чакмонларида крест (хоч) билан қизил қилич тасвири бўлганлиги учун шундай аталган. 1236 й. литвалар ва земгалларнинг бирлашган кучлари Қ.о. қўшинларини тор-мор келтирганидан сўнг, 1237 й. орденнинг қолган-қутган қисми *Тевтон ордени* билан бирлашиб, Шарқий Болтиқбўйида *Ливон ордени*ни ташкил этган.

ҚИЛИЧБОЗЛИК — спорт тури, қоида асосида тигли спорт қуроллари — рапира, қилич, шамшир (шпага) воситасида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа. Спортчилар махсус тўрли никоб, химоя воситаси бор оқ кийим ва қўлқоп кияди. Берилган туртки(укол) ларни қайд этиш учун рапира ва қилич мусобақасида кийим, шамшир мусобақасида шамширнинг ўзи электрон тизимга уланади. Рапира (уз. 110 см; оғирлиги 500 г) мусобақасида кийилган металл нимчага, қилич (105 см; 500 г) мусобақасида гавданинг белдан юқори қисмига, шамшир (110 см; 770 г) мусобақасида гавданинг барча қисмига туртки берилади. Мусобақалар эни 2 м,

уз. 14 м йўлакда 3 мин.дан 3 давра (танаффус 1 мин.дан) 5—15 турткигача олиб борилади. Даврада ҳисоб тенг бўлиб қолса, қуръа ташланади ва қўшимча белгиланган 1 мин. вақт ичида биринчи туртки берган спортчи ғолиб саналади. Агар томонлар туртки бера олмаса, ғолиб ташланган қуръага қўра аниқланади.

Қ. қадимдан кишилик жамияти турмуш тарзининг бир қисми бўлган, спорт тури сифатида эса 15—16-а.лардан Испания ва Италияда шакллана бошлаган. 1517 й. италияли А.Мароцци Қ. бўйича илк ўқув қўлланмасини яратди. 17-а. охирларида Францияда Қ. қоидалари ишлаб чиқилди ва мусобақалар ўтказилди. 1896 й.дан Қ. олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1913 й.да Халқаро Қ. федерацияси (FIE) тузилди, унга 120 давлат (Ўзбекистон 1992 й.дан) аъзо (2005). 1937 й.дан Қ. бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади. Қ. АҚШ, Венгрия, Германия, Италия, Польша, Россия, Руминия, Франция, Хитой каби давлатларда кенг ривожланган.

Ўзбекистонда Қ. спорт тури сифатида 20-а.нинг 50-й.ларидан оммалашди. 1954 й.дан Қ. бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилади. Республикада Қ.нинг ривожланишида Ксения тожиева, Иосиф Маркин, Дмитрий Иценко, Пўлат Абдуразоқов, Игорь Артишкин, Шавкат Турдикулов каби мураббийлар катта ҳисса қўшишди. Собир *Рўзиев*, Александр Парахин, Виталий Логвин, Валерий Захаревич, Светлана Филимонова, Аниса Петрова, Бахтиёр Ғаниев, Дилором Каримқулова сингари қиличбозлар олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионати ва б. нуфузли мусобақаларда совриндор бўлишган. Ҳоз. кунда Ўзбекистондаги 13 та Қ.қа ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва тўғарақларда 46 нафар мураббий қўл остида 648 киши (189 нафари аёл) Қ. билан шуғулланади (2005).

Ад.: Тишлер Д. А., Булочка К. Т., Фехтование, М., 1967; Абдурасулова Г. Б., Сиддиков М. Э., Книга тренеров по фехтованию, Т., 1991.

ҚИЛИЧЕВА Саодат Зиёдуллаевна (1950.15.1, Каттақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1973). 1973 й.дан Каттақўрғон туманидаги 13-, 1974 й.дан Нурота туманидаги 27-, 1976 й.дан 18-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚИЛИЧНИЁЗБОЙ - Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Туркменистоннинг Тошховуз вилояти ҳудудидан ўтадиган давлатлараро канал. Амударёдан сув олади. Икки тармоқ Қиличниёзбой ва Гурландан иборат. Умумий уз. тармоқлари б-н бирга 102 км. Бош қисмида сув ўтказиш имконияти 120 м³/с. Канал ва унинг шохобчалари 1939—42 й.ларда ҳашар йўли билан қурилган. кейинги йилларда бир неча марта реконструкция қилинган. 1965 й.да магистрал каналнинг янги бош участкаси қурилди. 1969 й.да кафолатли сув олиш учун уз. 7 км, сув сарфи 120 м³/с бўлган тўйинтирувчи канал — Турангасоқа қазилди. Қ. 70 минг гектарга яқин ер (шундан 20,7 минг га Гурлан туманида, 16,7 минг га Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида, 26,2 минг га Тошховуз вилоятида)ни суғоради.

ҚИЛТОМОҚ - қ. *Рак*.

ҚИЛЧУВАЛЧАНГЛАР — умурткасиз ҳайвонлар синфи. 12 уруғи маълум. Танаси қилсимон (номи шундан). Оқ, оч жигарранг ёки қора, уз. бир неча мм дан 1,5 м гача. Йўғонлиги 0,5—2 мм. Ҳашаротлар ва қисқичбақасимонларда паразит. Ичаги қисман редукцияга учраган; ҳайвон танасида осмотик озикланади. Айириш органлари бўлмади, 5 туркумга мансуб 300 тури тарқалган. Вояга етган Қ. чучук сувлар ва денгизларда яшайди. Бир неча млн. тухумини оқ тизимча кўринишида қўяди. Личинкалари дастлаб эркин яшайди; кейинроқ ҳаракатчан хартуми ёрдамида оралик

хўжайини (ниначилар, хириноидлар, кунликлар личинкаси)га ўтиб, циста ҳосил қилади. Қ. асосий хўжайини танасида вояга етади ва унинг қобигини тешиб сувга чиқади. Сувга тухум қўйиб, ўзи ҳалок бўлади. Қ.нинг тўлик ривожланиш цикли 1 йилдан кўпроқ давом этади. Чучук сув хавзаларида, жумладан, Ўзбекистонда оддий қ. кўп учрайди.

ҚИМИЗ — бия сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик. Ҳар 3 атда бир марта соғиладиган бия сунини сут кислота бактериялари ва ачитқилари билан йўли б-н махсус мешларда аралаштириб тайёрланади. Тайёр Қ. мешларда сақланади, ташилади. Қуйганда кўпиради. Таркибида 2—2,5% оксил, 1—2% ёғ, 3,5-4,8% қанд, 1 л Қ.да 100-200 мг С, А, Д, Е, РР ва В гуруҳ витаминлар; 400—600 мг фосфор ҳамда 800—1000 мг кальций бор. Кучсиз Қ. таркибида 0,6—0,8%, ўртчасида 0,8—1%, кучлигида 1—1,2% сут кислота; кучсизиди 1% гача, ўртчасида 1—1,5% ва кучлигида 3% гача спирт бўлади. Қ.нинг энергетик қиймати 300—400 ккал.

Қ. организмда овқат таркибидаги оксил ва ёғларнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради, моддалар алмашинуви-ни яхшилади, иштаҳа очади, парҳез ва шифобахш хусусиятларга эга. Қ. тайёрлаш ва ичиш замонлардан бери, айниқса, кўчманчи чорвадор халқлар ўртасида кенг ёйилган. Мил. ав. 5-а.да Геродот *скифлар* турмушини тасвирлаганда уларнинг энг яхши кўрадиган ичимлиги олдиндан алоҳида тайёрлаб қўйиладиган бия сунини эканлигини қайд этган. Қ.ни даво мақсадларида ўпка сили касаллигининг олдини олиш ва даволашда, шунингдек, айрим ошқозон-ичак касалликларида тавсия қилинади. Осие, қисман Европа мамлакатларида Қ. кўп тайёрланади.

Ад. Панфилов Н.Е., Сут ва саломатлик, Т. 1991.

ҚИМИЗ БИЛАН ДАВОЛАШ -

қимизни даво сифатида *иқлим билан даволаш* (климатотерапия) билан бирга қўллаш. У сигир сутига нисбатан энгил ҳазм бўлиши ва сўрилиши билан ажралиб туради. Қимизнинг тиббий жиҳатдан фойдали эканлиги ўрганилган. Дармонсизлик, камқонлик, меъда-ичак, асаб тизими касалликлари, сил ва б.да даво мақсадида қимиздан фойдаланилади. У иштаҳани очади, меъда секрециясини кучайтиради ва овқатни ичакларда сўрилишини яхшилаиди, юрак мускулини мустаҳкамлаб, унинг озикланишини равланштиради.

Ўзбекистондаги айрим шифохона ва санаторийларида («Пахтали қўл», «Чимён» да) Қ.б.д. йўлга қўйилган. Қимизни кунига 6 маҳал 100 мл дан (кам қувват беморларга 50 мл дан) берилади, кейинчалик 250 мл га етказилади. Уй трасида бўлган қимизни нахорда, нонушта ва тушликдан кейин 1,5 соат ўтгач, хўплаб-хўплаб ичилади. Кечки овқатдан кейин ичиш тавсия этилмайди. Ичакка инфекция тушиши ва захарланишнинг олдини олиш мақсадида қимиз фақат пастеризация қилиб тайёрланади (қ. *Пастерлаш*).

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР - қ. *жавоҳирлар*.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР - ўз эгасига мулкка эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар хужжатлари (*акция, облигация, аккредитив, вексель, чек* ва б.). Қ.қ. тақдим этувчи ёки эгасининг айрим ҳуқуқлари қайд этилган махсус тарзда расмийлаштирилган молиявий хужжат. Қ.қ. маълум шахс номига ёзилган (исмли), дастлаб сотиб олган шахс номига ёзилган ва унинг розилиги билан бошқа шахсга ўтказиладиган ордерли ва эгаси ёзилмайдиган (эгаси кўрсатилмайдиган) турларга бўлинади.

Корхоналарнинг акция, облигациялари ва *давлат облигациялари* Қ.қ.нинг асосий турлари ҳисобланади. Қ.қ. корхона капиталида қатнашиш ёки пулни ссу-

дага тақдим этиш ва *дивиденд* ёки фоз тарзида даромад олиш ҳуқуқини беради. Қ.қ. ўз эгасига даромад келтиргани учун *фонд биржасит* маълум курс бўйича олди-сотди қилинади (қ. *Фонд бозори*).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — қ. *Фонд бозори*.

ҚИМРОН — туя сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик. Туя боқиладиган минтақаларда, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқларда чўл шароитида чанқовбосар ичимлик сифатида кўп тайёрланади. *Қимизга* нисбатан куюкрок (ёғ микдори кўп). Шифобахш, айниқса, қанд касаллигини даволашда қадимдан қўлланиб келинган.

ҚИН (биологияда) — 1) ҳайвон ва ўсимликнинг турли органларини ўраб турадиган тузилма. Мас, пайлар қини, нерв тўқималари қини, баъзи балиқлар хордалари қини ва б. Ўсимлик барг бандининг ёки япроғининг қуйи қисми, нов шаклида бир томони очик бўлади. Баъзи ўсимликларда (мас, банан дарахтида барг қини бир-бирини ўраб олиб, сохта поя ҳосил қилади; 2) ҳайвонлар тери қопламанинг баъзи органлари жойлашадиган бўртган қисми (мас, пат қини, соч қини, илонларда эса тил қини ва б.); 3) урғочи сут эмизувчи ҳайвонлар (мас, халталилар) жинсий йўлларининг жинсий алоқа ва ҳомиланинг ташқарига чиқиши учун хизмат қиладиган энг охириги қисми. Халталиларда Қ. жуфт, йўлдошлиларнинг тухум йўллари қўшилиб ягона қ. ҳосил қилади; 4) одамларда аёллар кичик чаноғида олдиндан *қовуқ*; ва *сийдик чиқариш канали*, орқадан тўғри ичак ўртасида жойлашган чўзилувчи мускулли найча. қ. девори эпителийли, мускулли ва бириктирувчи тўқима қаватларидан иборат; ичкараси кўндаланг бурмалар ҳосил қилувчи шиллик қават билан қопланган.

ҚИПЧОҚ ТИЛИ - туркий тиллар оиласига мансуб ўлик тил; Дашти

Қипчоқ чўлларидан Қора денгиз бўйи чўлларигача бўлган улкан худудда яшаган ва мусулмон манбаларида «қипчоқ», «қифчоқ», европа манбаларида «куман», «коман», «кун», рус манбаларида «половец» деб аталган йирик қабилалар иттифоқининг асоси ҳисобланган қипчоқлар тили ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1052 й.га мансуб.

Қ.т. ёзма ёдгорликлардагина сақланиб қолган. Мўғул босқинигача бўлган Қ.т. ҳақидаги маълумотлар оз бўлиб, улар Маҳмуд Кошғарий лугати материаллари, 13-а.гача бўлган рус солномаларида учрайдиган атоқли отлар ва топонимлардан иборат. Мўғул истилосидан кейинги ёзма манбалар сифатида 13—14-а.ларда Мисрда тузилган, муаллифи номаълум туркийча-арабча лугатни («Таржумони турки ва ажами ва муғали»), Абу Ҳайёнинг «Китоб ул-идрок дилисон ул-атроқ» («Туркий тилларни ўрганиш китоби», 1313), Жамолиддин Туркийнинг «Китобу булғот ул-муштоқ фил-луғот ит-турк вал-қифчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларини хоҳловчилар учун мукамал китоб», 14—15-а.лар), номаълум муаллифнинг «Китоб аттуҳфат уззакийята фил луғат ит-туркийя» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа», 14-а.) каби лугатларни кўрсатиш мумкинки, улар Қ.т.ни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Қ.т.нинг энг йирик ёдгорлиги — итальян ва немис монахлари томонидан тузилган ва фанда «Кодекс Куманикус» деб ном олган, 2994 сўзли лотинча-форсча-қипчоқча лугат, «Янги аҳд»дан парчалар ҳамда дуолар таржима-си ва 50 та топишмоқдан иборат бўлган асарди. 1294 й. яратилган бу асарни 1880 й.да Будапештда Г.Кун нашр эттирган.

Қ.т. замонавий қорачой-болқор, қараим, қримтатар ва қўмиқ тилларига яқин, ўхшаш бўлган. Шу билан бирга, фонетик ва морфологик ўзига хосликларга эга, лексикасида араб, форс, грек тилларидан ўзлашмалар мавжуд бўлган.

Ад.: Груин Т. И., Документм на полонецком язке XVI в., М., 1967; Баска-

ков Н. А., Введсние в изучсние тюркских я зиков, 2-изд., М., 1969; Чсченев А. А., Язьж Огношение к современньш западно-кипчакским язкам, М., 1979; Қўчқортгов И., Исабеков Б., Туркий филологияга кириш, Т.. 1984.

ҚИПЧОҚ ТИЛЛАРИ - туркий тиллар оиласининг ғарбий хун тармоғига мансуб бир қанча ўлик ва жонли тиллар гуруҳи. Қ.т., ўз навбатида, 3 гуруҳчага бўлинади: 1) соф қипчоқ гуруҳчаси — қад. қипчоқ (куман) ўлик тилини (қ. *Қипчоқ тили*) ҳамда ҳоз. жонли қараим, қорачой-болқор, қрим-татар, қўмиқ тилларини ўз ичига олади; 2) қипчоқ-булғор гуруҳчаси — ўрта асрларда амалда бўлган ғарбий олтин ўрда (ўлик) адабий тилини ҳамда ҳоз. жонли татар ва бошқирд тилларини ўз ичига олади; 3) қипчоқ-нўғай гуруҳчаси — фақат ҳоз. жонли нўғай, қозоқ, қорақалпоқ тилларини, шунингдек, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларини қамраб олади.

Қ.т.нинг ривожланиш тарихида 3 давр фарқланади: мўғуллар босқинигача бўлган давр, мўғуллар босқинидан кейинги хонликлар (Олтин Ўрда, Қозон, Астрахан, Қрим, Сибирь) даври ҳамда Ғарбий Осиё ва Шарқий Европанинг катта қисмини, жумладан, мазкур хонликлар худудини Россия босиб олгандан кейинги давр. Бу даврлар қипчоқларнинг турли худудларда турли халқлар билан қўшни бўлиб яшашлари, турли динларни қабул қилишлари туфайли Қ.т. лексикасида рўй берган ўзгаришлар, қисман фонетик-грамматик ўзгаришлар билан ажралиб туради. Мас, татар ва бошқирдлар ислом дини ва араб ёзувини қабул қилганликлари сабабли татар ва бошқирд тилларида арабча ва форсча лексик бирликлар; қараимлар яҳудийлик дини ва қад. яҳудий ёзувини қабул қилганликлари туфайли қараим тилида қад. яҳудий тили унсурлари учрайди.

Ҳоз. жонли Қ.т.нинг ҳар бири ўзига хос фонетик, грамматик, лексик хусусиятларга, ўз ёзув тарихига эга (қ. *Бошқирд*

тили, Нўгаи тили, Татар тили, Қараим тили, Қозоқ тили, Қо рақалпоқ тили, Қорачой-болқор тили, Қримтатар тили, Қўмиқ тили). Мазкур тилларда хоз. кунда 20 млн.дан ортиқроқ киши сўзлашади.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Исроил Пўлатов.

КИПЧОҚЛАР (рус манбаларида — половецлар, Византия манбаларида — куманлар) — туркий халқларнинг энг йирик қабиаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қ. нафақат ўзбек халқи энтогенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — козоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шим. Кавказдаги айрим халқлар (нўғойлар, қўмиқлар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қ.га хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд. к. мил. ав. 3-а. — мил. 4-а.да Шим.-Ғарбий Олтойда яшаганлар. Қ.нинг илк аجدодларидан бир қисми 6-а.да Ғарбий Олтойдан чиқиб, хоз. Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашадилар. 2-қисми эса Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб, *кимакларга* тобе бўлган. 8—12-а.ларга келиб Қ. *Дашти Қипчоқ* чўлларида яшаган пайтларида уларнинг таркибига тил жиҳатдан қариндош бўлган кўплаб этник гуруҳлар келиб қўшилган. 8—9-а.ларда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг сиёсий ва этник харитасида жиддий ўзгаришлар юз берган. 10-а.нинг охири — 11-а. бошларида ғарбий қипчоқлар, кимақлар Марказий ва Ғарбий Қозоғистон худудидаги бошқа қабиаларни ҳамда Уралбўйи ва Волганинг ўрта оқимидаги туркийлашган угор-фин қабиаларини ҳам ўзларининг таркибига киритганлар. Шундай қилиб, ғарбий қипчоқлар 11-а.да Урал ва Волганинг ўрта оқимида яшовчи йирик этносиёсий уюшмага айланди. 13—14-а.ларда Дашти Қипчоқдан кўплаб қипчоқ қабила ва уруғларининг кўчиб кетишларига қарамай қипчоқларнинг асосий қисми

бу ерда қолиб, *Олтин Ўрда* аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган. Улар маданий тараққиёти даражасига кўра ўзларининг ҳукмдорлари ҳисобланган мўғуллардан юқори даражада бўлган. Олтин Ўрда хонларининг бошқарув тизимида қипчоқ-ўғуз лаҳжасига асосланган адабий тил етакчи мавқени эгаллар эди.

15-а.нинг 1-ярми—16-а.да кўплаб туркий халқлар сингари ғарбий қипчоқларнинг асосий қисми нўғайлар уюшмаси таркибига кирган.

Қ.нинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялли кўчиб келиши *Шай-бонийхон* даврида 16-а.да ва кейинчалик 17-а.да *аштархонийлар* даврида юз берган. Шунингдек, Қ. 16-а.нинг 2-ярми — 18-а.нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жан. худудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, козоқлар билан бирга Қ.нинг Ўрта Осиё худудларига кириб келиши 2 йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл зоналарида жойлашган. Қ.нинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. 18-а.нинг 20—30-й.ларида Қ. Шим. Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум микдордаги Қ.гина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қ. 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қ.нинг айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

Қ 20-а. бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, ўзлари учун анъанавий бўлган чорвачиликни дехқончилик билан қўшиб олиб борганлар.

Статистик материаллардан Қ.нинг ўзбек ва қирғизлар билан қўшилиб кетиши 19-а. охири — 20-а. бошларида анча жадал кечганлиги маълум. Мас, агар 19-а.нинг 90-й.ларида Фарғона водийсидаги Қ. сони 70 минг нафарга, 1917 й.га

келиб, 44 минг нафарга тенг бўлса, 1926 й.га келиб эса уларнинг водийдаги сони 33,6 минг нафарга тушиб қолган.

Фарғона Қ.ининг асосий қисми Андижон уездида, Андижонсой, Норин дарёсининг куйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги кишлокларда яшаган. Уларнинг маълум қисми Наманган уезди Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшо-Ота, Норин, Гова каби дарё ва сой қавзаларида ҳамда Янгиариқ канали атрофидаги манзилгоҳларда жойлашган. Фарғона уезди худудидаги Шахонсой ва Аравонсой, Қўкон уездидаги Сўх ва Исфара дарёси ўзанларида ҳам бир неча кипчоқ кишлоклари мавжуд бўлган.

19—20-а. бошларида водий худудида яшаётган Қ. К.Ш. Шониёзовнинг фикрича, 4 та катта гуруҳга бўлинган. Булар - к. (ёки тоза кипчоқлар), кирғиз-кипчоқлар, хитой-кипчоқлар ва сарт-кипчоқлар. Ўз навбатида, юқорида саиаб ўтилган кипчоқ гуруҳлари бир қанча уруғларга бўлинганлар. Қўғай, бугоч, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучғоғй, элатан, бўғоз, оғим, тоз, сирмок, еттиқашқа, қутлуқсаид, черек, кўкмўйин, тўртайғир (ёки 4 оғайни), тўрттой, товулди, чанғрокчи, чиял, кўлон, окбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-кипчоқ, қорамоюн каби уруғлари Фарғона водийсида қайд этилган.

Қ.нинг кўпчилиги аста-секин ўтроклашиб, дехқончилик б-п шуғулланган. Айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ярим ўтроқ ҳолда яшаб, дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлар. 20-а.нинг 1-чорагида Ўзбекистон чегарасида яшовчи Қ.нинг умумий сони 127 минг киши бўлиб, шундан 52 минг киши Зарафшон водийсида, 42,2 минг киши Фарғона водийсида яшаган. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм воҳаларида ҳам Қ.нинг айрим гуруҳлари бўлган.

Ад.: Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жарасни, Т., 2001; Шаниязов К., Кэтнической истории узбекского народа Т., 1974.

Адҳамжон Аширов.

ҚИР — атрофидаги ерлардан бир оз кўтарилиб турган. ясси ёки салгина гумбазсимон баландлик, тепалик, платолар. Пасттекисликларга нисбат қилиб, мутлақ бал. 200 м дан 500 м гача деб қабул қилинган. Баъзан бундан ҳам баланд бўлган усти ясси паст тоғлар ҳам Қ. дейилади. Мас, Ўрта Россия, Волгабўйи, Қизилқум ва Қорақумдаги тоғлар. Қ.лар баланд текисликлар, тоғларнинг оқар сув, шамол, нураш натижасида емирилишидан, тектоник кўтарилишлар натижасида хосил бўлади. Қ.лардан Ўзбекистонда чорва моллари учун яйлов сифатида ва баҳорикор дехқончилик қилишда фойдаланилади. Фарғона водийси ландшафти Ўрта Осиёдаги типик Қ.ларга мисол бўлади.

ҚИР ЧИГИРТКАСИ, турон чигиртка — тўғриканотлилар туркумига мансуб ҳашарот. Ғалла экинлари зараркупандаси. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда тарқалган. Эркагининг катталиги 24—32 мм, урғочиси 35—50 мм. Сони сарик ёки кулранг, болдири ташки томонидан сарғиш, ички қисми оч қизғиш. Май ўрталарида личипкаси чиқади. Ривожланиш даври 40—45 кун. Асосан, лалмикор ерларда яшаб, ғалла экинларига зарар келтиради.

Кураш чоралари: агротехника тадбирларига риоя қилиш ва заҳарли хўрақлардан фойдаланиш.

ҚИРМА — қўш қаватли (поғонали) ўйма усули; *ганч ўймакорлигит* безак, нақш рангли қоришмалар воситасида яратилади. Шу усулда яратилган нақш, безак ҳам Қ. деб аталади. Қ.га неча хил ранг ишлатилса, иш шунча босқичла амалга оширилади, шунинг учун Қ.да кўпинча 2—3 хил рангдан фойдаланилади: ҳар бир ранг алоҳида-алоҳида босқичма-босқич бажарилади. Уста бир хил раншинг ўрнини ўйиб чикқач, аввалдан тайёрлаб қўйган қуруқ рангли қоришмадан

оз-оздан қориб ўйма устига куйиб чиқади ва нақш сатҳини текислаб қириб ташлайди, шунда нақш чегаралари аниқ ва жозибали намоён бўлади. Сўнг ахта ёрдамида нақш нусхаси 2-марта туширилади, бу сафар 2рангнинг ўрни ўйилиб, 2рангли қоричиша куйилади, нақш сатҳи очилгунча қирилади. Ҳар бир ранг

ана шундай жараёнда амалга оширилади. Қ.нинг яхлитлиги ва ранг турининг камлиги нақшларда яққол кўзга ташланади. Рангли ганч тайёрлашда усталар аввал кўмири, пишиқ ғишт қуқунларидан фойдаланган, ҳозирда эса ҳар хил тайёр рангли пигментлар ишлатилади. қ. куёш нурида ялтирамай, бир хил майинликда кўринади. Қ.ни илк бор *Уста Ширин Муролов*, Қули *Жалилов* ва б. усталар қўллаган; ҳозирда ганч ўймақорлигида кенг қўлланади.

ҚИРМА ТЕМИРАТКИ, микроспория — одам ва ҳайвонларда учрайдиган терининг замбуруғ касалликларидан. Паразит замбуруғлар кўзга тади. Улар нафақат терига, балки соч, қош, соқол-мўйлов, баъзан тирноққа ҳам зарар еткази. Қ.т. ни кўзга тавчи замбуруғларнинг икки тури фақат одамда паразитлик қилади ва бу замбурут кўзга тадиган касаллик жуда юқумли бўлиб, кўпинча болаларда учрайди. Қ.т. бемор билан мулоқотда бўлганда унинг буюмларидан юқади. Замбуруғларнинг бошқа гури мушук, от ва б. мўйнали ҳайвонлар териси ва мўйнасида паразитлик қилади. Бунда Қ.т. касал ҳайвонларни парвариш қилганда ёки уларнинг юнгидан зарарланган буюмлардан юқади, унда, асосан, силлик тери ва сочлар зарарланади. Қ.т.да силлик тери ёки бошнинг сочили қисми кипикланиб турадиган пушти ранг майда доғлар билан қопланади. Касалланган жойдаги сочлар синиб, қалта бўлиб қолади (гўё соч олинганга ўхшайди). Баъзан, яллиғланиш, қизариш, фолликулитлар пайдо бўлиб, касаллик манзараси йирингли трихофитияга ўхшаб кетади. Касалланиш ўчоғи талайгипа бўлган бе-

морлар касалхонада даволанади. Асосан, антибиотиклар қўлланилади.

ҚИРОАТ — ислом анъанасида Қуръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос оҳангда ўқиш. Қ. билан *тиловатнинг* фарқи шундаки, Қ. илоҳий оятлар, ваҳийни ўқишга ҳам, инсон томонидан битилган ёзув ва шеърларни ўқишга ҳам қўлланаверади. Тиловат эса, асосан, ваҳий этилган оятларни ўқишдир.

Ҳоз. вақтда Қ.ларнинг ичида 2 хил — Имом Ҳафс Ривояти билан Имом Осим Қ.и ва Имом Варш ривояти билан Имом Нофеъ Қ.и машҳур ҳамда кепг тарқалган. Ўзбекистонда Имом Осим Қ.и бўйича Қуръон ўқилади.

ҚИРОАТХОНА — *кутубхонанинг* ўқув зали; китобхонлар матбуот нашрлари (газета, журнал ва б.) ва кутубхонанинг барча фондидан (жумладан, ноёб ва қимматбахона нашрлардан ҳам) фойдаланиши мумкин бўлган махсус жиҳозланган хона. Қ.да китоб билан ишлаш учун зарур шарт-шароитлар (қулай мебель, ёруғлик ва тинчлик), микрофильмларни ўқиш учун, аудиовизуал материаллар билан ишлаш учун махсус аппаратлар бўлиши зарур. Йирик кутубхоналарда алоҳида китобхонлар гуруҳлари учун (мас, илмий ходимлар, талабалар, мактаб ёшидаги болалар учун ва х.к.), билим соҳалари бўйича (ижтимоий-сиёсий, техника, қ.х. ва х.к.) ва нашр турлари бўйича (газета, мусика-нота, микрофильмлар, харитаграфик нашрлар ва х.к.) заллар бўлиши мумкин. Қ.нинг ўзида кўп сўраладиган адабиётлардан ёрдамчи фонд ташкил этилади.

ҚИРОВ — аёзли, ҳаво очиқ ва сокин (шамолсиз) тунларда тупроқ, ўт ва ердаги нарсалар устида ҳосил бўладиган муз кристаллари. қ. зарралари қор учқунларига ўхшайди, лекин улардан фарқли равишда жимжимадор бўлмайди. Қ. ҳам *шудринг* сингари, ҳавонинг со-

виши, маълум юза устида сув буғининг тўйиниши ва 0° дан паст т-рада қотиши оқибатида пайдо бўлади. Кўпинча, кундузи эриб кетади.

ҚИРОЛ (король сўзининг ўзгаргани; асли Буюк Карл номидан) — монархия давлати, қироллик бошлиғи. Ўрта асрларда айрим Ғарбий Европа давлатларида (Германия, Франция, Англия, Италия ва б.) мутлақ ҳукмдор. Ҳозирда Қ.лар расман давлат бошлиғи ҳисоблансаларда, мамлакатни бевосита идора этиш парламент сайловларида ғолиб чиққан партия ёки партиялар блоки вакилларидан тузилган ҳукумат қўлига ўтган. Мас, Англияда қирол Георг 1 давридан (1714 й.дан) бошлаб Қ.лар мамлакатни идора этиш ишларига бевосита аралашмайди (яна қ. *Давлат бошлиғи*, *Мошарх*, *Монархия*).

ҚИРОЛИЧА МОД ЕРИ - Шарқий Антарктиданинг 20° ғ.у. ва 45° шқ.у.лар оралиғидаги қисми. Шим.дан Лазарев, Рисерларсен ва Космонавтлар денгизлари ўраб туради. Ер юзаси 3500 м қалинлигидаги муз билан қопланган. Соҳилбўйи қисмида бал. 3000 м ва ундан юқори бўлган алоҳида тоғ чўққилари учрайди. Россия, Германия, Ҳиндистон, ЖАР, Япония давлатларининг илмий ст-ялари ишлаб турибди. 1930 й.да норвегларнинг Рисерларсен экспедицияси томонидан кашф қилинган ва Норвегия қиролчаси номи билан аталган.

ҚИРОЛИЧА МЭРИ ЕРИ - Шарқий Антарктиданинг 92°03' ва 100°04' шқ.у.лар оралиғидаги қисми. Ғарбда Вильгельм II, шарқда Уилкс Ери билан чегарадош. Қирғоқларини Дейвис ва Моусон денгизлари ювиб туради. Ҳудудининг аксари қисми қалинлиги 2500—3000 м ли муз билан қопланган, соҳил қисмида туб жинслар қисман очилиб қолган. Д. Моусон бошчилигидаги Австралиянинг Антарктика экспедицияси томонидан 1912 й.да кашф қилинган

ва инглиз қиролчаси номи билан аталган. Ҳудудда обсерватория ишлаб турибди.

ҚИРОЛИЧА ШАРЛОТТА ОРОЛЛАРИ — Тинч океандаги архипелаг, Шим. Америка (Канада, Британия Колумбияси) қирғоқлари яқинида. Майд. 10,3 минг км². Ўйрик ороллари: Грейам ва Морсби. Ғарбий қирғоқлари тоғли, фьорд кўп, энг баланд жойи 1250 м. Шим.-шарқи кенг пасттекислик. Иқлими мўътадил, сернам. Игна баргли ўрмонлар билан қопланган. Тошқўмир қонлари бор. Ёғоч тайёрланади, балиқ овланади. Оролларга илк бор 1774 й.да Х.Перес бошчилигидаги испан экспедицияси борган ва харитага туширган, Ж.Ванкувер томонидан инглиз қиролчаси номи билан аталган.

ҚИРСИЛДОҚ ҚЎНҒИЗЛАР — қаттиққанотлилар туркумига мансуб қўнғизлар оиласи. 10 мингга яқин тури учрайди. Қўнғизларнинг тана уз. 10—20 мм, боши кичкина, мўйлови аррасимон ёки тароксимон. Олд елка қисмининг орқа бурчаги тикансимон туртиб чиққан. Олдқўкрак ўсимтаси ўрта қўкрак чуқурчасига кирган бўлиб, тўнкарилиб қолган қўнғизлар шу мослама ёрдамида ҳаракатланиб (шунда қирсиллаган овоз чиқади; номи ҳам шундан) ағдарилади. Қанотлари яхши ривожланган. Урғочиси тупроққа 150—200 та тухум қўяди. Тухуми оқ, бир оз овалсимон, силлик. Личинкаси сарик, чўзиқроқ ва қаттиқ, симга ўхшайди (шунинг учун симқурт дейилади), 3 жуфт оёқлари бор. Личинкаси тупроқда яшайди (ривожланиш даври 3—4 йил). Ивиган уруғлар, ўсимлик ниҳоллари ҳамда қолдиқлари ва б. билан овқатланади. Қўнғизи ва личинкаси қишлайди. Қўнғизлар апр.май ойларида тупроқ юзасига чиқади. Ўсимлик барглари, гул ва б.ни ейди. Зараркунанданинг 15 тури маълум бўлиб, асосан, лалмикор ва тоғ олди ҳудудларидаги экинларни шикастлайди.

Кураш чоралари: кузги шудгор, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, асосан, аммиакли минерал ўғитлар, нордон тупроқларга оҳак солиш, қатор ораларига чуқур ишлов бериш; экишдан олдин уруғликни дорилаш ва б.

ҚИРСИЧҚОНЛАР - кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвонларнинг кенжа оиласи. Баъзи олимлар фикрича, мустақил оила. 40 га яқин уруғи мавжуд. Шим. ярим шар материклари ва кўпгина оролларида, Шим. Африка, Ҳиндистон, Япония, Курил, Командор ороллари, шунингдек, Мексиканинг Шим. қисмигача бўлган жойларда тарқалган. Танасининг уз. 10—12 см, баъзилари-ники 36 см гача. Думи танасининг ярмича. Ранги — кўнғир ёки кулранг. Жағ тишлари доим ўсиб туради. Кўпчилик тури колония бўлиб яшайди. Йил бўйи фаол ҳаёт кечиради. Ўсимликларнинг ерусти қисмлари билан озикланади. Йилда 4—6 марта 4—8 тадан бола туғади. Кўпгина қ.х. экинларининг хавфли зараркунандаси. *Туляремия, лептоспироз* каби касалликлар кўзгагувчиларининг табиий манбаи. Иирик турлари (мас, *ондатра*) мўйнаси учун овланади. Ўзбекистонда оддий Қ, закас-пий қирсичқони, жамоатчи Қ. ва б. тарқалган.

ҚИРҚ — ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабиалардан бири. Тарқок ҳолда Самарқанд агрофида, Панжикентнинг жан.да, ҳоз. Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Кўпинча ўзбек халқи таркибига кирган қабиалардан бири — юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда «қирқ юз» номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабиалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қ.ларнинг этногенези Дашти Қипчққ ўзбеклари билан боғлиқ. Қ.лар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қорасирақ, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар

20-а.нинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, қорвачилик б-н, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб лалмикор ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланган.

ҚИРҚ ЧИЛТОН - қ. *Чилтон*.

«**ҚИРҚ ҚИЗ**» — қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Қорақалпоқ халқининг маданий ёдгорлиги. *Қурбонбой баҳши* Тожибой ўғлидан ёзиб олинган (1939— 40). Асарда тасвирланишича, Оллоёр бойнинг ягона қизи Гулолим қирқ дугонаси ва ўз ошиғи Арслон билан Эрон шоҳи Нодиршоҳ ва қалмоқ хони Суртайша ҳужумидан юртини ҳимоя қилишга отланади. Асар эркесварлик, ватанпарварлик ва гуманизм ғоялари билан суғорилган. Ундаги Гулолим, Ол-тиной, Ўтбосган, Арслон, Сарвиноз каби образларда жасурлик, ватанга садоқат, инсонийлик, душманга шафқатсизлик ғоялари мужассамлашган. Асарнинг сюжет чизиғи Тўмарис, сақлар маликаси Зарина ҳақидаги ривоятларга ўхшаб кетади. Асарнинг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали кутубхонасида сақланади. «Қ.қ.» ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз ва рус тилларида нашр қилинган. Эпос ҳақида В.М.Жирмунский, Қ.Мақсетов, Н.Довқораев ва б.нинг тадқиқотлари бор. Асар сюжети асосида А.Ҳалимов «Қ.қ.» симфоник достонини яратган (1940).

ҚИРҚБЎҒИМ - қирқбўғимдошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда дала қирқбўғими ва тарновчўп Қ. турлари учрайди. Пояси қаттиқ, тик, бўғимли, қобирғали, сершоҳ. Бўйи 40-60 см. Бўғимларидан ғуж шохчалар чиқади. Қизғиш-кўнғир новдалари учида спорали бошоқ ҳосил бўлади. Илдизпоялари ва споралари кўпаяди. Қ. бедазор, пахта майдонлари, шолিপояларда, шунингдек, суғориш шохобчалари бўйлари, зах ва ботқоқ ерларда ўсади.

Кураш чоралари: ерни чуқур хайдаш;

тупрокни юмшатиш; гербицидлар пуркаш.

ҚИРҚБЎҒИМДОШЛАР

— қирқбўғимнамоларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ягона қирқбўғим туркумидан иборат. Пояси яшил, оддий, бўғимларга ажралган. Барглари ривожланмаган, майда, туморчасимон, пастки қисми кўшилиб ўсиб, бўғимининг тагида ҳалқа бўлиб жойлашади. Пояси учида спорали бошок (стробила) ҳосил қилади. У ўзақ ва унда ҳалқа бўлиб жойлашган қалқон шаклидаги спорофиллардан иборат. Спорофиллар ичида 5—10 та спорангий, улар ичида эса споралар етишади. Споралардан ривожланган эркак гаметофитларда антеридий, урғочи гаметофитларда эса архегоний ҳосил бўлади. Антеридийда кўп хивчинли сперматозоидлар, архегонийда эса тухумхужайра вужудга келади. Уруғлангандан сўнг гаметофит бир ёки бир неча жинссиз насл (спорофит) беради. Жинссиз ва жинсий бўғимлар галланади. Қ.нинг ҳозирги вақтда яшаб турган қирқбўғим туркуми, уруғи қуриб битган экзизитес туркумининг схизоневра тури ва б. маълум.

ҚИРҚМА — халқ селекциясида чиқарилган кечпишар қовун нави. Шакли эллипссимон, йирик, учи тўмтоқ, уз. 30—36 см, оғирлиги 4—6 кг. Дум томони сал буришган, уч қисми деярли текис. Тўри тўлиқ, йирик, нозик. Туси жигарранг-сарик. Устидаги гуллари ингичка. Пўсти қаттиқ, эти оч яшил, қалинлиги 4,5—5 см, ўртача толали, серсув, ширин. Узиш вақтида таркибида 7,4% қанд (шу жумладан, саха-роза 3,9%), 8,7% куруқ модда бор. Сақланиш даврида шираси ортади. Уруғхонаси ўртача катталиқда, уруғи йирик. Уруғи униб чиққандан кейин ҳосили 100—110 кунда пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 240—280 ц/га. Узоқ вақт асраш ва ташишга чидамли. Тошкент вилоятида кенг тарқалган.

ҚИРҚОЁҚЛИЛАР, сколопендра-

лар— лабоёқлилар кенжа синфига мансуб кўпоёқлилар туркуми. 900 га яқин, жумладан Ўзбекистонда 10 га яқин тури бор. Урғочиси ўзи қўйган тухумлари ва улардан чиққан болаларини йиртқиқлардан ҳимоя қилади: танаси билан уларни ўраб олиб ётади. Асосан, майда умуртқасизлар, айрим йирик Қ. майда умуртқалилар (қурбакалар, қалтакесаклар, қушлар) билан озикланади. Кўпчилик Қ. тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларда яшайди; тупроқ Қ.и Европанинг чўл ва ўрмон зонасида тарқалган. Қ. туркумига 2 оила киради. Криптопидлар, асосан, тупроқда яшайди, сўқир. Сколопендрадар — энг йирик Қ. (уз. 30 см гача). Қ. одамни чакқанида оғритади. Йирик тропик Қ.нинг қақиши одам ҳаёти учун хавфли. Қ. кундузи, одатда, тошлар остига, ёриқлар ва б. пана жойларга бекиниб олади. Кечаси овга чиқади. Ўзбекистон фаунасида уз. 10 см га яқин бўлган халқали Қ. учрайди.

ҚИРҚҚАЛЪА — Туркиядаги шаҳар, Анадолу ясситоғлигининг марказий қисмида. Аҳолиси 205,1 минг киши (2000). Ҳарбий саноат маркази: қурул-яроғ, ўқ-дорилар ишлаб чиқарилади. Пўлат эритиш 3-ди, кимё ва маши-насозлик корхоналари мавжуд.

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ - Сурхондарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (9—10-а.лар); Термиз туманида (вайрона ҳолида сақланган). Нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, хонақоҳ, қарвонсарой) ҳақида маълумот йўқ. Ўрта асрларда Термиз ш.нинг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. У *дунё томонларига* мослаб қатъий мужас-самотда бунёд этилган. Қалъа тўртбурчак тархли (53,3x54,8 м), 1 қаватли, фақат йўлаклар умумий баландлиқда 2 қаватли бўлиб, хом ғишт (30x30x5 — 5,5 см) лардан қурилган, тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган; қалин девор билан ўралган

(ташқи девор қалинлиги 2—2,5 м), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуқлар ишланган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги сахн (11,5x11,5 м) ўзаро йўлаклар билан боғланган; марказий сахн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлаклар бинони 4 қисмга бўлган. Булар: 2 та бир хил тузилган (5 хона ва 3 томонидан ўралган йўлак, эни 2,1 м) шим.-ғарбий ва шим.-шарқий ҳамла 2 та жан.-ғарбий (2 га йўлакча билан боғланган 5 та хона) ва жан.-шарқий (йўлакча билан боғланган 2 та хона ва 3 ўстунли катта меҳмонхона) қисмлардир. Йўлаклар ва хоналар девордаги туйнуқлар орқали ёритилган. Қ.к. ёпмасида балхи ҳамда кесишган гумбазсимон тоқлар, бошқа турлардаги гумбазлар, тоқлар ва равоқлар қўлланилган.

Оғзаки маълумотларга кўра, халқ дostonларида зикр этилган душманлар хужумини қайтара олган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг 40 дугонаси айнан шу ерда яшаган. Шунингдек, 20-а.гача халқ томонидан Қ.к. манзили «Шаҳри Сомон» деб ҳам аталган.

КИРҚҚУЛОҚ — қирққулоқдошларга мансуб ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда Қ.нингботқоқ Қ.и ёки ботқоқ папаротниги ва эркак Қ. ёкиэркак папаротник тури ўсади. Ботқоқ Қ.и нинг илдизпояси ингичка, қорамтир, эски барг бандлари билан ўралган. Барглари 15—60 см, якка-якка жойлашган, барг пластинкаси қалами, икки карра патсимон қирқилган. Август—сент.да спора ҳосил қилади. Чўл, адир ва тоғ зоналарида учрайди. Ботқоқликларда, ариқ ва дарё бўйларида ўсади. Эркак Қ.ининг илдизпояси йўғон, эски барг бандлари билан ўралган. Барглари тўп-тўп бўлиб жойлашган. Барг плас-тинкаси узунчоқ эллипссимон, икки карра патсимон қирқилган. Авг.-сент. да спора ҳосил қилади. Тиббиётда лентасимон гижжа-

ларни даволашда фойдаланилади. Тоғ зонасида майда тошли тупроқларда, дарахт ва тошларнинг соясида, зах жойларда ўсади.

КИРҚҚУЛОҚДОШЛАР

— қирққулоқнамолар ёки циатеянамолар қабиласига мансуб оила. 50 га яқин туркуми, 1500 га яқин тури маълум. Қ. Ер юзиде кенг тарқалган. Оила вакиллари-нинг илдиз-поялари йўғон, айримларининг поялари шохланган ва ташқи томонидан кўнғир рангли тангачалар билан қопланган. Барглари мураккаб патсимон. Овал ёки думалоқ шаклдаги соруслари барглари-нинг остки томонида жойлашган. Юмшоқ, серэт ва ширин илдизпоясида глюкозид, олма кислотаси ва сапонинлар бўлади. Барги ва илдизпоясининг қайнатмаси тиббиётда ишлатилади. Оиланинг баъзи турлари барглари учун манзарали ўсимлик сифатида гултувақларда ўстирилади.

КИРҒИЗ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ — Қирғизистондаги йирик олий ўқув юрти. Илмий ва педагог кадрлар гайёрайди. 1992 й. Қирғизистон давлат ун-ти (1951) негизиде ташкил этилган. Бишкек ш.да жойлашган. Мат., физика, биол., кимё, геогр., тарих, филол., иктисодиёт, ҳуқуқ ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар гайёрайди. Ботаника боғи, зоол. музейи, кутубхонаси (1 млн.га яқин асар) бор. «Илмий асарлар тўплами»ни нашр этади (1968 й.дан). 13 минг талаба таълим олади.

КИРҒИЗ ТИЗМАСИ - Шимоллий Тяньшандаги тизма. Асосан, Қирғизистон худудида жойлашган. Унинг ғарбий қисмининг шим. ён бағри Қозоғистон Республикаси худудида. Уз. 380 км. Кенглик бўйлаб ғарбда Тароз ш.дан, шарқда Чу дарёсининг Бўём дара-сигача чўзилган. Энг баланд жойи 4857 м (Ғарбий Аламуддин чўққиси). Қ.т. каледон бурмаланиши даврида шаклланган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида

қўтарилган антиклинорий. Палеозой даври гранит, гранодиорит, порфирит, оҳақтош, конгломерат, қумтош каби жинсларидан тузилган. Шим. ён бағри қия, жан.да Чу водийсини ўз ичига олган. Ён бағирларида 2500 м гача дашт, ўрмонлар (қорақарагай, арча), ундан юқорирокда суб-альп ўтлоқлари бор. 3700 м баландликдан қор ва музликлар бошланади (музликларнинг умумий майд. 223 км²). Тизмада Чу водийсининг Марказий Тяньшан ва Жан. Қирғизистонни боғловчи бир неча довон (Тёс-Ашуу, бал. 3586 м, Шамси. бал. 3570 м ва б.) мавжуд. Тёс-Ашуу довонидан Бишкек ва Ўш ш.ларини боғловчи автомобиль йўли ўтган. Термал булоқлар бор.

ҚИРҒИЗ ТИЛИ — туркий тилларнинг қирғиз-кипчак гуруҳига мансуб тиллардан, Қирғизистон Республикасининг давлат тили. Асосан, Қирғизистонда, шунингдек. Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Хитой, Афғонистон, РФ, Покистон ва б. Худудларда тарқалган. Қ.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 2,5 млн. кишидан, Қирғизистоннинг ўзида 2 млн. 330 минг кишидан ортиқроқ (ўтган асрнинг 90-й.лари ўрталари). Қ.т. 2 та: шим. ва жан. лаҳжа гуруҳларига бўлиниб, бу лаҳжалар, асосан, фонетика ва лексика соҳаларида ўзаро фаркланади; айни жиҳатлари билан бошқа туркий тиллардан ҳам ажралиб туради. Жан. лаҳжага ўзбек тилининг таъсири кучли.

Қ.т.нинг фонетик хусусиятлари: 8 та қисқа унли фонемага қарама-қарши 8 та чўзик унлининг мавжудлиги, сингармонизмнинг изчил сақланиши. сўз бошида ж (жон сўзидаги) ундошининг (бошқа туркий тилларди й ёки ж) қўлланиши ва б. Морфологик белгилари бошқа туркий тиллардагига ўхшаш. Сингармонизм мавжудлиги туфайли аффиксларнинг фонетик вариантлари кўп. Қирғиз адабий тили шим. лаҳжа асосида шаклланган бўлиб, унинг лексикасида соф қирғизча ва туркий сўзлар қатламидан ташқари мўғул, рус, араб ва эроний тиллардан

ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд.

Қирғиз миллий ёзуви дастлаб, 1924 й.да араб алифбоси асосида, 1926 й.дан лотин графикаси асосида яратилган; 1940 й.дан эса рус графикаси асосидаги қирғиз ёзуви жорий этилган.

А.Д. Юнусалиев Б. М., Киргизская лексикология, Фрунзе, 1959; Батманов И.А., Современный киргизский язык, вып. 1, Фрунзе, 1963; Баскаков Н. А.. Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Киргизско-русский словарь (сост. К.К.Юдахин), М., 1965.

ҚИРҒИЗИСТОН (Кыргызстан), Қирғиз Республикаси (Кыргыз Республикасы) — Ўрта Осиёнинг шим.-шарқидagi давлат. Майд. 199,9 минг км². Аҳолиси 5 млн. 12 минг киши (2003). Пойтахти — Бишкек ш. Маъмурий жиҳатдан 7 вилоят, 40 р-н, 23 шаҳар, 28 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузumi. Қ. — суверен, унитар, демократик республика. Амалдаги конституцияси 1993 й. 5 майда қабул қилинган; 1996, 1998, 2001 ва 2003 й.ларда ўзгартишлар киритилган. давлат бошлиғи — президент (2005 й.дан К.Бокиев). У умумий тенг, тўғри яширин овоз бериш йўли билан 5 й. муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки мартадан ортиқ президент этиб сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент — Жокоргу Кенеш, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қ.нинг кўп қисми Тяньшан тоғларида, қолган қисми Помир-Олай тоғларида жойлашган. Мамлакат худудининг 94% денгиз сатҳидан 1000 м дан баландда. 1/2 қисми 3000—4000 м баландликлар орасида. Параллел тоғ тизмалари, асосан, кенглик бўйлаб йўналган. Шарқида (Хитой билан чегара яқинида) Ғалаба чўққиси (7439 м) бор. Ички Тяньшан тоғ тизмаларининг рельефи альп типли бўлиб, улар водий ва сойликлар билан ажралган. Терскай Олатов б-н Кунгай Олатов тизмалари орасида *Иссиққўл сойлиги* бор. Қ.нинг гарбий қисмида

Ғарбий Тяньшан тоғлари жойлашган (Талас водийси, Талас Олатови ва Чатқол тизмалари). Қ.нинг жан.-ғарбий қисмига Фарғона сойлигининг шим., шарқий ва жан. чеккалари киради. Жан. да туркистон тизмасининг шим. ён бағри, Олай тизмаси, Олай водийси ва Орқа Олай тизмаси шим. ён бағри Қ.га карашли.

Фойдали қазилмалардан нефть, газ, қўнғир кўмир ва тошкўмир, олтин, темир, алюминий, вольфрам, мис, калай, симоб, кўғошин-рух, сурма рудалари конлари бор.

Иклими континентал иқлим, ёгин микдори ўртача, ҳаво қуруқ ва кам булутли. Рельефи тоғли ва баландликлар фарқи катта бўлганлиги учун иклими қуруқ субтропик иқлимидан баланд тоғ тундраси иқлимигача ўзгариб боради. Январнинг ўртача т-раси водийларда —1» дан —8» гача, тоғларда —8» дан -27» гача; июлда водийларда 20»—27», баланд тоғларда 5» ва ундан паст. Йиллик ёгин Тяньшан шарқида 180—250 мм дан Фарғона тизмасининг жан.-ғарбий ён бағрида 900 — 1000 мм гача. Тоғ тепаларида музликлар бор. Уларнинг йириклари мамлакат шарқий чеккасидаги Жан. Инильчек ва Шим. Инильчек музликларидир.

Дарёлари Орол депгизи, Тарим, Иссиққўл ва Балхаш кўли хавзаларига мансуб. Йирик дарёлари: Норин, Чу, Талас. Қ.да 1923 кўл бор. Йириклари: *Иссиққўл, Сўнқўл, Чатирқўл*. Тупроқлари чўл ва ярим чўл ерларда бўз тупроқ, дарё қайирлари ва кўл сохилларида аллювиал, ўтдоки ва ўтлоқи-ботқоқтупроқлар. Тоғларнинг чўл-дашт минтақасида қўнғир тупроқлар, қуруқ даштли минтақада каштан тупроқлар, тоғларнинг сернам ён бағирларида қора тупроқлар, тоғ тепаларида тоғ-ўрмон тупроқларининг ҳар хил турлари тарқалган.

Қ.да ўсимликларнинг 3,5 мингдан зиёд тури ўсади. Мамлакат ҳудудининг 4% дан ортиги ўрмон. Ёнғоқзор-мевазор ўрмонлар майд. 265 минг га. 3600—4000 м баландликлар совуқ чўл ва тоғ тундраларидан иборат.

Ҳайвонот дунёси бой. Чўл ва даштларда ҳар хил кемирувчидар, судралиб юривчилар, қушлар; ўрмонларда қўнғир айиқ, силовсин, тўнғиз, бўри, ўрмон сувсари, тоғларда тоғ такаси, қор қоплони, улар, тоғ сувсари, юмронқозик ва х.к. яшайди. Сув хавзаларида балиқнинг 60 дан ортиқ тури учрайди. Мўйнали ҳайвонлар иқлимлаштирилган. Ҳудудда Иссиққўл, Саричелак. Бешорол қўриқхоналари, Ола-Арча табиий миллий боғ бор.

Аҳолиси, асосан, қирғизлар (67%). Шунингдек, ўзбек, дунган, уйғур, рус, украин, татар, қозоқ, тожик ва б. ҳам яшайди. Давлат тили — қирғиз тили; рус тилига расмий тил мақоми берилган. Диндорларнинг аксарияти мусулмонсуннийлар. Шаҳар аҳолиси 35,2%. Йирик шаҳарлари: Бишкек, Уш, Жалолобод, Тўқмоқ.

Тарихи. Қ.да топилган археологик ёдгорликлар бу ҳудудда тахм. 300 минг йил илгари одам яшаганлигидан дарак беради. Мил.ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йиллик бошларида аввал мис, кейинчалик жездан ишланган қуроқлар тарқалган. Қ.нинг шим.да *асқлар* қабила иттифоқи (мил.ав. 7—3-а.лар), кейинчалик улар ўрнида *усунлар* (мил.ав. 2-а. — мил. 2-а.) қабила иттифоқи мавжуд бўлган. Жанубий р-нлар мил.ав. 2—1-а.ларда *Даван давлати*, кейинчалик мил. 1—4-а.ларда *қушон подшолиги* таркибида бўлган. 5-а.да Қ. шим.даги кўчманчи қабилалар ўтроқлаша бошлади. 6—7-а.ларда Қ. *Турк хоқонлиги* таркибида бўлди. Қ. Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлиб, хоқонлик пойтахти — Суёб ш. Чу водийсида (Тўқмоқ ш. ўрнида) жойлашган. Шим. Қ.да ўтроқхаётнинг ривожланишида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидан кўчиб келган аҳолининг роли катта бўлган. 6—8-а.ларда кўчманчи туркий қабилалар Ўрхун-Енисей ёзувидан, ўтроқ аҳоли сўғд ёзувидан фойдаланган. Қ. ҳудудда шомонийлик, зардуштийлик, буддавийлик ва христиан динлари тарқалган. 8-а.нинг бошида Қ.даги сиёсий ҳокимият турғаш зодагонлари

қўлига ўтган. 8-а. ўрталарида Олтойдан Тяньшанга қарлуқлар келиб, бу ердаги хоқимиятни эгаллаб олишган. Қарлуқлар хукмронлиги 10-а. ўртасига қадар давом этган. Тяньшанда қирғиз қабилалари яшагани ҳақидаги илк ёзма манбалар 10-а.га оиддир. Бу даврда Чу ва Талас водийларида шаҳар ва қишлоқлар сони кўпайган. Улар Иссиққўл қирғоқларида ҳам вужудга келган. Шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси — Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари билан боғлиқ бўлган хунармандлар ва савдогарлар кўчманчилари ип-газлама, чарм, ёғоч, сопол, металл буюмлар, ғалла, қуруқ мева ва б. билан таъмин-лаб туришган.

Кўчманчилар шаҳарларга чорвачилик маҳсулотларини етказиб берганлар. Қарлуқлар мулкининг маркази — Чу водийси орқали *Буюк ипак йўли* ўтган. 10-а. ўртасидан тахм. 12-а. ўрталаригача Қ. худудида *Қорахонийлар давлатининг* асосий қисми жойлашган. Чу водийсида давлат пойтахти — Боласоғун (ҳоз. Бўрона ш. харобаси) бўлган. 10— 12-а. ларда Талас водийси кумуш ва б. металлар ишлаб чиқарилишининг йирик маркази ҳисобланган. Кўплаб шаҳарларда (Боласоғун, Ўзган ва б.) хунармандчилик, савдо ва маданият тараққий этган. 13-а. бошида бошланган *мўғуллар истилоси* қирғиз халқи шаклланиши жараёнини узоқ муддатга тўхтатиб қўйган, кўплаб шаҳар-қишлоқлар (14-а. бошига келиб) вайрон бўлган, ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари таназулга юз тутган. Шим. Қ.да шу даврдан бошлаб ярим кўчманчи чорвадорлик хўжалиқнинг етакчи тармоғига айланган. Ўрта Осиёга мўғуллар билан бирга кўплаб кўчманчи қабилалар кўчиб келган. Тянь-шаннинг бир қисми ва Шарқий Туркистон *Чигатой улуси* таркибига кирган. Чигатой улусининг парчаланиши (1348) натижасида Қашқар, Еттисув ўлкаси ва Или воҳасида Мўғулистон давлати ташкил топган. Чигатой хонларидан *Муборақшоҳ* ва *Бароқхон* қўл остидаги қабилалар билан Еттисувдан Мовароуннахрга кўчиб

ўтадилар. муборақшоҳ Оҳангарон воҳасига, Бароқхон эса Чағониёнга келиб ўрнашади. Бу ҳол Чигатой улусининг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлган. Шу вақтдан бошлаб, улуснинг шарқий ва шим.-шарқий қисмида қолган туркий ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошладилар. 1348 й. Чигатой наслидан бўлган *Туғлуқ Темур* Мўғулистон хони қилиб кўтарилган. Амир *Қамариддин* хукмронлиги даврида Амир Темур унга қарши 1370—90 й.ларда 7 марта қўшин тортиб борган ва уни ўзига тобе этган. Амир Темур вафотидан сўнг темурийлар даврида Улуғбек 1425 й. Мўғулистонга зафарли юриш қилган. 15-а.нинг охирида Мўғулистон майда-майда қисмларга ажралиб кетган. 15-а.нинг 2-ярмида Шим. Қ. худудида қирғиз қабилаларининг бирлашуви натижасида дастлабки мустақил хонлик вужудга келган, унинг аҳолисини бу даврга келиб шаклланган қирғиз халқи ташкил этган.

16-а.нинг 1-ярмида қирғизлар ойратлар босқинига қарши узоқ муддат кураш олиб борганлар. 17—18-а. бошларида Шарқий Туркистоннинг сиёсий ҳаётида қирғизларнинг иштироки кучайган. 18-а. охири —19-а. бошларида қирғизлар Россиядан паноҳ излай бошладилар. Бунга уларни мураккаб ташқи сиёсий вазият, ички аҳволнинг турғун эмаслиги ва ўзаро савдо-сотикдан манфаатдорлик мажбур қилган. 1814 й. ва 1824 й. ларда Иссиққўл қирғизлари делегацияси Россиянинг Ғарбий Сибирдаги маъмурлари ҳузурига боришган. 19-а.нинг 1-чорагида *Кўқон хонлиги* қўшинларининг қирғизлар устига ҳарбий юришлари рус-қирғиз муносабатларини тўхтатган. Қирғизлар Кўқон хонлиги таркибига киришган. Бу даврда кўқонлиқлар томонидан Пишпак (ҳоз. Бишкек), Тўқмоқ, Даравтқўрғон ва б. қалъалар қурилган. 19-а. нинг 60—70-й.ларида бутун Қ. Россия империяси таркибига қўшиб олинди; аввал Туркистон вилояти (1865—67), сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги (1867—1917)

таркибида бўлди. 1917 й. нояб. — 1918 й. июнда совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. апр.да қ. янги тузилган Туркистон АССР таркибига кирди. 1921—22 й.ларда ер-сув ислохоти ўтказилди. 1924 й. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида 1924 й. 14 окт.да РСФСР таркибида Қора-киргиз мухтор вилояти ташкил этилди. 1925 й. 25 майда Қоракиргиз мухтор вилояти Қирғиз мухтор вилоятига, 1926 й. 1 фев. дан Қирғизистон АССР га, 1936 й. 5 дек. дан СССР таркибидаги иттифокдош республикага айлантирилди. 1990 й. дек. дан Қ. Республикаси деб аталди. 1991 й. 31 авг. да республика Олий Кенгаши Қ.ни мустақил, суверен, демократик давлат деб эълон қилди. 1993 й. 5 майдан Қирғиз Республикаси деб номланди.

2005 й. мартда Қ.да юзага келган иктисодий-ижтимоий вазият амалдаги президент А. Ақаевни ўз лавозимидан кетишга мажбур этди. Қ. — 1991 й. 31 дек.дан МДХ таркибида. 1992 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 31 авг. — Давлат мустақиллиги куни (1991).

Асосий сиёсий партия ва касаба уюшма бирлашмалари. Қ. аграр партияси, 1933 й. ташкил этилган; Қ. аграр-меҳнат партияси, 1994 й. асос солинган; «Ар-Намис» («Ор-Номус») партияси, 1999 й. тузилган; Қ. хотин-қизлари демократик партияси, 1994 й. таъсис этилган; қ. демократик ҳаракати, 1993 й. ташкил этилган; Қ. Коммунистик партияси, 1999 й. асос солинган; «Мамлакатим» ҳаракати партияси, 1998 й. ташкил этилган; «Манас-эл» («Манас халқи») маънавий тикланиш партияси, 1998 й.тузилган; Қ. коммунистлари партияси, 1992 й. асос солинган; «Эркин Қирғизистон» прогрессив-демократик партияси, 1991 й. тузилган; «Ата-Мекен» («Ватан») социалистик партияси, 1992 й. таъсис этилган. Қ.касаба уюшмалари федерацияси, 1925 й. тузилган.

Хўжалиги. Қ. аграр-индустриал мамлакат. Ялпи миллий маҳсулотда саноат 20,5%, қ.х. 38,4%, хизмат кўрсатиш тар-

моги 12%, савдо 10,1% ни ташкил этади.

Саноатининг етакми тармоқлари: машинасозлик (қ.х. машиналари, металл кесувчи станоклар, электротехника буюмлари, приборлар ва б.), рангли мсталлургия (симоб, сурма ва қўроғошин-рух рудаларини қазиб олиш ва бойитиш), нефтни қайта ишлаш, енгил (ип-газлама, жун, ипак матолар, трикотаж, кўн-пойабзал, тикувчилик буюмлари и.ч., гилам тўқиш; асосий маркалари — Уш, Бишкек), озик-овқат (гўшт-сут, ун-эрма ва б., йирик қорхоналар Бишкек ш.да жойлашган) саноати. Кўмир, газ ва нефть қазиб олинади. Қурилиш материаллари (цемент, шифер, девор панеллар) ишлаб чиқарилади. Йилига 12,9 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади (ГЭС ва иссиқлик электр ст-яларида). Норин дарёсида Тўктагул, Учқўрғон, Курпсой, Тошқўмир ГЭСлари, Аламадин ГЭСлар каскади ишлайди. Бишкекда йирик иссиқлик электр ст-яси мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майд. 10,1 млн. гектар (мамлакат ҳудудининг 50,9%). 1 млн. гектар ер суғорилади. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик (ялпи маҳсулотнинг 55%), асосан майин ва ярим майин жунли қўйчилик; сут-гўшт чорвачилиги, йилқичилик ҳам ривожланган. мамлакатда 988 минг қорамол, 88 минг чўчка, 3765 минг қўй ва эчки, 360,7 минг йилқи, 2100 минг уй паррандаси бор (2002). Дехқончиликнинг асосий тармоғи — пахта, тамаки, эфир мойли экинлар етиштириш; шунингдек, ем-хашак экинлари, ғалла (буғдой, арпа, маккажўхори), картошка, сабзавот, полиз экинлари экилади. Мевачилик, тоқчилик ва боғдорчилик ривожланган. Қанд лавлаги ва беда уруги олинади.

Транспортининг асосий тури — автомобильтранспорти. Автомобиль йўлларининг умумий уз. 28 минг км (19 минг км умумий фойдаланиш йўллари). Т.й.лар узунлиги 417 км (2002). Иссиққўлда мунтазам кема қатнайди. Ички сув йўллари уз. 460 км. «Қырғызстаи аба

жоддору», «Итек Эйр», «Алтын Эйр» миллий авиация компаниялари самолётлари дунёнинг бир қанча мамлакатларига учеди. к. худудидан Бухоро —Тошкент— Бишкек — Олмаота газ қувири ўтган; Майлисой—Жалолобод—Ўш газ қувири мавжуд.

Четга олтин, пахта толаси, озик-овкат, енгил саноат маҳсулотлари, электр энергияси, тамаки, металл, жиҳозлар ва б. чиқаради; четдан саноат жиҳозлари ва буюмлари, кенг истеъмол моллари олади. Ташки савдода Россия, Ўзбекистон, Хитой, Германия, Қозғистон, Туркия, АҚШ билан ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — сом.

Тиббий хизмати. Республикада 30 минг ўринли 250 дан зиёд касалхона муассасаларида 15 минг врач, 30 мингдан ортик ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Врач ва ўрта тиббиёт ходимлари Тиббиёт ин-т ва билим юртларида тайёрланади. Республика худудида 24 санаторий, 21 санаторий-профилакторий, 57 дам олиш пансионати, 11 дам олиш уйи, 43 бола-лар соғломлаштириш мажмуаси ва б. дам олиш масканлари бор (2002). Машхур курортлари: Оксув, Жетиўғуз, Чўлпонота, жалолобод, Жиргалан.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 19-а.нинг 2-ярмида Қ. худудида диний мактаблар — мактабхона ва мадрасалар бўлган. к. Россияга кўшиб олингач, дастлабки рус бошланғич мактаблари, 19-а.нинг 80-й. ларида рус-тузем мактаблари очилди. 1911 й. хотин-қизлар прогимназияси, 1912 й. эрлар гимназияси ташкил этилди; бу гимназия 1917 й.гача Қ. худудидаги ягона ўрта ўқув юрти бўлган. 1923 й. Қ.даги 327 мактабда 20 мингдан ортик ўқувчи ўқиган. Қ.да 2002 й.да 2056 умумий ўрта таълим мактабида 1168,1 минг, 113 гимназияда 72,2 минг, 50 лицейда 18,2 минг, 75 ўрта хунар ўқув юртида 31178 ўқувчи, 49 олий ўқув юрти (жумладан, 16 нодавлат олий ўқув юрти)да 214173 талаба таълим олди. Йирик олий ўқув юртлари: *Қирғич миллий университети*, гума-

нитар ун-т, пед. университети, тиббиёт академияси, политехника, санъат, к.х. инсти-тутлари (хаммаси Бишкек ш.да). И.т.лар *Қирғизистон миллий Фанлар академияси* ин-т ва муассасаларида, 15 ун-т ва б. олий ўқув юртлари, тармоқ вазирлик ва муассасаларнинг и.т. институтларида олиб борилади. 2002 й. республикада 4623 илмий ходим (илмий педагог кадрлар билан биргаликда), жумладан, 345 фан д-ри ва 1051 фан номзоди и.т.лар олиб борди. 2002 й. мамлакатда 1035 кутубхона (19 млн. 790 минг асар) фаолият кўрсатди. Уларнинг энг йириги — Миллий кутубхона (900 мингдан зиёд асар) дир. йирик музейлари: Ўлкашунослик давлат музейи, Тасвирий санъат миллий музейи, Тарих музейи.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатувви. 2002 й. Қ.да 183 газ. ва 83 жур. нашр этилди. Йириклари: «Асаба» («Байрок»), қирғиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 2001 й.дан), «Вечерний Бишкек» («Бишкек оқшоми»), рус тилидаги кундалик газ., 1974 й.дан), «Кызыл Тууси» («Қизил байрок»), қирғиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1924 й.дан), «Литературный Кыргызстан» («Қирғизистон адабиёти»), рус тилида йилига 4 марта чиқадиган жур.), «Слово Кыргызстана» («Қирғизистон сўзи»), рус тилида ҳафтада 3 марта чиқадиган газ., 1925 й.дан), «Эркин Тоо» («Эркин тоғлар»), қирғиз ва рус тилларида ҳафтада 2 марта чиқадиган ҳукумат газ., 1991 й.дан). «КАБАР» қирғиз миллий ахборот агентлиги 1937 й. янв.да ташкил этилган. Қирғиз Республикаси теле-радиоэшиттириш давлат корпорацияси (1937 й. асос солинган), «Алмаз» хусусий радиост-яси, КООРТ радио ва телевидениеси (1992 й. тузилган), «Пирамида» телерадиокомпанияси (1991 й. асос солинган) мавжуд. Радио-эшиттиришлар 1931 й.дан, телекўрсатувлар 1958 й.дан бошланган.

Адабиёти халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари — эртақ, дoston, кўшиқ, ривоятлар («Қурманбек», «Кожожаш»,

«Эр-Тёштук», «Жаниш Байиш») ва «Манас» монументал қаҳрамонлик эпоси негизда ривожланган. Шоир *Тўқтагул* Сотилгонов ижоди 1917 й.гача бўлган халқ шеърятини замонавий шеърят билан боғловчи халққа бўлди. Барпи Аликулов (1884—1949) шеърларида ижтимоий адолатсизлик, эксплуатацияга қарши норозилик туйғулари ўз ифоасини топди. *Тўғалоқ Мулда* ўз шеърларида қирғиз аёлларининг турмушини баён этди. Қирғиз миллий ёзма адабиёти асосчиси шоир Аали *Тўқумбоев*; унинг дастлабки шеърлари 1924 й. биринчи қирғиз газ. да босилиб чиққан. 1920-й.ларда дастлабки драма, қисса, достонлар яратилди. Қирғиз адабиётидаги биринчи драматик асар М.Тоқобоевнинг «Бечора Какей» пьесаси (1927 й. сахналаштирилган), биринчи насрий асар К.Баялиновнинг «Ажар» хикояси (1928) дир. 30-й.ларда адабиётнинг барча жанр ва турлари ривожланди. Т. *Сидиқбеков*, Қ. Жонтошевларнинг насрий, М.Элебоев, Қ. Маликов, Т. Уметалиев, А. Осмонов, дунган шоири Я.Шивазаниннг шеърый, Ж.Турусбеков, Ж.Боконбоевнинг драматик асарлари босилиб чиқди. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) қирғиз ёзувчилари ватан-парварлик руҳида асарлар ёздилар (Ж. Боконбоев, М.Элебоев, А. Тўқумбоев, Қ. Маликов, Т.Сидиқбеков, К. Баялинов, А. Осмонов, Т. Уметалиев ва б.). Қирғиз адабиёти урушдан кейинги йилларда янада ривожланди. Адабиётга янги номлар: биринчи қирғиз шоираси Н.Жетикашкаева, адиблар *Ч.Айгмагнов*, К.Бобулов, Ш.Абдираманов, С.Эралиев ва б. кириб келди. Ёзувчилардан Н.Бойтемиров,

Ш.Бейшеналиев, Т. Қосимбеков ва б., шоирлардан Т.Абилкосимова, Т.Кожомбердиев, О. Султонов, Ж. Абдикаликов, С.Абикодирова, Р. Рискулов ва б., драматурглардан Р. Шукурбеков, Т. Абдумўминов, Б.Жақиев, М.Байжиев, Б.Омуралиев ва б. машхур. Қирғиз адибларининг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Меъморлиги. Қ. худудидан мил.ав. 4—1-а.ларга оид манзилгоҳлар топилган; улар пахсадан қурилган уйлاردан, мудофаа деворлари ва миноралардан иборат бўлган. Қирғизларнинг анъанавий турар жойлари йиғма ўтов ва хом ғиштдан қурилган оддий уйлар. 5—10-а.ларда шаҳарлар пайдо бўлди, қўрғон ва қасрлар, ибодатхона, работ, қарвонсаройлар бунёд этилди. 10-а. ўртаси — 12-а.да масжид, минора (Ўзган минораси), мақбара (пештоқ-гумбазли; Ўзгандаги 3 мақбара) каби монументал бинолар қурилди. 13-адан монументал мақбара (*Манас мақбараси*, 14-а.) ва қарвонсарой (Тошработ қарвонсаройи, 15-а.), қўшқлар (Ўш ш. яқинида Бобур қурдирган қўшқ, 16-а. боши) қурилади бошлади. Қ. Россияга қўшиб олингандан кейин шаҳарлар ривож топа бошлади. Пишпак (хоз. Бишкек), Қорақўл, Тўқмоқ каби шаҳарлар режа асосида (бир қаватли, пахса ва хом ғиштдан) қурилади бошлади. 20-а.нинг 20-а.ларидан эски шаҳарлар қайта тикланди, пухта режа асосида янги шаҳар (Жалолобод, Қизилқия, Кўкёнғок, Талас) ва шаҳарчалар (Кўктош, Қорасув ва б.) барпо этилди. 30-й.ларнинг охиридан биноларда миллий безаклардан кенг фойдаланилди (Бишкекдаги Ёзги театр, меъмор Г.А.Градов). 40-й.ларнинг охириларидан маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда йирик шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилди, шаҳарлар шу режа асосида қурилади бошлади. 1960—70 й.ларда бинолар йиғма темир-бетон ва шишадан барпо этилади бошлади (Қирғизистон ФА биноси, 1960-й.лар; Рус драма театри, 1971; Спорт саройи, 1974, меъ-мор М.Марухов; Тасвирий санъат музейи, 1974, меъморлар Ш.Жекшенбо-ев, В.Назаров, Д.Ирискулов, ҳаммаси — Бишкек ш.да; Ўш ш.даги «Семетей» кинотеатри, 1976). Курортлар қурилишига эътибор берилди (Исикқўл агрофида йирик курорт рни барпо этилди). Мамлакатда биринчи йирик панелли тўққиз қаватли уй 1975 й., ўн икки қаватли уй 1982 й., ўн саккиз қаватли уй 1985 й.қурилди.

Тасвирий санъати. Қ. худудидан топилган қад. санъат асарлари намуналари неолит даврига мансуб (Оқчўнқир қоятош расмлари, *Соймалитош расмлари*). Жез даврида қирма ва қолипаки нақшли сопол идишлар тайёрланган. Қ.нинг шим. худудлари ва Тяньшандан кўтос, эчки, шер, қоплонларнинг бронзадан қуйилган ҳайкалчалари топилган (мил.ав. 7-а. — мил. 5-а.). 5—10-а.ларда қабрлар устига тош ҳайкалчалар ўрнатилган. 4—5-а.ларга мансуб суғдийлар қўрғонидан лойдан қуйиб, хар хил рангга бўяб ишланган Будда ҳайкали (бўйи 12 м дан ортиқ) топилган. Ўтроқ аҳоли ўртасида сирланган сопол идишлар, ўйма нақш билан безатилган остадонлар тайёрлаш, кўчманчи туркий қабилалар орасида от абзалларининг қисмларини металлдан безаб тайёрлаш ривожланган:

Қ.да тасвирий санъат ривожидан расомлар В.В.Образцов, С.А.Чуйков, ҳайкалтарош О.М.Мануилова катта роль ўйнади. 1930-й.лардан қирғиз миллий рассомлигининг асосчиларидан бири Ғ.Айтиев самарали ижод қилди. 1935 й. Бишкекда бадиий студия (1939 й.дан Бадиий билим юрти) очилди. 1930-й.ларда рассомликда манзара жанри ривож топди (С.А.Чуйков, Ғ.Айтиев, С.Оқилбеков ва б.). 1930-й.ларнинг охирида графиклардан Л.А.Ильина, А.И.Михалёв, А.А.Сгибнев ва б. самарали ижод қилдилар. 2-жаҳон уруши йиллари ташвиқот ва сатирик графика (плакат, карикатура) юксалди, уруш қаҳрамонларига бағишланган рассомлик асарлари, ҳайкаллар ижод қилинди. 1950-й.ларда портрет ва манзара жанрлари ривожланди (Ғ.Айтиев, С.Оқилбеков). 1950-й.ларнинг охири — 60-й.ларда А.Усубалиев, С.Ишенов, Д.Жумабоев, А.Усмонов каби расомлар етишди. 1960-й.ларда ҳайкалтарошлардан Т. Содиқов, А.Муҳиддинов самарали ижод қилдилар.

Халқ санъатида гиламчилик, кигиз босиш, каштадўзлик, чарм буюмлари тайёрлаш ва уларни безаш, кулоллик каби анъанавий тармоқлар ривожланган.

Муסיқаси қирғизларнинг асрлар давомида сақланиб келган, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт шароитида ривож топган. Шу боис анъанавий муסיқасида ансамбль ҳамда жамоа ижрочилиги шакллари деярли учрамайди, якка хонандалик ва созандалик йўллари асосий ўрин тутди. Халқ кўшиқ (ир)лари маросим («қошоқ» йиғи, «жарамазан», «бешиқ ири» ва б.), меҳнат («бекбекей», «ширилдан», «оп майда»), лирик («Секетбай», «куй-ген», «армон»), ўйин («селкинчек»), шунингдек, «балдар ири» (болалар кўшиқлари), «қиздар ири» ва б.дан иборат. Қирғиз шомон-бахши (бахши, куучу, бюбу, эмчи ва ҳ.к.)лар томонидан афсун-жоду ва табобат айтимлари ижро этилган. Бошқа туркий халқларда бўлгани каби оқин, манас-чи, жомокчу (терма ижрочилари)нинг ижоди кенг тарқалган. *Оқинлар* насиҳат («улгу ир», «санат»), бағишлов («арноо», «мактоо»), кутлов («кутуктоо») кўшиқлари, манасчилар «Манас», «Семетей», «Сейтек» туркумлари, «Курманбек», «Қожожаш», «Ке-дейхон» каби қаҳрамонлик достонларини ижро этади. Муסיқа чолғулари орасида қад. диддирек, жекесан, шалдиروق, кўнғирок, ооз кўмуз (*чисшқў-биз*) каби *идиофонлар*, пуфлама сибизга, чоор (най), торли *қиёқ*, кўмуз ва б. мавжуд. Айниқса, кўмуз ва б. чолғуларда ижро этиладиган йирик шаклдаги куйлар («камбаркан», «кербез», «ботой» ва б.) оммалашган. Халқ орасида манасчилар Сағимбой Орозбаков, Саякбой Қоралаев, оқинлар Тўктағул Сотилғонов, Қалиқ Акиев, Олимқул Усенбоев, ирчилар Атай Огомбаев, Муса Баётов, кўмузчилар Муззоке Жаманқараев, Куренкей Белеков, Карамолдо Орозов, Ибрай Туманов, Самарбўюбу Тўхтаунова, қиёқчилар Муратли Куренкеев, Саид Бекмуротов ва б. машхур. Анъанавий муסיқа намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишлари, асосан, 1920—30 й.ларда бошланган (А.Затаевич, В.Виноградов ва б.). Шу даврдан бошлаб миллий композиторлик мактаби ҳам шакллана бошлади, *К.Молдибоев*,

М.Абдраев, А.Тулеев, А.Омонбоев каби профессионал киргиз композиторлари етишди. Мусикали драмалар («Олтин киз», А.Власов, В.Фере, 1937; «Ўлим эмас, ҳаёт», Власов, Молдибоев, Фере, 1938)нинг сахнага қўйилиши опералар яратилишига йўл очди, балет, симфониялар ижод қилинди. «Манас» эпоси асосида биринчи киргиз операси («Ойгўзал», 1939, Власов, Молдибоев, Фере) яратилди. Власов ва Фере «Анор» (1940), «Арғимчок» (1943) биринчи киргиз балетларини, киргиз халқ куйлари асосида илк симфоник асарларини (Н.Раков б-н) ижод қилишган. Власов, Молдибоев, Фереларнинг «Манас» (1946), «Тўктагул» (1958) ва б. опералари, А.Омонбоев, С. Л. Германовнинг «Айдар ва Ойша» (1952), А.Абраевнинг «Бўрон олдида» (1974) ва б. операларда киргиз халқининг эрк ва бахт учун кураши экс этди. Истеъдодли ижрочилар етишди. Хонандалардан Халқ артистлари С.Кийизбоева, А.Молдибоев, А.Мирзабоев, Б. Минжилкиев, Х.Мухторов, К.Сартбоев, Т.Сейталиев, Қирғизистон халқ артистлари К.Чодронов, М.Мустаева, М.Махмутова, дирижёрлардан Халқ артистлари А.Жумахматов, К.Мўлдабасанов ва б. машхур. Опера ва балет театри (1942), филармония (1936), Қ. радио ва телевидениесининг катта симфоник оркестри (1970), Миллий консерватория (1993), Санъат ин-ти (1967), Бишкек ва Ўшда мусиқа билим юртлири, 100 га яқин мусиқа мактаби, халқ ижоди маркази мавжуд. 1939 й.да Қ. Композиторлар уюшмаси ташкил топган. Мўлдабасановнинг «Момо ер» балетаториаси (1975), Омонбоевнинг «Бўйдоқлар» (1961), Н.Давлесовнинг «Эхтиёт бўлинг, келин» (1970) ва б. мусикали драмалари, Тулеев, А. Жонибеков, Э.Жўмабоевнинг симфониялари замонавий киргиз мусикаси ютуғи бўлди.

Театри. Драма театри сарчашмалари турли маросимлар, халқ ўйинлари, оқинлар айтишуви, манасчи, қўмузчи ва кизикчиларнинг фаолияти билан боғ-

лиқ равишда қадим замонлардан бошланган. 1918 й. Қорақўлда хаваскорлик халқтеатри ташкил этилди. 1920 й. Пишпек, Қорақўл ва Норин уездларида фақат хаваскорлик театрлари ишлади. Профессионал театр 1920-й.ларда вужудга келди. 1926 й.да Мусикали драма студияси ташкил этилди. 1930 й. у профессионал драма театрига айлантирилди, 1936 й.дан мусикали драма театри деб номланди; 1942 й.дан Қирғиз опера ва балет театри. Қирғиз тилида драматик спектакллар Ёш томошабинлар театри сахнасида қўйилди (у 1936 й. ташкил қилиниб, 1941 й.гача ишлаган). 1941 й. Фрунзе (ҳоз. Бишкек) да Қирғиз драма театри труппаси тузилди. 1960- й.ларда киргиз халқининг ҳаёти акс эттирилган кўпгина спектакллар яратилди («Отанинг қисмати», Б.Жақиев; «Қичан», Ш.Бейшеналиев; «Янги келин», М.Тўйбоев; «Юзма-юз», «Момо ер», иккаласи ҳам Ч.Айтматов киссалари асосида). Қ.даги театрларда киргиз ва жаҳон драматургиясининг энг яхши намуналари асосида кўпгина спектакллар намойиш этилди. Мамлакатда 15 профессионал театр, жумладан, Бишкек ш.да киргиз академик драма театри, Рус драма театри, Ўшда ўзбек мусикали драма (1929), киргиз драма (1972) театрлари, Норин ш.да Тяньшан мусикали драма театри, Бишкекда қўғирчоқ театри (1938) ва б. ишлайди. Театр санъати усталаридан Д.Куюкова, Б.Кидикеева, М.Рискулов, С.Балкибекова, С.Жаманов, А.Жонқўророва, С.Кумушалиева, А.Кутгибоева б. машхур.

Киноси. 1939 й. Фрунзе (ҳоз. Бишкек)да кинохрониканинг мухбирлик пункти ташкил этилди. 1942 й. унинг негизида Фрунзе кинохроника студияси («Қирғизистон 2-жаҳон уруши даврида» фильми, 1944, реж. Д.Эрдман ва б.)га асос солинди, 1956 й. хужжатли ва бадиий фильмлар студиясига айлантирилди, 1961 й.дан «Қирғиз-фильм» киностудияси деб номланди. 1950-й.лардан бадиий кинематография ривож топа бошлади. Биринчи бадиий фильм «Салтанат»

(1955, реж. В.П.Пронин, «Мосфильм» киностудияси билан ҳамкорликда) дан кейин «Мендаги хатолик» (1958), «Олис тоғларда» (1959), «Тяньшанлик киз» (1960), «Чўлпон — тонг юлдузи» (1960, «Ленфильм» киностудияси билан ҳамкорликда), «Тўктағул» (1961) каби бадиий, «Улар Тяньшанда туғилганлар» (1958), «Тоғлар дарёси» (1960) каби хужжатли фильмлар яратилди. 1960-й. лардан миллий адабиёт намуналари, хусусан, Ч.Айтматов асарлари экранлаштирилиши қирғиз киносиди диққатга сазовор иш бўлди. Ч Айтматов асарлари асосиди яратилган «Довон» (1961), «Саратон» (1963), «Биринчи ўқитувчи» (1965), «Жамила» (1969, «Мосфильм» киностудияси билан ҳамкорликда) ва б. фильмлар қирғиз кино санъатининг ютуғидир. «Караш довонидаги ўқ овози» (1968), «Иссиққўл лолалари» (1972), «Оқ кема» (1977), «Илк турналар» (1979, ҳаммасининг реж. Б.Шамшиев), «Ёшлигимиз осмони» (1966), «Уркуя» (1970), «Улан» (1978; ҳаммасининг реж. Т.Океев) каби бадиий, «Норин кундалиги» (1971, реж. А.Видугирис), «Почта» (1972, реж. Б.Абдилдаев) хужжатли фильмлари халқаро кинофести-валларда мукофотларга сазовор бўлган. Кино актёрлардан М.Рисқулов, Д.Кунокова, Б.Кидикеева, Т.Турсунбоева, С.Чўкморев ва б. машҳур.

Ўзбекистон — Қ. муносабатлари. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1993 й. иккала давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 1992 й. июлдан Тошкентда Қ. элчихонаси, 1998 й. окт.дан Бишкекда Ўзбекистон элчихонаси фаолият юритмоқда. 2000 й. сент.да ЎЗР Президенти И.Каримовнинг Бишкекка, 1996 й. дек. ва 1998 й. нояб. да Қ. Президентининг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. 1996 й. 24 дек. да икки давлат ўртасида имзоланган «Абадий дўстлик тўғрисида»ги шартнома давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Давлатлар ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мана шу шар-

тнома, 1994 й. 16 янв.да имзоланган Маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, 1996 й. 24 дек. да имзоланган Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги муассасалараро битимга мувофиқ амалга оширилади. 2005 й.гача икки давлат ўртасида икки томон учун аҳамиятли бўлган 181 хужжат имзоланган. 2004 й. Ўзбекистон Республикаси билан Қ. ўртасидаги товар айланмаси 68,1 млн. АҚШ долларини, жумладан, экспорт 43,6 млн. АҚШ долларини, импорт 24,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

ҚИРЎИЗИСТОН МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, Қирғиз Республикаси миллий фанлар академияси — Қирғизистоннинг олий илмий муассасаси. 1954 й. 20 дек. да СССР ФАнинг Қирғизистон филиали асосиди ташкил топган. Академия Президиуми Бишкек ш.да жойлашган. 42 ҳақиқий (акад.), 58 мухбир аъзоси бор. Фан тармок ва йўналишлари бўйича 3 бўлими (физика-техника, мат. ва кон-геол. фанлари; ижтимоий фанлар; кимё-технология, тиббиёт-биол. ва қ.х. фанлари) ҳамда Жан. бўлими, 23 и.т. институти, иқтисодий, ижтимоий тадқиқотлар марказлари, Ботаника боғи бор (2005). Академия тадқиқотларининг етакчи йўналишлари: ахборот-телекоммуникация технологиялари, электроника ва амалий мат. муаммолари; энергетиканинг физика-техн. ика масалалари; машиналар назарияси ва бошқарув, технология жараёнлари ва тизимларини автоматлаштириш; табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиий сув-энергетика ресурслари; тоғли р-нларда табиий ва табиий-техноген жараёнларни комплекс тадқиқ этиш ва фалокатларни олдиндан айтиш; янги материал ва кимёвий технологиялар; биохилмаҳиллик ва экология; тоғ экология тизими масалалари ва тоғ популяциясининг барқарор та- раққиёти; молекуляр биол.

ва биотехнология; Қирғиз Республикасининг барқарор сиёсий, иқтисодий ва ижти-мой таракқиёти масалалари; Қ. халқларининг миллий тили, сиёсий ва маданий шаклланиши, этногенези. Академия «Ахборот» (1966 й.дан) ва бир қанча илмий жур.лар нашр этади. Президенти - Ж.Ж.Жээнбоев (1997 й.дан).

ҚИРҒИЗЛАР — халқ, Қирғизистоннинг асосий аҳолиси (2,23 млн. киши). Ўзбекистон (175 минг киши), Тожикистон (64 минг киши), РФда (42 минг киши, 1990-й.лар ўргалари), шунингдек, Хитойда (150 минг киши, 1987 й.) яшайди. *Қирғиз тилида* сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

Қирғиз номи илк бор геэгуь шаклида хитойча «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»; мил. 1-а.) йилномасида мил. ав. 203 й.ги воқеалар баёнида тилга олинади. Қ.нинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд, хусусан уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қ.нинг илк этник тарихи қад. қабила иттифоқлари (хунлар, динлинлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк хоқонлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (6—10-а.), кейинчалик қ. таркибига қирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шарқий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Қ.нинг бир қисми 9—12-а.ларда, қатта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, иссиққўл агрофлари, Еттисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангриот) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди худудлари ва Дашти Қипчoқ ўлкаларига бориб жойлашган.

Қ.нинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиққўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳоз. қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Еттисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, 16—17-а.да эса келиб чиқиши козoқ-

нўғайлар билан боғлиқ қабилалар қирган. Қ.нинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уруғига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнопоним сифатида сақланиб қолган.

Қ. кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда деҳқончилик билан шуғулланган (яна қ. *Қирғизистон*).

ҚИРҒИЙ ЯПАЛОҚҚУШ — япалоққушлар оиласига мансуб парранда. Шим. Америка, Европа ва Осиёда тарқалган. Ўрта Осиёнинг шим.-шарқий қисмида учрайди. Танасининг уз. 35—40 см, қаноти ёйилганида 70—80 см, оғирлиги 250—370 г. Модаси нарига нисбатан йирик, ранги ўхшаш. Орқаси тўқ қўнғир, оқ холли, корин қисми оқ, қорамтир-қўнғир япалоққуш. Уясини дарахтларга ясайди ёки бошқа қушларнинг уясида фойдаланади. 3 тадан 13 та гача тухум қўйиб, 4 ҳафтача босади. Кемирувчилар, баъзан қушлар билан озиқланади.

ҚИРҒИЙБУРГУТ - йирткич қуш. Жан. Европа, Африка, Жан. Осиё (жумладан, Ўрта Осиё)да тарқалган. Қаноти 46—52 см, оғирлиги 1,5—2,5 кг. Усти қўнғир-қулранг, корни оқ ёки пуштирок, майда қора холлари бор. Тумшуғи қора, оёғи сариқ. Панжаси бақувват, тирноқлари мустаҳкам. Асосан, тоғли худудларда яшайди. Уясини дарахт ёки қояларга ясайди. Фев.да 1—3 та тухум қўяди. Тухумини иккала жинс навбат билан 40 кун босади. Каклик, тувалоқ, куён, каламуш, судралиб юрувчилар ва балиқлар билан озиқланади. Овчилик хўжалиқлари ва уй паррандаларига зарар еткази.

ҚИРҒИЙЛАР, қарчиғайлар — *қарчиғайсимонлар* оиласига мансуб йирткич қуш. Европа, Осиё, Шим. Американинг ўрмон, Африканинг шим.-

гарбий қисмидаги тоғ зоналарида тарқалган. Танасининг уз. 52—70 см, оғирлиги 0,55—1,8 кг. Модаси наридан йирик. Қаноти қисқа ва кенг, думи узун. Усти кўкимтир-кулранг, қорни кўндаланг йўлли оқ ёки сарғиш. Уясини дарахтларга ясайди. 3—4 та тухум қўйиб, 35 кунча босади. қирғовул, каклик, ўрдак, қур, қуён, ол-махон ва б. билан озикланади. Овчилик хўжаликларида бир оз зарар еткази.

ҚИРГОВУЛЛАР, тустовуқлар — *қирғовулсимонлар* оиласига мансуб қушлар уруғи. 2 тури маълум. Танасининг уз. 85 см, оғирлиги 1,7—2 кг. Модаси наридан кичик. Наридан ёрқин тусда, металлдек ялтирайди. Модаси кулранг-сарғиш. Оддий қирғовулнинг 30 га яқин кенжа тури мавжуд. Кавказдан Япониягача бўлган жойларда тарқалган. Ўрта Осиёда Каспийнинг жан.-шарқий қисмидан Иссиққўлгача бўлган худудларда учрайди. Зарафшон бу юртмахонаси, шунингдек, овчилик хўжаликларида Қ. кўп. Ўрмон ҳамда экин майдонлари атрофидаги, дарё ва кўл қирғоғидаги чакалакзор тўқайларда яшайди. Уясини ерга ясайди. 8—18 та тухум қўйиб, 24—25 кун босади. Уруғ, мева, куртак, ҳашарот, чувалчанг ва моллюскалар билан озикланади. Гўшти ва пари учун овланади. Қ. кўпгина овчилик хўжаликларида кўпайтирилади. Кўплаб овлангани сабабли жойларда Қ. сони камайиб кетган. Бироқ Қ.га шароит яратилса, сонини тез тиклаш хусусиятига эга. Японияда яшил қирғовул тарқалган.

ҚИРГОВУЛСИМОНЛАР — *товуқсимонлар* туркумига мансуб қушлар оиласи. 165 тури маълум. Европий, Америка ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда *бедана*, *каклик*, *уларлар* ва б. турлари учрайди. Чўл, ўтлоқ, бутазор, қояларда, ўрмон ва текисликларда яшайди. Қ., асосан, ўтроқ ёки кўчиб юриб (фақат бедана мавсумий) ҳаёт кечиради. Одатда, уясини ерга, баъзилари дарахтга ясайди. 2—20 та тухум қўяди.

Ўсимлик маҳсулотлари, ҳашаротлар ва б. умуртқасизлар билан озикланади. Қ. овланади. Ёввойи товуқлар хонаки товуқ зотларининг насл бошидир, товуслар хонакилаштирилган, қирғовуллар овчилик хўжаликларида, беданалар фермаларда кўпайтирилади. 21 тури ва 2 кенжа тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚИРҒОҚ — сув ҳавзалари (океан, денгиз, кўл ва сув омборлари) ва оқар сувлар (дарё, вақтли оқар сувлар) билан қуруқлик туташган ҳамда ўзаро таъсир рўй бериб турадиган камбар ер. Қ.ларнинг қуруқлик томондаги чегараси — *қирғоқ чизиги* дейилади. Қ.нинг таркиб топиши ва хусусиятлари тўлқинларга, оқар сувларда оқим ҳаракатига боғлиқ. Қ.нинг ўзгаришига тектоник ҳаракатлар ҳам таъсир кўрсатади. Қ. кўриниши, тузилиши, ўзгариши ва ҳолатига кўра хилма-хил бўлади. Денгиз Қ.лари баландлиги, парчаланганлиги, геологик тузилиши, шакли, ёши ва б.га кўра турларга ажратилади: 1) эндоген ва экзоген жараёнлар натижасида пайдо бўлган ёш Қ.лар. Уларга дастлаб текис бўлиб, кейин парчаланган тектоник ва эрозион-тектоник, эрозион, музлик, шамол таъсирида пайдо бўлган ҳамда вулканик Қ.лар киради;

2) тўлқиндан бошқа жараёнлар таъсирида пайдо бўлган Қ.лар денгиз суви кўтарилиб қайтганда ҳосил бўлган, денудацион, органик қолдиқлардан ҳосил бўлган Қ.лардан иборат;

3) тўлқинлар таъсирида вужудга келган Қ.лар. Улар абразия ва аккумуляция таъсирида, яъни денгиз тўлқинлари таъсирида вужудга келади ва жуда кўп учрайди. Йирик дарёларнинг куй-илиш жойларида дельта қ. шаклланади (*қ. Дельта*). қ. типлари шаклланишида ва тарқалишида табиий географик зоналик аниқ кўринади. Мас, термоабразив Қ.лар кутбий зоналарга, маржонли ва мангралли Қ.лар тропик ва экваториал минтақаларга хос. Ҳоз. замон тектоник ҳаракатлари ҳам денгиз Қ.ларининг шаклланишига катта

таъсир кўради. Музлик даврдан кейинги трансгрессия кўтарилган майдонлардагига нисбатан тектоник чўкаётган сохилбўйи р-нларда куруклик ичкарисига анча кириб борган. Уччала гуруҳдаги Қлар фьорд, шхера, дальмация, риас, панжасимон, лиман, орол, денгиз типли, маржонли, фитоген, абразион-бухтали, лагунали, кум тилли каби типларга бўлинади. Оқар сувларнинг Қлари ривожланишида ўзан оқими муҳим омил ҳисобланади. Дарё Қлари тоғ ва текисликларда бир-бирдан кескин фарқ қилади. Дарёлардаги оқим фаолияти Қларнинг эрозияси, ўзанининг алоҳида жойларида окизикларнинг тўпланишида намоён бўлади. Катта дарёлар Қларининг шаклланишида гравитация жараёнлари (сурлма, кўчки, сочилма) муҳим аҳамиятга эга. Сув босадиган (қайирли) ва сув босмайдиган (туб, террасали) дарё Қлари фарқ қилинади (қ. *Водий, Терраса*). Қларнинг келиб чиқиши, ўзгариши, морфологиясини ўрганиш порт ва кўприклар қурилиши, Қларни мустаҳкамлаш ишларида, кема қатновида, рекреация зоналари ташкил этиш, фойдали қазилма конларини ўрганишида, сув омборлари қуришида катта аҳамиятга эга.

ҚИРҒОҚ ЧИЗИҒИ - океан, денгиз, кўлларнинг юзаси билан куруклик юзаси туташиб турган чизик. Сув ҳавзаси билан куруклик чегараси ҳисобланади. Сув ҳавзаларининг сатҳи баландлиги сув қалқиши, шамол, оқим, тўлқинлар ва ҳаво босимига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Шу сабабли, сувнинг кўп йиллик ўртача сатҳига қараб Қ.ч. шартли равишда ўтказилади. Дарёларда Қ.ч. доимий бўлмай, тез-тез ўзгаради. Қадимий Қ.ч.ни ўрганиш орқали соҳил, умуман, сув ҳавзасининг ривожланиш тарихи аниқланади ва ер пўсти вертикал ҳаракатлари қандай суръатлар билан кечгани ҳақида хулоса қилиш мумкин бўлади.

ҚИСИР ҚОЛИШ — ёш чорва мол-

ларининг жинсий вояга етганда ёки катта ёшдаги урғочи хайвонларнинг туққандан кейин маълум физиологик муддатларда уруғланмай қолиши. Қ.к.га чорва молларини *қочирши* ва сунъий уруғлантириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар, сперма олиш вақтида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилмаслик, сунъий уруғлантириш техникасининг нотўғрилиги (яхши ишламаслиги), чорва молларини уруғлантириш режасининг йўқлиги, хайвонлар бўғоз бўлган ёки қисир қолганлигини ўз вақтида текширмаслик, хайвонлар қуйикан даврида уларни қочириниш ва уруғлантириш муддатларига эътибор бермаслик ва б., шунингдек, мустаҳкам озуқа базасининг йўқлиги, чорва молларини асрашда ноқулай шароит, хайвонлар жинсий органларининг касалликлари, туғма аномалиялари ва б. ҳам сабаб бўлади. Янги туққан сигирлар 80—85 кундан сўнг қочирилиши лозим. Ушбу муддат оптимал сервис даври деб қабул қилинган. Бу даврнинг ҳар бир куни (чўзилиши) Қ.к.га олиб келади. Оптимал муддатдаги сервис даврида қочирилганда ҳар 100 сигирдан йил давомида 100 бузоқ олинади. Агар оптимал сервис даври 120 кунга чўзилса, унда қисирлик муддати 40 кунни ташкил этади ва ҳар 100 бош сигирдан 86 та бузоқ олинади.

Таналарнинг оптимал (17—18 ой) қочириниш ёши 1—2 ой кечиктирилганда уларнинг ҳар биридан соғиладиган сут микдори 300—600 кг га камаиб кетиши мумкин.

Убайдулла Носиров.

ҚИСМАТ - Тақдир.

ҚИССА — бадиий адабиётда эпик жанр турларидан бири. Ғарбий Европа ва Америка адабиётида повесть маъносидаги Қ. тушунчаси йўқ, насрнинг *романдан* бошқа барча жанрлари «новелла» термини орқали ифодаланади. Рус ва ўзбек адабиётларида Қ.нинг ҳоз. ва қадимги маънолари ўртасида фарқ бор. Мас, қадимги

рус адабиётида ҳар қандай насрий асар повесть (К) деб аталган. Ўзбек адабиёти тарихида ривоят усулида наср ёки назмда ёзилган тарихий-афсонавий асарлар қ. деб юритилган. Мас, «Қиссаи Сайфулмулк», «Қисаси Рабғузий» ва б. Ҳоз. маънодаги ўзбек Қ.си рус адабиётидаги «повесть» терминига тўғри келади ва, асосан, роман билан ҳикоя ораллигидаги ўртача ҳажмли насрий жанрни ифодалайди.

Қ., одатда, бир ва бир неча шахслар тақдирига оид турли воқеаларни ўзига асос қилиб олиши билан эпик турнинг *ҳикоя*, ҳажми ва мазмунининг нисбатан чекланганлиги билан *романдан* фарқ қилади. қ. ҳаёт мураккабликларини ҳикояга нисбатан кенгрок, характер ҳамда воқелик кўламини романга қараганда камрок қамраб олади. Қ.да у ёки бу шахс ҳаётининг маълум бир даври хроникал тарзда баён қилинади. Қ.да лиризм ҳикоя ва романдагидан кучлироқ бўлиши мумкин.

Роман каби Қ.нинг ҳам автобиография (Ойбек, А.Қаҳҳор, Н.Сафаров), тарихий (Миркарим Осим, Я.Илёсов ва б.), фантастик (Т.Малик, Ҳ.Шайхов, М.Маҳкамов ва б.) турлари бор. Ҳозирда Қ. насрининг энг фаол жанрларидан бўлиб, унда ёш ёзувчилар ҳам самарали ижод қилмоқдалар.

Ад.: Аббасов А., Ўзбек повести, Т., 1973; Тимофеев Л.И., Основн теории литературы, 5-изд., М., 1976; Норматов У., Гўзаллик билан учрашув, Т, 1976.

ҚИССАХОН — афсона, ривоят ва дostonларни ифодали қилиб айтиш ёки бадиий ўқиш маҳоратига эга бўлган профессионал ижрочи. Қ.лар турли йигинларда ёки махсус уюштирилган *қиссахонлик* кечаларида халқ дostonларини, кизиқарли таржима ҳикояларни, мумтоз адабиёт намуналарининг «фольклорлаштирилган» вариантлари ва ҳар хил жангномаларни ёддан ёки матн асосида ўзига хос оҳангда ўқиганлар. Қ. репертуари жанр ва ғоявий-тематик

жиҳатдан ранг-баранг бўлган.

ҚИССАХОНЛИК - афсона, ривоят, халқ дostonлари ва қиссалар айтиш ва эшитиш анъанаси. Утмишда қ. учун махсус кеча ва йигинлар уюштирилган. Уларда халқ дostonларининг қайта ишланган вариантлари («Ҳикояти Гўрўғли султон», «Юсуфбек билан Аҳмадбек»), мумтоз адабиёт намуналари асосида тузилган ҳикоялар («Баҳром ва Гуландом», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»), таржималар («Рустами дoston», «Қиссаи Жамшид», «Вомик билан Узро») ўқилган. қ. репертуарида «Заркум», «Муҳаммад Ҳанафия», «Саид Баттол Ғози», «Бобо Равшан» каби диний асарлар ҳам бўлган.

Қисса тузиш ва Қ. 13—14-а.лардан шакллана бошлаган, 16—17-а.ларда жадал ривожланган, 19-а.нинг 2-ярмида фавқулодда авж олган. Бу жараён, дастлаб Қозонда, кейинчалик Оренбург, Тошкент, Хива, Когон ва б. шаҳарларда қиссаларнинг кўплаб нашр этилиши билан ҳам боғлиқ бўлган.

Қ., асосан, шаҳар, шаҳарга яқин йирик қишлоқ ва туман марказларида кенг ривожланган бўлиб, 20-а.нинг 30-й. ларигача давом этган. Қ. омма орасида маърифат тарқатиш воситаларидан бири, адабиёт ва санъат ихлосмандларининг йигинлари сифатида ўтмишда муҳим аҳамият касб этган. Ҳоз., радио, телевидение, матбуот, театр, кино ва б. маданий-маърифий воситаларнинг ривожини, кенг тарқалганлиги боис қ. анъанаси ижтимоий ва маиший ҳаётдан батамом чиқиб кетган.

ҚИСКА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ — қ. *Давлат облигациялари*.

ҚИСКА ТУТАШУВ — электр занжири ўтказгичларида ҳосил бўладиган зарарли электр контакти; *ўзгарувчан ток тармоғи*да фазаларнинг Ер билан туташуви натижасида (1 фазали), *ўзгармас ток тармоғи*да қутблар орасида ёки қутб

билан Ер орасида содир бўлади. Қ.т. электр қурилмалар ўтказгичларининг яхши изоляцияланмаганлигидан, ток занжирида электр токининг ҳаддан ташқари ортиб кетишидан келиб чиқади ва электр қурилмаларининг бузилишига олиб келади. Қ.т. релей муҳофазаси ёки осон эрувчан сақлагичлардан фойдаланиб барта-раф қилинади.

ҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР - тўлқин узунлиги 10 м дан 100 м гача (30—3 МГц) диапазонда бўлган радиотўлқинлар. Қ.т.нинг тарқалиш тарзига Ер атмосфераси кучли таъсир қилади. Қ.т. қисқа (-500 км) масофаларга ер тўлқинлари (Ер сиртига яқин бир жинсли атмосферада тарқалувчи радиотўлқинлар) кўринишида, ўта узоқ масофаларга, хусусан, Ер шари атрофида ионосфера тўлқин ўтказгичлар бўйлаб тарқалиши мумкин. Қ.т.нинг уфқ ортида тарқалиши асосан уларнинг ионосферадан ёки ионосфера ва Ер сиртидан кўп марта қайтиши туфайли амалга ошади.

Қ.т.нинг ионосферадан қайтиш частотаси уларнинг ионосферага тушиш бурчагига ва қайтиш сатҳидаги электронлар концентрациясига боғлиқ. тушиш бурчагининг маълум критик қийматидан кичик қийматларида Қ.т. ионосферадан қайтмайди ва радиоалоқада сукунат (жимжитлик) зонаси юзага келади. Маълум узунликка эга радиотрасса учун радиоалоқада фойдаланиладиган максимал частота мавжуд. Трассанинг узунлигига, сутканинг вақтига ва геофизик шароитларга қараб, бу частота амалда Қ.т.нинг бутун диапазони бўйича ўзгариши мумкин.

Қ.т.дан радиоалоқада, Ер ва сайёралар ионосфераларини, Куёш тожининг ташқи қатламларини ва б. радиоастрономик объектларни тадқиқ қилишда фойдаланилади.

ҚИСҚА ҲАЖМЛИ ФИЛЬМ - ҳажми 4—5 қисмдан ошмайдиган, 40—50 минутли бадиий, 1, 2, 3 қисмли

хужжатли фильм. Кўп қисмли бадиий ва хужжатли фильмлар бўлса-да, Қ.х.ф. ҳам кино санъатининг мустақил намунаси сифатида ривожланди. Кўпроқ кинохроника, киноочерк, илмий-оммабоп фильмларни, шу билан бирга бадиий, мультипликацион ва телевизион фильмларни ўз ичига олади.

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР - барқарор сўз бирикмалари компонентларининг бош ҳарфларини ёки маълум қисмларини олиб қўшиш билан ҳосил қилинган сўзлар. Мас, ИИВ — Ички ишлар вазирлиги, ХТБ — Халқтаълими бошқармаси, фил-фак — филология факультети. Қ.с. нутқда ихчамликка эришиш зарурати билан дастлаб ёзма нутқда пайдо бўлади ва фаол қўлланиши натижасида кейинчалик оғзаки нутққа ҳам ўтади.

Қ.с. асосан, от туркумига мансуб бўлиб, қуйидаги йўллар билан ҳосил қилинади: 1) сўз бирикмаси компонентларининг биринчи ҳарфларини олиб қўшиш билан (ХДП — Халқ демократик партияси, ДТМ — Давлат тест маркази, ОАК — Олий аттестация комиссияси); Қ.с.нинг бу тури илмий адабиётларда *аббревиатура* деб ҳам аталади; 2) сўз бирикмаси таркибидаги 1-сўзнинг 1-бўғинини, қолган сўзларнинг 1-ҳарфларини олиб қўшиш билан (ЎЗМУ — Ўзбекистон миллий ун-ти, «ЎЗАС») («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»); 3) сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош қисмларини олиб қўшиш билан (биофак — биология факультети, журфак — журналистика факультети); 4) сўз бирикмаси таркибидаги 1-сўзнинг 1-бўғинини, қолган сўзларни қисқартирмай қўшиш билан (Ўздонмахсулот, Ўзгазлойиха); 5) аралаш йўл билан (Ўзбектелеком, Ўзтелерадиокомпания, Ўзавтойўл) ва б.

Қ.с. халқаро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО), мамлакат ва давлатлар (ХХР, РФ, АҚШ), сиёсий партиялар, ҳарбий уюшмалар (ЎЗЛДП, НАТО), илмий-ўқув муассасалари (ЎЗР ФА, ЎЗДЖТУ, ФарДУ), вазирлик, идора, муассаса, ташкилот,

корхоналар (ХТВ, ДТМ, Ўзмашхолдинг, Тошшаҳарйўловчи), машина, асбоб-ускуналар ва иншоотлар (ЭХМ, АТС, ГЭС) ва б.нинг номларини билдиради. Қ.с тайёр ҳолда бошқа тиллардан ўзлаштирилиши (ЮНЕСКО, ФИФА, ФИДЕ, НАТО, АЭС) ёки муайян тил, мас. ўзбек тили материаллари асосида ҳосил қилиниши мумкин. Кейинги турга ман-суб ўзбекча Қ.с.нинг аксарияти рус тилидаги сўз бирикмалари ва улар асосидаги Қ.с.нинг калькалари ҳисобланади, мас, БМТ<ООН, ДАН< ГАИ, ОАВ (оммавий ахборот воситалари)< СМИ (средства массовой информации), ЭХМ< ЭВМ каби.

Носиржон Охунов.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОН ТУМАНЛИК — *Савр* юлдуз туркумидаги N00 1952 туманлиги. 1054 й.да араб, хитой ва япон олимлари кузатишган. *Ўта янги юлдузлар* чакнаши натижасида вужудга келган; унганча бўлган масофа 1700 *парсек*. Тўла нурланиш энергияси 10^{18} *эрг-с*~'. Қ.т.да анча тартибланган ва кучланиши 10^{-3} *эрсед* магнит майдони мавжуд; унда толасимон қобик ва аморф ипсимон структуралардан иборат ички қисм фарқланади. Қобикдаги т-ра 17000° К. Қобикнинг нурланиш спектри олдий газ туманликларига ўхшаш бўлиб, ички қисмининг нурланиши радиотўлқинлар, кўзга кўринадиган, ультрабинаф-ша ва рентген тўлқинларда кузатилади. Бу қисмнинг ипсимон структуралари релятивистик (энергиялари 10^7 *эрг* дан зиёд) электронлар оқимларидан иборат. Бундай юкори энергиялар манбаи Қ.т. марказига яқин жойлашган ўта янги юлдузнинг қолдиги бўлган нейтрон юлдуз бўлиб, бу юлдуз даври 0,033 сек га тенг IУР 0532 номерли пульсардир. Қ.т. унга нисбатан радиал йўналишда кенгаймоқда.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР, қисқичбақалар — *бўғимоёқшлар* типининг синфи. 30000 га яқин тури бор. Уз. мм нинг бир бўлагидан 80 см, баъзи турлари (мас, япон кра-би) оёқлари ёйил-

ганида танасининг кенглиги 3 м га етади. Танаси бўғимларга бўлинган, одатда, 3 бўлим: бош, кўкрак ва қорин фарқ қилинади; хитин совут билан қопланган. Бир хил Қ.нинг яхлит бош капсуласи (синцефалон) антеннуаларга эга бўлган бош ўсимтаси ва 4 бош бўғимидан иборат. Бош бўғимларида антенналар, бир жуфт юкори жағ, 2 жуфт пастки жағ жойлашган. Бошқа Қ.нинг акрон ва антеннал бўғимдан иборат бирламчи боши (протоцефалон) жағ бўғимлари (гнатоцефалон) билан ҳаракатчан қўшилган. Одатда, Қ. кўкрагининг бир неча бўғимлари бош билан қўшилиб, бошкўкракни ҳосил қилади, уларнинг ўсимталари эса озикни майдаловчи ва оғизга сурувчи оёқ жағларга айланади. Кўпчилик Қ. бошининг кейинги қисми ва кўкрак бўлими ён ва устки томондан қалқонсимон, икки тавақали ёки ярим цилиндр шаклидаги хитинлашган совут билан қопланган. Айрим Қ. (мас, шохдор мўйловдилар боши чўзиқ пастга эгилган тумшук — рост-румга айланган. Қ.нинг турли гуруҳларида кўкрак ва қорин бўғимлари сони ва оёқларининг тузилиши ҳар хил. Тубан Қ. кўрак оёқлари ҳаракатланиш, нафас олиш ва озикни оғизга суриш вазифасини бажаради. Бирмунча юксак тузилган Қ.да бу вазифаларни ҳар хил оёқлар бажаради. Фақат юксак Қ. учун хос бўлган қориноёқлар нафас олиш, уруғлантириш, тухумларни олиб юриш. баъзан ҳаракатланиш вазифасини бажаради. Охири қориноёқлар (уроподлар) кўпинча анал бўлаги билан бирга дум сузгич — тельсонни ҳосил қилади. Кўпчилик Қ. тельсоннида айри ўсимта бўлади.

Қ. нерв системаси бош мия ва қорин нерв занжиридан иборат. Кўриш органи, одатда, фасеткали кўз; кўпинча оддий науплеус кўз ҳам сақланиб қолади. Баъзи Қ.нинг кўзи бўлмайди. Ошқозони чайновчи, жигари ўрта ичакка очилади. Қ. жабра, баъзи майда турлари тана юзаси орқали нафас олади. Қон айланиш системаси очиқ, юраги орқасида; баъзан

бўлмайди. Айриш органлари — максиллар ва антеннал безлар.

Қ. цефалокардлар, жабраоёқлилар, чиганоклилар, эшкакоёқлилар, карпхўрлар, мўйловоёқлилар, ўноёқлилар кенжа синфларига бўлинади. Асосан, денгизлар, чучук сувларда, айрим турлари куруқликда яшайди ёки паразит ҳаёт кечиради. Бир хужайрали организмлар, детрит, органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонлар, ўлаксалар билан озикланади.

Кўпчилиқ Қ. айрим жинсли, бир қанча турлари *партеногенез* йўли билан кўпаяди. Тухумларини кўпинча урғочилари олиб юради ёки махсус чиқариш камерасида ривожланади. Қ. метаморфоз орқали ривожланади. Тухумдан чиққан науплеус личинкаси ривожланиб метанауплеус даврига ўтади. Баъзан личинкасининг дастлабки даврлари тухум ичида кечади ва тухумдан кейинги даврига ўтган личинка (мас, крабларда зоеа) ривожланиб сувга чиқади. Қ. айниқса, зоопланктонни ташкил этувчи турлари сув ҳавзаларидаги озиқ занжирининг асосини ташкил этади. Бир қанча Қ. (креветкалар, краблар, лангустлар, омарлар ва б.) истеъмол қилинади ва кўплаб овланади.

Ад.: Мавлонов О., Хуррамов Ш., Умуртқалилар зоологияси, Т., 1998; Жизнь животных, т. 2., М., 1969.

Очил Мавлонов.

ҚИТИР ПАШШАЛАР, китирлар — қиска мўйловли *икки қанотлилар* оиласи. Бу оиладан Пале-арктикадаги энг йирик пашша — улкан китирнинг уз. 50 мм га етади. 5500 дан ортиқтури бор. Ўзбекистонда 300 га яқин тури тарқалган; асосан, дашт ва чўл минтақаларида учрайди. Вояга етган Қ.п. фаол ҳаёт кечирадиган ҳашаротлар. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, каналар билан озикланади. Улжасини, асосан, ҳавода тутаяди. Қуртлари ҳам йиртқич; 2—3 йилда ривожланади. Қ. зарарқуванда ҳашаротлар: қўнғизлар, чигирткалар ва б. сонини че-

клаб туради; баъзан асалариларни тутиб еб, зиён келтиради.

ҚИТЪА — Ер юзидаги куруқликларнинг атрофидаги ороллар билан бирга шартли равишда ажратилган қисмлари. Куруқликни Қ.ларга бўлинишини *материкларга*; бундан ташқари, *Эски Дунё* ва *Янги Дунёга* бўлинишидан фарқлаш керак. Қ.ларнинг баъзилари материкларга тўғри келади. Европа ва Осиё Қ.лари 1 га материк, Америка Қ.си эса 2 та материкдан иборат (жадвалга қ.). Айрим олимларнинг фикри-ча, Тинч океаннинг жан.-ғарбида жойлашган барча ороллар — Океания ҳам баъзан 7-Қ деб қаралади.

Қитъалар / Материклар		
Европа Осиё	Евросиё	3
Африка	Африка	3
Америка	Шим.Америка Америка	Жан. 4 2
Австралия ва Океания	Австралия ва Океания	8
Антарктида	Антарктида	14,0

ҚИТЪА (араб. — бўлак, қисм, парча) — мумтоз адабиётда лирик жанр. Шейрий шакл сифатида *қасида* ва *ғазалдан* олдин пайдо бўлган. Тузилишига кўра, ғазалга яқин туради, лекин Қ.да матлаъ кофияланмайди (аб. вб, гб...), ҳажми ҳам қатъий эмас, мазмун талабига кўра, икки байт ва ундан ортиқ (хатто 19 байтгача) бўлиши мумкин. Ҳар бир Қ. яхлит асар бўлиб, бирон мавзуга бағишланади. Бошқа лирик жанрларга нисбатан Қ.да шакл ва мазмун эркинлиги устун, мавзу доираси ҳам кенг. Унда ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий ахлоқий-таълимий ва б. мазмундаги фикрлар ҳажв ва ҳазил-

мутойба тарзида, шоир ҳаётининг турли лаҳзалари билан боғлиқ қайд ва мулоҳазалар сифатида ўз ифодасини топиши мумкин.

Форс-гожик адабиётида Қ.нинг дастлабки намуналари *Рудакий* ижодида кўрилади. Унинг жанр тараққиёти ва тақомилида форс шоири Авҳадиддин Анварий (1190 й. в. э.) ва Ибн Ямин Фарюмодийнинг хизмати катта.

Ўзбек адабиётида Қ.нинг илк намуналари «Девону луготит турк»да, Хоразмий, Юсуф Амирий, Гадоий, Лутфий ва б. ижодида учраса-да, унинг тараққиёти Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Қ.дан ҳеч ким Навоийчалик самарали фойдалана олган эмас. У энг кўп Қ. ёзган Ибн Яминнинг илғор аъналарини ўз даври шароитига боғлаб ривожлантирган, Қ.ни ўзбек адабиётида мустақил жанр даражасига кўтарган. 16—19-а.ларда Бобур, Пошшохожа, Мунис Хоразмий, Шавкий Каттақўрғоний, Шукурий Фарғоний, Огаҳий, Мирий, Аваз Ўтар, Алмай ва б. шоирлар Наюий аъналарини давом эттириб, ўзбек китъанавислигига ҳисса қўшдилар. Ҳабибий, Собир Абдулла, Максуд Шайхзода, Миртемир, Чустий, Чархий, Э. Воҳидов ва бошқалар Қ.лар яратишган. Ҳозир Қ.лар бармоқ вазида ҳам ёзилмоқда.

Ад.: Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976; Адабий тур ва жанрлар [3 ж.ли], 2-ж.. Т. 1992.

ҚИЧИМА, прурито — баданга тарикдек майда, учи пуфакчали, пушти ранг ёки соғлом тери рангидаги тошмалар топиши билан кечадиган касаллик. Тошмалар қўл ва оёқларнинг ёз-лувчи юзаларида, думбада пайдо бўлади. Ирсий омиллар, баъзи овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг организмга аллергия таъсири ва бошқалар Қ.нинг ривожланишига сабаб бўлади. Болалар ва катталарда учрайдиган ҳамда тугунчали Қ. бор. Болалар Қ.сида баланнинг қаттиқ қичишиб туриши боланинг уйқуси билан иштаҳасини бузади, у инжик бўлиб

қолади. Бадан(терисининг қашланиб тирналиши оқибатида иккиламчи пиодермия қўшилиши мумкин; бунда касаллик сурункали давом этади. Катталар Қ. сида гошмалар бел, қорин ва б. сохаларга тошади, улар қаттиқ қичишади ва бемор қашинганда пуфакчалар ёрилиб, эрозияга айланади. Ундан ажралган суюқлик қотиб, қизғиш пўстлоқлар ҳосил бўлади. Касаллик сурункали кечиши ва қайталаниб туриши натижасида тери қалинлашиб, унда қорам-тир доғлар юзага келади, қашинганда тирналган жойлар оқариб, чандиқланади. Кўпинча касаллик иккиламчи инфекция билан мураккаблашади, бунда беморнинг умумий аҳволи ўзгариб, асабий ҳолат вужудга келади. Болалар Қ.си кўпроқ *экссудатив-катарал диатез билан* оғрийдиган болаларда (баъзан, болаликдан тошган эшакем кейинчалик Қ.га айланади) кузатилиб, одатда, юз ва соч зарарланади. Баъзан кексаларда учрайдиган Қ.да баданга ҳеч нарса тошмайди, фақат қашинган жойда тирноқ излари қолади. Қ.да беморнинг нерв системаси бузилади, уйқуси йўқолади, териси қуруқшаб, лимфа тугунлари катталашади.

Давоси. Қ.ни мутахассис врач даволайди. Даво жараёнида болалар, шунингдек, катталар овқатига алоҳида эътибор бериш лозим. Болаларни қўшимча овқатлантиришда, албатта, врач билан маслаҳатлашиб олиш зарур. Очик ҳавода сайр қилиш, ёз кунлари офтобда тобланиш, денгизда чўмилиш тавсия этилади. Бола қаттиқ қашинмаслиги учун тирноғини бот-бот олиб туриш, терининг йириқлиги касалликларига хос аломатлар пайдо бўлса, албатта, врачга кўриниш керак. Қ.нинг олдици олиш учун парҳез сақлаш, ширинликлар, аччиқ, шўр, дудланган овқатлар истеъмол қилмаган маъқул. Беморга антигиста-минлар, тинчлантирувчи дорилар, парҳез буюрилади; Қ.га қарши кортикостероид мазлар суртилади, санаторий ва курортларда даволавиш тавсия этилади.

ҚИЧИМА КАНАЛАР, кўтир каналар — акариформ каналар туркумининг катта оиласи. Уз. 0,15—0,3 мм. Урғочиси эркагига нис-батан йирикрок. 20 га яқин тури бор. Сут эмизувчилар териси остида пара-зитлик қилади. Хўжайинининг териси устида урчигач, эркаги ҳалок бўлади. Тери тўқималари билан озикланади. терининг мугуз қатламини сб, йўллар оч-гач, ўша йўлларга тухум қўяди. Қ.к. чор-ва моллари терисида кўтир, бир тури эса одам терисида, аиникса, кул бармоқлари ораси ва тирноқлар остида қичима пайдо қилади.

ҚИЧИТКИ ЎТ, газанда — газанда-дошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик тури. Пояси оддий ёки шохланган. Бўйи 60—100 см. Барглари тухумсимон ёки тухумсимон-юраксимон, четлари арра тишли. Чангчи ва уруғчи гуллари тўрт баргли гулқўрғонга эга. Уруғчи гулқўрғонларининг иккитаси ўсимлик гуллаганда катталашади. Чангчилари 4 та, уруғчиси 1 та. Май-авг. ойларида гуллаб уруғлайди. Меваси ёнқоқча. Доривор ўсимлик. Баргларида олинадиган суюқ модда (экстракт) қон тўхтагиш хусусиятига эга. Барглари таркибида С, кам микдорда К витамини ва каротин бор. Ёш ўсимлик барглари овқатга ҳам ишлатилади. Соя-салқин ерларда, жарликларда, шаршаралар атрофида ўсади.

ҚИШ — йил фаслларида бири. Мўътадил минтакаларда (шу жумладан, Ўзбекистонда) декабрь, январь ва февраль ойларини ўз ичига олади. Қ. фаслининг астрономик давомийлиги уртача 89,0 суткадан иборат. Қ.нинг бошланиши деб Қуёшнинг қишки туриш нуктасидан ўтиши кунлари (21 — 22 декабрь) қабул қилинган. Ўзбекистонда Қ. фасли хийла совуқ келади. Энг совуқ ой — январнинг ўрғача т-раси текисликларда (Устюрт. Чурук ст-яси) — 10°, жан. шарқда (Темир, Шеробод) 2—3°, мутлақ паст т-ра жан.да —25°, —30° ва шим. ғарбда —35°, —38». Лекин текисликларда Қ.да ҳам 15—20°,

тоғларда 5—10° гача илик кунлар бўлиб туради (қ. *Йил фасллари*).

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА, қишки олимпиада ўйинлари — спортнинг қишки турлари бўйича жаҳон миқёсида ўтказилалган туркум мусо-бакалар. 1924 й.дан *Халқаро олимпиада қўмитаси* томонидан ҳар 4 йилда ўтказилади (1940, 1944 й.ларда ўтказилмаган). 1908 ва 1920 й.ларда муз устида фигурали учиш, 1920 й.да шайбали хоккей *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилган. Қ.о.да *биатлон*, *бобслей*, *кёрлинг*, *конькида* учиш (500 м дан 10000 м гача пойга. муз устида фигурали учиш), *чана спорти*, *чан/и спорти*, шайбали хоккей (қ. *Хоккей*) бўйича мусобакалар уюштирилади.

Қ.о. ўтказилган йиллар ва жойлар: I Олимпиада ўйинлари — 1924, Шамони (Франция); II ва V — 1928 ва 1948, Санкт-Мориц (Швейцария); III ва XIII - 1932 ва 1980, Лейк-Плэсид (АҚШ); IV - 1936, Гармиш-Партен-кирхен (Германия); VI — 1952, Осло (Норвегия); VII — 1956, Кортина д'Ампеццо (Италия); VIII — 1960, Скво-Вэлли (АҚШ); IX ва XII - 1964 ва 1976, Инсбрук (Австрия); X — 1968, Гренобль (Франция); XI — 1972, Саппоро (Япония); XIV - 1984, Сараево (Югославия); XV — 1988, Калгари (Канада); XVI— 1992, Альбервиль (Франция); XVII — 1994, Лиллехаммер (Норвегия); XVIII - 1998, Нагано (Япония); XIX — 2002, Солт-Лейк-Сити (АҚШ).

Ўзбекистон спортчилари Қ.о.ларда 1994 й.дан иштирок этиб келади. Лина *Черязова*, Сергей *Бренер* (фристайл), Татьяна *Малинина* (муз устида фигурали учиш), *Комил* ва *Эльмира Урумбоевлар* (чанги спорти) каби спортчилар Қ.о.ларда муваффақиятли катнашган.

ҚИШКИ САРОЙ - Санкт-Петербург ш.даги меъморий ёдгорлик (1754—62, меъмори В.В.Растрелли); барокко услубида қурилган. 1917 й.гача Россия императорларининг қароргоҳи бўлган; 1918 й.да қисман, 1922 й.да бутунлай бино

Эрмитаж ихтиёрига берилган. Бино тўртбурчак шаклида ички ховлили; тарзлари Нева дарёси, Адмиралтейство ҳамда Сарой майдониغا қараган. Маҳобатли бино ҳашамдор ва бир ўқ йўналишида жойлашган; ўлчамлари (1000 дан ортиқ хона) ва турлича кўринишдаги тарзлари, ўткир чиқиб турган қисмлар, зина-поясимон бурчаклар, ўзгарувчан маромдаги устунлар унга кудратли шакл, салобатлилиқ ва кўркамлик бахш этган; ўймакорлик, ганчкорлик билан ишланиб, зарҳалланганлиги бинонинг тантанаворлигини оширган. Интерьерлари бир қанча маротаба қайтадан ўзгартирилган (мас, 1837 й.даги ёнғиндан сўнг тарзлари ва тантаналар зали таъмирланган).

ҚИШКИ ҚУЁШ ТУРИШИ - Қуёш гардишининг осмон гумбазидаги йиллик кўринма ҳаракати давомида гардиш марказининг эклиптиканинг энг жан. нуктасидан ўтиш пайти. Бу пайтда Қуёшнинг оғиш бурчаги — $23^{\circ}27'$ бўлади. Қ.к.т. пайтига яқин кунларда Қуёшнинг кўринма ҳаракати экваторга деярли параллел бўлади, натижада унинг туш пайтидаги баландлиги бир хил бўлиб, кун узунлиги ўзгармайди. Тропик йил (365,2422 сутка) билан календарь йили (365 ёки 366 кун) тенг эмаслиги сабабли, Қ.к.т. календарь сут-канинг бошланишига нисбатан турли вақтларга мос келади, оддий йилларда 5 соат 48 мин. 46 сек. кечроқ, кабиса йилида эса 18 соат 11 мин. 14 сек. олдинроқ келиши мумкин. Ҳозирги пайтда Қуёш Қ.к.т. нуктасидан 21 ёки 22 дек.да (астрономик қиш бошланади, чилла киради) ўтади. Қуёш Қ.к.т. бўлганида Шим. ярим шарда энг қисқа кун ва энг узун тун, Жан. ярим шарда эса аксинча бўлади.

ҚИШЛИҚ (рус манбаларида Кашлик), Сибирь — *Сибирь хонлигининг* пойтахти (15-а.нинг охиридан). тобольск ш.дан 17 км юқорида, Иртиш дарёсининг ўнг қирғоғида, Сибирка ирмоғининг қуйилиш жойида жойлашган. 14-а. бош-

ларидан маълум. 16-а.да Қ. аҳолиси савдо ва ҳунармандчилик (темирчилик, тўқимачилик, этикдўзлик, мўйнадўзлик, суякдан буюмлар яшаш), балиқ овлаш, дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Қ. атрофида истехкомли бир қанча майда шаҳарчалар бўлиб, уларда хон ва унинг қариндошлари яшаган. 1582 й. кузида *Ермак* қўшинлари томонидан босиб олингандан сўнг Қ.да ҳаёт сўнган. Қ.да (Искар шаҳар харобасида — татарча Эски ер) 1915 й. В.Н.Пигнатти қозишма ишлари олиб борган.

ҚИШЛОҚ — аҳолиси, асосан, дехқончилик, чорвачилик ва қ.х.нинг бошқа соҳаларида банд бўлган аҳоли манзил-гоҳи. Қ. фақат аҳолисининг машғулоти билан эмас, балки ижтимоий-иктисодий, маданий, табиий географик ва турмуш тарзи билан ҳам *шаҳардан* фарқ қилади. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишидаги энг куйи бўғин. Қ.нинг ижтимоий-иктисодий хусусияти аҳолини ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий-географик шарт-шароитлари билан боғлиқ. Шу боис Қ.лар тарихан катта-кичик бўлган, турар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган. Текис, серсув ва тупроғи серунум, умуман, табиий шароити қулай жойларда йирик Қ.лар жойлашиб, аҳоли анча гавжум яшаган, асосан, дехқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Текис, лекин суви кам бўлган жойларда (чўл ва даштларда) аҳоли кўпроқ чорвачилик билан машғул бўлган. Бундай жойларда Қ.лар кичик, бир-биридан анча узокда, асосан, қудуқлар ёнида жойлашган. Тоғли худудларда Қ.лар кўпроқ сой, булоқлар бўйида таркиб топган.

Қ.лар умумий бир марказга — қишлоқ фуқаролик йиғинларига эга бўлган, иктисодий ва ижтимоий жиҳатдан бири-бирига узвий боғланган кичик аҳоли манзилгоҳларига ҳам бўлиниши мумкин. Улар Ўзбекистонда маҳаллаларга ажралади. Тарихда маҳаллаларнинг бир Қ.га бирилашиши аҳолининг дехқончиликнинг

муайян тури билан шуғулланиши, бир қабиллага мансублиги, бир ариқдан сув ичиши, ҳашар, тўй ва маъракаларни бирга ўтказиши ва ш.к.га боғлиқ бўлган.

Қ. кишиларнинг ижтимоий ва тарихий таркиб топган бирлигидир. Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Саноатнинг ривожланиши ва *урбанизация* муносабати билан дунёда *қишлоқ аҳолиси* салмоғи камаймоқда. Ўзбекистон Қ.ларидаги аҳоли салмоғи ортмоқда. Бунинг асосий сабаби Қ.ларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнининг шаҳарлардагига нисбатан бир қадар жадал кечишидadir. 1970—90 й.ларда Ўзбекистон аҳолисининг 60% Қ.ларда яшаган. Республикада туғилишнинг нисбатан юқорилиги маълум даражада оилаларнинг кўпчилиги Қ. шароитида, Қ. турмуш тарзида яшаб келаётганлиги билан боғлиқ. Мас, 1990 й.да Қ.ларда ҳар 1000 кишига 39 та бола туғилган бўлса, шаҳарларда 26 та бола туғилганлиги қайд этилган. Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш тарзида иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. 1995 й.да Ўзбекистон Қ.ларида туғилишнинг йиғинди коэффиценти 4,12 ни ташкил этиб, аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган турига мансуб бўлса, 2001 й.да бу кўрсаткич 2,75 га тушди ва аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий (нормал) турини таъминламоқца. Бу ҳолат Ўзбекистон Қ. оилаларида кўп болалиликдан ўртача болалиликка ўтиш жараёни рўй бераётганини кўрсатади.

Қадимий Қ.лар аҳолининг мавсумий манзилгоҳларида ташкил топган. Ўзбекистон ҳудудидаги Қ.лар дастлаб кишиларнинг қиш фаслида истиқомат қиладиган жойи сифатида вужудга келган («Қ» номи ҳам шундан). Одамлар аста-секин деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқлик даврига ўтгач, Қ.лар кўпайди ва кенгайди. Ибтидоий жамият даврида шаклланган уруғ бирлашмалари ўтроқлик даврида ҳам сақланиб, бир уруғ

бир Қ.қа ўрнашган. Ҳоз. айрим Қ.лар ўша уруғ номи билан юритилади. Кейинчалик уруғларнинг қабилаларга бирлашиши натижасида йирик ёки бир-бирига яқин жойлашган Қ.лар пайдо бўлди. Мас, Кенагас, Манақ, Манғит, Мингли, Найман, Митан ва б. Қулдорлик даврида кўп мамлакатларда қулдорларнинг ерларида ишлайдиган кишиларнинг бир жойга ўрнашиши билан ҳам Қ. пайдо бўлган. Бу Қ.лар шу ер эгасининг номи билан ёки жойнинг географик ҳолатига қараб аталган. Хунарманчилик ва савдосотиқнинг ривожланиши билан ҳам янги Қ.лар вужудга келиб, кенгайиб борди. Карвон йўлларида, дарёларнинг кечув жойларида ҳам Қ. юзага келган: Еттикечув, Қизилкечув, Қоракечув, Лангар ва б. Хунармандчилик ва савдо ривожланиб, деҳқончилик ажралиб чиқа бошлагач, шаҳарлар юзага келди. Илк ижтимоий формацияларда аҳолининг кўпчилиги Қ.ларда яшаганлиги учун жамиятнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятлари Қ. ҳаёти билан белгиланган. Дастлабки даврларда Қ. жамоа бошлиғи, кейинчалик сайланадиган жамоа оқсоқоли ёки жамоа йиғини томонидан бошқарилган. Қ.ларнинг ташқи кўриниши, қурилиши ҳам даврдан-даврга ўзгариб борган. Мас, Хоразм ҳудудида, Суғдда 6—7-а.ларда янги типдаги Қ.лар — катта-катта бой оилалар яшайдиган қаср-қўрғонлар бўлган, оддий деҳқонлар эса майда қўрғончаларда яшардилар. Ҳар бир қаср-қўрғоннинг атрофи мудофаа девори билан ўралган бўлиб, ўртасида қўшқи бўлган. Темурийлар даврида ҳоз. Ўрта Осиё ҳудудида Қ.ларни ободонлаштиришга, ариқ ва каналлар қазиб, боғроғлар барпо қилишга аҳамият берилган. Европа мамлакатларида саноат, и.ч.нинг ривожланиши қ. ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Қ.лар 20-а.нинг 2-ярмида анча ривожланди. қ. аҳолисининг турмуш тарзи яхшиланди. Қ.лардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди. Сўнгги даврда Қ.лар камайиб, шаҳарлар салмоғи ортиб борди.

Ҳоз.да Қ. аҳолиси жаҳон аҳолисининг қарийб 53%ни ташкил этади.

Юридик мақоми. «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгар-тириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 30 авг.даги қонунида Қ.лар, овулларни тузиш ва тугатиш, чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш, маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ва б. вазифалар тегишли туман ҳокимларининг илти-мосномасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади дейилган.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ - мамлакат жами аҳолисининг вилоят ва туманлардаги қишлоқ-овулларда яшайдиган қисми. Қ.а.нинг аксари қисми, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ёки қ.х.нинг бошқа турлари билан машғул бўлади. мамлакат иқтисодий ривожланган сари саноатда ишловчилар салмоғи ортиб, бутун аҳоли таркибида Қ.а. салмоғи камайиб боради (қ. *Шаҳар аҳолиси*). 19-а. бошларида қишлоқларда жаҳон аҳолисининг 95—97%, 20-а. бошларида қарийб 85% яшаган бўлса, 1970 й.да 65% дан камроғи истиқомат қилди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда Қ.а. салмоғи анча паст. Мас, Буюк Британияда 11%, Германияда 12%, АҚШда 21% га яқин. Баъзи мамлакатларда шаҳарларнинг эко-логик шароити оғирлашиб бориши ва транспортнинг ривожланиши натижасида аҳоли шаҳарлардан қишлоқларга кўчиб ўтиши жараёни кузатилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб кетди. Қ.а.нинг шаҳар аҳолисига нисбатан жадалроқ кўпайиши натижасида Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг улуши пасайиб бормоқда. Республикада Қ.а.нинг ўсишига аҳоли таби-

ий кўпайиши кўрсаткичлари (асосан, туғилиш)нинг кўпайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Мас, 1991 й.да мамлакат аҳолисининг 59,5% ни қишлоқ, 40,5% ни шаҳар аҳолиси ташкил этган бўлса, 2004 й.да бу кўрсаткич мос равишда 63,5% ва 36,5% дан иборат бўлди, яъни Қ.а. салмоғи 4,0% га ошган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг қишлоқжойларида туғилишнинг умумий коэффициенти (ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони) 22,4 ни, туғилишнинг махсус коэффициенти (ҳар 1 та 15—49 ёшдаги аёлга нисбатан болалар сони) 2,75 ни ташкил қилади. Ўзбекистонда янги иқтисодий ислохотларнинг жорий этилиши, бозор муносабатларининг шаклланиши ва б. Қ.а. нинг демографик вазиятига маълум даражада таъсир этди.

Нафиса Мажидова.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ (ҚВП) — даволаш-профилактика муассасаси, маълум ҳудудга бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 21 май «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 1996 — 2000 й.ларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги 182-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1996 й. 30 май 464-сонли буйруғига асосан ташкил қилинган. Шунга кўра, ҚВП 1500 ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган жойларда ташкил қилинади. Ҳоз. кунда фаолият кўрсатаётган ҚВП аҳоли сонига қараб 4 тоифага бўлинади, ундаги врачлар ҳамда ўрта тиббий ходимлар шунга мувофиқ белгиланади:

- аҳолиси 1500 — 2500 гача I тоифали;
- 2500 — 3000 гача II тоифали;
- 3000 — 5000 гача III тоифали;
- 5000 — 7000 ва ундан ортиқ IV тоифали.

ҚВП қуйидаги вазифаларни амалга

оширади:

бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш; аҳоли ўртасида касалланиш, жароҳатланиш, ўлим ва ногиронликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиш;

аҳолини санитария-гигиена кўникмалари бўйича билим савиясини ошириш, рационал овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни тарғиб қилиш, зарарли одатлар (чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик)нинг олдини олиш, уларга қарши кураш тадбирларини ташкил қилиш;

эмлаш ишлари, аҳоли яшайдиган жойлар, ташкилот, муассасалар, корхоналарнинг тозалиги, ичимлик суви таъминотини назорат қилиш, уларда жорий санитария назорати ўрнатиш;

ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, болалар орасида туғма нуқсонлар ва насл касалликларини камайтириш;

аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш, диспансер назоратига олиш;

сил, тери-таносил, саратон (рак), рухий, ички секреция безлари касалликлари ва б.га қарши курашиш бўйича даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўтказиш;

аҳоли ўртасида касалланишни, ишчи ва хизматчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик сабабларини аниқлаш ва камайтириш мақсадида хўжаликлар, ташкилотлар, корхона раҳбарлари билан биргаликда тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва профилактик ёрдамнинг сифати ва самардорлигини ошириш;

касалликларни вақтида аниқлаш, зарурият бўлганда тегишли даволаш-профилактика муассасаларига юбориш, врачлар маслаҳатини ташкил қилиш;

меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экс-

пертизасини ўтказиш;

хавфли юқумли касалликлар, захарланишлар каби фавқулодда ҳодисалар рўй берганида юкори (вилоят, туман марказий касалхоналарига) даволаш муассасаларига хабар бериш;

аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган барча режа-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда жамоа ташкилотларини жалб этиш. ҚВП га врач раҳбарлик қилади.

Республикада 1996 й. 307 та ҚВП ташкил қилинган бўлиб, уларда 237 нафар врач фаолият кўрсатган бўлса, 2004 й. улар сони 2566 тани, врачлар сони эса 6174 тани ташкил этди. Ҳоз. уларнинг барчасида махсус тайёргарликдан ўтган умумий амалиёт врачлари фаолият кўрсатмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ - моддий и.ч. нинг асосий тармоқларидан бири. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш учун экинлар экиш ва чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланади, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини хом ашё билан таъминлайди. Қ.х. ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини дастлабки қайта иш-лашнинг турли тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Моддий и.ч.нинг бошқа жами соҳаларидан фарқ қилган ҳолда Қ.х. жуда катта май-донларда ва ҳудудий хилма хил шароитларда олиб борилади. Унда *ер* (асосий и.ч. воситаси), ёруғлик, иссиқлик, сув ва тирик организмлар — ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланилади. Қ.х.нинг и.ч. даври иш даври билан мос тушмайди. Қ.х.нинг асосий тармоқлари — *деҳқончилик* ва *чорвачилик*. Улар ҳам ўз навбатида бир қадар кичикроқ тармоқларга бўлинади (деҳқончиликда — далачилик, *сабзавотчилик*, *полизчилик*, *боғдорчилик*, *ўрмон хўжалиги* ва б.; чорвачиликда — *қорамолчилик*, *қўйчилик*, *йилқиччилик*, *чўчқаччилик*, *паррандачилик*, *асалариччилик*, *пиллачилик* ва б.); Ўз навбатида, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари

экиладиган экинлар (ғаллачилик, *шоликорлик*, *пахтачилик*) ва чорва моллари турлари (*қорамол*, *қўй*, *от*, *туя*) бўйича гурухланади.

Қ.х. — инсон хўжалик фаолиятининг дастлабки турларидан бири. Унинг келиб чиқиши тош даври охирига бориб тақалади. Бу даврда инсон хўжалик ва б. эҳтиёжларини қондириш учун ерни оддий қуроллар билан ишлаган, баъзи хайвонларни хонакилаштира бошлаган. Асрлар давомида турли шароитлар таъсирида *деҳқончилик тизими* ўзгарган ва такомиллашган; хайвонларнинг фойдали хусусиятлари парваришланган, кўплаб зотлари етиштирилган.

Жаҳон Қ.х.да дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг 45,2% (1316,7 млн. киши) банд. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар 13387,0 млн. га, жумладан, ҳайдаладиган ерлар 1380,8 млн. га, жами суғориладиган ерлар 271,4 млн.га (1998). 1999 й.да жаҳон Қ.х.да 583,6 млн.т буғдой, 596,4 млн. т шоли, 600,4 млн. т маккажўхори, 130,0 млн. т арпа, 294,3 млн. т картошка, 444,6 млн. т мевалар, шу жумладан 60,6 млн. т узум етиштирилди. Чорвачиликда 225,9 млн. т гўшт, 562,4 млн. т сут тайёрланди. 1338,2 млн. бош қорамол, 912,7 млн. чўчка, 1068,6 млн. қўй ва 709,9 млн. бош эчки, 14139,0 млн. товуқ боқилди.

Дилдора Саидова.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ — қ.х.ни ҳудудий ташкил этиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фан соҳаси, иқтисодий ва ижтимоий география тармоғи. турли мамлакат ва районлар қ.х.ни мажмуали ўрганиш ва башорат қилиш, табиий шароит ва ресурсларни қ.х. нуктаи назардан баҳолашга доир тадқиқотлар олиб боради. Қ.х. иқтисодиётнинг тармоғи сифатида аҳолининг қ.х. махсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқ қилиб, қ.х. жойнинг

агроиқлимий ресурслари билан чамбарчас боғлиқ, шунингдек, ер қ.х. ишлаб чиқаришида меҳнат воситаси ҳамда предмети ҳамдир. Қ.х. тармоқларининг жойлашуви ва ривожланишига жойнинг табиий шароити (асосан, рельефи ва иклими), ресурслари (ер, сув, хайвон ва ўсимликлари), ижтимоий-иқтисодий, транспорт, экологик ва б. омиллар бевоСИТА таъсир кўрсатади.

Қ.х.г. олиб борадиган тадқиқотлар ер фонди ва ундан фойдаланиш ҳамда хариталаштириш, қ.х. экинларининг тарқалиши, агроиқтисодий тармоқлари ва уларнинг қорхоналарини ҳудудий ташкил этиш, ривожлантириш, қ.х.ни районлаштириш масалаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда чорвачилик (Қ.А. Абирқулов), аграр-саноат мажмуини (А.Р.Рўзиев ва А.М.Содиқов) ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Қ.х.ни турли регионлар ва тармоқлар бўйича ташкил этиш муаммолари билан З.М.Акрамов, Р.А.Ҳодиев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.Тожинов, С.С.Саидқаримов, Т.Жумаев, К.К.Қурбонов, Ш. Ази-мов, Р.У.Усмонов ва б. шуғулланганлар.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ

- хўжаликлар томонидан и.ч. воситаси сифатида режали ва узлуксиз фойдаланиладиган ер участкалари ва массивлари, экинзорлар (ҳайдалма ерлар), кўп йиллик экинзорлар (боғлар, резавор мева майдонлари), пичанзорлар, яйловлар ҳамда кўрик-бўз ерлар. Суғорма деҳқончилик минтақаларида Қ.х.е.га ҳайдалма ерлар, кўрик ерлар, томорқа ерлари, ихота ўрмон минтақалари, кўп йиллик экинзорлар, пичанзорлар, яйловлар қиради. Кўп йиллик экинзорлар — экилган дарахтзорлар, бутазорлар ва ўтсимон ўсимликлар (боғлар, узумзорлар, резавор мевали майдонлар) билан банд бўлган ер участкалари. Пичанзорлар — ўт-ўлани пичан учун ўриладиган ер майдонлари. Пичанзорлар кўлоб, қуруқ ва ботқоқланган турларга бўлинади.

Хўжаликлар ерлари доирасида пичанзорларнинг бўлиши ва уларнинг турлари худуднинг тузилиши ва табиий шароитлари билан белгиланади. Яйловлар — моллар ўтлатиб боқиладиган ер майдонлари; шунингдек, пичани ўриб олинмайдиган ва қўриқ ҳисобланмайдиган ерлар ҳам яйловга киради. И.ч.ни интенсивлаш ва хўжаликнинг ички ер резервлари ўзлаштирилиши натижасида Қ.х.е.нинг тузилмаси такомиллашади, фойдаланиладиган ер хиссаси ошади. Шўрланган ерлар мелиорацияси, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирлари, суғориладиган маданий яйловлар барпо этиш ва б. Қ.х.е.дан фойдаланишнинг яхшиланишига ёрдам беради. Ўзбекистонда жами Қ.х.е. 26,7 млн. га, шундан асосий қ.х. экинларининг умумий майдони 3785,1 минг га ни ташкил қилди (2004; яна қ. *Ер фанди*).

Қосимжон Раҳмонов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИ — қ.х. учун аҳамиятли бўлган иқлим, метеорологик, гидрологик ва тупроқ шароитлари билан қ.х. ишлаб чиқариши объектлари ва жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни алоқадорликда ўрганувчи фан. *Агроиқлимшунослик, агрогидрология*, қ.х. фенологияси агрометеорологик хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Қ.х.м. физика, геогр., биол., тупроқшунослик ва б. қ.х. фанлари билан чамбарчас боғлиқ. Қ.х.м.нинг асосий вазибалари: қ.х. ишлаб чиқаришидаги метеорологик ва иқлим шароитлари шаклланиш қонуниятларини географик ва вақт жиҳатларидан ўрганиш; метеорологик омилларнинг агробиоценозлар ривож, ҳолати ва маҳсулдорлигига, қ.х. экинлари зараркундалари ва касалликларининг ривожланиши ва тарқалишига таъсирини тадқиқ қилиш; иқлим ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадларида қ.х. экинларини жойлаштириш ва уларни парвариш қилишнинг агротехник тадбирларини агрометеорологик асослаш;

агрометеорологик прогноз усуллари ва тавсиялар ишлаб чиқиш; об-ҳаво ва иқлимнинг ноқулай ҳодисаларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва б.

Қ.х. экинларининг ривожланиш шароити ва ҳосилдорлигини белгиловчи ташкил муҳитдаги асосий ва иккинчи даражали омилларнинг миқдорий қийматларини аниқлаш учун Қ.х.м.да қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилади: мундатларни оралагиб экиш — экин муайян бир пунктда ҳар хил мундатларда (5—10 кундан оралагиб) экилади; географик экиш — муайян ўсимлик навлари иқлим шароитлари турлича бўлган пунктларда экилади; экспериментал дала усули — дала тажриба майдонларида ўсимликни парвариш қилишнинг агрометеорологик шароитлари ўзгартирилади; дистанцион (ноконтракт) ўлчаш — вертолёт, самолёт ва Ер йўлдошларида ўрнатилган асбоблар ёрдамида қатта майдонлардаги экинлар ва тупроқнинг ҳолати аниқланади; фитотрон усули — сунъий иқлимхоналарда ўсимликларнинг гидрометеорологик омилларнинг турли комплексига реакциясини ўрганишга имкон беради (қ. *Фитотрон*); математик (динамик) статистик моделлаштириш — математик аппарат ёрдамида метеорологик омилларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилади.

Қ.х.м. амалий фан сифатида 19-а. нинг 2-ярмида пайдо бўлди. Ўрта Осиёда дастлабки агрометеорологик тадқиқотлар 20-а. бошларидан олиб борилди. 1921 й.да Тошкентда Туркистон метеорология ин-ти (Туркмет; ҳоз. *Гидрометеорология институти*) ташкил этилди. Ғўза, ғалла, беда, сабзавот, полиз ва б. экин майлонлари, боғ, токзор, яйловларнинг микроклими, радиацион ва иссиқлик баланси ўрга-нилди, уларнинг шаклланиш қонуниятлари Б.А.Айзенштат, Е.А.Лопухин, И.В.Зуев, В.В.Карнаухова, Ф.А.Мўминов, Б.Е.Милькис, Г.А.Аҳмедов, Э.А.Иброҳимова, А.И.Костенко, А.Г. То-

ропова, А.Ш. Жалилов ва б. олимларнинг асарларида сритиб берилди. 60-й.лардан бошлаб, қ.х. ишлаб чиқаришининг янги талаблари асосида қ.х. экинларининг ҳолати ва уларнинг ҳосилдорлигини ҳудудлар миқёсида баҳолаш ва прогнозлаш методикаси ишлаб чиқилди, қисқа муддатда катта майдонлардаги экинларнинг ҳолати ва ҳосилдорлигини авиация ёрдамида фотометрик усул б-н баҳолаш амалга оширилди. Сўнгги йилларда қ.х. экинларининг биологияси, экологияси, биометрияси асосида «об-ҳаво — ҳосилдорлик» прогноз моделлари тадқиқ қилинмоқда (қ. *Агротеморологик хизмат кўрсатиш, Агротеморологик кузатишлар, Агроқлимунослик*).

Ад.: Хамзин К.С. Қишлоқ хўжалиги метеорологияси асослари: [Қўлланма], Т., 1986,

Ҳамидулла Абдуллаев.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХАРИТАСИ — қ.х. ишлаб чиқаришининг жойлашуви, ҳолати ва истикболни, шунингдек, қ.х.ни бошқаришнинг иқтисодий ва ташкилий-техник шароитларини ақс эттирувчи махсус географик харита. Қ.х. ишлаб чиқаришини режалаштиришда, қ.х.ни бошқаришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, ердан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва майдонини ҳисобга олишда маълумотнома-қўлланма бўлиб хизмат қилади. Мелиорация, ер тузиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш ва б. агротехник тадбирларни ишлаб чиқишда, ўқув ва илмий ишларда, маълум бир ҳудуднинг қ.х. географияси ва иқтисодиётини батафсил ўрганишда қўлланилади. Хари-тада *қишлоқ хўжалиги ерлари*, ирригация ва *коллектор-дренаж тармоқлари*, маъмурий ва хўжалик чегаралари, йўллари ва б. элементлар тасвирланади. Харита аэрофотосъёмка материаллари асосида тайёрланади. Масштаби қ.х. зоналарига қараб 1:25000 — 1:200000, сугориладиган зоналар учун 1:25000, лалми яйловлар учун 1:50000 ва ундан кичик. Қ.х.х.

серияси ҳам мавжуд, буларга ердан фойдаланиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш, яйлов типлари, қ.х.ни р-нлаштириш ва ихтисослаштириш, қ.х. экинларининг тарқалиши, қ.х.ни механизациялаш, агроиклим ва б. хариталар қиради.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭНТОМОЛОГИЯСИ — умумий *энтомология*нинг бир соҳаси; ҳашаротларнинг тана тузилиши, органлари фаолияти, яшаш тарзи, ташқи муҳит билан ўзаро муносабати, зарари ва фойдали томонлари ва б.ни ўрганади. Қ.х.э., асосан, ҳашаротлар — қ.х. экинлари, жумладан, *ўсимликлар зараркундалари* уларга қарши кураш чоралари ҳамда улар кўпайиши прогнози усулларини ишлаб чиқишни, зараркундаларнинг табиий қушандалари — энтомофагларни, чанглатувчи-ҳашаротлар, асалари (асал берали), тут ва эман ипак курти (ипак учун), лок берувчи червецлар, тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этувчи ҳашаротлар ва б.ни муҳофаза қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари, шунингдек, ҳашаротлардан ташқари бошқа зарарли умуртқасиз ҳайвонлар — нематодалар, моллюскалар ва каналарни ҳам тадқиқ этади. Қ.х.э. фан сифатида зоология, умумий энтомология ва агрономия асосида шаклланди. Унинг мустақил фан бўлиб (19-а. 50-й.ларида) ривожланиши ҳашаротларнинг инсон ҳаётида тугган амалий аҳамияти билан боғлиқ. Қ.х.э.нинг илмий ва и.ч. вазифалари экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ўсимликларни химоя қилишнинг янада самарали усулларини топиш, ўсимлик зараркундаларини йўқ қилиш, фойдали ҳашаротларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан самаралироқ фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Зараркунда турларнинг маданий ўсимликлар ва муҳитнинг бошқа омиллари билан ўзаро мураккаб муносабати, улар миқдорининг кескин ўзгариб туриши ҳамда табиатда моддалар айланишидаги кенг иштирсжи ҳар томонлама эко-

логик и.т. ишлари олиб боришни тақозо этади.

19-а. бошларида зараркунандаларга қарши фаол кураш чоралари ҳали қўлланмаган даврда экинлар ҳосили 10—40% гача камайган. Агроэкологик, кимёвий ва б. қарши кураш чораларининг ривожланиши туфайли баъзи жуда хавфли ҳашаротлар — чигиртка, тунлам ва б. келтирадиган зарар кескин камайди. Қ.х. ва ўрмон энтомологиясига оид дастлабки ишлар 19-а.ла пайдо бўлган. Бир қанча мамлакатлар (Франция, Англия, Россия)да илмий энтомологик жамиятлар ташкил қилинган. Зараркунанда ҳашаротлар (айниқса, чигиртка ва б.)нинг қ.х.га келтирган катта зарари и.т. ишларини марказлаштириш ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чораларини давлат миқёсида олиб бориш зарурлигини тақозо этди. Шундай қилиб, кўпгина мамлакатларда ўсимликларни зараркунандалардап ҳимоя қилиш бўйича давлат энтомологик хизмати вужудга келди. Ҳашаротларни илмий асосда ўрганишни Ўрта Осиёда А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин ва б. бошлаб берган. Тошкентда биринчи энтомологик ст-я 1911 й.да очилган (ҳоз. Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институти). Унинг вазифаси қ.х.га катта зиён келтирадиган жуда хавфли зараркунандалар (чигиртка, кемирувчилар, тунламлар, каналар ва б.)ни, касалликларни (*қорақуя, занг, вилт, гоммоз* ва б.) ўрганишдан иборат эди.

Ўрта Осиёда энтомология фани ривожига ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга *Н.Запрометов, М.Каримов, М. Кособуцкий, Н.Мирпўлатова, К. Мирпўлатов, В.Никольский, Р. Олимжонов, М.Сонина, Ф.М.Успенский, С.Харин, В.В.Яхонтов* ва б. катта ҳисса қўшди. Ташкилий-хўжалик, агротехник, кимёвий ва биологик қарши кураш усулларини ўзида мужассамлаштирган ўсимликларни интефал ҳимоя усули системаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда ғалла, техника ва

б. экинлар зараркунандалари энтомофагларини қўпайтирадиган 725 дан ортик биологаториялар ҳамда биофабрика бор (2004). Қ.х.э. соҳасидаги ишлар ва энтомолог кадрлар тайёрлаш Тошкент аграр ун-ти ва б. бир қанча ин-тларда олиб борилади.

Ад.: Яхонтов В.В., Экология насекомых. 2-изд., М., 1969; Олимжонов Р.О., Энтомология, Т., 1977; Мигулин А.А., Осмоловский Г.Е., Сельско-хозяйственная энтомология, М., 1976; Муродов С.А., Умумий энтомология курси, Т, 1986.

Султон Алимухамедов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КИМЁЛАШТИРИШ — қ.х. ишлаб

чиқариши жараёнларида кимёвий моддаларни қўллаш; кимё, биокимё, микробиология ва агрокимё фани ютуқларидан фойдаланган ҳолда кам меҳнат ва маблағ сарфлаб олинадиган маҳсулот ҳажмини қўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирлардан бири. Қ.х.ни «кимёлаштириш» атамаси 20-а.нинг 30-й.ларда турли зоналарда ўғитлар тизимини қўллаш туфайли рус олими Д.Н.Прянишников (1865—1948) томонидан таклиф қилинган. Ўғитлардан фойдаланиш, тупроқни кимёвий мелиорациялаш (оҳаклаш, гипслаш), ўсимликларни бегона ўтлардан, зараркунандалар ва касалликлардан муҳофаза қилиш; дефолиация ва десикация; ўсимликларнинг ўсиши ҳамда ҳосил беришини бошқариш; чорвачиликда озуқа ва доривор воситалар ишлатиш, қ.х. маҳсулотларини консервалаш, мелиорация, қ.х. қурилиши ва б.да синтетик материаллардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ўғитлардан фойдаланиш Қ.х.к.нинг асосий йўналишидир. Ўғит ҳосилдорликни оширади. Минерал ўғитлар ишлатилганда ҳосилнинг қай даражада ортиши кўпгина омиллар (тупроқ, иқлим, ташкилий-иктисодий шароит, экин навлари, экиш технологияси, ўғитнинг сифати ва б.)га ҳамда биринчи навбатда, деҳқончилик маданиятига боғлиқ. Ўғитларни илмий асосда қўллаш

нафақат ҳосилдорликнинг ошиши, балки қ.х. маҳсулотлари, мас, донда оксил микдорининг ҳамда унинг аминокислота таркибини яхшиланишини таъминлайди. Қ.х. экинларини экишда интенсиф технологияларнинг ўзлаштирилаётганлиги, ҳосилдорликни программалаштириш натижасида ўғитлар роли кескин ўсмоқца. *Пестицидлар* қ.х. экинларини бегона ўтлардан, зараркунанда ва касалликлардан ҳимояловчи кучли восита. Уларнинг қўлланишида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва аралаш (интеграл) усули ишлаб чиқилган. Пестицидлардан оптимал меъёрларда ва керакли муддатда фойдаланиш қ.х. экинларини интенсиф технология асосида етиштириш элементларидан биридир.

Ў с и м л и к ш у н о с л и к д а ўсимликларнинг ўсиши ва ҳосилга киришини бошқарувчи моддалар — гиббереллинлар, ауксинлар, мутагенлар ва б., ҳамда дефолиантлар, десикантлар қўлланилади. Полиплоидлар олиш учун мутагенлардан фойдаланилади.

Чорвачиликда турли *минерал озукалар* — фосфоритлар, карбамид, премикселар, витаминлар қўшилган емлардан фойдаланилади. Бундай қўшилмалар қ.х. ҳайвонларининг тўлиқ ўсиши, озикланиши ва маҳсулдорлигини таъминлайди. Улардан тўлиқ рационли аралаш ем и.ч.да фойдаланилади. Чорвачиликда озука ва доривор воситалар сифатида ҳайвонларга зарур минерал моддалар: макроэлементлар ва микро-элементлар; минерал қўшимча сифатида ош тузи, бўр, оҳак, фторсизлантирилган фосфат, суяк уни ва б. берилади. Тупроқда микроэлементлар кам р-нларда ҳайвонлар рационига темир, кобальт, мис, йод, марганец бирикмалари қўшилади. Ҳазм бўладиган про-теин етишмаганда чорва моллари рационни корбамид (мочевина) билан тўлдирилади. Ветеринария амалиётида кимёвий синтез асосида олинган дори воситалари қўлланилади. Қ.х.га азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар, мураккаб ўғитлар етказиб бе-

рилади. Суюқ ўғитлар, айниқса, азотли ўғитлар ҳамда микроўғитлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда ва ишлатилмоқда.

Бактериал ўғитлар (*азотобактерин, нитрагин, энтобактерин* ва б.) дуқаккли ўсимликлар илдизида азот тўпловчи туганаклар ҳосил бўлишига ва тупроқда азот тўпловчи микроорганизмлар кўпайишига ёрдам беради.

Ўсимликларни бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандалардан кимёвий йўл билан муҳофаза қилиш кенг йўлга қўйилган, бу мақсадда хлорорганик бирикмалар, фосфорорганик бирикмалар, олтингугуртнинг органик бирик-маларидан фойдаланилади. Бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий воситалар (*гербицидлар*), шунингдек, дефолиантлар ва десикантлар и.ч.да ҳам анчагина муваффақиятларга эришилди.

Қ.х.к.ни амалга оширишда кимёвий воситалардан фойдаланиш ишларини механизациялаштириш катта аҳамиятга эга. Ўғитларни тайёрлаш ва солиш учун машиналар (культиваторлар, қуюқ ва суюқ ўғитлар соладиган машиналар), пурковчи (ерда) ва чангловчи (ҳавода—авиация), уруғликни дориворчи ва б. мосламалардан кенг фойдаланилади. 2004 й.дан бошлаб қ.х.га хизмат кўрсатадиган «Қишлоқ-хўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва уларнинг туман бўлиmlари «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига ўтказилди. Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш Республика маркази ва унинг вилоят марказлари ҳамда барча туманларда отрядлари (160 га яқин) ташкил этилди.

Ўзбекистон кимё саноати қ.х. учун жами 607,34 минг т (100% озик модда ҳисобида) минерал ўғитлар, жумладан, 463,77 минг т азотли, 117,16 минг т фосфорли, 26,48 минг т калийли ўғитлар етказиб берди (2004).

Рисқибой Ёқубов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қ.х.да инсон-

нинг жисмоний (қўл) меҳнاتини машина ва механизмлар билан бажариш. Қ.х. ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш ишидаги энг муҳим масалалардан бири. Қ.х.нинг маҳсулдорлиги селекция, кимёлаштириш ва б. билан бир қаторда барча турдаги қ.х. ишларини механизациялаш даражаси билан белгиланади. Қ.х.м.ни тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири — меҳнатнинг энергия билан қуролланиши [и.ч. жараёнида меҳнатнинг барча турдаги (электр, механика ва иссиқлик) энергия билан таъминланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич] ва техника билан қуролланиши даражасидир. Қ.х.м. даражаси меҳнатни механизациялаш босқичи б-н, яъни механизацияланган меҳнат салмоғининг қ.х. маҳсулоти ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажати билан баҳоланади.

20-а.нинг 20-й.ларига қадар Ўзбекистон қ.х., асосан, майда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, қ.х.да қўл меҳнати ва оддий иш қуроллари (кетмон, омон, от, хўкиз ва б.) ишлатилган. 20-й.лар ўрталаридан қ.х. асбоб-ускуналарини ижарага берадиган давлат пунктлари, 1924 й. «Трактор маркази» ташкил этилди, чет эллардан сотиб олинган тракторлар ва б. техника воситалари дастлабки жамоа хўжаликлари (колхозлар) га етказиб берилди. 1929 й. республикада 400 дан ортиқ трактор, 3611 автомашина, 3897 плуг, 1660 дона отга қўшиб ишлатиладиган экиш сеялкаси, 1244 культиватор, 1262 очар (оқучник), 187 молотилка (янчгич), 87 мингдан ортиқ арава, 26 минг бричка (тўрт гилдиракли музика арава) ва б. ишлатилди. 1930 й.га келиб давлат томонидан жамоа ва давлат қ.х. корхоналарига техник хизмат кўрсатадиган, ўзининг моддий-техника ресурслари, механизатор ходимлари, таъмирлов ва таъминот базасига эга бўлган машина-трактор ст-ялари (МТС) ташкил этилди (қ. *Машинасозлик саноати*). 1940-й.лар бошида республикада 180 та МТС ишлади. кейинги йилларда

МТСларнинг сифат таркиби ўзгарди, уянги констракци-ядаги машиналар билан тўлатилди. Хўжаликлар кучли қувватга эга тракторлар, юқори унумли дон комбайнлари, кенг ва кўп қаторли машиналар (мас, пахта териш машиналари), шунингдек, бир юришда бир қанча операцияларни бажарадиган машиналар билан қуроллантирилди. Ер қазийдиган, мелиорация машина ва қуроллари, замонавий юк автомобиль ва трактор прицеплари, махсус автотранспортлар и. ч., уларни қ.х.га етказиб бериш йил сайин кўпайиб борди. 1990-й.лар бошига келиб республика қ.х.да 182 минг трактор, 30,5 минг юк автомобили ва б. қ.х. машиналари ишлади. Қ.х.ни электрлаштириш кўсалиди. Чорвачилик ва паррандачиликда саноат типидagi йирик ва ихтисослаштирилган фермалар қурилиб электр билан ишлайдиган машиналар технологияси жорий қилинди. Электр энергиясидан суғоришда (насос ст-ялари), чорвачиликда, оморхоналар ва совуқхоналарда ва б. тармоқларда тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Қ.х.да асосий дала ишлари (ер ҳайдаш, экиш, культивация билан бирга ўғитлаш, дон экинларини йигиб олиш ва б.) тўлиқ, экин қатор ораларига ишлов бериш, пахта териш каби ишлар юқори даражада механизациялаштирилди. 2001—2005 й.ларда республикага чет эллардан қ.х. техникаси («Кейс» ғалла ўриш, пахта териш комбайнлари, тракторлар) келтирилди, қ.х. корхоналарига хизмат кўрсатадиган 184 туман машина-трактор парклари (МТП) ва деҳқон-фермер ва б. хўжаликлар уюшмаларига қарашли 1007 муқобил машина-трактор парклари ташкил этилди.

Азимиддин Сирожиiddинов.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» — оммавий ижтимоий-иқтисодий газета. 1974 й. 1 январдан «Қишлоқ ҳақиқати» (1974—89 й.ларда русчага ўгирилиб «Сельская правда») номи билан ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. 1993 й.дан ҳоз. номда. Тошкент ш.да нашр этилади.

Республика кишлоқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, аграр сиёсат, кишлоқларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, жаҳонда аграр соҳадаги фан-техника ютуқлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ҳаёти, муаммолари, уруғчилик ва селекция, деҳқончилик, чорвачилик масалалари ёритилади. Таҳририятининг «Нигоҳ», «Таҳлил», «Буни ҳаёт дейдилар», «Кишлоққаги дув-дув гап», «Бунга нима дейсиз», «Хангома», «Гурунг» ва б. рукунлари омма-боплиги билан ажралиб туради. 1999 й. дан бош муҳаррир Ўткир Раҳмат. Адади 18—25 минг нусха.

ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ — яҳудий, христиан ва ислом дини ривоятларига кўра, Одаматонинг икки ўғли. Қ. ва Ҳ. Библияда Каин ва Авел деб тилга олинган. Ривоятга кўра, Одамато ҳар фарзанд кўрганида 1 ўғил ва 1 қиз туғилар эди. Илгари туғилган ўғил фарзандига 2-вақтда туғилган қизни олиб берар, шу тарзда инсонлар кўпа-яр эди. Қобил 1 қиз б-н, Ҳобил ҳам 1 қиз билан эгиз туғилдилар. Одамато қоидага кўра, Қобил билан туғилган қизни Ҳобилга бермоқчи бўлди. Лекин Қобил эътироз билдирди. Шунда, Одамато, икковингиз Аллоҳ йўлида қурбонлик қилинглар, қайси бирингизнинг қурбонлигингиз қабул бўлса, қизни ўшанга никоҳлаб бераман деди. Қобил деҳқончилик касбидан топган арзимас нарсасини худо йўлига атайди. Ҳобил эса қўйлари орасидан энг яхши бир қўчқорни танлаб қурбонлик қилади. Шунда Ҳобилнинг қурбонлиги қабул қилингани маълум бўлади. Бундан ғазабга келган Қобил ўз инисини ўлдиради. Ҳобил ўлимга юз тутаетган бўлса-да, акасига қарши қўл кўтармаслигини, қотилни Аллоҳ шубҳасиз дўзах билан жазолашини айтади. Воқеа баён этилган «Моида» сурасидаги оятларда (5:27/30 —32/35) бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдириш, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишдир, деб таъкидланади.

ҚОБИЛИЯТ — инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қ. *билимдан* кескин фаркланади, билим мутолаа натижаси ҳисобланади, Қ. шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қ. *кўникма*, *малақа*ци фарқ қилади. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан Қ. айнанлаштирилади. Қ. инсон томонидан *кўникма* ва *малака*ларнинг эгалланиши жараёнида тақомиллашиб боради. Ҳар қандай Қ. тури шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун Қ. деганда бирорга хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Барча Қ. учун таянч хусусият — қузатувчанликда, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш *кўникмасидир*. Қ.нинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга. Бу табиий манба кўпинча зехн тушунчаси билан юритилади. Зехн муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зехн нишонлари деганда қ. ички имкониятларининг табиий асосини тушуниш лозим. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, талабчанлик кабиларнинг маҳсулидир. Қ. умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий қ. деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қ. табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантирилиши мумкин. Қ.ни маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш орқали, табиий зехн нишонларини аниқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга

жалб этиш, Қ.ни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашувни умумий талаблар билан уйғунликда олиб бориш ва б. орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Қ.нинг юқори даражаси *истеъдод* ва даҳолик (қ. *Даҳо*) намоён бўлади.

Эргаш Ҳозиев.

ҚОБИҚ (техника ва эластиклик назариясида) — иккита эгри чизиқ сирт билан чегараланган қаттиқ жисм; сиртлар орасидаги масофа бошқа иккита ўлчамига нисбатан кичик бўлади. Шақлига қараб доиравий, цилиндрлик, эллиптик, конуссимон, тороидал ва б.; сирт геометриясига қараб мусбат (сферик ва эллипсоидал), манфий (гиперболоид, параболоидлар) ҳамда ноль (цилиндрик ва конус) эгриликдаги хилларга; материалига қараб, изотопли ёки анизотопли хилларга бўлинади. Қ. темир-бетон, пўлат, ёғоч, энгил қотишмалар, пластмасса ва б. қурилиш материалларидан ишланади. Қ. биноларнинг ёпма ва ораёпмаларида, учуш аппаратлари, кемалар, суюқлик резервуарлари, машина қисмлари ва б.да қўлланади. Физикада атом электрон қобиғи (қ. *Атом*).

ҚОБИҚЛИЛАР, урорхордалилар, туникалар, личинкахордалилар — хордалилар кенжа типи. Қ.нинг аждоглари сувда сузиб юрадиган бирламчи хордалилар бўлганлиги, улардан айримлари ўтроқ яшашга ўтганлиги тахмин қилинади. Уз. 0,3 см дан (аппендикулярлар) 30 м гача. Танаси эпителий хужайралар ишлаб чиқарадиган тиниқ эпителий қобик — туника қобик (номи шундан) ёки қуюқ мантия билан қопланган. Хордаси фақат личинкалик даврида бўлади (аппендикулярлардан ташқари). Целом қолдиғи бор. Ичаги сиртмоққа ўхшаб эгилган, орқа ичаги жабра олди бўшлиғига очилади (аппендикулярлар). Қон айланиш системаси юрак халтаси ва лакуналар

тўридан иборат. Нерв системаси мия ганглийси ва ундан кетадиган орқа нерв поясидан ташкил топган. Сизги органлари кучсиз ривожланган. Гермафродит. Айрим турларида мураккаб ривожланадиган, аппендикулярларга ўхшаш личинка бор. Кўпчилик Қ. куртакланиб кўпайиб, колония қосил қилади. 5 синф: асцидиялар, оловтаналилар, сальплар, бочкасимонлар, аппендикулярларга бўлинади. 1500 га яқин тури бор. Денгизда ўтроқ яшайди, якка ёки колония бўлиб сузиб юради. Майда хайвонлар, сувўтлар ва органик қолдиқлар билан озиқланади.

ҚОБУЛОВ Анатолий Зухурович (1934.14.2, Тошкент - 2003.29.7, Москва) — реж., актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1987). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1957). 1958—63 й.лар «музыкали драма» кафедрасини бошқарган. Айни вақтда Ўзбек давлат эстрадаси бош реж.и, Ҳамза театрининг саҳналаштирувчи реж.и сифатида фаолият юритган. Ҳамза театрида «Имон» (И.Султон), «Олма гуллаганда» (О.Ёқубов), «Шубҳа» (Уйғун), «Ассалом, юлдузлар», «Фауст ва ўлим» (Левада) каби спектакллар, Ўзбекистон рус драма театрида «Тош уй», Бердак номидаги театрда «Левяниха орбитада» спектаклларини саҳналаштирган. 1964-88 й.лар «Ўзбекфильм» да реж., 1988-98 й.ларда «Наштар» сатирик киножурналида бош муҳаррир, реж., актёр. 1986—2002 й.лар Тошкент санъат ин-ти проф. «Уйимга кир», «Ёз ёмғири», «Сен менинг кўшиғимсан», «Бўйсунам», «Жонтой қаса-ми» каби бадиий, «Янги йил билан» телевизион, «Ҳалима Носирова» каби хужжатли фильмлар яратган. «Раҳим ва қўнғиз», «Довюрак мусика» каби мультипликацион фильмларнинг сценарийсини, «Фолбин ким», «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртақ» ва б. пьесалар ёзган. «Фидойий», «Ойдин саҳифа», «Чинор» каби фильмларда суратга тушган. Сўз устаси сифатида ҳам фаолият юритган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти

лауреати (1983).

ҚОБУЛОВ Восил Қобулович (1921.5.9, Тошкент) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1966), физика-мат. фанлари д-ри (1961), проф. (1964). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1977). Тошкент темир йўл муҳандислари ин-тини тугатган (1949). Чоржўй — Қўнғирот т. й. қурилишида ишлаган (1949-50). Ўзбекистон ФА Ин-шоотлар ин-тида аспирант, илмий ходим (1950-57). Ўзбекистон ФА Математика ин-тининг ҳисоблаш техникаси бўлими мудири (1957—63). Ўзбекистон ФА Механика ин-ти ва ҳисоблаш маркази директори (1963—66). Ўзбекистон ФА Кибернетика ин-ти директори (1966—77), ин-т Ўзбекистон ФА нинг «Кибернетика» илмий и.ч. бирлашмасига айлантирилгач, унинг бош директори (1978—92).

Илмий ишлари ҳисоблаш техникасини фан, техника ва халқ хўжали-гининг турли соҳаларига жорий этиш билан боғлиқ.

Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1971). «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

Ас: Алгоритмизация в теории упругости и деформационной теории иластичности, Т., 1966; Ақл мўъжизаси. Т., 1974; Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси, Т., 1976; Алгоритмизация в механике сплошннх сред, Т, 1978.

Ад.: Ўзбекистон кибернетиклари, Т., 1996.

ҚОБУЛОВ Жаббор Тиллаевич (1911-Самарканд — 1995) — ботаник олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), биол. фанлари д-ри (1971), проф. (1972). ЎзДУни тугатгач (1937), Бухоро педагогика ин-тида ўқитувчи (1937—40), ЎзДУ аспиранти (1940-41, 1945-48), уруш йилларида ўрта мактаб директори (1941 — 44), ун-т ботаника кафедрасида катта ўқитувчи (1948—53), доцент (1953— 60), 1960

й.дан юксак ўсимликлар кафедраси, 1986 й.дан ўсимликлар физиологияси ва микробиологияси кафедраси мудири. Илмий ишлари шумғиядошлар биологиясини ўрганишга оид.

Ас: Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари, Т., 1976; Ўрта Осиё шумғиядршлари, Т., 1978; Шумғия ва ҳрси.1, Т, 1981.

ҚОБУЛОВА Саодат (1925.15.12, Марғилон) — ашулачи, опера хонандаси (лирик-колоратурали сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1957). 1959 й. СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Москвадаги Ўзбек опера студияси (1954) ҳамда Тошкент консерваториясини (1969) тугатган. Қ. миллий хонандалик санъати ва мусиқа мероси намуналарини, асосан, Ж. *Султоиов*, Т. *Жалилов*, Х. Тўхтасинов, Э.Бараевлардан ўзлаштирган.

Қ. гўзал тембрли, ёрқин ва ширадор, жилодор ва таъсирчан овозга эга; ўзбек хонадалик санъатида янги давр бошлаб берганлардан — унинг ижро услубида Европа хонандалик хусусиятлари миллий ашулачилик йўллари билан уйғунлашиб кетган. Қ. санъатдаги фаолиятини Марғилон к-з—с-з театридан бошлаган (1939). Муқимий театрида (1941—48) Қамар, Моҳим, Нурхон (С.Абдулла; Т. Жалилов мусикаси, «Тоҳир ва Зухра»; К.Яшин, «Нурхон») ролларини ижро этган; асосан, концерт ижрочилиги билан шуғулланган. 2-жаҳон уруши йилларида ҳарбий қисмлар, госпиталларда маданий хизмат қилган. 1954—86 й.ларда Навоий театри яккахон хонандаси. Қ. ижоди кўпроқ ўзбек операларида яратган Жамила, Лайли (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Зухра (Т.Жалилов, Б.Бровцин, «Тоҳир ва Зухра»), Асал (Т. Содиқов, Р.Глиэр, «Гулсара»), Ҳури (Т.Содиқов, Б.Зейдман, Ю.Ражабий, Д.Зокиров, «Зайнаб ва Омон»), Дилором (М.Ашрафий, «Дилором»), Ойхон (С.Юдаков, «Майсаранинг иши»), Санобар (С.Бобоев, «Ҳамза»), Гулнор

(Р.Ҳамроев, «Зулматдан зиё») каби об-разларида намоён бўлди. Булар ичида Ҳури, Ойхон, айникса, Дилором парти-ялари қ. ижодининг чўққиси бўлиб, ҳам саҳнавий, ҳам вокал ижроси жиҳатидан мукамаллиги билан ажралиб туради. У ўзбек опера хонандаларидан бирин-чилар қатори чет эл мумтоз операларида Лейла (Ж.Бизе, «Марварид изловчилар»; ўзбек ва рус тилида), Виолетта, Жильда (Ж.Верди, «Травиата», «Риго-летто»), Мадам Баттерфляй (Ж.Пуччини, «Чио-Чио-сан»), Розина (Ж.Россини, «Севилья сартароши»), Мими (Ж. Пуччини, «Богема») ва б. партиаларнинг мохир ижрочи-си сифатида ҳам танилган.

Концерт ижрочилиги Қ. ижодий фа-олятининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Унинг репертуаридан халқ ашу-лалари, ўзбек мумтоз мусика намунала-ри («Галдир», «Наврўз», «Баёт-1, 2, 3, 4, 5», «Сарахбори Оромижон», «Талқини Баёт», «Самарқанд Ушшоғи», «Бухоро Ироғи», «Дугоҳ»), ўзбек композит-орларининг асарлари («Дугоналар», «Давра кўшиғи», С.Юдаков; «Баҳор», Т. Содиқов; «Келса ногоҳ», М.Бурхонов; «Кашмирда», М.Ашрафий ва б.) асо-сий ўрин олган. қ. Д.Зокировнинг «Кўрмадим», «Эй сабо», «Булбул», Х.Тўхтасиновнинг «Қора кўзлар», «Ай-лагач», Ғ.Тошматовнинг «Карвон келди» ва б. асарларнинг биринчи ижрочиси. У, шунингдек, чет эл классик композитор-ларининг романслари, Европа ва Осиё халқлари (рус, украин, чех, тожик, озар-байжон, арман, мўғул, тай, хинд ва б.) нинг кўшиқларини ҳам ижро этган. Қ. 1972 й.дан ҳоз. Ўзбекистон давлат кон-серваториясида вокал синфи педагоги, проф. (1986), кафедра мудири (1988—97) сифатида кўплаб шогирдлар тарби-ялаган. Жаҳон ёшлари фестивали (Мо-сква)нинг лауреати (1957). Ижролари 2 грампластинка, ўзбек радиоси фонотека-сига ёзилган, «Ўзбектелефильм» студия-си томонидан Қ. ижодига бағишланган 2 фильм ишланган («Саодат», «Саодат Қобулова куйлайди», 1991). Осиё, Евро-

па, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. «Дўстлик» (1998), «Буюк хизмат-лари учун» (2001) орденлари билан му-кофотланган.

«ҚОБУСНОМА» - Шарқ ва Марка-зий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар, форс-тожик ба-дий насрининг биринчи ва йирик ёдгор-лиги (11-а.). Табаристон (Мозандарон) хукмдори Шамс ал-Маоллий Қобуснинг набираси *Унсур ал-Маоллий* (Кайковус, 1021—98) томонидан форс тилида ёзил-ган (1082—83) ва «Насихатномаи Кай-ковус» деб аталган. «Қ.» шу асарнинг ўзбекча таржимасидир. муаллиф асарни ўғли Гилоншоҳга бағишлаган.

«Қ» асосини Қуръони карим сура-лари, Муҳаммад (сав)нинг фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоятлар ташкил этади. Асар 44 бобдан иборат. Дастлабки 4 боби Ҳакни танимоқ, Пайғамбарларнинг хилкати (яратилиши), Аллоҳ неъматига шукур қилмоқ ҳақида бўлиб, қолган 40 боби ота-онани хурматлаш, илмий билимларни, санъатни эгаллаш, ҳарб, савдо, деҳқончилик ишлари ва ҳунарни ўрганиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, фарзанд тарбияси, саховат ва жу-вонмардлик каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Асарда ҳунар ва илм жамия-т таракқиётининг асосий омиллари деб қаралади. Одамлар 3 гуруҳга бўлиниб, уларнинг жамиятда тутган ўрни белги-ланади; одамларнинг фазилатлари ҳам 3 гуруҳга бўлинади: ақллилик, ҳақгўйлик, жувонмардлик.

Кайковус дунёдаги мавжудотни бир-бири билан боғлиқ ва муросасиз деб талқин қилади. У киши руҳиятини ҳам 2 гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини модда, руҳий ҳиссиётни эса «жон» би-лан боғлайди ва буларнинг бирини мод-дий, иккинчисини руҳий ҳаёт маҳсули деб кўрсатади. Унинг фикрича, дунёда-ги ҳамма нарсалар яралиши ва моҳият эътибори билан илоҳийдир. Зеро, инсон Аллоҳни танимоқ учун авваламбор ўзини

билмоғи, яъни «созга қараб созандани танимоғи лозим», дейди. Бу каби масалалар китобда ихчам ҳикоятлар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақол ва ҳикматлар ёрдамида баён қилинади.

«Қ.» рус ва Ғарб шарқшуносларининг, Шарқ олимлари ва педагогларининг диққатини анчадан бери ўзига тортиб келади. Асар турк (1432, 1705), уйғур (1786-87), немис (1811), ўзбек (1860, *Огаҳий* томонидан), татар (1881), француз ва рус (1886) тилларига таржима қилинган. Огаҳий таржимасининг 2 қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида, яна бир қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланади. «Қ.»нинг Субутой Долимов томонидан ҳоз. ўзбек тилига ўгирилган нусхаси Тошкентда 3 марта нашр қилинган.

Нашири: Унсур ал-Маолий, Қобуснома, Т., 1973 (тўлдирилган 3-нашри), Т., 1994. *Ҳабиб Абдуназар.*

ҚОВОҚ — қовоқдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, полиз эки-ни. 13 тури маълум. Ватани — Шим. ва Жан. Америка. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан экиб келинган. Тупрокқалъа археологик қазилмаларида топилган қовоқ колдиклари (мил. ав. 7—8-а.лар) буни тасдиқлайди. Қнингйирик мевали Қ., мускатсимон қ. ва қаттиқ пўстли қ. каби 3 тури кўп тарқалган. Илдизи ўқилдиз, уз. 2 м га боради. Пояси ётиб, чирмашиб ўсади. Барглари (турига қараб) йирик, тукли, барг қўлтиғида жингалаклари бор. Гули икки жинсли, йирик (майда), сарик, четдан чангланади. Меваси турли шакл ва рангда, эти оч сарикдан тўқ сарикқача. Меваси таркибида 15—18% куруқ модда, 4—11% қанд, аскорбин кислота, каротин, тиамин, рибофлавин, азотли бирикмалар, 0,7% бириктирувчи тўқима, 0,5% оксил, 0,2% ёғ, 0,6% кул моддаси, уругида 20—40% ёғ бор. Қ. қайнатиб, димлаб, ковуриб истеъмол қилинади, турли пишириклар, сомсалар,

нонлар, мураббо ва шарбат тайёрланади. Хашаки Қ. молларга дағал озуқа билан бирга берилади. 100 кг мевасида 12 озуқа бирлиги ва 1 кг хазм бўладиган протеин бор. Юқори ҳароратга ва курғоқчиликка чидама паст. Меваси ва уруги атеросклероз, ошқозон-ичак, буйрак, подафа касалликларини даволашда, гижжаларни туширувчи (уруги) восита сифатида ишлатилади. Уруги апр. охири — май бошларида гектарига 4—6 кг миқдорда экилади. 10—15° да униб чиқади, 20—30° да нормал ривожланади. Экиш схемаси 2—2,5* 1 м. Ўсувдаврида палак учлари чилпилади, қатор ораларига ишлов берилади, суғорилади. Навларига қараб 110—140 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—450 ц/га. Сақлашга ва ташишга чидамлилиги ҳар хил. 1 т мевасидан 0,8—12 ц уруғ олинади. Ўзбекистонда йирик мевали Қ. турининг Испан 73 (картошка Қ), мускатсимон Қ. турининг Палов каду 265, Қашқар 1644 (ойим Қ), Нон каду навлари кўп экилади ва барча вилоятларда экиш учун (Нонкаду фақат Самарқанд вилоятида) р-нлаштирилган. Шунингдек, хонадон хўжаликларида сувқовок, носқовок, томошақовок каби турлари ҳам етиштирилади.

Касалликлари: сўлиш, оқ палак ва б.

Зараркунандалари: полиз шираси, полиз кўнғизи, тунламлар.

Ад.: Аширов И.М., Тывкы Узбекистана, Т., 1979.

Абдулазиз Аббосов.

ҚОВОҚДОШЛАР — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Бир йиллик ва кўп йиллик ўрмалабёки илашиб ўсувчи, бир ёки икки уйли ўсимликлар. Битта туркуми дарахтсимон. Барглари оддий, навбатлашиб ўрнашган, баъзан бўлақларга бўлинган ёки ўйилган. Ёнбаргчалари бўлмайди. Гуллари барг қўлтиғида биттадан ёки тўп бўлиб жойлашади, бир жинсли, кўпинча туташ тожбаргли. Меваси резавор ёки қовоқ (ташки қавати қаттиқ, дағал, ичи этли серсув, серуруғ), 100 га яқин туркуми, 900 тури

кўпинча тропик ва субтропикларда ўсади. Кўп турларининг меваси овқатга ишлатилади. Шу сабабдан бир қанча турлари (бодринг, қовун, ковок, таррак, тарвуз ва б.) ҳамма қитъаларда палакли экин сифатида қадимдан экилади. Айрим турлари (абужаҳл тарвузи, сиртан) до-ривор, манзарали турлари (эшакбодринг, печакқовун ва б.) ҳам бор.

ҚОВОҒАРИЛАР - ҳақиқий арилар оиласига мансуб уруғ. Энг йирик (40 мм гача бўлган) ариларни ўз ичига олади. 20 га яқин тури Жан.-Шарқий Осиёда кўп учрайди. Ўзбекистон ҳудудида бир неча тури бор; айниқса, шарқ қовоғариси кенг тарқалган. Дарахтлар коваги, деворлар ёриғига уя қуради. Қуртларини қоғоз катакларда боқади; ҳар хил ҳашаротлар, жумладан, асаларилар билан озикланади. Асалариларни ейиши билан бирмун-ча зарар еткази. Одамни чакқанида оғрийди.

ҚОВУН— ковокдошлар оиласи бо-дринг туркумига мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар тури; полиз экини. Айрим ҳолларда мустақил туркумга ажратила-ди. Ёввойи ҳолда Жан.-Ғарбий Осиё ва Африкада учрайди. Маданий навларининг ватани — Кичик ва Ўрта Осиё (2 минг й. дан бери экилади). Қ. Жан. Евро-пада, Осиёнинг кўпгина р-нларида, Шим. Америка (АҚШ) ва б.да етиштирилади. Марказий Осиёда қ. экиладиган майдо-ни жиҳатидан полиз экинлари орасида 1-ўринда туради. Қ.нинг маданий кенжа турлари: Ўрта Осиё Қ.и, Кичик Осиё Қ.и, Европа Қ.и; ярим маданий кенжа тур-лари: илонсимон Қ., хитой Қ.и; ёввойи ҳамда итқовунлар бор. Илдизи ўқилдиз. уз. 1 м гача боради. Палаги ингичка, ётиб ўсади. Жуда қўплаб ён шоҳлар чиқаради. Барглари узун бандли, палакда кетма-кет жойлашган. Гултожи сариқ, одатда, беш тожбаргли, оталиклари бешта, чангдон-лари икки уяли, бир уйли, айрим жинсли. қ. мевасининг шакли турлича (юмалок, овалсимон, чўзинчоқ ва б.). Пўсти қалин

(1,5—2 см), ўртача (1 — 1,5 см), юпка (0,5— 1,4 см), қаттик; эти жуда юмшоқ, юмшоқ, қуврак, серсув, сершира, қумоқ, баъзилариники толали, ранги оқ, қизил, сарғиш, яшилроқ. Уруғи оқ, оч сариқ ва сариқ. 1000 дона уруғи вазни 30—45 г. Навига қараб Қ. вазнида эти 63—84, пўсти 10—30. уруғи ва уруғтутарлари 3,1—7,7% ни ташкил этади. Меваси гаркибида 8—20% қуруқ модда, 18% қанд (сахароза), 0,1—0,7% клетчатка, 0,2—35,2 мг% С, РР витаминлари, фолат кислота, калий, натрий, кальций, магний, темир, фосфор, олтингугурт ва б. микро-элементлар бор.

Қ. иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, қурғоқчиликка ва тупроқ шўрланишига чидамли. Жаҳонда энг яхши Қ.лар Ўзбекистонда етиштирилади. Халқ се-лекциясида унинг 150 дан ортиқ нави яра-тилган. Ўзбекистон сабзавот, полиз экин-лари ва картошқачилик ин-тида илмий селекция асосида чиқарилган ва яхши-ланган 50 дан ортиқ нав р-нлаштирилган. Ўзбекистонда экиладиган қовун навлари тўрт ботаник турга мансуб: хандалак, амири, кассаба ва зард. Ҳандалак ту-рига деярли барча эртапишар Қ. навла-ри — Кўкча, Ҳандалак, сариқ хандалак, Замча ва б. киради. Амири турига барча ёзда пишадиган Қ. навлари — Давлат-бой, Тошлоқи, Даҳбеди, кассаба турига Бўриқалла, Гурвак, зард турига қишки Қ. навлари (*Умрбоқий, Кўйбош, Гулоби*) ва б. киради. Уруғи тупроқ ҳарорати 14—15° га етганда уна бошлайди (13° дан паст ҳароратда уруғ чирийди). Экилган-дан кейин 5—7 кунда майса униб чиқади. Қ.нинг эртапишар, ўртапишар, кечпишар навлари бор. Эртапишар навлари 55—65, ўртапишарлари 67—70, кечпишар на-влари 80— 90 кунда етилади. Қ. янгили-гида ей-илади, қоқи солинади. Шинни, мураббололар қилинади. Тиббиётда бод, беланги, сил, камқонлик, зикнафас, жи-гар ва буйрак касалликларини даволаш-да тавсия этилади. Сепкил, доғ ва бош-даги қазғоқни йўқотишда фойда қилади. Халқ табобатида подагра (никриз) га

даво, пешоб ҳайдовчи, қабзиятдан холи қилувчи, асабни тинчлантирувчи омил сифатида қўлланилади. Қ. Ўзбекистонда 3 муддатда: эртапишар навлари 10—30 апр. да, ўртапишар навлари 20 апр. — 15 майда, кечпишар навлари 10—30 майда, пушта кенглиги 2,8 — 3 м, туллар оралиги 70x90 см қилиб, дорилаб 2—3 кун ивигилган уруғлар 3—4 тадан 3—6 см чуқурликка (айрим хўжаликларда ханжувар қилиниб) экилади. Чопиқ пайтида ягана қилиб биттадан ўсимлик қолдирилади. Ўсув даврида қатор ора-лари 2—3 марта юмшатилади (чопиқ қилинади). Тупроқ шароитига қараб 5—6 марта суғорилади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Ўзбекистонда Қ.нинг 36 дан ортиқ нави р-нлаштирилиб, давлат реестрига киритилган (2004). Энг кўп экиладиган навлари: *Оқуруғ*, *Асати*, *Бўрикала*, *Кўктинна*, *Кўкча*, *Чўғари*, *Қизилуруғ*, маҳаллий сариқ хандалак, *Оби новвот*, *Шакарпалак* ва б.

Эрта ҳосил олиш учун иссиқхоналарда ёки очик далада плёнка остида кўчатидан экиб етиштирилади.

Зараркундалари: полиз бити, ўргимчаккана, қовун пашшаси, кўк курт тунлаи ва б.

Касалликлари: оқпалак, қовун бактериози, макроспориоз ва б.

Ад.: Ўзбекистон қовунлари, Т., 1962; Ермохин В.Н., Каримов А.К., Ўзбекистон қовунлари, Т., 1969; Остонақулов Т.Э., Сабзавот экинлари биологияси ва ўстириш технологияси, Т., 1997; Бўриев Х.Ч., Ашурматов О.А., Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси. Т., 2001; Ҳақимов Р.А., Ҳақимов А.С., Тошмухамедов А., Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги, Т., 2003.

Абдулазиз Аббосов.

ҚОВУН ДАРАХТИ, папайя — папайядошларга мансуб доим яшил мевали дарахт. Африка ва Жан.-Шарқий Осиёда кўп тарқалган. Бал. 4—7 м. Барглари йирик, панжасимон қирқилган, 5—7 бўлаккли, узун бандли. Шох-шаббаси,

танасининг учида ғуж-ғуж ўрнашган барглари соябонга ўхшаб осилиб туради. Гуллари сарғиш-оқ, икки жинсли. Меваси сариқ тусда, оғирлиги 3—6 кг, уз. 30 см, қовунга ўхшайди (номи шундан). Қ.д. тез ўсади, лекин узоқ яшамайди, совуқка чидамсиз. Тропикларда ўстирилади. Меваси истеъмол қилинади. Ундан папайн ферменти олинади. Уруғидан кўпайтирилади.

ҚОВУН ПАШШАСИ —

тангақанотлилар оиласига мансуб ҳашарот, қовоқдошларга мансуб ўсимликлар (қовун, тарвуз, бодринг, қовоқваб.) зараркунандаси. Ўрта денгиз атрофи, Осиёда тарқалган. Ички карантин объекти. Танасининг уз. 5—6 мм, оч сариқ, қанотларида 3 та сариқ йўли бор. Урғочилари тухумларини (120 тагача) қовун гулбандларига, ўсимлик пояларига кесаклар остига якка-якка қилиб қўяди. 3—5 кун ўтгач, оқиш рангли личинкалар тухумдан чиқиб қовун хамакларини тешиб қиради ва уруғларини кемиради. 10—15 кун қовун ичида яшаган катта ёшли личинка қовунни тешиб чиқиб, тупроқ тагида 5—7 см чуқурликда *гумбакка* айланади. Қ.п.нинг личинкалари тешган қовунларда узун чуқур йўллар пайдо бўлади ва улар чирийди. Қ.п. 2—3 (5) км гача учиб боради, бундан ташқари, улар қовун мевалари билан ҳам тарқалади. 4—5 марта авлод беради.

Кураш чоралари: зарарланган қовунлар ва ўсимлик қолдиқлари тезликда йиғиб, кўмиб юборилади, ер кеч қузда чуқур ҳайдалади, киш ойларида суғориб музлатилади. Экишдан олдин уруғлар дориланади. Уруғлар униб чиқиши, гуллаши ва хамаклаш даврида инсектицидлар эритмалари пуркалади.

Абдулазиз Аббосов.

ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИ - мил. ав 2-а. — мил. 6-а.га оид археологик маданият. Ўрганилган жой дастлаб *қовунчитена* харобаси бўлгани учун номи шундан. Қ.м. Тошкент воҳаси, Сир-

дарёнинг ўрта оқими ва Фарғонанинг шим.-ғарбий қисмида тарқалган. археолог Г.В.Григорьев 1934—37 й. ларда Қ.м. мажмуаларида қазилш ишлари олиб борган. *Шоштепани* ўрганиш натижасида 1-мартга маданий қатламларнинг аниқ стратиграфияси белгиланди. Бу эса Қ.м.нинг аниқ даврини (Қовунчи I мил. ав. 2—1-а.лар: Қовунчи II 2 босқичга бўлиниб, унинг 1-босқичи мил. 1—4-а.лар, 2-босқичи 5—6-а.лар) белгилашга асос бўлган. Қ.м. Тошкент воҳасидаги қад. деҳқончилик билан шуғулланган туб аҳоли маданияти (қ. *Бурганли маданияти*) асосида «халқларнинг буюк кўчиши» даврида Тошкент воҳасига кириб келган сарматлар, хунлар ва б. халқларнинг этник маданияти таъсирида ривожланган. Тошкент воҳаси Қ.м. шаклланишининг асосий маркази бўлган. Мажмуаларда меъморлик мактабининг маҳаллий анъаналарига асосланган, юксак мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарсозлик, сопол идишлар ва ҳайкалчалар шаклининг ўзига хос хусусиятлари таркиб топган. Қ.м. воҳада шаҳар маданияти пайдо бўлиши ҳамда ирригация тизимининг такомиллашиши асосида деҳқончиликнинг янада ривожланиш даврида тарқалган. Қовунчи мажмуалари асосида Тошкент ш. маданияти пайдо бўлган ва ривожлана бошлаган. Ўша даврдаги арк ва унинг атрофида 1 ёки 2 қишлоқдан иборат аҳоли пунктлари бўлиб, уларнинг айримлари мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳарлар хунармандчиликнинг ва савдо-сотикнинг асосий таянч пункти ҳисобланган. Металлга ишлов бериш (темирчилик, жез асбоблар қуй-иш) анча ривожланган. Кулолчиликда сопол идишлар яшаш асосий ўрин эгаллаган, уларнинг тури, шакли кўпайган. Сопол идишларнинг таги текис бўлган. Қовунчи I да кўвача, товоқ, қизғиш ёки бўғиқ қўнғир ранг берилган сопол идишлар, Қовунчи II да кулоқли хурмачалар, бандлари ҳайвон шаклидаги турли идишлар ва хурмачалар учрайди. Қ.м.га хос идиш қопқоқлари, кўралар, диний маросим буюмлари, 2

бошли кўчқор ёки шохли хўкиз бошлари шаклида ясалган ўчоқ пойтагликлари топилган, улардан тутатқи солинадиган ва қурбонлик қилинадиган идиш сифатида ҳам фойдаланилган. Қовунчиликлар деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги билан шуғулланишган. Улар деҳқончилик маъбудалари, олов ва аждодларга сиғинишган. Милоднинг дастлабки асрларида Қ.м. жанубга томон тарқалиб, Суғд, Қашқадарё ҳудудидаги маҳаллий маданий мажмуаларга таъсир эта бошлаган. 6-а.га келиб, Ўрта Осиёнинг марказидаги воҳалар билан иктисодий ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳамда умумсуғд маданияти таъсирида Тошкент воҳасида Қ.м. ўзига хос аломатларини йўқотган, секин-аста бутун Мовароуннаҳрга хос ягона маданият вужудга кела бошлаган.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ҚОВУНЧИТЕПА — археологик ёдгорлик (мил. ав. 6-а. — мил. 8-а. ва 15—16-а.ларга оид шаҳар харобаси). Тошкент вилоятининг Янгийўл ш.даги Куркулдак каналининг чап соҳилида жойлашган. Археолог Г.В.Григорьев қазилш ишлари олиб борган (1934—37), бу ердан кулолчилик ва қурилиш муҳандислигига мансуб буюмлар топилган. Кейинчалик Ўзбекистон ФА Археология ин-ти (Ю.Ф.Буряков раҳбарлигида) томонидан ўрганилган (1970, 1976, 1978). Майд. 25 га. Қ. баланд арк (50x50 м), тўғри тўртбурчакли шаҳристон (150x100 м) ва рабоддан иборат. Маданий қатламлар (4—12,5 м қалинликда) *Бурганли маданияти* ва *Қовунчи маданиятига* оид меъморлик қурилиш қолдиқларида ташкил топган. Аркнинг остки қатламларида ертўлалар, кулхона, қўлда ясалган дағал сопол идишлар Бурганли даври (мил. ав. 6—3-а.ларга)га тегишлидир. Қазилш натижасида туби юмалоқ, тумшукли қозонлар, ярим юмалоқ тоғорачалар, юза косалар, туби текис хумчалар топилган. Айрим идишларга қизил, жигарранг ангоб билан кенг чизик ёки ромб шаклида нақшлар

берилган. Қовунчи даври 2 босқичга бўлинган. Мил. ав. 2-а. — мил. 2-а. да хом ғишт ва пахсадан истехком ҳамда турар жой бинолари қурилган. Мил. 3—8-а. ларда шаҳар ва рабодда ҳаёт анча ривожланган. Моддий маданиятга Сирдарёнинг куйи қисмида яшаган қад. аҳолининг маданияти қатта таъсир қилган. 8-а.нинг 1-ярмида арабларнинг Чочга қилган босқинчилигидан сўнг Қ. ташландиқ ҳолга келган. 15—16-а.га келиб, унда ҳаёт қайта тикланган.

ҚОВУНҚОҚИ - пишиб етилган қовундан тайёрланадиган қоқи; қовуннинг қуритилган эти. Қ. қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Қовун таркибидаги глюкоза, фруктоза ва сахар-за, клетчатка ва гемицеллюлозалар, шунингдек, пектинлар сақланади. Қовунни офтобда оддий усул ёки махсус қуритғич шкафларда қуритилади. Қ. ни ҳамма навлардан тайёрлаш мумкин, қовун этининг тиғизлик даражасига қараб, қуритиш ва қирқишнинг турли усулидан фойдаланилади. Эти тиғиз бўлган Қизилуруғ, Оқ уруғ, Кўкча, Гулоби ва б. навлари оддий усудда илмоқларда, эти бўш, юмшоқ этли (Босволди, Тошлоқи, Гурвак ва б.) навларни сўкчакларга ёйиб 2—3 кун қуритилади, сўнгра яхши қуриб етилиши учун зангламайдиган симларга осиб қўйилади.

Қ.ни об-ҳаво шароити ва қовун тилимларининг қалинлигига кўра, қуритиш 6—12 кунга боради. Тайёрлаш усули: қовун ўртасидан тенг иккига ажратилиб, уруғи олинади. Паллалар эни 3—4 см қилиб тилимланади, пичоқ билан пўстидан ажратилади ва ўртаси охиригача кесилмай бир жуфт қилиб осиб қўйилади. Шираси ўртача навлардан 4,5—5,5, жуда ширин навлардан 7,5—10,1% (ўртача 7%) қоқи тушади. Таркибида умумий қанд миқдори 38—75,7%, курук моддалар 76—91%, 15,4—83,7 мг% С витамини бор. Намлиги 20% атрофида бўлади. 1 т Қ. учун 11,7—15,2 т қовун талаб этилади. Асосан, киш ва

баҳор фаслларида истеъмол қилинади.

ҚОВУРДОҚ — 1) гўшт, картошка, тухум, гуруч ва б.дан тайёрланадиган таом. Қизиган ёғда ўртача катталиқдаги картошкани 2 га бўлиб қизартириб қовуриб олиб қўйилади. Гўшт қовурилади, сўнгра қовурилган картошка, пиёз, зира, туз аралаштирилиб қовуриш давом эттирилади. Қовурма устига гуруч аралаштирилган қиймадан тайёрланган дўлмалар териб озроқ қайноқ сув қуйилиб, димлаб қўйилади. Алоҳида идишда тухумлар битталаб чалароқ қовуриб олинади. Да-стурхонга гўшт, картошка, дўлма, тухум қўйиб кўкатлар сепиб тортилади. Бу таом асосан, куёв йўқлар, чақалоқни йўқлаш, бешик тўйи ва б. маросимларда тайёрланади;

2) янги сўйилган қўй, эчки, бузук, қорамол ёки кийик, тоғ эчкиси каби хайвонлар гўштини узоқ сақлашнинг қадимий усули. Гўшт суяқлари билан лўнда-лўнда (50—60 см) қилиб чопилиб яхшилаб тузланиб, зиралаб доғланган ёғда қовурилади. Яхши қовурилган гўшт хум, кўза ёки сирланган қопқоқли идишга жойланади ва устига ёғи қуйилади (ёғ гўштни кўмиб туриши шарт). Қ. суюқ ва қуюқ таомларга ишлатилиши, салат, сабзавотлар ва нон билан яхна овқат сифатида истеъмол қилиниши мумкин.

ҚОВУРҒА — умуртқа поғонаси билан бириккан, ёйсимон қайрилган жуфт суяқлар. Судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ва одамда тўш суяги билан бирлашиб, кўкрак қафасини ташкил этади. Қ.ларга мускуллар бириккан бўлиб, у нафас олиш ва чиқаришда кўкрак қафасининг кенгайиб-торайиб туришига имкон беради.

Одамда XII жуфт Қ. бор. Ҳар қайси Қ. икки қисмдан, яъни орқа қисми суяк ва олдинги қисми тоғайдан тузилган. Қ.нинг орқа қисми бойламлар ёрдамида кўкрак умуртқаларига туташади. Суяк қисми узун, камбар, ёйсимон қайрилган пластинкага ўхшаш. [—VII жуфт Қ.

(чин қовурғалар) тоғай қисми орқали бевосита тўш суягига бирикади. VIII—IX—X жуфт Қ.нинг (сохта Қ.) олдинги қисмлари бевосита тўш суягига ёпишмасдан, ўзидан юқорида жойлашган VII қовурғанинг тоғайига туташади. Қолган XI—XII жуфт қ. тоғайлари ҳеч қаерга бирикмай, қорин мускуллари орасида эркин жойлашган, шу сабабли у жуда ҳаракатчандир; уларни етим Қ.лар дейилади. Қ.ларнинг олдинги, орқа учлари ва буларнинг оралиқ қисми, танаси бор. Кўпчилик Қ. ички юзасининг пастки чеккасига яқин жойида, Қ. эгатчаси бўлиб, унда қон томирлар ва нерв толалари жойлашади. Қ.ларнинг шакли ва узунлиги кўкрак қафасининг тузилишига ва шаклига боғлиқ; уларнинг узунлиги 1-Қ. дан 7-Қ.гача ортиб бориб, 8-Қ.дан охириги 12-Қ. гача қисқариб камаяди.

КОВУРҒА, қовурға — 1) биноларни мустаҳкам туриши учун хизмат қиладиган бўртма меъморий қисм; 2) гумбаз ичидаги қўндаланг тиргак деворлар; 3) синчлик деворнинг ёғоч қисми; 4) ўтовни ташкил этувчи асосий конструктив ўмови.

КОВУШҚОҚЛИК — қ. *Ёпишқоқлик*.

КОВУҚ, сийдик пуфаги — одам, баъзи умуртқасизлар ва кўпчилик умуртқалиларнинг ичи бўш халтасимон аъзоси, унда *сийдик* йиғилади; сифими 500—700 мл. Бўш Қ. пучайган ҳолда бўлиб, ичида сийдик бор-йўқлигига қараб, шакли ўзгариб туради. Кичик чанокда қов бирикмаси ортида ётади; ўнинг туби, танаси ва учи тафовут қилинади. Қ. деворида кучли мускул қавати бўлиб, у қисқарганида Қ. бўшлиғи кичраяди. Сийдик найлари Қ.қа очиладиган жойида ва сийдик чиқариш каналининг ички тешиги атрофида айлана мускул тутамлари сфинктерлар ҳосил қилади, улар сийдикнинг Қ.қа тушишини ва Қ.дан чиқишини ростлаб туради. Аёллар қовуғининг орқасида *бачадон* ва кин, эркакларда эса

уруғ пуфаклари ва уруғ чиқариш йўллари бўлади. Қ.нинг олд томонида қовуқ билан қов суяклари орасида уларни ажратиб турувчи оралиқ бор, шунинг учун Қ. эркин ҳаракат қила олади. Қ. сийдик билан тўлганда чаноқ бўшлиғидан кўтарилиб, қов бирлашмасидан юқорига, ҳатто киндикгача боради.

Сийиш мураккаб рефлектор ҳолат, бунда қовуқни бўғадиган мускуллар қисқаради, сийдик чиқариш каналининг сфинктерлари бўшашиди. Соғлом одам қовуғида 250—300 мл сийдик тўпланганида сийгиси қистайди. Нормал шароитда одам бир суткада 4—6 марта сияди. Соғлом киши суяқликни кўп истеъмол қилса, тез сияди; қуруқ овқат еса ёки йилнинг иссиқ фаслида сийдик миқдори камаяди.

КОВУҚ ЯЛЛИҒЛАНИШИ - қ. *Цистит*.

КОВҒА — эклиптикадаги 12 *бурж*нинг бири. Арабча *далв* (сувчи) деб аталади (қ. *Зодиак*).

КОДИР БАХШИ (тахаллуси; асл номи Абди Раҳимов) (1937.16.4 — Дехқонobod тумани Чалка қишлоғи — 1986.29.8) — бахши. Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1966). Бахшилик сирларини дастлаб бобоси Турди бахшидан ўрганган. Сўнг Умир шоир Сафар ўғлига шогирд тушган. 18 ёшида мустақил достончи бўлиб етишган Қ.б. 60-й.ларда Қашқадарё ва Сурхондарёда, Тожикистон ва Туркменистонда яшаётган кекса бах-шилар даврасида бўлиб, улар репертуарини, достон ижрочилиқ маҳоратини, дўмбира чертиш санъа-тини эгаллаган. Унинг репертуари бой ва ранг-баранг. «Алпомиш», «Ёдгор», «Қунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Рустам», «Муродхон», «Юсуф билан Аҳмад», «Юсуф ва Зулайҳо», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Гўрўғли ва Юнус пари», «Шаҳиднома» сингари 70 га яқин достонлар, кўплаб терма ва эртақларни

ижро этган. Аммо у билган дostonларнинг жуда оз кисми ва бир неча термалар ёзиб олинган.

Қ.б. фақат репертуарининг бойлиги билан эмас, балки ёқимли, ширадор овози, айникса, мусиқа асбобларини яхши чала олиш иқтидори билан ажралиб турган. У дўмбирадан ташқари, дутор, рубоб, тор, ғижжак, қўбизда мохирлик билан куйлар ижро этиб, дoston ёхуд терма айтаверган ё, аксинча, бошқа чолғу асбобларидаги куйларни дўмбирада ижро этган. Қ.б. республика бахшилар кўриктанловининг 5 марта ғолиби, Москва (1971) ва Париж (1974)да ўтган халқ ижодкорлари халқаро конгрессларининг лауреати. Қ.б.нинг «Ойчинор» (1984), «Жорхун мастон» (1989) дostonлари, «Норгулой» дostonидан парча ва қатор термалари чоп этилган. Унинг номида кинотеатр, мактаб бор. Дехқонободда уй-музейи ташкил этилган.

Ад.: Муродов М., Эргашев А., Алпомишнома, 1-китоб, Т., 1999.

ҚОДИРИЙЛАР — тасаввуф тариқати. 13-а. охирида Ироқда ташкил топган. Абдулқодир *Гелоний* (1077—1166) асос солган деб ҳисобланади. Абдулқодир Гелонийнинг ўзи суфий бўлмаган, лекин унинг машхурлигидан тасаввуфий билиш йўлининг ғоя ва тажрибаларини оммага сингдиришда фойдаланилган. Қ. штохида гуруҳлардан ташкил топган, қарашлари жиҳатдан суннийликка мансуб. Қ. тасаввурига кўра, тариқат асосчисининг тариқатга аъзолиги давом этаверади, у тариқат тарафдорларини воситачи орқали бошқаради. Қ.да ҳамма аъзолар учун мажбурий бўлган тасаввуф йўли йўқ. Тариқатни бошқариш анъана бўйича наслдан наслга ўтади. Қ.нинг ижтимоий таркиби ҳар хил бўлган. Улар жамоа бўлиб (само, хадра, лайлиё), овоз чиқармасдан алоҳида ҳолда (зикри хафий) ҳамда баланд овозда (зикри жажрий) умумий зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошларига кигиз телпакча кийиб юрган. Телпакчада Қ.нинг

тимсоли — уч қатор гулбаргли яшил гул бор. Абдулқодир Гелоний шарафига ҳар йили бўладиган тантаналар — уларнинг асосий байрамидир. Абдулқодир қабри устига мадраса, работ, масжид қурилган бўлиб, Бағдоднинг асосий қадамжоларидан бири ҳисобланади. Ҳоз. вақтда Шарқий ва Шим. Африкада, Судан, Ироқ ва Покистонда Қ.нинг мавқеи кучли (Ироқ ва Покистондаги Қ. гуруҳи Бағдоддаги масканни тариқатнинг маркази деб эътироф этади).

ҚОДИРИЯ ГЭС — Тошкент вилояти Қибрай тумани ҚибрайГЭС кишлоғида жойлашган. *Чирчиқ-Бўзусув сув-энергетика трaктиши* қурилган дастлабки электр ст-ялардан бири, унитар корхона. Деривация типиди. 1933 й. 1 майда ишга туширилган. ГЭС нинг умумий қуввати 13,2 МВт. Ст-яда ҳар бирининг қуввати 3,3 МВт дан иборат бўлган 4 та тик гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС гидроузели таркибига узунлиги 19 м, баландлиги 6 м, умумий ҳажми секундига 100 м³ сув ўтказишга мўлжалланган бош тўғон, уз. 5049 м, секундига 65 м³ сув ўтказишга мўлжалланган деривация канали ҳамда босим ст-я иншооти кирати. Ўзбекистонда биринчи ишга туширилган 35 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи 1933 й.да ст-ядан Тошкент кишлоқ хўжалиги машинасозлик заво­дига тортилган. 2003 й.да 105,3 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ҚОДИРОВ Аюб (1918.10.5, Бухоро — 1981, Тошкент) — созанда (най), Ўзбекистон халқ артисти (1970). Тошкент консерваториясини тугатган (1956). Ўзбек давлат филармониясида халқ чолғу оркестри (1936-38, 1950-56, 1968-74), *Тамарахоним* ансамбли (1938—46) д; созанда, «Шодлик» ансамблида мусиқа раҳбари (1956-57, 1966-68), Тошкент мусиқа билим юртида педагог (1978 й.дан). Ижро услуби мукамал техникаси, асар мазмунини чуқур ҳис қилиши, най ифода воситаларидан кенг фойдала

ниши, ижро эркинлиги билан ажралиб туради. Репертуаридан «Фарғонача», «Субхидам», «Чўли ирок», «Чаман ялла», «Сегох», «Қайтарма», «Тонг ороми», «Чоргох» каби халқ ва мумтоз куйлар ўрин олган. Осиё ва Европа мамлакатларида гастролда бўлган.

Ад.: Олимбоева К. ва б., Ўзбекистон халқсозандалари, 2-китоб, Т., 1974.

ҚОДИРОВ Аҳмаджон (1936.23.2, Амударё тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУ ни тугатган (1960). 1960 й.дан ҳоз. Янгибозор, Амударё туманларидаги мактабларда, 1964 й.дан Урганч ш.даги 5-, 1990 й.дан 21-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. «Маърифатпарвар хон», «Абулғози Баҳодирхон шажараси» рисолалари муаллифи.

ҚОДИРОВ Воҳид (1925.10.1 - Тошкент — 1992.5.8) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1948). 1948—92 й.лар Ёш томошабинлар театрида ишлаган. «Пўлат қандай тобланди» (А.Островский) спектаклидаги Климка унинг сахнада яратган илк образидир. Кейинчалик Мистер Томас (В.Любимов, «Оппоғим»), Чиранчок куёнча (С.Михалков, «Чиранчоккуёнча»), Журжон ҳокими (Ҳ.Олимжон, «Ойгул билан Бахтиёр»), Мансур (И.Аҳмедов, О.Толипов, «Ким айбдор»), Қовоқвой, Конфетвой (П. Мўмин, «Қовоқвой ва Чаноқвой»), «Сукатой Конфетвой»), Сарибой (Ғ.Ғулом, «Шум бола»), Икром (Алп жамол, «Меҳрибонлар») каби турли характердаги роллари билан танилди. К. драматик, комик, сатирик ва эртақ жанрларидаги роллар устаси сифатида ҳамда ўзига хос услуби билан танилган.

Реж. сифатида «Тайёрга айёр» (Э. Раҳимов), «Сукатой Конфетвой» (П.Мўмин), «Меҳрибонлар» (Алп Жамол) каби спектакллари сахналаштирган. Қ. кинода ҳам бир қанча роллар: Пардозчи («Мафтунингман»), сарибой («Шум

бола»), Амалдор («Осиё устида бўрон»), Милиционер («Чи-нор остидаги дуэль»), Хон («Акмал ва аждаҳо») ва б. ижро этган. «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «Телевизион миниатюралар театри», «Экран хандаси», «Шунчаки саргузашт» каби телевизион кўрсатувларнинг фаол иштирокчиси бўлган.

ҚОДИРОВ Воҳидхон (1955.28.8, Тўрақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. институтини тугатган (1980). 1972 й.дан Тўрақўрғон туманидаги 24-мактабда лаборант, 1976 й.дан умумий техника фанлари ўқитувчиси.

ҚОДИРОВ Давлатохун (1888, Андижон — 1953, Тошкент) — созанда (датор), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Ҳамза раҳбарлигидаги Ўлка сайёр сиёсий труппаси (1918—20), М.Қориёкубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат сайёр концерт этнографик труппаси (1926), Ўзбекистон радиоқумитаси халқ чолғу асбоблари оркестри (1929—53)да созанда. Қишлоқ хўжалиги кўргазмаси (1923, Москва), Ўзбек санъати ва адабиёти декадалари (1937, 1951, Москва)да қатнашган. Репертуаридан Тошкент-Фарғона воҳалари ҳамда машҳур ўзбек, тожик ва уйғур халқ мусиқа намуналари асосий ўрин тутган. Қ. айникса, «Роҳат», «Ўйин Баёти», «Ўйин Дугоҳи», «Баҳор», «Сарахбори Оромижон», «Дилхирож», «Чертмак», «Танавор», «Фарғонача» каби куйларни маҳорат билан ижро этган. Уйғур мақом чолғу йўлларининг кўпини ёддан билган.

ҚОДИРОВ Муҳсин Халилович (1932.10.3, Шаҳрисабз) — театршунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978). Санъатшунослик д-ри (1976), проф. (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1955). Қашқадарё вилоят маданият бошқармасида катта мутахассис (1955—57). Тошкентдаги Санъатшунослик ин-

тида илмий ходим (1957—58), катта илмий холим (1961—64, 1966—76), илмий ктиб (1964—66), 1976 й.дан бўлим мудир. 1962 й.дан Санъат ин-тида дарс беради (1996—98 й.лар ин-т ректори). Илмий фаолияти ўзбек халқи томоша санъатлари (анъанавий театр, ракс, цирк, майдон томошалари ва байрамлар)ни ўрганишга бағишланган. Қ.нинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963), «Масхара-боз ва қизикчилар санъати» (1971), «Халқ кўғирчоқ театри» (1972), «Ўзбек театри анъаналари» (1976), «Ўзбек халқ томоша санъати» (1981), «Навоий ва сахна санъати» (2000) каби китоблари алоҳида қимматга эга. Қ. «Танбур ноласи» (Фарғона театрида қўйилган), «Сехрли узук» (Рус ёш томошабинлар театрида, Каттакўрғон, Қашқадарё, Сурхондарё театрларида қўйилган), «Кенжа қиз», «Сирли най» (Республика кўғирчоқ театрида), «Бахт куши» (Муқимий театрида сахналаштирилган), «Сусанбил» (Хоразм кўғирчоқ театрида қўйилган), «Самар ва қанд қиссаси» (Самарқанд вилоят кўғирчоқ театрида сахналаштирилган) каби пьесалар ёзган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

Ас: Юсуфжон қизик, Т., 1991; Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари, Т., 1996; Ўзбек театри тарихи, Т., 2005.

Ад.: Илмга бахшида умр, Т., 2002; Кумушева Н., Мухсин Қодировнинг илмий тад-қиқртчилиқ фаолияти, Т., 2002.

ҚОДИРОВ Набижон Ўлмасович (1957.26.2, Риштон тумани) — кулол, риштон кулоллик мактабининг йирик вакили; Ўзбекистон халқ устаси (2001). 1969 й.дан уста кулол Йўлдошали Эргашевга шогирд тушиб хунар ўрганган. 1978 й.дан мустақил уста, тумандаги кулолчилик з-дида уста-рассом. Қ. махаллий кулолчилик анъаналарида буюмлар яратади, Риштон кулолчилик мактабида кичик шаклли ҳайкалтарошлиқ асарлари (лойдан кичик мавзули этюдлар, ўйинчоқлар, мужассамотлар) яра-

тишни бошлаб берди ҳамда уларни анъанавий (лаган, бодия) буюмлар билан уйғунлаштиришга эришди: «Хор-диқ», «Новвой», «Дехқон», «Чойхона», «Чоргул», «Бодомгул», «Ҳаштгул», «Аския» каби кўплаб кулоллик мужассамотлари ва б. Қ. ҳақида «Риштон мўъжизаси» номли ҳужжатли фильм яратилган (1999). Қ. оилавий кулоллар сулоласига асос солди: укалари (Нодир, Шавкат, Ахрор, Аброр), сингиллари (Замира, Зиёда), ўғиллари (Асрор, Сайёд) ва б. шогирдлари билан бирга меҳнат қилиб, Риштон кулоллик мактабини янги анъаналар билан бойитмоқда.

ҚОДИРОВ Очил (1910 - Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани Себистон қишлоғи — 1945) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, оддий аскар. 1941 й.дан фронтда. 1348-ўқчи полки (1-Белоруссия fronti 48-армиянинг 399-ўқчи дивизияси) пулемётчиси. Польшанинг Ружан ш. яқинидаги жангда жасорат кўрсатган ва шунда оғир яраланган. Армия сафидан бўшатилган. Вафотидан сўнг Қаҳрамон унвони берилган (1945.24.3). Ўзи туғилган жамоа хўжалигида бюсти ўрнатилган ва ўрта мактабга номи берилган.

ҚОДИРОВ Пиримкул (1928.25.10. Тожикистон Республикаси Шахристон тумани Кенгқўл қишлоғи) — ёзувчи, адабиётшунос олим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1988). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978). Ўрта Осиё ун-тиниш шарқшунослик ф-тини (1951) тугатган. СССР Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи (1954—63), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1963—83), Ўзбекистон Республикаси Адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасидаги Давлат мукофотлари кўмитаси раиси (1989—94).

Дастлабки ҳикояси — «Студентлар» (1951). Шундан кейин Қ. ёшлар ҳаёти ҳақидаги «Уч илдиз» (1958, роман), мустабид тузум шароитида ички

эркини йўқотган, мутелик дардига гирифтор бўлган қаҳрамонлар ҳаёти акс этган «Қадрим» (1961) ва «Эрк» (1968) қиссаларини ёзган. Замонавий мавзуларга бағишланган бу ва б. асарларида Қ. 2-жаҳон уруши йилларида кечган машаққатли ҳаёти фактлари ҳамда шу давр ҳақидаги таассурот ва мушоҳадаларидан самарали фойдаланган. Замонавий мавзуларга бағишланган «Қора кўзлар» (1966) ва «Олмос камар» (1976) романларида Қ. маънавий-ахлоқий масалалар билан бирга воқеликда, хусусан, кишлоқ ҳаётида мавжуд бўлган жиддий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратган.

Шўро мафкураси 70-й.ларда тарихий мавзунинг ёритилишига қаттиқ қаршилик кўрсатганига қарамай, Қ. Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим анъаналарини давом эттириб, «Юлдузли тунлар» (1979) романини ёзди. Ёзувчи бу асарида ўзбек халқи тарихининг муҳим саҳифа тарилан бири – буюқ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад *Бобур* сиймосига мурожаат этиб, унинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини тарихан ҳаққоний гавдалантириб берди. Кейинчалик ушбу асарнинг давоми — «Авлодлар довони» (1989) романини нашр этди. Қ. «Юлдузли тунлар» («Бобур») ва «Авлодлар довони» романларида Бобур, Хумоюн ва Акбарнинг ҳаёт йўлини кузатиш орқали Бобурийлар салтанатининг вужудга келиши ва равақ топишини ёрқин тасвирлашга эришган. У узоқ ўтмишда ва ўзга мамлакатда рўй берган воқеаларни тасвирлашда ўз фантазиясига эмас, балки ўзи эътироф этганидек, «тарих фантазиясига», яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосланган ҳар иккала асар ҳам кенг китобхонлар тарафидан самимий кутиб олинганига қарамасдан, шўро мафкураси томонидан кескин танқид қилиниб, муаллиф ўтмишни идеаллаштиришда айбланди.

Пахта яккаҳокимлиги даврида ўзбек халқи бошига тушган жабру жафо-

лар ўзбек адабиётида илк бор «Мерос» (1974) қиссасида ўз ифодасини топди. Қ. шу даврда қисса жанрида самарали ижод қилиб, болалар ва ёшлар ҳаётидан олинган «Акрамнинг саргузаштлари» (1974), «Яйра институтга кирмоқчи» (1979), шунингдек, маънавий-ахлоқий масалаларга бағишланган «Нажот» («Бахиллар ва ботирлар», 1980) қиссаларини ҳам эълон қилди. «Она лочин нидоси» (2000) романида 15-а.даги Мовароуннахрнинг ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаёти кенг акс эттирилган. Ёзувчи сўнгги йилларда «Қалб кўзлари (бадиалар, ўйлар. эсдаликлар)» (2001) китобини чоп этиб, шу йўналишдаги янги бадиа-(эссе)лар устида иш олиб бормоқда.

Қ. адабиётшунос олим сифатида ўзбек тили ва адабиётининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланиб, «Тил ва дил» (1972), «Халқ тили ва реалистик проза» (1973), «Тил ва эл» (2005) рисо-лаларини ҳамда 2 ж.ли «Адабиёт назарияси» учун «Адабий асарнинг тили» ва «Адабий жараён» долларини ёзди.

Қ.нинг «Қадрим» қиссаси асосида «Сенинг изларинг» (реж. Р.Ботиров) ба-лийий фильми, «Юлдузли тунлар» романи ва «Жон ширин» ҳикояси асосида кўп се-рияли видеофильмлар (реж. М.Юсупов) суратга олинган. Унинг «Бобур» пьесаси (реж. Б. Йўлдошев) узоқ йиллар мобай-нида ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида, «Инсоф» пьесаси эса вилоят театрлари саҳналарида қўйилган. Асарлари рус, украин, хинд, урду, турк, уйғур, козоқ, қирғиз ва турк-ман тилла-рида нашр этилган.

Ўзбекистон Олий Кенгаши (Мада-ният ва маданий мерос қўмитаси раиси; 1991—1995), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Фан, таълим, мадани-ят ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари; 1997—2000) депутаты.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1981), «Шухрат» ме-дали (1994) ва «Эл-юрт хурмати» (1998) ордени билан мукофотланган.

Ас: Сайланма, 1—3-ж.лар, Т., 1987—

89; Она лочин нидоси, Т., 2001; Қалб кўзлари, Т., 2001; Тил ва эл, Т., 2005.

Ад.: Шермухамедов П., Пиримкул Қодиров, Т., 1983; Каримова Ю., Эрк жозибаси, Жиззах, 2004.

Наим Каримов.

КОДИРОВ Таваккал (1926.24.4, Кува тумани — 1996.13.4, Фарғона) — хонанда (лирик тенор), Ўзбекистон халқ артисти (1989). Фарғона мусика билим юрти (1961) ва Фарғона пед. инти (1990) ни тугатган. Дастлаб қувалик Турсунбой Каримовдан доира ва гижжак (скрипка) чалишни, «Дугоҳ», «Сегоҳ» каби мумтоз чолғу куйларини, Ғ. ва Е.Ҳошимовлардан ашула йўллари, («Ёлғиз», Т.Жалилов; «Ўлтиргуси», Ж.Султонов ва б.)ни ўрганган. Кейинчалик К.Отаниёзов, Ж.Султоновдан ўзбек мумтоз ва замонавий бастакорлар ашулаларини ўзлаштирган. Кува тумани маданият уйида бадиий раҳбар (1951-59), Фарғона театри (1959-78), Фарғона вилоятлараро филармониясида яккахон хонанда (1978— 91), директор (1978 — 83), Фарғона ун-тида проф. (1991 й.дан). Бетакрор, ширали, жарангдор ва тиник, ниҳоятда кенг ва юқори диапазонли овоз соҳиби. 1955 й.дан Ж. *Охунов билан* ҳамнафаслик қилган. репертуаридан *Фарғона-Тошкент мусиқа услуби* намуналари («Кўкон Ушшоғи», «Тошкент Ироғи», «Танавор», «Насруллоий» ва б.), Хоразм йўллари («Сувора», «Феруз», «Сегоҳ»), замонавий бастакорлар («Тўй муборак», Фаҳр. Содиков; «Бизни ташлаб», «Фарғона тонг отгунча», М.Муртазоев; «Доғман», К.Отаниёзов; «Ўлмасин», Ж.Султонов ва б.) ҳамда мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига ўзи яратган («Ўхшайдику», Ҳамза шеър; «Шунчамиди», О.Ҳакимов; «Жамолларингдан», Нақший; «Кеча ойдин», Миртемир; «Ўйнасин», Ҳабибий ва б.) ашула ва яллалар кенг ўрин олган. Ижро услуби баланд авжларни кенг ишлатилиши, равонлик, кенг нафас, ҳар бир сўзини донадона қилиб айтиши билан ажралиб тура-

ди. Ижодига бағишланган 2 телефильм (1963, 1992) ва видеофильм (1991) суратга олинган. Ижролари бир неча грам-пластинка ва Ўзтелерадиокомпанияси фонотекасига ёзилган. Н. *Ҳамроқулов*, Н. *Ҳайдаров*, С. *Маннопов*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А. Каримов ва б.га устозлик қилган. Фарғонада санъат коллежи ҳамда кўчалардан бирига Қ. номи берилган.

Ад.: Маннопов С, Таваккал Қодиров, Фарғона, 1994.

КОДИРОВ Эркин (1932.28.12, Тошкент) — цитолог, гистолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), биол. фанлари д-ри (1982), проф. (1984), ТошТИни тугатгач (1961), Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўлка тиббиёт и.т. институти ординатори (1961—62), ас-пиранти (1963—66), катта илмий ходим (1968), Тошкент ун-ти биология-геопрокшунослик ф-тида катта ўқитувчи (1968-79), доцент (1979), кафедра мудири (1983 й.дан). Илмий ишлари кўлбoryотун захари турли дозаларининг каламушлар ички секреция безлари: гипофиз, қалқонсимон без ва буйрак усти безлари хужайралари морфологик тузилиши ва вазифаларига таъсирида рўй берадиган морфофункционал ўзгаришларни ўрганишга, шунингдек, илон чакқанида даволаш мақсадида юбориладиган «Антигюрза» зардобини захарсизлантириш динамикасини морфофункционал усуллар ёрдамида ёриштишга бағишланган.

Ас: Злокачественный зоб, Т., 1967; Умумий гистологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма. Т., 1983; Гистология [Дарслик], 1994; Одам анатомияси [Дарслик], Т., 2003.

КОДИРОВ Ғафур (1917.1.2 - Тошкент — 1985.12.11) — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Тошкент консерваториясини тугатган (1945). Тошкент мусика билим юрти (1945-59),

Тошкент консерваториясида педагог (1959 й.дан), доцент (1969), Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси масъул котиби (1965 — 71). Симфоник оркестр учун 2 «Рақс сюитаси», «Балет сюитаси», «Ёшлик увертюраси», «Сўзана» поэмаси ва б., ўзбек халқ чолғулари оркестри учун 4 сюита, «Ёшлар вальси», «Қизлар рақси» ва б. ёзган. Қ. *болалар муסיқаси* соҳасида самарали ижод қилиб «Мақтабжон-офтобжон», «Биз ёш ўқувчилар», «Оқ олтин» ва б. вокал-симфоник асарлар, фортепиано, виолончель, кларнет ва б. созлар учун турли пьесалар ёзган. Айниқса, дилкаш оҳангларга бой хор, эстрада ва болалар қўшиқлари оммалашган: «Ўзбекистоним», «Ёшлар марши», «Мирзачўл ёр-ёри», «Баҳор», «Койинманг, онажон», «Арча кўшиғи» ва б.

КОДИРОВА Махбуба Шамсиевна (1919.25.5, Тошкент) — адабиётшунос ва матншунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), филол. фанлари д-ри (1975). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1936). Ўзбекистон ФА Тил ва Адабиёт ин-тида стенографистка (1934—36), катта илмий ходим (1956—61), Алишер навоий номидаги Адабиёт музейида катта (1967—91), етакчи илмий ходим (1992 й.дан). Мумтоз ўзбек шоиралари — Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Дилшод Барно, Муслихабегим Мискин, Саодат Муштарий, Анбар Отин каби ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий меросини кенг қўламда ўрганиб, илмий рисоалар, монографиялар ёзган ва уларнинг шеърый тўпламларини нашр қилдирган. «19-аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири» асарида (1977) шу давр адабиёти ва, хусусан, шоиралари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ас: Нодира ҳаёти ва ижоди, Т., 1965; надира, Т. 1967, 1990; Дилшод, Т., 1971; Зебуннисо, Т., 1982; Шоира Анбар, Т., 1991; Шоира Муаззамхон, Т., 1992; Шеърят ва муҳаббат маликаси, Т., 1998.

КОДИРОВА Тўлқиний Фозилжонова (1935.27.7, Тошкент) — меъмор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор (1976), проф. (1996). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1959). Санъатшунослик ин-тида кичик, катта илмий ходим (1959—80), Ўзбекистон меъморлар уюшмаси раиси (1980—92), 1993-98 й.лар «*Камалак—ТВ*» Америка—Ўзбекистон қўшма корхонаси бош директор ўринбосари, 1996 й.дан Тошкент архитектура ва қурилиш ин-ти меъморий муҳитлар дизайни кафедраси проф.; 2005 й.дан меъморлик тарихи ва назарияси кафедраси мудири. к. фаолияти шаҳарсозлик, меъморлик тарихи ва назарияси, замонавий меъморликда халқ анъаналаридан унумли фойдаланиш масалаларига бағишланган. Қ. шунингдек, бир қанча турар жой, меъморий бинолар ва шаҳарсозлик мажмуалари лойиҳалари муаллифи, Тошкент, Наманган, Қўқон, Бухоро каби шаҳарлар марказлари учун ўтказилган танловлар ғолиби. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1988). Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати (1984—85, 1985-90, 1990-95).

Ас: Архитектор и время, Т., 1982; Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморлиги, Т., 2004.

КОДИРХОН ЮСУФ ибн Ҳорун Бугрохон ибн Мусо Тулка элок ибн Сотук (? — 1032 й. дек., Қашқар) — Шарқий қорахонийлар давлати хони. *Унғбий* ва *Ибн ал-Асир* Қ.Ю.ни Хўтан ҳукмдори деб агашади. Нумизматик маълумотларга кўра, у 1013—14 й.ларда Ёркенд, 1014—15 й.ларда Қашқарда ҳам ҳукмронлик қилган. 1025 й. Қ. Ю. ва *Маҳмуд Фаз-навий* бир пайтда Мовароуннахрга, *Алитегин* устига юриш қилишган. *Гардизийнинг* ёзишича, Самарқанд яқинида Қ.Ю. Маҳмуд билан учрашган, ўртада битим тузилган. Қ.Ю. Алитегиннинг акаси Тўғонхонни *Боласоғундан* сиқиб

чиқарган. Қ.Ю.нинг мулки 1032 й.га келиб Шарқий туркистондан ташқари Етти-сув ва Жан. Қозоғистонни қамраб олган. Пойтахт Қашқар ш. бўлган. Унинг вафотидан кейин Шарқий Туркистон ва Етти-сув катта ўғли Буғротегин Сулаймонга теккан, у Арслонхон унвонини олган. Талас (Авлиёта) ва Исфижоб (Сайрам) Қ.Ю.нинг 2-ўғли Ягантегин Муҳаммадга теккан. У Буғрохон унвони билан хонлик қилган.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т.2 (4.1). М., 1963; Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1988.

ҚОДИСИЯ ЖАНГИ - Саъд ибн Абу Ваққос қўмондонлиги остидаги араб қўшини билан Хуросон ҳокими Рустам ибн Фаррухзод қўмондонлигидаги сосонийлар қўшини ўртасида Хира(Ирок) даги Қодисия қишлоғи яқинида бўлган жанг (636 й., сент.; бошқа маълумотларга кўра, дек. ёки май ойининг охири, июннинг боши). Қ.ж. 3 кеча-кундуз давом этган ва ислом лашкарининг ғалабаси билан тугаган. Арабларга Суриядан 66 минг кишилик (бошқа манбаларга кўра, 10 минг киши) қўшин етиб келган. Бу қўшинни халифа Умар ибн Хаттоб Дамашқ ш.ни эгаллагач юборган. Жангнинг 3-куни ҳар галгидек баҳодирларнинг яккама-якка олишуви билан бошланган, сўнгра қўшинлар тўқнаш келган. Жанг тунда ҳам давом этган. 4-куни тонгда ғарбдан шамол эсиб форс қўшини устига чанг-тўзон ёғилган. Араб ҳарбий қисмларидан бири Рустам қароргоҳига бостириб кириб уни ўлдиради. Саркарданинг ўлими Эрон қўшинини саросимага туширган ва уни мағлубиятга учрашига сабаб бўлган.

Мусулмонлар қўлига Эроннинг давлат байроғи тушган. Бу байроқ кимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлиб, уни 1 млн. 200 минг дирҳамга баҳолашган. Қ.ж.да 6 минг араб жангчиси ва 10 минг форс аскарлари ҳалок бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос жангдан сўнг 2 ой давомида Қодисияда қолиб халифадан

кейинги ҳаракат режалари ҳақида тегишли фармон кутган.

Фахриддин Ҳасанов.

ҚОЖАРЛАР — 1) Шим. Эрондаги халқ. Қизилбош қабилалардан бирининг авлодлари. 30 минг киши (1987). Туркий тилларга мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлар, бир қисми — сунний мусулмонлар; 2) Эрон шоҳлари сулоласи (1796—1925). Сулола асосчиси — Оға Муҳаммадхон Қожар. Эрон парламенти — мажлис қарори билан сулола тугатилган.

ҚОЗИ (араб. — ижро этувчи, ҳукм чиқарувчи) — мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Дастлаб Қ.ларни Муҳаммад пайғамбар, ундан кейин халифа *Умар* тайинлаган. Хулофои рошидин даврида Қ.лар фақат фуқаролик ишларини кўриб чиқарди, жинойи ишларни ҳал қилиш халифа ёки вилоят ҳокимларининг ваколатига кирарди. Жавобгар юксак мақом эгаси ва иқтидорли киши бўлганда унга тегишли иш мазолим Қ.си (мазолим волиси)га топширилди. Шикоятлар б-н шуғулланувчи бу идорага давлат раҳбари ёки у тайинлаган баобрў киши бошчилик қиларди. Мазолим судида даъвогар ва жавобгардан ташқари Қ.лар, муфтийлар, салоҳиятли котиб, ички ишлар раҳбарлари, хавфсизлик ходимлари иштирок этарди. Мазолим Қ.си ҳокимлар, давлат мулозимлари, солиқчилардан шикоятлар бўйича ишларни, зўравонлик билан тортиб олинган шахсий мулк ёки вақф мулкларига оид ишларни, Қ.лар чиқарган қарорларнинг бажарилмаслиги ҳоллари, қўпчилик манфаатига қарши қилинган тажовузуларга доир ишларни кўриб чиқарди. қ. мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ишларини уларнинг диний китоблари (Таврот, Инжил) асосида ҳал қиларди. Қ.нинг ҳукми устидан халифага шикоят қилиш мумкин бўлган. 8-а.нинг 2-ярмида аббосийлар

давлатида олий Қ. — қозиул-қуззот лавозими жорий қилинган.

Амалда қ. лавозимини ўз обрўсига доғ туширмаган, илму идрокли ва шаррият конунларини етарлича биладиган, яққол кўриниб турган жисмоний нуқсонини бўлмаган соғлом ва одил ҳар бир эркин (қул бўлмаган) мусулмон эгаллаши мумкин эди. Қ. давлат ғазнасидан таъминлаб турилган. Баъзан Қ. умумий ваколатга эга бўлиб, бутун мамлакат бўйича ҳукм чиқара олган, баъзан унинг ваколоти бир вилоят ёки шаҳар худуди билан чекланган. Қ. ўз шаҳри ёки вилоятидаги барча фуқаролик ва жиноий ишларни олиб бориш, жамоатчилик ахлоқи сақланишини назорат қилиш, зарур бўлган тақдирда одамлар ва мулкка васийликни тайинлаш, вақф мулкларини назорат қилиш, жамоат бинолари ва иншоотлар, йўллар, кўчалар ва майдонларнинг ҳолатини кузатиб туриш, мерос бўлинишини ва васиятга риоя қилинишини, қ. ҳукмлари тўғри бажарилиши ва тўғри жазо белгиланишини кузатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва турма нозирларини назорат қилиш, зақот, садақа ва б. жамоат маблағлари тўғри йиғилиши ҳамда тақсимланишини кузатиб бориш, зарбхона, байтулмол (дашшт хазинаси)ни назорат қилиш каби ишларни бажарарди. Қўшинлар Қ.си қўлга киритилган ҳарбий ўлжани баҳолаши ва унинг тўғри тақсимланишини кузатиши керак бўлган. Бунинг учун у ҳарбий ҳуқуқни яхши билиши лозим эди.

Айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда Қ.лар асосан фақиҳлар орасидан чиққан.

Ўзбекистон худудида, хусусан Тошкент ш.да 20-а.нинг 30-й.лари бошигача қозилар суди мавжуд бўлиб, шариятга тегишли муаммоларни кўриб, ҳал қилиб келган.

Абдулҳаким Жужжоний.

КОЗИАСКАР, қози ўрду - 1) мусулмон Шарқи мамлакатларида ҳарбий хизматдагиларнинг қозиси. Хива хонлигида лашкар ва қўшиндаги конун-қоидалар

устидан назорат қилиб, шаръий масалаларни ҳал қилган. Баъзи ҳолларда илтимосига мувофиқ ҳарбий бўлмаган кишиларнинг ишларини ҳам кўриш учун қабул қилган. Хон сафарга чиққанида Қ. унга ҳамроҳ бўлиб, ўз вазифасига тегишли ишлар бўйича хонга шахсан ўзи маълумот берган. Қ. расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида қозикалондан кейин, 2-ўринда ўтирган; 2) Усмонли турк империясида 14-а. ўрталаридан ҳарбий-суд табақаси бошлиғи, султон девони аъзоси. Қ. ҳарбий ишлар, 15-а.да шайхулислом мансаби жорий этилгунча эса диний ишлар юзасидан ҳам девонга тушган шикоят аризаларини кўриб ўзининг якуний қарорини чиқарган. 1481 й.дан 2 та Қ. бўлган: — Румэли Қ.и (салтанатнинг Европа қисми учун) ва Анадолу Қ.и(салтанатнинг Осиё ва кейинчалик Африка қисми учун); Румэли Қ.и. рутбаси баландроқ бўлган. Қ.ларга шартли ер мулки(арпалик) ва хазинадан маош тўланган. Султон Маҳмуд II нинг ҳарбий ислохотлари нағижасида (19-а.нинг 20—30-й.лари) Қ. лар реал ҳокимиятдан маҳрум бўлишган, лекин 1922 й. султонлик барҳам топгунига қадар олий диний мартаба сифатида номигагина мавжуд бўлган.

КОЗИЗОДА РУМИЙ - қ. *Румий.*

КОЗИКАЛОН - бош қози, энг юқори даражадаги қози (олий маҳкама раиси). Ўрта Осиё хонлиқларида барча қозилар, диндорлар ва муллаларнинг бошлиғи, яъни раиси бўлиб, улар устидан назорат қилган. Бош қози ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган. Барча мусулмон мамлакатларида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам ҳуқуқ масалалари динга қарашли, яъни диндорлар қўлида бўлганлиги сабабли, Қ. барча ҳуқуқ масалалари ва қўшин маъмуриятининг ҳам раиси ҳисобланган.

Қ. фуқароларнинг даъволари, жанжаллари билан ҳам шуғулланган. Олий жазо талаб қилинадиган жиноий ишлар

унинг вазифасига кирмаган. Бу ишларни хоннинг ўзига кўрган. 1824—25 й.ларда хонликдаги қ. нинг 11 та навқари бўлган.

Қ расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида, 1-ўринда ўтирган. Қ. Бухоро амирлигида ҳам худди шундай вазифани бажарган.

Хива хонлиги мутлақ монархия давлати бўлгани учун олий суд ҳокимияти хон ихтиёрида бўлса-да, бироқ шунга қарамай Қ. ҳам қатта ваколатларга эга эди. Мас, маош тўланадиганлар рўйхатида шайх ул-исломдан кейин турган. Хонликда 2 та қози — қ. ва *қози-асқар* бўлган.

ҚОЗИКАЛОН МАДРАСАСИ - Хивадаги меъморий ёдгорлик (1905); *Ичан қалъа* таркибида. *Жума масжид* ва *Матниёз Девонбеги мадрасаси* оралигида. Қозикалон Салим Охун томонидан қурилган. Мадраса тўртбурчак тархли (32,5 x 23,4 м), пештоқ-гумбазли, дарсхона (тарҳи 4,7 x 4,7 м), ҳовли (16,6 x 9,8 м)дан иборат. Бош пештоғининг 2 бурчагига гулдасталар ишланган (улар яшил ва кўк қошинлар билан безатилган); пештоқ орқали миёнсаройга кирилади, миёнсаройнинг 2 ёнида масжид ва мадраса жойлашган; ҳовли атрофини балхи гумбазли 1, 2 хонали ҳужралар эгаллаган, жан. томонида кўшимча хоналар ҳам бор. Пештоқ ва девордаги данданалар рангли қошинлар билан зийнатланган; деворнинг ташқи ва ички томонининг юқори қисми горизонтал яшил «бандак» қатори билан хошияланган, деворларига ясси равоқлар ишланган. Пештоқ равоғи китобасида сирқор битиклар бор.

ҚОЗИЛАР СУДИ — ислом пайдо бўлган даврдан мусулмон мамлакатларидаги айбловчи ва ижро этувчи асосий давлат органи. Уларга халифалар ва ҳукмдорларнинг ноиби ҳисобланадиган *қозилар* бошчилик қилган. Қозилар турли даъво ва жанжалларни *шариатта* асосланиб ҳал қилганлар. Ҳозир ҳам бир қанча ислом давлатлари (Саудия Араби-

стони, Яман, Ироқ, Эрон, Покистон ва б.)да Қ.с. ўзининг асосий вазифаларини сақлаб қолган.

Урта Осиё ҳудудидаги хонликларда ҳар бир даҳада Қ.с. бўлган. Уларда иш кўзгагиш ва дастлабки тергов босқичлари йўқ эди. Чунки ҳоз. кўринишдаги тергов, прокуратура ва адвокатура органларининг ўзи бўлмаган. 1920 й. Бухоро ва Хоразмда Қ.с. тугатилди. Янги халқ судлари ташкил этилди. Совет халқ судлари Бухоро ва Хоразмнинг рус аҳолиси жойлашган ҳудудида фаолият кўрсатган бўлса, маҳаллий халқ учун шариатга асосланган қози халқ судлари иш олиб борган. 1924 й. 5 январьдаги «Суд қурилиши тўғрисидаги низом» БХСРда амалда бўлган суд тизимини қайта тузди ва Қ.с.да халқ маслаҳатчилари қатнашишини жорий этди, бу билан коллегиял суд тизимини йўлга қўйди.

Туб мусулмон аҳоли учун суд ишидаги бу ислохот натижасида суднинг шакли ўзгарди, энди яккабошчилик суди коллегиял судга айланди. Халқ судида судьялар, маслаҳатчилар бўлиб, советча иш юритиш жорий қилинганлигига қарамай, мохиятан Қ.с.дан фарқи йўқдай эди. Қ.с.ни тугатиш тўғрисидаги қарорни мусулмон руҳонийлари динга тазйиқ сифатида баҳоладилар. Шу сабабли Туркистонда Қ.с.ини қисман тиклаш бошланди. Бу ҳақда 1921 й. 6 окт.да Туркистон МИКнинг декрети эълон қилинди. 1922 й. 26 майда ТАССР ҳукумати республиканинг барча ҳудудида Қ.с.ни қайта тиклаш ҳақида декрет чикарди. Ана шу асосида Қ.с. яна бир неча йил иш олиб борди. Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1928 й. 18 фев. қарори билан ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатди.

Шоирахон Эшонова.

ҚОЗИХОНА — қози томонидан судлов ишларини амалга оширадиган маҳкама. Шариатга кўра, Қ.лар масжид қошида бўлиши керак бўлса-да, кўпгина судлов ишлари қозиларнинг уйларида, бозор кунлари эса бозорларда қурилган.

Ўрта Осиё худудидаги хонликларнинг ҳар бир даҳасида Қ. бўлган. 1917 й.дан кейин Қ.лар халқ судлари назоратида ишлаган. Ўзбекистонда 1925 й.да 87 та, 1926 й.да 27 та, 1927 й.да 8 та қ. бўлган. 1928 й.да Қ.га эҳтиёж қолмаган. Шарқнинг айрим мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам Қ.лар фаолият кўрсатади.

ҚОЗОН — РФ даги шаҳар, Татаристон Республикаси пойтахти (1990 й.дан). Волга бўйининг муҳим саноат ва маданий марказларидан бири. Волга дарёси чап соҳилида. Йирик дарё порти. Т. й. станцияси. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Аэропорт бор. Аҳолиси 1105,3 минг киши (2002). 5 маъмурий туманга бўлинган.

Қ.га 1-минг йиллик охирида Қозон дарёсининг ўрта оқимида булғорлар асос солган. 1399 й.да Москва князи Юрий Дмитриевич қўшинлари томонидан Қ. вайрон қилинди ва 30 — 40 й.дан сўнг қайта тикланди. Кейинчалик шаҳар ўрнида Кремль қурилди. 15-адан Ўрта Волга бўйининг йирик иқтисодий ва савдо маркази, 1438 й.дан Қозон хонлигининг пойтахти. 1552 й.да рус подшоси Иван Грозний қўшинлари томонидан босиб олинган. 1708 й. дан Қозон губерняси маркази. 19-а.да Қ.да саноат корхоналари пайдо бўла бошлади. 1804 й.да ун-т очилди. қ. 1920—90 й.ларда Татаристон АССР пойтахти.

Машинасозлик (авиасозлик, мотор-созлик, «Теплоконтроль», вакуум техникаси и. ч. бирлашмалари; компрессор, электрон-ҳисоблаш техника маҳсулотлари и. ч. ва б.) ва металлсозлик, кимё ва нефть кимёси («Казань-оргсинтез», «Тасма», кимё-фармацевтика корхоналари; синтетик каучук, уй-рўзғор кимёси маҳсулотлари ва б.), енгил (мўйна, кўн-тери маҳсулотлари ва б.), озиқ-овқат саноатлари ривожланган. 11 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т, консерватория), 6 театр (опера ва балет театри ва б.), 8 музей (Татаристон Республикаси, тасвирий санъат, М.Горький номидаги

музейлар ва б.) бор. Шаҳарда меъморий ёдгорликлардан Кремль ва ёдгорликлар мажмуаси (16—18-а.лар), шу жумладан, Суюмбака минораси (17— 18-а. бошлари), Петропавловск собори (18-а., ҳоз. собор биноси — планетарий), Маржоний масжиди (18-а.), губернатор саройи (19-а.), қозон университети мажмуаси (19-а., классицизм услубида қурилган) сақланган. Қ.да шаҳарнинг бунёд этилганига 1000 йил тўлганлиги муносабати билан бир йўла 5 минг киши намоз ўқийдиган тўрт минорали Кул Шариф жоме масжиди ўз ўрнида қайта тикланди. Европада энг катта бўлган бу масжид 1552 й. Иван Грозний Қ.ни босиб олган вақтда бутунлай бузиб ташланган эди.

Қозон Кремли ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган (2000). 2005 й. Қ.нинг 1000 й.лиги нишонланди. Метрополитен ишга туширилди.

ҚОЗОН — 1) чўян, мис, алюминий ва б. металллардан қуйиб тайёрланган рўзгор буюми; таом пишириш, сув қайнатиш ва б. мақсадларда ишлатилади. Унинг қопқоғи (тувоғи) металл ёки ёғочдан ясалади. Археологик текширишлар қадимда Ўзбекистонда сопол, тош (мармар), бронза Қ.лар бўлганлигини кўрсатади. Мас, *Катта Фарюна канали* қазилганда мил. ав. 1-минг йилликнинг охирига мансуб бронза Қ. чиққан: Наманган вилояти ўлкашунослик музейида *Ахсикатдан* топилган, милонинг 6—7-а. ларига оид сопол қ. сақланмоқда.

Қ.нинг шакли ва ўлчамига қараб, дошқозон, ош Қ, кир Қ, каби турлари бор. Кичикроғи декча деб аталади; 2) ёқилғи (қўмир, газ ва б.) ёқиб сув буғи ёки иссиқ сув олинадиган қурилма. Иссиқлик электр ст-яларнинг *буғ турбинасини* буғ билан таъминлаш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, иссиқ сув билан таъминлаш тизимларида фойдаланилади. Турар жой ва жамоат биноларини иситишда чўяндан ишланган, қаттиқ ёқилғи ёқиладиган секцияли сув иси-

тиш Қларидан фойдаланилади. Буларда сув 115° дан юкори т-рагача кизийди. Уларнинг иссиқлик ажратиш қуввати 1,5 Г кал/соат (1 Г кал/соат = 1,163 МВт), босими эса 0,4 МН/м² (4 кгк/см²) гача. Бундай Қларнинг ўчоқ аппаратларини ўзгартириб, каттик ёқилгидан газсимон ёқилги ёкишга ўтказиш мумкин (к. *Буг қозони*, *Буг турбинали электр станцияси*).

ҚОЗОН СОБОРИ – Санкт-Петербургдаги меъморий ёдгорлик (1801 — 11); классицизм услубида қурилган (меъмори А.Н.Воронихин). Ярим айлана шаклидаги бино Нева проспектига қараган. Марказида 6 устунли пеш-ток, улкан гумбазли, 2 ён томонлари ҳажмдор устунлар қатори билан ўралган бино салобатли майдон ҳосил қилган. Собор Нева проспектидаги ансамбллар таркибига киради. Бош тарзи олдидаги кичик майдон чўян панжара билан ўралган. Интерьери улуғвор устунли зал — сарой ечимига эга; бош нефнинг уз. 69 м, умумий бал. 62 м. Ҳайкалтарошлик безаклари И.П.Мартос, И.П.Прокофьев, Ф.Ф.Шchedрин ва б. томонидан бажарилган; деворий расмлар ва иконаларни яратишда В.Л.Боровиковский, А.Е.Егоров ва б. қатнашган. Бинога 1812 й. Ватан урушида қўлга киритилган ҳарбий ўлжалар (Европанинг 17 шаҳар ва 8 қаль-аси қалитлари, 105 та байроқ ва б.) жойлаштирилган. 1813 й.да соборга М.И. Кутузов дафн этилган. 1837 й. собор олдига М.И. Кутузов ва М.Б. Барклай де Толли ҳайкаллари ўрна-тилган (бронза, гранит; ҳайкалтарош Б.И.Орловский, меъмор В.П.Стасов).

ҚОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ - Россиядаги кад. ун-тлардан бири. 1804 й. Қозон ш.да ташкил этилган. Мат., физика, геол., кимё, биол., тарих, геогр., ҳуқуқ, филол., экология ва б. ихти-сосликлар бўйича мутахассислар тай-ёрлайди. Таркибида бир қанча и.т. ин-ститутлари ва б. илмий муассасалар, музейлар, нашриёт, илмий

кутубхона (5 млн.га яқин асар) бор. Унда 11 мингдан зиёд талаба таълим олади, 1000 дан ортиқ ўқитувчи ва илмий ходим ишлайди.

ҚОЗОН ХОНЛИГИ - *Олтин Ўрда* инкирозидан сўнг Ўрта Волга бўйи — Волга-Кама Булғорияси ҳудудида ташкил топган давлат (1438—1552). Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад (1438—45) асос солган. Маркази — Қозон ш. Қ.х. аҳолиси Қозон татарлари (Волга булғорларининг авлодлари), мари, чуваш, удмурд, мордва ва бошқирдлардан иборат бўлган. Улар, асосан, деҳқончилик билан шуғулланган.

Шаҳарларида хунармандчилик ривожланган. Қ.х. Русь давлати, Сибирь, Кавказ ва Шарқ давлатлари билан савдо алоқалари олиб борган. Ҳокимиятни йирик зодагонлар кенгаши(дево́н) маслаҳати билан хон бошқарган. Ширин, баҳрин, арғин, кипчоқ уруғ вакиллари — қарачлар, зодагонларнинг олий табақасини ташкил этган. Булардан кейинги ўринда султонлар ва амирлар, мирзалар, уланлар ва аскарлар турган. Мусулмон руҳонийлар катта ҳурматга сазовор бўлганлар. Аҳолининг асосий қисмини қора халқ» ташкил этган.

Қ.х. маъмурий жиҳатдан доруғлар (округ) ва улусларга бўлинган. Армияни хонга қарашли гвардия, алоҳида зодагон қўшинлар ва солиқ тўловчи халқ орасидан чиққан кўнгиллилар ташкил этган.

Қ.х. Русь ерига тез-тез талончилик ҳужумлари уюштириб турган, Русь қўшинлари эса 1467—69 й.ларда Қозон, Вятка ш.ларига юриш қилган. 1487 й.ги юриш нағижасида Алихон тахтдан ағдарилиб, унинг ўрнини акаси муҳаммад Али (Иван III нинг гумаштаси) эгаллаган. Шу вақтдан бошлаб 1521 й.гача Қ.х. Россияга қарам (вассал) давлат бўлиб қолган. 1552 й. рус қўшинлари Қозонни босиб олгач, Қ.х. тугатилган ва Ўрта Волга бўйининг ҳаммаси Россия таркибига киритилган.

КОЗОНКЕТКАН

— Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т. й. станцияси — Қуштунгил (60 км). Қ.дан *Нукустача* 100 км. Аҳолиси 4,2 минг киши (2005). Гишт 3-ди, автокорхона, курилиш ташкилотлари, МТП, хусусий корхоналар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, касб-хунар коллежи, болалар мусиқа мактаби, маданият саройи, туман марказий кутубхонаси, туман марказий касалхонаси, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Қ.дан Нукус ш.га автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

КОЗОНЛИҚ — Болгариянинг марказий қисмидаги шаҳар, Стара-Планина тоғларининг жан. этагида, Қозон-лиқ сойлигида жойлашган. Аҳолиси 54 минг киши (1990-й.лар ўрталари). машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Фракийларнинг антик ёзуви гумбазсимон сағанаси (мил.ав. 4-3-а.лар) сақланган. Шаҳар атрофида дунёга машҳур қозонлиқ атиргули, ла-ванда плантациялари барпо қилинган. Қ.да эфир мойли ўсимликларнинг тажриба ст-яси бор.

КОЗОНЛИҚ ДАХМАСИ - Болгариядаги қад. меъморий ёдгорлик (мил. ав. 4-а. охири — 3-а. боши); Қозонлиқ ш. яқинидаги қўрғон ости дафн иншооти. 1944 й.да ер остидан топилган. Иншоот гишт ва тошдан шурилган; дахма айлана тарҳли, конус шаклидаги гумбазли ва қисқа йўлакдан иборат. Юнон-фракийлар санъатининг нодир намунасидир. Гумбаз ости айлана тарзида ишланган деворий расмлар билан копланган; унда маиший (мотам маросимлари) ва ҳарбий (аравалар пойғаси ва б.) лавҳалар тасвирланган. Улар нақшли ҳошия белбоғ билан 2 ярусга ажратилган. Расмлар вазмин ва мутаносиб композицияси, ҳаракатларнинг табиийлиги билан ажралиб туради. со-

кин, улугвор мотам муҳити майин ҳамда қатъий колорит билан уйғун. *Жаҳон мероси* рўйхатида киритилган.

КОЗОНЛИҚ СОЙЛИГИ - Болгариядаги тектоник сойлик, Стара-Планина ва Среднагора тоғ тизмалари оралигида. Уз. 100 км чамасида, ўртача кенлиги 10 км, бал. 350 м гача. Майд. 780 км². Қ.с.ни Тунжа дарёси кесиб ўтади. Рельефи тубида текис, шарқи сертепа. Иқлими мўътадил илик, янв.нинг ўртача т-раси 0° дан —2° гача, июлники 20°, йиллик ёгин 600 мм. Атиргул плантациялари, боғлар, тоқзорлар бор.

КОЗОНХОН, Қазон Султон (? -1347) — Чигатой улуси хони (1332—47). Чигатойхон наслдан бўлган Ясавур ўғлоннинг фарзанди. 1332 й. мовароуннаҳрда хонлик тахтига ўтиради. Қ.нинг хукмронлик вақтида зўравонлик ва зулм кучаяди, аҳолининг турмуши ёмонлашади. Амир *Қазагон* улуснинг тирик қолган аъёнлари билан иттифок тузиб бош қўтаради ва Соли-Саройда кўшин тўплаб, Қ.га қарши жангга тайёрланади. 1345 й.да Дарайи Зангий қишлоғи яқинидаги даштда ҳар икки кўшин тўқнашади. Бу жангда амир Қазагоннинг кўшини мағлубиятга учрайдди. Ғолиб Қ. Қарши ш. томон йўл олади. Шу йили қишнинг қаттиқ совуғидан Қ. лашкари уловининг кўп қисми қирилиб кетади. Амир Қазагон бу ҳолатдан хабар топгач, зудлик билан кўшин жамлаб, Қ.ни йўқ қилмоқ мақсадида рақиби томон юради. 1347 й.да 2 томон лашкарлари яна тўқнаш келади. Жанг амир Қазагоннинг ғалабаси билан якун топади. Қ. жанг майдонида қатл қилинади.

КОЗОҚ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, Форобий номидаги қозоқ миллий университети — Қозоғистондаги энг йирик олий ўқув юрти. 1934 й. ташкил этилган (1993 й.гача Қозоқ давлат унти). Олмаота ш.да жойлашган. 1991 й. *Форобий* номи берилган. Ун-тда 14

ф-т (биол., физика, механика-мат., кимё, журналистика, филол., тарих, фалсафа ва сиёсатшунослик, иктисодиёт ва бизнес, ҳуқуқ, шарқшунослик, халқаро муносабатлар, геогр., тайёрлов), 104 кафедра, 7 и.т. институти, аспирантура, талабалар саройи, спорт иншооти, нашриёт, телерадиостудия бор (2005). 70 ихтисослик бўйича д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган 30 га яқин илмий кенгаш фаолият юритади. Ун-гда 12 мингга яқин талаби таълим олади, мингдан ортик ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан, 300 га яқин фан д-ри ва проф., 800 дан зиёд фан номзоди ва доцент ишлайди. Газ. нашр этади.

ҚОЗОҚ ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; қорақалпоқ ва нўғай тиллари билан бир-галикда *қипчоқ тилларининг* қипчоқ-нўғай гуруҳчасини ташкил этади. Қозоғистон Республикасининг давлат тили. Асосан, Қозоғистон, Хитой, Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Монголияда, шунингдек, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркия, Украина ва б. мамлакатларда тарқалган. Қ.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони қарийб 9,5 млн. киши.

Қ.т.нинг диалектик бўлиниши ҳақида аниқ бир фикр йўқ; баъзи манбаларда 2 та, баъзиларида эса 3 та (шим.-шарқий, жан. ва ғарбий) лаҳ-жага бўлиниши ҳақида фикрлар мавжуд. Лаҳжалар лексик таркиби ва фонетик хусусиятлари жиҳатдан ўзаро фарқ қилади.

Қ.т.нинг фонетик хусусиятлари: 9 унли фонемага эга, унлилар оҳангдошлиги (лаб сингармонизми) ва ундошлар ассимиляцияси мавжуд, сўз урғуси, асосан, динамик хусусиятга эга. Бўғинлар 3 турга ажралади: очик, ярим ёпик ва ёпик. Морфологик хусусиятлари: отлар келишиклар билан турланади, от ясалишида аффиксация ва композиция усуллари мавжуд бўлса, сифатлар лексик-семантик, морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади; сон ва олмош

туркумлари фарқли белгиларга эга эмас. Феъллар морфологик тузилишига кўра, туб ва ясама феълларга бўлинади, феъл туркумида 4 майл (аниклик, буйруқ, истак ва шарт), 3 замон (ўтган, ҳоз., келаси) фарқланади. равишлар аслий ва нисбий турларга бўлинса, ёрдамчи сўз туркумлари умумтуркий хусусиятларга эга. Синтактик хусусиятлари: 4 хил синтактик алоқа тури (мослашув, муносабатлашув, бошқарув, битишув), 4 хил гап тури (дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов) фарқланади. Гап бўлаклари таснифи ва тавсифи, гапда сўзлар тартиби умумтуркий қонуниятларга асосланади. Қўшма гаплар боғловчисиз ва боғловчили турларга бўлинади. лексик хусусиятлари: Қ.т. лексикасининг ўз қатламини қад. туркий тиллардан семантик ва структур-морфологик ўзгаришларга учраб ўтган умумтуркий қатлам ташкил этади, шунингдек, унда араб, форс, мўғул, ўзбек, татар, рус ва хитой тилларидан ўзлашган сўзлар қатлами ҳам мавжуд.

Араб графикасига асосланган ёзма адабий Қ.т. 19-а. 2-ярмида пайдо бўлиб, таниқли қозоқ маърифатпарварлари Абай Қўнонбоев ва Ибрай Олтинсаринлар фаолияти туфайли 19-а. охирида тўлиқ шаклланди. Ёзуви 1930 й.гача араб графикаси асосида, 1930—40 йларда лотин графикаси асосида бўлган. 1940 й.дан рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган.

Ад. Мусабаев Г. Г., Современный казахский язык, ч.1, Лексика, Алма-Ата, 1959; Мусабаев Г. Г., Современный казахский язык, ч.2, Фонетика и морфология, Алма-Ата, 1962;Томанов М., Қазақтан тарихи фамматикасы. Фонетика, Морфология, Алматы, 1981; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Исроил Пулатов.

ҚОЗОҚИ ОҚБОШ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — гўшт йўналишидаги қорамол зоти. 20-а.нинг 30—40-й.ларида

Қозоғистон ва Россия (Оренбург ва Волгоград вилоятлари)да Қозоғистон маҳаллий ва қисман қалмоқ қорамол зотини герефорд зоти билан завод усулида чатиштириб чиқарилган. Зот сифатида 1950 й. тасдиқланган. Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда гўштдор қорамолчилик ҳудудларида тарқалган. Кескин континентал иқлим шароитларига яхши мослашган. Ёзнинг иссиқ, кишнинг совуқ кунларида ҳам яйлов шароитида боқилади. Туси қизил, боши, кўкраги, қорни, оёқларининг ва думининг пастки қисми оқ. Ёзда жун қоплами қалта, силлик, ялтираб туради, кишда жунлари узун бўлиб ўсади. Тана тузилиши ўртача, кўкраги кенг, суяклари мустаҳкам. Буқалари вазни 800—900 кг, сигирлариники 500—550 кг. Янги туғилган бузоқларининг вазни 27—30 кг ва 8 ойлигида 220—240 кг га боради. Бу зот тез ўсиши билан фарқланади. Табиий яйловларда боқилган бузоқлар 13—18 ойлигида вазни 450—470 кг га етади. Сўйим чиқими 65—67%. Ўзбекистонда 1957—60 й.лардан бошлаб Қ.о.қ.з.ли молларнинг репродуктор фермалари шакллантирилган. Қ.о.қ.з. гўшт сифатини яхшилаш мақсадида сут йўналишидаги зотлар билан чатиштирилади. Бу зот соф ҳолда урчиғиб ва маҳаллий қорамоллар билан чатиштиришда фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистонда наслчилик подалари яратилган. Олинган чатишма авлодлар Жиззах вилоятининг Зомин туманида, Хоразм вилоятида ва Қорақалпоғистоннинг Оролбўйи ҳудудларида боқилади.

ҚОЗОҚЛАР — халқ, Қозоғистон Республикасининг асосий аҳолиси (6,54 млн. кишидан зиёд, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Ўзбекистон (808 минг киши), Туркманистон (87 минг киши), Қирғизистон (37 минг киши), Тожикистон ва РФ (635,9 минг киши)да; ХХР (1115 минг киши, 1990-й.лар ўрталари), Монғолия (125 минг киши) ва б. мамлакатларда яшайди. Умумий сони 9,42 млн. киши. *Қозоқ тилида* сўзлашади. Диндор-

лари — сунний мусулмонлар.

Қ.нинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узоқ муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Қ.нинг қад. аجدодларига *сақлар*, *усунлар* ва б. кирган. Милоднинг бошларида Орол денгизидан ғарбда Қ. этногенезига таъсир кўрсатган *аланлар* яшаган. 6—7-а.ларда Қозоғистоннинг жан.-шарқида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан турқашлар, телелар, қарлуқлар ва б. келиб жойлашган. 12-а. бошида Қозоғистон ҳудудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган. 13-а.бошида мўғуллар истилоси даврида Мўғулистон ва Олтойдан найманлар, кераитлар ва б. қабилалар кириб келган. *Олтин Ўрда* парчаланиши билан 15-а. ўртасида, Ўзбек хонлигидаги ўзаро низо-лар натижасида бу қабилаларнинг қатта қисми Жан.-Шарққа, *Мўғулистон* давлати таркибига кўчган. 16-а. бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилалари Қозоқ хонлигига бирлашган (Ўзбек қабилалари *Шайбонийхон* бошчилигида Ўрта Осиёга кетган). Шу билан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни тугалланган. Қ.нинг қабила-уруғлари тарихан 3 гуруҳга бўлиниб, алоҳида ҳудудларда яшаганлар. Улар жузлар деб аталган (*қ.Қатта жуз*, *Кичик жуз*, *Ўрта жуз*). Асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик, фақат жан.даги (Сирдарё бўйидаги) баъзи воҳаларда суғорма деҳқончилик бўлган.

ҚОЗОҚЛИК, қозоқилик - 15—16-а.ларда ҳокимият учун курашда мағлубиятга учраб, ўз эл-юртидан ажраб бошқа ўлкаларда куч тўплаш учун юрган шахзода ёки ҳукмдорлар «қозоқ», уларнинг шундай юриш-турмуши эса «Қ.» деб аталган (яна қ. *Қазаклар*).

ҚОЗОҚМОЗОРТЕПА - археологик ёдгорлик. Тошкент ш.нинг Учтепа тумани Лutfий кўчасида. Қ. деб аталиши 18-а.да жунғарларнинг босқини даври-

да козоқларнинг Ўрта Осиёга жадаллик билан кириб келиши билан боғлиқ. Қ.дан ҳозир бал. 3 м. диаметри 12 м ли кичкина тепалик қолган. Тепаликнинг ғарбида ўрта асрларга оид қабристон жойлашган. Режали археологик қазилар ўтказилмаган. Чилонзорда қурилиш ишлари кетаётганда Тошкент археология отряди (В.А.Булатова, Д.И. Зильпер, М.И.Филанович) томонидан кузатув ишлари олиб борилиб 2 та шурф қазилган ва биттаси ўрганилган. 9—12-а.ларга оид сопол хум, лаган, қозон, кўза, хурмачалар топилган. топилмалар ичида аҳамиятлиси сополдан ишланган йирик идиш ва дастурхонларга нақш босадиган штампдир. археологик тадқиқотларга қараганда. кишлоқ 9—12-а.ларда гуллаб яшнаган. Ривоятларга қараганда, *Улугбек* даврида чўпонлар ҳомийси — Чўпон ота кўмилган жойда мақбара қурилган. Ҳозир ҳам бу жой зиёратгоҳдир.

Ад.: Древний Ташкент, Т., 1973.

ҚОЗОҚОВ Ортиқали (1960.27.10, Поп тумани Санг қишлоғи) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1985). Қ. ижодида миллийлик ва замонавийлик руҳи ҳамоҳанг; авангард йўналишдаги асарлари билан танилган рассом асарларида безак ечими, халқ анъаналари, миллий удумлар шарқона талкин этилади. Асарлари: «Бизнинг ҳовли» (1983), «41-йил олмалари» (1985), «Ёмғирдан сўнг» (1990), «Бо-лалик баҳори» (1992), «Икки дугона» (1992), «Сукунат» (1993), «Севишганлар» (1993), «Шарқ келинчаги» (1994), «Бибихоним» (1994), «Соҳибқирон руҳи» (1996), «Буюк ипак йўли бўйлаб» (1996), «Кўк туя» (1997), «Кўхна наво» (2000), «Оналик осмони» (2002), «Бахт карвони» (2003) ва б.; Қ., шунингдек, портретлар («Автопортрет», 1983; «Сароймулкхоним». 1996, 2005; «Ка-молиддин Беҳзод», 1997), натюр-мортлар («Натюрморт», 1995; «Наврўз натюрморти», 1995; «Настарин». 1996;

«Оқ гуллар», 1997; «Лимонли натюр-морт, 2003), манзаралар («Ангрен атрофи», 2002; «Қамчиқ довонида баҳор», 2004) ва б. асарлар муаллифи ҳамдир.

Қ. асарлари билан республика ва хал-қаро кўرғазмаларда иштирок этади. Асарлари республика ва хорижий (АҚШ, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Швейцария, Япония, Туркия, Корея ва б.) мамлакатлар галерея. музей ва хусусий тўпламларида сақланади.

ҚОЗОҚТОВ — Қизилқумнинг жан.-шарқий қисми (Навоий вилояти) даги тоғ тизмаси. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа 60 км га чўзилган. Энг баланд жойи 613 м. Ғарбида Қорахотин ботиғи, шим., шарқий ва жан. қисмларида кумли массивлар бор. Тизманинг сувайирғич қисми ва ён бағирлари нураш натижа-сида вужудга келган эловий ва делювий ётқизиклари билан қопланган. Ён бағирларини қуруқ сойлар кучли парчалаган. Сойлар этакларида кичик ёйилма конуслар ҳосил бўлган. Тизма тектоник антиклиналь структура, палеозой дав-ри сланец, кумтош, гранит, диорит, ён бағирларининг қуйи қисмида бўр, палеоген даврлари конгломерат, мергель, гилларидан ташкил топган. к. Турон плитасининг герцин бурмаланиши даври-да шаклланиб, ер юзасига чиқиб қолган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган қисмидир. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ, ёғин кам. Ён бағирлари ва этакларида сур-қўнғир, кумли тупроқлар тарқалган. Уларда, асосан, саксовул, шувок, терескен, боялич ва б. ўсимликлар ўсади. Худудидан яйлов сифатида фойдаланилади.

ҚОЗОҒИСТОН (Қазақстан), Қозоғистон Республикаси (Қазақстан Республикасы) — Евросиё материгининг марказий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда Каспий денгизи билан туташган. Майд. 2724,9 минг км². Аҳолиси 15 млн. киши (2005). Пойтахти — *Остона* ш.

Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят, вилоятлар аудан (туман)ларга бўлинади.

Давлат тузуми. қ. — бошқарувнинг президентлик шаклидаги унитар давлат. Амалдаги конституцияси 1995 й. 30 авг. даги референдумда қабул қилинган; 1998 й. 7 окт.да ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1990 й. апр.дан Н.А.Назарбоев), у умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 й. муддатга сайланади. конун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Сенат ва Мажлис), ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қ.нинг худуди ғарбда Волга дарёси куйи оқимидан шарқда Олтойгача ва шим.да Ғарбий Сибирь текислигидан жан.да Тяньшан тоғларигача чўзилган. Ғарбда *Каспийбўйи пасттекислиги* ва *Манғишлоқ* я.о. бор; бу ерда денгиз сатҳидан паст ботиқлар (мас, Қорағиё — 132 м) учрайди. Манғишлоқдан шарқда *Устюрт* платоси (бал. 340 м гача) жойлашган. Каспийбўйи пасттекислиги шим.-шарқда Урал тоғларининг жан. тармоқлари ва *Муғожар тоғи билан* чегараланган. Муғожар тоғидан шим.-шарқда Тўрғай платоси бор. У жан.да Турон пасттекислиги (Қизилқум чўли)га туташиб кетади. Орол денгизидан шим. да Катта ва Кичик Бўрсиқ кумли чўллари ва Оролбўйи Қорақуми жойлашган. Қ.нинг марказий қисмини *Крзогистон паст тоғлари* (Сариорқа) эгаллаган. Бу ерда Қизилрай (1565 м), Қарқарали (1366 м), Улуғтов (1133 м) каби алоҳида тоғ массивлари бор. Қозоғистон паст тоғларидан жан.да *Бетпақдала* чўли, ундан жан.да *Мўйинқум* чўли жойлашган. Бетпақдаладан шарқда катта майдонни эгаллаган *Еттисув* худуди мавжуд. Қ.нинг шарқи ва жан.-шарқида Олтой тоғларининг жан. тармоқлари, шунингдек, Саура, Тарбағатай, Жунғария Олатови тизмалари, Шим. ва Ғарбий Тяньшаннинг айрим тизмалари жойлашган.

Қ.да фойдали қазилмалардан Муғожар

тоғи токембрий ва палеозой бурмали ва метаморфозлашган қатламлари орасида мис колчедани, Тўрғай букилмаси заминиде магнетит рудалари (Соколов, Сарбай ва б.) ҳамда кўнғир темиртош (Кўстанай вилояти), кўнғир кўмир, боксит учрайди. Қ.нинг бурмали палеозой заминиде рудали ва нурода фойдали қазилмалар (мис, полиметалл ва б.)нинг йирик конлари бор. Шунингдек, тошқўмир (Қарағанда, Экибастуз) ва кўнғир кўмир (Майкуба) конлари мавжуд. Муғожар тоғининг вулканоген жинсларида хромит, никель, кобальт, олтин, асбест бор. қ. худудида қўрғошин, рух, молибден, вольфрам, фосфорит, барит, кадмий, висмут, профиллит, нефть, газ, ёнувчи сланец, марганец, титан, ванна-дий, темир, алюминий, қалай рудалари, олтингургурт, мирабилит, флюорит ҳам бор.

Иклими кескин континентал. Қиш шим.да совуқ, маркази ва жан.да мўътадил совуқ, чекка жан.да юмшоқ. Январда ўртача т-ра шим.да —18°, текислик қисмининг жан.да — 3°. Шим. ва марказий р-нларда қишда — 45° гача, жан.да — 35° гача совуқ бўлади. Ёзи шим.да илиқ, жан.да иссиқ. Июлда ўртача т-ра шим.да 19°, жан.да 28—30°. Йиллик ёғин дашт ва ўрмонли даштларда 250—400 мм, чўл ва чала чўлда 100—200 мм. Балхашбўйи, Оролбўйи Қизилқуми ва Устюрт жан.да 100 мм дан кам. Тоғ олди ва тоғларда йиллик ёғин 400—1600 мм. қ. худудининг ҳамма қисмида кучли шамоллар бўлади. қ. жан.даги тоғларда музликлар бўлиб, уларнинг сони 2700 дан зиёд, умумий майд. 2000 км² чамасида.

Қ.да 85 мингдан зиёд дарё ва сой бўлиб, шундан 328 тасининг уз. 100 км дан ортик. Дарёларининг аксарияти ички берк ҳавзалар (Каспий ва Орол денгизлари, Балхаш кўли ва б.)га оқади. Текисликлардан оқувчи дарёларнинг кўпи ёзда куриб қолади. Тоғ дарёлари серсув ва гидроэнергияга бой. Асосий дарёлари — Иртиш, Урал, Чу, Или, Сирдарё. Чордара, Бухтарма, Қопчиғай ва б. сув омборлари бор.

Қ.да 48,3 мингга яқин қўл бор; уларнинг умумий майд. 45 минг км² дан ортиқ. Йирик қўллари: Балхаш, Зайсан, Олақўл, Тенгиз, Сассикқўл, Марқакўл ва б.

Тупроқлари шим.да 52° ш.к.гача қоратупроқ, 52—48° ш.к.лар орасида каштан тупроқ, ундан жан.да қўнғир ва бўзқўнғир чўл тупроқлари билан бирга қумли ва тақир тупроқлар, тоғларда тоғ қўнғир, тоғ каштан, қора тупроқ, бўз ўрмон ва тоғ-ўтлоқи қорамтир тупроқлар тарқалган. Тоғ тепаларида тоғ-ўтлоқи субальп ва альп тупроқлар минтақаси жойлашган.

Қ.да ўсимликларнинг 15 минг тури бор. Текислик қисми ўсимлик қопламнинг характериға қараб 3 асосий зонаға: дашт, чала чўл ва чўл зоналарига бўлинади. Дашт зонасида ҳар хил бошоқли ўсимликлар ўсади, шим. рокда қайинзорлар учрайди. Чала чўл зонасида шувок-бошоқли ўсимликлар кўпроқ. Чўл зонаси энг катта майдонни эгаллаган. Қизилқум чўлида қора саксовулзорлар бор. Йирик дарё водийларида тўқай ўрмонлари (жийда, туранғил, тол, чинғил) ўсади, дарё ва қўл бўйлари қамишзор. Тоғ этаги текисликлари ва тоғ олдиларида эфемер ва эфемероидлар. тоғ ён бағирларида буталар (наъматак, зирк ва б.), ёввойи мевали дарахтлар ўсади. Тоғларнинг ўрта минтақаси игна баргли ўрмонлар билан қопланган, тоғ тепалари субальп ва альп ўтлоқларидан иборат.

Ҳайвонот дунёсида сут эмизувчиларнинг 180 тури, қушларнинг 500 тури, судралиб юрувчиларнинг 52 тури, сувда ва қуруқда яшовчиларнинг 12 тури, балиқларнинг 104 тури яшайди. Умуртқасиз ҳайвонлар кўп. Кемирувчилар, асосан, чўл ва дашт ерларда тарқалган. Чўл ва чала чўлларда сайғоқ, жайран, тоғларда марал, тоғ такаси, архар, ёввойи чўчка, йиртқичлардан бўри, тулки, бўрсик, тоғ ўрмонларида қўнғир айиқ, қор қоп-лони, силовсин, росомаха, колонок, тийин ва б. яшайди. Сув паррандаларидан ёввойи ғоз, ўрдақ, Тенгиз қўлида қизил ғоз, қамишзорларда лай-

лак, бирқозон, турна, даштда бургут ва х.к. бор. Судралиб юрувчилар кўп. Дарё ва қўллари балиққа бой. Оқсув-Жабалға, Олмаота, Борсақелмас, Қурғалжа, Марқакўл, Наурузум кўрикхоналари, Баяновул миллий боғи бор.

Аҳолиси. Қ.да 131 миллат ва элат истиқомат қилади. Асосий аҳолиси қозоқлар (55,7%). Шунингдек, рус, украин, немис, ўзбек, татар, уйғур ва б. ҳам яшайди. Давлат тили — қозоқ тили. Шаҳар аҳолиси 56%. Диндорларнинг аксарияти мусулмон-суннийлар, православлар (8,2%), протестантлар (2,1%) ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Олмаота, Қарағанда, Чимкент, Павлодар, Семипалатинск.

Тарихи. Ҳозирги Қ. ҳудудида мил. ав. 4—3-минг йилликларда (энеолит даври) яйлов чорвачилиги пайдо бўлди. Мил.ав. 1-минг йиллик ўрталарида кўпгина дашт қабилалари яйлов чорвачилиги билан шуғуллана бошлади. Бу қабилалар, асосан, қўчманчи ва ярим қўчманчи чорвачилик билан шуғулланган, ҳунармандчилик ва қисман деҳқончилик ҳам қилган. Мил. ав. 3—1-а.ларда ҳозирги Қ. ҳудудида *Қанг давлати* вужудга келди. Мил. 6-а. ўрталарида Турк хоқонлиги, 8-а. бошларида Или ва Чу дарёлари оралиғидаги ҳудудларда тургашлар, 766 й. қарлуқлар давлати ташкил топди. Тургашлар, кейинчилик Қарлуқлар хоқонлигида (766—940) ҳунармандчилик ва савдо марказлари бўлган шаҳарлар (Тароз ва б.) пайдо бўлди. 8—10-а.ларда Қ. жан. да ислом дини тарқалди. 9—11-а.ларда Қ.нинг ғарбий ва жан.-ғарбий ҳудудлари ўғузлар давлати таркибида бўлган. 8—11-а.ларда шим.-шарқий ва марказий ҳудудларда кимақлар ва қипчоқлар яшаган (бу катта ҳудуд *Дашти Қипчоқ* деб аталган).

10-а.нинг 1-ярмида Еттисувга шарқий Туркистондан яғмолар бостириб кирди. Уларнинг ҳужуми натижасида Қарлуқ хоқонлиги парчаланиб, унинг ўрнида *Қорахонийлар давлати* пайдо бўлди. 1219—21 й.ларда Қ. мўғуллар томонидан босиб олинди, Чингизхон ўғиллари

ўртасида таксимланди. Мўғуллар хукмронлиги даврида Қ. *Олтин Ўрда* таркибида, у парчалангач, Оқ Ўрда ва Мўғулистон таркибида бўлган. *Амир Темури* 1391 й. *Тухтамишта* қарши юриши чоғида Қ.даги *Улуғтоғ* (Улутув)да қароргоҳ қурган ва тоштарошларга сафари ҳақида харсанг тошга битик битишга фармон берган. Орадан 200 йил ўтгач, *Абдуллахон II* ҳам Дашти Қипчоққа юришидан ёдгорлик сифатида Улуғтоғда масжид қурдирган. Катта худудни бирлаштирган Оқ Ўрда 14-а. охири — 15-а. бошларида бир неча мулкларга ажралиб кетди (асосий худудларни бирлаштирган *Нўғай Ўрда* ва Ўзбек хонлиги уларнинг энг йириклари бўлган). 15-а. охирида Еттисувда Қозоқ хонлиги вужудга келди. 16-а. бошларида қозоқ элатининг узок давом этган шаклланиши ниҳоясига етди. Қосимхон даври (1511 — 23)да Қозоқ хонлиги мустақамланиб, чегараси кенгайди, аҳоли сони ортди. 16-а. ўрталарида Нўғай Ўрдаси, кейинроқ Мўғулистон ва Сибирь хонликлари парчаланиб кетди. Қозоқ хонлиги жузларга бўлиниб, *Катта жуз* (Еттисув), *Ўрта жуз* (Марказий Қ.) ва *Кичик жуз* (Ғарбий Қ.) деб атала бошлади. 17-а.да жузлар худудларида мустақил хонлиқлар пайдо бўлди. 18-а. бошларида Қ.га *Жунгария хонлиги* хавф солиб турди (1729 й. жунгарлар Катта жузнинг талай ерларини босиб олди). 1726 й. *Абулхайрхон* Кичик жуз оксоқоллари номидан Россия подшосига фуқароликка олишни илтимос қилиб мурожаат қилди. 1731 й. Кичик жуз Россия таркибига кира бошлади. 1731—40 й.ларда Ўрта жузнинг айрим хон ва султонлари Россия фуқаролигини қабул қилдилар. 18-а. ўрталарида қозоқ султонлари орасида низо кучайиб, пировардида *Абулхайрхон* ўлдирилди (1748). Унинг ўғли *Нурали* кичик жуз хони бўлиб, подшо маъмуриятига таянди ва ўз ҳокимиятини Ўрта жузнинг бир қисмига, шунингдек, Хивага ҳам ёйишга уринди. Аммо у муваффақиятсизликка учради. Жунгарларнинг Хитойдан мағлубиятга

учраши (1758) натижасида худудининг катта қисми жунгарлар ҳокимияти остида бўлган Катта жузда манжурлар хукмронлиги ўрнатилиши хавфи пайдо бўлди. Қ.нинг жан. худудлари, жумладан, Чимкент ҳам Қўқон хонлиги таркибига кирди. 19-а. бошларида Ўрта жуз хонлари Буке (1815), Вали (1819) вафотидан сўнг подшо ҳукумати хон ҳокимиятини тугатиб, 1822 й.дан ян-гича бошқариш тизимини жорий этди. 1824 й. Кичик жузда ҳам хон ҳокимияти тугатилди; уруғ оксоқоллари ҳокимиятини чекалайдиган худудлий бошқарувга ўтилди. Дашт ерларининг жан. худудлари Қўқон ва Хива хонликлари таркибида қолди. 1853 й. Оренбург ва Самара генерал-губернатори В.А.Перовский Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит қалъасини ишғол қилиб, уни таянч пунктга айлантирди. 1854 й. Верний истехкоми (ҳоз. Олмаота) қурилди.

Россиянинг таъсири кучайиб бораётганлигидан хавфсизраган Қўқон хони *Худоёрхон* 1860 й.нинг кузида русларнинг Верний истехкомини босиб олиш учун 20 минг аскар юборди. Ўша йилнинг окт. да рус кўшинлари қозоқ отрядларининг ёрдамида Узуноғоч дарасида Қўқон хони аскарларини мағлубиятга учратди. Натижада Еттисувнинг барча қисми Россияга кўшиб олинди. 19-а.нинг 60-й.ларида қозоқ ерларининг Россияга кўшиб олиниши тугалланди. Подшо ҳукумати ўлкада маъмурий ислохотлар ўтказди. 1867 й. туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Еттисув ва Сирдарё вилоятлари, 1868 й. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Урал ва Тўрғай вилоятлари, Ғарбий Сибирь (кейинчалик Дашт) генерал-губернаторлиги» таркибида Акмолинск ва Семипалатинск вилоятлари ташкил этилди. Вилоятлар уездларга, уездлар волостларга, волостлар овулларга бўлинди. Барча ерлар давлат мулки деб эълон қилинди. 1867—68 й.лардаги ислохотлар қозоқ жамоаларининг барча табақаларида норозилик туғдирди. Натижада мустамлакачилик зулмига қарши

кўзғолон кўтарилди. У шафқатсиз бостирилди. Қ. Россия саноати учун ўз товарларини сотиш бозори ва хом ашё базаси бўлиб қолди.

1-жаҳон уруши йиллари (1914— 18) да қ.х. маҳсулотлари ва чорва молларини оммавий равишда тортиб олиш, солиқларнинг кўпайиши, қимматчилик, козоқ аҳолисининг мардикорликка сарфарбар қилиниши (1916) аҳоли орасида ғалаёнларнинг авж олишига сабаб бўлди. 1916 й.га келиб ғалаёнлар Қ.нинг бутун худудини қамраб олган миллий озодлик ҳаракатига айланди. Айниқса, бу ҳаракат Тўрғай вилоятида узоқ давом этиб, унга халқ қаҳрамони Омонгелди Имонов раҳбарлик қилди. 1917 й. нояб. — 1918 й. фев.да Қ.да совет ҳокимияти ўрнатилди. Қ.нинг Сирдарё ва Ёттисув вилоятлари 1918 й. апр.да ташкил этилган Туркистон АССР таркибига киритилди. 1920 й. 26 авг.да РСФСР таркибида Қирғизистон (Қозоғистон) АССР тузилди. 1920 й. 4—12 окт. да Оренбургда бўлиб ўтган Қ. Советларининг таъсис съезди РСФСР таркибида Қозоғистон АССР тузилганлигини эълон қилди. 1936 й. Қозоғистон АССР СССР таркибидаги иттифокдош республикага айлантирилди. 1990 й. 25 окт.да давлат суверенитети тўғрисида декларация қабул қилинди. 1990 й. 10 дек. да қ. Республикаси деб номланди. 1991 й. 16 дек.да республика Олий Кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилди. 1991 й. 21 окт.да МДХ таркибига кирди. Қ. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. 1992 й. 23 окт.да ЎЗР суверенитетини тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 16 дек. — Мустақиллик куни (1991).

Асосий сиёсий партиялари ва касба уюшма бирлашмалари. Қ. аграр партияси, 1999 й. янв.да тузилган; қ. фуқаролик партияси, 1998 й. нояб.да асос солинган; Қ. демократик партияси, 2004 й. апр.да ташкил этилган; қ. «Ақ жол» («Оқ йўл») демократик партияси, 2002 й. мартда тузилган; Қ. «Аумл» («Қишлоқ») социал-демократик парти-

яси, 2000 й. янв.да асос солинган; қ. халқ коммунистик партияси, 2004 й. апр.да ташкил этилган; Қ. коммунистик партияси, 1991 й. тузилган; «Қозоғистоннинг демократик танлови» халқпартияси, 2001 й. нояб.да асос солинган; Қ. ватанпарварлар партияси, 2000 й. ташкил этилган; Республика «Отан» («Ватан») сиёсий партияси, 1999 й. янв.да асос солинган; «Рухоният» партияси, 2003 й. апр.да тузилган. Қ. эркин касба уюшмалари конфедерацияси, 1991 й. авг.да тузилган; Қ. меҳнат конфедерацияси, 2004 й. 2 мартда ташкил этилган; қ. Республикаси касба уюшмалари федерацияси, 1990 й. окт.да асос солинган.

Хўжалиги. Қ. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноат 22,2%, савдо ва умумий овқатланиш 18,1%, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги 12,7%, транспорт ва алоқа 11,8% ни ташкил этади.

Саноатида ёнилги-энергетика, қора ва рангли металлургия, озиқ-овқат, машина-созлик ва металлсозлик, кимё ва нефть кимёси, енгил, курилиш материаллари саноати етакчи тармоқлардир. Қора металлургия саноати марказлари Темиртов, Оқтўба, Қарағанда, Оксув ш.лари. Рангли металлургия саноати мис (Балхаш ва Жезказған кон-металлургия к-тлари), кўрғошин-рух (Усть-Каменогорск, Чимкент), алюминий (Павлодар) саноатини ўз ичига олади; титан-магний ишлаб чиқарилади. Машинасозлик (темир-пресс ускуналари, станок, экскаватор, трактор, қ.х. машиналари и.ч.) корхоналари Қарағанда, Олмаота, Остана, Павлодар, Усть-Каменогорск ш.ларида жойлашган. Кимё саноати корхоналари минерал ўғит, фос-фор, пластмасса, синтетик каучук, кимёвий тола ва б. ишлаб чиқаради (Қоратов, Чимкент, Тароз, Атеров). Атеров, Павлодар ш.ларида нефтни қайта ишлаш з-длари бор. Курилиш материаллари саноатида цемент, оҳак, ғишт, темир-бетон конструкциялари и.ч., енгил саноатнинг кўн-пойабзал, теримўйна, жун, трикотаж, ип-газлама и.ч.

тармоқлари ривожланган. Озиқ-овқат саноатида гўшт, ёғ, қанд-шакар ва консерва ишлаб чиқарилади. Тошқўмир (Экиба-стуз, Қарағанда хавзалари), нефть ва табиий газ (Манғишлоқ я.о.), темир рудаси (Соколов-Сарбай кони), полиметалл, мис, уран, хром, кўрғошин, никель рудалари, рух, висмут, кадмий, молибден, боксит қазиб олинади. йилига ўртача 58,6 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади - *I* (85,7% иссиқлик электр станцияларида). Иртиш (Усть-Каменогорск, Бухтарма), Сирдарё (Чордара), Или (Қопчигай) дарёларида йирик ГЭСлар бор.

Қишлоқ хўжалигида мамлакат ҳудудининг 44% дан фойдаланилади; унинг 19% ҳайдалади, 1% га яқини суғорилади. 1954—60 й.ларда кўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Қ. ғалла етиштирувчи йирик республикага айланди. Лалми ва суғориладиган ерларда ғаллачилик билан бирга гўшт-жун қўйчилиги ва гўшт-сут чорвачилиги ҳам ривожланган. Ғаллачиликда, асосан, буғдой етиштирилади. Шунингдек, пахта, кунгабоқар, зигир, ем-хашак экинлари экилади. Мевачилик, тоқчилик, поллизчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчка, қўй ва эчки, уй паррандаси, туя ва йилқи боқилади.

Транспортида т.й.лар узунлиги 13,5 минг км, автомобиль йўллари уз. 87,4 минг км. Каспий ва Орол денгизлари, Балхаш кўли, Иртиш, Урал, Сирдарё дарёларида кема қатнайди. Трубопровод транспорти ривожланган. «Эйр Қазақстан» ҳаво йўллари компанияси мавжуд.

Қ четга нефть, табиий газ, қора металл, мис, ғалла, қўмир ва б. чиқаради. Четдан озиқ-овқат ва саноат моллари, машина ва жиҳозлар олади. Ташқи савдода Россия, Украина, Қирғизистон, Германия, Хитой билан ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — тенге.

Тиббий хизмати. 2005 й. Қ.да 50,6 минг врач (10 минг аҳолига 33,9 врач), 104,4 минг ўрта тиббиёт ходими (10 минг

аҳолига 74,1 ўрта тиббиёт ходими) ишлади. Врачлар мамлакатдаги ихтисослаштирилган 6 олий ўқув юртида тайёрланади. к. ҳудудиди «Боровое», «Олма-Арасан», «Сариоғоч» курортлари, Ола-тов, Баяновул, Капал-Арасан, Мўялди, Янгиқўрғон курорт жойлар бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 19-а. 2-ярмигача к. ҳудудиди фақат мусулмон мактаб ва мадрасалари бўлган. 19-а.нинг 2-ярмида дунёвий мактаблар, хусусан, 1850 й. Оренбург чегара комиссияси хузурида қозоқ болалари учун 7 й.лик мактаб очилди. 1864 й. Тўрғайда қозоқ демократ-маърифатпарвар педагоги *Н.Олтинсарин* ташаббуси билан қозоқ мактаби ва унинг қошида интернат ташкил этилди. 1879—89 й.ларда Қ.нинг турли уездларида 2 синфли рус-қозоқ мактаблари, 1888 й. Орскда муаллимлар мактаби очилди. 1929 й. лотин алифбоси асосида қозоқ ёзуви яратилди. 1940 й. рус алифбоси асосидаги ёзувга ўтилди. 1992 й. дан таълим тизимида ислохотлар амалга оширилди. Умумий ўрта таълим мактаблари каби ўрта маълумот берадиган лицей, гимназия, хунар-техника мактаблари, коллежлар пайдо бўлди. 2003 й. республикада 108 гимназия, 63 лицей, лицей ва гимназия синфлари бўлган 289 мактаб, иқтидорли болалар учун мўлжалланган 30 мактаб ишлади. 312 хунар-техника мактабида 89 мингдан зиёд, 382 коллежда 207 мингдан ортиқ ўқувчи ўқиди. Қ.да биринчи олий ўқув юрти — Қозоғистон пед. институти 1928 й. Олмаота ш.да очилган. 2005 й. Қ.да 43 давлат олий ўқув юрти ишлади. Йириклари: *Қозоқ миллий университети*, Евросиё миллий ун-ти, Қозоғистон миллий аграр ун-ти, Қозоғистон миллий техника ун-ти, Қозоғистон миллий консерваторияси, Қарағанда ун-ти, Олмаота технология ун-ти ва б. Қ.да илмий тадқиқотлар *Қозоғистон Республикаси миллий фанлар академияси* и.т. институт ва муассасаларида, мамлакат олий ўқув юртлари ҳамда турли вазирлик, муассасалар ихтиёрида-

ги соҳа и.т. институтларида олиб борилди. Қ.да бир қанча кутубхона (энг йириги Қ. Республикаси миллий кутубхонаси), клуб муас-сасаси, 12 музей (йириклари: Қозоғистон Республикаси давлат музейи, Санъат музейи, Мухтор Аvezов уй музейи, Абай Қунонбоев мемориал музейи ва б.) бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Қ.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Ақиқат» («Хақиқат», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1921 й.дан), «Атамекен» («Ва-тан», қозоқ тилидаги газ., 1991 й.дан), «Вечерняя Астана», рус тилида ҳафтада 3 марта чиқадиган газ., 1991 й.дан), «Жас алаш» («Ёш миллат», қозоқ тилидаги кундалик газ., 1921 й.дан), «Жулдмз» («Юлдуз», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1922 й.дан), «Қазакстан айелдери» («Қозоғистон хотин-қизлари», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1925 й.дан), «Казахстанская правда» («Қозоғистон хақиқати», рус тилидаги кундалик газ., 1920 й.дан), «Народное хозяйство Казахстана» («Қозоғистон халқ хўжалиги», рус тилидаги ойлик жур., 1926 й.дан), «Простор» («Кенглик», рус тилидаги ойлик жур., 1933 й.дан), «Қазакстанньш аунл шаруа-шмлнғм» («Қозоғистон қишлоқ хўжалиги», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1936 й.дан), «Ара» («Ари», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1956 й.дан). «Қозоғистон ахборот агентлиги» миллий компанияси, очиқ акциядорлик жамияти, 1921 й. ташкил этилган. «Хабар» агентлиги, акциядорлик жамияти, 1996 й. тузилган. «Қозоғистон» республика телерадиокорпорацияси, Қ. радиоси (1920 й.дан фаолият кўрсатади) ва «Қозоғистон» миллий телеканалы (1958 й.дан фаолият юритад)ни бирлаштиради. «Хабар» телерадиокомпанияси, 1995 й.да ташкил этилган. Қ.да радиоэшиттиришлар 1921 й.дан, телекўрсатувлар 1958 й.дан бошланган.

Адабиёти. Қозоқ халқи адабиёти халқ оғзаки ижоди (кўшиқ, эртақ, мақол ва матал, қаҳрамонлик ва лирик-эпик дostonлар)дан бошланади.

«Эр Тарғин», «Қамбар бaтир» ва бошқа қад. дostonларда халқ озодлиги, эрки ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари мадҳ этилади. «Қиз Жибек», «Баян Сулув», «Айман-шолпан» дostonларида қозоқ халқининг эркесварлиги қуйланади. Халқ эртақларининг Алдар кўса, Жиренши, Тазша, Аёзби каби қаҳрамонларнинг саргузаштлари акс этирилган эртақлар кенг тарқалган. 15-а.да Асан Қайғи, Сипира, Қазтуған, 16-а.да Дўстпамбет, Шалкииз, 17-а.да Жиембет, Марғаска Жиров, Ақтамберди, 18-а.да Тетиқора, Букар каби жировлар ўз дostonлари билан машҳур бўлдилар. 18—19-а.ларда қозоқ маданияти, жумладан, қозоқ адабиёти тараққиётида янги давр бошланди. Жанақ Соғиндик ўғли, Шўжи Қаржа-убай ўғли, Суюнбай Арон ўғли, Шортанбой Қанай ўғли, Мурат Мўнке ўғли, Абубакир Шўкон ўғли ва б. тараққийпарвар халқ оқинларининг асарлари пайдо бўлди. 19-а. ўрталарида Б. Қўжагулов, А.Найманбоев каби оқинлар, шоира Т.Тансанбекова, *Жамбул* Жабаев ва б.нинг асарлари оммалашди. Бу даврда этнограф ва фольклоршунос *Ч.Валихонов* адабиётда маърифатпарварлик ғояларини ёйди. 19-а. 2-ярмида танқидий реализм адабиёти — қозоқ ёзма бадиий адабиёт ривожланди. Унинг асосчиси, шунингдек, миллий адабий тилнинг яратувчиси Абай *Қўнонбоев* бўлди. И.Олтинсарин маърифатпарварлик ғояларини яратди ва рус графикаси асосида қозоқ алфавитини ишлаб чиқди. 20-а.да ёзувчилардан С.Кубаев, С.Тўрайғиров, С.Дунентаев, М.Сералин, Б.Кулеев, Б.Утетилеуов, Т.Изтилеуов, Ғ.Қараш, Н.Орманбот ўғли, Т.Жўмартбоев ва б. маърифатчи-демократларнинг реалистик аңьаналарини давом эттирдилар. 20-а.нинг 20-й.ларида қозоқ адабиётида *Сакен Сайфуллин* етакчи ўрин эгаллади. Бу даврда шеърят (*Жамбул* жабаев, Н.Байганин, Н.Байзаков, Т.Жароков, А.Тожибоев, Ғ.Ўрмонов, А.Токмағамбетов ва б.) ва наср (*М.Аvezов*, *С.Муқоно*в, *Ғ.Мусрепов*, *Ғ.Мустафин* ва б.) ривожланди. 1930-й.

ларда козоқ адабиётида мавзу кенгайди (С.Сайфуллин, Б.Майлин, А.Абишев, И. Жонсуғуров, Ш.Хусаинов асарлари). 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45)да козоқ адабиётида козоқ халқининг жанг майдонидаги қаҳрамонлиги ва мамлакат ичкарасидаги меҳнат жасоратини акс эттирувчи асарлар майдонга келди. С.Муқонов, А.Тоқмағамбетов, Т.Жароков, Ғ.Ўрмонов, К.Абдиқодиров, Х.Бекхожин, Ж.Мўлдағалиев, Х.Эрғалиев каби шоирлар, Ғ.Мустафин, А.Нурпеисов, М.Авезов, А.Абишев ва б. адибларнинг ватанпарварлик руҳи билан сугорилган асарлари яратилди. Урушдан кейинги йилларда ҳам ватанпарварлик мавзуи давом эттирилди ва бу даврда М.Авезов, Ғ.Мусрепов, А.Нурпеисов, Т.Жароков, Ғ.Каирбеков, А.Тожибоев, Ғ. Ўрмонов, Ш.Хусаинов, С.Муқонов ва б. самарали ижод килдилар. 1948 й. С.Муқоновнинг «Сирдарё», 1953 й. «Ҳаёт мактаби», 1953 й. Ғ.Мусреповнинг «Уйғонган ўлка», 1952 й. Ғ.Мустафиннинг «Қарағанда» романи яратилди. 1956 й. М.Авезов «Абайнинг йўли» тетралогиясини ёзиб тугатди (1-китоби 1942 й.да нашр этилган). 1960-й.ларда адабиётга Х.Есенжаков, И. Есенберлин, А.Олимжонов, Т.Ахтанов, Ш.Мурғазев, А.Нуршаилов, М.Сундетов, А.Кекилбаев, С.Санбаев, С.Муратбеков, С.Жунусов каби ёзувчилар, Ж.Мулдағалиев, С.Мавленов, Ў.Сулаймонов, К.Мирзалиев, Т.Мулдағалиев, С.Жиенбоев, М.Мақатаев, Ж.Нажмиддинов каби шоирлар кириб келди. 1960—90 й.ларда И.Есенберлин, Ш. Мурғазев, А.Кекилбаев, А.Олимжонов, С.Жунусов, С.Смағавларнинг тарихий романилари пайдо бўлди.

Меъморлиги. Қ. худудида яшаган қабилаларнинг жез давридаги турар жой қолдиқлари (қ. *Андроново маданияти*), мозорқўрғонлар ва ҳ.к. сақланган. Мил. ав. 1-миңг йиллик ва мил. дастлабки асрларда қ. худудида яшаган қабилалар кўчма кигиз ўтов уйлар билан бирга пахса, хом ғиштдан ҳам уйлар қурган.

Урта асрларда шаҳарлар [Исфижоб (11-адан Сайрам), Тароз ва б.] барпо этилди, қалъа ва қўрғонлар қурилди. 8-адан ҳоз. Қозоғистоннинг жан. қисмида ислом дини тарқалиши муносабати билан масжид, мад-раса каби янги типдаги бинолар, сардоба, ҳаммом, қарвонсарой, конуссимон мақбаралар қурилди. 10-адан мемориал иншоотлар (Тароз ш. яқинидаги *Бабажи хотин мақбараси*, *Ойшабиби мақбараси*) барпо этилди. 13-а. 2-ярмидан шаҳарлар (Сифноқ, Тароз, Сайрам ва б.) қайта тикланди. 14—16-а.ларда шаҳарлар қуриш авж олди, монументал бинолар (Қ.а-рағанда вилоятидаги Алаша хон мақбараси, 13-а. 2-ярми; Туркистон ш.даги Аҳмад Яссавий мақбараси — *Яссавий мажмуаси*, 14-а. охири — 15-а. боши) бунёд этилди. 17—18-а.ларда Қ. худуди чегараси бўйлаб ҳарбий истехкомлар — Ёйиқ ш.часи (Уральск), Гурьев, Орск. Семипалатинск, Оренбург қалъалари қурилди. 19-ада эклектика руҳида қалъа, маъмурий ва савдо иншоотлари, мақбаралар қурилди. 1920-й.ларда турар жой ва жамоат бинолари меъморлигида миллий анъанавий меъморлик унсурларидан фойдаланилди. Балхаш, Қарағанда, Жезқазған каби янги шаҳарлар барпо этилди. 1920—30 й.лардаги меъморликда конструктивизм ғоялари ўз аксини топди. 1950-й.ларнинг 2-ярмидан қурилиш ишлари кенг қўламда давом эттирилди (Олмаотада Ҳукумат уйи). 1960—70 й.ларда кўп қаватли турар жой биноларининг қавати сони оширилди, янги меъморий шакллар {«*Медео*» спорт мажмуи, 1951, 1971—72 й.ларда реконструкция қилинган, меъморлар В.Кашев, А.Қайнарбоев ва б.; Шевченко (ҳоз. Оқтов) ш.нинг меъморий мажмуаси; Олмаотадаги «Қозоғистон» меҳмонхонаси, 1978, меъморлар Ю.Ратушний, Л.Ухоботов} яратилди. 1935 й. Қ. Меъморлар уюшмаси тузилган.

Тасвирий санъати. Қ. худудида энг қад. тасвирий санъат ёдгорликларидан палеолит даврида ҳайвонларнинг

қояга ишланган расмлари (Қоратов ва Хонтовда) ва неолит даврига мансуб ғор расмлари (Павлодар вилоятидаги жасибой ғорида) топилган. Жез давридан Андроново маданиятига мансуб ёдгорликлар: хайвон (буғу, эчки ва б.)лар хайкалчалари, ов манзараларининг қояга ишланган тасвирлари (Олмаота вилоятидаги *Тамғалидара расмлари*) сақланган, сопол идишлар топилган. Қ.нинг ўрта асрларга мансуб тасвирий санъати намуналаридан эр-как, аёл ва хайвонларнинг тош хайкалчалари, аёлларнинг бронза хайкалчалари сақланган. Ўша давр амалий безак санъати ёдгорликларидан ўйма, қолипаки нақш билан безатилган сирсиз ва сирланган сопол идишлар, чарм, металл буюмлар маълум.

19-а.да қозоқлар ҳаёти акс эттирилган тасвирий санъат асарлари яратила бошлади (Ч.Валихонов, Т.Г.Шевченконинг расм ва аквареллари, В.В.Верещагин расмлари). 20-а.нинг 20—30-й.ларида миллий рассом ва графиклар (А.Тошбоев, Ҳ. ва Қ.Хожиков ва б.) етишиб чиқди. 40—50-й.ларда тасвирий санъатнинг барча турлари, жумладан, рангтасвир санъати ривожланди (А.Исмоилов, А.Кастеев, А.Черкасский, М.Лизоғуб). 1960—70-й.ларда М.С.Кенбоев, К.Т. Телжонов, К.М.Шаяхметов, С.А.Айтбоев, С.Мамбеев каби рассомлар, Х.И.Наврўзбоев, Б.А.Тулеков, Т.С.Дўстамаҳамбетов каби хайкалтарошлар, Р.Сахи, Е.Сидоркин каби графиклар, Л.Хожикова, Р.Сансенбин каби амалий-безак санъати усталари ва б. етишиб чиқди. 1940 й. Қ.Рассомлар уюшмаси тузилган.

Муסיқаси қозоқ оила ва аймоқларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи (асосан, ярим кўчманчи чорвачилик ва деҳқончилик), дунёқараш ва эътиқодлари (*шомонлик, тангричилик* ва б.) асосида ривож топган. Анъанавий муסיқа амалиётида қозоқ бақси (*шомон-бахши*), термеши, оленши, *жиров*, *оқин*, куйши, 18-адан сал-серэ (сайёр ижодий гуруҳлари ташкил этган про-

фессионал созанда, хонанда)ларнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир бақсининг ўзи ижод этган шахсий сарин (куй)лари илоҳий ҳисобланган, одамлар руҳига афсун-жоду, фол очиш, табобат ва б. маросимлар жараёнида катта таъсир ўтказган. Халқ кўшиклари мавсум ва диний («тасаттик», «навриз-олен», «жарамазан», «сахар-олен»), табобат (бадик, «арбау»), оилавий маросим кўшиклари («жар-жар», «синсу», «бет ошар», «танису», «қоштасу», «жоқтау» ва б.), инсон ҳаёти туркумига оид («бесик жири», «тусау кесу»), «жубату», «жиирма бес» ва б., *терма, ўлан, жирилларян* ибo-рат. Халқ муסיқа чолғулари орасида бақси ва жировларнинг асосий чолғуси ҳисобланган *қўбиз*, чўпонлар ҳамда профессионал созандалар (Сармалай ва б.) томонидан кенг қўлланилган *сибизга* оммалашган. Халқнинг энг севимли чолғуси бўлган *дўмбират* турли мазмундаги (ўйноқи «акжелен», фалсафий «толғау», драматик «косбосар», лирик «қонир» ва б.) куйларни Биржансал, Даулеткерей, Таттимбет, Жаяу-Муса, Қурмонғози, Дина Нурпейсова каби созанда ва бастакорлар ижро этган. қозоқларда, шунингдек, *чанғқўбиз*, яқин ўтмишда шертер, жетиген (торличертма), *карнай, довул* каби чолғулар тарқалган.

1930-й.ларда янги (кўп овозли) муסיқа шакл ва жанрлари ривож топа бошлади. 1934 й. Қозоқ халқ чолғулари оркестри (1944 й.дан Қурмонғози номида), Қозоқ муסיқали театри (1937 й.дан опера ва балет театри), 1935 й. Жамбул номидаги Қозоқ давлат филармонияси, 1939 й. Қозоғистон ком-позиторлар уюшмаси ташкил топди. Е.Брусилловский биринчи қозоқ опе-раларини («Қиз-Жибек», 1934; «Жалбир», 1935; «Эр Тарғин», 1937), симфоник асарлар («Сари арка» 3-симфонияси, 1944 ва б.), кантата («Қозоғистон», 1947), В.Великанов биринчи миллий балет («Калкаман ва Мамир», 1938)ларни яратишган. «Жолдастар» (Р.Елебаев), «Қозоқ вальси» (Л.Хамиди) каби оммавий кўшиқлар ижод этилган. 1944 й.

Олмаотада консерватория очилди. Халқ мусиқа ижодини ўрганиш ва тўплаш ишларида А.Затаевичнинг хизматлари («Қозоқ халқининг 1000 куйлари», 1925; «Қозоқ халқининг 500 куйлари», 1931) катта.

20-а.нинг 2-ярмида симфония (М.Тўлабоев, К.Кужамьяров, Г.Жубанова ва б.), опера ва балет (С.Муҳамеджонов, Г.Жубанова, Е.Раҳмадиев, А.Серкебаев ва б.), камер мусиқа (Брусиловский, Жубанова ва б.), кўшиқ (Н.Тлендиев) ва б. жанрлар ривож топди. Мусиқа санъати арбоблари орасида дирижёрлар Ш.Кажғалиев, Н.Тлендиев, А.Молодов, Ф.Мансуров, хонандалар Р. Абдулин, К.Байсеитова, А. Днишев, Р.Бағланова, Е.Серкебаев, Б. Тулегенова, Б.До-симжонов, дўбмирачилар К.Жонтлеутов, Р.Омаров, К. Аҳмадияров, А.Ескалиев, Б.Карабалина машхур. Ҳозир қозоғистонда Қ. давлат филармонияси (1935), Абай номидаги академик опера ва балеттеатри (1934), симфоник оркестр (1937), хор капелласи (1937), Қозоқ концерт бирлашмаси (1960), Қозоғистон телевидениеси камер оркестри, «Отрар сози» фольклор-этнография оркестри (1981), Олмаота консерваторияси ва Остона мусиқа академияси, 10 дан ортиқ мусиқа билим юрти фаолият кўрсатмоқда.

Театри. Театр санъати унсурлари қадимдан халқ маросимларида, сайилларда кўрсатилган томошаларда, масхарабозлик, оқинларнинг айтишувларида мавжуд бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларидан Семипалатинск, Қўстанай, Петропавловскда ҳаваскорлик труппалари тузилди. 1922 й. Оренбургда Қозоқхалқ маориф ин-ти ҳузурида биринчи доимий театр тўғараги ташкил этилди. 1926 й. Қизилўрдада биринчи профессионал қозоқ театри очилиб, у 1928 й. Олмаотага кўчирилди (1961 й.дан М.Авезов номидаги Қозоқ драма театри). 1930-й.ларда М.Оқинжоновнинг «Исагой ва Маҳамбет», М.Авезовнинг «Тунги момақалдирик», Ф.Мусреповнинг

«Омонгелди» пьесалари, шунигиндек, С.Сайфуллин, Б.Майлин, Ж.Шанин, А.Тожибоев, Ш.Хусаинов, А.Абишевларнинг замонавий мавзудаги пьесалари сахналаштирилди. 2-жаҳон уруши йиллари қозоқ театрлари сахналарида ватанпарварлик руҳидаги тарихий, фольклор асарлар намоиш этилди. 1940—50-й.лар қозоқ театри учун маҳорат ошириш йўлида бетиним изланиш даври бўлди, тарихий ва замонавий мавзуларда Ф.Мустафиннинг «Миллионер», А.Тожибоевнинг «Яшнайвер, чўл», «Майра», С.Муқоновнинг «Чўкон Валихонов», М.Авезовнинг «Енлик ва Кебек», К.Муҳаммаджоновнинг «Телпак тағидаги бўривачча» асарлари муваффақиятли сахналаштирилди. Қ. театр санъати ривожига Ш.Айманов, С.Қожамқулов, Қ.Қуанишпаев, Р.Қўйчибоева, Х.Буқеева, С.Муродова, С.Майканова, Е.Умирзақов, Қ. Бадилов, И.Ноғайбоев, Ш.Жандарбекова, Б. Римова ва б. катта ҳисса қўшдилар.

Киноси. 1928 й. Олмаотада «Востокфильм» трестининг бўлими (киножуртайёрланган, «Турксиб» ҳужжатли фильми яратилган, 1929, реж. В.Турин), 1934 й. кинохроника студияси ташкил этилган. 1938 й. «Ленфильм» киностудиясида қозоқ актёрлари иштирокида «Омонгелди» бадиий фильми (реж. М.Левин) яратилди. 1941 й. окт.да Олмаота бадиий фильмлар студияси ишга тушди, у 1942 й. Қ.га эвакуация қилинган «Мосфильм», «Ленфильм» студиялари билан бирга Бирлашган марказий киностудия номи билан ишлай бошлади. 1944 й. «Мосфильм» ва «Ленфильм» Москва ва Ленинградга қайтгач, Олмаотада қолган студия кинохроника студияси билан қўшилди (1960 й.дан «Қозоқфильм» киностудияси). 1950-й.ларда қозоқ кинематографчилари турли жанрларда фильмлар яратдилар. Реж. Э.И.Файк «Қанотли совға» (1956), реж. В.П.Войтецкий «Сенинг дўстларинг» (1960), реж. М.С.Бегалин «Нотинч баҳор» (1959), «Ерга қайтиш» (1959) фильмларини су-

ратга туширдилар. «Қозоқфильм»нинг энг яхши фильмлари: «Менинг ис- мим Хўжа» (1963, реж. А.Қарсақбаев), «Алдар кўса» (1964), «Авлодлар ери» (1966, иккаласининг реж. Ш.Айманов), «Машук тўғрисида кўшиқ» (1970, реж. М.Бегалин), «Қиз Жибек» (1972, реж. С.Хожиков), «Бағтол» (1973, кирғиз реж. Т.Океев), «Алпамис мактабга боради» (1976, реж. А.Қарсақбаев), «Транссибирь тезюрари» (1978, реж. Э.Ўразбоев). Реж. А.Хайдаров мультитпликацион филь- млар, реж. лар О.Абишев. И.Верешчагин хужжатли фильмлар яратганлар. Қозоқ киносининг етакчи актёрлари Е.Умирза- ков, А.Умирзакова, К.Кожобеков, Ф.Шарипова, А.Молдабеков ва б. 1958 й. Қ. Кинематографчилари уюшмаси тузил- ган.

Ўзбекистон — Қ. муносабатла- ри. Ўзбекистон мустақилликка эриш- гач, 1992 й. иккала давлат ўртасида ди- пломатия муносабатлари ўрнатилди. 1997, 2001, 2002 й.ларда ЎзР Прези- денти И.Каримовнинг Қ.га, 1994, 1998 й.ларда Қ.Президенти Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. 1998 й. 31 окт. да икки давлат ўртасида им- золанган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома давлатлар ўртасидаги муноса- батларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Давлатлар ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мана шу шартно- ма, 1994 й. 10 янв.да имзоланган Ма- даният, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, 1998 й. 31 окт. да ЎзР Халқ таълими вазирлиги билан Қ. Республикасининг Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги муассасалараро битимига мувофиқ амал- га оширилади. 2005 й.гача икки давлат ўртасида икки томон учун аҳамиятли бўлган 166 хужжат имзоланган. 2004 й. ЎзР билан қ. ўртасидаги товар айланмаси 425,9 млн. АҚШ долларини, жумладан,

экспорт 184,7 млн. АҚШ долларини, им- порт 241,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

ҚОЗОҒИСТОН АРХАРМЕРИНО- СИ — гўшт-жун йўналишидаги май- ин жулли қўй зоти. 1930—50 й.ларда Қозоғистонда турлараро дурагайлаш усули билан чиқарилган. Новокавказ зот- ли ур-ғочи мериносни овлаб ўлдирилган ёввойи *архар* кўчқори уруғи билан уруғлантириб олинган биринчи чатишма авлодни преκος ва рамбуле қўй зотлари билан У архар ва майин жуғши қўй зоти конига эга бўлган 3-чатишма авлод олин- гунча чатиштирилган. 3-чатишма авлод- ни зот ичида урчитиб кўпайтирилди. Чатиштириш йил бўйи яйловда боқиш, мақсадли танлаш ва саралаш асосида олиб борилди. Ушбу зот гавдаси йирик, суяклари мустаҳкам. Қўчқорлари 90—115 (150) кг гача, совлиқлари 55—65 (90) кг гача. Жуни, асосан, 60 ракамли сифатга эга, уз. 8—9 см. Қўчқорларидан 7—8 (10 кг), урғочиларидан 3,2—3,5 (6 кг гача) кг жун олинади.

Серпуштлиги 110—120%. Қ.а. тез етиладиган зот, тоғолди яйловла- ри шароитларига яхши мослашган. Қозоғистоннинг Олмаота, Шарқий Қозоғистон ва Павлодар вилоятларида урчитиб кўпайтирилади.

ҚОЗОҒИСТОН ПАСТ ТОҒЛАРИ, Сарiorқа, Марказий Қозоғистон паст тоғлари — Қозоғистоннинг марка- зий ва шарқий қисмларида жойлашган ҳамда паст тоғлар ва тизмалари бўлган текислик-қирли худуд. Шим.да Ғарбий Сибирь, шим.-шарқда Олтой тоғлари, Зайсан ботиғи. шарқда Тарбағатой, жан. ва жан.-ғарбда Турон текислиги, Балхаш-Олакўл ботиғи, Бетпақдала чўли, ғарбда Тўрғай платоси билан ўралган. Ушбу худуд илмий адабиётларда «Марказий Қозоғистон», «Қозоғистон бур-мали ўлкаси», «Шарқий Қозоғистон пенепле- ни», «Сариорқа» номлари билан маълум. Ғарбдан шарққа 1500 км га чўзилган.

Эни ғарбида 950 км, шарқий қисмида 350—400 км. Ер юзаси текис, фақат 2 тоғ: ғарбида Улуғтов (113 м) ва шим.да Кўкчатов қирлари (Синюха тоғи, 947 м) бор. Шарқий қисми баландроқ (ўртача 500—1000 м) ва рельефи ўр-қирли. Қ.п.т.нинг энг баланд жойи — марказий қисмидаги Қар-қарали тоғлари (1565 м). Шарқида Чингизтов тизмаси (1077 м) жойлашган. Паст тоғлар (мутлақ бал. 500—600 м) Қ.т.п.ни ўраб олган. Қ.п.т. палеозой даврининг метаморфик сланец, кварцит, кумтош ва оҳақтошларидан тuzилган. Иқлими кескин континентал, ёгин кам, қуруқ. Қиши совуқ, қор қоплами қалин эмас. Ёзи иссиқ, булут кам. Ҳаво т-раси амплитудаси катта, янв.нинг ўртача т-раси —14°, —18°, июлниги 20—24°. Йиллик ёгин 200—300 мм. Энг йирик дарёлари: Ишим (Иртиш хавзаси), Нура, Сарисув. Дарёлари қишда музлайди. Кўл кўп. Қ.п.т.нинг шим. қисми дашт зонасида бўлиб, ҳар хил ўт, бетага-чалов, маркази қуруқ дашт зонасида, тўқ каштан ва каштан тупроқларда бетага-чалов ўсимликлари, жан. ва шарқий қисми чала чўл зонасида бўлиб, оч каштан тупроқларда дашт ва чўл ўсимликлари ўсади. Муҳим табиий қазилма бойликлари кўмир, темир, марганец, мис, рух, никель рудалари, боксит, кўрғошин, фосфорит, калий ва ош тузи конларидир. Қурғалжи кўрикхонаси ва Барнаул миллий боғи ташкил этилган.

Ад.: Джаналиева К. М., Будникова Т. К. и др., Физическая география Казахстана и Средней Азии, Л., 1965; Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002.

Мурод Маматкулов.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

— Қозоғистоннинг олий илмий муассасаси. 1946 й. 31 майда СССР ФАнинг Қозоғистон филиали негзида ташкил этилган. Олмаота ш.да жойлашган. Фаолиятининг асосий йўналишлари и.т.ларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш,

фаннинг муҳим тармоқларини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, илмий кадрлар тайёрлаш, халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш ва фан тармоқлари тараққиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва б.дан иборат. 56 акад., 143 мухбир аъзоси бор (2003). Фан тармоқлари бўйича 6 бўлим (жум-ладан, 1 минтақавий) ва 300 дан ортиқ и.т. институт ва муассасаси, ботаника боғи, кутубхонаси (4 млн.дан ортиқ асар) бор. Академия «Хабарлар» (1944 й.дан) ва б. илмий жур. ҳамда асарлар нашр этади. Президенти — Мурат Журинов (2003 й.дан).

ҚОЛГАН ЎЗАН, қолган дарё, қолдик ўзан — дарёнинг олдинги ўзанидан бутунлай ёки қисман ажралиб қолган қисми. Дарё ўзанига оқизиклар тикилиб қолиши ёки дарёнинг бошқа томонга бурилиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Дастлаб кичикроқ кўл, кейинроқ бқизиклар тўлиб ботқоқликка ёки захкаш ўтлоққа айланади.

ҚОЛГАНДАРЁ — Андижон вилоятидаги дарё. Қорадарёнинг Андижон вилояти Балиқчи тумани ва Наманган вилояти Норин туманининг жан. худудидан ўтган қолган ўзани. Дарёнинг чап соҳилига шўр тупроқ ва кумоқ ерга қурилган (1848—50) канални 1876 й. дан дарё суви ювиб кета бошлаган. 1883 й. сув тошқини натижасида Қорадарё тамоман каналга оқа бошлаган. Дарё ўзани баландда қолиб кетган. Дарё чинобод қишлоғи яқинида яна эски ўзанига буриб юборилган. Қорадарёнинг шим.да қолиб кетган 20 км узунликдаги ўзани Қ. номи билан аталган ва сизот сувлар билан тўлган. 20-а. бошларидан буён шотикорликда фойдаланилади ҳамда яйлов хизматини ўтайди. Кўп қисми экин майдонларига айлантирилган.

Андижон вилояти шим.дан оқиб келадиган Оқбўра дарёсини Шахрихонсой кесиб ўтган шим. томондаги қолган ўзани ҳам Қ. деб аталган. Оқбўра

оқоваси Шаҳрихонсойга кўшилиб, унинг ўзани куриб қолган. Ҳозирги Қ. ўрни Жалолқудуқ туманининг экинзорлари орасида жойлашган. Эндиликда собиқ ўздан ариқ оқиб ўтади.

ҚОЛДИҚ - к. *Чегирма*.

ҚОЛДИҚ КОНЛАР — Ер пўстининг устки қисмида шаклланган фойдали қазилма ётқизиклари; тоғ жинсларининг нураш маҳсулидан ташкил топади. Қ.к. эриган бирикмаларни ва эриши қийин бўлган минераллар (темир, марганец, никель ва каолиннинг баъзи конлари) қолдиқлари тўпламларининг сувда оқиб чиқишидан ҳосил бўлади. Мухим аҳамиятга эга бўлган Қ.к.га боксит, каолин, марганец оксидлари, тальк, магнетит уюмлари, титан, калай, вольфрам, тантал, ниобий, олтин минераллари конлари киради.

ҚОЛДИҚ КЎЛ — қад. йирик сув ҳавзалари — океан ва денгизларнинг чекиниши натижасида улар ўрнида сақланиб қолган кўллар. Мас, Каспий, Орол, Чад, Эйр кўллари. Дарёлар ўзанларини ўзгартирганда эски ўзаннинг чуқур жойларида ҳам кўллар ҳосил бўлади, булар ҳам Қ.к.лар дейилади. Улар, одатда, кичик, кўпинча вақтли бўлади. Сирдарё, Амударёнинг текисликлардан ўтган қисмидаги водийларида бундай кўл кўп учрайди.

ҚОЛДИҚ ТОҒ — баланд тоғли ўлканинг узоқ вақт давом этган емирилишидан қолган ва, асосан, қаттиқ тоғ жинсларидан тузилган якка-якка тоғ, кир ва тепалар. Иқлим, жой рельефи, тоғ жинсларига боғлиқ равишда нураш Қ.т., ювилма Қ.т. фарқланади. Ўзбекистонда Қизилқумдаги. Томдитов, Бўкантов, Овминзатов шундай Қ.т.лардир (яна қ. *Етимтоғ*).

ҚОЛДИҚОРАЕВ Жумағали (1922, Қорақалпоғистон Республикаси,

Хўжайли тумани — 1944.26.1, Гомель вилояти Мозир ш.да дафн этилган) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. К-зда ишлаган. 1941 й.дан фронтда. 7-гвардиячи танкха қарши қирувчи дивизия (Марказий фронт 61-армиянинг 7-гвардиячи отлик аскарлар корпуси)нинг оддий аскари. Гомель вилоятининг Комарин ш.дан 20 км шим.да дарёни кечиб ўтишда ва жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944. 15.1). Хўжайли ш.даги ва ўзи ўқиган мактаб унинг номи билан аталган.

ҚОЛИП — 1) амалий санъатда — безак нақшни қуйиб (териб), босиб яшаб учун ишлатиладиган махсус шаклдаги мослама; андаза. Ўйма гулли Қ. ип матога гул босишда ишлатилади; жез қуйишда ишлатиладиган ёғоч ёки ганч шакл; заргарнинг зийнат буюмлар юзасида безак яратишда қўллайдиган гул Қ., ғишт Қ. — хом ғишт қуядиган ёғоч мослама; ганч безак қуйишда, қошин парчинлардан териб тайёрланадиган безак. Қ. заргарлик, пичоқчилик, дўппидўзлик, пойабзалчилик, читгарлик ва б.да ишлатилади; 2) буюмларга шакл ёки ишлов бериш учун фойдаланиладиган мослама. Металлар ва пластмассалардан қуйиб ёки бошқа материаллар (мас, ёғоч) дан кесиб ясалди. Тайёрланадиган асбоб ёки буюмлар турига кўра шакли ва ўлчамлари турлича бўлади. Қозон, ғишт, тиш Қ.лари ва б. бор; 3) қуймачилик корхоналарида пластмасса ва металл қуйиш учун ишлатиладиган мослама. Ундан бир ёки кўп марта фойдаланиш мумкин. Қ. кварц куми, бентонит, лой, металл ва б.дан тайёрланади.

ҚОЛИПАКИ, қолипи босма — заргарликда буюмлар ва уларнинг безакларини *қолип* ёрдамида ишлаш; шу усулда яратилган буюм ҳам Қ. деб аталади.

ҚОЛИПКОРИ — 1) *қолип* ёрдамида ясалган безак; 2) ўзаро кесишган радаслардан тузилган безак.

КОЛИПТОШ — минерал, қ. *Агаль-ма-толит*.

КОЛОҚСОЙ, Колаксаис — скифлар бобокалони *Таргитойш* кенжа ўғли. *Геродотнинг* ёзишича, Қдан скифларнинг паралатлар қабиласи тарқалган. Бу қабила подшо-скифлар қавмидан бўлган. Ривоятларга кўра, бу даврда скифлар ерига осмондан олтин буюмлар: омон, бўйинтуруқ, ойболта ва қадах тушган. Акалари *Липоқсой* ва *Арпоқсой* уларга яқинлаша олмагач, Қ. бу буюмларни ердан кўтариб олишга ва ўз уйига олиб киришга муваффақ бўлади. Қ. олтин буюмларга эга бўлгач, скифлар подшоси этиб сайланган. Бу буюмларни скиф подшолари ниҳоятда эҳтиёт қилиб сақлаганлар. Ҳар йили уларга атаб қурбонлик қилишган. Қ. скифлар мамлакатини учта подшоликка бўлиб, 3 ўғлига тақсимлаб берган. Олтин буюмлар энг катта подшоликда асралган.

«**КОМУС ул-АЪЛОМ**» (араб. — «Машхур шахслар қомуси») — 1888—99 й.ларда Истанбулда турк тилида нашр этилган 6 жилддан иборат универсал энциклопедия. Муҳаррири ва ношири - Ш.Сомий (1850—1904). «Қ.ул.-а.»да ўша даврдаги турли мамлакатларнинг машхур халифа, амир, вазир, ҳоким, олим, ёзувчи, шоирлари ва б. ҳақида мақолалар берилган. Шунингдек, турли мамлакат. денгиз, тоғ ва дарёлар тўғрисида ҳам маълумотлар, Марказий Осиё тарихи, географияси ва машхур шахслар, жумладан, Абу Бакр хоразмий, Жалолiddин Румий, Зебуннисо ва б. тўғрисида батафсил мақолалар берилган.

КОН — одам ва умуртқали ҳайвонларнинг қон айланиш системасида айланиб юрадиган суюқ тўқима; хужайра ва тўқималарга етиб бориб, уларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда физиологик функцияларининг бажарилишини таъминлайди. Эритроцитларнинг таркибидаги *гемоглобин* Қ.га қизил ранг бера-

ди. Қ.нинг таркиби, осмотик босими ва актив реакцияси (рН) деярли ўзгармайди. Қ. организмда хилма-хил вазифаларни бажаради: у хужайраларга кислород етказиб беради ва карбонат ангидрид газини олиб кетади (нафас функцияси); овқат ҳазм қилиш аъзоларидан озик моддаларни бутун организмга тарқатади (озик моддаларни ташиш функцияси); моддалар алмашинуви маҳсулотини чиқариш аъзоларига (буйракка) олиб боради. Қ. аъзоларнинг гуморал алоқасини юзага чиқаради, у газ алмашинуви, нафас, сувтуз алмашинуви, кислота-ишқор мувозанатида иштирок этади. Қ.да антитоксинлар, лизинлар ва антителолар борлиги, шунингдек, лейкоцитлар микроорганизмлар ва ёт жисмларни қамраб ютиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли Қ. организмни зарарли моддалар ва ёт жисмлардан ҳимоя қилади. У гавда трасини доим бир маромда сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Одамларда 5,2 л ча Қ. бўлади. Қ. суюқ қисм — плазма (55—60%) ва шаклли элементлар (40—45%) дан ташкил топган. Қ.нинг шаклли эле-ментлари Қ. яратиш аъзоларида ишланади; Қ. ва қон яратиш аъзолари — Қ. яратиш системасини ташкил этади.

Қ. махсус механизмлар орқали регуляция қилинади, шунинг учун соғлом одам қонининг таркиби ўзгармайди. Организмдаги ҳар қандай ўзгаришларга нисбатан Қ. жавоб реакцияси қайтаради, яъни ўз таркибини ўзгартиради. Айрим касалликларни, хусусан, Қ. системаси касалликларини аниқлашда Қ. таркибининг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга.

Қ. плазмаси витаминлар, ферментлар, тузлар ва моддалар алмашинувининг охириги маҳсулотларини сақлайди. *Плазмага* эриган оксиллар, жигар хужайралари ва ретикулоэндотелиал система ҳосил бўлади. Плазма оксиллари транспорт вазифасини бажаради, кислота-ишқор мувозанатини тартибга солиб туради.

Қ.нинг шаклли элементлари асосан

эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлар эм иборат.

Қ. таркибидаги углеводларга глюкоза ва унинг алмашинув маҳсулотлари киради. Қ.да 80—100 мг % гача глюкоза, шунингдек, гликоген, фруктоза ва оз миқдорда глюкозамин бўлади. Углеводлар ва оксилларнинг алмашинув маҳсулотлари (глюкоза ва б. моносахаридлар, кислоталар, тузлар ва сув) ичак капиллярларидан оқаётган Қ.га сўрилади. Глюкозанинг бир қисми аъзо ва тўқималарга тарқалади, бошқа қисми эса жигарда гликогенга айланади.

Қ.даги липидлар аралашмаси нейтрал ёғлар, эркин ёғ кислоталари ва уларнинг парчаланиш маҳсулотларидан, эркин ва боғланган холестериндан, шунингдек, стероид гормонларидан иборат. Нейтрал ёғлар, глицерин, ёғ кислоталари ичак шиллик қавагидан Қ.га қисман сўрилади. Қ. ёғ эмульсиясини ёғ тўқималарига етказиши ва у ерда захира ҳолда сақланади. Қ. таркибида минерал моддалар (асосан, натрий ва хлор) ҳам бор. Организмнинг турли патологик ҳолатларида (касалликларида) Қ.да қатор ўзгаришлар рўй беради, бу муҳим диагностик аҳамиятга эга. Қ.нинг тузилиши, функциялари, касалликлари ва у билан боғлиқ бошқа масалаларни *гематология* фани ўрганади.

Ад.: Баҳромов С.М., Қон ва унинг касалликлари, Т., 1996.

Саиджалол Баҳромов.

ҚОН АЙЛАНИШИ - юрак қисқариши туфайли қоннинг қон ўтказиш системасида ҳаракатланиши. Қ.а. организм тўқималари билан ташқи муҳит орасидаги моддалар алмашинуви ва *гомеостаз* тургунлигини таъминлайди. Қон тўқимага кислород, сув, оксил, углеводлар, ёғ, минерал моддалар, витаминлар ва б. олиб келади ва тўқимадан карбонат ангидрид ҳамда моддалар алмашинувида пайдо бўлган бошқа чиқинди моддаларни олиб кетади. *Терморегуляция* ва *гуморал регуляция*ни амалга оширади. *Иммунитетнинг* муҳим омилidir. Қ.а.

ни 1628 й. инглиз врачлари *У.Гарвей* кашф қилган.

Қўпчилик умуртқасиз ҳайвонларда очик Қ.а. доираси мавжуд (гемолимфа гавда мускуллари ёки томирлар қисқариши туфайли ҳаракатланади). Одам ва айрим юкори даражада ривожланган умуртқасизларда Қ.а. доираси ёпиқ бўлади. Сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар ва қушларда Қ.а. доираси 2 та. Одам. шу жумладан, сут эмизувчилар ва қушларда Қ.а. схемаси бир хил. Юрак чап қоринчасидан чиқиб, тўқималар орқали ўнг бўлмачага келган томирлар системаси катта, ўнг қоринчадан чиқиб, ўпка орқали чап бўлмачага келгани кичик қон айланиш доирасини ташкил этади. Чап бўлмачадан қон чап қоринчага ўтади ва Қ.а. давом этади. Юрак мускулларининг қисқариб-бўшашиши туфайли қон томирларда ҳаракатланади. Юракнинг бир мин.да ҳайдайдиган қон миқдори минутли ҳажм дейилади. Одам тинч турганидаги минутли ҳажм 4—5 л га тенг, эмоционал таъсир ҳолатида эса у 3—4 марта ортади. Юрак қонни артерияга порция билан ҳайдайди. Қон қуйилиши билан артериялар девори кенгайди. *Диастола*да йиғилган энергия артерияларда қон босимини маълум даражада сақлаб, капиллярларда узлуксиз қон оқимини таъминлайди. Организмдаги қоннинг фақат 5% и капиллярларда бўлади, бироқ Қ.а.нинг асосий функцияси — қон билан тўқима орасидаги моддалар алмашинуви шу капиллярларда амалга ошади. Қоннинг капиллярлардаги гидростатик босими сабабли суюқлик, капиллярдан тўқимага филтрланади (қон плазмасининг *онкотик босими* бу жараёнга тўсқинлик қилади). Қон капиллярларда қаршиликка учрайди, буни енгишда у энергия йўқотади ва қон босими пасаяди. Бу суюқликни ҳужайралараро бўшлиқдан капиллярларга ўтишига сабаб бўлади. Суюқликнинг бир қисми ҳужайрааро тирқишдан лимфатик томирларга оқиб ўтади. Суюқлик босими атм. босими

қараганда (5—10 мм симоб устунига) кам бўлгани учун тўқималардан суюқлик фаол ҳайдаб турилади. Тўқималардан қон вена қон томирига ўтади. Скелет мускулларининг қисқариб-бўшашиши ва нафас ҳаракатлари қоннинг томирларда узлуқсиз оқишига шароит яратади. Қ.а. рефлектор ва гуморал таъсирлар билан бошқарилади.

Қ.а.нинг маҳаллий ва умумий бузилиши фарқланади, унинг маҳаллий бузилишидан *гиперемия, ишемия, атеро-склероз, тромбоз* ва б. бўлиши мумкин. Қ.а.нинг умумий бузилиши аъзо ва тўқималарга турли сабабларга кўра етарли қон бормаслиги туфайли юз беради.

ҚОН БОСИМИ, артериал босим — томирларда оқайтган қоннинг шу томирлар деворига кўрсатадиган босими (таъйиқи); юрак иши ва томирлар деворининг қаршилиги туфайли ву-жудга келади. Артериялар ичида — артериал, капиллярлар ичида — капилляр ва веналар ичида — веноз босим бўлади. Қ.б. қоннинг томирлар системаси бўйлаб оқишига имкон беради ва шу билан организм тўқималарида моддалар алмашинувини таъминлайди. Артериал босимнинг (АБ)- юқори ёки паст бўлиши, асосан, юрак қисқаришларининг кучи ва юракнинг ҳар қис-қарганда томирларга ҳайдайдиган қон миқдори, томирлар (айниқса, периферик томирлар) деворининг қон оқимига кўрсатадиган қаршилиги ва камроқ даражада вақт бирлигида юрак қисқаришларининг сони билан белгиланади. Айланиб юрадиган (циркуляция қиладиган) қон миқдори, унинг ёпишқоқлиги, босимининг нафас олишга боғлиқ бўлган қорин ва кўкрак қафаси бўшлиғидаги ўзгаришлари ва б. омиллар ҳам АБ нинг юқори ёки паст бўлишига таъсир кўрсатади. Юракнинг чап қоринчаси қисқарганда (систола) АБ максимал даражага етади. Бу жараёнда юракдан 70 мл қон отиб чиқарилади, бу миқдор қон бирданга майда қон томирлари (айниқса, капиллярлар) орқали ўтиб

кетолмайди. Шунинг учун эластик аорта кенгайди, ундаги босим (систолик босим) эса ортади.

Артерия, вена ва капиллярларда Қ.б. турлича бўлади. Юракдан узоклашган сари Қ.б. пасайиб боради (аортада анча юқори, капиллярларда бирмунча паст, веналарда анча паст бўлади). Катта одамда нормал артериал босим 100—140 мм симоб устун (систолик босим) га ва 70—80 мм симоб устун (диастолик босим) га тенг. Бу босимлар фарқи пульс босими дейилади.

Организмдаги бирор-бир иллат туфайли Қ.б. ушбу кўрсаткичдан кўтарилиши ёки пасайиши мумкин.

Юрак қоринчаларининг қисқаришлари орасидаги пауза (яъни диастола) вақтида кенгайган қон томирлари (аорта ва йирик артериялар)нинг девори қисқара бошлайди ва қонни капиллярларга ҳайдайди. Қон босими аста-секин пасаяди ва диастола охирида минимал даражага тушади (аортада 90 мм симоб устун, йирик артерияларда 70 мм симоб устун атрофида бўлади).

ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРУВЧИ МОДДАЛАР, гипотензив моддалар — қон томирлар тонусини пасайтирувчи дорилар. Улар артериал босим (АБ) ни меъёрига тушириб, нишон-аъзоларда кечадиган ўзгаришларни камайтиради, *гипертония касаллиги* асоратларининг олдини олади. Тиббиёт амалиётида қон босими ошишининг турли босқичларига таъсир қилувчи юқори самарали дори воситалари кўп, лекин уларнинг кўпчилиги артериал босимни пасайтириш б-н бирга, сезиларли равишда углевод ва ёғлар алмашинувини бузади, марказий нерв системаси фаолиятини сусайтиради, қон реологияси ва б.ни ўзгаришига олиб келади. Шу боис амалиётда ножўя таъсири камроқ «биринчи қатор» препаратлар гуруҳи ажратиб олинган. Булар:

— сийдик ҳайдовчи дорилар (тиазид ва «ҳалқали» диуретиклар), қисман қаллий сақловчи воситалар;

—Ca⁺⁺ иони антагонистлари (нифедипин гуруҳи — амлодипин, нитрендипин ва б.);

—сх-адреноблокаторлар;

— Р-адреноблокаторлар, жумладан «гибридлар»;

— ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари;

— антитензин «рецепторлари блокаторлари».

Илгари кенг қўлланилган резерпин, бензогексоний, пентамин, апрессин ва б. хозирда фақат ёрдамчи аҳамиятга эга. Ҳоз. клофелин, фентоламин, празозин, апрессин ва бошқа Қ.б.т.м. қўлланади.

Врач касалликнинг даврига ва организмнинг ҳолатига, шунингдек, дорининг таъсир этишига қараб бирор хил дорини буюради. Қ.б.т.м.ни ўз билгича ичмаслик керак. Агар улар врач рухсатисиз ичилса, таъсири бўлмаслиги ёки юрак фаолиятини зарарлаши, кўнгил айниши, қусиш, қувватсизлик, бош айланиши ва б. кузатилади, шунингдек, артериал босим тўсатдан пасайиб кетиб, ҳаёт учун хавфли ҳолат — *коллапс* олиб келади. Қ.б.т.м.ни фақат врач кўрсатмасига мувофиқ ишлатиш керак.

ҚОН ГРУППАЛАРИ - қоннинг им муногенетик хусусиятлари, бунда I қон группасига эга бўлган индивид қон группаси бошқача индивиддан эритроцитлар, лейкоцитлар, қон плазмаси (қ. *Плазма*), кўпчилик тўқималар ва биологик суюқликларда маълум хил антигенлар бор ёки йўқлиги билан ажралиб туради. Қ.г. қоннинг наслдан-наслга ўтадиган белгилари бўлиб, у гемаглютинация (эритроцитларнинг ёпишиши) реакцияси ёрдамида аниқланади. Ана шу белгилар асосида барча одамлар қони (ирқи, ёши ва жинсидан қатъи назар) фуппаларга бўлинади. Одам қонининг у ёки бу қон группасига мансублиги унинг индивидуал биологик хусусияти бўлиб (она қорнидаги ривожланиш давридаёқ шакллана бошлайди), кейинги бутун ҳаёти давомида ўзгармайди.

Эритроцитлар (қизил қон хужайралари) таркибидаги изоантигенлар — изоантиген А ва изоантиген В, шунингдек, нормада баъзи одамларнинг қон зардобида бўладиган изоантителалар — изоантитела а ва изоантитела (3 кўп амалий аҳамиятга эга омиллар ҳисобланади. Одам қонида фақат турли хил изоантигенлар ва изоантителалар (мас, А+р ва В + а) бўлади, чунки бир хил белгидаги изоантигенлар ва изоантителалар учрашса (мас, А ва а) эритроцитлар бир-бирига ёпишиб, одамни ўлимга олиб келади.

Одам қонида А ва В изоантигенлар, шунингдек, а ва р изоантителалар бўлишига қараб уларни шартли равишда ҳарфлар ҳамда рақамлар билан ифодалаб, 4 группага бўлиш мумкин. 0а(3(1) фақат, а, р изоантителалари бор қон группаси; А(3(II) — таркибида А изоантигени ва р изоантителаси бор қон группаси; Ва(III) — таркибида В изоантигени ва а изоантителаси бор қон группаси; АВ0(IV) — таркибида фақат А ва В изоантигенлари бор қон группаси.

Қ.г. ҳақидаги таълимот 19-а. охирида юзага келган, у умумий иммунологиянинг муҳим қисми. Қ.г.ни ўрганиш изоантиген А нинг бир хил белгига эга эмаслигини кўрсатди. Изоантиген В изоантиген А га нисбатан кўпроқ бир хил белгилиги билан фарқ қилади. Ундан ташқари, баъзи одамлар эритроцитида Н ва 0 каби специфик (махсус) антигенлар топилди.

АВО системасида ўз моҳиятига қўра, изоантигенлардан сўнг тиббиёт амалиётида Қ.г.нинг КБ системаси (КБезиз — резус) резус-фактор иккинчи ўринда туради, у Қ.г.нинг энг мураккаб системаларидан бўлиб, 20 дан ортиқ изоантигендан ташкил топган. 85% одамлар эритроцитларида КБ система антигени — КБ-фактор мавжудлиги, 15% одамларда унинг бўлмаслиги аниқланган. Ана шу факторнинг бор ё йўқлигига қараб одамлар шартли равишда — резус-мусбат ва резус-манфийли деб ажратилади. Қонида КБ-фактори бўлмаган она организмда ривожланаётган қомилага резус-фактори

мусбат отадан ўтган антиген таъсирида унга қарши антителалар ҳосил бўлади, бу антителалар, ўз навбатида, ҳрмила эритроцитларига таъсир этиб, уларнинг гемодиализи (эриши)га сабаб бўлади, бу гемолитик анемия кўринишида намоён бўлади, баъзан ўлимга олиб келадиган резус-конфликт (зиддият) келиб чиқади. Қони резус-манфий одамларга резус-мусбат қон қайта қуйилганда ҳам шундай ҳолат кузатилиши мумкин.

Эритроцитлардаги изоантигенлардан ташқари, қоннинг бошқа таркибий элементларида ҳам фақат уларга хос изоантигенлар борлиги аниқланди, бу лейкоцитларнинг 40 дан ортиқ антигенларини бирлаштирувчи лейкоцитар группалар мавжудлигини кўрсатди. Одам қонининг бошқа системаларига оид изоантигенлар АВО ва КБ системаларига қараганда камроқ амалий аҳамиятга эга бўлса-да, суд тиббиёти, генетика, антропология соҳалари учун аҳамияти катта.

Қ.г.га хос белгилар ирсий факторлар билан белгиланади, яъни болалар қонининг антиген хусусиятлари ота-онанинг қон группасига боғлиқ. Бу суд тиббиётида боланинг ота-онасини аниқлаб бериш масалаларини ҳал қилишга имкон беради.

Қ.г. стандарт зардоблар ёрдамида эритроцитлардаги изоантигенларни топиш йўли билан аниқланади. Қ.г. системасини аниқлаш кўпроқ амалий аҳамиятга эга. *Қон куйиш* Қ.г.нинг бир-бирига мос келиши эътиборга олинади. Ҳайвонлар қони, қайси группада бўлишидан қатъи назар, одам қонига тўғри келмайди.

ҚОН ДЕПОЛАРИ — одам ва юксак даражада ривожланган ҳайвонларда мавжуд қоннинг 50% ини захирада сақлайдиган резервуар аъзолар. *Жигар, талоқ* ва *тери* Қ.д. ҳисобланади. Бу аъзоларнинг томир системаси ўзига хос тузилган. Талоқда қоннинг бир қисми хужайралар орасига тарқалган бўлиб, қон айланишида иштирок этмайди. талоқ силлиқ мускулларининг қисқариши ту-

файли қон умумий қон оқимида қайта қуйилади. Жигар томирларида қон секин оқади. Жигар томирларининг қисқариши натижасида қон томирлар бўйлаб таркатади. Терида қон капиллярларда тўпланади. Организмда қоннинг кислород етишмаганида (мас, оғир жисмоний иш қилганда) ёки қон таркибидаги гемоглобин миқдори камайганда (мас, кўп қон йўқотганда), Қ.д.даги қон умумий қон айланиш системасига чиқади ва миқдори кўпаяди.

ҚОН ИВИШИ — суяқ қоннинг юмшоқ қуйқум (лахта)га айланиши; одам ва ҳайвон организмнинг қон йўқотишга қарши физиологик химоя реакцияси. Қон томир зарарланиб, қон оққанда қон плазмасида эриган фибриноген оқсилнинг эримайдиган фибрин ҳолига айланиши ва бу толалар қоннинг шаклли элементлари (тром-боцитлар) билан ўралашиб қуйқум ҳосил бўлиши натижасида вужудга келади ва у томирнинг шикастланган жойини тўсиб қўяди.

Қ.и. мураккаб ферментатив жараён бўлиб, у босқичма-босқич (3 фазада) кечади. Қ.и. қон ивиши факторлари (Қ.И.Ф.) — қон плазмасининг қатор оқсиллари ва Ca^{2+} ионлари иштирокида амалга ошади. Асосий Қ.И.Ф. 13 та бўлиб, улар рим рақамлари билан белгиланади. Бу факторларнинг бир нечтаси қоннинг шаклли элементлари таркибида бўлади.

Қ.и.нинг асосий реакциялари қуйидагилар: фаол тромбопластин ҳосил бўлиши; протромбин *тромбинга* айланиши; фибриноген фибринга айланиши; фибриннинг стабилизацияси.

Нормада одам қони томирдан чиққач, 5—12 мин.да ивийди. Айрим патологик ҳолатларда Қ.и. секинлашиши ёки тезлашиши мумкин, бу *тромбозларга* олиб келади.

Тиббиётда қон ивишини сусайтирувчи (антикоагулянтлар), кучайтирувчи ва барқарорлаштирувчи воситалардан кенг фойдаланилади.

ҚОН ЙЎҚОТИШ - қ. *Қон кетиши*.

ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИ, қон системаси касалликлари — периферик қон ва қон яратувчи аъзоларнинг шикастланиши билан кечадиган касалликлар гуруҳи. Қ.к.нинг келиб чиқиш сабаблари ва белгилари хилма-хил, лекин уларнинг ҳаммасида ҳам қон ҳужайраларининг ишланиб чиқиши, функциялари, организмда тақсимланиши ва б. кўрсаткичлари бузилади. Бу ўзгаришлар қон яратилишини идора этадиган нерв-эндокрин система функцияси ҳамда бошқа аъзолар (меъда, жигар) фаолиятига, организмнинг ирсий хусусиятларини белгиловчи ген апаратига боғлиқ. Қ.к.га олиб келадиган жараёнлар механизми мураккаб ва хилма-хиллиги сабабли Қ.к.ни шартли равишда патогенетик хусусиятлари ва клиник белгиларига қараб лейкозлар, камқонликлар ва коагулопатияларга ажратилади. асосан, қизил қон системаси касалликлари, оқ қон системаси касалликлари, тромбоцитлар (қон пластинкалари)нинг касалликлари тафовут қилинади. Буларнинг келиб чиқишида қон системасида рўй берадиган апластик, гиперпластик ўзгаришлар ва қон яра-тилишининг бузилишига олиб келадиган бошқа патологик жараёнларнинг аҳамияти катта.

Қизил қон системаси касалликлари. Бунга қизил қон шаклли элементлари — *эритроцитлар* камайиши билан кечадиган турли хил анемиялар, уларнинг ортиқча ишланиб чиқиши билан ифодаланадиган эритремиялар, оқ қон системаси касалликларига турли хил *лейкозлар*, кўп сонли миелома касаллиги, Хожкин касаллиги (лимфогранулема-тоз), лимфосаркома, ретикулосаркома ва б. киради.

Тромбоцитлар касалликлари кўмикда мегакариоцит ҳужайралар ёки тромбоцитлар фаолиятининг сусайиши билан боғлиқ равишда пайдо бўлади. Буларга идиопатик тромбоцитопеник пурпура, Гланцман хасталиги киради. Қ.к. бир-

бирдан фарқ қилса ҳам, лекин маълум бир қонуният билан авж олиб бориб, организмдаги талайгина аъзолар фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Қ.к. тури, хусусиятлари ва авж олиш даражасига қараб даво қилинади.

Қ.к.нинг келиб чиқиш сабаблари ва авж олиш механизмларини ўрганиш, даволаш чора-усулларини ишлаб чиқиш масалалари билан *гематология* шуғулланади.

ҚОН КЕТИШИ, қон оқиши - жароҳатланган томирлардан қон оқиши билан кечадиган патологик ҳолат. Шикастланишлар ва турли хил касалликлар оқибатида юзага келади. Артериал (артерия томирларидан оч қизил рангдаги қон отилиб чиқади), веноз (вена томирларидан қорамтир қон оқади), капиллярлар ва паренхиматоз аъзолар (жигар, талок, буйрак ва б.)дан қон кетади. Қ.к. тезлиги шикастланган томирларнинг катта-кичиклиги ва унинг деворлари ҳолатига боғлиқ. Қон бирорта аъзо (меъда, ичак, мия ва б.)га ёки ташқарига оқади. Қон қусиш, *қон туфлаш*, қон сийиш, плевра ва қорин бўшлиғида қон тўпланиши, бачадондан қон кетиши ва б. ҳам Қ.к. турларидан. Артериядан Қ.к. жуда хавфли, бунда қон томирдан босим билан отилиб чиқади. Болалар ва қарияларда қон йўқотиш айниқса хавфли. Аёлларда қон йўқотиш эркакларга нисбатан енгилроқ кечади. Қон ивишининг пасайиши билан кузатиладиган баъзи касалликларга (гемофилия, нур касаллиги) дучор бўлган одамларда қон кўп кетмаса-да, Қ.к. жараёни узоқ давом этиши туфайли хавфли бўлади. Қ.к. ташқи (қон теридаги жароҳат орқали ташқарига чиқади) ва ички (қорин, кўкрак, калла суяги бўшлиқлари ва б.) бўлиши мумкин. Қон тўқима ичига қуйилганда юмшоқ тўқималарни суради ва у ерда тўпланиб, гематома ҳосил қилади ёки сингиб кетади (қ. *Лат ейиши*). Ташқи Қ.к., одатда, тери ва оғиз, бурун бушлиғи шиллик пардаларининг жароҳатланиши билан

боғлиқ. Бевосита шикастланишдан сўнг пайдо бўладиган травматик Қ.к. бирламчи, жароҳатлангандан сўнг бир неча кун ўтгач, такрорланган Қ.к. иккиламчи Қ.к. дейилади. Бундай Қ.к.нинг сабаби кўпинча жароҳатдаги йиринглаш жараёнлари бўлиб, улар шикастланган томирни беркитиб қўйган қон лахталарининг эриб кетишига олиб келади. Тананинг ёпиқ ёки чегараланган бўшлиғига Қ.к., асосан, ички аъзолар (жигар, ўпка ва б.)нинг шикастланиши натижасида юз беради ва бунда қон ташқарига чиқмайди. Бундай Қ.к. фақат қон йўқотиш туфайли организм умумий ҳолатининг ўзгариши ва бўшлиққа тўпланган суюқлик белгилари орқали билиниши мумкин. Қорин бўшлиғига Қ.к., асосан, ўткир камқонлик белгилари — рангпарлик, томирнинг кучсиз, лекин тез уриши, чанқаш, уйқучанлик, кўз олди қоронғилашиши, ҳушдан кетиш билан ифодаланади. Кўкрак бўшлиғига Қ.к.да камқонлик симптомлари хансираш (қийналиб ва тез нафас олиш) билан бирга намоён бўлади. Кўкрак бўшлиғига қон тўпланганлигини эшитиб, уриб кўриб ва рентгенологик текширишлар ёрдамида аникланади. Калла суяги ичига Қ.к.да биринчи ўринда қон йўқотиш симптомлари эмас, балки бош миянинг эзилиш белгилари — эс-хушнинг ўзгариши, нафас олишнинг издан чиқиши, фалажлар ва б. неврологик хусусиятлар юз беради. Ички Қ.к.да бўшлиқли (қовак) аъзоларга қон тўпланган сари у табиий чиқарув тешиклари орқали ташқарига чиқа бошлайди, лекин бундай Қ.к.нинг сабабини аниқлаш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Оғиздан қон келиши ўпка, юқори нафас йўллари, ҳалқум, қизилўнғач ва меъдадан Қ.к. билан боғлиқ. Ахлатда қон бўлиши меъда-ичак йўлининг исталган қисмидан Қ.к.да кузатилади. Сийдикда қон бўлиши буйрак, сийдик йўли ва ковуқдан Қ.к.дан далолат беради. Бундай ҳолларда тўғри диагноз қўйиш учун ажралиб чиқаётган қоннинг қўриниши ва ҳолати катта аҳамиятга эга. Оғиздан кип-

қизил кўпирган қон келиши ўпка сили учун хос.

Кофе қуйқаси рангида қусиш меъдадан ва ўн икки бармоқ ичакдан Қ.к.ни, қорамойсимон ахлат меъда-ичак йўлининг юқори бўлимидан Қ.к.ни билдиради. Тўқ қизил ахлат билан бир текис ажралган қон ингичка ичакдан, ранги ўзгармаган ва ахлат билан аралашмаган қон йўғон ичакнинг энг пастки бўлимидан Қ.к.дан далолат беради. Аммо ҳамма вақт ҳам бу белгилар Қ.к.нинг сабаби, манбаини аниқлаш имконини бермайди, шунинг учун мураккаб диагностика текширувлардан фойдаланишга тўғри келади.

Қ.к.ни вақтинча ва тамоман тўхтатиш мумкин. Вақтинча қон тўхтатишда жгут, босувчи боғламлар боғланади, томир торайтирувчи моддалар, муз ишлатилади. Тамоман қон тўхта-тишда жарроҳлик усуллари (томирларни боғлаш, тикиш, шикастланган аъзоларни олиб ташлаш), шунингдек, *қон қуйиши*, қон ўрнини босувчи суюқликлар ва дорилар қўлланилади.

ҚОН ПЛАЗМАСИ - қ. *Плазма*.

ҚОН ПЛАСТИНКАЛАРИ - қ. *Тромбоцитлар*.

ҚОН СЎРАР ЧИВИНЛАР — узунмўйловли *икки қанотлилар* оила. Уз. 8 мм гача. Танаси, баъзан қанотларининг бир қисми тангачалар билан қопланган. Оғиз органлари санчиб сўрувчи хартумдан иборат. 2500 га яқин тури, жумладан, Ўзбекистон фаунасида 25 тури бор. Урғочи Қ.с.ч., одатда, умуртқалилар қонини сўради, эркаклари ўсимлик шираси билан озикланади. Қуртлари планктонда, одатда, окмайдиган сув хавзалари, сув тўпланадиган дарахтлар ковагида, уйларнинг ертўлаларида, ҳатто сув солинган бочкаларда, асосан, йилнинг илиқ даврида, баъзан қишда ҳам ривожланади; сувдаги микроорганизмлар билан озикланади. Қ.с.ч., одатда, безгак тарқатувчи ва безгак тарқатмайдиган

(қолган 5 та уруғ) гуруҳларга ажратилади (яна қ. *Безгак чивинлари*).

ҚОН СЎРАРЛАР, қон сўрар пашшалар — доира чокли калта мўйлов *икки қанотлилар* оиласи. Қушлар ва сут эмизувчилар қонини сўрувчи эктопаразитлар (номи шундан). Кучли ривожланган оёқлари ва тишчали тирноқлари ёрдамида ўз хўжайинининг юнги ва патларига ёпишиб олади. Қанотли, калта ва қанотсиз (мас, қўй Қ.с.и) турлари бор. 200 дан ортиқ тури маълум. Кўпчилик Қс. муайян ҳайвонлар гуруҳида паразит яшашга мослашган. Ўзбекистон фаунасида 11 тури аниқланган. Қуртлари урғочисининг бачадонсимон кенгайган тухум йўлида ривожланади; 2 та йирик қўшимча безлар ишлаб чиқарадиган суюқлик («сут») билан озикланади; муайян вақт оралиғида биттадан туғилади. Қуртлари ғумбакка айланишдан олдинроқ туғилади. Янги туғилган қуртлар танаси елимсимон модда билан қопланган. Бир неча соат давомида қурт елим ғилоф ичида ғумбакка айланади. Шунинг учун Қ.с.ни ғумбаклик даврида туғилувчилар гуруҳига киритилади. От, эшак ва сигирларда от Қ.с.и, итларда ит Қ.с.и, қўйларда қўй Қ.с.и паразит ҳолда яшайди. Қ.с. баъзан одамга ҳам ҳужум қилади. Қ.с. ҳайвонларни безовта қилиб, зиён етказилади.

ҚОН ТОМИРЛАРИ - одам ва ҳайвонларда қон ҳаракатланадиган аъзолар (қ. *Артериялар, Веналар*).

ҚОН ТУФЛАШ — йўталганда нафас йўлларида қон ажралиши. Ўпкадаги турли иллатлар (ялиғланиш, *сил*, ўсма, *абсцесс*, инфаркт), баъзи юрак пороклари, *эхинококкоз*, *захм* ва қон системаси касалликларида бемор қон туфлайди. Нафас йўллари томирларининг ёрилиши, юрак пороклари оқибатида ўпкада қон димланиши ва томирлар девори ўтказувчанлигининг ошиши ҳам Қ.т.га сабаб бўлади. Кўпинча милк ёки бурун

қонаши натижасида нафас йўлларида қон оқиб тушиб, сохта Қ.т. рўй беради. Қон туфлаганда қон аралаш балғам, «тоза қон лахталари» (бўлақлари) ёки балғам занг рангида бўлиши мумкин. Қ.т.да қон кўп ажралиши ўпкадан қон кетишидан далолат беради. Беморни орқасига нарса қўйиб суяб ўтказиб қўйилади; гаплашиш, ҳаракат қилишга рухсат этилмайди, зудлик билан врач чақириш, Қ.т. сабабини аниқлаш ва тегишли даво чораларини кўриш лозим.

ҚОН ТЎХТАТУВЧИ ДОРИЛАР, гемостатик воситалар — қон оқишини тўхтатувчи моддалар. Маҳаллий таъсир этувчи ва организмга дори сўрилгандан сўнг умумий таъсир кўрсатувчи Қ.т.д. фарқ қилинади; улар ўз навбатида специфик (фибриноген, протромбин комплекси — II, VII, IX ва X факторлари, антигемофия гло-булин — VIII фактори, XIII фактор концентрати ва б.) ва носпецифик (ад-роксон, рутин ва б.) воситаларга бўлинади. Маҳаллий таъсир этувчи Қ.т.д. сифатида одам ва ҳайвонлар қонидан тайёрланган бир қанча моддалар, жумладан, тромбин (капиллярлардан қон оққанда), гемостатик булутча (таркибида тромбин, тромбокиназа ва баъзи тузлар бўлган қуруқ ғовак масса), майда жароҳатларда аччиктошдан тайёрланган «қон тўхтатувчи қаламлар» қўлланилади. Организмга сўрилгандан сўнг қон тўхтатувчи моддаларга विकासол, кальций хлорид, фибриноген ва б. киради. Баъзи ўсимликлар (лагохилус, кичитки ўт, бўйимодарон)дан тайёрланган дамлампалар ҳам Қ.т.д. сифатида ишлатилади.

ҚОН УНИ — сўйилган моллар қонини қайта ишлаб тайёрладиган маҳсулот. Чорва моллари, асосан парранда, мўйнали ҳайвонлар ва чўчқаларни боқишда протеин манбаи сифатида ишлатилади (1-нав Қ.уда 80% дан ортиқ протеин бор). Намлиги 9% бўлган 1 кг Қ.уда 1,06 озуқа бирлиги ва 758 г ҳазм бўладиган протеин бўлади. Чўчка ва

паррандалар озуқа рационининг 10% га қадар қўшилади.

ҚОН ЯРАТИЛИШИ, гемопоэз - қон хужайраларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва етилиши. Одамда ва сут эмизувчи хайвонларда *қон яратувчи аъзоларни*, умуртқасиз хайвонларда, асосан, бўшлиқтардаги суюқликлар ва қоннинг ўзида ёки гемолимфада ҳосил бўлади. Қ.я. узлуксиз жараён бўлиб, кўпчилик қон хужайраларининг қисқа ҳаётий цикли туфайли рўй беради.

Одам эмбрионида сариклик халтачасидаги мезенхима хужайраларида қон яратувчи хужайра ҳосил бўлади; ҳомила 3 ойлигидан то туғилгунига қадар қон жигарда ва талокда, 4 ойлигидан бошлаб эса бир вақтда кўмикда ҳам ҳосил бўла бошлайди, 4-ойдан бошлаб *лимфа тугунлариш лимфоцитлар* шаклланади.

Уч ойлик ҳомилада қизил қон таначаларн — мегалобластлар (ядроли йирик хужайралар) етилиб, йирик эритроцитлар (мегалокитлар)га, сўнг эритробластларга айланади, улар аста-секин нормобластлар билан алмашинади. Янги туғилган бола ва катта ёшдаги соғлом организмда бўладиган эритроцитлар ана шу нормобластлардан вужудга келади.

Барча етилган қон хужайралари бири-биридан фарқланса ҳам ягона бошланғич (устун) қон яратувчи хужайралардан вужудга келади.

Кўмикдаги бошланғич қон хужайраларининг етилиб қоннинг етук шаклли элементларга айланиши қон ҳосил қилувчи аъзоларда содир бўлади. Қон ўзанига (томирдаги қон оқими) қоннинг барча функциясини бажара оладиган етук хужайралар тушади.

Соғлом организмдаги қон таркиби ва қон яратиш аъзолари ўзаро динамик мувозанатда бўладиган яхлит битта системани ташкил қилади; емирилган қон хужайралари қон ҳосил қилиш аъзоларида узлуксиз янгиланиб туради. Қон яратилишидаги бундай мувозанат марказий ва вегетатив нерв системаси, гор-

монлар, витаминлар, шунингдек, махсус моддалар — гемопоэтинлар томонидан бошқарилади.

Қон йўқотганда, қонда кислород етишмаганда, яллиғланиш жараёнларида, инфекцион касалликларда қонда эритроцитлар ёки лейкоцитлар ҳосил бўлиши кучаяди, бу организмнинг химоя реакциясидир; бундай ҳолат қоннинг реактив ўзгариши деб аталади. Қон ҳосил бўлишининг тезлашуви организмнинг химоя реакцияси бўлганлиги сабабли киши соғайганда қон яратилиши ҳам нормаллашади. Айрим касалликларда (организмда темир моддаси, витамин В₁₂ етишмаганда, талок касалланганда, меъда олиб ташланганда, захарли моддалардан захарланганда) қон ҳосил бўлиши сусаяди, камқонлик рўй беради. Бундан ташқари, кўмикда турли патологик жараёнлар пайдо бўлиши мумкин, бунда, асосан, қонда ёш (етилмаган) шаклли элементлар кўпаяди.

ҚОН ЯРАТИЛИШИ СТИМУЛЯТОРЛАРИ — қон яратилишини кучайтирувчи дори моддалари гуруҳи. Қ.я.с.нинг кимёвий таркиби ва таъсир механизми турлича бўлиб, эритроцитлар (эритропоэз) ёки лейкоцитлар яратилиши (лейкопоэз) ни кучайтиради.

Баъзи витаминлар — фолат кислота-си, цианокобаламин, пиридоксин, нуклеин к-талари синтезини тезлаштирувчи — пентоксил, метилурапил, натрий нуклеинат ва лейкоген; стероид гормонлар — глюкокортикоидлар, андроген препаратлар, литий тузлари Қ.я.с. ҳисобланади.

Буйракда ишлаб чиқариладиган эритропоэтин гормони қизил қон таначалари яратилишини, шунингдек, лейкопоэтин лейкоцитлар ҳосил бўлишини, тромбопоэтин моддаси тромбоцитлар яратилишини фаоллаштиради. Ҳоз. чуқур лейкопения ва тромбоцитопения ҳолатларини даволаш учун Г-КСФ (гранулоцитар колония стимулловчи фактор) — нейпоген, ГМ-КСФ (гранулоцитмоноцитар колония стимулловчи фактор) деб аталган препа-

ратлар қўлланилмоқда.

ҚОН ЯРАТУВЧИ АЪЗОЛАР - одам ва ҳайвонларда қон ва лимфа хужайралари ҳосил бўладиган аъзолар. Одамда ва суг эмизувчи ҳайвонларда қизил кўмик, талок, лимфа тугунлари, айрисимон без Қ.я.а. ҳисобланади. Қизил кўмик асосий қон яратувчи аъзо. Қизил кўмикнинг ҳамма тўқимаси қоннинг етилган хужайра элементлари билан тўла бўлади. Қизил кўмикдан фарқ қилиб, сарик кўмикда ёғ ҳам бўлади. Кўмикда эритроцитлар, лейкоцитларнинг турли шакллари ва тромбоцитлар шаклланади.

Лимфа тугунлари (қ. *Лимфа системи*) қон яратилиши ва организмнинг химия реакцияларида қатнашади, уларда, асосан, *лимфоцитлар* ривожланади. Қон яратиш аъзоларининг асосий вазифаси қон хужайраларининг емирилишига қарамай, уларни доимий нисбатда сақлаб туришдан иборат.

ҚОН ЧИҚАРИШ — даво мақсадида қон томирларидан (кўпинча венадан) қон чиқариш; бунда венани тешиб (венепункция) ёки тилиб (венесекция) қон чиқарилади. Ўткир юрак етишмовчилигида юракка келаётган қон оқимини камайтириш ва унинг ишини яхшилашда; ўпка шишганда ўпка томирларидаги қон миқдорини камайтириш мақсадида; оғир гипертония кризларида (қ. *Гипертония касаллиги*) қон босимини тушириш учун; баъзи қон касалликларида, айрим захарланишларда (мас, ис газидан) Қ.ч. яхши фойда беради. Қ.ч. учун баъзан врач тавсияси бўйича тиббиёт зулукларидан фойдаланилади.

ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ СУЮҚЛИКЛАР, инфузион воситалар — даволаш мақсадида қон ёки плазма ўрнига ишлатиладиган воситалар; *шок* ҳолатида, кўп қон йўқотганда, камқонлик, йирингли септик касалликларда, куйганда ва б.да қўлла-нилади. Таъсир этишига кўра гемодинамик (шокка қарши), дезин-

токсикацион ва парентерал Қ.ў.б.с. ажратилади.

Шокка қарши препаратларга декстран асосидаги ўрта молекулали полиглюкин, полифер, полиглюсол, макродекс, интрадекс, декстран, плазмодекс, хемодекс ва б., шунингдек, куйи молекулали реополиглюкин, реоглюман, реомакродекс, ло-модекс, декстран-40, гемодекс; желатина препаратлари — желатинол, геможель, желофузин, плазможель; гидрооксизтилкрахмал асосидаги препаратлар — оксиамал, волекам, плазмостерил, волекс, 6—ХЕС; полиэтилен гликол асосидаги полиоксидинлар ишлатилади. Дезинтоксикацион (организмни захарли моддалардан тозаловчи препаратлар) таъсир этувчиларга куйи молекулали поливинил-пирролидон асосидаги препаратлар, асосан, гемодез, неогемодез, перистон-Н, субтозан, плазмозан, комидон ва х.к. киради. Улар ҳар хил захарли моддалар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилади ва сийдик орқали организмдан чиқиб кетади. Парентерал овқатлантиришда (овқат сифатида) оқсил маҳсулотлари (плазма, альбумин), шунингдек, оқсил гидролизатлари (казеин гидролизати, гидролизин, аминокептид, фибриносолъ ва б.) қўлланилади. Ёғли эмульсиялар (инфузолипол, интралипид, липифизиан, липофундин, липозин, инфонутрол, фатген) ҳам парентерал овқатлантириш ва организмнинг қувватини ошириш учун ишлатилади. Комплекс таъсир кўрсатувчи, шунингдек, кислород ташиш фаолиятига эга, сув-туз ҳамда кис-лота-ишқор мувозанатини бошқарувчи Қ.ў.б.с. ҳам мавжуд.

ҚОН ҚЎЙИЛИШИ - қон томирлари ўтказувчанлик хусусиятининг ошиши ёки шикастланиб ёрилиши натижасида организм бўшлиқлари ва тўқималарида қон тўпланиши. Қ.к. қон томирлари шикастланганда, қоннинг ивувчанлиги бузилганда кузатиладиган ички қон кетишининг оқибатидир. Қон қуйилганда у тўқималарга сингиши ёки

бир жойда тўпланиб ва *гематома* ҳосил қилиб тўқималарни четга суриб қўйиши мумкин. Қуйилган қон тўқималарда яллиғланиш реакциясини ҳосил қилади, уларни қон билан таъминловчи майда қон томирларини босиб қўяди, натижада оғриқ рўй беради. Тери ва тери ости клетчаткасининг қонга бўқиши *мўматалоқ* пайдо бўлишига олиб келади.

Оз миқдорда қуйилган қон тўла сўрилиб кетади. Қ.қ.нинг организм учун хавфлилиги унинг жойлашган жойига боғлиқ. Мас, мия тўқимасига қуйилган қон мускуллар, бўғимлар бўшлиғига қуйилган қондан анча кам бўлса ҳам, ниҳоятда хавфлидир. Қ.қ.ни даволаш унинг жойлашиши ва пайдо бўлиш сабабига кўра (қ. *Гематома*, *Инсулт*, *Латейиш*) белгиланади. Қорин бўшлиғидаги кўпайиб борувчи қон тўпланиши Қ.қ. эмас, балки бўшлиқдан *қон кетиши* дейилади, чунки бундай ҳолларда организм учун хавфли қон йўқотиш (ўткир камқонлик) билан боғлиқ бўлган бузилишлар юзага келади.

ҚОН ҚУЙИШ, гемотрансфузия — даволаш муолажаси; қон ва унинг таркибий қисмлари (қон плазмаси, эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлар массаси)ни даво мақсадида бемор организмга қуйиш. Қадимда врачлар қон одамнинг ҳаёт қобилятини оширади деб тахмин қилиб, қонни ёшартириш мақсадида, рухий беморларни даволашда қўллашган, лекин бунда Қ.қ. ўрнига уни беморга илиқҳолда ичириш тавсия этилган. Қ.қ.га уринишлар инглиз олими У.Гарвей томонидан ёпиқ қон айланиш системасининг кашф этилишидан (1628) сўнг бошланди. 19-а.га келиб одамга фақат одам қонини қуйиш мумкинлиги исботланди. Бироқ Қ.қ. тиббиёт амалиётига 20-а. бошларида кишиларда қоннинг 4 группаси борлиги аниқлангач. реципиент (қон олувчи) ва донор қонининг мос келиши қонуниятлари ўрганилгандан сўнг жорий қилинди (қ. *Қон группалари*). Донор қонининг ивиб

қолишига тўсқинлик қиладиган ва уни узоқ муддат сақлайдиган (консервация) воситаларининг топилиши Қ.қ.нинг янада кенг тарқалишига имкон берди. Қ.қ.да донордан олинган қон, шунингдек, *қон ўрнини босувчи суюқлиқлар* ишлатилади. *Шок*, кўп қон йўқотиш билан кечадиган операциялар, ички аъзолардан (меъда, ўпка ва б.) қон кетганда, *анемия*, йирингли жараёнларда, қуйганда, захарланганда ва б.да қон қуйилади. Қонда эритроцитлар миқдори камайса эритроцитлар массаси, лейкоцитлар камайганда эса лейкоцитлар массаси қуйилади. Қон бевосита (донордан реципиентга) ва билвосита (донордан олиниб, консервантли флаконга солиб қуйилган қон ишлатилади) периферик ёки катта веналарга томчи-латиб, баъзан кўп қон йўқотилганда окизиб артерияга қуйилади; кўпинча Қон билан венасидан юборилади. Қ.қ.дан олдин донор ва реципиентнинг қон группалари, *резус-фактори* текширилади. Қ.қ.да реципиент билан донорнинг қон группалари ўзаро муносиб бўлишига қатъий амал қилинади. Амалий трансфузиология учун АВО, Кп (резус), Кел1 (Келл) ва б. антигенлар муҳим аҳамиятга эга. Қ.қ. чоғида беморга қуйилиши лозим бўлган миқдорни бир йўла қуймай, бўлиб-бўлиб (3 маротаба) юборилади, дастлаб озгина қон тез юборилиб бир оз кутилади, беморда ҳеч қандай нохушлик аломатлари пайдо бўлмаса. муолажа давом эттирилади. Қ.қ. *асептика* қоидаларига риоя қилган ҳолда врач назоратида бажарилади. Қон қуйганда белда оғриқ турса, кўнгил айниса, *эшакем* тошса Қ.қ. тўхтатилиб, бемор дарҳол аделга ўралиб, унга иссиқ чой ичирилади ва врач буюрган дори-дармонлар қилинади.

ҚОНЛИ БИТ, қонли олма бити — ўсимлик битлари оиласига мансуб ҳашарот. Танаси 2,1—2,6 мм. Олманинг хавфли зараркунадаси. Ватани — Америка. Жан. Африка, Европа, Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда тарқалган. Бир мавсумда 19 марта насл беради.

Олма (баъзан нок) танасида, илдизида кишлайди. Қ.б. тўдалари ўзидан оқ мумсимон ип ажратиб, новда, поя ҳамда илдизни ўрайди ва ўсимлик ширасини сўриб озикланади. Дарахтнинг зарарланган жойлари йўғонлашади, бўртма ва яралар пайдо бўлади. Ўсиши ҳамда хосилдорлигига, айниқса, ёш ниҳолларга зарар келтиради. Кураш чоралари: баҳорда қишлоғчи личинкалари ва урғочи битларга қарши нитрафен пуркаш; биологик қарши кураш мақсадида афелинусдан фойдаланилади.

ҚОННИНГ ШАКЛЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ — қон хужайралари (*қ. Эритроцитлар, Лейкоцитлар, Тромбоцитлар*).

ҚОНТАЛАШ — юмшоқ тўқималарга қон қуйилиши. Шикастлангандан бир неча соат (баъзан бир неча мин.) кейин гавда тўқималарининг юзасига *қон қуйилиши билан* кечади. Қ. олдинига тўқ қизил рангда бўлади; қуйилган қондаги гемоглобиннинг парчаланишидан Қ.нинг ранги аста-секин ўзгариб, қизилдан кўк рангга, сўнгра яшил, охи-рига бориб сариқ рангга ўтади ва кейинчалик Қ. бутунлай сўрилиб кетади. Қ.нинг рангига қараб лат ейиш қачон содир бўлганини аниқлаш мумкин. Оғрик қолдирувчи воситалар, Қ.нинг сўрилиб кетиши учун бошида совук, кейинчалик иссиқ қилинади.

Чуқур тўқималарга қон қуйилганда шикастлангандан бир неча кун кейин Қ. юзага келиши мумкин. Баъзан Қ. ҳаёт учун хавфли ҳисобланади. Мас, бош шикастланиб, кўз қовоқларида Қ. («кўзойнак» кўринишида) пайдо бўлиши калла суяги синганлигидан далолат беради (*қ. Калла суяги*). Бунда дар-ҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Қон ёки қон томирлари касалликларида, энгил лат еганда ҳам Қ. пайдо бўлади.

ҚОНТЕПАР — қонтепардошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. 5 турни ўз ичига олади. Қалин момиқ туқлар билан қопланган кўп йиллик ўт.

Илдизи йўғон, туганаксимон. Пояси битта ёки бир неча-та; тик, бал. 40—60 см. Барглари чўзиқ тухумсимон ёки наштарсимон, уз. 10—20 см, эни 1,5—5 см, 3 қарра патсимон бўлинган, қалин тукли, тупгули шингилсимон. Гуллари сариқ, чангчиси 10 та. Апрель — июнда гуллаб, мева беради. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги паст тоғларда, уларнинг пастки ва ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда тарқалган.

ҚОНУН (фалсафада) — нарса ва ходисалар ўргасидаги муҳим, зарурий, барқарор, такрорланувчи муносабат. Мазкур муносабат объектив воқеликка мансуб бўлса, у воқелик Қ.лари деб юритилади. Воқелик Қ.ларининг инсон томонидан ўрганилиб, муайян назарий тилга кўчирилиши фан Қ.лари дейилади. Шу жиҳатдан фан Қ.лари воқелик Қ.ларининг тафаккурда инъикос этилишидир. Фан Қ.лари, ўз навбатида, акс эттирувчи объектига кўра, табиат Қ.лари, жамият Қ.лари, тафаккур Қ.ларига бўлинади. Тасодифий ёки ўткинчи муносабатлар эса Қ.ни асослашга етарли эмас. Зарурийлик Қ.нинг муҳим белгисидир, чунки ундан келиб чиқадиган натижаларнинг юз бериши муқаррардир. Қ. тушунчасининг моҳияти қонуният тушунчасига яқин туради. Қонуният Қ.дан фарқли равишда системанинг ўзгаришларидаги барқарор жиҳатларни ва йўналишларни ифодалайди. Шу жиҳатдан, фанда статистик ва динамик қонуниятларга таяниб иш юритилади. Динамик қонуниятларда ўрганилаётган жараёнларнинг келажаги аниқ, муайян ва бир хил кўринишда башорат қилинади, яъни системанинг келажакдаги ҳолати унинг олдинги ҳолати билан узвий боғланган бўлади. Статистик қонуниятларда эса, жараёнларнинг келажagini башорат қилиш эҳтимол шаклида бўлиб, муайян миқдордаги тасодифлар ичидан рўёбга чиқиши мумкин бўлган эҳтимоллар назарда тутилади, яъни бунда бир қанча

ўзаро боғланган алоқадорликлар ичидан рўёбга чиқиши мумкин бўлган имкониёт даражаси эҳтимоллик билан чамалаб олинади. Қлар объектлар ўртасидаги, система ривожланишининг турли ҳолатлари ва босқичлари ўртасидаги алоқадорликларни ифодалайди. Қлар ўзининг умумийлик даражаси ва таъсир этиш доирасига кўра, хусусий, умумий ва энг умумий Қларга бўлинади. Хусусий Қлар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатан тор доираги аҳокаларни функционал тарзда акс эттиради (мас. механикада тезликларни кўшиш Қлари). Умумий Қлар нарса ва ҳодисаларнинг умумий хоссалари ўртасида муносабатни, энг умумий Қлар эса табиат, жамият, тафаккур ривожининг энг умумий муносабатларини, томонларини, тараққиётини, тенденцияларини ифодалайди. Бутун олам тортишиш Қи умумий Қга, оламнинг ривожланиш Қлари эса энг умумий Қга мисол бўлиши мумкин. Умумий Қлар билан хусусий Қлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Умумий Қлар хусусий Қлар орқали амал қилади, хусусий Қлар эса умумий Қларнинг бир кўриниши бўлиб, объектив характерга эга. Қлар, биринчидан, нарса ва ҳодисалар ва улар орасидаги муносабатларнинг моҳияти, сабаби, келиб чиқиши, ривожланиш тенденциясини тушунтиради; иккинчидан, Қ ҳодисадаги ривожланиш тенденцияси ва йўналишини акс эттириш орқали жараёнларнинг келажак гини башорат қилиш функциясини бажаради. Табиат ва жамият Қлари объектив жараёнларни акс эттиради. Агар табиат Қлари бизга стихияли тарзда бўлиб кўринса, жамият Қлари эса кишиларнинг онгли фаолиятида намоён бўлади. Қларни билиш асосида келажак ҳақида башорат қилиш, табиий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш мумкин. Тафаккур Қларини *мантиқ* фани ўрғанади. Қлар ҳақида Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби мутафаккирлар маҳсус рисолалар ёзишган. Ҳуқуққа доир, хусусан, шариат Қларига

оид асарлар ичида Бурҳониддин Марғинонийнинг «Хидоя» китоби дунёга танилган. Қларни англаб олиш, билиш оламнинг ривожланиш хусусиятларини билиб олиш ва уни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бахтиёр Тўраев.

ҚОНУН (ҳуқуқда) — инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. Қ. давлат олий вакиллик органларининг энг юқори кучга эга бўлган ҳужжатиدير. Қ. давлат ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил қилади, давлатнинг бошқа ҳамма органларининг норматив актларига нисбатан энг катта юридик кучга эга бўлади. Қ. учун уни қабул қилишнинг алоҳида тартиби, бир неча босқичдан иборат маҳсус қонун чиқариш жараёни ҳосдир. Бу босқичлар *қонунчилик ташаббуси*, қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши, Қнинг қабул қилиниши ва унинг эълон қилинишидан иборат. Қлар ўзида мужассамлашган нормаг ларнинг моҳияти бўйича конституциявий, тўғридан-тўғри конституция талаблари асосида қабул қилинадиган (органик) ва оддий Қларга бўлинади. Оддий Қлар, ўз навбатида, кодификация қилинган ва жорий Қларга бўлинади. Федератив давлатларда Қлар, шунингдек, федерал ва федерация субъектлари Қларига ажратилади. Қларнинг алоҳида тоифасини фавқулодда Қлар ташкил этади.

Нормативлик Қнинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ҳам норматив бўлиши мумкин, лекин улар Қчалик қатъий кучга эга бўлмай, қисқа муддат амал қиладиган ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлиши мумкин. Қнинг нормативлиги унинг бир хилдаги қондан барча учун норма, меъёр, мезон даражасига кўтарилишидадир. Қда мустаҳкамланган қоида ҳамма ўхшаш ҳолларда бир хилдаги талаб

сифатида такрор-такрор амал қилади. Қ.нинг нормативлиги унда ифодаланган давлат иродасининг қатъийлиги, устунлиги ва олийлиги билан чамбарчас боғлиқлигидадир. Айнан шу ироданинг императив (бўйсундирув-чи) мазмуни Қ. воситаси билан умумий юриш-туриш ва хулқ-атвор мезонларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қ.лари куйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) асосий қонун — Конституция; 2) *Конституциявий қонун*; 3) Қонун (кодекслар ва жорий Қ.лар); 4) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва Қ.лари. Қ.лар ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси* асосий ўринни эгаллайди. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини ва бошқарув механизмини белгилайди, конституциявий тузум асосларини, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий асослари, сиёсий тизимини инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг, бутун қонунчиликнинг ўзагини, юридик заминини ташкил этади. Жорий Қ.ларнинг барчаси конституция қоидалари ва принциплари асосида ҳамда уларнинг ижроси манфаати йўлида чиқарилади.

Қ.лар куйидаги ҳолларда кучга киради: расман эълон қилингандан 10 кун ўтгач; Қ.да ёки уни амалга киритиш тўғрисида махсус ҳужжатда кўрсатилган вақтдан бошлаб. Қ. ўзида кўрсатилган муддат тугаган бўлса ёки бекор қилиниши натижасида (ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасини тартибга солувчи янги Қ. қабул қилиниши муносабати б-н) ўз кучини йўқотади.

Қ. замонда амал қилади. Бунинг маъноси шуки, айрим Қ.лар орқага қайтиш кучига эга. Яъни, Қ. эълон қилинмасдан олдин бўлган ишларга шу Қ. тағбиқ этилади. Жумладан, Ўзбекистонда жиноят ва маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи Қ.лар орқага қайтиш кучига эга. Қ. маконда ҳам амал қилади. Бу-

нинг маъноси Қ.лар мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилишини бидциради. Давлат ҳудудига қуруқлик, ички сувлар ва ҳудудий денгиз ҳавзалари, ушбу ҳудудлар устидаги ҳаво бўшлиғи ва давлат чегараси доирасидаги ер ости қиради. Одатда, Қ.лар ушбу ҳудуддаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Қ.нинг олий юридик кучга эгалиги куйидагиларда намоён бўлади: Қ.ни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди; бошқа барча норматив-ҳуқуқий актлар Қ.га қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади; бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий акт, яъни, қонунга асосланган ҳужжат Қ.га зид бўлса, у Қ.га мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади; Қ.ни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким уни қўшимча тарзда тасдиқлаши ва ҳаракатдан тўхтайтиб қўйиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Қ.ларида янгиланаётган ижтимоий тузумнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланиш йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз аксини топади.

Ғайрат Абдуқодиров.

ҚОНУН — Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган торлитирнама чолғу. Унинг асоси қанотсимон, ясси кути шаклида бўлиб, ёғочдан ишланади. Мазкур қисмининг устига ёғочдан йўнилан қопқоқ қопланади. Қопқоқ устига торларни кўтариб турувчи кўтаргичлар ўрнатилади. Қонуннинг умумий уз. 800—900 мм, эни 380—400 мм атрофида, торлар сони 72 дона (хар бир товуш учта тордан иборат) бўлиб, ичак, ҳозирда капрон ва металлдан ишланади. Товушқатори температура килинган, умумий диапозони 3 октавадан ошади. Қонун тиззага қўйилган ҳолда,

кўрсаткич бармоқларга кийдирилган махсус мосламалар ёрдамида тирнаб чалинади. Ўрта асрларда Дарвиш Аҳмад Қонуний (15-а.), Жаъфарий Самарқандий (15-а.), Амир Али Акбарий Самарқандий (16-а.) каби машҳур қонунчилар ўтган. Қ. Ўзбекистонда 1930 й.ларгача ишлатилган, 1980 й. созанда (чангчи ва Қ.чи) Абдурахмон Холтожиев томонидан қайта ижодий амалиётга киритилган. Ҳозирда Қ. ижрочилигида А.Аскарров, Р.Ҳайдарова каби созанда-ўқитувчилар танилган.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ - барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятида конституция, қонунлар олий юридик кучга эга бўлиб, уларнинг ҳокимият чиқарадиган бошқа ҳамма меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалардан устун туриши. Қ.у. жамиятда демократия ва қонунчилик таъминланишига хизмат қилувчи тамойилдир. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Қ.у. тамойили биринчидан, жамият ҳаётининг барча жаб-ҳаларида қонунларнинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, юқорида таъкидланганидек, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида; иккинчидан, ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганини аңлатиб, мамла-кат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганида; учинчидан, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун қонунларнинг ҳуқуқий асос вазифасини бажаришида

намоён бўлади.

Мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлиги Ўзбекистонда конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Унга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг консти-туцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда энг олий ҳакам қонундир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мамлакат президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир (93-модда). Президентнинг бу борадаги фаолияти муҳим сиёсий-юридик аҳамиятга эга. У ўз фармонлари, қарорлари билан конституциявий тамойилларнинг, қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни ярадади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» фармойиш қабул қилганлиги (2001 й. 4 янв.) жамиятда Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим тадбир бўлди. Гарчанд, фармойишнинг асосий мақсади аҳоли орасида конституциявий саводхонликни, ҳуқуқий маданиятни оширишдан иборат бўлса ҳам, бу пировардида, Конституциянинг эъзозланиши, унга устувор тарзда амал қилинишига пухта замин ярадади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (1997 й. 9 окт.) умуммажбурий тусдаги идоравий норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш вазифаси Адлия вазирлигига юклатилиб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши

талаб этилган. Расмий тарзда рўйхатдан ўтмаган идоравий норматив ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмади, уларни ҳаётга жорий этиш мумкин эмас. Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашда прокурор назоратининг роли каттадир. Мазкур вазифа доирасида прокуратура идоралари муайян қонунлар ижросини бевосита бажарувчи вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, қонун бузилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Қонунни қўпол бузиш ҳоллари аниқланганда маъмурий ва жинойй жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ўзбекистонда конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар ва юридик механизмлар муттасил такомиллаштирилиб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ — ҳокимият бўлиниши

принципи ва назариясига мувофиқ давлатнинг уч ҳокимият тармоғидан бири. Қ.ч.х. Конституция ва қонунларни қабул қилиш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда бекор қилиш ваколатларига эга бўлади. Федератив давлат тузилиши шаклига эга мамлакатларда қонун чиқариш ваколати федерация субъектларига ҳам берилиши мумкин. Мас, АҚШда штатлар, Россияда федерация субъектлари қонун чиқариш ваколатига эга. Федерация субъектлари томонидан қабул қилинган қонунлар федерация Конституцияси ва федерал қонунларга зид келмаслиги керак. Ўзбекистонда Қ.ч.х. яхлит давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи бўлиб, у қонун яратиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси парламенти — Олий Мажлиси фаолияти орқали амалга оширади (қ. *Ўзбекистон Республикаси*

Олий Мажлиси).

ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАР - муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатли бўлса-да, жисмоний (қарилиги, касаллиги ва б.) ҳолати туфайли шахсан ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва бурчларини бажара олмайдиган фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳамма муассасаларда, жумладан, судда алоҳида ваколатсиз, қонунга биноан ҳимоя қилувчи шахслар. Қ.в. қонунда белгиланган ҳуқуқ доирасида ўзлари ваколатини олганлар номидан улар манфаатини кўзлаб битим тузади ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бошқа шахслар томонидан суи-истеъмол қилинишидан ҳимоя этади.

Ўзбекистон Республикасининг ФПКга кўра, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқчари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини судда уларнинг Қ.в.и (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қиладилар. Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга (ФПК, 51-модда). Жинойт процессида, қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабранувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади. Ишда Қ.в. сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Қ.в.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК да белгиланган (61-модда).

ҚОНУНИЙЛИК — қонунлар ва

уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва б. шахсларнинг оғишмай амал қилиши. Қ. демократия ва ҳуқуқий давлатнинг элементларидан бири. Қ.нинг куйидаги принциплари бор: Қ.нинг бирлиги (мамлакат ҳудудидан қонун ва қонунга асосланган ҳужжатлар бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши); конституция ва қонунларнинг устунлиги (барча норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар конституция ва қонунлар асосида қабул қилиниши ҳамда уларга зид келмаслиги); инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, бурчларининг кафолатланганлиги; Қ.нинг маданият билан боғлиқлиги (жамиyat аъзолари юқори даражада маданиятли, жумладан, ҳуқуқий маданиятли бўлгандагина Қ.ка эришиш мумкин); Қ.нинг мақсадга мувофиқлиги (қонун ва қонун ости) ҳужжатлари давлат ва жамиятнинг манфаат, мақсадларига мос келиши. Бунда мақсадга мувофиқлилик билан Қ. ўртасида зиддият келиб чиқмаслиги зарур).

Қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларга тўла риоя этишни таъминловчи восита ва шароитлар Қ.нинг кафолатлари ҳисобланади. Бундай кафолатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий, мафкуравий, махсус юридик жиҳатлари бор. Жамиятнинг иқтисодий риувожланиш даражаси, турли шаклдаги мулкчилик, жамиятдаги иқтисодий эркинликлар Қ.нинг ижтимоий-иқтисодий кафолати бўлади. Сиёсий ҳурфикрлилик, кўппартиявийлик, давлат тузумининг демократик тамойилларга мослиги Қ.нинг сиёсий кафолатини белгилайди. Қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларни татбиқ этиш ва уларнинг назоратини таъминловчи самарали механизмнинг мавжудлиги Қ.нинг ташкилий кафолатидан дарак беради. Аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси, ахлоқий тарбияси Қ.ка мафкуравий кафолат беради. Қ.нинг таъминланиши учун амалдаги қонунчиликда мавжуд усул ва воситалар махсус юридик кафолат вазифасини бажаради.

Жамиятда Қ. амалда бўлган ҳолдагина ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Олим Хусанооев.

ҚОНУНЧИЛИК - 1) давлатнинг ўз олдидан турган вазифа ва функцияларини амалга ошириш усулларидан бири. Бу ваколатли давлат органлари (парламент) томонидан давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича қонунлар қабул қилиш фаолиятида ифодаланади (қ. Қонун чиқарувчи ҳокимият); 2) муайян давлатда амалда бўлган ёки ижтимоий муносабатларнинг барчасини ёхуд маълум бир соҳасини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (мас, фуқаро қонунчилиги, жиноят қонунчилиги) йиғиндиси. Қ. айна пайтда ҳуқуқ нормаларини ўзида ифодалаган норматив актларнинг оддий жамланмаси бўлмай, балки, уларни юридик кучи ва аҳамиятига қараб бир тизимга солинишидир. Қ. тизими билан ҳуқуқ тизими ўзаро узвий боғлиқ. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг мазмунини, унинг ички тузилишини ифодаласа, Қ. тизими ҳуқуқнинг ташқи шаклини, мавжуд ҳуқуқ нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритадиган, эскиларини бекор қиладиган актларни ҳам ичига олади.

Қ. тизими горизонтал (тармоқ) ва вертикал (поғонавий) тузилишдан иборат. Қ. тизимининг горизонтал тузилиши унинг қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солаётганига боғлиқ ҳолда шаклланади, бунда қ. тармоғи билан ҳуқуқ тармоғи бир-бирига тўла мос келади. Мас, конституциявий ҳуқуқ — конституциявий Қ, меҳнат ҳуқуқи — меҳнат қонунчилиги, жиноят процессуал ҳуқуқ — жиноят процессуал Қ. Қонунчилик тизимининг вертикал тузилиши — норматив-ҳуқуқий актларнинг юридик кучига қараб поғонавий жойлашувини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Хукумати қарорлари, республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва б. марказий идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги ҳужжатларидан иборат. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилиги бутунлай янгидан шаклланди. Қ. тизимида банклар ва банклар фаолиятига доир, хусусийлаштириш, банкротлик, солиқ, божхона, халқаро шартномаларга доир янги Қ. тармоқлари ва йўналишлари вужудга келди. Қ. да ижтимоий муносабатларнинг муайян бир соҳасини тартибга соладиган норматив актларни ўз ичига олган Қ. тармоқлари билан бир қаторда, мажмуавий тусдаги Қ. йўналишлари шаклланмоқда (мас, табиатни муҳофаза этиш, транспортга доир, хўжалик қонунчилиги, аҳолининг алоҳида қатламлари, жумладан, аёллар, болаларга оид мажмуавий Қ. тармоқлари). Қ. ни такомиллаштириш мақсадида мамлакат ҳудудида амалда бўлган барча Қ. актларининг Конституцияга мослигини таъминлаш ва шу мақсадда мавжуд Қ. ни қайта кўриб чиқиш, эскирган, самарасиз норматив актларни бекор қилиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, қонун қабул қилишни такомиллаштириш, ҳажм жиҳатдан катталашиб кетган мажмуавий Қ. тармоқларини мустақил тармоқчаларга ажратиш зарур (мас, фуқаролик қонунчилиги тармоғидан оила қонунчилигининг ажралиб, мустақил Қ. тармоғига айланиши каби).

Мавлуда Аҳмадиева.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ - қонун лойиҳаларини қонун чиқарувчи органлар муҳокамасига тақдим этиш ҳуқуқи; мазкур органлар қонун лойиҳасини муҳокама қилишга ва шу лойиҳа юзасидан қарор қабул қилишга мажбур. Замонавий давлатларда Қ. т.

ҳуқуқига, одатда, парламент депутатлари, парламент кўмиталари, ҳукумат, давлат бошлиғи ва умуммиллий компетенцияли алоҳида идоралар эгадир. Қ. т. ҳуқуқи қандай идоралар ва шахсларга берилиши Конституцияда белгилаб қўйилади. Мас, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича, Қ. т. ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ Қ. т. ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади (83-модда). Қ. т. ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилот ва айрим фуқаролар ҳам муайян қонунлар тайёрланаётганда ўз таклифларини бериши мумкин (улар қонун тайёрлиниш жараёнида кўриб чиқилади ва инобатга олинади).

ҚОНЧЎП - кўкнордошларга мансуб қисқа илдизпояли ўтсимон ўсимлик тури. Пояси сербарг, бўйи 30—100 см. Барглари оддий, патсимон кунгирали бўлакчаларга бўлинган. Тўпгулли оддий соябон. меваси кўп уруғли, кўзоксимон кўсакча. Май ойидан кузгача гуллайди. Ўрта Осиё, Сибирь ва Кавказда учрайди. Қ. заҳарли, моллар емайди. Қ. нинг ҳамма қисмида таркибида 20% га яқин алкалоид, С ва А витаминлари, эфир мойлари, органик кислоталар ва б. бўлган сутшира бор.

Қ. дан олинган препаратлар тери сили ва б. касалликларни даволашда қўлланилади. Дамламаси сафро ҳайдовчи, жигардаги оғрикни қоддирувчи восита сифатида ишлатилади.

ҚОПЛАМА ЭКИНЛАР - асосий

экинлар орасига экиладиган ва асосий экин устида ўсадиган кўшимча экин. Мас, бедага аралаштириб сепиладиган бугдой, арпа. Қ.э. сифатида дон экинлари, бир йиллик ўтлар, зиғир, кам соя берадиган бошқа чопиқ қилинадиган экинлар экилиши мумкин. Беда, мош, ловия учун маккажўхори, беда учун ғалла экинлари, айниқса, арпа яхши Қ.э. ҳисобланади (1-йили беданинг илдиз отиб, яхши ривожланишига шароит яратади). Қ.э. ва асосий экинлар агротехникаси ва ўсиш шароитлари бир-бирига ҳалакит бермай, ердан фойдаланиш самара-дорлигини кўтариш имкониятини беради.

ҚОПЛОВЧИ ТЎҚИМАЛАР

- ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай шароитидан ҳимоя қилиб турадиган тўқималар. Тигиз жойлашган хужайралардан иборат. Бирламчи Қ.т. (эпи-дермис) барглар ва ёш новдаларнинг сиртида бўлади. Унинг хужайраларининг сиртки қалин девори *кутикула билан* қопланган, ўсимликни қизиб кетишдан ва сувнинг ортиқча буғланишидан ҳимоя қилади. Уйдаги оғизчалар орқали газ алмашинуви ва *транспирация* содир бўлади. Очик уруғлилар ва икки уруғпаллалилар пояси ва илдизида бирламчи Қ.т. ўрнига иккиламчи тўқимайўқак ҳосил бўлади. У суюқ ва газсимон моддаларни ўтказмайдиган, пўкаклашган хужайралардан иборат. Бундай пўкак ўсимликнинг жароҳатланган жойлари, некрозга учраган қисмлари атрофида, дарахтлар пўстлоғи ичида ҳам ҳосил бўлиб, тирик луб қаватини ташқи ўлик хужайралардан ажратиб туради.

ҚОПЛОН, қор қоплони, ирбис — *мушуксимонлар* оиласига мансуб сут эмизувчи; уруғнинг ягона тури. Баъзан йирик мушуксимонлар уруғига киритилади. Гавдасининг уз. 103—130 см, оғирлиги 70 кг гача. Танаси чўзиқ, оёқлари қисқа. Мўйнаси қалин, сарғиш тусда, қора ҳалқа доғлари бор. Асосан, Марказий ва Ўрта Осиёдаги баланд

тоғларда, одатда, 2000 м дан баландроқда доимий қорли тоғ тизмаларида учрайди. Қишда пастроққа — нинабаргли ўрмонлар минтақасигача тушади. Ўрта Осиёда жан.-ғарбий Туркистон ва тожикистоннинг жан.даги тоғларда яшайди. Аксарият кечкурунлари ов қилади. 4—5 та, кўпинча 2—3 та бола туғади. Асосан, туёқлилар, куёнлар, суғурлар ва б.ни овлайди. Сони кескин камайиб кетган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОПЛОНҚИР — Қорақум чўлининг Унғузорти қисмидаги қир. Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган. Қ.нинг шим. қисми қисман Устюрт платосига қиради. У шим.-ғарбдан жан.-шарққа 200 км дан зиёд масофага чўзилган. Эни жан.-шарқдан шим.-ғарбга кенгайиб (35 км гача) боради. Энг баланд жойи 305 м. Қора-қум қисмининг жан.-ғарбий ён бағ-рида Гўкленқуйи (Қорашўр) ботиғи (шўрхоки) жойлашган. Қ.нинг ботиқ юзасидан кўтарилган ён бағри нишаб ва атрофидаги текисликлар билан туташган. Унинг жан. қисмида Амударёнинг қад. ўзани Ўзбўй жойлашган.

Қ., асосан, неоген даври гиллари, мергель, катламли қумтошлар, гипс ва оҳақтошлардан ташкил топган. Жан. ён бағирларида бўр ва палеоген даврларида мансуб тоғ жинслари очилиб қолган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ, ёғин кам. Тупроқ ва ўсимликлари чўлга хос.

ҚОПЧИҒАЙ — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар. Или дарёси яқинида, Қопчиғай сув омбори соҳилида жойлашган. Олмаотадан 80 км шим.да. Шаҳар Қопчиғай ГЭС қурилиши муносабати билан бунёд этилган. Аҳолиси 31,4 минг киши (2002). Балиқни қайта ишлаш к-ти, кема таъмирлаш устахоналари бор.

ҚОПЧИҒАЙ АДИРИ - Фарғона ботиғининг жан. қисми (Фарғона вилоя-

ти)даги адир. Жан.дан Ёрмозор адирорти ботиғи, шим.дан Сўх, Аравон-Шаҳрихон дарёлари ёйилма консуслари билан ўралган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа 20 км га яқин масофага чўзилган, эни 1—1,5 км. Энг баланд жойи 735 м. Жан.-ғарбга пасайиб боради. Шим. ён бағри киярок. Ён бағирлари кўплаб куруқ сой ва жарликлар билан кесилган. Тектоник жиҳатдан брахиан-тиклиналь структура. Тўртламчи даврда янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Палеоген, неоген ва тўртламчи давр конгломератлари, гиллари, шағал тошлардан ташкил топган. Булар лёссимон жисмлар билан қопланган. Иқлими континентал. Ёзи иссиқ, 200—250 мм ёғин тушади. Бўз тупроқлар тарқалган, ранг, қўнғир-бош, шайтонкавуш ва б. ўсимликлар ўсади. Ҳайвонлардан каламуш, кўшоёқ, бўрсик, жайра, тулки, илонлар, калтакесаклар ва б. учрайди. Адир худуди яйлов сифатида фойдаланилади.

ҚОПҚОН — ёввойи ҳайвонлар ва қушларни овлаш (илинтириш) учун мўлжалланган мослама, қурилма ва аппаратлар. Икки тури: одам иштирок этадиган ва этмайдиган (автоматик) турлари бор. Одам иштирок этадиган Қ.лар турли-туман тўрлар, тортма сиртмоқлар, матраплар, қопқоғи арқон ёрдамида тортиб олинадиган чуқурлар ва б.дан иборат. Булар асосан ҳайвонлар ва қушларни тирик тутиш учун ишлатилади. Одам иштирок этмайдиган («автоматик») Қ.лар жумласига *тузоқлар*, сиртмоқлар, пружинали мослама ва қурилмалар, таранг тортилган чилвира тегиб кетилганда ўз-ўзидан отиладиган ўк-ёйлар, устига омонатгина хашак ёпиб қўйиладиган чуқурлар, ичига ҳайвон кирганда эшиги «ўз-ўзидан» ёпилиб қоладиган узунчоқ яшиқлар ва б. киради. Сичқон ва каламушлар учун мўлжалланган пружинали қисувчи Қ.лар кенг тарқалган. Айрим Қ.лар одам учун ҳам хавфли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда тулки, тўнғиз, қуён, бўрсик, каклик, бедана ва б. учун Қ.

ва тузоқлар қўйилади.

ҚОР — ҳаво т-раси 0° дан паст бўлганда булутлардан муз кристаллчалари тарзида ёғадиган ёғин. Муз кристаллчалари шакли негизини олти бурчакли пластинка ёки олти қиррали устунча ташкил этади. Кристаллчаларнинг диаметри мм нинг бир неча улушидан бир неча мм гача етади. Ҳаво т-раси 0» атрофида бўлганда Қ. учкунлари бир-бири билан ёпишиб, диаметри 1 см келадиган йирик Қ. пағаларини ҳосил қилади. Айрим Қ. доналарининг ўртача массаси 0,003 г гача, йирик Қ. пағалариники 0,5 г гача бўлади. Ўрта ва юқори кенгликларда (шу жумладан, Ўзбекистонда) Қ., асосан, қишда ёғади.

ҚОР ХАТ — биринчи қор ёққан куни ўзига яқин кишиларга ёзилган мактуб. Қадимдан Қ.х. ёзиш анъана бўлган. Қ.х.нинг шarti шундан иборатки, қор ёққанини 1-бўлиб кўрган одам ўзига яқин, кўнгли тортган кишига мактуб ёзиб, ўзига сездирмасдан қўлига бериши (ёки чўнтагига солиб қўйиш) ва қочиши керак. Мактубни «билмай» қабул қилган киши хат муаллифини қувиб етиб, унинг қўлига тутқазма олмаса, у хатда ёзилган шартни бажариши керак бўлади. Агар хат дарҳол эгасига қайтарилса, унда хат муаллифининг ўзи мактубдаги шартларни бажаради. 1-қор ёққанидан фойдаланиб, йигитлар қизларга, ошиқлар ўз маҳбубасига хат ёзишга интилишади. Қ.х. «суюнчи» услубида ёзилади. Муаллифнинг ўзи хат ёзаётган кишини 1-қор билан табриклайди, унга соғлиқ, бахт ва ишларига муваффақиятлар тилайди. Сўнг ўзининг истак, шартини баён қилади. Қ.х. ёзишдан мақсад «рақиб»ни зиёфатга туширишдир. Шу сабабли, Қ.х.да зиёфат қачон, қаерда, неча кишига берилиши лозимлиги албатта ёзилади. Баъзи ҳолларда Қ.х.да зиёфат эмас, балки совға олиб бериш ҳам сўралади. Халқ оғзаки ижоди ва адабий-бадий асарларда «Биринчи қор» ва «Қор хат»га оид кўплаб намуналар

мавжуд.

ҚОР ЧИЗИҒИ, қор чегараси — қорларнинг тоғларда эримай қоладиган ва фирнга айланган куйи чегараси. Қ.ч. баландлиги жойнинг географик кенглиги, ҳаво ҳаракати, иқлим. ёғин миқдори, жойнинг орографияси ва ён бағир экспозициясига боғлиқ. Қ.ч.нинг баландлиги иссиқ ўлкалардан совуқ ўлкаларга томон пасайиб боради. Қутбий ўлкаларда денгиз сатҳидан бошланади, Новая Земля о.да 600 м, Альп тоғларида 2200—3100 м, Ўзбекистондаги тоғларда 3800—4200 м, экватор яқинидаги тоғларда 5000 м баландликда жойлашган. Евросиё материгида иқдим қурғоқчиллашган сари, яъни ғарбдан шарққа томон баландлашиб боради. Мас, Альп тоғларида 2200 м, Кавказ тоғларида 3600 м, Олтойда 4800 м ва х.к. Ҳақиқий (ёз охирида энг баланд) ва мавсумий (вақтинча) Қ.ч. фарқ қилинади. Қ.ч.да ёғадиган қор миқдори билан эриши мумкин бўлган қор миқдори тенг бўлади, ундан юқорида эса қор эриб улгурмайди ва тўпланиб боради.

ҚОР ЭЧКИСИ — *қувушишоҳлилар* оиласига мансуб сут эмизувчи. Уруғнинг ягона тури. Танасининг уз. 150—175 см, яғринидан бўйи 90—105 см. Урғочи ва эркагининг шохи бир хил узунликда (30 см гача). Юнги қалин, узун ва оқ; юнг остида майин тивит юнглари ҳам бўлади. Америка китъасининг шим. қисмидаги қояли тоғларда (АҚШнинг Шим. штатларига) тарқалган. Яқка ёки кичик гуруҳ бўлиб яшайди. Ўтлар, буталар ва дарахтлар новдаси билан озиқланади. Йилига 1 та (баъзан 2 та) бола туғади. Сони жуда камайиб кетган.

ҚОР ҚҰЙИ, чубук — тоғ қўйлари уруғига мансуб сут эмизувчи. Гавдасининг уз. 105 см гача, яғринидан бал. 10,5 см гача, оғирлиги 140 кг гача. Урғочиси эркагига нисба-тан анча кичик. Эркаги шохининг уз. 111 см гача, урғочисиники — қалта. Гала бўлиб яшайди. Полигам.

Шим.-Шарқий Осиё ва Шим. Америкада (жан.да Мексикагача) тарқалган. Ноябрь.дек.да қўпайишга киришади. Жан.-Шарқий Осиёда 4 кенжа тури Шарқий Сибирдан Чукотка ва Камчаткагача учрайди. Ўсимликхўр. Йилда 1—2 та бола туғади. Сони камайиб кетган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОРА АНДИЗ - қ. *Андиз*.

ҚОРА БАЛИҚЛАР, маринкалар — *карпсимонлар* оиласига мансуб балиқлар уруғи. Уз. 50—70 см гача (одатда, 25—45 см), вазни 8 кг гача (одатда, анча кам). Орқа сузгичида майда тишчали тиканлари бор; орқа чиқарув тешиги яқинидаги тангачалари бирмунча йирикрок. Осиё китъасидаги сув ҳавзаларида, шунингдек, Амударё ва Сирдарёда кенг тарқалган. Майдан августгача 13,5—28 мингтагача увилдирик ташлайди. Шу даврда увилдириқлари, қорин бўшлиғи девори пардаси захарли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда тоғ дарёлари ва сойларда оддий Қ. б. тарқалган. Ёш балиқчалар бентос ҳайвонлари ва ўсимлик билан озиқланади. Вояга етган Қ.б. йиртқич.

ҚОРА БОВУР — қ. *Булдуруқлар*.

ҚОРА ГИЛОС - қ. *Гилос*.

ҚОРА ДЕНГИЗ — Атлантика океанининг материклараро денгизи, Европа билан Кичик Осиё я.о. оралиғида жойлашган. Керчь бўғози орқали Азов, Босфор бўғози орқали Мармар, Дарданелл бўғози орқали Эгей ва Ўрта денгизлари билан туташган. Россия, Украина, Молдова, Грузия, Туркия, Болгария ва Руминия қирғоқларини юшиб туради. Майд. 422 минг км². Денгиз ғарбдан шарққа 1130 км, шим.дан жанубга 260 км гача чўзилган. Энг чуқур жойи 2210 м. Қирғоқларининг умумий уз. 4090 км, кам парчаланган. Ғарбий ва шим.-ғарбий қирғоқлари паст, шарқи ва жан. да Катта ва Кичик Кавказ ҳамда Понтия тоғлари

денгизга тик тушган. Қрим я.о.нинг жанубий соҳили тоғли. Орол кам. Йирик қўлтиқлари: Каркинит, Каламит ва Феодосия. Қ.д.га Дунай, Днестр, Ингури, Риони, Чорух, сакар ва б. дарёлар куйилади.

Қ.д. туби геологик жиҳатдан бир хил эмас. Шим.-ғарбий қисми материк саёз-лигидан иборат. Чукур чўкмалари Альп бурмаланиши натижасида ҳосил бўлган. Шарқий қирғоқлардаги материк ён бағирларида ёриқ ва каньонлар учрайди. Айрим сув ости тоғлари 400 м баландликкача кўтарилиб туради. Денгизнинг чукур ботиқлари ҳоз. ҳам чўкмоқда.

Қ.д.нинг шим. қисми мўътадил зонада жойлашганлиги учун киши илиқ, ёзи эса иссиқ, жан. қисми субтропик ва ўрта денгизбўйи субтропик иқлим зонасида бўлиб, энг иссиқ ва совуқ ойларнинг трасида фарқ кам. Қишда денгизнинг шим.-ғарбий қисми қуруқликдан эсадиган шамоллар таъсирида совуқроқ. Бу ерда янв. нинг ўртача т-раси -2.6° , -3° . Ёз фаслида денгиз Азор антициклони таъсири остида бўлгани сабабли йилнинг бошқа фаслларига нисбатан куёшли кунлар кўп бўлади. Июлнинг ўртача т-раси денгизнинг деярли барча қисмида бир хил, 25° гача. Йиллик ёгин нотекис тақсимланган, денгизнинг жан.-ғарбида энг кўп — 2450 мм. Денгиз сув балансида бугланишга нисбатан ёққан ёмғир ва дарё сувларининг кирими кўпроқ, шу сабабли сув сатҳи Ўрта ва Мармар денгизлари суви сатҳига нисбатан 9—12 см баландроқ. Бу эса Қ.д.дан Мармар денгизи томон сувнинг доимий оқиб туришини таъминлайди. Денгизда сув кўтарилиши кам кузатилади. Шўрлиги юза қисмида $18^{\circ}/\wedge$, қирғоқлари яқинида $16^{\circ}/\text{оқ}$, 150—200 м чуқурликда $22^{\circ}/\text{оқ}$ гача. Ўрта денгизнинг шўр сув ости оқимлари Босфор бўғози орқали Қ.д.га ўтиб туради.

Ёзда денгизнинг юза қатламидаги сувининг т-раси 25», қирғоқ яқинидаги саёзликларда 28° гача. 150—200 м чуқурликларда сувнинг т-раси кам ўзгарувчан, $8-9^{\circ}$. Қишда сувнинг т-раси $8-9^{\circ}$, денгизнинг шим.-шарқий

ва шим.-ғарбий қирғоққа яқин саёз қисмлари ҳатто музлайди.

Қ.д.нинг 150—200 м чуқурликкача бўлган қисми ҳаёт мавжуд бўлиши учун етарли кислородга эга. Ундан чуқурдаги сувда олтингугурт бўлиб, унинг миқдори денгиз тубида 11 — 14 мл/л га етади. Бу зонада фақат бактериялар яшайди. Денгиз суви анча тиниқ, ичкари қисмида тиниқлик 18—21 м дан 30 м гача, қирғоқлар яқинида эса тиниқлик камаяди.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзига хос. Улар денгизнинг юза қисмида (50 м чуқурликкача), қирғоқ бўйида ва қўлтиқларда очик денгиз ҳамда денгизнинг чуқур қисмига қараганда кўпроқ учрайди. Қ.д. фитобентоси, асосан, яшил, кўнғир ва қизил сувўтлардан, зообентос эса турли қискичбақасимои, моллюскалардан иборат. Денгизда балиқнинг 180 тури, дельфиннинг 3 тури яшайди. Ставрида, скумбрия, скат, сельд, сазан, судак, кефаль, таран, лешч, белуга, лакка балиқ, чўртган балиқва б. овланади. Қ.д. транспорт нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга: жаҳоннинг муҳим транспорт йўлларида бири. Денгиз орқали саноат, қ.х. маҳсулотлари, йўловчилар ташилади. Йирик портлари: Одесса, Ялта, Керчь, Новороссийск, Туапсе, Сочи, Сухуми, батуми, Констанца, Варна, Буграс, Самсун, Трабзон ва б. Қ.д. бўйи йирик рекреацион ресурсларга ҳам эга. Курорт кўп.

ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙИ ПАСТТЕ-КИСЛИГИ — Шарқий Европа текислигининг энг жан.даги бир оз қия текислик. Қора ва Азов денгизларига ёндош. Ғарбда Дунай дельтаси ва шарқда Кальмиус дарёси оралиғида. Энг баланд жойи 150 м. Палеоген ва неоген даврларининг денгиз ётқизиклари (оҳактош, кум, гил) дан таркиб топган, устини лёсс ва лёссимон кумоқлар қоплаган. Қ.д.б.п.ни Днепр, Жан. Буг, Днестр ва б. дарёларнинг кенг водийлари кесиб ўтган. Сувайирғичлари ясси. Чуқур лиман ва кум тиллари кўп.

Қора ва тўқ каштан тупроқларда дашт ўсимликлари ўсади.

ҚОРА ДЕНГИЗ БЎҒОЗЛАРИ - Босфор ва Дарданелл бўғозлари. Қора денгизни Ўрта денгиз билан бирлаштириб туради. 1936 й.ги Монтрё конференциясида қабул қилинган конвенция асосида ҳуқуқий томонлари тартибга солинган. Конференцияда Лозанна конференциясининг (1922 — 23) бўғозлар ҳақидаги конвенцияси ўрнига бўғозлар режими тўғрисида янги конвенция қабул қилинган. Қора денгиз агрофидаги давлатларнинг тинч даврларда бўғозлардан ўз ҳарбий кемаларини чекланмаган сонда, конвенцияда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда олиб ўтишдан иборат тартиби тан олинган, Қора денгиздан нарида жойлашган мамлакатлар ҳарбий кемаларининг ўтиши уларнинг синфи, тоннажи ва Қора денгизда бўлиш муддати билан чекланган.

ҚОРА ДЕНГИЗ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ — Европадаги давлатлараро минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. 1992 й. 25 июнда 11 та мамлакат давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг Истанбул учрашувида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисида Декларация асосида ташкил топган. Албания, Арманистон. Болгария, Греция, Грузия. Молдавия, Озарбайжон, Россия, Руминия, Туркия, Украина аъзо.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари дўстона ва яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўли билан Қора денгизни тинчлик ва тараққиёт денгизига айлантириш; икки томонлама ва кўп томонлама Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш; иқтисодий, технологик ва ижтимоий тараққиётга, шунингдек, эркин тадбиркорликка ёрдам кўрсатиш; иштирокчи мамлакатлар, аиникса, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турган мамлакатларнинг ўзига хос иқтисодий манфаатларига эътибор бе-

риш; иқтисодиёт, саноат, фан, технологиялар, атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорликни ривожлантириш ва диверсификациялаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ва б. Штаб квартираси Истанбул ш. (Туркия)да.

ҚОРА ИЛДИЗ ЧИРИШИ - ўсимликларнинг замбуруғ касаллиги, ўсимлик тўқималарини емиради ва қорайтиради. Маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 100 га яқин турида учрайди. Паразит замбуруғлар ва тупроқ бактериялари кўзгатади. Картошка, помидор, кулупнай, узум, сабзини, тамаки илдизи, пахта толасини зарарлайди. Картошка туганаги Қ.и.ч.ни бактерия кўзгатади, туганак ўртаси чирийди, пўсти қораяди, ёриқлардан қора суюқлик чиқади. Касаллик далада бошланиб, йиғиб-териб олинганидан кейин ҳам давом этади. Помидор Қ.и.ч.да (замбуруғ келтириб чиқаради) кўк меваларида қора доғлар пайдо бўлади. Тупроқда, зарарланган меваларда сақланиб қолади. Ғўза замбуруғ билан зарарланади. Замбуруғ ғўза қолдикларида сапрофит сифатида ривожланади. Иқлим шароити қулай бўлганда илдизнинг зарарланган қисми орқали ичига кириди, паразитлик қилиб, ўсимлик ҳисобига озикланади. 8—33° т-рада ривожланади. Касаллик авг.нинг 2-ярмида тўсатдан сўлиш билан бошланади, барглар бир неча вақт яшил рангда бўлиб, таранглигини йўқотади, аммо тўқилмайди. Илдиз бўғзи йўғонлашиб, шакли ўзгаради. Илдиз бўғзи тўқимаси бўйлама кесилганда 5—10 см дан қизил қўнғир ранг кўринади. Пахта ҳосилдорлигини 15—20% гача камайтиради.

Кураш чоралари: ўсимликларга *бордо суюқлиги* пуркаш, зарарланган ўсимлик қолдикларини йўқотиш; ўсимлик пояларини илдизи билан йиғиб олиш; ерни чуқур шудгорлаш.

ҚОРА ИЛОНЛАР, випаралар — илонлар оиласи. Танаси нисбатан йўғон,

уз. 2 м гача. Боши учбурчак ёки трапедиясимон. Кўз қорачиғи вертикал жойлашган. Жағларининг олдинги қисмида заҳар ўтказувчи 1—2 тадан йирик найсимон тиши ва 3—5 тадан майда тишчалари бўлади. 11 уруғи, 60 тури Африка ва Евросиёда тарқалган. Ўзбекистон фаунасида 3 тури: чўл қора илони, кум чарх илони, қўлборилон учрайди. Ерда яшайди, айрим турлари дарахтга ўрмалаб чика олади. Майда умуртқалилар билан озикланади. Кўпчилиги тухумдан тирик туғади. Барча Қ.и. заҳарли, йирик Қ.и. (мас, қўлборилон)нинг қақиши одам ҳаёти учун хавфли. Заҳаридан тиббиётда фойдаланилади. Сони камайиб бормоқда. Бир қанча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОРА КИШМИШ, Шивилғони, Блек манука — маҳаллий эртапишар хўраки ва майизбоп уруғсиз узум нави. Ўзбекистон ва Тожикистонда кенг тарқалган. Шарқий экологик-геофафик навлар гуруҳига киради. Тупи ўртача ўсади. Барги ўртача, тўгарак, ўртача кертikli. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача (бўйи 18—25 см, эни 11 — 13 см), конуссимон; шингиллари ҳавол. Ғужуми ўртача тигиз, тухумсимон, учи тўмтоқ, пўсти қора; юпқа, эти ширали, карсиллайди. Таркибида 2 4 - 2 5 % қанд бор, нордонлиги 4,5 — 5,5%. Ҳосили 130-145 кунда, июль охири — авг.нинг 2-ярмида тўлиқ пишади. *Кул, антракноз, оидиум* ва *церкоспороздан* зарарланади. Узумидан сифатли майиз тайёрланади (25—27% майиз чикади). Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади.

ҚОРА КОРИНКА, Пассерина неро, Панарити — эртапишар майда ғужумли уруғсиз узум нави. Ватани — Греция. Италия, Англия, АҚШ (Калифорния), Австралия, шу жумладан, Ўзбекистонда (коллекцион тоқзорларда) тарқалган. Қора денгиз ҳавзаси экологик-географик навлар гуруҳига киради. Барги ўртача, 3—5 бўлмали, орқасида оқиш тукла-

ри бор. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача, шакли цилиндрсимон (бўйи 10—12 см), ғужумп майда (диаметри 12—13 мм), ранги бинафша-қизил, мумғубор билан қопланган. Таркибида қанд миқдори 22-26%, нордонлиги 5,5 — 7%. Эти ширин, пўсти юпқа, Тошкент вилояти шаронтида куртақлари бўртганидан кейин 118 кунда — авг. бошида пишиб етилади. Совуққа чидами ўртача. Ҳосилдорлиги 100 ц/га. Юқори сифатли, қандолатчилик саноатида кўп ишлатиладиган хушбўй «Коринка» майизи, винолар тайёрланади.

ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ - металлургия саноатининг соҳаларидан бири. Домна, пўлат эритиш, прокат металлургияси, металл буюмлар и. ч., руда хом ашёсини қазиб олиш, бойитиш, майдалаш, кокс кимёси ишлаб чиқариши, феррокогитшмалар ва ўтга чидамли материаллар тайёрлаш, норуда хом ашё қазиб олиш ва қора металлларни қайта эритиш тармоқларини ўз ичига олади. Совуқлайин ёки киздириб ишланган прокат, пўлат трубалар ва металл буюмлар Қ. м. маҳсулотларининг муҳим турлари ҳисобланади.

Кишилиқ жамияти тараққиётида меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар жуда муҳим аҳамият касб этган. Улар, асосан, ёғоч, суяк, тош (*қ. Тош даври*) ва темирдан (*қ. Темир даври*) тайёрланган. Қ. м. халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Кимё саноати, *рангли металлургия*, қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари билан бирга қора металлар машинасозлик ва қурилишда асосий конструкцион материал ҳисобланади. Ўзбекистонда етакчи машинасозлик тармоқлари ишлатадиган конструкцион материалларнинг умумий ҳажмида қора металл асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда бир неча кичикроқ темир конлари бор. Саноат аҳамия-тига молик темир конлари — магматоген генезисли, магнетит-гематит таркибли Суренота (Тошкент вилояти) ҳамда асосан ти-

тан-магнетитли *Тебинбулоқ темир кони* (Қорақалпо-ғистон) шулар жумласидан. Ўзбекистондаги темир конлари ресурслари: Жиззахдаги темир кони — 150 млн. т, Суренота темир кони — 50 млн. т, Тебинбулоқ темир кони — 100 млн. т дан кўп. Ўрта Осиёда биринчи замонавий металлургия комбинати 1944 й. ишга туширилган (қ. *Ўзбекистон металлургия комбинати*). Ўзбекистон металлургия саноатида 500 минг тоннага яқин пўлат, 450 минг тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқарилади (2005) (яна қ. *Металлургия, Оғир саноат*).

ҚОРА ОҚСОҚ - қ. *Бруцеллёз*.

ҚОРА СИРТ — Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоқларидан бири. Қашқадарё вилоятида. Шим.да Катта Ўрадарё, жан.да Кичик Ўрадарё (Ғузордарё ирмоқлари) оралиғида. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга қарийб 40 км га чўзилган. Ўртача бал. 1500—2000 м, энг баланд жойи 2886 м. Сувайирғич қисми ва ён бағирларида текис юзалар учрайди. Ён бағирлари чуқур, дарасимон сой ўзанлари билан кесилган. Гипсли гиллар, кумтош ва охактошлардан ташкил топган жойларида карст жараёнлари ва рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари ва ботиклари, ғорлари) ривожланган. Ёзи курук, иссиқ, йиллик ёғин 500—700 мм, асосан, қиш ва баҳор фаслларида ёғади. Тўқ бўз, жигарранг, қўнғир тоғ-ўрмон, тоғ ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Баланд бўйли бошоқли ўтлар, буталар (бодом, pista, наъматак), арчалар ўсади.

ҚОРА ТОШ (араб. хажар ал-асвад) — мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Қумуш чамбар билан бирлаштирилган бир неча бўлақдан иборат. У Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Маккагаҳажга борган мусулмонлар уни табаррук ҳисоблаб ўпадилар ёки қўл теккизиб зиёрат қиладилар. Қ.т. Аллоҳнинг амри билан жаннатдан келтирилган деган ривоят бор (яна қ. *Каъба*).

ҚОРА ТУПРОҚЛАР - тупроқ типи. Асосан, лёссимон кумоқларда даштларнинг курук мўътадил совуқ иқлимида ва даврий равишда ювиладиган ёки ювилмайдиган сув режимида, кўп йиллик ўт ўсимликлар остида шаклланган, гумусга бой. 1896 й.да рус тупроқшунос олими В.В. *Докучаев* тупроқ типи сифатида таърифлаб берган. Карбонатли она жинси, асосан, лёсс ва лёссимон кумоқлар, учламчи давр неоген ётқизиклари, гилли жинслар, шўрланган жинслар, элливиал жинслардан иборат. Қ.т. органик моддалар, жумладан, чиринди (гумус) нинг кўплиги, донатор структураси, юкори унумдорлиги билан тавсифланади.

Ўсимликлари ўтмишда ўрмондашт зонасининг табиий ўсимликлари, ўрмонлар дашт ўтлоқлари билан алмашиб турган. Ҳозирги вақтда Қ.т. майдонларининг асосий қисми ҳайдалиб, ўзлаштирилган. Даштлардаги табиий ўсимликлар хар йили кўплаб органик масса қолдиради (100—200 ц/га), унинг 40—60% ўсимликларнинг илдизидан иборат; гумусли қатлам юпқа (25 см дан кам) — 120 см дан ортиқ, нор-донлиги — рН 5,6—8,0, нам сиғими 38—43%. Қ.т. подзоллашган, ишқор-сизланган, типик, оддий, жан. каби 5 та типчага бўлинади.

Ер шарида Қ.т. майдони 240 млн. га. Асосан, Евросиё, Шим. ва Жан. Американи эгаллаган Қ.т. зонаси Евросиёда, Европанинг ғарби ва жануби-шарқи, Монголия ва Хитойгача давом этади. Шим. Америкада Қ.т. АҚШ нинг баъзи ғарбий штатлари ва Канаданинг жан. провинцияларини эгаллаган; Жан. Америкада Жан. Аргентина ва Чилининг жан. тоғ этаги р-нларида жойлашган. Молдавия, Украина, Россиянинг марказий вилоятлари, Шим. Кавказ, Волгабўйи, Ғарбий Сибирда тарқалган. Қ.т.да кузги ва баҳорги буғдой, қанд лавлаги, кунгабоқар, наша, зиғир, боғдорчилик, сабзавотчилик ва токчилик, чорвачилик ривожланган. Қ.т. унумдорлигини оширишда нам тўплаш ва ундан унумли фойдаланиш асосий

аҳамиятга эга. Қ.т. сув режимини яхшилаш учун суғориш ўтказилади, ихота дарахтлари экилади ва б.

Ходимат Махсудов.

ҚОРА ЧЕРИК — Бухоро амирлигида мунтазам қўшин билан баравар уруш ёки тинчлик чоғида хизматда бўлган номунтазам лашкар. Эҳтиёж бўлмаган кезларда Қ.ч. уйларига тарқалиб кетган. Қ.ч.ни тўплаш учун ҳукмдор (амир) фармони чиққан ва у бозорларда жарчилар томонидан эълон қилинган. Ҳар бир қишлоқ, шаҳар, вилоятдан йиғиладиган Қ.ч. миқдори илгаридан аниқ бўлганлиги боис, амир буйруғига биноан номунтазам лашкар етказиб беришда муаммолар туғилмаган. Мунтазам қўшин отлар билан таъминланган бир пайтда, Қ.ч., шахсий улови билан ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши мажбурий ҳисобланган. Қалъа, қўрғонларни муҳофаза қилишда мунтазам хизматдаги аскарлар сони камлик қилса, Қ.ч.дан фойдаланилган. Баъзан юришда қатнашаётган қўшиннинг деярли ярмини Қ.ч. ташкил этган.

ҚОРА ЮСУФ (? - 1420.13.11, Ужон) — Қора қўюнли туркман қабиласи амири Қорамуҳаммад туркманнинг ўғли. *Шарафуддин Али Яздий* «Зафар-нома» асарида қайд этилишича, *Амир Темур* Ғарбий юришлари чоғида Қ.Ю.нинг ҳажга борувчилар ва савдо қарвонларини талаб, қароқчиликни қасб этганини билгач, уни қаттиқ таъқиб остига олади. Қ.Ю. Амир Темурга қарши Ироқ ҳокими Аҳмад Жалойир билан иттифок тузади, бироқ улар Соҳибқирон ҳужумига дош беролмай Миср ва Рум султонларидан паноҳ излайдилар. Амир Темур вафогидан сўнг, Қ.Ю. Табризга қайтади ва тез орада ўзини тиклаб Темурийлар салтанатига хавф туғдира бошлайди.

1408 й. 13 апр.да Табриз яқинидаги Шанби Ғозонда мирзо Абубакр ибн Мироншоҳ билан Қ.Ю. ўртасида қаттиқ жанг бўлади ва Қ.Ю. лашкари ғолиб келади, *Мироншоҳ* мирзо шу жангда ҳалок

бўлади.

Шундан сўнг Ироқи Ажам, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Диёрбақр, Ироқи Арабдан иборат ҳудудлар унинг ҳукми доирасига ўтади ва Қ.Ю. Темурийларга қарашли Султонияга даъвогарлик қилади. *Шоҳруҳ* мазкур хавфни бартараф этиш ва акаси Мироншоҳ ўлими учун ҳам қасос олиш мақсадида катта лашкар билан Қ.Ю. устига юриш бошлайди. У Райга етиб борганида Қ.Ю.нинг Ужонда ўлгани ҳақида хабар келади.

Қ.Ю. вафотидан сўнг, унинг ўғилларидан амир Искандар Темурийлар салтанатига тажовуз қилган. *Шоҳруҳ* унинг устига катта лашкар тортиб 1429 й. 17—18 сент.да Салмос яқинидаги шиддатли жангда амир Искандар лашкарини тор-мор этган.

«ҚОРА ЎРА» — фавитация (тортишиш) кучи таъсирида жисмнинг ўз маркази томон жуда катта тезликда сикилиб бориши (гравитацион коллапс жараёни) натижасида вужудга келадиган коинотдаги объект. Кучли ташқи гра-витацон майдонга эга. А. *Эйнштейн* назарияси бўйича «Қ. ў.»нинг яқин атрофидаги жисмлар доимо ёпиқ бўлмаган эгри чизиқли орбита бўйлаб, *И.Ньютон* механикасига мувофиқ, узокдаги жисмлар эса конус кесимларининг бири бўйлаб ҳаракат қилади. «Қ.ў.», асосан, катта массали юлдузлар эволюциясининг энг охириги бос-қичида вужудга келади ва унинг мавжудлиги бевосита кузатилмайди. Бироқ «Қ.ў.» лар зич қўшалок юлдузларнинг кўринмас компонентлари ҳам бўлиши мумкин. У ҳолда иккинчи юлдуздан «Қ.ў.»га релятивистик (ёруғлик теъти-гига яқин) тезликда тинимсиз ўтаётган газ оқими ўзидан рентген нурларини тарқатади. Қўшалок юлдуз ҳисобланган Оқ Қуш Х—I объекти шундай «Қ.ў.»лардан биридир.

ҚОРА ҚЎНҒИЗЛАР

— қаттиққанотлилар туркумига мансуб қўнғизлар оиласи. 12 мингдан ортиқ

тури бор. Ўрта Осиёда кўпгина турлари тарқалган. Танасининг уз. 2—50 мм; кўнғизларининг ранги кўпинча қора (номи ҳам шундан), баъзан кўнғир; думалок, таёқчасимон шаклларда. Ён томонлари қиррали, олдинги жуфт оёқлари кучли ривожланган, боши бўртиб чиққан, панжаси оддий тирнокли. Кўпчилик кўнғизларнинг уст-қаноти чок бўйлаб қўшилиб ўсган, орқа қаноти йўқ, учмайди. Личинкаси узун, чувалчангсимон, сарик, кўриниши симкуртга ўхшаш (қ. *Сохта сим-куртлар*). Кўнғизлари ва личинкаси қишлайди. Кўнғизлари эрта баҳордаёқ пайдо бўлади. Одатда, кечаси фаол. Тухумини тупрокка (300 тача) қўяди. Личинкаси тупрокда 18 ой ҳаёт кечиради. Икки йилда бир авлод беради. Кўпгина Қ.к. (мас, *қумлоқ сусткаши, маккажўхори сусткаши, дашт сусткаши*) сабзавот, техника ва б. экинлар зараркунандаси. Бошқа турлари эса омбор ва тегирмондаги ғамлаб қўйилган озик-овқатларга, пахта тозалаш заводларидаги маҳсулотларга зарар келтиради (мас, *миталар*). Яна қ. *Омбор зараркунандалари*).

ҚОРА ҚЎЮНЛИЛАР ДАВЛАТИ - ўрта асрларда Озарбайжон ва Ғарбий Эрондаги давлат (1410—68). Баҳорлу қабиласи етакчилигида кўчманчи турк-ўғуз қабилалари бирлашмаси томонидан барпо этилган. Бу қабилалар дастлаб (14-а.) Ван қўлининг шарқий ҳудудида яшаганлар. *Амир Темур* Ғарбий Осиёга ҳарбий юриш қилганида қора қўюнлилар (қора қўйлилар) қабилалари Соҳибкирон ва унинг иттифоқчиси *оқ қўюнлиларта*. қарши курашганлар. Қора қўюнлилар Усманийлар ва Жалойирийлар давлатини қўллаб-қувватлашган. Амир Темур вафотидан сўнг қора қўюнлилар сардори Қора Юсуф жалойирийларга *Мироншоҳни* енгилда ёрдам берган (1408), бироқ кейинчалик Жалойирийлар билан низолашиб, улар қўшинини Табриз яқинида тор-мор келтирган (1410), Озарбайжон (Кура дарёсининг жан.даги ерлар), Ирок, Ар-

манистонни эгаллаб олган. Қора Юсуф (1410—20) ва Искандар (1420—37) даврида Қ.к.д. *темурийлар, ширвоншоҳлар* ва Грузия билан урушлар олиб борган. 1435 й. *Шоҳрух* ширвоншоҳ билан биргаликда Қ.к.д. қўшинини тор-мор келтирган. темурийларга тобеликни тан олишга мажбур бўлган Жаҳоншоҳ (1437—67) тахтга ўтказилган. Шоҳрух вафотидан сўнг (1447) Жаҳоншоҳ ўзини мустақил деб эълон қилган. 1453—57 й.ларда қора қўюнлилар Ғарбий Эронни босиб олишган. 1467 й. Жаҳоншоҳ қўшини оқ қўтонлилар томонидан тор-мор келтирилган, Жаҳоншоҳ ўлдирилган. 1468 й. Қ.к.д. худуди Оқ қўюнлилар давлати таркибига қўшиб олинган.

ҚОРАБАЙИР ОТ ЗОТИ - салт миниладиган ва аравага қўшиладиган, қ.х. ишларини бажаришда фойдаланиладиган от зоти. Қадимги Ўрта Осиё аргумоқларини мўғул, туркман ва араб от зотлари билан чатиштириб, такомиллаштириш асосида Ўзбекистонда етиштирилган. «Қорабайир от зоти» атамаси 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлган ва «қўлбола», «хонаки от» маъноларини билдиради. Унга қадар Шарқ ва Ғарб ёзма манбаларида Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва ҳ.к. отлари тилга олинган. Тана тузилиши йирик, кўкракдор, қовурғалари тикроқ, ишчанлик хусусиятлари юқори, кучли, чидамли, чопқир, маҳаллий иқлимга, тоғ ша-роитларида боқишга, уярда қочиришга яхши мослашган; оғирлиги ўртача 400 кг. Туси кўпроқ тўриқ, жийрон, кулранг ёки тўқ сарик-малла (20%), қора ва саман ранглилари кам учрайди. Айғирларининг қарчиғайи бал. 147,7—152,3 см, кўкрак айланаси 168—171,5 см, почаси йўғонлиги 19,5 см (биялариники тегиш-лича 147,7; 168; 18,2). Уч типга бўлинади: аравага қўшиладиган, салт миниладиган ва салт миниладиган-юк ташийдиган. биринчи типдаги отлар, асосан, суғориладиган дехқончилик р-нларидаги водийларда; иккинчи ва учинчи типдаги-лари эса Ўзбекистон ва Тожикистоннинг

тоғли р-нларида боқилади. Уюр қилиб боқишга мослашган; салт миниш, юк ташишда фойдаланилади. Юк ташишда оғир юк тортувчи отларга тенглашади. Қ.о.з. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда урчитилади. Қорабайир йилкичилигининг асосий марказлари Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида. Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги отларнинг аксарият қисми Қ.о.з.дан иборат.

Ад.: Шчекин В.А., Карабайири — ценная порода лошадей, Т., 1944; Шчекин В.А., Вихрев В.С., Карабайири, Т., 1947; Тўрақулов З.Т. Йилкичилик, Т., 1985.

Абдусаттор Амиров.

ҚОРАБЕЛ — Паропамиз тоғлари этагидаги қир. Мурғоб ва Амударё дарёлари оралиғида. Энг баланд жойи 980 м. Неоген ва антропоген даврларининг аллювиал-пролювиал лёссимон қум-тошларидан ташкил топган. Ер юзаси жан.дан шим.га қия бўлиб, чўл ва чала чўл, эфемер ҳамда субтропик эфемероид дашт ўсимликлари билан қопланган.

ҚОРАБОВ — Тошкент вилоятидаги сой. Қизилнура тоғларининг жан.шарқий ён бағирларидан бошланиб, жан.га оқади. Ангрен ш. яқинида Оҳангарон дарёсига ўнг томондан қуйилади. Уз. 37 км, хавзаси майд. 184 км². асосан, булоқ сувларидан тўйинади, шу боис, сойда йил давомида сув оқади. Ўртача йиллик сув сарфи (Самарчук қишлоғи ёнида) 3,2 м³/сек. Қ.да баъзан сел тошқинлари кузатилади. қ. сувининг ўртача лойқалиғи 81 г/м³. Энг катта сув сарфи 1959 й. 8 апр. да 114 м³/сек.га етган. Қ. сувининг 70—75% март — июнь ойларида оқиб ўтади. Сой суви суғоришга сарфланади.

ҚОРАБОВУР — Устюрт платосининг марказий қисмидаги қир. Қорақалпоғистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудида. Шим.-ғарбдан жан.шарққа қарийб 220 км га чўзилган. Эни ўрта қисмида кенг, 120 км дан ортиқ.

Ўртача бал. 200 м, шим.-ғарбида 290 м гача. Ер юзаси текис, ён бағирлари қуруқ сойлар билан кесилган. Триас, юра, бўр, палеоген ва неоген чўқинди тоғ жинсларидан ташкил топган. Уларнинг устида сармат даври оҳақтошлари тарқалган, оҳақтошлар орасида гипсли мергель ва гил қатламлари учрайди. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ, т-ра қишда —30° гача, ёзи иссик, қуруқ, давомли, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 150 мм гача. Карст рельеф шакллари (карст воронкалари, диаметри 30 м гача, чуқ. 16 м гача), остида қўллар мавжуд бўлган ғорлар учрайди. Сур-қўнғир тупроқлар тарқалган. Ўсимлик қоплами сийрак, шувоқ, шўра ва б. ўсимликлар ўсади. Ҳайвонот дунёси чўлга хос.

ҚОРАБОЕВ Абдумўмин (1947.1.12, Ховос тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Тошкент пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Боёвут туманидаги 40-мактабда мат. ва чизмачилик фани ўқитувчиси, 1978 й.дан Ховос туманидаги 25-, 1998 й.дан Янгиобод туманидаги 2-мактабда мат. ва информатика ўқитувчиси.

ҚОРАБОЕВ Ёқубжон Исмоил ўғли (1934.15.6 - Тошкент - 1993.5.2) -чиннисоз рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1976). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1958); наққошлик санъагини уста Ё. Рауфов, Ж.Ҳақимов, Т. Тўхтаҳўжаевлардан ўрганган; *Ситораи Моҳи Хоса* ёдгорлигини таъмирлашда қатнашган, 6—10 қиррали қур-силарни миллий нақшлар билан безаган. 1960 й.дан Тошкент чинни з-дида рассом. Қ. самарали ижодий меҳнат қилиб, чиннилар учун 200 дан ортиқ янги безак мужассамотларини яратди; шулардан 40 дан ортиғи и.ч.га жорий этилган. «Миллий нақш» (1970), «Бодомгул» (1972), «Ислимий пахта» (1976), «Тинчлик» (1978, 1982), «Олимпиада — 80», «Чарос» (1983), «Самарқанд мажмуаси» (1984) ва б. лаган, коса, чойнак, та-

релка ва 6 пиёладан иборат шарқона чой ва қахва тўпламлари ва б., юбилейлар муносабати билан тайёрланган кўзалар, совға буюмлар шулар жумласидан. Қ. шунингдек, 30, 40 дона буюмдан иборат чой ва ошхона чинни тўпламлари («Оқ олтин», «Тошкент чинниси» ва б.)га ҳам безак мужассамотлари ишлаган. Қ. 1966 й.да яратган «Пахта гул» («Оқ олтин») мужассамоти чиннисозликнинг миллий мумтоз нақшига айланди; 1976 й. Германия (Лейпциг)даги Халқаро ярмарканинг ва б. халқаро ярмарка (кўргазма)ларнинг Олтин медаллари билан мукофотланган. Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Канада, Франция, Хитой, Япония, Ироқ, Эрон, Туркия ва б.)нинг музей ва тўпламларида сақланади.

ҚОРАБОЕВ Элбой (1917.15.5, Самарқанд вилояти Иштихон тумани Баҳрин қишлоғи — 1989.23.8) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан армияда. 722-ўқчи полки (Воронеж fronti 47-армиянинг 206-ўқчи дивизияси) автомагчилар ротаси бўлима командири. Қ. 1943 й. 25 сент.да Черкасси вилоятининг Канаев туманидаги Пекари қишлоғи яқинида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтишда ва 7 нояб.да Студенец қишлоғи яқинида бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944.3.6). Урушдан кейин тутилган қишлоғида яшаган ва ишлаган. Қишлоғида бюсти ўрнатилган, ўрта мактаб ва ширкат хўжалигига номи берилган.

ҚОРАБОЕВА Софья Дусғалиевна (1914.12.1, Тўрғкўл — 1978.28.4, Нукус) — қорақалпоқ актрисаси. Ўзбекистон халқ артисти (1969). Москва театр санъати ин-тининг қорақалпоқ студиясида таълим олган (1934—35). 1939 й.дан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат театрида ишлаган. Миллийликка интилиш, қаҳрамонлари ва ҳаётбахш ҳисб-н суғориш Қ. ижодига хос. Васса (М.Горький, «Васса Железнова»), Май-

сара (Хамза, «Майсаранинг иши»), Марфа Петровна (К.Симонов, «Рус кишилари»), она (Э.Раннет, «Дайди ўғил»), Бийбинур (Н.Довқораев, В.Шафранников, «Алпомиш»), Оймереке (Ж.Оймурзаев, О.Халимов, «Ойгул ва Обот»), Оксулув (А.Шомуротов ва И.Юсупов, «Қирқ қиз»), Ойбике (С.Хўжаниёзов, «Талуас»), Тўлғаной (Ч.Айтматов, «Момо ер») каби турли характердаги роллар талқини билан танилган.

ҚОРАБОЛТА — Қирғизистон Республикаси Чу вилоятидаги шаҳар. Тароз — Балиқчи шоҳ йўли ёқасида. Қораболта дарёси бўйида (Чу хавзаси). Қирғиз тизмасининг шим. ён бағрида жойлашган. Бишкекдан 60 км ғарбдаги т.й. станцияси. Аҳолиси 47,2 минг киши (1999). Консерва, шакарқанд 3-длари, ун, нон к-тлари, шаҳар ёнида эфир мойлари 3-ди бор.

ҚОРАБОЛҒАСУН, Хара-Балғас - Уйғур хонлиги пойтахти — Ўрду балиқ харобаси (8—9-а.лар). Енисей қирғизлари томонидан 840 й. босиб олинб, ёндириб юборилган. Ўрхун дарёсининг сўл қирғоғида, Эрдэни-дзу монастири (МХР) дан 15 км шим.да жойлашган. Қ.нинг марказий қисми тупроқ тепалар билан ўраб олинб, у қалъа ва аркдан жан.-ғарбда бўлган. Қалъа ва аркнинг истехкомлари ва хом ғиштдан ишланган деворлари 10—12 м баландликда сақланиб қолган, арк ўртасидаги қўриқчи минора бал. 14 м. Шаҳар қатъий режа асосида қурилган. Шаҳар атрофида рабод харобалари, экинзорлар, суғориш каналлари, чорбоғлар, боғлар излари сақланган. қ. харобаларини рус сайёҳлари Н.М.Ядринцев (1889) ва В.В.Радлов (1891) тавсифлашган. 1949 й. С.В.Киселёв раҳбарлигидаги тарих-этнография экс-педицияси қазилма ишлари олиб борган. Қалъа ичида сарой бинноси, арк тепасида — кўп қаватли бино, шаҳристонда — темирчи-хунарманднинг уйи аниқланган. Қ.дан уйғурларнинг 8—9-а.ларга оид сопол идишлари чиққан. Вайронагарчилик ва шаҳарга

ўт қўйилганлигининг излари сақланган. Қалъадан жан.да ибодатхоналар мажмуи жойлашган, унга ёндош турар жойлар уйғур хоқонларига тегишли бўлган: бу ерда аждарҳо тасвири ўйиб ишланган фанит стела (устун) топилиб, унга 9-а. даги уйғур хоқонларидан бири шарафига битиклар (уйғур, хитой ва суғд тилида) ёзилган.

ҚОРАБОҒ ХОНЛИГИ - Озарбайжондаги Аракс ва Кура дарёлари оралиғида 18—19-а. бошларида мавжуд бўлган давлат. 1747 й. Паноҳ Алихон (40-й.лар охири — 1759) ҳокимиятни эгаллаб олиб Қ.х.га асос солган; ўз таъсирини босқичма-босқич Ганжа, Ереван, Нахичеван ва Ардабил хонликларига ўтказган. Қх. аҳолисининг асосий машғулоты деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик бўлган, хунармандлар, айниқса, гилам тўқиш ва чарм буюмлари билан шуҳрат қозонганлар. Паноҳ Алихоннинг ўғли Иброҳим Халилхон даврида (1759—1806) Қ.х. бошқа хонликлар орасида ўзининг куч-қудрати билан ажралиб турган. 1783 ва 1797—99 й.ларда Иброҳим Халилхон Эрон ёхуд Туркия томонидан қўшиб олиш хавфи туғилгани туфайли Россиядан ҳомийлик қилишни сўраган. 1805 й. Қ.х.ни Россия тобелигига ўтганлиги ҳақида битим имзолаган. 1822 й. хонлик бошқаруви бекор қилиниб, рус ҳарбий маъмурияти билан алмаштирилгач, собиқ Қ.х. худудида Қорабоғ вилояти ташкил қилинган.

ҚОРАБОҒИЙ Юсуф, Юсуф ибн Муҳаммадjon ал-Қорабоғий ал-Муҳаммад Шохий (1563, Озарбайжон, Қорабоғ қишлоғи — 1647, Бухоро) — файласуф олим ва фақиҳ. Дастлабки маълумотни Қорабоғда олган, сўнгра Ширван ва Шерозда таҳсилни давом эттирган. Араб ва форс тилларини чуқур билган. Сиёсий нотинчликлар (*Сафавийлар давлати*аати қизилбошлилир зулми) натижасида устози Ҳабибулла Мирзожон Шерозий билан Самарқандга

келиб (1586), *кубровийлик* тариқатининг Самарқанддаги пири Халилулло Бадахшийнинг шогирди сифатида кубровийликнинг фаол тарғиботчисига айланган. Кейинчалик Бухорога кўчиб келган ва унинг Сепулон мавзеида яшаб қолган.

Қ. Форобий, *Ибн Сино*, *Беруний*, *Газолий*, Носируддин *Тусий*, Жалололдин *Давоний*, *Тафтазоний* каби файласуфларнинг анъаналарини давом эттириб, 16—17-а.ларда фалсафанинг Ўрта Осиёдаги тараққиётига катта ҳисса қўшган. Қ.нинг «Рисолаи ботинийя» (бу асар «Етти жаннат» номи б-н машхур), «Фи таърифи илм» («Илм таърифида»), «Мафотих» («Калитлар») ва б. асарлар ёзган. Шунингдек, у Давоний, Қазвиний, Тафтазоний, Шаҳобиддин Сухравардий каби олимларнинг асарларига шарҳлар битган, араб тили, мантиқ, риёзиёт, лугатшунослик ва фикҳ масалаларига оид қатор рисолалар, шеърлар ҳам ёзган. Олимнинг 24 та рисоласининг қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

ҚОРАБУЗОВ, кичик қоравой — куракоёклилар туркумининг қоравойлар оиласига мансуб куш. Жан. Европа, Кичик ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда ҳам текисликдаги сув ҳавзаларида учрайди. Денгиз ва чучук сувли ҳавзаларнинг оролларида, қамишзор ва дарахтзор қирғоқларида яшайди. Сувда яхши сузди ва шўнғийди. 3—5 ёшида вояга етади. Уясини колония бўлиб қамишлар, ўтлар орасига, дарахтларга қуради. Март — апрель ойларида 4—6 та тухум қўйиб, 28—29 кун босади. Болалари июнь — июль ойларида мустақил ҳаёт кечиршига лаёқатли бўлади. Фақат балиқлар билан озикланади. Ҳавза балиқчилиқ хўжаликларига зарар келтиради. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ҚОРАБУРА — мустье даври (мил. ав. 150—40 минг йилликлар)га оид ма-

кон. Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа ш.дан 37 км жан.-ғарбда, Вахш дарёсининг чап соҳилидан топиб текширилган. Қ.нинг 2,5 км лик масофадаги худудида жойлашган 9 та жойдан 8 мингтага яқин тош қуроллар топилган. Қ. қуролларининг аксарияти туфли шаклидаги нуклеус (бир томони гардишсимон ва доирасимон) лардан иборат. Айниқса, дарёнинг силлик қайроқ тошларидан йўниб ишланган дағал тош ўйгич, ўргич ва ковлгич каби қуроллар кўп учрайди. Ишланиш услубига кўра, Қ. топилмалари Покистон ва Шим.-Ғарбий Ҳиндистондан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади. Археология фанида бу шаклдаги топилмалар «Қайроқтош маданияти» номи билан аталган.

ҚОРАБУРА — тўғон, дамба, сохилбўйи тўсиклар каби сув иншоотларини барпо этишда ишлатиладиган боғлама — фашина. қ. Тошкент вилоятида қорабўйра, Зарафшон водийсида навала ёки навола, Фарғона водийсида ўлук, Сирдарё воҳасида қорабура, Хоразмда эса навард ёки вард номлари билан юритилган.

Қ.лар шох-шабба ва қамишдан цилиндр шаклида ишланиб, оҳақ тош, чим ва шағал билан тўлдирилган ва кўндалангига 3 ёки 4 еридан юлғун ёки қамиш билан боғланган. Ёзма манбаларда қайд этилишича, Қ.лар диаметри 1—2 м, уз. 6—8 м ва ундан ҳам узунроқ бўлган.

Қ.лар сув хўжалигида техник жиҳатдан қулай ва сув оқимида чидамли ускуна ҳисобланган. Улардан бош тўғонларни барпо этишдан тортиб, қирғокнинг дарё ёки сой оқими ювиб кетган обгир жойларни тиклашда кенг фойдаланилган. Қ.лар аксарият дарё яқинида қамишли, юлғунзор ва чакалакзорларга яқин жойларда ясалган. Бундай ерлар тарихда «Қорабура» номини олган.

ҚОРАБЎРОНҚЎЛ, Қорақўшин (хитойча Тайтэмаху) — Хитойдаги қўл,

Тарим текислигининг шарқий қисмида. Майд. 88 км² (атрофидаги сув босадиган ботқоқликлар билан бирга 250 г). Чук. 1—2 м, энг чуқур жойи 10 м. Атрофи шўрхок ва қамишзорлардан иборат. Қ.га Черчен дарёси, суви кўпайган йилларда Тарим дарёси куйилади. Кўлнинг шим. қисмида суви чучук, жан.да шўр.

ҚОРАБЎҒОЗ-ГЎЛ — Туркменистоннинг ғарбидаги шўр қўл; 1980 й.гача Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги қўлтик (лагуна). Денгиздан тор (эни 200 м гача), уз. 11 км бўлган Қорабўғоз-Гўл бўғози орқали ажралиб турган. 1980 й.да Каспий денгизининг сув сатҳини сақлаб туриш учун қўлтик дамба билан бутунлай бекитиб ташланди. Сув сатҳи Каспий денгизининг сув сатҳига нисбатан 4,5 м паст бўлганлиги сабабли денгиздан қўлтикка 1м/сек. (бўғознинг айрим жойларида 3 м/сек.) тезликда доимо сув оқиб турган. Қўлтик денгиздан ажратилгач, сувнинг буғланиши катта бўлганлиги учун қўл тезда қурий бошлади, шўрлиги 310%о дан ҳам ортиб намакобга айланади. Кўлни бутунлай қуришдан сақлаб қолиш мақсадида 1984 й.да денгиз билан қўл ўртасида сув ўтказиш иншооти қурилди. Қазилма эритмалардан Қ.-Г. туз қатламлари орасидан мирабилит олинади. Сульфат казиб олинади ва қайта ишланади.

ҚОРАВОЙЛАР — куракоёкли қушлар туркумининг бир оиласи. 31 тури мавжуд. Бир тури (учиш қобилиятини йўқотган) Галапагос оролларида, қолганлари Европа, Шим. Америка, Осиё, Африка, Австралия, Янги Зеландияда тарқалган. Танасининг уз. 55—92 см. Кўпчилиги қора тусда. Яхши сузади ва шўнғийди. Қ. колония бўлиб, денгизлар, сув ҳавзалари қирғоғидаги қоя, дарахт, қамишзорда уя ясайди. 4—5 та тухум кўяди. Инкубация даври бир ой давом этади. Полопонлари 7—8 ойлигида уча бошлайди. Асосан, баликлар б-н озикланиб, баликчиликка бир оз зарар

етказди. Ўзбекистонда қатта қоравой ва кичик қоравой каби турлари учрайди. Қ.нинг 3 тури Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚОРАГИЁ, Ботир — Қозоғистондаги энг чуқур ботик. Манғишлоқ вилоятида жойлашган. Океан сатҳидан 132 м паст. Манғишлоқ платосида. Каспий денгизининг шарқий соҳилида. Уз. 85 км, эни 10—25 км. Туби шўрхок.

ҚОРАДАРЁ — Андижон вилоятидаги дарё (бошланиш қисми Қирғизистонда). Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бири. Уз. (Тар дарёси билан бирга) 318 км, ҳавзасининг майд. 28,6 минг км². Фарғона тизмасининг жан.-шарқий ва Олай тизмасининг шим. ён бағирларидан бошланадиган Тар ва қорағулжа дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Кампирравот дарасигача кенлиги 0,5 км дан 4—5 км гача бўлган террасали водийда оқади. Дарёга иккита йирик ирмоқ — Ясси ва Қур-шоб дарёлари келиб қўшилади. Кампирравот қишлоғи яқинида водий кескин торайиб дара ҳосил қилади. Сўнг Қ. Фарғона водийсида оқади. Балиқчи қишлоғи яқинида Норин дарёси билан қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи Учтепа яқинида 136 м³/сек. Шу жойда йиллик энг кўп сув сарфи 265 м³/сек га етган (1969 й.), энг кам сув сарфи 68,4 м³/сек (1975 й.). Дарё қор ва музлик сувларидан тўйинади. Йиллик оқимининг 55% март — июль ойларига тўғри келади. Дарё сувининг ўртача лойқалиғи 1 кг/м³. Баъзан қишда қисқа муддат қирғоққа яқин қисми музлаб муз ва шовуш оқиши кузатилади. Фарғона водийсига чиққанидан сўнг дарё суви кўплаб суғоришга сарфланади. Катта Фарғона канали, Шахрихонсой, Андижонсой ва Пахтабод каналлари Қ.дан сув олади. Дарё сувидан Андижон вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти экин майдонлари суғорилади.

ҚОРАДАРЁ — Самарқанд вилоятидаги дарё. Зарафшон дарёсининг чап тармоғи. Уз. 111 км. Зарафшон дарёси Самарқанддан 7 км куйида (Чўпонота тепалиғи ёнида) иккига — Оқдарё (ўнг) ва Қ. (чап) га ажралади, Янгиработ шаҳарчаси яқинида яна бирлашади. Зарафшоннинг Оқдарё ва Қ.га ажралиш жойида Самарқанд гидротугуни қурилган (1974). зарафшон дарёси сувининг кўп қисми Қ.га оқизилади. қ. сувидан Каттакўрғон сув омборини тўлдириш учун фойдаланилади. Қдан бир неча каналлар сув олади. Бу каналлар орқали Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, Пахтачи, Навоий вилоятининг Хатирчи туманларининг ерлари сув билан таъминланади.

ҚОРАДОРИ - қ. *Афюн*.

ҚОРАЕВ Қора Абулфаз ўтли (1918.5.2 — Боку — 1982) — озарбайжон композитори ва жамоат арбоби, Халқ артисти (1959), Озарбайжон ФА акад. (1959), Меҳнат Қаҳрамони (1978). Москва консерваториясини тугатган (1946). Етуқ асарлари билан 20-а. озарбайжон композиторлик ижодиёти анъаналарини ривожлантирди, энг замонавий ифода воситалари ёрдамида ўзига хос мусиқий услуб яратган. Озарбайжон консерваториясида педагог (1946 й.дан), ректор (1949—53), проф. (1959), Озарбайжон композиторлари уюшмаси раиси (1953 й.дан). «Етти гўзал» (1952), «Момақалдиروق сўқмоқларидан» (1958), «Лайли ва Мажнун» (1972) балетлари, «Гаскониялик қизикқон киши» мюзикли (1967) Қ. ижодининг ютуғидир. «Ваган» (Ж. Ҳожиев б-н, 1945), «Нафосат» (1972) опералари, 3 симфоник (Зси, 1965), сюиталар, «Албанча рапсодия». «Лайли ва Мажнун» симфоник поэмаси (1948). «Дон Кихот» симфоник гравюралари, 2 кантата, скрипка концерти, 2 торли квартет, фортепиано учун 24 прелюдия, спектакль (жумладан, «Антоний ва Қте-опатра»), Охундов номидаги Озарбайжон Давлат мукофоти,

1965), кинофильмларга мусиқа ва б. муаллифи. Давлат мукофоти (1946, 1948) лауреати. Ижодида турли халқлар мусиқа фольклоридан унумли фойдаланган.

ҚОРАЁҚА — ржанкалар оиласига мансуб қуш. Евросиёнинг Атлантика қирғоқларидан Япония, Тайван ва Филиппин ороллариғача бўлган жойларда тарқалган. Ўрта Осиёда ҳам кўп. Қанотининг уз. 10—12 см, вазни 31—46 г. Дарё ва кўлларнинг кум тошли қирғоқларидан яшайди. Уяси тўшамасиз чуқурчадан иборат. Апрель охирида 4 та тухум қўйиб, 22—24 кун босади. Ҳашаротлар ва уларнинг личинкаси, баъзан Ўсимлик уруғлари билан озикланади.

ҚОРАЖАНЖАЛ, Қорасемиз - халқ селекциясида чиқарилган ўрта кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача (диаметри 17—22 см), тўгарак, усти ялтирок. Гули икки жинсли. Узум боши йирик — 300—400 г (бўйи 16—25 см), кенг конуссимон, зичлиги ўртача. Гужуми йирик (4,8 г), серэт, ширали, овал ёки цилиндрсимон; бинафша-қорамтир, пўсти қалин. Таркибида 25—27% қанд бор, нордонлиги 4—7%, сент.да пишади. Узумининг сифатлилиги жиҳатидан хўраки навлар орасида 1-ўринларда туради. Янгилигида ейлади, майиз солинади (23% майиз тушади). Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ўстирилади.

ҚОРАЙИШ, терининг қорайиши — одам терисининг қуёш нури ёки сунъий манбалар (симобли кварц лампалари) таъсирида қорамтир тус олиши, баданнинг тобланиши; бунда ультрабинафша нурлар таъсирида терининг мугуз қаватида меланин пиг-менти тўпланadi ва тери қорамтир тусга киради. Ультрабинафша нурлар таъсирида организмда нерв системаси ва ички секреция безлари фаолиятини кучайтирадиган, биологик фаол моддалар ҳосил бўлади, моддалар

алмашинуви яхшиланади, организмнинг юқумли касалликларга қаршилиги ортади. Бундан ташқари, ультрабинафша нурлар таъсирида ёғ безларидан чиқадиган ёғ таркибидаги эргостерин моддасидан витамин Д ҳосил бўлади. Бу витамин суяк системаси учун жуда зарур бўлиб (у етишмаганда рахит пайдо бўлади), кальцийнинг ичакдан қонга сўрилишини таъминлайди.

Қ. киши организмнинг химоя реакцияси бўлиб, ультрабинафша нурлар таъсирида терининг базал қават хужайралари яхши ўсади (қ. *Теру*); мугуз қават қалинлашади, натижада у ультрабинафша нурларни терининг ички қаватларига ўтказмайди, хужайраларни нобуд бўлишидан ва қуёш нури таъсирида терини куйиш ёки офтоб уришидан сақлайди.

Терлаш ҳам кишини офтоб уришидан химоя қилувчи омиллардан ҳисобланиб, киши терлаганда тер таркибидаги урканин кислота ультрабинафша нурларни кўп ютади, натижада организм қуёш нури таъсиридан сақланиб қолади. қ. аста-секин амалга оширилиши лозим. Биринчи куни офтобда 10—15 мин. ўтириш ва кейинчалик ҳар куни 10 мин.дан ошириб бориш керак. Офтобда 1 — 1,5 соатдан ортиқ ўтирмаслик зарур. Иссиқ ва ўртача иқлимда яшовчи кишилар соат 11 — 12 гача оф-тобда тобланишлари мақсадга мувофиқ. Бунда бошга рўмол ўраш ёки чети кенг шляпа кийиб, қора кўзойнак тақиб олиш керак. Кўз шиллик пардасида қуёш нуридан сақлайдиган қават йўқлигидан улар яллиғланиб қолиши (*конъюнктивит*) мумкин. Қорин очлигида ёки овқатланган заҳоти офтобда тобланишга руҳсат этилмайди; кун тиғида ухлаш ниҳоятда хавфли. Тез Қ. мақсадида қуёш нурида кўп ўтириш натижасида бетоблик аломатлари (лоҳаслик, асабийлашиш, бош оғриғи, уйқусизлик, эт увишиши, ҳарорат кўтарилиши)дан ташқари тери куйиши ёки офтоб уриши мумкин.

Агар қуёш нурида тоблангандан кейин тери ачишиб кизарса, кизарган жойга

катик, атир ёки арақ суртиш, тери асл холига келмагунча қуёш ванналари қабул қилмаслик керак. Терининг қизарган жойлари шишиб, пуфакчалар пайдо бўлса, врачга мурожаат қилиш лозим. Қ. ҳамма учун ҳам фойдали деб бўлмайди. Кекса кишилар, 2 ёшгача бўлган брлалар, ҳомиладор аёллар, шунингдек, ўпка сили, юрак-томир касаллиги, неврастения, кизил волчанка билан оғриган беморлар қуёш нурида тобланмаганлари маъқул; агар тобланиш зарур бўлса, ал-батта, врач маслаҳати билан қилиш керак.

ҚОРАКАМАР — Сурхондарё вилоятидаги *Калиф-Шеробод қатор тепаликларида* жойлашган тош даври макони. 1875 й.да *Н.А.Маев* томонидан текширилган. Қ.нинг 3 та ғоридан одамлар, отлар ва итларнинг қўпол чизилган тасвири топилган. *Н.А.Маевнинг* тахминича, бу тасвирлар чўпонлар томонидан чизилган. Кейинчалик 1940 й.да Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи (раҳбари *Г.В.Парфенов*) томонидан текширилган. Текширишлар натижасида бу ерда будда монастири бўлгани, у Эски Термиздаги *Қоратенага* ўхшаш эканлиги аниқланган. 1987—88 й.ларда Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ва Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи томонидан мукамал текширилган. Қ. ғор мажмуаси II шаклидаги май-дондан (55x36) иборат, бир томони очиқ, қолган томонлари тупроқ билан ўралган, унда 2 ярус (қават)да ғорлар жойлашган. Пастки қаватда 3 та ғор (уз. 10—12 м, кенлиги 4—6 м, бал. 4 м яқин). 2-қаватда унча катта бўлмаган сунъий ғорлар жойлашган. Унда хайвонлар, яъни 2 ўрқачли туялар, қуш, инсон қафти, қиличлар, махсус белги — тамға, деворга ёзилган 12, 15, 16-а.ларга оид араб ёзувлари бор. Қ.да бактрий, юнон ва рим ёзувлари ҳам топилган.

ҚОРАКОСОВ — илдиз бўғзи ва поя асоси қорайиши билан кечадиган ўсимлик касаллиги. Замбуруғ ва бактери-

ялар қўзғатади. Асосан, карам, картошка, сабзи, мевали дарахт кўчатлари, дукқаюти ем-хашак ва б. экинлар зарарланади. Карам Қ.и карам ва гулкарам, кольраби, редиска ва б.ни зарарлайди. Касалланган ўсимлик сўлийди, илдиз бўғзи қораяди, чирийди, кўпинча ингичка ипли оқ ғубор билан қопланади. Қ. билан зарарланган кўчат нобуд бўлади. Картошка Қ.ини тупроқ бактерияси қўзғатади. Зарарланган ўсимлик барглари сарғаяди, буралади ва сўлийди. Тупроқ устидан 10 см гача бўлган чуқурликда поя қорайиб чирийди, касалланган поялар ердан осон суғурилади; туганак ҳосил бўлиши кийин кечади, ҳосил бўлган туганаги ҳам зарарланади.

Кураш чоралари: уруғликни дорилаш, соғлом уруғ, кўчат экиш; зарарланган ўсимликларни суғуриб, даладан чиқариб ташлаш.

ҚОРАКУРМАК, шамак — бошоқдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси ҳавол, бўйи 100 см ча. Барги наштарсимон, четлари ғидириш, ўткир қиррали, барг пластинкаси ўртасидан йўгон томир ўтади. Тўпгули — рўвак. Пишиб етилган бошоқлари осон тўкилади. Меваси учи ўткирлашган эллипссимон донча. Кузда тупроққа тўкилиб, қишлаб чиққан дони баҳорда кечроқ, юқори т-рада уна бошлайди. 1 см дан ортиқ чуқурликка тушган Қ. уруғининг унвчанлиги кескин камаяди. Қ. июлдан кеч кузга қадар гуллаб, мевалайди. асосан уруғидан кўпаяди. Бир ўсимлик тупланиш даражасига қараб 5 — 13 мингга яқин уруғ беради. Барча суғориладиган деҳқончилик майдонларида учрайди.

Кураш чоралари: кузги шудгор, алмашлаб экиш, экин агротехикасини сифатли ўтқишиш. Пахта далаларига гербицидлардан трефлан, которан, прометрин препаратларининг сувли суспензиясини экиш вақтида лента усулида ерга сепиш.

ҚОРАКУЯ — замбуруғлар қўзғатадиган ўсимликлар касаллиги.

Асосан, бошокли экинлар касалланиб, к.х.га катта зарар етказади. Зарарланган бошок, рўвак, сўта, поя, барг ва илдиз бўйинлари қора спорали массага айланади. Қуйидаги турлари кўп учрайди ва айниқса, зарарли: бугдой ва жав-дарнинг каттиқ (бадбўй) Қ.си ўсимлик тугунчасини емиради ва «қорақуя халғачалари» ёки алоҳида спора холида уруғларда сақланади. Зарарланган дондан нам ҳавода бадбўй хид келади; арпа ва сулининг каттиқ (тош) Қ.си споралари тугунчани зарарлайди, лекин рўвак ва бошоклар зарарланмайди, споранинг каттиқ қора массаси бошок қобиғини тешиб ўтади; бугдой, арпа, сули, ва маккажўхорининг чанг Қ.си бошок, рўвак, сўталарни зарарлайди; жавдар ва бугдойнинг поя Қ.си поя (ҳамма қисмлари ва барглари) ни зарарлайди; маккажўхорининг пуфакчали ҳолдаги Қ.си ўсимликнинг турли қисмида қобикли ва спора билан тўлган ғудчалар ҳосил қилади. Қ. замбуруғлари шולי, кўноқ, оқ жўхори, чумиза каби донли экинларда ҳам паразитлик қилади. Касаллик натижасида ёшша экинлари ҳосилдорлиги 20—30% камайиб кетади.

Кураш чоралари: касалликка чидамли навлар экиш; юкори агротехника, алмашлаб экиш. уруғларни тозалаш ва дорилаш; уруғликни офтобга ёйиш ва б.

ҚОРАКЎЛ — Бухоро вилояти *Қорақўл туманидаги* шаҳар (1980 й.дан), туман маркази. Т.й. станцияси. Қ.дан вилоят маркази (Бухоро ш.)гача 61 км. Аҳолиси 20,9 минг киши (2005). Қ.да пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефть базаси бор. Кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, шунингдек, «Қорақўлтекс» қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, гимназия, лицей, 2 касбхунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва исти-роҳат боғи,

Хотира ёдгорлиги бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, амбулатория, дорихоналар, аҳолига хизмат кўрсатади. Шаҳар ёнидан халқаро йўналишларда т.й. ўтган. Туман маркази билан кишлоқлар ўртасида ва Қорақўл — Бухоро ора-лиғида автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАКЎЛ — Помирнинг шим. қисмидаги оқмас қўл (Тожикистон Республикасида). Майд. 380 км², уз. 33 км. Атрофи баланд тоғлар билан ўралган. 3914 м баландликдаги сойликда жойлашган. Икки қисмдан иборат бўлиб, тор бўтозлар орқали боғланган. Чуқурлиги ғарбий қисмида 236 м, шарқида 22,5 м. Суви шўрроқ, тиник. Ноябрь охиридан апрелгача музлаб ётади. Сувнинг т-раси ёзда 12°. Энг йирик ирмоқлари: Қоражилға, Қораорт ва Музқўл.

ҚОРАКЎЛ, қорақўл терилари — *қорақўл қўй зотита* мансуб 1—3 кунлик қўзилардан олинадиган тери тури (мўйна маҳсулоти). Ноёб хом ашё. Қ. хусусияти турли шакл ва ўлчамдаги зич жингалаклар (мас, ловиясимон, қалами ва х.к.) ҳосил қилувчи қалин, эластик, ипаксимон, ялтироқ жун қопламидир. Энг қимматлиси қалами гуллилари ҳисобланиб, гуллари парал-лел-концентрик, тўғри қаторли жойлашган бўлади. Елка ва думгаза қисми, асосан қалами ва дона гуллардан иборат бўлиб, бошка қисмлари унчалик қимматли бўлмаган жингалаклар — гуллар билан қопланган. Қ. териларининг қиммати жингалак қатламининг текислиги, ялтироқлиги, ипаксимонлиги, жунининг энгил, майин, чидамлилиги билан белгиланади. Оква қора толаларнинг нисбатига қараб қора, оч кўк (сутсимон, пўлатранг); ўрта кўк (ҳаворанг, кумушранг, марваридранг, кўрғошинранг); тўқ кўк (оқишранг, садафранг); қора кўк (қора *шерози*); *сур* (Бухоро сури. тилларанг. кумушранг, олмосранг, оч бинафшаранг); Қора-қалпоқ сури (пўлатранг, ўрикгул, шамчирок,

камбар); Сурхондарё сури (бронзаранг, оқ олтинранг, қаҳраборанг, тошқўмирранг) ва жун қопла-мининг рангига қараб *зулигаз, қамбар*, зармалла (тўқ сарик); оқ, шутури, кўнғир, оқ тушган қора каби терилар ҳам бор.

Ҳамма турдаги к. териларининг гуллари узунлиги ва энига қараб қуйидагича бўлинади. Эни бўйича: майдагул — 4 мм гача; ўртагул — 4 мм дан 8 мм гача; каттагул — 8 мм ва ундан зиёд. Уз. бўйича: калтагул — 20 мм гача; ўртача узунликдаги гул — 20 мм дан 40 мм гача ва узун гул — 40 мм ва ундан узун. Ҳар бир ранг ичида гулларининг ва жун тола қопламининг сифатига қараб 3 навга ажратилади.

Шунингдек, қорақўлча (бирор сабаб билан муддатидан олдин туғилган (120—140 кунлик) ёки сўйилган она қўйнинг қорнидаги 134—145 кунлик ҳомиладан олинган қорақўл териси) ҳам Қ.нинг бир тури ҳисобланади. Унинг гуллари текис, нозик бўлганлиги сабабли юқори қадрланади. Жакетлар, ёқалар, бош кийимлар ва б. маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади.

Қ. терилари Хельсинки, Копенгаген, Санкт-Петербург, Лондон, Нью-Йорк ва б. халқаро жаҳон бозорларида сотилади.
Суръат Юсупов.

ҚОРАҚЎЛ ВОҲАСИ - Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида (Бухоро вилояти) жойлашган воҳа. Шим.да Кемирак-кум қумликлари, ғарб ва жан.-ғарбда Сандикли чўли, жан.да Ишақчи қумлиги, шарқда Қарши чўли билан чегарадош. Шим.-шарқда Қ.в. Қорақўл платосига туташ. Воҳа шим.-шарқдан жан.-ғарбга 40—45 км га чўзилган, эни 30—35 км. Ер юзаси жан.-ғарбга нишаб. Ўртача баландлиги шим.-шарқий қисмида 205 м, жан.да 187 м, Асосан, зарафшон дарёсининг аллювиал-дельта ётқизикларидан ташкил топган. Шим.-ғарбий, ғарбий ва жан. қисмларида аллювиал-қўл ётқизиклари ҳам учрайди. Воҳа атрофида ҳаракатдаги ва ўсимликлар билан мустаҳкамланган

барханлар, дўнг қумлар тарқалган. Икклими кескин континентал. Уртача йиллик т-ра 14°. Янв.нинг ўртача т-раси —0,2°, энг паст т-ра —25°. Июлда ўртача т-ра 27,2°, энг юқори т-ра 48°. Йиллик ёғин 120 мм, асосий қисми сент.—март ойларида ёғади. Қор қоплами жуда юпқа (ўртача 1 см, баъзи йиллари 7 см га етади).

Зарафшон дарёси (Қорақўл платосида) тор йўлакдан чиққандан сўнг бир қанча радиал тармоқларга бўлиниб дельта ҳосил қилади. Унинг юзаси, асосан, экинзорлар билан банд. Воҳа худудида шўр қўл, шўрхоқлар учрайди. Қ.в.да сур-қўнғир, қумлоқ, тақир, шўрхоқ, утлоқ-тақир, суғориладиган ўтлоқ, суғорилмайдиган ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Тупроқлари турли даражада шўрланган, уларнинг мелиорация ҳолатини доимо яхшилаб туришни талаб этади. Ўсимликлардан оқсақовул, жузғун, қуёнсуяк, черкез, илоқ, шу-вок, шўра, боялич, туранғил, тол, чингил, янтоқ, юлғун ва б. ўсади.

Қ.в.нинг катта қисми экинзорларга айлантирилган. Ҳайвонот дунёси чўлга хос: каламуш, қўшоёқ, илон, калта-кесак, тулки, бўри, тўқай мушуги, чиябўри ва б. яшайди. Воҳанинг асосий сув манбалари Зарафшон ва Амударё. Воҳада Аму-Бухоро машина каналидан уз. 40 км ли Аму-Қорақўл канали чиқарилган.

Мурод Маматқулов.

ҚОРАҚЎЛ ПЛАТОСИ - Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги (Бухоро вилояти) плато, Қорақўл ш.дан шимолда. Бу ерда Зарафшон дарёси платони кесиб ўтиб, тор (кенглиги 0,5—1,0 км, нисбий бал. 20 м гача) Қорақўл йўлагини ҳосил қилади. Плато Бухоро ва Қорақўл воҳалари оралиғида. Ер юзаси бир оз тўлқинсимон текислик ва шим.-ғарбга нишаб. Бал. 200—226 м орасида. Қорақўлга бир оз поғона ҳосил қилиб тушган. Плато юзаси чағир шағаллар билан қопланган, шим.-ғарбий қисми

кумли, улар баъзи жойларда бархан тепаларини ҳосил қилади. Чағир шағаллар ва кумлар остида юкори плиоцен ва куйи тўртламчи давр кумтошлари жойлашган. Плато юзасида кичик қатор тепалар, кирлар учрайди. Сур-кўнғир тупроқлар тарқалган. Ўсимлиги чўлга хос.

ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ - Бухоро вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шим. ва шим.-шарқдан Жондор тумани, жан.-шарқдан Олот тумани, жан. ва ғарбдан Туркманистоннинг Лебап вилояти, шим.-ғарбдан Ромитан тумани билан чегарадош. Майд. 9,84 минг км². Аҳолиси 125 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қорақўл), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бандбоши, Жигачи, Зиёрат, Охунбобоев, Саёт, Човли, Янгибозор, Қозон, қорақўл, Қораун, Қорахожи) бор. Маркази — Қорақўл ш.

Табиати. Туман худуди Зарафшон дарёсининг куйи қисмида, вилоятнинг жан.даги Қорақўл воҳасида жойлашган. Шарқий қисми 200—300 м дан баянд бўлмаган қирлар, шим. ва шим.-ғарбий қисми Қизилкум чўли, Қорақўл ва Моҳонқўл воҳалари билан банд. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқлар. Қорақўл ва Моҳондарёнинг қурук ўзани ўтлоқи бўз, қумоқ бўз тупроқлар, аллювиал ётқизиқлардан иборат. Ботиқларда шўрхоқлар, тузли массивлар (Замонтов) бор, ғарбий қисмини тақир, кум дюналари ва барханлар эгаллаган. Иқлими кескин континентал. Январининг ўртача т-раси 1,8°, энг паст т-ра —33°, июлнинг ўртача т-раси 28,5°, энг юкори т-ра 45,3°. Вегетация даври 213 кун. Йиллик ёгин 100—150 мм, кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Ёввойи ўсимликлардан эфемер ва эфемероидлар, боялич, қоврак, шўра, шувоқ, исирик, қандим, ялтирбош, ранг, сак-совул ва юлғун ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан юмронқозик, эчкешар, қобон, тулки, кўшоёқ, тошбақа, кум бўғма илони, чархилон ва б. яшайди. Қушлардан қарға, тўрғай, тувалоқ, ҳакка, мусича, чуғурчиқ учрайди. Ёв-

войи ҳайвонлар муҳофаза қилинадиган қўриқхона бор. Экин майдонлари Аму-Қорақўл машина насос ст-ясида сугорилади. Зарафшон дарёсининг куйи оқими — Қорақўлдарё, асосан, ер ости сувларини оқизувчи коллектор вазифасини бажаради. Фойдали қазилмалардан гил, кумтош, шағал, туз, нефть ва газ бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, татар, рус, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 12,7 киши. Шаҳар аҳолиси 20,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 104,1 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефть базаси, дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти, деҳқон бозори ишлаб турибди. Кичик, ўрта ва йирик бизнес қорхоналари, микрофирмалар, «Қорақўлтекс» қўшма қорхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, полизчилик. Пиллачилик ҳам ривожланган. Ширкат, деҳқон, фермер хўжалиқлари мавжуд. Сугориладиган майдонларга пахта, ғалла, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Мевазор, тоқзор, тутзорлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжалиқларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, туя боқилади.

Қ.т.ла 49 умумий таълим мактаби, болалар мусика мактаби, касб-хунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик, фельшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.т. орқали халқаро т.й. ва автомобиль йўллари ўтган. Туман маркази билан қишлоқлар орасида ҳамда Бухоро ва Қорақўл ш.лари ўртасида автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

1931 й.дан «Қорақўлтекс садоси» туман газ. чоп этилади (адади 1125).

Исроил Назаров, Умар Рашидов.

ҚОРАҚҮЛ ҚҶЙ ЗОТИ - мўйнали териси учун бокиладиган дағал жунли думли қўй зоти. Бу зот бир неча юз йиллар олдин хоз. Ўзбекистон (Бухоро вилояти Қоракўл тумани) худудида жайдари қўйларни халқ селекцииси усулида узок вақт танлаш ва чатиштириш натижасида яратилган. Қ.қ.з. дунёнинг (Австралиядан бошқа) барча қитғаларида 50 дан ортиқ мамлакатда урчитилади (15 млн. бош атрофида). Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Эрон, Жан. Африка Республикаси энг кўп Қ.қ.з. бокиладиган давлатлар хисобланади.

Қ.қ.з. думли қўйлар турига мансуб, думининг уч қисмида зотга хос илмоқнамо ўсимта мавжуд. Жун қоплами дағал жун турига мансуб. Кўпчилик Қ.қ.з.лари говкалла, танаси бакув-ват, думида кўп ёғ тўпланади. Қўзилари қора (80%), кулранг, жигарранг, сур ва б. тусли. Бир ярим ёшдан кейин тумшуғи, кулоқлари ва оёқларидан бошқа жойидаги қора жунлар оқара бошлайди. Катта ёшли она қўйлар шохсиз, вази 42—45, қўчқорлари йирик, бурама шохли, вази 55—60 кг, янги туғилган қўзиларининг ўрғача вази 4—4,5 кг. Серпуштлиги 90—95%. Зотни такомиллаштириш борасида асосан қора, кўк, сур, ок, зармалла, кумушсимон, тилласимон, олмос, хаворанг, шамчирок, пўлати, платина, брон-за, қахрабо, антрацит (қора товланадиган), мустаҳкам (ғўзамай) конститутцияли, ярим доира ковуғасимон ва яссигул типли қўйлар устида селекция-наслчилик ишлари олиб борилмоқда. Кўп йиллар давомида олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида олиб борилган селекция-наслчилик ишлари натижасида Ўзбекистонда қоракўл қўйларининг юкори ирсий ва маҳсул-дорлик хусусиятларига эга бўлган 27 з-д типни яратилган. Улар Қ.қ.з.нинг қимматли ирсий генфонди хисобланади. Қ.қ.з. бошқа зотларни яхшилашда ҳам фойдаланилади. Экстремал шароитли, кам ҳосилли чўл яйловларида урчитилиши хисобига зот-

нинг кўпгина биологик ва маҳсулдорлик хусусияти узок йиллар давомида табиий равишда мувозанатлашган.

ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти — қоракўлчилик соҳасидаги йирик илмий марказ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида. Самарқанд ш.да жойлашган. 1930 й. 26 окт.да Каттакўрғон ст-яси асосида минтақавий қоракўлчилик тажриба ст-яси ташкил қилинди. 1935 й.да тажриба ст-яси Ўзбекистон қоракўлчилик и.т. институтига айлантирилди, 1939 й.дан Бутунитти-фоқ қоракўлчилик и.т. ин-ти. 1992 й. июндан Ўзбекистон қоракўлчилик и.т. ин-ти, 2000 й. апр.дан хоз. номда.

Ин-т таркибида (2005): қора рангли қоракўл қўйлари селекцияси ва товаршунослик; рангли қоракўл қўйлар селекцияси, зот мониторинги ва маҳсулот и.ч.; қоракўл қўйлари биотехнологияси ва чўл-яйлов хайвонлари экологияси, қоракўл қўйларни сув билан таъминлаш ва озиклантириш; чўл яйловларининг экологик мониторинги, чўл ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги, галофит ўсимликлар; чўлда озука и.ч., туячилик, эчкичилик; қоракўлчилик менежменти ва маркетинги; марказий таҳлил илмий-ахборот лаб.лари, тажриба-конструк-торлик бюроси бор. Илмий-техника кутубхонаси, қоракўл терилари музейи, аспирантура бўлими фаолият кўрсатади. Илмий тадқиқотлар шарт-номалар асосида 30 та наслчилик з-длари ва наслчилик хўжаликларида, 1 тажриба ст-ясида, 2 таянч пунктда ва 4 тажриба далаларида олиб борилади. Ин-тда селекция-наслчилик тизи-ми, териларнинг товар сифатларини баҳолаш тизими ва уларни навлаш стандартлари, қўйларни қайта урчи-тиш биотехнологияси, тўсиқли маданий яйловлар яратиш, қўй гўшти ва қоракўлча и.ч.

хўжаликлариди қари қўйларни бўрдоқига боқиш технологияси, артезиан сувлари манбаларида ва ҳосилдорлиги яхшиланган ерларда ем-хашак и.ч. технологияси ва б. бўйича муҳим илмий ишланмалар бажарилган. Қоракўл қўйларининг 27 юкори маҳсулдор 3-д типлари, чўл озука ўсимликларининг 15 нави яратилди. Ин-т ходимларининг илмий ишлари, ютуқлари учун 97 муаллифлик гувоҳ-номалари ва патентлар олинган.

Ин-т фаолияти В. М. Юдин, Е.В. Одинова, М.А.Кошевой, А.М.Лисов, Р.Г.Валиев, М.Д.Зокиров, Р.М.Чалбаш, З.Ш.Шамсутдинов, И.Б.Атақурбанов, С.Ю.Юсупов, М.Маҳмудов ва б. олимларнинг номлари билан боғлиқ. Ин-тнинг қоракўлчиликни ривожлантиришдаги катта илмий ютуқлари учун олимлардан И.Н.Дячков, В.И.Стояновская, Ф.Шарафиддинов, М.А.Кошевой, П.А.Фаденчев ва б. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиға сазовор бўлган (1970). Ин-тда 62 илмий ходим, шу жумладан, 2 фан дри, 32 фан номзоди ишлайди (2005). Илмий ишлар тўпламлари, илмий-амалий анжуманлар материалларини нашр этади. Ин-т Халқаро қурғоқчилик минтақаларида қ.х. бўйича тадқиқотлар илмий маркази (ИК АРДА), АҚШ кишлоқ хўжалиги департаменти, Россия чорвачилик, Россия озука, Қозоғистон қоракўлчилик и.т. ин-тлари билан илмий ҳамкорлик қилади.

Суръат Юсупов.

ҚОРАМОЙ Хитойнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Синьцзян-Уйғур мухтор р-нида. Аҳолиси 174 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Жунғария нефть қазиб олинadиган рни маркази. Нефтни қайта ишлаш 3-длари бор.

ҚОРАМОЛ — қувушшоҳлилар оиласига мансуб жуфт туёқли, кавш қайтарувчи хайвонлар. Қ.га ҳақиқий буқалар туркумига мансуб йирик хонаки кенжа турлар — *сигир*, *буйвол*, *қўтос* ҳамда *гайял*, *бизон*, *зубр* ва б. киради.

Милдан бир неча минг йил аввал Европа, Осиё, Америкада тарқалган. Хонаки Қ. ёввойи буқа (*тур*) дан келиб чиққан. Ёввойи буқаларнинг охири аждодлари 17-а. бошларида қирилиб кетган. Қ. 8 минг йил илгари Хиндистонда, сўнг Ғарбий Осиё, Ўрта денгиз, Ўрта Европада хонакилаштирилган. Краниологик белгиларига қараб, Қ. тўрт асосий кенжа турга бўлинади: дашт ва текис зона европа Қ.и — узу н шоҳли; тоғ ва ўрмон зонаси Қ.и — қалта шоҳли; Марказий Осиё Қ.и; Жан.Осиё ва Шим. Африка Қ.и — зебу. Қ.лар ёши ва жинси бўйича *бузоқ*, *тана*, *новвос*, *гунажин*, *сигир*, *буқа* ва б. гуруҳларга бўлинади. Маҳсулдорлик турларига қараб сут, сут-гўшт ва гўшт-сут йўналишидаги зотларга ажратилади. Ошқозони тўрт камерали, елини тўрт сўргичли. сигирлар 20 (35), буқалар 15—20 йил яшайди. Сут йўналишидаги сигирлардан хўжаликларда 12—13 йил, зотли буқалардан 5—10 йил фойдаланилади. Қ. 5 ёшгача (айрим секин ўсадиганлари 6—7 ёшгача) ўсади. Урғочи бузоқ 7—9, эркаги 14—18 ойлигида жинсий етилади. Сигирларнинг бўғозлик даври 285 кун. Сигир, одатда, биттадан бузоқлайди, эгизаклари кам учрайди. Урғочи бузоқ зотиға қараб 18—45, баъ-зан 50 кг гача, эркак бузоқ урғочи бузоқдан 1—3 кг ортик туғилади. сигирлари 200—600, буқалари 300—900 кг. Қ. маҳсулдорлиги унинг зоти ва боқилишиға боғлиқ. Серсут сигирлардан бир кунда 8—40 кг, бир йилда ўртача 3500—4000 кг (17000 кг гача), ёғлилиги 3,6—4% бўлган сут соғиб олинади. Сигирларнинг серсутигиға қараб 1 кг сут учун 0,8—1.3 озука бириги сарфланади. Соғим даври 280—320 кун. Гўшт учун боқилadиган қ. зотларидан соғим даврида 1000 кг гача сут соғиб олинади. Тез етиладиган зотлардан тўртинчи, кеч етиладиганларидан бешинчи-олтинчи, баъзан еттинчи соғим даврида энг кўп сут соғиб олинади. сигир сути одам учун қимматли озиқ-овқат маҳсулоти, озиқ-овқат саноати учун муҳим хом ашё (*творог*, *пишлоқ* ва б.). Гўшт учун боқилadиган

зотларда гўшт маҳсулдорлиги юқори (гўшт чиқими 48—70%), 1,5—2 ёшли бузоқларнинг тирик вазни 400—450 кг. Мол гўшти юқори калорияли, парҳез озик-овқат маҳсулоти. Терисидан турли навли чарм, чиқиндилари қайта ишланиб, гўшт-суяк ва қон уни, эндокрин препаратлари, стеарин, елим, совун ва б. тайёрланади. Бука ва хўкизлардан иш ҳайвони сифатида фойдаланилади. Дехқончилик учун муҳим бўлган органик ўғит (гўнг) олинади. Бир шартли бош мол бир йилда 10 т гўнг беради.

Қ боқши шароитига яхши мослашади, кўп ҳажмдаги озукани, дағал ўсимликларни ҳам тез ҳазм қилади. У яйлов ўтлари, силос, илдизмева, аралаш ем, шунингдек, протеин, минерал ва витаминли озукалар билан боқилади. Вазни, маҳсулдорлиги, физиологик ҳолати, озикланиши, протеин, минерал моддалар ва витаминларни ҳазм қилишига қараб озикланиш нормаси белгиланади. Боғлаб (оғилхоналарда) ва яйловларда боқилади (қ. *Чорвачилик, Қорамолчилик*).

Ўзбекистонда етиштирилаётган сутнинг 98—99% ва гўштининг 63—65% Қ.лар ҳисобига тўғри келади. Барча тоифадаги хўжаликларда урчитилаётган Қ.лар сони 5873,9 минг бошни, шу жумладан, сигирлар 2556,7 минг бошни ташкил қилди (2004).

Ўзбекистонда боқиладиган асосий зотлар: кизилчўл, бушув, қора-ола ва швиц қ. зотлари, шунингдек, қисман жайдари ва зебусимон сигир зотлари ҳам учрайди (яна қ. *Қорамолчилик*).

ҚОРАМОЛЧИЛИК - чорвачиликнинг асосий соҳаларидан бири, аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни тери ва б. хом ашё билан таъминлайди. қ. чиқиндиси бўлган *гўнг* дехқончиликда ерлар унумдорлигини оширишда кенг қўлланилади (баъзи мамлакатларда қорамолдан иш ҳайвони сифатида фойдаланилади). Қ. хўжалик тармоғи сифатида ёввойи қорамол турлари хонакилаштирилган пайтдан пай-

до бўлган. Дастлаб қорамолдан гўшти учун ҳамда иш ҳайвони сифатида фойдаланилган. Сут истеъмол қилина бошлагач, одамлар ундан ёғ, пишлоқ ва б. маҳсулотлар тайёрлашни ўргандилар, натижада сут Қ.ининг аҳамияти ошди, *сут саноати* шаклланди.

Қ. қадимдан ҳоз. Ўзбекистон худудида интенсив шароитларда ва яйлов усулидаривожланган. 19-а. охирига қадар Қ.нинг асосий қисмини каммахсул, жуссаси майда жайдари ҳамда зебусимон қорамоллар ташкил қилган. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб республикада маҳаллий ва зебусимон қора-молларни маданий қораола, кизилчўл ва швиц зотлари билан чагиштириш асосида маҳсулдор подалар гуруҳини шакллантириш ҳамда наслдор соф зотли қорамолларнинг репродуктор хўжаликларини ташкил этиш, давлат ва кооператив хўжаликлари Қ. сут-товар фермаларини ривожлантириш ва сутчилик комплексларини ташкил этиш, Қ.ни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва саноат технологиялари асосига ўтказиш ишлари амалга оширилди. Қ.нинг сут, сут-гўшт, гўшт ҳамда наслчилик йўналишидаги хўжаликлар, наслчилик з-длари, хўжаликлари ва фермалари ташкил этилди. натижада 80-й.ларга келиб қорамоллар зотдорлиги 98—99% га етказилди. Наслдор сигирларнинг 3800—4100 кг сут берадиган подалари барпо этилди. Гўштчилик комплексларида парвариш қилинган новвослар вазни 12—13 ойлигида 400—420 кг га кўтарилди. Туманларда ташкил этилган хўжаликлараро бўрдоқчилик қорхоналарида қорамолларни жадал боқиш ва бўрдоқилаш ижобий натижалар берди. Қорамолчилик амалиётининг тараккий этишида илғор тажриба ва фан ютуқлари муҳим роль ўйнади. 1932 й.да чорвачилик тажриба ст-ясининг ва 1939 й.да Ўзбекистон чорвачилик и.т. институтининг ташкил этилиши чорвачилик ва хусусан Қ. соҳасида муҳим бурилиш бўлди. Қ. ривожининг типологик, озук ва селекция асослари ишлаб чиқилди

хамда амалиётга кенг жорий қилинди. 1924 й.да қорамоллар сони 1229,4 минг бошни, шу жумладан, сигирлар 407,5 минг бошни ташкил қилган бўлса, 1991 й.да бу кўрсаткичлар тегишлича 4580,8 ва 1856,4 минг бошга, 2004 й.да 5873 ва 2556,7 минг бошга етди. 1924 й.да гўшт етиштириш (тирик вазнда, минг т) 84,0, 1991 й.да 789, 2003 й.да 935,5; сут етиштириш тегишлича 262,0, 3034,2 ва 4030,3 ни ташкил этди. сигирлардан ўртача сут соғиб олиш 1924 й.да 400 кг дан 1990 й.да 1685 кг га, қорамолларни гўштга топшириш вазни 150 кг дан 401 кг гача кўтарилди. Кейинги 14—15 й. мобайнида қорамоллар сони ва етиштирилган ялпи чорва маҳсулотлари ҳажми ўсди. Қ. соҳасида ташкил этилган фермер хўжаликларида маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхшиланди. 1990 — 2003 й.ларда республикада қорамоллар сони 1293,9 минг бошга ёки 28,3%га, сигирлар сони 700,3 минг бошга ёки 37,7% га кўпайди.

Ўзбекистонда Қ. бўйича илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-тида олиб борилади. Қ. фан сифатида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг зоомуҳандислик ва ветеринария ф-тларида ўқитилади.

Хорижий давлатларда сут йўналишидаги Қ., айниқса, Голландия, Дания, Германия, Исроил, АҚШ, Канада, Япония ва Янги Зеландияда ривожланган (сигирларнинг ўртача сут соғими 8—11 минг кг). Гўштдор қ. АҚШ Франция, Англия, Италия, Канада ва Австралияда ташкил этилган (гўшт олинадиган 14—15 ойлик новвослар вазни 500—550 кг). Дунё мамлакатларида урчитилаётган қорамоллар сони 1,33 млрд. бош атрофида (1999). Жаҳонда турли табиий иқлим шароитларига мослашган 250 дан ортиқ қорамол зотлари боқилади.

Ад.: Носиров У. Н., Қорамолчилик, Т., 2001.

Убайдулла Носиров.

ҚОРАМУРУН — Орқатог тизмаси-

даги доvon, Хитойнинг ғарбий қисмида. Бал. 5578 м. Қ. орқали Қашқар текислигидаги Черчен воҳасини Тибетнинг ички р-нлари билан боғловчи йўл ўтган.

ҚОРАМУҒ, қорамуғ — чиннигулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Поиси яланғоч, тик ўсади, юқори қисми сершоҳ, бўйи 30—100 см. Барглари қарама-қарши жойлашган, бандсиз тухумсимоннаштарсимон. Гуллари пушти ёки оч-қизил қалқонсимон тўпгулга йиғилган. Меваси кўп уруғли шарсимон кўсакча. Майдан авг.гача гуллаб, мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Бир тупи 400—500 уруғ тугади. Уруғи 5—10° да кўкаради. Уруғи таркибида захарли сапонин моддаси бор. Қ. молларга берилмайди. Ўрта Осиёда тарқалган. Суғориладиган ва лалми дон экинларини, шунингдек, тарик ва зигир экилган майдонларни ифлослайди.

Кураш чоралари: дон экинлари уруғлиги тозаланади; қишлаб чиққан майсаларини йўқотиш учун культивация қил инеди; дон экинлари гербицидлар билан дориланади.

ҚОРА-ОЛА ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сут йўналишидаги қорамол зоти. Россияда 18-а.да турли зоналарда урчитилган маҳаллий зотни остфриз, швед қора-ола ва б. шунга ўхшаш зотлар билан частиштириб чиқарилган. Ушбу минтақаларнинг аксариятида ўзининг юқори сифатлилиги ва рақобатбардошлилиги бўйича р-нлаштирилган зотлар салмоғида биринчи ўринни эгаллайди. Жуссаси йирик, танаси узунрок, териси қайишқоқ, елини қатта. Туси қора-ола. Буқаларининг вазни 850—1000 кг, сигирлариники 500—650 кг, янги туғилган бузоқлари вазни 32—40 кг. Сигирларининг сут соғими 3500—4500 кг (серсут сигирлариники 15—17 минг кг). Гўшт маҳсулдорлиги юқори (сўйим чиқими 54—58%). Нов-вослари 15—18 ойлигида 480—550 кг гаетади. Ўзбекистонга 1882—85 й.ларда олиб келинган. 1930—40 й.лардан бошлаб улар соф ҳолда урчи-

тилиб, 1939 й.дан уларни кўпайтирадиган хўжаликлар ташкил этилган. Маҳаллий моллар билан частиштиришнинг дастлабки боскичларида «Тошкент атрофи қораола» тусли молларнинг маҳсулдор подалари шакллантирилган. Бу зотни такомиллаштириш ижобий натижалар берди ва Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва б. вилоят хўжаликларида тез тарқалди ҳамда р-нлаштирилган зот деб қабул қилинди.

ҚОРАПЎЧОҚ, Қорапўчоқ 3 7 44 — кечпишар қовун нави. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида чиқарилган. Шакли чўзик-тухумсимон, уз. 32—45 см, сирти текис, ўртача бўртмали тўрлар билан қопланган. Туси тўқ яшил, этининг қалинлиги 4—4,5 см. оқ, юмшоқ, бир оз тигиз, ширин. Оғирлиги 4—4,5 кг (9 кг гача). Уруғхонаси ўртача катталиқда. Таркибида 9,8% қанд, 11,7% куруқ модда бор. Сақланиш давомида ширинлиги ортиб боради. Ниҳоли униб чиққанидан сўнг биринчи ҳосили 124 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 300—320 ц/га. Яхши сақланади, узоқ жойларга юборишга яроқли. 1949 й.дан Фарғона водийсида, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида экиш учун давлат реестрига киритилган.

ҚОРАСОВУҚ — хавонинг ўртача суткалик т-раси мусбат бўлган ҳолда, ўсимлик қоплами ва тупроқ усти ҳаво қатламнинг 0° ва ундан ҳам пасайиши. Бу ҳодиса юз берганда барглр совуқ таъсирида қора тус олади, шунинг учун баҳор ва эрта кузда бўладитан бу совукни дехқонлар одатда, қора совуқ деб атайдилар. Қ. хавфи унинг бошланиш муддати ва давомийлиги, шунингдек, ўсимлик тури, унинг нави, ривожланиш фазаси ва агротехника шароитларига боғлиқ. Дала экинлари Қ.ларга чидамлилига қараб бир неча экологик гуруҳларга бўлинади. Қ. тўғрисидаги маълумотлар совуқ хавфи бўлган ҳудудларни белгилаш, экиш муддатларини аниқлаш, иссиқсевар ўсимликларни рационал жой-

лаштириш масалаларини ҳал қилиш, қ.х. экинларини етиштириш шароитларини агроиклимий баҳолаш, совукнинг зарарига қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва б.да қўлланилади. Қ. ҳосилнинг сифатига ва миқдорига катта зиён етказилади. Қ.лар совуқ ҳаво массаларининг бошқа р-нлардан (кўпинча Арктикадан) келиши (адвектив Қ.) ёки тупроқ юзаси ва ўсимлик қопламнинг тунги радиацион совиши (радиацион Қ.) натижасида вужудга келади. Дехқончилик учун кеч баҳорги Қ. (айниқса, тупроқ юзасида) жуда хавфлидир, чунки бу вақтда вегетация даври бошланган бўлиб, бундай совуқлар ўсимлик майсаларининг қаттиқ шикастланишига олиб келиши мумкин (нихоллар 0,5 дан — 1,5°да шикастланади, барглр қорайиб кетади). Жан. р-нларда (40° шим. кенглик жануброғида) Қ.лар ўртача олганда март ойининг иккинчи ярмида тугайди, шимолга борган сайин унинг тугаш муддати кечикади. Баҳорда тупроқ юзасидаги энг кечки Қ, асосан, май ойининг биринчи ярмида кузатилади (Устюрт, 44° шим. кенгликдан шимолроқ-да). Қ.нинг қайси муддатларда юз беришига жойнинг рельефи, тупроқ юзасининг хусусияти ва б. омиллар катта таъсир кўрсатади. Баланд жойларда Қ.лар, одатда, кечроқ тугайди. Тупроқ юзасидаги биринчи кузги Қ. Ўрта Осиёнинг жан. текислик қисмида (40° шим. кенгликкача) 15 окт.га қадар кузатилади. Шимолга борган сари Қ.нинг ўртача юз бериш муддати окт. ойининг бошларига, Устюрт платосида эса сент.нинг охирига сурилади. Ҳаводаги Қ., одатда, тупроқ юзасига нисбатан бир неча кун кечроқ кузатилади. Охирги баҳорги Қ. билан биринчи кузги Қ. орасидаги давр совуқсиз давр деб аталади. Ўзбекистонда совуқсиз даврнинг ўртача кўп йиллик давомийлиги чегаралари жуда катта ва жанубишарқий қисмида энг узоқ давом этади. Текисликларда совуқсиз давр 150—250, тоғларда 50—150 кунгача.

Қ. бўлганда экин майдонларини иштиш учун турли усуллар (тутатиш, экин-

ларни қоғоз, плёнка ва б. матери-аллар билан ёпиш) қўлланилади. Сугорма деҳқончилик минтақаларида экинларни кеч баҳорги ва эрта кузги вақтинчалик Қ.дан сақлаш учун далалар суғорилади. Қ. зарарини бартараф этишда совуксиз давр қиска бўлган худудларда эртапишар навларни экиш, совуққа чидамли навларни яратиш. шунингдек, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ҚОРАСОН — қ. *Гангрена.*

ҚОРАСУВ — Андижон вилоятидаги шаҳар (1990 й.дан). Т.й. станцияси. вилоят маркази (Андижон ш.)дан 60 км. Аҳолиси 29,2 минг киши (2005). Қ.да бир неча саноат корхонаси. Қурилиш ташкилотлари, автокорхона, алоқа бўлими, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, касб-хунар коллежи, кутубхона, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Қ.дан Андижон ш.га ва туман марказига автобус ва маршрутли таксилар катнайди.

ҚОРАСУВ — Самарқанд вилояти Пай-ариқ туманидаги сой. Уз. 66 км, ҳавзасининг майд. 1380 км². Нурота тизмасидаги Тўнғизлитов чўққиси (1905 м)нинг жан. ён бағридан бошланади. Олтибосар қишлоғининг шим.-шарқий чеккасида (1,3 км) Зарафшон дарёсининг Оқдарё тармоғига қуйилади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 1,28 м³/сек. Пайариқ тумани экин май-донларини сув билан таъминлайди.

ҚОРАСУВ — тоғ этаклари, водийларда ер ости сувларидан тўйинадиган сой, дарёлар. Манбаи қор ва музлар бўлган оқ сувлардан фарқ қилиб, булоқ ва сизот сувлари қ. дейилади. сабаби булоқ

сувидан ҳосил бўлган сой қорамтир, тоғлардан келадиган музлик сувлари эса оқиш рангда кўринади. Қ. баъзан минераллашган бўлади. Қ. захоб ва тўқайдан ҳам оқиб чиқиши мумкин. Сув сарфи фаслларга қараб ўзгармайди. Зарафшон ва Фарғона водийсида кўпроқ учрайди. Ташлама сувлар ҳам Қ. деб юритилади. Туркияда булоқ суви қ. дейилади. Жой номлари сифатида ҳам учрайди.

ҚОРАСУВ — Қашқадарё вилоятидаги сой. Оқсув дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 33 км, ҳавзаси майд. 139 км². Мавсумий қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,43 м³/сек. Кўп сувли йилларда сув сарфи 2,85 м³/сек. (1969 й.), кам сувли йилларда 0,75 м³/сек.гача ўзгаради (1965 й.). Энг кўп сув сарфи (30,6 м³/сек.) 1954 й. 9 апр. да қайд этилган. қ. сувидан экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

ҚОРАСУВ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги шаҳар (1960 й.дан). Ўш-Қорасув воҳасида, Бишкек—Ўш автомобиль йўли ёнида жойлашган. Аҳолиси 17,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Андижон — Жалолобод т.й. линиясида. Қ.дан Ўшга т.й. шохобчаси ўтган (22 км). Пахта тозалаш, мой экстракция, автомобиль таъмирлаш з-длари, автокорхона, ун маҳсулотлари кти бор. Автовокзал, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди.

ҚОРАСУВ, Ғарбий Фурот - туркиянинг шарқий қисмидаги дарё, Фурот дарёсининг бош ирмоғи. Уз. 470 км, ҳавзасининг майд. 22 минг км². Кўп қисми чуқур даралардан оқади. Арзи-рум ва Эрзинжон ш.лари яқинида водийси кенг. Баҳорда тошади, ёзда суви камаяди. Дарёда ёғоч оқизилади.

ҚОРАСУВ КАНАЛИ, Ўнғирғоқ Қорасув канали — Тошкент вилоятидаги канал. Тошкент вилоят Қиб-рай тумани худудида, Оққовоқ-2 ГЭСнинг пастки

бъефи ўнг қирғоғидан бошланади. Уз. 35 км (шундан 24 км Тошкент ш. худудида), сув ўтказиш имконияти 18м³/сек. Ўртача чук. 1,5—2 м, эни 10—14 м. Каналнинг бош тўғонига темир-бетон ётқизилган, 12 м³/сек. сув ўтказидади. Қ.к. 4,1 минг га экин майдонини, шунингдек, Тошкент шаҳрининг жануби ва жануби-шарқини сув билан таъминлайди.

ҚОРАСУВ МАДАНИЯТИ - археологик маданият (мил. ав. 2-минг йилликнинг охириг чораги ва 1-минг йилликнинг бошлари). Жан. Сибирь, Қозоғистон ва Обь дарёсининг юқори қисмида яшаган қабилаларнинг манзилгоҳ ва мазорқўрғонлари. Археолог С.А.Теплоухов 20-й.ларда Хакасиянинг Қорасуқ дарёси воҳасида ўтказган археологик қазилар натижасида топган. Тошдан ясалган маъбудалар, турли меҳнат ва ҳарбий қуроллар, жимжимадор сопол идишлар, дасталарига ҳайвон суратлари солинган жез пичоқ ва болталар, билангузук ва б. топилган. Археологик топилмалар Қ.м. қабилаларининг Мўғулистон, Шим.Хитой, Қозоғистон ва Ўрта Осиё аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади.

ҚОРАТАНЛИЛАР - кўнғизлар оиласи. Уз. 2—50 мм, танаси кўпинча қора, баъзан металл ран-гида товланувчан ёки алвон ранг доғли бўлади. Орқа қанотлари, одатда, бўлмайд; устқаноти кўшилиб ўсган. Кўпчилик турлари ўткир хидли суюқлик чиқаради. Қуртлари (сохта симқуртлар) танаси чўзиқ, цилиндрсимон, қаттиқ, кўпинча қорни устида тиканлари бўлади; кирсилдоқ кўнғизлар қуртлари симқуртларга ўхшайди. 15000 дан ортиқ тури бор; кенг тарқалган, айниқса, қурғоқчилик мин-тақаларида кўп учрайди. Ўзбекистон фаунасида 300 га яқин тури маълум. Қ. ва уларнинг қуртлари, одатда, ўсимлик қолдиқлари, айрим турлари яшил ўсимликлар тўқимаси билан озиқланади. Бир қанча турлари озиқ-овқат захираларига зиён

етказади.

Қ. ўрмонда яшаб, чириётган ёғоч ва дарахт замбуруғлари билан озиқланадиган ҳамда тупроқ билан боғлиқ бўлган чўлдашт ксерофил экологик гуруҳларга ажратилади. Қ.нинг ҳар хил экинлар, полиз ўсимликлари, баъзан дарахтларни зарарлайдиган турлари ҳам бор. Мас, ўрмон Қ.и (уз. 15—19 мм) дарахтлар чириди-си билан озиқланади; қум сусткаши (уз. 7—10 мм) дала экинларига, ун кўнғизи дон маҳсу-лотларига зиён етказади.

ҚОРАТЕГИН ТИЗМАСИ - Ҳисор тизмасининг жан. тармоғи. Тожикистон худудида. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа 130 км га чўзилган. Энг баланд жойи 4890 м (Душоҳо чўққиси). Тизмада кофарниҳон ва Вахш дарёлари водийларини боғловчи бир қанча доvon (Себедара, 2702 м, Заркамар, 3274 ва б.) бор. Асосан, вулканик тоғ жинсларидан (гранит ва б.) тузилган. Ён бағирларида дашт ўсимликлари ўсади, бутазорлар, энг баланд жойларида субальп ва альп ўтлоқлари бор.

ҚОРАТЕПА — будда ғор ибодатхоналар мажмуаси (мил. 1—3-а.лар). Эски Термизнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926—28 й.ларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси очган. 1937 й.да М.Е.Массон ва Е.Г.Пчелина текширган. 1960-й.ларда археолог Б.Я. Ставиский қазилар ишлари олиб борган. Ҳозирда Ўзбекистон—Япония қўшма археология экспедицияси иш олиб бормоқда.

Обида 3 та табиий дўнгликда қурилган. Умумий майд. 8 га дан зиёд. Жан. дўнгликда 15 дан зиёд ғор мажмуаси бўлган. Ғарбий дўнгликдаги ғор мажмуаси 5 дан ортиқ бўлмаган. Шим. дўнгликнинг шарқий қисмини ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгаллаган, ғарбий қисмини эса ер юзасига қурилган унча ҳашаматли бўлмаган ибодатхоналар банд қилган.

Қ.даги ҳамма иморатлар турли вақтларда барпо этилган. Кейинчалик

аввалгиларига ёндош қилиб қурилган, сўнг улар билан бир вазифани бажаришган. Ҳаммаси бир неча бор таъмирланган ва тархи ўзгартирилган. Ибодатхоналар ёки бошқа муқаддас жойлар ичи мавзули (сюжетли) ва нақшинкор безак, лойганч, ганч, тош ҳайкали билан безатилган.

Ғор ибодатхоналарини қуриш қоидалари ҳиндлардан ўзлаштирилган. Аммо кейинроқ қурилганларини режалашда бактрийларнинг меъморий усуллари устун туради.

Қ.даги дастлабки буддавий ибодат иншоотлари, афтидан, мил. 1-а.да қурила бошлаган. Қ.нинг энг гуллаган даври мил. 2—3-а.ларга тўғри келиб, бу пайтда ибодатхоналар кўплаб қурилган, аввалгилари эса янгиланган ҳамда безатилган. Бу жараёнда қушоншоҳлар, уларнинг ноиблари, шаҳар ҳокимлари ва бадавлат шаҳарликларнинг ҳомийлиги ҳамда мадади муҳим ўрин тутган. Қ.дан топилган, бағишлов битиклари булган сополлар бу ҳолатни аниқ кўрсатади. Битикларга кўра, Қ.даги айрим мажмуотлар Кхадевакавихара — Подшо монастири, Вхара Гулавхара вхад — Гулавхара ўғли (Гондафар) Вихараси, Окавихара деб номланган. Қ. битикларида роҳиблардан Буддашир, Буддхамитра, Живананда исмлари эслатиб ўтилган. Бой эркак ва аёл ҳомийлар қиёфаси расмларда ҳамда ҳайкалларда сақланиб қолган. Қ.дан кўплаб будда ҳайкаллари топилган.

Мил. 3-а. охирига келиб Қ. мажмуалари инкирозга юз тутди ёки вайрон этилди. Бу, сосонийларнинг Қушон давлатига қилган ҳарбий юришлари билан боғлиқ бўлса керак. Айрим мажмуотлар хоналарига оташкадалар ўрнатилган. Айни маҳалда Қ. мажмуотларининг муайян қисми мил. 4-а. охири — 5-а. бошигача ишлаб турган. Мил. 4-а.даёқ Қ.даги кўплаб ташландиқ хоналар ва ғор ибодатхоналаридан қабр сифатида фойдаланилган, сўнг кириш жойлари хом ғишт билан уриб юборилган. Энг дастлабки қабрлар ёнида қушон-сосоний типдаги тангалар, Пероз тангалари ва унга тақлидан

зарб қилинган тангалар учрайди, кейинги қабрларда эса мил. 5—6-а.лардаги Термиз ҳукмдорлари тангалари топилган, уларнинг бир томонида лангар тасвирланган. 7-а.дан 12-а.гача Қ.даги ярим кўмилган айрим хоналар ва ғорлардан зоҳидлар фойдаланишган.

Қ.дан топилган расмлар, ҳайкаллар ва б. декоратив-амалий санъат буюмлари қушонлар давридан Тармита — Термизда ўзига хос анъана ва йўналишга эга бўлган алоҳида бадий мактаб бўлганидан далолат беради. Бу мактаб қушонлар даврида Бактрия бадий маданиятининггина эмас, балки бутун антик маданиятнинг ривожланишида катта роль ўйнайди.

Қазиш пайтида Қ.дан *Қушон подшолиги* даврига оид сопол идишлар, коса ва кўзачалар, мис чақалар, оҳақтошдан ишланган меъморлик деталлари, плиталар, сопол чироғдонлар топилган. Топилмалар ичида 70 дан ортиқ сопол идиш синиқларига ҳиндча битилган ёзувлар (кхароштхи ва браҳма ёзувлари) ва деворларга чизилган қушон-бактрия ҳамда форс-пахлавий ёзувлари характерли.

Шокир Пидоев.

ҚОРАТЕПА ТОҒЛАРИ - Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий қисми. Шарқдан ғарбга 50 км дан зиёд, шим.дан жанубга 35—40 км га чўзилган. Шарқий қисмидаги Чақиликалон тизмасидан Тахтақорача довони орқали ажралган. Ўртача бал. 1000—1500 м, энг баланд жойи Қумғазачўккиси (2197 м). Қ.т.нинг ён бағирлари кўплаб чуқур сой ўзанлари, шим.да Илонсой, Оғалик, Оқсой, Сазағонсой ва б., жан.да Қашқадарёнинг бир қанча ўнг ирмоқлари (Макрид, Оёқчидарё, тарағай ва б.) билан кесилган. Сувайирғич қисмининг баъзи жойларида майдони кичик текисланган юзалар учрайди. Қ.т. йирик гумбазсимон горст-антиклиналь кўтарилма бўлиб, асосан, палеозой даврининг магматик, метаморфизм ва чўкинди тоғ жинсларидан (гранит, гранодиорит, диорит, сланец, қум-гош, оҳақтошлардан) иборат. Оҳақ-тошларда

карст рельеф шакллари: каррлар, ғорлар (Пуданали, Каптархона. Ҳазрати Довуд, Томчиота. Амир Темур ғорлари ва б.) ҳосил бўлган. Иқлими баланд қисмида мўътадил, куйи ва ғарбий қисмларида континентал курук. Ииллик ёғин ғарбий қисмида 400—450 мм, шарқида 700—750 мм. Тоғларда типик ва тўқ бўз ҳамда жигарранг тупроқлар тарқалган. Уларда қўнғирбош, қорабош, буғдойик, турли буталар (бодомча, наъматак ва б.), арча ўсади.

ҚОРАТЕПАСОЙ - Самарқанд вилояти Ургут туманидаги сой. Уз. 39 км, сув тўплаш ҳавзаси (ирмоқлари Тераксой ва Севазсой б-н) 24,6 км². Қоратепа қишлоғи яқинида Омонқўтонсойга Қўзичисой қўшилиб Қ.ни ҳосил қилади. Дарғом каналига қуйилади. Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Водий кенлиги 700 м, бир-биридан ажралиб турган уч аллювиал террасага эга. Селга қарши курашиш мақсадида Қоратепа қишлоғидан 2 км қуйида Қоратепа сув омбори қурилган.

ҚОРАТЕРАК — толдошларга мансуб дарахт. Россиянинг Европа қисми, Сибирь ва Ўрта Осиёда кўп тарқалган. Икки уйли ўсимлик. Бўйи 25 м гача, диаметри 4 м га етади. Танаси йўғон, кулранг пўстлоқ билан қопланган. Барги учбурчак, майда аррасимон қиррали, узун бандли, навбатлашиб жойлашган. Барг чиқаришдан олдин гуллайди. Гуллари майда, бир жинсли, кучала тўпгулга йиғилган. Меваси кўп уруғли, пишганда 2—4 паллага бўлинадиган кўсакча. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ёввойи ҳолда учрайди. Қ.нинг барг куртаги таркибида эфир мойи, смола, органик кислоталар, гликозидлар, ош-ловчи ва бўёқ моддаар бор. Халқ табobatiда Қ.нинг барг куртагидан тайёрланган дамлама ҳароратни пасайтирувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи восита сифатида ишла-

тилади. Урути, қаламчаси ва илдиз бақкиларидан кўпайтирилади. Дарахтзорлар ва дарё бўйларида ўрмонлар барпо қилишда фойдаланилади. Ёғочи юмшоқ.

ҚОРАТИКАН — ит-жумрутдошларга мансуб сертикан бута, баъзан дарахтча. Ғарбий ва Ўрта Осиё, Кавказ, Қримда тарқалган. Бўйи 2—3 м. Барглари оддий, бандли, серэт, қийшиқ-тухумсимон ёки қийшиқ-эллипссимон. Гуллари икки жинсли, майда, кўкимтир-сарғиш, барг кўлтиғидаги соябонларда жойлашган. Меваси курук, дисксимон, қанотчали, диаметри 15 — 25 мм, курук, қизғиш-жигарранг. Май ойида гуллаб, меваси июнь—авг.да етилади. Қ. ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли. Пўстлоғи ва меваси таркибида ошловчи моддалар бор. Илдизи ва барги сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Яшил деворлар ҳосил этиш учун экилади.

ҚОРАТОВ (Манғистов) — Манғишлоқ я.о.даги (Қозоғистоннинг Манғишлоқ вилояти) тоғ. Уз. 130 км. Энг баланд жойи 556 м (Бестоки тоғи). Юзаси тўлқинсимон плато кўринишида. Ён бағирлари дарасимон курук сой ва жарликлар билан ўйилган. Тектоник жиҳатдан антиклиналь структура бўлиб, кучли бурмаланган триас, юра, бўр даврларига мансуб қумтош, сланец, оҳақтош, мергель, гиллардан ташкил топган. Қ.да шувок-шўра, баъзи жойларида бута ўсимликлари ўсади, яйлов сифатида фойдаланилади. Темир, мис, тошқўмир конлари бор.

ҚОРАТОВ — Тяньшан тоғларининг шим.-ғарбий тармоғи. Уз. 420 км дан зиёд. Қозоғистоннинг Жамбул, Жан. Қозоғистон ва Қизилўрда вилоятлари худудида жойлашган. Шим.-шарқдан Чусарисув, жан. ва жан.-ғарбдан Сирдарё ботиқлари билан ўралган. Энг баланд жойи 2176 м (Бессоз тоғи).

Қ.нинг сувайирғич қисми текисланган юзалардан иборат. Ён бағирлари

асимметрик тузилишга эга: шим.-шарқий ён бағри тик. Тизма герцин бурмаланиши даврида шаклланган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилаётган гумбазсимон-палахса типигаги антиклинорийдир. Сланец, кумтош, конгломерат, гнейс, оҳақтош, доломитлардан ташкил топган. Куйи палеозой даври оҳақтошлари, айникса, кенг тарқалган. Буларда карст жараёнлари яхши ривожланган бўлиб, карст воронкалари, ботиклари, ёрлари каби рельеф шакллари ҳосил бўлган. Қ.да йирик фосфорит ва полиметалл руда конлари (Мирғалимсой, Кентов, Ачисой ва б.) очилган ва қазиб олинмоқда.

ҚОРАТОВ (1963 й.гача Чўлоқтов шаҳарчаси) — Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятидаги шаҳар. қоратов тоғи этагида жойлашган. Тароз ш.дан 90 км шим.-ғарбдаги т.й. станцияси. Қоратов фосфорит ҳавзасининг маркази. Аҳолиси 27,4 минг киши (2002). Фосфорит қазиб олиш ва қайта ишлаш кон-кимё кти ишлаб турибди.

ҚОРАТОВ — Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳарча (1964 й.дан). Нукус шаҳар кенгашига қарашли. Амударёнинг ўнг соҳилидаги пристань. нукус т.й. станциясидан (Тошкент — нукус) 91 км. Аҳолиси 2,2 минг киши (2005). Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Умумий таълим мактаби, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тиббий пункт, дорихона бор.

ҚОРАТОВ МАКОНЛАРИ - Аристанди ва Бурултой (Жан. Қозоғистон) дарёлари оралиғидаги Ушбос-Кўктол водийсида, Қоратов (Тяньшаннинг шим.-ғарби) тизмаси ён бағрида жойлашган куйи палеолит даврига оид маконлар мажмуи. Археолог Х.А.Алпис-боев текширган. Қ.м. ичида энг муҳимлари — шелль-ашель даврларига оид Бўриқазған, Тангирқазған ёдгорликлари ва ашель-

мустье даврларига оид Тўқали—1 ва Тўқали—5 ёдгорликлари мажмуаларидир. Палеолит қатламлари айрим кичик дўнгликлар ва тоғ ён бағридаги текис платода жойлашган. Қ.м.дан тош қирғичлар, қирғичсимон асбоблар ва б. топилган.

ҚОРАТОВЕВ Муҳаммаджон Қўжасбоевич (1910.22.12, Қизилўрда вилояти Теликўл овули — 1992, Олмаота) — қозоқ адабиётшуноси, ёзувчи ва таржимон. Қозоғистон ФА акад. (1975), Қозоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). Филол. фанлари д-ри (1963), проф. (1965). Абай номидаги Қозоқ педагогика ин-тини тугатган (1933). Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби (1936—37), раиси (1937—38), Қозоғистон педагогика ин-ти қозоқ адабиёти кафедрасининг мудири (1960). «Жазуши» нашриётида қатта муҳаррир, таҳририят мудири, бош муҳаррир ўринбосари, директор (1955—60), 1960 й.дан М. Аvezов номидаги Адабиёт ва санъат ин-тида бўлим мудири, 1968 й.дан Қозоқ совет энциклопедияси Бош муҳаррири. Адабий фаолияти 1933 й.дан бошланган. «Жонажон адабиёт ҳақида ўйлар» (1958), «Сакен Сайфуллин» (1964), «Маҳорат ва дунёқараш» (1965), «Мух-тор Аvezов» (1967), «Дўмбрадан китобга» (1969), «Адабиёт ва эстетика» (1970), «Истикбол чўкқилари» (1972), «Чўкқилар олдинда» (1977) каби адабий-танқидий китоблар муаллифи. Қ., шунингдек, «Чўлдаги гудок» романи (1960, К.Н.Алтайский билан ҳамкорликда), «Жер-уюкка саёҳат» қис-сасини ёзган. М.Горькийнинг «Менинг дорилфунларим» ва М.Шо-лоховнинг «Тинч оқар Дон» (3 китоб) асарларини қозоқ тилига таржима қилган.

ҚОРАТОЛ - толдошларга мансуб дарахт тури. Бўйи баланд, 20 — 30 м, танаси пўстлоғи, новдалари жигарранг-қизил, туксиз. Барглари наштарсимон, кирралари йирик тишчали. Тўпгули айрим жинсли кучала, барглари чиқиши

билан бир вақтда гуллайтиди. Меваси икки чанокди кўсак. Уруғи майда, узун тукли. Дарё бўйларида, шўр тупроқларда ўсади. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида манзарали ўсимлик сифатида экилади, ихота дарахтзорлари барпо этишда фойдаланилади. Новдаси (хивчини)дан саватлар тўкилади. Қаламчаси ва пояларидан экиб кўпайтирилади.

ҚОРАТОЛ — Қозоғистоннинг Олмаота вилоятидаги дарё. Уштарак дарёси куйилгунгача Нуртайўзак деб аталади. Уз. 390 км, ҳавзасининг майд. 19,1 миң км². Жунгария Олатови ён бағ-ридан бошланиб, Балхаш кўлига куй-илади. Юқори оқимида тоғлар орасидан оқади, ўрта ва куйи оқимида етгисув текислигини кесиб ўтади. асосан, муз ва қор сувларидан тўйинади. Декабрда музлаб, мартда муздан бўшайди. Суви суғоришга сарфланади. Қ. бўйида Толдикўрғон, Уштўбе ш.лари жойлашган.

ҚОРАТОЛ — ўрта эртапишар *пиёз* нави. Қозоғистон деҳқончилик и.т. ин-тининг Қоратол тажриба ст-ясида Жонсон навидан яқка танлаш усулида чиқарилган (А.И.Хван, С.У.Ким-Хван). Пиёзбоши юмалоқ, баъзан эти ярим тигиз, таъми ярим аччиқ. Пиёзи ниҳоли униб чиққанидан кейин 112 кунда, июль охирида пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 300—310 ц/га. Яхши сақланади, консерва саноатида қайта ишлашга яроқли. 1967 й.дан давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

ҚОРАТОШ ҲАММОМИ - мейморий ёдгорлик (15—16-а.лар). *Тошкент археология экспедицияси* томонидан Тошкент ш.нинг Қоратош кўчасида очилган. Қ.х. дахлиз, супали ечиниш хоналари, миёнсарой, унинг асосий ўқлари бўйлаб жойлашган хоналар (бу хоналарда иссиқ ва илиқ сувли ҳовуз-чалар бўлган) қад. анъанавий шарқ ҳаммомлари тарҳида қурилган. Хоналар саҳ-нига ялалоқ ғишт

ётқизилган; оқова сув учун ариқчалар қилинган. Хушбўй мбд-далар ва кул суви (ишқорли сув) учун мўлжалланган ҳовузчалар девори ва тубига сувга чидамли махсус қоришма «қир» қопланган. Деворлар кулранг ва пушти ранг ганч билан сувалган, супа тепасидаги деворлар гулдор сирли сопол парчинлар билан безатилган. Қ.х. шаҳарнинг шу ерида жойлашган Ўрда иншоотлари мажмуига кирган ва нуфузли кишиларга мўлжалланган.

ҚОРАТОҒ ЗИЛЗИЛАСИ - 1907 й.нинг 21 окт.ида Ҳисор тоғининг жан. тизмаларида содир бўлган. Зилзиладан аввал ер остилан жуда дахшатли гулдираган товуш эшитилиб, кетма-кет ер қимирашлар натижасида 100 км масофада 150 дан ортиқ қишлоқ вайрон бўлган, 1500 дан ортиқ киши ўлган. Шунингдек, Тўполондарё соҳилларида кўчклар, ўпирималар содир бўлган. Дунёдаги энг кучли зилзилалар қаторидан ўрин олган бу зилзила ўчоғи уч жойда 20—25 минут орасида содир бўлди. 9—10 балли тебраниш майдони 2000 км³ ғи ташкил этган. Зилзилалардан тарқалган сейсмик тўлқинлар 500—600 км масофада ҳам сезилган.

Биринчи зилзила Сурхон водийсининг шим. қисми билан Мачитли тоғининг орасида жойлашган ер узилмасида 21 окт. соат 4 дан 23 мин. ўтганда 30 км чуқурликда пайдо бўлган. Эпи-центрда унинг кучи 9—10 балл бўлиб, магнитудаси 7,5 га етган. Орадан 20 мин. ўтмасдан иккинчи марта ер силкиниб, эпицентри ғарбла, 30—35 км келадиган Сурхон тоғи ён бағ-рида 9 балли куч б-н, 24 км чуқурликда содир бўлган ва Бойсун атрофидаги қишлоқларни яқсон қилган. Орадан 5—6 мин. ўтар-ўтмас учинчи зилзила шарқ томонла жойлашган қоратоғ дарёси атрофларида 20 км чуқурликда ҳаракатга келган. Бу зилзи-лаларнинг кучи 9 баллдан ортиқ, маг-нитудаси 7—7,3 га тенг бўлган. Орадан 6 кун ўтгач, Мачитли тоғининг шим.-шарқида жойлашган Чўянчи қишлоғи атрофида магнитуда-

си 6,2 бўлган 8—9 балли ер силкиниши такрорланди. Зилзила эпицентрларининг иккитаси хоз. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.

Бу зилзилалар умуман тўртламчи даврдан ҳоз.гача Ҳисор узилмалари бўйича вақт-вақти билан бўлиб турадиган тектоник ҳаракатларнинг фаоллигини кўрсатади. 1935 (Бойсун), 1943 (Файзобод), 1949 (Хайит) ва 1968 (Бойсун) йиллардаги 8, 9, 10 балл билан силкинган зилзилалар бу жараёнга мисол бўлади.

Қ.з.дан юзага келган сейсмик тўлқинлар Жиззах атрофларида 5—6, Самарқандда 6—7, Термиз, Панжакент, Хўжанд, Андижонда 4—5, Тошкентда 4 балл билан сезилган.

ҚОРАТОҒДАРЁ - Сурхондарё вилоятидаги дарё. *Сурхондарёнинг* йирик чап ирмоғи. Уз. 99 км, ҳавзасининг майд. 684 км². Ҳисор тизмасининг жан. ён бағридан бошланади. Тоғлар орасида тор, ён бағирлари тик ва баланд водийда оқди. Тескиликка оқиб чиққач, дарё водийси кенгайди. Дарё ўзани шағал, тош, кумтош ва б. жинслардан тузилган. Асосий ирмоқлари Ширкент ва Оқжарсой. Ўртача иллик сув сарфи 22,5 м³/сек. Қ. йил давомида серсув бўлади. Қор ва музлик сувларидан тўйинади. Йиллик оқимнинг 56.7% март — июнь ойларида. 31,8% июль — сент. ва 11,5% окт. — февраль ойларида оқиб ўтади. Дарёдан бир неча ариқ ва каналлар чиқарилган.

ҚОРАТУМШУҚ - Шарқий Помирнинг жан.-шарқий қисмидаги Оқсув дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган мезолит даврига оид макон (мил. ав. 8— 5-минг йиллик). Маконда яшаган қад. одамлар майда тошлардан қуроқлар ясаган. Қ.дан 200 дан ошиқ буюмлар (чопки парчалари, нук.; *еусс* и мон курақлар, нук-леус-ўроқ, рандалар, қирғич ва б.) топилган, шулардан 80 таси меҳнат қуроқлари эканлиги аниқланган. Қ. топилмалари ичи-да, айниқса, қирқувчи қурол-понасимон тиф ажралиб туради.

Қуроқларнинг анча қисмини кескич буюмлар ташкил қилади. қуроқлар ва тошларга ишлов бериш техникаси ўзига хос характерга эга. Тош қуроқлар тайёрлашнинг асосий техник усуллари палеолит даври қуроқларига ўхшаб кетади.

ҚОРАУНГУР — Андижон вилоятидаги дарё. Фарғона тизмасининг шим.-шарқий ён бағридан бошланади. Ҳавзасининг майд. 1244 км². Дарё юқори қисмида тоғлар орасида оқди. Ўртача йиллик сув сарфи 29,5 мУсек. Музлик ва ёмғир сувларидан тўйинади. Дарё суви баҳорда кўпаяди. Бозоркўрғон қишлоғидан оқиб ўтгач, Тентаксой деб аталади. қ. Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти ҳамда Пахтаобод тумани экин майдонларини сув билан таъминлайди.

ҚОРАУНГУРСОЙ РАСМЛАРИ - Нурота тоғлари Қоратоғ тизмасининг жан. ён бағридаги Қораунгурсой қоятошларига ишланган тасвирлар. Навоий вилояти Навбахор тумани ҳудудида. Х.Мухамедов топган. Н.Тошканбоев, А.Қабировлар гомонидан ўрганилган. Расмлар (250 дан ортиқ)нинг асосий қисми мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмига мансуб, илк ўрта асрларга оид расмлар ҳам уч-райди. Расмлар услуб жиҳатидан ҳар хил бўлиб, бу уларнинг турли даврларда яратилганидан дарак беради. Расмлар қаттиқ буюмлар билан уриб-ўйиб соя. оддий чизиқлар услубидан ишланган. Қояларда чавандозлар, от, ит, эчки, кўй, тўнғиз, архар, йирт-қич ҳайвонлар ва б. тасвирланган. Қ.р. шу ҳудудда яшаган қад. аждодлар хўжалиги. этикоди, маданияти ва санъатини ўрганишда муҳим манба сифатида қимматлидир.

ҚОРАХИТОЙ ГАЗ-НЕФТЬ КЕНИ Қашқадарё вилояти Косон туманидаги кон. Қарши ш.дан 20 км шим.-шарқда. 1961 й.да очилган. 1965 й.да фойдаланишга топширилган. Кон рельефи кучсиз табақаланган текисликдан иборат.

Қ.г.-н.к. Муборак кўтарилмасининг жан. қисмидаги энг баланд майдонда, 15-горизонт шипи бўйича асимметрик брахи-антиклиналь бурмада жойлашган. Бурма шим.-ғарбий йўналишда чўзилган, унинг гумбази кўтарилма-узилма кўринишида. Қ.г.-н.к.да жами 17 та қудук қазилган; палеозой эраси, юра, бўр ва неоген, тўртламчи давр жинслари очилган. Саноат миқёсидаги газ-лилик куйи бўр даврининг (12-, 13-горизонтлар), нефть-газлик эса, юкори юра даврининг ётқиқликлари билан боғлиқ. Газ уюми тўлиқ қатламли, гумбазли, тектоник тўсилган типга мансуб. Уюм ўлчами 4,3x2,05 км, бал. 155 м. Газга тўйинган қатлам қалинлиги 23,3 м. Нефть уюми устида газ қопқоғи мавжуд. Нефть юкори олтингуртли (2,35%), смолали (15,5—30%), парафинли (2,29-4,01%). Қ.г.-н.к. захирасига кўра кичик қонлар тоифасига киради. Ҳоз. кунда қондан фойдаланил-моқда.

ҚОРАХИТОЙЛАР - киданлар давлати тор-мор этилгач (1125), Урта Осиёга келган киданлар ва улардан илгарироқ бу ерга кўчиб келган киданларга (16 минг оила) ўрта аср муаррихлари томонидан берилган ном. 12-а. ўртаси — 13-а. бошларида 18 ёшга тўлган барча Қ. Қорахитойлар давлатини тузган киданларнинг Елюй уруғидан чиққан гурхонларнинг қўшинида ҳарбий хизматни ўташган. Қ.нинг асосий қисми Талас ва Чу дарёлари водийсида қорвачилик билан машғул бўлганлар. Қ.да патриархал-уруғчилик тузуми қолдиқлари билан уйғунлашиб кетган мулкчилик муносабатлари устувор бўлган, бироқ аёллар қатта ҳуқуққа эга эдилар. қ. буддавийлар бўлса-да, осмон, ер ва аждодлар руҳига қурбонлик қилишган. *Чингизхоюшт* маслаҳатчиси *Елюй чуқай* Қ. орасида бўлганида уларнинг юксак адабий фазилатларга эга досто-нини ёзиб олган. Кейинчалик қ. кўшни туркий халқлар таркибига сингиб кетишган. Қирғиз, козоқ ва қорақалпоқлар таркибида Қ. қабила-уруғ

номи учрайди. Қ. моддий маданияти обидалари тадқиқ этилмаган.

ҚОРАХИТОЙЛАР ДАВЛАТИ - ўрта асрларда Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Етгисув ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлат (тахм. 1140—1213). Пойтахти — Чу дарёси бўйида жойлашган Хуси-орда (Боласоғун). Асосчиси — Елюй Даши. У 1124 й. гурхон унвонини қабул қилган. 1125 й. кидонлар салтанати чжурчжэнлар томонидан тор-мор этилгач, бир гуруҳ тарафдорлари билан Шим.га қочган. турли қабила жангчилари билан ўз қўши-нини тўлдириб Ғарбга йўл олган ва илгари бу ўлкаларга келиб жойлашган киданлар ёрдамида бутун Туркистонни босиб олган (1141). Гурхонлар киданларга тақдидан тангалар зарб этдирганлар, лекин мамлакатнинг иктисодиёти ва ички ишларига кам ара-лашганлар, улар фақат вас-салларидан (Балх, Хоразм, Хўтан, Гаочан ва б.) солиқ олиш билан кифо-яланганлар. Қ.д.ни 2 марта аёллар идора этган. Қ.д. Амударё ва Балхаш кўлидан Куньлун ва Бэйшан тоғларига қадар ҳудудни эгаллаган. Қ.д.нинг қулаши мўғуллар томонидан Шарқий Туркистонни босиб олиниши ва 1208 й. улардан қочган най-манларнинг келиши ва 1211 й. Гурхоннинг асир олиниши (2 й.дан сўнг вафот этган) билан боғлиқ бўлган. 1218 й. найманлар Чингизхон томонидан бўйсундирилган.

ҚОРАХОНИЙЛАР, хонийлар, хоқонийлар — Қорахонийлар давлатини бошқарган хоқонлар сулоласи. «Қ.» ибораси шартли равишда сулола номи сифатида қўлланилиб, давлат ҳукмдорлари «қорахон» — буюк хон унвони билан юритилган. Шу боис шарқ-шунос олим В.В.Григорьев сулолага «Қ.», деб ном берган ва у илмий адабиётларда мустаҳкам ўрнашиб қолган. Қ.нинг йирик вакиллари: *Абдулқарим Сотуқ Бугрохон* (859—955), Мусо ибн Абдулқарим (955—970), Ҳасан ибн Сулаймон (977—992), Аҳмад ибн Али Арслонхон (998—1017);

ҳокимият амалда укаси Наср ибн Али қўлида бўлган, у Мовароуннахрни босиб олган), Мансур ибн Али (1017—26), *Иброҳим ибн Наср* Тамғачхон (1040—70), Арс-лонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102—30). 1130 й.дан *салжуқийларта*, 1140-й.лар бошида қорахитойларга қарам бўлган. Қ.нинг сўнги вакили Усмон ибн Иброҳим 1212 й. *Муҳам-мад* Хоразмшоҳ томонидан ағдарилиб қатл қилинган.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ, хонийлар ёхуд Хоқонийлар давлати — Шарқий Туркистон, етгисув ва Тяньшаннинг жан. ён бағрида ташкил топган давлат. *Қорахонийлар сулолас*к бошқарган. Қ.д.нинг барпо этилишида қарлуқ, чигил ва яғмо қабилалари етакчи роль ўйнаган.

Қ.д.нинг салтанат даражасидаги ривож ва тараққиёти 10-а.нинг 2-яр-мига тўғри келади. *Абдулкарим Сотуқ Бугрохон* ҳокимиятни эгаллаб, ўзини «Қорахон» деб эълон қилади. Бугрохондан кейинги барча хонлар ҳам ушбу ун-вон билан улуғланган.

Мазкур давлат чегарасида ислом дини кенг ёйилган. Қорахонийлар ўз давлат чегарасини *сомонийлар* сулоласига тегишли ҳудудлар ҳисобига кенгайтириш сиёсатини олиб боришган. Сомонийлар ҳокимияти бу вақтга келиб, чуқур сиёсий, ижтимоий-иқтисодий инқирозга юз тутиб заифлашиб қолган эди. Ана шундай вазиятда қорахонийлар сомонийлар пойтахти Бухорони деярли қар-шиликсиз ишғол этишади. Бироқ, Ҳасан Бугрохон бетоблиги туфайли Бухорода узок турмай, Қашқарга қайтишда йўлда вафот этади. 996 й. қорахонийлар яна Мовароуннахр сари юриш бошлайди. Ғазнавийлар билан олиб борилган музокаралар натижасида ўртада шар-тнома тузилиб, унга кўра, Сирдарё хав-заси қорахонийлар қўлига ўтади. Амударёнинг жан.даги ерларда ва Хуросон ҳудудида *Сабуктегини* ҳукмронлиги ўрнатилади. Сомонийлар ихтиёрида эса Мовароуннахрнинг марказий қис-мигина қолади. Сомонийлар ҳокимияти тугатилгач, 10-а. охирлари

келиб, Қ.д. Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Етгисув, шарқда эса Торим дарёсигача бўлган катта ҳудудга эгалик қилади. Амударё Қорахонийлар ва *Ғазнавийлар давлати* ўртасида чегара бўлиб қолади. Лекин ушбу 2 туркий давлат ўртасида ҳам Хуросон ҳудуди учун ўзаро урушлар бўлиб ўтади. 1006 ва 1008 й.ларда қорахонийлар Хуросонга қўшин тортиб, Балх, Тус ва Нишопур ш.ни забт этади. Лекин Султон *Маҳмуд Ғазнавий* қорахонийларга зарба бериб, Хуросонни ўз қўлида сақлаб қолади. Ғазнавийлар кейинчалик дастлаб ўзлари ер бериб, ҳомийлик қилган *салжуқийлар билан* зид-диятга киришиб, ўртада катта ҳарбий тўқнашувлар юз беради. 1040 й.да эса *Данданакон жанги*га ғазнавийлар салжуқийлар томонидан қакшат-қич зарбага учраб ўзларини қайтиб ўнглай олмайди. Ғазнавийлар давлатини бу инқирозидан, қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўритегин фойдаланиб қолади. У дастлаб Хутталон, Вахш ва Чағониённи ғазнавийлардан тортиб олади. Кейинчалик бутун Мовароуннахрни ва Фарғонани ўзига бўйсунди-риб мустақил сиёсат олиб боради. Оқибатда Қ.д. 1041 й.га келиб 2 мус-тақил давлатга: шарқий ва ғарбий қисмга бўлиниб кетади. Шарқий қис-мига Етгисув, Қашқар, Тароз, исфижоб, Шош ва Шарқий Фарғона кирган. Пойтахти Боласоғун, маданий маркази Қашқар бўлган. Ғарбий қисм Мовароуннахрдан то фарғона водийсининг ғарбий чегарасигача бўлган ерларни ўз ичига олади. Маркази Самарқанд ҳисобланган.

Ягона Қ.д. бу тарзда иккига бўлиниши ва улар ўртасида сулолавий курашларнинг давом этиши, ердан фойдаланишга *икто* тартиботининг кенг ёйилиши ва маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши марказий ҳокимиятни заифлаштириб қўяди. Натижада Қ.д. 1130 й. салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжарга тобе бўлиб қолади. 12-а.нинг 30-й.лари охирида Қ.д. шарқдан келган янги истилочилар

— кўчманчи *қорахитойлар* хужумига ду-чор бўлиб, парчаланиб кетди. Лекин Қ.д., гарчи таркоқ холда бўлса-да, 13-а. бошига қадар мавжуд бўлган. 1212 й.да қорахонийларнинг сўнгги вакили Усмон ибн Иброҳимнинг Алоуд-дин Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан қатл этилиши қорахонийларни сулола сифатида расман барҳам топи-шига олиб келди.

Қ.д. вужудга келган дастлабки вақт-да, унинг этник асоси ва аҳолисининг таркибини Еттисув, Исфижоб, Шош, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонанинг шим.-шарқий худудларида яшовчи қарлук, чигил, халач, тўхси ва арғун каби кўплаб қабилалар ташкил этган. Қорахонийлар кейинчалик Мовароуннахр узра ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, ўлкаларда қадимдан яшаб келаётган ўтроқ ва кўчманчи аҳолини, мазкур ягона давлатнинг умумий чегараларида ўзаро бир-бирига яқинлашиш ва аралашиб бориш жараёни тезлашди. Уларнинг иқтисодий, маданий ҳаёти, бир-бири билан алоқа-дорликда ривожлана борди. Туб ерли аҳоли таъсирида ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда яшаб келган этник гуруҳлар ўтроқлашиб дехқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланидилар.

Бу объектив воқеа-ҳодисалар натижасида ўзбек халқининг этник, худудий ва маданий жиҳатдан белгиларида умумийлик ҳосил бўлиб, бу даврда ўзбек халқининг халқ сифатида шаклланиш жараёнининг якуний бос-қичи юз берди (қ. *Ўзбеклар*).

Маъмурий-бош қарув тизи-м и . Қорахонийлар давлатчилиқ тизими ўзидан олдин ўтган Турк ҳоконлиги, Туркеш давлати каби туркий давлатларнинг давлатчилиқ тажрибаси ва анъаналари-га асосланган. Қорахонийлар сулоласи давлат бошқарувида бу тажри-балардан унумли фойдаланиб, ўз навбатида, уни ривожлантириб, янги тараққиёт босқичига олиб чиққан. Қ.д. да

стлаб ташкил топган вақтда (9-а. ўрта-си) маъмурий-бошқарув тизими, каби-

лаларнинг ўзаро иттифоқи негизига асосланган эди. Бунда давлат бошлиғи «ябғу» деб номланган. Ўлкадаги барча қабилалар ябғуга бўйсунган, аини вақтда ябғу ўзи ҳукмронлик қилаётган худуддаги барча қабилаларни ташқи хужумлардан ҳимоя қилган. Жойларда ҳар бир қабилани ўз сардорлари бошқарган. Қабилла сардорлари аини вақтда, шу қабилани ҳарбий саркардаси бўлиб, ҳокон ноиб ҳисобланган. Ҳарбий ҳара-катлар вақтида улар ябғунинг буйруғига биноан ўз ҳарбий бўлинмалари билан урушда қатнашишган.

Вақт ўтиши билан қорахонийларнинг бу маъмурий бошқарув усули ривожланиб, такомиллашиб борган. 10-а.нинг ўрталарига келиб, Қ.д. ўз таркибига кўшни қабилаларни ҳам қўшиб олиб, худудий жиҳатдан кенгайиб, қатта сиёсий кучга айлангач, уларнинг давлат бошқарувида ҳам маълум ислохотлар юз берди. Давлат тепасида одатда «қорахон» унвони билан улуғланган «буюк хон» ўтирган. Хонлик тахтига оға-иничилик удуми асосида сулоланинг энг ёши улуғ кишиси ўтирган. Хонлар «қорахон» унвони билан бирга тавғачхон, *арслонхон*, *буг-рохон* каби фахрий унвонлар билан ҳам улуғланган.

Қорахонийлар давлат бошқаруви юқоридан куйига қараб шакллантирилган бўлиб, давлат вилоятларга бўлиб идора қилинган. Эл-юрт ҳокимлари элоқхон деб номланиб, бу унвон эгалари «элнинг оқ хони», яъни «буюк хон» қорахондан нуфуз ва даражасига кўра кейинги ўринда турувчи «кичик хон» ҳисобланган. Элоқхонлар ҳокон ноиб бўлишса-да, ўлкада ўз номлари билан танга-чақалар зарб этиб, ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка интилишган. Элоқхонлар орасида, Моваро-уннахр элоқхони қатта обрўга эга бўлиб, у, одатда, Самарқандда турган. Бу даврда вилоятларни «такин» унвонидаги кишилар бошқарган. «Такин» атамаси дастлаб қадим туркийларда ҳокон вориси, валиаҳдига нисбатан қўлланилиб, кей-

инчалик ҳарбий лашкарбошилар унвони сифатида ҳам ишлатилган. сомонийлар ва қорахонийлар даврига келиб «такин» унвонидаги ҳарбий лашкарбошилар айна вақтда бирон-бир вилоят ноиблигини ҳам бошқарган. Қорахонийлар даврида такинларнинг нуфузи ошган. Чунки ҳарбий юришлар вақтида улар давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар бошқаруви эса шаҳар ҳоқими, раис ва муҳтасиблар қўлида бўлган. Улар шаҳарнинг ички ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий равнақи учун

масъул ҳисобланган. Диний ҳаётда ислом дини давлат мафқураси даражасига кўтарилган. Давлатнинг мустақамлиги ва гоъвий бирлиги учун қорахонийлар рухонийлар билан яқин ва дўстона муносабатда бўлишга интилишган. Бу даврда имомлар, саидлар, шайхлар ва садрларга эътибор кучайиб, уларнинг об-рўси ниҳоятда баланд бўлган. Бу эса давлатнинг сиёсий ҳаётида улар таъсирининг кучайиши ва вақф ерларининг кенгайишига олиб келган.

Маданияти. Қорахонийлардаврида турли ўлкаларнинг бирлашиши фан ва маданият ривожига ҳам имкон берди. Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Боласоғун, Қашқар, Ўзган каби шаҳарлар ҳам маъмурий, ҳам маданий марказ сифатида аҳамияти ошиб, янада кенгайиб, ривожланиб борган. Қорахонийлар фан ва маданиятнинг ўлка ҳаётидаги муҳим ўрнини англаб унга ҳомийлик қилишган. Буюк ипак йўли асосидаги ҳудудлараро савдо-сотик янада равнақ топди.

Шу даврда бунёд этилиб, ҳозиргача сақланган *Работи Малик*, *Масжиди калон*, *Минораи калон*, *Вобкент минораси*, *Жарқўрғон минораси*, *Магоки аттори масжиди* ҳамда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, макбара, тим ва карвонсарой каби иншоотлар қорахонийлар даврида ҳашаматли бинолар қуриш санъ-ати юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Амалий безак санъати — нақшинкорлик, ганчкорлик ва кулолчи-

лик йўналишлари ривожланган. Адабиёт юксалган. *Юсуф Хос Ҳожибт'нт* «Қутадғу билиг», *Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк»* каби асарлари шу даврда яратилган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1991; Кораев О., История Караханидского каганата X — начало XIII вв., Фрунзе, 1983; Муҳаммадҷонов А.Р., Ўзбекистонга-рихи, Т., 1994; Шониёзов Қ., Қарлук давлати ва қарлуқлар, Т., 1999.

Бехзод Маҳмудов.

ҚОРАЧА — 1) ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси; 2) айрим туркий халқларда уруғ номи (мас, қирғиз ва қозоқларда, ўзбекларнинг қатагон, лақай, қирқ, сарой қабилалари таркибида қ. уруғи бўлган). 13-а. бошларида Чингизхон давлатидаги оддий кўчманчи аҳоли Қ. деб аталган. Сўнги ўрта асрларга келиб Зарафшон воҳаси ва б. айрим жойларда «Қ» атамаси ўтrock дехқончилик билан шуғулланиб келган, оксуяқ ҳисобланмаган (саид, хўжа, эшонлар авлоди бўлмаган) аҳолига нисбатан қўлланган.

ҚОРАЧАРВОҚ РАСМЛАРИ - Нурота тоғлари Қоратов тоғ тизмасининг жан. ён бағридаги Қорачарвоқ қоятошларига ишланган тасвирлар. Навоий вилояти Навбахор тумани ҳудудида. 1969 й.да археолог А.Қабиров томонидан топилган ва ўрганилган. Қ.р.нинг энг қад.лари мил. ав. 3-минг йилликларга мансуб, шунингдек, мил. ав. 1-минг йиллик ва илк ҳамда кейинги ўрта асрларга оидлари ҳам учрайди. Расмлар қаттиқ буюмлар билан уриб-ўйиб соя ва оддий чизиқлар услубида ишланган; уларда одам, ёввойи буқа, сигир, от, ит, туя, тоғ эчкиси, буғу, тўнғиз, бўри, қоплон ва б. хайвонлар тасвирланган. Ёввойи хайвонларни овлаш, чорвачилик, хайвонлар жанги билан боғлиқ манзара ва лавҳалар анчагина. Санъат обидаси сифатида Қ.р. шу ерда яшаган қад. халқнинг маданияти, ҳаёти, тарихини ўрганишда қимматлидир.

ҚОРАЧИТТАК - *чумчүқсимонлар* туркумига мансуб қуш. Европа, Жан. Сибирь, Шарқий ва Жан. Хитой, Эрон, Кавказда, Ўрта Осиёнинг шарқий Тяньшан қисмида тарқалган. Қаноти 55—58 мм, вази 9—10 г. Боши, томоғи ва кўкраги қора. Усти тўқ кулранг. Қорин қисми оч жигарранг. Юм-шоқ тўшамали ковакларга уя қуради. Йилига 2 марта 7—11 тадан тухум қўйиб, 12—14 кун босади. Полопонларини уясида 20 кун озиклантиради. Ҳашаротлар тухумлари ва личинкалари ҳамда ўсимликлар уруғи билан озикланади. Қ. кишга захира озик тўплайди. Урмон хўжалиги учун фойдала куш.

ҚОРАЧИҚ — кўзнинг ёй пардасидаги «тирқиш». Ёруғлик нурлари Қ. оркали кўз ичига қиради. Ўта ёруғда Қ. тораяди, хира ёруғ ёки қоронғида, шунингдек, киши оғриқдан изтироб чекканда ва о. таъсиротларда у кенгайди. Қ. реакцияларини текшириш муҳим диагностик ахамиятга эга (яна қ. Кўз).

ҚОРАЧОЙ-БОЛҚОР ТИЛИ - туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тил; асосан, РФнинг Қорачой-Черкасия Республикаси, шунингдек, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Туркия, Сурия, АҚШда яшовчи қорачойларнинг ҳамда РФнинг Кабарда-Балқария Республикаси ва унга қўшни худудларда яшовчи болқорларнинг тили. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 235 минг (қора-чойлар 150 минг, болқорлар 85 минг) кишидан ортиқ (20-а. охира-ри).

Қ.-б.т., асосан, фонетик, қисман лексик-морфологик тафовутларга эга бўлган 2 та: «ч» ловчи - «ж» ловчи (қорачой) ва «ц» ловчи — «з» ловчи (болқор ёки молқор) лахжаларига бўлинади. Мас, кучук > куцук, бичақ > бицақ (пичоқ), жуз > зуз (юз), жил > зил (йил) ва б. Қ.-б.т.нинг узи-га хослиги сифатида яна баъзан сўз бошидаги «й» ундошининг тушиб қолиши (йахши > ахши, Йахйа — Ахйа), дона ва

тартиб сонлар ҳосил қилишнинг алоҳида усули (бир он — ўн, эки он — йигирма юч он — ўттиз; бир жийирма — йигирма, еки жийирма — қирк, юч жийирма — олтмиш) кабиларни кўрса-тиш мумкин. Лексикасида рус, осетин. адигей тилларидан ўмашган сўзлар мавжуд.

Ўтган асрнинг 20-й.ларида «ч» ловчи лахжа асосида адабий Қ.-б.т. шаклланди. Ёзуви 1924—26 й.ларда араб графикаси, 1926—37 й.ларда лотин графикаси, шундан кейин рус графикаси асосида шакллантирилган.

Ад.: Баскаков НА.. Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Алиев У. Б., Синтаксис карачево-балкарскою языка, М., 1973; Проблемм семантики и стилистики карачево-балкарского язмка, Нальчик, 1987.

ҚОРАЧОЙЛАР (ўзларини қорачайлилар деб аташади) — туркий халқ. асосан, РФнинг Қорачой-Черкасия Республикаси ва Ставрополь ўлкасида яшайдилар. РФ да 192 мингдан ортиқ (2002). Қ.нинг кичик гуруҳлари Ўрта Осиё, Қозоғистон, Туркия, Сурия ва АҚШда яшайди. Қорачой тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Қ.нинг шаклланишида Шим. Кавказнинг маҳаллий тоғлик қабилалари ҳамда булғор, қипчоқ ва аланлар қатнашган. Сўнгги ўрта асрларда Қ. Катта Кабарда таъсирида бўлганлар. 1828 й. Россия империяси таркибига кирганлар. 1943 й. Қ. ўз юртидан ЎртаОсиё ва Қозоғистонга мажбуран кўчирилганлар. 1957 й. Қ. ўз жойларига қайтиб келганлар. Асосий машғулотлари яйлов чорвачилиги ва деҳқончилик бўлган.

Хунармандчиликнинг ҳар хил турлари; зардўзлик, намад и.ч., ёғоч ўймакорлиги, ғилам тўкиш, сангтарошлик ва х.к. ривожланган.

ҚОРАЧОЙ-ЧЕРКАСИЯ, Қорачой-Черкасия Республикаси — Россия федерацияси таркибидаги республика. Россия Европа қисмининг жан. да жойлашган.

Майд. 14,1 минг км². Аҳолиси 439,7 минг киши (2002). Пойтахти — Черкесск ш. Маъмурий жихатдан 8 р-н, 4 шаҳар ва 7 шаҳарчага бўлинган.

Давлат тузуми. Қ.-Ч. — республика. Олий мансабдор шахс — республика президенти. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ мажлиси (парламент), ижрочи ҳокимиятни раис бошчили-гидаги республика ҳукумати амалга оширади.

Табиати. Қ.-Ч. Катта Кавказнинг шим. ён бағрида, Эльбруснинг ғарб ва шим. да. Шим.роқда Ён тизма жойлашган бўлиб энг баланд нуктаси — Эльбрус (5642 м). Фойдали қазилмалари: кўмир, олтин, рангли металллар, ўтга чидамли гил. Иқлими баландлик минтақалари бўйлаб ўзгариб боради. Шим.да (тоғ этакларида) янв.нинг ўртача т-раси — 5°, жан.да (баланд тоғларда) — 10°, июлники шим.да (тоғ этакларида) 21°, жан.да (баланд тоғларда) 8°. Йиллик ёғин 550—2500 мм. Асосий дарёлари — кубань ва унинг ирмоқлари. Тупроқлари шим.да қоратупроқ, жан.да баландлик ортиб борган сари тоғ-ўрмон кўнғир ва тоғ утлоқи тупроқлар тарқалган. Тоғ этакларида дашт ўсимликлари, тоғларда қорақайин, граб, эман, дарё водийларида қарағай, қорақарағай, оққарағай ўсади, тоғларнинг юқори қисми субальп ва альп ўтлоқларидан иборат. Ўрмон ва баланд тоғларда кўнғир айиқ, ўрмон мушуги, қобон, силов-син, сувсар, асл бугу, кийик, ёввойи эчки, қушлардан улар, қарқур яшайди. Худудиди Теберда кўриқхонаси ва Кавказ кўриқхонасининг бир қисми жойлашган.

Аҳолиси. Қ.-Ч.да қорачойлар (32,2%), черкаслар (9,7%), руслар (42,4%), абазинлар (6,6%), нўғайлар (3,2%), украинлар (1,5%), осетинлар (0,9%) ва б. яшайди. Давлат тиллари — қорачой, чер-кас, рус, абазин ва нўғай тиллари. шаҳар аҳолиси 44%. Диндорлари мусулмон-суннийлар ва христианлар. Асосий шаҳарлари: Черкесск, Усть-Жегута, Теберда.

Тарихи. Қ.-Ч. худудиди одам

қадимдан яшаб келган. 10-а.да адигей-чер-кас, 13—14-а.ларда қорачой этаклари шаклланди. 14—16-а.ларда Қ.-Ч. худудига абазинлар, 17-а.да нўғайлар кўчиб борди. 19-а. 1-ярмида Қ.-Ч. худуди Россияга кўшиб олинди. 1918 й. фев.да совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. куздан 1920 й. апр.гача окгвардиячилар кўлида бўлди. 1922 й. 12 янв.да Қ.-Ч. мухтор вилояти тузилди. 1926 й. қорачой мухтор вилояти ва Черкасия миллий округи (1928 й. 30 апр.дан Чер-касия мухтор вилояти)га бўлинди. 1942 й. авг.да Қ.-Ч. немислар томонидан босиб олинди. 1943 й. янв.да озод этилди. 1943 й. окт.да Қорачой мухтор вилояти тугатилиб, аҳолиси СССРнинг шарқий ўлкаларига депортация қилинди. 1957 й. янв.да бирлашган Қора-чой-Черкасия мух-тор вилояти тузилди. 1992 й.дан Қ.-Ч. Республикаси.

Хўжалиги. Ялпи маҳсулотда саноат 18,4%, қ.х. 29,5%, қурилиш 5,5%, транспорт 1%, савдо 12,5% ни ташкил этади.

Саноатининг асосий тармоқлари: кимё ва нефть кимёси, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва металлсозлик, рангли металлургия, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, енгил саноат. Кон-руда саноат тармоғи ривожланган. йилига ўртача 40 млн. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. Кўп саноат қорхоналар Черкесск, Карачаевск ш.лари ва Медногорск шаҳарчасида жойлашган.

Қишлоқ хўжалигида етакчи тармок — гўшт-сут чорвачилиги, қўйчилик, картошка ва сабзавот етиштириш. Қ.х. учун яроқли бўлган 134,5 минг га ернинг 71,4 минг га (53,1%) ҳайдалади. Дехқончиликда буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, қанд лав-лаги, арпа, тарик экилади. Мевачилик ривожланган. Йилкичилик, паррандачилик, асаларичилик билан ҳам шуғулланилади. Суғориш системаси ривожланган (Катта Ставрополь канали бор).

Транспортида автомобиль транспорт муҳим мавқега эга: қаттик

қопламали автомобиль йўллари уз. 1887 км. Қ.-Ч. худудини Ҳарбий Сухуми автомобиль йўли кесиб ўтган. Т.й.лар узунлиги 51 км. Тоғ туризми, альпинизм ривожланган.

Тиббий хизмати. Қ.-Ч.да ҳар 10 минг аҳолига 34 врач тўғри келади. 10 дан ортиқ санаторий-курорт ва дам олиш муассасаси бор (Теберда, Архиз, Дом-бай иклимий курортлари ва б.).

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маорифи РФда кабул этилган тизимга мувофиқ ташкил қилинган. 180 умумий ўрта таълим мактабида 72 минг, 6 ўрта махсус ўқув юртида 4,5 минг ўқувчи, 2 олий ўқув юрти (педагогика ун-ти, технология инти)да 4,9 минг талаба таълим олади. Иқтисодиёт, тарих, тил ва адабиёт и.т. институти, 170 кутубхона бор.

Адабиёти. Қ.-Ч.нинг туб аҳолиси (қорачой, черкас, абазин ва нўғойлар) адабиёти 20-а.нинг 20-й.ларида шаклланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида ўз ёзувини яратиш ва она тилида мактаб дарсликларини яратишга уринишлар бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларида қорачой шоирлари И.Каракетов, А.Уртенев, Д.Бойкулов, абазин ёзувчиси Т.Табулов, нўғой ёзувчиси Х.Булатуков ижод қилдилар. 30-й.ларда черкас ёзувчилари Х.Абуков, М.Дишеков романлари, И.Амироков, қорачой ёзувчиси Х.Аппаев қис-салари, қорачой шоирлари А.Боташе-ва, Д.Бойкулов, М.Урусов шеър ва дostonлари, нўғой адиби Х.Булатуков пьесалари нашр этилди. Нўғой ёзувчиси Ф.Абдулжалилов, черкас адиби Х.Гашоков, қорачой шоираси Х. Байрамукова асарлари халқнинг немис-фашист босқинчиларига қарши курашига бағишланди. 2-жаҳон урушидан кейин қорачой ёзувчи ва шоирлари О.Хубиев, Д.Кубанов, А.Суюнчев, Н.Хубиев, М.Багчаев, черкас адиблари А.Охтов, С. Хагуов, Х. Хапсироков, М.Ахметов, А.Ханфенов, абазин ёзувчилари Х.Жиров, П.Це-ков, К.Жегутанов, Б.Тхайцухов, М.Чикатуев, Д.Лагучев, нўғой адиблари Ф.Абдулжалилов,

С.Капаев ва б. самарали ижод қилдилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қ.-Ч. худудида 1—13-а.ларга оид ер устига ўрнатилган сағаналар, қад. шаҳарлар (тошдан қурилган мудофаа деворлари харобалари б-н), византия типидagi унча катта бўлмаган ва фрескали христиан черковлари (Шоан тоғидagi ибодатхона; Нижняя Теберда қишлоғи яқинидаги Сентин ибодатхонаси, иккови ҳам 10—11-а.ларга оид), 17— [8-а.ларга оид мудофаа ин-шоотлари (Адиюх қад. шаҳарчаси минораси, 18-а.нинг 60-й.лари) сақланган. Қорачойларнинг анъанавий турар жойлари девори ёғочдан, томи оғир тупроқдан икки томонга нишаб қилиб қурилган; черкаслар турар жойлари усти лой билан сувалган че-тан деворли, қамиш ёки сомон томли уйлар бўлган. Ҳоз. даврда Черкесск, Карачевск, Теберда каби замонавий шаҳарлар, кўплаб турар жой бинолари, жамоат ва маданий-маиший иншоотлар мавжуд.

Қ.-Ч.нинг қад. санъат ёдгорликлари — мил. ав. 3—2-минг йилликка оид жездан ясалган безак ва бадий керамика, мил. ав. 2—5-а.ларга оид металл ва керамика буюмларидир. Ҳоз. даврда рангтасвир (И.Г.Аков, М.Х.Чомаев ва б.) ва графика (Я.Г. Крицкий ва б.) вужудга келди. Халқ санъатида ёғоч ўймакорлиги, бўйра тўқиш, заргарлик, каштадўзлик ривожланган.

ҚОРАЧЎРИН - Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан бири (576—603). *Истамининт* ўғли. Қ. 576 й. Истамиябғу вафот этгач, унинг ўрнини эгаллайди. Қ. отасининг ишини давом эттириб, асосий эътиборни Ғарбга, хусусан, Сосонийлар Эронига қаратади.

Қ. даврида Турк хоқонлиги — сосонийлар сиёсий муносабатларида хоқонликнинг қўли баланд кела бошлайди.

6-а.нинг охириги чорагига келиб хоқонликнинг шарқий қисмида бошбошдоқлик авж ола бошлаган. Таспар хоқон вафот этгач (581), унинг ворислари

орасида тахт талашувлари авж олади. Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдори Ишбара хоқон даврида (581—587) ундан норози бўлган шахзодалар Хитой сулолалари билан тил бириктира бошлайдилар. Бунга Қ. ҳам тортилади. Хитойдаги Суй сулоласи хоқонликни парчалаш ниятида «Ўн ўк» бошқаруви ябғуси Қ.га элчи юбориб, уни ягона Турк хоқони сифатида тан олишини билди-ради. Натижада, маркази Еттисув бўлган Шим. Қора денгиз бўйлари, Шим. Кавказ, Волгабўйи, Амударё-Сирдарё оралиги, Хуросон, Шим. Афғонистон, Шарқий Туркистон худудларини ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлиги ташкил топади.

Суй сулоласи Турк хоқонлигининг бир марказга бирлаштиришга ҳара-кат қилган Тули (600—609) тарафини олади, Тўнга Турон ўлдирилади (600), фурсатдан фойдаланган Қ. марказий ҳокимиятни эгаллайди. Энди Суй сулоласи Тулини Қ.га қарши қўя бошлайди. 601—603 й.лар орасида Хитойнинг шим. вилоят-ларига бир неча сафар уюштириб Тулини бартараф этишга ҳаракат қилган Қ. муваффақиятсизликка учраб, заифлашади. Бунинг устига теле қабилаларининг исёни ҳокимиятга қарши катта зарба бўлади. Қ. ҳокимиятни бой бериб, 603 й.да Наншан тоғлари атрофида яшовчи тугухун (тогон) лар ҳузурига қочиб, ўша ерда бедарак кетади.

Ғайбулла Бобоёров.

ҚОРАЯЛОҚЛАР - *чумчуқсимонлар* туркуми авлоди. 63 тури маълум. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Танасининг уз. 20—25 см. Ерда сакраб ҳаракатланади. Уясини якка ёки колония бўлиб дарахт, бута, баъзан ерга куради. Кўпинча лой, ўсимлик барги, новдасидан уя ясашда фойдаланади. Йилига 1—2 марта 3 — 7 тадан тухум қўяди. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, чувалчанглар, моллюскалар ва мевалар билан озикланади. Ўзбекистонда 7 тури миграция ва кишлаш даврида учрайди. 1 тури — қора қораялоқ ёки қорашакшак ўтроқ яшайди.

ҚОРАЎЗАК — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги шаҳарча (1984 й.дан), туман маркази. Аҳолиси 12,3 минг киши (2005). Яқин т.й. станцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус ш.дан (72 км). Пахта тозалаш, ғишт з-длари, қурилиш ташкилотлари, 2 автокорхона, МТП, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, лицей, касб-хунар коллежи, маданият уйлари, кутубхоналар мавжуд. Марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муасса-салар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Нукус ш.гача автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАЎЗАК ТУМАНИ - Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1928 й.да тузилган. 1959 й. март ойида Тахтакўпир туманига қўшиб юборилган. 1975 й. 26 ноябрда қайта ташкил этилган. Шим.дан Мўйноқ, ғарбдан Чимбой, Кегей-ли, Нукус туманлари, жан. ва жан.-шарқдан Амударё, Беруний туманлари, шарқдан Тахтакўпир тумани билан чегарадош. Майд. 5,9 минг км². Аҳолиси 44,2 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қораўзак), 8 овул фукарolari йиғини (Маданият, Бердақ, Есимўзак, Олғабос, Қорабуға, Қоракўл, Қораўзак, Қўйбоқ) бор. Туман маркази — Қораўзак шаҳарчаси.

Табиати. Ер юзаси, асосан, текислик. Туманнинг шим.-шарқий қис-мини Белтов қирларининг қумликлари, жан. қисмидаги катта худудни Тошқудук қумликлари эгаллаган. Жан. чек-қасида Султон Увайс тоғи (энг баланд жойи — Қорачинғил 485 м) жойлашган. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, киши совуқ. Январнинг ўртгача т-раси — 5° дан — 8°гача. Энг паст т-ра —35°, июлники 26—28°. Энг юқори т-ра июлда 42°. Совуқ бўлмайдиган давр 195—200 кун.

Йиллик ёгин 110 мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Туман хўжаликлари Қувониш-жарма канали тармоклари — Есимў-зак, Кўкўзак ва Марказий каналларидан сув олади. Жан. чеккасидан Амударё оқиб ўтади. Тупроқлари ўтлоки-бўз, кумлоқ-бўз, ўтлоки, ўтлоки-боткоқ ва шўрхоқ тупроқлар. Жан. қисмида катта кўчма ва ярим кўчма кумликлар бор. Табиий ўсимликлардан шўра, ажрик, бугдойик, қамиш; кумлоқ ерларда шувок, ранг, жузғун; кумларда саксовуллар, боялич, черкез ва б. ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан судралиб юрвчилар (калтақесаклар, тошбақа, илонлар) ва кемирувчилар (юмрон-қозик, каламуш, сичконлар) яшайди. Шунингдек чиябўри, бўрсик, жайран, тулки; қушлардан хўжасав-доғар, бургут, сувларидан балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқ, ўзбек ва козоқлар, шунингдек, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 7,5 киши. Шаҳар аҳолиси 12,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 31,9 минг киши.

Хўжалиги. Туманда қурилиш ташкилотлари, ипакчилик, дон қабул қилиш бошқармаси, пахта тозалаш 3-ди, 3 пахта қабул қилиш пункти, 2 автокорхона, МТП, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохоб-чалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар бор. Электр энергияни Тахиатош иссиқлик электр станциясидан олади. Туман қ.х.нинг асосий тармоғи пахтачилик бўлиб, чорвачилик, шоликорлик, ипакчилик ҳам ривожланган. Қ.т.да 1 чорва ширкат хўжалиги, 1 тажриба хўжалиги, 500 дан зиёд фермер хўжалиги мавжуд. Умумий майд. 587,1 минг га, шу жумладан, суғориладиган майдонлари 32,1 минг га. Умумий экин майд. 14,8 минг га, шу жумладан, 3,3 минг га ерга пахта, 7,9 минг га майдонга дон экинлари; 127 га ерга сабзавот, 446 га ерга полиз экинлари экилади (2005). Мевали боғлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда 17,7 минг қорамол, 47,5 минг қўй ва эчки,

923 йилки, 226 туя боқилади.

Туманда 32 умумий таълим мактаби ва 1 лицей (10,2 минг ўқувчи), болалар мусика мактаблари, қ.х. касб-хунар коллежи (450 талаба), 2 маданият уйи, 235 минг китобга эга бўлган 2 кутубхона бор. Тиббиёт соҳаси бўйича 210 ўринли касалхона, 22 фельд-шер-акушерлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 9 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 62 врач, 566 ўрта тиббий ходим ишлайди. Қ.т.дан Халқобод орқали Нукус ш.гача бўлган 72 км ли масофада автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАЎРДАК - *гозсимонлар* туркумининг ўрдақлар кенжа оиласига мансуб қуш. Оёқлари калта, қизил, панжалари йирик. Панжалари орасидаги пардалар кенг. Қаноти нисбатан кичик, думи калта. Нариди қора, модаси қора-қўнғир тусда. Ев-ропа ва Обь дарёси ҳавзасида уя қуради. 6—10 та тухум қўяди. Ўрта Осиёда қушлар учиб ўтиши даврида учрайди. Моллюскалар, қисқичбақасимонлар, майда балиқлар билан озиқланади. Сони камлиги туфайли хўжалик аҳамиятига эга эмас.

ҚОРАҚАЙИН, бук - қорақайиндошларга мансуб бир уйли, барг тўқувчи дарахтлар туркуми. Шим. ярим шарда 10 тури ўсади. Ўвропа ва Шарқ Қ. турлари экилади. Бўйи 50 м, диа-метри 2 м, танаси кулранг, силлик пўстлокли. Иссиқсевар, соябардош дарахт. Урта Осиёда ёввойи ҳодда учрамайди. Барглари оддий, текис, кўпинча чети хошияли. Барглари ёзилиши билан гуллайди. Шамол воситасида чангланади. 20—40, баъзи турлари 60 ёшидан мевага қиради. Меваси ёғочсимон пўст билан ўрчган уч қиррали ёнғоқча. Тоғларда 2300 м баландликларда ҳам ўсади. 40—100 йил тез ўсади, 350—500 йилгача яшайди. Ёғочи пишиқ, оғир ва яхши силликланади. Сув ости қурилишларида, мебелсозликда ишлатилади, мусика асбоблари, фанер ва б. тай-

ёрланади, метил спирти олинади. Меваси таркибида заҳарли алкалоид-фагин бор. Ёнғоқчаларидан овқатбоп ва техник мой олинади. Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида экилади. Уруғи ва илдиз бачки-сидан кўпайтирилади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ - 1990 й. ташкил топган. Театр «Ориқ мерган» (К.Каримов) спектакли билан очилган. 1991 й. Самарқандда ўтказилган фестивалда театр «Ориқ мерган» ва «Оқ такача билан кўк такача» спектакллари, 1993 й. Андижон фестивалида «Керак бўлганинг керак», 1995 й. Тошкент фестивалида «Бедана ва тулки», 2000 й: Самарқанд фестивалида «Шум эшак» каби спектакллари билан қатнашиб, совринли ўринлар эгаллади. 2001 й. Тошкентда ўтказилган «Қорақалпоғистон маданият кунлари»да театр «Ўғирликнинг охири хўрлик» спектакли билан қатнашди. П.Айтмуротовнинг «Отам айтган афсона» асари асосида ишланган томошабоп, серзавқ томоша кейинги йиллар ишланган энг яхши спектакллардан. Жубандиқ Ибрагимов, Роза Пиёзова, Қурбонгул Сапарбаева, Ойбек Есимбетов, Қублонбек Қалилаев, Бердимурод Юсупов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Бош реж.и ва бадиий раҳбари М. Заматдинов.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕАТРИ, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри — Қорақалпоғистоннинг кўҳна театрларидан. 1926 й. «Тонг нури» труппаси асосида ташкил бўлган. Ташкешютчилари Зарип қосимов, Абдирамон Ўтепов, Қосим Авезов ва Асан Бегимовлар. Биринчи бадиий раҳбари — Зарип Қосимов. А. Ўтепов, Ж.Оймурзаев, Г.Убайдуллаев, М.Матжонов, Б.Сеитов, Ж.Сеитова, Т.Сейтмамуртовлар театрнинг дастлабки ижодкорларидир. Театр «Тилак йўлида» (Қ.Авезов) спектакли билан очилган. Театр фаолиятини «Одеко-лон», «Ана холос», «Тенгини топган киз», «Сайдмурод ялқов», «Кўз бўя-мачи вакил»,

«Бу ким» каби спектакллар билан бошлади. 1930 й. «Қорақалпоқ давлат театри» макоми берилди. 1934 й. Москва давлат театр санъати ин-ти қошида Қорақалпоқ студияси очилди. 1939 й. театрға шу ин-тти тугатиб келган 27 актёр ва реж.лар келиб қўшилади. Буларнинг орасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Йўлдош *Шарипов*. Туреш *Олланаза-ров*, Холмурод Сапаров, Йўлдош *мамуртов*, Сабирбай Ўтепбергенов, Мадраим *Матжонов*, Ёкут Олламуродов-валар бор эди. Театр ҳаётида янги давр бошланади. 1939 й. театрға К.С.Станиславский номи берилди ва театр «Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали драма ва комедия театри» деб юритила бошлади. «Васса Железнова» (М.Горький), «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Кам-бағаллик айб эмас» (А. Островский), «Скапеннинг найранглари» (Мольер), «Алломиш» (Н.Довқораев), «Рус кишилари» (К.Симонов) ва б. спектакллар миллий режиссура ва актёрлик санъати балоғатга етганлигини намойн қилди.

1941—45 й.лар театр жамоаси ўз репертуарини миллий ва қардош халқлар драматургияси намуналари билан бойитди. «Лейтенант Элмуротов» (Ж.Оймурзаев), «Қурбон Умаров» (С.Абдулла, Чустий), «Офтобхон» (К.Яшин), «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулла; Т.Жалилов мусикаси), «Беш сўмлик келин» (Урдубоду) каби мусикали драма ва публицистик йўналишдаги сахна асарлари шулар жумласидан. 1950 й. театр Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини туга-тиб келган ёш мутахассислар билан тўлдирилди. Реж.лик бўлимини туга-тиб келган Т.Олланазаров биринчи қорақалпоқ профессионал реж.и бўлди.

Урушдан кейинги йилларда театрда *О.Шомуротова*, *Жапац бахши* Шомуротов, Б.Каменев, *А.Ҳашимов*, *Г.Шерозиева*, *Т.Раҳмонова*, *Р.Сеитов*, *С.Ҳўжаниёзов*, *Г.Дошумов*, *З.Зарипов*. *С.Ўтепбергенов*, *Т.Жо-лимбетова*, *С.Юсупова*, *С.Қорабоева*, *Я.Олламуротова*,

Х.Сапаров, С.Олламуротова, С. *Авезова*, *О.Давлетова*, О.Умитқулов ва б. фаолият кўрсатишган.

Театрнинг кейинги репертуари мавзу ва жанр жиҳатидан бойиди. Замонавий, тарихий мавзуларда, миллий драматургия, ўзбек ва қозоқ драматургияси намуналари ҳамда Ғарбий Европа драматургиясининг мумтоз асарлари сахналаштирилди: «Ойгул ва Обот» (Ж.Ой-мурзаев), «Суймаганга суйканма» (С.Хўжаниёзов), «Олтин кўл» (Уйғун; М.Левиив мусикаси), «Шохи сўзана» (А.Қаҳҳор), «Ошиқ Ғариб» (Бегимов, Т.Олланазаров), «Тартюф» (Ж. Мольер), «Ўғирланган бахт» (И.Франко), «Юрак сирлари» (Б.Раҳмонов), «Кўз Кўрпеш Баян сулу» (Г.Мусрепов) ва б. «Бердак», «Қадрдон доктор», «Шеберхоннинг чирмовиги» (Ж. Оймурзаев), «Талу-ас», «Зиёда». «Бахт» (С.Хўжаниёзов), «Тошболта ошиқ» (Х.Ғулом), «Тоға-жиянлар» (Р.Бобо-жон), «Шубҳа» (Уйғун), «Прокурор» (Ё. Шуку-ров) кабилар 50—60-й. ларнинг энг яхши спектакллари бўлди.

60-й.ларнинг охиригога келиб театрда авлодлар алмашуви натижасида турғунлик даври бошланди. 70-й.лар ёшлар ҳисобига театр яна ўз мавкеини тиклаб олди. Театрга келган Қуатбай *Абдреймов*, *нажиматдин Ансатбоев*, *Досберген Ранов*, *Райҳон Сапарова*, *Жолгас Султабоев*, *Байрам Матжонов* ва б. қорақалпоқ театр санъатини янги ғоялар ва ечимлар, образ ва мавзулар билан бойитдилар. «Отелло» (У.Шекспир), «Тартюф» (Ж.Мольер), «Икки бойга бир малай» (К.Голь-дони), «Она ер, она» (ЧАйтматов), «Ревизор» (Н.Гоголь), «Ой тутилган тунда» (М. Карим), «Ўн учинчи раис» (А.Абдуллин), «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор), «Аризасига кўра» (Ў.Умарбеков), «Андермушлик Атмандар» (Т.Минуллин), «Хонума» (Цагарели) каби спектакллар қўйилди. 1987 й. театр жамоаси И.Юсу-пов либреттосига Н. Мухамеддинов мусикаси билан биринчи қорақалпоқ операси («Ажиниёз»)ни сахналаштирди. 1991 й. театрға

Бердак номи берилди. Кейинчалик «Майсаранинг иши», «Алеко» опералари, 1996 й. биринчи қорақалпоқ балети («Ойжамол») сахнага қўйилди.

Мустақиллик ғоялари билан суғорилган, янги замон қаҳрамони, тарихий шахсларимиз сиймоси гавдаланган, меҳр-мурувват мавзуси, Ватанга муҳаббат ва б. мавзулар акс этган асарлар кейинги йиллар театр сахнасидан мустақкам ўрин олди: «Соҳиб-қирон» (С. А. Орипов), «Адолатга хиёнат» (С. Хўжаниёзов), «Эрназар Олакўз» (А. Уталиев). «Инжикнинг муҳаббати», «Ёввойи гуллар» (К.Раҳмонов), «Шарьяр», «Кечиккан муҳаббат» (К.Матмуротов), «Тирсек» ва б.

Ш.Утемуратов, М.Сапаева, З.Пиёзов, Т.Қайипназарова, О.Қосимбетов, Б.Узоқберганов, М.Халмуратова, З.Сайипова, Ж.Султабоев, Б.Назаримбетов, Ж. Сагиндиқова, Р.Куте-кеева, Э.Айтниёзова, М. Исмаило-ва, С. Давлетова, Қ.Қаландаров ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бадиий раҳбари ва директори Нажиматдин Ансатбоев, бош реж.и — Қуатбай Абдреймов.

Тешабой Баяндиев.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ - туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; қозоқ ва нўғай тиллари билан биргаликда қипчоқ тилларининг қипчоқ-нўғай гуруҳчасини ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тили (ўзбек тили билан бирга). асосан, Қорақалпоғистонда, шунингдек, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қозоғистон ва Туркменистоннинг унга кўшни ҳудудларида, РФ ва Афғонистонда тарқалган. Қ.т.да сўзла-шувчиларнинг умумий сони 425 минг кишидан иборат (ўтган асрнинг 90-й.ларй ўрталари). Қ.т., асосан, 2 та: шим.-шарқий ва жан.гарбий лаҳжаларга бўлинади; бу лаҳ-жалар фонетик жиҳатдан ўзаро фарқланади. Адабий Қ.т. 20-а.нинг 1-ярмида шим.-шарқий лаҳжа асосида шаклланган; унга гача қорақалпоқлар эски ўзбек адабий

тилидан фойдаланишган.

Қ.т.нинг ўзига хос белгилари: унлилар оҳангдошлиги — сингармонизм мавжуд, мас, Атларьшмз (отларимиз). кунлер — (кунлар); умумтуркий ч ундоши ш б-н; ш эса с ундоши билан алмашади, мас, каш (коч), тас (тош), бас (бош). Айрим сўзларда ғ ундоши ўрнида в; г ундоши ўрнида й ишлатилади, мас, тав (тоғ), тий (тег) ва б. Қ.т.да, бошқа кўпчилик туркнй тилларда бўлганидек, умумтуркий сўзлардан ташқари, араб, эроний, рус тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анча-гина.

Қ.т. ёзуви ислоҳ қилинган араб графикаси асосида 1924 й.да шакллантирилган. 1929—40 й.ларда лотин графикасига асосланган қорақалпоқ ёзуви амалда бўлган бўлса, 1940 й.дан рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган. 1999 й.дан лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ад.: Баскаков Н.А.. Каракалпакский язнк, т. 1 - 2, М. - Л., 195 1-52; Бердимуратов Е., Ҳазирги заман қарақалпоқ тилинип лексикологияс, Нукус, 1968; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских язмок, 2-изд., М., 1969; Бердимуратов Е., Умаров А., Бекимбетов П., Каракалпакский язык (фонетика, морфология, синтаксис), Нукус. 1983.

ҚОРАҚАЛПОҚ УНИВЕРСИТЕТИ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети — Қорақалпоғистондаги энг йирик олин ўқув юрти. Илмий ва педагог калрлар тайёрлайди. 1976 й. Нукус ш.да Қорақалпоқ пед. институти (1934 й. асос солинган) негизда ташкил этилган. 1992 й. 26 янв. да *Бердақ* номи берилган. Ун-тда 16 ф-г (мат., физика. кимё. иқтисодиёт, молия. хорижий тиллар. муҳандислик-қурилиш, юрилик. табиатшунослик, мусиқа ва жисмоний тарбия. тарих. филол., магистратура, сиртки таби-ий-иқтисод, сиртки гуманитар, махсус сиртки) ва бир бўлим (журиа-листика), 49 кафелра. 30 лан ортик ўқув ва илмий лаб. бор. Ун-тла пи-леоконференция

ўтказишга мўлжалланган «Лектор» тизими ўрнатилган. Шунингдек. ўқув. илмий. ўқитиш жараёнини техник таъминлаш, иқтидорли талабалар билан ишлаш, халқаро алоқалар, маркетинг хизмати, мониторинг бўлимлари, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, ўқув-методик, тест, илғор педагогик технологиялар, ахборот информатион технологиялар ва масофадан ўқитиш. минтақавий тил ўрганиш, маънавият ва маърифат, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёт марказлари, баҳс-мунозара клуби фаолият курсатади. Ун-тда санаторий-профилаторий, «Умид» спорт соғломлаштириш ором-гоҳи, ўқув-амалиёт базаси, 26 компьютер синфи, Бердақ миллий музейи, археология, ботаника ва зоол. музейлари, маданият саройи, теннис корти. спорт мажмуаси. амфитеатр, «Хурлимон» ансамбли, театр-студия. бизнес мактаби, 3 академик липей, юридик клиника мавжуд. Асосий кутубхонасида 470 мингдан зиёд асар сақланади. Ун-т 36 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар. 26 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда 8 мутахас-сисликбўйича аспирантура (1978 й. ташкил этилган), 2 мутахасислик бўйича докторантура (1993 й. ташкил этилган) фаолият кўрсатади. 2004/2005 ўқув йили ун-тда 6875 талаба таълим олди, 462 ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан Ўзбекистон ФАнинг 3 акад., 22 фан д-ри ва проф., 163 фан номзоди ва доцент ишлади. 2000—2004 й.лар чет эл грантлари асосида 147 минг АҚШ доллари миқјорида и.т. ишлари бажарилди. Ун-т бир қанча хорижий давлатларнинг нуфузли ун-т ва ин-тлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти Ч.А.Абдиров, М.К.Нур-муҳамедов, К. М. Мамбстлов. С.К.Камо-лов, Қ.Ўтениёзов, Ж. Б. Борзобоев. А.Д. Давлетов. Т.Б.Ешчанов, Х. Ҳамидов. А.Бахиев. Т.Изпмбетов. Х. Бобожонов, А.Бекбасов. Ж. Магмуратов, Ж.Қутлимуратов. А.Отаров, Л.Б.Хван, Ю.Пахратлинов, Қ.А. Исмо-

илов, Н.У. Утеулиев. Б.Ж.Матмуратов. К.Заретдинов. Е.Бижанов. С. Қосбергенов, Е.Д. Қўтибоева ва б. проф-ўқитувчилар номи билан боғлиқ. Ун-т ташкил топгантан бери 2005 й.гача 20 мингдан ортик мутахассис тайёрлади.

Ун-тда «Қорақалпоқ университети» газ. чиқали. Ун-т узининг кичик бос-махонасига эга бўлиб. унда проф.-ўқитувчиларнинг илмий асар ва ўқув методик адабиётлари чоп этилади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЧЎЛИ — қ. *Ёзёвон чўли*.

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР - Ўрта Осиёдаги халқ; Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасида яшайди (504 301 киши, 2000-й.лар ўрталари). Шунингдек, Ўзбекистоннинг Фарғона, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида, қўшни Туркменистон, Қозогистонда, Россияда. Афғонистонда, Эронда бир неча минг Қ. яшайди. *Қорақалпоқ тилида* сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Мил. 2-а. охири — 4-а.ларда Орол бўйи чўлларига Шарқдан хунлар, 6—8-а.ларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар билан қисман аралашиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари — бижанақлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг муҳи-тида 8—10-а.ларда Қ.нинг ҳам шаклланиши бошланган. 10-а. бошида бижанақларнинг бир қисми Ғарбга, Жан. рус чўлларига кетган; Киев Руси худудига келиб жойлашган қабилалар рус йил-номларида «чёрные клобуки» («қора қалпоқтар») деб ном олган. Волга-Урал оралиғида қолган бижанақларнинг шарқий қисми Иртиш хавзасидан келган қипчоқтар билан аста-секин аралашиб кетган, уларнинг тилини қабул қилган. Манбаларда қипчоқ уруғ-қабилатида «Қ» атамасига мос келувчи «қора бўркли» этноними учрайди. *Мўғуллар истилоси* даврида Рашидиддин асарида «қавми кулахи сиях» номи

билан қайд этилган. *Чингизхон* босқини оқибатида Қ. Ғарбга — Волга бўйларига, Сарикамиш, Ўзбўй ва Амударёнинг қуйи оқими бўйларига кўчишга мажбур бўлганлар.

Қ. ярим ўтrock ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончиликни чорвачилик (айниқса, қорамол) ва балиқ овлaш билан қўшиб олиб борганлар. Қ.нинг аксарият қисми 16—18-а.лар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чирикрабoт) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Қўнғирот, Шохтемир ш.) яшашган. Бироқ Ёйиқ ва Эмба дарёлари бўйларига ҳам Қ. истиқомат қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. 1743 й. қозoқ хони *Абулхайрхон* Қ.га ҳужум қилган, натижада сирдарёлик Қ.нинг асосий қисми 18-а.нинг 2-ярмида Сирдарёдан унинг ғарбий ирмоғи — Жанадарёга кўчган. 18-а. охирида Хива хонлари Қ.ни тобе этишга фаол ҳаракат қилишган ва оқибатда 1811 й. улар бўйсундирилиб, Қ.нинг асосий қисми Амударё хавзасига кўчирилган. Хива хонларига қарши Қ. бир неча марта (1827, 1855-56, 1858-59 й.лар) бош кўтарган. 1873 й. Чор Россияси истилоси натижасида ўнг қирғoқ Амударёдаги Қ. Россияга қўшиб олинган. Бу ерда *Амударё бўлими* тузилган, *Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти* таркибига киритилган. Сўл қирғoқда яшовчи Қ. Хива хонлиги тасарруфида қолган. Ўрта Осиёда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, сўл қирғoқ ва ўнг қирғoқ Қ.и Қорақалпоғистон автоном областини тузган. 19-а. — 20-а. бошида Қ.да хўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабилати тизими ва патриархал-уруғчилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган. Расмий дин — исломдан бошқа қўпгина қад. диний эътиқодлар мавжуд бўлган (яна қ. *Қорақалпоғистон Республикаси*).

Собир Камолов.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН, Қорақалпоғистон Республикаси — Ўзбекистон Республикаси таркибидаги

республика. 1924 йил 14 окт.да туркистон АССР таркибида Мухтор вилоят сифатида ташкил этилган. Майд. 166,6 минг км². Аҳолиси 1569,4 минг киши (2005). Пойтахти — Нукуси. таркибида 14 туман, 12 шаҳар, 14 шаҳарча ва 124 фуқаролар йиғини бор.

Давлат тузуми. Қ. — парламент бошқарув шаклига эга бўлган суверен демократик республика. Қонун чиқарувчи олий давлат ваколатли органи — кўп партиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланган депутатлардан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (ҚР ЖК). ҚР ЖК раиси республика раҳбари ҳисобланиб, у ЖК депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади (фақат кет-ма-кет 2 муддатдан ошмайди). Давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи-бошқарувчи органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ҳисобланади. Қ.да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир вақтда қ. Олий кенгашининг 1993 й. 9 апр.даги 12-чақириқ 12-сессиясида қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига амал қилинади. Қ. ўз давлат рамзлари: герб, мадҳия ва байроғига эга.

Табиати. Қ. Қизилқум чўлининг шим.-ғарбий, Устюрт платосининг жан.-шарқий қисми ва Амударё дельтасида жойлашган. Орол денгизининг жан. қисми Қ. худудида. Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисми Орол денгизи томон пасайиб борувчи кенг ясси текислик бўлиб, қатор тепа ва қумли бар-ханлар (бал. 75 м дан 100 м гача) уч-райди. Алоҳида тоғ массивлари (энг. йириги — Султон Увайс тоғи, чўкқилари 473м ва 485 м) бор. Суғориладиган ерлар ва суғориш каналлари, асосан, дельтанинг ўнг соҳилида. Ғарбида бир нечта ботикли (Борсакедмас, Асакаовдон ботикларининг бал. 29— 101 м) Устюрт платоси жойлашган. Плато Орол денгизи ва Амударё дельтасига тик ён бағирли жарлик — чинқлар ҳосил қилиб тушган. Устюртдан жан.-

шарқда Сарикамиш сойлигининг шим. чек-каси жойлашган.

Фойдали қазилмалардан ош тузи ва глаубер тузи, минерал хом ашё ҳамда қурилиш материаллари ва б. бор.

Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ ва қиши нисбатан совуқ, қор кам ёғади. Январ ойининг ўртача т-раси жанубда —4,9°, шим.да — 7,6°^ июлда жан.да 28,2°, шим.да 26°. Йиллик ёғин 110 мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 194— 214 кун. Энг йирик дарёси—Амударё (қуйи оқими). Амударё ҳавзаси қад. суғориладиган ҳудуд сифатида маълум. Дарё сувидан суғоришда фойдаланилади. Нукус ш.да жойлашган сув хўжалиги бошқармаси Тахياتош гид-роузели, Қипчоқ гидропостидан Орол денгизигача бўлган (283 км) худуддаги дарёнинг барча сув чиқариш иншоотларини назорат қилади. Ўрта ва юқори оқимларда дарё суви суғоришга кўп сарфланиши натижасида ҳоз. Амударё Орол денгизига бевосита қуйилмайди.

Қ.нинг энг йирик кўли — Орол денгизи, шунингдек, Хўжакўл — Қора-жар кўллар системаси билан боғланган Судочье кўл системаси ҳамда Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ташкил этилган сунъий сув ҳавзаларида мавжуд. Сўнгги 40 йил ичида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида суғориладиган ерларнинг кенгайиши натижасида Орол денгизи сув сатҳи 2005 й. бошига 23 м пасайди. Қ.нинг барча сув ҳавзаларидан балиқ овланади, уларда балиқ хўжаликлари ташкил этилган.

Тупроқлари. Амударё дельтасида аллювиал-ўтлоқ, аллювиал ўтлоқ-тўқай, қуриб қолган кўл ва ботқоқликларда типик шўрхок, Устюрт платосида ва Қизилқумда тақир тупроқлар, Қизилжар, Тўқмоқтоғ ва Устюрт платосида кулранг-кўнғир, Орол денгизининг қуриб қолган тубида қумли чўл тупроқлари тарқалган.

Қ.да юксак ўсимликларнинг 979 тури учрайди. Уларнинг 41 таси маданий турга мансуб. Ёввойи ўсимликларнинг 176 таси эндемик, 11 таси қолдиқ (реликт)

ва 33 тури маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари. 7 турдаги ўсимлик Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Қ. ҳудуди тропик бўлмаган чўл зонасида жойлашганлиги сабабли ўсимлик қоплами зоналар бўйича ажралиб туради: Устюрт пла-госи, Амударё дельтаси, Қизилқум шим.-ғарби ва қолдиқ паст тоғлар табиий географик зонаси. Устюрт ланд-шафти гипсли, шўрхок ва қумли чўл бўлиб, ўсимликлари гипсофит, галофит ва озроқ псаммофитлардан иборат. Бу ҳудудда 400 дан зиёд юксак ўсимлик тури мавжуд.

Амударё дельтасида 655 турдаги гулли ўсимлик ўсади. Дельтанинг сув ҳавзаларида, аксинча, ўсимлик тури кам, асосан, қалин тўқай ўсимликлари ва қамишдан иборат. Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисмида катта майдонларда сийрак ўт-бутали чўлга хос ўсимликлар (ксерофил бошоқлилар, қорабош, эфемерлар, юлғун, оқ сак-совул) ўсади.

Қолдиқ тоғларда ўсимлик тури нисбатан кўп. Бу ерда 506 турга мансуб юксак ўсимлик учрайди.

Ҳоз. вақтда Қ. табиий ўсимликларидан ем-хашак, ўрмон (тўқай) хом ашёси ва дориворлар сифатида, 50% ер майдонидан (9387,7 минг га) яй-лов сифатида фойдаланилади. Қ. ўрмон-тўқай фонди 1129 минг га майдонни эгаллайди. Тўқайлар асаларичиликда ҳам аҳамиятга эга. Республикада доривор ўсимликларнинг 364 тури мавжуд.

Ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил: умуртқали ҳайвонларнинг 500 га яқин, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 68, қушларнинг 300 дан зиёд, судралувчиларнинг 33, сув ва қуруқликда яшовчиларнинг 2, балиқларнинг 50 га яқин тури маълум. Умуртқасиз ҳайвонларнинг 3500 дан ортиқ тури аниқланган. Сўнгги 10 йил ичида Қ. ҳайвонот дунёси анча ўзгаришларга учради. Кўпгина турлар сони қисқарди ва улар ноёб ёки йўқолиб бораётган турлар қаторига киритилди. Сут эмизувчиларнинг 10, балиқларнинг 12, қушларнинг 37, судралувчиларнинг

10 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Чўлда судралиб юрувчилардан калтакесак, илонлар; кемирувчилардан юмронқозиқ, қумсичқон, қўшоёқ; йирик сут эмизувчилардан жайран, бўри, тулки; қушлардан саксовул сойкаси, бургут, тувалоқ, сўфитўрғай; ўргимчаксимонлардан чаён, фаланга ва б. яшайди. Тўқайларнинг ҳайвонот дунёси нисбатан бой: қирғовул, ўрдақ, ғоз, қоровой, лойхўрак; сут эмизувчилардан чиябўри, тўқай мушуги, бўри, тулки, толай куён, қобон ва б. Ондатра иқлимлаштирилган. Амударё ва Оролдан пилмай, сазан, таран, лаққа балиқ ва б. овланади. Баъзи турлар йўқолиб кетган ва саноат аҳамиятини йўқотган. Шу билан бирга Қ. сув ҳавзаларида балиқнинг янги 14 тури иқлимлаштирилган.

Республикада 3 махсус кўрикланадиган табиий ҳудуд: «Бадайтўқай» давлат кўриқхонаси, «Сайғоқ» ва «Судочье» буюртма кўриқхоналари ташкил этилган. Кўрикланадиган ҳудудларнинг умумий майд. 1056,5 минг га.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, турк-ман, рус, татар, корейслар ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 9,4 киши. Шаҳар аҳолиси 48,5%, қишлоқ аҳолиси 51,5%. Давлат тиллари — қорақалпоқ ва ўзбек тиллари. Диндорлари — мусулмон суннийлар. Йирик шаҳарлари: Нукус (сиёсий аҳамияти бўйича Тошкентдан кейин 2-ўринда), Тўрткўл, Тахиатош, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой.

Тарихи. Қ. ҳудудида одам сўнгги палеолит давридан яшай бошлаган. Мил. ав. 5-минг йиллик — 2-минг йиллик бошларида аҳоли, асосан, Амударё дельтаси ва Орол, Каспий денгизлари ён атрофларидаги чўлларда жойлашган. Мил.ав. 2-минг йиллик охирида бу ҳудудда суғориладиган деҳқончилик пайдо бўлган. Мил. ав. 7— 6-а.ларда Қ. ҳудудида қад. давлатчилик марказлари юзага келган. Мил. ав. 4-а.да Ахоманийлар салтанати таркибидан ажралиб

чикқач, ягона қад. Хоразм давлати ташкил топди. Қўйқирилган-қалъа, Ойбўғир ва Бурликалъа ш.лари харобаларини қазиш вақтида қад. ёзма ёдгорликлар (мил. ав. 4-а.га оид), Қўйқирилганқалъа ва Оқшоҳонқалъада қад. тасвирий санъат ва ҳайкалга-рошлик ёдгорликлари топилди. хоразмшоҳдарнинг Тупроққалъа (мил. 3—4-а. бошлари) саройи сўнгги антик дав. рнинг энг улкан ёдгорликларидан бири ҳисобланади. 8-а.да араблар олиб келган ислом дини зардуштийлик ақидаларини суриб чикарди. 12—13-а.ларда буюқ Хоразмшоҳлар давлати Ғарбий Осиё ва Урта Шарқда энг йирик ва кучли давлат эди. 13-а.да мўғуллар исти-лосидан сўнг бу давлат парчаланиб кетди. 14-а.да Хоразм Олтин Ўрданинг энг бой ва маданий вилоятига айланди. Қ. ҳудудидан Осиёдаги қўшни мамлакатлар, Дашти Қипчоқ ва Волга бўйига муҳим савдо йўллари ўтган ва халқаро савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қорақалпоқларнинг энг қад. этно-генези Амударё дельтаси ва Орол-Каспийбўйи чўлларида мил.ав. 7 — 4-а.ларда яшаган сак-массагет қабилалари билан боғлиқ. 6—8-а.ларда маҳаллий аҳоли билан туркий қабилалар қисман аралашиб кетган. 8—10-а.ларда бижанак (печенег ва ўғизлар муҳиtida қорақалпоқ миллати шакллана бошлади. Чингизхоннинг босқинчилик ҳаракатлари воҳани чўлга айлантирган, Амударё қуйи оқими атрофларида яшаган аҳолининг кўплаб кўчиб кетишига сабаб бўлган. Қорақалпоқлар ғарбга Ўзбўй, Волга ва Урал томонга кўчиб ўтганлар. У ерда Олтин Ўрда таркибида бўлганлар. Улар Рашидуддин асарида «қавми кулоҳи сиёҳ» деб аталган.

Қорақалпоқларнинг аксарият қисми 17 — 18-а.нинг ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган. 18-а.нинг ўрталарида сиёсий воқеалар, яъни қозоқ хони Абулхайрхон қорақалпоқ ерларига ҳужум қилиши оқибатида улар Сирдарё дельтасидаги ғарбий тармоғи — Жанадарё бўйларига кўчиб ўтдилар

ва Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи қорақалпоқлар орол ўзбеклари билан бирлашиб, маркази дастлаб Қўнғирот, сўнгра Шохтемир (ҳоз. Чимбой) бўлган давлат (Орол мулкини) туздилар. Қорақалпоқлар асосан, чорвачилик, деҳқончилик ва балиқ овлаш билан шуғулланганлар.

1811 й.да қора-қалпоқлар Хива хонлигига тобе бўлди. 1873 й.дарус подшо қўшинларининг Хивага қилган юришидан сўнг ва Гандимиён шарт-номаси тузилгач, Амударёнинг ўнг соҳилидаги қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд Россияга қўшиб олинган ва бу ерда Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими ташкил этилган. Амударё бўлими 2 уезд: маркази Тўрткўл қалъаси бўлган Шўраҳон ва маркази Чимбой бўлган Чимбой уездига ажратилди. Шундай қилиб, қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд 2 га ажратиб ташланди. Чап соҳил қисми Хива хонлиги таркибида қолди. Бу эса қорақалпоқларнинг сиёсий ва миллий бирлашувига ғов бўлди. Мустамақаччилик зулми 20-а. бошларида зўрайиб кетди. 1916 й.да Чимбой, Тўрткўл ва б. жойларда подшо Россияси сиёсатига қарши қўзғолонлар бўлди. 1917 й.да подшо ҳукумати ағдарилгач, ўнг соҳил қисми Туркистон АССР таркибига кирди, 1918 й.да бу ерда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. 1919 й.да Чимбой волостида халқ қўзғолонлари бошланди. 1920 й.да Амударё бўлими Туркистон АССРнинг Амударё вилоятига айлантирилди. 1920 й. апр.да Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет республикаси тузилди ва унинг таркибига қорақалпоқлар яшайдиган жойлар ҳам киритилди. 1924 й. апрелда Қозоғистон-Қорақалпоғистон мухтор вилояти тузилди. Уша йилда чап ва

ўнг соҳил бирлашиб, ягона Қорақалпоқ мухтор вилояти мақомида қозоғистон мухтор республикаси таркибига кирди. 1924 й. окт.да Ўрта Осиё совет республикаларида миллий-давлат чегараланиши давомида Туркистон

АССР таркибидаги Қ. мухтор вилояти тузилди.

1929 й.да Тахтақўпирда қўплад маҳаллий аҳоли колхозлаштириш сиёса-тига қарши чиқди. Бу воқеа Қ.ни Россия Федерациясига бевосита қўшиб олиш учун асосий сабаб бўлди. 1932 й. мартда Қ. мухтор вилояти қ. мухтор республикасига айлантирилди. 1936 й.дан Ўзбекистон таркибида.

Қ. бир қанча репрессияларни бошдан кечирди: 1917 — 22, 1928-30, 1932-33, 1934-36, 1936-38, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда. Ўша даврларда анъанавий жамоат, хўжалик ва маданий муносабатлар йўқ қилинди, бир неча ўн минг киши қатағонга учради.

1950—80 й.ларда Қ.да тоталигар бошқарув тизими ҳукмрон бўлди. Пахта як-қаҳокимлиги, қ.х.даги маъмурий буй-рукбозлик сиёсати агроф муҳитнинг бузилиши ва Орол денгизининг қуришига олиб келди. Орол фожиаси регионда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди, аҳоли соғлиғининг ёмонлашувига олиб келди. 1990 й. 14 дек.да Қ. Республикаси суверенитети эълон қилинди. 1991 й. 31 авг.да бу ҳолат «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди. 1993 й. 4 дек.да давлат мадҳияси тасдиқланди. Миллий мустақиллик даврида республика суверенитетининг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, янги маъмурий ҳокимият тузилмалари фаолияти ўрнатилди. Республикада 17 шаҳар ва туман ҳокимияти, фуқа-роларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилди, 200 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ишлаб турибди.

Асосий сиёсий партиялари, касаб-а уюшмалари ва б. жамоат ташкилотлари. Қ.да Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1995.25.12), «Адолат» Социал Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1996.27.02), «Фи-докорлар»

Миллий Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1999.22.01), Ўзбекистон тадбиркорлар ҳаракатининг Либерал Демократик партияси Қора-қалпоштон Республикаси ташкилоти (2004.23.01) ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпо-ғистон Республикаси ташкилоти фаолият кўрсатади.

Дастлабки касаб-а уюшмалари ташкилотлари 20-а.нинг 20-й.ларида ташкил этилган. 1951 й.нинг авг. ойида Қ. вилоят касаб-а уюшмалари кенгаши ташкил топган. 2005 й.нинг март ойида касаб-а уюшмалари кенгаши Қорақал-поғистон Республикаси касаб-а уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси деб қайта номланди. Унинг таркибига ишчи-хизматчиларнинг 11 дан ортиқ касаб-а уюшмаси киритилган: агросаноат мажмуаси, автотранспорт ва пул хўжалиги, алоқа. таълим ва фан, соғлиқни сақташ, давлат муассасалари, маданият, мебель саноати ва коммунал-хўжалик корхоналари, ёқилғи-энергетика, геол. ва кимё саноати, кичик бизнес. истеъмолчилар кооперацияси, савдо ва тадбиркорлар, қурилиш ва саноат қурилиши материаллари.

Хўжалиги. Қ. — хўжалиги ривожланган республика. Қ. ҳудудида фойдали қазилмалардан газ, газ конденсати, нефть, қурилиш ва қоплама тошлар, гипс ва оҳақтош, керамзит, цемент, кон-руда ва кон-техника хом ашёси олинади.

Саноатида ишлов берувчи ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: электроэнергетика; ёқилғи саноати; кимё ва нефть кимёси; маши-насозлик ва металлсозлик; ўрмон. ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз; ун-ёрма ва аралаш ем; поли-графия саноатлари.

Тахиатош иссиқлик электр ст-яси республика ва қўшни вилоятларнинг электр энергиясига булган талабини қондиради (ст-янинг ўртача йиллик қуввати 443,4 МВт). 1996 й.да Қўнғирот туманида «Устюртгаз» корхонасининг ишга туширилиши билан ёқилғи саноати вужуд-

га келди. 2004 й.да республика буйича 1697,1 млн. м³ газ ва 30,4 минг т конденсат етказиб берилди. 1993 й.да «Нукускабель» ишга туширилиши билан кабель саноати вужудга келди. Мустақиллик йилларида Кўнгирот ун 3-ди (1993), «Тўрт-кўлдон» (1997), кичик новвойхоналар ва макарон и.ч. корхоналари бунёд этилди.

Йирик саноат корхоналари Амударё туманида (пахта 3-ди ва ип пиғирув ва тўқимачилик ф-каси), Беруний туманида (пахта, ёғ-мой 3-длари, тўқи-мачилик корхонаси). Кунгирот тума-нида (пахта, ун-ёрма 3-длари, «Ус-тюртгаз»), Тўрткўл туманида (пахта, ун тортиш 3-длари), Хўжайли тума-нида (пахта, ёғ-мой, таъмирлаш-ме-ханика ва гишт 3-длари). Чимбой туманида (пахта, ёғ-мой, ун-ёрма 3-длари), Эллиқалъа туманида (пахта 3-ди, «Элтёкс» акционерлик жамияти ва «Юнивер» кўшма корхонаси), шунингдек, Нукус ш.да (вино 3-ди, полигра-фия к-ти, «Катёкс», «Нукус нон», «Даунт» корхоналари, ун-ёрма 3-ди, 2 та курилиш саноати корхонаси) ва тахиятош ш.да (таъмирлаш-механика ва уя-ёрма 3-длари) фаолият кўрсатади.

Республикада бензин, керосин, дизель ёнилғиси, оҳактош, қоплама материаллар, йиғма темир-бетон буюмлари, мебель, ип толаси, пахта, тикувчилик маҳсулотлари. тўқимачилик галантереяси, ўсимлик мойи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари. нон, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, ун, ёрма ва б. ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги, асосан. пахтачилик, ғаллачилик (шоли ва буг-дой етиштириш) ва чорвачилик (гўшт, сут, қоракўлчилик)дан иборат. Қ.х.нинг ялпи маҳсулоти ҳажмида пахта 22,4%, ғалла экинлари 22,1%, чорва маҳсулотлари 36,4% ни ташкил этади. 2004 й.ла умумий экин майдони 251,2 минг га, шундан 92,9 минг га майдонга донли экинлар, 102,9 минг га ерга пахта. 13 минг га ерга сабзавот-полиз, 34,2 минг га ерга ем-хашак экинлари экилди.

Чорвачилик, асосан, гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. 2005 й.да барча тоифадаги хўжалиқларда 437,7 минг қорамол, 539,9 минг қўй ва эчки, 844,7 минг парранда, 15,8 минг от боқилди.

Транспорт. Қ. кенг ва турли-туман транспорт тармоғига эга. Т.й., ҳаво, автомобиль транспортларидан кенг фойдаланилади. 1994 й.да авто-мобил йўлларининг умумий уз. 4295 км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар 4235 км бўлган. 1999 й.да Амударёга Нукус ва Хўжайли ш.ларини бирлаштирувчи автомобиль йўлли кўприк қурилди. Қораўзак — Мискин, Мискин —Газўчок. Мискин—Бузоқбоши т.й. куриб ишга туширилди. 2005 й.да т.й. узунлиги 984 км га етди. Нукусда троллейбус қат-нови йўлга қўйилган (1991). Нукус аэропорти 1940 й.да курилиб. 2003 й.да реконструкция қилинган. 1 соатда 200 кишига хизмат кўрсатади. 1998 й.да Қ.да «Ўздунробита» Ўзбекистон — Америка кўшма корхонасининг уяли телефон тармоғи фаолият бошлаган.

Тиббий хизмати. Республикада 70 та тиббий муассаса (9485 ўрин), 246 ам-булатория-поликлиника муассасаси, уларнинг таркибида 20 қишлоқ, участка врачлик пункти, 6 шаҳар ва маҳалла врачлик пункти, туман марказий касалхоналарига қарашли 14 поликлиника, 20 республика ва шаҳар ҳамда касалхоналар билан бирлашган 20 поликлиника, 3 болалар поликлиникаси, 2 республика муассасаларига қарашли поликлиника бор. 1991—2005 й.ларда 61 қишлоқ врачлик пункти; Нукус ш.да Республика акушерлик ва гинекология и.т. ин-тининг филиали, 2 поликлиника (100 беморни қабул қилишга мўлжалланган) қурилди. Қ.да 3,6 минг врач (ҳар 10 минг аҳолига 23,1 врач, 15,5 минг ўрта тиббий ходим (ҳар 10 минг кишига 98,7) фаолият юритади. Ҳар 10 минг кишига касалхоналарда 60,6 ўрин тўғри келади. Аҳолига Ўзбекистон республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Нукус ш.даги филиали, шунингдек, 14 туман марказий касалхонаси

ва тахиатош ш. касалхонаси қошидаги тез тиббий ёрдам бўлимлари хизмат кўрсатади. Нукус ш.да 2 та шаҳар поликлиникаси «оилавий поликлиника» сифатида фаолият юритади. Кейинги 10 йил ичида республикада ҳамширалик пар-вариши бўйича 75 ўрин ташкил этилган. Нукус ш.да 1998 й.дан Скрининг маркази, 2003 й.дан эса бир сменада 100 ўсмирни қабул қилишга мўлжалланган республика ўсмирлар маркази ишлаб турибди. Республикада Тошкент педиатрия ин-тининг филиали, 4 тиббиёт коллежи мавжуд. 9 санаторий-профилак-торий (1200 ўрин) фаолият кўрсатади.

Спорти. Қ. спортчилари спортнинг кураш, бокс, футбол, оғир атлети-ка, волейбол, баскетбол, от спорти турлари ва б. бўйича мамлакат мусо-бақаларида иштирок этиб келмоқдалар. Қ.да 14 стадион, 467 спорт зали, 3159 спорт майдончаси, 3 сузиш ҳав-заси, теннис кортлари ва б. спорт иншоотлари бор. Бир қанча қорақалпоқ спортчилар Ўзбекистон, Осиё, жаҳон спорт мусобақаларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритганлар ёки сов-ринли ўринларни эгаллаганлар. Қ. спортчилари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», студентлар универ-сия-даларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Муайтай бўйича 5 қарра жаҳон чемпиони Эркин Қўтибоев, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Бахтиёр Нуруллаев, Олимпиада ўйинлари қумуш медали совриндори Сергей Сирцовнинг номлари машхур. 12-Осиё ўйинларида бокс бўйича Али-шер Аvezбоев, футбол бўйича Бер-дах Алланиязов, эшқак эшиш бўйича Бахтиёр Давлетяровлар ғолибликни қўлга киритдилар. Республи-када халқаро тоифадаги спорт усталари, спорт усталигига номзодлар, 1 тои-фада-ги спортчилар тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 2004/05 ўқув йилда Қ.да 763 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатиб, уларда 338 мингдан зиёд ўқувчига 36,1 минг ўқитувчи таълим беради. «Про-Т4-Ш гресс» таълим

ва тараққиёт маркази Ўзбекистондаги 21 -а. мактабининг андо-заси сифатида тан олинди. Ўқитишнинг ноанъанавий услу-бларидан фойдаланиш, энг янги

дарсликлар, ўқув дастурлари, аудио ва видеотехникаларни қўллаш ўқувчиларга инглиз тилини ўрганишга ёрдам беради. Унинг филиаллари Қўнғирот, Тўртқўл, Хўжайли туманла-рида очилган. Ўқувчиларнинг компью-тер саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. 6 ёшдаги болаларни касбий йўналтириш ва уларни мактабда-ги ўқишга тайёрлаш мақсадида шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари қошида «Диагностика марказлари» ташкил этил-ган. 72 касб-хунар коллежи, 5 академик лицей бор. Бу ўрта махсус ўқув юрт-ларида 60,6 минг ўқувчи ўқийди. Қ.да *Қорақатоқ университети*, *Нукус педагогика институти* ҳамда Тошкент тиб-биёт педиатрия ин-ти билан Тошкент аграр ун-тининг филиаллари бор. Уларда 9 мингга яқин талаба таълим олмоқда.

35 илмий муассаса, шу жумладан, ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлимига қарашли 6 та бўлима (ЎЗР ФА Қора-қалпоғистон бўлимининг табиий фанлар комплекс ин-ти, Биозкология ин-ти, Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолар ин-ти, Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, Тарих, археология ва этногра-фия ин-ти, Қорақалпоғистон клиник ва эксперимен-тал тиббиёт илмий тадқиқот инти), Ботаника боғи ишлаб турибди.

Матбуоти, радиоэшиттириш ва телевидениеси. Қ.да 5 республика, 14 туман, 1 шаҳар (Нукус), 20 тармоқ газ. лари, 2 бюллетень ва 9 журнал нашр этилади. Шулардан йириклари: «Ёркин Қарақалпақстан» (1924 й.дан), «Вести Қарақалпақстана» (1919 й.дан), «Қара-қалпақстан жаслари (1931 й.дан)», «Аму тонги» (1991 й.дан), «Устоз жолм» (1998), «Гарезсизлик хэм нмзам» (1996 й.дан), «Давр кўзгуси» (1978 й.дан), «Мадани-ят хэм спорт» (1997 й.дан), «Амударё» (1932 й.дан), «Вестник» (1960 й.дан), «Арал кмзлари» (1991 й.дан), «Илим хэм

жэмийет» (1991 й.дан), «Саняят» (2003 й.дан), «Эко-номика хэм банк» (2003 й.дан), «Қарақалпақстан» (2002 й.дан), «Билим хэм ондирис», «Жипек жолм» (1999 й.дан). Қ. радиосининг эшиттиришлари 1932 й. январьда бошланган. Дастлаб радиоэшиттиришлар қисқа ахборотлар тарзида ташкил қилинган. 1935 й.да уларнинг ҳажми 3 соатгача етказилган. Ҳоз. кунда Қ. радиоси кунига 6,5 соат ҳажмда эшиттиришлар олиб боради.

Қ телевидениеси дастлаб 1964 й. 5 ноябрда эфирга чиқди. Илк фаолияти даврида кўрсатувлар кечки пайтда 1,5 соат ҳажмда берилган. Ҳоз. кунда эрталаб 1,5 соат ва кечки пайт соат 19 дан ярим тунгача, дам олиш кунлари телекўрсатувлар олиб борилади.

Адабиёти. Қад. ва бой тарихга эга қорақалпоқ фольклорининг асосини лирик ва эпик асарларнинг барча турлари ташкил этади. Лирик жанр асарларига халқ, маросим кўшиқлари (ёр-ёр, хаужар, жўклов, ярамазон, гулап-сан, бадик ва б.), айтис (айтишув, кўшиқ-беллашувлар), матал ва мақоллар, масаллар, тез айтиш; эпик жанр асарларига эртақ, тўлгов, терма, дос-тонлар қиради.

Достонлар қорақалпоқ фольклорининг асосий жанри бўлиб, 4 тур (қахрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, тарихий достонлар)га бўлинади. Қорақалпоқларда кенг тарқалган достон «Алпамис» достони. Шунингдек, «Едиге», «Қублон», «Қирқ киз» достонлари машхур.

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намунаси шоир *Жиен жировнинг* (1730—84) фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг «Улуғ тоғ», «Пўсган ел» достонларида қорақалпоқларнинг Хоразмга кўчиб келиш тарихини ёзган. Қорақалпоқларнинг туркистондан кўчиб келишига шоирнинг яна бир «Хуш бўлинг, дўстлар» шеъри бағишланган. Яна бир шоир *Кунхўжа* шеърларида ўзи яшаган даврдаги халқ ҳаётини тасвирлаган. *Ажиниязнинг* ижоди 19-а.да ижод қилган қора-қалпоқ шоирлари орасида

етақчи ўринни эгаллайди. Унинг асарлари алоҳида тўпламлар сифатида қорақалпоқ, ўзбек, козоқ ва рус тилларида чоп этилган. *Бердақ* шоирнинг лирик, сатирик, дидактик шеърлари, тарихий достонлари диққатга сазовор. Шунингдек, Отеш Алшинбай ўғли (1828—1902), Қулмурот Қурбон ўғли (1845—1926), Омар Сугиримбет ўғли ва б. шоирларнинг шеър, достон ва б. асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

20-а. бошларида қорақалпоқ адабиётида шеърят етақчилик қилди. Ҳоз. замон қорақалпоқ адабиётининг асосчилари А. Мусаев, С. Мажитов, К. Аvezов, К. Ёрма-нов, И. Фози-лов, Н. Довқораяев, А. Бегимов, Ж. Аймурзаев, Д. Назберганов, М. дарибаев, А. Шому-ратов, С. Қурбон-ниёзов ва б.нинг ижодида маданият ва маърифат, таълим, меҳнат, табиат ги, аёллар тенглиги ний масалалар асосий бўлди.

20-а.нинг 20—40-й.ларидаги қорақалпоқ адабиётида Қози Маулик Бекмуҳам-мад ўғли (1885—1950), А. Дабиллов, С. Нурибетовлар ижодида халқ оғзаки ижодининг бой анъанавий мероси кенг тасвирланган. 1940—45 й.ларда қорақалпоқ адабиётида ташвиқот-тарғибот йўналишидаги публицистик асарлар билан фелъетон, очерк, қисқа ҳикоялар яратила бошлади. Бадиий асарларнинг асосий мавзуси фашизм устидан ғалаба қозониш, қахрамонлик ғоялари бўлиб, бадиий асарларда ҳам уруш қахрамонларининг образлари яратилган.

Урушдан кейинги даврда (1946—60) шеърят, проза, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик ривожланди. Ўша даврда ёзувчи ва шоирлардан И. Юсупов, Т. Жумамуратов, Б. Қайпназаров, Б. Исмоилов, Х. Туримбетов, О. Хўжаниёзов, Т. Қайпберганов, К. Султонов, Г. Сейтназаров, Т. Сейтжонов, Ж. Дилмуротов, С. Пиржонов ва б.нинг ижоди самарали бўлди. Адабий таржима-шуносликка ҳам кўп эътибор берилди.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг кўп асарлари, баъзи адибларнинг тўпламлари ўзбек, рус, қозоқ тилларига таржима қилинди. Ўз навбатида бошқа халқлар адабиёт вакилларининг сайланма асарларидан қорақалпоқ тилига ўғирилган таржималари нашр қилина бошланди.

1960—80 й.лар қорақалпоқ драматургиясида П.Тўлегеновнинг «Оналар», «Кўланка», «Инсон тақдири», Ж. аймурзаевнинг «Бер-дақ», «Қадрдон док-тор», С.Хожаниёвнинг «Суймаганга суйканма», «Ахмоқ подшо», Т. Сейтжонов, И. Юсуповнинг пьесалари (А.Шамуратов б-н биргаликдаги) муҳим аҳамият касб этади. Шу даврда лирик-эпик шеърят мазмуни ва мавзуси, унинг жанр жиҳатдан ўзига хослиги ривожланди ва бойиди.

1970—80 й.лар драматургиясида театр сахналарида қўйилган К.Раҳмоновнинг (1942—2002) «У дунёга таклиф» трагикомедияси, «Инжикнинг муҳаб-бати» комедияси, И.Юсуповнинг «Ажинияз» операси либреттоси янги муҳим ҳодиса сифатида тан олинди. Х. Сапаров, Ш. Дилмуротов ва б.нинг шеърый тўпламлари қорақалпоқ болалар адабиётига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. 1970—80 й.лардаги қорақалпоқ прозаси Г.Есемуратова, У.Пиржанов, А.Атажанов, Ж. Сейтов, С.Баҳодиро-ва, Х.Ҳамидов, К. Мамбетов, О.Бек-баулов, И.Қурбонбоев, С.Солиев, М.Қайипов каби ёзувчилар билан бой-иди. Ҳоз. замон қорақалпоқ прозасининг ривожланишида *Т.Қаипбергеновнинг* ижоди алоҳида ўрин тутди.

Ҳоз. замон қорақалпоқ шеърятини ғоявий-мавзули бадиий-эстетик жиҳатдан бойитишга И.Юсупов салмоқли ҳисса қўшди. 1980-й.ларнинг 2-ярмида К.Мамбетовнинг «Хуждан». О.Абдурахмоновнинг «Бўсаға», А.Оттепбергеновнинг «Дўзах ичида», К.Раҳмоновнинг «Окибат», Ш.Сейтовнинг «Халқобод» романлари яратилди. Шеърятга ўз овозига эга бўлган К.Каримов, К.Реймов,

Н.Торешова, М.Жуманазарова, О.Сейтаев, О.Сатбаев, Ж.Хўшнӣёзов, Х.Даулетназаров, Ж.Избосканов, Х.Айимбетов каби истеъдодли ижодкорлар келиб қўшилди.

Театр сахналарида трагедия, комедия, трагикомедия жанрларидаги К.Раҳмоновнинг «Лаққилар касалхонада», С.Жумагуловнинг «Экстрасенс», «Куёвингни бериб тур», К. Матмуротовнинг «Фарзанд», М.Низамовнинг «Ноёб нуха», Ж. Хўжановнинг «Қўшнимнинг кизи» асарлари қўйилди.

Қорақалпоғистон адабиётшунослик фанига 1930-й.ларда Н.Довқораев (1905-53), К.Айимбетов (1908-73), И.Сагитов (1908—93)лар томонидан асос солинган. Уларнинг давомчилари: М.Нурмуҳаммедов (1930 — 86), Н.Жапаков (1914—75), С.Ахметов (1929-96), К.Максетов (1927-2003), Г.Есемуратов (1930), Ж.Наримбетов (1937 — 2004), К.Султанов (1932-2000). К.Мамбетов (1942-2001), Т.Мамбетниязов (1930), К.Байниязов (1934), С. Баҳодирова (1944), А.Пахретдинов (1938) ва б.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қорақалпоқлар санъатини ўрганиш халқнинг узоқ ўтмиши билан танишишга имкон беради. Унинг изларини антик давр меъморий ёдгорликлари-да, мас, *Тупроқ-қалъаатч* Хоразм цивилизациясига, оид деворий тасвирларда кўриш мумкин. Қорақалпоқлар санъатининг сарчашмалари Шарқий Европа ва Осиё қад. маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Қорақалпоқ орнаментлари Киев яқинидан топилган — кумушдан ясалган тамғали белбоғ қадамалари, фибуллар ва чакка халқ-аларида ҳам учрайди. Бу тасодифий эмас, чупки «қора кулоҳлар» қабилалари 12-а.да Киев Русининг чегарасида яшаган. *Чирикработна* топилган заргарлик буюмларидаги мотивларни қорақалпоқ орнаментининг тимсоли деб ҳисоблаш мумкин. Қорақалпоқларда халқнинг ўзига хос этник хусусиятлари гилам ва кашта буюмларида яққол акс эт-

тирилган. Уларга кўшни бўлган халқлар орасидан қорақалпоқтарда кўпроқ туркман орнаменти ва нақшларига яқинлик сезилади. Қорақалпоқ кигиз ва наматларидаги безаклар жуда қизиқарли бўлиб, уларга нақш тушириш техникаси ўзига хос. қозоқларникидан фарқли ўлароқ, аппликация йўли билан туширилади. Уларда безаклар тўлқин кўринишида бўлади, бу жуда қад. орнамент бўлиб, сув рамзини билдиради. Чунки қорақалпоқлар қад. дан дарё ва кўл бўйларида яшаб келганлар. Уларда қадимдан мовут ва фил суяги билан қадама нақшли ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Қорақалпоғистон ҳудудида антик, ўрта аср ва янги даврларга оид меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Меъморлик ва тарихий ёдгорликлардан 237 таси рўйхатга олинган, улардан 145 таси археология, 25 меъморлик ва 67 таси монументал ёдгорликлардир. беруний туманидаги Султон Увайс Бобо (II-14-а. лар), кечирмас Бобо (17— 19-а.лар); Тўрткўл туманидаги Қалан-дардағ (18-19-а.лар). Норинжон Бобо (12—14-а.лар) мажмуалари, Хўжайли туманидаги Мазлумхон Сулу ва Миздахқон (11 —19-а.лар); Кўнғирот туманидаги Белеули (12— 14-а.лар). давут Ота мақбараси; Мўйноқ туманидаги Ҳаким Ота мақбараси ва қабристони, Эллиққалъа туманидаги Аёзқалъа-1 ва Аёзқалъа-2 (3—8-а.лар), Тупроққалъа (3-а.) энг муҳим ёдгорликлардир.

20-а.да Қ.да гасвирий санъат шакллари ривож топди (И.Савицкий, Қ.Соипов, Ж.Изентаев, Ж.Қуттимуродов ва б.). Нукусда *Қорақалпоғистон давлат санъат музейи*, *Қорақал-поғистон Республикаси ўлкашунослик музейи* фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоқ санъати анъанавий шаклга, чуқур тарихий ўтмишга эга. Бугунги Қ. санъатда ўзига хос миллийлик сақланиб қолган минтақадир. Халқ орасида ўтов, ҳовли анъанавий яшаш жойлари ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам санъатдаги анъанавийлик ҳамда миллий ўзига хослик сақтаниб қолган ва ўз ривожланишига эга.

Муסיқаси. Қ. муסיқа маданияти узок тарихга эга бўлиб, хоз. кунда бой муסיқий фольклор, оғзаки анъанадаги профессионал муסיқа ва, шунингдек, 20-а.да ривож топган композиторлик ижодиёти намуналарига эгадир.

Муסיқий фольклор шакллари асосини кўшиқлар ташкил этади. Халқ маросимлари билан боғлиқ бир қанча жанрлар (мав-сум маросим кўшиқлардан «Айдар-айдар» — шамолни чақириш, диний маросим — «Ярамазан», оилавий маросим ва маиший кўшиқлардан «Яр-яр», «Ҳеужар», «Ўлен», «Синсиу», «Джоклау» ва б.) унинг энг қад. қатламини ташкил этади. Бадиий мазмунига кўра халқ кўшиқлари ишқий-лирик, тарпхий, маросим, аёллар (қизлар), болалар кўшиқларидан иборат. Уларнинг аксарияти диатоник ладларга асосланиб, оҳанглари мелизматик безакларга бой, куйчанлик хусусиятларга эга. Қорақалпоқтарда исломдан олдинги маданият ҳисобланувчи руҳларни чақириш. улар ёрдамида беморларни даволаш учун пор-хан (парихон)лар томонидан ижро этилган айтимлар ҳам сақланган («бадик», «гулапсан»). Фольклор муסיқасида аёллар (қизлар)нинг чангкўбиз муסיқаси, йигит-қизларнинг театрлашган ўйин-кўшиқлари, лапарлари («яғли бахар») мавжуд.

Қорақалпоқларнинг оғзаки анъанадаги профессионал муסיқасининг марказий қисмини дoston муסיқаси эгаллайди. Қорақалпоқ дoston ижрочилари 3 турга бўлинади; жировлар, бах-шилар ва қиссахонлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маълум ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келган бўлиб, бир-биридан репертуаридаги дostonлар мазмуни, ижро услуби. дoston айтим куйларини ҳамда муспқий чолгу жўрна-возлиги жиҳатидан фарқ қилади. Жировлар фаолияти анъанавий ижоднинг энг қад. қатламига мансуб бўлиб, қахрамонлик дostonларини («Қоблан». «Шарьяр», «Едиге», «Атпамис». «Мас-патша»), тарихий тўлговларни ички овозда кўбиз

жўрлигила ижро этишади. Бахши (бакси) лар ишқий-лирик ва қахрамонлик дostonларни («Юсуф-Зулайха», «Зауре-Тлийр». «Юсуф-Аҳмет», «Гўрўгли») ҳамда мумтоз шеърятти асарларини очик овозда. дутор ва гижжак жўрлигила (гоҳида буламон ҳам қўшилади) ижро этишади. Куйлар мураккаблиги. ифоза воситалар боилити билан жировдан фарқ килади. Киссахоплар кўпинча саводхон шахслар бўлиб, халқ йиғинларида дoston кулёмаларини ўкиб ёкн ёддан айтиб беришади. Улар шеърларни фақат ўзига хос. нучк интонациясига якин айтим куи (намаТтарга солиб, мусикий чо.пу жўрлигиснз очик овозда ижро этишади.

Миллий мусика чо.гулари каторига дostonчиларнинг чо.гулари бўлмиш кўбиз, лутор, гижжак (гиржек) ва бўламондаи ташкари чапкўбиз, камиш сурнай ва болалар хуштаги («искирау-ик») киради. Утмишда қорақадпокларда чиндовл. сурнай. карпай. ного-ра, дап (доира) каби чо.гуларнинг мавжудлиги ҳақида қахрамонлик дostonларида маъдумотлар сакданган. Буларлан кўбиз ва д'тор кенг тарқалган. уларда моҳир со-зандадар томонидан қорақалпоқ мумтоз чо.гу куйлари чалинадп. Айникса. дутор куплари ораснда «Му-халлес», «Налиш» каби тутжумип кунлар шаклан мурак-каб ва пфода воситаларининг бойлиги билан ажралиб турали. Қорақалпоқ анъ-анавий мусика ривожланишига 20-ала Нураоулло жирсв. Ерпўлат жиров. Хўкнз жиров, *Жумабой жирпв*, Қиёс бахши Ҳайратдинов. *Жанак бахши* Шомурот-ов. Есжап бахши Қоспўлатоп, Кенжаоои бахши *Тилевмуротов*, Қорақалпоғистон халқ артисти Т.Қурбонов ва 6 салмоқли хисса қўшдилар.

20-а.нинг 2 чорагидан бошлаб мил-лий композиторлик ижодиёти шакллана бошлади. Мусикали драмалар, кичик симфоник асарлар, камер асарлар ва х.к. ёзилди. Бу соҳага *Жаақ бахши* Шомуро-тов салмоқли хисса қўшдилар. 1970-90-й. ларга келиб опера, опатория. Симфония, соната каби иирик жанрлардаги асар-

ларнинг илк тажрибалари пайдо бўлди «Ажинияз» операси (1974), «Биринчи қорақалпоқ симфонияси» (1971). бирин-чи миллий балети «Ой-жамол» (1996), Ғ.Демесиновнинг 2 симфонияси, форте-пиано ва оркестр учун коннертлари ва б. *О.Шомуротова*, *Е.Шеразиева*, *Р. Сеи-нов*, *С.Мам-бетова*, *О.Отамуротова*, *И.Рафиқова*. *Д.Каипов* ва б. замонавий мусика маданиятига сад'юкли хисса қўшдилар. Республиканинг маданий ҳаётида си.м-фочик оркестр. катта хор жа-моаси ва балет труппаси фао.т иштирок этмоқла. Шунингдек, Бердақ номидаги филар-юния (1946 й.), Қорақалпоқ дав-лат телерадиоқўмитаси қошидагн халқ чо.л-гулари оркестри, «Айкулаш» ашула ва ракс ансамбли, «Мухаллес» дуторчи-лар ансамбли ва б. мусикий жамоалар фаолият юритмоқта. Қорақалпоғистон о.м-мавий (эстрада) мусикаси соҳасида «Ўйнасин» вокал чо.гу ансамбли. «Еул-зор», «Саубет». «Миирас», «Жигитлар» гуруҳлари, *З.Хўжаназарова* (1961-92). р'Кутекеева. *М.Сапаева*. *Д. Мамбет-муратов*. *Е.Мунтеева*, *М.Отамуротов*. *Г.Оллабергенова* каби эстрада хонанла-ларн машхур.

Мусикий билим соҳасида болалар муспқа мактаблари. Нукуеда мусика кол-дежи. маланият коллежи. олий ўқув юрт-лари (Нукус ун-ти ва б.)да мусикий кафе-дралар фаолият кўрсат'оқда.

Театри. Драма ва тег.трнинг э.темент-дарида қоракатпоқ халқнинг урф-одатлари ва ўппнларида, хатқ дostonлари-да. халқ усталарининг ижо-диетида, профессионал сўз усталарининг санъати (0\Гирбек лаққи. Кампакат-Кам-пир. Давлат Лаққи. Тиннқиз)да мужас-самлашган. 19-а.да масхарабозларнинг санъ-ати кенг тарқалган. 20-а. бошларпга келиб театр профессионаз санъат дара-жасида шакланли. 1930 й. Тўртқўлда мусикали драма театрп ташкил этилди. кейинчашк унга К.С. Станиславский. 1990 й.да Бердақ номи берилди. Ундан ташкари Республикада *Қорақалпоқ теа-три*, 1978 й.ла тузилган *С. Хўжаниёзов*

номидаги Давлат ёш томошабинлар театри ва 1990 й.дан Давлат кўғирчоқ театри фаолият кўрсатмоқда

Киноси. 1970 и. 19 февралда Нукусда Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлари Тошкент киностудиясининг Қорақалпоқ филиали очилди. 1970 й.нинг ўрталарига келиб ёш қорақалпоқ кино санъати ривожлана бошлади. 1990 й. апрелда ушбу филиал базасида Нукус ш.да «Қорақалпоқ-фильм» киностудияси вужудга келди. Т.Калимбетовнинг «Қалпоқча» (1990), «Қайтиш» (1992) каби дастлабки бадиий қисқа метражли фильмлари яра-тилди. А.Султонов сценарийси асосида «Элим деган эр эди», «Айрилик» каби хужжатли фильмлари экранга чиқди. Экология, Афгон уруши. Хўкайли архитектураси, МДХ президентларининг учрашуви мавзуларида фильмлар яратилди. 2002 й.да ишланган «Она» фильми Бухоро кинофестивалининг махсус мукофотига сазовор бўлди. 2003 й. июль ойида Инс-брук ш. (Австрия)да ўтказилган 12-Халқаро кинофестивалида «Отабеги» хужжагли фильми қатнашди. 2004 й. ноябрь ойида Голландияда ўтказилган ЮФА халқаро кинофестивалида қағнашган «Кудук» хужжатли фильми шу ойнинг ўзида Бильбао (Испания) ш.да ўтказилган Халқаро кинофестивалида фестивалнинг эиг яхши режиссура учун кумуш совринига эга бўлди.

Ташқи иқтисидий алоқалари. Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2004 й. учун 95559,4 минг АҚШ доллари ёки 2003 й. даражасидан 50.2% ортик. Жумладан. экспорт 35160,5 минг АҚШ доллари ёки 2003 н.даражасидан 45.2% ортик; импорт 60398.9 минг АҚШ доллари ёки 2003 й.даражасидан 53,3% кўп.

2004 й.да ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмига нисбатан асосий ташқи савдо ҳамкорлари: Хи-той — 33.4%. Еермания — 14,6%, Буюк . Британия — 8,1%, Швейцария — 6,4%. Австрия — 5.7%. Италия — 4.1%. Франция - 2,9%. АҚШ — 2.5%. Потыша — 2,3%, Бельгия

— 1.7%ни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари бўлиб яқин хори-жий мамлакатлардан Россия (13.1%) ва Қозоғистон (1.0%) ҳисобланади.

Экспортдаги асосий ўринни пахта толаси эгаллайди, унинг улуши умумий экспортга нисбатан 85,3%, шундан узок хориж мамлакатларига экспорт 87,1% ва яқин мамлакатларга 12,9%ни ташкил қилади. Импорт структурасида асосий улуш машина ва асбоб ускуналари — 78,3%, кимё маҳсулотлари — 6,7%, қора ва рангли металллар — 5,9%, озик-овқат маҳсулотлари — 3,2%га тўғри келади.

Ад.: Толстов С.П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Камалов С.К., Каракалпаки в XVIII—XIX вв. (К истории взаимоотношений с Россией и средне-азиатскими ханствами), Т., 1968; Нурмухаммедов М.К., Жданко Т.А., камалов С.К., Каракалпаки. Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней, Т., 1971; Нурмухаммедов М.К., Антология Каракалпакской поэзии, Т., 1968.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1971 й.дан). Қўнғирот — Бейнов т.й. шохобчаси қурилиши муносабати билан 1971 й. бунёд этилган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 3,8 минг киши (2005). 2 умумий таълим мактаби, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият уйи, касалхона ва поликлиника мавжуд.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН» («Қарақалпақстан») — ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, адабий-бадиий журнал. 2 ойда 1 марта Нукус ш.да чиқади. муассислари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ҳукумати. Дастлаб «Қизил Қорақалпоғистон» (1930 й. 1 фев.) номида чоп этилган. 2000 й.дан ҳоз. номда. Асосий йўналиши ўзликни англаш, миллий қадриятларни тарғиб этиб, халқ онгига синг-дириш, ёш авлод-

ни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Республиканинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларини тарғиб этиш, Орол муаммоси ҳамда ушбу муаммо ечими йўлида мавжуд имкониятларни сафарбар этишни тарғиб этишдан иборат. Офсет усулида 8 босма табоқ ҳажмида қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади. Бош муҳаррири Табисқан Қанаатов (1998 й.дан).

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН»

(«Қарақалпақстан») — Қорақалпоғистондаги нашриёт. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфида. 1928 й. Қорақалпоқ давлат нашриёти номида ташкил этилган. 1964 й. июлдан ҳоз. номда. Нукус ш.да жойлашган. Нашриёт жаҳон адабиёти классиклари асарларини, шунингдек, бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник адабиётлар, тиббиёт, ўқув-педагогика соҳаларига оид асарлар нашр этади. 1930—31 й.лар «Қ.»нинг Тўртқўлдаги босмаҳонаси ҳамда газ. таҳририятлари бирлашиб, қорақалпоқ ва козок тилларида, жами 46 номда китоблар нашр этган. 2004 й. «Қорақалпоғистон» нашриётида 53 номда 141 минг 500 нусада босма махсулот нашр этилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ, И.В.Савицкий

номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи — республикадаги йирик музейлардан; Нукус ш.да 1966 й.да ташкил топган, 1984 й.дан *И.В.Савицкий* номи билан аталади. Музейга И.Савицкийнинг саъй-ҳаракати ва у тўплаган қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари негизда асос солинган. Музейнинг умумий майдони 6,9 минг кв.м. Музей халқ амалий санъати, қад. ва ўрта асрлар Хоразм санъати, 1920—30-й.лар ўзбек ва рус тасвирий санъати, қорақалпоқ замонавий ранг-тасвири ва ҳайкалтарошли-ги, илмий-маърифий бўлимлар, кутубхона (10 минг дона асар), фонд ҳамда таъмирлаш уста-

хонасига эга. Фондида 85 мингдан ортик экспонат мавжуд (2004). Музей фондида 1920—30-й.ларда авангард рассомлар яратган асарлар тўпланган. Қорақалпоқ халқ усталари томонидан яратилган заргарлик, ёғоч ўймақорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик (айникса, ўтов жиҳозлари) ва б. асарлар амалий санъат бўлимида жамланган. Қад. Хоразм санъати бўлими музейнинг археологик гуруҳлари томонидан қўлга киритилган топилмалар ҳисобига янада бойимокда. Тасвирий санъат бўлими тўплами, айникса, серкирра: тўпламини қорақалпоқ рассомлари (*И.Савицкий, К.Сонов, Ж.Қуттимуродов, Д.Тўраниёзов* ва б.), Ўрта Осиё рассомлигининг кекса авлоди *А.Волков, М.Курзин, А.Ни-колаев (Усто Мўмин), Н.Қарахан, Ў.Тансиқбоев* ва б.нинг катта аҳамиятга эга асарлари ташкил этади. Шунингдек, 1920—30-й.ларда фаол ижод этган рус рассомлари *А.Шевченко, Р.Фальк, В.Мухина, И.Грaбapь* асарлари билан бир қаторда ижоди деярли ўрганилмаган.

Р.Мазель, К.Редь-ко, А.Сафронов ва б.нинг асарлари ҳам қўйилган. музей экспонатлари монография (этнод, чизгидан тортиб то етук асарлар) тартибидан тўплангани б-н ҳам қимматлидир. Яна музейнинг ўзига хослиги экспонатларнинг зич жойланиши, экспозицияларда тўпламини тўлақонли намойишига эришганидадир. Музей санъат асарларини тўплаш, тарғиб этиш, каталоглар чоп этиш, кўргазмалар ташкил қилиш билан шуғулланади. Музей қошида гиламчилик устахонаси ишлаб турибди; «Нукус музейининг дўстлари» клуби фаолият олиб боради, кўргаз-малар уюштиради. Музей Халқаро музейлар қўмитаси (ИКОМ) аъзоси.

Музей 1968—69 й.ларда Москвадаги Шарқ музейида Қорақалпоқ тўпла-мини илк бор намойиш этди. 1970 й.дан республика ва хорижий мамла-катлар (АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия ва б.)даги кўргазмаларда иштирок этади.

Ад.: Государственный музей искусств Кара-калпакской АССР, М., 1976; Авангард, оста-новленный на бегу, Л., 1989; Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстана, Т., 2003.

Мариника Бабаназарова.

Қ О Р А Қ А Л П О Ғ И С Т О Н ДЕХҚОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ,

Ш.Мусаев номидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти — илмий муассаса. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-и.ч. Маркази таркибида. Чимбой ш.да жойлашган. 1958 й.да Бутуниттифоқ пахтачилик и.т.инти (СоюзНИХИ)нинг Чимбой зонал тажриба ст-яси (1928) базасида ташкил этилган. Ин-тда ғўза селекцияси ва уруғчилиги (ғўза селекцияси ва уруғчилиги, генетика ва ғўза толаси технологияси лаб. б-н), дон экинлари етиштириш технологияси ва уруғчилиги (мойли, ем-хашак экинлари уруғчилиги, агроэкология ва деҳқончилик, сугориш ва мелиорация лаб. б-н), ўсимликларни химоя қилиш бўлимлари; Турткўл жан. филиали, био-фабрика, илмий кутубхона бор (2005). И.т. ўтказиш ва тажрибалар қўйиш учун ин-т экспериментал базасига 250 га ер ажратилган. Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари: ҳозирги Орол бўйидаги экстремал шароитларга мос келадиган, У-тип тола берадиган, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган тезпишар, шўр ва қурғоқчиликка чидамли ғўза навларини яра-тиш ва жорий этиш; дон, дуккакли, мойли ва ем-хашак экинлари етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш; хўжалик юртишнинг янги ташкилий тузилмаларида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилишнинг уйғунлашган усулини такомиллаштириш, қ.х.да қўлланиладиган кимёвий препаратларнинг экологик-иқтисодий ва биологик самарадорлигини ўрганиш ва б. Кейинги йилларда ин-тда ғўза, беда, судан ўтининг бир неча истикболли навлари яратилди. Чимбой-160, Чим-

бой-3000, Чимбой-4104 ғўза навлари, Қорақалпоғистон (1, 2, 5) беда навлари р-нлаштирилди. Кўп йиллик илмий изланишлар натижасида Қорақалпоғистон шароитларига мос Чимбой-5 нок нави, Чимбой қандак ўрик нави, қовуннинг витаминларга бой Замча, Қариқиз, Бишак навлари яратилди, 30 маҳаллий нави тикланди. Алмашлаб экиш схемалари, тунроқни ишлаш усуллари, ўғитлаш системаси, кимёвий ва биологик химоя усуллари бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чўқилди. Ин-т фаолияти *й.Р.Қурбонов*, У.Торемуратов, З.Тохта-баев, И.Смешов, Д.Шамшетов, А.Н. Трибунский, А.В.Березнякова, М.Ази-зов, Б.Мамбетназаров, Б.Юсупов, Е.Торениязов ва б. олимларнинг номлари билан боғлиқ. Ин-т олимлари чет эл-инновациялари ва грантлари бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борадилар. Чет эл фирмалари, АҚШ қ.х. департаменти билан илмий алоқалар йўлга қўйилган.

Қ О Р А Қ А Л П О Ғ И С Т О Н Ё Ш МОШАБИНЛАР ТЕАТРИ,

Сапар Хўжаниёзов номидаги Қора-қалпоғистон ёш томошабин-яра театри — ёшлар ва ўсмирлар учун мўлжалланган театр. 1978 й. сент. да «Кечиккан баҳор» (К.Раҳмонов) спектакли билан очилган. Театрнинг ижодий жамоасини, асосан, Тошкент театр ва рассомлик санъати интени тугатиб борган ёшлар (Ж.Абиллаев, Ж. Жуманов, А.Наврўзова, Д.Кеунимжаев, Н.Хўжамуродов ва б.) ва Бердақ номидаги театрдан ўтган С.Олломуродова, Х.Сапаров, М.Матчонов, С. Ўтепбергенов, Г.Душимов, Б.Қаиповлар ташкил этди. Театр репертуарининг шаклланиши, жанр ва мавзу нуқтани назаридан бой ва хилма-хиллигини таъминлашда маҳаллий драматурглардан К.Раҳмонов, С.Жумагулов, С.Хўжаниёзов, Қ.Матмуродов ва б.нинг хизматлари катта бўлди. Чорак аср давомида театр репертуари «Хеопс пирамидаси» (Т.Қаипбергенов), «Менинг дўстларим» (С.Хўжаниёзов), «Нукус аф-

сонаси) (Т.Сейтжонов), «Тўққиз бемаза тўнғилдоқ ва бир уд-дабурон чинқилдоқ» (К.Раҳмонов), «Суюнчи» (П. Айтмуродов), «Питонийга саёҳат» (Ж. Хўжанов), «Одамлар нега айнийди» (С.Жумагулов), «Дуторлй солдат» (П. Тлегенов) каби замонавий ва афсонавий, дoston ва халқ эртаклари асосида яратилган сермазмун, томошабоп спектакллар билан бойиб борди. Театрга турли йилларда раҳбарлик қилиб келган *Н.Ансатбоев*, *Р.Тўраниёзов*, театр расомларидан *Б.Нуриимбетов*, *Л.Казачок*, *Н.Аибеков* ва б. қорақалпоқ ёшларини қардош халқлар ва жаҳон драматургиясининг дурдоналари билан таништириб бордилар: «Кузнинг биринчи куни» (Ў.Умарбеков), «Ота тақдири» (Б.Жа-киев), «Болага ота керак» (И.Лазутин), «Икки бойга бир малай» (К.Гольдо-ни), «Скапеннинг найранглари» (Ж.Мольер), «Буратино» (А.Толстой), «Этикли мушук» (Ш.Пьеро) ва б. *А.Наврўзова*, *И.Айбатов*, *Қ.Кубесова*, *А.Худойназаров*, *А.Ансатбоев*, *Д.Кеунимжаев*, *Ж.Абдимов*, *Л.Холикназарова*, *К.Шомуродовалар* театрнинг етакчи актёрларидир. Театр директори — *М.Эшжонов*, бош реж.и — *Р.Айтбоев*.
Тешабой Баяндиев.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШЛАРИ» («Қарақалпақстан жаслари») — қорақалпоқ тилида чиқадиган ҳафталик газета. Тўртқўл ш.да чоп этилади. Муассислар — Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон бўлими. дастлаб «Қарақалпақ комсомолларм» (1931), «Жас ленинши» (1931-92) номларида чиққан. 1992 й. дан хоз. ном-да. 2-жаҳон уруши йилларида газ. фаолияти вақтинча тўхтатилиб, газ.нинг вазифаси етакчи нашр — «Қмзnl Қарақалпақстан» газ. «Комсомол турмьюм» («Комсомол ҳаёти») бўлими очилиб, унинг зиммасига юклатилган. 1950 й.нинг 1 июлидан ёшлар газ.си қайта нашр этила бошлаган. Газ. тахририятида

«Мактублар ва оммавий ишлар» ҳамда «Ёшлар ҳаёти ва муаммолари» бўлимлари фаолият олиб бориб, ҳар ойда «За-мандас» («Замондош»), «Дерман» («Дармон»), «Ўа-ха-ха» («Қаҳқаҳа») клублари материаллари, шунингдек, «Ёшлар ижодидан», «Шахсий фикр», «Экология», «Қамолот хабарлари», «Аҳволинг қалай, қишлоқдош», «Давр ва ёшлар» ва б. рукнларда мақолалар чоп этилади. Адади 6000 нусха (2005).

Насриддин Назаров.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ - Қо рақалпоғистон Республикаси ҳукумати, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи-бошқарувчи органи. *Қорақал-поғистон Республикаси Жўқорғи Кен-геси* томонидан тузилади, унинг олдида масъул ва унга ҳисоб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақ-димига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилиб, Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланадиган Раис бошқаради. У ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

1998 й. 29 янв. янги тахрирда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Вазирлар Кенгаши: Қорақалпоғистонда иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга ва мустақамлашга кўмаклашади. Пул-кредит тизими-ни мустақамлаш чора-тадбирларини кўради. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, шунингдек, республикада иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш

истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чораталбирларини, шунингдек, табиий бойликларни муҳрфаза этиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; республика давлат хав-фсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқташ, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга қўмаклашади, Қорақалпоғистон Республикаси ва халқро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастур тарга оид ишларни мувофиқлаштиради. табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш чоратадбирларини кўради. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига муво-фик ҳукуматлараро шартномалар, битимлар тузади ва амалга оширади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ

- қорақалпоғистон Республикасининг олий давлат ҳокимияти органи, республика парламенти. 1995 й. 25 дек.да ташкил этилган. Бунгача Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши деб аталган. Республика Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округларидан кўппартиялилик асосида 5 й. муддатга сайланалиган 86 депутатдан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ҳуқуқий мақоми

Қорақалпоғистон Конституцияси (1993 й. 9 апр.) ва «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонун (1994 й. 24 сент.; янги таҳрирда 1998 й. 28 янв.)да белгилаб берилган. Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Жўқорғи Кенгеси иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиё-сий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс қорақалпоғистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Жўқорғи Кенгеснинг мутлақ ваколатларига қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. республика Конституциясига шарҳ бериш; иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат стратегик йўналишларини қабул қилиш; шунингдек, республикада давлат ҳокимияти органларининг раҳбарларини, ўринбосарларини, мансабдор шахсларни лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш ҳамда Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатлар қиради.

Жўқорғи Кенгес раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лаво-зимли шахси ҳисобланади. У Жўқорғи Кенгес томонидан Жўтфрғи Кенгес депутатлари ичидан яширин овоз бериш йу:ш билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг вакилиги муддатига ва қаторасша 2 муддатгача сайланади (Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, 80-модда). Жўқор-ғи Кенгес Президиуми Жўқорғи Кен-гес фаолиятини ташкил этиш ва б. давлат ваколатларини амалга ошириш учун тузилали, унинг таркибига Жўқорғи Кенгес раиси, унинг ўринбосарлари, Жўқорғи Кенгес қўмиталари ва комиссияларининг раислари, Жўқорғи Кенгесдаги партия гуруҳларининг раислари қиради. Ҳоз. кунда Жўқорғи Кенгесда 5 қўмита, 1 комиссия, 3 фракция мавжуд.

Жўқорғи Кенгес *Қорақалпоғистон*

Республикаси Вазир.тр Кенгаши билан биргаликда 1924 й. нояб.дан чиқадиган «Еркин Қарақалпақстан». 1919 й. июнидан чиқадиган «Вести Каракалпақстана» ҳамда 1992 й. 25 июлдан чиқа бошлаган «Аму тонги» газ.ларининг ҳаммуассисидир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

— маданий-маърифий муассаса; 1929 й.да Тўрткўл ш.да тарих-ўлкашунослик музейи сифатида асос солинган. 1944 й.дан Нукус ш.да. 1969 й.дан ҳоз. номда. Музейда табиат. археология-этно., амалий санъат. янги тарих бўлимлари ҳамла фонд мавжуд. Фон-дида 57 мингдан зиёд экспонат бор (2005). Музейнинг шаклланишида олимлардан Н.А.Баскаков, Н.В.Тор-чинская, К.Аимбетов кабиларнинг хизматларн катта. Я.Фуломов. С.П.Толстов, Т.А. Жданко, А.Л. Мелков. А.С. Морозова ва б. олимлар бошчилигида археология-этно. экспедициялари даврида топилган ҳамда аҳолидан тўпланган экспонатлар ҳисобига музей фонди бойитилган. Музей экспозициясида ўлка тарихи. халқ ижоди, археология-этнографияси. ўснмлик ва ҳайвонот дунёси, Орол фожияси, қорақалпоқ халқининг ўзига хос амалий санъати (ай-никса, заргарлик, кашгалўзлик. киним, ёғоч ўймакорлиги ва б.)нинг қад.дан ҳоз. давргача бўлган ҳолати сркин ифодасини топган. Музей фон-дини бойитиб борали. экспонатларни сақлаш, таъмирлаш. консервациялаш ишларини амалга оширади: фондини кўрғазмалар уюштириш йўли билан тарғиб қи.тади. Музей Ўзбекистон ва Қора қалпоғистон ФА ҳамла унинг нн-тлари билан. республикадаги ва чет мам-лакатлардагн музейлар на б. ташкилотлар билан яқин алоқада фаолият юритади.

Светлана Нурабуллаева.

ҚОРАҚАНД — кечпишар қовун навн. Шакли тухумсимон, учи гўмтоқ. йн-рик (уз. 25—30 см, оғирлиги 2.5—4,5

кг). Сирти сал тилпм-тилим. тўри йирик, баъзи жойлари гўрсиз. Туси жигарранг юатаниб тузаадиган тўқ яшил. Сиртидаги гуллари тусидан сат фарқ қила:шган деярли қора, тўқ яшил энсиз йўлларлан иборат. Пўсти қаггиқ, эти қалин (5,5 — 6 см). оч-яшил. нўстига яқин жойи яшил. Уругхонаси унча катта эмас, уруғи йирик. Таркибила 8,3 — 1 1.4% қанд, 1 1-13,5% куруқ модда бор. Уруғи униб чиққандан сўнг ҳосили 100—110 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Олис жойларга юборишга, сақлашга ва ташишга ярқкли. Ушбу нав 1946 й.дан Самарқанд, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида экиш учун р-нлаштирилган.

ҚОРАҚАРАҒАЙ - қарағайдошларга мансуб доим яшил игна-баргли дарахтлар туркуми. 36 тури маълум. Евросиёда 27, Шим. Америкада 9 тури тарқалган. Ўзбекистонда оддий ёкиеврона Қ.и ва Шренк Қ.и тури ўсади. Оддий ёки европа Қ.ининг бўйи 15—20 (30— 50)м, пирамидасимон. Пўстлоғи қизғиш-кўнғир ёки кулранг. Игнабарглари 15—25 мм, зич жойлашган, ўтқир учли. куртаклари тиғсимон, смоласиз. Новдалари қаттиқ, 5—7 йил давомида сақланиб туради. Атоҳида ўсган дарахтлар 10— 15, ўрмонларда эса 25—30 ёшидан гуллайди. Шамол ёрдамида чангланади. Куббалари тухумс и мо н . Уруғи окт.-ноя-б.да пишиб етилади. 250-800 й.гача яшайди, совуққа чидамли. Ёғочи оқ, енгил, қаттиқ. 80—120 й.дан кейин қирқиб фойдаланиш мумкин. Ёғочи қурилишда, целлюлоза-қоғоз саноатида, мебель, мусика асбоблари, темир йўл шпаллари тайёрлашда ишлатилади. ўтин сифатида фойдаланилади. игнабаргларидан эфир мойи, С витамини, пўстлоғидан ошловчи моддалар олинади. Кўпроқ кўкаламзорлаштирмш ва тоғ ихотаси учун экилади. Уруғидан ва пархиш қилиб ҳамда қаламчаларидан кўпайтирилади.

ҚОРАҚАТДОШЛАР - икки

уруғпаллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ўт, бута ва кичик дарахтлардан иборат. Барглари оддий, ён баргчасиз, кетма-кет қарама-қарши ёки розетка ҳолида жойлашган. Гуллари икки жинсли, актиноморф, тож-барглари 5, баъзан 4 та, биттадан ёки тўпгулларга йиғилган. Меваси кўсак-ча, 35 туркуми (600 тури) мавжуд, асосан, Шим. ярим шарнинг совуқ ва мўътадил минтақаларида, айникса, тоғларда тарқалган. Ўзбекистонда 4 туркумга мансуб 6 тури ўсади. Булар ичида истеъмол қилинадиган қорақат кенг тарқалган. Қ.нинг *тошёрар*, *гортензия*, *филодельфия* туркуми вакиллари манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. *Бадан* тури таркибида 20% гача ошловчи моддалар бор. Қ.нинг ҳамма турлари асаларилар учун озик.

ҚОРАҚИЁҚ, майсазор отқўноғи, ажриқбош — бошоқдошлар оиласи, отқўноқлар туркумига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик тури; ем-хашак экин. Ғарб. Европа, АҚШ, Канада, Россияда кенг тарқалган. Бўйи 60—100 см. Май — июнь охирида гуллаб, июлда уруғлайди. Чорва моллари учун яхши озуқа. 100 кг кўк массасида 20—25 озуқа бирлиги ва 1,0—1,5 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Қишга чидамли, намталаб ўсимлик. Пичан ўриб оладиган ўтлоқлар яратиш. ўт-далали алмашлаб экишда кенг қўлла-нилади. Экилгандан сўнг 3—4 йил ўтгач 70ц/га пичан, 3,5 (10) ц/га уруғ олиш мумкин. Тоғ зонасидаги ўрмонларда, ўтзорларда ўсади. Қ.нинг бир неча р-нлаштирилган селекция навлари бор. Уруғидан экиб кўпайтирилади.

ҚОРАҚИЯСОЙ РАСМЛАРИ - Қор жонтовнинг жан. ён бағридаги сойнинг чап қирғоғи қоятошларига ишланган тасвирлар; Тошкент ш.дан шим.-шарқ-да. 1974 й.да археолог А.Кабиров топган; 1981—82 й.ларда археолог М.Хўжаназаров и.т. ишлари олиб борган. 1500 дан ортиқ расмлар тош, металл ва қаттиқ буюмлар билан ўйиб-

чўкичлаб ишланган бўлиб, ишлаш услублари хилма-хил. кўпроқ соя услуби қўлланилган. Энг қад.си 2-минг йилликка, кейингилари мил. ав. 7—1-а.ларга мансуб; улар орасида илк ва сўнгги ўрта асрларга оидлари ҳам бор. Одам, буқа, ит, бўри, оху, чўчка, тоғ эчкиси, буғу, туя, тулки ва б. хайвонлар. шунингдек, қад. 5 та арава, чавандоз, ўқ-ёй ушлаб турган мерган, туяни етаклаган ёки минган одамлар маҳорат билан чизилган. Ўзбекистон ҳудудида илк бор жез даврига оид 5 та арава тасвири топилган, уларнинг 4 тасига отлар қўшилгани аниқ, бит-тасигина отсиз тасвирланган. Қ.р.да хайвонлар (буқа, чўчка, тоғ эчкиси, оху ва б.)ни итлар иштирокида ўқ-ёй билан яккама-якка ва кўплашиб ов қилиш ҳолатлари аниқ тасвирланган. Алоҳида ҳолда ўқ-ёй, ҳанжар, эгри ва тўғри қилич, арқон ва қопқонларнинг тасвирлари ҳам чизилган. Кун-далиқ ҳаётдан олинган манзаралар кўплаб учрайди.

Қ.р. Ўрта Осиё халқларининг қад. тарихи, маданияти, санъати тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.Хўжаназаров М., Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся, Самарқанд, 1995.

ҚОРАҚОБИҚ, қорақовуқ — чучмомадошларга мансуб кўп йиллик пиёзли доривор ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда Северцев Қ.и ёки Қ. тури ўсади. Пиёзи тухумсимон, усти қора пўст билан ўралган. Пиёзидан уз. 20 см, эни 1,5 см ча барглари ўсиб чиқаш. Июннинг охирида барглари қуриб, авг.да баргсиз соябон тўпгулли поя ҳосил қилали. Гуллари воронкасимон, сарғиш-қизил. Уруғи қора, жигарранг. Тошкент вилоятининг Сижжак, Бурчмулла, Чимён, Заркент кишлоқлари атрофларида, Қоржантов, Чатқол тизма тоғларининг тошли ва шағалли ёнбағирларида 1700—1900 м баландликларда ўсади. Пиёзи, барги ва уруғидан 12 хил алкалоид ажратиб олинган.

ҚОРАҚОЗОНЛАР — Ташкент кокими *Юнусхўжа* даври (18-а.нинг охири — 19-а. боши)да қўшин номи. Юнусхўжа 6 минг кишидан иборат қўшин тузиб, аскарларни пилта милтиқ, қилич, най-за, қалқон билан қуроллантирган. Бу қўшин «қора қозон» деб аталиб, унда, асосан, турли шаҳарлардан келган мусофир кишилар ва асирлар хизмат қилган. Юнусхўжа уруш вақтида ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан 50—60 минг аскар тўплай олган. Қўшин турли рангдаги байроқтар, ноғора, қарнай ва сурнайлар билан таъминланган. Уруш боришига қараб, ҳар бир хонадондан бир-икки киши қўшинга жалб этилган. Қ. солиқларлан озод қилинган.

ҚОРАҚУЛОВ Жуман (1921, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани — 1944.18.10. Чехословакия, Звала ш.часи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 й.дан фронтда. 327-гвардиячи тоғ ўқчи полки (4-Украина fronti 1-гвардиячи армиянинг 128-гвардиячи тоғ ўқчи дивизияси)нинг гвардиячи оддий аскар. Звала ш.часини озод этишда кўрсатган жасорати учун Қахрамон унвони берилган (1945.24.3, вафотидан сўнг). Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой ш.даги кўча ва мактабга унинг номи берилган.

ҚОРАҚУЛОҚ, қарақал — мушуклар уруғига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг уз. 65—82 см, думи 25—30 см. Ташки кўриниши қисман силовсинга ўхшайди; қулоғи учиде қора туклари бор, лекин думи тўмтоқ эмас. Юнги калта. Африка ва Осиё чўлларида яшайди; Ўрта Осиёда Туркманистон жан.да учраши мумкин. Қуён, майда кемирувчилар (қум-сичқонлар) ва қушларни тутиб ейди. Сони камайиб кетган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОРАҚУМ — Осиёдаги энг катта қумли чўл. Ўрта Осиёнинг жан.да. Туркманистоннинг асосий қисмини эгаллай-

ди. Шим.да Сарикамиш ботиғи, шим.-шарқда ва шарқда Амударё водийси, жан.-шарқда Қорабел ва Бодхиз қирлари, жан.да Копетдоғ этаклари, ғарбда қад. дарё ўзани Ўзбўй билан чегарадош. Майд. 400 минг км². Қ.нинг асосий қисми ёш грабенда жойлашган пасттекисликдан иборат. Ўртача бал. 100 м, жан.-шарқда 200—300 м, шим.-ғарбида эса 30—50 м. Қ.да палеоген даврининг охири (олигоцен)гача денгиз режими ҳукм сурган. Денгиз чекингач, аллювиал ётқизиклар тўпланган. Қ.нинг шим. қисмлари Амударё, жан. қисмлари Тажан, Мурғоб дарёлари ва Копетдоғдан оқиб тушган қад. дарё ётқизикларидан ҳосил бўлган. Қ. табиий географик жиҳатдан уч қисмга: Унғузорти Қ. (шим.да), Марказий (Паст) Қ. ва Жан.-Шарқий Қ.га бўлинади. Қ.нинг морфоскульптура рельефи жуда мураккаб. Унда тўзима бархан қумлари, бархан занжирлари, пастак қум тепалари, дўнг қумлар, қатор тепа қумлари ва кўзанақ қумлар каби эол рельеф шакллари кенг тарқалган. Пастқам ерларда шўр, шўрхоқ ва тақирлар учрайди. Қ.нинг 9/10 қисми қумли ерлардан иборат. Қатор тепа қумлари Марказий Қ. билан Унғузорти Қ.ида кенг тарқалган. Улар меридианал йўналган, мустаҳкамланган узун қум тепаларидир. Жан.-шарқ ва марказий қисмларида қатор тепа қумларининг бал. 3—5 м дан 30 м гача, улар орасидаги чуқурлик (жўяк)ларнинг эни 150—200 м. Қад. Амударёнинг миоцен ва плиоцен гил-қум ётқизикларидан тузилган Унғузорти Қ.ида қатор тепа қумларининг бал. 40—60 м, улар оралиғи эса ўртача 0,5 км бўлган қатор шўрхоқ сойликлардан иборат. Унғузорти платоси энгерцин плитада жойлашган бўлиб, устини қалин мезокайнозой ётқизиклари қоплаган. Платонинг юзаси нисбатан текис бўлиб, кўпроқ палеоген даврининг қумтош, мергель ва гилларидан ташкил топган. Булар орасида гипс ва олтингурут қатламлари учрайди. Марказий (Паст) Қ. чекка букилмада жойлашган бўлиб, палеозой жинсларидан иборат. Амударё Марказий

Қ.дан (бундан тахм. 20—30 минг йил аввал) окмай қўйган. Ҳазар денгизи (тахм. 15—20 минг йил аввал) Марказий Қ.да сатҳи 50 м мут-лақ баландликдаги кенг қўлтиқ ҳосил қилганда, унинг суви шўр эди, чунки Амударё Хоразм ботиғи томон оққан.

Қ.нинг иқлими кескин континентал, куруқ субтропикка хос хусусиятлари бор (мўътадил ҳаво массалари ёзда тропик ҳаво массалари билан алмашилиб туради). Шим.да январнинг ўртача т-раси —5°, жан.да 3°, июлники шим.да 28°, жан.да 34°. Ҳаво трасининг суткалик амплитудаси жуда катта (50°гача, тупроқда 80°гача). Йиллик ёғин 60 мм дан 150 мм гача (жан.да кўпроқ). Ёғиннинг 70% ноябрь—апр. да ёғади. Вегетация даври 220—275 кун. Йилига 30—60 кун *гармсел* эсади. Қ.нинг шим.-шарқий чегарасидан Амударё оқиб ўтади; Тажан ва Мурғоб дарёлари қумга сингиб кетади. Қ. грунт сувларига бой: Амударё яқинида 3—6 м дан (бу дарё Қ.даги ҳамма ер ости сувларининг асосий манбаидир), Қорабел қирларида 300 м гача чуқурликда ётади. Қ.да бўз қўнғир (асосан, Унгузорти Қ.да), чўл қум тупроқлари, шўрхоқлар ва тақир тупроқлар тарқалган. Жан. ва жан.-шарқий қисмларида қисман бўз тупроқлар учрайди. Баҳорда Қ.нинг бархан қумларидан ташқари ҳамма худуди эфемер ва эфемероидлар билан қопланади. Ранг (илок) қўйларнинг асосий озукаси, оқ ва қора саксовул, буталардан қандим, қуён-суяк, чаканда, астрагаллар Қ.нинг тропик ўсимликларидир. Бархан қумларини мустаҳкамлашда селин, қуёнсуяк ва қандим, черкез катта аҳамиятга эга. Сут эмизувчи ҳайвонлардан жайран, қарсақ тулки, бўри, бархан мушуги, дашт мушуги, кемирувчилар учрайди. Қушлардан бойқуш, тўрғай, чўл қарғаси, чумчуқлар яшайди. Судралув-чилардан илонлар (чарх илон, ўк илон, дашт бўғма илони, кўзойнакли илон ва б.), калтакесақлар — ага-ма, геккон, эчкемар (уз. 1,5 м гача), дашт тошбақаси хос. Фаланга, қоракурт

ва чаёнлар бор. Чўлнинг кўп қисми қўй ва туялар учун йил бўйи яйлов. фойдали қазилмалари: олтингургурт, нефть, газ. Қ.нинг жан. қисмидан *Қорақум канали* ўтган. қ. орқали Ўрта Осиё — Марказ газ қувири ўтказилган. Қ.да экстенсив чорвачилик мавжуд. Дарахтлар ўтказиш ва кўчма қумларни мус-тахкамлаш ҳамда яйлов ўсимликлари фитомелиорацияси бўйича ишлар амалга оширилган. Жан.-Шарқий Қ.да Турк-манистон ФАнинг Репетек қумли чўл и.т. станцияси жойлашган.

Ад.: Федорович Б.А., Лик пустыни, М., 1954; Бабаев А.Г., Пустыня Каракумы, Ашхабад, 1963; Туркменистан, М., 1969; Петров М.П., Пустыни земного шара, Л., 1973; Пустыни Центральной Азии, М. — Л., 1966-67.

Мурод Маматқулов.

ҚОРАҚУМ КАНАЛИ, Қорақумдарё — Туркменистоннинг жан.-шарқидagi суғориш канали. Жаҳондаги йирик гидротехника мажмуаларидан бири. Ҳоз. уз. 1100 км. Сув ўтқа-зиш имконияти 502 м³/сек. Амударё сувини Туркменистоннинг жан.даги ерлар — Мурғоб, Тажан ҳавзалари ва Қопетдоғдан оқиб тушадиган ва б. кичик дарёларнинг камсув ҳавзаларига чиқариб беради. Амударёнинг чап қирғоғидан, ҳоз. Отамурот ш.нинг юқори-роғидан бошланади. Туркменистоннинг жан. қисмини кесиб ўтади. Суториш майд. 500 минг га дан ортиқ, 5 минг га яйловга сув беради. Қ.к. ўзи оқар, кенглиги 200 м гача, чуқ. 7,5 м гача, бош қисмида 465 км.ида кемалар қатнайди, балиқчилик ривожланган. Каналнинг Амударёдан Мурғобгача бўлган 400 км ли 1-навбати 1954— 59 й.лар қурилган. 100 минг га қ.х.га ярқоқли ерларни суғоради. Мурғобдан Тажангача бўлган 140 км ли 2-навбати 1960 й.да қурилган, сув сарфи 200 м³/сек. Каналнинг 2-навбати ишга туширилиши натижасида Тажан воҳасида 70 минг га га яқин янги ер ўзлаштирилди, илгари суғориб келинган 30 минг га ерда

суғориш ишлари яхшиланди. Тажандан Гўктепагача 300 км узунликдаги 3-навбати 1961—69 й.ларда қурилган, бу эса 100 минг га ерни суғориш имкониятини беради. 1971 й.дан 4-навбати қурилиши бошланди. Қурилган қисми 1100 км, 2003 й.га қадар Барекат ш.гача етказилди. Қ.к.да 4 сув омбори, жумладан, Ҳовузхон ва Копетдоғ сув омборлари қурилди. Қ.к. тўла қурилиб битказилгандан сўнг унинг уз. 1435 км, сув ўтказиш имконияти 1000 м³/сек.га етади. Туркманбоши шаҳар агрофи саноат р-нлари сув билан таъминланади.

ҚОРАҚУРТЛАР - ўргимчаклар уруғи. 6 тури маълум. Шим. Африка, Ғарбий Осиё, Жан. Европада, Ўрта Осиё, Молдавиядан Енисейгача бўлган жойлардаги даштларда, Украинанинг жан.да тарқалган. Ўзбекистонда оддий қорақурт, оқ қорақурт ва Дал қорақурти учрайди. Оддий Қ. урғочисининг уз. 10—20 мм, эркагиники 4—7 мм. Қ. усти бахмалсимон, қора тусда. Эркаги ва вояга етмаган урғочи Қ. корни оркасида оқ хошяли қизил нуқталар бор. Ҳашарот (асосий озиғи)га бой дашт, чўл ва чала чўлларда яшайди. Урғочиси пана жойларга уя ясаб, чиқаверишга ўлжа тутиш учун тўр тўқийди. Уясига илиб қўйилган ҳар бир пиллада (бунинг катталиги кичик ёнғоқдек, умр бўйи 4—7 дона) 200—400 тагача тухум бўлади. Тухумдан чиққан ёш Қ. пилла ичида қишлаб, апрелда пилладан чиқади. Ёш Қ. 6 марта туллаб, июнда вояга етади. Баҳорда кун исishi билан урғочи ва эркаги вақтинчалик тўр тўқийди. Эркаги урғочисини уруғлантиргандан сўнг нобуд бўлади. Уруғланган Қ. уя ясаш учун жой қидириб кўчиб юради. Шу даврда Қ. чақиши (безовта қилинганда) кўп учрайди. Қ.нинг заҳар безлари бош кўкрагида жойлашган, безлар йўли хелицерага очилади. Заҳари оксил токсиндан иборат; нейротроп таъсирга эга. Қ. заҳари туя ва отларга айниқса кучли таъсир қилиб, ўлимга олиб келиши мумкин. Урғочи Қ.нинг чақиши одам

организмининг умумий заҳарланишига, баъзан ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Бу кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш учун Қ. заҳарига қарши зардобдан фойдаланилади. Зардоб ва зардоблар илмий тадқиқот ин-тида ишлаб чиқарилади. Қ. заҳари фармацевтика саноатида ҳам қўлланади. Ўзбекистон ФА Зоология институтида Қ. махсус лаб.да заҳар олиш мақсадида кўпайтирилмоқда.

ҚОРАҚУРУМ — Марказий Осиёдаги тоғ системаси, Ҳиндистон (Жамму ва Кашмир штатларида) ва Хитой худудларида. Ер юзидаги энг баланд тоғ системаларидан бири. Шим.да Помир ва Куньлун, жан.да Ҳимолай ва Ганди-сишан тизмалари оралиғида. Уз. 500 км, шарқидagi Чангченмо ва Пангонг тизмалари билан бирга 800 км чамасида. Эни 150—250 км. Ўртгача бал. 6000 м, энг баланд жойи 8611 м (Чогори чўққиси). Бир қанча чўққиларининг бал. 8000 м дан зиёд. Қ. альп бурмаланишида вужудга келган бўлиб, ялон-ғоч қояли чўққилар, тошлоқ, тик ён бағирли чуқур даралар, курумлар хос. Замини гранит, мрамар, кристалли сланец, гнейс, вулканоген чўқинди жинслардан таркиб топган. Иклими кескин континентал, чўл иклими. Жан. ён бағри Ҳинд океани муссонлари таъсирида бир оз сернам. Йиллик ёғин 100—500 мм. Музликлар майд. 16,3 минг км², йириклари: Сиачен (уз. 75 км), Балторо, Римо. Қ. Ҳинд ва тарим дарёлари ўртгасида сувайирғичдир. Дарёлари қор ва музликлардан тўйинади. Окмас кўл ва ботқоқликлар бор. 3000—3500 м баландликкача қарағай, Ҳимолай кедр, дарё водийларида тол, терак ўрмонлари ўсади. Шим. ён бағирлари совуқ чўл ва қуруқ дашт, жан. муссон таъсиридаги ён бағри дашт ландшафтли, альп ўтлоқлари бор. Тоғ ён бағирларида донли экинлар экилади, мол боқилади, боғ ва тоқзорлар барпо қилинган.

ҚОРАҚУРУМ (мўғулча Хара-Хорин) — *Мўғуллар давлати* пойтахти. Қ. харо-

балари Хангай тоғи шарқий этакларида, Урхун дарёси юқори оқими бўйида жойлашган. Қ. ҳақидаги маълумотлар хитой солномалари ва 13-а. Европа сайёхлари Пано Карпини, Марко Поло (1253), В.Рубрук, шунингдек, *Жувайний*, *Абулғозий* асарларида қайд этилган. Жувайнийнинг ёзишича, дастлаб Урхун дарёси бошланадиган тоғлар шундай аталган. Қ.нинг уз. 1/2 фарсахни ташкил этган. Шаҳар қисқа муддат равнақ топган даврда кўп қурилиш ишлари олиб борилган. Хитой ва мусулмон усталари томонидан кўплаб саройлар қурилган. Қ.дан 2 фарсах шарқда Тарғубалиқ (қимматбаҳо мато шаҳри) қасри бўлган.

Г.Рубрукнинг берган маълумотига кўра, Қ.да мусулмонлар ва хитойликлар маҳалласи бўлган; мусулмонлар маҳалласида бозор жойлашган, хитойликлар маҳалласида хунармандлар яшаган. Қ.да катта саройлар, турли халқларга тегишли 12 та саждагоҳ, жумладан, мусулмонларнинг 2 масжиди қурилган. Шаҳар паҳса девор билан ўраб олиниб, 4 та дарвозаси бўлган.

Абулғозий Баҳодирхоннинг ёзишича, Ўқтойхон Хитойдан бинокор уста ва нақошлар келтириб кўплаб уй-жойлар, саройлар, кўшқлар қурдирган. Заргарларга олтин ва қумушдан фил ва шер хайкаллар ясаптириб атрофини ҳовуз қилган. Фил билан шернинг оғзидан ҳовузларни ичига шароб тўкилиб турган ва б.

Мункэхон даврида, 1256 й. уз. 300 қадамдан иборат 5 қаватли катта ступа ҳамда унга тегишли кўшимча бинолар қурилган. Ушбу бинолар ичидаги катта хоналар Будда хайкаллари билан безатилган, бинолар 1311 й. таъмирланган. 1342 й. Қ.да қайта қурилиш ишлари бошланган, у 4 йил давом этган. Ишлар якунлангач, мўғул ва хитой ёзуви битилган стела (устун) ўрнатилиб, унда мўғуллар пойтахтининг қисқача тарихи баён этилган. Хубилайхон даврида пойтахт Хитой худудига кўчирилиши билан Қ.нинг мавқеи ниҳоятда тушиб кетган. *Юань* сулоласи ҳукмронлиги даврида Қ.

ноиб қароргоҳига айланган, бу ноиб одағда валиаҳд шахзодалардан тайинланган. Хитойдаги *Мин* сулоласи императорлари билан мўғул хонлари ўртасидаги урушлар натижасида Юань сулоласи барҳам топгач, Қ. Хитой кўшинлари томонидан 1380 й. вайрон қилинган. Орадан 200 й. ўтгач, қ. харобалари ёнида машхур *Эрдэни-дзу* будда монастири қурилган. Омоч тишлари ва тегирмонтошлар, чўян қозонлар ва арава ғилдираклари ўқи, маҳаллий ва хорижий буюмлар, тангалар ва б. топилган. Қ.дан шарқда канал сувлари билан суғорилган экинзорлар мавжуд бўлган. Шаҳарга асос солингандан буён и.ч. саноати, жумладан, чўян куйиш, асосан, асир олинган хорижий хунармандлар томонидан амалга оширилган. 1899 й. рус олими Н.М.Яд-ринцев томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида Қ.нинг ўрнашган ери аниқланган. АМ.Позднеев эса тарихий манбалар таҳлили асосида Қ. Эрдэну-дзу будда монастири (1585 й. Қ.нинг бир чеккасида қурилган) ёнида бўлганини тасдиқлади. Шаҳар 1220 й. Чингизхон томонидан бунёд этилган, 16-а.да вайрон этилган. 1948 — 49 й.ларда С.В.Киселёв раҳбарлиги остида археологик қазиш ишлари олиб борилган. Шаҳарнинг жан. гарбий қисмидан Ўқтой қооннинг саройи (55x45 м) харобалари топилган. сарой остидан рангли деворий расмлари бўлган бутпарастлар' саждагоҳи қолдиқлари (12-а. охири — 13-а. боши) топилган. Қ.нинг марказий кўчаларида савдо-хунармандчилик маҳаллалари. хумдонлар ва темирчилик устахоналари қолдиқлари тадқиқ этилган.

Фахриддин Ҳасанов.

ҚОРАҚУШ— *қарғасимонлар* оиласига мансуб пар-ранда. Энг йирик индивидлари қанотини ёзганда 2 м га етади. Қанотининг уз. 52—64 см. Ерга ва қум тепаларига уя қуради. Апрель — июлда 1—3 та тухум қўйиб, 1,5 ойча босади. Асосан, кемирувчилар билан озикланади. Боласини боқишда нари ва

модаси қатнашади. Жўжалар уяда 2 ойча бўлиб, сўнгра мустақил яшашга ўтади.

ҚОРАҚҶЛ (1889-1921 ва 1939-90 й.ларда Пржевальск) — Қирғизистон Республикаси Иссиққўл вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Терская Олатовининг шим. этагида, Қорақўл дарёси бўйида. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 64,3 минг киши (1999). 1871 й.дан Жетисув вилоятидаги уезд шаҳри. Озик-овқат, мева-шароб, балла махсулотлари, шу жумладан, нон, балиқ з-длари, сут, гўшт к-тлари ва енгил саноат (поябзал ва тикувчилик ф-калари); электр-техника з-ди, электр иссиқлик маркази, аэропорт бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади (темир-бетон коришмалари, гишт-шағал з-длари). Педагогика ин-ти, Иссиққўл ун-тининг олий иқтисод коллежи, ўлкашунослик музейи мавжуд. Қ. атрофида «Оксув» ва «Жетиўғиз» бальнеологик курортлари жойлашган.

ҚОРАҒОЗ, оқ пешона кичик ғоз — ғозсимонлар туркуми ўрдақлар оиласига мансуб куш. Евросиёнинг тундра минтақасида тарқалган. Болқон я.о., Закавказье, Япония, Корея я. о. ва Хитойнинг жан.-шарқий қирғоқларида, баъзан Ғарбий Европа, Кичик, Ғарбий Осиё, Каспий денгизининг жан.-шарқида кишлайди. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё хавзалари. Оролбў-йида учиб ўтиш ва кишлаш даврида учрайди. Вазни 1,6—2,5 кг. Тумшуги асосининг атрофи оқ. Қовоғининг чети бир оқ. Тундрадаги қўл атрофидаги жойларда яшайди. Бугалар орасига, сувга яқин қояларга уя куради; 4—8 та тухум қўяди. Ўтлар билан озикланади. Овлаш тақиқланган. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ҚОРЖОНТОВ — Ғарбий Тяньшан тоғ системасидаги тизма. Асосан, Қозоғистон Республикаси Жан.

Қозоғистон вилоятида, фақат ғарбий қисмининг жан. ён бағри Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятига кирди. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган. Ўртача баландлиги марказий қисмида 2000 м, жан.-ғарбида 700—800 м. Энг баланд жойи 2823 м (Мингбулоқ чўққиси). Жан.-ғарбда Қ. пасая бориб Қорачатов қирига айланади. Бу ерда Ўзбекистон билан Қозоғистон чегарасида Қ.нинг эни 30—40 км. Қ. шим.-шарқий йўналишида 90 км давом этиб, Уғом тизмасининг ўрта қисмига бориб тақалади. Тизманинг жан.-шарқий ён бағри қиска ва тикроқ, сойлар билан чуқур кесилган. Шим. ғарбий ён бағри Келес дарёсининг чап ирмоқлари билан кесилган. Қ.нинг катта қисми палеозой даври вулкан жинслари, кумтош, сланец, конгломератлардан ташкил топган. Баъзи қисмида девон ва тошқўмир даврлари оҳақтошлари ва доломитлар тарқалган бўлиб, уларда карст рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари, шахталар, ғорлар) ҳосил бўлган. Қ.нинг ён бағирлари ҳар хил ўтлар билан қопланган. Ён бағирларини кесиб ўтган чуқур водийларда қорақарағайзорлар, 1400—2000 м баландликларда ёнғоқзор-мевазорлар учрайди. Қ.дан шим.-ғарбда Жузумсой, Қизилотасой, Уясой, Қоржонсой, Оқпарак, Кўкпаксой ва б., жан. ва жан.-шарққа Ургутсой, Қизилсув, Чилмай-рам, Оқтош, Озодбош, Товоксой ва б. дарёлар оқиб тушади.

ҚОРИ (араб. — ўқувчи) — Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийдиган киши. Кўзи ожиз, кўр кишиларни ҳам ҳурмат юзасидан Қ. деб аташ одат бўлган.

ҚОРИ ҚУНДУЗИЙ (тахаллуси; асл исми Имомали Султон Муҳаммад) (1786, Қундуз ш., Афғонистон — 1857, Қўқон) — шоир ва тарихчи. Туғма кўр бўлган. Бухорода таҳсил олиб, у ерда «Ҳофизии Қуръон» бўлиб танилган. Араб тилининг сарф ва наҳви, фикх, ҳадис ва адабиёт илмини чуқур билган. *Амир Умархон*

(1787—1822) Қўқон тахтига ўтиргач, Қ.Қ. ҳам Қўқон ш.га бутунлай кўчиб келган. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Қўқон шоирлари ва олимлари орасида ҳам юксак эътиборга эга бўлган. Абдулкарим *Фазлий* ҳам ўзининг «Мажмуаи шоирон» тажирасида уни «фикху тафсирдан хабардор», «аҳодис мазмуни ва шеър қонунидан бохабар». «каломи мажид замирини равшан қилувчи сирлар қулфига тили қалит» эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Қ.Қ. «Махфий» вл «Комий» тахаллуслари билан ижод қилган. Ҳазал, тзърих ва муаммолар сзган. Асосан, шеърин таърихларпи ўзида жамлаган «Тавори.хн манзума» («Назмий таърихлар») асарп бизгача тўла етиб келган. Асар 19-а. ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналаридан бў.тиш билан бирга, Қўқон хонлигн тарихнни ёритувчи муҳим тарихий асар. тардан бири ҳисобланади. Бу асарда асосан, 1822—48 й.ларда хонлик тарихида муҳим ўрип тутган таниқлн сиймолар: хонлар. вазирлар. қозилар, мингбошилар. шоирлар. олимларнинг вафот сапалари. баъзп биноларнинг қурилшии йиллари ва б. айрим муҳим саналар шеърии йўсинла гўзал ифода этилган. Мас, Заҳпрдднн Мухаммад Бобур, Амир Умархон каби подшоҳлар, Адо, Ма.хмур. Нола, Вазир каби шоирларнинг вафот саналари, Нодирабегим ва Мухаммад Алихоннинг Амир Насрулло томонлап разилона ва ваҳшиёна ўлдирилиши, Оллоқулихон вафоти, Шералихон, Худоёрхонларнинг тахтга ўтиришлари каби воқеатар шеърй таърих қилинган. Қ.Қ.нинг муаммо жанрига бағишланган «Халл ул-фароид» (Муаммоларни ечиш йўллари), шариат қоидаларига доир «Викоя» асари асосила «Шарҳи Викоя» номли кпгоб.тар яратгани х.акида ҳам маълумотддр бор.

Ад.: Қайюмов П, Тарихи Қайюмий [1-китоб], Т., 1998.

ҚОРИЕВ

Абдувоҳид, Абдурауфқориев Абдулвоҳдқори (1855 - Тошкет - 1938.12.1) - жамоат ва дин

арбоби, педагог. Дастлаб Қўкча даҳалик мактабдор Ёқубхўжа эшондан эски усулда сабоқ олган. 1870-80 й.ларда Эшонқулидодхоҳ ва 1880—88 й.ларла Бухоролаги Эрназарбой мадрасаларида таҳсил кўрган. 1888-1906 й.ларла Тошкент ш. Шайх Хованди Тохур даҳасидагп Мир абдуллабой масжид-мадрасасида имом, мударрис, шу даҳа қозиси. 1906 и.да Тошкент ш. думаси аъзоси. 1907 й.да Россия Давлат думасипинг депутати. У Думага маҳаллий аҳоли номидан Пирмухаммад аълам Турсунмухаммад ўғли билан ҳамкорликда ишлаб чиққан талабномасини топширган. Шу йили аҳолини ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга чорловчи «чакирик»ларни ўзбек ва тожик тилида ёзиб тарқатган. Шунинг учун 1909 й.да Тула вилоятига 5 й.га сургун қилинган. У рус адаби Л.Н.Толстой билан шахсан кўришиб, суҳбатлашиб, 1910 й.да унинг дафн маросимида иштирок этган.

Қ. сургундан қайтгач, 1917 й. апр. гача мударрис, апр. ойидан «Шўройи ислом» раиси. 1918 й.дан «Фуқоҳ» («Хуқуқшунослар») жамият аъзоси. Ўрта Осие маҳкамаи шария идорасининг раиси. 1923 й.да шу идора делегацияси таркибида Уфага бориб, Усмон Куръонини олиб келишда иштирок этади. 1926 й.да Макка ш.да бўлиб ўтган халқаро мусулмонлар конгресси иштирокчиси.

Қ. 1937 й.да асоссиз равишла қамоққа олинган ва 1938 й. қалтақлаб ўлдирилган. 1957 й.да оқланган.

ҚОРИЕВ Мақсуд (1926.1.8, Тошкент) — ёзувчи ва журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Тошкент юридик ин-тини тугатган. Юридик фанлари номзоди, доцент (1994). «Тошкент ҳаққати» газ.да муҳаррпр ўринбосари, бош муҳаррир (1954— 63), «Совет Ўзбекистони» гач. (1964-84), «Муштум» жур.да бош муҳаррир (1984—92). Журналистик фаолияти 50-й.ларнинг бошлари. адабий фаолияти эса 60-й.ларнинг 2-ярмида ки-

чик ҳикоялар ёзмиш билан бошланган. Қ. «Оидин кечалар» (1968), «Жийда гуллаганда» (1970), «Ой тутилган кеча» (1971). «Қиз узатиб борганда» (1972). «Афросиёб гўзали» (1974). «Турналар баланд учади» (1976) қисса ва ҳикоялар тўпдамларида ёш тмондошлари ҳаётига мурожаат этиб, улар ҳаёти ва руҳий оламида кечаётган ўзгаришларни тасвирлашга алоҳида аҳамият берган. Қ.нинг кейинги ижодида тарихий ўтмиш мавзуи устуворлик қилади: «Спитамен» (1985), «Ибн Сино» (1995). «Ғазнавийлар» каби тарихий романлар, «Ибн Синонинг болалиги» (2002) қиссаси китобини ёзган. Қ. шунингдек. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслиги муаллифларидан бири. Қ.нинг лирик қиссалари асосида «Мирзо ва Лола» телеспектакли, «Қалдирғочлар баҳорда келади» (режиссёр Ҳ.Аҳмар). «Қиз узатиб борганда» (режиссёр У.Назаров) бадиий фильмлари ярагилган.

Қ. «Шухрат» медали (1996) ва «Эл-юрт хурмати» (1998) ордени билан тақдирланган.

Ас: Сайланма асарлар [3 ж.лп]. 1—2-ж., Т. 2000.

ҚОРИЕВ Раҳим Мажидович (1905. 31.12 - Тошкент - 1989.24.8) - театр арбоби. Ўзбекистон (1967) ва қорақалпоғистон (1957)да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Ленинграддаги Герцен номидаги педагогика, Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги, Тошкент театр ва рассомлик санъати интилариди таълим олган. Ўзбекистон ХКС хузуридаги Санъат ишлари бошқармаеи бошлиғининг ўринбосари ҳамда Ўзбек давлат опера ва балет театри директори (1934—41), 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941 — 45). 1946— 57 й.лар Навоий театри директори. Маданият вазирлиги Санъат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (1958-62), 1962-85 й.лар Ўзбекистон Театр жамияти президиуми раиси ўринбосари.

ҚОРИЕВА Бернора Раҳимовна

(1936.28.1. Тошкент) — балерина, балетмейстер. Р. *Қориевнинг* қизи. СССР халқ артисти (1973), Ўзбекистон халқ артисти (1964). Қирғизистон халқ артисти (1996), проф. (1985 й.дан). Тошкент (1952) ва Москва Катта опера ва балет театри қошидаги академик хореография билим юртини (1955), Тошкент маданият интини тугатган (1980). 1955 й.дан Навоин номидаги опера ва балет театрида балерина. балетмейстер. 1985—98 й.ларда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси. 1994—2002 й.лар Навоий номидаги опера ва балет театри директори ва бадиий раҳбари. Қ. репертуари асосини жаҳон мумтоз ва замонавий балетлар ташкил қилади: Мария («Боқчасарой фавворасп»), Шопениана (Ф.Шопсн. АТ-лачунов. «Шопениана»). Жизель (Л.Атан. «Жичель»), Фригия (А.Хачагурян. «Спартак»). Хоним (Д.Шостакович, «Лолита ва безори») ва мумтоз балет техникасини пухта эгаллаган актриса ҳар бир образла қаҳрамнларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини беришда моҳирлик кўрсатади. Бу айниқса, замондош композиторлар яратган «Маскарад» (Нина), «Момақалдироқ сўқмоқларида» (Сари), «Дон Жуан» (Донна Анна), «Анна Каренина» (Анна Каренина) каби балетларида ўз ифодасини топди. Миллий репертуарда у гавдалантирган Мехри (М. Левиев, «Сухайл ва Мехри»), Сохани, Заррина (М.Ашрафий, «Севги тумори»), «Севги ва қилич»), Нурхон (А. Коз-ловский, «Танавор»), Наргис (У. мусаев, «Афсоналар водийсида») образлари маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. У «Мухаббат афсонаси» (Т.Жалилов, Б.Бровин) опера-балетининг балет партиялари ижодқоридир. 80-й.ларнинг 1-ярмида Қ. Ҳамза, Блок, Тургенев асарлари асосида «Заҳарли ҳаёт», «Нотаниш аёл», «Элегия» балетларини яратилишида (ком-позитор Р.Вильданов билан ҳамкорлик-да) фаол қатнашиб, ўзи Марьям, Аёл ҳамда Ася Полозова ва Лиза калитина каби рус аёлларининг драматизмга тўла поэтик образларини яратди. Кетма-кет Жульетта, Офелия (П. Чайков-

ский, «Ромео ва Жульетта», «Ҳамлет»), Дездемона (Перселл, «Отелло») образларини гавдалантирди. Қ. ижодига бағишланган «Бернора Қориева рақсга тушади» ва «Мен балеринаман» фильмлари ишланган. Европа, Осиё, Шим. ва Жан. Америка мамлакатларида гастролда бўлган. СССР Давлат (1983) ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари (1970, 1982) лауреати. «Дўстлик» ордени (1996) билан мукофотланган.

Ад.: Авдеева Л., Бернара Кариева, Т., 1996.

Муҳсин Қодиров.

ҚОРИЕВА Маҳсума (1902, Тошкент — 1946.18.4, Москва) — илк ўзбек ак-трисаларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1937). 1918 й.дан М.Уйгур бошчилигидаги труппада ишлаган. Ўзбек, рус ва жаҳон мумтоз драматургияси асосида яратилган спектаклларда етук образлар яратган. Марижон (А.Мус тафин «Каримнинг қотили»), Жамила, Ҳожар, Марямхон, Фотима (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Ҳолисон»), «Захарли ҳаёт», «Тухматчилар жазоси»), Луиза, Амалия (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар»), Ксения (Н.Погодин, «Менинг дўстим») ва б. Ёкимли овозга эга бўлган Қ. илк ўзбек мусиқали драмаларида ҳам бош ролларни ижро этган: Лайли, Ширин (Хуршид, «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин»), унга айниқса катта шуҳрат келтирган Ҳалима (Ғ.Зафарий) ва б. Ижоди давомида характерли роллар устаси сифатида ҳам танилган: Адельма (К.Гоцци, «Маликаи Турандот»), Малика (Лопе де Вега, «Кўзибулоқ»), Орловская (А.Славин, «Интервенция»), Гертруда (У.Шекспир, «Ҳамлет»), Она (Уйғун, «Она») ва б. шулар жумласидан.

ҚОРИЁҚУБОВ Муҳитдин (1896.1.5, хоз. Фарғона — 1957.22.2, Тошкент) — ашулчи, опера хонандаси (баритон), актёр, ўзбек мусиқали театри асосчиларидан. Туркистон Республикасининг би-

ринчи халқ хофизи (1923), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1930), Ўзбекистон халқ артисти (1936). Дастлаб эски мактаб, 1912—14 й.ларда мадрасада таҳсил кўриб, кироатни яхши эгаллаган, қори сифатида ҳам танилган. Ёшлигидан халқ ашулчилиқ анъаналарини ўзлаштирган Қ., айни пайтда янги санъат шаклларида қизиқиб, Фарғонада маҳаллий созандалардан иборат илк пуфлама созлар оркестрларида иштирок этган, оркестрни ташкил этган (1916). Концертларда фаол қатнашиб, халқ ва мумтоз ашулалар («Йўл бўлсин», «Ғайра-ғайра», «Олмача анор», «Кўча боғи» ва х.к.)ни ижро этган.

Фарғона ўлка мусулмон сиёсий драматик труппасида актёр, реж. (1918—20) ва раҳбар (1921) бўлиб, Фарғона ва Закаспий фронтлари ва ҳудудларида маданий хизмат қилган. Тошкентда К.Шорштейн театр-студияси (1919), Москвада театр санъати ин-ти (1922—24) да таҳсил кўрган. *Тамарахоним билан* «Шарқ кечалари» (Москва), Жаҳон амалий санъат кўргазмаси (1925, Париж), шунингдек Берлин концерт сахналарида ўзбек қўшиқ, ялла ва лапарларини янги талкин этиб, замонавий ўзбек сўнъатини илк бор Европада тарғиб этган.

1926 й, Самарқандда *Ўзбек давлат сайёр концерт этнографик труппасини* ташкил қилган, у билан Россия, тагаристон, Грузия ва б. жойларда гастролда бўлган. Қ. Қўқон ва Андижон мусиқали театрлари шаклланишида ҳам фаол иштирок этган. 1927—28 й.ларда бу театрларда бадий раҳбар, реж. (*М. Мироқилов* б-н) сифатида қатнашиб, театр жамоаларини қайта тузган, ўзи спектаклларда бош ролларни ўйнаган: Неъмат («Ҳалима», Ғ.Зафарий), Фарход («Фарход ва Ширин»; Хуршид пьесаси, Ш.Шоумаров, Тўйчи хофиз ва Ю.Ражабийлар мусиқалаштирган), Султонбек («Аршин мол олон», У. Ҳожибеков) ва б. Концерт-этнографик труппаси заминида *Ўзбек давлат мусиқали театрини* ташкил қилган, унинг актёри, директори ва бади-

ий раҳбари бўлган (1929—33).

Ўзбек опера санъатининг шаклланиши ва ривож топишида ҳам Қ. нинг хизматлари салмоқли. *Москва ўзбек опера студиясининг* ташкилотчиси ва раҳбари бўлган, ўзи ҳам шу студияда таълим олган (1934—36). Ўзбек давлат опера ва балет театри очилгач, унинг етакчи яқкаҳон хонандаси (1939—47). Миллий операларда Хусрав («Фарҳод ва Ширин», В. Успенский ва Г. Мушель), генерал-губернатор («Бўрон», С.Василенко, М.Ашрафий), Новфал («Лайли ва Мажнун», Т.Содиқов, Р.Глиэр), Улуғбек («Улуғбек», А.Козловский), Маҳмуд Торобий («Маҳмуд Торобий», О.Чишко), Эр Таргин («Эр Таргин», Е.Брусилловский) ва б. бош партияларни маҳорат билан талқин қилган, ўзбек опера ижрочилик санъати шаклланишига катта ҳисса қўшган.

Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилишида ҳам Қ.нинг хизмати катта. У 1936 ва 1946—50 й.ларда филармониянинг директори ва бадиий раҳбари бўлиб, ўзбек халқ, мумтоз ва янги жанрларни тарғиб этувчи ижодий жамоалар (ашула ва ракс ансамбли, хор капелласи, халқ чолғулари оркестри ва х.к.)ни юзага келтирган.

Ўзбек филармонияси (ҳоз. *Халқ бадиий жамоалар дирекцияси*)гг Қ. номи берилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм ишланган. Вафотидан сўнг Қ. «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2000).

Ад.: Қ.ориёкубова Э., Мухитдин Қориёкубов, Т., 1968; Мухитдин Қариякубов (документальная монография, автор-составитель Л.Авдеева), Т., 1984; Юлдашбаева Т., Мастера узбекской оперной сцены, Т., 1985.

Баҳриддин Насриддинов.

ҚОРИЙ ХЎҚАНДИЙ (тахаллуси; асл исми Мулла Мирмаҳмуд Миршамсиддин ўғли) (1828 — Қўқон ш. Сармозор даҳаси — 1906) — шоир ва хаттот. 19-а. ўзбек адабиётининг истеъдодли на-

мояндаларидан. Қўқондаги Норбўтабий мадрасасида таълим олган. Араб ва форс тилларини, сарф, нахв ва луғат илмини чуқур ўзлаштирган. Ҳасанқори домладан кироат илмини ўрганиб, Қуръон ҳофизи — қорилик унвонига эришган. Шейрларида ҳам «Қорий» таҳаллусини қўллаган. Қўқоннинг Хўжанд даҳаси Ғозиёғлиқ маҳалласидаги катта масжидда узоқ йиллар имомлик қилган. Қ.Х. мукаммал хуснихат эгаси — хаттот ҳам бўлган. Қ.Х.нинг ўзи кўчирган (2 дастхат) «Девони», Мажзуб Намангонийнинг «Девони», Баҳоуддин Нақшбанднинг рисоласи, Муқимий билан ҳамкорликда кўчирган катта баёзи ва яна бир неча асарлар бизгача етиб келган.

«Девон»идан ғазал, мухаммас, мувашшаҳ ва таърих жанридаги шеърлар ўрин олган. Ғазаллари ошиқона ва орифона мазмунда бўлиб, соф лирик характерга эга. Мухаммаслари (65 та) ўзбек ва форс тилларида яратилган, уларнинг аксарияти форс адабиёти классикалари Ҳофиз *Шерозий*, Абдурахмон *Жомий*, *Бедил*, Аҳмад Жомий, Осафий, Соиб кабиларнинг, туркий адабиёт классикаларидан эса Алишер Навоий, Фузулий, Амирий, Машраб, Залилий, Ғозий, Увайсий, Азимий каби ижодкорларнинг ғазалларига боғланган тахмислардир. Қ.Х. шеърлари Аллоҳга ҳамдлар, айниқса, пайғамбаримиз муҳаммад (сав) га бағишланган наътларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек, унинг ижодида гўзал маҳбубанинг ёркин тасвири ва унга бўлган муҳаббат ситамлари акс этган мисралардан ташкил топган шеърлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида (инв. №2310) сақланади.

Лс.Девони Қорий, Т., 1912; Ўзбекадабиёти тарихи хрестоматияси. 2-ж. Т., 1945; Ўзбек адабиёти, 1-китоб, Т., 1960.

Ад.: Қайюмов П.. Тазкираи Қайюмий. 2-китоб, Т., 1998.

Отабек Жўрабоев.

ҚОРИН — қ. *Қорин бўшлиғи*.

ҚОРИН БЎШЛИҒИ - тана иккиламчи бўшлиғининг бир қисми; умуртқали ҳайвонларда буйрак ва юракдан, сут эмизувчиларда эса буйрак, юрак ва ўпкадан ташқари ҳамма ички аъзолар жойлашади. Етук ҳолатдаги тубан умуртқали ҳайвонларда Қ.б.ни юрак олди бўшлиғи билан туташтирувчи каналлар сақланади. Кўпчилик баликларда Қ.б. ташқи мухит билан абдоминал тешиқлар орқали алоқада бўлади. Тўгарак оғизлилар ва баликларда Қ.б.нинг олдида юрак олди бўшлиғи жойлашади; курукликда яшовчи умуртқалиларда у кетинга сурилган ва Қ.б.га киради. Сут эмизувчиларда кўкрак тўсиғи ёки диафрагма ҳосил бўлиши натижасида юрак олди бўшлиғи ўпкани сақловчи Қ.б.нинг олд қисми билан бирга унинг қолган қисмларидан ажралиб туради. Одамда Қ.б. қорин деб ҳам аталади, унда меъда-ичак йўли (қизилўнғачнинг қорин қисмидан тўғри ичакгача), жигар, меъда ости бези, талоқ, буйрак усти бези ва б. аъзолар жойлашади.

Қ.б.даги сероз суюқлик қорин пардани ҳамиша намлаб туради. Шунинг учун Қ.б.даги аъзолар бир-бирига ишқаланмай енгил ҳаракатланади.

ҚОРИН ДАМ БЎЛИШИ - қ. *Ич дам бўлиши*.

ҚОРИН ПАРДАСИ - одам ва ҳайвонлар *қорин бўшлиғи* деворларини ички томондан қоплаб, унинг ичидаги аъзоларни ўраб турадиган юпқа сероз парда. Қ.п.нинг ташқи қаваги мезотелийдан ҳосил бўлиб, бирикти-рувчи толали тўқима эса унинг асосини ташкил этади. Қ.п. ички аъзоларни ўраб турувчи висцерал варақ ва қорин деворини ўраб турувчи парие-тал варақдан иборат. Нормал ҳолатда варақлар ўртасидаги бўшлиқда сероз суюқлик бўлади. Қ.п. шу суюқлик билан намланиб тургани учун қорин бўшли-ғидаги аъзолар бир-

бири билан ишқаланмайди. Қ.п.нинг ташқи бўшлиғида ёғ тўқималари, буйрак, буйрак усти бези ва сийдик йўли жойлашган. Қ.п. бу аъзоларни фақат олдинги юзасинигина қоплаб туради. Ички аъзолар Қ.п. билан ҳар томонлама (интра-перитонеал), учала томондан (мезо-перитонеал) ёки бир томонлама (экстраперитонеал) ўралиши мумкин. Қ.п. ичаклар учун тутқичлар ҳосил қилади; улар оралиғида ёғ тўқималари, лимфа тугунлари ва қон томирлар жойлашган. Қ.п. қорин бўшлиғидаги аъзолар олдида ёғ қатлами — *чарвинт* ҳосил қилади. Қ.п. хужайралари ҳимоя хусусиятига эга бўлиб, улар баъзи касалликлар (*аппендицит*, меъда ярасининг ёрилиб кетиши ва б.) да ҳамда операцияларда қорин бўшлиғига тушган микробларни нобуд қилади. шикастланишларда, айрим операциялар (мас, аппендицит) кечиктирилганда Қ.п.нинг яллиғланиши — *перитонит* кузатилади.

ҚОРИН ТИФИ - қ. *Ич терлама*.

ҚОРИ-НИЁЗИЙ Тошмуҳаммад Ниёзович (1897.2.9, Хўжанд —1970.18.3, Тошкент) — математик олим, педагог, жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1939). Ўзбекистон ФА акад. (1943), физика-мат. фанлари д-ри (1939), проф. (1931). Ўзбекистон ФАнинг биринчи президенти (1943—47). Меҳнат Қаҳрамони (1967). Фарғона ш.да янги типдаги биринчи ўзбек мактабини ташкил қилган (1917), 1920 й.да бу мактаб Қўқон ш.даги дорилмуаллимлик таълим-тарбия курси билан қўшилиб, Фарғона вилоят таълим-тарбия техникумига айлантирилди ва Қ.-Н. унга директор қилиб тайинланди.

Қ.-Н. Урта Осиё ун-тини тугатган (1929), шу ун-т ректори (1931 — 33), Ўзбекистон Маориф халқ комиссари ва айни пайтда Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Фан қўмитаси пре-зидиуми раиси (1937-38), Тошкент ирригация ва механизация муҳандислари ин-ти мат. кафедра-

си му~ дири (1939 й.дан). Ўзбекистон ХКС раиси ўринбосари (1939—43). айна вақтда СССР ФА Ўзбекистон филиали президиуми раиси (1940—43). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1947— 62) ва физика-мат. фанлари бўлими раиси (1954—60), «Фан ва турмуш» журнали бош муҳаррири (1939—70).

Қ.-Н. Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаёти тарихига доир илмий ишлар муаллифи. Элементар ва олий мат. бўйича ўзбек тилидаги биринчи яраслиқлар муаллифи. Қ.-Н.нинг «Ҳаёт мактаби» эсдаликлар китобида республикада фан, маориф ва маданият тараққиёти тарихи ўз аксини топган. Давлат мукофоти (1952) ва Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1970). Ўзбекистон Республикасининг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2002). Ўзбекистон пед. фанлари и.т. институти, Тошкентдаги кўчалардан бири ва 206-мактаб унинг номи билан аталган.

Ас: Астрономическая школа Улугбека, М.— Л. 1950; Танланган асарлар. 1—8 т., Т. 1966—70; Размышление о проиленном пути. М., 1970.

Ад.: Усмонов Р., Устоз ва шоғирдлар (Қори-Ниёзийнинг педагогик фаолияти). Т., 1969; Султон Акбарий, Устод (Қори-Ниёзий ҳаётидан лавҳалар). Т., 1970; Содиков О.. Биографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана, т.1. Т. 1976.

ҚОРИНКИПРИКЛИ ИНФУЗО-РИЯЛАР— бир ҳужайралилар (*инфузофиялар*) туркуми. Танаси орқадан қорин томонга ясилашган. Киприклари мураккаб ва ҳар хил жойлашган: орқа томони сиирак ва эластик қилларда иборат бўлиб. ссзги функциясини бажаради; қорин томо-нида ўзаро ёпишган киприклар муай-ян тартибда жойлашгач циррилар — пихлрлни ҳосил қилади. Пихлар ёрламида Қ.и. ўрмалайди ёки сакраб ҳаракатланади. 400 дан ортиқтури бор. асосан, чучук сувларда ва денгизларда

гарқалган. Тппик вакили — стилонихия кўлмак сувларда кўп учрайди.

ҚОРИНКИПРИКЛИ ЧУВАЛЧАН-ГЛАР— бирламчи тана бўшлиқли чувалчанлар синфи. Танаси ясси, уз. 0,05—1.5 мм. Танаси бўйлаб ва унинг кейинги учида ёпишқоқ безли найчалар жойлашган. Киприклари фақат қорин томонида бўлади (номи шундан). Сезги органлари — туйғу қиллар, ҳидлов чуқурчаси ва пигмент кўзлар (фоторецепторлар). Ҳазм қилиш системаси — мускулли ҳалқумдан бошланадиган ичак. Айириш системаси — бир жуфт шохланган найчалар танасининг ён томонида ташқарига очилади. Қ.ч. — *гермафродит* ёки парте-ногенетик урғочилар. Денгиз ва чучук сув ҳавзаларида яшайди. Бир ҳужайрали сувўтлар ва микроорганизмлар билан озикланади. 160 тури маълум. Қ.ч. фаунаси Ўзбекистонда ўрганилмаган.

ҚОРИНОЁҚЛИ МОЛЛЮСКА-ЛАР, шиллиқ куртлар— *моллюскалар* синфи. Гавдаси асимметрик тузилган; тана (ички халта). Оёқ ва бош бўлимларидан иборат. Кўпчилик Қ.м. танаси ва бошини чиганоқ ичига тортиб олиш хусусиятига эга. чиганогининг бал. 0.5 мм дан 70 см гача. Ягона ясси оёғи ердамида товонидаги ма.хус безлар ажратиб чиқарадиган шилимшиқ модда устида сирпаниб ҳаракатланади. Ички халтаси чиганоқ ичида буралиб жойлашган бўлиб, мантия билан ўралган. Бошида 1 жуфт (қуруқлик Қ.м.ида 2 жуфт) пайласлагичлари, улар асосида (қуруқлик Қ.м.ида пайпаслагичлар учида) бир жуфт кўз ва оғиз тешиги бор. Чиганоғи хилма-хил: конуссимон, спирал ёки косасимон; анри.м Қ.м. (яланғоч шиллиқлар) ла редукупияга учраган. Оғзида 2 та дак 17—16 минг тагача тишчалар билан қопланган радула (қирғич тилча) бор. Анал тешиги боши остида ёки унинг ёнида жойлашган. Нафас олиш органлари сувда яшовчи Қ.м.да битта ёки бир жуфт патсимон жабра; қуруқлик ва кўпчилик чучук сув

моллюскаларида — ўпка. Нерв система-си — тарқоқжойлашган нерв тугунлари. одатда, 5 жуфт.

Мувозанат сақлаш (статонистлар) ва кимёвий сезги орқши (осфрадийлар) бор. Гермафродит ски айрим жинсли. Уруглиниши ички, гермафродит Қ.м. бир-бирини уруглантиради. Чучук сув ва қуруклик Қ.м.и ўзгаришсиз, денгиз Қ.м.и *метаморфоз* орқали ривожланади (тухумлан планктон велигер личинка чикади).

Қ.м.нинг 90000 га яқин тури бор; кенг тарқалган. Ўзбекистон фаунасида 100 га яқин тури маълум. Бентосла (к. *Бентос*) яшайди; айрим турлари сузади. Йиртқич. ўсимликхўр ёки паразит. Бир қанча қуруклик ва чучук сув Қ.м. гельминтларнинг оралиқ хўжайини. Қурукликда яшовчи бир қанча Қ.м. маданий ўсимликларга зиён келтиради. Айрим турлари саноат микёсила овланади.

ҚОРИХОНА — мусулмонларнинг диний ўқув юрти. Унда *қорилар* тайёрланган. Дастлаб араб мамакағларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Қ.лар, одатда, *мактабхоналар* қошида ва катта мазорлар ёнида очилган. Қ.га мактабхонани тугатган 10 ёшдан катта ўғил болалар қабул қилинган. Қ.лар хусусий бўлиб, домлалар даромади болалар ҳисобига бўлган. Қ.да болалар 3—4 й. ўқитилган. Ўқиш жумадан ташқари ҳар куни эрталабдан кечгача давом этган. Диний байрам кунлари машғулотлар тўхтатилган. Қ.ларда, асосан. *Қуръон* суралари ёдлатилган. Қуръондаги барча сураларни ёд айта оладиган бола Қ.ни тугатган ҳисобланган. Ўрта Осиёда, айниқса. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқонда Қ.лар кўп бўлган.

ҚОРИХОНА — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1863 — 77); *Ичан қалъа* таркибида. Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси жойлашган қабристондан ғарброкда кўча бўйлаб ёнма-ён жойлашган. Қуръон ўқувчилар (кейинчалик кўрлар)

ётоқхонаси. Қ.нинг кўча томондан тарзлари жамоат бинолари меъморлиги, қолган қисмлари хоразм турар жойлари меъморлиги услубида бунёд этилган. Алоҳида қурилган 4 бинодан иборат: 1-Қ. (тарҳи 10х7,9 м) ва ҳовли (5.8*5.2 м); 2-Қ. (8.8х6,8 м) ва ҳовли (2х3.2 м); 3-Қ. (9.5х4.4 м) ва ҳовли (2,95х2,65 м); 4-Қ. (9х9,5 м) ва ҳовли (3,85х1.85). Асосий ўқдаги пешток. миёнсарой на очик ҳовли айвон б-н ёқни тўғридан-тўғри турар жойлар билан боғланган. 1, 2. 4-Қ.ларнинг тўртбурчак тарҳли улуг айвонлари шим. га қараган; кичик 3-Қ. пешток - ҳовли — ётоқхона тарзида содалаштирилган, ён томонларидаги бинолар билан сиқиб қўйилган умумий тўғри бурчакка кирган. Хоналар эшик орқали ёритилган, ташқин деворларда дераза (туйнуқлар) йўқ. Бино балхи гумбазлар б-н, айвонлар текис тоқлар билан ёпилган. Пештоқларининг тепа данданалари яшил «бандак»лар билан безатилган. Ўймақори эшикларида бинонинг қурилган йили ёзилган.

ҚОРИХОНА ХОНАҚОҲИ - Фарғона вилоятидаги меъморий ёдгорлик (17—18-а.лар); қорилар (Қуръон ўқувчилар) хонаси. Дастлаб хонақоҳ вазифасини ўтаган Қ.х. ҳовли, хужралар, гумбазли хона (тамаддихона), сағана ҳамда чиллахонадан иборат: хужралар ҳовлининг 2 ёнида жойлашган, улар оралиғида гумбазли хона қад кўтарган, ҳовлининг жан. да шу ерлик эшоннинг равоқти сағанаси, унинг ёнида эса 2 м чуқурликда чиллахона жойлашган. Қ.х. гумбази хом ғиштдан ўзига хос туҳумсимон шаклда ишланган. Хоналар тош ўчоқ билан иситилган.

ҚОРИЕВ Олти (1909.6.1 — Ашхобод — 1973,11,12) — туркман актёри, реж., драматург. Халқ артисти (1955). Боку театр техникумини тугатган (1931). Туркман драма, опера театрларида актёр, реж., бош реж. бўлиб ишлаган. 1956—60 й.лар «Туркманфильм» директори. 1957 й.дан шу киностудияда реж., актёр. Нури («Дурсун»). керим («Ўзоқдаги келин»),

Алдаркўса («Сехргар кристалл»), чўпон Дурди ва унинг ўғли Қадам («Чўпон ўғли»), Байрам («Оила номуси») каби роллари билан туркман кинеси ривожига муносиб ҳисса қўшди. Реж. сифатида «Махсус топшириқ», «Айна», «Дадил қадам», «Махтумқули», «Дарё орти чегара», «Муком сирлари» сингари фильмларни суратга олган. 1974 й.дан «Туркманфильм» Қ. номи билан юритилади. Туркменистон Давлат мукофотлари лауреати (1966, 1976).

ҚОРОВУЛ — Хоразм вилояти *Урганч туманидаги* қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Урганч (4 км). Қ.дан вилоят маркази (Урганч ш.) гача 4 км. Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2005). Аҳолиси ва хўжаликлари шовот, Қирғизёп ва б. каналлардан сув олади. Пахта тозалаш, ғишт з-длари, автокорхона, «Хоразм — Нуртоп» ип газлама корхонаси, қурилиш ташкилотлари, сут ва узумни қайта ишлаш цехлари бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ишлаб турибди. Умумий таълим. болалар муסיқа, спорт мактаблари, касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси. маданият уйлари мавжуд. Стадион, спорт майдончатари ва б. спорт ин-шоотлари бор. Туман марказий касалхонаси. поликлиника. дорихоналар ва б. тиббий муассасалар ахрлига хизмат кўрсатади. Қ.дан Урганчгача автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚОРОВУЛ — 1) ҳарбий ҳаракатлар чоғида кўшиннинг асосий қисмларидан анча масофада олдинда бориб, ёвнинг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб турувчи, зарур пайтларда «тил» тутиб келтирувчи махсус суворий соқчи гуруҳ (аванпост). Бундай айғоқчи ҳарбий бўлинма Турк хоконлиги черигида елма истилоҳи билан ифодаланган ва унинг вазифасига душман қароргоҳини аниқташ. унинг ҳарбий кучлари таркиби ва микдори ҳақида маълумот тўплаш кир-

тан. *Қорахонийлар* лашкарида айғоқчи гуруҳ тутғак термини билан аталган. Салжуқийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва уч хонликларда соқчи гуруҳ тушунчаси Қ. атамаси ёрдамида англа-шилган: Ўрта Осиё хонликларида қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи — қоровулбеги деб аталган. 2) Бухоро хонлигида бирор бир айғоқчи ёки талончининг мамлакат ёки лашкарга қўшилиб кирмаслиги учун йўлларни муҳофазаловчи аскарый гуруҳ; 3) бирор объектни кўриқловчи шахс; 4) замонавий армияларнинг аксариятида муҳим ҳарбий объектларни кўриқташ ва муҳофаза қилиш учун тайинланган курулли бўлинма (қоровуллик хизмати). Қ., одатда, бир суткалик қоровуллик хизматини ўташ учун масъул ҳисобланади.

Қ. қисм ва кўшилмаларнинг жанговар байроғи, техника, ёниғи, ўқ-дори. портловчи моддалар, асбоб-ан-жом, озиқ-овқат омборлари ҳамда га-уптвахтадаги бандиларни кўриқтайли. Қ. таркибида Қоровул бошлиғи (зо-бит ёки сержант), пост ва сменалар сонига қараб Қ.лар зарур топилганда — Қоровул бошлигининг ёрдамчиси ва Қ.ларни постларга тақсимловчи тай-инланади. Қ.нинг шахсий таркиби Қ. формасини кийган ва жанговар ҳолатга тайёр ҳолда курулланган бўлиши шарт.

Ҳарбий гарнизонга давлат раҳбари. Олий бош кўмондон, Мудофаа вазири ташриф буюриши муносабати билан фахрий Қ. белгиланади. Аксарият тантанали йиғилиппа олиб чиқилган байроқ ёнида, муҳим ёдгорликларнинг очилишида, хорижий лавлатлар олий даражадаги вакилларини кутиб олиш ва кузатишда. давлат арбоблари ва ҳарбий хизматчиларни дафн этиш маросимларида фахрий Қ. саф торгади.

Манба: Бобурнома Т.. 1989: Низомиддин Шоший. Зафарнома. Т.. 1996.

ҚОРОВУЛБОЗОР — Бухоро вилояти *Қоровулбозор туманидаги* шаҳар (1981 й.дан; 1958 й.дан шаҳарча), туман

маркази. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Бухоро ш.) дан 65 км жан.-шарқда. Бухоро — Қарши т.й. ва автомобиль йўли ёнида жойлашган. Аҳолиси 9,3 минг киши (2004). Шаҳар номи Қоровулбозор сардобаси номидан олинган. Маҳаллий ривоятга кўра, қад.да сардоба ёнида карвонсарой қурилиб, кичкина бозорча вужудга келган. Унинг ёнидаги тепалиқда Бухоро амири сарбозларининг қоровуллик буржи бўлиб, ўша тепалиқ Қоровултепа, ёнидаги бозорча эса қоровулбозор деб аталган. Яна бошқа бир ривоят бўйича сардоба ёнида қора ўтовлар тикилган Қора овул вужудга келган. Ўтовлар олдида пайдо бўлган бозор қораовулбозор деб юритилган. Яна бир тахминга кўра, Бухорога қўшни мамлакатлардан келатган савдо карвонлари сардоба ёнидаги карвонсаройда тўхтаб, уларнинг моллари амирликнинг шу ердаги божхона вакиллари томонидан текширилгандан сўнг савдогарларга пойтахтга киришга рухсат этилган. Рухсатнома ололмаган савдогарлар ўз молларини шу ердаги бозорда сотиб юрларига жўнаб кетишган. Рухсатнома олгунгача савдогарлар ўз молларини маълум муддат ўзлари қўриқлаган.

Қ.да 30 га яқин саноат, қурилиш, транспорт корхоналари мавжуд. 1956 й. ла нефть ва табиий газ конларининг аниқланиши, 1997 й.да Бухоро (Қоровулбозор) нефтни қайта ишлаш з-дининг ишга туширилиши, оҳак ва гипс олиниши Қ.нинг ривожланишига омил бўлди.

Қ.да қурилиш ташкилотлари. акциядорлик жамиятлари. техник жиҳозларни йиғиш ва бутлаш бошқармаси. МТП, дехкон бозори. новвойхоналар. савдо. маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 5 умумий таълим, болалар мусика, спорт мактаблари, бизнес мактаби, касб-хунар коллежи, маданият саройи, маданият уйи, 3 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, 2-жаҳон уруши қурбонлари хотира ёдгорлиги мавжуд. «Обинур» фольклор этнографик дастаси фаолият кўрсатади. «Гўзал» спорт

соғломлаштириш мажмуи, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, марказий стадион, ва б. спорт ин-шоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, марказий поликлиника, туғруқхона, тез тиббий ердан бўлими, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади.

Қ. да меъморий ёдгорликлардан қад. сардоба иншооти (16-а.) сақланган.

Ад.: Шодиев С. Саҳродаги мўъжиза (Қоровулбозор тумани ўтмиши ва бугуни ҳақида лавҳалар), Т.. 2000.

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ — Бухоро вилоятидаги туман. 1993 й. 12 январда ташкил этилган. Жан.дан Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани, ғарбдан Олот, шим.дан Бухоро тумани, шарқдан Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани билан чегарадош. Т.й. станцияси. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 13,9 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қоровулбозор), 3 кишлоқ фуқаролари йиғини (Бўзачи, Жарқоқ, Навбахор) бор. Туман маркази — Қоровулбозор ш.

Табиати. Қ.т. рельефи, асосан, текислик бўлиб, адир, кир ва кумли чўл, барханлар, тақир, шўрхоклардан иборат. Тупроқлари ўтлоқи бўз, қумоқ бўз, чўл кумли, сур-қўнғир, тақир бўз тупроқлар. Жан.да шўрхоклар катта майдонни эгаллайди. Жарқоқ, Саритош, Сеталантепа платолари ҳудудида оч бўз тупроқлар тарқалган. Ер ости сизот сувлари ер юзасига анча яқин. Қ.т. ҳудудида ташлама сувлардан Девхона, Хадича қўллари ҳосил бўлган. Тумандаги Саритош, Жарқоқ, Сеталантепа каби тектоник кичик бурмаларда газ ва нефть захиралари, қурилиш материаллари (гипс, оҳақтош ва б.) бор. Иқлими субтропик белгиларга хос чўл иқдими. Январнинг ўртача т-раси 0,2°, энг паст т-ра — 22, —24°. Июлнинг ўртача т-раси 29,3°. энг юқори т-ра 45, 46°. Вегетация даври 208 кун. Йиллик ёғин 150—155 мм. Ёввойи ўсимликлардан боялич, исирик, коврак, янтоқ, шувок, сингрэн, саксовул, қандим, ранг, қўнғирбош, ялтирбош ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тароқ бармоқли

кўшоёқ, қар-сок тулки, ингичка бармоқли юмрон-қозик, толай куён, бўри, дашт тош-бақаси, малла юмронқозик, суғур, сассикқўзан, қумсичкон, қум бўғма илони, чарх илон, чўл мушуги; қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, кирғовуллар ва б. бор. Тумандаги хўжаликлар ерлари Аму — Бухоро машина каналидан сув оладиган Дўстлик ва Қоровулбозор магистрал каналларидан суғорилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус, туркман, татар, озарбайжон, арман, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 6,3 киши. шаҳар аҳолиси 9,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 4,4 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туман саноатининг ривожланиши Сеталантепа, Саритош, Ўртабулоқ, Кўкдумалоқ каби газ ва нефть конларининг очилиши билан боғлиқ. Туманда Бухоро нефтни қайта ишлаш 3-ди, техник жиҳозларни йиғиш ва бутлаш бошқармаси, 2 автоқорхона, қурилиш қорхоналари, бир қанча акциядорлик жамиятлари, МТП, нефть қуйиш тармоғи, дехкон бозори, новвойхоналар бор. 7 ширкат, 2 ижара хўжалиги, 44 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. 6,4 минг гектарда «Қоровулбозор» ўрмон хўжалиги мавжуд. Бу ерда 20 хилга яқин мевали, маназарали ва ёғочбоп дарахтлар ўстирилади. Туманда жами 14,3 минг га ер суғорилади, шу жумладан, 6 минг га ерга пахта, 6,5 минг га ерга дон, шунингдек, сабзавот, полиз экинлари экилади. 10 га ер боғлар билан банд. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида 4,2 минг қорамол (шу жумладан, 1,4 минг сигир), 6,8 минг қўй ва эчки, 7,2 минг парранда боқилади. Қорақўл териси тайёрланади.

7 умумий таълим мактаби (3,2 минг ўқувчи), болалар мусиқа, спорт мактаблари, бизнес мактаби, касб-хунар коллежи, маданият саройи, маданият уйи, 2 клуб муассасаси, 4 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, ёшлар маркази мажмуи бор. Ашула ва ракс, фольклор-эт-

нографик дасталари мавжуд. «Гўзал» спорт соғломлаштириш мажмуи, марказий стадион, теннис корти, «Дельфин» сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибди. туман марказий касалхонаси, марказии поликлиника, 3 қишлоқ врачлик пун-кти, 2 фельдшер-акушерлик пункти, тез тиббий ёрдам пункти, 15 соғломлаштириш пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 43 врач, 180 ўрта тиббий ходим ишлайди. «Лола» болалар санаторийси бор.

Туман худудидан ўтган т. й. 1916 й. да қурилган. Бу ердан Қогон, Қарши, Китоб, Ғузор, Термиз йўналишларида йўловчилар ташувчи поездлар ўтади. Тумандаги автомобиль йўллар уз. 88 км, шу жумладан, халқаро аҳамиятдагиси 53 км. Бухоро — Қарши автомобиль магистрали ўтган. Меъморий ёдгорликлардан Қоровулбозор ва Бўзачидаги қад. сардобалар (16-а.) сақланган. 1993 й.дан «Қоровулбозор тонги» туман газ. нашр этилади.

Исроил Назаров, Умар Рашидов.

ҚОРОВУЛТЕПА СУВ ОМБОРИ

- Жиззах вилоятидаги сув омбори. зарафшон дарёсидан *Эски Туюртотар* канали орқали кеч куз-қиш мавсумида тўлдирилади. Канал ўзанига яқин табиий ботикда қурилган. 1987 й.да фойдаланишга топширилган. Тўлик ҳажми 53,0 млн. м³ тўғонининг максимал бал. 40 м, максимал сув ўтказиш имконияти 50 м³/сек. Сувидан Ғаллаорол туманидаги ерларни суғоришда, Сангзор дарёсига сув ташлашда фойдаланилади.

ҚОСИМ АЛИ (ёки Қосим ибн Али) Чехрақушой (15-а. 2-ярми Ҳирот — 16-а. 30-й.лар, Сеистон) — мусаввир, хаттот ва олим; *Ҳирот миниатюра мактабининг* йирик вакили. Камолиддин *Бех-зоднит* энг яқин шогирди. Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида тарбия топган ва ижод қилган, Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлиги даври (1469—1506)да сарой кутубхонасида ишлаган. Ҳиротни

1510 й.да Шоҳ исмоил Сафавий эгаллагач, мусаввир Сеистонга кетиб, у ерда мударрислик мактуби сақланган (Калькуттадаги Осие жамияти кутубхонасида, Ҳин-дистон). Қ.А.нинг «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо» асари машхур (Мураккаъда, Истанбулдаги Тўпкопу музейида); Навоийнинг «Хамса» (шаҳзода Бадиуззамон Мирзо учун тайёрланган нусхаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонасида, Буюк Бри-тания), Низомий Ганжавийнинг «Хамса» дostonлари (Британия музейида, Лондон) ва б. қўлёзмаларни нафис мўъжаз расмлар билан беаган; расмлар рангга бойлиги, тиниклиги, кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрса-тишга интилганлиги билан диққатга сазовор. Уларда «Амали фақир Али», «Амали Қосим Али», «Саварруху қосим Али» каби ёзувлар билан қайси мусаввир иши эканлиги қайд этилган. Қ.А. ҳақида тарихчилардан Ғиёсиддин Хондамир, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Қози Аҳмад Қумий ва б.нинг асарларида маълумотлар баён этилган.

ҚОСИМ ШАЙХ, Шайхи Азизон (16-а. боши — Кармана — 1578) — тасаввуф тариқатининг йирик намояндаси, шайх. *Абдуллахон II* нинг пири. Қ.ш. тасаввуфнинг жаҳрия сулукига мансуб. Унинг камолга етишида *Шайх Худойдод* Валийнинг таъсири катта бўлган.

Шайбонийлар сулоласининг вакиллари Искандархон, унинг ўтли Абдуллахон II ва укаси Рустам Баходирхон ибн Жонибек Султон ва б.га Қ.ш.нинг таъсири кучли бўлган. «Абдулланома» асарида ёзилишича, Қ.ш. шайбоний султонлар ўртасидаги ўзаро урушларни тўхтатиб, Туркистонни ягона давлатга бирлаштириш ғоясини олдинга сурган ҳамда бу йўлда қатъий сиёсат юритаётган Абдуллахон II ни фаол қўллаб-қувватлаган. У шайбоний султонларни бир неча марта ўзаро яраштирган ва сулҳ тузишга эришган (1554, 1558, 1569 ва б.). Абдуллахон II ҳокимият тепасига келгач (1557), Карманада шайх учун мухташам хонақоҳ

курдирган (1558).

Замондошлари томонидан Қ.ш. га «Ҳазрати Эшон», «Кутб ул-авлиё», «Шайхи Азизон» каби унвонлар берилган.

Манба.: Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий, Абдуллонома, 1—2-китоблар, Т., 1999—2000; Ҳасанхожа Нисорий Музакири ахбоб, Т., 1993.

Ад.: Иноятов С, Тўраев Х., Саидов М., Қосим Шайх Азизон, Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ҚОСИМ ШАЙХ ХОНАҚОҲИ - Навоий вилоятидаги меъморий ёдгорлик (16—20-а.лар); Карманада. Қ.Ш.х. хонақоҳ, гўрхона, масжид, айвон ва б. хоналардан иборат. Дастлаб *Қосим Шайх* учун хонақоҳ бунёд этилган (1558). Шайх вафотидан сўнг хонақоҳ ёнидаги хонага дафн этилган. Хонақоҳ чортоқ тархли, қўш гумбазли (пойгумбаз бал. 14 м), ички гумбаз ости бағаллари ироқи муқарнаслар билан тўлдирилган. Тарзининг 3 томони пештоқли; жан. пештоқ ҳашаматлилиги билан ажралиб туради. 1910 й.да агрофи девор билан ўралиб, ҳазира тарзида қўшимча бинолар (зиёратхона, масжид, айвон ва б. хоналар) қурилган.

ҚОСИМ ШОШИЙ (тўлик исм-шарифи Абу Али Ҳасан ал-Қосим ибн Имом Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ал-Қафқол аш-Шоший) (10-а.) — факих. *Қафқол Шошийнинг* ўғли. Қ.Ш.дан Хуросон ва Ироқ фақиҳлари таълим олишган. Қ.Ш. «ат-Тақриб фил-фуруъ» («Фуруъга яқинлашиш») асари туйфали манбаларда улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. *Ибн Халликоннинг* ёзишича, «бу асар шофиъий мазҳабидаги мўътабар китоблардан бўлиб, кимнинг хузурида бу китоб бўлса, бошқасининг ҳожати йўқдир». Исломушуносликда Қ.Ш.нинг «ат-Тақриб» асари турли фикҳий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишида муҳим аҳамият касб этади.

КОСИМБЕКОВ Тўлаган (1931.15.1, Қирғизистон, Жалолобод вилояти Янгийўл тумани Акжўл қишлоғи) — Қирғизистон халқ ёзувчиси (1986). «Йилкичи ўғли» (1956), «Туғилган ер» (1958) китоблари, «Одам бўлгим келади» (1960) қиссалари билан танилган. «Синган қилич» (1966) романи машхур. Асарда қирғиз халқининг 19-а. ўрталаридаги ҳаёти тасвирланган. Кўкон хонлиги даврига оид тарихий воқеалар, Ўрта Осиёнинг руслар томонидан забт этилиши, унинг ўзбеклар ва қирғизлар тақдирига таъсири эпик планда кўрсатилган. «Келкел» («Толё», 1986) романи — «Синган қилич»нинг мантикий давоми бўлиб, унда 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг 1-чорагидаги Ўрта Осиё халқлари ҳаёти Тўктағул, Қурбонжон додхоҳ каби тарихий шахслар тақдири орқали очиб берилган.

Ас: Синган қилич, Т., 1980.

КОСИМЖОНОВ Олимжон (1878 - Тошкент — 1952) — наққош уста, Тошкент наққошлигининг йирик вакили. Хунарни уста Шералихўжа Ҳасановдан ўрганган; у билан бирга ишлаб князь Романов саройи (хоз. Ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси), А.Половцев уйи (хоз. Амалий санъат музейи)ни безашда қатнашган. 1920-й.лардан кўпгина жамоат бинолари (айникса, 1923 й. 1-Бутуниттифок қ.х. ва хунармандлик кўрғазмаси; 1938 й. Бутуниттифок қ.х. кўрғазмасининг Ўзбекистон павильони ва б.)ни безаган. Тошкент бадий ўқув и.ч. к-тида наққош-инструктор бўлиб кўплаб шогирдлар (М. Қосимов, Ж. Ҳақимов, Т. Тўхтажоев ва б.) тайёрлаган. Қ. нақш мужассамотларида ранглар уйғунлигидан маҳорат билан фойдаланиб жозибатор безаклар яратган; у безаган хонтахта, курси каби бадий буюмлар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

КОСИМЖОНОВ Рустам Машрукович (1979.5.12, Тошкент)

— шахматчи, халқаро гроссмейстер (1997), 17-жаҳон чемпиони (2004). «Ўзбекистон ифтихори» (2000). Қ. 5 ёшида шахмат ўйнашни ўрганди. Александр Грушевский мураббийлигида илк муваффақиятга эришди — Ўзбекистон ёшлар биринчилигида ғалаба қозонди (1990). Сергей Пинчук мураббийлигида ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида олтин (1994, Доха), жаҳон биринчиликларида бронза медалларини қўлга киритди (1994, Сегед; 1995, Гуарпуова). Ўзбекистон (1997, 2000) ва Осиё (1998, Техрон) чемпиони бўлди, ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилиги (1999, Ереван) ва кучлилар ўртасидаги жаҳон кубоги (2002, Ҳайдаробод)да кумуш медаль билан шарафланди. Қ. 1996 й.дан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жамоа таркибида Осиё чемпиони (1999, Шэньян), 32—36-жаҳон шахмат олимпиадалари қатнашчиси (1996, Ереван; 1998, Элиста; 2000, Истанбул; 2002, Блед; 2004, Кальвиа). Истанбул шахмат олимпиадасида 1-тахтада кўрсатган натижаси учун кичик бронза медали билан тақдирланган.

Қ. 1999, 2001 ва 2002 й.ларда бўлган шахсий жаҳон чемпионатларида иштирок этди. 2004 й. 18 июнь — 13 июлда Триполи ш. (Ливия)да ўтказилган жаҳон чемпионати босқич ўйинларида А.Рамирис (Коста-Рика; ҳисоб — 1,5:0,5), Г.Магати (Эрон; 1,5:0,5), В. Иванчук (Украина; 2,5:1,5), З.Алмаши (Венгрия; 2:0), А.Гришчук (Россия; 3:1), В.Топалов (Болгария; 4:2) ва М.Адамс (Буюк Британия; 4,5:3,5)ни мағлубиятга учратиб, Қ. ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони бўлди (қ. *Шахмат*). 2004 й. Ўзбекистонда «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб тан олинди. Ўзбекистон миллий ун-тининг компьютер технологияси ф-ти бакалавриатини тугатган (1999), Золинген ш.нинг «Золинген» (1999—2004), Бонн ш.нинг «Бад-Годесберг» (2004 й.дан) шахмат клуби таркибида Германия бундеслигаси ўйинларида қатнашади. Амир Темур ордени (2004) билан мукофотланган.

Ад. Мўминов А., Сенинг юлдузларинг, Ватан, Т., 2002.

ҚОСИМОВ Акмалжон (1937.20.2, Шаҳрихон ш. — 2004.23.6, Тошкент) — биокимёгар, Ўзбекистон ФА акад. (2000), биол. фанлари д-ри (1978), проф. (1978). ТошДУни тугатган (1961). ТошДУ биофизика кафедрасида ассистент (1964-66), катта ўқитувчи (1966), доцент, тупроқшунослик ф-ти декан ўринбосари (1969—73), ўсимликлар физиологияси кафедраси мудири (1973—76), Андижон педагогика ин-ти ректори (1976—92), вилоят ҳокими ўринбосари (1992—93), Андижон ун-ти ректори (1993—95), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари (1995 — 2000). ЎЗР Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи (2000—04). Илмий ишлари радиоактив нурланиш, металлларнинг ультрадисперсияли кукуни. паст харорат ва тузларнинг хужайра ҳамда организмдаги физиологик ва биокимёвий жараёнларга таъсирини ўрганишга бағишланган.

Ас: Митохондрия и хлоропласты, Т., 1984 (в соавторстве); Влияние радиации на энергитическую систему растений. Т., 1985; Клетка и клеточные структурн. Т., 1986; Биокимё [дарслик], Т., 1988 (ҳамкорликда); Биокимёдан амалий машғулотлар, Т., 1989 (ҳамкорликда); Биология [маълумотнома]. Т., 1998 (ҳамкорликда).

ҚОСИМОВ Бегали (1942.19.12, Касби тумани Аллот қишлоғи — 2004.25.9, Тошкент) — адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1999), филол. фанлари д-ри (1984), проф. (1986). Тошкент ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1963). Шу ун-т филология ф-тида ўқитувчи (1966—67), катта ўқитувчи (1968-70), доцент (1971—85), проф. (1986 й.дан) лавозимларида ишлаган. «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедраси мудири (1993 й.дан), ун-тининг ўқув ишлари бўйича прорек-

тори (1993— 94), филол. ф-ти декани (1994—95). Қ.нинг илмий тадқиқотлари ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий алоқалар, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси масалаларига, матншуносликка, жадидчилик ҳамда жадид адабиётини ўрганишга бағишланган. 20-а. ўзбек адабиёти муаммолари, шу давр намояндalари ҳақида «Мирмуҳсин Шермуҳамедов» (1967), «Абдулла Авлоний» (1979), «Маърифат дарғалари» (У.Долимов билан ҳамкорликда, 1990). «Исмоилбек Гаспдали» (1992) каби асарлар ёзган. Қ., шунингдек, Ясавий, Навоий, Бобур ҳақида ҳам и.т.лар олиб борган. «Ўзбек адабиёти» (5-, 7-, 9-, 11-синфлар учун), «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (бакалаврлар учун) дарсликлари ҳаммуаллифи.

Ас: Излай-излай топганим, Т., 1993; Маслакдошлар, Т., 1992; Миллий уйғониш, Т., 2002.

ҚОСИМОВ Максуд (1905-Тошкент -1965) — ёғоч ўймақори, наққош уста. Ҳунарни тоғаси уста Мирсоат Исамуҳамедовдан ўрганган. 16 ёшидан дурадгор уста. 1935 й.да Тошкент бадий ўқув и.ч. комбинатида таълим олган; ёғоч ўймақорлигини А.Абдураҳмонов ва С.Хўжаевдан, наққошликни О.Қосимжоновдан, панжарасозликни уста Н.Зиёқориевдан ўзлаштирган. Қ. ижодий фаолиятида буюмларни анъанавий нақшлар билан безаган; ёғоч ўймақорлиги билан панжара санъатини уйғунлаштириб эшик, стол, курси, қутича каби жозибадор буюмлар тайёрлаган. Қ. шунингдек. Бутуниттифок к.х. кўرғазмасининг Ўзбекистон, Қирғизистон, тожикистон павильонларини безашда қатнашган; Муқимий театрининг ўймақори эшигини, Навоий театридаги ўриндиқларни («себарг» нақши б-н) безаган; Навоий театридаги ганчкорлик ишларида, меъморий обидалар (жумладан, Половцев уйи, ҳоз. Амалий санъат музейи биноси ва б.)ни таъмирлашда иштирок этган. 1940—42

й.ларда Қирғизистон пойтахтидаги хунармандлик ўқув и.ч. комбинатида, 1950-й.ларнинг охиридан Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида дарс берган; О. *Файзуллаев*, Х. Қосимов каби шоғирдлар тайёрлаган. К. ишларидан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

ҚОСИМОВ Миржалол Қўшоқович (1970.17.9, Тошкент) — футболчи. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1994), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). К. ўсмирлар ўртасида жаҳон (1987, Канада), ёшлар ўртасида Европа (1988, Чехословакия) чемпиони, Ўзбекистон кубоги ғолиби (1993, 1997, 2002, 2003), Ўзбекистон (1999, 2002, 2003), Россия (1995), Осиё ўйинлари (1994, Хиросима) чемпиони. К. Тошкентнинг «Пахтакор» (1987-1991, 1993, 1997-1998, 2002-2004), Владикавказнинг «Алания» (1992, 1994-1996, 2004). Самаранинг «Крылья Советов» (1999-2000), Дубайнинг «Ал-Шабаб» (2001), Муборакнинг «Машъал» (2005 й.дан) футбол клубларида ўйнаган. К. учрашувлар пайтида жамоавий ўйин ташкил этиш, тўпни шеригига қулай тарзда узатиш, жарима ва бурчак тўпларини маҳорат билан дарвозага киритиш устаси. К. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти (1996) ва Тошкент иқтисодиёт ун-ти (1999)ни тугатган. «Шухрат» медали (1994), «Фидокорона хизматлари учун» ордени (2004) билан мукофотланган.

ҚОСИМОВ Ориф (1909 - Тошкент — 2001.19.2) — созанда (дудор), бастакор. Ўзбекистон халқартисти (1979). Болалигидан Юнус Ражабий раҳ-барлигидаги мусиқа тўғарагида най чалишни (1925), Тошкент мусиқа техникумида (1926 — 27) Абдусоат Ваҳобовдан анъанавий дудор куйларини ва Шораҳим *Шоумаровдан* мумтоз ашула йўлларини ўрганган. Ўзбекистон радиосида миллий мусиқа ансамбли (1927—45), тожик ансамбли (1945— 53), халқ чолғулари оркестри

(1953 — 57), «Мақом» ансамбли (1957 й.дан) да созанда. Дастлаб репертуаридан ўзбек халқ ва мумтоз куйлари («Гиря», «Чоргоҳ», «Эшвой», «Илғор». «Кўкочча», «Аскарый», «Қаринаво», «Дилхирож» ва б.), мақом йўллари («Таснифи Дугоҳ», «Гардуни Сегоҳ». «Мискин 1-5», «Наврўзи Ажам» ва б.) ҳамда ўзи яратган куйлар («Қизил карвон», «Юриш марши», «Рақси духтар», «Резаре-реза») ўрин олган. кейинчалик, бевосита дудор имкониятлари билан боғлиқ «Янгра созим». «Дилдор ўйнасин», «Қизлар рақси», «Хуморингиз», «Черт дудорим» каби асарлар яратган.

К. замонавий дудор ижрочилиги мактаби йирик вакили бўлиб, ижро услуби нозик қочиримларга бойлиги. зарбларнинг хилма-хиллиги ва равллиги, ижро техникаси мукамаллиги билан ажралиб туради. Созандалик ва бастакорлик ижоллиёти билан бирга К. 1930 й.дан бошлаб мураббийлик билан ҳам шуғулланган. бир неча хаваскорлик ансамбллари раҳбарлик қилган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

ҚОСИМОВ Саъдулла Рашидович (1901, Тошкент - 1930) - 1922 й.дан судлов тизимида фаолият кўрсатган. Тошкент вилояти суди (1925 — 26). сўнгра Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси (1926 й. июнь — 1929 й. март). Ўз фаолияти давомида марказнинг шовинистик сиёсатига қарши чиққанлиги шўро ҳукуматига ёқмаган. Лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинган (1929 й. баҳори). Самарканл (1930 й. март — июнь)да бўлиб ўтган суд жараёнида (суд раиси М.И.Васильев-Южин, қораловчи Р.П.Катанян) Қ. ва унинг тарафдорлари (7 киши) «буржуа милдатчилари» сифатида, «босмачилар»ни қўллаб қувватлаганликда айбланган. Уларга «қосимовчилик» тамғаси босилган. СССР Олий суди жиноят-судлов коллегияси сайёр сессиясининг қарорига кўра, Қ. отиб ташланган.

КОСИМОВ Сулаймон (1909.6.1, Сариосиё тумани — 1976.28.8, Фаргона) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1944). 1930 й. Марғилондаги «Қизил санъат» тўғарагини бошловчиларидан (бу тўғарак кейинчалик 1931 й. Марғилон шаҳар театрига айланган). Бу театрда Темурхўжа («Лойкалар»), Эшон («Хужум»), Мели («Ўртоқлар»), Раим ямоқчи («Ҳалима»), Калаф («Маликаи Турандот») каби образлар яратган. Қўқон театрида (1933 — 34), Фаргона театрида (1934—65) актер, реж., бош реж., директор, Фаргона вилоят санъат бошқармаси бошлиғи (1943—48). Ҳоким («Бой ила хизматчи»), Фларендо («Икки бойга бир малай»), Сулаймон («Аршин мол олон»), Берест («Платон Кречет»), Рустам каби роллари билан танилган. «Лайли ва Мажнун». «Шоҳсанам», «Нодира», «Ўлим боскипчиларга». «Уйғониш» ва б. спектакллари сахналаштирган.

КОСИМОВ Эркин Умаралиевич (1935.14.10, Тошкент) — курилиш соҳасидаги олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), техника фанлари д-ри (1981), проф. (1982). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1958). Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида катта муҳандис, Сув иншоотлари и.т. институтида илмий ходим (1958—62), Тошкент поли-техника ин-тида катта ўқитувчи, донент, факультет лекани, кафелра мудири (1965-72, 1982-91), Ўзбекистон Олий ва ўрта таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи (1978 — 81). Тошкент архитектура-курулиш ин-тида проректор (1991-2000). проф. (2001 й.лан). Илмий ишлари курилиш материалларининг хоссаларини ўрганиш, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш, уларнинг и.ч. технологиясини такомиллаштириш ва б. муаммоларга оид.

Ас: Курилиш материаллари, Т., 1982; Минерал боғловчилар ва улардан тайёрланадиган буюмлар (ҳаммуаллифликда), Т., 1984; Курилиш ашёлари, Т., 2004.

Ад.: Умр дафтари, Т., 2004.

КОСИМОВЛАР ПОДШОЛИГИ - Москва буюк князи Василий II томонидан татар хонлари учун ажратилган ҳудудда тузилган кичик подшолик (1445-1681). Қ.п. Ока дарёси бўйлаб (хоз. Рязань вилоятининг шим.-шарқий қисмида) татарлар, мишарлар, мордвалар, қис-ман руслар яшайдиган ҳудудни эгаллаган. Дастлабки подшо Қозон хони Улуғ Муҳаммаднинг ўғли Қосимхон бўлган (тахм. 1445—56). Маркази — Қосимов ш. Подшолик ва шаҳарнинг номи ҳам унинг асосчиси Қосимхон исмидан олинган. Хонлик аҳолиси, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланган. Хонлик сиёсий ҳаётида мангит, арғин, жалойир, қипчоқ каби туркий уруғлар етакчи роль ўйнаган.

Қ.п. хонлари Москва томонида туриб Қозон хонлигига қарши ҳарбий қурашларда қатнашган (1467—69, 1487, 1552). Мас, ака-ука хонлар Шоҳ Али (1516—67) ва Жон Али Қозон хонлигини 1519—21, 1532 — 36, 1546, 1551 й.ларда бошқаришган. Шоҳ Али Ливония урушида рус армиясига қўмондонлик қилган (1557— 58). Қозон хонлиги Русь томонидан босиб олингач (1552), Қ.п. хонларининг нуфузи анча пасайган. Бирок хонлар 16-а. охири ва 17-а.да ҳам рус дипломатлари учун Усмонли турк султонлари ва б. ислом давлатлари олдида «мусулмон ҳукмдорлари» сифатида бир дастак вазифасини ўтаган. Саид Бурхон (ҳукмронлик даври: 1627—79) даврида хонлик аҳолисини мажбуран христиан динига киритиш бошланганлиги учун татарлар қўзғолон кўтаришган (1656). Сўнги хон Фотима Султон Бегим вафот этгач (1681), Қ.п. ўз фаолиятини тугатган ва у Москва давлатига қўшиб юборилган.

Ад.: Шарифуллина Ф., Касимовские татары, Казань, 1991.

КОСИМХОН (1445-1518-21) - козок хони, Жўжихон авлодидан. Қозок хонлигининг асосчилардан бири Жо-

нибек султоннинг ўгли. Қ.нинг онаси Жаҳонбегим Шайбонийхоннинг онаси Окқўзибегимнинг синглиси бўлган. 1503 й.да акаси Адик султон вафотидан сўнг улус бошқаруви Қ. кўлига ўтган. Гарчи у ўз улусининг султони бўлсада хонликда юқори нуфузга эга бўлиб, ўша вақтдаги козоқ хони *Бурундукхоннинг* кейин турувчи 2-шахс ҳисобланган. Унинг харбий юришлардаги муваффақияти, бошқа козоқ султонларини ҳам унинг атрофига бирлашувиغا сабаб бўлди. 1509 й.нинг 2-ярмига амалда бутун ҳокимият Қ. кўлига ўтган. Лекин 1511 й.дагина расман хонлик ёрлиғига эга бўлган. Унинг ҳукмронлик йилларида хонлик ҳудуди кен-гайиб, ҳокимият бошқаруви мустаҳкамланган. Қ. давлати таркибита жан.-шарқда Еттисувнинг бир қисми, шим.-ғарбдан Волга дарёсининг ўнг қирғоқлари, шим. ва шим.-шарқда Улуғтоғ этаклари ва Балхаш кўли бўйлари, жан.да Сирдарёнинг ўнг қирғоғигача бўлган ҳудудлар кирган. қ. шайбоний султонлар билан доимий равишаа Сирдарё бўйи шаҳарлари учун жанг олиб борган бўлса-да, аммо уларнинг Эрон сафавийларига қарши курашини қўллаб-қувватлаган. 1513—14 й. ларда Исмоил Сафавий кўшинларига қарши курашиш учун шайбонийлар билан иттифоқ тузган. Шунингдек, қ. даврида Қозоқ хонлиги Москва, шунингдек, Қрим ва Ёркенд хонликлари билан ҳам турли соҳаларда алоқалар олиб борган. Қ. вафотидан сўнг бирмунча вақт хонлик тахти бўш қолган. Фақат 1522 й.дагина унинг ўгли мамашхон тахтни эгаллашга муваффақ бўлган. Аммо бу билан тахт учун кураш барҳам топмаган. Оқибатда ички вазият қ. тиклаган давлатнинг инкирозга учрашига сабаб бўлган.

Гулчехра Султонова.

ҚОСИМХЎЖАЕВ Саидусмон (1915. 15.5 — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Кавардон қишлоғи — 1994.24.3) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1938 й.дан армияда. 1941 й. авг.дан фронт-

да. 229-ўқчи полки (Марказий фронт 19-армиянинг 8-ўқчи дивизияси) взвод командири. Чернигов вилоятининг Короп туманидаги Оболонье қишлоғи учун бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1943.11.9). Урушдан кейин турли раҳбарлик лавозимларда ишлаган. Вафотидан сўнг ўзи яшаган кўчага номи берилган.

ҚОФИЯ (араб. — эргашиш, изидан бориш) — шеърый мисраларнинг муайян ўрнида оҳангдош сўз ёки сўз бирикмаларининг изчил такрорланиб келиши. Қ. шеърнинг мазмуни, жанри, шакли ва композициясида муҳим ўрин эгаллайди. Қ. ҳосил қилувчи сўзларнинг оҳангдошлиги ўзак билан ўзак ёки қўшимча билан қўшимча ўртасидаги уйғунлик туфайли юзага келади.

Қ. шеър ритми ва мусиқийлигини таъминлайди. У ритмиклик ва оҳангдошлиқдан ташқари, яна бир нечта вазифани бажаради. Ана шу вазифалардан бири Қ.нинг шеър ғоявий мазмуни билан боғлиқлигидир. Шу боис у шеър мазмунини гўзал ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Қ.да одатда шеър ғоясини ташувчи сўзларни мисранинг шеърхон диққатини ўзига тортадиган ўрнига (кўпинча охирига) жойлаштириш тақозо этилади. Шу билан бирга Қ. бадийий такт вазифасини ҳам бажаради. Бадийий такт эса шеър ғоясининг таъсирчан ва жозибали ифодаланишига кўмак беради. Қ.нинг яна бир вазифаси шеър курилишида компо-зицион уюштирувчиликдан иборат, чунки у мисраларни уйғунлик, оҳанг-дорлик билан бири-бирига улайди, боғлайди, байт ёки банд каби шеърый бирикларни ташкил этади. Қ.нинг вазифаларидан яна бири шундаки, у шеър интонациясини (оҳангдорлигини) юзага келтиради. Шеърнинг поэтик мазмуни, ундаги сўзлар оҳанг-дорлиги, ритми, вазни, банд тузилиши билан узвий боғлиқликда ўзининг интонацион вазифасини бажаради. Қ. ритмик вазифа ҳам бажаради. Бундай Қ.лар шеърда *ра-*

диф бўлмаган ҳолларда мисралар сўнги (чегараси)ни таъкидлаб, изчил ритмик қаторларни ташкил этишда етакчи вази-фани адо этади.

Туркий халқлар оғзаки ижодида Қ.нинг оддий сўз такроридан тортиб мукамал мустақил турларигача бўлган шакллари учрайди. Умуман, ўзбек оғзаки ва ёзма адабиётида Қ.нинг вужудга келишида *сажъ* муҳим ўрин тутди. Бунга туркий халқларнинг кўплаб оғзаки ижод турларида, урхун-енисей ёдномларида, 11-а.да Махмуд *Кошғарий* томонидан яратилган «*Девону луготит турк*» асарида учровчи шеърий парчалардаги Қ.лар мисол бўла олади.

Араблар истилосидан кейин туркий халқлар шеъриятига ҳам аруз шеърий тизими кириб келади. 9—10-а.ларда эса араб, форс ва б. халқлар шеъриятида мумтоз Қ. назарияси яратилади. Бу назария монорим (французча топопте — ягона қофия) к. ёки товушлар уйғунлигига асосланади. Ушбу назарияга кўра, Қ. ягона товуш (ҳарф) такрорига асосланади ва бу ҳарф равий (араб. — қофиядаги ундош товуш) деб аталади. Равий сўз ўзаги, ясама сўзларда негиз охиридаги ундош, чўзиқ унли, баъзан эса қисқа унлиларнинг айнан такрорланиши туфайли юзага келади. Мас, «гул-бул-бул» сўзларидаги «л», «тортар-ортар» сўзларидаги охирги «р», «вафо-жафо» сўзларидаги «о», «баҳона-замона» сўзларидаги охирги «а» товуш-ҳарфлари равий ҳисобланади. Мазкур назария талабларига кўра, равий-сиз Қ. вужудга келмайди.

Мумтоз қ. назариясида Қ.ланувчи сўзлар таркибига қараб равийдан олдин ва равийдан кейин 4 тадан Қ. унсури иштирок этиши мумкин. Равийдан олдин келувчи унсурулар: кайд — равийдан олдин келган ҳаракатсиз ундош товуш («баландқанд») сўзларидаги «н» товуши); ридф — ундош равийдан олдин келган чўзиқ унли («ша-ҳар-сахар») сўзларида «р» равийдан олдинги «а» унлиси); таъсис — равийдан олдин келган бир ҳаракатли ундошдан илгари келувчи

чўзиқ унли («ҳомил-қотил» сўзларидаги «о» товуши); дахил — равий билан таъсис орасида келувчи ҳаракатли ундош («зойил-қойил» сўзларидаги «й» ундоши). Равийдан кейин келувчи Қ. унсурулари ҳам 4 та: васл — равийга воситали ёки воситасиз тиркалган товушлар («улфатим-суҳбатим» сўзларидаги «м» ундоши ва «булоғи-қулоғи» сўзларидаги «и» унлиси); хуруж — васлдан сўнг такрорланувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли; мазид — хуруждан кейин келувчи ундош ёки чўзиқ унли; ноира — мазиддан сўнг келган ундош ва чўзиқ унлилар.

20-а. бошларидан ўзбек шеъриятида *бармоқ тизими* етакчилик қила бошлади. Натижада Қ. таркибини нозик ҳамда асосли таҳлил қилишга имкон берувчи мумтоз Қ. назариясига муро-жаат этиш аста-секин камайди. Бу ҳолат Қ. ҳақида янги — полирифма назариясини келтириб чиқарди. Ушбу назарияга кўра, қ. тиргак товушга асосланади. Тиргак товуш эса равий сингари инжиқ эмас. Қ.ланувчи сўзлар таркибидаги талаффуз усули ва ўрни жиҳатдан бир-бирига яқин барча товушлар тиргак товуш бўла олади. полирифма назариясига кўра, Қ.нинг тўлиқ (тўқ), нотўлиқ (оч), содда, мураккаб, очик, ёпик, тахминий каби шакллари мавжуд.

Қ.ланувчи сўзларнинг уйғунлиги, миқдори, мазмуни, ўрни ва фонетик таркибига қараб, Қ.нинг зулқофиятайн (қўш Қ.лилик), тарсеъли (байтнинг ҳар 2 мисрасидаги барча сўзларнинг ўзаро оҳангдош, вазндош бўлиб келиши), тасвирий, киноявий, контраст, мета-форик, *тажнисли* каби турлари фарқланади ва уларнинг ҳар бири ўзбек шеъриятида ҳам муҳим эвфоник, семантик вазифа бажаради. Шеърий мисранинг бошланиши ёки ўртасида, охи-рида келишига қараб эса Қ.нинг анафорик, ички ва эпифорик турлари фарқланади.

Умуман, Қ. одатда шеърий мис-ралар охирида келиб, уларни оҳангдошлик, уйғунлик ва мазмуний ях-литлик асосида бирлаштиради. бугунги кунда ўзбек

шеърияида *сар-баст* тизимининг ҳам кўпроқ мавке эгаллаб бораётганлиги бу хилдаги поэтик асарларда Қ.нинг тутган ўрни, табиати ва ғоявий-бадиий вазифаларини алоҳида ўрганишни тақозо этмоқда.

Ас.Иззат Султон, Адабиёт назарияси, Т., 1939 (сўнги нашри — 2005); самойлов Д.С., Книга о русской рифме, М., 1973; Адабиёт назарияси [2 ж.], 2-ж., Т., 1979.

Баҳодир Саримсоқов.

ҚОЧИРИМ — ўзбек анъанавий мусикасида оддий ва мураккаб *муסיқа безаклари* (бидратма, сайқал ва б.)нинг умумий ифодаси. Қ.лар куйга жило берувчи қисқа товуш (оханг)лардан ташкил топади.

ҚОЧИРИШ, уруғлантириш — урғочи чорва молларини урчитиш усули; урғочи молларни эркаклари билан табиий ёки сунъий жуфтлашиши уруғлантириш. Урғочи молларни Қ. уларнинг оптимал жинсий циклида амалга оширилади (к. *Куйкиши*), жумладан, сигирларда йил давомида туққанидан кейин жинсий циклининг биринчи (18 — 30 кундан сўнг) ёки иккинчи (60—80 кундан сўнг) босқичида ўтказилади. Қўй, эчки, йилқи, туя, гўштдор зотли қорамоллар мавсумий — кўй-эчкилар окт.-нояб. ойларида, от, туя, гўштдор зотли қорамоллар баҳор-ёз ойларида қочирилади. Чўчкаларда Қ. йил давомида ўтказилади. Қ. тухум хужайрани оталантириш билан яқунланади.

Ҳайвонлар, асосан, эркин шароитда (эркак ва урғочи моллар яйловда отар ёки қўтонда бирга боқилганда) ҳамда станокда ва сунъий усулда (эр-как ва урғочи моллар бир-биридан ажратиб боқилганда) қочирилади. Ста-нокда ва сунъий усулда Қ. режали назорат остида эркак молдан насл олишда фойдаланиш, йил давомида насл олиш вақтини тартибга солиш ҳамда ҳайвонларни танлаш имконини беради. *Қорамолчилик, қўйчилик,*

эчкичилик Қ.нинг энг самарали усули *сунъий қочириш* ҳисобланади.

ҚОЧОҚЛАР ВА КЎЧИРИЛГАН ШАХСЛАР — бирон-бир ижтимоий ҳолат (мас, уруш, миллий озодлик ҳаракати) оқибатида ўзининг доимий яшаш жойини ташлаб чиқишга мажбур бўлган шахслар. «Қочоқлар» атамаси халқаро ҳуқуқда 1-март 1914—18 й.лардаги 1-жаҳон урушидан кейин пайдо бўлиб, уруш даврида душман босиб олиши хавфи бўлган ёки эгаллаб олган хуудларни ташлаб чиққан, ё бўлмаса бу хуудлардан ҳарбий, фуқаровий ҳукумат фармойиши асосида жўна-тиб юборилган шахсларни англатиш учун ишлатилган. 1939—45 й.лардаги 2-жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган хуудлардан турли ишларда фойдаланиш учун миллионлаб кишиларнинг бошқа мамлакатларга мажбурлаб олиб кетилиши натижасида кўчирилган шахслар деб аталган одамлар тоифаси вужудга келди. Урушдан кейин Қ. ва к. ш. муаммоси кескин бўлиб қолди, чунки уларни тезлик билан ватанига қайтариш керак эди. Ўтган асрнинг 50 — 70- й.ларида Африкада ҳам қочоқлар билан боғлиқ масалалар келиб чиқди. Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси (1948—49, 1956, 1967 й.лардаги урушлар) туфайли пайдо бўлган фаластинлик қочоқлар масаласи ғоят кескин тус олиб, Яқин Шарқдаги вазиятни бир неча бор чигаллаштирди. Қ. ва к.ш. муаммолари манфаатдор давлатлар ўртасида махсус битимлар тузиш ёки халқаро ҳамкорлик натижасида ҳал этилади. Қочоқлар масалалари билан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати, БМТ доирасида — Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар шуғулланади.

ҚОШ — бошнинг гажакдор қисми.

ҚОШИҚ — ўзбек, рус ва б. халқларда, асосан, рақслар жўрлигида усул берувчи урма мусика чолғуси. 3 —

5 (ёки 4, баъзида, бир-бирига тасма билан жуфтлаштирилган) ёғоч ош Қ.дан иборат. Товуш Қ.ларни бир-бирига уриш натижасида ҳосил бўлади. Ўзбекистонда 1930-й.ларгача (айниқса, Фарғонада) кенг қўлланилган. Россияда Қ.чи (виртуоз раққос-созанда)лар ансамбллари фаолият кўрсатади.

ҚОШИҚБУРУН — *лайлаксимонлар* туркумининг ибислар оиласига мансуб куш. Европа, Осиё ва Шим.-Шарқий Африкада тарқалган. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё воҳалари сув ҳавзаларида учрайди. Аф-рика ва Жан. Осиёда қишлайди. Танаси 80 см ча, вазни 1,5 кг ча. Тумшуғи сариқ, ясси, учи қошиқсимон кенгайган. Оёғи қора, пат ва парлари оқ, гавдасининг патсиз жойлари сариқ. Вояга етган индивидларининг бошида қокили бор. Дарёларнинг қуйилиш жойларида, қўллардаги камишзорларда колония бўлиб яшайди. Қамишлар орасига, камдан-кам тол, жийда дарахтларига уя куради. 3—5 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат билан 24—25 кун босади. Полопонлари июнь — июль ойларида уясидан учиб чиқади. к. сувдаги ҳашаротлар, уларнинг личинкаси, майда балиқ, моллюска ва б. билан озикланади. Овлаш тақиқтанган. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ҚОЯ — қаттиқ туб жинслардан иборат тик қўтарилган чўкки, жарлик, тепа. Асосан, нураш натижасида қаттиқ тоғ жинсларининг очилиб, ер юзасига чиқиб қолишидан ҳосил бўлади. Жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди. Мас, Кўкқоя тоғи (Помирда), Қизилқоя довони (Қирғизистонда), Қоякент (Доғистонда) ва ҳ.к.

ҚОЯЛИ ТИЗМА - Катта Кавказнинг шим. ён бағридаги тизма. Белая дарёсидан Терек дарёсигача (Кубань ҳавзаси) чўзилган. Баландлиги ғарбда 1200—1700 м дан шарқда 3000 м гача, энг баланд жойи Қорақая чўккиси (3646). Қ.т.нинг

жанубий ён бағри тик, шим. ён бағри қия бўлиб, кўплаб тор дарё водийлари билан кесилган. Шим. ён бағри кенг баргли ўрмонлар, жан. ён бағри ва ўрмондан юқориси тоғ даштлари камда ўтлоқлар билан қопланган. Карст ривожланган.

ҚОЯЛИ ТОҒЛАР - Шим. Америкадаги тоғ системаси, Шим. Америка Кордильера тоғларининг шарқий қисми, Канада ва АҚШнинг ғарбида. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа 3200 км га чўзилган. Эни 700 км гача. Тинч океан билан Атлантика океани ҳавзалари ўртасида сувайирғич хисобланади. Қ.т.дан Миссури, Колорадо, Рио-Гранде, Снейк, Арканзас дарёлари бошланади. Қ.т. 45° ш.к.да шимоллий ва жан. қисмларга бўлинади. Узокқа чўзилган шим. тизмалари, асосан, гранитлардан тузилган бўлиб, энг баланд жойи 3954 м (Робсон тоғи). Жан. тизмалари қиска бўлиб, қумтош, гилли сланец, оҳақ-тошлардан тузилган. Энг баланд жойи 4399 м (Элберт тоғи, Қ.т.нинг энг баланд нуқтаси). Иқлими континент-тал, йиллик ёғин 1000 мм гача. Тизмалар кенг ҳавзалар билан бўлинган. Молибден, мис, олтин, қумуш, полиметалл рудалари, нефть, тошкў-мир конлари бор. Гейзер ва термал булоқ кўп. Шим.да тоғ тайга ўрмонлари, тоғ тайга сийрак ўрмонлари, тоғ тундра ва ялангликлар, жан.да дашт, ўрмон, субальп игна баргли ўрмонлар, альп ўтлоқлари мавжуд. Ўрмонлар чегараси шим.да 1500 м, жан.да 3600 м баландликда, ундан юқориси альп ўтлоқлари ва доимий қорлар. Қор чизиғи жан.да 4000 м, шим.да 2500 м баландда. Водийлар ландшафти дашт ва чала чўлдан иборат. Жаспер, Банф, Йохо, Йеллоустон, Роки-Маунтин ва б. миллий боғлар ташкил этилган.

ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ - ғорлар (девор ва шиплари), қоятошлар ва алоҳида тошларга ишланган қад. тасвирлар. Расмлар ишланиш хусусиятларига қўра 2 гуруҳга бўлинади: тош, темир, пўлат ёки бошқа қаттиқ буюм билан уриб

чўкичлаш, чизиш, тирнаш, ишқалаш йўли билан яратилган расмлар (улар фанда петроглифлар деб аталади) ҳамда табиий бўёқ — охра ва б. билан чизиб ишланган оқ, қора, сариқ, кўк, қизил, жигарранг расмлар. Рангли расмларнинг ишланиши усули у қадар мураккаб эмас; лекин петрог-лифларнинг ишланиши анча мураккаб. Қ.р. ишланиш услубига кўра хилма-хилдир: соя, оддий чизиклар, тарҳли, нақшдор безакли ва б. услуб хусусиятларига эга. Қ.р. дунёнинг барча жойларида маълул бўлиб, палеолитдан то ўрта асрларгача бўлган даврда яратилган. Африка (Сахрои Кабир ва жан. тоғларда), Америка (Аляска, Анд ва б. тоғлар), Европа ва Австралиянинг тоғлиқ ҳудудларида кўп учрайди; Россия (Амур, Лена, Енисей, Об, Иртиш, Байкал кўли соҳиллари), Қозоғистон, Ўрта Осиё (Қоратоғ, Бўкантоғ, Томдитоғ, Тяньшан. Помир, Нурота ва б.)дан топилган петроглиф Қ.р. диққатга сазовор. Франция, испания, Италия, Ҳиндистон, Россия (Лена, Амур, Байкал кўли соҳиллари, Урал, Доғистон), Ўзбекистон (мас, *Заратусой расмлари*, Сангижумон, Оксоқолотасой расмлари) да рангли Қ.р. топиб ўргаилган. Қ.р. аввало санъат обидаси сифатида санъат тари-хини ўрганишда, археологик ва тарихий манба сифатида ибтидоий ва қад. қабилаларнинг ижтимоий ҳаёти ва руҳий оламини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Яна қ. *Сармишсой расмлари*, *Суратлисой расмлари*, *Такатош расмлари*, *Хўжакент расмлари*.

Ад.: Кабилов Ж., Сармишсойнинг қоятош расмлари. Т., 1976; Хўжаназаров М., Наскальнише изображения Ходжакентаи Каракияса, Самарқанд, 1995.

ҚОҚИ (форс-тож. — қуритилган) — айрим озик-овқат мақсулотларини узоқ муддат сақлаш усулларидан бири; қуритилган сабзавотлар, мева, қовун, гўшт, нон ва б. Олма, нок, шафтоли, ўрик каби мевалар Қ. қилишдан олдин ювилади, олма, нок бир неча парракка, данакли мевалар ўртасидан иккига

бўлинади, уруғи (данаги)дан тозаланади ва хирмонда офтобда ёки махсус электр қуритгичларда қуритилади. Помидорни пар-раклаб (туз сепилади) ёки 2 бўлиб, бақлажонни узунасига 4 га бўлиб Қ. қилиш мумкин. Каноп, қоғоз қопларда, қутиларда салқин жойда сақланади. Қиш фаслида истеъмол қилинади, компотлар тайёрланади, иви-тиб овқатга ишлатилади ёки сабза-вот Қ. ларидан салатлар тайёрланади (қ. *Қовунқоқи*).

ҚОҚИ — мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик сут ширали ўсимлик туркуми. Бўйи 10—40 см, барглари илдиз бўғзидан чиққан, ланцетсимон, кўпинча тўпбарг ҳосил қилади. Гуллари сариқ, савагчага йиғилган. Меваси пистаचा. Апрельдан июлгача гуллаб, мева тугади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тарқалган. Йўл ёқалари, ариқ бўйлари, боғлар, тоғли жойлар ва дала-ларда учрайди. Тоғ қоқи, доривор қоқи (момақаймоқ), шохсиз қоқи, каллакдор қоқи ва б. турлари бор. Илдизидан инулин тўпланади. Барглари сабзавот сифатида ишлатилади. Қ.нинг илдизидан тайёрланган экстракт ёки порошок иштаха очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи ҳамда ўт хайдовчи дори сифатида ишлатилади.

ҚОҚШОЛ — ўткир инфекцион касаллик; нерв системасининг қоқшол бактериялари токсинидан зарарланиши натижасида организмдаги турли мускул гуруҳларининг тортишиши билан кечади.

Касалликни Қ. бактериялари кўзгатади. Ўтхўр ҳайвонларнинг ичаги Қ. бактериялари учун қулай шароит ҳисобланади. Бу ерда улар вегетатив шаклда бўлади, ташқарига ажралиб чиққач, спораларга айланади; улар ташқи муҳит таъсирига чидамли. Споралар одам организмнинг яраланган, шикастланган жойлари орқали анаэроб шароитга тушгач вегетатив шаклга айланиб, кучли экзотоксин ажратади. У нерв системаси-

нинг ҳужайраларига таъсир кўрсатади; айниқса, бош миянинг ҳаётий зарур марказлари шикастланади. Чақалоқларга киндик яраси орқали юкиши мумкин.

Бактериялар 5 кундан 1 ойгача ҳеч қандай касаллик аломатларини пайдо қилмай организмда яшайверади (инкубацион давр). Баъзан жароҳатнинг тортишиб оғриши, унинг яқинидаги мускулларнинг тортишиб титраши Қ.нинг белгиларидир. Аксари касалликда дастлаб чайнов мускуллари тортишади (тризм). Бунда бемор оғзини очишга қийналади, кейин бутунлай очолмай қолади, худди кулиб турганга ўхшайди, кошлари кўтарилади, пешонасида чуқур ажинлар пайдо бўлади. Боши орқага кетади, танаси ёйдек эгилиб, фақат боши ва товонлари билан тиралиб қолади. Бемор салгина таъсирот (шовқин, ёруғлик, тегиб кетиш, ютинишга уриниш)дан тиришиб қолади.

Бемор касалхонада даволанади; вақтида яхшилаб даво қилинса, бемор ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Қ.нинг олдини олиш Қ. анатоксинини режали равишда юборишдан иборат (к. *Эташ*).

ҚОҒОЗ — асосан, ўсимлик толаларидан тайёрланадиган юпка материал. Турли хил жинсдаги дарахт ёғочи ва бир йиллик ўсимлик целлюлозаси ҳамда ёғоч массасидан ишланади. Қ. массасига ўсимлик толаларидан ташқари турли кўшимча (тўлдиригич)лар, мас, ок тус берадиган, зич, силлиқ қиладиган, бўёқ олиш хусусиятини яхшилайдиган минерал моддалар (каолин, тальк ва б.); сиёхни ёйилтирмайдиган ёки қоғозни пухта ва зич қиладиган елимловчи материаллар (кани-фол елими, крахмал, смола ва ҳ.к.); бўяғичлар, кимёвий толалар ва б. кўшилади.

Қ. дастлаб (2-а.) Хитойда олинган. Цай Лун ўсимлик толаларининг сувли бўтқасини тўрдан ўтказиб, Қ. олишга муяссар бўлган. Бу усул кўп вақтларгача сир сақлаб келинди, 6-а. бошларида Японияда жорий қилинди. 6—8-а.ларда Қ.

ишлаб чиқариш Осиёдаги бошқа мамлакатларга тарқалди. 7-а.нинг бошларидан — 19-а.нинг 1-ярмигача Самарқандда ишлаб чиқарилган Қ. Туркистондагина эмас, балки кўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Кейинчалик Қ. тайёрлаш араблар орқали Эрон, Шим. Африка ва Кипрга, кейинроқ эса Испания, Марокаш ва б. мамлакатларга ёйилди. Қ. бунгача ёзувда ишлатиб келинаётган *папирус* ва б. материалларни сиқиб чикарди. Кейинчалик (тахм. 10-а.да)Қ. ишлаб чиқариш Испаниядан Европадаги барча мамлакатларга, шу жумладан, Россияга ўтди. 15—16-а.ларда китоб босиш кашф қилинганидан кейин қ. ишлаб чиқариш суръати тезлашди. 17—18-а. мобайнида Голландияда янги туйиш аппарати — ролл ихтиро қилинди, француз ихтирочиси Н. Л. Робер кўл билан узлуксиз айлантириб туриладиган сим тўрли Қ. куйиш машинасини яратди. Кейинчалик бу содда машинага пресслаш, қуритиш, *каландр* ва рулон қилиб ўраш секциялари кўшилди.

19-а. 60-й.ларида Қ. машинаси деярли ҳозирги Қ. машинаси каби қисмлардан иборат бўлган. Кейинчалик Қ. машинасининг барча қисмлари такомиллаштирилди. Қ. ишлаб чиқариш тезлиги ўнларча марта оширилди. Латта хом ашёси ўрнига ёғоч целлюлозаси толалари ишлатиладиган бўлди. Қадимги ролл машинаси узлуксиз ишлайдиган туйиш аппаратларига алмаштирилди. Синтетик полимер смола ва толалар борган сари кўпроқ ишлатиладиган бўлди ва Қ. ишлаш техникаси такомиллаштирилди (к. *Целлюлоза*).

Қ.нинг 600 дан ортиқ тури бор. Қ., асосан, ёзиш, дафтар ва китоблар чиқариш учун ишлатилади. Кўпчилик ҳолларда Қ. ва *картон* тўқимачилик, ёғоч ишлаш ва шиша саноати маҳсулотлари билан рақобатлашмоқда. Улар турли металл буюмлари ўрнини эгалламоқда, конструкция, изоляция-ловчи, қистирма, филтрловчи, пар-дозловчи ва ҳ.к. материаллар сифатида ишлатилмоқда.

Қ. қандай мақсадларда ишлатилишига кўра, массаси (1м² да 4—250 г). қалинлиги (4 мм дан 400 мм гача). механик хоссалари (узилиш узунли-ги, синиш, эзилиш, титилиш. сиқилиш, буралиш), елим олиши, кул-лилиги, нам-лилиги, ранги, оқдили-ги, силликлиги, сингдириш қобилия-ти, ҳаво, буғ, ёғ ўтказмаслиги, диэ-лектриклиги ва б. хос-салари билан ифо-даланади.

Халқаро таснифга кўра, Қ. қуйида-гиларга бўлинади: Матбуот Қ. (бос-махона, офсет, иллюстрация, картогра-фия, бўрланган Қ.) — жуда силликлиги, оқлиги, босма бўёқни яхши сингдири-ши билан ажралади. Газета қ. билан гул (обой) Қ. ҳам шу синфга оид. Ёзув Қ. (ёзув, почта, конверт, карточка Қ) — елим олиши, сингдириш хусусияти-нинг кичиклиги, жуда силликлиги билан ажралади. Чизмачилик-расмчилик Қ. (расм, чизмачилик, чиз-мачилик калька-си Қ.) — елимни яхши олади. Электро-изоляцияцион Қ. (конденсатор, кабель, теле-фон, изо-ляцияцион-ўров Қ.) — механик мустаҳ-камлиги, диэлектриклик хоссаси ях-шилиги билан ажралади. Папирос Қ. (мундштук, папирос, сигарет, чекма Қ.) — бу синф Қ.нинг композицияси. хосса-си ва тайёрланиш технологияси турлича. Шимувчи Қ. (фильтр, босма, сингдирув-чи Қ.) — фибра, пергамент, санитария-гигиена маҳсулотлари ва б. тайёрлаш-да ишлатилади. Аппарат Қ. (телеграф-лен-таси, Крид лентаси, перфокарта Қ.) — механик мустаҳкамлиги билан ифо-даланади. Ёруғлик сезгир Қ. — механик мустаҳкамлиги, яхши елим олиши билан ажралади, фотографияда ишлатилади (қ. *Фотография*). Кўчириш Қ. (копиров-ка ва кўчириш Қ.) — махсус ишлов бе-риб тайёрланади. Ўров Қ. — озик-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларини ўраш учун ишлатилади. Саноат-техни-ка Қ. (патрон, жилвир, диффузор товуш ёзиб олиш, ип ўрашда ишлатиладиган ва ҳ.к.) — пахта толаси, асбест, сунъий тола-лардан оддий усулда ишлаб чиқарилади.

Қ бўтқасини тайёрлаш технология-

си тола материалларини туйиш; тола-га мос композиция тузиш; суспен-зия, тўлдиргич, бўягичлар тайёрлаш; қ. бра-кларини қайта ишлашни ўз ичига олади. Қ. қоғоз тайёрлаш машинасида олинади. У узлуксиз ишлайдиган кўп секцияли агрегат. Унда серсув тола суспензияси-дан қ. ва баъзи бир турдаги картон оли-нади. Қ. тайёрлаш машинаси 2 асосий турга: ясси тўрли (асосий қоғоз турлари ишлаб чиқариладиган) ва думалоқ тўрли (баъзи қоғоз турлари ва картон ишлаб чиқариладиган) типларга бўлинади.

ҚОҒОЗ САНОАТИ, целлюлоза-қоғоз саноати — турли хилдаги қоғозлар, картон ва улардан маҳсулотлар, целлю-лоза, толали ва қаттиқ ёғоч толали пли-талар (ДСП) ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи. Шунингдек, тармоқда кўшимча маҳсулот тарикасида этил спирти, ем ачиткилари, канифоль, скипидар ва ёғ кислоталари тайёрланади. Ўрта Осиёда 20-а.нинг 20-й.ларига қадар Қ.с. корхона-лари бўлмаган. Айрим турдаги қоғозлар пахтадан, ипақдан хунар-мандчилик усу-лида оз миқдорда тай-ёрланган ҳамда четдан келтирилган (қ. *Қоғоз*).

Ўзбекистонда Қ.с. 30-й.ларда вужуд-га келди. 1932 й.да Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент қоғоз ф-каси ишга ту-ширилди ва шу йили 1595 т қоғоз ишлаб чиқарилди. 20-а.нинг 60-й.ларида Ангрэн ш.да иккиламчи қоғоз материаллари (*ма-қулатура*) қан картон қутилар ва идишлар тайёрлайдиган корхона қурилди. 90-й.лар бошида Андижон, Наманган, Самарқанд, Янгийўл ва б. шаҳарларда ғўзапо, шо-липоя ва цел-люлозадан қоғоз ишлаб чиқарадиган бир неча ф-ка, ўрта корхо-на^ цехлар ишга туширилди. 1995 й.да «Ўзбекко-ғоз саноат» уюшмаси ташкил этилди (2003 й. охирида тугатилди). 2003 й.да Ўзбекистон Қ.с.да 3044 т целлюлоза, 5735 т қоғоз, 3949 млн. дона ёзув дафт-арлари ишлаб чиқарилди. Тармоқдаги энг йирик корхона — «Ўзбек қоғози» ак-циядорлик жамияти (Тошкент).

Қ.с. чет давлатларда АҚШ (жаҳондаги

ишлаб чиқариладиган қоғоз ва картоннинг 1/3 қисми), Россия, Канада, Финляндия, Швеция, Япония (АҚШ, Канада, Россиядан олинадиган хом ашё ҳисобига), ГФРда ривожланган. Бу мамлакатларда Қ.с. маҳсулотлари экспорнинг муҳим бандини ташкил этади.

ҚОҒОЗГУЛ — астрадошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва ярим буталар туркуми; манзарали эрма гул. Шим. ва Марказий Америкада 15 дан ортиқ, Жан.

Америкада 1 тури ўсади. Маданий ҳолда нафис Қ. тури ўстирилади. Бўйи 30—90 см, пояси тепадан шохланган, барглари чўзик-тухумсимон, кенг наштарсимон, пояни ўраб туради. Тўпгули бирмунча дағал, диаметри ҳар хил. Гуллари рағиб ранги оқ, қизил, сарик, пушти, новотранг ва ҳ.к. Май ойидан то совуқ тушгунча гуллайди. Уруғидан кўпайтирилади. Уруғи баҳорда ҳаво исий бошлагач очиқ ерларга экилади. Гулзорларда, ҳовли, боғларда, паркларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ўзбекистонда энг кўп тарқалган.

ҚОҒОЗДАРАХТ — тутдошлар оиласига мансуб икки уйли барг тўқувчи дарахт ва буталар туркуми. Шарқий Осиё ва Полинезияда 6-8 тури маълум. Қоғоз тут турининг ватани Япония ва Хитой. Бўйи 5—16 м гача, барглари бандли, бутун ёки бўлмали. Асосан, қоғоз тайёрлашда ишлатилади. Пўстлоғидан аъло сифатли қоғоз (қоғоз пуллар, қимматли қоғозлар ва б.) ишлаб чиқарилади, маҳаллий халқ эса кийим-кечак ва арқон тайёрлайди. Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёда экиб ўстирилади. Қ.нинг казиноки тури Корея я.о. ва Японияда ёввойи ҳолда учрайди.

ҚОҒОНОҚ СУВИ - она қорнидаги ҳомилани ўраб турадиган суюқлик. Ҳомилани ташқи таъсиротлардан ҳимоя қилиб, унинг тўғри ўсишини таъминлайди. Қ.с. физиологик аҳамиятга эга, у ҳомиланинг қимирлашига

қулайлик яратади, унга кислород ва озик моддалар етказиб туради; ҳомила киндигини сиқилиб қолишдан сақлайди, туғруқ вақтида бачадон бўйнининг нормал очилишига имкон беради. Туғруқ бошланишига қадар Қ.с.нинг кетиб қолиши анча хавфли, бунда нохуш оқибатлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳомиладор аёлни туғруқхонага жўна-тиш керак. Қ.с.да моддалар алмашинуви жараёнида ҳомила ажратадиган маҳсулотлар бўлади. Шунинг учун Қ.с. таркибини ўрганиш акушерга ҳомиланинг аҳволи тўғрисида анча аниқ тасаввурга эга бўлиш ва зарур бўлганда унга ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатишга имкон беради.

Ҳомиладорлик охирида сув миқдори 1 —1,5 л га етади. Қ.с.нинг нормадан кам бўлиши ҳомилада туғма нуқсонлар вужудга келишига, сув кўп бўлиши эса ҳомиладорлик ва туғиш даврида турли асоратлар (мас, дард тутишининг суст бўлиши, қон кетиши ва б.)га сабаб бўлади. Шунинг учун ҳомиладор аёлда кўп сувлик аломатлари сезилганда дарҳол туғруқхонага ётқизиб текшириш ва даволаш талаб этилади.

ҚОҲИРА — Миср пойтахти. Африкада энг катта шаҳар. Нил дарёси дель-тасидан жан.да, асосан, дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Қоҳира муҳофазасини ташкил этади. Аҳолиси 16 млн. кишидан зиёд (2000, шаҳар атрофи б-н). Иқлими Ўрта денгиз бўйига хос, ўртача т-ра янв.да 12°, июлда 27°. Йиллик ёғин 34 мм, апр. — май ойларида 50 кунгача иссиқ қуруқ шамол — хамсин эсади.

Қ. — халқаро ҳаво, мамлакатнинг т.й., автомобиль ва дарё йўлларининг йирик чорраҳаси. Қ. ва унинг атрофида мамлакат саноат корхоналарининг 1/4 қисми, фка ва 3-д ишчиларининг 1/3 қисми тўпланган. Машинасозлик (шу жумладан, транспорт машинасозлиги) ва металлсозлик, тўқимачилик, кимё, цемент ва озик-овқат саноатлари

ривожланган. Шаҳар яқинида йирик қора металлургия маркази бор. Қ. — йирик савдо-молия, араб дунёсининг муҳим ноширлик фаолияти марказларидан. Қ.да бадиий хунармандчилик қадимдан ривожланган: тери, ёғочдан турли-туман бадиий буюмлар тайёрланади. Шаҳарда Миср музейи, ислом санъати музейи, бадиий музейлар, Академия, ун-т, Миср ин-ти ва б. олий ўқув юртли ва и.т. муассасалари (чўл, тро-пик тиббиёт, к.х. институтлари), кутубхоналар, театрлар бор.

Қадимда (тахм. мил.ав. 17-а.да) Қ. ўрнида кишлоқ бўлган. Рим-Византия даврида шаҳар Бобил, кейинроқ Фустат номлари билан машҳур эди. 861 й.да Аҳмад ал-Фарғоний Қ. яқинидаги Равзо о.да Нил дарёси суви сатҳини ўлчаб турадиган *нилометр* қурган. Бу ноёб иншоот хоз. қадар сақланиб турибди. 969 й.да шаҳарнинг шим. чеккасида «Миср ал-Қоҳира» («Ғолиб Миср») номи билан Фотимийлар ҳокимлари қароргоҳлари қурила бошлади. 641—969 й.ларда Қ. Миср, Тулунийлар, Ихшидийларнинг араб ноиблари, 973—1171 й.ларда Фотимийлар халифалиги пойтахти бўлган. Айюбийлар (1171—1250) ва мамлуклар (1250-1517) даврида йирик диний-сиёсий, савдо ва хунармандчилик маркази эди. 1517 й.да шаҳарни усмонли турклар эгаллади. Миср эк-спедицияси даврида (1798-1801) Қ. француз қўшинлари томонидан босиб олинган. Шаҳар аҳолиси бир неча марта (1798, 1800) bosкинчиларга қарши қўзғолон кўтарган. 19-а. да Қ. анча ривожланди, янги турар жойлар, sanoat корхоналари қурилди, олий ўқув юртли ташкил этилди. 1882 й.да Қ.ни инглиз қўшинлари эгаллаб, уни 1914—22 й.ларда Британия протекторати маъмурий марказига айлантирди. 1922 й.дан Миср Подшоҳлиги пойтахти. 1953—58 й.ларда Миср Республикаси, 1958—71 й.ларда Бирлашган Араб Республикаси, 1971 й.дан Миср Араб Республикаси пойтахти.

Шаҳар эски ва янги қисмлардан

иборат. Эски Қ.да (Фустат, Бобил) «Троя минораси» (мил.ав. 130 й.), византия даври черковлари (Авлиё сергий, Биби Марям, Варвара) ва илк араб даври Амр ибн ал-Асо масжиди (7-а.), Ибн Тулун масжиди (9-а.); фотимийлар давридан шаҳар девори харобалари (11-а.), *Ач-Азҳар* ва б. масжидлар, Сабъа Банот («Етти қиз», 11-а.), Умм Кулсум (1122) мақбаралари, масжидлар, Усмонли турклар давридан Синоп пошшо (1571), муҳаммад Али (1930—48) масжидлари сақланган. Янги шаҳар қисмида кенг кўчалар, кўп қаватли бинолар, хиё-бонлар, ҳукумат бинолари, ун-т шаҳарчаси, телемарказ, банк бинолари, sanoat р-нлари ва б. қурилган.

ҚРИМ, Қрим Мухтор Республикаси — *Украина* таркибидаги мухтор республика. Қрим я.о.да жойлашган. Майд. 27 минг км². Аҳолиси 2205,6 минг киши (1996). Пойтахти — *Симферополь* ш. Маъмурий жиҳатдан 15 р-н, 10 шаҳар, 56 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Қ. — мухтор республика. Республика раҳбари — Олий Кенгаш раиси, ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳукумат.

Табиати тўғрисида *Қрим ярим ороли* мақоласига қarang.

Аҳолиси рус, украин, қримтатар ва б. Шаҳар аҳолиси 69,2%. Давлат тиллари — украин, рус, қримтатар тиллари. Диндорларнинг аксарияти православлар ва мусулмон суннийлар. Йирик шаҳарлари: Симферополь, Боқчасарой, Феодосия, Ялта, Севастополь, Евпатория.

Тарихи. Қ.да яшаган қад. одамларнинг суяк қолдиқлари палеолит даврига мансуб. Шунингдек, бу ерда неолит, жез ва илк темир даврларига хос қўпгина археологик ёдгорликлар топилган. Мил. ав. 1-минг йилликда Қ.да киммерий, тавр (Қ.нинг тоғли ва соҳил қисми қад. номи — *Таврика*, *Таврия*, Таврида тавр қабиласи номидан келиб чиққан) ва скиф қабилалари яшаган. Мил. ав. 6—5-а.ларда Қ.нинг соҳил қисмида юнонлар ўз

колонияларини ташкил этдилар. Уларнинг энг йириги Херсонес ва Пантикапей бўлди. Мил.ав. 5-а.да Керчь я.о.да *Боспор подшолиги*, Қ.нинг дашт қисмида Скиф давлати (мил.ав. 3-а.) вужудга келди. Мил.ав. 1-а.нинг 2-ярмида Қ.нинг соҳил қисми Рим томонидан босиб олинди. Мил. 3—4-а.ларда боскинчи қабилалар (готлар, гуннлар) Қ.нинг кўпгина қад. шаҳарларини вайрон қилиб, Боспор ва Скиф давлатларини тугатдилар. Қ.нинг шарқий қисми 10-а.дан Киев Русининг Тмутаракань князлиги таркибига кирди. Бу даврда Қ. аҳолиси скиф, тавр, гот, сармат, алан, хазар, бижанак ва б. халқлар авлодларидан иборат бўлган, соҳилда юнон ва славянлар яшаган. 13-а.да Қ.га мўғуллар бостириб киргач, бу ерда *Олтин Ўрдани*т Қрим улуси вужудга келди. 13—15-а.ларда Қ. да генуялик савдогарларнинг мудрофаа истехкомлари бўлган савдо марказлари фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда инкирозга учрагандан кейин (1443), Қрим улуси ўрнида *Қрим хонлиги* ташкил топиб, 1475 й.дан бошлаб Туркия вассалига айланди. 1783 й.да К. бутунлай Россияга қўшиб олинди. 1853—56 й.лардаги Қрим уруши даврида Қ. ҳарбий ҳаракатлар майдонига айланди. 1917 й. фев. инқилобидан сўнг майда жамоат ташкилотлари пайдо бўлди ва улар «Қрим қримликлар учун» шиори билан чиқиб, Қ.ни Россиядан ажратиб олишга ҳаракат қилдилар. 1917 й. 16(29) дек.да севастополда, 1918 й. 13(26) янв.да Симферополда совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. 21 мартда Қ.да Таврия Республикаси тузилиб, У РСФСР таркибига киритилди. Аммо шу йилнинг ўзида (апр.да) Германия Қ.ни ишғол қилди. 1918 й. нояб. да Қ.га Антанта қўшинлари туширилди. 1919 й. апр.да улар Қ.ни тарк этди. 1921 й. 18 окт.да РСФСР таркибида Қ. мухтор республикаси ташкил этилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Қ. шиддатли жанглар майдонига айланди. 1944 й. майда немислардан озод этилди. 1945 й. 30 июнда мухторият тугатилиб, Қрим вилояти ташкил этилди (у 1954 й. Укра-

ина таркибига ўтказилди); аҳолисининг бир қисми — қримтатарлар 1944 й. Ўрта Осиёга *депортация* қилинди (1967 й. уларнинг конституциявий ҳуқуқлари тикланди). 1991 й. 12 фев.да Қ. Мухтор Республикаси тузилди (Украина таркибида).

Хўжалиги. Қ. — кўп тармоқли қ.х. ва саноат тармоқлари ривожланган ҳудуд. Дам олиш ва даволаниш жойи ҳамда оммавий туризм р-ни.

Саноатида озик-овқат (мева-сабзавот, виночилик, эфир мойли ўсимликларни қайта ишлаш), машинасозлик (кема, прибор, телевизор ва б. ишлаб чиқариш), кимё, енгил саноат етакчи тармоқлардир. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Темир рудаси (Камиш-Бурун темир руда кти) ва табиий газ қазиб олинади. Симферополь давлат туман электр ст-яси ва б. бор. Керчь, Ялта, Севастополь. Ев-паторияда балиқни қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — тоқчилик, боғдорчилик, эфир мойли ўсимликлар маҳсулоти етиштириш, гўшт-сут чорвачилиги. Бугдой, маккажўхори, арпа, шоли, дуккакли дон экинлари, кунгабоқар, зиғир, тамаки, эфир мойли экинлар (атиргул, ла-ванд, мускат шалфейи) экилади. Сабзавотчилик ва поллизчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчка, қўй бокилади. Паррандачилик билан шуғулланилади.

Т.й.лар уз. 700 км га яқин. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 7 минг км дан зиёд. Керчь, Феодосия, Ялта, Севастополь, Евпатория денгиз портлари бор.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари Украина ва Қ.даги тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланади. Асосий курортлари: Ялта, Мисхор, Алушка, Симеиз, Гурзуф, Алушта (*Қримнинг жанубий соҳили*), Феодосия, Евпатория.

Қ.да таълим тизими Украина таълим тизими асосида ривожланмоқда. Қ.да

Симферополь ун-ти, тиббиёт, қ.х., приборсозлик ин-тлари бор. И.т.лар Қрим астрофизика расадхонаси, Никита ботаника боғи, виночилик ва тоқчилик, денгиз балиқ хўжалиги ва океанография и.т. институтлари ва б. илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилади. Қ.да 5 театр, филармония, бир қанча клуб муассасаси ва киноқурилма, музей (йириклари — Қрим ўлкашунослик музейи, Боқчасарой тарих-археология музейи, «Севастополь мудофааси» панорамаси, «Сапунгорани штурм қилиш» диорамаси ва б.) ва кутубхоналар бор.

Меъморлиги. Қ. худудида мис-жез давридан *менгирлар* қолган. Мил. ав. 1-минг йилликда таврлар томонидан тош истехкомлар қурилган. Қад. Херсонес, Пантикапей колонияларининг мудофаа иншоотлари, ибодатхона, макбара ёдгорликлари харобалари сақланган. Ўрта асрларда Қ.да Византия бадий маданияти ёдгорликлари — христиан базиликалари (7—8-а.ларда Херсонесда) ва хочли гумбазсимон ибодатхоналар (Керчдаги Иоанн Предтечя черкови, 10—13-а.лар) қурилди. 6-а.дан Қ. дашти ва тоғолди аҳолиси тоғларда ғор шаҳар ва қалъалар барпо этган (Боқчасарой яқинидаги *Чуфут қалъа*, Эски Кермен, Тепе Кермен; Севастополь яқинидаги Инкерман ва Мангуп). Қ. худудида арман меъморлиги ёдгорликлари (Феодосия ш.даги Сергей, Стефан черковлари, 14—15-а.лар) мавжуд. Феодосия (1348), Судак (1345—1414), Балаклава (15-а.)да генуяликлар мудофаа иншоотларини яратганлар. Олтин Ўрда ҳукмронлиги ва Қ. хонлиги даврида серхашам масжид, мадрасалар қурилди (Қ. станциясидаги 13-а.га мансуб масжид ва 14-а.да қурилган мадраса, Боқчасаройда 16—18-а.ларда барпо этилган хон саройи мажмуаси, Евпаторияда меъмор *Хўжа Синон* томонидан 1552 й.да қурилган Жоме масжид ва б.). 18-а.нинг 80-й.ларидан шаҳар (Севастополь, Симферополь), ибодатхона, сарой, боғлар қурилди (Севастополдаги Петропавловск собори, 1843; Қора ден-

гиз флоти музейи, 1895, меъмор А.М. Кочетов; «Севастополь мудофааси» панорамаси биноси, 1902—04, меъмор В.А.Фельдман; Алупкадаги Воронцов саройи, Ливадиядаги подшо саройи, 1911—13, меъмор Н.П.Краснов). 1920-й.лардан шаҳар, қишлоқ, курорт қурилишлари авж олди (Ялта ш. яқинидаги «Қурпати» санаторийси, 1936, меъмор В.Ковальский; Алуштадаги дам олиш уйи, 1939, меъмор А.Бекетов). 1960—70 й.ларда Гурзуфда халқаро «Спутник» лагери (1962, меъморлар А.Полянский ва б.), «Артек» пионер лагери, Ялтада «Сатурн» кинотеатри (1968, меъмор И.Татиев), Севастополда шаҳар кенгаши биноси (1971—73) ва «Турист» меҳмонхонаси (1974, меъмор И.Фиалко), Симферополда мусиқали драма театри (1976, меъмор С. Афза-метдинова), Алуштада «Чайка» пионер лагери (1979, меъмор Т.Беляева) бунёд этилди.

Тасвирий санъати. Қ.да мил. ав. 3—2-минг йилликларга мансуб қоя тошдаги расмлар (жанг лавҳаси; Боқчасарой яқинидан топилган), қабр тошларига ишланган нақшлар, қабила йўлбошчиси, жангчи, чўпон акс эттирилган яси бўртмали тасвирлар топилган. Мил.ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмидан Қ. санъати Қ.нинг соҳил қисмидаги юнонлар санъати билан боғлиқ. Бу даврда юнон санъати аънаналари б-н маҳаллий аънаналарнинг ўзаро таъсири кучли бўлган. Скифлар Неаполи ва Пантикапейдаги тош даҳма расмларида мифологик тасвирлар билан бирга ҳаётий тасвирлар ҳам акс этган; Қ. шаҳарларида ҳайкалтарошлик ривожланган (қабр тошларидаги бўртма тасвирлар, хар хил ҳайкалча ва б.). Херсонесда расмлар билан безатилган стелалар ва ноёб мозаикалар топилган. Пантикапейда турли рангда вазалар тайёрланган, ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Боспор хунармандларининг Қ. ва унга қўшни худудлардан топилган олтин ва қумушдан тайёрланган буюмлари жаҳонга машҳур (Аулоодаги қўза, *Гайманов мазорқўрғонилати* идиш. *Солохадан то-*

пилган олтин тароқ ва б.). Урта асрларда Қ. санъати маълум ларажада Византия таъсирида ривожланди. 7—8-а.ларда базиликали христиан ибодатхоналари интерьери мозаика ва фрес-калар билан безатилди (Херсонесдаги Уваров базиликаси). 12—15- а.ларда Қ. тоғлари горларисидаги ибодатхоналар ҳам фрескалар билан қопланган. Кейинчалик монументал рангтасвирида кад. рус рангтасвири анъаналари Византия санъати унсурлари билан қўшилиб кетди (Феодосиядаги Стефан, Керчдаги Иоанн Предтечь черковлари деворий тасвирлари). 18-а. да сарой интерьерлари деворий тасвирлар ва турли безаклар билан безатилди (Бокчасаройдаги хон саройи). 19-а. — 20-а. бошларида Қ.да И. *Айвазовский*, Р. Судковский, К. Богаевский, Ф. Васильев, М.Волошин, Н.Самокиш ва б. расомлар ишлади.

Ундан кейинги давр расомлари бўлган Ф.Захаров, К. Прохоров, П. Столяренко, В.Цветкова каби расомлар фаолияти ҳам Қ. билан боғлиқ.

КРИМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ (1945), Ялта конференцияси — 2-жаҳон уруши даврида 3 иттифокчи давлат бошликлари: И.В.Сталин (СССР), Ф.Д.Рузвельт (АҚШ) ва У.Черчилл (Буюк Британия), ташқи ишлар вазирлари, штаб бошликлари ва б. маслаҳатчилар иштирокида (1945 й. 4—11 фев.) бўлиб ўтган конференция. Унда иттифокчи давлатларнинг ҳарбий режалари аниқлаб ва келишиб олинган, урушдан кейин мустақкам тинчликни ва халқаро хавфсизлик тизимини барпо этишга қаратилган иттифокчилар сиёсатининг асосий принциплари белгиланган. Қ.к. қатнашчилари герман милитаризми ва нацизмни тугатиш тўғрисидаги мақсадларини билдирганлар; 3 давлат (шунингдек, рози бўлса, Франция)нинг Германияда оккупация зонасини ва иттифокдош давлатларнинг умумгерман назорат органини тузиш, уруш жиноятчиларини одил жазога тортиш, нацистлар партиясини тақиқлаш, Германиядан

товон ундириб олиш, БМТни тузиш ва б. ҳақида қарор қабул қилинган. СССР муайян шартлар асосида, Европада уруш тугагандан 2—3 ой кейин Японияга қарши урушга киришга розилик берган.

КРИМ ТОҒЛАРИ - Қрим я.о.нинг жан.даги тоғлар. Уз. 150 км, эни 50 км гача. 3 қатор тизмадан иборат. жанубий ёки Бош тизма (энг баланд жойи 1545 м, Бабуган Яйладаги Роман-Кош тоғи) ва 2 қатор куэста типидаги тизмалар (шим. ён бағирлари қия, жан. ён бағирлари тик). Бош тизма қатор супасимон тоғлардан иборат бўлиб (уларнинг ясси юқори юзаси «яйла» деб аталади), карст рельеф шакллари хос. Тоғ ён бағирлари дуб, қорақайин ва қарағай ўрмонлари, яйлалар ксерофит — тоғ ўсимликлари билан қопланган.

КРИМ УРУШИ, Шарқий уруш — Яқин Шарқда ҳукмронлик қилиш учун Россия ва Туркия ўртасида бўлган уруш (1853—56). 1854 й. фев.да Туркия Россияга қарши Буюк Британия, Франция, Сардиния қироллиги (1855 й.дан) билан иттифок тузиб урушган. Асосий воқеалари: 1853 й. рус қўшинлари Молдавия ва Валахияга кириб борган ва Кавказда ғалаба қозонган, Синопта турк флотини яқсон қилган; 1854 й. иттифокчилар Қримга қўшин туширган, Болтиқ денгизи қамал қилинган, 1854—55 й.ларда Севастополь мудофааси уюштирилган; 1855 й. Россия дипломатик жиҳатдан яқкалаб қўйилган. Севастополь таслим бўлган, амалда ҳарбий ҳаракатлар тўхтаган. Россиянинг ҳарбий ва иқтисодий қолоқлиги унинг мағлубиятига сабаб бўлган. Қ.у. 1856 й. Париж сулҳи билан яқунланган.

КРИМ ХОНЛИГИ - *Олтин Ўрда* давлатидан ажралиб чиққан ва Қрим я. о.да жойлашган туркий давлат (1443—1783). Қ.х.га Давлат Ҳожи Гарай асос солган. У ўзаро урушлардан сўнг бадавлат табақалар ва *Буюк Литва князлиги* ёрдамида мустақил татар давлатини бар-

по этган (1443). Пойтахти — Эски Қрим ш. 16-а. бошларидан то 1736 й.гача *Бокчасарой*. Бу давлатга Қуйи Днепр бўйи ҳам кирган. Аҳоли куйидаги субэтносларга бўлинган: дашт (нўғай татарлари), тоғ олди (татлар), жан. кирғоқ (ялибойлсо). *Қримтатар тилида* сўзлашган. Ислом динининг сунний мазхабига эътикод қилишган. Қ.х. аҳолисининг этник маданий қиёфаси шаклланишида хазар, кипчоқ, нўғай ва б. туркий халқлар билан биргаликда туб жой аҳоли (таврлар, киммерийлар, аланлар ва б.) муҳим роль ўйнашган.

Қ.х.ни гарайлар сулоласи бошқарган. Давлат Ҳожи Гарай вафот этгач (1466), унинг ўғли *Менгли Гарай* даврида Қ.х. Усмонли турк султонлигининг вассалига айланган (1475). Менгли Гарай пойтахтни Бокчасаройга кўчиртирган. Москва улуғ князи *Иван III Васильевич* Қ.х. билан Олтин Ўрда ўртасидаги низолардан фойдаланиб, Менгли Гарай билан ўзаро иттифоқ тузган. Менгли Гарай кўшини Польша-Литва қироли Казимир IV мулкига хужум қилиб, уни Катта Ўрда хони *Аҳмадга* ёрдам беришдан чалғитган. Кейинчалик Қ.х. билан Россия ўртасидаги муносабатлар ёмонлашган.

Қ.х. 16-а.да кучайиб, Москва, Тула ва б. рус шаҳарларини бир неча марта қамал қилган. 1613—50 й.ларда 200 мингта рус кишисини асир сифатида Қримга олиб келган. 18-а.да Россия Қримни босиб олиш учун усмонли турклар билан ўзаро тўқнашган. Кучук-Қайнаржа сулҳ шартномасига кўра, Қ.х. Туркия васийлигидан чиқиб, Россия ҳомийлигига ўтган (1774). Шагин Гарай хонлик қилган даврда Қ.х. босиб олиниб, унинг ҳудуди Россия империяси таркибига киритилган (1783).

Ад.Сафарғалиев М.Г., Распад Золотой Орды, Саранск, 1960.

Қаҳрамон Ражабов, Ринат Шигабдинов.

КРИМ ЯРИМ ОРОЛИ - Украина жан. даги ярим орол. Майд. 27 минг км².

Ғарб ва жан.да Қора денгиз ва шарқида Азов денгизига туташ. Шим.да тор (8 км чамасида) Перекоп бўйни орқали Шарқий Европа текислиги билан туташган. Қ.я.о.нинг шарқида Қора денгиз ва Азов денгизи оралигида Керчь я.о. ғарбида Қ.я.о.нинг бир қисми — Тарханкут ороли жойлашган.

Қ.я.о.нинг шим.-шарқий соҳили бўйлаб Азов денгизининг кичик қўлтиқчалари (Сиваш ва б.) чўзилган. Шимоли (ярим оролнинг катта қисми) даштли текислик (Даштли Қрим), жануби (майдони жиҳатдан кичик) Қрим тоғлари билан банд. Энг баланд жойи 1545 м (Роман-Кош тоғи). Жан. да Қримнинг жан. соҳили бўйлаб кам-бар текислик чўзилган; сохилнинг у ер-бу ерида лакколитга ўхшаш маг-магик жинслар (Аюдоғ тоғи), қад. вул-кан массивлар (Қорадоғ тоғи) учрайди. Фойдали қазилмалари: Керчь темир рудаси, қўлларда туз ва шифобахш лойлар, оҳақтош, гил, мергель. Қ.я. о.нинг шимолий қисмининг иқлими мўътадил куруқ. Киши илиқ (янв. нинг ўртача т-раси 7, 2°); ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°). Қ.я.о.нинг жан. соҳилида иқлим ўрта денгиз иқлими; ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°) ва киши илиқ (янв. нинг ўртача т-раси 4°гача). Йиллик ёгин ғарбий қисмида 1000-1200 мм, шарқида 500-700 мм, шим.да 300—500 мм. Ярим оролнинг дарёлари камсув; муҳимлари — Чёрная, Белбек, Кача, Алма, Салгир. Шим. Қрим канали, Салгир дарёсида Симферополь сув омбори қурилган. Бир неча йирик шўр қўл бор. Шим. қисмида каштан, Сиваш бўйлаб каш-тан, шўртоб, шўрхок тупроқлар, марказий қисмида қоратупроқ, тоғ олди ва тоғларда ишқорсизланган қоратупроқ, қўнғир тоғ-ўрмон, яй-ловларда қоратупроқсимон тоғ-ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Шим. қисмининг ер юзаси ҳайдалиб экин экилади. Озроқ қисмида дашт ўсимликлари сақланиб қолган. Тоғларда (айниқса, шим. ён бағрида) дуб, қорақай-ин-граб, карағай ўрмонзорлари бор. Қримнинг

жан. соҳилида ўрта денгиз атрофига хос ўсимликлар ўсади. Ман-зарали дарахт ва буталардан иборат парклар, боғлар, тоқзорлар, тамаки плантациялари кўп. Қрим тоғларининг жан. этагидан соҳил қисмида денгиз бўйи шаҳар-курортлари жойлашган. Ярим оролда бир неча кўриқхона, Никита ботаника боғи бор.

КРИМНИНГ ЖАНУБИЙ СОҲИЛИ — Қрим я.о.нинг ғарбда Айя бурнидан шарқда Қорадоғ массивигача чўзилган Қора денгиз соҳилининг бир қисми. Уз. 150 км чамасида, эни 2—8 км. Гилли сланец ва оҳақтошлардан ташкил топган пасттекисликлар шим.да Яйла чиқиғи билан чегарадош. Қ.ж.с. — Қрим соҳилининг энг иссиқ қисми. Иқлими Ўрта денгиз иқлими. Июль ва августнинг ўртача т-раси 24°, янв.ники 4°. Йилига 600 мм ёғин тушади. Қ.ж.с.да Ўрта денгиз бўйига хос ўсимлик турлари билан бирга ксерофит ўсимликлар ҳам тарқалган, тоғ ён бағирларининг юқори қисмида кенг баргли ўрмонлар (қорақайин ва дуб), баъзи жойларда Қрим қарағайзорлари бор. Боғ ва парклар кўп. Қ.ж.с.да Алушта, Алушка, Симеиз, Гурзуф, Артек, Мисхор, Кореиз, Форос, Мелас ва б. курортлар, санаторий, дам олиш уйлари, пансионатлар фаолият кўрсатади.

КРИМТАТАР ТИЛИ - туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тил. Асосан, Ўзбекистон ва Украинанинг бир қатор ҳудудларида, қисман Россия Федерацияси, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон, Руминия ва туркияда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 800 минг кишига яқин (1990-й.лар охири).

Қ.т. тарихан типологик жиҳатдан бир текис ривожланмаган. Унда 3 та: шим. (дашт), ўрта ва жан. лаҳжалар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси нўғай тилига, учинчиси ўғуз тилларига яқин туради. Лаҳжавий фарқлар фонетика, морфология ва лексика соҳаларида кузатилади. Фонетик хусусиятлари сифатида лаб ва танглай оҳангдошлигининг 2-бўғинга

таъсири, 2-даражали чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги, баъзан сўз бошидаги ва охиридаги ҳ ундошининг тушиб қолиши (ава<ҳава, саба<сабах, «тонг») ва б.ни кўрсатиш мумкин. Кишилиқ олмошларининг қаратқич келишигидаги 1-шаҳс бирлик ва кўплик «менинг, бизнинг» шакллариининг «меним, бизим» тарзида қўлланиши ва б. Қ.т.нинг морфологик белгиларидандир. Лексикасида шу тилнинг ўзигагина хос бўлган «балабан» (катта), «қўранта» (оила) каби сўзлар билан бир қаторда араб, форс, грек, италян тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

20-а.гача бўлган адабий Қ.т. Олтин Ўрта туркий адабий тилидан келиб чиққан ва унда Қрим хонларининг кўплаб фармон ва ёрликлари сақланиб қолган. Энг қад. ёзма ёдгорлиги 13-а.га мансуб. 19-а.дан адабий тил бир неча марта ислоҳ қилинган ва сўзлашув тилига яқинлаштирилган. Ҳоз. адабий тил ўтган асрнинг 20-й.ларида ўрта лаҳжа асосида шаклланган. 1929 й.гача араб графикаси, кейинчалик лотин графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилган, 1938 й.дан эса рус графикасига асосланган ёзув жорий этилган.

Ад.: Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Меметов А., Источники формирования лексики крымскотатарского языка. Т., 1988.

ҚУАНИШПАЕВ Қалибек (1893.25.4, Саритау — 1968.7.6, Олмаота), — қозоқ актёри. Халқартисти (1959). 1925 й. биринчи профессионал қозоқ театри ташкилотчиларидан. 1926 й.дан М. Аvezов номидаги қозоқ драма театрида ишлаган. Абай (М.Аvezов, «Абай»), шаҳар ҳокими (Н.Гоголь, «Ревизор»), генерал Панфилов (М.Аvezов, Абишев, «Номус гвардияси»), Боптиста (У. Шекспир, «Қайсар қизнинг қуюли-ши») ва б. роллари билан танилган. давлат мукофоти лауреати (1952).

ҚУББА (стробил) — кўпчилик юксак

ўсимликлар (қирқбўғимлар, плаунлар, очик уруғлилар)нинг кўпайиш органи; шакли ўзгарган (йириклашган) новда. Қ. махсус барглар-спорофиллардан шаклланади. *Иенабаргли ўсимликлар* Қ.ларига баъзан Қ.лар мажмуи сифатида қаралади. Ёпиқ уруғлилар гули Қ.нинг бир хили ҳисобланади.

ҚУББА — ярим шар шаклидаги ичи бўш қисм: 1) меъморликда том тури (яна қ. *Гумбаз*); гумбаз устига ишланган гўласимон безак ҳам Қ. деб аталади; 2) амалий санъатда нақш бўлаги, безак. Гилламчилик, каштачилик, кандакорлик, заргарлик, зардўзлик ва б.да кенг тарқалган. Мас, кумғон, офтоба каби идишларнинг қопқоғи ичи бўш қилиб қавартириб Қ. ҳосил қилиб ясалади; шунингдек, идишлар қорнига Қ. ёпиштириб жо-зибадор безатилади ва ҳ.к.

ҚУБЛА ТОЗАБОҒ САРОЙИ - хоразмдаги меъморий ёдгорлик (1893—1913); Хива туманида жойлашган. *Муҳаммад Раҳимхон II* нинг ёзги қароргоҳи. Мажмуа ҳар бири 0,5 га қурилиш май-донига эга бўлган 2 қисмдан иборат ҳудудни бирлаштирган; мажмуадаги турли катталиқдаги 3 ҳовли атрофи олди айонли 2 қаватли турар жой ва б. хоналар билан ўралган. Ҳовлилар ўзаро йўлақлар билан боғланган. Мажмуа таркибидаги энг ҳашамдор ҳовлида европача услубдаги катта деразали қабулхоналар жойлашган, ҳовли ўртасида ҳовуз бор. Қабулхоналарнинг асосийсига маҳобатли гиштин пештоқ орқали кирилади. Пештоқ тарзи кўк ва оқ парчинлар, силлиқланган гиштар б-н, сарой хоналари зарҳалланган ганч ўймакорлиги билан безатилган, шифтлари халқ меъморлигининг энг яхши анъаналарида зийнатланган.

ҚУБЛА-УСТЮРТ - Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1964 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Қўнғирот

(200 км). Аҳолиси 235 киши (2005). 8 йиллик мактаб, Қубла-Устюрт газ қувурлари бошқармаси, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият уйи, тиббий пункт бор.

ҚУБОД, Кават — *неолит* ва *жез даврига* оид маконлар. Хоразм ҳудудидаги Амударёнинг қад. Оқчадарё дельтасининг ғарбий қисмида, кўчма кумтепаларнинг шим.да жойлашган. Хоразм археология-этнография экспедицисини томонидан текширилган. *Калтаминор маданиятига* ўхшайди. Қ. бир неча қатламларга бўлинган, баъзи қатламлари жез даврига оид маконлардир, шулардан айримлари анча мукамал ўрганилган. Қ.да яшовчилар овчилик, балиқ овлаш ва теримчилик билан шугулланган. Қ.-5 қатламидан топилган буюмлар ярим юмалоқ шаклда тўлқинли ва тўғри чизиқлар билан безатилган «ко-салар» ва б. сопол буюм синиқларидан иборат. Бу нақшлар Жонбос қалъа макони идишлари беазагига ўхшайди. Қ.-7да Калтаминор маданиятига хос турар жой қолдиғи топилган. Турар жойларнинг майд. 40—50 м². асосан, қамиш ва еғочдан, қисман лойдан қилинган бўлиб, қурилишда устунлардан ҳам фойдаланилган. Қазилар натижа-сида уйлардан ўчоқ ва кул қолдиқлари, сопол идишларнинг синиқлари, суяк ва чакмоқтош буюмлари топилган. Сопол буюмларнинг сирти бўртма шаклда безатилган. 3 мингга яқин чакмоқтош қуроллар топилган.

ҚУБОД I, Қавад (? -531) - *Сосонийлар давлати* шоҳи (488—496, 499—531). Зодагонлар ва кохинларнинг сиё-сий ва иктисодий қудратини заифлаштириш мақсадида *маздакийлар ҳарака-тига* қўшилган ва уларнинг дастурига мос келадиган бир қанча ислохотлар ўтказган. Тахм. 496 й. зодагонлар Қ.1 ни тахтдан ағдариб, ўрнига укаси Замаспни ўтказишган. Қ.1 *эфталиилар* ҳузу-рига қочиб борган, уларнинг ҳарбий ёрдамида тахтини қайтариб олган (499). Шун-

дан сўнг зодагонларга қарши қаратилган сиёсатини давом эттирган, маздакийлик тарафдорларига юқори мансаблар берган. Византияга қарши муваффақиятли уруш олиб борган (502— 505 ёки 506); шим. *гуннларнинг* босқинини қайтарган. Қ.1 даврида бир қанча шаҳарларга асос солинган, сугориш каналлари тармоғи кенгайган ва б., шунингдек Қ1 нинг ўғли Хусрав I Ануширвон даврида ниҳоясига етган ички ислохотларга тайёргарлик ишлари бошланган. Қ1 ҳукмронлигининг охирида маздакийлар билан алоқасини узган ва 3-ўғли Хусрав (Қ.1 нинг катта ўғли — Қовус маздакийлар тарбиясини олган) ёрдамида маздакийлар тарафдорларини катағон қилишни ташкил, этган (528/529). 527 й.дан Византия билан қайтадан уруш бошлаган; у Қ.1 нинг ўлиmidан сўнг ҳам давом этган.

ҚУБОДИЁН, Қабодиён - Ўрта Осиёдаги тарихий вилоят. Кофирниҳон дарёсининг қуйи оқимида. Сағо-ниён билан Вахш оралиғида, ҳоз. Қўрғонтепа вилоятининг Шаартуз тумани (То-жикистон) худудида жойлашган. Хи-той манбаларида (7-а.) кехо-йенна мулки тарзида келтирилиб, унинг худуди шарқдан ғарбга томон 2 кунлик йўл экани қайд этилган. Қ.нинг марказий шаҳри Сағониён пойтахтидан қолишмаган. Шаҳарда 3 та Будда монастири жойлашган. Ўрта асрларда Қ. номи илк бор *Табарий* асарида 725 й. Асад ибн Абдуллоҳнинг Хутталонга юриши муносабати билан учрайди. қ. 8-а. ўргаларида араблар томонидан босиб олинган. 9-а.да қ. маъмурий жиҳатдан Хутталон вилоятига қараган. 10-а.да эса Сағониён (Чағониён) вилояти таркибида бўлган. Самбонийнинг ёзишича, 12-а.да Қ. Балх вилоятига мансуб обод ноҳия эди. қ. худудини Ромил дарёси кесиб ўтган. Бу ерда арабларнинг тамим қабиласи яшаган, улар харбий ишда моҳир бўлишган.

Ҳозирда Қўрғонтепанинг жан.-ғарбидаги туман маркази Қабодиён деб аталади. Унинг атрофида Кайкубодшоҳ ва Қалъаи Мир шаҳар харобалари бор,

лекин қ. маркази ўрни Шаартуздан 9 км масофада жойлашган Қизилтепа ёхуд Қизқалъа ўрнида бўлган. Бу ерда ҳаёт кушонлар давридан 13-а. бошига қадар давом этган.

11-а.да Хуросонда рўян ўсимлигининг «қубоди» номли махсус нави машҳур бўлган. Бу нав Қ.да етиштирилган ва 10-а.да асосий қ.х. экини ҳисобланган; рўян катта миқдорда Ҳиндистонга экспорт қилинган. Ундан олинган даромаднинг бир қисмини вилоят ҳокими олган. 17-а.да ҳам рўян Қ.дан четга чиқариладиган асосий қ.х. маҳсулоти саналган, ундан ташқари Қ.дан ажойиб анорлар ва 2 турдаги узум шинниси чиқарилган. Қ. тоғларида 10-а.да нефть, сақич ва битум, шунингдек, феруза конлари бўлган. 12-а.да Самбоний Қ.нинг машҳур шифобахш булоғи ҳақида ёзган. Бу булоқ ҳозирда Чилучор чашма деб аталади. Унинг олдида яқин вақтларгача эски масжид бўлган. унинг устунларидан бирида масжид қурилган сана (749 й.) кўрсатилган. 19-а. ва 20-а. бошида Қ. Бухоро амириликнинг Кубодиён беклигига бўйсунган.

Ад.:Камалидинов Ш . С . Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв.. Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

ҚУБОДҚАЛЪА, Каватқалъа - ўрта асрларга оид қалъа харобаси. Беруний ш.нинг шим.-шарқида жойлашган. Қ. тўғри тўртбурчак шаклидаги йирик, мустақкам 4 та қўрғондан иборат. Қ. *Хоразм археология этнография экспедицияси* томонидан текширилган. Қазилар натижасида серҳашам безатилган хоналар очилган. Хоналарнинг ҳажми катта бўлгани учун устунлар ишлатилган, эшиклари ўйма нақшлар б-н безатилган. Қ.дан Хоразм маданиятининг юксак тараққиёти ҳақида гувоҳлик берувчи кўплаб археологик материаллар (турли рангдаги нафис сирли сопол идишлар, кандилсифат сопол буюмлар, танга, ме-

талл ашёлар ва б.) топилган. Қ. мўғуллар *истилоси* натижасида 13-а. бошларида харобага айланган.

ҚУБЧУР — уй ҳайвонлари учун олинган солиқ тури. 1235 й. Ўқтой қоон томонидан жорий қилинган. Қ.га биноан 100 бош жонивордан бири салтанатга солиқ тарзида топширилган. Кимнинг уй ҳайвонлари сони юздан кам бўлса, у Қ.га тортилмаган. Дастлаб Қ, асосан, чорвадорларга нисбатан қўлланган. Кейинчалик у ўтрок аҳолидан ҳам ундирилган. Кичик Осиёда қ. фақат чорвачилик билан машғул аҳоли қатламидан олинган. Элхонийлар давлатида чорвадорлар ҳам, деҳқонлар ҳам Қ.га тортилган. қ. араблар томонидан жорий этилган *хирожга* мувофиқ келган. Элхонийлар салтанатида мўғуллар ва кўчманчи аҳоли кўп истиқомат қиладиган ўринларда Қ, ва қад. солиқтурлари мустақам мавқега эга бўлган ҳудудларда хирож атамаси истеъмолда бўлган. Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё хонликларида 100 бош жонивордан 1% миқдорда давлат ҳисобига олиннадиган солиқ қ. истилоҳи билан юритилган.

ҚУВА — Фарғона вилояти *Қува туманидаги* шаҳар (1974 й.дан), туман маркази. Фарғона ш.дан 40 км шим.-шарқда. Яқин т.й. станцияси Қува (4 км). Аҳолиси 40 минг киши (2005). қ. — Фарғона водийсидаги энг қад. шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг вужудга келиши ва номи хақида турли ривоятлар мавжуд. «Фарғона тарихи»нинг муаллифи Ибротнинг ёзишича, Қ.Қубод (ёки Кубо) деб аталиб, кейинчалик «Қува» шаклини олган. қ. ва *Даван* давлати тўғрисида дастлабки маълумотлар мил. ав. 2-а.га мансуб Хитой манбаларида келтирилган. Ўша даврда Қ. кенгайиб қўхандиз, шахристон ва рабод каби уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳар тевараги икки қатор қалин ва баланд мудофаа девори билан ўралган. Рабодда баланд (3,6 м) яхлит тагурси устида будда ибодатхонаси қад қўтарган (қ. *Қува будда ибодатхонаси*). Ибодатхона 8-а.

бошларида араблар томонидан вайрон қилинган. 9—12-а.ларда Қ. Фарғонанинг йирик, кўркам ва обод шаҳрига айланган. Истахрийнинг таъкидлашича, Қ. катталиги жиҳатидан Фарғонада Ахсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Қ. Сайхун (Сирдарё)гача етиб борадиган нахр соҳилида қад қўтарган. Унинг марка-зида Регистон майдони, қўхандизда жоме масжиди, рабодида эса сарой, қамоқхона ва бозорлари жойлашган. Қ. мўғуллар истилоси оқибатида вайрон этилиб, 14—16-а.ларда қасаба шаклидаги масканга айланган. Ёқут Ҳамавий Қ.ни катта шаҳар деб атайди. Шаҳар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарига илова қилинган харитасида кўрсатилган. Қ.да хунармандчилик ривожланган. Темирчилик ва шишасозлик юксак даражага етган, шаҳарнинг ўз тангаси зарб қилинган. «Бобурнома»да Қ. Андижондан 4 оғоч (фарсах) нарида жойлашган кишлок деб айтилади.

Тарихчи А.Мухаммаджоновнинг фикрича, шаҳар номи «Қавийбод», «Қавобод» ёки «Қайбод» шаклларида талаффуз этилган ва қавийларнинг қароргоҳи, тождор ҳукмдорнинг каёний тахти ўрнатилган қаср ва мамлакатнинг бош шаҳри — пойтахт маъносини англатган. Кейинчалик ўзгариб Қ. шаклини олган.

Қ.да 1956—60 й.ларда Я.Ғуломов бошчилигида (В.Д.Жуков, И.Ахроров, В.А.Булатова, А.Мухаммаджонов, Ҳ.Мухамедов, М.Аминжонова) археологик қазишма ишлари олиб борилди. Археологик маълумотларга кўра, ўрта асрларда Қ.нинг умумий майд. 100—120 га ни ташкил этган. Шундан шахристон 12 га ва унинг шим.-шарқий бурчагидаги арки аъло 1 га майдонни эгаллаган (шахристон ва арк қолдиқлари ҳоз.гача сақланган). 1998 й. *Аҳмад аг-Фарғонийнинг* 1200 й.лик юбилейига тайёргарлик кўриш вақтида Қ.да археологик қазишмалар олиб борилди. Бунинг натижасида шахристоннинг жан. мудо-фаа девори остидан 8 м дан зиёд чуқурликдан

мил. ав. 2— 1 -а.ларга оид моддий маданият буюмлари топилди. 1998 й.даги қазишма ишлари натижасида шаҳарнинг уч дарвозаси ўрни аниқланди, шаҳар харобаси худудидан турар жой бинолари мажмуаси ва унинг шим.да 7—8-а.ларга оид будда ибодатхонаси ҳамда у ердаги будда илохлари ҳайкаллари топилди.

Қ.дан бир қанча машхур кишилар. хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубовий. Рукниддин Қубовий, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қубовий, Абдукаюм Ваҳмий, Шокирхон Ҳакимий ва б. етишиб чиққан.

Шаҳарда пахта тозалаш, ғишт з-длари, мебель, тикувчлик, кан-долатчилик ф-калари. дон маҳсулотлари к-ти. аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қурилиш ташкилотлари, йўлларни таъмирлаш ташкилоти, таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, «Иссиқнон», тўқимачилик корхоналари. деҳқон бозори. савдо маркази. анор шарбати ишлаб чиқарувчи цех. автокорхона бор. Ўзбекистон — Туркия «Аҳрор» қушма корхонаси фаолият кўрсатади. 5 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, линеи. клуб муассасалари. Туман марказий, болалар кутубхоналари, маданият ва истироҳат боғи, байналми-нал жангчилар, 2-жаҳон уруши қатнашчилари хиёбонлари, Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуи, ўлкашунослик музейи, стадион мавжуд. Туман марказий касалхонаси, шаҳар касалхонаси, тиш даволаш поликлиникаси, махсус диспансер, «Она ва бола» реабилитация маркази, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қдан Фарғона, Қўқон, Марғилон, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Аравон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

Ад.: Абдуҳолик Абдурасул ўгли, Қадимги Фарғона тарихидан [Хитой манбаларида Фарғона ҳақида илк маълумотлар]. Т., 2002.

ҚУВА БУДДА ИБОДТХОНАСИ (7-8 а.лар) — қад. Шаҳристон ёдгорлигининг шим. томонидаги рабод қисмида бунёд этилган ибодатхона. Археологик текширишлар натижасида шу аниқпандики, 7-а. охири — 8-а. бошларида Шаҳристонда уй-жой ва аҳоли кўпайиб, ундан ташқ-аридаги худудни ўзлаштиришга эҳтиёж туғилган. Ушбу жойда 80 дан ортиқ хона, 5 та кўча ва улар билан боғлиқ марказий майдон қазиб очилган. Унинг шим.да эса 7—8-а.ларда фойдаланилган будда ибодатхонаси қоддиқлари қавлаб ўрганилган. Ибодатхона 2 та қатта залдан иборат бўлиб, бири сиғиниш учун, иккинчиси ибодат қилишга мўлжалланган. Ихонада илох (худо)ларга қурбонликлар (гул, мева-чева ва б.) келтирилиб, ўртадаги тағқурасига қўйилган ва ибодат қилувчилар айланиб чиқиб кетишган. Унинг ёнғинасида асосий ибодат бажариладиган хона бўлиб, уни ярми сактанган холос. Қучли ёнғин натижасида бинолар ва улардаги буюмлар қуйиб йўқ бўлиб кетган. Шунга қарамай, 2 отлик ва улар ёнидаги жангчилар ҳайкалларининг парчалари сақланган. Ҳайкаллар. тасвирлар мажмуасида ёвузлик илоҳи Мара, яхшилик илоҳи ва будда химоячиси Шри-дэви, Манжушра сиймолари яхши сақланмаган.

Қ.б.и. ўзининг меъморий ечими билан Ўрта Осиёдаги Будда иншоотларидан айрим белгиларига кўра бир оз фарқ қилади. Хусусан, Будда ибодатхоналарига хос ва диний маросим ўтказишда фойдаланилган айрим меъморий белгилар бунда учрамайди. Қ.б.и. қурилишида кўпроқ мавжуд шарт-шароит ва маҳаллий қурилиш анъанасидан фойдаланилган. Яна бу ердан топилган ҳайкаллар тасвирларида, айниқса, юз тузилишида бир оз бўлса-да, туркийлашган қиёфа беришга ҳаракат қилинган. Бу ибодатхона ва топилмалар мутахассислар томонидан кўплаб тортисувларга сабаб бўлди. Бу иншоот будда динидаги мустақил оқим — вад-жраяна йўналишига тааллуқли ягона ёдгорлик деб талқин этилмоқда. Бу оқим кўпроқ

хиндуизм таъсирида бўлиб, Ўрта Осиёда фақат Қ.б.и да кузатилган.

Қ.б.и. топилмалари Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда аниқланган материалларга ўхшашлиги б-н, ўрта асрлардаги маданий-иқтисодий алоқаларни янада ривожланганини, маданият ва санъатни юксалганини кўрсатади.

Ад.: Булатова В.А., Древняя Кува, Т., 1972; Ставиский Б.Я., Судьбы буддизма в Средней Азии (по археологическим данным), М., 1998.

Боқижон Матбобоев.

КУВА ТУМАНИ — Фарғона вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан.-ғарбдан Фарғона, шим.-ғарб ва ғарбдан Тошлоқ туманлари, шим. ва шарқдан Андижон вилоятининг Бўз, Шаҳрихон, Асака, Мархамат туманлари, жан.-шарқ ва жан.дан Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан чегарадош. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 187,5 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Кува), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Акбаробод, Байналминал, Баҳор, Дехқонобод, Иттифоқ, Маданият, Намуна, Тошлон Мухитдинов, Туркравот, Янгиқишлоқ, Янгиҳаёт) бор. Маркази — Кува ш.

Табиати. Ер юзаси адир ва адир олди текисликларидан иборат. Жан. дан шим. га пасайиб боради. Иклими кон-тинентал; киши юмшоқ, ёзи иссиқ. Январнинг ўртача т-раси —2,5° дан —3,2° гача, июлники 27—29°, энг паст т-ра —26°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 170—230 мм.

Веgetация даври 210—220 кун. Совуқсиз кунлар 204 кун давом этади.

Тупроқлари бўз, ўтлоки-бўз, ўтлоки ва тоғ-ўтлоки тупроқлар. Худудининг кўп қисми ўзлаштирилган, ёввойи ўсимлик кам сақланган. Туманнинг суғориладиган қисмида ажрик, шўра, терак, тол, жийда ва б.; адирларда қўнғирбош, ранг, катрон, бетага, чалов, шувок ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, куён, жайра, тошбақа; қушлардан бедана, каклик, каптар, қарға, қалдирғоч ва б., сувларда ҳар хил балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунигингдек, тожик, рус, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 426 киши.

Хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Кичик корхона, микрофирма ва б. корхоналар мавжуд. саноат корхоналаридан пахта тозалаш 3-ди, дон маҳсулотлари к-ти, автокорхона «Иссиқкнон» корхонаси, мебель к-ти, мевани қайта ишлаш корхонаси, қандолатчилик ф-қаси, тўқимачилик корхоналари ишлаб турибди. Савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатади. 3 қўшма корхона бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик, ғаллачилик. Ширкат, фермер хўжаликлари бор. Туман хўжаликлари Охунбобоев номидаги канал, Жан. Фарғона канали тармоқларидан ва Каркидон сув омбори, шунигингдек, шим. қисми У. Юсупов номидаги Катта Фарғона каналида 29,7 минг қорамол. 34,8 мингдан зиёд қўй ва эчки, 48,2 мингдан ортиқ парранда, 417 йилки боқилади. Пил-лачилик билан ҳам шуғулланилади.

67 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 3 лицей, 3 гимназия, 2 касб-хунар коллежи, клуб муассасалари, маданият уйи, 70 га яқин кутубхона, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поли-клиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан Фарғона водийсининг айланма т.й., шунигингдек, Кува ш. орқали Фарғона — Андижон, Андижон — Марғилон — Қўқон ва б. автомобиль йўллари ўтган.

Ҳамроҳон Хатамова.

КУВАСОЙ — Фарғона вилоятидаги шаҳар. Фарғона ш.нинг жан.-шарқида (22 км). Т.й. станцияси. Аҳолиси 71,5 минг киши (2005). Қ. да кичик корхона, микрофирма ва б. турдаги корхоналар фаолият юритмоқда. Қувасой цемент корхонаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш к-ти, шиша, идиш, ғишт, чинни, темир-бетон, уй-рўзгор кимёси 3-длари, автокорхона,

қурилиш корхоналари ишлаб турибди. 4 қўшма корхона фаолият кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, кутубхоналар, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи бор. Марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Қдан Фарғонага автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» АКЦИДОРЛИК ЖАМИЯТИ — қурилиш материаллари саноати корхонаси. «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси таркибига киради. Фарғона вилояти Қувасой ш.да. Қурилиш ва саноат индустриясида ишлатиладиган сульфатга чидамли М-400Э0, М-400Ш0, М-500 портландцементи, тампонаж портландцементи, минерал қўшимчали сувбардош портландцемент, олтин казиб олиш саноатида ишлатиладиган янчилган оҳак, керамика черепицалари, оловбардош ғишт, шифер, қурилиш гипси ва б. қурилиш материаллари ишлаб чиқаради. 1927 й.да цемент 3-ди сифатида қурила бошланиб, 1932 й. 1 фев. да ишга туширилган. 3-д ишга тушган йили 43 минг т цемент ишлаб чиқарилган. 1956—61 й.ларда корхона реконструкция қилинди. 1959 й. и цемент ишлаб чиқарадиган ва айланма печи уз. 150 м бўлган 2 та янги технологик линия қурилиб, ишга туширилди. 1958 й.да оҳак 3-ди, шифер корхонаси билан бирлаштирилиб Қувасой цемент к-тига айлантирилди. 1974—76 й.ларда эски шифер қолиплаш машиналари ўрнига янги автоматик линиялар ўрнатилди. 1995 й. авг.дан акция-дорлик жамияти. 1996—2001 й.ларда корхона цехларида замонавий технологиялар ўрнатилди. Клиникерни қуйдиришнинг жами жараёнлари компьютерлар орқали назорат қилинади ва бошқарилади.

Лаган оҳактош кони ўзлаштирилди. 1998 й.да ишланган рудалардан олтин ажратиб оладиган «Зарафион-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси эҳтиёжлари учун ҳамда Республика ис-сиклик электр марказларида сувнинг

қаттиқлигини йўқотадиган туйилган оҳак и. ч. технологияси ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонга экспорт қилинади. Маҳсулотлари жаҳон стандартлари даражасида бўлгани учун Мадрид (1994), Женева (1999), Франкфуртмайн (2004) кўрик танловларида «Сифат учун олтин юлдуз» билан мукофотланган. 2004 й. корхонада 860,7 минг т турли маркадаги цемент, 28,7 минг т оҳак, 4552 т майдаланган оҳак, 7083 т қурилиш гипси, 150,2 минг дона шартли шифер тахталари ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шухрат Тожибоев.

ҚУВАҚОВ Машарип (1938.13.5 - Хонинг умумий разм вилояти, Боғот тумани Бешариқ кўриниши. қишлоғи — 2002.2.1) — к.х. новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1994). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1966). Меҳнат фаолиятини 1955 й.дан Боғот туманидаги Нариманов (кейинчалик Искандар Дўсов номидаги) жамоа хўжалигида хисобчи вазифасидан бошлаган. Шу хўжаликда ёшлар ташкилоти етакчиси, бош иқтисодчи (1968—70), «Боғот» сзи директори (1974—86), Хоразм вилояти агросаноат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари (1986—91). 1991 й.дан «Боғот» (ҳоз. М. Қувақов номидаги) ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. Қ. раҳбарлик қилган хўжалик узоқ йиллар давомида пахта, шоли ва буғдойдан юқори ҳосил етиштиришга эришди. Хўжаликда суғориладиган ерлар 3000 гектарга етказилди. Шолидан 1999 й.да 50 ц/га, буғдойдан 65 ц/га, пахтадан 32,3 ц/га ҳосил олинди. Хўжаликда республикада биринчи бўлиб кузги буғдойдан бўшаган майдонларга шоли ниҳолини ўтқазиб экиш усули муваффақиятли жорий қилинди.

Ширкат хўжалиги марказий кўрғонида бюсти ўрнатилган (2004).

ҚУВВАТ — ишнинг шу иш бажарилган вақтга нисбати билан аниқланадиган физик катталиқ. Агар иш бир текис бажарилса, $I=A/g$ формула билан аниқланади; бу ерда A —/ вақтда бажарилган иш. Умумий ҳолда $I=ΔA/Δt$; бунда $a»A$ — жуда кичик $Δt$ вақт ичида бажарилган иш. Қ. вақт (Вт) ларда ифодаланади. Қ.нинг тизимдан ташқари от кучи (о.к.) деб аталадиган бирлиги ҳам мавжуд (1 о.к.=735,499 Вт).

Электр токи муайян вақт орали-ғида бажарган иш электр токи Қ. и деб аталади. *Ўзгармас ток* занжирида Қ. кучланиш билан ток кучи кўпайтмасига тенг. *Ўзгарувчан ток* кучланиши ва ток кучи оний қийматлари кўпайтмаси оний Қ, шу ўтган вақтдаги ўртача Қ. фаол Қ., ток ва кучланишнинг амалдаги қийматлари кўпайтмаси тўлиқ Қ, синусоидал ток учун тўлиқ Қ.нинг ток кучи ва кучланиш орасидаги фазалар силжиши бурчаги синусига кўпайтмаси реак-тив қ. деб аталади.

Муайян юза орқали вақт бирлигида товуш тўлкинлари олиб ўтадиган энергия товуш Қ.и. бу Қ.нинг юза бирлигига келтирилган ўртача қиймати товуш интенсивлиги дейилади(қ. *Товуш*).

ҚУВУШШОХЛИЛАР — жуфт туёқли сут эми-зувчилар оиласи. Гавдаси ҳар хил катталиқда. Эркаги урғочисига нисбаган йирикроқ. Эркаларида, кўпинча ур-ғочиларида ҳам 1 жуфт, баъзан 2 жуфт (4 шохли антилопа) шохи бор. қ. шохлари мугуз билан ўралган; ҳаёти давомида алмашинмайди. 43 уруққа мансуб 125 тури маълум. Австралия ва Антарктидадан ташқари барча қитъаларда тарқалган.

Қ. — ўтхўр, аксарият полигам. 1—5 та бола туғади. Кўпчилик турлари кичик пода бўлиб яшайди. Айрим анти-лопалар бошқа ҳайвонлар (филлар, зебралар, туякушлар ва б. антилопалар) билан бирга баъзан катта пода ҳосил қилади. Кўпчилик турларининг сони кескин камайиб бормоқца; айрим турлари (жайрон,

зубр) фақат миллий боғларда сақланиб қолган. Ўзбекистон фаунасида 5 тури, жумладан, сайғоқ маълум; 4 тури (*архар*, *жайрон*, *морхўр*, тоғ такаси) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган (яна қ. *Жуфт туёқлилар*).

ҚУДАЧИЛИК — йигит ва қизни унаштириш маросимидан кейин ҳар иккала оила аъзоларининг қариндошлиқ жиҳати. Қариндошлиқ алоқалари никоҳ тўйидан кейин янада мустаҳкамланади. қудалар бир-бирлари билан яқиндан танишиш учун навбатма-навбат «қуда чақирик» маросимини ўтказадилар. Бундай ўзаро мулоқотлар 2 оилани, уларнинг фарзандлари туфайли юзага келган қариндошчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бир-бирларини янада чуқурроқ ўрганишларига ёрдам беради.

Ўзбек халқида «қудачилик минг йилчилик» деган мақол бор. Қудалар ўзаро муносабатларига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошадилар. Ҳар 2 оила аъзолари доимо бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб туриши, қуда тараф тўй-маъра-каларида фаол иштирок этиши зарур. қ. муносабатларининг келажақда қандай тус олиши келин-куёвнинг тарбияси, одоб-ахлоқи ва маънавиятига ҳам боғлиқ.

ҚУДДУС, Иерусалим (араб. Ал-Қудс, қад. яҳудий тилида Иерушалаим) — Фаластиндаги шаҳар, Ўлик денгизнинг ғарбидаги чала чўлли ясситоғлиқда жойлашган. Аҳолиси 692,3 минг киши (2003). Транспорт йўллари чорраҳаси. Саноат, савдо-транспорт ва маданият маркази. Тўқимачилик, кўн-пойабзал, металлсозлик, фармацевтика, полиграфия, радиотехника саноати корхоналари мавжуд. Олмосга ишлов берилди. Ҳунармандчилик ривожланган. Қ. — мусулмон, яҳудий ва христианларда «муқаддас шаҳар» ҳисобланади.

Қ. ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Дастлаб Рушалимум (Шалим худоси шаҳри), ёзма манбаларда мил.

ав. 15-а.дан Урушалаим номи билан тилга олинган. Иерушалаим қад. яҳудийлар тилида «тинчлик шаҳри», арабча ал-Қудс — «муқаддас» шаҳар маъноларини англатган. Шаҳар қад. ва ўрта асрларда турли давлатлар (Яҳудийлар подшолиги, Рим империяси, Византия, Араб халифалиги, усмонли турк салтанати) таркибида бўлган.

1920—47 й.ларда Фаластин худудидаги инглизлар мандатининг маъмурий маркази. 1947 й. 29 нояб. даги БМТ қарорига мувофиқ мустақил маъмурий бирлик қилиб ажратилган. 1948—49 й. лардаги араб-исроил уруши натижасида Исроил (ғарбий қисми) билан Иордания (шарқий қисми) ўртасида иккига бўлинди. 1950 й.да Қ.нинг ғарбий қисмини Исроил ҳукумати БМТ қарорига хилоф равишда мамлакат пойтахти деб эълон қилди. 1967 й.да Исроил Қ.нинг шарқий қисмини ҳам босиб олди ва 1980 й. 30 июлда Қ. ни «абдий ва бўлинмас пойтахт» деб эълон этди. БМТнинг (1967 — 71) қарорларига мувофиқ қ. бўйича барча аннексиялар бекор қилинган.

Шаҳар 2 қисм: эски шаҳар ва янги шаҳардан иборат. Эски шаҳар 16-а.да қалъа девори билан ўралган. Мусулмон, яҳудий ва христианлар даҳалари ажралиб туради. Меъморий ёдгорликлардан эллинизм ва рим даври ҳамда араб маданияти ёдгорликларидан Қуббат ас-Саҳро, ал-Ақсо масжидлари ва черковлар, қалъалар сақланган. 19-а.нинг 2-ярмидан қурила бошлаган янги шаҳарда замонавий бинолар, ун-т мажмуаси, тиббиёт маркази, миллий музей, яҳудий ун-ти (1918) ва б. бор.

ҚУДДУС **МУҲАММАДИЙ**
(Муҳаммадиев Қуддус) (1907.25.10 — Тошкент — 1999.22.6) — болалар шоири. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1957). Қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган (1930), Ўрта Осиё давлат ун-ти (1931—32) ва Тошкент тиббиёт ин-ти (1932—37)да ўқиган. Мактабда

ўқитувчи (1930—32). Исломо шоир котиби (1941 — 45). Шеърлари 1928 й.дан «Қуддус» тахаллуси билан матбуотда босилган. дастлабки шеърлар тўплами — «Ўқувчига эсдалик» (1946) мактаб болалари ҳаётига бағишланган. «Шеър ва эртаклар», «Синов» (1947), «Орзу», «Баҳор келди» (1948), «Қирк ўғил, қирк қиз» шеърӣй тўпламлари (1951) ҳамда «Янги уй» (1953), «Китоб», «Бу бинони ким қурган?», «Оқ тоғлар», «Тентаксий» каби асарларида инсон меҳнати улуғланган. «Қандай бўлмоғим керак?» (1960), «Жуда қизиқ, жуда чиройли» (1961), «Она-бола меҳри» (1963), «Бола бошидан, ўғлон ёшидан» (1964), «Қанотли дўстлар» (1978), «Чўпон бобо қўшиғи» (1979) ва б. шеър ва эртаклар тўплами нашр қилинган. Қ.М. болаларнинг ёшига, савиясига мос қилиб асарлар яратган, адабий-бадий воситаларни излаб топган, киноя, сатира ва юмор унсурларидан унумли фойдаланган. Қ.М. ижодига хос бўлган асосий хусусият унинг асарларида бадиийлик, маърифийлик ва тарбиявийликнинг уйғунлигидадир. Шоир ижтимоий ҳаёт воқеалари ва табиат ҳодисаларига теран назар ташлайди, уларнинг ўзига хос ички ва ташқи томонларини, ривожланиш қонуниятларини чуқур идрок этади ҳамда уларни болалар адабиёти талабларига мувофиқ, яъни жонли ва динамик тарзда гавдалантиради ва бадий умумлашган образлар яратади. «Табиат алифбеси» (5 китоб, 1974—80)да болаларни Ўзбекистоннинг бой ва гўзал табиятини севишга, сув ва ҳавосини мусаффо сақлашга чақирган. «Китоб ва Офтоб» (1986), «Мен сизга бир ҳикмат айтаман» (1987) каби асарлар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1969).

Ас. Танланган асарлар, Т., 1957; Очил дастурхон [Шеър ва эртаклар], Т., 1970; Серебристый тополь, Стихи, М., 1982.

Ад.: Қўшжонов М., Қуддус Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат, Т., 1963; Бать Л. , Шоир ва педагог [«Ўзбек совет болалар адабиёти» тўпламида], Т.,

1969; Хўжаева Р., Қуддус Муҳаммадий, Т. 1980.

Раҳматулла Баракаев.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ (1925 - Тошкент — 1968.10.4) — болалар шоири. Тошкент Педагогика ин-ти кечки бўлимини тугатган (1957). Республика газларида адабий ходим (1950—53), Бадиий адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудир (1960—68). Дастлабки шеърини тўплами — «Менинг Ватаним» (1950). «Бахтли болалар» (1951), «Ободлик» (1953), «Дўстлик» (1954). «Уч ўртоқнинг совгаси» (1957), «Невара меҳри», «Чирчиқ фарзанди» (1961), «Алишер ва китоб» (1962), «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртак» (1963), «Соатжоннинг соати» (1964), «Тошбақалар хужуми» (1965), «Шамол ботир» (1966), «Дайди бола», «Ўғлим билан суҳбат» (1970), «Олмос менинг юрагим» (1983), «Менинг юрагим» (1986) ва б. тўпламларга кирган шеър, эртак ва дostonлари Она-ватан мадҳи, табиат ва фасллар тасвири, болалар ҳаёти ҳамда таълим-тарбия муаммоларига бағишланган.

Қ.Ҳ.нинг ватан мадҳидаги «Менинг Ватаним», табиат ва фасллар тасвиридаги «Бу қайси фасл?», «Тоғ манзараси», «Эрталаб», Янги йил таърифидаги «Яша, Янги йил», «Биз эккан арча», халқ оғзаки ижодидаги ўйин кўшиқлари асосида яратган «Оқ теракми, кўк терак?», «Чиллак ўйини» сингари шеърлари ифодасининг соддалиги, сербўёк ва ёрқин манзаралар яратилганлиги билан ажралиб туради. Қ.Ҳ. туғма болалар шоири сифатида ўзбек болалар шеърятига янги бадиий товланишларни олиб кирган, унинг вазн, банд, қофия тизимини болалар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этган. В.Маяковский, С.Маршак, С.Михалков, А.Сурков, М.Бажан, А.Барто ва б.нинг болаларга аталган шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Қўшжонов М., Қуддус Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат, Т., 1969; Қўшжонов М., Қудрат Ҳикмат, Т., 1978.

Раҳматулла Баракаев.

«ҚУДРАТЛИ ТЎДА», «Янги рус мусика мактаби» — 1850—70 й.ларда М.Балакирев, А.Бородин, Ц.Кюн, М.Мусоргский, Н.Римский-Корсаков ва б.нинг ҳамкорлиги натижасида юзга келган ижодий йўналиш, композиторлар уюшмаси. «Қ.т.» аъзолари мусикада халқчиллик, миллий услуб, гоёвийлик учун курашган, М.Глинка ва А.Даргомижский аъналари ҳамда Фарбий Европа санъати ютуқларини ривожлантириб опера, симфоник мусика, кўшиқ ва романс, камер мусика соҳаларида самарали ижод қилишган. Улар рус ва б. халқ мусика ижоди намуналаридан кенг фойдаланиб, уларни қайта ишлаган, асарларига киритган. Шарқ мавзуларига мурожаат қилиб, мусикий ориентализм соҳасида ҳам жаҳоншумул асарлар яратишган (Бородиннинг «Князь Игорь» операси, «Ўрта Осиё» симфоник манзараси, Римскийкорсаковнинг «Шаҳризода» сюитаси ва б.). «Қ.т.» вакиллари ижоди, айниқса, халқ куйларини қайта ишлаш соҳасидаги ютуқлари рус ва жаҳон мусика санъати (жумладан, Ўзбекистон композиторлик мактаби шаклланиши)га катта таъсир кўрсатди.

ҚУДУҚ — вертикал шахта ёки ўра кўринишидаги гидротехника иншооти. Қ.нинг аҳолини сув билан таъминлаш ва суғориш учун ер ости сувларини йиғиш мақсадида қуриладиган сув тўловчи; ер ости сувларини ер усти сувлари билан қўшиш ёки дренаж сувлари ва тиндирилган канали-зация сувларини йиғиш мақсадида қуриладиган сув сингдирувчи; дарё, қўл, сув омборларидан олинadиган сувларни ростлаш мақсадида қирғокка яқин қуриладиган қирғок бўйи хиллари бўлади.

Сув тўловчи Қ. жуда кенг тарқалган бўлиб, асосан, ичимлик сув олиш учун қурилади. Конструкцияси, қурилиш усули ҳамда деворининг мустаҳкамлигига қараб шахтасимон ва қувурли

(бурғиланган) хилларга бўлинади. Шахтасимон Қ. унча чуқур жойлашмаган кам босимли сув сақловчи қатламлардаги сувни олиш учун қурилади. Бундай Қ.лар кичик посёлкалар, чорвачилик фермалари, дала шийпонлари ва яйловларни сув билан таъминлаш мақсадида қазилади, суви истеъмол учун ярқли бўлса, махсус тозалаш талаб этилмайди. Уларнинг диаметри (ёки кенгли-ги) 0,8 дан 1,5 м гача, чуқ. 30—40 м гача (баъзи жойларда 100—300 м гача) бўлади. Шахтасимон Қ.ларга сув филтёрлар ёки ғовак бетондан қилинган деворлар орқали ўтади. Шахтасимон Қ.ларнинг кўпчилиги дебети суткасига 5—100м³ атро-фида. Деворлари ёғоч, тош ва бетон билан мустаҳкамланади. Ундаги сув турли сув чиқарувчи қурилмалар ёрдамида олинади. Қувурли (бурғиланган) Қ. турли чуқурликда ётган, суви кўп бўлган (босимли ва босимсиз) ер қатламларидан сув олиш учун қурилади. Буларда сув сақловчи қатламлар сатҳидан юқорига, ҳаттоки ўз босими билан ер сиртигача кўтарилиши мумкин (мас, артезиан Қ.лар). Қувурли Қ.ларнинг чуқурлиги 800 м гача боради. Бу турдаги Қ.ларнинг суви марказлаштирилган сув билан таъминлаш системасида ишлатилади. Қувурнинг сув сақловчи қатламга етган қисмига филтёр (бе-тон, керамика, шағал ва б.) ишланади. Қувурли Қ.ларнинг суви марказдан қочирма чўқтирма насослар, эрлифтлар ва сифонлар ёрдамида чиқариб олинади. Сув синдирувчи Қ. вертикал дренажнинг бир тури сифатида берк ботиқларнинг захини қочиришда қўлланилади. Қ. воситасида зах босган қатламни сув ютгич қатлам билан бирлаштириб, ортиқча сувни сув ютгич қатламга ўтказиб юбориш мумкин. Қирғоқ бўйи Қ.и панжаралар билан бўлинган камерадан иборат бўлиб, сув дарё, кўл ва б. манбалардан қувур орқали оқиб келади.

Қ вазифасига кўра фунт, артезиан, дренаж ва кузатиш Қга бўлинади (қ. *Артезиан қудуғи, қузатув қудуғи, Коллек-*

тор-дренаж тармоғи, Кориз).

ҚУЁН — осмоннинг Жан. ярим шаридаги кичикроқ юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари 2,6 ва 2,8 юлдуз катталигида. *Ориона*м жанубда, *Эридан*, *Яккашоҳ*, *Кабутар* ва *Искана* юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Ўзбекистонда қишда яхши кўринади.

ҚУЁН — товушқонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Уй Қ.ларининг ажодди ёввойи Қ.лар ҳисобланади. Мадагаскар ороли, Жан. Американинг жан. вилоятлари ва Антарктидадан ташқари Ер юзининг ҳамма қисмида тарқалган. Уй Қ.лари ёввойиларига қараганда анча йирик, гавдаси уз. 70 см гача (ёввойилари 44 см гача). Қ. серпушт, тез етилади, гўшт ва мўйна, тивит олиш учун урчитилади. Йил мобайнида кўпая олади. Урғочиси 3—4 ойлигида жинсий етилади, 5—6 ойлигида қочирилади. 28—32 кунда болалайди. Йилига бир Қ. 3—6 марта, ҳар сафар 5—8 (баъзан 15 ва ундан ортиқ) бола туғади. Наслдор қ. болалари 30—45 кунлик, вазни 800—900 г бўлганда онасидан ажратилади. Тез етиладиган зотлар 65—70 кунлик, вазни 1,8—2 кг, кеч етиладиганлари 90—120 кунлик, вазни 2,8—4 кг бўлганда сўйилади. Гўшт чиқими 47—60%. Кузги туллашдан кейинги қишқи териси энг сифатли ҳисобланади. Жаҳонда 60 дан ортиқ зоти бор. Жун копламига кўра мўйнали ва тивитли зотларга бўлинади. Қ. 7—10 йил яшайди. Хўжаликда фойдаланиш даври 2—3 йил. Асосан, кўкат, илдишмевалар, сабзи-карам силоси, майин хашак; дон-дун, омухта ем ва б. концентратлар, гўшт-суяк ва балиқ уни; минерал қўшимчалар — суяк уни, ош тузи ва бўр билан боқилади, хонадонларда боқилганда озиқ-овқат чикитлари ҳам берилади.

ҚУЁН ЙИЛИ — мучал йили ҳисобида тўртинчи йил номи (қ. *Мучал*).

ҚУЁНСУЯК — дуккакдошлар

оиласига ман-суб бута ёки дарахт. Қозоғистон, Ўрта Осиёда, Ғарбий Сибирнинг жан.-ғарбида ва Хитойда тарқалган. Ўзбекистонда Қизилкум чўлида, Бухоро вилоятида, Қорақалпоғистоннинг кумли ерларида ўсади. Илдизи ўқилдиз. Бўйи 0,5—3 м. Дарах-тининг бўйи 8 м га етади. Новдалари ингичка, осилиб туради. Барглари ялтироқ-кумушранг, майин, уз. 2 — 3 см. Гуллари ҳаворанг, хушбўй, шингилларга йиғилган. меваси 2—3 дуккак. Ёғо-чидан ҳар хил буюмлар тайёрланади, илдизидан бўёқ олинади ва кўчма кумларни мустаҳкамлаш мақсадида экилади. Ўтин сифатида фойдаланилади. Илдизидан кўпаяди. 25—30 й. яшайди.

КУЁНЧИЛИК - чорвачиликнинг куёнларни урчитиш билан шуғулланадиган тармоғи. Қ.нинг асосий маҳсулоти — гўшт, тери ва тивит. Куён гўшти тўйимли парҳез маҳсулоти; териси мўйна саноати учун муҳим хом ашё; тивити иссиқлик ўтказувчанлиги жиҳатидан меринос кўйлари жунидан қолишмайди, трикотаж, фетр, духоба ва б. маҳсу-лотлар тайёрлашда ишлатилади.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларидан ривожлана бошлади. Шу даврда наслдор куёнлар етишти-рувчи бир неча давлат, жамоа хўжаликлари ва давлат наслчилик парваришхоналари барпо этилди. Якка хусусий (томорка) хўжаликларда Қ. ривожланди. Урушдан кейинги йилларда Қ. маҳсулотлари кўпайди. Қ. фермаларида гўшти, териси ва тивити, айрим хўжаликларда фақат гўшти учун боқилади. Гўшт-тери учун куён боқиладиган фермаларда ҳар бир она куёндан ўрта ҳисобда (йилига 4 марта 5 тадан болалайди) 20 тадан бола, яъни йилига 50 кг дан ортиқ гўшт ва 20 дона тери (микроклими бошқа-риладиган биноларда 30—35 куён боласи ёки 75—80 кг гўшт) олинади. Бройлер куён болаларини семир-тириш учун боқувчи фермалар уларни оналари билан боқиб, ёши 2— 2,5 ойлик ва тирик вазни 2 кг ча бўлганда бошқа хўжаликларга сотади. Тивит учун

куён боқиладиган фермаларда ҳар бир катта куёндан йилига 350—700 г тивит олинади.

Қ. фермаларини наслдор куёнлар билан таъминлаш учун наслчилик фермалари ва наслчилик хўжаликларида куёнларнинг энг яхши зотлари: шиншилла, катта оқ куён, катта кулранг куён, кумушранг, кўк, кора-қўнғир, фландр, *ангор куён* ва б. зотлари етиштирилади. Ўзбекистонда шиншилла, оқ улкан, мардер, кора-қўнғир, вена зангориси, оқ калифорния, оқ ҳамда қизил тивитли каби зотлари (умумий бош сони 100 мингдан кўпроқ), асосан, ҳаваскор, шахсий ва фермер хўжаликларида парҳез гўшти, момиғи ва мўйнаси учун боқилади. Ҳар йили 30 минг дона атрофида куён териси тайёрланади.

Куён гўшти энг кўп етиштириладиган мамлакатлар Франция, Италия, АҚШ, шунингдек, Буюк Британия, Венгрия, Польша ва б.

Ад.: Помытко В.Н., Александров В. Н., Учебная книга кролиководства, 2 изд., М., 1985.

КУЁНЧИҚ - қ. *Эпилесия*.

КУЁНҚУЙРУҚ —

сигиркуйруқдошларга мансуб икки йиллик бегона ўт. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Пояси тик ўсади, бўйи 30—120 см, кам шохлайди, илдиз олди барглари чўзинчоқ, патсимон шапалоқли, юқоридагилари наштарсимон, арра тишли. Гуллари сариқ, шингил тўпгулга йиғилган. Илдизи ўқилдиз. Май — окт. да гуллаб мевалайди. меваси шарсимон кўсакча. Уругидан кўпаяди. Уруғлари паст ва юқори т-рада ҳам кўқариб чиқаверади. Алр. — майда уруғидан майса, илдиз бўғизидан нов-далар пайдо бўлади. Беда, дон экинлари, гўза ва бошқа чопикталаб экинлар орасида учрайди. Боғларда, узумзорларда, йўл ёкаларида ва ташлан-дик ерларда ҳам ўсади.

Кураш чоралари: ерни чуқур ҳайдаш.

КУЁНҚУЛОҚ, линделофия — говза-бондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Ўрта Осиёда, Афғонистон ва Эронда тарқалган. Ўзбекистонда узун устунчали Қ. ёки кўкгул тури ўсади. Илдизи ўқилдиз. пояси тик, бўйи 40—80 см. Илдиз бўғзидаги барглари йирик (уз. 25—50, эни 2—5 см), тўпгули рўваксимон, гули кўк-хаворанг. Июнь — сент.да гуллаб уруғлайди. Мева-си ёнғоқча. Тоғ зонаси, дарё, канал ва йўл бўйларида, пахтазорларда ўсади.

КУЁШ — *куёш системасининг* марказий жисми; Ерга энг яқин жойлашган юлдуз. Унда системанинг 99,866% массаси ($M_0=1,99T0^{33}$ г) жойлашган. Қ. кизиган плазмали шардан иборат, радиуси $K_0=696000$ км. У массаси бўйича Ердан 332958, диаметри бўйича 109 марта катта. Ўртача зичлиги $1,41T0^3$ кг/м³. Ер Куёш атрофида ўртача 29,5 км/сек тезлик билан чўзиқ бўлмаган эл-липсоид орбита бўйлаб ҳаракатланади. Ернинг Куёшдан ўртача узоқлиги 149597870 ±1,6 км (*астрономик бирлик*); перигелий-да афелийга қараганда 5 млн. км камроқ. Қ. сиртидаги тортилиш кучи тезланиши 273,98 м/сек². Қ. сиртидаги эффектив т-ра, унинг тўла нурланиши бўйича 5770 К га тенг. Ерни ўз орбитасида ушлаб турувчи куч $3,6T0^{21}$ кг. Қ. ўлчамларига кўра ўртача сариқ юлдуз бўлиб, спектр ёркинлик *Герцшпрунг—Рессел диаграммасининг* ўрта қисмидан ўрин олади. Қ.нинг спектрал синфи С2У.

Қ. Галактикамизспиральтармоқларидан бирида, Галактика марказидан 10 кпс (килопарсек) масофада жойлашган (к. *Парсек*). Қ. Галактика маркази атрофида 200 млн. йил давомида бир марта айланиб чиқади. Яқин юлдузларга нисбатан Қ. секундига 20 км тезлик билан ҳаракат қилади. Қ.нинг ёши $5T0^9$ йил.

Қ. оптик ва радиотелескоплар ёрдамида текширилади. Космосга учиншлар Қ.нинг Ер атмосфераси ўтказмайдиган қисқа тўлқинли ва корпускуляр нурланишини ҳам текширишга йўл очиб берди.

1611 й.да *Г.Галилей* телескоп ёрдамида Қ.ни биринчи бор кузатиб, *Куёш доғлари* ва ўз ўқи атрофида айланиш даврини аниқтаган. Немис астрономи Г.Швабе эса 1843 й.да Қ. ўзгаришининг сони ёки Қ. фаоллиги даврий ўзгаришини топди, 1814 й.да *Й.Фраунгофер* Қ. спектрида ютилиш чизикларини, 1859 й.да немис олимлари Кирхгоф билан Бунзен бу чизиклар Қ.нинг ташқи қатламларида, унинг атмосферасида пайдо бўлишини кашф этди. Бу Қ.нинг кимёвий таркибини, физик табиатини текширишда муҳим роль ўйнади. 1913 й.да америкалик астроном Ж.Хейл Қ. доғлари Қ. сиртининг совиған қисмлари эканлигини ва *фраунгофер чизикларининг* земаанча ажралишидан Қ. сиртида кучли магнит майдонлари борлигини кашф этди (к. *Куёш магнетизми*). 1940 й.лар бошида Қ. радиотўлқинлар манбаи эканлиги аниқчанди. 1942 й.да швед олими Б.Эдлен ва б. олимлар *Куёш тожи* спектридаги бир неча спектрал чизикни кўп марта ионланган кимёвий элементларнинг спектрал чизиклари эканини аниқлади, шу билан Қ. тожининг юқори т-рага эгаллигини кашф этди. 20-а.нинг ярмида магнит гидродинамика ва плазма физикасининг ривожланиши Куёш физикасининг ривожланишига муҳим туртки бўлди. Космик эранинг бошланишидан сўнг Қ.нинг ультрабинафша ва рентген нурланиши ракеталар, Ер сунъий йўлдошларига ўрнатилган автоматик орбитал расадхоналар, бортида космонавтлар бўлган космик лаб. лар ёрдамида ўрганилмоқда. Қрим, Пул-ково ва б. расадхоналарида, кўпгина хориж мамлакатлари билан бир қаторда Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тида ҳам Қ.ни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда (к. *Астрономия*).

Қ. ўз ўқи атрофида ер сингари мунтазам шарқдан ғарбга томон айланади. Айланиш тезлиги Қ. экваторида 2 км/сек бўлиб, қутблари томон камайиб боради. Экваторда айланиш даври =25, қутблари яқинида эса =31 суткага тенг. Қ.нинг

тўла нурланиши Қ. зенитда бўлганда Ер сиртига тушадиган ёритилганлик (100 минг люкс) бўйича аниқланади. Ернинг Қ.дан ўртача масофасида, атмосферадан ташқаридаги ёритилганлик 127 минг люксни; Қ.нинг ёруғлик кучи $2,84 \cdot 10^{27}$ шамни ташкил қилади. Қ.нинг тўла нурланиш қуввати $3,83T_0^{26}$ Вт, ундан Ерга тахм. $2T_0^{17}$ Вт этиб келади.

Қ. осмонда бурчак диаметри ўртача 1919»26 га тенг диск сингари кўринади. Қ. сиртининг ўртача равшанлиги (Ер атмосферасидан ташқарида кузатилганда) $1,98T_0^9$ нт, Қ. дискининг марказий қисмлари равшанлиги $2,48T_0^4$ нт га тенг. Қ. дискида равшанликнинг марказидан четга томон камайиши спектрнинг турли қисмлари (тўлқин узунликлари)да турлича. Қисқа тўлқинларда четга томон хираллашиш узун тўлқинларга караганда кучли. Қ. дискининг энг четида равшанлик бир секунд бурчак ичида юз марта камайди, шунинг учун Қ. диски чети жуда аниқ кўринади. Равшанликнинг Қ. диски марказидан четга томон камайиши Қ. атмосферага эгалигидан далолат беради. Қ.ни текшириш асосан унинг спектрини ўрганишга асосланган.

Қ. спектри мингдан ортиқ ютилиш чизиклари (Фраунгофер чизиклари) билан кесилган туташ спектрдан иборат. қ. спектрида энергиянинг тақсимланиши 6000°К гача қизиган *мутлақ қора жисм* спектриникига асосан мос келади.

Фраунгофер чизикларининг тўлқин узунлиги ва интенсивлиги лаб. нур манбалариники билан таққосланиб, Қ.да 69 кимёвий элемент борлиги аниқланган. Қ., асосан, водород ва гелийдан таркиб топган. Ҳар бир 1000 водород атомига 100 та гелий, бир неча ўн кис-лород, углерод, азот ва б. элемент атоми тўғри келади. Қ. спектрида айрим молекулалар (ОН, N14, СН, СО ва б.) нинг ҳам чизиклари бор.

Қ. атмосфераси табиатига кўра, 3 та асосий қатлам, яъни энг пастки қатлам — *фотосфера*, ўрта қатлам — *хро-мосфера* ва ташқи қатлам — куёш тожидан иборат. Қ.нинг қарийб барча нурланиш энер-

гияси фотосферадан сочилади. Фотосферанинг модда зичлиги $3-10 \sim 7$ г/см³, фотосферада т-ра ташқи қатламларга ўта бориб камайди ва унинг ўртача қиймати тахм. 6000 К, фотосфера чегарасида деярли 4200 К бўлади. Босими $2-10^4$ дан 10^2 Н/м² гача ўзгариб туради. Фотосфера остида қалинлиги 200 минг км конвектив зона жойлашган. У фотосферага таъсир этиб туради, натижада фотосферанинг равшанлиги нотекис донадор (гранула) тузилишга эга ва у ўзгариб туради. Фотосфера гранулаларининг диаметри 150—1000 км, «яшаш даври» 5—10 мин. Гранулаларнинг равшанлиги ўртача фондан =10% га ортиқ. Фо-тосферада радикал йўналишда квазидаврий тебранишлар ҳаракати топилди. Бу тебранишлар 2—3 минг км ўлчамдаги майдонларда 5 мин. давр билан ва 500 м/сек тезлик амплитудаси билан содир бўлади. Бир неча тебраниш даврларидан сўнг сўниб, яна қайта ҳосил бўлиши мумкин.

Фотосферада доғлар ва машъаллар деб аталувчи Қ. юзасининг деталлари кузатилади. Куёш доғлари кучли (5000 э) магнит майдонига эга. Одатда, Қ. доғлари юлик тўрсимон ёруғ майдончалар — машъаллар билан ўралган. Улар Қ. диски чети яқинида яққол кўринади ва равшанлиги атрофникидан 18% га ортиқ. Машъалларнинг т-раси ҳам атрофникидан бир неча юз градусга ортиқ. Машъаллар устида, хромосферада флоккулалар кузатилади. Қ. доғлари атрофида хромосфера ва Қ. тожида *протуберанецлар* деб аталувчи газ булуғлари, сиртмоксимон газ оқимлари ҳам кузатилади. Қ. атмосферасининг бу деталлари Қ. доғлари билан бир-галикда Қ. юзасининг актив соҳаларини ташкил этади.

Қ. доғларининг ўртача йиллик сони, фаол соҳаларининг сони 11 йиллик давр билан кўпайиб-камайиб туради. Қ. доғлари Қ. экваторининг иккала томонидан 5° дан 30° гача гелиографик кенгликларни ўз ичига олган зонада учрайди.

Фотосфера устида хромосфера жойлашган. Куёш тўла тутилган пайтда хро-

мосферани махсус телескоп орқали кузатилса, у худди Ой дискини ўраб турувчи кизғиш ҳалқага ўхшайди. Бу ҳалқанинг ташқи томони ноте-кис бўлиб, тишли гилдиракни эслатади. Хромосферадаги бу аланга «тил-ча»лари спикулалар деб аталади ва уларнинг диаметри 200—2000 км, баландлиги эса 10000 км. Хромосфера телескопи ёрдамида маълум монохро-матик нурда Қ. дискида майда (-1000 км) ва йирик (2000—8000 км) ёруғ тугунлардан ташкил топган хромосфера тўри кўзга яққол ташланади. Хро-мосфера тўри кўзларининг катталиги 30—40 минг км.

Хромосфера спектри бир неча юз эмиссион чизиклардан таркиб топган. Хромосферада модда зичлиги пастдан юқорига томон 1 см^3 да 10^{15} атомдан 10^7 атомгача камайиб боради. Хромосфера билан фотосфера чегарасида т-ра 4500°K . Хромосфера асосидан бир неча минг км баландликда эса т-ра ортиб, 15—20 минг К га етади. Атмосфера босими фотосфераникидан млн. марта кам. Монохроматик нурда, одатда, машъаллар устида флоккулалар, водо-род чизиғи H_α нурида қора толалар кузатилади. Қ. гардиши яқинида проту-беранецлар кўринади. Флоккулалар ва протуберанецларнинг сони Қ. фаоллиги ўзгариши билан ўзгариб туради. Про-туберанецларнинг Қ.дан ўртача бал. 30—50 минг км, уз. 200 минг км. Про-туберанецлар бир неча ой яшаши мумкин. Протуберанецлар т-раси $5000—10000^\circ\text{K}$, модда зичлиги хромосферанинг ўртача зичлигига яқин. Протубе-ранецларнинг шакли ва улардаги ҳаракат хромосфера билан Қ. тожидаги магнит майдонига боғлиқ.

Куёш тожининг (оқ нурда) равшанлиги Қ. гардиши марказиникидан миллион марта кам. Қ. тожида қал-қонсимон ва елпигичсимон ёғду, тож нурлари ва кутб чёткалари деб ата-лувчи структура элементларини куза-тиш мумкин. Қ. тожи Қ. фаоллиги максимум бўлган йилларда симмет-рик, минимум бўлган йилларда эса экватор бўйлаб чўзик шаклда бўлади.

Қ. тожи спектрида кўп марта ионлашган. Fe, Ca, Mg, C, O, 8 эле-ментлари атомларининг эмиссион чизиклари бор. Қ. тожида барча атомлар ионлашган. Қ. тожининг ўртача т-раси 10^6 K дан ортик ва тож бўйлаб секин ўзгаради. Хромосфера б-н Қ. чегарасидаги т-ра 10^5K ; 1 см^3 ҳажмга 10^7 атом тўғри келади. Қ. тожининг ташқи қатламларидан фазога юқори энергияли зарра (протон, элек-трон)лар сочилиб туради ва бу оқим *куёш шамоли* деб аталади. Фаол соҳалар устидаги тожда радионурланиш, шунингдек, рентген нурланиши ни-ҳоятда кучли, Куёшдаги хромосфера чакнашлари водород чизиғи H_{α} да яхши кўринади. Спектрал чизиклар пайдо бўладиган хромосфера соҳ&тарида т-ра $(1—2) \cdot 10^4 \text{ K}$, ундан юқорида 10^7 K гача кўтарилади. Қ. чакнашларининг юзаси 10^7 км^2 гача бўлиши мумкин. Одатда, чакнашлар тез ривожланаётган Қ. доғлари атрофида рўй беради. Чакнашлар Қ.нинг ультрабинафша нурланишини кучайтиради, қисқа муддатли кучли радио ва рентген нурланишлари, юқори энергияли (10^{10} эВ) корпуску-ляр оқимни ҳосил қилади. Айрим чакнашлар юқори энергияли зарра (про-тон) ларнинг ўта кучли оқими — *кос-мик нурларни* беради. Бундай чакнашлар космик фазодаги космонавтлар саломатлигига хавф туғдиради. Қ.да содир бўлиб турадиган бундай жараёнларни қайд қилиш ва ўрганиш мақсадида куёш хизмати номли кузатиш дастури ишлаб чиқилган. Қ. сиртида юз берадиган барча ходисалар, ўз навба-тида, Ер атмосфераси, магнитосфераси ва биосферасида рўй берадиган кўпгина жараёнларга таъсир кўрсатади (қ. *Куёш — Ер боғлиқлиги, Куёш радиацияси*).

Куёшни кузатишда катта кўзгули телескоплар ишлатилади. Бу телескоплар оптик қисмларининг кўпи кўзғалмас, қ. нурлари битта (гелио-стат, сидеростат) ёки иккита (цело-стат) олам ўқи атрофида айланувчи кўзгу ёрдамида телескопнинг кўзғал-мас оптик қисмларига горизонтал (горизонтал куёш телескопи) ёки верти-

кал (минорали куёш телескопи) ҳолда йўналтирилади. Одатда, катта телескоплар кучли спектрографлар билан бирга ишлатилади. Қ. спектри расмга олинади ёки фотоэлектрик ўлчаш асбоблари ёрдамида қайд қилинади. Ер атмосферасини куза-тишда зарарли таъсирларни бартаграф қилиш мақсадида Қ. телескоплари ўрнатилган орбитал расадхоналар ёрдамида Ер сатҳидан $20^{\wedge}25$ км баландликка кўтариладиган махсус Қ. телескоплари қўлланади.

Собит Илёсов.

КУЁШ БАТАРЕЯСИ —

яримўтказгичли фотоэлементларга асосланган ток манбаи; *куёш радиацияси* энергиясини бевосита электр энергиясига айлантиради. Қ. б. Элементларининг ишлаши ички фотоэффект ҳодисасига асосланган. Дастлабки куёш элементини 1953—54 й.ларда АҚШ олимлари Г.Пирсон, К.Фуллер ва Д.Чапинлар ишлаб чиқишган.

Қ.б.нинг қуввати яримўтказгич материалига, куёш элементининг конструктив хусусиятига ва батареядаги элементлар сонига боғлиқ. Куёш элементлари тайёрлашда кремний §1, галлий Оа, мишьяк Аз, кадмий Сё, олтингугурт 5, сурьма 8Ь, теллур Те асосидаги материаллардан фойдаланилади. Қ.б. одатда усти ялтироқ копла-мали яси панель кўринишидаги куёш элементларидан тайёрланади. Батареядаги куёш элементлари сони бир неча минг донагача, панелининг сатҳи ўнлаб m^2 , ток кучи юзлаб a , кучланиши ўнлаб В, генератор қуввати бир неча ўн кВт гача боради.

Қ.б., асосан, *космонавтикааа*, Ер сунъий йўлдошлари аппаратларини электр энергияси билан таъминлашда фойдаланилади. Ерда эса Қ.б. кўчма автомат радиостанциялари ва радио-приёмникларда ток манбаи сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда куёш энергиясидан фойдаланиш масалалари билан Ўзбекистон ФА *Физика-техника институти*я. шуғулланилади.

КУЁШ ДОҒЛАРИ - Куёш фотосферасида кузатиладиган тим қора деталлар. Қ.д. пора деб аталувчи кичик қора нукталар (ўлчами 1000 — 2000 км) кўринишида пайдо бўлади. Доғ кун сайин катталашиб, диаметри = 5000 км га етгач, яримсоя билан ўралади. Энг катта Қ.д.нинг диаметри 20000 км гача етади. Ҳозиргача кузатилган энг катта доғнинг ўлчами 100000 км га етган. Қ.д. нинг кичиклари бир суткагача яшайди. Қ.д. кўпинча катта ва кичик доғлардан иборат гуруҳларни ташкил қилади. Бу гуруҳлар Куёш гардишида жуда катта майдонларни эгаллаши мумкин. Гуруҳлар 3 — 4 ҳафта, баъзилари 3—4 ойгача ҳам яшаши мумкин. Қ.д. Куёш экваторининг иккала томо-нидан 5° дан 30° гача гелиографик кенгликларни ўз ичига олиб, доғ дастлаб куйи кенгламада пайдо бўлади. Қ.д.ни биринчи бўлиб 1611 й.да Г.Галилей телескоп ёрдамида кузатган. Немис астрономи Г.Швабе эса 1843 й.да Қ.д.нинг сони ўзгаришини топган. 1913 й.да америкалик астроном Ж.Хейл Қ.д. Куёш сиртининг совиған қисмлари эканлиги ва *франгофер чизиқларинит Зеeman эффект*тили ажралиши туфайли Куёш сиртида кучли магнит майдонлари борлигини кашф қилган. Магнит майдонлари Куёш қаъридан фотосферага чиқаётган энергия окимини камайтиради ва оқибат-да, уларнинг юзага чиқиш жойида т-ра пасайиб кетади. Қ.д. ўзаги фотосферадан 5 марта хира, яримсоя эса ўзакдан 4 марта ёруғ. Қ.д. ўзагининг т-раси фотосфера трасидан 1000— 2000 К га паст (4500 К ва ундан кам). Қ.д.нинг ўртча йиллик сони даврий равишда 11 йилда ўзгариб туради. 20-а.га келиб бундан ҳам узокрок (22, 80, 90, 600 йиллик) даврлар топилган.

КУЁШ КАЛЕНДАРИ - қ. *Календарь*.

КУЁШ МАГНЕТИЗМИ - Куёшда магнит майдон мавжудлиги билан боғлиқ мураккаб ва ўзгарувчан ҳодисалар

мажмуи. Куёш фаоллиги Қ.м.нинг ўзгарувчан табиатини бевосита намоён қилади. Куёш магнит майдонини 1908 й.да америкалик астроном Ж.Хейл кашф этган. Куёш магнит майдонлари *Зеeman эффекти* асосида ўлчанади. Куёш фаол, фон ва умумий соҳалар магнит майдонларини ажратиш мумкин. Фаол соҳалар энг кучли маг-нит майдонларига эга. Мас, Куёш доғлари марказида магнит майдон кучланганлиги 2000 — 5000 Э. Умуман Куёш доғлари магнит майдон кучланганлиги 1400Эдан ортик бўлганда ҳосил бўлади. Фаол соҳалар магнит майдонларида йиғилган энергия жуда катта ва нобарқарор жараёнларга манба бўлади. Баъзи Куёш чакнашлари пайтида Ю³² энергия ажралиб чиқади. Фон магнит майдонлари (кучланганлиги 2—6 Э) фаол соҳалар атрофида ±55° гелиографик кенгликларда учрайди, уларни якка ва қарама-қарши қутбли магнит соҳалар ташкил этади. Бундан ташқари, уларга катта масштаби тартибланган гигант тизилмалар ҳам киради. Куёш қутблари яқинида қузатиладиган султ (1—2 Э), кичик масштаби мураккаб структуралардан иборат маг-нит майдонлар Куёшнинг умумий магнит майдони деб қабул қилинган. Бу магнит майдон полои-дал хусусиятга эга, яъни Куёш айланиш ўқиға нисбатан симметрик ва ҳар бир Куёш қутбида қарама-қарши магнит қутбийлик устун бўлади. Умумий, фаол ва фон соҳалар магнит майдонлари Куёш фаоллиги даври билан ўзга-ради. Фаол соҳалар магнит майдонлари Куёш сатҳига унинг остки қатламларидан қалқиб чиқади. Умуман фон магнит майдонларини фаол соҳаларнинг кенгайиш натижасида тарқалган магнит майдонларининг қолдиқлари ва умумий майдонни эса Куёш қутбларига қараб кўчган фон магнит май-донлари ҳосил қилади деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозиргача Қ.м.нинг табиати мукамал ўрганилмаган.

КУЁШ НУРИ БИЛАН ДАВОЛАШ, гелиотерапия — куёш нуридан даво-про-

филактика мақсаида фойдаланиш (қ. *Ҳаво ва куёш ванналари*).

КУЁШ ПЕЧИ — материалларни куёш нури ёрдамида эритиш ва уларга куёш нури иссиқлиги билан ишлов бериш учун мўлжалланган қурилма. *Гелиоқу-рилманинг* бир тури. Қ.п. қиска фокуси *гелиоконцентратор*, Куёш нури қабул қилувчи қурилма (печь) ва куёш ҳаракатини кузатиб борувчи автоматик тизим (қурилма ўқини доимо Куёшга қарайдиган қилиб узлуксиз буриб туради) дан иборат. Қабул қилиш қурилмаси гелиоконцентратор фокусига жойлашган бўлиб, ёруғлик ўтказувчи тўйнуқли камерадан иборат. Камера ичида вакуум ва инерт газ и атмосферасини яратиш мумкин. Кўпгина Қ.п. Куёш кетидан буриладиган ориентатор (куёш нури гелиокон-центраторга йўналтириб берувчи ясси ойна) билан жиҳозланади.

КУЁШ РАДИАЦИЯСИ - Куёшнинг электромагнит ва корпускуляр (зарра) нурланиши. Қ.р. Ергади деярли барча жараёнларнинг энергия манбаи ҳисобланади. Корпускуляр Қ.р. асосан протонлардан иборат бўлиб, Ер яқинидаги тезлиги 300—1500 км/сек, ўртача концентрацияси 5—80 ион/см². Куёш фаоллиги максимум, бўлганда ва катта чакнашлардан кейин Ер яқинидаги протонлар концентрацияси 10³ ион/см² гача этади. Куёш чакнашлари пайтида катта энергияли (7-10³ эВ) заррачалар (асосан, протонлар) пайдо бўлади. Ерга тушаётган умумий космик нурлар чакнашини Қ.р. кўринишида ифодалайди. Куёш электромагнит нурланишининг асосий қисми спектрнинг кўзга кўринадиган нурлари қисмига тўғри келади. Куёш тўла нур энергиясининг Ер атмосферасидан ташқарида (Куёшдан 1 астрономик бирлик узоқликда)ги Куёш нурларига тик бўлган 1 см² юзада 1 мин. да тушадиган миқдорига куёш доимийси дейилади. Куёш доимийси Куёшнинг умумий энергиясини ҳисоблаш, тадқиқ

этиш, унинг Ерга таъсирини ўрганиш мақсадида махсус актинометрик ст-яларда ўлчаб борилади. Куёш доимийсининг ҳозирги пайтдаги қиймати 1,95 кал/(см²мин) ёки 136-106 эрг/(см²сек.). Куёш фаоллиги максимумга етганда Куёш нурланиши бир оз ортади, лекин бу миқдор умумий нурланишнинг 1% дан ортмайди. Куёшнинг радионурланишлари Ер атмосферасидан тўлиқ ўтмайди, чунки атмосфера радиодиапазоннинг бир неча мм дан бир неча м гача қисми учунгина шаффофдир. Радионурланишлар Куёшнинг фаоллиги билан боғлиқ. Куёш радионурланишлари жуда ҳам кучсиз бўлиб, $\Phi = 10 \sim 22$ Вт/(м² секТц) бирликда ўлчанади. Куёшнинг қисқа тўлқинли нурланишлари Ер атмосферасида тўла ютилиб қолади. Бу нурланишларга оид маълумотлар асосан, геофизик ракета-лар, Ер сунъий йўлдошлари ва космик зондлар ёрдамида олинади. Куёшнинг рентген нурланишлари (тўлқин уз. 1А дан 100 А гача) туташ ва айрим чизикларнинг нурланишидир. Бу нурланишларнинг интенсивлиги куёш фаоллигига мос равишда кучли ўзгаради (Ер орбитасида 0,13—1 эрг/см²-сек) ва фаоллик максимумга етганда рентген нурланишлари спектрнинг қисқа тўлқинларида кучаяди. Куёшнинг рентген ва ультраби-нафша нурлари жуда оз (15 эрг/см²сек) энергия олиб келса-да, бу нурланишлар Ер атмосферасининг юқори қатламларига кучли таъсир қилади. Куёшда гамма нурланишлари ҳам топилган, лекин у етарлича ўрганилмаган.

КУЁШ СИСТЕМАСИ - Куёшнинг гравитацион таъсир майдони ичида ҳаракатланувчи осмон жисмлари (Куёш, сайёралар, сайёраларнинг йўлдошлари, кичик сайёралар, коме-талар, космик чан-глар) мажмуи. Қ. с. чегарасининг кўринма ўлчами Плутон орбитаси (тахм. 40 а.б., к. *Астрономик бирлик*) билан аниқланса-да, аммо унинг ҳақиқий чегараси энг яқин юлдузгача (230 минг а.б. гача) бўлиши мумкин. Қ.с.нинг узоқ ташқи

соҳалари ҳақидаги маълумотлар Куёшга яқинлашувчи узун даврли кометалар ва шу системани қоплаган космик чанглар-ни куза-тишдан олинади. Қ.с. худудидаги ҳар қандай жисм ҳам Қ.с.га киравермайди. Куёшнинг таъсир доирасидаги ҳар бир жисмнинг Қ.с.га кириши учун аввало унинг мусбат кинетик ва манфий потенциал энергияларининг йиғиндиси, яъни тўла энергияси манфий бўлиши керак. Бундажисм Куёшнингтортишиш кучи-ни енга олмай, Қ.с. доирасида қолади. Бунинг учун Қ.с.га тегишли жисмлар-га Куёшнинг тортишиш кучи таъсири бошқа юлдузларникига нисба-тан ортик бўлиши керак.

Қх.нинг умумий тузилишини бирин-чи марта *Н.Коперник* тўғри ифодалаб, Ер ва сайёраларнинг Куёш атрофида ай-ланишини асослаб берди (16-а.). Унинг *гелиоцентрик системаси* биринчи марта сайёраларнинг Куёш ва Ергача бўлган нисбий масофаларини аниқлашга имкон берди. *Ц.Кеплер* сайёраларнинг ҳаракат қонунларини (17-а. бошлари), *И.Ньютон* бутун олам тортишиш қонунини (17-а. охири) кашф қилдилар. Бу қонунлар Қ.с.даги жисмлар ҳаракатларини ўрганувчи фан — *осмон механикаси*т асос бўлди. Қ.с.га кировчи космик жисм-ларнинг физик табиатини ўрганиш, асосан, *Т.Галилей*т телескоп кашф қилганидан бошланди. 1609 й.да Галилей ўзи ясаган кичик телескопи ёрдамида *Ой*, *Венера*, *Юпитер* ва *Сатурн*ни кузатиб, ажойиб кашфиётлар кидди.

Қ.с. жисмларининг ҳаракатларини бошқарувчи асосий жисм Куёшдир. Сайёралар, асосан, ички (*Меркурий*, *Ве-нера*, *Ер* ва *Марс*) ва ташқи (*Юпитер*, *Сатурн*, *Уран* ва *Нептун*) гуруҳларга бўлинади ва улар ўз хусусиятлари билан бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Ички сайёраларнинг ўргача зичликлари 4,0—5,6 г/см³, ташқи гигант сайёралар-ники 0,7—2,3 г/см³ бўлиши уларнинг бошқа-бошқа моддалардан ташкил топ-ганлигини билдиради. Венера, Марс, Меркурий ва Юпитер атмосфералари

текширилганда ички сайёралар атмосфералари ташкилари-никига қараганда анча сийрак эканлиги маълум бўлди. Венерада CO_2 дан иборат жуда зич (сатҳига яқин жойда Ер сатҳидагидан 60 марта зич) атмосфера мавжуд. Марс атмосфераси ҳам, қисман, CO_2 дан иборат. Ташки сайёралар атмосфераси жуда қалин ва зич бўлиб, асосан, метан, аммиак ва водороддан иборат. Гигант сайёралар ички сайёраларга қараганда ўз ўқлари атрофида жуда катта тезлик билан айланади. Плутоннинг физик табиати гигант сайёраларникидан тубдан фарқ қилганлиги учун уни ташки сайёралар қаторига қўшиб бўлмайди. Сайёралар табиий йўлдошларининг 95% га яқини ташки сайёралар атрофида гуруҳланади; мас, Юпитер ва Сатурн сайёраларининг ўзлари Қ.с.га ўхшаш кичик системани эслагани. Уларнинг баъзи йўлдошлари (мас, Юпитернинг Ганимеди)нинг ўлчамлари Қ.с.даги айрим сайёралар (мас, Меркурий)нинг ўлчамидан анча катта (қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*). Сатурн сайёрасида ўзининг 20 га яқин йўлдошидан ташқари, жуда майда жисмлардан иборат ҳалқа системасига эга. Бу жисмлар Кеп-лер қонунига мос равишда ҳаракатланиб, Сатурн «йўлдошлари» ҳисобланади. Булардан ташқари, орбиталари Марс ва Юпитер сайёралари орасида жойлашган минглаб *Кичик сайёралар* мавжуд. Баъзи сайёралар эксцентритетлари катта бўлгани учун улар Куёшга Меркурийга нисбатан яқин келиб, ундан Сатурн орбитаси масофасига тенг масофага узоқлашади.

Қ.с.га кирувчи *кометалар* биз фақат Куёшга 4—5 астрономик бирликкача яқинлашгандан кейин кўра бошлаймиз. Куёшга яқинлашган сари уларнинг ядроси буғланиб кома ажралиб чиқиб катталаша бошлайди, сўнг Куёш нурларининг босими таъсирида дум ҳосил бўлади. Баъзи кометалар перигелийда Куёш тожи ичидан ўтиб афелийда 1 парсек узоқликкача боради ва Куёш атрофида айланиш даври бир неча ўн

млн. йил бўлиши, ҳатто бошқа юлдузлар тортиш кучи таъсирида орбиталарини ўзгартириши ҳам мумкин. Қисқа даврли кометалардан юзтачаси топилган. Уларнинг Куёш атрофида айланиш давлари бир неча ўн йилдан ортиқ эмас. Ҳар йили 5—10 тача комета кашф қилинади.

Оптик кузатишлар ёрдамида кўринмайдиган сон-саноксиз метеор жисмлар ва космик чанг (сайёраларо материя) Қ.с. фазосининг ҳамма жойида мавжуд. Улар ҳам сайёралар каби Куёш атрофида айланади. Космик чангларга гравитация кучлари таъсиридан ташқари Куёш радиациясининг босими, шунингдек электр зарядланган зарралар ҳаракатига Куёш ва сайёраларнинг магнит майдонлари ҳам таъсир этади.

Ер орбитаси ичидаги сайёраларо материянинг умумий массаси Ер массасининг юз миллиондан бирини ташкил қилади. Куёшнинг таъсир доираси ичидаги барча диффуз материянинг умумий массаси тахм. Куёш массасига тенг келади.

Қ.с. Галактика маркази атрофида айла-нага яқин орбита бўйлаб 250 км/сек тезлик билан айланади, унинг айла-ниш даври 200 млн. йил. Қ.с.нинг келиб чиқиши ҳақидаги масала ҳозирги замон табиат-шунослигининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади (қ. *Космогония*).

Қ.с.даги деярли барча жисмлар учун баъзи умумий қонуниятлар ўринли: барча сайёралар Куёш атрофидан эклиптикага яқин текисликда бир томонга (оламнинг шимолий қутбидан қаралганда соат мили ҳаракатига тес-қари томонга) ҳаракатланиб айланади (бу тўғри ҳаракат дейилади). Венера ва Урандан бошқа барча сайёралар ўз ўқлари атрофида тўғри ҳаракат қилади. Космик учишлар Қ.с.ни ўрганишда янги имконият яратди. Учирилган *космик зондлар* Қ.с.даги сайёраларнинг ички тузилишларини жадаллик билан тадқиқ қилмоқда. Космик зондлар Ой, Венера, Марс ва б. сайёраларга юмшоқ қўнди. АҚШ астронавлари биринчи марта Ойга қадам қўйди

(1969), «Пи-онер—10» ва «Пионер—11» космик зон-длар кичик сайёралардан ўтиб, Юпи-тер сайёраси яқинида айлан-ди (1972— 74). 1997 й. октябрда учирил-ган «Гюй-генс» космик зонди (НАСА ва Европа космик агентлиги билан бирга-ликда лой-ихаланган) Сатурн сайёраси-нинг йўлдоши *Титанга* туширилди (2005 й. январь). Тадқиқотчилар Титанни Ер билан таққослашмоқда. Космик учиш-лар ёрдамида Қ.с.ни янада батафсилроқ ўрганиш учун яқин келажақда бошқа сай-ёраларга парвоз қилиш, узок кос-мосга илмий аппаратлар юбориш, ас-тероид ва кометаларга қўниб, сайёраларо илмий саёҳат қилиш ишлари мўлжалланмоқда.

Салоҳитдин Нурутдинов.

ҚУЁШ СОАТИ - Куёш бўйича вақтни аниқлайдиган асбоб. Қ.с марка-зига жойнинг географик кенглигига тенг бурчак остида стержень (пластина) ва ци-ферблат ўрнатилган тахтачадан иборат. Қ.с. стержень (ўқи) олам ўқиға параллел қилиб ўрнатилади. Циферблат текисли-гининг ўрнатилишига қараб, Қ.с экватори-ал, горизонтал ва верти-кал турларга бўлинади. Экваториал Қ.с.да циферблат текислиги осмон экваторига, горизон-тал Қ.с. гори-зонт текислигига параллел қилиб ўрнатилади. Вертикал Қ.с. эса-турли имо-ратларнинг тик деворларига ўрнатилади. Экваториал Қ.с.да цифер-блат тенг бўлақларга, горизонтал ва вер-тикал Қ.с.да эса махсус формула ёрда-мида ҳисоблаб топилган, тенг бўлмаган бўлақларга бўлинади.

Офтобли кунда очикжойда Қ.с стер-женининг сояси циферблатга тушади ва ҳақиқий куёш вақтини кўрсатади (яна к. *Coam*).

ҚУЁШ СУНЬИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ, суньий сайёралар — Куёш атрофидаги орбитага чиқариладиган космик учиш аппаратлари (КУА), Қ.с.й. нинг ҳаракати *Куёш системасида*ш барча сайёралар ҳаракати сингари Куёшнинг тортишиш кучи билан аниқланади. Космик аппарат

Қ.с.й. бўлиши учун унга Ерга нисбатан иккинчи космик тезлик (11,2 км/сек) дан катта Куёшга нисбатан 42,1 км/сек тез-лик берилиши керак.

Қ.с.й. 3 турга бўлинади: 1) гелио-центриқ орбитада илмий техник тад-қиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган КУА; 2) учиб ўтадиган траектория бўйлаб ҳаракатланадиган сайёраларни ўрганиш учун мўлжалланган КУА. Уларнинг охи-рг гелиоцентриқ орби-талари текшири-лаётган сайёранинг тортишиш майдони таъсири остида вужудга келади; 3) сай-ёраларни, суньий йўлдош орбитасидан туриб ёки бевосита сайёра сиртига қўниб ўрганиш учун мўлжалланган КУА. Булар гелио-центриқ орбитага чиқарилади, ле-кин «Ер — сайёра» учиб ўтиш трасса-сида-гина Қ.с.й. режимида учади, Қ.с.й. куёш активлиги, сайёраларо магнит майдон, куёш шамоли ва б.ни ўрганишда қўлланилади (яна к. «*Венера*», «*Зонд*», «*Луна*», «*Маринер*», «*Марс*»).

ҚУЁШ ТЕЛЕСКОПИ - Куёшни ку затиш учун мўлжалланган *телескоп*. Обьективининг диаметри ва фокус ма-софаси кичикрок бўлган ихчам Қ.т. куёш тожини кузатишга мўлжалланган коро-нографлар, интерференцион-поляриза-цион фильтрли фотосферали ва хромос-ферали телескоплар (Куёшни Нд водо-род чизиғи ёруғлигида кузатишга имкон беради)дан иборат. йирик Қ.т. Куёш ёруғлигини кўзгалмас телескопга узата-диган, ҳаракатланувчи ясси кўзгулар ти-зими билан ҳамда Куёшни тадқиқ қилиш учун мўлжалланган турли асбоблар (фо-токамералар, ёруғлиқни фотоэлектрик қабул қилгичлар, спектрографлар, маг-нитографлар) билан жиҳозланади. Оптиқ ўқнинг йўналишига кўра, Қ.т. горизонтал ва минорали турларга бўлинади. Заряд алоқага асосланган матрицали Қ.т. анча гакомиллашган. Шундай Қ.т. Ўзбекистон ФА *Астрономия институти*ца бор.

ҚУЁШ ТОЖИ — куёшнинг ташқи, энг қўп чўзилган (Куёшнинг бир неча

диа-метрига тенг) қатлами. Қ.т. Куёш гар-дишидан тахм. миллион марта хира бўлиб, Куёш тўла тутилиши пайтида аниқ кўриш мумкин. Қ.т. Куёш фаоллиги максимал йилларда симметрик, минимал йилларда эса экватор бўйлаб чўзиқ шаклда бўлади. Қ.т. спектрида кўп марта ионланган Fe, Ca, Mg, C, O ва 8 элементлари атомларининг эмиссион чизиқлари бор. Қ.т.да барча атомлар ионланган. Қ.т.нинг ўртача т-раси 10^6 Кдан юкори ва тож бўйлаб секин ўзгаради. Қ.т.нинг ташқи қатламларидан фазога юкори энергияли зарра (протон, электрон)лар сочилиб туради ва бу оқим *куёш шамоли* деб аталади. Куёшнинг фаол соҳалари устида тож моддаси анча қуюқлашган бўлиб, т-раси 10^7 К гача боради, рентген ҳамда радионурланиш ниҳоятда кучли бўлади, Қ.т. баланд тоғларга ўрнатилган махсус телескоплар — коронографлар ёрдамида ҳам кузатилади.

КУЁШ ТОШИ — минерал, гематит ёки слюдалар тангачалари бўлган ярим шафтоф плагиоклаз; олтин каби ялтираш хусусиятига эга. Қ.т.дан безак тош сифатида фойдаланилади.

КУЁШ ТУРИШИ - Куёш гардиши марказининг *эклиптиканинг* энг шим. ёки энг жан. нуктасидан ўтиш пайтлари. Бу пайтларда Куёшнинг оғишлари мос равишда — $23^{\circ}27'$ ёки $+23^{\circ}27'$ бўлади. Қ.т. пайтларига яқин кунларда Куёш эква-торга деярли параллел кўринма ҳаракатланади, натижада Куёшнинг туш пай-тидаги баландлиги деярли ўзгармайди. Тропик йил (365,2422 кун) билан кален-дарь йил (365 ёки 366 кун) тенг бўлмаганлиги сабабли Қ.т. кален-дарь сутканинг бошланишига нисбатан турли вақтларга мос келади, оддий йилларда 5 соат 48 мин. 46 сек. кечроқ ёки кабиса йилида 18 соат 11 мин. 14 сек. олдинроқ келиши мумкин. Ҳоз. вақтда ёзги Қ.т. нуқ-тасидан календарь йилнинг 21 ёки 22 июнида (астрономик ёз бошланади), кишки Қ.т. нуктасидан 21 ёки 22

декаб-рда (астрономик киш бошланади) ўтади. Шим. ярим шарда ёзги Қ. т. нуктасида бўлганида, кундузнинг давомийлиги энг узок, кишки Қ.т. нуктасида бўлганида энг калта, жан. ярим шарда эса шу кунлари аксинча бўлади.

КУЁШ ТУТИЛИШИ - Куёшнинг ой гардиши билан тўсилиши натижасида со-дир бўладиган ҳодиса; Ой ўз ҳаракати да-вомида Ер билан Куёш орасидан ўтаётиб, маълум пайтларда Куёш юзасини тўсиб кўяди ва Ой сояси Ернинг маълум ҳудудига тушади. Ўша жойда Куёшнинг тўла тутилиши кузатилади ва атроф коронғилашади. Қолган жойларда тути-лиш қисман кузатилади. Бир йилда 2 та-дан 5 тагача Қ.т. бўлиши мумкин. Ернинг Куёш атрофидаги ва Ойнинг Ер атрофи-даги ҳаракатлари чўзинчоқ орбиталар бўйлаб бўлгани сабабли улар орасидаги масофа доимо ўзгариб туради. Натижада Куёш ва Ойнинг кўринма диаметри доим ўзгариб туради. Қ.т. пайтида Ойнинг кўринма диа-метри Куёшникидан етар-лича катта бўлса, тўла тутилиш содир бўлади ва унинг максимал фазаси узокроқ (7,5 мин.дан ошмайди) бўлади. Ой гар-диши Куёш гардишидан кичик бўлса, у Куёш юзасини бутунлай тўса олмайди ва бу пайтда у осмонда ингичка ёруғ халқа (ҳалқасимон тутилиш) тарзида кузати-лади. Ой ўз орбитаси бўйлаб секундига 1 км тезлик билан ҳаракатлангани учун ой сояси ҳам тахм. шундай тезлик билан ҳаракатланади. Лекин, соя ўз ўқи атрофи-да айланиб турган Ерга тушади. Ер айла-нишининг йўналиши ҳам Ой соясининг ҳаракат йўналиши билан бир хил бўлади. Лекин, Ер юзасидаги маълум нуктанинг тезлиги Ой сояси тезлигидан камроқ. Бу тезлик экваторда энг катта — секундига 465 м га етади. Ой сояси ўзидан олдин-да кутаётган Ер нукталарини қувиб етиб, катта тезлик билан ундан ўзиб кетади. Шунинг учун ҳам Қ.т. гарбдан бошла-ниб, шарққа қараб силжийди ва жуда катта масофаларга чўзилиб кетади. Куёш тўла тутилиши минтақасининг кенглиги

300 км, умумий уз. 10000 км га етиши мумкин. Қадимда кишилар Куёш тутилишларини одиндан билганлар. Уларга тутилиш такрорланиб турадиган давр ҳам маълум бўлган. Бу сарос деб аталиб, у 18 йил 11 кун 8 соатга тенг. Ер юзининг маълум жойида тўла Куёш тутилиши камдан-кам такрорланадиган ҳодиса ўрта ҳисобда 300 йилда бир марта кузатилиши мумкин.

КУЁШ ШАМОЛИ — Куёш плазмасининг сайёралараро фазога узлуксиз радиал оқиб чиқиши. Аслида Қ.ш. *Куёш тожининг* ташқи қатламларидан юқори энергияли зарра (протон, электрон)лар сочилиб туришидир. Қ.ш. тер-минини биринчи бўлиб америкалик физик Е.Паркер киритган (1958). Куёш тожининг доимо 1,5—2 млн. К гача қизиши нурланиш орқали сарфланаётган энергия билан мувозанатда бўлмайди. Қолдиқ энергияни Қ.ш. олиб кетади. Қ.ш. плазмаси куёш тожидаги сингари асосан протон, электрон ва гелий атомлари ядроларидан иборат. Зарралар зичлиги 1 м^3 да тахм. 6 млн.га етади ва уларнинг ўртача тезлиги 400 км/сек. Қ.ш. моддаси Куёш магнит майдонларини ўзи билан олиб кетади. Қ.ш. фазода Ер магнит майдонини чеклайди ва Ер орбитаси яқинидаги орбитада $=5 \cdot 10^{-5}$ эрстедни ташкил этади. Қ.ш.га ўхшаш моддаларнинг оқиб чиқиши баъзи юлдузларда ҳам кузатилади.

КУЁШ ЭНЕРГЕТИКА ҚУРИЛМАСИ — *куёш радиацияси* (нури)ни ютиб, унинг энергиясини иссиқлик ёки электр энергиясига айлантирувчи қурилма. Иссиқлик ва электр Қ.э.к. бор. Иссиқлик Қ.э.к.да иссиқ сув, техно-логик буғ, чучук сув ёки сунъий совуқ ҳосил қилинади. Электр Қ.э.к. энергияни ўзгартириш принципига қараб, фотоэлектрик (қ. *Куёш батареяси*), термоэлектрик, термоэмиссион ёки машина цикли Қ.э.к. бўлиши мумкин. Юқори қувватли (бир неча МВт ли) Қ.э.к. кўпинча Куёш энергетика ст-яси (куёш

электр ст-яси) деб аталади.

Куйи т-рали Қ.э.к.да табиий зичлиги — $-0,8 \text{ кВт/м}^2$ куёш радиациясидан фойдаланилади. Мас, бундай Қ.э.к. ёрдамида олинадиган $60\text{—}70^\circ$ ли иссиқ сув биноларни иситишда, паст т-рада қайнайидиган суюқликлар (фреон, хлор, этил ва б.) нинг буғи махсус турбиналарни ҳаракатлантиришда ва совиткич машиналарида қўлланилади.

Юқори т-рали Қ.э.к.да куёш радиацияси зичлиги табиий зичликка нисбатан $10^2\text{—}10^4$ марта катталаштирилиб, бир жойга тўпланади (фокусланади); бунинг учун бир ёки бир неча кўзгу ёхуд линзалар тўпланидан фойдаланилади (қ. *Гелиооконцентратор*).

Қ.э.к. ерда ва космосда қўлланилади. Ердаги Қ.э.к. таннархининг юқорилиги ва иқлим шароитларининг чегараланганлиги туфайли камроқ ишлатилади. Космик Қ.э.к.дан ер сунъий йўддошлари ва б. космик аппаратларини мус-тақил энергия билан таъминлашда фойдаланилади (яна қ. *Гелиоқурилма*).

КУЁШ ҲАЛҚАСИ - Куёшнинг мос баландликларини кузатиш усули бўйича вақт тузатмаси аниқланадиган ас-боб; ичи шкалали металл ҳалқа. Найза учига ўрнатилган (расмга қ.). Найзадан тахм. 45° масофада тешикча очилган. Тушдан 2 соат олдин Куёш тешик орқали ҳосил қиладиган ёруғ нуқтанинг шкала бўлақларидан ўтиш моменти текшириладиган соатда белгилаб қўйилади. Кузатиш тушдан кейин такрорланади. Бу моментлар йиғиндисининг ярми (ярим минут аниқлигида) ҳақиқий туш вақти соатини кўрсатади. Вақт тенгламасига қўшиб, ўртача куёш туш соати ҳосил қилинади; — минтақаларнинг географик узунлиги ва соат минтақаси рақами аниқланиб, маҳаллий минтақа вақти, сўнгра соат тузатмаси ҳисобланади.

КУЁШ - ЕР БОҒЛИҚЛИГИ - Куёш фаоллигининг Ердаги жараёнларгатаъсири. Куёш таркатаётган энергия ($3,9 \cdot 10^{38}$

эрг/сек)нинг атиги $5 \cdot 10^{-10}$ қисми Ерга етиб келади ва у Ердаги деярли барча жараёнларнинг энергия манбаи ҳисобланади. Куёшнинг рентген, ультрабинафша тўлқинларда нурланиши Ер ионосферасини вужудга келтиради, корпускуляр (зарра) нурланиши, яъни *Куёш шамоли* Ер магнитосфераси динамикасини белгилайди. Куёшнинг умумий нурланиши ўзгаришлари 1% дан ошмайди. Бу эса Ернинг иссиқлик мувозанати турғунлигини таъминлайди. Лекин Ердаги барча ҳодисаларга Куёшдан доимий келади-ган энергиядан ташқари, Куёш фаоллиги билан боғлиқ бўлган электро-магнит ва корпускуляр ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Бу ўзгаришлар, асосан, рентген, ультрабинафша ва радиотўлқинларда кузатилиб, Куёш фаоллигининг 11 йиллик даври ва Куёшнинг ўз ўқи атрофида айланиш даври бўлган 27 кунлик даврийликларда сезилади. Куёш чакнашлари вақтида сокин куёш нурланишига нисбатан рентген тўлқинларда нурланиши 100 марта, ультрабинафша тўлқинларда 50% дан кучлироқ бўлади, радиотўлқинларда нурланиши эса турли чайқалишлардан иборат. Куёш чакнашлари Куёш космик нурлари манбаи бўлиб, унда чиқариб ташланган зарралар оқимлари куёш шамолида узилишлар ва зарба тўлқинларини вужудга келтиради. Куёш чакнашларининг рентген, ультрабинафша тўлқинларда нурланиш ва космик нурлари Ерга 8—30 мин.да етиб келади ва ионосферани қўшимча ионлаштиради, натижада Ер атмосферасида радиотўлқинларининг тарқалиш шароити ўзгаради. Мас, шу пай-тларда радиотўлқинларнинг ютилиши юз беради, куёш чакнашлари чиқариб ташланган зарралар оқими ерга 1—2 кунда етиб келиб, магнит бўронлари ва қутб ёғдулари ҳосил қилади.

Куёш фаоллиги Ер атмосферасининг пастки қатламлари (об-ҳаво ва иқлим) ва *биосферага* бевосита эмас, балки жуда мураккаб йўллар орқали таъсир қилади, чунки куёш электромагнит ва корпускуляр нурланишида у билан боғланган че-

кинишлар Ер атмосферасининг юқори қатламларида ютилиб, пастки қатламгача тўғридан-тўғри етиб келмайди. Кейинги маълумотларга кўра, Ер атмосферасининг юқори ва пастки қатламларидаги шароит бир-бирига боғлиқ бўлиб, Куёш фаоллигининг *тропосферага* таъсири тўғрисида тегишли маълумотлар олинмапти. Мас, қутблари атрофларида тропосфера ҳолатининг Куёш фаоллиги билан боғлиқлиги исботланган. Куёш фаоллигининг биосферага таъсирини гелио-биология фани, физик жараёнларга таъсирини эса гелиогеофизика фани ўрганади. Шунингдек, дарахтлардаги йиллик ҳалқаларнинг ортиши, қон (йиғилиши, лейкоцитлар сони ва б.лар) хусусиятлари, юрак-қон томирлари касалликлари ва уларнинг оқибатлари куёш активлигига боғлиқлиги аниқланган.

КУЁШЛИЛАР - *саркомас-тигофорулар* типига мансуб бир хужай-рали ҳайвонлар гуруҳи (илгариги кенжа синфи). Хужайрасининг ўлчами, одатда, 0,1—0,3 мм. Марказий капсу-ласининг бўлмаслиги билан нурлилардан фарқ қилади. Шакли кўпинча шарсимон, аксоподийлари (цитоплазмасидан чиқувчи нурлар) радиал йўналишда бўлади. Бундай аксоподийлар бўйлаб микронайчалар ўтади. Айрим Қ.да кремний скелети бор; бошқаларида скелет бўлмайди. Ядроси 1 та ёки бир нечта (баъзан 200 тагача). Жинссиз (2 га бўлиниш ёки куртاكلаниш) ва жинсий (амёбасимон, баъзан хивчинли гаме-талар ҳосил қилиб) кўпаяди. Ноқулай шароитда ва жинсий кўпайишидан олдин циста ҳосил қилади. Микроскопик сувўтлар, бир хужайралилар, *огизайлангичлар* ва б. билан озиқланади.

КУЁШСИМОНЛАР - суякли балиқлар туркуми. Уз. 10—80 см, вазни 8 кг гача. Сузгич пуфаги ёпик, жабра пардаси 5—8 нурли. Сузгичлари тиканли: орқа сузгичлари 2, қорин сузгичлари 6—10 нурли (номи шундан). 50 га яқин

тури бор. Барча океанларнинг тропик ва илиқ сувларида тарқалган. Қора денгизда 1 тури учрайди. Сув тубида, айрим турлари 1000 м гача чуқурликда учрайди. Планктон ҳайвонлар ва майда балиқлар билан озикланади. маҳаллий аҳоли томонидан овланади.

ҚУЗҒУН — *қаргасимонлар* оиласига мансуб қуш. Европа, Осиё (жанубишарқий қисмидаи Бошка жойларида), Шим. ва Марказий Америка, Шим. Африкада тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида учрайди. Танаси 60—65 см. Қора, кўк ёки яшил тусда металлдек ялтирайди. Томоғидаги парлар узунрок. Ўтроқ ёки кўчиб юриб яшайди. Дарахт, қоя, баланд иншоотлар ва б.га уя ясайди. Бир уядан бир неча йил фойдаланади. 5—6 та тухум қўйиб, 19—21 кун босади. Ҳаммаҳўр.

ҚУЙИ БЎЗСУВ ГЭСЛАРИ КАСКАДИ — *Чирчиқ—Бўзсув сув-энергетика трак-/яининг* қуйи қисмидаги ГЭСлар маж-муи, унитар корхона. Каскад Бўзсувнинг уз. 100 км бўлган энергетика трак-тида Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманлари худудида жойлашган. Умумий қуввати 50,9 МВт бўлган 5(14-, 18-, 19-, 22-, 23-) ГЭСдан иборат. ГЭСлар Тошкент вилоятининг Зангиота, Ян-гийўл, Чиноз туманларидаги саноат корхоналарини ва аҳоли эҳтиёжларини электр энергияси билан таъминлашга мўлжаллаб қурилган. Каскаддаги биринчи қурилган 14-ГЭС Зангиота туманида жойлашган. Қурилиш 1943 й. фев. да бошланиб 1944 й. дек.да ишга туширилган, 10,7 МВт қувватига эга бўлган 1 агрегат ўрнатилган. 18-, 19-, 23-ГЭСлар Янгийўл туманида. 18-ГЭСнинг умумий қуввати 7,0 МВт бўлиб, ҳар бири 2,34 МВт қувватли 3 та агрегатга эга (2 агрегати 1949 й.да, 3-агрегати 1951 й.да ишга туширилган). 19-ГЭС 1950 й.да ишга туширилган. Умумий қуввати 11,2 МВт (5,6 МВт қувватига эга бўлган ва Германияда ишлаб чиқарилган 2 та агрегат). 23-ГЭС

1954 й.да ишга туширилган. Урнатилган қувватлар 17,6 МВт (8,8 МВт қувватли, Швециянинг «Нохаб» фирмасида ишлаб чиқарилган 2 та турбинали агрегат); 22-ГЭС Чиноз туманида жойлашган, қуввати 4,4 МВт (2,2 МВт қувватга эга бўлган 2 агрегат). 1954 й.да ишга туширилган. ГЭСлар ишини бошқаришни марказлаштириш мақсадида 1955 й.да улар бир каскадга бириктирилиб, Қ.Б. Г.К. ташкил этилган. Унинг таркибидаги барча ГЭСлар 19-ГЭСдан автоматик бошқарилади. 2003 й.да каскад стаяларида 233,7 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ҚУЙИ ДУНАЙ ТЕКИСЛИГИ, Руминия пасттекислиги — Руминия ва Болгариянинг шим. қисмидаги текислик. Шим.да Карпат тоғлари билан жанубда Болгария платоси оралайди. Уз. 560 км, эни 40—120 км. Юзаси плейстоцен аллювий ва лёсслари билан қопланган мезозой ва кайнозой ётки-циклари билан тўлган тектоник букилмада жойлашган. Ер юзаси ўр-қирли, дарё водийлари, ясси жар ва жарликлар билан қесилган. Дунай дарёси дельтаси ва водийсида қатта худудлар ботқоқликлардан иборат. Қўл кўп. Икдими мўъта-дил, континентал. Январнинг ўртача т-раси —1°, —3°, июлники 22—23°. Йиллик ёғин 400—600 мм. Дунай дарёси водийсида ўрмонлар сақланган. Қ.Д.тнинг қатта қисмидан қ.х.да фойдаланилади. Руминия пойтахти Бухарест ш. жойлашган.

ҚУЙИ ЖАНУБИЙ КАЛИФОРНИЯ -Мексикадаги штат, Калифорния я.о.нинг жан. қисмида. Майд. 73,7 минг км². Аҳолиси 424 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Ла-Пас ш. Табиати ҳақида *Калифорния* (ярим орол) мақоласига қ. Хўжалигининг асосий тармоғи — қ.х. Сугориб деҳқончилик қилинади: пахта, буғдой экилади, цитрус мевалар етиштирилади. Саноатининг етакчи тармоғи — рангли металлургия. Шунингдек, озик-овқат, пахта тозалаш

саноати корхоналари мавжуд. Денгиздан марварид олинади, балиқ овланади.

ҚУЙИ КАЛИФОРНИЯ ВОДИЙСИ

- АҚШ ва Мексикадаги пасттектислик. калифорния қўлтиғи ботиғининг давоми — тоғ оралиғидаги тектоник ботикда жойлашган. Водийнинг жан. қисмидан оқиб ўтган Колорадо дарёси оқизиб келтирган аллювиал жинсларнинг қалин қоплами билан тўлган. Қадимда бир неча марта Колорадо дарёси суви босиши натижасида шўр қўллар вужудга келган. Иклими субтропик қуруқ иқлим. Йиллик ёғин 100 мм чамасида. Усимлик ду-нёси крезит буталар, кактус ва б.дан иборат. Колорадо дарёси билан Солтонси қўли оралиғидаги ерларда суғориб деҳқончилик қилинади, асосан, пахта экилади.

ҚУЙИ САЙЁРАЛАР - Ер орбитаси ичида жойлашган сайёралар — *Венера* ва *Меркурий*. Улар осмон гумбазида Қуёшнинг гоҳ ўнг томонида, гоҳ чап томонида кузатилиб, гўё унинг атрофида тебранма ҳаракат қилаётгандай кўринади.

ҚУЙИ САКСОНИЯ - Германия ери (федератив бирлик). Мамлакатнинг шим. қисмида, Везер, Эмс, Эльба дарёлари ҳавзасида. Шимолий денгизга туташ. Катта қисми Ўрта Европа текислигида жойлашган. Жан.-шарқида Гарц тоғлари бор. Майд. 47,6 минг км². Аҳолиси 7,9 млн.киши (2001). Маъмурий маркази — Ганновер ш.

Қ.С. катталиги бўйича 2-ўриндаги ер. Иқтисодиёти индустриал-аграр характерга эга. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, темир рудаси ва рангли металл рудалари, калий ва ош тузи қазиб олинади. Қўнғир кўмир конлари бор. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик, кemasозлик («Мейер» верфи), пўлат қуйиш ва кимё саноатлари. «Фольксваген» концерни энг йирик корхоналардан бири. Фотоаппарат ва пианино ишлаб чиқарилади. Электротехника, озик-овқат,

тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Энг йирик саноат маркази — Ганноверда ҳар йили саноат ва халқаро коммуникация техникаси ярмаркалари ўтказилади.

Худудининг 2/3 қисмидан қ.х.да фойдаланилади. Уларнинг деярли ярми яйлов ва ўтлоқ. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Асосан, ем-хашак экинлари, илдимевалилар ва картошка экилади.

Муҳим портлари — Вильгельмсхафен, Эмдем, Норденхам, Браке. туризм ривожланган.

ҚУЙИ ТУНГУСКА - РФ Иркутск

-вилояти ва Красноярск ўлкасидаги дарё. Енисейнинг ўнг ирмоғи. Уз. 2989 км, ҳавзасининг майд. 473 минг км². Лена — Ангара сувайирғичидан бошланиб, Ўрта Сибирь яситоғлиги бўйлаб оқади. Остоналари бор. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 3680 м³/сек. Окт.да музлаб, майда муздан бўшайди. асосий ирмоқлари: ўнгда — Кочечум, Виви, Тутончана, Северная; чапда — Непа, Катта Ерёма, Илимпя, Тай-мура, Учами. Суви кўпайганда Тура шаҳарчасидан қуйилиш жойигача кема қатнайди. Қуйилиш жойида Туруханск пристани жойлашган. Қ. т. ҳавзасида Тунгуска кўмир ҳавзаси бор.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ - Тошкент

вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. 1962 й. дек.да Оққўрғон туманига қўшиб юборилган. 1973 й. дек.да қайта ташкил қилинган. 1978 — 91 й.ларда Ғалаба тумани деб аталган. Шим.да Чиноз ва Янгийўл, шарқда Ўрта Чирчиқ, жан.да Оққўрғон туманлари, ғарбдан Сирдарё орқали Сирдарё вилояти билан чегарадош. Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 96 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Дўст-обод), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гул, Истиклол, Кетмонтепа, Май-донтол, Тошлок, Тошовул, Янгиҳаёт, Ўзбекистон, Қўрғонча) бор. Маркази — Дўстобод ш.

Табиати. Туман худуди Чирчиқ ва

Оҳангарон дарёлари куйи оқимлари оралигида жойлашган. Ер юзаси, асосан, ясси текислик, шарқдан ғарбга томон пасайиб боради. Иқлими континентал, қиши нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ давом этади, иссиқ ва қурук. Январнинг ўртача т-раси — Г дан —1,5° гача, июль-ники 26—27°. Йилига 250—350 мм ёғин тушади. Вегетация даври 200—212 кун. Суғориш каналлари ўтказилган. тупроғи, асосан, бўз тупроқ. Грунт сувлари ер юзасига яқин ерларда ўтлоқи ва ўтлоқи боғтоқ тупроқлар, дарё соҳилларида аллювиал тупроқтар тарқалган. Ерлар қ. х. да ўзлаштирилганидан табиий ўсимликлар кам. Сирдарё бўйларида баъзан тўқайлар учрайди. Юлғун, туран-ғил, ёввойи жийда ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, юмронқозик, қўшоёқ, кўрсичқон, тошбақа, калтаке-сак, тўқайларда чиябўри, ёввойи қуён, қушлардан ўрдак, кирғовул, чумчук, лойхўрак ва б. учрайди. Сувларида сув каламуши, бақа, сув илони, балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, корейс, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 171 киши. Шаҳар аҳолиси 13,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 82,4 минг киши.

Хўжалиги. Туманда 240 га яқин хусусий, 180 кичик қорхона ва б. бор. Шулардан йириклари: пахта тозалаш з-ди, балиқчилик хўжалиги, «Нисси» қўшма қорхонаси (шоли маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган), автоқорхона ва б. Қ. х.да пахтачилик, ғал-лачилик етакчи ўринда. Пилла ҳам етиштирилади. Тумандаги 11 ширкат хўжалигидан 8 таси пахта ва ғалла, биттаси шоли етиштиришга, биттаси боғдорчиликка ихтисослашган. 387 фермер, 160 дехқон хўжалиги фаолият кўрсатади. Қ. х. ерларига пахта, ғалла, шоли, каноп, сабзавот, қар-тошқа, озуқа экинлари экилади. Боғлар ва тоқзорлар мавжуд. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларидан 23 минг қорамол (шу жумладан, 11,5 минг сигир), 6,9 минг қўй ва эчки бор, шунингдек, парранда, йилқи

ҳам боқилади.

2004/05 ўқув йилида туманда 51 умумий таълим мактаби (22,2 минг ўқувчи), 2 касб-хунар коллежи (520 ўқувчи) фаолият кўрсатди. 19 кутубхона, 16 клуб муассасаси, 5 стадион, спорт майдончалари ва б. спорт иншоотлари бор. 2 касалхона (240 ўрин), туғруқхона, 2 поликлиника, 15 фельдшер-акушерлик пункти, 16 қишлоқ-врачлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 116 врач, 688 ўрта ва кичик тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудини шарқдан Тошкент — Ангрэн т. й. линияси кесиб ўтган. Тошкент — Дўстобод, Тошкент — Оққўрган автомобиль йўллари ҳам туман ҳудудидан ўтган. Туман марказида Хотира майдони барпо этилган. 1927 й.дан «Эркин сўз» туман газ. чоп этилади (адади 1620).

ҚУЙИ ШИМОЛИЙ КАЛИФОРНИЯ — Мексиканинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Асосий қисми *Калифорния* я.о.нинг шим.да жойлашган. Майд. 70,1 минг км². Аҳолиси 2,4 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Мехикали ш. Иқтисодиётида етакчи тармоқ — қ.х. Суғориб дехқончилик қилинади. Чор-вачилиги гўшт етиштиришга ихтисослашган. Денгиздан балиқ овланади. Озиқ-овқат, цемент, электротехника саноати қорхоналари мавжуд. Автомобиль йўллари штатнинг шим.ни унинг жан. қисмлари билан боғлайди.

ҚУЙИМОЗОР СУВ ОМБОРИ - Бухоро вилоятида Қуйимозор ва Когон т.й. ст-ялари оралигида жойлашган. 1958 й.да Зарафшон дарёсининг этак қисмидаги чуқурликлардан бирининг атрофини кўтариб қурилган. Сув омборининг қосаси қумтош аралаш лойқалардан ташкил топган ётқизикларда жойлашган. Дастлабки сув ҳажми 280 млн. м³, майдони 16,2 км². Ёнг кенг жойи 5 км, ўртача чуқ 17 м, ёнг чуқ. жойи 40 м. 1968 й.да сув омбори қосасининг қирғ-оқтари 2 м дан ортик баланд марза-

лар билан кўтарилди. Унинг сув ҳажми 350 млн.м³ гача, майд. 17,3 км² га етди. Қ.с.о.га махсус канал (18 км) орқали Зарафшон дарёсидан сув келтирилади, шунингдек, *Аму-Бухоро машина каналиян* 40 м³/с сув қуядиган Қуйимозор насос ст-яси қурилди. Жамғарилган сув ўз. 72 км ва сек.ига 100 м³/с га қадар сув оқадиган канал орқали ирригация шохобчаларига тарқатилади. Сув омборида сув сатхи ўзгариб туради. Қ.с.о. таркибига Хорхўр ва Дуоба гидроузеллари қиради. 1965 й.дан бери Қ.с.о. Аму-Бухоро машина канали сувини тартибга солиш мақсадида фойдаланилади. Магистрал канал билан биргаликда сув омбори 94 минг га ерни суғоради.

ҚУЙМАЧИЛИК - қ. *Рихтагарлик*.

ҚУЙМОҚ — тухумга ун чалиб, ёғда қовуриб тайёрланадиган овқат. Чуқурроқ идишга тухум чақиб, қошиқ билан яхшилаб аталанади, туз билан ун кўшилади. Оз-оздан ун солиб, кумоқлари йўқолгунча аталанади, сўнгра доғланган ёққа қуйиб пиширилади.

ҚУЙМУЧ — одамда ён-бош суягининг Қ. қосаларини ҳосил қилишда қатнашадиган қисми; танаси ва ундан пастга давом этган юқори бутоғи бор. Ана шу буток бурчак шаклида пастки бутокка ўтади; Қ. суяги иккала бутоғининг ўзаро бирлашган жойи кенгайиб йўғонлашган Қ. дўмбо-ғини ҳосил қилади. Қ. суяги танасининг орқа томонидаги ўткир учли ўсиқ билан Қ. дўмбоғи орасида Қ.нинг кичкина ўймаси жойлашган. Қ. ҳамда қов суяқларининг бутоклари ўзаро бир-бири билан қўшилиб, каттагина тухум шаклидаги ёпқич тешикни вужудга келтиради.

ҚУЙМУЧ НЕРВИ — одам ва умуртқали ҳайвонлардаги энг йирик нерв. Орқа мия ўсиқлари ва орқа мия тугунининг сезувчи толалари (одамда 4, 5-жуфт бел ва 1—3-жуфт думғаза нервлари)дан ҳосил бўлади. Бу нерв думғаза чи-

галидан узун тармоқлар тарзида ноксимон мускул ости тешиги орқали чиқади. Қ.н. битта яхлит бириктирувчи тўқима пардаси билан ўралган, катта болдир ва кичик болдирнинг умумий нервларидан иборат. Булардан бири оёқ қафти ва болдирнинг орқа гуруҳ мускулларини иннервациялайди, у тизза, панжа бўғими ва панжанинг қафт териси билан медиал томондаги терисига тармоқлар беради. Иккинчиси умумий кичик болдир нерви чуқур (харакатлантирувчи толалар) ва юза (сезувчи толалардан иборат) шохларга бўлиниб, товон ва болдирнинг ташқи томонидан терисини иннервациялайди. Қ.н.нинг оғриқли яллиғланиши — *ишиас* кўпроқ қузатилади.

ҚУЛБОБО КЎКАЛДОШ, амир Қулбобо, Муҳиббий (тахм. 1534—1598, Бухоро) — давлат арбоби ва ҳарбий саркарда. Отаси Искандархон ва Абдуллахон II нинг бош садри бўлган. Искандархоннинг ўғли *Абдуллахон II*нинг кўкалдош (эмишган) иниси ва яқин кишиларидан бирига айланган. Отаси вафот этгач (1581), Қ.К. унинг садр лавозимини эгаллаган. Абдуллахон II Бухоро тахтига ўтиргач, Қ.К. саройда нуфузли мансаб — *кўкалтошликни* эгаллаган, девони мушрифига раҳбарлик қилган ва хоннинг кўпгина ҳарбий сафарларида иштирок этган. Қ.К. йирик саркарда сифатида Қундуз ва Бадахшондаги бошқа шаҳарларни эгаллашга жонбозлик кўрсатган (1584). 1587 й.дан Ҳирот вилояти ноиб. Сафавийлар давлати Хуросондаги Тун ва Табос ш.ларини босиб олиш учун ҳужум қилганида Қ.К. ва Динмуҳаммад Султон *қизил-бошиларни* мағлубиятга учратган (1592). Бирок Қ.К. нуфузининг ортиб бориши ва Ҳиротда ноиб бўлиб туриши Абдуллахон II билан унинг ўғли Балх ҳокими валиахд *Абдулмўминхон* ўртасидаги муносабатлар ёмонлашувига олиб келган. *Ҳофиз Таниш Бухорий* ўзининг *«Абдуллонома»* асарида Қ.К.ни «умдат ул-мулк» («подшолик таянчи»), «низоми салтанат», «амир Низомид-

дин» деган таърифлар билан улуғлайди. Қ.К. ўз даврининг саводхон кишилари-дан бири бўлиб, у шоирлар, олимлар ва санъаткорларни жуда кадрлаган ҳамда уларга ҳомийлик қилган. Ўзи ҳам шоирликда ном чиқариб, «Муҳиббий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг Балхда жуда бой кутубхонаси бўлган. У вазир ва амир сифатида ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан Бухоро, Балх, Самарқанд ва Тошкентда 1551 — 75 й.ларда 4 та мадраса қурдирган (қ. *Кўжалдош мадрасаси*). Хусусан, Балхнинг ободончилигига катта эътибор қаратиб, бу ерда жомеъ масжиди ва работ ҳам қурдирган.

Абдуллахон II вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўминхон отасининг яқин кишилари қаторида Қ.К.ни ҳам қатл қилдирган (1598).

Манба: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдуллонома, 1—2 китоблар, Т., 1999—2000.

Ад.: Ахмедов Б. А., История Балха, Т., 1982.

ҚУЛДОРЛИК ЖАМИЯТИ - инсоният тарихида *ибтидоий жамият* ўрнига келган тузим. Қ.ж.да — қулдорлар ва қуллар билан айна пайтда эркин дехқонлар, хунармандлар ва б. ижтимоий гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган. Энг қад. қулдорлик давлатлари (Миср, Шумер) мил. ав. 4-минг йиллик охири — мил. ав. 3-минг йиллик бошида вужудга келган. Қ.ж. Юнонистон (мил. ав. 5—4-а.ларда) ва Қад. Римда (мил. ав. 2-а. — мил. 2-а.) юксак даражада ривожланган. Давр ўтиши билан бу жамият ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига тўсиқ бўла бошлаган. Қуллар кўзғолонлари қулдорликнинг эмирилишини тезлаштирган.

ҚУЛЖУҚТОВ — Навоий вилоятидаги тоғ. Қизилқумдаги қолдиқ тоғлардан бири, Жан. Қизилқумнинг чекка қисмида. қ. нисбаган паст тоғ бўлиб, энг баланд жойи 785 м. Геологик жиҳатдан Қ. палеозой даврининг

ордовик вулканоген терриген ва қисман, кар-бонат жинсларидан ҳамда силур, девон, қуйи карбон даврларининг кар-бонатли, ўрта ва юқори карбоннинг вулканоген-терриген ётқизикларидан ташкил топган. Юза қисми палеозой даврининг гранит, алевролит каби жинслари билан қопланган. Иқлими кескин континентал. қ. қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида экзоген жараёнларга кўпроқ дуч келган, натижада еми-рилиб пасайиб қолган. Унинг шим. ён бағри қия ва кўплаб қуруқ ўзанлар билан кесилган. Баҳорда бу ўзандан қисқа муддат сув оқади. Июлда энг юқори т-ра 48°, янв. да энг паст т-ра —28,5°. Йиллик ўртача т-ра 15,2°. Йиллик ёғин 104 мм. Фойдали қазилмалардан олтин, графит, вольфрам ва б. бор. Тоғ этакларида кумлоқ тупроқ ва мустахамланган кум уюмлари мавжуд. Шувок, боялич, сой этакларида эса юлғун уч-райди. Ҳайвонлардан қўшоёқ, тулки, чиябўри, калтакесак, тошбақа, чарх илон, кўзойнакли илон, тоғ этакларида юмронқозик яшайди. қ. ва унинг этагидаги ерлардан чорвачилик учун яйлов сифатида фойдаланилади.

ҚУЛИЕВ Қайсин Шуваевич (1917.1.11 — ҳоз. Кабарда-Балкария Республикаси, Чегем тумани — 1985.4.6) — болкор шоири. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—44). Москвадаги Театр санъати ин-тини тугатган (1939). Илк шеърлар китоби — «Ассалом, тонг» (1940). Асарларида инсон кечинмалари, табиат, ватан, озодлик ва турмуш ташвишлари, ўз замонаси ва тарихий ўтмиш воқеалари акс этган. «Кўшнилларим» (1939-45), «Даралар қўшиғи» (1960) шеърый тўпламлари ва «Ярадор тош» (1964), «Ер китоби» (1972), «Оқшом» (1974), «Замин чиройи» (1980) каби дostonлар муаллифи. Болкор халқи тарихи ва тақдирига бағишланган «Қиш эди» (1985) эпик асари умрининг охирларида ёзилган. Бир қатор Кавказ халқлари вакиллари қатори Ўрта Осиёга сургун қилинган Қ. 1944—57 й.ларда

Қирғизистонда яшаган. Ўзбекистонда ўтказилган нуфузли адабий тадбирларда мунтазам қатнашган. У ўзбек шеърятини ниҳоятда кадрлаган; Зулфия, Шукрулло, Абдулла Орипов каби ўзбек шоирларининг шеърларини болқор тилига таржима қилган. «Гул ва ханжар» (1968), «Кўзларингни севаман» (1977), «Мени ардоқлаган аёлларга» (2004) китоблари ўзбек тилида нашр қилинган.

Ас: Собрание сочинений, п 3-х т. М., 1987.

Ад.: Эфендиев Т., Кайсын Кулиев, М., 1985.

ҚУЛИЕВА Майя (Мамажон; 1920, Ашхобод тумани) — туркман хонан-даси (лирик сопрано). Халқ артисти (1955). Москва консерваториясида таълим олган (1938—41). 1941 й.дан Махтумкули номидаги Туркман опера ва балет театрининг яккахон хонандаси. Моҳим, Шоҳсанам, Айна (А.Шапошников, «Тоҳир ва Зухра», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Айна»), Лайли (Ю.Мейтус, Д.Овезов, «Лайли ва Мажнун») каби партияларни катта истеъдод б-н, мумтоз операларидан ҳам кўпгина партияларни муваффақиятли ижро этган (П.Чайковскийнинг «Евгений Онегин»ида Татьяна, Ж.Бизенинг «Кармен»ида Микаэла, Ш.Гунонинг «Фауст»ида Маргарита ва б.). Халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам танилган. Бир неча туркман фильмида суратга тушган.

ҚУЛЛИК — эксплуатациянинг тарихан дастлабки ва энг кўпол шакли, унда кул и.ч. қуруллари қаторида, ўз хўжайини — қулдорнинг мулки ҳисобланган. Қулдорлик тузумига асос бўлган. Қ.нинг манбаи: уруш ёки қароқчилик пайтида асир олинган бегона қабила аъзолари, жиноят қилган ёки қарзларини тўлай олмаган каби-ладошлар, шунингдек, қулларнинг табиий кўпайиши, қуллар савдоси ва б. Қулдорлар жабр-зулми қулларнинг йирик кўзғолонларига сабаб бўлган (қ. *Спартак кўзғолони*).

Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида Қ. бирмунча кенг тарқалган. Ислом дини мусулмонларни қул қилишни тақиқлаган, шунинг учун урушлар пайтида асир тушган ва Европа, Осиё ва Африка бозорларидан сотиб олинган ғайридинлар Қ.нинг асосий манбаи бўлган. Мусулмон Шарқи мамлакатларида қуллар огир ишларда — конларда, қўшинларда хизмат қилишган (қ. *Мамлуқлар*). Осиё, Африка ва Америка мамлакатларининг мустамлака асоратига солиниши муносабати билан (16-а.) Қ.нинг янги бос-қичи бошланган. 17—19-а.ларда қул савдоси авж олган. Америкага келтирилган қулларнинг умумий сони 10 млн. кишидан ошиб кетган. Плантацияларда огир меҳнат қилувчи қулларга иш ҳайвони сифатида қаралган. Қуллар қаршилигининг кучайиши ва Қ.ка қарши кенг жамоатчилик ҳаракатининг авж олиши натижасида Қ. бекор қилина бошлаган. Мас, АҚШдаги фуқаролар уруши (1861—65) натижасида Қ. бекор қилинган. Бироқ Марказий ва Жан.-Арабистонда ва Африканинг баъзи мамлакатлари (Эфиопия, Нигерия ва б.) да қ. 20-а.нинг 50-й.ларигача сақланган. БМТ 1948 й. қабул қилган Инсон ҳуқуқи умумий декла-рациясининг 4-моддасида Қ. ва қул савдосининг ҳамма турлари тақиқланиши эълон қилинган. 1956 й. Жене-вада 59 давлат вакиллари Қ. қул сав-доси ва Қ.ка ўхшаш одатлар (мажбурий меҳнат ва б.)ни бекор қилишга доир конвенция қабул қилишган. Ўрта Осиё мамлакатларида Қ. классик шаклда намоён бўлмаган. Бу ерла қуллардан уй хизматлари (қароллар), *ғулумлар* ва б. сифатида фойдаланилган. Ҳарбий ишга олинган ғулумлар баъзан, кейинчалик йирик лавозимларга эришганлар (қ. *Сабуктегин*).

ҚУЛМАМЕДОВ Омон (1908,31,12, Гўктепа тумани — 1977) — туркман актёри, реж., туркман миллий профессионал театр санъатининг асосчиларидан. Халқартисти (1949).

Москвадаги туркман драма студиясида таълим олган (1926—29), 1929 й.дан Мулла-напас номидаги Туркман академик драма театрида актёр, реж. 1963 й.лан лиректор ва бош реж. Отелло (У.Шек-спир, «Отелло»), Махтумкули ва Чернишев (Б.Кербобоев, «Махтумкули»),

«Дадил қадам»), Оллон (Г.Мухторов, «Оллоннинг оиласи»), Шаҳар хокими (Н.Гоголь, «Ревизор») ва б. роллари билан туркман театр санъатида ўчмас из колдирди. Реж. сифатида «Тоҳир ва Зухра», «Бой ила хизматчи», «Хазиналар ороли» сингари спектакллари сахналаштирган.

ҚУЛМОҚ, хмель — тутдошлар оиласига мансуб чирмашиб ўсадиган кўп йилликвабирйилликўсимликлартуркуми. Мўътадил иклимли минтақаларда 4 тури тарқалган. Россиянинг зах ва кенг баргли ўрмонларида, дарё қирғоқларида оддий Қ., Узоқ Шарқда япон Қ.и ўсади. Ўзбекистонда оддий қ. (Н.1ириШ5 Ы.) тури экилади. Пояси чирмашиб ўсади. Бўйи 10 м, барглари бандли, қарама-қарши жойлашган ён баргчали. Уругчи гуллари 30—50 та дан кубба-тўпгулларга йиғилиб барг қўлтиғида жойлашган. Урғочи гулларида лупулин ажратувчи тилла-сарик безчалари бор. Эркак тўпгуллари рўвак. Меваси ёнғоқча. Асосан, урғочи кубба тўпгуллари учун экилади. Пиво тайёрлашда, нон учун ачитки сифатида ҳамда тиббиётда (дори воситасида) қўлланиладн. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Илдизпоясини бўлиш йўли билан кўпайтирилади.

ҚУЛОҚ — одам ва умуртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат органи; эшитиш анализаторининг периферик қисми. Ташқи, ўрта ва ички Қ. фарқ қилинади. Ташқи Қ.ка қулоқ супраси ва ташқи эшитув йўли киради. Қ. супраси усти тери билан қопланган эластик тоғайдан тузилган. Супранинг пастки юмшоқ қисмида тоғай бўлмайди.

Ташқи эшитув йўли анча кенг бўлиб, уз. 30—35 мм. ўрта қисми торайган (бўйин). Ташқи эшитиш кана-лини қоплаган тери сертук бўлиб. ёг безлари олтингугуртга бой молла (сера) ишлаб чиқаради. Қ. сариғи деб шунга айтилади. у химоя вазифасини бажаради; одагда у қатқалокка айланади ва чаинаш, гапириш паитида ўз-ўзидан ташқарига ажралиб чиқади. Қ. сариғи кўп ишланса, сера тикини (пробкаси)ни ҳосил қилиб, ташқи эшитув йўлини бекитиб қўяди. Бу йўлнинг олд девори пастки жағ бўғими билан чегарадош, шунинг учун унинг яллиғланиш касалликларида оғиз очилса, Қ.да оғрик пайдо бўлади. Ташқи эшитув йўлига пастда Қ. олди бези тегиб туради. Ўрта Қ. ноғора бўшлиғи (ичи ҳаво билан тўла), эшитув суякчалари (болғача, сандон, узанги) ва халқум (ютқин) билан туташган *Евстахий найияан* ташкил топган, у ўрта Қ. бўшлиғидаги ҳавони алмаштириб, бир мувозанатда сақлаб туриш вазифасини бажаради. Ўрта Қ.нинг ташқи девори — Қ. пардаси юпқа, аммо пи-шиқпастинкадан иборат. Киши ютинганда Евстахий найи очилиб, ҳаво бурун-халқумдан ўрта Қ.ка ўтади. ноғора бўшлиғининг девори бош мия, йирик кон томир ва юз нервига яқин жойлашган. Ўрта Қ.дан ичкарида спирал шаклидаги ва ташқи кўриниши чиғанокқа (эшитиш органи) ўхшаш, ярим халқасимон каналлар бор; ички Қ. чакка суягининг пирамида қисми ичида жойлашган бўлиб, суяк ва парда лабиринтдан иборат. Суяк лабиринт билан парда лабиринт орасидаги бўшлиқ перилимфа суюқлиғи билан тўла. Ички Қ. вестибуляр аппарат ва чиғанок қисмлари ёрдамида товуш тебраниши ҳамда гавда мувозанатининг ўзгаришини қабул қилиш вазифасини бажаради. чиғанок ичида сезгир эшитув хужайралари бор. Қ. супраси, ташқи эшитув йўли, қ. пардаси ва эшитув суякчалари бу хужайраларга товуш тўлқинла-рини етказиб бериб, уларни таъсирлайди; таъсирот сезгир эшитув хужайраларининг ўсиғидан ташкил

топган эшитув нерви орқали бош мия пўстлогига келади; товуш асосан шу ерда анализ қилинади ва эшитиш функцияси вужудга келади. Товуш манбаи қайси Қ.қа яқин бўлса, шу Қ. олдин ва кучли эшитади, шунга қараб товуш манбаини аниқлаш мумкин. мувозанат аъзоси (вестибуляр аппарат) ярим ҳалқасимон каналлардан ташкил топган; булар турли сатҳда жойлашган бўлиб, ичида эндолимфа суюқлиги бор. Каналларнинг бир учи ампула шаклида кенгайган; ампула ва халтачалар ичида нерв хужайралари жойлашган; улар фазода тана ўз ҳолатини ўзгартирганда ва бош тез ҳаракат қилганда таъсирланади. Вестибуляр аппарат ҳолати ҳар кимда ҳар хил. Айрим кишиларнинг вестибуляр аппарати тез қўзғалувчан бўлади, бундай кишилар автомашинада узоқ юролмайди. Баъзи кишиларда, шунингдек, махсус машқларни ўтганларда вестибуляр аппарат ҳатто самолёт ва космик кемада учишдек кучли таъсирларда ҳам суст қўзғалади. Вестибуляр аппарат қўз соққасини ҳаракатлантирувчи, юрак қисқариши, терлаш каби функцияларни бажарувчи нервлар билан боғланган.

ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ - кулоқнинг туғма нуқсонлари, шикастланиши ва касалликлари. Туғма нуқсонларига: ташки эшитув йўлининг битиб кетиши (атрезиялар), кулоқ супрасининг яхши ривожланмаганлиги (микротия), яъни кемтик бўлиши (халқда чиноқ дейилади) ё бутунлай бўлмаслиги (анотия); ўрта кулоқда, асосан, ноғора бўшлиғидаги суяк тўқимасининг ўсиб кетиши, эшитув суякчалари бўлмаслиги ёки уларнинг ўзаро бирикиб кетиши; ички кулоқда корти органининг йўқлиги ёки тўла ривожланмаганлиги ва б. киради. Ташки кулоқ шикастлари, мас, кулоқ супрасининг лат ейиши (аксари спорт травмаси), унинг тери ости ёки тоғай пардасига қон қуйилиши (*гематома*) кўп учрайди. Қалла суяги оғир жароҳатланганда, одатда, ўрта ва ички кулоқ

шикастланади. Ҳаддан зиёд кучли овоз ёки узоқ вақт шовқин таъсир этиши — акустик травма, шунингдек, юқори даражадаги босимнинг бирдан пасайиши (баротравма) оқибатида ички кулоқ зарарланади. Кулоқ сариғи (кулоқ кири, чирк ҳам дейилади)нинг кўп ажралиши (ҳамда ташки эшитув йўлига тикилиб қолиши) ташки кулоқнинг кенг тарқалган (яллиғланишсиз ўтадиган) касалликларидан. Кулоқ супраси терисида экзема, сарамас, чипқон, замбуруғ касалликлари (отоми-коз) ҳам кузатилиши; ўрта кулоқ билан ички кулоқни бирлаштириб турадиган овал дарча соҳасидаги суяк тўқимасининг ўсиб кетиши натижасида эшитиш хусусияти тобора пасайиб бориши мумкин (қ. *Отосклероз*). Ички кулоқнинг яллиғланишсиз кечадиган касалликлари *интоксикация*, қон айланиши, вегетатив нерв системаси ва эндокрин безлар фаолиятининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Кулоқнинг яллиғланиш билан ўтадиган хасталиклари *отит* деб аталади (қ. *Кулоқ оғирлиги*, *Кулоқ шангиллаши*). Касалликка ўз вақтида даво қилиб, бемор врач буюрганларини қатъий бажарса, у кўпинча тузалиб кетади; аксинча, врач кўрсатмаларига амал қилинмаса ёки ҳар ким ўз билгича даволанса, яллиғланиш сурункали тус олиши, шунингдек, *менингит*, *сепсис*, мия тўқимаси абсцесси каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Аксарият, инфекция-он касалликлар (*групп*, менингит, *қизамиқ*, тепки), шунингдек, антибиотикларни назоратсиз ишлатиш (асосан, ўз билгича даволаш), хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қил-маслик, индивидуал химоя воситаларидан фойдаланмаслик ва б. кулоқ оғирлиги ва *карликка* сабаб бўлади.

Кулоққа ёт жисмлар — тугмача ва б. тушиши (хусусан, болаларда) ва майда ҳашаротлар кириб кетиши тез-тез учраб туради. Кулоқдан ёт жисмларни фақат врач чиқариб олиши лозим, ўз билгича уриниш ёт жисмни ичкарига

итариб юбориши ва уни олишни кийинлаштириши мумкин. Қулоқ шикастланиши орасида қулоқ супрасини совук уруши кўп учрайди. Қулоқни фақат косметик кабинетда тештириш керак, акс ҳолда қулоқ супрасига инфекция кириб, уни яллиглантириши мумкин. Қ.к.нинг олдини олиш ва эшитиш фаолиятини асрашда бурундан нормал нафас олишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун айниқса, болаларда аденоид, полип, гайморит ва х.к.ни ўз вақтида даволаш, бурун тўсиғи кийшигини бартараф этиш зарур.

ҚУЛОҚ ОҒИРЛИГИ — эшитиш қобилятининг пасайиши. Болаларда кў-пинча ўтқир ёки сурункали *отит*, бурун ва бурун-ютқин касалликлари (кўпинча *аденоид*) оқибатида юзага келади. Эшитув нерви ва ички қулоқдаги патологик жараёнлар кўпинча Қ.о.га сабаб бўлади. Баъзан туғма ва болаликдаги Қ.о. сабабли бола нутки бузилиши мумкин. Катталарда отосклероз, ички қулоқда қон айланишининг бузилиши, эшитув нервининг ёшга қараб ўзгариши (кексалик Қ.о.), шунингдек, узок вақт кучли шовкин таъсири ва сурункали интоксикация (ал-коголь, никотин, симоб, кўрғошин ва б. таъсири) ҳам Қ.о.га олиб келади. Қ.о. енгил, ўртача ва оғир кечади.

Давоси: Қ.о. га сабабчи омиллар йўқотилади, турли дори-дармонлар ёки операция йўли билан даволанади. Кўпроқ эшитув аппаратлари қўлланилади.

ҚУЛОҚ ШАНҒИЛЛАШИ - ташки товуш таъсирисиз қулоқда шовкин сезилиши. Соғлом кишиларда баъзан шовкинсиз тинч шароитда ҳам Қ.ш. (физиологик шанғиллаш) кузатилади, бу ички қулоқнинг майда томирларида қон ҳаракатланишининг сезилиши натижасида содир бўлади. Ўрта ёки ички қулоқ ёхуд эшитув нерви касалланганда, симоб, кўрғошин, мишьяк каби баъзи дори моддалардан заҳарланганда, гипертония, гипотония

ва б. касалликларда патологик Қ.ш. рўй беради. Қон босими ўзгарганда, рухий изтироб, жисмонан зўри-қиш, толиқиш ва б.да Қ.ш. кучайиши мумкин. Баъзан ҳомиладорлик, климактерия даврида ҳам вақтинча қулоқ шанғиллайди. Қулоқ шанғиллаганда дарҳол врачга учрашиш лозим, чунки у қулоқ ва юрак-томир системаси касалликларининг дастлабки белгиси бўлиши ҳам мумкин. Ҳомиладорларда Қ.ш. рўй берса, албатта, аёллар консултациясига кўриниш лозим; бу даврда Қ.ш. хомиладор аёл қон босимининг кескин ўзгарувчанлиги (бекарорлиги) ва ҳомиладорлик токсикози сабабли бўлиши мумкин (қ. *Ҳомиладорлик токсикозлари*).

ҚУЛОҚЛАШТИРИШ. «қулоқлар» (рус. кулачество — муштумзўр) — мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол дехқонларни кишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929—33). *Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти* ўтказилиши жараёнида кишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «муштумзўр» («қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган. Бу ислоҳот давридаёқ 28 минг йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Совет ҳукумати қ.х.ни жамоалаштириш (коллективлаштириш) давридан бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрган.

ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюросининг «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги кўрсатмалари (1930 й. 26 янв.) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 й. 17 фев.да «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қулоқ хўжаликларини тугатиш компанияси шу қарордан сўнг авж олган.

Қ. ва ўртаҳол деҳқонларга нисбатан зўрлик қилиш республикадаги сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Деҳқонларнинг норозилиги кучайиб, Фарғона ва Зарафшон водийлари, бошқа ҳудудларда оммавий норозилик намоишлари, совет тузумига қарши исёнлар ва қуролли чиқишлар юз берди. Баъзи исёнлар қуролли кўзғолон даражасига кўтарилган. Фақат Қашқадарё округида 1930 й. бошларида деҳқонларнинг 14 та норозилик чиқишлари юз бериб, уларда 3700 киши иштирок этган. 1930 й. март ойида ЎзССРда 240 та, СССРда 2 мингдан ортиқ қуролли чиқишлар қайд этилган.

«Қулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликларнинг мол-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шим. Кавказ, Сибирь, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва х.к.) га сургун қилинган. Шунингдек, республиканинг ўзида қулоқлар учун махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг мажбурий меҳнат посёлкалари (17 та) ташкил қилинган. Совет ҳокимиятига қаршилиқ қилган «қулоқлар» эса камокқа олинган ва отиб ташланган.

«Қулоқлар»га қарши кураш ЎзССР да кун сайин кенгайиб борган. 1931 й. авг.да 3828 та «қулоқ» хўжаликлари тугатилган, 3871 хўжалик «қулоқ оила-си» сифатида Украина, Сибирь ва Шим. Кавказга сургун қилинган. Расмий маълумотларда кўрсатилишича, 1933 й.да Ўзбекистонда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликлари сон 5500 тага етган.

Ўрта Осие республикаларидаги мажбурий меҳнат кўчкдиларининг сони 1934 й. 1 янв. ҳолатида 29559 киши бўлса, орадан бир йил ўтгач, уларнинг сони 12039 кишига тушиб қолган (камайиш, асосан, вафот этганлар ва кочиб кетганлар ҳисобидан).

1933 й.да Қ. сиёсати, асосан, амалга ошириб бўлинган. Бироқ 1934—37 й.ларда ҳам кўплаб бадавлат деҳқон хўжаликлари «қулоқ» қилинган.

Совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, жамоалаштиришни амалга ошириб бўлгач, сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларига нис-батан ўз сиёсатини бир оз «юмшатган». Мас, СССР МИК 1934 й. 27 майда

«Собиқ қулоқларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «қулоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган.

Иккипчи жаҳон уруши даврида мажбурий меҳнат кўчкдилари таркибида катта ўзгаришлар юз берган. Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида «қулоқлар» ва уларнинг чақириқ ёшидаги фарзандларини меҳнат сурғунидан озод қилиш бошланган эди. Уруш бошлангач, бу жараён ҳам тўхтатилди. 1942 й.да СССР худудида меҳнат сурғунидан бўлган 100 минг киши (ЎзССРда 1152 киши) — «қулоқлар» ҳаракатдаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатилган.

Совет тузumi даврида қулоқликка тортилиб, сургун қилинганлардан тирик қолганларининг эркин фуқаролик мақомини олиб, ўз юртига қайтиш жараёни жуда оғир кечиб, у тахм. 20 й.дан кўпроқ вақт (1934—56 й.)ни ўз ичига олади.

«Қулоқ» қилинганлар миқдори тўғрисида тарихий адабиётлар ва архив манбаларида турли рақамлар келтирилади. Фақат 1930—31 й.ларда СССРдаги махсус посёлкаларга ишлаш учун кўчириб келтирилган «қулоқлар» сони 1803000 киши (391 026 хўжалик) бўлган. Айрим тад-қиқотчилар ҳисобига кўра, «қулоқ» қилинганлар 3,5—9 млн. киши агро-фида эди.

Ўзбекистонда тугатилган ва сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларининг аниқ миқдори ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда 20 минг «қулоқ» хўжаликлари (тахм. 80 000 - 100 000 киши) бадарға қилинган, улардан 31 700 киши эса репрессияга учраган. Фақат 1931 й. авг. — 1932 й. май ойлари ичида республикадан 9 651 хўжалик (61

872 киши) «кулоқлар» сифатида сур-гун қилинган.

Ад.: Голованов А. А. Крестьянство узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг., Т. 1992; Аминова Р.Х.. Возвращаясь к истории коллективизации в узбекистане, Т., 1995; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.). Т. 2000: Шамсутдин-нов Р., Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари, Т., 2001; Шамсутдинов Р., Қишлоқфожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун, Т., 2003.

Рустамбек Шамсутдинов, Қаҳрамон Ражабов.

ҚУЛУН — отнинг бир ёшгача бўлган боласи. Янги туғилган Қ.нинг оғирлиги онасининг вазнига нисбатан 8—11% ни ташкил қилади. Қ.лар онасини 6—7 ойгача (бир кунда 50 мартага-ча) эмади, 2 ойлигидан онаси билан бирга яйловга қўйилади. 3 ойлигидан бошлаб донли озуқа берила бошлайди. Сутдан ажратиладиган пайтга келиб бир суткада 3 кг гача донли озуқа истеъмол қилади. Қ.ларнинг сут тишлари 6—9 ойлигида чиқади. Уларга сабзи, минерал озуқа сифатида бўр, туйилган оҳак бериш фойдали. Озуқа рационига бир кунда 15—25 г туз қўшиш муҳим ҳисобланади. 1 ёшдан ошган қ. *той* деб аталади.

ҚУЛУНДА ЧЎЛИ, Қулунда текислиги, Қулунда — Ғарбий Сибирнинг жан.даги текислик. РФ Олтой ўлкаси ва Қозоғистон Республикасининг Павлодар вилоятида, Обь ва Иртиш дарёлари оралиғида, Қулунда тектоник ботиғида жойлашган. ботикнинг юзаси тўртламчи давр флю-виогляциал, кўл ва дарё ётқизиклари билан қопланган. Майд. 100 минг км² га яқин. Баландлиги марказий қисмида 100—120 м, жан. ва шарқида 200—250 м. Рельефида узун

қирлар — мар-залар (50—60 м) хос; уларни дарёлар ва аччик-шўр кўллар ажратиб туради. Кўлларда сода, глаубер ва ош тузи захиралари катта. Иқлими континентал. Январнинг ўртача т-раси — 17°, —19°, июлники 19—22°. Йиллик ёғин 250—350 мм. Шим.-шарқ-ида бошоқли дашт ўсимликлари ўсади. Қ.ч. Ғарбий Сибирнинг муҳим қ.х. райони.

ҚУЛУПНАЙ, ертут — раёноғулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; резавор экин. Евросиё ва Америкада 50 тури маълум. Асосан боғ Қ., тури, шунингдек: ўрмон Қ.и, мускат таъмли қ., виргиния Қ.и ва чили Қ.и. — Қ.нинг биринчи навлари 18-а. да Нидерландияда пайдо бўлган. 2 аме-рика тури — виргиния ва чили Қ.и Европага олиб келинган. Қ. Ер шарининг турли иқлимли минтақаларида — Кутб доирасидан то субтропикларгача ўстирилади. Ўзбекистонда кўпроқ боғ Қ.и тури экилади. Илдизи попуқ илдиз. Тупи ўртгача шохланган, бўйи 10 см гача. Барглари юраксимон, гуллари қалқонсимон тўпгулга йиғилган. 2 жинсли оқ ёки оқиш-сарик, ўзидан чангланади. Май-июнда пишади. Меваси тўқ қизил, баъзан навига қараб оқ (оқпар), 3—5 г дан 20—40 г гача. Таркибида 80—90% сув, 7-11% қанд, 0,8—1,6% кислота, 1 — 1,7% пек-тин, 0,9—1,2% азотли моддалар, шунингдек, клетчатка, кул, А, В, С витаминлари ва б. бор. Янгилигида ейилади, компот, мураббо қилинади, шарбат тайёрланади. Қ. намталаб, ёруғ-севар (соя жойда ҳосил бермайди), совуққа чидамсиз ўсимлик. Бир ерда 4—5 йил ўстирилади. 3 йилгача яхши ҳосил беради. Ҳосилдорлиги 80—100 ц/га. Асосан, июль—авг.да илдиз отиб, барг ёзган гажаклари қатор ораси 80 см, туп ораси 25 см ёки 70х70 см схе-мада кўчат қилиб экилади (кузда ва баҳорда ҳам экиш мумкин, бунда кечроқ ҳосилга қиради). Яхши кўчат икки йиллик қулупнайзордан олинади. қулупнайзор баҳорда, ўсув даврида маҳаллий ва минерал ўғитлар

билан озиклантирилади, қатор оралари юмшатилади, суғорилади.

Ўзбекистонда Қ.нинг Зенга-Зенгана, Кульвер, Дилбар, Муто, Тошкент, Шредер хотираси, Ўзбекистон навлари экилади.

Асосий зараркунандалари: кулупнай канаси, малина ва кулуп-най узунбуруни.

Касалликлари: кулупнай нема-тодаси, кулранг чириш, оқ-қўнғир доғланиш.

ҚУЛФ — 1) эшик, дарвоза, сандиқ, жавон ва б.ни кулфлаш учун мўлжалланган, калит билан очилиб-ёпиладиган мослама. Асосан, металлдан ясалади. Дастлаб, Оссурия, Бобил ва Мисрда тахм. мил. ав. 2- минг йилликда яратилган. Қ. тузилиши ва механизмининг ишлашига қараб, турли шаклдаги кузғалувчан пластиналар мажмуидан иборат сувальдалар, сувальда-сиз, цилиндрик, махфий хилларга бўлинади. Сувальдалар Қ. да калит тилининг чиқиқлари маълум пластиналар кирралари билан мос келгандагина буралади ва Қ. очилади ёки ёпилади. Махфий Қ. ларда одатдаги Қ. механизмлари элементларидан ташқари уларни калит билан ёки калитсиз очишга имкон берадиган ҳарфли ёки рақамли шифр бўлади. Махсус Қ. турлари (мас, заргарлик буюмларида қўлла-ниладиган Қ.лар) ҳам бор; 2) меъ-морликда — гумбаз, равок тепасидаги ўрта қисм.

ҚУЛФСАР — Нурота тоғларининг шарқий этакларида, Жиззах ш.дан 30 км шим.да жойлашган кабристон (қ. *Дольменлар*).

ҚУМ — бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. Тоғ жинсларининг майда бўлакча (парча)лари ва турли минералларнинг думалоқ ва киррала заррачаларидан таркиб топган.

Пайдо бўлиш шароитларига кўра Қ. дарё, кўл, денгиз, флювиогляциал, элювиал, пролювиал ва эол Қ.ларга бўлинади. Одатда, Қ.нинг ўлчами 0,05

мм дан 2 мм гача бўлади. Улар майда доначали (0,1—0,25 мм), ўрта доначали (0,25—0,5 мм), йирик доначали (0,5—1 мм) ва жуда йирик доначалидир (1—2 мм). Қ. минералогик таркибига кўра, кварцли, глауконит-кварцли, дала шпати-кварцли ва б. турларга бўлинади. таркибий қисмига қараб, бир минералли (олигомикт) ва кўп минералли (полимикт) қ. фарқ қилинади. қ. конлари кенг тарқалган. Қ.да олтин, платина, олмос, сапфир, рубин, циркон, рутил, титанит, ильменит ва б. кўпгина қиммат-баҳо минераллар мавжуд; бу минералларнинг бир қисми фойдали қазилма сифатида ажратиб олинади. Табиий ва сунъий (тоғ жинсларини майдалаш йўли билан олинadиган) Қ.дан қурилишда ва қурилиш материаллари и.ч.да; кварцли Қ.дан шиша, чинни, фаянс, қурилиш керамикаси и.ч. ҳамда куйма шакллар ясашда хом ашё сифатида фойдаланилади.

ҚУМ — Эрондаги шаҳар. Техрон ш.дан жан.-шарқда. Қум остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 777,6 минг киши (1997). Транспорт йўллари чорраҳаси. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Қўлда гилам тўқилади, кулолчилик буюмлари тайёрланади. Шаҳарга 5-а.да сосонийлар подшоҳи Кубод 1 асос солган. Аббосийлар даври (8-а.нинг 2-ярми) да Қ. йирик шаҳарга айланган. Меъморий ёдгорликлардан Жоме масжиди (11 — 12-а.лар), шиалар имоми Мусо ал-Козим қизи Фотима мақбараси (16-а.) сақланган. Қ. шиаларнинг Машхаддан кейин Эрондаги мукаддас шаҳри.

ҚУМ ВАННАЛАРИ, қумга ту шиш, псаммотерапия — иссиқ қумдан даво мақсадида фойдаланиш; *иссиқ билан даволаш* усулларидан. Қа-димда куёшда қизиган иссиқ қум билан даволаш кенг русум бўлган; араб, юнон, римликлар ва Шарқий Ҳиндистон аҳолиси ўртасида бу усул самарали қўлланилган. Қ.в. ҳақидаги маълумотлар Ибн Сино қўлёзмаларида

хам қайд этилган. «Агар кумдан маҳорат билан фойдалана олсангиз, моддалар ал-машинувини яхшилашга эришилади. Инсон бакувват бўлиб, кайфияти тети-кланади. Ортиқча моддалар тезда эриб, тер билан чикиб кетади, у сурун-кали со-вукликни бартараф этади, бош оғригини қолдириб, мияни мустаҳкамлайди». Кум билан даволаш ёз ойларида ўтказилади, асосан, кумнинг юқори қатламидан фойдаланилади. Эрталаб кум майдон-чаларида медаль-он шаклида 2x1 м ҳажмидаги «жўяча»лар тайёрланади. Ҳар бир «жўяча» нинг бош томонига 6—10 см баландликда кумдан тайёрлан-ган ёстиқчалар қўйилади. Беморлар му-олажа қабул қилишдан ярим соат олдин келиб, махсус соя жойда дам олишади ва иссиқ муҳитнинг термик шароитига кўникишади. Бу вақтда тиббий ходимлар беморнинг вазни, гавда ҳарорати, қон босими, пульси ва ҳ.к.ни ўлчайди. Бево-сита муолажа ўтказиш олдидан эрталаб тайёрлаб қўйилган ва офтобда қизиган «жўяча»ларнинг юпқа қавати олина-ди ва тўплаб қўйилади. Бемор жўячага ётгандан кейин унинг бадани кум бил-ан ўралади ва энг устки қисми тўплаб қўйилган иссиқ кум билан кўмилади. Қ.в. умумий ва маҳаллий бўлиши мум-кин. Умумий Қ.в. ўтказилганда бе-морнинг танаси ва қўл-оёқлари (юррак соҳасидан ташқари) иссиқ кум билан ўралади. Маҳаллий усулда беморнинг қўл ва оёқлари ёки танасининг айрим қисмигина ўралади. беморнинг боши устига қуёшдан ҳимоя қилиш учун со-ябон қўйилади. Умумий кумли ванналар катталар учун 20—30, болалар учун эса 10—15 мин давомида қабул қилинади. Маҳаллий муолажа 40— 60 мин., сўнгра иссиқ сувда ювиниш тавсия этилади. Қ.в. таъсирида бутун тана бир хидда қизийди, оғриқ қолади. Организмда оксидланиш жараёнлари кучаяди. Қ.в.ни полиартрит, периферик нерв системаси касалликлари, аёллар жинсий аъзоларининг сурун-кали касалликларида буюрилади.

Тиббий тикланиш ва физиотерапия

илмий тадқиқот институтининг Тер-миз филиалида беморларни кум билан даволаш йўлга қўйилган.

ҚУМ ТИЛИ — денгиз, қўл, океан-ларнинг қирғоқ яқинидаги саёз жойла-рида тўлқин келтирган кум, шагал, май-да тош, чиғаноклардан ташкил топган, қирғоққа параллел чўзилган паст, камбар куруқлик. Бир томони билан қирғоққа туташган бўлади. Уз. 10 км, ҳатто 100 км га чўзилган бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда Қ.т. икки қарама-қарши томон-дан қирғоқ бўйлаб келган окизиктардан вужудга келади. Бундай Қ.т. денгиз томон туртиб чиқ-қан бўлиб, стрелка дейилади, мас, Азов денгизини Сиваш қўлларида ажратиб турувчи Арабат стрелкаси (уз. 100 км дан зиёд, эни 8 км гача).

ҚУМАРЧИК — шўрадошлар оила-сига ман-суб бир йиллик ўт тури. Бўйи 20—50 см. Барги бандсиз, наштарси-мон ёки лентасимон. Гуллари кўримсиз, дағал тулки гул тўпламига йиғилган. Гулкўрғони 1 — 3 бўлакли, чангчиси 2—3 та. Авг.—окт.да гуллаб меваляйди. Ўзбекистонда Сурхондарё вилоя-тида, Қорақалпоғистоннинг кумли чўлларида, Бухоро воҳасида тарқалган. Уруғи тар-кибида 16—17% оксил, 6—10% ёғ, 60% углевод бор. Гуллаб уруғлагунча мол-лар учун яхши озуқа. Чала чўл ва чўл зоналарида кумликларни мустаҳкамлаш мақсадида экилади.

ҚУМБУЛ, қунбул, қанбул (мўғулча — «марказни қуршамоқ»), «қанот муҳофазачиси») — қўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи су-ворий ҳарбий қисм. Маълумки, Амир Темур жаҳон ҳарбий санъати тарихи-да 1-бўлиб армияни жанг майдонида 7 қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этган. соҳибқироннинг ҳарбий иш ривожига қўшган улкан хизматлари-дан яна бири лашкар қанотларини жанг пайтида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ғаним қучларини 2 ён

томондан айланиб ўтиб, унга ортдан кучли зарба бериш мақсадида Қ. тузилган. 5 қисмдан иборат жанговар тартибнинг ўнг ва сўл қанотлари учига Қ. жойлаштирилган. Бундай янги ҳарбий қисм тарихнинг гувоҳлик беришича, ўтмишдаги атокли саркардалар кўшинида бўлмаган.

ҚУМДАРЁ, Қалқамасой — Қашқадарё вилоятининг шим.даги дарё. Уз. 103 км, ҳавзасининг майд. 866 км². заррафшон тизмаси ғарбий тармоқларининг жан. ён бағирларида, 1880 м баландликдан бошланади. Чамбил киш-лоғидан қуйида (бошланишидан 26 км да) суви суғоришга сарфланади ва Даутош кишлоғидан қуйироқда (бошланишидан 35 км да) Сулук кишлоғигача (бошланишидан 60 км да) қуриб қолади. Ундан пастроқда, 43 км масофа давомида курук ўзан сифатида кузатилади. Асосий ирмоқлари: Ғовканасой, Қуруксой, Лангар (барчаси ўнг қирғоқдан). Қор, қис-ман ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлинсув даври янв. — майда бўлиб ўтади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи Чамбил кишлоғи ёнида 2,05 м³/сек. Ўртача йиллик сув сарфи 6,08 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,750 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Энг кўп сув сарфи 105 м³/сек.гача март — апр.да, энг кам сув сарфи 0,42 м³/сек. дан ўзанини қуриб қолишигача июль— дек.да кузатилади.

ҚУМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ - қум кўчишини бартараф этиш ва ерларни ўзлаштириш, унумдорлигини ошириш мақсадларида қумликнинг физик-механик ва кимёвий хусусиятларини ўзгартиришга қарагилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик, ўрмон-мелиоратив, агротехник ва б. тадбирлар мажмуи. Кўчма қумлар қ.х. га катта зарар етказиши, суғориладиган экинзорлар, боғлар, каналлар, йўлларни босади, яйловлар унумдорлигини пасайтиради. Кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун механик, кимёвий ва фитоме-лиоратив усуллар қўлланилади. М е х а ник ва кимёвий

усуллар қумлар кўчишини тўхтатишда, фитоме-лиоратив усул эса уларни бутунлай мустаҳкамлашда қўлланилади. Механик усул барханларда қамиш, янтоқ, лух (кўға) ва б. ўсимликлардан ғов (шоҳ девор) — механик ҳимоя воситалари — тўсиқлар ўрнатишдан иборат. Конструктив хусусиятлари бўйича механик тўсиқлар тик ўрнатиладиган ёки тўшаладиган турларга бўлинади ва улар асосий шамол йўналишига кўндаланг қилиб 2х2 ёки 3х3 м ўлчамда барханларнинг қия ёнбағирларига ўрнатилади. Энг хавфли жойларда бал. 60 см ли катта тўсиқлар қўлланади. Катак тўсиқлар ичига ўт ёки бута уруғлари ёппасига, катак девордан 0,5—0,7 см масофада бута қаламчаси ёки кўчатлари экилади. Шамол кучсиз кузатиладиган р-нларда ўт бордонларидан фойдаланилади. Бордон шамол йўналишига кўндаланг ҳолда эни 25—30 см ва 5 см қалинликдаги қум устига тўшалади. Бута қаламчалари ёки кўчатлари тўшама қаторининг шамол эсаётган тарафига ўтқазилади. Қ.м. учун экиладиган ўт, ўсимликлар уруғи аралашмаси махсус тракторларга ўрнатишга сеялкалар ёрдамида экилади. Механик тўсиқлар 2, баъзан 3 йил хизмат қилади. Тўсиқ-ғовлар ўт ва бута уруғларини тутиб қолади, уруғлар униб, қумларни мустаҳкамлайди, шунингдек, ғовлар қан-дим, черкез, жузғун, саксовул, қоратерак, куёнсуяк ва б.нинг яхши ўсишига шароит яратади. Қ.м. учун шўрланган қумликларда, шунингдек, грейдер ёрдамида 10—15 м ора-латиб чуқур эгат-марзалар олинади, уларда кўчма қумлар тутиб қолинади, бу билан тузга чидамли бута (жийда ва б.) қаламчаларининг тутиб кетиши учун қулай шароит яратилади. Сизот сувлари яқин жойлашган қумликларда турангил, майда мевали жийда, қора ва оқ терак, оқ акция яхши ўсади. Қ.м.нинг кимёвий усуллари ҳам тобора кенг қўлланилмоқда; бунда қум юзасига нэрозин, битум эмульсияси, полиакриламид, ла-текс, курол ва шунга ўхшаш моддалар сепилади.

Кўчма кумларни мустаҳкамлашнинг энг ишончли ва узоқ вақт хизмат қиладиган воситаси дарахт экишдир. Кумли чўлларда ўсишга мослашган қандим, черкез, оқ ва қора саксовул ва ш.к. дарахт ва бута турларидан массивлар, кўп қаторли ёки тор қаторли ўрмон минтақалари, ихота дарахтзорлари ва б. барпо қилинади. Бунинг учун механик тўсиклар ва кимёвий воситалар билан мустаҳкамланган кумларга уруғлар сепилади, қаламча ва кўчатлар экилади.

Ўрта Осиёда бундан 120 йил олдин Закаспий т.й.ини кум босишдан ҳимоя қилиш муносабати билан Қ.м. бўйича дастлабки ишлар бошланди. Ўша даврда В.А. Палецкий раҳбарлигида қандим, черкез ва саксовул экилган эди. 1940-й.ларда Бухоро вилоятидаги суғориладиган далаларни кўчма кумлардан ҳимоя қилувчи «Бухоро тўсиғи» деб аталувчи 120 км узунликдаги ўрмон минтақаси; 50—80-й.ларда Марказий Фарғонанинг кўчма кумларида, Аму-Бухоро канали, Қора-кум канали зонасида ва б. жойларда минг-лаб га майдонларда ихота ўрмон дарахтзорлари барпо қилинган (қ. *Лгроўрмон мелиорацияси*). Ўрта Осиёда кумлар ва кумли ерлар 37 млн. га ни, жумладан кўчма кумликлар қарийб 3 млн.га ни эгаллайди. 1960-й.лардан бошлаб 1 млн.га дан кўпроқ кумли ерлар суғорма дехқончилик учун ўзлаштирилди (Бухоро вилояти, Марказий Фарғона, Қорақум канали зонаси ва б.). Ҳоз. даврда Ўзбекистон ҳудудида Қ.м. ишлари режали равишда катта майдонларда, айниқса, водийларга туташган чўлларда, магистрал канал трассалари, автомобиль ва т. йлари бўйлаб, Орол бўйи минтақасида амалга оширилмоқда. Қизил-кумда чорвачилик ва чўпонлар эҳтиёжлари учун (артезиан сувлар билан суғорилиб) ем-хашак ва полиз экинлари, мевали дарахтлар экилмоқда.

Ад.: Леонтьев А.А., Новне приёмы закрепления и облесения песков в Средней Азии, Т., 1959; Данилин А.Л., Эффективный способ облесения и закрепления пе-

сков, Т., 1979.

Абдушукур Хоназаров.

КУМЛИ ТУПРОҚЛАР - тупроқ тури; механик таркибида 0,05—1,0 мм ли кум заррачалари кўп (90—100%), 0,01 мм дан кичик заррачалар миқдори 10% га яқин, 0,001 мм дан кичик майда заррачалар 2—4%дан ошмайди. Қ.т. юза қисмида юпқа, юмшоқ (хавол) кумли куруқ қават бўлиб, чуқурлашган сари эфемер ўтлар илдизи аралашиб кетган ўткинчи горизонт ётади. Қ.т. чўл минтақасида шу зонанинг асосан тақирлар, тақирли тупроқлар ва ўтлоқи тупроқлари билан бир комплексда ҳамда қад. дарё, сойларнинг куруқ дельталари ва б.да тарқалган. Қ.т., одатда, қатламининг юпқалиги, органик модда (чиринди) миқдорининг камлиги (энг юқори қаватда ҳам 0,5% дан ошмай-ди), сув сифимининг пастлиги ва б. ўсимлик ўсиши учун ноқулай хоссалари билан ажралиб туради; бундай тупроқлар шамол эрозияси (дефляция) га жуда мойил. Қ.т.дан суғорма дехқончиликда жуда кам фойдаланилади. Марказий Фарғона, Қуйи Амударё ва бошқа р-нлардаги чўл Қ.т.ининг кичик-кичик массивлари ўтлар экиш ва б. усуллар ёрдамида ўзлаштирилган.

КУМЛИ ЧЎЛ ТУПРОҚЛАРИ - кумда ўсувчи ўсимликлар тагида шаклландиган тупроқ типи. Илдиз-чиринди қатлами ўсимлик қолдиқларининг чириши ҳисобига ҳосил бўлади. Қ.ч.т. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон, шунингдек, Туркменистон ва Тожикистонда тарқалган. Қ.ч.т. юзаси (5—6 см)да ҳар жойдан бир ўсимлик пояси ёки илдизи ўсиб чикқан куруқ сочилувчан кумдан иборат. Бу тупроқлар таркибида чиринди миқдори жуда кам (0,1—0,5%) бўлиб, 30—35 см чуқурликкача учрайди. Ялпи шаклдаги азот ва фосфорнинг миқдори жуда кам. Тупроқ профилида карбонатларнинг доғ, сочилган ва б. шакллардаги ҳосилалари

кўриниб туради. Тупроқ реакцияси кучсиз ишқорли ёки ишқорли. Қ.ч.т. шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган (сувда эрийдиган тузлар 2 м ва ундан чуқурда жойлашган; 1,5—2,0%). Кўпинча тузларнинг асосий қисмини сувда кам эрийдиган сульфатлар ташкил этади. Шунинг учун ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида бу тупроқдар шўри ювилмайди. Бу тупроқларнинг сингдириш комплекси, асосан, кальций ва магнийдан иборат (сингдириш сиғими жуда кам — 5,0—6,0 мг. экв). Бу тупроқларнинг сув ўтка-зувчанлиги жуда кучли бўлгани учун суғориш суви тупроқнинг ўсимлик илдизлари ривожланадиган қисмида ушланмай, эгат бошидаёқ тезда қуйи қатламларга шимилиб кетади. Тупроқларнинг сув ўтказувчанлигини камайтириш учун *кольматаж* (лойқали сув билан суғориш) қилинади. Шамол эрозиясига қарши курашда кўп йиллик ўтлар ва ўрмон дарахтлари экишдан ташқари полимер препаратлардан (К-4, латекс ва б.), шунингдек, соз-кумоқли материаллардан фойдаланилади.

Ходимат Махсудов.

ҚУМЛОҚ — юмшоқ (ҳавол) чўкинди тоғ жинси; таркиби 10—20% физик лой (0,01 мм дан кичик заррачалар) ва 80—90% физик қум (0,01 мм дан йирик заррачалар)дан иборат. Физик лой миқ-дори кам бўлгани учун Қ.ларнинг сингдириш, гигроскопиклик хусусиятлари ва нам сиғими унчалик юқори эмас. Лекин сув Қ.ларга жуда юқори тезликда шимилади ва тез сизиб ўтади (филтрацияланади). Қ.и тупроқдарга ишлов бериш ва улардаги зарарли тузларни ювиш осон, суғорилгандан сўнг тез етилади, ортиқча зичлашмайди, қотмайди ва б. Қ.лар кўпинча чўл тупроқдари орасида кумли ва тақирли тупроқлар билан бир комплексда, шунингдек, дарё оқизикларида ривожланган ўтлоқи тупроқлардан иборат далаларнинг бош қисмида кўп учрайди (қ. *Кумли чўл тупроқлари*).

ҚУМЛОҚ СУСТКАШИ — қора қўнғизлар оиласига мансуб хашарот. Олд елканинг ён қирралари ўткир, бармоқлари оддий тир-нокли. Ривожланиш цикли бир-икки йил давом этади. Қўнғизлари 4 йилгача яшайди. Қўнғиз ва личинка холида қишлайди. Қўнғизлари баҳорда ҳар хил ўсимликлар, жумладан, гўза, маккажўхори, қанд лавлаги ниҳоллари ва б. чопикталаб экинлар пояси, барги ҳамда уруғпалларини кемириб, зарар етказиши. Буларнинг яшаши ва озикланиши учун ўзлаштирилмаган ерлар, яхши ишлов берилмаган экинлар жуда қулай. Ҳар йили тупроққа 500 тача тухум қўяди. личинкаси бошқа қора қўнғизларники каби *сохта симқуртлар* бўлиб, ривожланиши икки ой давом этади. Тупроқда ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври 2—3 ҳафта. Қ.с. — курукликсевар хашарот. Шунинг учун қурғоқчилик йиллари жуда кўпайиб, катта зарар келтиради. Сернам тупроқ улар ривожига ёмон таъсир этади.

Кураш чоралари: тупроқни юмшатиш, ўз вақтида суғориш; хлорофос ёки бошқа инсектицидлар билан заҳарланган хўрақлар сепиши.

ҚУМОЙ — лочинсимонлар туркуми, қарчиғайлар оиласига мансуб куш. Танасининг уз. 1 м дан ортиқ, вазни 10—11 кг, қаноти ёйилганда 3 м га яқин. Етук индивидлари оч қўнғир, бўйнида ингичка, узун қил патлари бор. Қанотларининг ости оқ. Ёшлари оқишроқ. Тумшуғи сарғиш оқ, кўз қорачиғи қиз-ғиш. Ўрта ва Марказий Осиёнинг тоғли худудларида тарқалган. Ўзбекистонда Ҳисор тоғида учрайди. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмида 2000—2500 м баландликда яшайди. Февралда 1 дона тухум қўяди ва иккала жинс навбат б-н 50—60 кун босади. Полопонлари августда уча бошлайди. Ўлимтиклар билан озикланади. Табиатда камёб тур. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ҚУМРИ — *каптарсимонлар* туркуми,

каптарлар оиласига мансуб куш. Африка, Осие (жумладан, Ўрта Осие)да, Европада Бол-кон ярим оролидан Болтиқ бўйи мамла-катларигача бўлган худудларда тарқалган. Кагталиги мусичадек. Усти кўнғир-қулранг. Томоғида ярим ойсимон қора йўли бор. Бўйни ва кўкраги кулранг-пушти, бош ва қорни кўкиш-кулранг. Дум патларининг учи оқ. Қанотлари калтарок. Аҳоли пунктларида, шаҳарларда яшайди. Ўтроқ ҳаёт кечирилади. Уясини дарахт, биноларга ясаб, 1— 2 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбаглашиб 15—16 кун босади. Жўжаси 15— 17 кунда учирма дон, уруғ, баъзан ҳашаротлар билан озикланади. Кейинги йилларда сони кўпайиб бормоқда.

ҚУМРИЎТ - қ. *Чакамиг*.

ҚУМСАҚИЧ - мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Асосан, Евросиёнинг мўътадил иклими минтақаларида тарқалган. Ўзбекистондаяканнамо қ. Ва яланғочуруғ қ. турлари учрайди. Яканнамо Қ.нинг илдизи яхши ривожланган. Бўйи 50—80 см, пояси пастдан шохланган. саватчалари битта ёки 2—3 тадан, шингилсимон рўвак шаклида тўпгул ҳосил қилади. Саватчалари 2 гулли, гуллари сарик. Июль—окт.да гуллаб уруғлайди. Дарё ўзанлари, шағал-тошли ерлар ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Қ.нинг айрим турлари таркибида паст навли каучук бор.

ҚУМСИЧҚОНЛАР - олаҳуржунлар оиласига мансуб кемирувчилар кенжа оиласи. Гавдасининг уз. 5 см дан 19 см гача, думи 3 см дан 24 см гача. Кўриниши каламушга ўхшаш, лекин думининг учида бир тутам узун жунлари бўлиши билан ундан фарқ қилади. 80 га яқин тури Осиенинг чўл ва чала чўлларида, Африка саванналари ва тоғ олди худудларида тарқалган. Ўзбекистон фаунасида катта Қ. ва кичик Қ. уруғларига

мансуб катта Қ., юлғун Қ.и, қизилқум Қ.и, тушки Қ. тарқалган. Кўпчилик турлари кечкурунлари ёки кечаси фаол. Уяда яшайди. Катта Қ. Ўрта Осие ва Қозоғистон чўлларида кенг тарқалган; яйловлар, саксовул ва чўлдаги буталарга катта зиён келтиради. Қ. ўлат, тери лейшманиози, кана тошмали терламаси ва б. касалликлар қўзғатувчиларини сақловчи табиий манба ҳисобланади.

ҚУМТАРИҚ - рўяндошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Евросиёда ёввойи ҳолда ўсадиган 60 га яқин тури маълум. Жан. ва Жан.-Шарқий Кавказда, Сибирь, Ўрта Осие ва Узоқ Шарқда 37 тури тарқалган. Паст бўйли, барглари узун, гуллари майда, кўримсиз. Қумли ерларда, дарё бўйларида ўсади. Баъзи турлари туя, кўй ва эчкилар учун яхши озуқа.

ҚУМТОШ — чўкинди тоғ жинси, гилли, карбонатли, кремнийли ва б. материаллар билан иементлашган кум доналаридан ташкил топган. Қум каби Қ. аксари қисмини ташкил этувчи доначаларнинг ўлчамига қараб майда донали (0,1 дан 0,25 мм), ўрта донали (0,25—0,5 мм), йирик донали (0,5 мм) ларга, минерал таркиби бўйича кварц-ли, аркозли Қ. ва грауваккаларга бўлинади. Зичлиги 2,2 — 2,7 г/см³, ғовак-лилиги 0,69—6,70%, сув шимиши 0,63—6,0% ни ташкил этади. Кремний ва карбонат моддалар ёрдамида це-ментлашган Қ.ларнинг физик-механик хоссалари юқори, гил ёрдамида бириккан Қ. эса сифатсиз бўлади. Қ.нинг ўтга чидамлилиги ҳар хил; кремнийли модда ёрдамида жипслашган тоза кварцли Қ. энг юқори (1700°гача) оловбардошликка эга. Қурилишда Қ.дан деворий ва қоплама материаллар, харсангтош, шағал (йўл қурилиши ва бетонда тўлдиргич сифатида фойдаланилади. Таркибида 95% дан ортиқ кремнезём (SiO₂) бўлган кварцли Қ.лар динас и.ч.да, мис ва никель қуйишда флюс сифатида ҳамда

шиша тайёрлашда ишлатилади.

ҚУМТОҒ ЗИЛЗИЛАСИ - 1983 й 14 март куни Ашхобод вақти билан соат 17 дан 13 мин. ўтганда Хуросон тоғи этакларида жойлашган Қумтоғ қишлоғидан ўтган чуқурликдаги ер ёриқларидан бирида юз берган. Тектоник кучланишларнинг кескин ўсиб бориши сабабли ер ости тоғ жинслари ана шу ёриқлар бўйида бир-бирига нисбатан силжиб, зилзила ўчоғини пайдо қилган. Бу ўчоқ 7—8 км чуқурликда жойлашган, уни Ашхобод ва Болхоно-бод сейсмик ст-ялари қайд қилган. Зилзиланинг кучи 8 балл бўлиб, магни-тудаси 5,6 га тенг бўлган. Натижада 2—3 м ли ёриқлар пайдо бўлган, улардан бир нечтаси қишлоқдаги иморатлардан ўтиб, уларни вайрон қилган. Баъзи жойларда ёриқлар 20—30 см га силжиган. Зилзила натижасида 65 минг км² майдон зарар кўрган.

ҚУМТУПРОҚ, кремний (1У)-ок-сид, кремний диоксид, 8Ю₂ — *кремнийниши* кислород билан ҳосил қилган энг барқарор бирикмаси. Таби-атда кристалл ва аморф ҳолида учрайди. Кристалл Қ, асосан, кварц минерали (кварц куми) тарикасида бўлади. У ниҳоятда қаттиқ модда бўлиб, сувда эримайди; калдирок газ алангасида ёки электр печида юқори т-ра (1723°)да рангсиз суюқликка айланади. Бу суюқлик тез совитилса, шишасимон тиниқ масса — аморф Қ, ҳосил бўлади.

ҚУМҚЎРҒОН — Сурхондарё вилояти *Қумқўрғон туманидаги* шаҳар, туман маркази (1971 й.дан), Сурхондарёнинг ўнг соҳилида, *Жанубий Сурхон сув омбори*ш кўйи қисмида жойлашган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 12,3 минг киши (2005).

Қ.га дастлаб 1930-й.ларда Қумқўрғон каналининг қазилиши ва шу номдаги кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан асос солинган. 1950-й.

ларда Шеробод — Қизириқ массивида суғориладиган ерларни кенгайтириш мақсадида бошланган Жанубий Сурхон сув омбори қурилиши билан Қ. кенгайтирилди, ободонлаштирилди. Шаҳарда «Сурхон» кти (темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилади), таъмирлаш-механика, пахта тозалаш з-длари, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, нефтни сақлаш ва цистерналарга қуйиш эс-такадаси, нон кти ва б. саноат корхоналари, савдо, маданий ва май-ший хизмат кўрсатиш соҳобчалари бор. Кичик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. 3 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи ва б. маданият муассасалари, маданият ва истироҳат боғи, стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар мавжуд.

Қ.дан Тошкент — Душанба т.й. ва Термиз — Душанба автомобиль йўли ўтган. Янги қурилаётган Қ. — Тошгузар — Бойсун т.й.нинг 112 км қисмида поездлар қатнайди. Қ.дан Термиз ш.га автобуслар ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ - *Сурхондарё вилоятидаги* туман. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1977 й. 24 мартда ташкил этилган. Шим.дан Сариосиё, жан. ва жан.-ғарбдан Жарқўрғон, шарқдан Олтинсой, Шўрчи, Узун, шим.-шарқдан Денов, ғарбдан Бандихон ва Бойсун туманлари, жан.-шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 158,3 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қумқўрғон), 1 шаҳарча (Хуррият), 8 қишлоқ фу-қаролари йиғини (Арслонбойли, жалойир, Кетмон, Оқжар, Оққапчи-ғай, Юқори Какайди, Ўзбекистон, Қумқўрғон) бор. Туман маркази — *Қумқўрғон* ш.

Табиати. Туман ҳудуди Сурхон — Шеробод водийсининг марказий қисмида

жойлашган, ўрта қисмидан шим. дан жануб томон Сурхондарё оқиб ўтади. Рельефи, асосан, адирлардан иборат, Сурхондарё водийси ғарбга (Шеробод — Сарикамиш қирлари томон) ва шарққа (Боботоғ томон) аста-секин кўтарилиб боради. Фойдали қазилмалардан Лалмикор нефть кони, турли қурилиш материаллари қазиб олинган конлар бор. Иклими қуруқ субтропик иқлим. Киши илиқ, қисқа, ёзи иссиқ, давомли. Январнинг ўртача т-раси 3°, энг паст т-ра —20°, —22°. Июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 48°. Йиллик ўртача т-ра 16°. Вегетация даври 240—250 кун. Йилига ўртача 190—200 мм ёғин тушади. Туман ҳудудидан Сурхондарё ва унинг мавсумий оқимга эга бўлган ўнг ирмоқларидан Оққапчиғай, Бандихон сойлари оқиб ўтади. Асосий сўғориш каналлари: Шеробод ва Боботоғ машина-магистрал каналлари, Ўғригузар насос ст-яси ва б. бор. Дарё террасалари аллювиал бўз тупроқ. Сурхондарёнинг ҳар иккала томонидаги адирликларда кум тупроқ, тоғ этакларида оч тусли бўз тупроқлар. Ксерофит — эфемероид ўсимликлар ўсади. Дарё бўйларида қамиш, қиёқ, юлғун, янтоқ, кизилмия, адирларида бетага, нўхатақ, қўнғир-бош, шошир, лолақизғалдоқ, кўзигул, тоғ ён бағирларида қаррак, қоврак, қийикўт, сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар яшайди. Туман ҳудудида Жан. Сурхон сув омбори жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 71 киши. Сўғориладиган зонада ўртача зичлик 1 км² га 100 киши чамасида.

Хўжалиги. Мухим саноат корхоналаридан «Сурхон» темир-бетон буюмлари к-ти, пахта тозалаш, таъмирлаш-механика, асфальт-бетон з-длари, нон кти бор. Жан. Сурхон сув омбори бошқармаси, Сурхондарё пар-малаш ишлари бошқармаси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефтни са-

клаш ва цистерналарга қуй-иш эстакадаси, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Кичик, ўрта биз-нес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Қ.х., асосан, ғаллачилик ва пахтачилик, ингичка толали пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманда ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари, 3 чорвачилик мажмуаси, «Сайхон» қорақўлчилик-наслчилик хўжалиги мавжуд. Бог ва тоқзорлар бор. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касбхунар коллежи, туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктлари, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Тошкент — Душанба т.й. ва Термиз — Душанба автомобиль йўли ўтган. Янги қуриладиган Қ. — Тошгузар — Бой-сун т.й. нинг 112 км қисмида поездлар қатнайди. Қ.дан Термиз ш.га автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Бандихонсой устига қурилган қад. меъморий кўприк (ғиштдан) (1558—98 й.лар) сақланиб қолган.

Жовли Турсунов, Маишхура Рўзиева.

ҚУМҒОН — чой идиш; ичи қалай билан оқартириб мисдан ясалган дастали, қопқокли (баъзан қопқоксиз), жўмракли идиш. Сув ичиш, чой қайнатиш учун ишлатилади. Оғзи (бўйни) кенг, жўмраги қисқа (баъзан йўк), қорни қатта (овалсимон); оғзи-бўйни қатталиги билан *обдастан* фарқ қилади. Қандақори ўйма нақшлар билан безатилади. Қадимдан сопол Қ. кенг тарқалган, кейинчалик мисдан болғалаб ишланган. Саноат ривожланиши билан қуйиб, темирдан ишлаб, устидан сирлаб тайёрлана бошланган. Ҳажмига кўра қатта Қ. (4—5 л сув сиғади), ўрта Қ. (2-3 л), Қ.ча (1-1,5 л) деб номланган. Шарқ мамла-катлари, Кавказ

ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Қ.нинг жозибадор қилиб безатилган намуналари республика музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

ҚУНДУЗ — Афғонистоннинг шим. қисмидаги дарё, Амударёнинг чап ирмоғи. Кўҳибобо тизмасининг шим. ён бағридан бошланади. Уз. 420 км. Тўлинсув даври март—апр. ойларига тўғри келади. Ёзда тошади. Тоғлардаги қорлардан тўйинади. Дарёга ГЭС қурилган. Қ. бўйида Қундуз ш. жойлашган.

ҚУНДУЗ — Афғонистоннинг шим. қисмидаги шаҳар, Қундуз дарёси бўйида. Қундуз вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 61 минг киши (1985). кобул — Қундуз автомобиль йўлининг сўнгги манзили. Пахта тозалаш, ёғ-мой ва б. корхоналари бор.

Қ. илк бор 13-а.га оид қўлёмаларда учрайди. Баъзи тарихий манбаларга кўра қ. 10-а.да йирик шаҳар бўлган Валвализ (Валвалиж) ўрнида ёки унга яқин жойда вужудга келган. 13-а.да шаҳар вилоят маркази бўлган. 1505 й.да Қ.ни Шайбонийхон эгаллаган. 1510 й.да бобурийлар қўл остига ўтган. 1606 й.да Бухоро хони *Вали Муҳаммадхон* Қ.ни Балх вилояти таркибига киритди. 17-а. ўргаларида Маҳмудий Қатағон Тоҳаристон, Талиқон, Кешм вилоятларини бирлаштириб Қ.ни унинг пойтахти деб эълон қилган. 18—19-а.ларда Қундуз хонлиги таркибида, 19-а. 2-ярмидан Афғонистон давлати таркибида.

ҚУНДУЗ ХОНЛИГИ - Шим. Афғонистонда мавжуд бўлган ўзбек давлати (18—19-а.лар). Хонлик худудига, шунингдек, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги айрим вилоятлар (Кўлоб, кубодиён) ҳам кирган. 19-а.нинг 20-й.ларида Муродбек даврида ниҳоятда кучайган. 19-а.нинг 50-й.ларида афғон амири Дўстмухаммад томонидан бўйсундирилган.

ҚУНДУЗЛАР — сувсарсимонлар

оиласига мансуб сут эмизувчилар уруғи. Европа, Осиё, Шим. -Ғарбий Африкада чўллардан бошқа жойлари-датарқалган. Гавдасининг уз. 55—95 см, нисбатан ингичка ва эгилувчан, вазни 10 кг гача. Думи 45 см гача. Оёқлари калта, бармоқлари орасида сузгич парда бўлади. Ўзбекмстонда I тури — қундуз тарқалган. Қ. чучук сув ҳавзалари яқинидаги инларида яшайди. Шўнғиганида қулоқ ва бурун тешиклари махсус клапанлар билан бекилади.

Қишда сувнинг музламаган жойларида яшайди. Баҳор-ёз мавсумида аста-секин туллайди. Юмшоқ тўшамали уясини сув ҳавзасининг баланд қирғоқларига ясайди. Бўғозлик даври 8—10 ой. Икки йилда бир марта — апрель — майда, кўпинча 3 та бола туғади. Асосан, балиқ, бақа, баъзан ўрдак ва б. билан озиқланади. Мўйнаси (айниқса, қишки) қимматбаҳо ҳисобланади. Сони кескин камайганлиги учун овлаш тақиқланган.

ҚУНДУЗСИМОН ЕРҚАЗАР — ҳашаротхўр сут эмизувчилар туркумига мансуб ҳайвон. Ғарбий Африкада тарқалган. Гавдасининг уз. 0,3 м (думидан ташқари). Мўйнаси жигарранг, қорин томони оқ. Оғзида 40 та тиши бор. Бурун тешиги клапан б-н ёпилади. Сувда ҳаёт кечиради, лекин панжаларида сузгич парда йўқ. Асосан, балиқлар билан озиқланади.

ҚУНДУЗСОҚИ (1840/41, Шаркий Бухоро Балжувон беқлиги худуди — 1910, Қизилмузор музофоти Дастори қози қишлоғи) — соқи. «Гўрўғли» туркумидаги дostonларнинг 64 тасини, жумладан: «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Гуржистонга бориб, Авазхонни олиб келиши», «Юнуспарининг Боғи Эрамга сайрга чиқиши», «Боғбоннинг Гўрўғлига арз қилиши», «Авазнинг сув парисини олиб келиши», «Гордан бир қўлнинг кўриниши», «Авазхоннинг Чамбилдан аразлаб, ота юрти Доғистонга кетиши», «Гўрўғлининг Санам ва Гавҳар но.мли

кизлари», «Кўктемир», «Авазхон ва Қоракўз», «Авазнинг Гирдоб кўлига сафари», «Гулойимпари», «Нура-ли» ва б. дostonлар ва халқ кўшиқларини маҳорат билан ижро этган. Қ. ла-қайларда соқилик мактабининг асосчиси сифатида 20 га яқин шоғирдлар етиштирган. Қ.нинг соқилик маҳорати Бухоро амиригача етиб борган; ҳар замонда амир соқини Бухорога таклиф этиб, «Гўрўғли» дostonини эшитиб турган. Амир бир неча марта соқини Бухорода қолишга ҳам ундаган, аммо соқи бу таклифни рад этган. Қ. амир ва беклар олдиди юсак мавкега эга бўлса-да, доимо халқ орасида юриб, тўй ва маъракаларда халқнинг хизматини қилган. У қатнашган даврада йиғилган одамлар соқини суҳбат ва гўрўғлихонликка чорлаган. Соқичилик билан бир қаторда йиғилганларга панд-насихатлар айтиб, муаммоларни ечиш йўлида яхши маслаҳатлар берган.

Насриддин Назаров.

ҚУНДУЗЧА ЖАНГИ - *Амир Темур* кўшинлари билан *Олтин Ўрда* хони Тўхтамиш кўшини ўртасида ҳоз. самара билан Чистополь шаҳарлари ора-лиғида, Волга дарёсининг шарқий соҳилида жойлашган Қундузча (ҳоз. Кондурча) мавзеида содир бўлган жанг (1391.18.6); ўрта асрлардаги энг йирик жанглардан бири. Соҳибқироннинг Эрон, Закавказьедаги мавкеи ортиб бораётганини ғаразгўйлик билан кузатаётган Тўхтамиш Амир Темурга қарши Миср билан иттифок тузишни режалаштирган. У Соҳибқироннинг Эрондалигидан фойдаланиб, ҳатто Мовароуннахрга ҳам босқинлар уюштиради. Амир Темур Тўхтамишхоннинг ғанимлик ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида 1391 й. унга қарши юришга жазм этади ва умумий сафарбарлик эълон қилади. 200 минг кишилик кўшин Ўтрор томон йўл олади. Қозо-ғистондаги *Улугтоғ* қояларида Соҳиб-қироннинг бу юриш ҳақида ёзиб қолдирган хотира ёзуви сақланган. Унда жумладан шундай дейилган: «Тарих епти юз тўксон

учта, қўй йил ёзнинг ора ой Туроннинг султони Темурбек 200 минг черик била ислом учун Тўхтамишхонни(нг) хониға йўриди. Бу ерга етиб, белгу бўлсун теб бу йўбани кўпарди. Тангри нисфат бер-гай, иншаоллоҳ, Тангри эл кишига раҳмат қилгай, бизни дуо била ёд қил-гай».

Шарафуддин Аш Яздийннинг ёзишича, Тўхтамишхон кўшини Амир темурниқидан анча кўп бўлган. Қ.ж.да ҳар икки томондан 500 мингга яқин жангчи иштирок этган.

Амир Темур кўшинини анъанавий тартиб — марказ, сўл ва ўнг қанот холидан ўзгача тартибда тузишга аҳд қилади ва жанговар тартибнинг янги усулини қўллайди, кўшин 7 қўлга тақсим этилади. Марказдаги қўлга амалда амир Сулаймоншоҳ қўмондон бўлган. Унинг ортидан Муҳаммад Султон бош бўлган қўл жойлашган, бу қўл кетидан Соҳибқирон қўл остида бўлган 20 кўшин (бўлук) захирадаги қисм сифатида борган. Баронғарга *Мироншоҳ* мирзо, кунбул (қанот)га амир *Хожи Сайфуддин* барлос, жувонғарга *Умар-шаиҳ* мирзо, унга кунбул сифатида амир Бердибек, Сарибуго қўллари жойлашган. Ўғруқ ва захира қисмларга қўмондонликни Амир Темур ўз зиммасига олган. Унинг мақоми марказ ортида бўлиб, ким ёрдамга муҳтож бўлса ўшанга кўмак юборишга тайёр турган. Кейинчалик маълум бўлишича жанг тақдирини ушбу ҳарбий қисм ҳал этган.

Тўхтамишхон кўшинини 5 қўлга тақсимлаб, уларга Жўжи хонадонига мансуб шахзодалар ҳамда энг олиий даражадаги амирларни қўмондон қилиб тайинлайди. Икки томон кўшини бир-бирини кўра оладиган масофага келганда Амир Темур душман кўз ўнгида ўтов, чодирлар ўрнатишни, гиламлар ёзишни буюради. Бундай намойишкорона совуққонлик душман руҳиятига салбий таъсир этиб, уни эсанкиратиб қўйиши лозим эди.

Жанг куни эрта тонгда (18 июнь) Соҳибқирон кўшини кўз ўнгида отдан тушиб Аллоҳдан мадад тилаб икки ра-

каат намоз ўқиган. Байроқ ва туғларни кўтарган қўшин ноғора чалиб, сурон айтиб, улкан жанг қар-найлари садолари остида жангни бошлайдилар. Умаршайх қўмондонлиги остидаги сўл қанот Тўхтамиш томонидан берилган зарба натижасида мушқул аҳволда қолади, рақиб қўшини сўл қанотни ёриб ўтиб орқа томондан ҳужум уюштиришга эришади. Амир Темур бу пайтда қипчоқларнинг асосий қисмини таъқиб этмоқда эди, лекин у захирадаги қисм билан ўзининг сўл қано-тига ёрдамга келади ва душман улокти-риб ташланади. Шундан сўнг Тўхтамиш асосий зарбани Шайх Темур Сулдуз раҳ-барлигидаги қисмларга қаратади ва унинг фавжини яқсон этиб ўртани ёриб чиқади, лекин қаршисидан Умаршайх мир-зо қўшини чиқиб муҳорабага киришади. Шу тариқа Ҳожи Сайфуддин барлос бошчилигидаги қанот қўшинлари ғанимнинг жуванғарига ҳужум қилиши бошланади, бу ҳужум душман жуванғари қаршилигини синдиради. Тўхтамиш Ҳожи Сайфуддинга қарши куч ташлайди, бироқ уларга қарши амир Жаҳон-шоҳ қисми ташланади. Шайх Темур Сулдуз қаторларининг ёриб ўтилиши ҳам тўхтатилган. *Ибн Арабшоҳнинг* ёзишича, Тўхтамиш қўшинининг бир қисми икки лашкарбоши ўртасида чиққан низо туфайли жанг майдонидан қочган. Қ.ж. Соҳибқирон фойдасига ҳал бўлган. Тўхтамиш қочган, унинг кетидан амирлар, саркардалар ва қолган-қутган қўшини ҳам эргашган. Соҳибқирон ниҳоят отдан тушиб Аллоҳга ҳамду сано айтган. Амир Темур ҳар ўн отликдан еттигасини душманни таъқиб этишга жўнатган. Волга дарёсигача таъқиб этилган Олтин Урда жанг-чилари ўлдирилган ёхуд асир олинган. Бир ойга яқин дам олган Соҳиб-қирон катта ўлжа билан Мовароуннаҳрга қайтган.

Ад.: Шарафуддин Али Яздий, зафарнома, Т., 1997; Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, Т., 1992; Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

ҚУРАЙШ, қурайшийлар — араб қабиласи. Макка ш. аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган. 10 та уруғдан иборат бўлган; улардан энг машҳурлари умайя (бани умайя) ва ҳошим ҳисобланган. Умайя уруғидан чиққан қулдорлар ва савдогарлар жоҳилият даврида Маккада ҳукмронлик қилишган бўлса, *Мухаммад* (сав) хошимийларга мансуб бўлган Қ. қабиласидан умавийлар, аббосийлар ва маккалик шарифлар сулоласи чиққан. Сўнгги даврда Ҳошимийлар сулоласи ҳукм-дорлари (Ироқда 1958 й.гача ва Йорданияда) ўзларининг шажараларини Қ.га боғлашади. Қуръоннинг 106-сураси Қ. номи билан аталади.

ҚУРАМА — ўзбек халқи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири. Қ. сўзи «аралашганлар» маъносини билдирган. Қ. қабилавий иттифоқи тахм. 17-а.да шаклланган. 19-а. охири — 20-а. бошларида ўзбеклар таркибига кирган курамаликлар Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятларида яшаб келганлар. Қ.ликларнинг уруғчилик тизимига уруғ, тўп ва ата бўлимлари кирган. Қ.ликлар таркибида қад. ва ўрта аср туркий қабилаларининг куйидаги уруғ вакиллари бўлган: жалоийр, кераит, уйшун, қанжигали, ўнгут, етти уруғ, телов, мўғул, қангли, олчин, чигатой, дўрмон, қалмоқ, тама ва б. Қ.ликлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. 1926 й. маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 50 мингдан ортиқ Қ.лик рўйхатга олинган.

Қ.ликларнинг айрим гуруҳлари қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман халқлари таркибига кирган.

Ад.: Файзиев Т., Қурама, Т., 1963.

ҚУРАМА ТИЗМАСИ, Қурама тоғлари (қурама қабиласи номидан) — Тяньшан тоғ системасининг ғарбидаги тоғ тизмаси, Тожикистон билан Ўзбекистон республикалари чегарасида. Жан.-ғарбда Тожикистон Республикасидаги

Бўстон ш.дан бошланиб, шим.- шаркка 170 км давом этади ва Кенгсоз довони яқинида Чатқол тизмасига туташади. Фарғона водийсини шим.-ғарбдан ўраб туради. Оҳангарон билан Сирдарё дарёлари ҳавзалари орасидаги сувайирғич. Ўртача бал. 2500—3000 м. Энг баланд жойи 3769 м (Бобоиоб чўккиси). Тизма Камчиқ довонидан жан.-ғарб томонга пасайиб боради. Ғарба — Олтинтопган ва Қалконота тизмаларига бўлинади. Бу тизмалар оралиғида Сардобсой водийси жойлашган. Тизмалар силур ва девон даврларининг сланец, оҳактош, гранит, доломит, гранодиорит, конгломерат, порфир, кумтош каби мета-морфик ва отқинди тоғ жинсларидан ташкил топган. Ён бағирларида мезокайнозой даврлари лёсслари, лёссимон ётқизиклари мавжуд. Оҳактошлар ва доломитларда карст рельеф шакллари (каррлар, карст воронка ва ғорлари) тарқалган, мезо-кайнозой тоғ жинсларида сурилмалар содир бўлиб туради. Сардобсойнинг юқори оқимидан шарқда Қ.т. кўпроқ тошкўмир ва пермь даврларининг эффузив ва интрузив жинсларидан тузилган. Тизма фойдали қазилмаларга бой. Бу ерда тошкўмир, кумуш, флюорит, кўргошин, мис, олтин, рух ва б. полиметалл рудалар конлари топилган. Қ.т. ён бағирларидан жуда кўп катта-кичик жилға ва сойлар, жумладан, шим.-ғарбий ён бағридан Оҳангарон дарёсининг чап ирмоқлари оқиб тушади.

Қ.т.нинг жан.-ғарбий ва қуйи қисмларида иқлим континентал. Шим.-шарқий ва баланд қисмларида иқлим мўътадиллашади, ёгингарчилик микродори ортади. Тизманинг шим.-ғарбий ён бағри нисбатан сернам. Ҳар иккала ён бағрида ҳам адир минтақасида тўқ тусли бўз тупроқларда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, чунончи буғдойик, юқорироқда ксерофит буталар, ундан юқорида жигарранг тоғ тупроқларда йирик арча ўрмонлари, ёввойи олма ва ёнғоқ (шим. ён бағри-да), бетага ўсади. 2800—3000 м ва ундан баланд жойларидан тоғ яйловлари учрайди.

Мурод Маматқу.юв.

ҚУРБАҚАЛАР - думсиз сувда ва қуруқликда яшовчиаяр оиласи. Ўз. 2—25 см. Кўпчилик Қ.нинг тишлари қисман ёки бутунлай редуқцияга учраган. Танаси кенг, оёқлари бақаларга нисбатан (қ. *Еақалар*) калта. 21 уруғи 300 дан ортгк тури бор. Антарктидадан ташқари барча китъаларда тарқалган. Улар орасида тропик Африкада тарқалган тирик туғувчи қ. энг содда тузилган. Кўпчилик (200 га яқин) турлари асл Қ. уруғига қиради. Асл Қ.нинг кўз қорачиғи вертикал жойлашган; орқа оёғи бармоқларида сузгич пардалар қолдиғи бор; кўзидан кейинроқда йирик қуло-қолди, танасининг орқа томони бўйлаб майда захар безлари жойлашган. Евросиёнинг ўрмон ва дашт минтақасида уз. 20 см келадиган оддий, яъни қулранг Қ., чўл, дашт, ўрмон ва тоғларида (4800 м гача баландликда) кўк Қ. кенг тарқалган. Ўзбекистон фаунасида фақат кўк Қ. (уз. 14 см гача) учрайди.

Ақсарият Қ. — қуруқлик хайвонлари, бақаларга нисбатан кучсиз сакрайди ва ёмон сузади; секин қадамлаб ҳаракат қилади. Оқшомлари фаол ҳаёт кечиради. Турли хил хашаротлар ва б. умуртқасизлар билан озикланади. Қуруқликда қишлайди. Кўпчилиги сувга, айрим турлари қуруқликка 1200 дан 7000 гача тухум қўяди. Қ. боғ ва полиз экинларига зиён келтирадиган хашаротларни қириб фойда келтиради. Жан. Американинг маҳаллий аҳолиси ага Қ.си захарини ўқ ёйларга суришган. Қ.нинг 6 тури Табиатни муҳофаза қилиш хал-қаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚУРБОН СОЗЧИ (тахаллуси; асл номи Қурбон Исмоилов) (1866 — Хива — 1946) — бахши, Ўзбекистон халқ шоири (1938). Худойберган Ўтаган ўғли ва Қўшақўр созанданинг шогирди. Ёшли-гидан мусиқа ва адабиётга қизиққан, халқ ижоди намуналарини, шеър ёзиш қонун-қоидаларини ўрганган.

«Қурбон ота ҳаётидан», «Хоразм тарихи» ва б. термаларини гармон жўрлигида ижро этган. Хива ш.даги мактаб, ўзи туғилиб ўсган кўча, Хоразм вилояти кутубхонаси бахши номи билан аталган.

Ас.Қурбон ота Исмоилов, Ғазаллар, Т., 1939; Хоразм халқ кўшиқлари, Т., 1965.

ҚУРБОН ХАЙИТИ - қ. *Ҳайит*.

«**ҚУРБОНБЕК**» — туркий халқлар орасида кенг тарқалган дoston. Унинг қорақалпоқ версияси Қурбонбой жиров Тожибой ўғлидан ёзиб олинган (1938) ва нашр этилган (1962). Бир варианты Магназар Жаббор ўғлидан ёзиб олинган (1967). Дostonда Қорабек кизларидан бирининг эл-юртига хиёнат қилиши, Қурбонбекнинг ўз юрти мустақиллиги учун кураши, оби ҳаёт келтириш учун турли саргузаштларни бошидан кечирishi ва юртида адо-лат ўрнатиши тасвирланган. Асарда эл-юртга хиёнат, босқинчилик ва зўрлик қораланиб, тинчлик, дўстлик ва иноқлик улуғланади. Магназар бахшининг репертуарида «Қ.» дostonининг давоми сифатида «Давронбек ва Замонбек» дostonи мавжудлиги кайд этилган.

ҚУРБОНБОЙ жиров Тожибой ўғли (1876 — Тўрткўл тумани Шўроҳон қишлоғи — 1958) — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ дostonчиси (1956). *Жиенмурод жировниж* шогирди. Ёшлигидан халқ кўшиқлари ва дostonлардан парчаларни ёдлаб юрган. Дostonларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қуйлаган. Репертуарида 20 дан зиёд дoston бор; шундан 17 таси ёзиб олинган («*Алпомиш*», «Қирқ қиз», «Ширич билан Шакар» ва б.). Улардан баъзилари Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти фольклор бўлими архивида сақланади.

Ад.: Максетов Қ., Қорақалпоқжиров, бахшилари, Нукус, 1983.

ҚУРБОНГОҲ - осмоннинг Жан.

ярим шаригади юлдуз туркуми. Иккита энг ёруғ юлдузи 2,8 ва 3,0 визуал юлдуз катталигида. Кузатиш учун энг қулай давр — июнь ва июль ойлари. Ўзбекистонда қисман кўринади.

ҚУРБОНЖОН **ДОДХОҲ**,

Қурмонжон Маматқизи, Олай маликаси (1811 — Ўш яқинидаги Модии қишлоғи — 1907.1.2) — чор Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган кўзғолон раҳбари. *Қўқон хонлиги* вазири Олимбек додхоҳ Ҳасанбой ўғли (1800—63)нинг рафикаси.

Қўқон хонининг ҳарбий саркардаси Қашқардан қайтишда унга уйлангач (1832), Қ.д.ни хон саройига олиб келиб, *Нодирабетимга* таништиради (1833). Нодирабегим ва *Увайсий* каби ўзбек шоиралари таъсирида Қ.д.нинг дунёқараши шаклланади. Қ.д. 5 ўғил ва 2 кизнинг онаси бўлган. Олимбек додхоҳ ҳокимият учун курашларда сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач (1863), Қ.д. эри ўрнига маълум муддат Андижон ҳокими бўлган. Сўнгра фарзандларини олиб, ўз овулига жўнаб кетган. У Олай маликаси сифатида ном чиқарган. Бухоро амири Музаффархон жасур ва довюраклиги боис Қурбонжонга додхоҳ унвонини берган. Амир ёрдамида Қўқон тахтини қайта эгаллаган Худоёрхон Қ.д.ни Олай воҳасининг ҳокими қилиб тайинлайди (1865). Унинг катта ўғли Абдуллабек эса Ўш ҳокими қилиб тайинланган. Қ.д. билан Қашқардаги Еттишаҳар уйғур давлати ҳукмдори *Ёқуббек* ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилган.

Қўқонда хон зулми ва чор Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган «*Пўлатхон*» кўзғолонида Қ.д. ва унинг фарзандлари — Абдуллабек, Маҳмудбек, Ҳасанбек, Ботирбек ва Қамчибек ҳам қатнашган. «Пўлатхон» кўзғолони бостирилгандан кейин Олай воҳасидаги аҳоли Қ.д. бошчилигида курашни давом эттиришади (қ. *Қурбонжон додхоҳ кўзғолони*).

Кўзғолон бостирилгач (1876), Туркистон генерал-губернатори К.П. Ка-

уфман томонидан Қ.д. авф қилинади. Олай воҳасидаги ички бошқарувда Қ.д. ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Олай маликасининг довуғи ҳатто Санкт-Петербургдаги император саройигача етиб борган.

Қ.д. Олай воҳасида, сўнгра Ўш яқинидаги қишлоғида умрининг охиригача яшаган. Қ.д. ҳақида Фарғона водийси аҳолиси ўртасида кўплаб қўшиқлар ва ривоятлар тўқилган. Модди қишлоғида уй-музейи мавжуд. Фарғона ва Ўшда кўчалар, мактаблар унинг номига қўйилган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Чоратегин Т., Омурбеков Т., Қирғизистон тарихи (XIX аср боши — 1917 йил), Жалолобод, 2000.

ҚУРБОНЖОН ДОДХОҲ ҚЎЗҒОЛОНИ — чор Россиясининг мустамлакачилик зулмига қарши кўтарилган халқ қўзғолони (1875—76). Бу қўзғолонга Олай воҳаси ҳокими, Олай маликаси сифатида машҳур бўлган *Қурбонжон додхоҳ* бошчилик қилган.

«*Пўлатхон*» қўзғолони оммавий тус олгач, Қурбонжон додхоҳ ўз ўғиллари билан қўзғолончилар томонига ўтган.

1876 й. март ойида Туркистон генерал-губернатори К.П. *Кауфман* Олай воҳасига янги хуудларни босиб олиш ва халқ қўзғолонларини шафқатсиз бостириш билан ном чиқарган генерал М.Д. *Скобелевни* юбориб, қўзғолончилардан 3 кунлик муддат ичида бўйсунуш ва ҳар бир ўтов солиқ тўлашини талаб қилган. Чорвадор қирғизлар ва ўзбеклар босқинчиларга итоат қилмай, уларга қарши Қурбонжон додхоҳ бошчилигида курашга отланган. Скобелев раҳбарлигидаги Россия қўшини 1876 й. 21 мартда Ўшга келади. Скобелев айланма йўл орқали хужумга ўтиб, қўзғолончиларни Сўфиқўрғонгача суриб ташлаган. Абдуллабек қолган йигитлари билан Қизилорт довони томонга чекиниб, Помир тоғларига чиқиб кетган.

Кауфман буйруғи билан 1876 й. ёзида Олай воҳасига жазо отряди жўнатилган. Скобелев бошчилигидаги қўшин 15 июлда Олайга 3 томонлама — Ўш, Учқўрғон ва Гулчадан йўлга чиқишган. Абдуллабек 2 минг кишилик қўшини билан Ўшдан 40 чақирим наридаги Шоти деган жойда пистирма қўйиб, чор қўшинларини Олайга ўтказмасликка ҳаракат қилган. Полковник Витгенштейн ва қирғиз Шабдон Жонтой ўғли бошчилигидаги қисмлар билан Абдуллабек қўшини ўртасида аёвсиз жанглар бўлган. 31 июлда қирғизларнинг бир неча бийи Скобелевга таслим бўлган. Витгенштейн қўшини 1876 й. авгда Абдуллабек йигитлари ордидан қувиб, Помирга кириб борган.

8 сент.да Сўхга яқин Айланма деган жойда ҳар 2 қўшин ўртасида сўнгги тўқнашув бўлиб, унда Абдуллабек бошчилигидаги қўзғолончилар енгилди. Абдуллабек укалари ва сафдошлари билан Қорақўлдан Чўнгсув дарасига ўтиб, сўнгра Туюксув дараси орқали Қашқар ва Шуғнон тарафга, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетган. Абдуллабек ўша йилиёқ Маккага ҳаж сафарига жўнаб, йўлда вафот этган (унинг жасади кейинчалик Гулчага олиб келиниб, дафн этилган).

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Скобелев Ўш уезди ҳокими П.П.Ионов воситачилигида Қурбонжон додхоҳ билан музокаралар олиб борган. Скобелев билан Қурбонжон додхоҳ Олайда шахсан учрашишган ва ўртада сулҳ тузилиб, чор ҳукуматида кўрсатаётган қуроли қаршилик тўхтатилган (1876 й. охири).

Қурбонжон додхоҳнинг ўғиллари Маҳмудбек, Ҳасанбек, Богирбек Кобулдаги кувғинликдан қақирлиб, уларга Олай воҳасида янги тузилган бўлисларга бошчилик қилиш топширилган. Унинг кичик ўғли Қамчибек эса кейинчалик рус маъмурулари томонидан Ўшда дорга осиб ўлдирилган (1895).

Ад.: Бабабеков Х.Н., Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические

предпосъшки, Т., 1990; Народне движение Средней Азии в XIX веке (По материалам Кмргызстана). Бишкек-Ош, 1998.

Қахрамон Ражабов.

ҚУРБОНКЎЛ (Кўккўл) —

Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти шим. ва Ўзбекистон Республикаси чегарасидаги оқар кўл. Фарғона водийсида, Кўксув дарёсида жойлашган. Шим. дан жан.га чўзилган. Тоғ қулашидан ҳосил бўлган. Ўртача бал. 1738 м. Сув йиғиш майд. 129,5 км², кўлнинг майд. 1,4 км², уз. 866 м, ўртача эни 162 м, энг катта кенглиги 255 м. Ўртача чуқ. 8,6 м, энг чуқур жойи 13,4 м. Суви яхши ичимлик сифатига эга. Қишда қирғоққа яқин жойларда музлайди.

ҚУРБОНЛИК —

худого яқинлашиш ва унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйиш. Қ. одати қад. замонларда кўп халқлар ва қабилаларда бор эди. исломдан илгариги арабларда кулларни, ўз фарзандларини қурбон қилиш одати бўлган. Қуръоннинг 108-Кавсар сурасида худо жаннатдаги Кавсар ҳову-зини ато этгани учун жонлик сўйиб Қ. қилиш ҳақида сўз боради. *Сийрат* Замзам булоғи суви камайиб турганда Муҳаммад (сав)нинг бобоси Абдулмут-ғалиб сувни кўпайтиришни худодан тилаб ўз ўғилларидан бирини Қ.ка атагани ҳақида ривоят сақланиб қолган. Даврлар ўтиши билан инсон ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш одатга айланган. Библия ривоятига кўра, Иброҳим (Ав-раам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун ўз ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганда худо уни тўхтатиб, боланинг ўрнига қўчқор сўйишни буюрган (Библия, Борлиқ *китоби*, 22-боб, 1—13-бандлар). Бу ривоят Қуръонга айнан ўтган. Фақат Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни эмас, балки 2-ўғли Исмоилни Қ. қилишга чоғланади (37-сура, 102—107-оятлар). Ислом динида Қ. ҳаж маросимининг қатъий ва мажбурий қисмларидан бирига айланган.

Ҳажда иштирок этмаган мусулмонлар қурбон ҳайити куни имкониятига қараб Қ. қилиши лозим ҳисобланади. Қ. учун сўйиладиган ҳайвон — қўй, мол, туя. Бир қўйни 1 киши, қора-мол, туяни эса бир кишидан то 7 кишигача бир бўлиб Қ. қилиши мумкинлиги белгиланган.

ҚУРБОНОВ

Абдулла Абдураҳмонович (1925.23.2 — Янгийўл тумани — 2004.28.7) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1943 й. сентлан фронтда. 282-гвардиячи ўқчи полки (Дашт fronti 37-армиянинг 97-гвардиячи ўқчи дивизияси) мергани. 1943 й. 30 сент. дан 17 окт.гача Кировоград вилоятининг Онуфриевка туманидаги Дериевка қишлоғи учун бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қахрамон унвони берилган (1944.22.2). 1944 й.да армия сафидан бўшагилган. Урушдан сўнг Ниёзбошида яшаган ва турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Вафотидан сўнг ўзи ишлаган мактабга номи берилган.

ҚУРБОНОВ Ақобир Собирович

(1975.29.7, Бухоро тумани) — спортчи, «Ўзбекистон ифтихори» (1999). Собир *Қурбоновнинг* ўғли. Самбо бўйича 74 ва 82 кг вазн тоифаларида Ўзбекистон (1995—2005), Осиё (1995, Бишкек; 1997, Улан-Батор; 1998, Тошкент; 1999, Сингапур; 2004, Уралск) ва жаҳон (1995, София) чемпиони, жаҳон кубоғи ғолиби (1997, Кстова; 2003, Уралск). Кураш бўйича 73 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (1999) ва жаҳон (1999) чемпиони. Қ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясини тугатган (1996). 1996 й.дан шу академиянинг жисмоний тайёргарлик кафедрасида катта ўқитувчи.

ҚУРБОНОВ Анвар Сарманович

(1948, ҳоз. Сирдарё вилояти Гулистон тумани) — курувчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). Меҳнат фаолиятини 1969 й.дан Гулистон туманидаги 60-сонли қурилиш ташкилотига ғишт терувчиликдан бошлаган, шу тумандаги 3-механиза-

циялашган колоннада қурилиш бригадари (1975-81), «Сир дарёжамқурилиш»га қарашли 49-сонли механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи (1981—98), Гулистон туманидаги 4-сонли қурилишмонтаж бошқармасида бригада бошлиғи (1998 — 2000), 2000 й.дан шу бошқарма касаба қўми-тасининг раиси. Гулистон ш.даги 5-мавзе, «Маънавият ва маърифат» маркази, сузиш бассейни, Алпомиш спорт мажмуаси, Бокс саройи, Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-кининг вилоят бўлими сингари кўплаб йирик меъморлик иншоотлари қурилишида фаол қатнашиб, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган, кўплаб қурувчи шогирдлар етиштирган.

ҚУРБОНОВ Аҳмаджон (1921.10.10, Жомбой тумани — 1945.6.2, Польша, Грудзёндз ш., Шёнайх қишлоғида дафн этилган) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Урушгача ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1940 й.дан армияда, Тамбов ҳарбий билим юрти (1941) ва «Вистрел» курсини (1943) битирган. 128-гвардиячи ўқчи полки (1-Белоруссия fronti 65-армиянинг 44-гвардиячи ўқчи дивизияси)нинг батальон командири, гвардиячи майор. 1944 й. 5 сент. да Польшанинг Серопк ш., Карневск аҳоли пункти яқинидаги Нарев дарёсини кечиб ўтишда ва плацдарм учун душман билан бўлган жангда кўрсатган жасорати учун вафотидан сўнг Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1945.24.3). Ўзи ўқиган мактабга, Жомбой ш.даги станция ва кўчага номи берилган.

ҚУРБОНОВ Йўлдош Рахимович (1929.20.4, Тўртқўл ш. - 1981.31.1, Тошкент) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), қ.х. фанлари номзоди (1959). Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ин-ти зоотехника ф-тини тугатган (1953). 1953—55 й.ларда шу ин-тда ўқитувчи, Ўзбекистон чорвачилик ин-тида бўлим мудирини, илмий ишлар бўйича директор ўрин-босарини (1958—61), Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги

вазирини (1961—62), Қорақалпоғистон деҳқончилик и.т. институти директорини (1962—65), Тўртқўл тумани партия комитетини 1-котибинини (1965—70), Ўзбекистон КП МК котибинини (1970, сент. - 1981). Тўртқўл туманида жамоа хўжалигига, ўрта мактабга, Тошкент ш.даги кўчалардан бирига Қ. номи берилган.

ҚУРБОНОВ Ражаббой (1933.2.3 -Янгиариқ тумани — 2000, янв.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм пед. инсти-тутини тугатган (1961). 1953 й.дан Янгиариқ туманидаги 17-, 1961 й.дан 1-мактабда, 1993—2000 й.ларда 11-лицей интернатда мат. ўқитувчиси.

ҚУРБОНОВ Раҳмат (1944.18.12, Когон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Бухоро пед. институтини тугатган (1968). 1968—98 й.ларда Когон туманидаги 8-мактабда кимё ўқитувчиси; 1989—90 й.ларда директор.

ҚУРБОНОВ Собир Ҳайитович (1949.20.1, Бухоро тумани) — спортчи, самбо бўйича жаҳон чемпиони (1975, Минск), хизмат кўрсатган спорт устаси (1976), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси (1999). Ақобир Қурбонояннинг отаси ва биринчи устаси. Самбо бўйича 74 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (1970, 1973), спартакиада (1975, Тбилиси) ва Европа (1974, Мадрид) чемпиони. Шунингдек, кураш бўйича 73 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони (1969, 1970) ва нуфузли мусобақалар ғолиби. Қ. Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1972), Бухоро туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий, директор (1973—87). 1987 й.дан бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси «Динамо» спорт жамятида катта мураббий.

ҚУРБОНОВ Таънаберди (1936.8.8, Пастдарғом тумани) — актёр, реж.,

Ўзбекистон халқ артисти (1978). Самарқанд ун-ти (1960) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1964). 1964 й.дан Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд давлат мусикали драма театрида актёр, реж., директор (1970—95). Образлари ҳис-туйғуларга бой, уларнинг чуқур ички кечинмалари, кучли туйғуларини табиий ва ҳароратли ифода этиш Қ. ижодига хос. Макферсон (К. Симонов, «Рус масаласи»), Фигоний (С.Азимов, «Қонли сароб»), Тетеров (М.Горький, «Тубанликда»), Карл Моор (Ф.Шиллер, «Қарокчилар»), Аҳмад Ризо (Н. Ҳикмат, «Тентак»), Эзоп (Г.Фигейредо, «Эзоп»), Хилми афанди (Р.Гунтекин, «Ҳийлаи шаърий»), Генерал (К.Чапек, «Номи ўчсин»), Отелло (У. Шек-спир, «Отелло»), Улуғбек (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Бурҳонов (Р.Орифжонов, «Она ҳукми») каби роллари билан танилган. Реж. сифатида «Дуэль» (М.Байжиев), «Гулдан ҳам нозик» (Р.Орифжонов), «Келин келди» (Д.Файзий), «Сарховузинг бўйлариди» (Х.Султонов), «Афанди ва Азроил», «Темир хотин» (Ш.Бошбеков) ва б. спектакллари саҳналаштирган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

ҚУРБОНОВА Хайрихон Абдуллаевна (1940.31.8, Янгийўл ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент пед. институтини тугатган (1967). 1967 й.дан Янгийўл ш.даги 6-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚУРЁЗОВ Собир (1947.17.4, Қўшқўпир тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). хоразм пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Қўшқўпир туманидаги 18-, 1975 й.дан 17-мактабларда кимё-биол. ўқитувчиси.

ҚУРЁЗОВ Тўра (1938.24.2, Хива тумани Журён қишлоғи) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқрассоми (1999). Беньков номидаги Республика рассом-

лик билим юрти (1960) ҳамда Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1975) ни тугатган. Қорақалпоғистон давлат санъат музейида рассом (1960—70), Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Мухтор республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раҳ-бари (1970—75); 1975 й.дан Тошкент ш.да яшаб ижод қилади. Қ. ижодининг дастлабки даврида замондошлари (айниқса, меҳнат аҳли)нинг портретларини яратди («Туркман қизи», 1960; «Хива ман-зараси», 1961; «Жумагул портрети», «Гулсара портрети», 1967; «Прораб Абдулла портрети» «Чавгон ўйини», 1980 ва б.). 1980-й.лардан Хоразмнинг кад. тарихи, этнографияси, маданияти, давлат арбоблари ва алло-маларини рамзий ва мажозий унсурлар воситасида тас-вирлайди: «Илон хайкириғи», «Тупроққалъа» (1987), «Алвидо, Орол!» (1991), «Оллоқулихон мадрасаси» (1991), «Хива. Бозорга», «Жалолиддин жангда» (1991), «Уйғониш» (1993), «Оғаҳий», «Нажмиддин Куб-ро» (1996), «Жалолиддин Мангубер-ди» (1998), ушбу асар қаҳрамон портретининг намунаси сифатида қабул қилинган), «Маъмун академияси», «Ал-Беруний» ва б.

Қ. асарлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Италия, Япония, Ҳиндистон ва б.) музей ва тўпламларида сақланади.

ҚУРИЛИШ — моддий и.ч.нинг йирик соҳаларидан бири; турли максадлардаги бино ва иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш; ишни юри-тиш учун фойдаланиладиган худуд билан бирга қурилаётган бино (иншоот); кенг маънода яратувчилик жараёни. Тугалланган ва фойдаланишга топшириш учун тайёрланган и.ч. корхоналари, турар жойлар, жамоат бинолари, иншоотлари ва б. объектлар Қ. махсу-лотлари ҳисобланади. Қ.да ишлаб чиқариш цикли нисбатан узун бўлиб (бир неча ойдан бир

неча йилгача), и.ч. жараёни турли об-хаво шароитида очик усулда олиб борилади. Пудрат ва хўжалик усулидаги Қ.ни ва монтаж ишларини, шунингдек, бино, иншо-отларни капитал таъмирлаш ишларини курилиш ташкилотлари ва махсус ташкилотлар; лойиҳалаш, лойиҳа-конструкторлик ва кидирув ташкилотлари; фойдаланишга топшириш ва раз-ведка-пармалаш ташкилотлари амалга оширади. Тикланадиган объект хусусиятларига кўра саноат, транспорт, қишлоқ, сув хўжалиги, уй-жой, ком-мунал, ижтимоий-маданий ва бошқа Қ.ларга бўлинади.

Қ. Ўзбекистон Республикасидаги моддий и.ч.нинг энг муҳим тармоқларидан бирини ташкил этади. Республика иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот таркибида салмоғига кўра Қ. саноат ва қ.х.дан кейин 3-ўринда туради. 2003 й.да ялпи ички маҳсу-лотнинг 4,5% (2000 й.да 6,1%), халқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг 4,8% (11,9 минг) Қ. ҳиссасига тўғри келади.

Қ. халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларни қайта такрор и.ч. учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий и.ч. га жалб этишга ёрдам беради. Республикада Қ. ишлари пудрат, суб-пудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади.

Қ. индустрияси негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва б. пудрат курилишмонтаж ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника ва и.ч. базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва б. ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда курилишмонтаж компаниялари, корпорациялари, курилиш акциядорлик жамиятлари ва бирлашмалари, қуйи пудрат ташкилотлари, кичик корхоналар, қўшма корхоналар, лойиҳа ва ил-

мий ҳамда курилиш соҳасига мослаштирилган илмий тадқиқот ин-тлари фаолият кўрсатади. Курилишмонтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган курилиш ташкилотлари амалга оширади.

2003 й.да республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 1867,4 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар киритилди. Бу маблағнинг 1236,1 млрд. сўми (65,1%) и.ч. объектларини куриш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Барча мулкчилик шаклларидаги Қ. ташкилотлари томонидан жами 808,1 млрд. сўмлик Қ. ишлари амалга оширилди (шундан 717,4 млрд. сўми ёки 88,8% нодавлат мулкчилик шаклидаги Қ. ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади).

Қ. ишлари умумий ҳажмидан 76,9% янги курилишлар, фаолият кўрсата-ётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 23,1% капитал, жорий таъмирлаш ишларига тўғри келади. Ўрта ва кичик бизнесга мансуб курилиш ташкилотлари томонидан бажарилган Қ. ишлари ҳажми 350,4 млрд. сўмни ташкил этади (республика бўйича бажарилган курилиш ишлари умумий ҳаж-мининг 43,4%).

Республиканинг турли мулкчилик шаклларидаги курилиш ташкилотлари ва корхоналари ихтисослаштирилган корпорация, компания, акциядорлик бирлашмаларига уюшган. Қ. моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини курилиш материаллари сано-ати ташкил этади (қ. *Куришиш матери-аллари сано-ати*).

ҚУРИЛИШ АКУСТИКАСИ - қ. *Акустика*.

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ — бино ва иншоотларнинг асосий қисмлари. Кўтарувчи, тўсувчи, кўтарувчи-тўсувчи ва ёпувчи каби турларга бўлинади. Арка, ферма ва рама шаргли равишда кўтарувчи; девор ва ёпмалар-

нинг панеллари, гумбаз ва б. тўсувчи, кўтарувчи ва ёпувчи Қ.к. ҳисобланади. Қ.к.нинг текис (балка, ферма, рама) ва фазовий (гумбаз ва б.) хиллари бор. Қ.к. бетон ва темир-бетон, металл, пластмасса, ёғоч ва ғиштдан ишланади.

Қурилишда бетон ва темир-бетон конструкциялар кенг тарқалган. Гидро-техника иншоотлари, йўллар, аэро-дромлар, резервуарлар қуришда яхлит темир-бетон ишлатилади. Махсус бетон ва темир-бетон юкори ва паст т-ралар ёки кимёвий агрессив муҳитлар таъсирида бўладиган иншоотларни қуришда қўлланилади. Металл конструкциялар, асосан, кўп қаватли бино ва иншоотларнинг синчлари, цехлар, катта ҳажмли резервуарлар, кўприклар қуришда ишлатилади.

Ғишт, табиий тош, майда блоklar ва б. конструкциялар йирик панелларга қараганда камроқ ишлатилади. Ёғоч конструкциялардан фойдаланишнинг асосий йўналиши елимланган ёғоч конструкцияларга ўтишдир. Қурилишда кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар учун елимланган ёғоч кенг қўлла-нилади. Индустрал конструкциялардан асбест-цемент пневматик конструкциялар; енгил қотишмалар ва пластик массалар ишлатиладиган конструкциялар кенг тарқалган. Қ.к.га қўйиладиган асосий талаблар: тайёрлашни ин-дустрлаштириш кўлами (3-д шароитида тайёрланиши), самарадорлиги (материаллар сарфи ва қиймати бўйича), ташиш ва монтаж қилишнинг қулайлиги.

Ўзбекистон меъморчилигида қадимдан арка, *гумбаз*, *равоқ* каби Қ.к.да асосан пишиқ ғишт ва ганч ишлатилган (қ. *Аркастуни*). 20-а. 40-й.ларидан темир-бетон ва қуйма бетон конструкциялар кенг расм бўлди. Қурилишда ишлатиладиган темир-бетон конструкциялар асосан 2 усул-да: қурилиш объектининг ўзида ва 3-д ёки тажриба майдонларида тайёрланади. 20-а. 90-й.ларидан пластмасса ва алюминий Қ.к. (айниқса, рама, терраса, дераза ва эшиклар учун) кенг қўлланилмоқда.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ - бинолар (иншоотлар) қуриш ва таъмирлашда ишлатиладиган табиий ва сунъий ашёлар ҳамда буюмлар. Умумий ишларга мўлжалланган (мас, *це-мент*, *бетон*, *ёғоч материаллар*) ва махсус (мас, *акустика материаллари*, иссиқлик изоляция материаллари, ўтга чидамли материаллар) хиллари бор.

Технологик ва эксплуатация аломатларига кўра куйидаги асосий гуруҳларга бўлинади. Табиий тош материаллар — механик ишлов бериладиган тоғ жинслари (қоплама плиталар, чақиқ тош, шағал ва б.). Керамик материаллар ва буюмлар — тупроқли хом ашёлардан қолиплаш, пишириш йўли билан тайёрланади (қ. *Керамика*, *Ғишт*). Анорганик боғловчи моддалар — сув билан аралашганда пластик бўтқага, кейин тошсимон ҳолатга айланадиган қуқунсимон материаллар (цемент, гипс, оҳак ва б.). Бетон ва қоришмалар — боғловчи моддалар, сув ва тўлдиргичлар аралашмасидан олинадиган, маълум физик-ме-ханик ва кимёвий хоссаларга эга бўлган табиий тош материаллар. Йирик ўлчамли йиғма конструкциялар ва буюмлар тайёрлашда енгил бетонлар ишлатилади. Конструктив элементларнинг эгилиш ва чўзилишга мустаҳкамлигини ошириш учун бетон пўлат арматуралар билан биргаликда тайёрланади (қ. *Темир-бетон*, *Темир-бетон конст-рукциялар*). Металллардан қурилишда, асосан, пўлат прокатлар ишлатилади. Пўлатдан арматуралар, бино каркаслари (синчлари), қувурлар, трубо-проводлар, ёпма материаллар ва б. тайёрланади. Шу билан бирга алюминий қотишмаларидан ҳам фойдаланилади. Иссиқлик изоляция материаллари (минерал пахта, пенобетон, асбест, пеношиша, фиб-ролит ва б.) бино, иншоот, саноат жиҳозларининг ўраладиган конст-рукциялари учун, қувурларнинг иссиқлик изоляцияси учун ишлатилади. Органик боғловчи моддалар ва гидроизоляция материаллари — битумлар, рубероид, толь, асфальт-бетон ва б. *Поли-*

мерьярта син-тетик полимерлар асосида тайёрланадиган материалларнинг катта гуруҳи киради. Улар полларга тўшашда (ли-нолеум, релин ва б.), конструкцион ва пардозлаш материаллари (шиша-пластлар, безак плёнкалар), иссиқлик ва товуш изоляция материаллари (*пе-нопластилар*, шишапластлар) сифатида ишлатилади. Л о к ва бўёқлар — бўяладиган конструкция сиртида безак ва ҳимоя қопламаси ҳосил қилади. Улар органик ва анорганик боғловчи моддалар асосида тайёрланади. Булардан ташқари Қ.м.га шиша (ойна) ва *пластмассалар* ҳам киради.

Ўзбекистонда Қ.м.дан соғтупроқ, цемент, алебастр, ганч, қум, шағал, мрамар ва ёғоч мавжуд. Қ.м. учун Ўзбекистон Республикаси стандартларида жами 120 тадан кўп стандарт қабул қилинган (2005 й.гача).

Ад.: Строительные материалы [Под общей ред. В.Г.Микульского], М., 2000; Қосимов Э., Қурилиш ашёлари, Т., 2004.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ — уй-жой қурилиши, саноат, қ.х. ва б.даги қурилиш соҳалари учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат. Бир қанча тармоқларни ўз ичига олади. Цемент, асбест-цемент шифери, асбест-цемент қувурлари, девор материаллари (ғишт), оҳак, гипс, дераза ойналари, юмшоқ ёпма материаллар, табиий тошлардан қоплама материаллар, безак ҳамда пол учун сопол (керамик) плиталар, иситгич радиаторлар ва конвекторлар, чинни-фаянс санитария-қурилиш буюмлари, линолеум, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, норуда қурилиш материаллари (майдаланган, чақилган тош, қум, шағал, қум-шағал аралашмаси) ва б. Қ.м.с.нинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади.

Қадимда ғишт, черепица, сопол плита, сопол водопровод қувурлари, гипс ва оҳакли ёпишқоқ материаллар ва б. қурилиш материаллари маълум эди. 19-а. нинг 1-чорагида механик чидамлилиги юқори бўлган, сувда қотадиган портланд-

цемент кашф этилиб, қурилишда бетон ва темир-бетон и.ч. ва уларни ишлатишга шароит яратди. 19—20-а.ларда қурилиш ҳажмининг кескин ошиши натижасида Қ.м.с. маҳсулотлари тур таркиби ва и.ч. ҳажмлари юқори суръатларда юксалди.

Ўзбекистонда табиий хом ашёлардан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч синч, ганч, оддий тупроқ (лой)дан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Республикада қурилиш материаллари саноати халқ хўжалигидаги саноат тармоғи сифатида 20-а. бошларида пайдо бўлди. 1913 й.да ҳоз. Ўзбекистонда жами 20 дан кўпроқ кичик ғишт 3-длари, оҳак ва алебастр и.ч. корхоналари ишлаган. 20-а.нинг 20-й. ларидан бошлаб дастлабки Қ.м.с. корхоналари (цемент, ғишт 3-длари) қурилиши бошланди ва қисқа муддатларда *цемент саноати*, *шиша-ойна саноати*, тошга ишлов бериш (тоштарошлик), норуда қурилиш материаллари корхоналари барпо этилди.

21-а. бошида республиканинг кўп тармоқли Қ.м.с.да цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ том ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир-бетон конструкциялари ва б. ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланди. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш матери-алларига бўлган талабини тўла қонди-ради. Хорижий инвесторлар иштиро-кида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология

билан жиҳозланиб кенгайтирилмоқда. 2003 й.да Ўзбекистонда саноат маҳсулоти и.ч.нинг умумий ҳажмида Қ.м.с. салмоғи 4,9% ни ташкил этди. Тармоқда фаолият кўрса-тадиган энг йирик ташкилот «Ўзқу-рилишматериаллари» акциядорлик компанияси (1997 й.да ташкил этилган)дир. Унинг таркибидаги 80 корхона (23 акциядорлик жамияти, 39 та масъулияти чекланган жамият, 14 та хусусий корхона, 4 қўшма корхона) республикада объектлар қурилишини барча турдаги қурилиш материаллари билан таъминлайди.

2003 й.да республика Қ.м.с.да (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) 4062,5 минг т цемент, 568,1 минг км² ички деворларни коплашга мўлжалланган безакли сопол плиткалар, 34,7 млн. м² юмшоқ ёпма (том) материаллари, 313,7 млн. дона шартли тахта шифер, 360 минг м² линолеум, 6434,5 минг м² дераза ойнаси (2 мм қалинлик ҳисобиди), 41,9 минг т оҳак, 49,2 минг т гипс ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тармоқ маҳсулотлари чет мамлакатларга экспорт қилинади (2004 й.да 31,7 млн. АҚШ доллари).

Эркин Акрамов.

ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ

қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун мўлжалланган механизация воситалари. Қуриладиган бино ва иншоотлар ўрнини тайёрлаш, ер текислаш ва қозиш ишларини бажариш, йўл қурилиши, йиғма конст-рукцияларни монтаж қилиш, бурғилаш, устун-қозиқ қоқиш, арматуралар тайёрлаш ва уларни пайвандлаш, бетон қоришмасини куйиш, том ёпиш, пардозлаш ва б. ишларни бажариш учун мўлжалланган технологик ғуруҳларга бўлинади.

Бино ва иншоотлар ўрнини тайёрлаш ишлари (грунтни юмшатиш, қурилиш майдончасини буталар, дарахтлар, тошлардан тозалаш) алмашинадиган иш жиҳозлари ўрнатилган занжирли тракторлар негиздаги машиналар б-н; ер текислаш ва қозиш ишлари бир

ва кўп чўмичли экскава-торлар, зовур қазигичлар, бульдозерлар, скреперлар, автогрейдерлар, бир чўмичли юклагичлар ва б. б-н; йўл қурилиши ишлари ер қозиш машиналари, махсус йўл қурилиши машиналари б-н; темир йўл қурилишидаги ишлар рельс-шпал ётқизиш, балласт ёйиш, изларни тўғрилаш машиналари билан бажарилади. Қоя грунтлари тайёрлашдаги бурғилаш, руда бўлмаган қурилиш ашёларини қазиб олиш, устун-қозиқ ўрнатиш учун қудуқ қозиш ва б. ишлар турли бурғилаш машиналари ёрдамида қилинади. Замин тайёрлаш ишлари устун-қозиқ қоқиш жиҳозлари, дизель-болға, буғ-ҳаво бол-ғалари, вибротиргич билан бажарилади. Бетон ва темир-бетон ишлари домкратлар, арматура-пайвандлаш қурилмалари, бетон коргичлар, авто-бетонташигичлар, авто-бетоннасослар, зичлагич (вибратор)лар, бетон ётқиз-гичлар; том коплама ёпиш ишлари том ёпиш машиналари, мастика ташиш ва узатиш машиналари; пардозлаш ишлари қоришма коргич, қоришма уза-тиш насоси, суваш-силлиқлаш, қошинлаш-силлиқлаш, паркетлаш-силлиқлаш машиналари, механизацияланган кўчма бўёқчилик ст-ялари, шпаклёвка қурилмалари билан қилинади.

Қурилишда юк кўтариш кранлари, кўтариш-ташиш, ортиш-гушириш машиналари, узлуксиз ташиш ва б. машиналардан ҳам фойдаланилади. Қ.м.дан фойдаланиш ишларини ком-пьютерлашган роботлар ёрдамида бошқариш аста-секин расм бўлмоқда.

Ад.: Бозорбоев Н., Хушназаров Б., Қурилиш машиналари, Т., 2001.

ҚУРИЛИШ МЕХАНИКАСИ - иншоотларнинг мустаҳкамлиги, биқирлиги, чидамлилиги ва тебраниш-тебранмаслигини ўрганиш, текшириш ва ҳисоблаш билан шуғулланадиган фан. Асосий объектлари — текис ва фазовий пластинка ва қоқиқлардан иборат системалар. Конструкцияларни ҳисоблашда турли таъсирлар, асосан, статик ва ди-

намик нагрузкалар ва т-ранинг ўзгариши ҳисобга олинади. Ҳисоблашдан мақсад система элементларида ву-жудга келадиган ички зўриқишларни, айрим нукталарининг силжишини, системанинг турғунлик ва тебраниш шароитини аниқлашдан иборат. Ҳисоблаш натижалари асосида бино ва ин-шоотларнинг мустаҳкамлиги учун зарур айрим элементлари кесимларининг ўлчами аниқланади. Қ.м.даги назарий ҳисоблашлар назарий механика, *материаллар қаршилиги, эластиклик назарияси, пластиклик назарияси* ва б.га асосланади. Қ.м. иншоотлар назарияси, иншоотлар статистикаси деб ҳам аталади.

Иншоотларни ҳисоблаш учун дастлаб уларнинг ҳисобий схемаси (моделли) аниқланади. Шу мақсадда реал иншоотлардан фақат маҳаллий нагруз-каларни қабул қиладиган ва амалда иншоот ишида бутунлай иштирок этмайдиган элементлар фикран олиб ташланади ва иншоотнинг соддалаштирилган схемаси тузилади. Ҳисобий схемада иншоот элементлари шартли равишда чизик, текислик, қийшиқ юзалар тарзида тасвирланади. Қ.м.да ўзаро узел қилиб туташтирилган алоҳида элементлар ёки стерженлардан иборат дискрет схема (ферма, рама, аркалар), битта узлуксиз элементдан иборат континуал схема (мас, қобик) ва алоҳида стерженлари (мас, колоннага таянувчи қобик) бўлган дискрет-континуал схема бўлади.

Ҳисоблашда иншоотлар барча элементларининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинади. Амалда учрайдиган иншоотлар системалари фақат статик тенгламалардан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин бўлган статик аниқ системалар ва статик тенгламалардан ташқари деформацияларнинг ўзаро боғлиқлик тенгламаларидан ҳам фойдаланиб ҳисобланадиган статик аниқмас системаларга бўлинади.

Дискрет аниқмас статик системаларни ҳисоблашда куч усули, силжиш усули ва аралаш усулдан фойдаланилади. Куч усули бўйича ҳисоблашда ин-

шоотнинг танланган ҳисобий схемасида боғланишларнинг бир қисми «ташлаб юборилади» (ҳисобга олинмайди). Бу билан берилган система статик аниқ ва геометрик жиҳатдан ўзгар-мас системага айлантирилади, «таш-лаб юборилган» боғланишлар куч билан алмаштирилиб, каноник тенгламалар тузилади. Бу тенгламаларни ечишда топилган ортиқча номаълумлар нагрузка билан бирга асосий системага ташқи кучлар сифатида «қўйилади», сўнгра система элементларидаги ички зўриқишлар ва айрим нукталарининг сил-жиши аниқланади. Силжиш усулида берилган системага қўшимча боғланишлар қўйиб, асосий система ҳосил қилинади. Бундан мақсад системани деформацияси ва зўриқишлари олдиндан ўрганилган системага айлантиришдир. Боғланиш йўналиши бўйича силжишлар ортиқча номаълум деб қабул қилинади. Аралаш усулда куч ва силжиш усуллари билан бир-галикда фойдаланилади; бунда асосий система баъзи боғланишларни қўшиш, баъзиларини олиб ташлаш йўли билан ҳосил қилинади. Шунинг учун куч ва силжишлар ортиқча номаълум бўлади.

Континуал статик аниқмас системаларни ҳисоблашда силжиш функциялари ёки зўриқишлар номаълум деб қабул қилинади. Буларни аниқлаш учун дифференциал тенгламалар тузилади. Тенгламалар ечилгандан сўнг ички зўриқишларнинг қиймати аниқланади. Ҳисоблаш амалиётда компьютардан фойдаланиш континуал системаларни ҳисоблаш учун дискрет ҳисобий системалардан ҳам фойдаланишга имкон беради. Бунда континуал система ўзаро бикор ёки эластик боғланишлар билан бирикадиган системаларни ҳисоблашда куч усули ҳам, сил-жиш усули ҳам қўлланилади. Геометрик чизиклимас системалар ҳам учрайди. Буларни ҳисоблашда силжиш анча катта бўлганлигидан система геометриясининг ўзгариши ва деформация жараёнида нагрузканинг силжиши ҳисобга олинади. Иншоотнинг турғунлиги ва тебраниши-

ни ўрганиш Қ.м. нинг муҳим вазифасидир. Иншоотнинг қанчалик турғун эканлигини ҳисоблашда статик, энергетик ва динамик усуллар қўлланилади. Улар ёрдамида критик параметрлар аниқланади. Ҳозир Қ.м.га доир барча диагностика ва ҳисоблаш ишлари асосан компьютерлар билан бажарилади.

Қ.м.нинг иншоотларни ҳисоблаш усуллари мат., механика ва материаллар қаршилиги фанларининг тараққий этиши билан ривожлана борди. 19-а.гача Қ.м.да график усул билан ҳисоблаш усули қўлланилди ва бу усул «графоста-тистика» деб аталди. 20-а.га келиб график усул ўрнини аналитик усул эгаллади. 18—19-а.ларда Л. Эйлер, Я.Бер-нулли, Ж. Лагранж ва С. Пуассон ишлари асосида келиб чиққан аналитик усуллар 19-а. 2-ярмидан т.й. кўприклари, йирик саноат иншоотлари қурилиши натижасида жадал ривожланди. Юқорида айтиб ўтилган фанларнинг ривожланиши туфайли Қ.м. усуллари ҳам такомиллашиб борди. Ўзбекстон меъморлиги қадимийлиги, турли-туман меъморий ёдгорликлари билан машхур (қ. *Меъморлик*). Қад. миллий бино ва иншоотлар жуда мураккаблиги, геометрик шаклларнинг кўплиги, зилзилабардош қилиб қурилганлиги билан ажралиб туради. Уларни қуришда меъморлар Қ.м. усулларидан фойдаланишган. Ҳозир ҳам Ўзбекистонда замонавий бино ва иншоотлар билан бирга тарихий меъморлик анъана-наларидан ҳам фойдаланилади ва бунда Қ.м. усуллари кенг қўлланилади. Ўзбекистонда бино ва иншоотларни зилзилабардош қилиб қуришга алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистонда Қ.м.га доир и.т. ишлари, асосан, Тошкент архитектура-қурилиш ин-тида, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш ин-тида, Тошкент Давлат техника ун-тида, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ин-тида, Ўзбекистон Республикаси ФА Механика ва иншо-отларнинг сейсмик мустақамлиги и.т. институтида олиб борилади.

Турсунбой Рашидов.

ҚУРИЛИШ ФИЗИКАСИ - бино ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ физик жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш ҳамда уларга доир муҳандислик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи илмий фанлар (амалий физика бўлимлари) мажмуи. Асосий соҳалари — қурилиш акустикаси, қурилиш *ёруғлик техникаси*, қурилиш *иссиқлик техникаси*. Булар товуш ёки ёруғликнинг тарқалиши, иссиқликнинг кўчиши қонуниятларини ўрганиш масалалари билан шуғулланади. Улар ишлаб чиққан тавсиялар бинолар ва иншоотларда одамнинг сезги органлари учун энг қулай ва гигиена нуқтаи назаридан энг мақбул акустика, ёруғлик ва т-ра-намлик шароитларини яратишда жуда қўл келади. Қурилиш конструкциялари ва қурилиш матери-алларининг чидамлилиги назарияси, қурилиш иқлимшунослиги ва қурилиш аэродинамикаси бўлимлари ҳам Қ.ф.нинг муҳим соҳалари ҳисобланади. Бино ва иншоотларнинг мустақамлиги, бикирлиги ва турғунлиги масалалари амалий физиканинг муҳим бўлими *қурилиш механикаси* ўрганилади.

Қурилиш иқлимшунослигида бино ва иншоотлар ҳамда уларнинг конструкцияларига ташқи иқлим шароитларининг таъсири ўрганилади. Хоналардаги ички иқлимнинг хусусиятлари уларнинг бинода қандай жойлашганлигига ва бинонинг аэродинамик кўрсаткичларига боғлиқ, чунки хоналарда т-ра ва намликнинг тарқалиши табиий ҳаво алмашиши шароитларига қараб ҳар хил бўлади. Қурилиш объекларининг аэродинамик шарт-шароитларини ўрганиш саноат ва жамоат биноларини ҳар тарафлама қулай қуришга имкон беради. Қ.ф.нинг тараққиёти бу борадаги и.т. ишларида янги усуллар ва воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ. Мас, қурилиш материалларининг структура-механик кўрсаткичлари, уларнинг конструкцияларидаги намлик шароити ва ҳолатини

ўрганишда ультратовушлар, лазер нурлари, гамма-нурлар, радиоактив изотоплардан фойдаланилади. Хона ичидаги ҳавони иситиш ва мўътадиллашда яримўтказгичлар техникасини қўллаш мумкин.

ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛАРИ - боғловчи аралашмалар (цемент, алебастр ва б.) га сув, майда тўлдиргичлар (шағал, чақик тош, тошқол ва б.) қўшиб тайёрланадиган қурилиш материаллари. Бир хил боғловчи ишлатилган Қ.к. оддий, 2—3 хил боғловчи аралашма (цемент, оҳак ва б.) ишлатилгани мураккаб Қ.к. дейилади. Тўлдиргичларнинг ҳажмий оғирлигига қараб, енгил ва оғир турларга бўлинади. Енгил Қ.к. учун енгил ғовакли материаллар (турли шлаклар, керамзит, аг-лопорит ва б.) ишлатилади. Оғир Қ.к. учун табиий ва тоғ минералларини майдалаб олинган тўлдиргичлар ишлатилади. Оғир Қ.к.нинг ҳажмий оғирлиги 1500—2500 кг/см³ (қурук ҳолда), енгилиники 1500 кг/м³ дан кам.

Қ.к. деворбоп (ғишт ва терилган тош, йирик панель, блоklar чокларини тўлдиришга мўлжалланган), пар-дозбоп (ҳар хил сувоклар учун) ва махсус (гидроизоляция, акустика, рент-ген нурларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган) хилларга; сиқилишга мустаҳкамлигига қараб, 4 дан 300 гача 9 маркага бўлинади. Қ.к.нинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига 0,1—0,25% ҳар хил қўшилмалар — кул, оҳак, шлак, совун, полимер смолалар ва б. қўшилади.

Қ.к. 3-дларда ёки қурилишнинг ўзига қорғичларда тайёрланади. Қ.к. қурилишга тайёр ҳолда ва ишлатишдан олдин сув қўшиладиган қурук аралашма ҳолида махсус автомашиналарда ёки қувурлар орқали насослар ёрдамида келтирилади.

ҚУРЛАР — *товуқсимонлар* туркумига мансуб қушлар уруғи. 2 та тури бор. Нарининг вазни 2 кг гача, модаси 1

кг гача. Европа ва Осиёнинг ўрмонли ва ўрмонли дашт қисмида тарқалган. Нари қора. Қўк ва яшил товланади, думидаги четки паглар узунроқ, икки четга лирасимон қайрилган. Модаси кичикроқ, қизғиш қора ҳолли. Уясини ерга ясади. 4—13 та тухум қўйиб, 23—25 кун босади. Жўжалари июнь бошларида тухумдан чиқади. Ўсимлик мева ва б. билан озиқланади. Кавказ Қ.и фақат Катта ва кичик Кавказ, Туркия, Эронга хос; бирмунча кичик. Қишда тоғдан водийга кўчади. Овланади. Ҳозир сони камайиб бормоқда. Кавказ қури регионал Қизил китобларга киритилган.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР - ҳарбий ҳаракатлар (ҳужум ёки мудофаа) олиб бориш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган бирлашмаси; сиёсий ҳокимиятнинг муҳим тармоғи.

Қ.к.нинг вужудга келиши жамятнинг синфларга ажралиши ва давлат пайдо бўлиши билан боғлиқ. Қулдорлик давлатларининг қўшинлари, асосан, ҳарбий йўлбошчилар ёки шоҳларнинг дружиналаридан, эркин халқ лашкарларидан иборат бўлган. Миср, Юно-нистон, Рим ва б. давлатларда ҳарбий-денгиз флоти тузилган. Мулкчилик муносабатлари ривожлана борган сари вассалликлар лашкарлари Қ.к.нинг асосини ташкил этган. Ҳар бир мулкдор моҳир жангчи бўлиб, ўз қуроли отрядига эга бўлган. Ғарбий Европада пиёда аскарлар аҳамиятини йўқотиб, оғир қуролланган отлик рицарлар асосий кучга айланган. Шарқда араблар, турклар, мўғуллар ва б.нинг давлатларида Қ.к., асосан, оғир ва енгил қуролланган отлик аскарлардан иборат бўлган (қ. *Армия*).

18-а. охирида Европа давлатлари (Франция ва б.)да умумий ҳарбий хизмат мажбурияти жорий этилди. 19-а. охирларига келиб ривожланган давлатлар Қ.к.и сони кескин кўпайди. 20-а. бошларида янги жанговар техника пайдо бўлди,

транспортнинг ривожланиши кадр принципи асосида тузилган армия ва ҳарбий-денгиз флоти яратилишига олиб келди. Кейинчалик қуролланиш пойгаси авж олди ва йирик давлатлар қуролли кучлари жадал кўпая бошлади. Фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Янги қўшин турлари вужудга келди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Қ.к. ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ўсди. Қўшинлар механизациялаштирилди ва моторлаштирилди, артиллерия ва танклар сони ортди, реактив артиллерия ва баллистик ҳамда қанотли ракеталарнинг дастлабки намуналари пайдо бўлди. Ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флоти ривожланди. Оператив бирлашмалар (қуруқликдаги қўшинларда — фронт ёки армиялар гуруҳи, ҳарбий-денгиз флотида — флот) вужудга келди. 1945 й. АҚШда, 1949 й. собиқ СССРда, кейинроқ Буюк Британия, Франция ва Хитойда атом қуроли пайдо бўлди.

Қ.к. турларига қуйидагилар кирди: *қуруқликдаги қўшинлар*, стратегик мақсаддаги ракета қўшинлари, мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари, *ҳарбий-ҳаво кучлари*, *ҳарбий-денгиз флоти*. Қ.к. турлари бўлинма, қисм, қўшилма, шунингдек, бирлашма (асосан, уруш даврида)ларга уюшган қўшин турлари ва махсус қўшинлардан ташкил топади. Қ.к.да ягона ташкилий тизим, шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялашнинг, командир кадрларни тайёрлашнинг, хизматни ўташнинг умумий тартиби мавжуд. Тараққий этган давлатларнинг замонавий Қ.к.и энг янги жанговар техника, шунингдек, ракета-ядро қуроли билан таъминланган бўлиб, юксак тайёргарликка, кенг жанговар имкониятларга эга (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари*).

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АНСАМБЛИ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари марказий ашула ва рақс ансамб-

ли — республикада ҳарбий хизматчилардан тузилган етакчи ансамбль. 1939 й. Тошкентда Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли номи билан ташкил топган. 1992 й.дан ҳоз. номда. 2-жаҳон уруши даврида ансамбль ҳарбий қисмларда, госпиталларда, Закавказье фронтида, Эронда концертлар берган (1941—43). Ҳозирги репертуаридан халқ куйи ва қўшиқлари, Ўзбекистон бастиорлар ва композиторлари (П.Макаров, А.Назаров, Ҳаб. Раҳимов, Р. Абдуллаев, Ш.Дадажонов ва б.)нинг ҳарбий-ватанпарварлик, қахрамонлик мавзусидаги («Она юрт», А.Назаров; «Жон Ватан», Ш.Дадажонов; «Ҳар баҳор, ҳар кузда», К.Раҳматов ва б.), лирик («Райҳон», «Куйган кўнгил», «Хайр ёрим»), рақс қўшиқлари (хо-размча «Нега гераг» ва б.), вокал-рақс композициялари (ўзбек мумтоз ашу-лаларидан иборат «Гулдаста», турли халқлар қўшиқларидан иборат «Терма» ва б.) ўрин олган. Хонанда, созанда ва рақс(а)лар гуруҳлари (жами 70 киши)дан иборат. Ҳозирда бошлиғи ва бадий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Ш.Дадажонов, бош балетмейстери — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти З.Мадраҳимова, хормейстер — О. Комилжонов, мусиқа раҳбари — Ф.Азимов, реж. — Туркменистонда хизмат кўрсатган артист А.Голошчапов. Ансамблда хонандалар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Ҳақимов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист К.Раҳматов, О.Назарбеков, И.Искан-дарова, И. Саидумаров, З.Бобоҷонов, рақсозлар: Ш.Нажмидинова, З.Шамшихонова ва б. фаолият кўрсатмоқда. Жамоа Покистон, Афғонистон, АҚШ, Германия, Италияда гастролда бўлган.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ - уруш олиб бориш воситаларини бутунлай йўқо-тиш ёки уларни қисман камайитириш ҳамда уруш хавфини бартараф этиш учун шартшароитлар яратиш мақсадида амалга

ошириладиган чора-тад-бирлар тизими. Қ. халқаро ҳуқуқнинг тамойилларидан бири бўлиб, унинг юридик моҳиятини 3 меъёрий белги: умумий характердаги мажбуриятлар (Қ. борасида амалий чораларни ишлаб чиқиш); дастурий характердаги нор-малар (қуроллар ва қуролли кучларни тўлиқ йўқ қилиш йўли билан Қ.га эри-шиш); кафолат характерига эга бўлган мажбуриятлар (амалдаги шартномалар қоидаларини тўлиқ бажариш) ташкил этади.

Қ. халқаро доирада БМТнинг 2 асосий органи — Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашига топширилган. БМТ хузурида барча ташкилот аъзоларидан иборат Қ. комиссияси ташкил этилган. Қ.нинг 2 тури: ялпи ва қисман Қ.ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ялпи Қ. деганда: 1дан, қуролли кучларни йўқ қилиш, ҳарбий ташкилотларни бартараф этиш, қурол и.ч.ни тўхтатиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш ҳамда тинчлик даврида қуроллардан фойдаланишни ман этиш; 2дан, ядровий, кимёвий, бактериологик ва б. оммавий қиргин қуролларнинг барча захираларини йўқ қилиш ҳамда шу туркумдаги қуролларни и.ч.ни тўхтатиш; 3дан, оммавий қиргин қуролларини элтиб бериш воситаларининг барча турларини йўқ қилиш; 4дан, мамла-кат ҳарбий фаолиятини уоштирувчи муассасалар ҳамда ташкилотларни бар-тараф этиш, ҳарбий таълим беришни тўхтатиш, ҳарбий ўқув юртларини ёпиш; 5дан, маблағларни ҳарбий мақсадларда ишлатишни тўхтатиш тушунилади. Давлатлар фақат ядровий бўлмаган қуролли кучлар, воситалар ва ташкилотларни сақлаб қолиши мумкин. Улар келишувга биноан ички тартиб-қоида ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир. Қисман Қ. ядровий қуролсизланиш, ядровий қуроллардан фойдаланишни, ядровий қуроллар синовларини ман этиш, ядровий қуролларни тарқатмасликни ўз ичига олади (қ. *Ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома*, *Ядро қуролли тарқатмаслик*

тўғрисидаги шартнома). Шунингдек, ядро қуролларидан холи зоналар (қ. *Ядро-сиз зона*) ташкил қилиш, стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва камайтириш, кимёвий ва бактериологик қуролларни ман этиш ва ниҳоят, оддий қуролларни ва қуролли кучларни қискартириш ҳам қисман қ. йўлида амалга ошириладиган чоралар ҳисобланади.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР — душманнинг жонли кучларини, техникасини сафдан чиқариш ва иншоотларини вайрон қилиш учун мўлжалланган қурилма ва воситаларнинг умумий номи. Ибтидоий жамоа даврида ов ва мудо-фаа эҳтиёжлари учун дастлабки қуроллар: сўйил (йўғон таёқ), чўқмор тош, ўткир учли ёғоч найза (кейинчалик темир уч қадалган), сопқон ва найза улоқтириш мосламаси пайдо бўлди. *Мезолит* даврида камон; *неолит* даврида тошболта, тўқмоқ, ханжар ясай бошланди. Темир ишлатиш расм бўлгач (мил. ав. 1-минг йиллик боши) тигли қуроллар — қилич ва найзалар тай-ёрлана бошланди. Қад. шарқдавлатлари қўшинларида залвор тош ва гўлаларни иргитувчи мослама (ката-пульта, манжаниқ ва б.) кенг қўлланган. *Порох* кашф этилгач, ўтсочар қуроллар ясалди (мас, илк ўтсочар қурол — модфани 12-а.да араблар яратишган). Кейинчалик (14-, 15-ва 16-а.ларда) пилта милтиқ, тўппон-ча, артиллерия замбараклари пайдо бўлди. 19-а. ўрталаридан ўйиқ стволли артиллерия, карабин милтиқлар, миналар, торпедалар яратилди. 19-а. охирилари ва 20-а. бошларида автомат қуроллар (пулемёт ва б.) пайдо бўлди. 20-а. 10-й.ларида авиация бомбалари яра-тидци, *кимёвий қурол* ва олов пурковчи (огнемёт)лар расм бўлди. 20-а. 30-й. лари охиридан реактив снарядлар яра-тилди. 1945 й. август ойида АҚШ қуролли кучлари Японияга қарши *ядро қуроли* қўллади. Қ.-я. кейинги пайтларда сифат жиҳатидан такомиллаштириб берилди.

Қ.-я. вазифаси, тузилиши, қўлланиш қўлами ва б. аломатлари бўйича

фаркланади. Вазифасига кўра, индивидуал (якка тартибдаги) ва ялпи қирғин қуроллари; тузилишига кўра, оддий (механик) ва автоматик қуроолларга; қўлланиш кўла-м и г а кўра, стратегик, оператив-тактик ва тактик қуроолларга бўлинади ва х.к. Ҳозирги Қ.-я.нинг турлари: тигли ва ўтсочар қурооллар (*қ.Артиллерия*), ракета қуроли, реактив қурол, миналар, торпедалар, ядро қуроли, кимёвий қурол, *бактериологик қурол*. Тигли қурооллар—пичоқ, қилич, ханжар, милтик штиги, найза; ўточар қурооллар — тўпсонча, милтик, пулемёт, тўп, реактив артиллерия (мас, «Катюша»). Вайронлик келтириш кўламига кўра, ядро, кимёвий ва бактериологик Қ.-я. оммавий (ялпи) қирғин қурооллари ҳисобланади, бошқа Қ.-я.ларнинг барчаси оддий қурооллар жумласига киради. Қ.-я.нинг кўзгалмас асосга ўрнатилган муқим (баъзи ракета комплекслари тури, қирғоқ ва каземат артиллерия тўплари ва б.); ҳаракатланувчи асосга ўрнатилган муқим (авиация, танк Қ.-я.лари), ўзиюрар (тўплар, ракета комп-лекслари ва б.); шатакка олиб юриладиган (артиллерия тўплари, минометлар), транспортга ортиладиган, инди-видуал ва гуруҳ учун мўлжалланган хиллари бор. Артиллерия ўқлари, сна-рядлар, ракета ва торпедаларнинг жан-говар қисмлари, авиация ва сув ости бомбалари, гранаталар, миналар, фу-гаслар, ядро қурооллари ва б. ўқ-дорилар деб аталади. Қ.-я. ишла-тишда авиация, танк, жанговар кемалар, элтувчи ракеталардан фойдаланилади. келгусида шу мақсадда ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш лойиҳаси ҳам мавжуд.

ҚУРОҚ — майда бўлақлардан улаб, тўплаб безак яратиш; шу усулда ясалган безак, буюм ҳам Қ. деб аталади. Турли ранг ва шаклдаги майда мато парчаларидан буюм, безак ҳосил қилинади. Амалий санъатда кенг тарқалган; мас, кўрпа, кўрпача, чойшаб, сўза-на, дастурхон, гилам ва б. жиҳозлар қадимдан шу усулда

тайёрланиб ажойиб санъат намуналари яратилади (яна қ. *Апликация*)

ҚУРТ — капалақларнинг личинкалик даври. Чувалчангсимон танаси бош, 3 та кўкрак ва 10 та қорин бўғимларидан ташкил топган; қафтида илгақлари бор, 1—5 жуфт қорин оёғи (1—2 жуфтдан бошқаси) қорин бўғимларига жойлашган. *Одимчилар* Қ.и икки жуфт охириги қорин оёқларига эга; бошқа баъзи капалақлар Қ.ида кўпинча қорин, айримларида эса кўкрак оёқлари ҳам бўлмайд. қ. бошида яхши ривожланган пайпаслағичли устки ва пастки лаб, жуфт жағлардан ташкил топган кеми-рувчи типдаги оғиз аппарати бор; бошининг ён томонларида 6 тадан оддий кўзчалар жойлашган. Ҳар пўст ташлаш даврида бош ғилофи ҳам алма-шинади; бироқ ғилоф кенглиги ўзгаришсиз қолади; унга қараб қуртлар ёшини аниқлаш мумкин. Пастки лабда жойлашган йигирувчи ғудда учига ипак ажратувчи без йўлларининг очилганлиги Қ. учун хос Қ., асосан, ўсимликхўр бўлиб, тўғридан тўғри ўсимлик сиртида ёки тўқималар ичида озиқланади. Кўпгина турлари экинлар зараркунанда си (мас, *сўза тунлами, қузғи тунлам, ундов тунлами, карадрин* қуртлари), баъзилари фойдали (тут *ипак қурти* ва б.).

ҚУРТ БОҚИШ - қ. *Ипак қурти боқши.*

ҚУРТ ТУХУМ — қ. *Ипак қурти тухуми.*

ҚУРТАНА — қарамғулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Ўрта Осиёнинг суғорма дехкончилик минтақаларида тарқалган. Пояси тик, сершоҳ, бўйи 40—150 см. Барглари узун бандли, патсимон кесикли, тукли, навбатлашиб жойлашган. Гуллари ярқироқ сариқ, рўвак тўпгулга йиғилган. Меваси кўп уруғли кўзоқ. Илдизи ўқилдиз. Май — окт.да гуллайди ва мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари 16—24° да кўкариб чикади. Майса-

си март — майда, авг.— сент. да пайдо бўлади ва қишлайди. Кузги дон экинларини зарарлайди. Сабзавот-полиэкинлари орасида, пахта далаларида, бедазорларда, шунингдек, ариқ, йўл ёқаларида, уй-ҳовлилар атрофида, мевазор, тоқзорларда учрайди.

Кураш чоралари: кузги экинлар баҳорда бороналанади, кишлайдиган бегона ўтларнинг майсалари йўқотилади, чо-пиқ қилинадиган экинлар ораси вақтида юмшатилади, гербицидлар пуркалади.

ҚУРТЛАР — тўлиқ ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар (*капалаклар, қўнғизлар, икки қанотлилар, пардақанотлилар* ва б.нинг тухумдан чиққан личинкалари. Қ. танаси бўғимларга бўлинган, чўзик, чувалчангсимон (номи шундан). Қ.нинг тузилиши ва ҳаёт кечириши вояга етган ҳашаротлардан кескин фарққилади. Мас, капалаклар Қ.и бир хилдаги кўп сонли бўғимлардан иборат; 3 жуфт кўкрак оёқлари билан бирга бўғимларга бўлинмаган 5 жуфт калта сохта кориноёқлари бор. Қорин-оёқлар юриш, кўкрак оёқлар ҳара-катланиш вазифасини бажаради. Қ. ичагининг кучли ривожланганлиги, қорин нерв занжирида кўп сонли нерв ганглийларининг бўлиши билан вояга етган ҳашаротлардан фарқ қилади. Қ.нинг оғиз органлари кемирувчи типда. Қ. вояга етган ҳашаротларга нисбатан бирмунча содда тузилган: мураккаб кўзлари, қанотлари бўлмайди.

Ҳашаротларнинг Қ.и тузилишига биноан бир неча гуруҳга бўлинади: кўкрак оёқлари билан бирга қорин бўлимида ҳам сохта оёқлари бўладиган қ. (капа-лаклар, арракаш арилар, яйдоқчилар); кўкрак бўғимларида 3 жуфт оёқлари бўлган чувалчангсимон қуртлар (қўнғизлар); тана бўғимлари аниқ кўринмайдиган, кўкрак оёқлари бўлмайдиган, лекин бош қисми яхши ривожланган кам ҳаракат Қ. (кўпчилик пардақанотлилар, қўнғизлар); оғиз органи редукцияга учраган, суб-

стратнинг ўзида (мас, хўжайин танасида) ривожланадиган (паразит пардақанотлилар) ёки вояга етган ҳашаротлар озиклантирадиган Қ. (арилар, термитлар, чумолилар); бошсиз ва оёқсиз Қ. (пашшалар, сўналар, сўқирлар) ҳам ажратилади.

Қ. 4—5 марта туллаш орқали ўсади; охириги туллашдан сўнг ғумбакка айланади. Ғумбак даврида Қ.нинг органлари емирилиб, вояга етган ҳашаротлар учун хос органлар ҳосил бўлади. Бир қанча ҳашаротларнинг Қ.и. қишлоқ хўжалиги экинларининг хавфи зараркунадаси.

ҚУРТОВА, қуртоба — қурутни қайнаган сувда эзиб, айронни қайнатиб тайёрланадиган парҳез тансиқ таом. Қурут туйилиб ёки сузма ийлаб эзилиб элакдан ўтказилади ва қайнаган иссиқ сувда ёғоч қошиқ билан аталасимон масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Қозонга солиб сусти оловда бир қайнатиб олинади ва эритилган сариеғ (маскаёғ) солиб аралаштирилади. сариеғ эриши билан қозонни оловдан олиб, қосаларга сузилади.

Қадимда чорвадор қабилаларнинг киш, баҳор мавсумида тайёрланадиган таоми ҳисобланган. Ҳоз. даврда асосан, қишлоқларда тайёрланади.

ҚУРТУБА (Қуртоба) — Испаниядаги *Кордова* ш.нинг Шарқ халқларида ишлатиладиган номи.

ҚУРТУБА ХАЛИФАЛИГИ - ўрта асрларда Пиреней я.о.даги мусулмон давлати. Пойтахти — Қуртуба ш. 929 й. Қуртуба амирлиги (756 й. умавийлардан Абдурахмон I асос солган) ўрнига тузилган. 10-а.да анча тараққий этган. 1031 й. майда амирликларга бўлиниб кетган.

ҚУРТХОНА — тут *ипак қурти* боқиландиган бино ёки хона. Капитал, ярим капитал ва енгил типдаги Қ.ларга бўлинади. Капитал қ. гишдан, ойнали қилиб қурилиб, поли лой ва қум билан сувалади; иситиш қурилмалари

ўрнатилади. Ярим капитал Қ. каркас типдаги уйлардан иборат, хом ғишт, пахса деворли бўлиб, кичик ва катта ёшдаги қуртлар боқилади. Енгил типдаги Қ. каркасли, камиш, фанера, брезент, полиэтилен ва б. енгил материаллар билан ёпилади, катта ёшдаги қуртларга мўлжалланган бўлади.

Хар бир Қ.да 3, 5, 10, 15, 25 қути қурт боқилади. Қ. ер ости суви чуқур, катта йўлдан узоқ (шовқини ками), тут плантацияларига яқин ерга қурилади. Қ. кўп хонали бўлиб, кичик (1-, 2-, 3-) ва катта (4-, 5-) ёшдаги қуртлар боқиладиган, етилган пилла сараланадиган, барг тайёрланадиган бўлинмалар, барг вақтинча сақланадиган 1 — 1,5 м чуқурликда бетонланган ертўла типдаги хоналари ҳам бўлади. Қ.лар зарур анжомлар (сўкчаклар, вентилятор, печка ва б.) билан жиҳозланади. Қурт боқишдан олдин Қ. тозаланади, дезинфекцияланади, шамоллатилади. Айрим жойларда Қ. сифатида хўжаликларнинг жамоат бинолари (омбор, қуришти хоналари ва б.), хонадонлардаги бўш хоналардан вақтинча фойдаланилади (қ. *Ипак қурти боқиши*).

ҚУРТЧАЛАР — тенг қанотли сўрувчилар — *кокцидлар* кенжа туркумига мансуб хашаротлар бир неча оиласининг умумий номи. Жуда кўп мум безлари бор. Орқа қалқони 1—2 та личинкалик теридан иборат бўлиб, мум шимдирилган. Сохта Қ.нинг орқа томони пластинкасимон мум билан қопланган, бошқалари (ёстиқчалилар) нинг орқа қалқони хитинлашган. 2000 га яқин тури, асосан, тропик ва суб-тропик ҳудудларда тарқалган. Қ.нинг бир йилда 1—4 авлоди ривожланади. Личинкаси ва урғочиси ўсимликларга ёпишиб олади. Танаси бўғимларга бўлинмаган, оёқлари ва мўйловлари редуцияга учраган; оғиз органлари 1 жуфт, оёқлари орасида жойлашган. Ўсимликлар шохи. танаси, илдизи, баъзан меваси ва баргига ёпишиб олиб, ширасини сўради. Эркакларни қанотли, ҳаракатчан, озикланмайди.

Кўпчилик Қ., жумладан, калифорния қуртчаси мевали дарахтлар ва манза-рали ўсимликлар зарарқунандаси.

ҚУРУЛДОҚ БАҚАЛАР - қ.
Бақақуриллоқлар.

ҚУРУЛТОЙ (туркий-мўғулча — хурултай), кенгаш, мажлис, съезд — туркий халқлар ва мўғул халқида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номи. 1) Туркий халқларда Қ. ва ҳарбий кенгаш ўтказиш анъанаси қадимдан мавжуд бўлган. У Эфталийлар ва Турк хоқонлиги давлатларида пайдо бўлиб, камида 1500 йиллик тарихга эга. Ҳатто айрим манбаларда ёзилишича, Хун хоқонлиги даврида ҳам Қ.лар ўтказилган. *Салжуқийлар* ва *усмонлилар сулоласи* вакиллари Қ.да ўз султонларини сайлашган. *Мўғуллар давлатия* (*Чингизхон* ва унинг ворислари даврида) қ. ҳокимият бошқарувининг олий шаклига айланган эди. *Амир Тему*р ва *темурийлар* даврига келиб, Қ.лар ўзининг мукамал тузилишига эга бўлган. Қ.да мамлакат ҳаётидаги жиддий сиёсий ва иқтисодий масалалар ҳал қилинган, у муҳим ҳарбий юришлар арафасида ўтказиладиган ўзига хос катта маросимга айланган. «Темур тузуклари»да Қ. (ҳарбий кенгаш) ўтказиш тартиблари ҳақида сўз боради. Қ.да мамлакат ҳукмдори ва кўшин қўмондони сайланган.

Қ. ўтказиш Низомига кўра, унинг хар бир иштирокчиси ўз фикрини эркин равишда билдириши мумкин бўлган. қ. қатнашчиси бўлган амир ва бекарлага муайян кучлар томонидан тавсия этилаётган номзодлар ҳақида ошқора ва ҳеч қандай монеликсиз фикр-мулоҳаза айтиш ҳуқуқи берилган. Сайловлар ошқора ва тенг асосларда ўтган. Сўнгра сайловда ғолиб чиққан номзодни пайғамбар Муҳаммад (сав) авлодларидан бўлган саййидлар қоқ ерга тўшалган оқ кигиз ёнига етаклаб келишарди. Мамлакат ҳукмдори ёхуд ҳарбий қўшиннинг олий

бош кўмондони қилиб сайланган шахс шариат қонунларига биноан иш кўриши лозимлиги тўғрисида муқаддас Қуръони каримни қўлида тутиб, қасамёд этиши керак эди. Сўнгра уни нуфузли уруғ бошлиқлари (бийлар) оқ кигизга солиб, кўтариш маросимини бажо келтиришган. Бу анъана Ўрта Осиёда хонликлар даврида (20-а. бошларига-ча) ҳам сақланиб қолган; 2) 1917 й.да Бутун Туркистон мусулмонлари томонидан ўтказилган 4 та анжуман. Уларнинг охиригисиде *Туркистон мухторияти* ташкил топган (1917 й. 26—28 нояб.); 3) *Бухоро Халқ Совет Республикаси* ва *Хоразм Халқ Совет Республикаси* олий давлат ҳокимият органи; 4) *Туркистонда срвет режими-га қарши қуролли ҳаракат* раҳбарлари томонидан ташкил қилинган идора. Туркистон ваган-парварлари Қ.ларда ўз ҳарбий йўлбош-чиларини сайлашган, кизил армияга қарши курашдан сабоқ ва хулосалар чиқариб, бўлғуси жанг режаларини муҳокама қилишган. Қ.ларда Олий бош кўмондон билан биргаликда ҳарбий дасталарнинг кўмондонлари — кўрбошилар ҳам сайланган. 5) 20-а. да Ўзбекистон ССРда к.х. ходимлари — пахтакорлар, чорвадорлар ва б.нинг эски йил якуни ва янги йил режалари муносабати билан ўтказиладиган республика, вилоят ва туман йиғинларининг номи.

Қаҳрамон Ражабов.

ҚУРУМ — асосан, углероддан (90% дан ортиқ) ташкил топган углеводородлар {бензол, керосин, нафталин, скипидар ва баъзи табиий газлар)нинг чала ёниши ёки термик парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган қора рангли қаттиқ ўта дисперс маҳсулот. Зичлиги 1800—1900 кг/м³, заррачаларининг диаметри 10—350 нм. Қ. — *резинаянг* энг муҳим фаол тўлдирувчиси. Қ., шунингдек, қора бўёқ (тушь, босмаҳона бўёғи ва б.) и.ч. да пигмент сифатида, электродлар тайёрлашда ва б. ҳолатларда ишлатилади.

ҚУРУМ — тоғларнинг ён бағирлари,

ясси тепаликлар ва дарёлар ўзанларидаги яланг нураган тош уюмлари ва сочилмалари. Қаттиқ тоғ жинсларининг физик нураши натижасида ҳосил бўлади. Қ. оғирлик кучи ва сувнинг тошлар орасида музлаб, яна эриши оқибатида тоғ ён бағирлари бўйлаб пастга силжиб туради. Улар тоғларда юриш учун ноқулай, хавфли жой ҳисобланади. Қ.лар сурилиб, тош оқимлари, кўчкиларни ҳосил қилади. Қ.лар юзасининг қиялиги 30—40° чамасида бўлади. «Қ.» атамаси жой номлари таркибиде ҳам учрайди, мас, Марказий Осиёдаги Қоракурум тоғлари, Тяньшандаги Чақиркурум довони, Қирғизистондаги Қурумди чўққиси ва х.к.

ҚУРУМДИ ЧЎҚҚИСИ - Орқа Олай тизмасидаги чўққи. Тожикистон ва Қирғизистон республикалари чегарасида. Бал. 6610 м. Қ.ч. да музлик кўп. Қурумди музлиги (уз. 17,2 км, майд. 60,6км²) йирик музликлардан ҳисобланади.

ҚУРУТ — сузгани ёнғоқдек ёнғоқдек юмалоқлаб, 2—3 кун офтобга қўйиб, қуритиб тайёрладиган маҳсулот. Маълум миқдордаги сузма (1 кг)га туз (1 ош қошиқ) қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Айрим жойларда Қ.га қуритилган хушбўй кўкатлар, райхон, жамбил барглари, туйилган қизил қалампир қўшилади. Қуритилаётганда Қ.нинг устига чанг тушмаслиги учун доқа ёпиб қўйилади. Тайёр Қ.лар сурп халтачаларда сақланади.

Ўтмишда баъзи дехқончилик худудларида этилиб пишган ширин қовуннинг эти аралаш шарбатига ун солиб қайнатиб пиширилган ва ҳосил бўлган қуюлган масса қошиқ билан бўлакраниб, офтобда қуритилган. Бундай ширинлик қовункурут деб аталган.

ҚУРУҚ МУЗ - қ. *Углерод (IV) -оксид.*

ҚУРУҚ СОНЛАР — ёгингарчилик вақтидагина сув оқадиган сой, сойлик ва

водийлар. Чўл зонасида учрайди. Қиш ва баҳорги ёғингарчиликда Қ.с. окмас, ҚУРУҚ ҳавзаларга қуйилади. Узунлиги ҳам турлича, баъзан 100 км га етади. Қ.с. Шим. Африка, Жан.-Ғарбий Осиёда водийлар, Австралияда криклар, Ўрта Осиёда *узбўй*, қуруқ ўзан деб ҳам аталади.

ҚУРУҚЛИК — Ер юзасининг денгиз ва океанлардан холи бўлган қисми. Майд. 149,1 млн. км², бутун ер юзининг 29,22%ни ташкил этади. Қ. материк (*Шимоллий Америка, Жанубий Америка, Африка, Евросиё, Антарктида, Австралия*), орол ва ярим ороллардан иборат бўлиб, Ер шарида нотекис тақ-симланган. Шим. ярим шарда Қ. 39% бўлса, Жан. ярим шарда 19%. Ғарбий ярим шарнинг кўп қисми сув, Шарқий ярим шарнинг катта қисми эса Қ.дан иборат. Материкларнинг денгиз тагида давом этган ва чуқ. 200 м гача бўлган қисмлари ҳам Қ.ларга киритилади. Чунки уларнинг тектоник тузилиши Қ.никога ўхшайди. Қ. аба-дий эмас, Ер пўстининг аста-секин пасайиб бориши натижасида денгиз остига тушиши ёки аста кўтарилиб денгиз худудлари Қ.ка айланиши мумкин. Мас, Ўрта Осиё худуди палеозой эраси бошларида денгиз ос-тида бўлган ва 20 млн. йил илгари Қ.ка айланган.

ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ - гидрология соҳаси, материклардаги гид-рологик шароитларни тадқиқ этиш билан шуғулланади. Қ.г. ўрганиш объектига кўра потамология, лимнология, бот-коқшуносликка бўлинади.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР - қурулли кучлар тури. Асосан, қуруқликда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган. Аксарият мамла-катларда Қ.к. уларнинг ҳарбий қудра-тининг асосини ташкил қилади. Бир қанча дав-латларда Қ.к. қўшин турлари (мотоўқчи, танк, ҳаво-десант, ракета қўшинлари ва артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудо-фаа қўшинлари), армия авиацияси, мах-

сус қўшинлар (муҳан-дисклик, кимёвий, радиотехника, алоқа, автомобиль, йўл), фронт орқасидаги қисмлар ва муассаса-лар қисмларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида Қурулли Кучларнинг ўзагини ташкил этувчи Қ.к. тажовузкорнинг зарбаларини қайтаришга, эгаллаб турилган минтақалар, марра-ларни қўлдан бермаслик-ка, шунинг-дек, душман қўшинларининг бостириб кирган гуруҳларини тор-мор қилишга мўлжалланган. Қ.к. таркибига мотоўқчи, танкчи ва артиллерия қўшилмалари ва қисмлари, ҳаво десанти, ҳужумчи десант, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари, тез ҳара-кат қилувчи кучлар қисмлари, таъминот қисмлари ва бўлинмалари ки-ради.

ҚУРУҚСОЙ — Самарқанд вило-яти Пайариқ туманидаги сой. Уз. 46 км, ҳавзасининг майд. 296 км². Нурота тизмасининг жан.-ғарбий ён бағридан бошланиб, шим.-ғарбдан жан.-шарқ-қа томон оқади. Тўсунсойга қуйилади. Сой ўзани шағал ва харсанг тошлар билан қопланган. Асосан, ер ости, шунинг-дек, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Баҳорда суви тошади (йиллик оқимнинг 80% оқиб ўтади). Қ.га Қоратепа, Чор-митан сойлари келиб қуйилади. Суви Пайариқ туманининг экин майдонларини суғоришга сарф бўлади.

ҚУРУҚТОҒ — Хитойнинг ғарбий қисмидаги тоғ тизмаси, Шарқий Тяньшан-да. Уз. 350 км, энг баланд жойи 2809 м. Қад. кристалли ва метаморфик жинслардан тузилган. Ён бағирлари тик, қояли. Усимликлари тоғ-чўл ландшафти-га хос бута-ўтлардан иборат.

ҚУРШОВ (ҳарбий ишда) — тор-мор қилиш ёки асир олиш учун душ-маннинг муайян қўшинлар гуруҳини бошқа қўшинлардан ажратиб қўйиш, ўраб олиш. Контратака ва қарши зарба бериш натижасида чекинаётган душман кучларини таъкиб қилиб бориш жара-

ёнида ҳамда баъзан қулай шароитда кучлар тенг келса ҳам Қ. амалга оширилиши мумкин. Бундай пайтда душман ҳаводан тўсиб қўйилади, денгиз бўйи йўналишдаги душман эса денгиз орқали тўсилади. 2-жаҳон урушида собиқ Совет қўшинлари душманнинг энг йирик қўшинлар гуруҳларини *Сталинград жанги*, *Берлин опе-рацияси* (1945) ва б.да муваффақиятли Қ.га олганлар ва тор-мор келтирганлар.

ҚУРЪОН (араб. — ўқимоқ, кироат қилмоқ) — мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Ислом эътиқодига қўра, Қ. ваҳий орқали *Муҳаммад* пайғамбарга 610—632 й.лар давомида нозил қилинган *Аллоҳнинг* каломи (Каломуллох). Қ. «Китоб» (ёзув), «Фурқон» (ҳақ билан ботилнинг орасини айирувчи), «Зикр» (эс-латма), «Танзил» (нозил қилинган) каби номлар билан аталиб, «Нур» (ёруғлик), «Худо» (хидоят), «Муборак» (баракотли), «Мубин» (очиқ-равшан), «Бушро» (хушхабар), «Азиз» (эъзозланувчи), «Ма-жид» (улуғ), «Башир» (башорат берувчи), «Назир» (огоҳлантирувчи) каби сўзлар билан сифатланган. Ислом оламида Қ. *мусҳаф* номи билан ҳам машҳур. Уламо-лар Қ.нинг 30 хил ном ва сифатларини санаб ўтганлар.

Ислом тарихига оид манбаларда келтирилишича, Қ. нозил бўлиши мил. 610 й. бошланган. Муҳаммад пайғамбар 40 ёшда Макка ш. яқинидаги Ҳиро ғорида чуқур тафаккурга берилиб ўтирган бир пайтда Жаброил фаришта «Икраъ» («Ўқи») деб бошланувчи «Алак» сура-сининг аввалги 5 оятини келтирди. Бу жараён Маккада 13 йил, Мадинада 10 йил, ҳаммаси бўлиб 23 йил давом этган. Қ.нинг нозил қилиниши ислом ақидаси бўйича рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси юз берган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган куннинг 27-кечаси *лайлатул-қадр*, яъни кадрли, илоҳий қудрат намоён бўладиган, бандаларнинг бир йиллик тақдири ҳал қилинадиган (кадр — тақдир, ўлчов) та-

баррук кеча деб улуғланади.

Қ. сура ва оятларининг нозил бўлиш тартиби воқеаларнинг ривожига қараб давом этган. Илк ислом даврида нозил бўлган суралар, асосан, Аллоҳнинг ягона-лиги, борлиқнинг мутлақ илоҳи, дунёда-ги барча нарсалар унинг борлигидан да-рак берувчи далил экани, ислом таълимо-тида белгиланган ақидавий тушунчалар — фаришталар, пайғамбарлар, муқаддас китоблар, охират, жаннат ва дўзахнинг ҳақиқи тўғрисида эди. Пайғамбар ва му-сулмонларга оғир келган Макка даврида сабр-бардошга чақирувчи, дин йўлида чекилган машаққатлар учун улуғ ажру мукофотлар борлиги ҳақидаги оятлар но-зил этилган бўлса, мусулмонлар жамоаси шаклланган Мадина даврига диний ма-росим ва ижтимоий муносабатларни тар-тибга солишга бағишланган оятлар тўғри келади. Пайғамбарга диний масалалар бўйича берилган саволларга у ваҳий орқали нозил қилинган оятлар билан жа-воб берар эди.

Қ.нинг бўлимлари сура дейилади, уни шартли равишда боб билан таққослаш мумкин. Ҳар сура оятларга бўлинган. Қ. 114 сура, 6236 оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тартиб рақами билан берилган. Сураларнинг номлари унинг бошида келган сўздан олинган ёки зикри кўпроқ келган нар-салар, воқеалар ёхуд асосий қаҳрамон номи билан аталган. Кейинчалик ўқиш ва ёдлаш осон бўлиши учун Ироқ хокими Ҳажжож ибн Юсуф (ҳукмронлик йилла-ри 694—714) кўрсатмасига биноан Қ. 30 қисм (арабча — жуз, форсча — пора)га бўлинган. Қ.да биринчи келган «Фотиҳа» сурасидан кейинги суралар кагта, ўртача ва кичик суралар тартибида жойлашган. 2-«Бақара» сураси 286 оятдан, энг қисқа «Кавсар» сураси 3 оятдан иборат. Энг қисқа оятлар «Тоҳо» ва «Ёсин», энг узун оят «Бақара» сурасининг 282-оятидир. суралар нозил бўлиш вақти ва жойига қўра 2 га: хижрадан олдин нозил бўлган суралар — «Макка суралари» (610—622 й.лар, 90 сура) ва хижрадан кейин нозил

бўлган суралар — «Мадина суралари» (622-й дан, 24 сура) га ажратилади.

Қуръони каримнинг Усмон Мусхафи нусхаси (Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади).

Қ. матнининг кўп қисми Аллоҳ билан сўзлашиш, ислом душманлари ёки ундан иккиланувчилар билан мунозара қилиш шаклида берилган.

Мухаммад (с.а.в.) Қ. оятларини Жаброилдан қабул қилар, бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олардилар. Ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб хурмонинг пўстлоғи, япалоқ тош, катта суяк, тери ва шунга ўхшаш нарсаларга Қ.ни ёзиб борганлар. Пайгамбар ҳаётлик чоғида яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қ. жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. Пайгамбарнинг вафотидан кейин Қ. кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида қолди. Биринчи халифа *Абу Бакр* даврида ридда (диндан қайтиш)га қарши олиб борилган қаттиқ жангларда Қ.ни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар ҳалок бўлиб, Қ.нинг келажак авлодга сақланмай йўқолиб кетиш хавфи туғилган пайтда Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга Қ.ни китоб ҳолига келтириб, жамлаб қўйиш зарурлигини маслаҳат беради. Абу Бакр бу ишни амалга оширишни Пайгамбар билан кўп вақт бирга юрган саҳоба, Қ.ни энг яхши ёд олган Зайд ибн Собитга топширди. Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб ва б. Қуръони каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу ишнинг ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда: «Кимнинг қўлида ёзилган Қ. бўлса ва уни Пайгамбардан гинглаганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қ.ни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди», деб эълон қилдилар. Улар масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб, ниҳоятда аниқлик билан 1 й.дан ортиқ вақтда Қ. саҳифаларини жамладилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қ.ни

кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб, Абу Бакрнинг уйига қўйдилар. У оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умарнинг уйида, у кишидан сўнг эса, қизи — Пайгамбарнинг хотини Ҳафса бинти Умар ҳузурарида қолди. Вақт ўтиши билан ислом дини тарқалган давлатнинг чегараси кенгайиб борди. Кўплаб халқлар исломни қабул қилиб, мусулмонлар сони кўпайгандан сўнг Қ.ни ўқишда турли келишмовчиликлар чика бошлади. Бунга Қ.нинг «етти ҳарф» (лаҳжа)да нозил бўлгани ҳам сабаб бўлди. Ҳадисда таъкидланишича, Жаброил Қ. оятларини турли араб қабилаларига тушунарли бўлиши учун етти хил лаҳжада келтирган. Бунда айрим сўзлар бошқача шаклда ёзилиши ва ўқилишига тўғри келган. Бу ҳолатни кўрган халифа Усмон ибн Аффон Ҳафсадан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан бир неча нусха кўчиришга буйруқ берди. Қ. кироатида фарқли бўлган сўзларда курайш лаҳжасига риоя қилинди.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага қори қўшиб жўнатилди, ҳаммага фақат шу нусхадан Қ.ни кўчириш ва шу қоридан кироат ўрганишга буйруқ берилди. Усмон ибн Аффон Маккага Абдуллоҳ ибн Соибни, Шомга Муғийра ибн Шихобни, Куфага Абдурахмон Сулабийни, Басрага Омир ибн Абул Қайсни юборди ва ҳар бирига бир нусхадан мусхаф берди. Мадинада қолган мусхафдан одамларга кироат таълими беришни Зайд ибн Собитга топширди. Усмон ибн Аффонда бир нусха мусхаф қолди. Кейинчалик нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Пировардида ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида «бу нусха Усмон мусхафига мувофиқдир», деб ёзиб қўйиладиган бўлди. Қ. ҳарфларини ёзиш услуби бир хиллиги ҳам сақлаб қолинди. Қ. ҳарфларига бирор нуқтачалик ҳам ўзгариш кирмасин, деган мақсадда ула-

молар муҳаф ичига ҳатто гул, дарахт барги ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни мутлақо қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, ўша нарсалар саҳифага ёпишиб қолса, шубҳа пайдо бўлиши мумкин, деб фатво чиқардилар. Қ.ни нукталашни Абул Асвад Дуалий амалга оширди. У нукта аломатларини ҳарфларнинг усти, ости ва ўртасига қўйиб чиқди. Вақт ўтиши билан кишилар Қ.ни хато ўқимасликлари ва унинг кироати ҳақида турли ихтилофга тушмасликлари учун, уламолар муҳафларга диакритик белгилар (фатҳа, касра, замма) қўйиш керак, деган фикрга тўхталдилар. Бу ишни Ирок ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф ҳукмронлик даврида Ҳасан Басрий бажарди. Бунда асл ҳарфларга заррача ўзгартириш киритмаслик шарт қўйилди. 9-а.га келиб Қ. араб бўлмаган халқлар томонидан ҳам хатосиз ўқиш мумкин бўлган ҳолга келди. Тараққиёт даври келиб, Қ.ни техник жиҳозлар воситасида чоп этиш масаласи кўндаланг бўлди. Лекин уламолар аввалига Қ.нинг обрўсига тўғри келмайди, деган фикр билан бу ишга рухсат бермадилар. Аммо вақт ўтиши билан мусулмонлар ҳам нашр ишларини ўзлаштирдилар. Қ.ни чоп этишга эҳтиёж ортиб борди ва уламолар керакли шартларни қўйиб, Қ.ни чоп этишга изн бердилар.

Қ.нинг ҳар бир нусхаси мусулмонлар томонидан эъзозланади. Аммо уларнинг ичида Усмон Қ.ларининг алоҳида ўрни бор. Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг махсус хужрасида сақланаётган Усмон Қ.и бевосита халифа Усмон даврида (644—656) ёзилган муқаддас қўлёзма деб ҳисобланади. Ҳоз. кунда жаҳонда «Усмон Қуръони» деган ном билан аталадиган 4 қўлёзма мавжуд. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у «Имом» деб аталади. Иккинчи нусха Каъбада, учинчи нусха Қоҳира (Миср миллий кутубхонаси)да сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида узоқ вақт сақланиб, 1989

й. бошида мусулмонлар курултойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига сақлаш учун топширилган. Бошқа тадқиқотчилар (Аҳаджон Ҳасанов ва б.) маълумотига кўра, Тошкентдаги Усмон муҳафидан ташқари Қоҳира ва Истанбул ш.да (2 та) сақланаётган нусхалари мавжуд. Тошкентда сақланаётган Қ.нинг бу ерга келиб қолиши тарихи ҳақида турли тахминлар бор. Кўпчилик тадқиқотчилар уни Амир Темур Басранда Самарқандга олиб келган, деган фикрни билдирадилар. Бошқа тарихчилар (Ҳамид Зиёев ва б.) Амир Темур Тўхтамишни мағлубиятга учратиб, Олтин Ўрдани эгаллаганидан кейин, ўша Қ.ни қўлга киритиб, Самарқандга келтирган, деган хулосада. Тарихда яна бошқа фаразларга ҳам дуч келинади. Ушбу Қ. 1868 (баъзи манбаларда 1869 й.) Самарқанддан Санкт-Петербургга олиб кетилади ва аввал Россия халқ маорифи вазирлигига, сўнгра шаҳардаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасига берилади. Октябрь тўнтаришидан сўнг, мусулмонлар курултойининг илтимосига кўра, РСФСР ХКСнинг қарори билан мусулмонларга қайтариб берилган. Аввал Уфада сақланиб, 1923 й.да Тошкентга келтирилган. Бир неча вақт Самарқандда, кейин Тошкентдаги Республика халқ кутубхонасида, ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари ин-тида сақланган. 20-а. бошларидаги текширувга кўра, муҳафнинг умумий ҳажми 68x53 см ҳисобланиб, 353 варақдан иборат бўлган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб, уларнинг орқа бети салгина ғижимланган, бир оз уринган каби кўринар эди. Муҳафнинг саҳифалари нам тортиши натижасида бир мунча шикастланган ва уларда кон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олинган ёки қаттиқ шикастланган варақлари ўрнига 69 та терига ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахта қоғозлардан моҳирлик билан ишланган бўлиб, уларни Муҳафнинг асл саҳифаларидан фарқлаш кийин эди.

Қ.нинг асосий ғояси — Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Унинг мавзуси ва моҳияти инсонлар тафаккурида кўпхудоликка барҳам бериш, яккахудоликни тарғиб қилиш ва ислом динини қарор топтиришдир. Шу билан боғлиқ равишда унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва б. ҳақидаги ақидалар баён этилади. Аллоҳ Қ.да ўзининг *Одамато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад* (ас) ва б. пайғамбарларини зикр этади. Уларга юборилган дин — ислом экани, Таврот, Забур, Инжил ва Қ. ўзми нозил қилган илохий китоблар экани, яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонларни «аҳли китоб» деб атаб, уларнинг эътиқодлари ваҳдоният эканини Қ. оятларида қайта-қайта уқтиради. Қ.да асосий ибодат талаблари (*намоз, рўза, закот* ва б.) белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шаклланган *шариатга* асос қилиб олинган.

Қ.да инсониятнинг этник бўлиниши, ижтимоий табақланиши, айирмачилик, миллатчилики инкор этилади. Аллоҳ наздида барча тенгдир. Инсонлар Аллоҳ томонидан миллати, насаби, бойлиги, имтиёзи ва ҳ.к.га қараб эмас, балки уларнинг қалби ва қилган яхши ёки ёмон амалларига қараб ҳукм қилинадилар.

Диний эътиқодда мустаҳкам туриш, яхшилиқ, эзгулик, савоб ишлар, меҳр-шафқат, мискин ва муҳтожларга ёрдам бериш, инсонпарварликни улуғлаш барча илохий китоблар каби Қ.нинг мазмуни-моҳиятини белгилайди. Унда текинхўрлик, бировлар ҳақини ейиш, бошқалар ҳисобига яшаш, порахўрлик, ишэкмаслик, жабр-зулм, ўғрилик, қотиллик, дилозорлик, фитначилик, кибру ҳаво қораланади. Барча халқлар бир ота-онанинг авлоди экани эслатилади.

Уламолар Қ. оятларини Аллоҳнинг амрлари ва наҳйлар (яъни мўмин бандаларга буюрганлари ва қилманглар деб қайтарганлари), ваъда ва ваъидлари (яъни бандаларга дунё ва охиратда савоб амаллари учун яхшилиқ берурман дея

қилган ваъдалари-ю, дунё ҳамда охиратда гуноҳ ишлари учун азоблайман деб қўрқитишлари), аввал ўтган умматлар, пайғамбарларнинг тарихлари, ҳалол-ҳаром нарсалар, банда қилиши керак бўлган дуолар каби қисмларга бўладилар.

Қ. калом илмининг шаклланиши ва ривожланишида биринчи манба бўлди. Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар», Абу Мансур Мотуридий «Китоб ат-тавҳид», Абу Ҳафс Насафий «Ақоид ан-Насафий» асарида олға сурилган ислом таълимотига оид ўз фикрларига далил сифатида Қ. оятларини келтирадилар. Қ. фикҳий ҳукмларни қабул қилишда асосий ва биринчи манба ҳисобланади. Ундан кейин эса *сунна, ижмо, қиёс* туради. Қ.да келган ҳукм шариатда *фарз* сифатида қабул қилинади.

Араб тили грамматикаси ва адабиётининг ривожланишида Қ.нинг ўрни беқиёс. Қ. услуби (қофиялаштирилган шеърӣй проза — *сажъда* ёзилган) кейинги араб адабиётига, умуман шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатди. Қ. илмлари ривожланиши жараёнида аниқ грамматик қоидаларга нисбатан пайдо бўлган эҳтиёж бу соҳанинг тараққий этишига туртки бўлди. Қ. фақат араб тилида эмас, балки ислом тарқалган мамлакатлар халқларининг тилларида яратилган асарларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Жалолиддин Румӣй, Алишер Навоӣй, Захириддин Муҳаммад Бобур каби адабиёт намояндалари асарларида Қ.дан олинган иқтибос, ибора, ҳикоят, зарбул-масалларни учратиш мумкин. Қ. мусулмон халқлар ҳаёти, тарихи, илми, адабиёти, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатлари ва дунёқарашларида ўзининг салмоқли таъсирига эга.

Уламолар Қ.ни тушуниш учун зарур бўлган фанлар мажмуаси — к. илмларидан носих ва мансух (бекор қилувчи ва бекор қилинган оятлар) (қ. *Насх*), асбоб ан-анзул (оятларнинг нозил бўлиш сабаблари), *тафсири* каби соҳаларни санаб ўтганлар.

Тафсири Пайғамбар давридаёқ юзага

келган. Энг биринчи муфассир (тафсирчи) Муҳаммад (сав)нинг ўзи бўлиб, у одамларга Қ. маъноларини баён қилиб берарди. Пайғамбардан кейин Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб муфассир бўлган. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос (690 й.в.э.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (654 й.в.э.), Убай ибн Каъб (7-а.), Анас ибн Молик (712 й.в.э.) каби саҳобалар ҳам илк муфассирлардан ҳисобланади. Тобеин муфассирлардан Мужоҳид ибн Жабр Маккий (723 й.в.э.), Икрима Абу Абдуллоҳ ал-Барбарий (723 й.в.э.), Саид ибн Жубайр (714 й.в.э.), Ато ибн Аби Рабоҳ (734 й.в.э.) кабиларни зикр этиш мумкин. Саҳоба ва тобеинлар даврида тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, китоб тарзида ёзилмаган. Муҳаммад ибн Жарир Табарий (923 й.в.э.), Абу Мансур Мотуридий (944 й.в.э.), Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (1310 й.в.э.) каби йирик муфассир уламолар ўзларининг тафсир китобларини ёздилар.

Афсуски, исломда пайдо бўлган турли фирқалар Қ.га ўз таълимотларига мос равишда тафсирлар ёза бошладилар, зеро тафсирчилик муфассирнинг дунёкараши билан боғлиқдир. Аммо исломнинг соф таълимотига зид бўлган тафсирлар вақт ўтиши билан йўқолиб, уларнинг номи ва муаллифлари ҳақидаги хабарлар манбаларда сақланиб қолган. Тарихда Қ.нинг ислом жамиятидаги улкан мавқеидан турли фирқалар ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланиш ҳолатлари кўплаб кузатилган. Уламолар эса уларнинг бундай нотўғри талкинларига қарши доимий равишда ўзларининг холис фикрлари билан курашиб келганлар. Қ.ни ғаразли талкинлардан холи тутиш бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қ. 12-а.дан Европа халқлари тилларига, жумладан, латин тилига таржима қилина бошлаган. Француз шарқшуноси Андре дю Рие томонидан қилинган француз тилидаги таржимаси 1647 й. Парижда чоп этилди. Шу таржима асосида Пётр I

буйруғига биноан Қ. рус тилига ўгирилди ва 1716 й. Петербургда чоп этилди. Французча таржима кўп тиллардаги нашрларга асос бўлди.

Қ. 18-а. бошларида Европа халқлари тилларидан, 19-а. ўргаларидан арабча асл матндан рус тилига таржима қилинган. Арабчадан Г.С.Саблуковнинг дастлабки русча таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Қ.нинг рус тилидаги адекватик-адабий таржимаси илмий изоҳлари билан академик И.Ю.Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг вафотидан кейин (1963) нашр қилинган.

Хоз. кунга қадар Қ.га 1700 хил тафсир ёзилган. Жумладан, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг бир неча жилддан иборат «Тафсири ҳилол» номли асари (Тошкент, 1992—2005), Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» (Тошкент, 2004) ўзбек тилида чоп этилган. Қ. 1000 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Алоуддин Мансурнинг «Қуръони карим»нинг ўзбекча изоҳли таржимаси (Тошкент, 1991), Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» (Тошкент, 2001), Муталлиб Усмон ва б.нинг «Қуръони карим. Таржима ва илмий-тарихий изоҳлар» (1-китоб, Тошкент, 2004) китоблари чоп этилди. Шунингдек, кўзи ожизлар учун Қ.нинг бўртма харфлар (брайл ёзуви)да алоҳида 8 жилдли китоби нашр қилинди (2004).

Ад.: Бобохонов Шамсуддин, Қуръони карим (30-пора), Т., 1991; Усмонов М., Қуръони карим ва жаноби Расулуллоҳнинг амаллари, Т., 1992; Кароматов Ҳ.С., Қуръон ва ўзбек адабиёти, Т., 1993; Шайх Исмоил Махдум, Тошкентдаги Усмон Мухафнинг тарихи, Т., 1995; Прозоров С.М., Арабская историческая литература в Ираке, Иране и Средней Азии в VII—середине X в. Шитская историография, М., 1980; Резван Е. А., Коран и его мир, Санкт-Петербург, 2001; Резван Е.А., Коран и его толкования

(тексты, переводы, комментарии), Санкт-Петербург, 2000; Ал-Қуръон ал-қарим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар [Таржимон ва муфассир — Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра)], 2-нашр, Т, 2002.

ҚУРҒОҚЧИЛИК - буғланиш ёғиндан ортиқ бўлган шароитларда кечадиган узоқ давомли об-ҳаво. Бундай шароитда тупроқдаги сув захираси тез сарфланиб кетади, бу эса қ.х. экинлари ҳамда яйлов ўсимликларининг ривожланиши ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Текислик ҳудудлардаги Қ.нинг умумий даражаси гидротермик коэффициент (ГТК) билан аниқланади. ГТК вегетация давридаги ёғин миқдорини ҳудди шу даврдаги т-ра йиғиндисининг 10 марта камайтирилган миқдорига нисбати билан ифодаланади (Г.Т.Селянинов). Суғорма деҳқончилик зоналарида ГТК қийматлари вегетация даврида ёғинлар кам бўлган ҳудудларда 0,06—0,15 дан тоғолди зоналарида 0,3—0,4 гача ўзгариб туради. Баландлиқ ошиши билан Қ. таъсири сулшлашади, ГТКнинг қиймати эса 0,7 га қадар кўтарилади. Қ. тупроқдаги физиологик ўзлаштириладиган намлик йўқлигини характерловчи тупроқ Қ.и ҳамда транспирация ва буғланиш миқдори ошиб кетганлигини ифодалайдиган ҳаво Қ.ига бўлинади. Тупроқ Қ.и Ўрта Осиёда деярли ҳар йили такрорланиб турадиган оддий ҳол ҳисобланади. Унинг бошланиши Ўрта Осиёнинг денгиз юзасидан 200—250 м баландлиқкача бўлган ҳудудларида апр.нинг 1-декадасига, 300—400 м баландлиқкача бўлган ҳудудларда майнинг дастлабки кунларига тўғри келади. Ҳаво Қ.и ўсимликларга юқори т-рада ва паст нисбий ҳаво намлигининг биргалликда таъсир қилиши билан тавсифланади (қ. *Ҳаво намлиги*). Суғориладиган деҳқончилик минтақаларида ҳаво Қ.и кузатиладиган кунлар, одатда, 10—30 кун орасида ўзгариб туради, гоҳида 50 ва

ундан ҳам ортиқроқ кунга етади.

Қ. қишлоқ хўжалигига, айниқса, лалмикор ерларда катта зарар келтиради. Аксарият ҳолларда Қ. *гармсел билан* бирга юз беради. Суғориладиган майдонларда ривожланган суғориш системаларининг мавжудлиги, шунингдек дала ихота ўрмонлари барпо этиш, Қ.ка чидамли навларни экиш, ўсимлик ҳамда дарахтларнинг борлиги Қ.нинг зарарли таъсирини камайтиради. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши бунга яхши мисол бўла олади; бу ерда кенг суғориш тармоқлари барпо этилиб, йирик пахтачилик хўжаликлари ташкил топгандан кейин йилига Қ. кузатиладиган кунлар сони 2 баравар камайди (27 ўрнига 13 кун).

Ҳамидулла Абдуллаев.

ҚУСАМ ибн АББОС (тахм. 624-677) — саҳоба. Муҳаммад (сав)нинг амакиваччаси. Халифа Али ибн Абу Толиб даврида Макка волийси бўлган. *Муовия* даврида Хуросон волийси Саид ибн Усмон билан бирга Ўрта Осиёни фатҳ этишда қатнашган. Манбаларда айтилишича, Саид динни кучайтирмоқ ва шариат ҳукмларини юргизмоқ мақсадида Қ. ибн А.ни бир неча ислом қўшини билан Самарқандда қолдирган. 677 й. суғдийлар Самарқандга ҳужум қилганда Қ. ибн А. шаҳид бўлган. Бану ножия қабристонига ғор ёнида (бошқа манбаларда — ғозийлар ёнида) дафн этилган. Султон Санжар Мозий (1118—1157) замонасида ўша қабристонда «Қусамия» мадрасаси солинган. У Оби машҳад ариғи яқинида бўлган. Амир Темур даврида ушбу мазор устига иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилган. Халқ орасида *Шоҳизинда* («Тирик шоҳ») номи билан машҳур бўлган бу ёдгорлик ўрта аср меъморлигининг ноёб обидаларидан саналади.

ҚУСАМ ибн АББОС МАЖМУА-СИ - Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (11 —15-а.лар); *Шоҳизинда* таркибида. Мажмуа турли даврларда қурилган

масжид, мақбара ва чиллахонадан иборат. *Қусам ибн Аббос* қабри атрофида бунёд этилган. Мажмуага чортоқнинг шарқий равоғидаги 2 табақали эшик орқали кирилади. Йўлакнинг ўнг томонида юқориси мўъжаз кафасали бежирим минора (бал. 12 м, 12-а.) сақланган. Масжид 3 га бўлинган, ён томондаги девор устунлар ёрдамчи хужраларга бирлаштирилган. Ички деворининг изораси сиркори юлдузсимон парчинлар билан безатилган. намоёнлар кўш ислимий сиркори парчинли хошия билан ўралган. Меҳробидаги китобалари ҳам сиркори парчинлардан нақшланган. Масжиднинг шарқида миёнхона бўлиб, унинг жан.шарқий бурчагидан мақбарага ўтилади. Дастлаб мурабба тархли, гумбаз билан ёпилган гўрхона-сағана, зиёратхона ва унинг остида жойлашган чиллахонадан иборат мақбара қурилган. *Қусам ибн Аббос* сағанаси *Амир Темур* даврида ўрнатилган: сағана устма-уст қўйилган 3 та тўғри тўртбурчакли ва уларнинг устидаги 1 эгри сиртли, жами 4 қисмдан тўзилган, ён томонларининг юзаси зарҳал ислимий нақшлар билан зийнатланган, улар орасига *Қуръон* оятлари, ҳадислар битилган. Сағанани зиёратхонадан кўриш учун гўрхонанинг шим. деворига ёғоч панжара ўрнатилган. Кейинроқ масжид ва б. бинолар қурилган. Бино бағалларига муқарнаслар ишланган, гумбази сиркор қопламага эга. Мажмуадаги эшиклар 2 табақали ўймақори нафис нақшлар, сулс хатидаги китобалар билан зийнатланган. Мажмуа таркибидаги хоналарнинг тарҳий боғланиши пухта ҳал этилганлиги билан аҳамиятга эга.

ҚУСИШ, қайт қилиш — меъда, диафрагма, қорин девори ва б. мускулларнинг спазматик қисқариши натижасида меъда ичидаги нарсаларнинг ғайрихитийрий равишда оғиздан ташқарига чиқарилиши. Меъда ва ички аъзолар, марказий ҳамда периферик нерв системасининг таъсирланиши (мас, захарланганда) ёки касаллиги оқибатида

рўй беради. Қ. меъда шиллик қаватининг таъсирланишига нисбатан организмнинг ҳимоя — мосланиш реакцияси бўлиб, кўпинча ютиб юборилган ёт жисмлар, сифатсиз овқат ва турли захарли моддалар таъсирида содир бўлади. Қ. туфайли организм зарарли, баъзан ҳатто ҳаёт учун хавфли моддалардан халос бўлади. Меъданинг баъзи касалликлари (мас, *яра касаллиги, гастрит*)да Қ.дан олдин кўнгил айнийди, одатда Қ.дан сўнг бемор ўзини енгил ҳис қилади. Қ. юрак, ўт пуфаги, аппендикс (чувалчангсимон ўсимта), буйрак ва б. аъзолар функцияси издан чикканда меъдага рефлектор таъсир этиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қ. бош мия ва унинг пардалари касалликлари (менингоэнцефалит, бош мия ўсмалари ва шикастланишлари), мияда қон айланишининг бузилиши белгиси бўлиши, шунингдек, эмоци-онал бузилишлар туфайли (мас, баъзи бир нохуш таомлар, қон, қусуқ массалари ва ҳ.к.ни кўрганда) юзага келиши ҳам мумкин. Ҳомиладорларнинг қусиши кўпинча *ҳомиладорлик токсикозларининг* аломати бўлади.

Қ. вақтида, айниқса, оғир ва ҳуш-сиз ётган беморларга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, чунки бундай ҳолларда қусуқ нафас йўлларига тушиб, бемор бўғилиб қолиши, ўпкаси яллиғланиши мумкин. Қайт қилаётган беморни ўтқазиб қўйиш ёки бошини пастга қилиб, ёнбоши билан ёткизиш лозим. Агар бемор ётган бўлса, унинг бошини ён томонга қаратиб, қусиб бўлгунча шу ҳолатда ушлаб туриш керак, қусиб бўлгач эса унинг оғзини чайдириш, мадорсиз беморлар оғзини ҳўл тампон билан тозалаб олиш лозим. Қусуқ таркибида қон бўлса дарҳол врач чақириш зарур. Қ. истеъмом қилинган озиқ-овқат ёки дори воситаларига алоқадор бўлса, уларни қўлламаслик керак. Агар Қ. сабабсиз рўй берса, врачга мурожаат қилиб, Қ. да юз берган ҳолатни таф-силлаш ҳамда қусуқ массасини врачга кўрсатиш талаб этилади, чунки унинг ташки кўриниши, таркиби ва б. қусиш

сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Болаларда Қ. катталарга нисбатан кўпроқ кузатилади. Қ.нинг барча ҳолларида тезлик билан врачга мурожаат қилиш керак. Фақат тиббий текширишларгина қ. сабабларини аниқлаш ва уни ўз вақтида олдини олиш ҳамда даволаш имконини беради.

КУСТИРУВЧИ ДОРИЛАР - кустириш хусусиятига эга бўлган дори воситалари. Қ.д.дан бошқа дорилар ҳам ноҳўя таъсир кўрсатиб кустириши мумкин.

Қ.д. таъсир механизмига кўра марказий ва рефлектор таъсир қиладиган хилларга ажратилади: биринчи гуруҳга узунчоқ мианинг тўртинчи қоринчаси тубида жойлашган кустириш маркази триггер зонаси хеморецепторларини кўзгатиб кустирадиган воситалар — апоморфин гидрохлорид, наперстянка (ангишвонагул) препаратлари ва морфин киради.

Иккинчи гуруҳ Қ.д.га меъданинг пилорик қисми ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватида адашган нерв афферент толалар учларига кўзгатувчи таъсир кўрсатувчи воситалар киради. Ҳосил бўлган импульслар кустириш марказига етиб бориб, уни кўзгатади. Буларнинг танлаб кустирувчи таъсири асосан, меъда-ичак йўлидан ёмон сўриладиган ёки сўрилмайдиган Қ.д.да намоён бўлади.

Қайт қилиш маркази ва меъда шиллиқ пардасидаги сезувчи нерв учларига рефлектор таъсир қилувчи Қ.д.га ипекакуана илдизи доривор препарати — эметин ҳамда бир қатор ўсимликлар таркибига кирувчи сапонинлар, шунингдек, аммиак, оғир металл тузлари препаратлари ва б. киради.

Қ.д. таъсирида асосан сўлак секрецияси ва бронхиал шиллиқ ажралиб чиқиши ортади, кўп терлаш, нафас олиш ва қон айланиши ўзгаради, кўнгил айнишига хос дастлабки белгилар кузатилиб, қусиш хуржлари юзага келади. Рефлектор Қ.д.да ушбу босқич марказий таъсир қиладиганларига (апоморфин) кўра

давомлироқ таъсир этади.

Қ.д. жуда зарур ҳоллардагина, яъни ўткир захарланиш, меъдани ювишни иложи бўлмаганида, сурункали алко-голизмни даволашда шифокор назорати остидагина қўлланилади. Бунда, асосан, апоморфин ва эметиндан фойдаланилади.

Ҳушсиз ётган беморларга Қ.д. қўлланилмайди, чунки қусуқ моддалари нафас йўлларига кетиб қолиб, *асфикиция*га сабаб бўлади.

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» («Саодатга йўлловчи билим») — *Юсуф Хос Ҳожиб* асари, туркий адабиётнинг нодир намунаси, 1069—70 й.ларда яратилган. Муаллифнинг асар муқаддимасида хабар беришича, бу китоб ўз давридаёқ кенг тарқалиб, машхур бўлган. Чин (Шимолӣ хитой)ликлар уни «Адаб ул-мулук» («Хукмдорлар одоби»), мочин (Жанубий хитой)ликлар «Ойин ул-мамлакат» («Хукмдорлик қонун-қоидалари»), Шарқий хитойликлар «Зийнат ул-умаро» («Хукмдорлар зийнати»), эронликлар «Шохнома»и туркий («Туркий «Шохнома»), баъзилар «Пандномаи мулук» («Хукмдорлар пандномаси»), туронликлар эса «Қутадғу билиг» деб атаганлар.

«Қ.б.» дostonини яратар экан, муаллиф ўз олдига қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон билан Элокхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, хукмрон доираларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маърифат ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни қўйган. Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида гавдаланади.

«Қ.б.» марказига 4 масала қўйилиб, улар 4 образ воситасида очиб берилган: биринчиси — адолат бўлиб, у подшоҳ Кунтуғди тимсолида, иккинчиси — давлат бўлиб, вазир Ойғўлди, учинчиси — ақл бўлиб, вазирнинг ўғли Уғдилмиш,

тўртинчиси — қаноат бўлиб, унинг қариндоши Ўзгур-миш қиёфасида тас-вирланади. Шунга мувофиқ равишда қўйилган масалалар воқеалар ривож, қахрамонларнинг ўзаро суҳбати, баҳс-мунозараси, савол-жавоблари, панд-насихатлари воситасида ҳал қилинади. Муаллиф баҳсли масалалар юзасидан ҳам ахлоқ-одоб, илм, инсонийлик ва адолат доирасида фикр юритади ҳамда подшоҳ ва амалдорлардан тортиб деҳқону ҳунармандгача — жамиятдаги барча тоифаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. Борлиқ ҳақидаги билимларга тўхталган Юсуф Хос Ҳожиб одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқ, билим туфайли осмон сари ҳам йўл очилади, дейди; билиш учун эса тинмасдан ўрганиш ло-зим, деб уқтиради.

«Қ.6.» қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига хос назмий низомномаси бўлиб, бу рамзий-гимсолий асар юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва асарда уларга мамлакатни адолат билан бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, билъакс, халқнинг оғирини енгил қилиш, турмушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эътибор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, адолат бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилган. Ҳукмдорлар адабномаси — «Қ.6.» қорахонийлар сулоласи мисолида туркий давлатчилик асослари янги босқичга қўтарилган даврда замон кун тартибига қўйган сиёсий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда асосий дастур бўлган. Шоирнинг у ёки бу масала бўйича панд-насихатлари худди ҳикматдай жаранглайди, халқ мақолларига ўхшаб кетади — уларнинг бадиий юксаклиги ва маърифий аҳамияти ҳам шунда.

Асар муаллифининг сўнги таҳрирдан ўтган ва Тавғач Буғрохонга тақдим этилган нусхаси насрий (38 мис-ра)

ва шеърӣ (77 байт) муқаддима, кириш боблар (390 байт), асосий қисм (68 боб, 5896 байт), хотима (2 қасида ва маснавий боб)дан иборат. Жами 6520 байт.

«Қ.б.»нинг 3 қўлёзма нусхаси фанга маълум: улардан бири уйғур ёзувида қўчирилган бўлиб (1439, Ҳирот), Вена Сарой кутубхонасида сақланади; араб ёзувида қўчирилган 2 нусхадан бири Қоҳирада (1896 й. шу ерда топилган), иккинчиси (1913 й. Намангандан топилган ва 1925 й. Фитрат томонидан илмий муомалага киритилган) Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда. Асарнинг илк нашри Ҳ.Вамбери томонидан амалга оширилган (1870). Шундан кейин бу асар В.Радлов (1890; 1910), С.Е.Малов (1929; 1951), Р.Р.Арат (1942; 1943; 1947; 1959), Қ.Каримов (1971), Б.Тўхлиев (1989), уйғур олимлари (1984) томонидан нашр этилди. Асар инглиз, немис, француз, рус, чех, турк, уйғур, хитой ва б. тилларга таржима қилинган. Уни Ж.Амаде, А.Фитрат, Р.Арат, Е.Э.Бергельс, Ҳ.Вамбери, В.Радлов, С.Малов, А.Н. Коно-нов, С.Н.Иванов, Д.Насилов, А.Ва-литова, Ғ.Абдурахмонов, Қ.Каримов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов ва б. чет эл ва ўзбек олимлари ўрганганлар.

Ад.: Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1976; Ўлмас обидалар, Т., 1989; Тўхлиев Б., Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Т., 1991; Буюк сиймолар, алломалар, 1-китоб, Т., 1995; Ҳомидий Ҳ., Кўхна Шарқ дарғалари, Т., 1999; Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ., Қадимги ёзма ёдгорликлар, Т., 2000.

Эргаш Очилов.

ҚУТАЙБА ибн МУСЛИМ ал-Боҳилий, Абу Ҳафс (660—715, Андижон вилояти Жалолқудук тумани, Кох қишлоғи) — Умавийларнинг Хуросондаги ноиб (705—715), Мовароуннахрни босиб олган араб саркардаси. Қ. ибн М. қайс (қайсит) номли шим. араб қабиласига мансуб бўлган. *Ҳажжжоз ибн*

Юсуф томонидан Хуросон амири (но-иби) килиб тайинлангач (705), дастлаб Хуросон ва Тохаристонни тўла равишда арабларга бўйсундирди. Сўнгра у 706—715 й.лар орасида Мовароуннахрнинг катта қисмини (Ромитан ва Пойкендни, 707; Варахша, Вардона ва Бухорони, 709; Шуман, Кеш ва Насафни, 710; Хоразм ва Самарқандни, 712; Шош, Фарғона ва Қошғарни, 713—715 й.ларда) *араб халифалигига* тобе этган. Қ. ибн М. кўшинига Бухоро ва Самарқанддаги суғдийлар ва туркийлар, Хусусан, Вардона мулкнинг хукмдори *Вардонхудот* қаттиқ қаршилик кўрсатган.

Қ. ибн М. томонидан маҳаллий аҳолини ислом динига киритиш дастлаб қаттиқ қаршиликка учраган. Мас, у тўртинчи марта жанг килиб Бухорони олгач, араблар бухороликлар билан бирга туриб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар бухороликлар заруратдан мусулмон бўлади деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйлари-нинг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқарди. Қ. ибн М. шу йўл билан Бухоро ва б. шаҳарларда мусулмончиликни ўрнатди. У Мовароуннахрда дастлабки Жомеъ масжидини Бухорода курдирди (712—713). Қ. ибн М. бошқа шаҳарларда ҳам масжидлар курдириб, зардуштийлик ва буддавийликка қарши аёвсиз курашди.

Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтирилишича, «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».

Қ. ибн М.нинг янги халифа Сулаймон (хукмронлик даври: 715—717) га бўйсунмаслиги, Мовароуннахрдаги араб кўшинлари ўртасида унга нисбатан норозилик пайдо бўлиши ва исён кўтарилишига олиб келди. Арабларнинг

шайбон қабиласига мансуб Ҳайён ан-Набатий (унинг 7 минг кишилик қўшини бўлган) ва тамим (тамимий) қабиласи вакили Вақи ибн Абу Суд бошчилигидаги исёнчилар Қ. ибн М.нинг чодирига бостириб кириб, у билан биргаликда Абдурахмон, Абдуллох, Солих, Хусайн, Абдулкарим номли укаларини, ўғли Касир ибн Қутайба ва жиянларини (жами 11 эркакни) ўлдиришган. Қ. ибн М. Кох кишлоғидаги Работи Сарханг (ҳоз. Мозорбува) қабрстонида дафн этилган. Унинг шахси илк ўрта асрлардан бошлаб Мовароуннахрда ислом уламолари томонидан муқаддаслаштирилган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, т. 1, Т., 1968; История ат-Табари, Т., 1987.

Қаҳрамон Ражабов.

ҚУТАЙБА ибн ТУҒШОДА (8-а., бухоро) — бухорхудот (738—753). Қ. ибн Т.нинг отаси Туғшода 32 й. Бухорода бухорхудот лавозимида турган. Туғшода мусулмон бўлгандан сўнг туғилган ўғлига *Қутайба ибн Муслим* шарафига Қутайба деб исм қўйган. Ту-шода араблар томонидан Самарқандда ўлдирилгач, Бухоро тахтига унинг ўғли Қ. ибн Т. ўтирган (738). Наршахийнинг ёзишича, Қ. ибн Т. *Шарик кўзголонини* бостиришда араб лашкарбошиси Зиёд ибн Солихга ёрдам берган. Бироқ Қ. ибн Т. кейинчалик арабларга қарши кураш эълон қилгач, Хуросон ва Мовароуннахр ноиби *Абу Муслим* томонидан ўзи, биродари, оила аъзолари ва тарафдорлари билан биргаликда ўлдирилган (753).

Қ. ибн Т.нинг ўлиmidан кейин унинг бошқа биродарлари Сукон ибн Туғшода ва Бунёт ибн Тутшода Бухорога бухорхудот (подшоҳ) бўлганлар.

Манба: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ҚУТБ — 1) *к. Географик қутблар*; 2) *Геоманит қутблар*; 3) *Олам қутблари*; 4) электр занжири ёки магнитнинг

карама-қарши томонларидан бири (мусбат кутб ёки манфий кутб); 5) кенг ,маънода — бир-бирига зид икки хил нарса; карама-қарши томон.

ҚУТБ (математикада) — 1) координаталар тизимида K , координаталар боши; 2) шарнинг кутби унинг катта доирасига перпендикуляр бўлган диаметрнинг учлари; 3) бирор p тўғри чизикнинг иккинчи тартибли k чизикқа нисбатан кутби шундай P нуқ-таки, бу нуқта учун p тўғри чизик P нуқтанинг k чизикқа нисбатан поляраси вазифасини ўтайди; 4) функция кутби функциянинг ажралган махсус нуқтасидир. Қ.да D_2 функция аниқланган эмас, лекин ушбу шарт бажарилади. Функцияларнинг кутби ҳақидаги таълимот комплекс ўзгарувчининг аналитик функциялари учун ривожланган.

ҚУТБ ЁҒДУСИ - қ. *Шимол ёғдуси*.

ҚУТБ КУНИ - Ернинг Шим. кутб доирасидан шимолроқда ва Жан. кутб доирасидан жануброқда бўлган соҳалардаги кун. Бир суткадан ортиқ давом этади. *Баҳорги тенг кунлик* (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг оғиши $5=0^\circ$ га тенг бўлганда Ернинг Шим. кутб доирасида Қуёш чиқади, Қ. к. бошланади ва у кузги тенг кунликкача (21 ёки 22 сент.) давом этади. Жан. кутб доираси ичидаги Қ.к.лари, аксинча, *кузги тенг кунликтн* баҳорги тенг кунликкача давом этади. Қуёшнинг оғиши орта бориши билан Шим. кутб атрофидаги Қ.к.ли соҳалар кўлами ҳам ортиб боради. Соҳа Шим. кутбдан қанча узокда бўлса, Қ.к. шунча кеч бошланади ва куннинг узунлиги шунча кам бўлади. Кутбларда Қ.к. ярим йил давом этади. Шим. ярим шарда Қуёшнинг оғиши максимал ($5=+23^\circ 27'$) бўлганда, яъни Қуёшнинг ёзги туриш кунлари (21 ёки 22 июнь) Қ.к. узунлиги ҳам максимал бўлади ва Қуёш шу кун ботмайди. Ҳақиқатда юқорида айтилган ходиса бирмунча бошқачароқ кузатилади: 1) Қуёшнинг чиқиши унинг кўринма

гардиши марказига нисбатан эмас, балки гардишнинг юқори чегараси кўриниши билан аникланади; 2) Ер атмосфера-си *рефракциясининг* таъсирида Қуёш ҳақиқий чиққан вақтидан олдин чиқади ва ҳақиқий ботиш вақтидан кейин ботади; 3) Қуёшнинг оғиши кун давомида ўзгариб боради. Буларнинг ҳаммаси Ернинг иккала ярим шарида суткаларнинг ёруғ қисмларини узайтиради ва қоронғи қисмларини қисқартиради.

Абвусалом Латипов.

ҚУТБ МИНОР - Ҳиндистон (Дехли) даги меъморий ёдгорлик (1200— 1220); Шарқ меъморлигининг ноёб намунаси. Дехлида вафот этган ўшлик дин арбоби Ҳожи Кутбиддин Бахтиёр шарафига бунёд этилган (мақбара минорадан 600 м жан.-ғарбда). Минора 5 қатламли (дастлаб 4 қатламли бўлган, 5қатлами кейин қурилган), тарҳи конуссимон, ғаровли; ғранит блоklar ганчҳок билан мустаҳкамлаб қурилган; бал. 72,6 м, диаметри асосида 14,74 м, учида 3,05 м. Қуйи 3 қатлам турли рангдаги кумтош б-н, юқори 2 қатлами (яшин уриб вайрон бўлган) 14-а.да оқ мрамрдан деярли безаксиз қайта тикланган. Ичкаридаги айланма зинапоя (379 та) орқали юқорига чиқилади. минора белбоғига муқарнас нақшлар ишланган, султонлар тарихи, уларга мад-ҳия, Куръон оятлари ёзиб безатилган.

ҚУТБ ТУНИ — Ернинг Шим. кутб доирасидан шимолроқда ва Жан. кутб доирасидан жануброқда бўлган тун. Бир суткадан ортиқдавом этади. *Кузги тенг кунлик* (21 ёки 22 сент.)да Қуёшнинг оғиши 0 га тенг бўлганда Ернинг *шимолий кутб* доирасида Қуёш чикмайди ва Қ.т. бошланиб, *баҳорги тенг кунлик* (21 ёки 22 март) гача давом этади. Шим. ярим шарда Қуёшнинг оғиши минимал ($8=-23^\circ 27'$), яъни Қуёшнинг қишки туриши (21 ёки 22 декабрь) кунларида Қ.т. узунлиги максимал бўлади. Жан. кутб доирасида ($\phi=-66^\circ 33'$) Қуёш қишки

туриш куни ботмайди ва ёзги Қуёш туриш куни (21 ёки 22 июнь) чикмайди. Қ.т. ҳам *қутб куни* каби оддий гео-метрлик кўринишда содир бўлмайди. Қуёш гардиши, *рефракция* ва Қуёш огишининг ўзгариб бориши Қ.т. узунлигига таъсир кўрсатади. Умуман Қ.т. қутб кунига нисбатан қисқароқ бўлади.

ҚУТБ ХОРАЗМИЙ (14-а., Хоразм -?) — шоир, таржимон. Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг «Хусрав ва Ширин» достонида. Қ.Х.нинг ижодий камолот йиллари Хоразмнинг Олтин Ўрда давлатига қарам бўлган даврига тўғри келади. Достонини Сигноқ ш.да ёзган (1330—40). Факирликда яшаган Қ.Х. «Хусрав ва Ширин» дек кўп вақт ва машаққатни талаб қиладиган катта ҳажмли асарни ёзиш учун моддий ёрдам сўраб, Олтин Ўрда хони муҳаммад Ўзбекхоннинг (1312—40) Оқ Ўрдадаги ноиб бўлмиш шаҳзода тинибек хузурига борган. Тинибек ва унинг давлат ишларида фаол кўмакчиси бўлган хотини Қ.Х.ни илиқ қутиб олиб, унинг ижод қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берганлар. Шоир ўз асарида маликани «ҳар ишни тарозида ўлчаб, зехн билан фикр юритувчи оқила, комила» аёл сифатида мадҳ этиб, унинг давлат ишларидаги фаол иштирокини кўрсатган.

«Хусрав ва Ширин» *Низомий Ганжавий* қаламига мансуб шу номдаги достоннинг эркин таржимасидир. Айрим сабабларга кўра, бу асар ўз даврида кенг тарқалмай, шуҳрат қозонмаган. Достон амир Кутлу Хўжанинг тавсияси билан 1383—84 й.ларда Мисрда Берка Факих ибни Бароказ Эдгу Қипчокий томонидан кўчирилган. Бу қўлёзма 1914 й.да Париж Миллий кутубхонасидан (инв. 312) топилиб, илмий муомалага киритилган ва шарқшунослар ўртасида шуҳрат топган. 1940 й.да Алишер навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш кўмитаси томонидан унинг фотонусхаси олинди, Ҳ.Зариф томо-нидан нашрга тайёрлан-

ган. Достон 91 бобдан иборат. Низомий достони эса 100 бобдан иборат бўлиб, 6 мингдан зиёдроқ байтни ўз ичига олади. Таржимон аслият мазмунини, асар сюжетини сақлаб қолиш билан бирга, уни анча эркин таржима қилган. Жумладан, асар муқаддимасига «Шаҳзода Тинибекхон мадҳи», «Малика марҳума Хонмалик мадҳи», «Китоб назм қилмоққа сабаб баёнин аюр» бобларини қўшган. Айни пайтда, достоннинг умумий мазмунига алоқасиз ҳисоблаганидан бўлса керак, бир қатор бобларни қисқартирган, айрим бобларни ихчамлаштириб, бири-бирига қўшиб юборган. Шунингдек, Низомий достонидаги 12-а. Озар-байжон ҳаётига оид айрим лавҳаларни тушириб қолдирган, қисқартирган ва таҳрир қилган, уларнинг ўрнига Олтин Ўрда ҳаётига доир воқеаларни киритган, турли хил урф-одатлар тас-вирини бериб, достонни ўз даврига яқинлаштирган, унга ўзбек халқ мақоллари ва таъбирларини киритган.

Қ.Х. Низомий достони асосида ўзбекча достон яратиш ва унинг воситасида ўзбек тилининг бой имкониятларини намойиш қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва у буни муваффақият билан уйдалаган. Бу таржима ўша давр ўзбек тилини ўрганиш учун муҳим манба бўлибгина қолмай, ўзбек тили ва адабиётининг тараққиётида ҳам катта роль ўйнаган.

Қ.Х. таржимасидаги «Хусрав ва ширин» ўзбек адабиётида маснавийнинг «Қутадғу билиг» ва «Ҳибаат ул-ҳақойик» дан кейинги нодир намунасидир. У достонни ўз вазида — ҳазайи мусаммани мақсур (махфуз)да таржима қилган. «Хусрав ва Ширин» ўзбек эпик шеър-ияти тараққиётида ҳам, бадий таржима ривожидида ҳам алоҳида ўрин тутди.

Ас: Гулдаста, Т., 1947; Х1У аср Хоразм ёдноmaları, Т, 1973.

Ад.: Шарипов Ж., Ўзбекистонда таржиматарихидан, Т, 1965; Маллаев Н. М., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1976; Ўзбек адабиёти тарихи, 1-ж., Т, 1978; Қайюмов

П., Тазкираи Қайномий, 1-китоб, Т, 1993.
Эргаши Очиллов.

КУТБ ЮЛДУЗИ — *Катта Айиқ* юлдуз туркумининг сҳ си. Оламнинг шимолий кутбидан ~Р масофада жойлашган. Равшанлиги 1,95, спектрал синфи К0. Ҳаво очик тунларда Қ.ю. ёрдамида олам томонларини аниқлаш мумкин.

КУТБИДДИН МУҲАММАД (? -1127) — *ануштегинийлар* сулоласидан бўлган Хоразм ҳукмдори (1097—1127). *Ануштегининг* ўгли. Ёшлигида Марвада яхши таълим олган, илми адаб ва дин илмларини ўрганган. Отаси вафо-тидан кейин салжукийларнинг Хуросондаги исёнкор ноиби амир Додбек Ҳабаший томонидан Хоразм ноиби этиб тайинланган ва хоразмшоҳ унвонини олган (1097). Ануштегинийлар-хоразмшоҳлар сулоласининг тарихи аслида Қ.М.дан бошланади. 1100 й. салжукийлар султони Баркиёруқ ва укаси *Санжар* Додбек Ҳабаший исёнини бостирганлар. Санжар Хуросонни қўлга киритгач, Қ.М.ни Хоразм ҳокимлиги мансабида қолдириб тасдиқлаган.

Қ.М. султон Санжарга садакат билан хизмат қилган, ҳар йили икки маротаба шахсан султон саройига бориб турган, Санжар олиб борган жанглarda ўз кўшини билан қатнашиб, хирож, ўлпонларни ўз вақтида тўлаб турган. Қ. М. оли-му фузалоларга ҳомийлик қилган адо-латли ҳукмдор бўлган. Журжонийнинг табобатига оид «Заҳирайи хоразмшо-ҳий» асари Қ.М.га бағишланган.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т. 2 (часть 2), М., 1964; Буниёдов З., Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т, 1998.

КУТБИДДИН ОЙБОҚ - *Дехли султонлигининг* асосчиси ва 1-ҳукмдори (1206—10). Ўртаосиёлик туркийлардан, ўтмишда ғулом бўлган. Ғур ҳокими Шаҳобиддин Ғурий (Муҳаммадшоҳ) саройида юқори мансабларни эгал-

лаган. 1192 й. Қ.О. Шаҳобиддин Ғурийнинг Ҳиндистонга қилган юришида қатнашган ва Шим. Ҳиндистондаги бир қанча князликлар (ҳокимликлар) тор-мор қилингач, Ғур ҳукмдорининг Ҳин-дистондаги мулклари ноиби этиб тайинланган. Шаҳобиддин вафотидан сўнг ўзини мустақил ҳукмдор — султон деб эълон қилган (1206). Давлат пойтахтлари — Лоҳур, сўнгра Дехли бўлган. Шаҳобиддиннинг Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудидаги бошқа ғуломлари, шунингдек, ҳинд рожалари билан урушлар олиб борган. Унинг даврида Дехли ва Ажмирдa бунёд этилган мас-жидлар ҳинд-мусулмон меъморлигининг буюк ёдгорликлари ҳисобланади.

КУТБИЙ ДОИРА, кутб доираси — Ер шаридa экватордан 66°33' шим. ва жан.дан ўтган параллел. Шим. ярим шардан ўтган Қ.д. Шимолий Қ.д., Жан. ярим шардаги Қ.д. эса Жанубий Қ.д. дейилади. Шим. ярим шарда кишки Куёш туриши куни (21 ёки 22 дек.)да Қ.д.дан шимолда Куёш чикмайди, ёзги Куёш туриши куни (21 ёки 22 июнь) Куёш ботмайди. Жан. ярим шарда эса аксинча бўлади. Куёш ботмайдиган ёки чикмайдиган кунлар сони кутбга томон орта боради ва кутбда кун билан тун ярим йилдан давом этади (қ. *Кутб куни* ва *Кутб туни*). Нур рефракцияси ходисаси нағижасида кутб куни кутб туни ҳисобига кўпроқ давом этади ва Куёш ботмайдиган кунлар сони кўпроқ бўлади. Қ.д. совуқ иқлим минтақалари чегараси ҳисобланади.

КУТБИЙ ЎЛКАЛАР, кутб ўлкалари — Ер шарининг Шим. ва Жан. кутблари атрофидаги қаттиқ табиатли совуқ ўлкалар. Энг илиқ ойнинг ўртача т-раси 5° бўлган изотермалар ўтган жойлар Қ.ў. чегараси ҳисобланади. Йиллик радиация баланси 1 см² га 1 ккал. Йил давомида арктика ва антарктика ҳавоси ҳукмрон. Куёш нурунинг кам тушганлигидан иқлим совуқ. Қиш ойларида ўртача т-ра шимолий Қ.ў.да —40° гача, жанубий

Қ.ўда -60° , -70° га етади, ёз ойларидан шим.да $0-5^\circ$ ва жан.да -20° , -30° . Ер шарининг совуқлик кутби ҳам шу ўлкада — Шарқий Антарктидада бўлиб, ҳаво т-раси $-89,2^\circ$ кузатилган. Ёгин кам, асосан, қор ёғади. Йиллик ёгин шимолий Қ.ўда 150—400 мм, жан.да 100—200 мм. Ер юзасининг катта қисми муз билан қопланган. Қор ва муздан холи жойларда ҳам тупроқ қатлами деярли йўқ. Ўсимликлардан йўсин ва тошларга ёпишган лишайник учрайди. Денгиз ҳайвонларидан морж, тюлень, балиқлар, қисқичбақа бор. Ёзда «қушлар бозори» бўлади. Йирик ҳайвонлардан оқ айик, кутб тулкиси, Антарктидада пингвин бор (яна қ. *Географик кутблар*).

ҚУТБЛАНУВЧАНЛИК - зарралар (атом, ион ва молекула)нинг электр майдонда диполь моментига эга бўлиш хосаси. Электр майдон (E) таъсирида атом системаларидаги электр зарядлар силжиб, диполь момент (P) индукцияланади. Майдон ўчирилганда индукцияланган p момент йўқолади. Қ. тушунчаси, одада, доимий диполь моментига эга бўлган зарраларга, мас, кутбли молекулаларга қўлланмайди. Нисбатан заиф майдонларда p нинг E га боғланиши чизикли бўлади ва қуйидагича ифодаланади: $p=aE$, (бунда a — ҳажмий ўлчамликка эга бўлган Қ.). Баъзи молекулалар учун Қ.нинг қиймати E нинг йўналишига боғлиқ бўлади (ани-зотроп Қ.). Кучли майдонларда $p(E)$ боғланиш чизикли бўлмайди. Майдон ёқилганда p бир онда пайдо бўлмайди, унинг турғунлик вақти t зарраларнинг табиати ва атроф муҳитга боғлиқ. Статик майдонга Қ.нинг статик қиймати мос келади. Ўзгарувчан майдонда Қ. турғунлашиши вақти t ва майдон частотаси ω га боғлиқ бўлади. Етарлича кичик вақт ва паст ш частоталарда p моментнинг ўзгаришлари E нинг ўзгаришлари билан синфаз боғланган ва Қ. статик Қ. билан мос тушади. Жуда юқори ω ва катта x вақтларда p момент умуман ҳосил бўлмаслиги мумкин (зарра

майдонни «сезмайди»), Қ.нинг электрон, ион ва атом хиллари бор. Электрон Қ.га сабаб E майдонда электрон қобиклар атом яд-росига нисбатан силжишидир. И о н Қ. (ион кристаллар) да турли ишорали ионлар мувозанат вазиятидан карама-карши йўналишларда силжийди. А т о м Қ.да молекуладаги турли хил атомлар силжийди. Қаттиқ ва суюқ диэлектриклар физикасида Қ. деганда ўртача Қ, яъни, диэлектрикларнинг битта заррасига ва электр майдоннинг бирлик қучланганлигига тўғри келувчи P кутбланганлиги: $a=P/EI$ (бу ерда N — ҳажм бирлигидаги зарралар сони) тушунилади. Қ. тушунчаси диэлектриклар физикаси, молекуляр физика ва кимёда қўлланилади.

ҚУТБШОҲЛАР — ўрта асрларда Ҳиндистондаги Голконда султонлигини идора этган сулола (1512—1687). *Баҳманийлар* давлати таназзулга учраши натижасида вужудга келган. 1512 й. Телингандаги баҳманий ноиб туркий қавмдан бўлган Қули Кутбшоҳ ўзини мустақил ҳукмдор — султон деб эълон қилган. Унинг ворислари қўшни давлатлар — Бижайпур, Вижаянагар, *Бобурийлар давлати билан* урушлар олиб боришган. 1636 й. Абдулла Кутбшоҳ ўзини *Шоҳ Жаҳонқит* вассали деб ҳисоблаган. 1687 й. Аврангзеб билан уруш натижасида Қ. ўз мулкларидан ажралганлар.

ҚУТИБОЕВ Еркинбой Менлибоевич (1972.28.8, Нукус) — муайтайчи, кикбоксингчи. «Ўзбекистон ифтихори» (1999). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2004), қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2002). Қ. дастлаб спортнинг эркин кураш ва бокс турлари билан шуғулланди, кикбоксинг бўйича Европа чемпиони бўлди (1994, Римини). Курашнинг муайтай турида катта шухрат қозонди: 91 кг вазнда Ўзбекистон (1997—2004), Осиё ўйинлари (1998, Бангкок), жаҳон (1995, 1997, 1998, 2002,

2004, Банг-кок) чемпиони. қ. Киев техника ун-тини тугатган (1994), Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алоқалар вазирлиги бош мутахассиси (1997—2001), Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси (2001—2002), Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон филиали директори (2002—2004), Нукус олимпия захиралари коллежи директори (2004 й.дан). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси (2005), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати (2005). Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вази-рининг 1-ўринбосари (2006 й.дан).

ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ (? - 1505/1506) — Фарғона вилояти ҳукмдори *Умаршайх мирзонинг* тўнғич хотини. Қ.Н.нинг отаси Юнусхон Чингизхоннинг 2-ўғли Чигатойхон наслидан бўлган, онаси *Эсон Давлат бегим* туман бекларидан Шер Хонибекнинг қизи эди. Юнусхон Эсон Давлат бегимдан 3 киз кўрган. Қ.Н. ўртанча киз бўлган. Қ.Н. Умаршайх мирзога узатилгач, ундан бир киз (Хонзодабегим) ва бир ўғил (Заҳириддин Муҳаммад бобур) кўрган. Доно, оқила, меҳрибон ва вафодор бу аёл Бобурнинг Темурийлар салтанатини инкироздан сақлаб қолиш мақсадидаги ҳаракатларида мададор бўлган, дарбадарлик вақтларида ҳамроҳлик қилган. Бобур Кобулни қўлга киритгандан сўнг, 5—6 ой ўтгач, Қ.Н. ич терлама касалига чалинади ва дунёдан кўз юмади. У Улуғбек томонидан қурилган Боғи Наврўзийда дафн этилган.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад бобур, Бобурнома, Т., 1989.

ҚУТЛУҒ ТЕМУР (14-а) - *Олтин Ўрдаути* нуфузли амирларидан. *Ўзбекхоннинг* холаваччаси ва энг буюк амири, Ўзбекхоннинг Хоразмдаги волийси (1321 й.дан). Қ.Т.нинг ўғли Ҳорунбек Ўзбекхоннинг кизига уйланган. Қ.Т.нинг завжаси Тўрабека-хотун (Тўрабекахоним)

бўлган. *Ибн Халдунинг* ёзишича, Қ.Т. 1321 й. Қрим вилояти ноиблигидан олиниб, Хоразмга юборилган. 1328 й. яна Қримга ноиб этиб тайинланган. 1338 й. бошларида Хоразмда бўлган сайёҳ *Ибн Баттута* Урганчда Қ.Т. саройида қабул қилинган. Қ.Т. Қрим ва Хоразмда кўплаб кудук, сардоба, мадраса, масжид, минора (қ. *Қутлуғ Темур минораси*), саройлар бунёд этган.

ҚУТЛУҒ ТЕМУР МИНОРАСИ - *Кўҳна Урганчи*ни меъморий ёдгорлик (1321—33); Султон Такаш мақбараси яқинида. Ўрта Шарқдаги энг баланд миноралардан (бал. 62 м). Пишиқ ғиштдан қурилган минора юқори томон ингичкалашиб боради; минора мавж усулида терилган ғиштли белбоғлар ва китобалар билан безатилган. Қуйи қисмида *Қутлуғ Темур* ва Олтин Ўрда хони *Ўзбекхоннинг* номи қуфий ёзувида битилган. Жоме масжид (сақланмаган) томи орқали эшикдан минорага кириб, айлана зинапоя орқали юқорига чиқилган. Қуйи қисмида муаззин учун ёғочдан ишланган махсус жой қолдиқлари сақланган.

ҚУТЛУҒ ТУРКОН ОҒО (1331 1383) — *Амир* Телгурнинг опаси. Амир Довудбек дуглатнинг хотини. Соҳибқирон 1360-й.ларнинг бошларида ғанимлари таъкиби туфайли Самарқандга келиб Қ.Т.о. уйида 48 кун турган. 1375 й. Соҳибқирон Ўзганда Дилшод оғога уйланган чоғда Қ.Т.о. нўёнлар ва амирлар билан тўйга етиб келган. Ни-зомиддин Шомийнинг ёзишича, 1383 й. Дилшод оғо вафотидан бир неча кун ўтгач, «ўзининг хайрли ишлари, инъому эҳсони билан замонаси хотинларидан ўзган, ўз холис молларидан мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, ҳар нав эзгуликлари билан жаҳон халқиға фойда етказган улуг хотун — Амир Соҳибқироннинг опа-си» Қ.Т.о. вафот этган. Соҳибқирон бундан қаттиқ изтиробга тушган. Бир неча муддат мамлакат ва давлат ишлари билан шуғулланмай қўйган. Қ.Т.о. ниҳоятда доно ва заковат-

ли аёл бўлган. Амир Темури барпо этган кўп бинолар унинг маслаҳати билан ишланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, «унинг қабрини... Қусам ибн Аббоснинг мазорига яқин қаздилар ва қўйдилар».

ҚУТЛУҒМУРОД ИНОҚ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1804—12); *Ичан қалъа* таркибида. Оллоқулихоннинг тоғаси Қутлуғмурод Иноқ курдирган; васиятига биноан миёнсарой замини тағига дафн этилган. Мадраса тўртбурчак тарҳли (57x44 м), масжид ва дарсхона (тарҳи 5x5 м), хужралар (3x3 м), ҳовли (31,8x27,8 м) ҳамда ҳовли ўртасидаги сардоба (диаметри 7,15 м)дан иборат. Қ.И.м. Хивада дастлаб қурилган 2 қаватли мадраса бўлиб, Хива мадрасаларига хос бўлмаган 2 қаватли, 3 очиқ равоқли, бош тарзи очиқ ва маҳобатли қилиб бунёд этилган; бино гиштан лой билан терилган, пойдевори деворидан ёғоч тўсинлар (сардобаники мрамор) б-н ажратилган. Бош тарзидаги пештоқ ва унинг 2 Д. ёни 3 равоқли, бурчақларига гулдасталар ишланган; пештоқ орқали миёнсаройга қиради. Миёнсарой 3 хонали, 2 ёнида мадраса ва дарсхона жойлашган; масжид ва дарсхона гумбази қалқонсимон бағалларга боғланган, ёзги масжид пастак гумбаз б-н, хужралар балхи гумбаз билан ёпилган; сардобанинг гумбази цилиндрсимон пойгумбазга ўрнатилган, пойгумбазига равоқли айлана йўлак (бал. 1,65 м, ёни 0,6 м) ишланган.

Қ.И.м. Хивадаги сирланмаган ва босма усулида яратилган бўртма безаклар қўлланган ягона ёдгорликдир; пештоғи, миёнсарой рангли ўйма ганч билан зийнатланган, равоқлари муқарнаслар билан тўлдирилган; сирли кошин ва парчинлар билан қоплаб бега-тилган; деразаларига ганч панжаралар ишланган; ўймакори эшиклари амалий санъатнинг нодир намунасидир (нақшлар орасида бино қурилган сана битилган).

ҚУТТИМУРОДОВ Жўлдосбек Жонтоевич (1934.29.8, Кегейли тумани) — хайкалтарош, қорақалпоқ хайкалтарошлиги асосчиси. Ўзбекистон БААкад. (1997), Ўзбекистонда (1982) ва Қорақалпоғистонда (1970) хизмат кўрсатган санъат арбоби. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1961). қорақалпоғистон давлат нашриётида бош рассом (1961 — 64), 1964 й.дан И. Савицкий номидаги *Қорақалпоғистон давлат санъат музейида* таъмирловчи рассом. Қ. асарларида гўзаллик туйғуси эстетик идеал тарзида намоён бўлади, замондошлари қиё-фаси, тарихий мавзуларни ўзига хос тарзда талкин қилади, қорақалпоқ аёли гўзаллигини рамзий образларда ифода этади, бу образлар маҳаллий табиат манзаралари билан уйғунлашган; ҳар бир асари учун ўзига хос янгича усул излайди, энг асосий нарсани аниқ ва равшан, содда ифодалашга интилади. Ёғоч ва мрамордан «Орзу» (1967), «Қиз боланинг боши» (1967), «Амударё» (1967), «Шамол» (1967), «Келин-чак» (1967), «Икки шохли Искандар» (1967), «Арслон» (1968), «Ниҳол» (1970), «Беруний» (1975), «Соҳибжамол» (1977), «Фарҳод» (1981), «Лайли ва Мажнун» (1983), «Тўмарис» (1984), «Гулолим» (1984), «Анахита — сув ва ҳосилдорлик худоси» (2000) ва б. яратган асарларининг асосий қисми Қорақалпоғистон музейида. «Менинг Қорақалпоғистоним» туркум асарлари учун Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлган (1972). Ўзбекистон БА Олтин медали билан тақдирланган (2000).

Ад.: Такташ Р. Х., Жолдасбек Қуттимура-тов, Т., 1985.

ҚУТУРИШ — нейротроп вирус кўзгатадиган ўткир юқумли зооноз касаллиги; томир тортишиши, фалажлик, ҳиқилдоқ ва нафас мускулларининг спазми билан кечади.

Қ. қадимдан маълум, уни сувдан чўчиш касаллиги деб ҳам аташган (қ.

Гидрофобия). Француз олими Луи Пастер 19-а.нинг 2-ярмида қ. касаллигига қарши вакцина кашф этди, шу сабабли Қ.га қарши тадбирларни амалга оширадиган барча муассасалар Пастер станци-ялари деб юритила бошланди. Уларнинг фаолияти туфайли қутурган ҳайвон тиш-лаганидан сўнг вақтида эмланган мил-лионлаб одамлар ҳаёти сақтаниб қолинди. Кўзгатувчиси қутуришнинг ёввойи вируси, у нерв хужайраларини танлаб жароҳатлайди. Вирус совуққа чидамли, музлатилганда узок сақланади. Ташқи муҳитда, шунингдек, қайнатилганда, 3—5% ли лизол, хлорамин эритмаларида тез нобуд бўлади.

Касалликнинг яширин даври ҳайвонларда 14—16 кун. Шундан кейин безов-талиқ, йиртқичлик, хатти-харакатнинг ўзгариши, кўп сўлак ажралиши кузатилади. Ҳайвон ҳеч нарса ичмай, емай қўяди. Сўнгра томир тортишиши, фалажлик бошланиб, ҳайвон ўлиб қолади.

Одамга қутуриш вируси касал ҳайвон, асосан, ит, мушук ва б. тишлаганида, ёки сўлаги тери юзасига тушганига юқади. Одамда қ. касаллигининг яширин даври 15 кундан бир неча ойгача (ўртача 20—30 кун). Қутурган ит бўйин, юзни тишлаганда бу давр қисқарок, оёқни тишлаганда узокроқ бўлади.

Касаллик кечишида 3 давр кузатилади: даракчи давр — одатда касаллик аста-секин бошланади, лоҳаслик, бош оғриши, бироз иситма кўта-рилиши кузатилади. Беморнинг қай-фияти ўзгаради, ҳеч нарса ёкмай, ёлғизликни истади; овқат емайди. Тишланган жойдаги яра битиб кетган бўлса ҳам ўша соҳада оғриқ пайдо бўлиши муҳим белги ҳисобланади; кўзғолиш (бесаранжомлик) даври — нафас олиш азобга айланади. Бемор жонсарак, беҳаловат бўлиб қолади. Мускуллари, хусусан, ютқин ва ҳикилдоқ мускуллари тиришади; салгина шамол ёки бир оз таъсирот туфайли хуруж такропланаверади. Нафас олиш қийинлашади, гидрофобия, *аэрофобия* аломатлари

пайдо бўлади. Сўлаги кўп оқади. Иситма кўтариледи (39—40° гача). Тиришиш вақтида нафас тўхтаб, киши ўлиб қолиши ҳам мумкин; фалажланиш даври — бунда мускуллар фалажланиб, бемор тинчиб қолади, лекин ҳуши сақланади. Фалажланиш пастдан юқорига кўта-рилиб боради ва юрак тўхташи, нафас маркази фалажланиши оқибатида ўлим содир бўлади.

Қ.нинг олдини олиш учун хонадонда боқиладиган итлар рўйхатга олинishi ва профилактик тарзда қутуришга қарши эмланиши лозим. Одамни тишлаган ит маълум бўлса, у ветеринар назоратида 10 кун ушлаб турилади. Агар у қутурган бўлса, шу муддат ичида ўлади. Ит тишлаган одамга тиббий ёрдам поликлиникалар қошидаги травматология пунктида кўрсатилади. Ит тишлаганда дарҳол шу пунктларга мурожаат қилиш, унғача тишланган соҳани дарҳол совуллаб ювиш ва атрофига йоднинг спиртли эритмасини суртиш керак. Ҳосил бўлган яра тикилмайди. Иложи борича эртароқ Қ.га қарши културал вакцина юборишни бошлаш керак, шунда эмлаш бошланганидан 2 ҳафта ўтгач, иммунитет пайдо бўлиши мумкин.

ҚУТУРҒУРЛАР — қад. туркий қабилалардан бири. Булғор қабилалари гуруҳига кирган. Қ. номи 5-а. охири — 6-а. бошларида манбаларда илк бор учрайди. Бу даврда улар Днепр ва Дон дарёларининг қуйи оқимлари атрофида кўчиб юрган. Византия империяси худудларига тинимсиз ҳужум уюштирган. 558 й. Қ. ҳукмдори Заберган ҳағто Константинополга юриш қилган. Византия уларга қарши Азов денгизи атрофида кўчиб юрган бошқа булғор қабиласи — *утур-гурлар*тл гижгизлаган ва натижада улар ўртасида кураш узок давом этиб ўзаро қирилиб кетишга олиб келган. 560 й. Қ. аварлар томонидан бўйсундирилган ва кейинчалик улар Шарқий, Марказий ва Жан.-Шарқий Европа қабил ва халқлари таркибига сингиб кетган.

Ад.: Артамонов М.И., История хазар.

Л., 1962.

ҚУТЧИ — туркий қабила. Қ.ларнинг илк аجدодлари Жан. Сибирда, 10—13-аларда эса Қашқар ва Етти-сувда яшаган. 13—14-аларда Қларнинг катта бир қисми Мовароуннахр худудига келиб маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Бир қисми қирғизлар таркибида ҳам мавжуд бўлган. Қ.ларнинг озроқ қисми ўз номларини 20-а.нинг бошларигача сақлаб келган. Булар, асосан, Зарафшон тизма тоғ этақларида — Ур-гут атрофларида, Қашқадарёнинг юқори оқимларида Шахрисабз воҳасида жойлашган. к. бир неча уруғларга бўлинган. Энг йириклари: шихсаёт, моли, мовар, қашқари. Қ.лар, асосан, деҳқончилик билан шуғулланишган.

ҚУШБЕГИ, қушчи — тарихий ата-ма. Ўрта асрларда подшо ва хоннинг овчи қушлари (қушхонаси) ва ов ҳайвонларининг мутасаддиси; ов беги (*амири шикор*). У ҳукмдорнинг овини ташкил қилиш ва ўтқазишга жавобгар бўлган. Қушчилар қарчиғайчи деган ном билан ҳам аталган. *Хива хонлиги*да Қ. *мехтарқлн* кейин турган. У хонликнинг шим. қисмига мутасадди бўлган; *Қўқон хонлиги*да Қ. ҳарбий қўшиннинг бошлиги бўлиб, бу мансаб ҳарбий юриш ва жанг пайтларида берилган. Қ. *мингбоши* унвонини олишга даъвогар бўлган.

ҚУШЛАР — умуртқали ҳайвонлар синфи. Триас даврида яшаган суд-ралиб юрувчиларнинг псевдозуҳлар туркумидан келиб чиққанлиги тахмин қилинади. Қ.нинг қазилма қолдиқлари жуда кам; дастлабки қазилма қолдиқ — *археонтериксник* тошдаги изи ва суяклари юра даврига тегишли. айрим морфологик белгилар (орқа оёқлардаги мугуз тангачалар, мугуз тумшук ва б.) ҳамда физиологик хусусиятлари (тухум қўйиши)га кўра Қ. судралиб юрувчиларга ўхшайди, лекин танаси пат билан қопланганлиги туфайли улардан фарқ қилади. Патлар қушлар

танасида иссиқликни сақлайди; учишда ҳаво қаршилигини камай-тириб, ҳавода қўтариш юзасини ҳосил қилади (қанот, дум). Учиш ва ҳар хил ҳаракатланиш (югуриш, сузиш, шўн-ғиш)га мосланиш Қ. таянч-ҳаракат системасининг ўзига хос тузилишига сабаб бўлган. Қанотларнинг пайдо бўлиши билан олдинги оёқлар, елка камари суяклари ва мускуллари шаклланган (кўкрак тож суяги ривожланган, учиш мускуллари тана вазнининг 25% ини ташкил этган); ерда 2 оёқда юрганида мураккаб яхлит тузилган думга ва орқа оёқлари мускуллари қайта муво-зана-нат сақлаш вазифасини бажаради. Қ.нинг ковуғалари ўзаро ҳаракатчан қўшилган 2 қисмдан иборат бўлиб, нафас олишда кўкрак қафаси ҳажмининг ўзгаришига, яъни эластиклиги кам ўпка тўқимаси орқали ҳавони ҳаво халталарига ва найсимон суяклар бўшлиғига ўтишига ёрдам беради. Қ.да нафас олиш жараёни ўзига хос кечади. Қ.нинг бронхлари ҳаво халтачалари билан (9—10 тача) туташган. Нафас олиш ҳаво ўпқадан халтачаларга ўтаётганида ва улардан яна ўпка орқали қайтиб чиқаётганида содир бўлади. Ҳаво халтачалари терморегуляцияда иштирок этади; сувда сузувчи Қ.да эса шўнғишда тана тиғизлигини ўзгар-тиришга имкон беради. Овқат хилига мосланиш қизилўнғачнинг ихтисосла-шуви (айрим Қ.да жигилдоннинг ривожланиши), мускулли ошқозоннинг пайдо бўлиши ва ичакнинг узайишига олиб келган. Қ.нинг тўғри ичаги ривожланмаган. Айириш органлари 2 та йирик буйраклар тана вазнининг 1—2% ини ташкил этади; ковуғи бўлмайди. Ичаги, сийдик чиқариш ва жин-сий безлари системаси йўли клоакага очилади. Қаттиқ пўчоқ билан қопланган йирик тухум қўйиши туфайли Қ.нинг чаноккамари суяклари йириклашган. Қ. нарида 2 тадан уруғдон ва уруғ йўли, модасида фақат чап тухумдон ва тухум йўли ривожланган (япалокқушлар ва йирткич Қ.да ўнг қисми ҳам бор). Уруғдон ва тухумдонлар ўлчами жинсий цикл даврига боғлиқ. Мас, уя қуриш олдидан

уруғдонлар 300—1000 марта катталашади. Қон айланиш системасининг тузилиши ва физиологик хусусиятлари, юрагининг нисбатан йирик бўлиши ва жадал ишлаши, юқори қон босими моддалар алмашинувининг тезлашуви билан боғлиқ. Мас, колибр юраги тана массасининг 2,85% ини ташкил этади; 1 мин.да 1000 мар-тагача қискаради. Кўриш ўткирлиги ва ранг ажрата олиш, яхши эшитиш хусусияти Қ.нинг яқин ва узоқдаги нарсаларни тезроқ таниб олишига, тур индивидлари ва турлар ўртасидаги муносабатларда катта аҳамиятга эга. Қ.нинг товушларни таний олиш ва товуш чиқариш хусусиятлари ривожланган. Бош мия базал ядроларининг ривожланганлиги, кўриш бўлаклари ва миачанинг йириклиги Қ. нерв фаолиятининг судралиб юрувчиларга нис-батан юқори бўлишига олиб келган. Қ. муҳит шароитига ўз эҳтиёжига қараб фаол мосланиш (уя қуриш, озиқ-ғамлаш ва б.) хусусиятларга эга.

Қ. қуруқлик умуртқалилари орасида энг хилма-хил ҳайвонлар. Улар 2 кенжа синф: калтакесак думлилар (1 та қирилиб кетган туркум қиради) ва елпигич думлиларга ажратилади. Елпигич думлиларга 34 туркум (жумладан 28 та хоз. туркум) ва 9000 га яқин тур қиради. Қ. Арктикадан бошлаб Антарктика соҳаларигача бўлган барча табиий минтақаларда, кўпчилик (80% га яқин) турлари тропик минтақаларда тарқалган. Ўзбекистон фаунасида Қ.нинг 19 туркумга оид 440 дан кўпроқ тури маълум.

Яшаш жойига биноан Қ.ни бир неча йирик экологик гуруҳлар, мас, ўрмон Қ.и, чўл ва дашт Қ.и, сув ҳавзалари (сувда сузувчи) Қ., ботқоқ ва сохил Қ.ига; улар ҳаётининг йил фасллари бўйича ўзгаришига биноан учиб кетувчи, кўчиб юрувчи ва ўтроқ Қ.га бўлинади. Қ.нинг кўпайиши циклик тарзда жинсий безларнинг фаслий ривожланишига мувофиқ ички (гормонал) ва ташки (қун узунлиги ва б.) омиллар таъсирига боғлиқ. Қ.нинг уя қуриш жойи ва уя қуриш усули хилма-хил. Қ. 1 тадан 20—25 тагача тухум

қўйиб, уларни 12 кундан 80 кунгача босиб этади. Тухумдан чиққан жўжаларнинг ҳолатига биноан Қ. *жиш жўжа очувчи қушлар* ва *жўжа очувчи қушларга* ажратилади. Жиш жўжа очувчи қушларнинг тухумдан чиққан боласининг кўзи юмук, паглари сийрак; жўжа очувчи Қ.нинг тухумдан чиққан жўжаси онаси орқасидан эргашадиган ва мустақил озиқлана оладиган бўлади.

Қ.нинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти хилма-хил бўлиб, ўсимликларни чанглантириш, улар уруғларини тарқатиш, зараркунанда хашаротлар ва кемирувчиларни қириш (улар сонини бошқариш)дан иборат. Айрим

Қ. боғлар ва донли экинларга зиён етказиши, юқумли касалликлар тарқатади. Қ. овланади; бир қанча турлари хонакилаштирилган. Қ.нинг табиатдаги эстетик аҳамияти айниқса катта: уларнинг сайраши боғ ва хиёбонларни жонлантиради; инсонда завқланиш ҳиссини уйғотади.

Қ.нинг турлари сони тобора камайиб бормоқда. 17-а. бошларидан буён 100 га яқин Қ. тури қирилиб кетган, бир қанча турлари йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Қ.ни муҳофаза қилишга қадимдан ҳаракат қилиб келинади. Қад. Ҳиндистонда милоддан 200 й. аввал Қ. муҳофазаси тўғрисида қонун мавжуд бўлган. Ҳоз. ҳамма мамлакатларда Қ. муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ноёб ва қирилиб кетиш хавфи остидаги турларни сақлаб қолиш мақсадида халқаро мамлакатлар ва регионал Қизил китоблар яратилган. Халқаро конвенция, битим, меморандумлар тузилган. Махсус фондлар ташкил этилган. 1885 й. биринчи бўлиб Қ.ни муҳофаза қилиш Одюбонов жамяти тузилган. 1872 й. Йеллоустон миллий боғи (АҚШ), 1910 й. Швейцарияда таби-атни муҳофаза қилиш жамяти иш бошлаган. 1913 й. табиатни муҳофаза қилиш бўйича биринчи халқаро анжуман ўтказилган.

20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Қ.нинг яшаш жойларини сақлаб қолишга

этибор кучайтирилади. муҳофаза қилиш ҳудудлари (миллий боғлар, кўриқхоналар) ташкил этила бошланди. 1971 й. сув ва ботқоқлик ҳудудлари муҳофазаси бўйича халқаро конвенция ишлаб чиқилди. Қ. муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1995 й.да «Биологик хилма-хиллик тўғрисида» ги, 1997 й.да «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида» ги, 1998 й.да «Кўчиб юрвучи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги, 2001 й.да «Халқаро аҳамиятга эга, айниқса, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари бўлган сув ботқоқлик жойлар тўғрисида» ги конвенцияларга қўшилди. «Ингичка тумшукли балчиқчи, Сибирь турнаси (ок турна), Африка — Евросийнинг сувда сузувчи кўчманчи қушларини муҳофаза қилиш тад-бирлари юзасидаги ҳамфикрлик меле-орандумлари» каби халқаро битимлар Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган.

Ад.: Фауна мира. Птицм. М., 1991; Жизнь животных, т. 5, М., 1970; Обшая орнитология, М., 1982; Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Т., 2003; Сохранение биологичес-кого разнообразия национальная стратегия и план действий РУз, Т, 1998; Лаханов Ж.Л., Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқ-лагичи, Т, 1988; Винокуров А.А., Редкие птицм мира, М., 1987.

ҚУШЛАР БОЗОРИ - денгиз қушларининг колония бўлиб уя қурган ва яшайдиган маконлари. Қ.б.ни, асо-сан, балиқчилар, чистиклар, қай-ралар, олушалар, қоравойлар, баъ-зан пингвинлар ва б. денгиз қирғо-ғидаги тик қояларда ҳосил қилишади. Қ.б. Европа, Осиё, Шим. ва Жан. Америка, Жан. Африка, Янги Зеландия ва Жан. ярим шардаги океанлар, оролларда кўпроқ учрайди. Баъзан Қ.б. бир неча ўн км ни эгаллайди ва унда юз минглаб қушлар

бўлади. Қ.б.даги қушлар тухум ва бола-ларини йиртқичлардан биргаликда ҳимоя қилади. Қ.б. денгиз биологик балансини сақлашда катта аҳамиятга эга. Қ.б.дан қуш тухуми (айниқса, қайраники) йиғиб олинади, қушлар эса овланади. Перу ва Чилида гуано (қуш ахлати)дан ўғит сифатида фойдаланилади. Кўп мамлакатларда Қ.б. муҳофазага олинган.

ҚУШХУРЛАР - ўргимчаклар оиласи. Танасининг уз. 10 см гача; тук билан қопланган. Упаси 2 жуфт. 600 га яқин тури бор. Хелипераси тирноқлари қайрилган. Уларга захар безлари йўли очилади. Жан. Американинг тропик ўрмонларида яшайди. Тунда фаол. Асо-сан, ҳашаротлар, майда қурбақа, кал-такесак; баъзан қушлар боласи билан озикланади (номи шундан). Оддий Қ. (танаси 5 см, қора) ва ява қушхўрлари (танаси 10 см ча, қизғиш-кўнғир) кўп тарқалган. Айрим турлари одам учун хавфли. Ўрта Осиё фаунасида Қ.дан немезия уруғининг вакиллари учрайди.

ҚУШҚҶНМАС, кафша — мураккаб-гулдошларга мансуб бир ва кўп йиллик ўтлар туркуми. Ўзбекистонда бир йиллик оқ Қ., бир ёки икки йиллик шишкин Қ.и ёки туяқуйруқ, икки ёки кўп йиллик бўялган Қ. каби турлари учрайди. Пояси тик ўсади, юқори қисми сершоҳ, сербарг. Барглари серэт, узунчоқ наштарсимон, четлари тиканли. Гуллари майда, найсимон, оч сариқ, саватча тўпгулга йиғилган. Меваси уруғча. Ўқилдизи тупроқка жуда чуқур қиради. Июнь—июлда гуллайди, авг.—сент.да мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари 16—25° да кўка-ради. Лалми ва суғориладиган дон экинлари орасида ўсади. Шунингдек, ташландиқ ерлар, йўл ёқалари, боғ, токзор, ариқ бўйларида учрайди. Зарар-қунанда ҳашаротлар ва ўсимлик битларига макон.

Қураш чоралари: анғизни юм-шатиш, шудгор қилиш; дон экинларига гербицидлар пуркаш.

ҚУЮН — атмосферада вужудга келадиган кучли уюрма шамол. Диаметри бир неча 10 м дан бир неча 100 м, бал. 800—1500 м га етади. Ҳаво қатламларида т-ра беқарор бўлганда, қаттиқ исиган ҳаво юқорига тез кўтарилиши нагижасида, кўп ҳолларда момақалди роқли булутларда вужудга келади. Енг ёки хартурм шаклида бўлиб, қуруқлик ёки денгиз бўйлаб асосан соат мили ҳаракатига тесқари йўналишда спирал кўринишида юқорига ҳаракат қилади. Ер юзасидан чанг-тўзон, сув ва б. буюмларни кўтариб кетади. Устки қисми воронқасимон бўлиб, булутлар билан туташади. Секундига 50—100 м тезлик билан айланади. Ер юзаси бўйлаб секундига 10—20 м тезликда ҳаракат қилади ва 40—60 км гача давом этади. Қ. АҚШда *торнадо* деб аталади.

ҚЎБИЗ, қил қўбиз, қобуз — 1) торли мусиқа чолгуси. Ўрта аср (Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур, Дарвишали Чангий ва б.) манбаларида Қ. туркий халқларнинг энг сеvimли тор-ли-тирнама мусиқа чолгуси сифатида таърифланган. Бу шаклдаги Қ. (ҳоз. *дўмби-рата* яқин) қирғизларда *қўмуз*, ҳақасларда хомис номи билан сақланган. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқларда Қ. — торлиқамонли чолғу сифатида машҳур. Умумий уз. 700 мм атрофида. Ўйма қосаси (резонатори) ва ёйсимон буқилган йўғон дастаси бир бутун ёғочдан ясалади. Қосасининг узунчоқ пастки қисми тери билан қопланади. Отнинг чийратилмаган қилидан ясалган 2 тори кварта (баъзан қвинта)га соланади. Ёйсимон қамон (600—700 мм атрофида) қиллари бармоқлар ёрдамида таранглаштирилади. Ривоятларга қўра, илк Қ.ни афсонавий Қўркут (ўғуз бах-шиларининг пири) ясаган. Қорақалпоқ (18-а.га қадар қозоқ) жировларида, шунингдек, бахши-шомонларда Қ. асосий чолғу ҳисобланган. Майин, нолаларга бой товушга эга Қ. Ўзбекистонда 1930-й.ларгача бухорода мақом ан-самбллари таркибида бўлган. 1940—50-й.ларда Қ.нинг реконструк-

ция қилинган (прима, альт, бас ва б.) турлари *ха/1қ чолғулари оркестри* таркибига киритилган; 2) турк-ман, татар, бошқирларда темир *чангқўбиз* номи.

Қалмирза Қурбонов.

«ҚЎБЛОН» — қорақалпоқ ва қозоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Қўблонди ботир ҳақидаги бу эпоснинг қозоқча версияси ҳажми ва муқамаллиги жиҳатидан бошқа версияларидан фарқ қилади. Асар кек-са ва фарзандсиз Тоқтарбой оиласида эпосга хос ғайритабиий равишда қаҳрамоннинг туғилиши, унинг вояга етиши, севги саргузаштлари ҳамда унинг ўз юртини душманлардан ҳимоя этиши акс этган. Асарда халқчил ва демократик мотивлар кучли. Унда хотин-қизлар ҳам меҳрибон она, вафодор ёр, ҳамдард син-гиллар сифатида тасвирланган. Эпос чуқур ватанпарварлик ва халқнинг бирлиги ғоялари билан суғорилган. «Қ» воқеалар ривожини ҳамда образлар тизимини жиҳатидан «Алпомиш»га ўхшаш. Эпоснинг ёзиб олинган бир қанча версиялари Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали кутубхонасида сақланади. Қорақалпоқ версиясининг академик нашри чоп этилган (1974).

ҚЎЗИ, кўзичоқ — қўйнинг 4—5 ойлик боласи. Қ.лар жинсидан қатъи назар она қўйлар билан бирга асралади (боқилади). Шу сабабли улар эмизикли (ширвоз яъни сут билан боқиладиган) қўзилар деб аталади. Қўзилатиш мавсумида Қ. ўсишини тўғри йўнал-тириш ва улар сонини тўла сақлаб қолиш мақсадида, ёшига ва ривожланишига қараб, қичик, ўрта ва катта сакмонлар (мини сурув)га ажратилади ва ёрдамчи сакмончилар (чўпонлар) ёрдамида қўзилар эмизиб турилади. Қ.лар 4—5 ойлик бўлгач оналаридан ажратилади ва алоҳида эркак (қ. *Қўчқор*) ва урғочи (қ. *Тўқли*) қўзилар гуруҳи (суруви)га бўлиб боқилади. Янги туғилган Қ.ларнинг тирик вазни майин жузли қўйларда 3,8—4,2; думбали қўйларда 4,5—5,5; қоракўл қўйларида 3,8—4,5 кг

га тўғри келади, 4—5 ойлигида тирик вазни 35—40 кг га боради.

Қ. гўшти арзон ва пархез озиқ-овқат маҳсулоти, териси ва жуни енгил саноат учун қимматбаҳо хом ашё.

ҚЎЗИ — *Ҳамал* юлдуз туркумининг иккинчи номи.

ҚЎЗИБОЕВ Неъмат Мирзабоевич (1929.20.7, Фарғона - 2004.14.5, Тошкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1970). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1947) ва Ленинград рас-сомлик, хайкалга-рошлик ва меъморлик ин-ти (1953)ни тугатган. 1953й.дан Республика рас-сомлик билим юр-тида, 1959 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (хоз. Миллий рассомлик ва ди-зайн инти)да педагог, 1984 й.дан проф. (1985 й.дан Қ. устахонаси мавжуд бўлган). Қ. ижоди бадиий услубининг ифодалилиги билан диққатга сазовор; асарларида мазмуннинг теранлиги, давр руҳи, кишилар кайфия-тини ифодалашда маҳорати намоён бўлди: «Ўзбой ўзанида», «Қидирув-чилар», «Янги йўл», «Чўпонлар хузу-рида» каби маиший жанрга оид асарлар, «Юнус Ражабий», «Миршоҳид Мироқилов», «Нодирабегим», «Аб-дулла Қодирий» «Ибн Сино», «Бе-руний». «Навой ва Султон Ҳусайн», «Навой портрети. Куш тили» каби портретлар, «Баҳор», «Фарғона водийси», «Қўқон манзараси» каби тасвирлар ва б.

Қ. асарлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этган; асарлари республика ва чет эл музейлари ва хусу-сий тўпламларда сакланади. «Эл-юрт хур-мати» ордени билан мукофотланган (1998).

Ад.: Неъмат Қўзибоев (каталог), Олмаота, 2005.

ҚЎЗИБОЙ — кечпишар маҳаллий тарвуз нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик и.т. инсти-

тутида маҳаллий навлардан яқка танлаш усули билан яратилган (А.Г.Никулина).

Меваси чўзиқ-шарсимон, юзаси сил-лиқ, пўсти қорамтир-яшил, қалин (2,5—3,5 см), ноаниқ чизиклари бор, оғирлиги 8—18 кг. Эти пушти рангда, ўрғача толали, серсув, ширин. Таркибида қанд миқдори 8—9%. Уруғи йирик (1,6 см). Ниҳоли униб чиққанидан кейин биринчи ҳосили 96—110 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 400—500 ц/га. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида экиш учун р-нлаштирилган.

ҚЎЗИЕВ Турсунали Каримович (1954.18.11, Сурхондарё вилояти Сурхон кишлоғи) — график рассом, кан-дакор, фото санъати устаси. Ўзбекистон БАа-кад. (1997), Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1999). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1976) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1982)ни тугатган; бадиий кандакорликни уста О.Ази-зовдан ўрганган. Қ. иш фаолиятини Жар-қўрғон ш. бош рассоми сифатида бошлаган. Сурхондарё вилояти маданият фонди раиси (1987—92), Республика рассомлик билим юрти директори (1993—95), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими (1995—96), Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (1996—97); 1997 й.дан Ўзбекистон БА раиси, айни бир вақтда Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси, 1998 й.дан Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти проф. қ. асарларига борлиқни шоирона талқин этиш, ранглар ёрқинлиги, нафислиги хос. «Жарқўрғонлик боғбон», «Она юртим», «Олимлар», «Нақшбандийга бағишлов» учлиги (тритпихи), «Тўли-ной», «Қиз портрети», «Муножот», «Шо-ира портрети» каби рангтасвир, «Алишер Навой» (мис), «Тиб қонунлари» (мис), «Афсона» каби кандакорлик асарларини яратган. График рассом сифатида Миртемир асарларига ҳамда ўзбек, рус, грузин

этракларига безаклар, «Ёшлик кўшиғи» деворий расм (1979, ҳамкорликда, Жаркўрғон ш.да), «Турналар» ёдгорлиги (1982, Шеробод туманида) каби монументал асарлар ишлаган. Бадийий фото асарлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, уларда она юрт мадҳи, жаҳон маданий мероси, ўзига хос табиати, тарихий обидалари, халқнинг миллий урф-одати поэтик талқинини топган. «Ўзбек фотографияси. 125 йил» антологияси, «Лангар», «Ижодимиз ҳақида гапирсак» альбомлари муаллифи.

Қ. Республика ва хорижий мамлакатлар (Ҳиндистон, Япония, Корея, Миср, Покистон, Франция, Италия, Германия ва б.) кўргазмаларида асарлари билан иштирок этган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутаты. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (2000). «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (2003).

Ас: Нафосат мактаби, Т., 1995; Композиция асослари, Т., 2003; Рангтаъсир (ҳамкорликда), Т., 2004; Камолиддин Бехзод ва тамаддун, Т., 2004.

КЎЗИҚОРИН - дискомицетлар уруғи аскомицетлар синфига мансуб замбуруғлар туркуми. Апотецитлари йирик, бал. 6—15 см, кенлиги 1,5—5 см, тик ва эддор, пояча ва қалпоқчага бўлинган. Поячаси цилиндрсимон, йўғонлиги 2—3 см. Қўнғир тусли қалпоқчаси поячага ёпишган, конуссимон сирти уячали. Аскалари цилиндрик, узун (350 мкм гача). Споралари бир хужайрали. Қ.нинг 6 тури бор. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида, Австралия аралаш ва игнабаргли ўрмонларининг яланг жойларида, айниқса, ёнғин кетган қисмида, ўрмон четлари ва тоғларда тарқалган. Тупроқ сапрофити. Эрга баҳорда учрайди. Пишириб ейилади. Ўзбекистонда чўл Қ.и ўсади.

КЎЗИҚУЛОҚ - ялтиздошлар оиласига мансуб туркум. Ер юзиде 100 га яқин

тури бор. Ўзбекистонда 20 тури ўсади. Қ.га кўп йиллик сертук ўт ўсимликлар киради. Пояси тик, бал. 120 см гача. Гуллари, асосан, поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтикларида ҳалқа шаклида ўрнашган бўлиб, қийшиқ, икки лабли. Косачабарглари тукли. Гултожбаргчалари турига қараб ҳар хил рангда бўлади. Баргларининг шакли наштарсимондан тухумсимонгача; қалин туклар билан қопланган. Қ., асосан, июнь—июлда гуллаб, мева тугади. Ўзбекистоннинг тоғли худудларида турли экологик шароитда ўсади.

ҚЎЗҒАЛИШ (физиологияда) - тирик хужайранинг бирор таъсирга жавоб реакцияси, тирик системанинг физиологик нисбий тинч ҳолатдан маз-кур тўқима ёки хужайра учун хос бўлган фаол ҳолатга ўтиши. Қ., асосан, ихтисослашган структуралар; рецепторлар, нерв ва мускул хужайралари, нервтоалари учун хос. Қ. — физиологик, биокимёвий, энергетик ва структуравий ўзгаришларни ўз ичига олади. Қ. хужайра мембранаси ион ўтка-зувчанлигининг қисқа муддатли ўзгариши билан бошланади. Бу жараёнда ионларнинг кўчиши мембраналар кутбланишининг ўзгаришига ва электр потенциали (электр токи)нинг ҳосил бўлишига олиб келади (қ. *Биоэлектр потенциаллар*). Қ.да *аденозинтрифосфат кислота* (АТФ) парчланади; гликолитик ва оксидланиш жараёни кучаяди; оксил ва липид алмашинуви ўзгаради.

Қ. маҳаллий (бир жойнинг ўзиде) ёки ёйилувчи (тарқалувчан) бўлади. Маҳаллий Қ. фақат таъсирланиш содир бўлган жойнинг ўзиде, яъни нейроннинг бир қисмида, қабул қилиш ёки периферик таъсирга ихтисослашган рецепторлар ёки синапсларда пайдо бўлади. Маҳаллий Қ. таъсирланишдан сўнг тезда юзага чиқади, таъсир кучининг ошиши билан кучайиб боради. Маҳаллий Қ.да бир нерв ёки мускул хужайрасининг бошқа нерв хужайраси аксонлари билан туташган жойи (си-напс)даги рецеп-

тор ва генератор потенциаллари муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Қ. амплитудаси ва таъсир кучи, унинг давомийлиги, тезлигининг ортиши ёки камайишига қараб ўзгариб туради.

Ёйилувчи Қ. нерв ва мускул толалари учун хос. Нерв толалари бўйлаб тарқаладиган Қ. нерв импульси дейилади. Ёйилувчи қ. ҳужайра мембранасининг барча қисми бўйлаб тарқаладиган ҳаракат потенциали билан бир вақтда юзага чиқади ва ахборотни нерв толалари бўйлаб узок масофатга тез ўтказилишини таъминлайди. Ҳаракат потенциали мускул ҳужайраларидаги миофибрилларнинг қисқаришини, нерв ҳужайралари аксонлари учидан тўқималарнинг кузғалиши еки тормозланишига таъсир қиладиган кимёвий моддалар ишлаб чиқарилишини фаоллаштиради.

Қ.да цитоплазмага N8^* ва Ca^{2+} ионларининг ўтиши мембрананинг ҳар 2 томонида Ia^* , K^* , Ca^{2+} ионларининг дастлабки тенг бўлмаган концентрацияли ҳолатини тикловчи ҳамда мембрана ва цитоплазманинг янгиланиши учун зарур бўлган оксиллар ва фосфолипидларни синтезловчи ферментларни фаоллаштиради. Қ. ва у билан боғланган *тормозланиш* жараёни нерв фаолиятининг асосини ташкил этади.

ҚЎЙ — қувушшоҳлилар оиласи қўйлар туркумига мансуб жуфт туёқ-ли, қавш қайтарувчи уй ҳайвони. Қ. бундан 8 минг йил аввал хонақиллаштирилган. Унинг аждоди *ёввойи қўйлар* (муфлонлар, *архар*, аркаллар) ҳисобланади. Мавжуд калта думли қўй зотлари муфлонлардан, узун думли қўй зотлари ва ёғли думли қоракўл қўйлари архарлардан, думбали (ҳисори, жайдари ва ш.к.) қўйлар аркаллардан келиб чиққан.

Қ. асрлар мобайнида инсон ҳаётида муҳим озиқ-овқат маҳсулоти (гўшти, ёғи), кийим-кечак (тери, жуни) ва б. сифатида катта роль ўйнаган. Танасининг бал. 55—100 см, уз. 60—100 см. Кўпгина зотларда қўчқорлари яхши ривожлан-

ган бурама шоҳли, совлиқлари шох-сиз ёки калта шоҳли. Тумшуғи тўғри, учи ингичкароқ лаблари юпқа, серға-ракат, курак тишлари ўткир, оёқлари бақувват. Вояга етган Қ.ларда 32 тиш бўлади. Туси оқ, қора, малла ва кўк. Майин жунли, ярим майин жунли ва дағал жунли (қ. *Дағал жунлиқўшар*, *Майин жунли қўйлар*), калта думли (10—12 умуртқали), узун думли (20—22 умуртқали), думли ва думбали Қ.ларга бўлинади (қ. *Думбали қўйлар*, *Думли қўшар*). Қ.лар

14—15 й. яшайди. Хўжаликда 6 — 8 йил фойдаланилади. 5—7 ойлигида жинсий етилади. 15—18 ойлигида қочиришга қўйилади. Бўғозлик даври 145-155 кун.

Кўпгина Қ.лардан биттадан, айримларидан 2 тадан, ро-манов зотли қўйлардан 5 ва ундан ортиқ қўзи олинади. Қўзилар 2—6 кг туғилади. 2—4 ёшида ўсишдан тўхтайдди. Майин жунли Қ.нинг жун қоплами диаметри ўртача 18—25 мкм бўлган бир хилдаги тивит толаларидан, дағал жунли Қ.ларнинг жун қоплами диаметри 100—200 мкм бўлган аралаш дағал толалардан иборат. Майин жунли Қ.нинг жун толаси уз. 6—10 см дан узунроқ, ярим майин жунли Қ.ларда 10—20 см ва дағал жунли Қ.ларда 10—15 см. Майин жунли Қ.дан йилига ўртача 5—6, ярим майин жунли Қ.дан 3—6 ва дағал жунли Қ.лардан 1—4 кг жун олинади. Майин жунли ва ярим майин жунли Қ.ларнинг жуни йилига бир марта, дағал жунли Қ.ларники 2 марта — баҳорда ва кузда қирқилади. Қўчқорларининг оғирлиги 60—180, совлиқлариники 35—110 кг. Сўйим қиқими 45—60%. Қ.лар табиий ва маҳаллий шароитларни ҳамда Қ. зотларининг ўзига хос биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яйловда (10—11 ой), яй-ловда-қўлда, қўлда-яйловда ва қўлда боқилади.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Қ.ларни гўшти, ёғи, териси ва сути учун боқади. Узок асрлар мобайнида Ўзбекистонда халқ селекциясида *ҳисори қўй зоти*, *қоракўл қўй зоти* ва олимлар ва чорвадорлар ҳамкорлигида олиб борил-

ган селекция — наслчилик ишлари натижасида бу зотнинг бир қанча 3-д типлари яратилди.

Дунёдаги барча мамлакатларда 250 дан ортиқ турли йўналишга мансуб қўй зотлари урчитилиб кўпайтирилмоқда. Улардан — *аскания қўй зоти, дегерес қўйи, меринослар, прекос, рам-булье, романов қўй зоти, саражи қўй зоти, Тожикистон қўй зоти, эдилбой қўй зоти* каби зотлар гўшт, жун йўналишидаги энг сермахсул зотлар ҳисобланади. Ўзбекистонда, асосан, қорақўл қўй зоти, думбали ҳисори қўй зоти ва думбали жайдари қўйлар боқилади. Қ.лар яйловда боқилганда қунига 8—10 кг ўт истеъмол қилади. Дағал озу-қалар (пичан, силос) ва б.ни яхши ҳазм қилади. Ёзда чўл шароитида икки марта, қишда қунора суғорилади (яна қ. *Қўйчилик*).

Абдусаттор Амиров.

ҚЎЙ ЙИЛИ — мучал йил ҳисобида саккизинчи йил (қ. *Мучал*).

«ҚЎЙ ПЕШОНАЛАР» - муз босган ўлкаларда туб тоғ жинсларининг музлик характери таъсирида силликланиб, текисланиши натижасида шаклланган гумбазсимон тепа ва дўнгликлар. Муз келган томони ясси, силлик, тескари томони эса нотекис, тик бўлади. Қад. ва ҳоз. музлик тарқалган ўлкаларда кўп уч-райди. Ўрта Осиёдаги тоғларда ҳам бор.

ҚЎЙБОШ-476 — кечпишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-тида чиқарилган (П.Н. Дудко, Е.И.Дружинина). Шакли тухумсимон ва чўзинчоқ тухумсимон (уз. 25—30 см, оғирлиги 3 — 9 кг). Мевасининг сирти бироз бўгинли, тўри тўлиқ, банд томони қуюқ, уч томонида эса сийрак, гоҳида тўри фақат мевасининг ўртасигача давом этади. Мевасининг ранги банд олдида кўкиш-жигарранг, уч томони саргиш-жигарранг. Сиртида гуллари йўқ. Пўсти қаттиқ, эти ўртача қалинликда, тўла пиш-

майди, ранги оқ, пўсти яқинида кўкиш, тигиз, ширин. Уруғдонлари уруғхонанинг яр-мини эгаллайди. Ўруғи ўртача катталикда, кенг овалсимон, тўқсарик. таркибида 7,6-10,4% қанд, 10,2-13,3% қуруқ модда бор. Уруғи униб чиққандан сўнг биринчи ҳосили 85—95 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Ташишга, сақлашга яроқли (90—100 кун), сўлиш касаллигига чидами ўртача. 1939 й.дан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экиш учун давлат реестрига киритилган.

ҚЎЙТИКАН — мураккабгулдошларга мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми. Ер юзида 25 тури мавжуд. Ўзбекистонда ғўза Қ.и ёки ғўзатикан ва оддий Қ. турлари учрайди. Оддий Қ.нинг бўйи 20—90 см, гуллари бир уйли, айрим жинсли, уруғчи саватчаларининг ўрама барглари бирикиб, мевасида илмоқли тиканларга айланади. Ғўза Қ.и бўйи 20—60 см, пояси шохланган. Тўпмеваси чўзиқ-тухумсимон, усти бир қанча илгаксимон тиканчалар билан қопланган. Июнь — сент. ойларида гуллаб, уруғлайди. Ариқлар ва йўл бўйларида, суғориладиган экинлар орасида ўсади. Йўқотиш қийин бўлган бегона ўт. Барча қисмида йод, уруғида алиф тайёрлашда ишлатиладиган мой (40%) бор. Барг ва илдизидан бўёқ (сарик ва яшил) олиш мумкин. мевасининг усти илмоқли майда тиканчалар билан қопланганлигидан қўйлар жунига ёпишади (номи ҳам шундан).

ҚЎЙТОШ — Жиззах вилояти *Фаллаорол туманидаги* шаҳарча (1942 й.дан). Туман маркази ва яқин т.й. станцияси (Фаллаорол ш.)дан 35 км. Аҳолиси 5,5 минг киши (2005). 3 умумий таълим мактаби, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Маданият уйи, кутубхона, ста-дион, касалхона, туғруқхона, поли-клиника, дорихона аҳолига хизмат

қўрсатади. Қ. — Ғаллаорол йўналишида автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚҲЙТОШ ВОЛЬФРАМ-МОЛИБ-ДЕН КОНИ — Жиззах вилоятининг *Ғаллаорол тумани*яги кон. Жиззах ш.дан 45 км шим.-шарқда, Нурота тоғларида жойлашган. Асосан, тер-риген, камрок карбонат жинслардан таркиб топган. Коннинг марказий қисмини гранитоид таркибли Қўйтош интрузиви ёриб чиққан. Асосий руда камровчи жинслар контактли метамор-физмда ривожланган скарн ва роговиклардир. Скарн-рудали жисмлар контактли, қатламлараро ва кесишган морфологик типдан ташкил топган. Скарн-рудали жисмларнинг қалинлиги 0,5—20 м (ўртача 1 — 1,5 м), йўналиш бўйича уз. 50—300 м гача, вольфрамнинг уч оксиди 0,4—0,65%. Йўл-йўлакай учрайдиган компонентлардан мис (0,077%) ва молибден (0,011%) мавжуд. Скарн-рудали жисмларнинг минерал таркиби геденбер-гитли, волластонит билан бирга gros-суляр-геденбергитли. Бошқа минераллардан кўпроқ учрайдиганлари кварц, андезин, амфибол, кальцит ва улардан ташқари шеелит, молибденит, пирротин, пирит ва б. Руданинг асосий компонентлари вольфрам, молибден, мис ва висмут. Турли блокларда вольфрам 0,25 дан 0,4% гача, молибден 0,023%, мис 0,077%. Сульфидларда висмут (0,5—1%), таллий (1,25 г/т), селен ва теллур концентрацияда бўлади. Ҳоз. вақтда коннинг асосий захиралари ўзлаштирилиб бўлинган. ва 1998 й.дан фойдаланилмайди.

ҚҲЙТОШ ТОҒИ - Шимолий Нурота тоғларининг жан. -шарқий қисми. Шарқда Сангзор водийси, ғарбда Савурбел довони оралиғида. Жиззах вилоятида. Уз. 65 км; эни 8—13 км, энг кенг жойи 25 км. Энг баланд жойи — Тўнғизлитоғ (1905 м). Жан.-ғарбида Сангзор — Нурота, шим. -шарқида Мирзачўл ботиклари ўраб олган. Сувайирғич қисми ва ён бағирларида текисланган юзалар кенг

тарқалган. Қ.т. кумтош, сланец, оҳақтош, мрамар, гранодиорит, гранитдан иборат. Қатламларнинг ётиш ҳолатлари тектоник ҳаракатлар натижасида кучли ўзгарган. Мрамарлашган оҳақтошлар юзага чиққан айрим жойларда сой ён бағирлари тик. Жинслар нураш оқиба-тида қўй, тик деворли қалъа, турли хил жониворлар қиёфасини эслатувчи табиат ажойиботларини ҳосил қилган. Тоғнинг шим. ён бағридаги тик қояларда тош уюмлари, сланецли худудларда тошлоқли *бузуқ ерлар* кенг тарқалган. Шим. ён бағрида оҳақ-тошлар юзага чиқиб қолган. Тоғнинг жан. ён бағридаги бир мунча текис юза Ғаллаорол ва Қўйтош ботиклари томон пастлаша боради. Қ.т. ён бағирлари асимметрик тузилишга эга. Шим. ён бағрида Устихонсой, нураксой, Осмонсой, Илончисой; жан ён бағрида Чаёнлисой, Ингичкасой, Саврунсой, Сағанаксой, Норвонсой каби сойлар оқиб тушади. Булоқлар ҳам бор. Типик бўзтупроқ, тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимликлардан шим. ён бағрида кўнғирбош, ранг, шувок, флемис, ялтирбош; жан. ён бағрида турли хил ўтлар, шувок, ялтирбош, ровоч, чайир, кўзтикан, айрим жойларда наъматак, бодомча учрайди. Тоғ тепаси ва ён бағирларидан баҳорги ёзги яйлов сифатида фойдаланилади. Қ.т. да Қўйтош вольф-рам-молибден кони бор.

ҚҲЙХОНА — қўйлар асраладиган ва бокиладиган хона ёки бино. Умумий ва махсус Қ.лар бўлади. Умумий Қ. турли жинс ва ёшдаги, махсус Қ. эса бир жинс ва ёшдаги қўйларни боқиш учун мўлжалланади. Умумий Қ. 300—500 бошдан ортиқ қўйларга мўлжал-лаб қурилади ва совлиқлар, қўзилар, қўчқорлар учун алоҳида бўлимлари бўлади. Махсус Қ. 800—1000 бош ёки 1000—1200 бош қўзи ёки ахтага мўлжалланади. Қ. тўғри бурчакли, «Г» ва «П» шаклида қурилади. «П» шаклидагиси кенг тарқалган. Қ. бир неча бўлимга бўлинади. Қ.нинг қишки қўзилашга мўлжалланган, янги туғилган қўзилари билан совлиқларни

бокишга ажратилган бўлимлари иситилади (иссикхона) ва бу иссикхоналарда наслдор қўйлар учун алоҳида қўзилатиш бўлимлари ва профилакторийларташқил қилинади. Катта Қ.ларда вентиляция қурилмаси ўрнатилади. Қўйларни суғориш, озукаларни тарқатиш ва гўнг йиғиштириш механи-зациялаштирилади. Баъзи иқлими юмшоқжан. минтақаларда Қ.ларнинг 3 томони ўралади, томи бостирма қилиб ёпилади.

ҚЎЙЧИЛИК — *чорвачиликнинг* қўйларни урчитиш билан шўғулланадиган тармоғи. Озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, ёғ, сут) ва енгил саноатга қимматли хом ашё (жун, тери, мўйна) етказиб беради. Қўй жунни халқ хўжалиги учун муҳим аҳамият касб этади. Қўй жунидан газмол, трикотаж буюмлар, гилам ва х.к., терисидан пўстин, мўйнасидан турли кийим-кечаклар тикилади, гўшти оқсил ва ёгга бой тўйимли маҳсулот, сутидан пишлок, бринза ва б. тайёрланади.

Қ. олинадиган маҳсулотга қараб гўшт-ёғ, гўшт-жун ва гўшт-жун-сут, улар ўз навбатида, майин жунли, ярим майин жунли, дағал жунли, ярим дағал жунли, мўйнали, пўстин-боп йўналишларга бўлинади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда *қоракўлчилик* ва гўшт-ёғ йўналишидаги қ. ривожланган. Қўй хонақилиштирилгандан бошлаб одамлар ундан олинадиган хом ашё ва гўшт маҳсулотларидан фойдалана бошладилар. Инсон фаолияти натижасида қад. қаммаҳсул дағал жунли қўйлар яхшиланган ва маҳсулдорлиги оширилган. Милоддан бир неча минг йил олдин Кичик Осиёда биринчи майин жунли қўйлар, Ўрта Осиёда эса қоракўл қўй зотлари пайдо бўлди. Қ. чорвачиликдаги мустақил тармоқ сифатида, асосан, чўл ва дашт, тоғли ҳудудларда қўйчи бойларнинг хусусий хўжаликларидан олиб борилган.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда Қ. ка алоҳида тармоқ сифатида эътибор берилди. Ўзбекистонда Қ. ка алоҳида тармоқ сифатида эътибор берилди. Ўзбекистонда Қ. ка алоҳида тармоқ сифатида эътибор берилди.

рик давлат ва жамоа Қ. хўжаликлари, кейинчалик ихтисослашган наслчилик йўналишидаги хўжаликлар (наслчилик з-длари) ташқил этилди. 30-й.лардан жамоа ва давлат хўжаликлари (қолхозлар ва совхозлар)да Қ. фермалари ташқил этилди. Собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан майин жунли қўй (*меринослар*) келтирилди. Майин жунли Қ.ни ривожлантириш, қаммаҳсул қўйларни маҳсулдор қўй зотлари билан қатиштириш, қўйларни сунъий уруғлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ишлари олиб борилди, қўйларни боқиш ва асраш шароитлари яхшиланди. Ветеринария хизмати кўрсатиш тизими ташқил этилди. Натижада подаларнинг зот таркиби яхшиланди, қўй туёғи сони кўпайди, қўйларнинг маҳсулдорлиги ошди, Қ.да майин жунли ва ўртача майин жунли қўйлар салмоғи орғди, бош сони кўпайди. Республикада 1923 й.да барча зотдаги қўйлар бош сони 3,1 млн. бўлса, 80-й.лар бошига келиб, уларнинг сони 8,9 млн. бошга, шу жумладан, қоракўл қўйлари 5,3 млн. бошга етди.

Ўзбекистонда қўйлар, асосан, яйловда боқилади (об-ҳаво шароити ноқулай ҳолларда қўшимча озиклантирилади). Гўштга топшириладиган қоракўл қўйларни яхши семиртириш учун кузда уларнинг сурувлари тузилади. Бўрдоқига боқиландиган қўйларга шулха, кунжара ёки терт берилди. 70-80 кунда қўйлар яхши семиради ва гўштга топширилади.

90-й.лар бошидан Қ.да чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча жамоа хўжалиги Қ. фермалари хусусийлаштирилди ва фермер хўжаликлари барпо этилди. Қ.ка ихтисослашган давлат хўжаликлари (з-длари) жамоа (ширкат) хўжаликларига айлантирилди. 1998

й. июнда қорақўлчиликда и.ч. ва савдо маса-лалари билан шуғулланадиган ва республикада барча қорақўлчилик ширкат хўжаликларини ва худудий вилоят бирлашмаларини ўз ичига олган «Ўзбек қорақўли» компанияси ташкил этилди.

Республика Қ.да дағал жун ва гўшт-ёғ берувчи ҳисори ва жайдари кўй зотлари асосий ўринни эгаллайди. Ҳисори кўйлар, асосан, тоғ ва тоғ олди минтақаларида (Сурхон-дарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари) бокилади (қ. *Ҳисори кўй зоти*). Хонадон хўжаликларида бокиладиган жами кўйларнинг деярли ярмини жайдари кўйлар ташкил қилади. Бу зотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида кўп тарқалган. Ярим дағал жун олинадиган саража, Олай ва тожикистон кўй зотлари, асосан, фарғона ва Тошкент вилоятларидаги тоғ, тоғ олди яйловларига яхши мослашган.

Қ.ка оид и.т. ишлари *Чорвачилик институти*, *Қорақўлчилик ва чўл экологияси институтит* олиб борилади.

Қ. жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ривожланган. Дунё бўйича 1068669 минг бош кўй боқилди, 497,6 млн. бош кўй сўйилди ва 7,4 млн.т кўй гўшти ишлаб чиқарилди (1999).

Жаҳон мамлакатларида урчитилаётган кўйларнинг деярли ярми Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Туркия, Жан. Африка Республикасига тўғри келади. Кўйларнинг бош сони бўйича (млн. бош) Хитой биринчи ўринда туради (127,1), Австралия (119,6), Ҳиндистон (57,6), Янги Зеландия (46,1), Судан (42,5), Покистон (31,3), Туркия (30,2), Афғонистон (14,3)да ҳам Қ. мамлакат қ.х.да муҳим ўринни эгаллайди.

Фаёз Жақсимов.

КЎЙҚИРИЛГАН ҚАЛЪА - қад. оташпарастрлар ибодатхонаси ва қишлоқ харобаси (мил. ав. 4 — мил. 4-а.). Тўрткўл ш.дан 22 км шим.-шарқда. Хоразм археология-этнография экспедицияси (раҳбари С.П.Толстов) рўй-хатга олган (1938). 1951—57 й.лардаги қазишмалар

натижасида қад. хоразмликларнинг макбара-қасри ва мил. ав. 4—3-а.ларга оид доира шаклидаги икки қаватли марказий ибодатхона биноси (диаметри 44,4 м, бал. 9,5 м га яқин) қазиб ўрганилган. Ибодатхона атрофи 2 қатор пахса ва хом ғиштдан тикланган мудофаа девори билан ўралган. Қалъа атрофида хандак (эни 15 м, чуқ. 3 м) бўлиб, қадимда сув билан тўлдирилган. Қ.к. деворида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ қул-дорлик даври шаҳарлар қурилиши услубига хос бўртиб чиқиб турган махсус буржлар бўлиб, уларда ўк отиш учун нишон туйнуклари бор. Девор билан марказий бино оралиғида хўжалик иншоотлари жойлашган. Равоқлар учун трапеция шаклидаги махсус ғишт қўлланилган. Қалъанинг шарқий қисмида дарвозаси бўлиб, дарвоза олди лабиринт шаклида қурилган. Қ.к. марказидаги 2 қаватли бинога махсус зинапоаяларда чиқилган. Уйнинг томи текис. 1-қаватда алоҳида-атоҳида 8 та гумбазли хоналар бўлиб, улар ичидан сополдан ясалган тобутлар, идиш-товоқлар, ҳар хил расмлар солинган ёғ идиш (хум ва кўзача)лар, нақшинкор сувдонлар топилган. Топилмалар ичида маъбулларнинг терракота ҳайкалчалари, деворга ишланган рангли нақшлар, осмон жисмларини кузатишга мўлжалланган буюмлар бор. Остодонлар дафн маросимларидан, сополдаги ёзувлар эса қад. хоразмликларнинг тили ва ёзувлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ад.: Кой-Қрылган-кала — памятник куль-турм древнего Хорезма IV в. до н.э. — IV в.н.э. (отв. ред. С.П.Толстов, Б.И.Вайнберг), М, 1967.

КЎЙХЎКИЗ, кўйбуқа, мушқли кўйхўкиз (Оу1008 тозспаШз) — *қувушишоҳлилар* оиласига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчи хайвон. Гренландия, Канада, Арктика архипелагидаги оролларда тарқалган. Шпицберген, Нунивак, Нельсон ороллари ва Аляскага олиб келинган. Плейстоцен, қисман голоценда Евросиё ва Шим. Америкада

хам кўп бўлган. Бўйи (яғринидан) 1,1 м га яқин, танасининг уз. 2,5 м ча, оғирлиги 300 кг ча.

Гавдаси узун (60—90 см ли) қора кўнғир жун билан қопланган. Бўйни қисқа ва йўғон. Шохининг асоси йўғон, учи қайрилган. 20—30 бош Қ. пода бўлиб яшайди. Август-сент.да урчийди. Бўғозлик даври 9 ой. 1—2 та бола туғади. Лишайник, мох ва ўтлар билан озикланади. Қ. сони камайиб кетган (25 минг бошга яқин), муҳо-фаза қилинади. Россиянинг шим. худудларига Канададан олиб келиб кўпайтирилмоқда.

ҚЎЛ, ғўл (туркийча — марказ, ўрта) — 1) Чингизхоннинг минг кишидан иборат шахсий хос кўриқчиси; 2) Темурийлар кўшинида аксарият олий бош кўмондон томонидан бошқариладиган, кўшиннинг асосий жанговар байроқлари олиб юриладиган марказий қисм. Тарихий манбаларда таъкидлани-шича, Соҳибқироннинг 12 минг кишилиқ кўшини Қ.и амир улумаро томонидан бошқарилган. Лашкар сони бир неча 10 мингдан зиёд бўлган пайтларда Қ. 40 бўлук (полк) ларга тақсимланган ва бевосита Амир Гемурнинг кўмондонлигида бўлган. Ушбу бўлуқлар тажрибали ва сараланган жангчилардан ташкил қилинган; 12 бўлуқи сафнинг 1 қаторида, қолган 28 бўлуқи эса 2- ва 3 қаторларда жойлашган. Қдан исталган пайтда бошқа кўшин қисмларига мадад берилган. Эски ўзбек адабий тили обидаларида, хусусан, Алишер Навоий, Бобур асарларида кўшиннинг «маркази» тушунчаси ғўл қатори арабча — қалб, арабча-форсча — қалбгоҳ исти-лоҳлари билан ифодаланган.

Ҳамидулла Дадабоев.

ҚЎЛ ПАНЖАСИ - ерда яшовчи умуртқали ҳайвонлар олдинги оёғи ва одам кўлининг тирсак ва билак суякларидан кейинги қисми. Одамнинг Қ.п. мураккаб ҳаракатларни бажаради; у кафт усти суяклари (8 та), кафт суяклари (5 та) ва ҳаракатчан бармоқлардан (3 та фалан-

гадан иборат, бош бармоқдан ташқари) ташкил топган.

ҚЎЛ ТЎПИ - қ. *Гандбол*.

ҚЎЛДОШЕВ Мурод (1900 – Қўкон — 1975) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1970). Қўкон театри (1920-27; 1950 й.дан), Ўзбек давлат драма труппаси (Самарқанд, 1927-28), Анди-жон (1928-40), Янгийўл (1941 — 50) театрларида ишлаган. Андижон театрини мустақамлашда фаол иштирок этган. Қахрамонл ар и кучли туйғуларини табиий ва ҳароратли ифода этиш, оҳангдор нутқ, ҳаракат ранг-баранглиги, мусикий ва сермаъноликка эриша олиш Қ. ижодига хос. Мажнун (Хур-шид; Т.Содиқов, Н.Миронов, «Лайли ва Мажнун»), Нетьмат (Ғ.За-фарий, «Ҳалима»), Таргалья (К.Гоци, «Маликаи Турандот»), Асқар (У.Ҳожибеков, «Аршин мол олон») ва б. роллари билан танилган.

ҚЎЛЁЗМА — 1) кенг маънода — қўлда ёзилган ёки ёзув машинкаси-да, компьютерда кўчирилган матн. Таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ўтмишда ўзлари кўчириб ёзган асарлари дастхати (автографи); 2) қўлда ёзилган асар, ёзма ёдгорлик. 19-а. охири — 20-а. бошларигача Ўрта Осиёда матбаанашриёт ишларининг сустиги сабабли Қ. ҳолида китоб тай-ёрлаш кенг тарқалган ва бу жараён машҳур хаттотлар томонидан амалга оширилган (қ. *Хаттотлик*). Қад. Қ.лар муҳим адабий, тарихий, илмий манбалар ҳисобланади ва улар *паяеогра-фия*да ўрганилади; 3) ноширлик ишида — муаллиф томонидан нашриётга тақдим этилган матн.

ҚЎЛТИҚ, кўрфаз — океан, денгиз ва қўлларнинг куруклик ичкарасига кириб турган ва асосий ҳавза билан бемалол сув алмашиб турадиган қисми. Қ.нинг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолати асосий сув ҳавзасининг ҳолати билан бир хил бўлади. Айрим ҳолларда иқлимнинг

маҳаллий хусусияти ва материкдан борган сув туфайли Қ. суви юза қисмининг гидрологик шароити бирмунча фарқ қилиши мумкин. Баъ-зан океанларнинг денгизларга хос хусусиятлар (гидрологик режим)га эга бўлган қисмлари ҳам Қ. дейилади (Мек-сика, Гудзон, Форс, Калифорния ва б.). Энг катта Қ.лар: Форс кўрфази, Адан, Аляска, Бенгалия, Бискай, Катта Австралия, Гвинея ва б.

ҚЎЛТИҚТУМОР - заргарлик буюми; аёлларнинг елка ошириб қўлтиқ остидан ўтказиб тақиладиган тақин-чоғи. Қ. тўртбурчак шаклли қопқокли қугача ва унинг юқори қисмига уланган узун занжирдан иборат. Қутича юзаси совотқори, кандақори ва босма усулида нақшлар билан безатилади, баъзан феруза кўзлар қадалади; қутичанинг тағ қисми кунгуралар билан ҳошияланган, кунгураларга маржон, садаф мунчоқли шокилалар осилади. Қ. ичига дуо, Қуръон оятлари битилган қоғоз солиб қўйилади. Республика музейларида Қ.нинг ҳашамдор безатилган нусхалари сақланади.

ҚЎЛҚАНОТЛИЛАР - к.
Қўршапалақлар.

ҚЎМИТА — 1) махсус тадбирларни ўтказиш ёки бирон-бир соҳага раҳбарликни амалга ошириш учун тузиладиган давлат органи. Ўзбекистон Республикасида бундай орган Президентнинг фармонида асосан ташкил этилади ва тугатилади ҳамда Олий Мажлис палаталари тасдиғига киритилади. Улар ваколатининг чегараси фармонда ва шу органлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомда кўрсатилади. Ушбу органлар раҳбари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан раис тайинланади. Қўмита раҳбарларининг буйруғига асосан куйи органлар ташкил қилиниши мумкин. Ўзбекистонда *давлат қўмиталари* ва қўмиталар мавжуд.

Қўмиталар — Ўзбекистон Республи-

каси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита;

2) сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б.да сайлаб қўйиладиган коллегиял раҳбар орган (партия марказий қўмитаси, касаба уюшма қўмитаси ва ш.к.).

ҚЎМИҚ ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тил; РФнинг Доғистон, қисман Чеченистон, Ингушия, Шим. Осетия республикаларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 282 минг кишидан ортқ (ўтган асрнинг охири). Қ.т.да асосан 3 та: бўйноқ, қайтақ, хасавюрт лаҳжалари фарқланади. Уларда фонетик ва морфологик тафовутлар мавжуд. Қ.т. қипчоқ гуруҳига мансуб бўлса-да, унда ўғуз тилларига хос белгилар ҳам кузатилади.

Адабий Қ.т. 20-а. бошларида хасавюрт ва бўйноқ лаҳжалари асосида шаклланган (унинг оғзаки сўзлашув шакли қадимдан мавжуд). Ёзуви 17-а. ўрталаридан 1928 й.гача араб графикаси, 1929—38 й.ларда лотин графикаси асосида бўлиб, 1939 й.дан рус графикаси асосидаги ёзувга ўтилган. Қ.т.да газ., жур.лар чоп этилади, кўплаб ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиёт, бошланғич ва ўрта мактаблар учун дарсликлар нашр қилинмоқда.

ҚЎМИҚЛАР — Доғистондаги халқ (232 минг киши). РФда жами 282 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қўмиқ тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Асосий машғулотлари деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, шунингдек, уй ҳунармандчилиги (гилам тўқиш, тери, ёғоч, металл, тош ва б.ни қайта ишлаш).

КЎМСАШ — ўз ватани, туғилган юрти, яқин кишиси (кишилари) ёки нарасидан умрбод ёки вақтинча ажралган, узоклашган кишиларда рўй берадиган рухий ҳолат. Қ. гўдақлар-да, ёш болаларда ота-онасига, ўрга ниб қолган яқин кишиларига тан ичикиш тарзида, катта кишиларда эса ўз ватанига ҳаётининг маълум давр ва воқеаларига нисбатан ностальгия (юн.— қайтиш, қайтиб келиш — оғрик) тарзида кузатилади.

КЎМУЗ — 1) қирғиз торли-тирнама мусика чолгуси. Ўзбек *дўмбирасига* яқин. Қирғизистоннинг жан. воҳаларида чертмек номи б-н машхур. Ривоятларда айтилишича, уни афсонавий Қамбаркан (*Алиқамбар*) кашф этган. Бир бутун ёғоч (ўрик, арча, баъзида ёнғок ва б. дарахт) бўлагидан ясалади. Ноксимон косахонаси, пардасиз даста ва 3 торни ушлаб турган қулоқларидан иборат. Умумий уз. 85—90 см. Майин товушга эга. Қ. қирғизларда энг сеvimли ва кенг тарқалган профессионал чолгуси бўлиб, унда халқ кўшиқлари оҳангларига асосланган «обон куйлар» («Семетей куу», «Қо-рақўл бўтам», «Налима», «Керме тоо» ва б.), виртуоз характеридаги, баъ-зан ўйин-кулги билан боғлиқ «айтиш куйлар» («Кўйрўн куу», «Арманду чимчик») ҳамда йирик шаклдаги мумтоз куйлар («Қамбаркан», «Ботой», «Кербез» ва б.) ижро этилади. Қ, шунингдек, қирғиз *оқин* ва ир (қўшиқ-)чилар томонидан жўрнавот соз сифатида ишлатилади; 2) қирғиз *чангқўбизининг* номи (ёғоч-қўмуз, темир-қўмуз); 3) чечен ва ингушларда 19-адан тарқалган *гармон* номи.

КЎНОНБОЕВ Абай (Иброҳим), Абай [1845.10.8, Еттисув вилояти Чингизтоғ (ҳоз. Абай) тумани — 1904.6.7] — қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир. еттисувдаги Аҳмад Ризо мадрасасида таҳсил олган. Шарқ мумтоз адабиётининг Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Фузулий сингари намоянда-

лари асарларини ўрганган. Бу шоирларнинг асарларидаги дунёвий ғоялар таъсирида халқни маърифатга ундовчи шеърлар ёза бошлаган. қ. дунёқара-шининг шаклланишида Шарқ мумтоз шоирлари билан бирга Еттисувга сургун қилинган рус демократлари ва улар орқали Крилов, Пушкин, Лермонтов, Толстой асарлари билан тани-шиш муҳим омил бўлган. Унинг фик-рича, кўчманчилик шароитида яшаб келаётган ва шу туфайли уруғ-уруғларга бўлиниб кетган қозоқ халқи мен-тальитетидаги айрим кусурларни бартараф этмай туриб, ижтимоий ва маданий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Шу мақсадда маърифат ва маданиятни тарғиб этувчи, яхши ин-соний фазилатларни тарбияловчи ди-дактик йўналишдаги асарлар ёзишга катта эътибор берган. У қозоқ халқини маърифатга, маданиятга, инсонийликка ундовчи 44 та катта-кичик лавҳалардан иборат «Нақлия сўзлар» фалсафий ҳикоясини ёзган.

Қ Чернишевский ва Добролюбов сингари рус демократларининг ғоялари, Арасту, Суқрот, Афлотун, ҳатто Гегелнинг фалсафий-дидактик қарашлари билан ҳам танишган. Унинг 200 дан зиёд шеър ва 4 дostonдан иборат адабий меросида бу сиймолар таъсирида ёзилган асарлар оз эмас қ. «Ис-кандар» дostonида македониялик Александр образига мурожаат этиб, «Ажралганни бўри ер» деган ҳикматни тарқоқ ҳолда яшаб келаётган ватандошлари шуурига куймоқчи бўлган.

Қ.нинг адабий меросида «Масъуд», «Азим ривояти», «Вадим» сингари дostonлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Қ. Шахсан ўзи шеърый ижод б-н шуғулланибгина қолмай, фарзандларини ҳам адабиёт оламига олиб кирди. Улардан бири — Мағавияга «Менғат Қосим», Оқилбойга эса «Қиссаи Юсуф» дostonларининг сюжетини «совға қилиб», шу асарларнинг ёзилишига сабабчи бўлган. қ. айни вақтда дўмбира чертиб, ўз шеърларига куйлар ҳам басталаган.

М.Авезов ўз ижодий умрининг кат-

тагина қисмини Қ.нинг ҳаёти ва ижо-дий фаолиятини ўрганишга сарфлаб, у ҳақда кўп жилдли «Абай йўли» эпо-пеясини яратган. Қ.нинг аксар асарлари ўзбек тилига *Миртемир* ва б. шоир, ёзувчилар томонидан ўғирилган.

Ас: Танланган асарлар, Т, 1961; Танланган асарлар, Т, 1995.

Ад: Ауэзов М.О., Абай Кунанбаев. Статъи и исследования, Алма-Ата, 1967.

ҚЎНОҚ — кўнғирбошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми; ғалла ва ем-хашак экини. Ватани — Хитой ва Монголия. Россиянинг Волгабўйи р-нларида, Ук-раина, Қозоғистонда кенг тарқалган. Ўзбекистонда қ. қадимдан экиб келинган. Ҳоз. даврда қисман озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган дони ҳамда кўк пояси учун экилади. Илдизи попуқ илдиз. Пояси тук билан қопланган, бўйи 70—150 (анғизга экилган ўсимликнинг бўйи 160—190) см, барглари 8—9 та.

Тўпгули зич рўвак, кига нисбатан майда. 1000 дона урути вази 1,5-2,5 г. Уруғи 10-12° да униб чиқади. Майсаси қисқа муддатли —1—2° совуққа чидайди. Ўсув даври 75—100 кун, қурғоқчиликка чидамли, аммо рўвак торгунча 2 — 3 марта суғорилади. Ер ости сувлари 1 — 1,5 м чуқурликда жойлашган тупроқларда ҳам яхши ҳосил беради. Қ. донида 10,5%, кўк поясида 14,5% протеин бор. Дони ёрма тарзида овқатга ишлатилади, хонадонларда бокиладиган сайроқи кушларга ем, спирт олишда фойдаланилади, кўк пояси ва походи чорва учун тўйимли ем-хашак. Дони ҳосилдорлиги 40—60 ц/га, кўк поя ҳосилдорлиги 300—350 ц/га. Қ.ни, асосан тақрорий экин сифатида анғизга экиш яхши самара беради.

Дилором Ёрматова.

ҚЎНҒИЗЛАР, қаттиққанотлилар — хашаротлар туркуми. 140 оиласи, 300 мингдан ортиқ тури маълум. Қ.нинг тана уз. 0,25—180 мм. Юмшоқтанлилар оиласининг вакилларида бошқаларида тана

қоплами склеротлашган. Бош, кўкрак, қорин қисмлари бир-биридан аниқ чегараланган. Олдинги жуфт қанотлари қаттиқ устқанот (элитра)га айланган бўлиб, қорин ва иккинчи — орқа жуфт парда қанотларини ҳимоя қилади. Тўла ўзгариш билан ривожланади (қ. *Ҳашаротлар*). Овалсимон тухумлари силлиқ кобиқ билан ўралган. Личинкалари 2 хил: камподесимон — ҳаракатчан, оёқлари яхши ривожланган, йирткич (мас, сассиқ кўнғизлар, юмшоқтанлилар, битхўр хонқизи кўнғизлари ва б.) ва эруксимонлар — серэт, камҳаракат.

Қ.нинг кўпчилиги қ.х. экинлари, дарахт ва озиқ-овқат маҳсулотларининг зараркунандаси (яна қ. *Омбор зараркунандалари*). Етук хашаротлар ҳамда улар личинкаларининг шикастлаш харақтерига қараб, Қ. барг кеми-рувчилар (мас, баргхўрлар, узун-тумшуклар ва б.), пўстлоқ ости ёки ёғочда ривожланувчи п оя-тана кемирувчилар (тилла кўнғизлар, пўстлоқхўрлар, узун мўйлов кўнғизлар ва б.), тупроқдаги илдиз кемирувчилар (асосан, май кўнғизи личинкалари, қора Қ. қирсилдоқ Қ), мева ва уруғ зараркунандалари (най ўровчилар, уруғ-хўрлар, донхўрлар ва б.), ғалла маҳсулотлари ватери зарар-кунандаларига бўлинади. Суғорма дехқончилик минтақасида фойдали Қ. (хонқизи кўнғизлари, *сассиқ кўнғизлар*) ҳам яшайди. Гўнғхўр Қ, ўлимтиқхўр қ. каби турлари чиринди ва ўлимтиқлар билан озиқланиб, таби-атда санитар вазифасини ўтайди.

ҚЎНҒИР - кўнғирсимонлар оиласига мансуб куш. Шарқий ярим шарда кенг тарқалган. Тропик худудларда ўтрок яшайди. Европа ва Осиёнинг жанубида қишлайди. Танасининг уз. 60—65 см, оғирлиги 800—1000 г. Гавдаси дуксимон, тумшуғи тўғри, ўткир. Оёқлари жуда калта. Урчиш даврида нарининг бош қисми чиройли патлар билан қопланиб, 2 та кокил ўсиб чиқади. Уясини сув устига, қамишларга илаштириб ясайди. 3—5 та тухум босади. Асосан, балиқлар, *сувда ва*

қуруқликда яшовчилар, ҳашаротлар, мол-люска ва б. билан озикланади.

ҚЎҢҒИР ЗАНГ — сули, буғдой, жав-дар каби ғалла ўсимликларида паразит-лик қилувчи замбуруғлар кўзгатадиган касаллик (қ. *Занг касаллиги*).

ҚЎҢҒИР КАНА - қ. *Каналар*.

ҚУҢҒИР КЎМИР — кўмирланиш даражаси энг паст бўлган қазилма кўмир, торфнинг тошкўмирга айланишдаги шакли. Қ.к. торфдан ўта зичлиги ва аж-ратиб турувчи колдикларининг камлиги б-н; тошкўмирдан эса қўнғир ранги билан ажралиб туради. Қ.к. ҳавода майда бўлақларга бўлиниб кетади. Улар учун гумин кислотасининг кўплиги, юқори гигроскопиклик ва намлик хосдир. Қ.к.нинг ёнувчи массасида углерод 55—78%, водо-род 4—6,5% ва ундан кўпроқ, кисло-род 15—30% бўлади; ёнувчи мас-санинг ёниш иссиқлиги 22,6 — 31,0 МЖ/кг (5400—7400 ккал/кг); бирламчи смо-ланинг чиқиши 5—20% ва ундан кўпроқ; кўмирнинг петрографик таркибига нис-батан ёнувчи моддаларнинг таркиби 65 дан 40% гача бўлади. Қ.к.нинг ранги оч сарикдан қорагача; зичлиги 1,2—1,5 г/см³. Юқори т-ра ва босимнинг узок муддатли таъсири натижасида Қ.к.лар *тошкўмирга*, улар эса *антрацитга* ай-ланади. Генетик белгиларига кўра Қ.к. юмшоқ, қаттиқ ва тупроксимон турлар-га бўлинади. Қ.к.нинг қатта конлари ва ҳав-залари мезозой ва кайнозой даврла-ри учун хос. Қ.к.лар кичик қатламлардан тортиб жуда қатта қатламлар (100—120 м) ҳосил қилган. Дунё бўйича қазиб олинаётган кўмирнинг 20% Қ.к.га тўғри келади. Унинг конлари хорижда РФ, Қозоғистон, Польша, Германия ва АҚШда мавжуд. Ўзбекистонда *Ангрен кўмир конида*, хорижда *Шўроб кўмир ко-нида* қазиб олинади. Қ.к.дан энергетик ёқилғи ва кимёвий хом ашё сифатида фойдаланилади.

ҚЎҢҒИР СУВЎТЛАР -кўп хужайрали сувўтлар бўлими. Кат-талиги ва шакли ҳар хил. 240 туркуми (1500 тури)бор, шундан 3 таси чучук сувлар-да, қолганлари денгизларда тарқалган. Хроматофорасида хлорофилл *a* ва *c* каротин, ксанто-филл, айниқса жигарранг фукоксан-тин кўп бўлгани учун ранги қўнғир ва қорамтир. Юксак Қ.с. (мас, *лами-нариясимон сувўтлар*) ўтказувчи ва дифференциациялашган тўқималарга эга. Хужайра деворида альгин кисло-та ва фукоидин бор, сиртдан пектин ва шилимшиқ модда билан қопланган. Про-топластида битта ядро ва пирено-идсиз хроματοфори бор. Баъзиларида пиреноид бўлади. Жинсий ва жинс-сиз, баъзан ве-гетатив кўпаяди. Зоо-спораси ва гамета-лари икки хивчинли. Юксак Қ.с.да спо-рофит ва гаметофит галланади. Кўпайиш органлари бир уяли ёки кўп уяли споран-гий. Жин-сий жараёни *изогамия*, гете-рогамия ва оогамия. Қ.с. барча денгиз-ларда, айниқса, совуқ денгизларда қатта ўтзорлар ҳосил қилади. Улардан аль-гин кислота, унинг тузлари, ем уни ва баъзи доривор моддалар олинади. Айрим Қ.с. истеъмол қилинади (яна қ. *Сувўтлар*).

ҚЎҢҒИР ТЕМИРТОШ - темир ру даси, темир гидрооксиди (гётит, гидрогё-тит, лепидокрокит ва б.) нинг кремний ва алюминий оксидлари ва гидрооксидлари билан бирикмаси. Қ.т. — минераллар-нинг юпка дисперс аралашмаси, ранги тўқ жигаррангдан оч сарикқача. Ғовак, тупроксимон масса, оолит, дуккакли, конкреция ва сталактитлар кўринишида бўлади. Баъ-зан таркибида пирит, мар-казит ва б. сульфидлар, темир таркибли карбонатлар ва оксидлар ҳамда қазилма организмлар колдиклари учрайди. Қ.т. — темир рудаларининг энг кўп тарқалган тури, таркибида 30% дан ортиқ темир бўлиб ва зарарли аралашмалар — олтин-гургурт, фосфор ва марги-муш кам бўлса саноат аҳамиятига эга бўлади. Қ.т.нинг ҳосил бўлиши Ер пўстининг юқори зо-насидаги оксидланиш жараёни билан

боғлиқ. Улардан металлургия саноатида кенг фойдаланилади. Қ.т.нинг энг йирик конлари: чўкинди (денгиз, дарё, қўл, ботқоқлик) ва ўта асосли тоғ жинсларининг нураш пўстида вужудга келади. Оолитли Қ.т.ларнинг дунё бўйича энг йирик чўкинди конлари: РФ (Ғарбий Сибирь хавзаси), Франция (Ло-гарингия)да бор. Хром-никелли чўян ва пўлатларни қуйиш учун хом ашё ҳисобланадиган ўта асосли тоғ жинсларининг (никель, хром ва кобальт аралашмаси б-н) табиий легирилган Қ.т. конлари АКШ, РФ (Урал), Куба (Маяри) ва Янги Каледонияда мавжуд.

ҚУНҒИР ТУПРОҚЛАР, чўл ва дашт қўнғир тупроқлари — тупроқ типи. Асосан, чала чўлларда, Каспий ва Орол денгизларининг шим. соҳиллари ҳамда Қозоғистон паст тоғларининг жан. қисмида тарқалган. Қ.т. ювилмайдиган сув режимига эга бўлган, тупроқда нам етарли бўлмаган, буғланиш ёғинлар миқдорига нисбатан 4—5 марта кўп, муҳити ишқорий, иқлими кескин континентал — ёзи иссиқ, киши совуқ, йиллик ёғин миқдори 100 — 250 мм бўлган худудларда шаклланади. Тупроқ хосил қилувчи жинслар, асосан, лёссимон кумоқлар ва турли даражада шўрланган аллювиал-қўл чўкиндиларидан иборат.

Қ.т. таркибидаги гумус миқдорига қараб 2 типчага бўлинади: типик Қ.т. (гумус миқдори 1,5—2%) ва оч қўнғир тусли Қ. т. (гумус миқдори 1 — 1,5%). Гумус миқдори механик таркибига кўра юқори қатламларда 1,5—2% гача, кумоқ ва кумли тупроқларда 0,4—1% атрофида. Умумий азот тупроқнинг юқори горизонтларида 0,11-0,18, фосфор 0,06-0,2%. Қ.т.дан, асосан, чорвачилиқда қўйлар боқиш учун яйловлар сифатида фойдаланилади. Шамол эрозияси кучли ривожланганлиги сабабли унга қарши кураш тадбирларига алоҳида эътибор берилади. Яйловлар ҳолатини яхшилашда *лиман усулида сугоришлан* фойдаланиш мумкин.

Ҳодимат Махсудов.

ҚЎНҒИРБОШ - бошоқдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; ем-хашак экинни. Асосан, совуқ ва ўртача иқлимли минтақаларда 300 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда пиёзли к., бирйиллик Қ., ўзгача к., қиска тилчали к. ўрмон Қ.и, оддий Қ., майсазор Қ.и, ингичкабарг Қ. каби турлари кўп тарқалган. Кўп йиллик майсазор Қ.и муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Бўйи 10—30 см, рўваги 30 см гача, ёйиқ. Бошоқчалари 3,5—6 мм, гуллари 2—5 та. Май—августда гуллаб уруғлайди. 100 кг кўк массасида (бошоқланиш даврида) 24—25 озуқа бирлиги ва 3,5 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Чўл, адир ва тоғ зоналарида, ариқ ва дарё бўйларида, дарахтзор ва бутазорларда, ўтлоқларда ўсади. Эрма маданий яйловлар ва газонлар барпо этишда фойдаланилади. Чорва моллари хуш кўриб ейди.

ҚЎНҒИРОТ — ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шим. қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёда турли кўчманчи туркий қабил ва уруғлар Қ.лар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий номини қабул қилишган. 14-а.да Хоразмда қ. зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган. 16-а.да Қ.лар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши билан Қ.лар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва б. халқлар таркибига кирган. 14—16-а.лар давомида Қ.ларнинг айрим гуруҳлари Хуросон. Шим. Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Хоразм худудига ўтган Қ.лар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. 18-а.нинг 2-ярми — 19-а. бошларида Хива хонлигини ўзбекларнинг қ. сулоласи бошқарган. Бу сулола 1920 й. большевиклар томонидан тугатилган.

Этнограф Б.Х.Кармишева Қ.лар 5 та катта уруғдан: вахтамғали, қўштамғали, қонжигали, ойинли ва тортувдидан иборат.

рат эканлигини кўрсатган. Қ.лар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 18 та катта урукқа бўлинади: очамайли, боймоқли, тарокли, чан-чикли, қозоёқли, чўмичли. қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қорақўнғирот, буғажили, уювли, хандақли, ирғокли, абокли кесовли.

20-а. бошида Бухоро хонлигида Қ.ларнинг умумий сони 85 760 кишидан иборат бўлган. Улар, асосан, Бойсундарё ҳавзаси (3525 киши)да, Қоратоғдарё (13 140), Шерободдарё (18 383) ва Сурхондарё (9 375) ҳав-заларида ҳам Кофирнихонда (1 245), Қарши воҳаси (7 175)да, Ғуздорарёнинг қуйи қисми (8875) да, Амударё водийси ва Термиз атрофи (3525) да яшашган.

19-а. охири —20-а. бошларида Қ.ларнинг аксарияти ярим ўтроқ ҳолда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим роль ўйнаган.

Ад.: Кармншева Б.Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, М., 1976.

ҚЎНҒИРОТ (1969 й. гача Железнодорожный шаҳарчаси) — Қорақалпоғистон Республикаси *Қўнғирот туманидаги* шаҳар. Амударё дельтасида, унинг чап соҳилида, Хўжайли — Бейнов автотрассаси бўйида жойлашган. Нукус — Бейнов т.й. йўналишидаги т.й. станцияси. *Нукус* ш. дан 134 км шим.-ғарбда. Аҳолиси 69,2 минг киши (2005).

Қ. археологик маълумотларга кўра, 2500—2600 йиллик тарихга эга. Қорақалпоғистондаги 5 та тарихий қалъанинг биридир. қ. ҳақида акад. В.В.Бар-тольд, Я.Ғуломов, венгер олими Г.Вамбери ва б. ёзиб қолдирганлар. Қ. Устюрт худудидан ўтадиган эски гузар йўл ва Буюк ипак йўли орқали қад. дан Қозоғистон, Россия, Кавказ халқлари билан маданий, савдо алоқаларини ўрнатган. 1842 й. да унтер-офицер хари-ташунос Зеленининг туширган шаҳар планида Қ. 2 томондан Таллиқ ва Хон-жоп каналлари, шим.дан уз. 2,5 км ли,

жан.дан 745 м ли, эни 5—10 м ли кўрғон девори, девор ташқарисида хандақ билан ҳимоя қилинганлиги кўрсатилган. Ўша даврда шаҳар аҳолиси, асосан, хунармандчилик, савдо-сотик, балиқ овлаш ва шаҳар ташқарисида овчилик билан шуғулланган.

Қ.да саноат корхоналаридан пахта тозалаш, ун з-длари, Устюрт киди-рув пармалаш бошқармаси, «Устюрт» унитар шўъба корхонаси, «Ийгилик-газ» кўшма корхонаси филиали, темир-бетон буюмлари з-ди, Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — Марказ газ қувури магистралининг компрессор станциялари, «Ўзбекистон темир йўллари» локомотив ва вагон таъмирлаш депоси ва бир нечта тармоқ корхоналари, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасининг газ қувурлари тармоғи бошқармаси, технологик сув билан таъминлаш бошқармаси, гидроиншоотлар, 3 автокорхона, қурилиш корхонаси, таҳиятош нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси туман филиали, «Қўнғиротгаз» филиали, «Қорақалпоқ-иккиламчи қора металл» туман бўли-ми, 3 кўшма корхона («Туз ЛТД», «Қазқўнғироткарбид», «НОИЛ»). Қўнғирот т.й. вокзали бор.

Қ.да 18 умумий таълим мактаби, болалар спорт мактаби, саноат — транспорт, қ.х. касб-хунар коллежлари, Қорақалпоғистоя давлат ун-ти хузуридаги «Бизнес мактаби» Қўнғирот филиали, тиллар ўрганиш маркази мавжуд. 9 кутубхона, Қўнғирот тумани тарихи, Қўнғирот т.й. тарихи музейлари фаолият кўрсатади. Темир-йўлчилар маданият ва истироҳат боғида 2-жаҳон урушида қурбон бўлганлар хоғира-сига бағишланган Хоғира ёдгорлиги бор. Туман марказий касалхонаси, Темирийўлчилар санаторий-профилакторийси, болалар касалхонаси ва поликлиникаси, сил касалликлари, тери-таносил касалликлари диспансерлари, туғруқхона маж-муаси ишлаб турибди. Қ.дан Нукус, Хўжайли ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга

қўйилган. Шаҳарда қорақалпоқ адиблари *Бердақ*, *Ажиниёзир* таваллуд топганлар.

КЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ - кимё саноатининг йирик корхонаси. Қора-қалпоғистон Республикасининг Кўнғирот ш. яқинида жойлашган.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибда. Устюртдан казиб олинadиган хом ашё конлари негизда натрий карбонат (Na_2CO_3) - сода ишлаб чиқаради. Корхона қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 2 мартдаги қарорига мувофиқ бошланган. 2001 й.дан «Ўзкимёсаноат» компаниясининг шўъба корхонаси. 3-дни лойиҳалаш ва технологик қисмининг қурилиши бўйича асосий шерик Хитойнинг «СITIC» компанияси ҳисобланади. Лойиҳа бўйича йиллик қуввати 100 минг тонна (ен-гил ва оғир турларидан 50%дан) сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона 2005 й.нинг ноябрь ойида ишга туширилди.

КЎНҒИРОТ СУЛОЛАСИ - Хива хонлигини идора этган хонлар суло-ласи (1770—1920). Асосчиси — *Муҳаммад Амин инок*. У ёвмулардан бўлган Хива хонларига қарши курашиб, ҳокимиятни эгаллаган. Муҳаммад Амин инок ва ўғли *Аваз Муҳаммад инок* тахтга чингизий кўғирчоқ хонларни ўтказиб давлатни амалда ўзлари бошқарган. *Элгузар* 1804 й. Абул-ғозийхон V Ёдгорхон ўғли (1802-С* 04)ни тахтдан тушириб ўзини хон деб эълон қилган.

Қ.с. вакиллари: Муҳаммад Амин инок (1770—90), Аваз Муҳаммад инок (1790-1804), Элгузархон (1804-06), Муҳаммад Раҳимхон (1806—25), Оллоқулихон (1828—42), Раҳимқулихон (1842—45), Муҳаммад Аминхон (1845 — 55), Абдуллахон (18 5 5-56), Қутлуғмуродхон (1856), Саид Муҳаммадхон (1856-64), муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910), Асфандиёрхон (1910-18). Саид Абдуллахон (1918-20). *Ёш хивалиқлар* кизил армия ёрдамида 1920 й. 2 фев.да Саид Абдул-

лахонни тахтдан тушириб Хива хонлиги тугатилганини эълон қилишган.

КЎНҒИРОТ ТУМАНИ - Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. 1963 й. Хўжайли туманига қўшиб юборилган. 1964 й. 22 фев.дан қайта тузилган. Шим-шарқдан Мўйноқ тумани, шарқдан Амударё орқали Бўзатов, жан.-шарқдан Қанликўл, Шуманай туманлари, жан.дан Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти, ғарб ва шим.дан Қозоғистон Республикасининг Атеров ва Оқтўба вилоятлари билан чегарадош. Майд. 74,49 минг км². Худуди жиҳатидан Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ичида энг каттаси. Аҳолиси 113,2 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Кўнғирот), 6 шаҳарча (Жаслик, Олтинкўл, Оқшўлак, Элобод, Қорақалпоғистон, Кубла-Устюрт), 9 кишлоқ фу-қаролари йиғини (Ажиниёз, Наврўз, Орнек, Равшан, Суэлли, Устюрт, Хоразм, Қипчоқ, Кўнғирот). Маркази — Кўнғирот ш.

Табиати. Ер юзаси. асосан, Устюрт платосидан иборат. Ўртача бал. 150—200 м. энг баланд жойи 290 м (туманнинг ғарбий қисмидаги Қорабо-вур қирида). Марказий қисмида Борса-келмас, шаркида Қораумбет шўрхоқлари, жан. да Асакаовдон ботиғи, Туркменистон билан чегарадош худудида Қоплонкир текислигининг ва Сарикамиш кўлининг шим. қисми жойлашган. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Ёзи иссиқ, киши совук. Январнинг ўртача т-раси —4,2° дан —6° гача, июлники 26,2°, баъзан 28°. Энг паст т-ра январда —24°, энг юқори т-ра июлда 41°. Йиллик ўртача ёғин 100 мм. Ве-гетация даври 155—165 кун. Суғориладиган зоналарда 183 кун. Туман хўжалиқлари Суэлли магистрал кана-ли, Равшан, Олтинкўл каналларидан сув олади, шунингдек, туман худудига Машан кўли ва шим. қисмида суэлли кўлининг жан. чеккаси туташ. Тупроқлари Устюрт платосида, асосан, чўл сур-қўнғир, суғориладиган шарқий қисмида ўтлоки-

бўз ва ўтлоки тупроқлардан иборат. Шўрхоқ, тақир тупроқлар ва тақирлар ҳам учрайди. Табиий ўсимликлари, асосан, чўл ўсимликлари: шувок (жумладан, гул-шувок), шўра, кирқбўғин, қора саксовул ва б., Амударё бўйларида тўқайлар мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан сайғок, бўри, тулки, кумсич-қон, илон, калтаке-саклар; кемирув-чилардан ондатра, каламушлар; қушлардан қирғовул, қарға, ўрдақ, балиқчи, ўрдақбурун, сувларида балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қозоқлар, шунингдек, корейс, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 1,52 киши (2005). Аҳолининг 41% (44 минг киши) қишлоқларда, 59% (69,2 минг киши) шаҳарларда яшайди.

Хўжалиги. Саноат қорхоналаридан пахта тозалаш, ун тортиш, сода, темир-бетон буюмлари з-длари, «Устюрт-газ» унитар шўба қорхонаси, Устюрт қидирув-пармалаш бошқармаси, «Урганчтрансгаз» шўба қорхонасининг 5 газ қувурлари тармоғи бошқармаси, Қўнғирот технологик сув билан таъминяш бошқармаси, локомотив ва вагон таъмирлаш депоси, гидроиншоотлар, автоқорхоналар, қурилиш ташкилотлари, «ТузЛТД», «Қазқўнғироткарбид», «НО1БГ» қўшма қорхоналари, «Ийгилик-газ» қўшма қорхонасининг филиали ва б. ишлаб турибди.

Туман қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик, ғаллачилик (шу жумладан, шолчилик), гўшт-сут чорвачилиги. Ширкат ва фермер хўжаликлари, 6 мукобил МТП, «Қўнғирот» машина-трактор парки фаолият кўрсатади. Қ.т.да 40 минг га ер суғорилади. Шундан 4 минг га ерга пахта, 4 минг га ерга шоли, 5,6 минг га ерга буғдой, 500 га ерга бошқа қ.х. экинлари экилади. 170,9 минг гектарга яқин ер майдони — ўрмонзор (асосан, саксовул, турангил ва б.дан иборат). Қолган ерлар пичанзор ва яйлов. тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида 27,6 мингга яқин қорамол (шу жумладан, 12 мингга яқин

сигир), 58,9 мингга яқин қўй ва эчки, 1,2 мингга яқин йилки боқилади. Мўйноқ балиқ з-дининг Қўнғирот филиали ишлаб турибди.

2004/05 ўқув йилида тумандаги 56 умумий таълим мактаби (26 мингдан зиёд ўқувчи), 2 касб-хунар коллежи (3,3 минг ўқувчи), бизнес мактаби филиали, «Прогресс» ўқув маркази бор. 21 кутубхона, туман тарихи музейи мавжуд. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона мажмуи, тери касалликлари, сил касалликлари диспансерлари, 3 поликлиника, 24 фельдшер-акушерлик пункти, 7 овул врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ касалхонаси ва б. тиббий муассасаларда 196 врач, 1084 ўрта тиббий ходим ишлайди. Тумандаги авто-мобиль йўлларининг умумий уз. 996 км, шундан 375,5 км автотрассаси, т.й.лар уз. 340 км. Буюк ипак йўлидаги халқаро йўл қурилишининг бир қисми туман худудида олиб борилмоқ-да. 1944 й.дан «Қўнғирот ҳақиқати» туман газ. чоп этилади (адади 2300).

ҚЎНҒИРОТ - БЕЙНОВ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ (4Р189) - халқаро магистраль автомобиль йўли. Қўнғиротни Устюрт орқали Қозоғистон Республикасининг муҳим темир йўл чорра-қаси ҳисобланган Бейнов ш. билан боғлайди. Умумий уз. 316 км. Ўзбекистон Республикасини шим.-ғарбдан Қозоғистон Республикаси орқали Европа, Россиянинг марказий, жан., Урал минтақаларига боғловчи, портлар, йирик транспорт йўлақларига чиқишга имкон берадиган, транзит кириш-чиқишни таъминлайдиган стра-тегик муҳим транспорт артерияси. 1972 йили ишга туширилган Қўнғирот — Бейнов т.й. қурилиши билан бир вақтда барпо этилган. Транспорт қатнови жадаллиги ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 4-даражали, қатнов қисмининг кенглиги 10 м бўлган қора тўшамали мавжуд йўлни 1-даражали асфальт-бетон тўшамали қилиб қайта таъмирлаш лойиҳаси 2002 й.да ишлаб чиқилган.

Йўл шу лойиҳа асосида кенгайтирилиб, қурилиш ишлари давом этмоқда ва 2006 й.да тўлиқ фойдаланишга топширилади. Трасса турли даражада шўрланган кўнғир-қулранг тупроқли чўл зонасидан ўтган, иқлими кескин континентал, энг иссиқ ҳарорат 46° (авг.), энг совуғи —40° дек. ва янв. да кузатилади. Кўнғирот ва Жаслик ст-яларини ҳисобга олмаганда трасса йўналиши бўйлаб аҳоли яшамайди.

Тоҳиржон Мирзаев.

ҚЎНҒИРОҚ — 1) қад. мусиқа чолғуси, урма *идиофон*. Дарак бериш, шунингдек, ёвуз руҳлар, бало-офатларни ҳайдаш мақсадида кўпгина халқларда (жумладан, Ўрта Осиёда ҳам) қўлланган. Темирдан, ичи бўш, таги кесилган нок шаклида ясалади. Узоқдан эшитиладиган товуши ичида осилган тилчасининг асосий танасига уриш натижасида ҳосил бўлади. Ев-ропада 4—6-алардан катта Қ.ларни и.ч. йўлга қўйилган. Энг йириқлари Россияда (мас, Москвадаги 200 гли «Шоҳ-Қ.») чиқарилган. Қ.лар христи-анлик, буддизм ва б. диний маросимлар жараёнида қўлланади; 2) кўнғироқлар — *симфоник оркестр* таркибидаги урма мусиқа чолғуси. 2 м баландликдаги ромга осилган, турли узунликдаги 12—18 темир (жез, гўлат ва б.) трубкадан иборат. Уларни махсус болғачалар билан уриб, оддий Қ.дан фарқли ўлароқ муайян баландликка эга, хроматик тарзда созланган товушлар (диапазони 1 — 1,5 октава) чиқарилади; 3) кўнғироқчалар — сим-фоник мусиқа, опера ва балетларда қўлланилган мусиқа чолғуси. Кути ичида жойлашган 25—32 турли узунликдаги металл пластинкадан иборат. Диапазони 2—2,5 октава, хроматик товушқаторга эга.

ҚЎНҒИРОҚҒУЛ

кўнғироқгулдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Шим. ярим шарнинг ўрта кенгликларида, Европанинг жануби ва Олд

Осиёда 300 га яқин тури тарқалган. Баъзи турлари манзарали. Ўзбекистонда Қ.нинг 6 тури учрайди, шундан Федченко Қ.и кенг тарқалган. Бўйи 10—25 см, кўп пояли, барглари кенг тухумсимон, кенг эл-липссимон ёки юмалоқ. Гуллари тўғри, баъзан бироз зигморф, шакли кўнғироқсимон, кўк, зангори, оқ, баъзан бинафша ранг, алоҳида жойлашган. Рўвак, шингил ва б. тўпгуллар ҳосил қилади. Июнь—июль ойларида гуллаб уруғлайди. Меваси кўсакча. Тоғларда қояларнинг ёриқла ридасида. Манзарали тури уруғидан, илдиз бачкиларидан ва тупини бўлиш орқали кўпайтирилади. Баланд бўйли Қ. гулдаста қилиш учун, паст бўйлилари эса гулзор четларини безаш учун экилади. Айрим турларининг илдиз ва барглари овқатга ишлатилади.

ҚЎНҒИРОҚГУЛДОШЛАР — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Ўт, чала бута ва кичик дарахтлардан иборат. Кўпчилигининг сут шираси бор. Барглари бутун, навбатлашиб, баъзан қарама-қарши ёки доира бўлиб жойлашган. Гуллари тўғри, баъзан зигморф, икки жинсли. Гултожи кўнқироқсимон қўшилиб ўсган. Оталиги 5 та. Меваси кўп уруғли кўсакча ёки резавор.

Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида ҳамда Жан. ярим шарнинг мўътадил худудларида 70 туркуми (2000 тури) бор. Шундан Ўзбекистонда 6 туркуми (13 тури) ўсади. Қ.дан *кўнғироқғул* ва лобелия кенг тарқалган.

ҚЎНҒУРОВ Раҳматулла (1933.7.2, Жиззах вилояти Фориш тумани нурак қишлоғи — 1994.8.12, Самарқанд ш.) — тилшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), филол. фанлари д-ри (1983), проф. (1984). Жиззах пед. билим юртини (1951), СамДУ ўзбек филол. ф-тини (1956) тугатган. СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи (1956—58), доцент (1963—83), кафедра мудири (1971—94), ўзбек ва тожик филол. ф-ти декани (1985 й.дан

ўришношлик асосида). Қ.нинг асосий илмий ишлари адабий тили морфологияси, лексикология ва лексикографияси, сти-листика ва топонимикаси, бадий асарлар тили ҳамда нутқ маданияти масалаларига бағишланган («Ўзбек тилида тасвирий сўзлар», 1966; «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 1974; «Бадий матннинг лингвистик таҳли-ли», 1990; «Нутқ маданияти ва услубият асослари», ҳамкорликда, 1992 ва б.).

КЎПОРУВЧИЛИК - портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа усул билан корхоналар, иншоотлар, йўллар, алоқа воситаларини ёхуд бошқа давлат, жамоат мулкани бузиш ёки шикастлантириш, ёппасига захарлаш ёки эпидемиялар ва эпизоотиялар тарқатиш (хайвонларга касаллик юктириш) ва ҳ.к. Ўзбекистон жиноят ҳукукида — Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлардан бири. Қ. содир этилиши натижасида мамлакат халқ хўжалигининг муҳим объектлари йўқ қилиниши мумкин. Бу эса иктисодиётга катта зиён етказиши. Қ. натижасида одамлар ҳалок бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказилади, аҳолининг руҳий ҳолатига салбий таъсир этилади, саросимага тушиш ва б. салбий ҳодисалар юз бериши мумкин. Қ.нинг хайвонларни кириб, нобуд қилишга йўналтирилган тури ҳам бор, кўпоровчилар бу билан халқ хўжалигини барбод этиш мақсадини кўзлайдилар. Кишиларни захарлаш, юқумли касалликлар тарқатиш шаклидаги Қ. ҳаракатлари ҳам оғир жиноятлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКга қўра, давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиғига ёки иктисодиёт-тига путур етказиш мақсадида одамларни кириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этган шахслар 10 й.дан 20 й.гача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (161-модда).

ҚЎР — 1) майда чўғ аралаш иссиқ кул; майда чўғ. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларида Қ. сўзи иссиқ кул ва милтиқ дори (порох) маъноларида ишлатилган; 2) тўплаб ва ғамлаб қўйилган керакли нарса; захира бойлик. Бу сўз қут-барака маъносида ҳам ишлатилган. Қўшин тўплаб, бир жойга лашкар ташламоқни қўр тўқмоқ дейилади.

ҚЎРБОШИ — тарихий ҳарбий атама; 1) ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи мир-шаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроқлар ва тўп яшаш корхоналари (қўрхона) бошлиғи. Қўқон хони худоёрхон даврида Қ. қўрхона, милтиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилиб, у хом ашё топиб келишдан то тайёр маҳсулот и.ч. ва уларни хон қарорига биноан тарқатиш жараёнига бошчилик қилган; 2) Туркистон ўлкасида Ок-тябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи. Мас, Қўқон ва Марғилонда 1917 й.да шаҳар миршабларининг бошлиғи Қ. деб аталган; 3) *Туркистонда совет режими-га қарши қуролли ҳаракат* ҳарбий раҳбарларининг унвони. к. халқнинг турли табақалари орасидан чиққан об-рўли шахс ҳисобланган. Қ.лар орасида ҳатто аёллар ҳам бўлган.

ҚЎРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ — қўриқ ва бўз ерларни қ.х. ишлаб чиқаришига кири-тиш жараёни. Ерларни ўзлаштиришда ўтказиладиган тадбирлар ва уларнинг кўлами табиий ва иктисодий шароитларга, ер ҳола-ти, ундан фойдаланишдаги йўналишлар ва ихтисослашувга боғлиқ. Бунга мелиоратив ишлар (суғориш тармоқлари қуриш, сув бериш техникаси, дренаж, шўр ювиш ва б.); агротехник ишлар (ўғит ва кимёвий мелиорантлар сепиш, қротлаш, коваклаш йўли билан тупроқ азрациясини яхшилаш, ерни дарахт ва бута ўсимликларидан тозалаш

ва б.); қурилиш ишлари (қ.х. ва унга яқин тармоқларнинг нормал ишлаши учун зарур и.ч. объектлари барпо этиш, турар жой посёлкалари, маданий-маиший ва коммунал объектлар қуриш ва ҳ.к.); ташкилий ишлар (хўжаликлар ташкил этиш, уларнинг молиявий ва хўжалик таъминоти, аҳолини кўчириб келтириш ишлари ва ҳ.к.) қиради. Агар ерларни ўзлаштириш бўйича ишлар ягона режа асосида ялпи амалга оширилса — комплекс ўзлаштириш усули, бошқа ҳолларда эса — босқичли усул дейилади. Собиқ Иттифоқда 1954—60 й.ларда фойдаланмай ётган ерларни экин майдонларига айлантириш мақсадида Қ. ва б.е.ў. жуда катта микёсда амалга оширилган. Қозоғистон, Волгабўйи, Шарқий ва Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ р-нларида шу йилларда 41,8 млн.га кўриқ ва бўз ерлар ҳайдалиб (шу жумладан, Қозоғистонда 25,5 млн.га) дон (буғдой) етиштирадиган хўжаликлар барпо этилди ва 1960 й.да шу ерларнинг ўзидан 58,7 млн. т буғдой ҳосили олинди. Ўзбекистонда сугориладиган ерларни комплекс ўзлаштиришнинг биринчи объекти *Мирзачўл* бўлди. Ўзлаштириш ишларини махсус тузилган бошқарма олиб борди. Бу ерда 400 минг га га яқин ер ўзлаштирилди. Ўзлаштиришнинг комплекс усули Қарши, Жиззах, Сурхон-Ше-робод чўлларида, Куйи Амударёда, Қорақум канали зоналарида (Турк-манистон) ва б. массивларда муваффақиятли қўлланмоқда. Ерларни ўзлаштириш жараёнида инсон ҳудудларнинг табиий шароитларига фаол таъсир кўрсатади, шу сабабли бу таъсирнинг экологик оқибатларини ўрганиш зарур.

Ад.: Покорение Голодной степи, Т., 1960; Духовный В.А., Иригаионные комплексы на новых землях Сердней Азии, Т., 1983; Тоиров Х., Мирзачўлни ўзлаштириш, Т., 1984.

КЎРИҚ ЕР — асрлар давомида экин экилмаган, табиий ўсимликлар билан

қопланган ер. Ҳайдалма ерларга нисбатан Қ.е. тупроғининг илдиз ўсадиган қавати кўп микдорда гумус, азот ва ўсимликлар озикланиши учун муҳим бўлган бошқа элементларга бой бўлади. Бегона ўтлар уруғи билан кам ифлосланган, биологик фаоллиги паст ва ўзига хос сув режимида (кур-ғогчил р-нларда улар кучли қуруқ, нам ерларда кўпроқ намчил) эга. Қ.е.нинг бу хусусиятлари ҳар хил типдаги Қ.е.ларда турли даражада намоён бўлади.

Қ.е.лар: чўл, дашт ва ярим чўл, дарёбўйи, ботқоқ, сувсиз водий яйловлари ва ўтлоқлари каби асосий типларга бўлинади. Қ.е. дехқончиликда ҳайдалма ер ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбаи (қ. *Кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш*).

КЎРИҚХОНА — белгиланган қонунларга мувофиқ, давлат томонидан ажратилган, алоҳида илмий ёки маланий аҳамиятга эга бўлган (типик ёки ноёб ландшафт, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва б.), табиий объект жойлашган ер (худуд) ёки сув кенгликлари; и. т. ва маданий-маърифий мақсадлар учун узоқ муддатга ажратилган ва тўлалигича хўжалик ишларидан холи табиий мажмуа.

20-а.нинг 90-й.ларида БМТнинг «Миллий боғлар ва улар мақомидаги кўриқхоналар рўйхати»га 2618 алоҳида кўриқланадиган худудлар (ер май-дони 4 млн. км² дан ортиқ ва Ер юзидаги қуриқликнинг 3% ини ташкил қилади) киритилган.

Қ. худуди ва унинг атрофидаги бел-гиланган чегарадаги муҳофаз қилинадиган зоналарда Қ. табиий мажмуасига зарар етказадиган ёки табиий объектларга хавф тугдирадиган ҳар қандай фаолият (ов қилиш, балшқ тутиш, дарахт кесиш, фойдали қазил-маларни қавлаш, ўт ўриш, мол боқиш ва б.), шунингдек, Қ. фаолияти билан боғлиқ бўлган саноат ва қ.х. объектлари қурилиши ҳам тақиқланади. Қ. худудига маъмурият-

нинг рухсатисиз бегона одамлар киритилмайди.

Ўзбекистонда Қ.ларнинг ташкил қилиниши, фаолияти, таъминоти ва муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг 2004 й. 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қ.ларда режа асосида и.-т. ишлари олиб борилади, табиат йилномалари, илмий ҳисоботлар (йиллик, беш йиллик) тузилади, тавсияномалар, Қ. ҳудуди ва миллий боғларда кўриқхона тартибига риоя қилиш талаб ва қоидалари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Овчилик хўжаликлари, кўриқхоналар ва миллий боғлар бошқармаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида 8 та давлат кўриқхонаси бор: *Зомин тоғ-ўрмон давлат кўриқхонаси, Бадайтўқай давлат кўриқхонаси, Қизилқум давлат кўриқхонаси, Зарафшон давлат кўриқхонаси, Сурхон давлат кўриқхонаси, Ҳисор давлат кўриқхонаси, Чатқол био-сфера кўриқхонаси, Китоб давлат геология кўриқхонаси.* Ўзбекистонда, шунингдек, *миллий боғ* ва *буюртма кўриқхоналар* фаолият олиб боради.

КЎРЧИ — тарихий ҳарбий атама; 1) ўрта асрларда Туркистон ва айрим Шарқ давлатларида туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан саройда тузилган махсус сараланган ҳарбий қисм жангчилари. хукмдор ва нуфузли аъёнларнинг шахсий кўриқчилари; 2) Темурийларда экинзорларни кўриқловчи ҳарбий қисм жангчилари. Уларнинг бошлиғи кўрчи боши, қурол-аслаҳалари сақланадиган жой кўрхона дейилган; Шайбонийлар ва Ўрта Осиёда хонлиқлар даврида хон ўрдасини кўриқлаб турувчи махсус ҳарбий қисм жангчилари. қ. хозирги пайтда замонавий гвардиячи атамасига тўғри келади.

КЎРҚИТИШ — жиноят ҳукукида бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёхуд бошқа усуллар билан жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсонга рухий азоб бериш турлари (қийнаш усуллари)дан бири. Ўзбекистон ЖКнинг 112-моддасида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан Қ. жинояти ва унга бел-гиланган жазо баён этилган. Мазкур жиноят ўлдириш нияти ёки зўрлик ишлатишда намоён бўлиб, бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун етарли асослар мавжуд бўлса тугалланган ҳисобланади. Айбдорни жавобгарликка тортиш учун жабрланувчининг таҳдиднинг амалга оширилишидан кўрқиши учун асос ҳисобланадиган маълум ҳолатларнинг мавжуд бўлиши ло-зим. Қонунда бундай жиноят содир қилган шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жаримадан тортиб 1 й.дан 3 й.гача озодликдан маҳрум қилишгача жазо белгиланган.

КЎРҚУВ — инсондаги рухий ҳолатлардан бири; нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳияти, кўриниши тўғрисида аниқ тасаввурнинг йўқлиги туфайли безовталаниш, ҳадиксираш, ташвишланиш кечинмаларининг юзага келиши. Қ. кўпинча одамларда юрак ури-шининг ортиши, баданнинг тер билан қопланишида ўз ифодасини топади. Қ. инсонларда тасодифий, фавқулоддаги вазиятларда, невротик ҳолатларда, рухий шикастланишда учраб туради. Қ.дан одам ўзини нохуш, ноқулай ҳис этса-да, лекин кўпинча ўзини ўзи назорат қила олмайди. Онгсизликнинг онглиқдан устунлиги шундай ҳолатни келтириб чиқаради. Чуқур ҳаяжонланиш оқибатида киши руҳан қаттиқ азобланади. Психологияда Қ.нинг ҳар хил турлари ўрганилган. Қ.нинг асосий кўринишлари: касал бўлиб қолишдан кўрқиш, кўпчиликдан изза бўлишдан кўрқиш, қизаришдан кўрқиш, уйда ёлғиз қолишдан кўрқиш,

транс-порт воситаларидан кўркиш, шифокордан кўркиш, низодан кўркиш, мазордан кўркиш, хайвонлардан кўр-қиш, жимликдан кўркиш, мурдадан кўркиш, ҳуқуқ-тартибот ходимларидан кўркиш ва б. Инсонни табиат ва турмушдаги воқеликларни тўғри тушунишга, идрок қилишга ўргатиш, машқ қилдириш орқали Қ.ни камай-тириш мумкин. Шахсининг суст, заиф асаб тизимини жонлантириш, тана аъзоларини машқ қилдириш, нохуш кечинмаларни бартараф этиш орқали Қ.нинг ташқи ифодасини камайтиради бўлади. Психотерапевтик таъсир ўтказиш воситалари ёрдами билан Қ.ни аста-секин йўқотиш имконияти мавжуд.

КЎРҒОН — 1) кум, тупроқдан ҳосил қилинган сунъий тепа. Қ., кўпинча айлана, овал, тўғри тўртбурчак, квадрат тархли, агрофи девор билан ўралиб, ичини кум, тупроқ, шағал билан тўлдириб сунъий ҳосил қилинган. Қ.лар узоқ ўтмишда мудофаа мақсадлари учун хизмат қилган. Ўзбекистон ҳудудидаги Тепакўрғон, Чимкўрғон, Қумкўрғон, Тупроқкўрғон, Ғишкўрғон каби қишлоқ номлари шундан; 2) ўрта асрларда қалин ва баланд мудофаа девори билан ўраб қурилган, асосан, бир дарвозали шахар қалъа. Табиий тепаликларда, баъзан баланд супа ишланиб устида бунёд этилган; 3) баланд девор билан ўралган ҳовли, агрофи кўпинча экинзорлардан иборат бўлган; 4) қад. қабристон тури (*мозоркўрғон*), Жан.-Шаркий Осиёда жасадни қуйдириш расм бўлган халқларда марҳумнинг хоки устига тулроқ ташланган, шу тарзда тупроқ ташла-навариб, қ. ҳосил бўлган. Америка, Ев-ропа, Шим. Осиёда ёғоч, тош, лой-тупроқдан махсус иншоотлар қуриб дафн этиладиган жойлар тайёрланган, бу иншоотлар устига тупроқ ётқизилган, гоҳ гумбаз билан ёпилган. Қ.ларнинг бал. 3—6 м, диаметри 3—4 м Ўзбекистоннинг Наманган вилоятидаги 1—5-аларга мансуб Гўрмирон кўрғони (бал. 1—2 м, диаметри 4—6 м) да марҳумлар сопол идиш-

лар, темир қуроллар билан дафн этилган. Бундай кўрғонлар Тўйтепа, Чирчик, Самарқанд вилоятидан ҳамда *Лавандак қабристонидан* топилган.

КЎРҒОН ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — ўзбек фольклоршунослигида бахшилиқ санъати марказларидан. Қ.д.м.га мансуб бахшилар Манғиштов, Нурота тоғи, Оқтов этакларида, Миёнқолга қадар чўзилган кенг ҳудудда яшаганлар. Уларнинг кўпчилиги Кўрғон қишлоғида тарбия топган. *Эргаш Жуманбулбул ўғли*ни ота-боболари асос солган бу мактаб 17—20-а.ларда яшаган Ёдгор Уста Қўлай ўғли, Уста Ла-фас Ёдгор ўғли, Тилла кампир, Мулла Тош Уста Ла-фас ўғли, Мулла Хол-мурод Мулла Тош ўғли, Жолмон бах-ши, Султон кампир, Қулсамад бахши, Жуманбулбул, Жоссок Мулла Холмурод ўғли, Ёрлақаб бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Дарвеш бахши, Пўлкан шоир, Олломурод бахши, Эгамберди Олломурод ўғли, Уста Холкул, Аб-думурод Бердиқол ўғли, Қурбонкул бахши, Марди шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли каби ўнлаб достончиларни бирлаштирган. Бу бахшилар кўпроқ ишқий дос-тонлар қуйлашган. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, нозиклик ва жимжимадорлик Қ.д.м. услубининг асосий белгиларидир. Бу ҳол Қ.д.м.нинг кўпроқ ёзма адабиётдан анъаналарига уйғунлашиб борганлигини кўрсатади.

КЎРҒОНТЕПА — Андижон вилояти *Кўрғонтепа тумани*даги шаҳар (1976 й.дан), туман маркази. Шахрихонсой ва Андижонсой ўртасида жойлашган. Т.й. станцияси (Савай). *Андижон* ш.дан 41 км. Қ. ҳудудидан республика аҳамиятидаги автомагистраль ўтган. Аҳолиси 28,3 минг киши (2005). Қ.да пахта тозалаш 3-ди, пайпоқ тўқиш ф-каси, атторлик ф-каси филиали, нон к-ти, Тошкент инструментал 3-дининг филиали, автокорхоналар, МТП. дехқон бозори, қурилиш ташкилотлари, кичик, ўрта бизнес корхоналари, «Эл-жихоз» сервис қўшма корхонаси

бор. Умумий таълим, болалар мусика ва спорт мактаблари, 3 касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, клуб муассасалари, маданият саройи, маданият ва истироҳат боғи. Хогира майдони мавжуд. Спорт мажмуаси, стадион ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона мажмуаси, поликлиника, лорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Тошкент, Алдижон ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚЎРҒОНТЕПА - Тожикистон Республикасидаги шаҳар. Хатлон вилояти маркази. Вахш водийсида, Вахш дарёсининг чап соҳилида, ўртгача 428 м баландликда. Душанба ш.дан 99 км жан. да жойлашган. Т.й. станцияси (Қ. орқали Термиз — Ёвон т.й. ўтган). Аҳолиси 60,5 минг кишидан зиёд (2001). Ёзма манбалар ва археологик топил-малар тасдиқлашича қ. кушонлар даврида (1—4-а.лар) вужудга келган ва ўша пайтда Леваканд деб юритилган. Араблар истилосигача шаҳар обод бўлган. пул зарб қилинган. 7—8-а.ларда шаҳар халифалик таркибида, 13-а.дан мўғуллар, сўнг Темурийлар ва Шайбонийлар тасарруфида бўлган. 16-а.да шаҳар анча равнақ топди. Қ.нинг ҳоз. номи тарихий манбаларда илк бор 17-а.дан учрайди. Шаҳар ёнидаги баланд тепалик кушонлар давридан қолган қўрғон харобаси деб тахмин қилинади.

Трансформатор таъмирлаш, механика, пахта тозалаш, гишт, сут, пиво, мева-сабзавот консерва, ёғ-мой з-длари, нон, гўшт, дон маҳсулотлари и.ч., маиший хизмат кўрсатиш к-тлари, «Тожиқатлас» корхонаси, тикувчилик и.ч. бирлашмаси ишлаб турибди. Пед. университети, энергетика техникуми, хунар-техника билим юртлари, тиб-биёт ва педагогика ўрта махсус билим юртлари. 12 умумий таълим, мусика мактаблари бор. Шаҳар марказида исмоил Сомонийга ҳайкал ўрнатилган.

ҚЎРҒОНТЕПА СУВ ОМБОРИ

- Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани жан.да, Олтиариқ шаҳарчасидан 10 км узоқликда барпо этилган гидротехника иншооти. Шоҳимардон дарёси ва Файзиободсой сувини мавсумий йиғади. 1-навбати 1975—77, 1-навбати 1980—81 й.ларда қурилган. Сув омбори ёнма-ён жойлашган 2 омбордан иборат, табиий сойликларнинг олдини тўсиб ҳосил қилинган. Арабтепасойда қурилган 1-омборнинг тўлиқ ҳажми 24,0 млн. м³ тупрокли тўғони бал. 45 м, тўғони уз. 620 м, сув юзаси 2,4 км² максимал сув чиқариш имконияти 5 м³/сек. Кемкўлсойдаги 2-омборнинг тўлиқ ҳажми 8,7 млн. м³, тўғони бал. 35 м, уз. 450 м, « сув юзаси 1,3 км² сув ўтказиш имконияти 10 м³/сек. *Жанубий Фарғона каналита* ва Сўх-Шоҳимардон каналига сув беради, 11 минг га ер майдонини суғоради.

ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ — Андижон вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Шим.-ғарбда Жалолқудуқ, жан.-ғарбда Хўжаобод туманлари, шарқ, жан.-шарқ ва шим. да Қи-рғизистон билан чегарадош. Майд. 0,48 минг км² га яқин. Аҳолиси 160,4 минг киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Қўрғонтепа, Қорасув), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дардок, Савай, Султонобод, Чимён, Қўрғонтепа) бор. Маркази — *Қўрғонтепа* ш.

Табиати. Қ.т. Андижон вилоятининг шим.-шарқида, Фарғона ва Олай тизмаларининг этак қисмида жойлашган. Ер юзаси шарқдан (бал. 1000 м гача) ғарбга (500 м гача) пасайиб борувчи тоғ олди қия текислигидан ва Тошоҳур, Сузук адирларидан иборат. Иқлими континентал; ёзи иссиқ, киши нисбатан совуқ. Ўртгача т-ра янв. да —2° дан —3° гача, июлда 26—26,5°. Энг паст т-рақишда —24°, энг юқори т-ра ёзда 41°. Йилига 250—400 мм ёгин тушади, асосий қисми қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 220 кун. Туман худудидан Қорадарё

ва унинг тармоқлари Шаҳрихонсой ва Қорағунон ариғи, жан. чегарасидан Савай канали оқиб ўтади. Тупроқлари ўтлоки, ўтлоки бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан шўра ва б., асосан, адирларда ва ҳайдалмаган ерларда ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан адирларда бўри, тулки, жайра, шунингдек, турли хил судралувчилар, кемирувчилар, кушлар, сувларида балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, кирғиз, тожик, рус, татар, қозоқва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 334 киши. Шаҳар аҳолиси 57,5 минг киши, кишлоқ аҳолиси 102,9 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, дон маҳсулотлари, «САМО» акциядорлик жамияти, «Ан-Нур» масъулияти чекланган жамият, нон к-ти, маҳаллий sanoat газлама, атторлик буюмлари, тикувчилик, пайпоқ тўқиш ф-калари, тўқимачилик корхоналари, автокорхона, МТП, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, «Эл-жихоз» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоқлари — пахтачилик ва ғаллачилик. Сабзавот, полиз экинлари, картошка етиштириш, тоқчилик ва боғдорчилик ҳам ривожланган. 12 жамоа ва ширкат хўжаликлари, 282 деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Тумандаги экин майдонларига пахта, ғалла, картошка экилади. Пичанзор ва яйловлар, мевазор ва тоқзорлар бор. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларидан 42 мингдан зиёд қорамол (шу жумладан 19,9 мингдан ортиқ сигир), 55,8 мингга яқин қўй ва эчки, 142,2 мингга яқин парранда, 975 йилқи боқилади.

Туманда 55 умумий таълим мактаби (36,5 минг ўқувчи), болалар мусиқа ва спорт мактаблари, 4 касб-хунар коллежи (2432 талаба), меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 36 та тармоғи (371,1 мингдан

зиёд асар), ўлкашунослик музейи, клуб муассасалари, маданият уйлари, 2 маданият ва истироҳат боғи, Хотира майдони мавжуд. Стадион, спорт мажмуаси ва б. спорт иншоотлари бор. 6 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поли-клиника, туғруқхона, дорихоналар, 7 кишлоқ врачлик пункти, 13 фельд-шер-акушерлик пункти, 5 хусусий тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан т.й. ўтган.

Туман марказидан Тошкент, Андижон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎРҒОШИН, РҶ -Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 82, ат. м. 207,2. Табиий Қ. 5 та барқарор изотоп: ²¹²РҶ (жуда оз миқдорда), ²¹⁴РҶ (1,5%), ²¹⁶РҶ (23,6%), ²¹⁸РҶ (22,6%) ва ²⁰⁸РҶ(52,3%) лардан иборат.

Қ. милoddан 6—7 минг йил аввал Миср, Месопотамия ва қад. дунёнинг бошқа мамлакатлари халқларига маълум бўлган. Улар Қ.дан ҳайкал, уй анжомлари ва б. буюмлар ясаган. Римликлар Қ.дан сув қувурлари сифатида фойдаланишган. Юнонистон ва Қад. Римда Қ. бирикмалари — Қ. кули РҶО ва Қ. ли оқ бўёқ 2РҶСО,РҶ(ОН), турли дори ва бўёқлар тайёрлаш учун ишлатилган.

Қ. Ер пўстининг масса жиҳатидан 1,6Т0~3%ини ташкил этади. Унинг 80 га яқин минерали маълум (булардан энг муҳими галенит РҶ5). Полиметалл рудаларнинг оксидланиш зоналарида Қ.нинг (90 га яқин) иккиламчи рудалари ҳосил бўлади, улар жумласига англезит РҶ80₄, церуссит РҶСО₂, крокоит РҶСг0₄, пироморфит РҶ,(РО₂),С1 киради. қ. радио-актив элементларнинг емирилишидан ҳосил бўлган охириги маҳсулот сифатида уран, торий ва актиний рудаларида учрайди. Биосферада Қ. оз миқ-дорда ва тарқок ҳолда бўлади (тирик организмда 5-10⁻³⁰%, денгиз сувида 3Т0⁻⁹⁰%). Табиий сувлардаги Қ. ионлари лойга ютилиб, водород сульфид таъсирида РҶ8 холида

сув тубига чўкади, натижада денгиз балчиғида К. тўплана боради.

К. ёқлари марказлашган куб шаклида кристалланади. К.нинг аллотропик шакл ўзгариши йўқ; суюқланиш т-раси $327,4^\circ$, қайнаш т-раси 1725° , зичлиги $11,34 \text{ г/см}^3$. К.нинг ўз бирикмаларидаги оксидланиш даражалари +2 ва +4; кимёвий фаол элемент эмас. К.нинг $\text{Рb}_2\text{O}$, РbO , РbO_2 , $\text{Рb}_3\text{O}_4$ ва $\text{Рb}_2\text{O}_3$ таркибли оксидларғмаълум. Кис-лородсиз шароитда сув К.га таъсир этмайди. К.нинг $\text{Рb}(\text{OH})$, ва $\text{Рb}(\text{OH})_4$ таркибли гидроксидлари амфотер. водородли бирикмаси РbH_4 рангсиз газ, беқарор модда, у Рb ва H_2 га парчланади. К. галогенлар билан бирга кизди-рилса, РbX_2 таркибли, сувда оз эрувчан галогенидлар ҳосил қилади (бу ерда X—галоген).

Саноатда К. Рb8 ва қисман К.нинг кислородли бирикмаларидан олинади. Металл ҳолдаги к. олиш учун Рb8 ни ҳаво иштирокида куйдириб, ҳосил бўлган РbO ни кўмир таъсирида хомаки К.га қадар қайтарилади. Куйдириш жараёнида пайдо бўладиган Рb8Ю_3 ни қайтариш учун оҳак кўшилади. Хомаки Қда 92—98% Рb бўлиб, қолган қисмини Си, Ағ (баъзан Аи), 2п, 8п, Ағ, В1, Fe ташкил қилади.

К. жуда кўп миқдорда қ. аккумуля-торлари учун сарфланади. К. у-ва б. радиоактив нурларни ютиши сабабли Қдан радиоактив моддалар сақланадиган идишлар, рентген хоналари учун қурилмалар тайёрланади. Электр кабелларни коррозиядан ва механик таъсирдан ҳимоя қилиш учун К. билан қопланади. К. асосида жуда кўп қотишмалар ҳосил қилинади. К. оксид РbO биллур ва оптик шишалар тайёрлашда ишлатилади. Унинг азиди ва стифиати (три-нитрорезорцинати) портловчи моддалар учун тутантирик сифатида ишлатилади. К.нинг тетраэтилли эса антиде-танатордир. H_2 нинг бор-йўқлигини аниқлаш учун қ. ацетатдан фойдаланилади. К.нинг барқарор изотопи $^{204}\text{Рb}$ ва радиактив изотопи $^{212}\text{Рb}$ нишонли атомлар сифатида қўлланади. К.ли дорилардан тери касалликларини

даволашда фойдаланилади.

Ўсимликлар ўзи учун керакли Қ.ни тупроқдан, сувдан ва атмосфера ёғинларидан олади. Одам организмга 1 суткада овқат орқали 0,22 мг ча, сув орқали 0,1 мг ча, чанг орқали 0,08 мг Қ. киради. Қ. миқдори суткасига 0,2—2 мг дан ошмаслиги керак. Ортиқча К. организмни захарлайди. Натижада жигар, юрак-томир системаси, ўпка ва б. органлар касалланади. Бундай беморларни даволашда маҳсус (комплексон ҳосил қилувчи) ва умуман соғайти-рувчи дорилар (глюкоза, турли вита-минлар) ҳамда физиотерапия усуллари қўлланади. Қ.дан хасталанишни бар-тараф қилишда профилактика катта аҳамиятга эга. Бу мақсадда К. ўрнига бошқа металл (мас, рух) ишлатиш, К. ли оқ бўёқ ўрнига титанли оқ бўёқдан фойдаланиш, Қ. ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, иш жойларини шамоллатиш, ишчиларни шахсий ҳимоя қилиш, пархез сақлаш, вақт-вақти билан тиббиёт кўригидан ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга.

Ад.: Рахимов Х. Р., Анорганикхимия, Т., 1984; Касммова С.С., Биогеинне элементм, Т., 1990.

Сталина Қосимова.

ҚЎРҒОШИН ОКСИДЛАРИ.

Қўрғошин кислород билан 3 хил оксид РbO , РbO_2 , $\text{Рb}_3\text{O}_4$ ҳамда ностехиометрик таркибли қўрғошин оксидлари ҳосил қилади: Қўрғошин (II)-оксид, РbO — кизил тусли модда. 2 та модификацияси маълум: куйи т-рали а- РbO (глёт) ва юқори т-рали (5- РbO (массикот). а- РbO нинг зичлиги $9,35 \text{ г/см}^3$. (з- РbO — сариқ тусли, суюқланиш т-раси 886° , қайнаш т-раси 1470° , зичлители $9,63 \text{ г/см}^3$. Полиморф ўтиш т-раси 489° . РbO аккумуляторлар тайёрлашда, шиша, сир ва алифмой и.ч.да қўлланади.

Қўрғошин (IV)-оксид, РbO_2 — кўнғир рангли кукун. 2 та шакл ўзгариши (а ва 3) маълум. а- РbO_2 нинг зичлиги $9,33 \text{ г/см}^3$, Р- РbO_2 ники $9,67 \text{ г/см}^3$. РbO_2 — кучли ок-

сидловчи, сув-да, суолтирилган кислота-ларда эримайди, ишқорларда оз эрийди. Pb_3O_4 ни нитрат кислота билан парчалаб, Pb^{2+} тузларини электрохимевий оксидлаб кучли оксидловчилар (хлор, бром, гипохлорит ва б.) таъсир эттириб олинади. Аккумуляторлар тайёрлашда ва оксидловчи сифатида қўлланади.

Қўрғошин қўш оксид (су-р и к), Pb_3O_4 — ортоплюмбат кислота H_4PbO_4 нинг қўрғошинли тузи, ковоқ ранг кукун. Зичлиги $9,1 \text{ г/см}^3$; кучли оксидловчи, 500° гача қиздирилса, термик диссоциацияга учрайди: $2\text{Pb}_3\text{O}_4 \rightarrow 6\text{PbO} + \text{O}_2$. Биллур, шиша ва сирлар и.ч.да қўлланади.

ҚЎРҒОШИН РУДАЛАРИ - асосий минераллари: галенит, церуссит, ан-глезит; *полиметалл рудаларини таркибий* қисми, баъзан мустикал тўпламлар ҳосил қилади. Хорижда Қ.р. казиб чиқарувчи асосий давлатлар: АҚШ, Австралия, Канада, Перу, Мексика. Ўзбекистонда Чатқол, Қора-мозор ва Қурама тоғларида топилган.

ҚЎРҒОШИН СУЛЬФИД, қўрғошин (II)-сульфи д, PbS — қўрғо-шиннинг олтингугурт билан бўлган бирикмаси. Қорамтир-кулранг ялтироқ кристалл модда; суюкланиш т-раси 1114° , қайнаш т-раси 1281° , зичлиги $7,59 \text{ г/см}^3$. Қ.с. — яримўтказгич. Сув, суолтирилган HCl , H_2SO_4 да, ишқорларда эримайди, суолтирилган HNO_3 да эрийди. Қ.с. сунъий йўл билан қўрғо-шинга юқори т-рада олтингугурт таъсир эттириб ёки Pb^{2+} тузлари эритмаларидан водород сульфид ёрдамида чўктириш усулидан фойдаланиб олинади. Табиатда *галенит* минерали ҳолида учрайди. Фото қаршилиқлар тайёрлашда қўлланади.

ҚЎРҒОШИН-ХЛОРИД, PbCl_2 хлорид кислотанинг қўрғошинли тузи, ниҳоятда беқарор суюқлик. Зичлиги $3,18 \text{ г/см}^3$ (0° да), -15° да қотиб сар-ғиш кристалл моддага айланади. PbCl_2 ишқорий металлларнинг хлоридлари билан би-

рикиб барқарор комплекс бирикмалар ($\text{мас} \text{K}_2[\text{PbCl}_6]$) ҳосил қилади.

ҚЎРҒОШИН ЯЛТИРОҒИ - к. *Галенит*.

ҚЎРҒОШИН ҚОТИШМАЛАРИ - қўрғошин (Pb) асосидаги қотишмалар. Кам ва кўп легирилган гуруҳлари бор. 1-гуруҳга коррозияга чидамлилиги ва сирпанувчанлигини оширадиган қўшилмалар (темир Fe, мис Si, сурма Sb, қалай Sn, кадмий Cd ёки кальций Ca) кам қўшилган Қ.к. киради; 2-гуруҳга қўрғошиннинг мустақамлиги, каттиклиги ва антифрикцион хоссаларини оширадиган ҳамда унинг эриш трасини пасайтирадиган элементлар кўп қўшилган Қ.к. киради. Кўпгина Қ.к. (таркибида литий Li, натрий Na, магний Mg, калий K ёки натрий Na лар 0,1% дан ортик бўлган Қ.к. дан ташка-ри) қўрғошин сингари, атмосферада, сувда, баъзи аорганик кислоталар эритмаларида коррозияга чидамлилиги юқори. Кам легирилган Қ.к. таркибида кремний (Si) тузлари, карбонат ва сульфат кислоталари бўлган тупрок таъсирга жуда турғун бўлади.

Кальций (Ca) ва теллур (Te) билан легирилганда қўрғошин пластик деформацияга чидамли бўлади. Бошқа элементлар билан легирилган Pb рекристалланиш трасинининг пастлиги туфайли хона трасида прокатлаш, чўзиш, пресшлаш ва б. ишлов бериш жараёнларида чидамлилиги камаяди. Қўшилмалар Pbнинг ёйилувчанлик чегарасини, кислотага чидамлилигини бирмунча оширади.

Теллур (0,03-0,06%), мис (0,04-0,08%), сурма (0,5—2,0%), қўшилган Қ.к. листлар, трубалар, яримфабри-катлар, ванналарни пардозлаш ва б. учун, кальций (0,03—0,07%), теллур (0,04-0,06%), сурма (0,4-0,8%), қалай (1,0—2,0%) билан легирилган Қ.к. паст вольтли қобиклар, куч кабеллари учун; (0,5—1,%) рух (Zn) ёки қалай (Sn) билан легирилган Қ.к. *темир-углеродли қотишмаларни* коррозиядан сақлаш ва подшипник вкладишла-

рига куйиш учугг ишлатилади. Булардан ташқари, Қ.к. кавшарлашда, *полиграфия саноатида*, питра ва ўқлар тайёрлашда ишлатилади.

ҚЎРҒОШИН-ОРГАНИК БИРИК-МАЛАР — молекуласида углерод — қўрғошин (С—РЬ) боғи бўлган бирик-малар. Қ.б.нинг асосий типлари: K_4Pb , K_3PbX , K_2PbX_2 , K_2PbX_3 , K_2PbO , KPb ва K_3Pb — PbK_3 (К — органик радикал, Х — кислота қолдиғи). Куйи алкил ҳосилали Қ.б. — суюқликлар; ароматик ҳосилали ва б. барча типдаги Қ.б. қаттиқ моддалардир. Қ.б., асосан РЬ тузларини магний, литий ёки симоб органик бирик-маларга таъсир эттириб олинади. Қ.б. қиздирилганда металл ҳолдаги РЬ ва эркин радикалларга пар-чаланadi. Алифатик Қ.б. жуда заҳарли (яна қ. *Металлоор-ганик бирикмалар*).

ҚЎРҒОШИН-РУХ РУДАЛАРИ - қ. *Полиметалл рудалар*.

ҚЎРҒОШИН-РУХ САНОАТИ - қ. *Рангли металлургия*.

ҚЎРҒОШИНҚАЛЪА - қад. шаҳар ҳа робаси (мил. 1—4-а.). Тўрткўл ш.дан 44 км шим.-шарқда. 1938 й.да С.П. *Толстов* ва *Я.Фулмовлар* томонидан рўйхатга олинган. Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан текширилган. Қ.нинг қум остида қолиб кетган, тўғри бурчакли девор қолдиқлари сақтанган. Мудофаа деворида бўртиб чиққан 15 тача буржлар бор. Бурж ва деворларда душманга ўқ отиш учун махсус нишон туйнуқлари ва деворда жангчилар ҳаракати учун махсус йўлак қоддирилган. Қ.дан уй-рўзгор буюмлари, ҳайвонлар расми солинган сопол бўлақларй ва мис тангалар топилган.

ҚЎСТАНАЙ (1893-95 й.ларда Николаевск) — Қозоғистон Республикасидаги шаҳар, *Қўстанай вилояти* маркази. Тобол дарёсининг чап соҳилида. Шаҳарни

Абелсой жари иккига бўлиб туради. Т.й. чорраҳаси. Аҳолиси 207,1 минг киши (2002). Шаҳарга 1883 й.да асос солинган. 1912—13 й.ларда т.й. орқали Челябинск шахри билан боғланган. Ўтмишда Қ. саноати қ.х. махсулотларини қайта ишлайдиган ярим қус-гарь турдаги кичик корхоналар (қўн-чарм, пиво, мой з-длари)дан иборат бўлган. 1954 й. дан Шимолий Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, шунингдек, Тўрғай ҳавзасидаги йирик конларнинг ишга туширилиши натижасида янги саноат р-нининг ташкил топиши ва т.й. тармоқларининг қурилиши шаҳарнинг тез ўсишига сабаб бўлди. Қда озик-овқат (гўшт ва ун к-тлари) ва енгил саноатлари (камвол мовут к-ти, тикувчилик ва пой-абзал ф-калари) ривожланган. Сунъий тола з-ди, металлсозлик (автомобиль ва қ.х. машиналарини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар и. ч.), қурилиш материаллари корхоналари (темир-бетон конструкциялар, девор блоклари, ғишт з-длари) бор. 2 олий ўқув юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи, филармония фаолият кўрсатади.

ҚЎСТАНАЙ ВИЛОЯТИ - Қозоғистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1936 й. 29 июлда ташкил этилган. Республиканинг шим. қисмида, Тобол дарёси ҳавзасида. Майд. 196 минг км². Аҳолиси 938 минг киши (2002), асосан, козоқлар, шунингдек, рус, ук-раин, немис, белорус, татар ва б. мил-лат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 52%. Таркибида 4 шаҳар ва 12 шаҳарча бор, 13 туманга бўлинган. Маркази — *Қўстанай* ш.

Табиати. Вилоят Урал тоғларининг шаркидаги дашт зонасида, қатта қисми Тўрғай ва Урал шарқи пла-толарида жойлашган. Қ.в. нинг шим.-ғарбий қисмини Уралнинг тоғ олди текисликлари ва тармоқлари эгаллаган. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, боксит, никель, титанга бой. Асбест, қўнғир қўмир ва қурилиш материаллари захираси ҳам

катта. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, курук, киши совуқ, қор кам ёғади. Июлнинг ўртача т-раси шим.да 18—19° ва жан.да 21 — 22°, янв.-ники шим. да —19° ва жан.да —17°. Йиллик ёғин шим. да 300 — 350 мм, жан.да 240 —280 мм. Вегетация даври шим.да 150 —175 кун, жан.да 180 кун. Энг йирик дарёси — Тобол (Обь хавзаси); чап ирмоқлари — Синтас-ти, Аят, Уй, ўнг ирмоғи — Убаган. Майда кўл кўп.

Қ. в.нинг шим. қисмида қора тупроқ (худудининг 40% дан ортиқроғи), жан. да эса каштан тупроқлари тарқалган. 143 минг га ер ўрмон. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, елик, бўрсик, оқ товушқон, малла товушқон: қушлардан тўрғай, турна, қур, қизилиштон, какликлар учрайди.

Хўжалигида лалмикор деҳқончилик билан бирга (асосан, бугдой), сут-гўшт чорвачилиги ва қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш етакчи ўринда. Энергетикаси ташқаридан келтириладиган кўмир, мазут ва газ билан ишлайди. Қ.в. ғалла, гўшт, темир рудаси, асбест ва боксит етказиб берадиган йирик вилоятдир. Саноатининг асосий тармоғи — кон-руда саноати. Металлсозлик (автомобиль, мотор таъмирлаш, механика 3-длари), кимё саноатлари, қурилиш материаллари и.ч. ва айниқса, енгил (тўқимачилик, пойабзал и. ч., тикувчилик) ва озик-овқат саноати тармоқлари (ун, пиво, гўшт, мой) ривожланган.

Қ.х. ғаллачилик, ва чорвачиликка ихтисослашган. Экин майдонларига ғалла, сабзавот, полиз, техника ва озуқа экинлари, картошка экилади. Сут-гўшт етиштириладиган қорамолчилик, шунингдек, чўчқачилик, пар-рандачилик, қўй ва эчкичилик ривожланган. Қўйчилик гўшт ва жун етиштиришга ихтисослашган.

Т.й. узунлиги 835 км, автомобиль йўллари уз. 8,3 минг км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар 2,9 минг км². Асосий транспорт тугунлари: Қўстанай ва Тобол. Қўстанай ш. Москва, Остона, Олмаота каби йирик шаҳарлар билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Қўстанай ш.да пед. ин-ти, Рудний ш.да Қозоғистон политехника ин-ти филиали бор. Ўлкашунослик музейи, драма театри, филармония мавжуд.

ҚЎТИР — инвазион тери касаллиги; кўтир каналар (қ. *Кичима каналар*) кўзгагади. Кўзгатувчилар одамга, асосан, бемордан ёки унинг буюмлари (мас, сочиқ, кийим-кечак, кўрпа-тўшак) орқали ўтади. Касаллик юққанидан 7—10 кун кейин Қ. аломатлари кўзга ташланади. Кўтир каналари, асосан, терининг юпка ва нозик жойларини тешиб киради. Қўл, оёқ бармоқлари орасидаги бурмалар, корин, бел ва кўкрак қафасининг икки ён томон териси касалланади; шу соҳа терисида майда қизғиш тугунчалар пайдо бўлиб, усти қорамтир-қизил пўст билан қопланади ёки учида пуфакча кўриниб туради; тугунчалар орасида теридан салгина бўртиб чиққан, бир неча мм узунликдаги тўғри ёки эгри чизикча — кана йўли ҳосил бўлади. бемор қаттиқ қичинади, бу ҳолат, айниқса, кечаси кучаяди (кўтир канаси кечаси фаоллашади). Қичинганда тирналган жойларга инфекция тушиши натижасида Қ.да кўпинча терининг йирингли касалликлари ривожланиши ҳам мумкин. Терининг юпка ва нозик қисмида қичишиш аломатлари пайдо бўлиши билан дарҳол врачга мурожаат этиш лозим. Қ.ни даволаш учун врач тавсия этган дори суртилади, шу вақт ичида чўмилиш мумкин эмас. 7-куни чўмилиб, кийимлар алмаштирилади. Бемор бошқалардан алоҳида ётиши ва ўзига алоҳида сочиқ тутиши лозим. У ишлатган чойшаб, кўрпа, ёстиқ жилди, ич кийимларини яхшилаб қайнатиш ёки лизол эритмасига 1 соат ботириб қўйиш керак. Устки кийим-кечакларни маҳсус дезокамерада *дезинфекция* қилиш, агар бунинг иложи бўлмаса, 5 кунгача оф-тобга ёйиш, совуқ кунларда эса кун бўйи ёйиб қўйиш, иссиқ дазмол билан дазмоллаш лозим. Бемор ётган хона ва жиҳозларини нам латга билан артиб туриш керак.

Қ.га ўз вақтида даво қилинса, бемор тезда соғайиб кетади. Қ.нинг олдини олишда *шахсий гигиена* қодаларига амал қилиш жуда муҳим.

ҚЎТИР КАНАЛАР — қ. *Қичима каналар*.

ҚЎТИРБУЛОҚ МАКОНИ - 1) мустье даврига оид қад. манзилгоҳ (мил. ав. тахм. 33-минг йиллик). Самарқанд вилояти Каттакўрғон ш.дан 20 км ғарбда, Чархин қишлоғи яқинидаги Қўтирбулоқ номли булоқ агрофида жойлашган.

Манзилгоҳ 1971 й.да Ю.Ф. *Буряков* бошчилигидаги археологлар гуруҳи томонидан аниқланган. Дастлаб 1971—90 й.лар давомида манзилгоҳда Н.Х.Тошкенбоев археологик қазув ишларини олиб борди. Кейинги йилларда манзилгоҳда Қ. Шимчак бошчилигидаги Ўзбекистон-Польша қўшма экспедицияси иш олиб борган.

Қ.м.да мустье даврига оид 5 та маданий қатлам аниқланган; чакмоқтош, диорит, кварцит, кварц ва дарё тошларидан ясалган қирғичлар, ўткир учли пайконлар, тешгичлар, 2 томо-нига ишлов берилган баргсимон қурол, дарё тошларидан ясалган тош қуроллар топилган. Манзилгоҳ соҳиблари қурол яшаш учун хом ашёни Зи-рабулоқ тоғлари ва Зарафшон дарёси қирғоқларидан олганлар. Манзилгоҳдан, шунингдек, турли ҳайвон суяклари ҳам топилган. Бундан кўринади-ки, қўтирбулоқликлар хўжалик ҳаётида овчилик катта аҳамият касб этган. Манзилгоҳ тош қуролларини ўрганиш Қўтирбулоқ маданиятининг палеолит даври манзилгоҳлари (Тешиктош, Обираҳмат ва б.) маданияти билан ўхшаш эканлигини кўрсатди; 2) самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Сазағон қишлоғида жойлашган булоқ. Сазағонсойнинг сўл қирғоғида тош кўрғонлардан иборат некрополь мавжуд; қабрлар устига 15—16-а.ларга оид қабртошлар қўйилган. Булоқ яқинида, шунингдек, илк ўрта асрларга оид Сарте-

па, илк антик даврга мансуб Бойсаритепа бор. 2003—05 й.ларда Бойсаритепада Ўзбекистон-Италия археология экспедицияси иш олиб борган.

ҚЎТОН — 1) бирга бокиладиган катта қўй подаси, *сурув*; 2) қўй ёки мол қамаладиган катта кўра ёки девор билан ўралган махсус бино; қўйхонанинг бир тури.

ҚЎТОС, хонаки қўтос — хўкизлар кенжа оиласига мансуб қавш қайтарувчи ҳайвон. ватани — Тибет ясси тоғлари (ёввойи ҳолда фақат Тибетда сақланиб қолган). Ёввойи Қ.ларга қараганда майдароқ (ёввойи Қ.нинг бўйи 2 м гача, оғирлиги 1 т гача). Қорамоллардан фарқ қиладиган белги-хусусиятларга эга. Буқалари вазни 400—450 кг, сигирлари вазни 200—250 кг. Боши оғир, пешонаси кенг, оёқлари бақувват, думи калта. Шохлари яхши ривожланган. Қўкраги, қорни ва оёқлари 20—30 см га етадиган қуюқ жун толалари билан қопланган. Ёз фаслига яқин 2—9 кг жун қирқиб олинади, унинг 65—70% тивитдан иборат. Туси қўнғир, қўк ва қора-ола, ўрқачсимон яғрини бал. 105—110 см. 18—24 ойлигида жинсий етилади. Бўғозлик даври 255—260 кун. Сигирлари йилига бир марта болалайди. Янги туғилган бузоқлари вазни 21—23 кг, 15 ойлигида 120—128 кг ва 24 ойлигида 134—139 кг. Сут маҳсулдорлиги йилига ўртача 300—350 кг, ёғдорлиги 6—9%, соғин даври 4—5 ой. Гўшт маҳсулдорлиги паст. 2 ёшли новвослари 60—62 кг тоза гўшт беради, сўйим чикими 42—46%. Баланс тоғ иқлими шароитига мослашган. Йил бўйи очик яйловда бокилади.

Қ.лар гўшти, сути, жуни ва иш ҳайвони сифатида бокилади (совуқ иқлим ва тоғ сўқмоқларида 140 кг гача юк боғламларини бемалол кўтара олади, РФ (Олтой), Хитой, тибет, Монголия, Қирғизистон ва тожикистоннинг қатор хўжаликларида урчитилади. Монголияда 500 минг, Россияда 53 минг,

Қирғизистонда 34 минг, Тожикистонда 14 минг бош Қ. боқилади (2004). Улар Тибет ва помир худудларидаги хўжаликларда соф ҳолда урчитиб кўпайтирилади. Герефорд, шортгорн, лимузин, швиц ва б. зотли қорамоллар билан ду-рагай маҳсулдор авлодлар олинган. Қизил китобга киририлган.

Ад.: Каракул ов А.Б., Яководство памира, Душанбе, 1993.

Убайду.иа Носиров.

ҚҶҚОР — совлиқларни уруғлантиришда фойдаланиладиган эркак қўй. Зотли Қ.лар 1,5 ёшидан совлиқларни қочиришга қўйилади. Хўжаликда 7 йил фойдаланилади. *Қўйчиликда* сунъий уруғлантириш қўлланиши муносабати билан Қ.лар 2 тоифага — асосий наслдор Қ.лар ва синовчи Қ.лар гуруҳига ажратилади. Асосий наслдор Қ.лардан совлиқларни уруғлантириш-да, синовчи Қ.лардан сурув таркибидан қуйикан қўйларни аниқлаш ва ажратишда фойдаланилади. 120—180 бош кичик гуруҳ совлиқлар ичига 3 бош Қ. (60 совлиққа бир синовчи Қ. ҳисобидан) қўйилади. Қўйчиликда бир Қ. билан 3000, ҳатто 5000 совлиқни сунъий уруғлантириш мумкин. Одат-да, етук ёшдаги Қ.лардан олинган уруғлар билан бир мавсумда сунъий қочиришда ўртача 300—500 бош, эркин ва қўлда қочиришда (табiiй ҳолда) эса 30—70 бош совлиқ уруғлантирилади. Насл олиш учун қолдирилган Қ.лар туғилган кунидан то 1,5 ёшга қадар доимий назорат остида бўлади ва алоҳида парвариш қилинади. Қ.лар дондор ва аралаш ем, минерал моддалар ва витаминли ҳамда оксилга бой озукалар билан боқилади.

Айрим шохдор Қ. зотлари уриш-қоқлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда оммавий халқ сайилларида Қ. уриштириш томошалари жуда қадимдан ўтказиб келинган.

ҚҶҚОР СОЙЛИГИ - Ички Тянь шандаги тоғ оралиғи сойлиги (Қир-

ғизистон Республикаси Норин вилояти). Қирғиз тизмаси шарқий қисмининг жан. да, Исикқўлдан ғарбда, ўртача 1600—2000 м баландликда жойлашган. Чу дарёсининг юқори оқими ва унинг ирмоқлари суви билан суғорилади. Уз. 50 км, эни 15 км. Қс.нинг маркази чала қўл, чеккалари тоғ даштидан иборат. Чу ва унинг ирмоқлари атрофлари экинзор. Даштлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Шарқида Ўртатўқай сув ом-бори (Чу дарёсида) қурилган. Кўмир кони бор.

ҚҶҚОРТА, Қўчқор мозор — Ўрта Осиёда кенг тарқалган зиёратгоҳ, қадамжолар номи. Ибтидоий ва антик даврларга оид баъзи урф-одатлар мусулмон дини қабул қилингандан сўнг ҳам асрлар давомида сақланиб қолган. Мас, исломдан аввал Ўрта Осиё халқларида, жумладан, Суғдиёнада қур-бонликка туя, от ва қўй сўйилган. Бу хил одатлар, жумладан, қўйни қур-бонликка сўйиш зардуштийлар орасида ҳам кенг тарқалган. Қўй, қўчқор Фарна худосининг (муқаддас қуёш ёғдуси соҳиби) рамзи ҳисобланган; уни турли маросимларга атаб қурбонликка сўйганлар. Қўчқорни қурбонликка сўйиш исломда ҳам бор.

Ерли халқ қўчқорнинг химоя ва турли офатларни қайтарувчи кучига ишонган. Фарғона водийсида ва Ўзбекистоннинг бир қанча бошқа туманларида «Қўчқорота», «Қўчқор мозор» деб номланган мозорлар мавжуд бўлган. Одамлар бу мозорларга зиё-ратга келиб, қўчқор сўйиб қурбонликлар қилганлар. Уйнинг дарвоза кесақисига (тепа кесақисининг ўртасига ёки икки ён кесақисига) қўчқор шохларини қоқиб қўйиш одати айрим шаҳар ва қишлоқларда ҳозиргача сақланиб қолган. Халқ эътиқодига қўра, шохлар ҳовлини ва ҳовли эгаларини ёмон кўздан ва турли офатлардан сақлар экан.

Ўтмишда Тошкентдаги Шайхонтоҳур мозори дарвозаси олдида муқад-дас кеса қайрағоч бўлган. Унинг шохларига қўчқор, такаларнинг шохлари ва латтапутталар осиб қўйилган. ривоятларга

кўра, Қ.нинг руҳи шу дарахтга жо бўлган экан. Зиёратчилар қайрағоч ёнидаги кичик чироғхонада қурбонлик шамини ёқишган.

Ад.: Шониёзов К., Қанғ давлати ва қанғлилар, Т., 1990.

КЎЧҚОРТОЕВ Иристой (1936.5.7, Сайрам тумани, Қозоғистон — 2000.20.12, Туркия; Тошкентда дафн этилган) — тилшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Филол. фанлари д-ри (1978), проф. (1981). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1958). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик илмий ходим (1958—60), Тош-Дуда аспирант (1960—63), ўқитувчи (1964—66), катта ўқитувчи (1966—68), доцент (1968—81), декан ўринбосари (1981—82), ўзбек филологияси ф-ти декани (1987—95), турк филологияси кафедраси мудири (1997 й. дан). Туркия ун-тида ўзбек тилидан дарс берган.

Асосий илмий ишлари ўзбек тилида нутқ феъллари мавзуига бағишланган. Қ. Ўзбекистонда туркий-шуносликнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Олий ўқув юртлари учун «Туркий филологияга кириш» (ҳамкорликда, 1984), «Тилшуносликка кириш» (ҳамкорликда, 1976) каби дарсликлар яратган. Унинг болаларга бағишланган «Бу ишинг яхшими» (1964), «Икки ва ўн бир» (1964), «Яйловда» (1965) каби ҳикоялар тўпламлари ҳам бор.

Ас: Бадий сўз устаси, Т., 1967; Бадий нутқестилистикаси, Т., 1975; Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси, Т., 1976; Сўз маъноси ва унинг валентлиги, Т, 1977; Ўзбек тилида нутқ феъллари валент тахлили, Т., 1977.

КЎШ — ҳарбий юришлар пайтида вақтинча қўниш жойи; вақтинчалик қароргоҳ.

КЎШ — омовча қўшилган бир жуфт (баъзан битта) ҳўкиз ёки от. Ўрта Осиё хонликларида бир жуфт ҳўкиз ёрдамида

ҳайдаб экиш мумкин бўлган ер майдони ҳам одатда Қ. дейилган. Бунда бугдой ёки арпа экиш учун ҳайдалган ер тахм. 6—7 га, пахта учун эса 2—3 гектарга тенг бўлган. Ҳар бир Қ. ердан олинган ер солиғи Қ. пули деб аталган. Мазкур солиқнинг ҳажми ва қайси шаклда ундирилиши ҳар ерда турлича бўлиб, у экилган экин нави, етиштирилган ҳосил ҳажми, ер сифати ва б. омилларга боғлиқ бўлган.

Туркистон АССР ва кейинчалик Ўрта Осиё республикаларида тузилган деҳқонларнинг оммавий ташкилоти эса «Кўшчи» уюшмаси (союзи) деб аталган.

КЎШ, муқобила (қарама-қарши, ўзаро монанд) — маҳаллий меъморлик тарихида мажмуа яратиш услуби; 14-а. дан Ўрта Осиёда кенг қўлланилади. Қ. услубида бунёд этиладиган маж-муада 2 бино бош тарзлари билан бир-бирига рўбарў қурилади: Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро ва Султон Али макбаралари; Самарқанд Регмс/лонидаги Улуғбек ва Шердор мад-расалари ва б. Самарқанддаги Бибиho-ним улкан меъморий мажмуасидаги Амир Темур жоме масжиди ва Бибиhoним мадрасаси 1399—1404 й.ларда қурилган; Бухородаги Улуғбек ва Аб-дулазизхон мадрасалари мос равишда 1417 ва 1652 й.ларда бунёд этилган ва б. Қ. услубида мажмуалар тузиш Ўрта Осиё меъморлиги (шаҳарозлиги)да катта бадий мужассамот аҳамиятига эга бўлган.

КЎШ БОҒ — молекуладаги 2 қўшни атом ўргасидаги 4 электронли ковалент боғ. Қ.б., одатда, 2 валентли штрих билан белгиланади:

$\wedge C=C/\wedge c=1^*-, \wedge C=0,\wedge c=5, _ N = N _ , _ N = O$ ва б.

Бунда $5p^2$ ёки $3p$ — гибридлашган орбитали 1 жуфт электронлар 0-боғ ҳосил қилади. Бу боғнинг электрон зичлиги атомлараро ўқ бўйлаб жойлашган бўлади; а-боғ оддий боғга ўхшаган. Ёрбитали бошқа электрон жуфти я-боғ ҳосил

килади, унинг электрон зичлиги атомлараро ўқдан ташқарида бўлади. Қ.б. хосил бўли-шида даврий системанинг IV ёки V гуруҳ элементлари атомлари иштирок этаётган бўлса, у холда шу атомлар ва улар билан бевосита боғланган атомлар I текисликда ётади; валент бур-чаклари 120° га тенг. Қ.б. оддий боғга қараганда қисқа ва ички айланишда юқори энергетик тўсикка эга бўлади; шунга кўра қўш боғ орқали боғланган атомларга бириккан бошқа атомларнинг ҳолати эквивалент эмас, бу эса *геометрик изомерия* келиб чиқи-шига сабаб бўлади. Қ.б.ли бирикмалар бириктириш реакциясига мойил. Агар Қ.б. электрон симметрик ҳолатда бўлса, у вақтда, реакция ҳам ради-кал, ҳам ион механизмлари бўйича боради (яна қ. *Кимёвий боғ*).

ҚЎШ НИСБАТ, ангармоник нисбат — тўғри чизиқдаги 4 та M_p, M_2, M_3, M_4 нуктанинг нисбати билан аниқланадиган сон. 4 нуктанинг Қ.н.и проектив геометриянинг қатор теоремаларини, жумладан, Чева ва менелай теоремаларини исбот қилишда қўлланилади. Агар Қ.н. — I га тенг бўлса, у гармоник нисбат дейилади. Қ.н. проектив геометрияда муҳим аҳамиятга эга.

ҚЎШ УРУҒЛАНИШ - гулли ўсимликларга хос жинсий жараён хили. 1898 й.да рус олими С.Г.Навашин кашф этган. Қ.у.да уруғнинг шаклланишида тухум хужайра билан бир қаторда мур-так халтасининг марказий ядроси ҳам уруғланади. Қ.у. натижасида зиготадан уруғ муртаги, марказий хужайра билан уруғланган марказий ядродан озик тўқима — иккиламчи триплоид эндосперм ривожланади. Қ.у.да битта чанг найчаси сперментлари иштирок этади; найча суюқлиги синергид ичидаги мур-так халтасига ёки тухум хужайра билан марказий хужайра оралиғидаги тирқишга куйилади. Спервит синергид орқали тухум хужайрага боради ва синер-гид уруғланишдан сўнг емирилиб кетади.

Қ.у. апомиктик турлардан ташқари бар-ча гулли ўсимликлар учун хос. Қ.у.нинг моҳияти — озиклантирувчи тўқима — эндоспермнинг жуда тез шаклланиши-дир. Қ.у. уруғ шаклланиши жараёнлари-ни тезлаштириб юборади (яна қ. *Гулли ўсимликлар, Чангланиш*).

ҚЎШАЛОҚ ЮЛДУЗЛАР - тор-тишиш кучлари таъсирида компонент-лари массаларининг умумий маркази атрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳара-катланувчи, бир-бирига яқин жойлаш-ган 2 та юлдуз; компонентлари динамик боғлиқ бўлган физик систе-мани таш-кил этади. Қ.ю.нинг визу-ал, спектрал, тўсилувчан ва б. турлари мавжуд. Визу-ал Қ.ю. телескоп орқали кузатилганда компонентларини бир-биридан ажратиш мумкин ва уларнинг ёрқинликларида ун-чалик катта фарқ сезилмайди.

Спектрал Қ.ю.нинг компонентлари яқин бўлгани учун телескоплар орқали бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар-нинг қўшалоклигини спект-ридаги даврий ўзгаришларидан (даврий силжишлар-и ёки спектр чизиқларининг даврий ик-кига ажрали-шидан) билиш мумкин. Агар иккала компонент бир хил ёрқинликка эга ва, айниқса, иккаласи бир спектрал синфга мансуб бўлса, унда чизиқларнинг даврий ажралиши ва қўшилиши аниқ билинади. Агар фақат битта компонент-нинг чизиқлари кўринса, унда улар дав-рий равишда қандайдир бир ўртача ва-зият атрофида тебраниб туради. Доп-лер қонуни чизиқларнинг силжиши ва икки-га ажралиши компонентлари массалари-нинг умумий маркази атрофида орбитал ҳаракатидан келиб чиқади деб тушунти-ради. Спектрдаги чизиқларнинг силжи-шини ўлчашдан компонентларнинг нур тезликлари ўзгаришини аниқлаш мум-кин.

Тўсилувчан Қ.ю.да унинг орбита те-кислиги кузатувчига қулай бўлган ён томондан кўринганда юлдузлардан бири иккинчисини маълум вақтга тўсиб қўяди. Уларнинг даврлари бир неча соатдан бир

неча йилгача боради. Ёркинликларининг камайиш даражаси ва нисбийлиги юлдузларнинг ўлчамларига, уларнинг орасидаги масофага, ёркинликларининг фаркига ва орбиталарининг қияли-гига боғлиқ.

Айрим ҳолда физик қўшалокларнинг компонентлари бир-биридан анча олисда жойлашган, лекин уларнинг хусусий ҳаракатлари, параллакслари ва нур тезликлари яқин бўлади. Бундай юлдузлар кенг жуфтларни ташкил этади. Фазода уларнинг компо-нентларини минглаб, ҳатто ўн минг-лаб астрономик бирликлар ажратиб туради. Агар уларнинг компонентлари бир-бирининг атрофида ҳаракатланаётган бўлса, айланиш даврлари миллионлаб йилларга тенг бўлади. Шунингдек, компонентлари бир-би-рига жуда яқин жойлашган зич қўшалок системалар мавжуд. Уларнинг ажралган, ярим ажралган ва контактли турлари кузатилади.

ҚЎШБЕГИ — тарихий атама; 1) қўш, яъни ҳарбий қароргоҳ ва лагернинг бошлиғи; 2) *Бухоро амирли-гица манғитлар* сулоласи даврида бош вазир, амирдан кейинги олий мансаб. Қ.га барча вилоятлар ва бекликларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахтда бўлмаган пайтида у амирликнинг барча ишларини бошқарган. Шунингдек, Қ. Бухоро атрофидаги 11 та тумани (ҳоз. Бухоро вилояти) амир номидан идора қилган.

Бухоро амирлигида Қ.лар 2 та бўлган: «қўшбегийи боло» (юқори Қ.) ва «қўшбегийи поён» (қуйи Қ.). Қўшбегийи боло арқда, яъни баланд кўрғонда яшаган ва сарой ишларида етакчи мавқени эгаллаган. У доимий равишда арқда амир билан мулоқотда бўлиб турган. Қўшбегийи поён — бош закотчи эса арқ куйсидаги ҳовлилардан бирида яшаб, амирлик ҳудудидаги бутун солиқ ишларини назорат қилиб турган. Мамлакатда фавқулодда вазият юз берса ёки урушлар бошланса ҳар 2 лавозим бирлаштирилиб, «қулли Қ.» («қулл» арабча сўз бўлиб,

«барча» деган маънони билдирган) лавозими жорий қилинган. Қулли Қ. амирликда бутун ҳукумат ишларини ўз қўлида тўплаган ва шошилиш қарорлар қабул қилган.

Бухоро амирлигида Остонақул қўшбеги, Насрулло қўшбеги каби катта нуфузга эга Қ.лар ўтган.

Ад.: Воҳидов Ш.. Қўқон хонлиги ва бухоро амирлигида унвон ва мансаблар, Т., 1996.

ҚЎШБУЛОҚ ОЛТИН КОНИ - Ангрен ш.дан 15 км жан.да, Қурама тизмасининг шим. ён бағридаги кон. 1959 й.да топилган. 1966 й.дан ўзлашти-рилмоқда. Коннинг майд. 10 км². Ўрта карбон даврига мансуб андезит-дацит формацияли, қалинлиги 2,5 км гача бўлган вулканоген ётқизиклари қопламидан таркиб топган Қўшбулоқ кальдерасида ривожланган. Рудаланиш кварц-сульфидли томирларда ва кварцланиш зоналарида содир бўлган. Минерал таркиби бўйича олтин-сульфид-кварцли теллуридли формацияга тегишли. Рудаларнинг таркибида кўпроқ кварц ва камроқ микдорда карбонат, серицитлардан ташқари, турли сульфидлар ва кам даражада сульфатузлар, теллуридлар, оксидлар, туғма элементлар мавжуд. турли руда таналарида рудали минералларнинг микдори ҳар хил (5 дан 15— 20% гача). Конда олтин-сульфид-тел-луридли ассоциация асосий олтин маҳсулотли хисобланади. Ертомир минераллари кварц, карбонат, серицитлардан ташкил топган. Асосий рудали минераллар пирит, хира рудалар, олтин ва кумушнинг теллуридлари, туғма олтинлардир. Баъзан қалай минерали (касситерит) учрайди. Кон рудалари мажмуали: асосий компо-нентлари олтин (13,4 г/т), кумуш (112,4 г/т гача); йўл-йўлакайлари мис (0,29%), селен (0,0004%), теллур (101,6 г/т), висмут (0,01%). Рудалар 32 та йирик рудали структураларда мужассамлашган, ҳоз. вақтда 120 тача руда таналари аниқлаб ўрганилган. Конда руда таналарининг икки морфологик тури мавжуд. Биринчи

турга уз. 632 м гача бўлган ва ўзга-рувчи калинликка (0,1 —10,2 м, ўртача 3,8 м) эга бўлган, руда нотекис тарқалган томирлар ва минераллашган зоналар киради. Улар тик ва қия ҳолда мувофиқ ётади. Иккинчи турга мураккаб геологик тузилишга эга бўлган тик ётувчи кувурсимон томирли таналар ёки нотўғри шаклли эксп-лозив брекчиялар таналари киради. Бурғилаш маълумотларига кўра рудаланиш кўлами 1500 м чуқ.гача боради. Кондан ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда. Чуқур горизонтлари ва чекка қисмлари ҳали яхши ўрганилмаган.

ҚЎШДАРВОЗА — Хива ш.даги меъ-морий ёдгорлик (20-а. бошлари); *Ди-шан қалъаътт* шим. дарвозаси. Урганчга олиб борадиган серкатнов йўлда жойлашган. Дарвоза 2 (кўш) равоққа ўрнатилган (номи шундан). Қ.нинг умумий тарҳи тўртбурчак (25x17 м, бал. 9,45 м, йўлак равоғининг кенлиги 4,2 м), 4 та гумбаз билан ёпилган. Унинг ғарбига бир узун ва шарқига 2 ёрдамчи (қоровулхона, божхона вазифаларини бажарган) хоналар (ясси томли) туташган; уларга алоҳида эшик орқали кирилади. Иншоотнинг олд (шим.) ва орқа (жан.) тарафи бир хил меъморий ечимга эга. Равоқлар ора-лиғи ва четларида 3 та минорасимон буржлар мавжуд, уларга энли ва ин-гичка сиркори халқа-белбоғлар ишланган; буржлар ўзаро кунгурали равоқлар қатори билан боғланган. Дарвозанинг энг юқориси буржларнинг мовий гумбазчалари ва равоқларнинг кунгуралари билан ниҳояланган. Дарво-за тарзларининг четки қисмлари содда, уларда ясси равоқлар ва ёрдамчи хоналарнинг эшикларигина мавжуд.

ҚЎШДУМЛИЛАР — тубан бирламчи қанотсиз ҳашаротлар турқуми. 200 га яқин тури маълум. Африка, Жан. Америка, Россиянинг Ев-ропа қисми ўрта минтақаси, Украина, Кавказ, Ўрта Осиё ва б. жойларда тарқалган. Танаси ок ёки сар-гиш, бир неча мм дан 50 мм гача.

Боши юмалоқ, мўйловлари узун, кўзи йўқ, оғиз аппарати кеми- Оддий иккита айрисимон ўсимтаси (айримларида кўп бўғимли, узун; баъзиларида омбирсимон) бўлади. қ. нам тупроқда ва чириётган ўсимлик қоддиқлари орасида яшайди. Кўпчилиги йиртқич, баъзилари хайюн қоддиқлари ва б. билан озиқланади. Личинкаси метаморфозсиз ривожланади. Ўрта Осиё фаунасида Қ.нинг бир неча тури, жумладан, энг йирик Қ. — япикс дукс (уз. 40 м дан каттароқ) учрайди.

ҚЎШЖОНОВ Матёкуб (1918.5.5, Тошховуз вилояти, Туркменистон — 2005.16.8, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), филол. фанлари д-ри (1972). 2-жаҳон уруши катнашчиси (1942—45). Тошховуз шаҳридаги Ўқитувчилар ин-тини (1946), Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини (1950) тугатган. Ўзбекистон КП МК да масъул ходим (1950-53), Ўрта Осиё ун-ти (ТошДУ)да доцент (1957—60), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1960—75), директор (1975-86), етакчи илмий ходим, илмий маслаҳатчи (1986 й.дан).

Қ.нинг асосий илмий ишлари 20-а. ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий танқид ва адабиётшунослик методологияси муам-молари, адабиёт назарияси ва ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланган. Тадқиқотларида Қодирий, Қаххор, Ойбек, П.Қодиоров, О.Ёкубов, А.Орипов ва б. ёзувчи, шоирларнинг маҳорати ўрганилган ва бадиий асарнинг сюжет, композиция, характер ва конфликт масалалари таҳлил қилинган. Қ.нинг 90-й.ларда ёзган «Ўзбекнинг ўзлиги» (1994), «Абдулла Орипов» (ҳамкорликда, 2000) ва б. асарларида машҳур ёзув-чилар ҳақида фикр юритилган. Олимнинг «Тепки босилди» (1990), «Алам» (1996), «Дағиш» (1999), «Армон» (2004) каби бадиий-биографик асарлари ҳам бор. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

(1977). «Эл-юрт хурмати» (1999), «Буюк хизматлари учун» (2003) орденлари билан тақдирланган.

Ас. Ҳаёт ва маҳорат, Т., 1962; Ойбек маҳорати, Т., 1965; Ҳаёт ва нафосат, Т., 1970; Ижод сабоқлари, Т., 1973; Сайланма [1—2-ж.], Т., 1982-83; Дийдор, Т., 2004.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ - и.ч. (хизматлар кўрсатиш) жараёнида муайян бир фирма, корхонада янгидан яратилган, бевосита ўстирилган, маҳсулотнинг олдинги қийматида қўшилган қиймат. Фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, товарлар, хизматларни сотишдан олган тушумлар билан фирманинг бошқа фирмалардан ресурслар (материаллар, ярим фабрикатлар) сотиб олиш учун қилган харажатлари айирмаси тарзида аниқланади. Қ.к. — ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Мазмунан Қ.к. ишлаб чиқарилган ёки яратилган товар ва хизматлар нархининг бир қисми сифатида гавдаланади.

Ҳоз. даврда *нарх* ва унинг бир қисми бўлган Қ.к.ни аниқлашда неоклассик синтез нуктаи назари кенг тарқалган. Бунга кўра Қ.к.ни ифодалашда фақат классик қараш, яъни товарга сарфланган меҳнат (объективлик) нуктаи назаридан эмас, балки товарнинг нафлиги (субъективлик) ҳам ҳисобга олинади. Босқичли и.ч. жараёнида Қ.к. хар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобланади. Мас, сотиб олинган хом ашё қиймати 60 пул бирлиги бўлса, у қайта ишлангандан кейин қиймати 100 пул бирлигига етказилди (Қ.к.=40). Улгуржи ва чакана савдо корхоналарида Қ.к. 75 пул бирлигини ташкил этади ($100+25=125$; $125+50=175$). Шундай қилиб, пировард натижада сотувнинг умумий қиймати 460 пул бирлигини, Қ.к. 175 пул бирлигини ташкил этади. Қ.к. миқдори даражасини *бозор* ҳал қилади. Нафлиги юқори товарни бозор маъқуллаб, унинг ҳақини тўлаганда, харажат ўзгармаган тақдирда ҳам. Қ.к. юқори бўлиши мумкин. Нафлиги паст бўлганда бунинг акси юз беради.

Қийматга қўшимча қўшилиши и.ч.да, энг аввал микро, яъни фирмалар даражасида юз беради, аммо унинг нақадар мақбуллигини бозор ҳал қилади. Қ.к. нарх таркибига киради ва бунинг учун белгиланган солиқ (*қўшилган қиймат солиғи*) ни истеъмолчи тўлайди. Қ.к.нинг оз ёки кўп бўлишига қараб и.ч. самарадорлигини аниқлаш мумкин. Корхона ва секторлар доирасида Қ.к. миқдори қанчалик юқори бўлса, пировард натижа ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистонда Қ.к. тушунчаси ва уни ҳисоблаш амалиёти 20-а.нинг 90-й.лари бошидан қўлланила бошлади.

Шухрат Тошматов.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ - умумдавлат солиқ тури; и.ч. ва муо-мала жараёнларининг барча босқичларида яратилган *қўшилган қийматнинг* бир қисмини давлат бюджетига олиш шакли. Товар ва хизматлардан олинган билвосита (эгри) солиқлар таркибига киради. Биринчи марта француз иктисодчиси М.Лоре томонидан 1954 й.да таклиф қилинган, 1960 й.да Код-д-Ивуар Республикасида солиқ тизимига киритилган. Ўзбекистонда 1992 й.дан бошлаб қўлланилади. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ва импорт қилиш айланмаси Қ.к.с. солинадиган объект ҳисобланади. Сотиб бўйича Қ.к.с.га тортиладиган айланма сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, нархлар ва тарифларни, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қ.к.с.га тортиладиган айланма маблағ солиқ объектининг турига қараб, ўзига хос усулда аниқланади. Мас, ишлаб чиқарилган товарлар юқлаб жўнатиладиган қисмининг қиймати, амалга оширилган қурилиш, таъмирлаш, и.т., конструкторлик, техноло-гик, қайта таъмирлаш ва б. шунга ўхшаш ишлар қиймати Қ.к.с.га тортилади. Хизматлар кўрсатилганда эса транспорт воситалари ёрдамида бажа-рилган ишлар қиймати, ижара, воситачилик ҳақи, инфратузил-

ма, реклама ва б. хизматлар қиймати шу солиқ объекти бўлади. *Акциз* тўланадиган товарларни Қ.қ.сга тортишда унинг объекти жўнатилган айланмага акциз солиғининг қиймати қўшилган ҳолда аниқланади. Ўзбекистон Республикасида Қ.қ.с. асосан, 20,0% ли ставка бўйича ун-дирилади. Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим озик-овқат товарлари бўйича Қ.қ.с камайти-рилган ставкаларда тўланиши мумкин. Ставкалар ва бундай товарларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қ.қ.с бўйича тўловлар солиқ тури бўйича ҳисобот тақдим этилган муддатдан сўнг 5 кун орасида давлат бюджетига ўтказилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун Қ.қ.сни тўлашнинг бошқа муддатларини ҳам белгилаши мумкин. Импорт қилинаётган товарлар бўйича Қ.қ.с божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади.

Қ.қ.сни ундириш ва тўлаш тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси» (65—79-моддалари) билан тартибга солинади.

Шухрат Тошматов, Мухаммаджон Нигматов.

ҚЎШИЛИШ — археологик ёдгорлик. Мезолит даври (мил. ав. 12-миңгйиллик)га оид ибтидоий одамлар манзилгоҳи. Бўзсув каналининг чап соҳили, Қўшилиш мавзесида жойлашган. Археолог В.А.Захаревич топган (1966 й.). 1967 й. Ў. *Исмолов* томонидан текширилган. Қ.дан тошдан ишланган меҳнат қуроллари, ибтидоий одамлар истеъмол қилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган ва ўрганилган. Ҳамма меҳнат қуроллари (қирғичлар, искана, ўрок, ранда, пичоқсимон қурооллар ва б.) майда тош парчалари, қисман пластинкалардан тайёрланган. Ихчам учбурчак меҳнат қуроллари ҳам учрайди. Қ.ни ўрганиш сўнгги *палеолит* давридан бошлаб Тош-

кент худудида узлуксиз одам яшаганлигидан далолат беради.

ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ - ҳарбий-сиёсий блоклар ва гуруҳларда қатнашмасликни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўли деб эълон қилган мамлакатларни бирлаштирувчи ҳара-кат. 2-жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ва ҳозирда 100 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Ушбу ҳаракатда мустамлакачилик асоратидан озод бўлган давлатларнинг кўпчилиги иштирок этади. Қ.х.да қатнашувчи давлатлар 1961 й.да «Қўшилмасликнинг беш тамойили»ни эълон қилганлар. Улар қуйидагилардан иборат; турли тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, қўшилмаслик; халқларнинг мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш; буюк давлатлар ўртасидаги низоларга тааллуқли ҳарбий ит-тифоқларда қатнашмаслик; ҳарбий келишувларда қатнашмаслик; ўз худудида хорижий ҳарбий базаларни жойлаштирмаслик. 1990- й.лар бошигача қўшилмаган мамлакатларнинг қуйидаги конференциялари бўлиб ўтган: Белград (Югославия, 1961 й. сент.; 25 давлат), Қоҳира (Миср, 1964 й. окт.; 47 давлат), Лусака (Замбия, 1970 й. сент.; 54 давлат), Жазоир (1973 й. сент.; 76 давлат), Коломбо (Шри Ланка, 1976 й. авг.; 86 давлат, шунингдек, 29 мамлакат, халқаро ташкилот ва миллий озодлик ҳара-катлари вакиллари кузатувчи ва меҳмонлар сифатида иштирок этган), Га-вана (Куба, 1979 й. сент.; 95 давлат ва миллий озодлик ҳаракатлари, шунингдек, 39 мамлакат, халқаро ташкилотлар ва миллий озодлик ҳара-катлари вакиллари кузатувчи ва меҳмонлар сифатида иштирок этган), Дехли (Ҳиндистон, 1983 й. дек.; 97 давлат ва миллий озодлик ҳаракатлари, шунингдек, 41 мамлакат, халқаро ташкилот ва миллий озодлик ҳара-катлари вакиллари кузатувчи ва меҳмонлар сифатида иштирок этган), хараре (Зимбабве, 1986 й. авг.-сент.; 100 давлат ва миллий озод-

лик ҳара-катлари), Белград (Югославия, 1989 й. сент.; 102 давлат), Жакарта (Индонезия, 1992 й. сент.; 108 давлат).

ҚЎШИМЧА - қ. *Аффикс, Суффикс, Префикс.*

ҚЎШИМЧА НЕРВ (пегуив ассекошв) — бош мия нервларининг XI жуфти. Бу нервнинг номи уни дастлаб тавсифлаган (1664) инглиз врач Т. Виллизий номи билан виллизий нерв-и и деб ҳам юритилади. Қ.н. узунчоқ ва орқа миядан бошланиб, калла суюги бўшлиғидан ташқарига тил-ҳал-қум ва адашган (сайё»р) нерв билан бирга бўйинтуруқ тешиги орқали чиқиб, 2 та тармоққа бўлинади. Унинг битта адашган шохи *адашган нерва* кўшилса, иккинчи шохи тўш-ўмров-сўргичсимон мускул билан трапециясимон мускуларга толалар бериб, бўйин нерв чигалларига бориб кўшилади.

ҚЎШИН — уруш хавфи туғилганда ёки ҳарбий юриш олдидан шаҳар, вилоятларда тўпланган ҳарбий қисм, лашкар; кенг маънода — кўп сонли ҳарбий қисм (корпус, армия). 13— 14-а.лардан эътиборан туркий тиллар-да, хусусан, ўзбек адабий тилида кошунтарзида қўлланила бошлаган. Чингизийлар ҳарбий истилохлари тизимидан ҳарбий қисм, тузилма маъносида ўрин олган. Темурийлар даврида минг ёки ундан оз жангчилардан иборат аскарый гуруҳ Қ. деб номланган. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, бир ўринда Амир темур 200 кишидан 4 та Қ. тузишни буюрган. Яна бир жойда 600 аскардан 7 та Қ. тузилганлиги айтиб ўтилган. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» аса-рида 1405 й. воқеаларини тасвирлаганида Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Умар Мирзо ҳар бири 500 отликдан ташкил топган 47 Қ.ни кўриқдан ўтказганини қайд этади. Кейинги даврларга келиб Қ. юқорида қайд этилган атамаларнинг деярли барчасини ҳарбий терминлар тизимидан сиқиб

чиқарган ва армия маъносини ифодалаш учун ишлатилган.

«Қ.» атамаси замонавий қуролли кучлар турлари, Қ. турлари, махсус Қ.лар, шунингдек, оператив ва ҳудудий бирлашмаларнинг ҳарбий куч ва воситаларининг умумлашган номларини ифодалаш учун қўлланади.

ҚУШИНЛАР ПАРАДИ, қўшинлар кўриги — расмий байрамларда қўшинларнинг жанговар техника билан тантанали марш садолари остида майдондан саф тортиб ўтиши. Қ.п. Қадимги Миср, Эрон, Рим ва б. армияларда ҳам ўтказилган. Урта Осиё халқларида қўшинларни ҳарбий юриш ёхуд жанг олдидан кўриқдан ўтказиш қадимдан маълум. Мас, Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий юришдан олдин тўпланган қўшин кўриқдан ўтказилган; жангдан олдин лашкарни кўриқдан ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш изчилликка айланган. Соҳибқирон *Боязид I билан* ҳал қилувчи жангдан аввал туркиялик элчилар кўз ўнгида Сивасда қўшин кўригини ўтказган. Амир Темур қўшинидаги ҳар бир ҳарбий қисм жангчиларининг жуссаси, отларининг ранги, жавшан, совутларининг ярқироқлиги, туғларининг бир-биридан фарқ қилиб туриши элчиларга катта руҳий таъсир кўрсатган.

ҚЎШИШ — арифметик амаллардан бири. a ш b сонларни Қ. натижаси $a+b$ сон бўлиб, u а ва b қўшилув-чиларнинг йиғиндиси дейилади. мат.да сонларни қўшишдан ташқари бошқа объектлар, кўпхадлар, тўпламлар, векторлар, матрицалар устида бажариладиган Қ. ҳам ўрганилади.

ҚЎШИҚ — кенг маънода шеърий-муסיқий жанр; *вокал мусиқаннит* энг оммалашган, кўпроқ банд шаклига асосланган тури, шунингдек, қуйлашга мўлжаллаб тўқилган шеърий асарларнинг умумий ифодаси. *Халқ ижодига*

мансуб, бастакор ва компо-зиторлар яратган, *оммабон мусиқа* йўналишидаги Қ.лар фаркланади. келиб чиқиши, жанри ва мазмунига қараб *маросим қўшиқлари, оммавий қўшиқ*, шаҳар, деҳқон, болалар, маиший, ҳарбий, лирик, *рақс* ва бошқа Қ.лар ажратилади. Қ. куйи диа-пазони ихчамлиги, мусиқа ривожига банд (ёки банд-нақарот) шаклига асосланганлиги, оҳанглар тизимида сўз ва куй *интонациялари* муштарақли-ги, шеърий матндаги ғоявий-эмоционал мазмун ривожининг умумий тарзида (бадий йакунли сифатида) ифо-даланиши билан ажралиб туради. Қ.нинг яна ўзига хос томони — шеърий матн ва куй шакллари *нинг ўзаро мутаносиблиги*, бир хил ҳажмдаги тузил-малар (шеърда — банд, куйда — *давр*)га асосланганлигидан иборат. Қ.нинг шеърий матнлари аниқ *композицияси*, ҳар бир бандида муайян тугал фикр ифодаланганлиги билан ажралиб туради. Шарқда халқ Қ.лари ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлиб, Ўрта Осиёда ир (*жир*), *терма*, *ўлан*, *лапар*, *ялла* каби номлар билан аталади. Булар негизда бастакорлар ижоди, 20-а.да замонавий Қ. шакллари ривож топган. Европа профессионал мусиқа санъатида Ўрта асрдаги шоирхонан-далар (Францияда трувер ва трубадурлар, Германияда миннезингерлар ва б.)нинг асарлари. *мейстерзингерлар санъати* намуналари, *Уйғониш даври*ш яратилган кўп овозли италян сапгоп-Па, немисча Ёлес1, французча спапзоп, 17—18-а.лардан оммавий тус олган *гомофония* услубидаги Қ.лар, романтизм давридаги композиторлар ижодидаги Қ., 20-а.да кенг ривож топган оммавий кўшиқ, *эстрада* Қ.лари ва б. профессионал Қ.нинг ривожланиш босқичларидир. Шоирлардан *П.Беранже, Р.Бёрнс, Р.Ҳамзатов, В.Висоцкий* ва б., Ўзбекистонда — Ҳамза, Ҳабибий, Собир Аб-дулла, Миртемир, Чустий, Т.Тўла, П.Мўмин, Н.Нарзуллаев, Муҳам-мад Юсуф, Э.Воҳидов, Ж.Жабборов ва б.нинг Қ. шеърияти ривожига хизматлари қатта.

Тор маънода Қ. — ўзбек халқ ижо-

дидаги жанр; кўш қофия билан бошланувчи, асосан, 7—8 ҳижоли *бармоқ* вазнидаги тўртликлар билан куйланадиган, банд шаклли айтим тури. биринчи шеър тўртлиги қофиялари аааа, аава, аавв ёки аавс нис-батаида бўлиши мумкин. Ўзбек Қ.ларида биринчи банди одатда 4 шеърий мисра ва уларни куйлашга асос бўлган нисбий тугал оҳанг тузилмалари уйғунлигидан ташкил топади. Куй тузилмалари сони 2—4 бўлиб, уларнинг ўзаро нисбатлари эса асосий жумлани тақрорлаш, ўзгартириш ёки маълум даражада ривожланган янги жумла билан якунлаш каби воситалардан иборат. Ўзбек Қ.лари, ашуладан фарқли ўлароқ, кичик овоз доирасида (асосан, квинта — секста диапозони-да) бўлиб, баъзан доира жўрлигида ижро этилади. Куйчан оҳангли Қ.лар, асосан, лирик мавзудаги намуналарда учрайди. Бошқа Қ.ларда куйчанлик хусусиятига эга чўзимли оҳанглар учраса-да, улар кўпроқ Қ.нинг* якунланиши арафасида намоён бўлади. Қ.ларда махсус (алоҳида) нақаротлар деярли қўлланмаса-да, баъзан кичик нақарот вазифасини қасб этувчи тақрор сўзлар келиши, шунингдек, «жон», «ёр», «дод-эй» каби ун-дов-ундалма иборалар ишлатилиши кузатилади.

20-а. ўзбек бастакорлари ва, айниқса, композиторлари ижодига мансуб Қ.лар жанр нуқтаи назаридан ўзида бошқа жанрлар (лапар, ялла, ашула, терма) хусусиятларини мужассам қилиб, маълум ўзгаришларга юз тутган. Жумладан, уларда банд-нақарот тузилмалари, жўрнавоз чолғулар, рақс унсурларини ҳам кўриш мумкин. Ўзбек бастакорларидан Ю.Ражабий, К.Жабборов, Фахридин Содиқов, Т. Жалилов, Ғ.Тошматов, Н. Ҳасанов, М. Мирзаев, БАлиев, Р.Турсунов ва б., ком-позиторлардан Т.Содиқов, М.Бурҳонов, М. Левиев, С.Юдаков, А.Отажонов, Ф. Назаров, А. Назаров, Ф.Алимов, Қ.Комилов, болалар учун А. муҳамедов, Е.Шварц, Ил. Акбаров, Н. Норхўжаев, А.Эргашев, А.Мансуров, эстрада йўналишида

Ш.Рамазонов, Ик. Акбаров, Э. Солихов, Д.Омонул-лаева, А.Расулов ва бошқалар Қ. жан-рида салмоқли ижод қилган.

Ад.: Алавия М., Ўзбек халққўшиқлари, Т., 1959; Кароматов Ф., Ўзбек халқи мусиқа мероси, 1-китоб (қўшиқ), Т., 1978.
Олим Беков, Оқил Иброҳимов.

ҚЎШҚЎПИР - Хоразм вилояти *Қўшқўпир тумани* аат шаҳарча (1983 й. дан), туман маркази. Хоразм вилоятининг ғарбида, Ғозовот канали бўйида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Урганч (27 км). Қ.дан Урганч ш.гача 27 км. Ахрлиси 16,9 минг киши (2005). Қ.да пахта тозалаш, силикат ғишт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. кичик, ўрта бизнес корхоналари ва мик-рофирмалар фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Урганч, Хива ш.лари ва б. туман марказларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎШҚЎПИР ТУМАНИ — *Хоразм вилояти*даги туман. 1936 й. 17 апр.да ташкил этилган. 1962 й. 14 дек. Да Хива туманига қўшиб юборилган. 1966 й. 9 янв.да қайта ташкил этилган. Шим. дан Шовот, шим.-шарқ ва шарқдан Урганч туманлари, жан.дан Хива тумани, ғарбдан Туркменистон билан чегарадош. Майд. 0,54 минг км². Аҳолиси 128,7 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қўшқўпир), 12 кишлоқ фуқаролари йиғини (Кенагас, Оқдарбанд, Хонобод, Хосиён, Шихмашхад, Янгилик, Ўзбекёп, Ўргаёп, Қагағон, Ғозовот, Ҳадра, Ҳайробод) бор. Туман маркази — *Қўшқўпир* шаҳарчаси.

Табиати. Туман худуди, асосан, те-

қислик. Иқлими кескин континентал. Қишнинг энг совуқ оyi (янв.)да ўртача т-ра —5°, энг паст т-ра —32°. Ёзнинг энг иссиқ оyi июлнинг ўртача т-раси 33°, энг юқори т-ра 42°. Вегетация даври 192 кун. Йиллик ёғин 50—100 мм. Туман худудини кесиб ўтган Каттакўл, Довдон, Довудкўл магистрал коллекторлари ва уларга туташган коллектор — дренаж шохобчалари ишлаб турибди. Тупроғи ўтлоқи тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан жийда, туранғил, юлғун; ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, куён учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, эроний, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 239 киши. Шаҳар аҳолиси 16,9 минг киши (2005). Қишлоқ аҳолиси 111,8 минг киши.

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, силикат ғишт з-длари, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, тикувчилик ва гиламчилик цехлари ишлаб турибди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, баликчилик ҳам ривожланган. 1 ижара хўжалиги, фермер хўжаликлари, 1 акциядорлик жамияти, «Қўшқўпир пар-ранда», «Қўшқўпирпилла» масъулияти чекланган жамиятлар, «Қўшқўпир-асаларичилик» жамоа корхонаси бор (2005). Жами 27,7 минг га экин май-донинг 13,3 минг гектарига пахта, 5,3 минг гектарига ғалла, 370 гектарига картошка, 800 гектарига сабзавот; шунингдек, полиз, озуқа экинлари ҳам экилади (2005). Мевазор, тутзорлар бор.

Қ.т.даги жамоа ва шахсий хўжаликларда 54,5 минг[^]Қорамол (шу жумладан, 22,9 минг сигир), 55,1 минг қўй ва эчки, 163 минг парранда боқилади (2005). Асаларичилик ва пил-лачилик билан ҳам шуғулланилади.

Туманда 55 умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, касб-хунар

коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 35 тармоғи, маданият уйлари, 15 маданият муассасаси, маданият ва истироҳат боғи (2005). стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси (430 ўрин), поликлиника, туғруқхона, 4 тиш даволаш поликлиникаси пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 216 врач аҳолига хизмат кўрсатади (2005). Қ.г. маркази Қўшқўпир шаҳарчасидан Хива, Урганч ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. Меъ-морий ёдгорликлардан Иморат бобо меъморий мажмуаси (14—18-а.лар) сақланган. 1941 й.дан «Ҳаёт кўзгуси» туман газ. чоп этилади.

Қолиа Нуржонов.

ҚЎШМА ГАП — тузилишига кўра содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап; гапнинг структурал жиҳатдан алоҳида бир тури. Қ.г. тузилиши ва қурилиш материалига кўра *содда* галдан фарқ қилади. Содда гапнинг қурилиш материали сўз ёки сўз бирикмалари бўлса. Қ.г.нинг қурилиш материали содда гаплардир. Содда гап битта предикатив асосдан, Қ.г. эса икки ва ундан ортиқ предикатив асосдан ташкил топади. Бир қанча туркий тилларда, жумладан. ўзбек тилида, Қ.г.лар қандай мазмун муносабатларини ифodalаши, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра 3 асосий турга бўлинади: боғловчисиз Қ.г.; боғланган Қ.г.; эргашган Қ.г.

Таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўз ёрдамида эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида бириккан Қ. г. лар боғловчисиз Қ.г. ҳисобланиб, бундай Қ.г.ларда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Боғловчисиз Қ.г.лар аксар ҳолларда боғланган ва эргашган Қ.г.лар билан ўхшаш, муносабатдошдай кўринсада, улар ана шу турдаги гапларнинг

боғловчисиз варианты эмас, балки Қ.г.ларнинг алоҳида тури ҳисобланади: «Саодатхон эшикни очиб юборди, уйга муздай куз хавоси кирди» (С.Зуннунова). «Султонмурод ўзини четга олишга тиришди, халқ тўлкини уни суриб кетди» (Ойбек).

Таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида бириккан (тенг алоқали) Қ.г.лар боғланган Қ.г. дейилиб, унинг таркибий қисмлари шаклан мустақил кўринсада, мазмунан ва тузилиш жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади. Мас: «Баҳор келди ва гуллар очилди». «Дил-афрўз чиндан ҳам ўзгарган. Аммо ўктам кулгуси, қуралаи кўзларининг киброна боқиши ўша-ўша эди» (Ў.Ҳошимов).

Таркибидаги предикатив бирликлар (содда гаплар) бош ва эргаш ҳолатида бўлиб, яъни бош ва эргаш гаплардан тузилиб. эргаштирувчи боғловчилар, бир қанча феъл шакллари, юклама ва кўмакчилар, нисбий сўзлар ва тобеланиш оҳанги ёрдамида бирикиб, бири иккинчисини аниқлаш, тўлдириш каби вазифаларни бажарадиган Қ.г. тури эргашган Қ.г. ёки эргаш гапли Қ.г. дейилади. Мас: «Бир куни кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти» (А.Қаҳҳор) гапида-ги, «бир куни кўчада кетаётсам» қисми эргаш гап бўлиб, у бош гапдаги (Умри бир бош узум кўтариб келяпти) ишҳаракатнинг амалга ошиш пайти (вақти)ни аниқлаб, уни тўлдирмоқда, предикатдаги шаклга кўра тобе ҳолатда турибди. Демак, бош гап эргашган Қ.г. таркибидаги ҳоким ком-понент, яъни эргаш гап томонидан ўзи ёки бирор бўлаги аниқланадиган, эргаш гап тобе бўладиган гапдир. Мас.: «Қайси киши эрталаб шундай машқ килса, у дардга чалинмайди» гапи эга эргаш гапли Қ.г. бўлиб, ундаги «удардга чалинмайди» қисми бош гап ҳисобланиб, бош гапнинг эгаси эргаш гап орқали изоҳланмоқда. Ёки «Шошиш керак эмас, чунки бу йил тошқин хавфи йўқ» гапида эса «Шошиш керак эмас» бош гап бўлиб, эргаш гап бош гап-

дан англашилган ҳаракатнинг сабабини кўрсатмоқда. Эргаш гапли Қ.г. таркибидаги тобе қисм эргаш гап ҳисобланади. Эргаш гап бош гапга эр-гашиб (тобеланиб), бу гапни ёки унинг бирор бўлагини қандайдир (пайт, ўрин, сабаб, натижа ва б.) жиҳатдан аниқлаб, белгилаб келади. Ўзбек тилига доир мавжуд дарслик ва кўлланмаларда эргаш гаплар (эргаш гапли Қ.г.лар) мазмун ва вазифаларига кўра 14 турга ажратилади.

Қ.г. ва унинг турлари, Қ.г.ларнинг табиати масалалари рус ва европа тилшуносликлари қатори ўзбек тилшунослигида ҳам кенг, атрофлича ўрганилган. Бу соҳада, айниқса, акад. Ғ.Абду-рахмонов ва М.Асқаровларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак. Шунингдек, А. Ғуломов, Ҳ. Ғозиев, Ф. Камолов, А. Азизова, Ҳ. Рустамов, Э. Азларов, А. Кононов, Э. Грунина, Х. Аб-дурахмонов, А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва б. ҳам ўзбек тилида Қ.г. синтаксисини ўрганиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Кейинги йилларда (ўтган асрнинг 90-й.ларидан) ўзбек тилшунослигида Қ.г.ларни, умуман синтактик ходисаларни янгича нуқтаи назар билан системавий-структур усулда ўрганиш бошланди.

Ад.: Абдурахмонов Ғ., Қўшма гап синтаксиси асослари, Т., 1958; Асқарова М., Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар, Т., 1960; Абдурахмонов Ғ., Қўшма гап синтаксиси, Т., 1964; Ғуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис, Т., 1965 ва 1987; Асқаров М., Ўзбек тилида эргашлиш формалари ва эргаш гаплар, Т., 1966; Ўзбек тили грамматикаси, 2-ж. (синтаксис), Т., 1976; Нурмонов А., Гап ҳақида синтактичназариялар, Т., 1988; Маҳмудов Н., Нурмонов А., Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис), Т., 1995.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

ҚЎШМА КОРХОНА - бошқа мамлакатлар фирмалари иштирокида бунёд қилинган, ташкилий жиҳатдан ягона

юридик шахс сифатида расмийлаштирилган корхона. Қ.к. ўзаро манфаатдорлик негизда, ҳукуматла-раро шартномалар асосида ташкил қилиниб, и.ч., илмий-и. ч., илмий-техника вазифаларини ечишга қаратилади. Таъсисчиларнинг ўз мулкларини бирлаштириш ва бадаллари ҳисобига Қ.к.нинг молиявий фонди яратилади. Қ. к. саноат, қ.х., қурилиш, транспорт, савдо. фан ва миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Қ.к., асосан, чет эл техникаси, технологияси, инвестицияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучи ҳисобига ишлайди, ўз мустақил балансига эга бўлади, тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида фаолият олиб боради. Қ.к.нинг чет эллик таъсисчиси даромад ҳиссасини ўз мамлакатига олиб чиқиш (ўтқа-зиш) ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистонда, асосан, мустақилликдан кейин Корея Республикаси, АҚШ, Хитой, Италия, Туркия, Покистон, Германия, Россия, Украина, Буюк Британия ва б. бир қатор давлатлар компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорликда Қ.к.лар ишга туширилди. Автомобилсозликда «Ўз ДЭУавто» Ўзбекистон-Корея (қ. *Асака автомобиль заводи*), «СамКоч-авто» Ўзбекистон-Туркия, олтин саноатида «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка, «ЎЗБАТ» Ўзбекистон-Буюк Британия (қ. *«Бритиш Аме-рикэн Тобақко»*), «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия, телекоммуникация корхоналари ва б. жуда кўп Қ.к. фаолият кўрсатмоқда.

2002 й.да чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспорти ҳажми Ўзбекистон Республикаси умумий экспорт ҳажмининг 19,8% ни

(443,0 млн. АҚШ доллари) ва импорт республика умумий импорти ҳажмининг 26% ни (704,8 млн. АҚШ доллари) ташкил этди. Ўзбекистонда 2004 й. 1 янв. ҳолатига кўра чет эл инвестициялари иштирокидаги 3539 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 62,4% фаолият

юритди.

Дилдора Саидова.

ҚЎШМА СЎЗЛАР — икки ёки ундан ортиқ ўзак морфеманинг қўшилишидан ҳосил бўлган ва ягона структур-семантик бирликни ташкил этган сўзлар. Мас; кўзойнак, билагузук, учбурчак, атиргул, бўтақўз, номоз-шомгул, мехмондўст, баландпарвоз, эркесвар, жигарранг каби. Қ.с. ясалиши учун асос бўлган сўзлар ўзларининг дастлабки маъноларини қисман ёки бутунлай йўқотади: улар биргаликда тамоман янги луғавий маъно билдиради. Чунончи, ош ва қозон сўзлари алоҳида лексемалар сифатида ўз луғавий маъноларига эга. Лекин уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ошқозон сўзи мазкур сўзларнинг дастлабки маъноларидан фаркланувчи янги маънони — «инсон ва ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш аъзо-си» маъносини билдиради. Қўзикорин, итоғиз, оксоч, оксуяк, кампирчопон сингари Қ.с. ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Қ.с. қисмлари орасидаги маъно муносабати ҳар хил. Улар ўхшатиш, киёслаш (қарнайгул, отқулоқ, туяқуш, шерюрак, қўйқўз), хослик, бирор нарсага мўлжалланганлик (гултувак, молқўра, оловкурак, тоққайчи, қийматахта), бирор ўрин-жойга мансублик (сувилон, тоғолча, чўлялпиз, қўконарава), бирор белгига нисбат бериш (аччиқтош, олақарға, шўрданак, қизилиштон, Қизилтепа), микдорга муносабат (бешбармок, мингоёк, қирқоғайни, Бешарик) ва б. маъноларни англатади. Қ.с. структураси мавжуд синтактик алоқаларни эслатади, бошқача айтганда, Қ.с. эга-кесим муносабатида, бошқа-рув, мослашув. битишув алоқаларида бўлган сўз бирикмалари асосида юзага келган. Мас, гўштқуйди, келинтушди каби Қ.с эга ва кесим муносабатини эслатса, тўйбоши. томорқа, кўзойнак каби Қ.с. мослашувни, китобсевар, дунёқараш кабилар бошқарувни, хом-калла, қўқсултон, искабтопар кабилар эса битишувни эслатади.

Қ.с от, сифат, равиш ва қисман феъл туркумида тарқалган. Уларнинг компонентлари бир сўз туркумига ёки турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин. Мас, қўшма отлар от-+от (белкурак), сифат+от (оққуш), сон+от (саққизоёк), феъл+от (Ёрил-тош), от+феъл (бўйўсар), феъл+феъл (Сотиб-олди, ишлабчиқариш) каби колипларда бўлади. Бошқа сўз туркумларига оид Қ.с ҳам ўзига хос колиплар асосида ясалади.

Ўзбек тилшунослигида Қ.с.ни ўрганиш бўйича А.Ҳожиёв, Б.Мадалиёв, Н.Маматов ва б. томонидан анчагина изланишлар олиб борилган.

Ад.: Ҳожиёв А., Ўзбек тилида қўшма жуфт ва такрорий сўзлар, Т., 1963; Мадалиёв Б., Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар, Т. 1966; Маматов Н., Ўзбек тилида қўшма сўзлар, Т., 1982.

Носиржон Охунов.

ҚЎШМАДРАСА - Бухородаги қўш (муқобила) услубида бунёд этилган меъморий ёдгорлик; қад. кўчанинг икки ёнини эгаллаган *Абдуллахон мадрасаси* (1588—90) ва *Модарихон мадрасаси* (1566—1567)дан иборат мажмуа. Иккала бинонинг бош тарзлари бир мужассамот ўқи бўйлаб бир-бирига қаратиб қурилган; мажмуа учун ажратилган жойдан моҳирона фойдаланилган. Абдуллахон мадрасасининг тархи тўртбурчак бўлган ҳолда жан. томони қисман ичкарига қирган, ғарбий ва шим. томонларида ташка-риларида туртиб чиққан бўртик қисмлари мавжуд; бўртик қисмларининг ўртасида ховли бўлиб, у 2 қаватли («ёруғли») ва гумбазлидир (гумбаз «Абдуллахон фонуси» деб юритилди). Модарихон мадрасасидан ўтган мужас-самот ўқи дарвозахонанинг орқасида синиб давом этади. Бу мадрасани қибла тарафга қаратиб қуриш заруратидан келиб чиққан. Абдуллахон мадрасасида ҳам масжид қиблага қаратиш заруратидан мадрасанинг умумий тарҳига нисбатан бурчак остида қурилган. Қ. Ўрта Осиёнинг ноёб меъморий мажмуалари

каторига киради.

ҚЎШНАЙ — ўзбек, тожик ва б. Шарқ халқларида тарқалган пуфлама тилчали мусика чолғуси. Бир-бирига ўзаро боғланган иккита бир хил гаров қамишдан ишланади. Найчаларнинг уз. 250—300 мм, диаметри 14—16 мм атрофида бўлади. Пуфлаш учун учининг тўсиқ қисмида тилча очилади. Тилчаларнинг тебранаётган қисмларини қисқартириш ва узайтириш учун ипдан ҳалқаси ва унинг пастида 7—8 бармоқ тешиқчаси мавжуд. Диапазони 1,5—2 октавага етади. Кучли, ёқимли товушга эга. Ҳозирда анъанавий чолғу ижрочилигида асосан Фарғона-Тошкент ва Хоразм воҳаларида, шунингдек, халқ чолғулари оркестри таркибида қўлланилади.

Аҳмаджон қўшнайн Умурзоқов, Зиё-миддин Шокиров каби Қчилар ўтган. Ҳозирда М.Матёқубов, Й.Тожиев, Н.Рўзиев каби созандалар фаолият кўрсатади.

ҚЎШНИ БУРЧАКЛАР - бир томони умумий қолган томонларини тўғри чизиккача тўддирувчи нурлардан ташкил топган бурчаклар. Қ.б. йиғиндиси 2 й га тенг.

ҚЎШОЁҚЛАР, қўшоёқсимонлар — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. 14 уруғи, 30 тури маълум. Евро-осиё, Шим. Африка ва Шим. Амери-када тарқалган. Танасининг уз. 5—26 см; думи танасидан узун, учиди бир тутам туки бор. Орқа оёқлари олдин-гисига нисбатан 3—4 марта узун, 1-ва 5-бармоқлари қисқарган ёки бутунлай йўқ. Кейинги 2 оёғида сакраб ҳаракат қилади. 3 м гача узунликка сакрайди. Илик ва иссиқ минтакалардаги дашт, чўл ва чала чўлларда, тоғлардаги очиқ ландшафтларда яшайди. Йидда 2 мартда 1—8 тадан болалайди. Ҳамма Қ. қишки уйкуга киради. Тунда ёки окшомда фаол. Ўсимликнинг ер остки қисми, уруғлари, баъзан ҳашарот ва уларнинг личинкалари

билан озикланади. Урта Осиёда митти Қ., катта Қ., северцов қўшоёғи, емуранчик қўшоёқ, жун-оёқли Қ., туркман қўшоёғи, тароқ-бармоқли Қ. ва б. тарқалган.

ҚЎШРАБОТ — Самарқанд вилояти *Қушработ тумани*тгел қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Каттақўрғон (58 км). Қ.дан Самарқанд ш. гача 100 км. Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2004). Қ.да пахта тозалаш, ғишт 3-длари, МТП, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. Умумий таълим, болалар мусика, спорт мактаблари, касб-хунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйлари, стадион, спорт майдончалари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 6 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғ-руқхона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Қ.дан Самарқанд ш. ва қўшни туман марказларига йўловчилар ташувчи автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎШРАБОТ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАСИ — Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида жойлашган. 1991 й. 8 июлда ташкил этилган. Майд. 16300 га. Мавжуд ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва б. қўриқланади, нодир ўсимликлар, ҳайвонлар кўпай-тирилади. Буюртмахонада ов қилиш, дарахт ва буталарни кесиш, доривор ўсимликларни териш тақиқланган.

ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ - Самарқанд вилоятидаги туман. 1978 й. 3 апр.да ташкил этилган. Шарқдан Пайарик, жан.дан Иштихон, Каттақўрғон туманлари, ғарб ва шим.дан Навоий вилоятининг Нурота, жан.-ғарбдан хатирчи туманлари, шим.-шарқдан Жиз-зах вилояти билан чегарадош. Майд. 1,11 минг км². Аҳолиси 93,3 минг киши (2004). Туманда 7 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Жўш, Зармитан, Охун-бобоев номидаги, Октепа, Пангат,

Урганжи, Қўшработ) бор. Маркази — Қўшработ кишлоғи.

Табиати. Ер юзаси Нурота тоғлари ва тоғ олди қисмларидан иборат. Шим. да Нурота тизмаси (энг баланд жойи — Ҳаётбоши чўққиси, 2165 м), жанда Оқтоғ тизмасининг шарқий қисми жойлашган. Рельефи тизмалардан агрофга томон 500 м гача пасайиб боради. Тизмалар этаги меридионал йўналган водийлар билан қирқилган. Иккала тизма Нурота ботиғи орқали бир-биридан ажралиб туради. Икклими тоғ тепалари ва ён бағирларида нисбатан салқин, тоғ этаклари ва ботикларда ёз иссик ва қурук, киши унчалик совук бўлмайди.

Янв.нинг ўртача т-раси —Г, энг паст т-ра —29°, июлники 27—28°, энг юқори т-ра 43°. Вегетация даври 200 кундан ортиқ. Йиллик ёғин 200—300 мм, тоғ ён бағирларида 600 мм гача, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Ёғингарчилик фаслида тоғларда оқар сувлар ҳосил бўлади. Ёзда сойларнинг кўпчилиги қуриб қолади. Йириқроқ сойлари — Оксой, Сағанок, Гужумсой, Пи-чатсой, Пангатсой ва б. Тоғли қисмида булоқ кўп. Тупроқлари ботиқда оч бўз, бўз, тоғ ён бағирларида тўқ бўз тупроқ. 1600 м дан баландда тоғ-жигарранг ва тоғ-ўтлоқ тупроқлари тарқалган. Ўсимликлари, асосан, чўл ва тоғ-чўл ландшафтларига хос. Тоғларнинг 1500—1700 м баландликкача бўлган қисмлари чала чўл ўсимликлари, яъни эфемер ва эфемероидлардан ташкил топган. Бу ерда буталардан бодом, учқат, наъматак, pista, дўлана ва б. ўсади. Тоғларнинг баланд қисмида ора-сира арчалар учрайди. Тоғ олди қисмларида шувок, янтоқ, эфемерлар (ранг, қўнғирбош ва б.) ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, бўрсик, типратикан, юмронқозиқ, тошбака, эчкемар, илонлар (жумладан, заҳарли илонлар), қушлардан каклик, қорабовур, бургут, қорақарға ва б. бор. Қазилма бойликлардан олтин, қурилиш материаллари қазиб олинади. Худудида *Қушработ буюртма қўриқхонаси* жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 84 киши.

Хўжалиги, асосан, чорвачилик, ғаллачилик, қисман боғдорчилик ва тоқчиликка ихтисослашган. Чорвачиликнинг асосий тармоғи — қорақўлчилик. Туманда йирик, ўрта, кичик қорхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кичик қорхоналар (кийим тиқиш, автомобиль таъмирлаш, теле-аппаратуралар тuzатиш ва х.к.) ҳам бор.

Қ.т.да 60,2 мингга яқин қорамол, 207,5 мингга яқин қорақўл қўйлари, 3,7 мингдан зиёд йилки боқилади. Қ.х. маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. 5 ширкат, 1 жамоа, 1 наслчилик, маҳсус, 388 фермер хўжалиги бор.

2004/2005 ўқув йилида 88 умумий таълим мактабида 25,8 мингга яқин ўқувчи, 2 касб-ҳунар коллежида 734 талаба таълимолди. 44 кутубхона (178,7 минг нусха китоб), 19 маданият уйи, стадион, спорт майдончалари мавжуд. 6 касалхона (320 ўрин), 34 фельд-шер-акушерлик пункти, 18 қишлоқ даволаш амбулаторияси ва б. тиббий муассасаларда 125 врач, 710 ўрта ва кичик тиббий ходим ишлайди.

Тошпўлат Жумабоев.

ҚЎШТИРНОҚ — ўзбек тилида кенг қўлланадиган, кўп (тўрт) элемент-ли, қўшалоқ ҳолда ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси. Унинг умумий меъёр ҳисобланган график шакли „ « дан иборат бўлиб, наشريёт ишларида « » шаклида ҳам қўлланади; илмий услубда яқка тирноқ шаклида (, ') ишлатилади. Унинг биринчи қисми очилувчи Қ, иккинчиси эса ёпилувчи Қ. деб юритилади. Ушбу тиниш белгиси ўзбекча матнларда 1886 й.дан «Туркистон вилоя-тининг газети» саҳифаларида қўллана бошлаган.

Қ. кўп вазифали тиниш белгиларидан бўлиб, муайян матн қисмини чегаралаб кўрсатиш билан бирга, унинг матн (Қ.ка

олинган қисм киритилган умумий матн) га синтактик ва интонацион жиҳатдан маълум даражада боғланишини, унга мувофиқлашувини ҳам кўрсатади. Қ. маълум қисмнинг ўзгалиги, муайян нутққа ётлиги (четдан киритилганлиги), унинг одатдаги маънода қўлланмаганлиги ва б.ни ифодалаш учун хизмат қилади. Қ. такрорий, оддий ва мураккаб ҳолатда қўшалок ҳолда қўллана олади. Бунда очилувчи ва ёпилувчи Қ.лар кетма-кет қўлланади; бунда улардан бирининг шакли ўзгартиб қўлланади.

Қуйидагилар Қ. ичига олинади: а) сўз, сўз бирикмаси, ибора ва гап шаклларида бўлган кўчирма (ўзга) нутқ (қ. *Кўчирмаган*); б) цитаталар; в) кўчма маънода қўлланган, қўлланиши одат тусига кирмаган, эскирган ёки янги қўлланаётган; кесатик, пичинг; киноя ва б. маъно учун қўлланган сўзлар; г) бадий асар, газ., жур., мусиқа асарлари, спектакль ва б.нинг номлари; д) муассаса, ташкилот, корхона, жамоа ва ширкат хўжаликлари, завод, фабрика, меҳмонхона, турли (ер, сув, ҳаводаги) транспорт воситаларининг шартли номлари; е) таркибида «орден», «медаль» сўзлари бўлган, аммо бу сўзлар билан синтактик алоқага киришмаган орден ва медаллар номи; ё) маҳсулотларнинг, ўсимликларнинг турини, машина, самолёт, телевизор кабиларнинг маркасини билдирувчи номлар; ж) ички монолог (персонажларнинг ўйи, ички кечинмаларини анг-латувчи сўз ва гаплар); з) синфлар, буйруқлар, қарорларнинг айрим бандларига қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар: IX «А» синф, 6- «А», синф, 135 - «В» сонли қарор, 10-модданинг «Б» банди); и) баҳо баллари («беш», «тўрт» ёки «аъло», «яхши»); й) матн ичида келган мақоллар, ҳикматли сўзлар, сар-лавҳалар ва б.

ҚЎШТОР НЕФТЬ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги кон. Жарқўрғон ш.дан 100 км шарқда. 1966 й. очилган. 1967 й.да фойдаланишга топширилган. Кон релье-

фи бир-бирига уланиб кетган тепаликлар тизими ва жарликлардан иборат. Қн.-к.к. шим.-шарқий йўналишда чўзилган тор антиклиналь структурада жойлашган. Жами 27 та қудук қазилган, бўр, палеоген ва нео-ген даврлари жинслари очилган. саноат миқёсидаги нефть 2-, 3-, 4-горизонтларда мужассамлашган. 2горизонт палеоген даври бухоро қатларининг юқори қисмидаги дарзли оҳақтошлардан (1272—1258 м), 3-, 4горизонтлар ўрта қисмидаги оҳақтошлардан таркиб топган. 2горизонтдаги нефть уюмининг ўлчами 6,2x0,5 км, нефтлилик майдони 290 га. Нефть таркибида олтин-гургурт — 5,58%, асфальтин — 0,97%, акциз смоласи — 80%, парафин — 5,95%. Қн.-к. к.захирасига кўра кичик конлар тоифасига киради. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ҚЎШЧИ — қад. туркий кабилалардан бири. 6—7-а.ларда *Турк хоқонлиги* таркибида бўлган. *Мўзуллар истилосин* ёрида Дашти Қипчоққа келиб жойлашган. 16-а. бошларида *Шайбонийхон* қўшинлари таркибида Мовароуннаҳрга келишган. Улар Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатларининг бошқарув тизимида фаол иштирок этганлар. бухоро амирлиги даврида Қларнинг вакиллари тахтга чиқариш маросимида иштирок этишган. 19-а. охири 20-а. бошларида Қ.лар қуйидаги уруғларга бўлинган: кашғарлик, тўккиз-новча, ших-саёд, моли. Уларнинг катта қисми Самарқанд вилоятининг Ургут, Жомбой туманлари, шунингдек, Жиззах вилоятида ҳам яшаган. Қ.лар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, 16—17-а.лар давомида ўтроқлашиб кейинчалик ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Қ.ларнинг айрим гуруҳлари турк-ман, қирғиз, козоқ ва бошқирдлар таркибига кирган.

«ҚЎШЧИНОР» - 1) мақом услубида яратилган йирик шаклдаги Бухоро ашулаларидан; 2) икки турли йўллардаги

чоғу куйлар номи. «Қ-1» «Жазоир» куйи асосида, «Қ-2» озарбайжон халқ куйлари негизида яратилган.

ҚЎҚОН — Фарғона вилоятидаги шаҳар. Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, Сўх дарёси (тармоғи)нинг куйи оқимида жойлашган. Т.й. станцияси. Қ. жан.дан Катта Фарғона канали ўтади. Аҳолиси 211 минг киши (2004, 1879 й.да 18,4 минг, 1926 й.да 68,4 минг, 1939 й.да 85 минг, 1959 й.да 105 минг, 1979 й.да 158 минг киши).

Маҳаллий тарихчи ва археологлар орасида шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан ортиқ деган тахмин мавжуд. Қ.га оид дастлабки маълумотлар 10-а. ёзма манбаларида учрайди. Этимологияси ҳақида турли тахминлар бор [мас, Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларида «Ҳавоканд» (Хўканд) шаклида, яъни «гўзал», «ёқимли» ёки «шамол шаҳри» маъносида учрайди]. Кейинги асрларда «Хўканди латиф» деган атама ҳам ишлатилган. Ундан ташқари «баландликдаги шаҳар», «хулар шаҳри» [яъни, «ху (ку) қабиласи — элати шаҳри»] версиялари ҳам бор. Қад. Хитой қўлёзмаларида Қ. номи «Гуйшань», «Хўхан» тарзида ифодаланган.

Қ.нинг 18-а.гача бўлган сиёсий тарихи ҳақида маълумотлар жуда оз. Қ. подшо Россияси қўшинлари томонидан забт этилганда *Қўқон хонлиги* архивининг кўп қисми олиб кетилган. Қ. қадимда Ҳиндистон ва Хитойга бориладиган қарвон йўлида жойлашган. 13-а.да мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. Шундан кейин 18-а.гача Қ. кичик аҳоли турар жойи сифатида мавжуд бўлган. 1709 й. Қўқон хонлиги ташкил топгач, 1711 й. Эскиқўрғон қалъаси ўрнида ҳоз. Қўқон ш.га асос солинди, истехком ва қалъа барпо этилди. 1732 й. *Абдурахимбий* бу ишни ниҳоясига етказди ва шаҳарни хонлик пойтахтига айлантирди. Шу даврдан бошлаб шаҳар Қ. деб атала бошлади. Шаҳарнинг мустақкам девори, 12 дарвозаси (Хўжанд, Ғозиёғлик, Қудуқлик, Сармозор, Наманган, Чимён, Сўх, Марғилон,

Риштон, Мўйимуборак, Қатағон, Исфара) бўлган. Қ. худуди 12 маъмурий бўлак (даҳа)га тақсим қилинган. Шаҳарда 3 мингга яқин хонадонда 31 минг киши яшаган. Норбўтабий даврида (1766—98) равақ топди, Шарқнинг савдо-сотик ва хунармандчилик марказларидан бирига айланди. Олимхон хукмронлиги даврида (1801 — 1810) эса Қ.нинг сиёсий мавқеи кучайди. Умархон (1810—22) ва унинг ўғли Мухаммад Алихон (1822—42) хукмронлиги даврида Қ. фан, маданият, адабиёт ва санъат марказига айланди. 1842 й. қ. Бухоро амири *Насруллохон* томонидан босиб олинди. Қўқон хонлиги рус қўшинлари томонидан ишғол этилиб, Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олингач (1876), Қ. янги ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти маъмурий маркази бўлади. Вилоят маркази Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона ш.) га кўчирилгандан кейин (1877 й. 27 апр.), Фарғона вилояти уезд шаҳри, сўнг водийнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Қ. қадимдан хунармандчилик маркази бўлган. Қ.да мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, қуролсозлик, кулолчилик, қоғозгарлик, бадий тўқи-мачилик, дўппичилик, каштачилик, темирчилик, кўприксозлик қабилар ривож топган. Қ. газмоллари Шарқда ва Россияда машхур бўлган. Айниқса, Қўқон қоғози хунармандчиликнинг алоҳида тармоғи сифатида ном қозонган. Рус табиатшуноси А.П. Федчен-конинг таърифлашича (1871 й.да), Ўрта Осиёдаги энг сифатли қоғоз Қ.да ишлаб чиқарилган. Шаҳар ҳаётида савдо муҳим ўрин тутган ва ички ҳамда ташқи савдога бўлинган. Шаҳар рус қўшинлари томонидан забт этилгач, подшо Россияси ҳукумати бу ерда Россия манфаати учун зарур бўлган пахтачилик sanoa-тини ривожлантиришга аҳамият берди. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб шаҳар ва унинг атрофида 31 пахта тозалаш, 5 ёғ-мой, 7 пилла қуриштиш ва 2 ипак қурти уруғи з-длари бунёд этилиб, ишчилар сони 3000 кишига етган. Турки-

стон Умумроссия товар муомаласига тортилиши натижасида бир қанча шаҳарлар, жумладан, Қ.да ҳам пахта харид қилиш ва уни ташиш билан шуғулланувчи рус ва чет эл ширкатлари («Андреев ширкати», «Россия жамияти», «Кавказ ва Меркурий», «Эрон савдо-саноат ширкати», «Шарқий жамият» ва б.) ташкил қилинган. 1913 й.да Қ.да 5 мингдан ортиқ савдо дўкони, 44 карвонсарой, 20 бозор, 10 банк, касалхона, туғруқхона ва 2 дорихона ишлаб турган. Хонлик даврида Қ.да 52 мадраса фаолият кўрсатиб, улардан дастлабкиси «Мадрасаи хиштин» (1729) бўлса, сўнгги қурилгани «Сўфийён» (1891) мадрасасидир. 20-а. бошида Қ.да 120 та эски мактаб, ўндан ортиқ жаҳид мактаби, 3 та рус-тузем мактаби, т.й. ва савдо-тижорат мактаблари ва б. ўқув мас-канлари бор эди. 20-а.нинг бошларида Қ.да «Садои Фарғона», «Янги Фарғона», «Қўқон садоси» газеталари чоп этила бошлади. 1917 й.нинг кузида Қ.да «*Туркистон мухтория-ти*» эълон қилинди. Аммо кўп вақт ўтмай бу озоδικ ҳаракатининг маркази Қ. большевиклар томонидан қонга ботирилди (1918 й. фев.). Тарихий маълумотлар бўйича бу қиргинда 10 мингдан зиёд киши қурбон бўлган. 1918 й.да Қ.да шўролар ҳокимияти ўрнатилди.

2-жаҳон уруши йилларида к. меҳнатқашлари фронтга кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармон жўнатиб турдилар. Шаҳар аҳолиси фронт учун 10,7 млн. сўм пул жамғариб берди. Қўқонлик жангчилардан 2 минг 682 таси собиқ Совет Итшфоксининг ордени ва медаллари билан мукофотланди, 12 таси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қ. Фарғона вилоятининг (Фарғона ш.дан кейин) 2-ўриндаги саноат, транспорт ва маданий марказидир. Шаҳарда 22 и.ч. корхонаси мавжуд. Шулардан 2 пахта тозалаш з-ди, «Улуғбек», «Қўқонадёл», «Шоҳи-атлас тўқиш», «Кўнчи», «Зилол», «Қўқонёғмой», «Қўқоннон», «Қўқон-гўшт», «Қўқонспирт», «Мастона» корхоналари, мотор таъмирлаш, мармар, механика, «Электромаш» з-длари, ма-

шинасозлик, ғишт, и.ч., суперфос-фат, «Қўқон» и.ч., мебельсозлик, қурилиш маҳсулотлари корхоналари, ип йигирув, пайпоқ-тўқув, пойаб-зал, трикотаж-тикувчилик ф-калари ишлаб турибди.

Педагогика ин-ти (7 мингдан зиёд талаба), 14 касб-хунар коллежи (жумладан Қодиржон Ҳайдаров номидаги тасвирий ва амалий санъат коллежи. 1997), академик лицейлар, мусиқа ва санъат мактаблари, 44 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатади. 12 касалхона, 2 диспансер, поликлиникалар, дорихоналар, 2 санаторий мавжуд.

19 кутубхона, 7 клуб муассасаси, 6 та музей (шу жумладан, ўлкашунослик музейи), драма театри, халқ театри ишлаб турибди. 4 болалар спорт мактаби, 3 стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор. Қ. шоир, санъаткорлар шахри сифатида танилган. Қадимда «Қўқон адабий муҳи-ти» машҳур бўлган. Шаҳардан бир қанча адабиёт намояндалар: Амирий, Гул-ханий, Хон, Ғозий, Махмур, Муҳйи, Зорий, Муқимий, Қорий, Комий, Фуркат, Ҳазиний, Насимий Хўқандий ва б.; Ҳамза, Иброҳим Даврон, Ашурали Зоҳирий, Мирзои Хўқандий, Пўлатжон Қаюмий каби маърифатпарвар ижодкорлар етишиб чикқан; Ноди-ра, Дилшод, Барно, Анбар отин,- Лайли хоним, Маҳзуна, Муштарий каби аёл ижодкорлар ҳам шу ерда камол топган. 20-а. ўзбек адабиётига Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Усмон носир, Амин Умарий ва б. ижодкорлар қатта хисса қўшган. Қ. тарихига доир кўплаб тарихий асарлар мавжуд («Тарихи жаҳоннома», «Шоҳномаи Умархон». «Мунтаҳаб уг-таворих», «Ансоб ус салотин ватаворихул-хавокин» ва б.). Қ. меъморлигининг шаклланиши 18-а.дан бошланади. Шу даврда шаҳарда мадраса, масжид, макбара, карвонсарой, кўприк ва б. бинолар бунёд этилди. Монументал иншоотлар Ўрта Осиёнинг қад. шаҳарлари биноларининг тузилиши таъсирида қурилди. Қ.даги йирик меъморий ёдгорликлардан хапқ орасида Мадрасаи Мир номи билан машҳур бўлган

Норбўтабий мадрасаси (1798), ундан ташқари Дахмаи шохон ансамбли (1825), Худоёрхон ўрдаси (19-а.нинг 2-ярми), Жоме масжид (19-а. 1-чораги), Камол қози мадрасаси (1941) ва б. ҳам сақланган.

Муस्ताкиллик йилларида шаҳарда янги бинолар қад кўтарди, ободонлаштирилиб, хиё-бон ва боғлар, янги майдонлар барпо этилди, мактаб, гимназия, лицей, касб-хунар коллежлари қурилди. 2 теле-студия, («Мулоқот», «Ёлқин») ишлайди, 4 газ. чоп этилади. К.дан Фарғона рик шаҳарларига ва вилоятнинг йнавтобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

Ад.: БобобековХ.. Қўқон тарихи. Т.-1966; Қўқон асрлар силсиласида. Қўқон. 2004.

Отабек Жўрабоев.

«ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - озик-овқат санотининг йирик корхонаси. «ЁҒ-мой-тамакисаноат» уюшмаси таркибига киради. Оқланган пахта ёғи. дистилланган ёғ кислотаси, кунжара, шулха ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда пахта чигитидан мой олувчи гидравлик прессли биринчи 3-д бўлган корхона 1884 й.да ишга туширилган. 1910 й.дан Вадъевлар савдо уйи таркибига кирган. 1917 й.даги Октябрь тўнтаришига қадар йилига 6,5—7,5 минг т ёғ ишлаб чиқарган. 20-а.нинг 30-й.ларида бир неча марта реконструкция қилиниб, қайта қурилди. 1947 й.дан суткалик ёғ и.ч. қуввати 55—60 т га етказилди. 1955 й.да ёғ экстракция 3-дининг ишга туширилиши билан 1956 й.дан Қўқон ёғ-мой к-тига айлантирилди. К-тнинг суткалик ёғ и.ч. қуввати эса 125—130 т га етди. К-тда 1962 й.да соапсток ёғ кислоталарини дистиллаш, 1965 й.да донадор кунжара и.ч., 1968 й.да мицелладан *госсипол* ажратиб олиш, сўнг тозалаш цехлари ишга туширилган. 1975 й.да к-т қошида ўрик, шаф-толи данагидан, узум, соя, анор, тарвуз, қовун. чаканда уруғидан ёғ ишлаб чиқарувчи 3-д қурилди ва 80-й.лар

охирига қадар мева-сабзавот данаклари ва уруғларидан олинадиган кенг ассортиментдаги ёғлар ишлаб чиқарди. 1994 й.дан очиктурдаги ақия-аорлик жамияти ва хоз. номда. 90-й.ларнинг 2-ярмидан замонавий чет эл технологик линиялари билан жиҳозланди, чет эл инвестициялари жалб қилинди. 2001 й.да корхона қуввати 850—950 т/сутка чигитни қайта ишлашга етказилди. Маҳсулотлари ички бозорда сотилади, қўшни давлатларга экспорт қилинади.

ҚЎҚОН ЖОМЕ МАСЖИДИ - Қўқондаги меъморий ёдгорлик (1819—22); Қўқон хони *Умархон* номи билан боғлиқ. Масжид улкан хонақоҳ ва уни уч томонидан ўраб олган 98 ёғоч устунли кенг айвон ҳамда минорадан иборат. Бино деворлари ганчқори, изо-ралари часпак услубида, айвон шифти тўсинлари ислимий ва гириҳ нақшлар, устунлар калла муқарнаслар, ўйма нақшлар билан безатилган, таг-курсилар мрамардан ишланган. Минора конуссимон шаклда, юқори қисми 6 қиррали қафаса туйнук ва кубба билан тугалланган, безаксиз. Минора юқорисига айланма зина орқали чиқилади.

Қўқон жоме масжидининг зийнатланган — *қандакорлик* санъатидаги ўзига хос йўналиш; 18—19-а.ларда шаклланган. Қ.к.м.нинг ўймаси саёз, аммо аниқлиги билан ажралиб туради, ислимий ва гириҳ нақшлари жозибадор; ўсимликсимон нақшлари ажойиб гуллар ҳосил қилувчи майда қисмларга бой. 19-а. 2-ярмидан чекма безаклар, чизиклар, катаклар ва б. бўртқиқ шакллар кўп учрайди; нақш заминини бўяш кенг қўлланади. 19-а. охиридан нақш мужассамотларида меъморий обидалар (мас, Худоёрхон ўрдаси, уста Фозил иши ва б.), афсонавий хайвонлар (Уста Лутфулла Фозилов иши ва б.) ва одамлар тасвирлана бошлади; буюмлар феруза, маржон ва б. кўзлар қадаб безатилади. Қ.к.м. вакиллари барқаш, лаъли, чой идишлари, коса ва б. анъанавий буюмларни, шунингдек, ф-қада ишлаб

чиқарилган идишлар (мас, уста Сиддик Отауллаев бегаган самовар ва б.)ни ҳам ўсимликсимон ва хандасий нақшлар билан жозибатор бегадилар. Қ.к.м. усталаридан Отаулла Муҳаммад Ражаб, Мулла Холик, Фозил Отауллаев, Лут-фупа Фозилов ва б. танилган.

21-а. бошига келиб, Қ.к.м. услубида ижод қилаётган уста Мақсуд мадалиев ва унинг шогирдларининг кан-дакорликни ривожлантиришдаги хизматлари катта, улар ижодида Ўзбекистондаги турли кан-дакорлик мактабларининг анъаналари уйғунликда қўлланилиб, ажойиб санъат асарлари яратилмоқда.

«ҚЎҚОН МУХТОРИЯТИ» - қ. *Тур-киспгон мухторияти.*

ҚЎҚОН ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Муқимий номидаги Қўқон педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1931 й. январьда кечки пед. институти номи билан ташкил этилган. 1939 й.дан Ўқитувчилар ин-ти, 1943 й.дан Хотин-киз ўқитувчилар ин-ти деб аталган. 1954 й.дан хоз. номда. 1943 й. окт.да *Муқимий* номи берилган. Ин-тда 9 ф-т (мат. ва информатика, физика-техника, кимё-геоғр., ўзбек тили ва адабиёти, чет тили, пед., жисмоний тарбия, тарих-хуқуқшунослик, мусика), 26 кафедра, 13 бўлим (маънавият ва маърифат; ўқув жараёни сифатини назорат қилиш; илмий; ўқув; ахборот технологиялари; таъминот; режалаштириш; кадрлар; махсус; меҳнат муҳофазаси; техник; хўжалик; сиртки), 25 ўқув ва 1 илмий лаб., кутубхона (220454 асар) ва ўқув зали бор (2005). Ин-т 16 таълим йўналиши (мат. ва информатика; физика ва астрономия; кимё ва экология; биол. ва инсон ҳаётий фаолияти хавфсизлиги; геоғр. ва иқтисодий билим асослари; тарих; пед. ва психология; мусикий таълим; ўзбек тили ва адабиёти; инглиз тили; рус тили ва адабиёти; миллий истиқлол ғояси ҳамда хуқуқ ва маънавият асослари;

бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш; мактабгача таълим ва болалар спорти; жисмоний тарбия ва жисмоний маданият; меҳнат таълими) бўйича бакалаврлар, 3 ихтисослик (мат., физика, ўзбек тили ва адабиёти) бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-тда 1998 й.дан аспирантура фаолият юритади. 2004/05 ўқув йили ин-тда 7086 талаба таълим олди, 444 проф.-ўқитувчи, жумладан, 11 фан д-ри ва проф., 88 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т фаолияти И.Расулов, О.Бозоров, М.Мукаррамов, Ҳ.Бобобеков ва б. проф.-ўқитувчилар номи билан боғлиқ. Ин-т ташкил этилгандан бери 30755 мутахассис тайёрлади (2005).

«ҚЎҚОН СПИРТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - спирт саноатининг йирик корхонаси. «Ўзспирт-саноат» акциядорлик компанияси таркибида. Қўқон ш.дан 7 км узоқликдаги Муқимий шаҳарчасида жойлашган. Бугдодан ликер-арак, тиббиётда ишлатиладиган тозаланган «Экстра» ва юкори даражада тозаланган этил спирти, халқ хўжалигида ишлатиладиган бошқа иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқаради. 1991 й.да ўғитлар ва сульфат кислота ишлаб чиқарадиган Янги Қўқон кимё з-ди (1983) негизда озик-овқат спирти ишлаб чиқарадиган «Қўқон» и.ч. бирлашмаси ташкил этилди. Қайта реконструкция қилиниб, йиллик қуввати 1,8 млн. дал бўлган 1-навбати 1995 й.дан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1998 й.да 2-навбати (йиллик қуввати 0,9 млн. дал) ишга туширилди. 2000 й.дан очик турдаги акция-дорлик жамияти (Устав фонди 10127,6 млн. сўм; акциялар пакетининг 51% давлатга, 47% чет эл инвесторларига, 2% меҳнат жамоасига тегишли). Маҳсулотлари «Ўзмевасабз авотузумсаноатхолдинг» компанияси корхоналарига етказиб берилади, қўшни давлатларга экспорт қилинади. 2004 й.да 988,1 минг дал спирт ишлаб чиқарилди.

Абдукарим Умаров.

«КЎҚОН ЗАВОДИ» СУПЕРФОСФАТ АКЦИЯДОРЛИК

ЖАМИЯТИ - кимё саноати корхонаси, оддий, аммонийлашган суперфосфат ўғитлари, кальций карбид, пайвандлаш электродлари ишлаб чиқаради. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. 1935 й. июль ойида аралаш ўғитлар ф-каси негизида ташкил этилган. Уруш йилларида мудофаа аҳамия-тига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарган. 1941 й.да эвакуация қилинган Нева ва Воскресенск кимё з-длари ускуналари асосида суперфосфат цехи қурилиши бошланиб, унинг бирин навбати 1946 й. апр.да ишга туши-шди. Шу йилдан «Кўқон суперфосфат з-ди» номини олди. 1947 йилда /ульфат кислота и.ч. цехи қурилиб шга туширилди, суперфосфат танархини камайтириш мақсадида з-д уратов (Қозоғистон) фосфоритидан суперфосфат олишни ўзлаштирди. 1953 й.дан аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқарила бошланди. 1956 й.да сульфат кислота ишлаб чиқарувчи цех реконструкция қилинди. 1958 й.да 100% ли P_2O_5 бўйича йиллик қуввати 42 минг т бўлган, илғор техника билан жиҳозланган иккинчи суперфосфат цехи, 1962 й.да йиллик лойиҳа қув-вати 45,5 минг т аммонийлашган суперфосфат цехи фойдаланишга топ-ширилди. 1964 й.да аммонийлашган суперфосфат олишнинг янги технологияси (аммонизациялаш — қуришиш — ёйиш — майдалаш) жорий қилинди. 1974 й.дан донатор аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқариш ўзлаштирилди (ишлаб чиқарилган минерал ўғитларнинг 40%). 1998 й. апр. ойида *Қизилқум фосфорит мажмуасида* ишлаб чиқарилган фосфорит хом ашёсидан фойдаланишга ўтди ва унинг йиллик и.ч. қуввати 178,0 минг т суперфосфатга етказилди. 2003—2004 й.ларда аммонийлаш цех қайта жиҳозланди, ўғитни қадоқлаш автоматлари ўрнатилди. 1997 й.дан

акциядорлик жамияти. 2002 й. фев.да корхона акцияларининг 60,2% чет эл инвесторларига сотилди ва Ўзбекистон—Россия чет эл инвестицияси иштирокидаги «Кўқон суперфосфат з-ди» очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади (2004 й.да 600 т суперфосфат). 2004 й.да корхонада 164,1 минг т аммонийлашган суперфосфат, 101,9 млн. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

КЎҚОН ТЕАТРИ, Ҳамза номидаги Кўқон шаҳар мусикали драма театри — Ўзбекистондаги кўҳна театрлардан бири. 1919 й. Ҳамза ташаббуси билан ташкил топган. 1920 й. округ театрига, 1924 й.дан давлат театрига айлантирилган. Репертуари, асосан, Ҳамза асарлари: «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Ким тўғри», «Заҳарли ҳаёт» ҳамда М.Уй-ғурнинг «Туркистон табиби», Н.Гоголнинг «Уйланиш» спектаклларидан иборат бўлган. 1929 й. театрга Ҳамза номи берилган. 1931 й.дан театр қайта ташкил қилиниб, драма ва мусикали спектакллар қўя бошлаган. «Зафар» (У.Но-сир), «Шоҳи сўзана», «Оғрик тишлар» (А.Қахҳор), «Ревизор» (Н.Го-голь), «Икки бойга бир малай» (К.Гольдони), «Момақалдирик» (А.Ос-тровский) каби драматик, «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Т.Содиқов, Н.Миронов мусикаси), «Фарход ва Ширин» (Хуршид; В.Успенский, Г.Мушель), «Нурхон» (К.Яшин; Т.Жалилов, Г.Собитов) сингари мусикали асарлар билан репертуари бойи-тилган. 1961 й.дан драма театри деб юритила бошлаган. 1978 й.дан ҳоз. номда. *Л.Саримсоқова, М.Аҳмедов, С. Аҳмедов, С. Каримова, З. Мирзатов, М.Қўлдошев, О. Ҳасановлар* шу театр саҳнасида ижод қилганлар. Театр жамоаси 1987 й. янги замонавий бинога кўчиб ўтган.

Театр мустақиллик йилларида томошабин талабига мос, янги талқинга бой, турфа мавзуларни ўз ичига олган

спектакллар яратишда изланди. «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулла, Т.Жа-лилов), «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшин, Т.Исломов), «Жонли тузоқ» (Г.Мдивани), «Уфқ (С. Аҳмад), «Муҳаббат қасри», «Қўқоннинг ўн икки дарвозаси», «Башар алломаси» (Н.Абдуллаев), «Увайсий» (Х.Абдуҳакимова), «Ҳасан Кайфий» (Ғ.Ғулом асари асосида М.Жўраев), «Боғ» (Н.Аббосхон), «Берк кўча» (Ж.Маҳмудов) ва б. сўнгги йиллар яратилган энг яхши спектакллардир.

Театрнинг сўнгги йиллар ривожланишида драматург Нурилла Абдуллаев ҳамда актёр Рашидхон Содиқовларнинг хизматлари катта. Шафоат Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова, артистлардан Маҳмуджон Юсупов, Дилшод Аҳмадиллаев, Равшан Иброҳимов, Баҳромжон Раҳимов, Юнусали Халилов, Ҳалимжон Ортиқов, Сабоҳиддин Эргашев, Наргиза Ғози-ева, Одинахон Бегматова ва б. театрнинг етакчи ижодкорларидир. Театрнинг бош реж.и ва бош раскоми Азимжон Азизов.

Эсон Ўринов.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ - ўзбек хонликларидан бири (18—19-а.лар). Пойтахти — Қўқон. *Минглар* уруғидан бўлган *Шоҳрухбий* 1709 й.да асос солган. Бу давлат таркибига дастлаб Қўқон, наманган. Марғилон, Конибодом, исфара ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар кирган. *Абдурахимбий* даврида Бухоро хонлигига ҳарбий юриш қилиниб Самарқанд эгалланади (1732). *Абдулқаримбий* даврида 1746 й. *қалмоқлар* Фарғона водийсига хужум қилиб, Ўш, Андижон, Марғилон ш.ларини эгаллаб, Қўқонни қамал қилган. Қўқонликлар ёрдамга келган Ўратепа ҳокими Фозилбий кўшинлари билан биргаликда уларни Фарғона водийсидан қувиб чиқаришган. *Норбўтабий* даврида Чуст ва Наманган бекларининг мустақиллик учун кўтарган ғалаёнлари бостирилган. Мамлакатда суғориш иншоотлари барпо

қилинади, савдо ва хунармандчилик, к.х. бирмунча ривож топади ва нисбатан арзончилик бўлади.

Норбўтабийнинг ўғли Олимбек хукмронлиги даврида Қўқоннинг сиёсий мавқеи янада кучайган, ҳарбий исло-ҳот ўтказилган, Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент ва Сайрам тобе этилган, ташқи савдога ҳам эътибор кучайтирилган. 1805 й. давлат расман Қ.х. деб эълон қилиниб, Олимбек «хон» унвонини олган. *Олимхоннинг* марказлашган кучли давлат тузиш борасида қилаётган ҳаракатлари айрим мансабпараст зодагонлар гуруҳида норозилик кайфиятларини вужудга келтиради. Натижада улар Олимхоннинг сафардалигидан фойдаланиб 1810 й. Қўқонда «Олимхон Тошкентда ўлди», деган миш-миш тарқатишади ва унинг укаси Умарбекка тож кийгизадилар. Олимхон бундан хабар топиб, Қўқонга йўл олади, бироқ у Олтиқуш мавзеида отиб ўлдирилган.

Умархон даврида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чоралари кўрилган. 1815 й. *Бухоро хонлигига* қарашли Туркистон, 1817 й. эса Ўратепа босиб олинган. Сирдарё бўйида бир қанча ҳарбий истеҳкомлар барпо этилган; суғориш иншоотларини кенгайтириш, каналлар қазилар, масжид ва мадрасалар қуришга эътибор берилган. Хусусан, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, авлиётога (ҳоз. Жамбул)да масжид ва мадрасалар қурилган. Мозорлар тартибга солинган. Умархон хукмронлиги даврида Қ.х.да фан, адабиёт, санъат нисбатан юксалган. Бунда унинг сеvimли хотини — машҳур ўзбек шоираси *Нодирабетимнинг* хизмати катта бўлган. Умархоннинг ўзи ҳам «Амирий» тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар ёзган. Умархон вафотидан сўнг унинг 12 ёшли ўғли *Муҳаммад Алихон* тахтга ўтирган. Хон ёш бўлганлиги учун давлатни дастлабки даврда онаси Нодирабегим бошқарган. Нодирабегим маданият ва санъатни ривожлантиришга интиланган.

1826 й. Шарқий Туркистонда хитойларга қарши бош кўтарган мусулмон аҳолига ёрдам бериш учун қўшин тор-тиб борилган. Натижада Хитой ҳуку-мати Шарқий Туркистоннинг 6 та шаҳри (Оқсув, Қашқар, Ёркенд, Хўтан ва б.) дан солиқ олиш ҳукуқини Қ.х.га беришга мажбур бўлган.

Муҳаммад Алихон хонлик ҳудудини кенгайтиришга интилиб, Жан. Олай тоғ этагидаги Қоратегин, Дар-воз, Шуг'нон, Рўшон, Воҳон бекликларини бўйсундирган. Бу даврда хонликда суғориш ишлари анча йўлга қўйилган. Тошкент яқинида Хонариқ канали қазилган. Ташқи иқтисодий-савдо алоқалари ҳам анча яхшилانган. Бухоро амири Насрулло (қ. *Насруллахон*) билан юз берган урушда (1840 й.) Муҳаммад Алихон енгилиб, Хўжандни амир Насруллога топширишга ва ўзини унинг ноиби деб тан олишга мажбур бўлган. Аммо Бухоро — Қўқон муносабатлари бундан кейин ҳам кес-кинлашган. Натижада 1841 й. нояб. ойда Муҳаммад Алихон ўз укаси Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечган. Бу воқеадан хабар топган амир Насрулло Қўқонга бостириб келиб, уни талон-торож қилади. У шу қирғин-барот давомида Муҳаммад Алини, унинг укаси Султон Маҳмудхонни, онаси Нодирабегимни ва б. юқори ман-сабдорларни қатл эттиради. Амир фармони билан Қ.х. Бухоро ноиби томо-нидан бошқарила бошланган. Амир ноиби Қ.х. аҳолисига оғир солиқлар юклайди. Натижада 1842 й. ёзида қўқонликлар қўзғолон кўтаради, амир Насруллога содиқ кишиларнинг кўпчилигини ўлдирдилар ва Норбў-табийнинг укаси Ҳожибекнинг ўгли Шералини хон қилиб кўтаришади. Бунини эшитган Бухоро амири Қўқонга қўшин тортиб ўз ҳукмронлигини қайта ўрнатиш учун уни камал қилади. Бироқ камалнинг қирқинчи кунини Хива хони *Оллоқулихоннинг* Бухоро ҳудудига қилган хужуми ҳақидаги хабарни эшитиб, орқага қайтишга маж-бур бўлган. Натижада

қўлдан кетган кўпгина ҳудудлар (Хўжанд, Тошкент) яна Қ.х. ихтиёрида қолади.

Шералихоннинг (1842—45) тахтга ўтиришида кўмакчи ва хайрихоҳ бўлган қипчоқлардан *Мусулмонқул* мингбоши қилиб тайинланган. Мусулмонқул, асосан, харбий ишлар билан шуғулланган ва хон қўшинларининг таркибини кўпроқ қипчоқ йигитлари билан тўлдирган. Мусулмонқул ўз мавкеидан фойдаланиб, Шералихонга ўз таъсирини ўтказишга интилган. Аммо хон бунга йўл қўймасликка интилади. Мусулмонқул хондан норози бўлиб, бошқаларнинг қўли билан суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган. 1845 й. Ўшда хоннинг солиқ сиёсатига қарши қўзғо-лон бошланади. Мусулмонқул қўзғо-лонни бостиришга кетганида, унинг шериклари Олимхоннинг ўгли муродбекни Қўқонга таклиф қилиб тахтга ўтказганлар. Шералихон ўлдирилган. Тахтни сақлаб қолиш учун *Муродхон* ўзини Бухоро амирининг ноиби деб тан олишга мажбур бўлган. Мусулмон-қулни мингбоши лавозимида қолганлиги ҳақида фармон чиқаради ва унинг Қўқонга қайтишини талаб қилади. Мусулмонқул эса Ўшдан Наманганга келиб қизини Шералихоннинг ўгли Худоёрга турмушга беради ва у билан Қўқонга келиб, Муродхонни ўлди-риб, ё'ш Худоёрни хон деб эълон қилади (қ. *Худоёрхон*). Мусулмонқул хоннинг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустақил равишда ўзи бошқаради, катта лавозимлар қипчоқларга улашиб берилади. Натижада Мусулмон-қулга қарши хонлик ҳудудига норозилик ҳаракати кучайди ва у мингбошиликдан бўшатилади. Мусулмонқул ўз мавкеини тикламоқчи бўлиб, руслар билан алоқа ўрнатишга интилади ва русларнинг вакили *В.В.Вельяминов-Зернов* билан 1853 й. баҳорида махфий учрашади. Мусулмонқулнинг рус қўмондонини вакили билан учрашгани ва ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлганлигидан хабар топган ўзбек ва қирғиз зодагонлари

(Муҳаммад Ниёз Қушбеги, муҳаммад Ражаб Қўрбоши, Муҳаммад Ёқуббек қушбеги ва б.) кипчоқлардан қутулиш йўлини ахтариб Худоёрхонни ўзлари тарафга оғдириб, 1853 й. кипчоқлар киргинини бошлаб юборишган. Муслимонқул асирга олиниб, қатл қилинган.

Бироқ Қ.х.да ўзаро тахт учун курашлар тинчимасан, юқоридаги ҳарбий амалдорлар Худоёрхонга қарши фитна тайёрлаганлар, бироқ у муваффақиятсиз чиққан (қ. *Ёқуббек*). Қисқа вақт ичида хонлар бир неча марта алмашган (1852—62 й.ларда Шералихоннинг ўғли *Маллахон*, 1862—63 й.да Шоҳму-родхон, 1863 й. май-июнда яна худоёрхон, 1863 й. июль — 1865 й.ларда Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхон хон бўлган).

1865 й. Қўқонда кипчоқ ва кирғизлар Худойқулбекни тантанавор равишда хон деб эълон қиладилар. У атиги 14 кунгина хонлик қилади, сўнгра барча хазинани ва қимматбаҳо нарсаларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Худоёрхон ҳеч қандай қаршиликсиз Қўқон тахтини қайта эгаллаган (1865—75). Бундай беқарор ички вазиятдан фойдаланган Россия Қ.х.га қарши истилочилик ҳаракатларини бошлаб юборган. Натижада 1853—65 й.лар давомида Окмачит, Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота, Туркистон, Чимкент, Тошкентни ва уларнинг атроф ҳудудларини босиб олади. 1867 й. 14 июлда император Александр II Туркистон ҳарбий округини таъсис этди ва Ўрта Осиёда босиб олинган ва салтанат таркибига киритилган ҳудудлар ҳисобидан *туркистон генерал-губернаторлигини* ташкил қилди. Чоризм босқини туфайли Қ.х. чегаралари анча қисқариб кетди. Хазианага тушадиган даромадлар кескин камайди. Хон хазинани тўлдириш учун янгидан қўшимча солиқлар жорий этди. Халқ бундан норози бўлиб 1871 й. Сўхда ғалаён кўта-ради. Бу ғалаён қуролли қўзғолонга айланиб кетди. Ўрта Осиё тарихида энг узоқ давом этган «*Пўлатхон*»

қўзғолони бўлиб ўтади. Рус қўшинлари қўзғо-лончиларни енгдилар ва Пўлатхон асирга олинди. У 1876 й. 1 март ойида Марғилон ш.да дорга осилади. Чор қўшинлари Қ.х.ни босиб олиб, хонликни расман бекор қиладилар ва ўрнига Фарғона вилоятини таъсис этадилар.

Қ.х.да қуйидаги мансаблар мавжуд бўлган: *мингбоши*, *оталиқ*, *шайхулислом*, *кози-калон*, *қушбеги*, *меҳтар*, *парвоначи*, *нақиб*, *додхоҳ*, *эшик оғаси*, *иноқ*, *шиғовул*, *тўқсоба*, *мирохур*, *қора-вулбеги* ва б.

Қ.х.да мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар қуйидагича бўлган: мингбоши — одатда, у вазирлик вазифасини бирга олиб борган. Кейин *понсаббоши*, *юзбоши*, *элликбоши*, *ўнбоши*, замбаракчи ва б. Булардан ташқари, бошқа ҳарбий мансаблар ҳам бўлган. Қўқонда яшган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги ноиб, додхоҳнинг доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додхоҳ ўз қисмига ҳара-катдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтинчалик бошчилик қилишни махсус тайинланган *амири лашкар* (бош қўмондон)га топширарди.

19-а.нинг 1-ярмида Қ.х. таркибига қуйидаги ҳудудлар кирарди: Сирдарёнинг сўл соҳили билан Қоратегин оралигидаги Қўқон вилояти; Сирдарёнинг ўнг соҳилидан то Олатовгача бўлган Наманган вилояти; Хўжанд шаҳри; Хўжанд билан Тошкент оралигидаги Ўратепа вилояти. Хонликнинг энг шим. вилояти Туркистон, Бетпақ-дала саҳроларига бориб тақаларди. Бундан ташқари, хонлик таркибига Олай худуди, Балхаш кўли билан Сирдарёнинг юқори оқими оралигидаги ерлар кирарди. Биллуртоғнинг ғарбий томонидаги Қоратегин, Дарбоз, Қўлоб, Шуғнон сингари бир қатор тоғли туманлар ҳам Қ.х.га тегишли эди. Бу ерларни қўқонликлар 19-а.нинг 30-й.ларидан бўйсундиришган бўлса-да, улар тез-тез қўлдан-қўлга, кўпроқ Бухоро амири ихтиёрига ўтиб турарди.

Қ.х. аҳолисининг сони 3 млн.га яқин

эди. Чоризм қўшинлари унинг шим.-ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик худуди анча қисқариб, асосан, Фарғона водийси билан чекланади ва аҳоли сони тахм. 2 млн.га тушиб қолади.

Қ.х.нинг аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тожиклар, кирғизлар, козоклар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Қ.х.да ҳам ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш турли хил бўлган. Хонликка қарашли бўлган ерлар ам-лок ерлар, вақф ерлари, мулк хи-рож ва мулк ушрига тақсимланган. Дехқонлар ўртасида яқка дехқон хўжалиги ҳам ривожланган. Ўз ерларидан ажралган камбағал дехқонларнинг кўпчилиги йирик ер эгалари қўлида чоракорлик қилганлар. Ернинг баҳоси унинг унумдорлиги ва қанчалик сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Хонлар сўғориш тармоқлари катта даромад манбаи бўлганлиги сабабли маълум даражада уларни саклашга, сўғориш иншоотларини янада кенгайтиришга яхши эътибор беришган. Қ.х.да кўплаб пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғ-дорчилик ҳамда пиллачилик тараққий этган. Хунарманд-қосибчилик мазмунан бой ва серқирра бўлган. Булар: мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, ҳарбий қурол и.ч., сопол ва кўзагарлик, қоғозгарлик, бадий тўқимачилик, дўппичилик, каштачилик, кўприксозлик, темирчилик ва ш.к.

Булардан ташқари, хонликда ер ости бойлиги ҳам маълум даражада қазиб олинган. Аммо уларни и.ч. содда ва кам эдики, улар эҳтиёжни қондира олмасди. Мас, хонликда ишлаб чиқарилган металл Россиядан олиб келинган металлдан қиммагга тушарди. Қ.х.да ишлаб чиқилган маҳсулотлар эса чет элларга ҳам олиб чиқилар эди ва уларга талаб ҳам бор эди. Шунинг учун бу соҳа маълум даражада ривожлана борган.

Савдо-сотик Қ.х. ҳаётида катта ва муҳим ўрин эгаллаган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Осиё хонликларида ички савдо, асосан, қад. даврдан бери ўзаро кўчманчи чорвадор,

ўтроқ дехқонлар ва шаҳар-кишлоқ хунармандлари маҳсулотларига асосланган эди. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан ўз хонлигидаги маҳсулотлар билан қондиришган.

Қ.х.нинг иқтисодий ҳаётида Бухоро, Хива, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса, Россия билан бўлган ташқи савдо катта ўринни эгаллаган. Россия билан олиб борилган савдо муносабатлари Қ.х. қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади. Қ.х. Россиянинг хом ашё базасига ва ташқи савдо бозорига айлана борди. Россия саноати товарларининг олиб келиниши маҳаллий саноат корхоналарини ва айрим хунармандларнинг инкирозга учрашига сабаб бўлди.

Кўкон, Марғилон ва Наманган ш.ларида ип ва ипак матолар (атлас, шойи, бекасам, адрас, чит, бўз ва б.) тўқилган. Шунингдек, бошқа хунармандчилик тармоқларида хўжалик асбоблари, дехқончилик учун керакли ускуналар, қурол-яроқлар, заргарлик буюмлари, коғоз ва б. нар-салар ишлаб чиқарилган. Ер ости бойликларидан нефть, олтин, қумуш, мис, рух, темир, кўрғошин ва б. ҳам маълум миқдорда қазиб олинган. Хонликда пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик ва пиллачилик ҳам тараққий этган.

Қ.х.дан чет давлатларга қурилган мевалар, жун, тери, ипак, гилам, пахта ва ипак матолар чиқарилган. ташқи мамлакатлардан эса турли металл рудалари, металл буюмлар, қанд ва б. маҳсулотлар келтирилган.

Маданияти. Қ.х.нинг 18—19-а.лар 1-ярмида кечган маданий ҳаётида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борганлиги аёндыр. 19-а.да Қ.х.да тарихнавислик сезиларли равишда ўсиб борган. Олдинлари ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва янги китоблар ёзилди. Бу

янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди — уларнинг айримлари шеърини ёки қисман шеърини йўлда ёзилди. Бу эса кўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеърятда қалам тебратганликларини кўрсатади. Мас, «Тарихи жаҳоннамойи» (Жунайд Мулло Авазмуҳаммад Мулло Рўзи Муҳаммад сўфи ўғли), «Шоҳнома» (Абдулкарим Фазлий Намангоний), «Шоҳномаи Умархоний» (Мирзо Қаландар Муш-риф Исфарайий, у Фазлий Намангонийнинг «Зафарнома» асарини насрий қилиб ёзган), «Мунтахаб аттаворих» (Хўжа Муҳаммад Ҳакимхон-тўра бин Сайид Маъсумхон), «Тарихи Шоҳрухий» («Тарихи сай-йиди Худоёрхон», Мулло Ниёз муҳаммад Хўқандий Ниёзий бин Мулло бин Ашур Муҳаммад Хўқандий), «Тарихи жадидаи Тошканд (Муҳаммад Солиххўжа ибн Қорихўжа), «Шоҳнома» (Маҳзун Зиёвуддин Хўқандий), «Жангномаи Худоёрхон» (Шавқий Намангоний) ва б.

19-а. бошларида шаклланган Кўқон адабий муҳити ҳам хонлиқнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Кўқон ҳукмдорларининг қатор намо-яндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм-маъри-фат билан шуғулланиб, бу соҳани раванак топдиришга катта саъй-ҳаракат қилганлар. Айниқса, бунда Кўқон хонларидан Умархон (1810—22) ва муҳаммад Алихон (1822—41) даврлари яққол ажралиб туради.

Хусусан, Акмал (Махмурнинг отаси), Амирий (Кўқон хони Умархон), Боқихонтўра, Муҳаммад Шариф, Гулханий, Махмур (Маҳмуд), Мунтазир, Низомий Хўқандий (асл номи Низомиддин Муҳаммадаминхўжа ўғли), Нодир, Нозил Муҳаммад Аваз, Авазмуҳаммад Ёрмуҳаммад ўғли Писандий, Фазлий Намангоний, Ғозий сингари шоирлар халқ ичида машҳур эдилар.

Кўқон адабий муҳитининг яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида

баб-баравар қалам тебратган бир қатор таниқли ва машҳур ўзбек шоирлари истеъдоди кенг ривож топди. Мас, *Дилиод отин*, *Зебунисо*, Зиннат, Мох-зода Бегим, Махзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, *Увайсийларнинг* ижоди айрича аҳамиятга молик-дир.

Кўқон адабий муҳитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан кейинчалик *Муқимий*, *Фурқат*, *Завқий* ва б. етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чиқдилар ва ўз халқининг эрки, хурлиги ва озодлиги учун хизмат қилдилар.

Умуман олганда, 19-а.нинг ўрталарида келиб, Ўрта Осиё хонлиқларида адабиёт ва тарихшунослик билан бир қаторда мат., тиббиёт, геогр., астро-номияга оид ҳамда диний асарлар яра-тилди. Бу хонлиқларда миниатюра ва хаттотлик санъати ҳам ўз ўрнига эга. Бу даврнинг маданий ҳаётида дорбозлик, аския, кўғирчоқ театри, масха-рабозлик, айниқса, бастакорлик бир-мунча ривожланди.

Қ.х.нинг барча беклиқларида мадраса, мактаб ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасаларда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар бўйича танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам бу ерга турли мамла-катлардан кўплаб талабалар келиб ўқишган.

Ад.: Бобобеков Ҳ., Кўқон тарихи, Т., 1996.

Ҳайдарбек Бобобеков.

КЎҚОН ШАМОЛИ - Ўрта Осиёдаги кучли шамоллардан бири. Фарғона водийсининг Фарғона йўлаги орқали водий томон ҳаракатланади. Тезлиги 32—35 м/сек., йилига ўртача 40 кун эсади (яна қ. *Бекобод шамоли*).

КЎҚОН ШАҲАР ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — Кўқон ш.даги маданий-маърифий муассаса. 1925 й. *Худоёрхон ўрдасида* Фарғона округ ўлкани ўрганиш музейи номи билан ташкил этилган; 1930—57 й.ларда Кўқон районлараро ўлкани ўрганиш музейи. 1958 й.дан хоз. номда.

Музейда табиат, тарих, қад. давр тарихи, янги давр тарихи, санъ-ат, оммавий ишлар бўлимлари, кутубхона (7 минг дона китоб) бор; фон-дида 37 минг дона экспонат сақланади (2004). Музей экспозицияси Қўқон ш. тарихи, Фарғона водийси табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, маданиятини атрофлича акс эттиради. Музейнинг 4 бўлими фаолият кўрсатмоқда: Қодиржон *Ҳайдаров* уй-музеи, Жоме амалий санъат музейи, Муқимий уй-музеи, Ҳамза уй-музеи.

КЎҚОН ҚЎЗҒОЛОНИ - к. «*Пулатхон*» қўзғолони.

КЎҚОНГУЛ, кашқаргул, астра — мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки туркум ўсимликларнинг умумий номи. 200 тури маълум. Шим. ва Жан. Америкада, Африка, Осиё ва Европада кенг тарқалган. СаШЗеръизнинг ягона тури — хитой ёки бир йиллик Қ. (С. спшпз15) Хитой ва Японияда ёввойи ҳолда ўсади, гуллари йирик, саватчага йиғилган, ранги бинафша, қизил, оқ, июлдан то кузгача очилади. Бир йиллик қатқат гулли ва б. хиллари манзарали Қ.нинг уруғбошиси ҳисобланади. 4 мингга яқин маданий нави бор. Улар бир-биридан шакли, туси, бўйи ва гулларининг жойла-шиши билан фарқ қилади. Қ.нинг иккинчи Азлеғ туркуми турларининг барглари оддий, кетма-кет жойлашган кўп йиллик ўтлардан ташкил топган. Гуллари, саватча, тўпгулларга йиғилган. Тундрадан то ўрмон зонасигача бўлган ямловлар, даштлар, тоғ зоналарида ўсади. Уруғидан кўпайтиради. Ҳовли, боғларда, хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

КЎҚОН-ЖИЗЗАХ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ (А-376) — давлатлараро аҳамиятга эга бўлган магистрал йўл. Қўқон ш.дан бошланиб, Тожикистон Республикаси ҳудудида Конибодом ш., Қайроққум сув омборини ёнлаб Хўжанд ш., сўнгра Тошкент вилоятининг бекобод тумани, Сирдарё вилоятининг

Ховос, Жиззах вилоятининг Зомин туманидан ўтади ва Тошкент — Тер-миз (М-39) халқаро автомагистралини кесиб ўтиб Жиззах ш.га киради. Халқ ҳашари йўли билан 1938—40 й.ларда қурилган. Кейинги даврларда бир неча марта реконструкция қилинган ва кенгайтирилган. Умумий уз. 300 км. Йўлнинг 164 км қисми асфальт-бетон, 136 км қисми қора тўшамали. Йўлнинг 53 км — I даражали, 232 км — II даражали, 15 км — III даражали тоифага киради. Транспорт ҳаракати жадаллиги 1585—3566 автомобиль/кунни ташкил қилади.

Тоҳиржон Мирзаев.

КЎҒА, чакан — қўғадосларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Пояси тик ўсади, цилиндрсимон йўғон, бўйи 2—3 м. Барглари кенг тасмасимон. Гуллари майда, айрим жинсли, гулкўрғонсиз, кўнғир тусли тўпгулга йиғилган. Эр-как гуллари тўпгулнинг юқори қисмида, урғочи гуллари эса ост қисмида жойлашган. Илдизпояси серкрах-мал, ер бағирлаб ўсади. Июнь-сент.да гуллайди ва мевалайди. Меваси ёнғоқ-ча. Учмали майда уруғлари шамол воситасида тарқалади. Уруғидан ҳамда илдизпояларидан кўпаяди. Ўрта Осиё-датарқалган. Ботқоқ жойларда, сув омборлари, ариқлар ва ташлама каналларнинг кирғоқларида, тўқайзорларда ўсади. Шоли майдонларини иф-лослайди.

Кураш чоралари: ер илдизпоя жойлашган чуқурликкача ҳайдалади ва сўнгра илдизпо-ялар йиғиштириб олинади. Суғориш системасидаги каналлар тозаланади.

КЎҒАДОШЛАР — кўп йиллик ўтлар. 1 туркум (*кўза*) ва 15 турдан иборат. Европа ва Шим. Америкада кенг тарқалган. Ўзбекистонда 6 тури дарё, канал, ариқ бўйларида, кўллар атрофида ўсади. Поялари 30—200 см атрофида; силлиқ, бўғимларга ажралмаган. Барглари қалами, 2 қатор бўлиб ўрнашган. Гуллари I жинсли, гулкўрғонсиз. Чангчи

гуллари тўпгулларнинг юқори қисмида, уруғчи гуллари эса пастки қисмида жойлашган. Июнь—авг.да гуллаб, мева беради.

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ - театр санъати тури, Чодир ичида ёки парда ортида яширинган актёр-кўғирчоқбозлар томонидан ҳаракатга келтириб кўрсатиладиган кўғирчоқлар томошаси. Кўғирчоқларнинг тури (тўла, ясси, шартли ёки натурал), бошқариш тизими (ип билан бошқариладиган, қўлга кийиладиган, сояси тушириладиган, симли ва механик) ва катта-кичиклиги (бир неча сантиметрдан тортиб одам бўйидан ҳам юқори кўғирчоқлар) билан боғлиқ ҳолда хилма-хил шакллари юзага келган. Миллий анъаналар, шарт-шароит, драматургик ва саҳнавий мақсадлар ҳам Қ.т. томошаларининг шакли ва мазмунига таъсир кўрсатади. Инсон характери, жамият ҳаётини ёрқин ва умумлашма тарзда акс эттириш, мажоз, саҳнавий бўрттирма Қ.т.да сатирик ҳамда қаҳрамонлик йўналишлар қарор топишини таъминлаган. Қ.т. табиатни илоҳийлаштириш каби маросимларга бориб такалади. Геродот, Ксенофонт, Аристотель, горадий, Аврелий ва б.нинг маълумотлари бўйича 5—6-а.лардаёқ Қ.т. пайдо бўлган. Шарқда Қ.т.нинг барча шакллари мавжуд бўлган, бироқ шундан соя театри (Ўзбекистон худудида «*Фонус хаёл*» деб юритилган) кенг тарқалган. Индонезияда 11—12-а.ларда симлар билан бошқариладиган кўғирчоқ томошалари бўлган. Шарқда ҳамон Қ.т.нинг анъанавий турлари ва шакллари яшаб келади. Ғарб мамлакатларида эса 19-а.нинг ўрталаридан бошлаб халқ Қ.т. инкирозга учраб, унинг ўрнида янги типдаги, ёзма драма асосида иш олиб борувчи хаваскорлик ва ярим профес-сионал труппалар майдонга кела бошлади. 20-а. бошида Россиядаги халқ Қ.т. давр талабларига жавоб беролмай қолди. Бироқ унинг анъаналари, тажри-баси янги шаклдаги Қ.т.нинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди.

1924 й. Е.С.Деммени раҳбарлигидаги Ленинград Қ.т., 1931 й.да С.В. *Образ-цов* раҳбарлигидаги Марказий Қ.т. ташкил қилинди.

Ўзбекистонда Қ.т. ўтмишда тараққий этган бўлиб, унинг «*чодир хаёл*», «*чодир жамол*», «*фонус хаёл*» турлари фаолият кўрсатиб келган. Мустамлака ва совет даврида ҳам халқ кўғирчоқбозларининг 40 га яқин тўдаси (ҳар тўдада кўғирчоқбоз, корфармон, 2—3 созанда бўлган) иш олиб борган. Янги шаклдаги Қ.т. хаваскорлиги 20-а.нинг бошларидан бошланган. 1939 й. Тошкентда Республика кўғирчоқ театри, 1968 й. Андижонда «*Лола*» театри ташкил топди. Ўзбекистонда 10 та давлат тасарруфидаги ва кўплаб хаваскор кўғирчоқтеатрлари фаолият кўрсатади (2005).

Ад.: Гаврилов М.Ф., Кукольный театр Узбекистана, Т., 1928; Қодиров М., Халқ кўғирчоқ театри, Т., 1972; Узбекский традиционный театр кукол, Т., 1979; Смирнова Н. И., Искусство играющих кукол, М., 1983.

Муҳсин Қодиров.